

Алихонгура СОҒУНИЙ

# ТАРИХИ МУҲАММАДИЙ

*3-нашр*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2004

Асарда бобомизнинг ўз услубларини ва  
матн эркинликларини аслича сақлаб қолишга  
ҳаракат қилдик.

Матнни араб ва кирилл имлосида  
тайёрловчилар:

*Муҳаммадёрхонтўра Алихонтўра ўғли ШОКИРОВ,  
Баҳманёр ШОКИР*

Масъул муҳаррир  
*Абдулазиз МАНСУР*

C-73

### **Соғуний Алихонтўра**

Тарихи Муҳаммадий (3-нашр).—Т.: «Шарқ», 2004.—  
672 б.

Ушбу китоб «XX аср Имом Бухорийи» деб шуҳрат топган оташин Ислом тарғиботчиси, собиқ Шарқий Туркистон Ислом жумҳуриятининг президенти, маршал Алихонтўра Соғуний (Аллоҳ раҳмат қилсин) қаламларига мансуб нодир асардир.

Бу асарда Ислом дини тарихи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт ва фаолиятлари, 23 йиллик пайғамбарлик даврларида бошларидан кечирган оғир ва енгил кунлари, тўрт халифалари, саҳобаи киромлари ва бошқа мусулмонларнинг иймон ва Ислом йўлида қилган хизматлари, мушрик ва куфр аҳлининг дастлаб Ислом динига кўрсатган қаршилик ва инкорлари, сўнгра ҳақиқатни идрок этганларидан кейин тўп-тўп бўлиб Ислом динини қабул этганлари, ажойиб ва ғаройиб тарихий воқеалар батафсил баён этилган.

Бу китоб ўрта ва олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, исломшунос олимлар ва кенг китобхонлар оммаси учун фойдали манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

**ББК.86.38**

## БУЮК УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

«Тарихи Муҳаммадий» муаллифи Алихонтўра Соғунийни асримизнинг кўплаб уламои фозилари ўзларининг буюк устозлари деб биладилар. Зеро, ул зоти бобаракотнинг серфайз ва таъсирчан суҳбатларидан бир лаҳза баҳраманд бўлган ҳар бир толиби содиқ йиллар давомида ўзга устозлардан олган сабоқлари ёки юзлаб мутолаа қилган китоблардан олган маълумотларидан ҳам зиёдроқ истифода этар эди, десам муболаға бўлмас. Камина эса бир лаҳза эмас, Тангрига беҳад шукрлар айтаманким, ул устози кулнинг дарсгўйлик давраларида ва файзли суҳбатларида кўп бўлганман ва кўпдан-кўп илмий иштибоҳларимни сўраб ўта қониқарли жавоблар олганман.

Ҳамон эсимда, 1971 йили Марғилон шахрига борганларида бир илмий суҳбатда ҳозирларнинг кўпчилиги толиби илмлар эканини назарда тутиб, аҳли мажлисга Қуръони каримдан Вал-аср сурасини тафсир қилиб берган эдилар. Сура энг қисқа суралардан бўлиб, атиги уч оят — икки сатр бўлишига қарамай устоз роппа-роса икки соат таҳлил этиб, оятларнинг ҳар бир калима, ҳатто ҳарфи зимнидаги ҳикмати ва нуқталарини шунчалик ҳақимона шархлар эдиларки, диққат билан сомеъ бўлиб турган уламо ва толиблар бошларига қуш қўнгандек сукут сақлаган ҳолда вужудлари қулоқ бўлиб, ҳар бир сўзларини уқиб олишга ва мағзини чақишга ҳаракат қилар эдилар.

Дарҳақиқат, устоз илму ҳикматнинг бир-икки соҳасида эмас, балки илми қироат, тафсир, ҳадис, фикҳ, наҳв, балоғат, мантиқ, тиб, тарих, сийрат, жуғрофия, назму наср ва бошқа фанлар бўйича ҳам етук мутахассис эдилар.

Энди ушбу сийрати набавийя фанига мансуб «Тарихи Муҳаммадий» асари хусусида ҳам бироз тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Ислом тарихи ва жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салоту вас-саломнинг ҳаётлари ва фаолиятлари тўғрисида ҳозиргача араб, форс, турк ва бошқа

шарқ ва ғарб тилларида жуда кўплаб асарлар ёзилган. Лекин Алихонтўра Соғунийнинг ушбу асари уларнинг хулосаси бўлиши билан бирга, маълумотларининг ишончли манбалардан олинганлиги, ҳар бир тарихий воқеа баёнидан кейин муаллифнинг унга нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини ибратли равишда изҳор этганлари ва асарга имкони борича бадиийлик киритиб ҳар қандай китобхонни ўзига ром этиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Менинг фикримча, асарни бир марта ўқиб чиқишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки шу муҳим манбага тез-тез мурожаат қилиб туриш керак. Табиийки, ҳар сафар янги-янги тушунчалар кашф этилиб, китобхонда ўзгача таассуротлар ҳосил бўлади. Бу фақат каминанинг фикри эмас. Асарни мутолаа қилиб чиққан кўпдан-кўп дўстларимиз ҳам ушбу гапни такрорлаб турадилар. Айниқса, имом-хатиблар, уламои киромлар ва толиби илмларнинг ҳар бирларида ушбу ноёб асардан бўлишини тавсия этардим. Зеро, ҳозирги кунимизда Ислом тарихи бўйича ўз она тилимизда батафсил ёзилган бундан ўзга асар йўқ. Бундан ташқари бу фанга доир ҳар қандай китоб унинг ўрнини боса олмайди. Хуллас, «Тарихий Муҳаммадий» китобини ҳар қанча таъриф ва тавсиф қилинса, камлик қилади. Яхшиси, асарнинг ўзини қунт билан мутолаа қилиб, унинг серқиррали маълумотларидан, файзу футухди мазмунларидан баҳраманда бўлган китобхонгина бундай таърифларда муболага йўқ эканига тўла ишонч ҳосил қилади.

Ҳадиси шарифда ворид бўлганки, баъзи бир қилинган хайрли ишларнинг савоби инсоннинг вафотидан кейин ҳам то рўзи қиёматгача унинг номаи аъмолига битиб турилар экан. Устозимизнинг ушбу асари худди шундай солиҳ амаллардандир. Бинобарин, уни ўқиб, фойдаланувчи барча китобхонлар номидан ул зоти шарифнинг ҳақларига дуои хайрлар қилиб қоламиз.

**Абдулазиз МАНСУР**

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Аллоҳга беадаг ҳамду санолар бўлсинки, қўлингизда «Тарихи Муҳаммадий»нинг тўлиқ китоби турибди.

Асар муаллифи Алихонтўра Соғуний Шокирхўжа эшон ўғли, Муҳаммадхўжа ўғли, Мирниёз ўғли эрурлар.

Буюк инсонлар ҳақида ёзиш ҳамиша шарафли, масъулиятли ва шу билан бир вақтда ўта мураккаб вазифадир. Бобомиз 1885 йил 21 мартда собиқ Туркистон ўлкасининг Тўқмоқ шаҳрида ўзбек оиласида туғилганлар. Нақшбандий сулукига мансуб уламолардан бўлмиш катта бобомиз Шокирхўжа эшон бошқалардан укучанлиги, тиришқоқлиги ва зехн-заковати билан ажралиб турадиган иккинчи ўғли Алихонтўрани катта ўғли Олимхонтўра билан бирга узоқ Арабистонга ўқишга юборадилар.

Талабалик йилларидаёқ оламдаги ижтимоий воқеликни, сиёсатни туб моҳияти билан англай бошлайдилар. Илмга чанқоқ бу талабанинг ёшликдан амал қилиб юрган шиори «Ал-илму фис-сиғари кан-нақши алал-ҳажари», яъни «Ёшликда эгалланган билим — тошга ўйилган нақш» эди.

Ўз ғайрат-интилишлари билан пировардига бобомиз ўз замонасининг забардаст олими, буюк алломаси бўлиб етишдилар. Лекин тақдири азал ҳамма замонларнинг улуғ сардорларига қилган «марҳаматини» бобомиздан ҳам дариғ тутмади. Советлар исканжасида яшаётган мусулмонларнинг озодлиги ҳақида фаол ташаббуслари сабаб таъқиб қилина бошлагач, 30-йилларда у киши оиласи билан Хитойга ўтиб кетадилар. Сабабки, энг ғайриинсоний мафкура асосида қурилган чиркин совет тузумининг туб моҳиятини ҳаммадан олдинроқ англаганлар. Тафаккур ва маърифат душманлари Хитойга ҳам алақачон етиб боришганди. Натижада улар 1937 йил бобомизни умрбод қамоқ жазосига маҳкум қиладилар. Аллоҳнинг марҳамати билан, 1941

йил бу жазодан озод бўлиб, махфий «Озодлик жамияти»га раҳбарлик қиладилар. Шундай қилиб, бутун Шин-Жон ўлкасига жуда катта озодлик ҳаракати бошланади. 1944 йилги қуроли қўзғолон натижасига «Озод Шарқий Туркистон» республикаси барпо этилади. Чанкайши ва гоминданчиларнинг деярли юз минг кишилик армиясига қарши кетма-кет олиб борилган шиддатли жангларда улар тор-мор этилади. Миллий Армиянинг Бош қўмондони Алихонтўрага Маршал унвони берилди ва у киши Шарқий Туркистон жумҳуриятининг биринчи президенти этиб сайланади.

Шундай қилиб, бизнинг Ўзбекистонга деярли уч баробар келадиган улкан ҳудудда яна бир ислом давлати вужудга келади. Бу эса даҳрийлик асосига қурилган совет давлати раҳбариятини қаттиқ ташвишга солади. Оқибатда қонхўр Сталиннинг буйруғи билан, жиноятчилар бобомизни музокарага таклиф қилиш баҳонаси билан ўғирлаб кетишади. Ўттиз минг фидоий йигитлардан тузилган мунтазам армия ҳамда милёнлаб ватанпарвар мусулмонлар эса мунгайиб қолавериб қолган. Тошкентда бобомиз бир неча йил уй маҳбуси бўлиб ўтирганлар.

Шундай ноҳақликлар оқибатида фаол сиёсатдан воз кечишга мажбур этилган, қалби қайғу-ҳасрат, дарғу аламга тўлган, аммо ўз эътиқоди, ўз мафкурасидан заррача чекинмаган жафокаш инсон илму фан тадқиқотларига шўнғиб кетадилар.

Бобомизнинг бундай оғир кунларни бошларидан кечиришлари жаноби Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бир ҳадиси шарифларида келган мазмунни беихтиёр эслатади, Ул зот айтган эканлар: «Балою офат, ғурбат ва мусибатларнинг энг қаттиғи бу дунёда пайғамбарларга, сўнг уларнинг хайрли ишларини давом эттирувчи уламоларга, сўнг шуларга ўхшаш солиҳ кишилар бошига келиши муқаррардир».

Бу ҳадиси шариф руҳини танларига сингдириб олган бобомиз қанчалик кўп зулму ситам тортсалар ҳам тақдир эгаси устидан ҳаргиз шикоят қилмас, балки шукр ва мамнунлик бажо келтирар эдилар.

Алихонтўранинг Тошкентда ўтган сўнги ўттиз йиллик умри ижодий жиҳатдан жуда сермахсул бўлган.

Жумлаган, Херман Вамберининг «Бухоро ёки Моваруннахр тарихи» китобини, Аҳмад Донишнинг «Навоирул Вақое» асарини ҳамда Дарвиш Али Чангийнинг «Муסיқа» рисоласини форс тилидан таржима қилдилар. Айниқса, «Темур тузуқлари» шоҳ асарини эски форсийдан таржима қилиб, «Гулистон» журналида нашр қилганларида (1967 йил) чинакам инқилоб бўлган эди. Ўшанда «қонхўр Темур»ни улуғлашга қандай ҳадди сифди, деб бобомизга бутун «катта раҳбар»лар ҳужум қилган, журналнинг бош муҳаррири ва Марказқўмдаги қатор масъуллар ишдан олинганди. Ваҳоланки, бобомиз Амир Темурни ўзбек халқига тирилтириб бериб кетган эдилар. Яратганга шукрки, мана бизнинг кунларга келиб Тошкентнинг марказида Соҳибқирон Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди.

Бобомизнинг энг улуғ зоти олийларгагина хос сифатларидан бири — мансабга интилиш ва шуҳратпарастликдан йироқ бўлганларидир. Бир неча йил бурун «Темур тузуқлари»ни китоб шаклида чоп этдилар. Асарни бизнинг ҳозирги тилимизга мувофиқлаштириб, бобомизнинг ёнига яна бир кишининг исми-шарифини қўшиб, Алихонтўранинг таржимаси сифатсиз ва хатоси кўп эди, асар деярли қайтадан таржима бўлди, деб бир профессор олим танқид қилиб, сўзбоши ёзбди. Бобомизга бағишланган катта анжуманда шогирдларидан бири ўша танқидчи олимга қарата шундай деганди: «Устознинг шуҳрат отига мингашибсиз, лекин у кишини танқид қилишга сизга ким ҳуқуқ берди. Ахир буюқлар нуқсонини қидириш учун ҳеч бўлмаганда улар даражасига яқинроқ бўлиш керак эмасми?» Ўшанда катта зал бу гапдан ларзага келганди.

«Ҳар бир давлат раҳбари, подшоси агар «Темур тузуқлари»дан мукаммал хабардор бўлса ва унга амал қилса, у энг одил, энг қудратли ва енгилмас давлат подшоси бўлиши муқаррар», деган эдилар бобом.

Бобомиз кучли табиб ҳам эдилар, ҳатто саратон касалининг муолажасини билганлар.

Совет тиббиётида узоқ вақт тан олинмаган сексопатология фанининг билимдони ҳам Алихонтўра Соғуний эдилар.

Бобомиз қаламига мансуб «Шифо-ул илал», яъни «Ил-

латлар шифоси» асари ҳам мавжуд. Унда икки юзга яқин касалликлар баёни, ташхиси ва даволаш усуллари берилган.

Етук сиёсий арбоб ва ҳақиқий ватанпарвар бўлган Алихонтўра Соғуний «Туркистон қайғуси» деган катта асарнинг муаллифидирлар. Бу асарда бизнинг халқимиз қандай қилиб босқинчиларга қул бўлиб қолгани ва қандай қилиб динни, Ватанни, миллатни асраш кераклиги чуқур сиёсий-ижтимоий манتيқ асосида мукамал баён этилади.

«Тарихи Муҳаммадий»нинг ёзилиши қанчалик кучайрат, машаққатли меҳнат ва билим-заковат талаб этган бўлса, уни қабих коммунистик тузум таъқибидан асраш ундан ҳам қийинроқ бўлган. Бобом деярли йигирма йил мобайнида жуда оғир аҳволда, диндорлар қувғинда бўлган йиллари ёзган бу бебаҳо асарни авайлаб замони саодатга, келажак авлодга етказиб бериш учун кўп йиллаб уни ер остида, ҳатто ун қопларида ҳам сақлаганлар.

Ўзбекистонимиз истиқлолга эришган бу доруломон кунларда адолат қарор топиб, ҳақиқат очиқ айтимокдаким, йирик ислоний-фалсафий олимларнинг яқдиллик билан эътироф этишларича, «Тарихи Муҳаммадий» ХХ асрнинг энг инсонпарвар, бетакрор, буюк асарларидан бири ҳисобланади. Китобни оққа кўчириш, хаттотлик эса ёшлигиданоқ энг олий мақсади Отага хизмат қилиш бўлган, бобомнинг суюкли фарзандлари — менинг падари бузругворим бўлмиш Муҳаммадёрхонтўра зиммаларида эди. Биз ёш бола эдик, дадамлар ниҳоятда гўзал арабча ҳусни хатлари билан туну кун ёзардилар.

«Туркистон қайғуси»да бобомнинг шундай сўзлари бор: «маълубиятга учраб, душманларидан енгилган миллатлар доимо қайғу-ҳасратга қолиб, хору зорлик бирла яшамоққа мажбурдирлар. Ҳар кимсага маълумдурки, ҳаёт оламида инсоннинг энг севган, қадрлик, қимматлик тўрт нарсаи бордур. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўлулар.

Аларнинг энг биринчиси шулдурки, ҳар одам ўз эрк ва ихтиёрига эга бўлмоғи керакдур. Ўзига эрки, қўлига ихтиёри йўқ одамларнинг ҳайвондан нима фарқлари бор.



Иккинчиси шулки, шаръий ёки қонуний касблар орқали топган молу дунёси, қилган меҳнатининг меваси шул топгувчининг ўз ҳаққи бўлиб, анинг хос мулкидур.

Учинчиси, ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси, у миллатнинг туғилиб ўсган, ота-бобосидан мерос қолган Ватанидур. Она Ватанни бошқалар тасарруфига қолдирмоқ — Ватан авлодларининг кечирилмас оғир жиноятларидур, балки инсон ҳуқуқларига қилган хиёнатидур.

Тўртинчиси, ҳар бир мамлакат халқининг асрлар бўйи асралиб келаётган муқаддас динларидур.

Энди юқорида ёзилмиш бу тўрт нарсага эга бўлмоқ учун ҳар миллатнинг бутун ҳуқуқлари шу миллатнинг ўз қўлига бўлиши шартдур».

Бобомиз туб маънодаги олим бўлиб, тиббиёт, фалсафа, геология, тарих, математика фанларининг етук олимлари — профессор, академикларига устозлик қилганлар. Шундай экан, нима учун матбуотда у кишининг номи эшитилмас эди, деган савол туғилиши табиий.

Авалло, совет ҳукумати Алихонтўранинг номини матбуотда тилга олишдан қўрққан. Иккинчидан, яхшиси бир мисол келтирай: «Содиқов деган ТошМЙнинг бир профессори бобомизга қадимги бир қўлёзма кўтариб келади. Уни ўқишга ҳали ҳеч кимнинг тиши ўтмаган экан. Бобомиз салкам уч юз йил илгари форсийда ёзилган бу қўлёзма тиббий асар эканини айтиб, уни дарҳол арабчага ва туркийга ўтирадилар ва у кишига қайтиб берадилар. Профессор дарҳол тақриз ёзиб, асарнинг у ер-бу ерини «тузатган» киши бўлиб, ўзининг номидан босиб чиқаради. Воқеадан хабардор бир шогирдлари бобомизнинг олдиларига келиб: «Анави профессор қўлёзмани каттагина брошюра қилиб, фақат ўз номидан чиқарибди, Сизнинг номингизни ҳатто тилга ҳам олмабди», деганида бобомиз хурсанд бўлиб: «Ҳа, баракалла, китоб қилибдими, а? Неча минг дона китоб қилиб босибди? Халқ ўқийдиган бўлибди-да, барака топсин!» деган эдилар.

Бобомиз биз фарзандлари учун бир вақтда устоз ҳам бўлганлар, менинг ўзим учун эса туб маънодаги ҳақиқий инсон тимсоли эдилар. «Болалигимдан бир ода-

тим бор, агарда иккита чопоним бўлса, унинг янгисини бировга бергим келаверади», дегдилар. Шу гаплари ҳеч ёдидан чиқмайди.

Бир вақтлар «саховатли» совет ҳукумати берган катта ҳовлининг бир қисмини олиб қолиб, қолганини умрбод тайинланган 500 сўм нафақаси билан қўшиб, болалар боғчасига бериб юборган эдилар.

Энди у кишининг сифатларини санайверсак, алоҳида китоб бўлади. Алихонтўра валийлик даражасига етишган улуғ зот эдиларки, уни ҳам қатор ибратли воқеаларда кузатишган.

Фариброқ бир киши тўй қилмоқчи эдим, деб қарзга икки минг сўм пул сўраб келди. Мен ўшанда бобомнинг ёнларида қайсидир бир дорини тайёрлашда ёрдам бераётган эдим. «Маъқул, дегдилар, бироз шошманг, манави дори тайёр бўлсин, болаларингиз билан ичиб юрасиз, юрак ва ошқозонга қувват бўлади». Шу пайтда тужжор ихлосманг шогирдларидан бири бобомиз зиёратларига келиб қолди. Хол-аҳвол сўрашиб, бир пиёла чой ичгач, узр сўраб кетишга отланди ва: «сизга атагандим, тақсир», деб қоғозга ўралган пул берди-ю, хайрлашиб ортига қайтди.

У кетгач, бобом менга шу пулни санатдилар. Пул роппа-роса 2000 сўм экан. «Мана пулингиз, Худо сизнинг насибангизни ҳам етказди, бу пул қарз эмас, сизга ҳадя», дегдилар.

Ўтирганлар бу каромат ишдан ҳангу манг бўлиб қолишди. Бояги одам эса йиғлай-йиғлай, дуо қила-қила хайрлашди.

Бобом: «Миллатимиз равнақи учун ақл-заковат, албатта, керак, шу билан бирга у, шижоату матонат, жисмоний баркамолликсиз етарли бўлмас», дегдилар. Улар спортни севардилар. Ёшликларига курашиб кураклари ерга тегмаган экан. Спортчи бўлишимга ҳам бобомиз сабабчилар. Менинг ГУЛАГ қамоқхоналарида, Сибир ўрмонларида ва Қозоғистон чўлларида кечирган деярли ўн йил давом этган машаққатли ҳаётим даврида аввало, Аллоҳнинг мадади ҳамда бобомнинг руҳлари ва берган таълимлари ҳамиша раҳнамо бўлган, Аллоҳ ул зотдан рози бўлсин!

Бобомиз тенги йўқ, нотик ҳам эдилар. Сўзлаганла-

рида нуруний юзларидан мудом нур таралиб турар, бирорта ҳам кераксиз сўз ишлатмасдилар. Сўзлашдан олдин бироз сукутга кетардилар, сўнг оҳиста сўз бошлаб, ўқдек чақнаб чиқиб, қалбларга малҳамдек ўрнашадиган сўзлари-ю, қамрови олам-жаҳон фикрлари билан барчани ўзларига мафтун этардилар.

Алихонтўра Соғуний ана шундай, Озодлик, Ватан ва миллат фарзанди эдиларким, ўзлари башорат қилиб ўттиз йиллар бурун айтган гаплари ҳозирги кунда амалга ошаётир. Озодликка эришган Ўзбекистонимизни ва бошқа озод Туркистон халқларини кўриб қувонган бўлур эдилар.

«Ўзбек эли, айниқса, Тошкент аҳли кут-баракот киндигида яшайди, бу ерларга азиз-авлиёларнинг дуоиси кетган, бунда ҳеч қачон рчарчилик, қаҳатчилик бўлган эмас, бўлмайди ҳам, иншооллоҳ», дегандилар бобомиз.

Азиз биродарлар, ушбу китоб Алихонтўра Соғуний ҳазратлари таваллуд топганларининг 120 йиллиги олтидан у зот авлодларидан сизнинг хонадон аҳллари-гизга муносиб тўхфа бўлар деган умиддамиз.

**Баҳманёр ШОКИР**



Мақташ ва улуғлаш чексиз улуғ қудратлик Аллоҳга лойиқдурким, Муҳаммад нурини халқ этиб, анинг туфайлидин барча оламини яратди. Оламини яратишдан мақсади, одам яратиш эди. Мунинг ҳикмати эрса, олам халқига ўзини танитиб, амр-наҳийини аларга биддириш эди. Шунинг учун инсонлар ичида алардин улуғ руҳлик, пок зотлик бир гуруҳ, кишилар яратиб, ўзи ила бандалари орасида ялавочлик вазифасини аларга тошширди. Буларнинг энг аввали ҳамма инсон отаси, Отамиз ҳазрат Одам Сафийюллоҳдир. Ҳаммаларидин афзал, энг охири хотамул анбиё Пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам эрур.

Эй улуғ Тангрим, дунё яратилишидин бошлаб ёққан ёмғирлар қатраларича, ёғочлар (дарахтлар) япроғи, қум-тупроқ заррачаларининг сонларича, ўз илминг сиғдирганича раҳмат ва ҳурматларингни Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ва унинг авлод ва асҳобларига еткурғил.

## СЎЗБОШИ

Билмак керакким, ҳар бир мусулмон боласи, хоҳи эр киши, хоҳи хотун киши, хоҳи ёш, хоҳи қари, мана шу тубандаги тўрт нарсанинг тарихини билиши албатта лозимдур.

**I. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарихлари.**

**II. Қуръони карим тарихи.**

**III. Дини Ислом тарихи.**

**IV. Каъбатуллоҳ тарихи.**

Шунинг учун, мен фақир — Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғунийдурманким, бизлардин кейинги авлод насларимизга ва ҳам бошқа туркий тиллик ватандош, дин қариндошларимизга меъдан ёдгор бўлсин деб юқоридаги тўрт нарса тарихини ҳар қандоқ киши тушунгудек қилиб, очиқ туркий тилида ёздим. Бу китобга «Тарихи Муҳаммадий» деб от қўйдим. Буни ўқигувчилар фақирни дуоларида ёд қилиб қўйишларини умид қилурман.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ НАСАБЛАРИ ВА ТУҒИЛИШЛАРИ

Билмак керакким, умматман деган ҳар бир одам, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни ўз ота-онасини танигандек билиши лозимдур. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари араб наслидин, Қурайш қабиласи, Бани Ҳошим урувидин бўлиб, номи шарифлари Муҳаммаддир, соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Туғилган жойлари Арабистонда Макка шаҳридур. Оталари Абдуллоҳ, Абдуллоҳнинг отаси Абдулмутталиб, унинг отаси Ҳошим, унинг отаси Абдуманофдур. Ушбу тўрт оталарини билишлик ҳар бир мусулмонга лозимдур. 11-оталари Қурайш, 21-оталари Аднондур.

Пайғамбаримизнинг юқориги оталари Иброҳим Халилуллоҳдур. Оналарининг отлари Оминадур. Пайғамбаримиз ота-онадин ёлғиз туғилган, тўнғич ўғилдур. Чунки пайғамбаримиз она қорнида икки ойлик бўлган чоғларида оталари Абдуллоҳ Шом сафарига кетаётиб, Мадина шаҳрида вафот топдилар, ёшлари ўттизга етмаган эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Исо алайҳиссаломдин 571 йил кейин туғилдилар. У замонда Эрон мамлакатида машҳур Нўширавон Одил подшоҳ эди. Одил подшоҳ замонида туғилдим, деган сўзлари марвийдур. Раббиул-аввал ойининг 12-си душанба кечаси, саҳар вақтида дунёга келдилар. Она қорнида ётишлари, онадин туғилишлари бошқа болалардек бўлмади. Чунки оналари Омина оғир бўй хотунлардек қурсоқ оғирлигини сезмади, юклик хотунларга бўладурган бадан оғирчиликларининг ҳеч бирини билмади.

Она қорнида 6 ойлик бўлганларида «Худонинг дўсти, охирзамон Пайғамбарига юклик бўлдинг, — деб Оминага тушларида башорат бўлди. — Бу муборак ўғил туғилган сўнгида оти Муҳаммад бўлсин», дейилди.

Туғилиш ой-кунлари тамом бўлганда Аллоҳнинг қуд-

рати билан ҳазрати Марям, Фиръавннинг хотуни ҳазрати Осие ва бошқа бир неча ҳур қизлар билан даяликка ҳозир бўлдилар. Бола туққан хотунлардек одатдаги тўлоқ, тортиш, қурсоқ оғриғи, қон келишига ўхшаш нарсалардин ҳеч бири бўлмади. Пайғамбаримиз туғилганларида поклик, тозалик билан вужудга келдилар. Шундоқки, суннат қилинган эдилар. Киндиклари кесилган, баданлари ёланган, хуш ислик нарсалар суртилган ҳолда туғилдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келган кечасида ул зотнинг шараф ва ҳурматлари учун Худои таоло кўп мўъжизалар кўрсатди. Ул замонда олам ҳаммаси кофиристон эди, ўтган пайғамбарларнинг кўрсатган ҳақ динларидин одамлар адашган эдилар. Араб мушриклари тарафидин Байтуллоҳга 360 дона бут осилган эди. Арабларнинг ҳар бир уруғи ўзларига атаб, Байтуллоҳга бир дондан бут осиб қўйишни одат қилган эдилар. Мана шу бутлар Пайғамбаримиз туғилган кечада ҳаммалари юзгубан йиқилиб, ерга тушди. Эрталаб келган кофирлар бу ҳолни кўриб, ҳайрон қолдилар. Ва ҳам она қорнидан ерга тушган чоғларида бир нур пайдо бўлди, унинг ёруғлигидан Шом вилоятидаги Бусро деган шаҳарнинг саройлари кўринди. Макка шаҳри билан бунинг оралиғи 50 кунлик йўл эди. Ҳозирги Эрон халқи у замонларда ҳаммалари оташпараст кофир эдилар. Тутган динлари эса мажусийлар дини — ўтпарастлик эди. Буларнинг оташқада, яъни ибодатхоналаридаги минг йиллаб, узун замонлардин бери ўчмай, ёниб турғон ҳисобсиз ўтлари Пайғамбаримиз она қорнидан тушган чоғларида ўчиб қолди. Яна ул мамлакатда Сова деган бир кўл бор эди, шул кечада ерга сингиб кетиб Сомова деган чўлдан қайнаб чиқди. Ул чўл сувга мўл бўлди, кўлга айланди. Мана шунга ўхшаш у кечада бир неча турли мўъжизалар пайдо бўлдимиз, агар уларнинг ҳаммаси бу ўринда ёзилса, бир китоб бўлур. Энди бу жойда айтганларимиз дарёдан бир чўмич, хирмондан бир ҳовуч мисоли бўлса ҳам қолганларга ишорат, мўминларга башоратдур.

Пайғамбаримиз туғилганларини англагач, боболари Абдулмутталиб ҳаммадин ортиқроқ суянди. Ёшлигида ўлиб кетган боласи Абдуллоҳдин ёдгор қолган ёлғиз ўғлим Муҳаммад, деб кўп суяр эди.

## ЭМИЗДИРИЛИШЛАРИ

У замондаги шаҳарлик арабларнинг одатлари янги туғилган болаларини саҳролик бадавий қабилаларига эми-зишга берур эдилар. Атрофдаги бадавийларга ҳар йили кузда, кўкламда эмизишга бола олиш учун Макка шаҳ-рига келиш одат эди. Шунинг учун Бани-Саъд уруғидин Ҳалима деган хотун ўз қабиласидин чиққан хотунларга кўшилиб, ўзи бир ориқ эшак миниб, эри бир ориқ туя минган ҳолда чиқишган эдилар. Буларнинг минган улов-лари ҳолсизликдан яхши юролмай ҳамманинг ортида қолишди. Улар шаҳарга келгунларича илгари келган хо-тунлар ота-оналик бой болаларни танлаб олишиб кетган эдилар.

Пайғамбаримиз бир фақир оиланинг етим боласи бўлганлигидан уни эмизишга ҳеч бир хотун ортиқча қизиқмас эди. Ҳамманинг кейинида қолган Ҳалима ҳам шаҳарга кирди. Эмизишга бола сўроқлаб юргани-да Пайғамбаримизнинг боболари Абдулмутталиб кўриб қолиб, бизнинг бир етим боламиз бор эди, деб келин-лари Омина уйига бошлаб келди. Ҳазрати Омина Ҳали-мани кўриб, айтдиким:

— Бизни камбағал, боламни етим демасанглар, эми-зишга берайин, — деб оқ жун йўргакка ўралган Пай-ғамбаримизни Ҳалимага кўрсатди.

Ҳалиманинг кўзи тушиши билан меҳри кўзғалиб, сўл эмчакларини оғизларига солган эди, оғизларини юмиб, эммай қўйдилар. Иккинчи ўнг эмчакларини сол-ганда, дарҳол эма бошладилар. Мана шу кундин тор-тиб, то сутдан чиққунчалик, сўл эмчакни эмақдош бо-лага қолдириб, ўзлари ўнг эмчакни эмишни одат қил-дилар.

Ҳалима хотун бу муборак ўғилни олиши билан улар-нинг уйлари хайру баракага тўлди. Нима иш қилсалар ривож топиб, тирикчиликлари тузалди. Сути озлиги-дан ёлғиз ўғил тўймасдан ориқлаган эди, қачонки Пай-ғамбаримизни эмгизди эрса, сути булоқдек бўлиб оқа бошлади.

Маккага келишда ҳаммадин ортда қолган, минган эшаги, Пайғамбаримизни ўнгариб қайтар чоғида ҳам-манинг олдига тушиб юрди. Бу қутлик ҳайвонда бир турлик қувончилик ҳол пайдо бўлиб, ортиқча куч-қув-ватта эга бўлди. Бу сирни кўрган йўлдош хотунлар



хайрон қолдилар. Ва ҳам шу йиллар ёмғир етарлик ёғмай Арабистонда қуруқчилик эди. Ердан ўт унмаган сабаблик, ҳайвонлари ориқ бўлиб, аларнинг сутлари сўғолгон (тўхтаган) эди. Тирикчиликлари чорва сутқатигига суюнган кўчманчи араблар турмуш тўғриси-дин анчагина оғирчиликлар кечирмоқда эдилар.

Пайғамбаримиз Ҳалима хотун оиласига қўшилган-дин сўнгра унинг турмуши фавқулодда тузала бошлади, шундоқки, ориқликдан кўтарам ҳолга эришган қўй-эчкилари хиёл ўтмай семиришга турдилар. Ҳеч ерда чиққан ўт, еган чўплари кўринмасдин, елинлари тўлиб, сутлари оқиб келар эди. Ҳалиманинг бутун оиласи овқатга мўл бўлиб, уй ичлари сут-қатикқа тўлди.

Бу сирнинг тагига тушунмаган бошқа молдор қўшни араблар Ҳалима қўйчиси қайси ерда мол боқса, сизлар ҳам шу жойда боқинглар, деб ўз молчиларига бек топширур эдилар. Улуғ қудрат томонидан бўлган бу каромат сирларини у бечоралар қайдин билсинлар. Шундоқ қилиб, Ҳалима хотун Пайғамбаримизни тўлиқ икки ёшга етгунча эмгузди. Шу ёшдаёқ бошқа болалардин унуб-ўсишда кўп фарқлари бор эди. Эмди одат бўйунча сутдин чиқар вақти ёвуқлашди. Ҳалима ва унинг бутун оиласи Пайғамбаримиздин бирор нафас ҳам ажрашга тоб-тоқатлари йўқ эди. Шундоқ бўлса ҳам расму одатга қараб болани сутдан чиқаргани сўнгида Оминага келтурди. Бу муборак болага меҳри тушуб ажрашга тоқати йўқлигини билдириб йиғлади. Бу қутлуқ оёғ ўғил борғондин буён бўлган баракаларни баён қилиб, мумкин бўлса беш-ўн ёш бўлгунча тарбият қилишни сўради. Омина Ҳалимага раҳми келиб, Пайғамбаримизни унга қайтариб берди. Бундан сўнгра Ҳалиманинг қўлида яна икки йил туруб ёшлари тўртга тўлди.

### КЎКСИ ЁРИЛИШ ВОҚЕАСИ

Мана шу йилда «Шаққи Садр» воқеаси бўлди. Яъни, фаришталар келиб, муборак кўкракларини ёрдилар. Бу қисса баёни шундоқ эрдиким: бадавий араб болалари одатларича Пайғамбаримиз ҳам тўрт яшар чоғларида эмақдош бола билан бирга қўй, эчки, қўзиларни боқиб юришар эди. Бир куни эмақдош ўғил югурган ҳолда йиғлаб келиб хабар бердиким:

922452

— Укам Муҳаммадни оқ кийим кийган икки одам келиб ушлаб олди ва уни ерга ётқизиб, кўксини ёриб қўйди, — деди.

Ҳалима эри билан бу даҳшатли хабарни эшитиб, хушлари бошларидан учди. Фарёд-фиғон қилишиб чопишиб бордилар, кўрдиларким ранглари ўчган, вужудлари ўзгарган ҳолда турибдилар. Дарров кучоқларига олишиб:

— Эй ўғилчоғим, сизга нима бўлди? — деб сўрадилар. Анда Пайғамбаримиз:

— Оқ либослар кийган одам сифатида икки киши келди, мени ётқизиб, кўксимни ёрдилар, ичимга қўл солиб юрагимни чиқазиб, уни тилдилар, ундан қора қонни оқизиб ташлаб, бир жом кавсар суви билан кўп ювиб чайқадилар. «Мана, сендаги шайтон насибаси кетди, энди сенга шайтон йўл тополмайду», деб яна қайтадан кўксимни тикишиб қўйиб, ғойиб бўдилар, — дедилар.

Қарасалар кўксиларида ёрганнинг нишонаси қолиб, изи кўриниб турибдир. Бечора Ҳалима хотун эри билан бу кароматнинг ҳақиқатига тушунмай, бу ишнинг Худо тарафидин бўлганига ақллари етмай, кўнгила-рига турли хаёллар келиб, кўп қўрқунчиликлар тушди. Бу иш жин-шайтонлар қасдидин бўлди, деб гумон қилишди. Ўзлари Пайғамбаримиздин ажрашишларига сира тоқатлари бўлмаса ҳам, бу ҳодисадин кўрқиб, ночор Пайғамбаримизни оналари Оминага келтириб топширдилар.

— Бу муборак болага бундай меҳру муҳаббат қўйган энагаси биздин рухсатсиз келтурди, албатта, бунинг боиси бўлса керак, — деб сабабини Ҳалимадин сўрадилар, аввалда айтмай яшириб турган бўлса ҳам, сўнгра бўлган воқеани баён қилди ва:

— Бу иш жин-шайтонлар тарафидин бўлиш имконияти бордур — деди. Оналари Омина бу сўзга қарши дедиларким:

— Бу болам Муҳаммад бўйимга битгандин бошлаб, ғойибдин кўп ишорат-башоратлар кўриб келганман. Бу боланинг шарофатини билдириш учун туғут кечасида неча турли каромат ишлар бўлиб ўтгандир. Энди буңдоғ улуғ хосиятларга эга бўлган фарзандим Муҳаммадга ҳеч қачон жин-шайтонлар яқинлашолмайдилар, — деб Ҳалимага ҳурмат кўрсатиб, рухсат қилдилар.

Шу чоғда Пайғамбаримиз тўртга тўлиб, бешга қадам қўйган эдилар. Мана бу воқеа Пайғамбаримизга ёш болалик вақтларида бўлган мўъжизаларнинг бирисидур. Буни «Шаққи Садр» дейдурлар.

### ОНАЛАРИ БИЛАН МАДИНАГА САФАР ВА УНДАН ҚАЙТИШЛАРИ

Бундан сўнгра Пайғамбаримизнинг оналари ҳазрати Омина: «Мадинага бориб, боламга отаси Абдуллоҳ қабрини зиёрат қилдирай ва ҳам у жойдаги тоғалари билан кўриштириб келай», деб Мадина сафарига ният қилиб, йўлга чиқди.

Бу сафарда Умму Айман деган Абдуллоҳдин мерос қолган чўрилари ҳамроҳ эди. Бир неча кун йўл юришиб, саломат Мадинага етишдилар. Макка шаҳри билан Мадина оралиғи туя юришида ўн-ўн икки кунлик йўлдур. Тоға қабиласи ичида бир неча кун меҳмонликда бўлишди. Мақсад ўталгандин сўнгра яна Маккага қайтдилар. Макка ва Мадина шаҳарлари орасидаги Абво деган жойга келганида оналари Оминада бетоблик пайдо бўлди ва шу жойда ажал етиб, энди гина беш ёшга кирган фарзандларини додаклари (чўрилари) Умму Айманга топшириб, ёш жувонлик ҳолда вафот этди.

Мана шу жойга келганда, икки тоғ орасида меҳрибон оналаридан ҳам ажраб, ота-онасиз етим бўлиб, додаклари Умму Айман қўлида қолдилар. Сўнгра бу жойдин қўзғалиб, Маккага келгандин кейин боболари Абдулмутталиб зиёда меҳрибонлик кўрсатиб, ўз тарбиятига олди. Шу билан боболарининг қўлида ёшлари саккизга етди. Бу чоғда Абдулмутталибнинг ёши юздин ошган эди. «Ҳар бир туғилган киши — ўлимдир охирги иши» дегандек, бу киши ҳам ажали яқинлашиб, бетоблик тўшагида ётди. Ўн бир ўғил, олти қизлари бор эди. Уларни ёстиқ устига чақириб, васият қилди:

— Ўғлим Муҳаммад онасидин ёшлигида етим қолди, энди мендин ҳам ажраш вақти яқинлашди. Ўз ўрнимда Абу Толибни вакил қилдим, — деди. Сўнгра унга қараб айтди:

— Эй Абу Толиб, сен ўзинг камбағал одамсан ва ҳам ёш болаларинг кўпдур, шундоқ бўлса ҳам ўғлим Муҳаммадни сенга топширдим, чунки сен юмшоқ

кўнгиллик, мулойим сўзлик, улуф ҳикматлик кишидурсан ва ҳам Муҳаммад — оғанг Абдуллоҳнинг ўғлидур, мана шунинг учун ҳам Муҳаммадни сенга топширдим, — деб фоний дунёдин ўтди.

### АМАКИЛАРИ АБУ ТОЛИБНИНГ ТАРБИЯСИГА ЎТИШЛАРИ

Отаси Абдулмуталибнинг васиятича, Абу Толиб ҳам шу кундин бошлаб, вафот бўлгунчалик борлиқ кучқуввати билан Пайғамбаримиз тарбияларига киришди. У зотни ҳимоят қилишда ҳеч қандоқ камчилик кўрсатмади, шундоқ бўлиб амакилари Абу Толиб тарбиясида ёшлари ўн иккига эришди. У замондаги Қурайш халқининг ҳар йили савдогарчилик билан икки қайта сафарга чиқиш одатлари бор эди. Қиш фаслида бўлса, Яман шаҳрига, ёз кунлари Шом вилоятига бориб, савдогарчилик қилар эдилар. Шу одатларича, Шом сафарига тайёрланган Қурайш қарвонларига қўшилиб, Пайғамбаримизнинг амакилари Абу Толиб ҳам чиқмоқчи бўлди. Энди жўнар вақтида Пайғамбаримиз келиб, туянинг бурундигига осилдилар:

— Эй амаки, мени кимга ташлаб кетасиз, мен сиздан ажрамайман, — деб кўзларига ёш олдилар.

Буни кўриб, Абу Толибнинг кўнгли эзилди. Қариндошлик меҳри кўзғалиб, кўзига ёш келди ва ҳам сени ташлаб бу сафарга чиқмайман, деб қасамёд қилди. Шунинг билан Пайғамбаримиз Абу Толиб туясига мингашиб сафарга чиқдилар. Ҳаво ғоятда исиган вақти эди, мана шу кундан бошлаб, Пайғамбаримизнинг бош устиларига бир парча оқ булут чиқиб, соя солиб турди. Шом сафаридин қайтиб келганчалик шу булут сояси сира ажрамади.

Аллоҳ таоло ўз ҳабиби Пайғамбаримизга болалик кунларидин бошлаб шундоқ мўъжизаларни бериб, бошқалардин фарқли қилган эди. Макка шаҳри билан Шом вилоятининг оралиғи эрса, туя юришида қирқ-эллик кун чамалик йўлдур.

Қурайш қарвони бу йўлларни юриб, манзиллардин ўтиб, сўнгра Шом туяроғига кирдилар. Шу ерда Бусро шаҳри бўлиб, анинг яқинида бир савмаа, яъни насоро сўфийларининг ибодатхонаси бор эди. Ана шунда узун замонлардин бери Бухайро отлиқ бир обид ибодат қилиб ётур эди. Бу обид эрса, Исо алайҳиссалом кел-

тирган ҳақ динни тутган, у йўлдан адашмаган, Таврот, Инжил ўқиган катта олимлардин бўлиб, Пайғамбаримиз сифатларини Таврот, Инжил китобларида ўқиб билган эди. Ул айтур эдиким:

— Одам алайҳиссаломдин кейин кўп пайғамбарлар ўтдилар, энди барча пайғамбарлар улуғи, Худонинг дўсти, охирзамон Пайғамбари чиқар вақти яқинлашди, ул ўзи араб наслидин чиққай, Макка шаҳрида туғилиб, Мадина шаҳрига ҳижрат қилгай, ёш болалик вақтида Шом тупроғига киргай, — дер эди.

Бир куни савмаа устига чиқиб, Мадина тарафига қараб туриб эдиким, йироқдин қарвон қораси кўринди. Алар яқинроқ етиб келгунча пайқаб турди. Қараса, туя минган ёш бола тепасида бир парча оқ булут соя солиб турибдур. Буҳайро роҳиб Таврот, Инжил китобларида ўқиган охирзамон Пайғамбарининг сифатларини аниқлаб билиш учун, узун тикилиб турди. Қарвонлар ҳам кўшларини туширдилар. Сўнг Пайғамбаримиз бир дарахт тубига келиб ўтирдилар. Қараб турса, дарахт шохлари эгилиб келиб, устиларига соя ташлади. Мана бу қароматни кўриб, обид кўнгли қарор топди.

Дарров савмаасига кириб, қарвонлар учун бор зиёфат асбобини тортиб, бориб уларни меҳмонга қақирди. Қарвон халқи ичида ҳаммадин кичикроғи Пайғамбаримиз эдилар. Араблар одатларича ёш бола деб кўшқўлон сақлашга қолдириб, бошқалари зиёфатга ҳозир бўлишди. Роҳиб кўрдиким, Пайғамбаримиз келмабдилар.

— Сизлардин ким қолди? — деб сўради. Алар эса:

— Улуғларимиздин ҳеч ким қолмади, бир ёш бола-миздин бошқа барчамиз бормиз, — дейишди.

Бу роҳибнинг асл мақсади эса, Пайғамбаримиз дийдорларини тўйиб кўриш эди. Исо алайҳиссалом башорат берган, Таврот, Инжилда сифатлари айтилган охирзамон Пайғамбари эканликларини аниқлаб билиш эди. Қарвон аҳлини зиёфат қилишдан роҳибнинг мақсади ҳам шу эди. Йўқ эса, қарвонлар бундан илгари қанча қайта бу жойдин ўтганларида бу роҳибдин ҳеч қандоқ илтифот кўрмаган эдилар. Шунинг учун яна киши юбориб, қўймасдан қақиртириб келтирди. Келгандин сўнгра:

— Бу боланинг отаси сизлардин қайси биринглар? — деб сўради. Анда Абу Толиб:

— Мен отаси бўларман, — деб жавоб берганида роҳиб айтди:

— Ҳой, андоқ бўлмаса керак эди, бу боланинг ота-онаси ўлган бўлиб, ўзи етим бўлиши керак, — деди. Абу Толиб айтди:

— Бу сўзингиз тўғридур. Сиз дегандек, боланинг ота-онаси ёш чоғида ўлиб кетгандур. Мен бўлсам улар ўрнида тарбият қилиб турган амакисидурман.

Бу сўзларни эшитган роҳибга бу боланинг охирзамон Пайғамбарлиги аниқ бўлди. Таврот ва Инжилда айтилган сифатлари тўғри келди, деб кўнгли қаноатланди. Зиёфат ўтгандин сўнгра роҳиб Абу Толибни бир четга чақириб:

— Эй Абу Толиб, сизга хушхабар, бу ўғлингиз воясига етса, Аллоҳ таолонинг ҳабиби, анбиёлар сарвари — охирзамон Пайғамбари бўлур. Таврот ва Инжилда сифатлари ёзилмишдур. Узун йиллардин бери савмаада ётиб, шуни кутмоқда эдим. Алҳамдуиллоҳ, бутун мақсадимга етдим. Шом шаҳридаги яҳуд олимлари ҳам ўз китобларида бу воқеани кўриб, алар ҳам кутиб турмоқдалар. Чунки Аллоҳ таоло тарафидин Пайғамбарларга берилган барча китобларда бу Пайғамбарнинг сифатлари баён қилингандур. Шу жиҳатдан яҳуд, насоро олимлари бу ишдин хабардордурлар.

Энди бундоқ улуғ даражали пайғамбарлар алардин бўлмай, араб наслидин чиққанлиги учун, ҳасадлари кўзғолиб, кўнгилларида қаттиқ адоват сақламоқдадурлар. Энди манинг сизга дўстлик сўзим шуки, Шом шаҳрига кирмасдин, болани олиб, сиз бу жойдин қайтинг. Мабодо унга душманлар қасд қилиб, зиён заҳматлар еткузмасун, — деди.

Абу Толиб ҳам бу роҳиб сўзини англаб, Шоми шаҳриф ичига кирмай, карвон тушган жойда ишларини битириб қайтди. Энди ул жойдин карвон юриб, сизҳат-саломат Маккага етдилар.

Шундоқ қилиб, орадин ой, йиллар ўтиб, Пайғамбаримизнинг ёшлари йигирмадан ошди. Пайғамбаримиз болалик вақтидан бошлабоқ одоблик, кўркем ахлоқлик, чин сўзлик, юмшоқ кўнгиллик, саховатқўллик, гўзал қилиғлик, улуғ ҳимматлик эдилар. Катта-кичик, яхши-ёмон, дўст-душман барчага қилган ишлари ёқимлик эди. Ўйин-кулгудин, ботил ишлардин кўнгиллари нафрат қилур эди. Ул замондаги араб халқининг тутган бутпарастлик динларидин ва ҳар хил бузуқ ах-

лоқларидин бек жирканур эдилар. Буларнинг тутган динлари ботил диндур, албатта, хато йўл бўлмай, деб ишонур эдилар.

Бировдин кўрмасдин, ҳеч кимсадин ўрганмасдин Иброҳим Халилulloҳнинг ҳақ динларини тутган эдилар. Худо тарафидин кўнгилларига шундоқ илҳом бўлган эди.

Аввадда араб халқининг тутган динлари Иброҳим алайҳиссалом келтурган Ислоом дини бўлса ҳам, бу ўртада узун замонлар ўтиши билан ул йўлдан адашиб, буларда бутпарастлик кўп ривож топган эди. Ичларида Қурайш қабиласидан Варақа ибн Навфал деган бир олим киши бўлиб, бутун араблар ичида Иброҳим алайҳиссаломдин қолган ҳақ динни тутган ёлғизгина шу киши эди. Бу киши эрса, ҳазрати Хадича онамизнинг амакиларидур. Инжил китобларидин ўқиб кўриб, у киши:

— Охирзамон Пайғамбари чиқар чоғи яқинлашди. Шу кунларда туғилиб, сояси ер устига тушди. Ул араб насли, Қурайш уруғидин бўлиб, бутун халқни ҳақ динга даъват қилур. Унинг сўзига араблар инкор қилиб, қарши чиққайлар. Ўз қабиласидин унга кўп жабру жафолар етгай, охирида уни ўз шаҳри Маккадин қочишга мажбур қилгайлар. Кошки мен у замонда тирик бўлсам эдим. Афсуски, у замонни кўришга умр оз қолди, — деб ҳар қачон шундоқ сўзлар билан ҳасрат қилур эдилар. Варақанинг шундоқ сўзларини эшитиб юрган онамиз Хадича:

«Агар бу улуғ давлат араблар ичида бировга насиб бўлса, албатта, Муҳаммаддан бошқага бўлмаса керак. Чунки унда ҳар бир яхшилиқнинг белгилари бордур. Ўшандоқ зотнинг хизматига лойиқ бўлсам, никоҳларига кирсам, мен учун қандоқ улуғ бахт-давлат бўлур эди», деб ҳамшиша орзу қилар эди.

### **ХАДИЧА САВДОГАРЧИЛИГИГА ВАКИЛ БЎЛИБ ШОМ САФАРИГА ЧИҚҚАНЛАРИ**

Ҳазрати Хадича араб хотунлари ичида ортиқ ақлик, зийрак, чечанликлари зиёда бўлганликдан, ўз фаҳм-фаросатлари билан Пайғамбаримиз бошларида шундоқ бир улуғ давлат борлигини бурунданоқ сезиб юрар эди. Шунинг учун турлик баҳоналар билан яқинлашиб, шул зотнинг никоҳига кириш йўлини излар

эди. Ўзлари бўлса, Қурайш қабиласи ичида ҳасаб-насаблик, ҳусни жамолда чиройлик, уруф-аймоқлари олдида обрўлик, бой хотун бўлиб, бурунги эри ўлиб, тул ўлтурган эди. Қурайш қабиласи сайидларидан бир қанча совчи келиб, сўровчилар бўлса ҳам, алардин ҳеч бировини қабул қилмаган эди.

Макка шаҳрининг атоқлик бойлари қаторида қишда Яман вилоятига, ёзда Шом шаҳрига савдо тижоратлари йил сайин юриб турмоқда эди. Бир куни ҳазрати Хадича пайғамбаримизга киши юбориб, айтдиким:

— Муҳаммад бўлса, маним олдимда кўп ҳурматлик йигитдур, мен уни бек ишонимлик киши деб билурман, тижорат учун Шом шаҳрига юбормоқчи бўлиб, бир қанча мол тайёрладим. Агар хоҳлар экан, бу тижорат ишига бошчи бўлиб, бориб келсин. Фойдасига тенг шерик бўлурмиз, кейинчалик мендин кўп яхшиликлар кўргай, — деди.

Пайғамбаримиз бу сўзни ҳазрати Хадичадан эшитган сўнгида, амакилари Абу Толиб қошига келиб, андин маслаҳат сўрадилар. Абу Толиб ҳам бу сафардаги тижоратдин кўп фойда чиқишини чоғлаб, боришларига маслаҳат берди. Ҳазрати Хадича бу сўзни англади эрса, кўп хурсанд бўлиб, Майсара деган қулини йўлда хизмат қилиш учун ҳамроҳ қилиб қўшди ва ҳам Пайғамбаримиз ҳақида нима сирлар кўрса, йўлларда қандок воқеалар ўтса, пайқаб юришига буюрди.

Шунинг билан Пайғамбаримиз Хадичанинг молларини олиб, Шом қарвонлари билан йўлга чиқдилар. Бу сафарда Абу Бакр Сиддиқ ҳам бирга эди. Пайғамбаримиз билан ораларида ёшликларидин тортиб дўстлик алоқалари бор эди. Икковлари бир туяга мингашдилар. Туяга минишлари билан яна бир парча оқ булут тепаларида соя ташлаб турди. Сафар тамом бўлгунча кун иссиғида устиларидин шу булут сира ажрамади. Абу Бакр Сиддиқ ва Майсара бу сирни очик кўрдилар. Қарвонлар манзилдан-манзилга кўчиб, бир неча кун юришиб, Шом вилоятига келдилар.

Пайғамбаримиз ўн икки ёшларида амакилари Абу Толиб билан келган сафарларида кўришган Бухайро роҳибнинг савмаасига қарвон яқинлашди. Ул роҳиб бир неча йиллар илгари ўлиб кетиб, ўрнига Настуро деган роҳиб келиб ўлтирган эди. Бу ҳам Таврот, Инжил китобларида Пайғамбаримиз сифатларини кўриб, охирзамон Пайғамбарининг чиқар вақти ёвуқлашди,



Шом сафарига чиқиб, шу йўлдин ўтгувчидур, анинг жамолини кўрарманму деган умид билан савмаа уза-сидин (томи) кўз тутиб, Мадина тарафига боқиб турар эди.

Бир куни шул тарафдин карвон қораси кўринди, алар ичида устига бир парча булут соя солиб турган Пайғамбаримизга кўзи тушди. Карвон аҳли савмаа ол-дига келиб тушдилар. Пайғамбаримиз эрса, савмаа яқинидаги бир туп дарахт соясида ўлтирдилар, роҳиб келиб, Пайғамбаримизга узундан-узун тикилиб, қараб турди.

— Бу киши ким бўлур? — деб Майсара қулдин сўради.

Ундан жавобини англаб, китобда кўрган сифатла-рига тўғри топди. Сўнгра Майсарани бир четга тор-тиб, унга Пайғамбаримиз тўғриларида кўп сирларни айтди. Ва ҳам Шом шаҳрига кирмасга маслаҳат берди. «У жойда яҳудийлардин душманлар кутиб турмоқда-дур, улардин зиён-заҳмат етмасун», деди. Бу тўғрида Пайғамбаримизнинг ўзлари билан ҳам бироз сўзлаш-ди. Мана шу роҳиб сўзи сабаб бўлиб, пайғамбаримиз Шом шаҳрига кирмасдин, шу жойда молларини кўп яхши баҳода сотиб қайтдилар.

Энди «Сўздан сўз чиқар» дегандек, бу китоб ёзгув-чи Алихонтўра, Шокирхонтўра отамиз марҳум билан ўн тўрт ёшимда, тарих ҳижрат 1319 (1902) йили ҳаж сафарига чиқдик. Тошкентдин поездга тушиб, Каспий денгиз оша Кавказия орқалик, Ботум билан Қора ден-гизга кириб, Истамбулга етдик, ул замонда султон Аб-дулҳамидхон ҳазратлари халифа эдилар. Бу жойдин Ўрта денгиз орқали юриб, Байрут шаҳрига келдик. Ундан поезд билан тўққиз соатда Шоми шарифга кел-дик. Энг аввал Бани Умайя жомеъида ҳазрати Яҳё Пайғамбар қабрини зиёрат қилдик, бошқа кўп зиёрат жойлар бор экан, алардин бўшаган сўнгида шаҳардин анчагина четроқ жойда бир қишлоққа бордик. У қиш-лоқни «Қадамун Набий» деб атар эканлар. Унда бир масжидга кирдик, масжид ичида токча устида бир дона катта тош турибдур. Мана шу тош узасида бо-силган бир инсон изини кўриб, зиёрат қилдик. Бизни бошлаб келган одам айтдиким, Пайғамбаримиз йигит-лик вақтларида ҳазрати Ҳадичанинг моллари билан тижорат учун Шом шаҳрига келган эканлар, шу жой-да кўришган Настуро роҳиб сўзи билан шаҳар ичига

кирмасдин, шу ердин қайтган эканлар. Мана шу тош устига, мўъжиза бўлиб, оёқларининг изи тушган, деди. Ул замонда бутун Шом вилояти, араблар мамлакати султон Абдулхамидхон халифага қарар эди. Ҳозирги тарих 1371 йил бўлиб, шул орада 52 йил ўтибдур. «Инсон умри ўтар, ёзган сўзлари қолар», дегани шул экан. Энди, бошқалар ўтгандек биз ҳам дунёдин ўтиб кетсак, бизнинг авлод-насларимизга бу ёзган сўзларимиз ёдгор бўлсин. Буни ўқиган чоғларида биз ғарибни кўнгулларига келтуриб, бир калима Қуръон билан дуода ёд қилиб, руҳимни шод қилгайлар. Аллоҳ таоло аларнинг ҳам икки дунёлигини обод қилгай, омин!

Яна ўз сўзимизга келайлик. Қурайш карвони Шом тупроғидан чиқиб, манзилдин манзилга кўчиб, саломат Макка шахрига етдилар. Макка халқи карвон хабарини англашиб, тўсиб чиқишди. Онамиз ҳазрати Хадича ҳам шул чоғда бир неча хотунлар билан том узасига чиқиб, қараб турган эдилар. Йироқдин келаётган карвон ичида Пайғамбаримизга кўзи тушди. Бош устиларида булутдек соя солиб турган бир жуфт қуш кўринди. Ҳақиқатда эса у кўринган қушлар икки фаришта эди. Ангачалик Майсара қул ҳам етиб келди, сиҳат-саломатликни билдиргандан кейин бу узун йўлда пайғамбаримиздан кўрган барча сирларни, бир неча каромат мўъжизаларни онамиз Хадичага бирин-бирин баён қилиб берди. Буни эшитган сўнгида Пайғамбаримизга ихлос-муҳаббатлари, завқ-шавқлари илгаригидан яна ортиқроқ бўлди. Ва ҳам Пайғамбаримизнинг бу сафардаги тижоратларида бошқа кишилардин ортиқроқ фойда чиққанидан ҳазрати Хадича кўп суюндилар.

### **ХАДИЧАГА НИКОҲЛАНИШЛАРИ**

Мана шу кундан бошлаб, Пайғамбаримизга қиёмат жуфт бўлиб, никоҳларига кириш чорасини қилди. Хотунлар тарафидин эр излаб, совчи қўйиш расми одатдин ташқари иш бўлса ҳам онамиз Хадича Нафиса деган хотунни Пайғамбаримизга юбориб, асли мақсадини билдирди. Пайғамбаримиз эрса, эшитганларидин кейин амакилари Абу Толибдин бу ҳақда маслаҳат сўрадилар. Бу ишга Абу Толиб кўп ажабланди. Чунки ҳасаб-насабда Қурайш хотунлари ичида биринчи ўрин олган Хадичанинг ўзи харидор бўлиши, у замон араб

одатларига сифмайдиган таажжуб иш эди. Шунинг учун Абу Толиб:

— Хадичанинг бу талабини сизга келган бир давлат деб ҳисоблаймиз, албатта, буни қабул қилишимиз керак, — деб мамнунлик ила розилиklarини билдирди.

Сўнгра Хадичага қабул жавобини бердилар.

Ўшал вақтнинг расм-одатлари бўйича никоҳ мажлислари тузилди. Ҳар икки томондин таъсирилик хутбалар ўқишиб, никоҳ боғладилар. Бу биринчи кўрган никоҳлари эди. Бунда йигирма туя махр солганлари ривоят қилинур. Мана шу чоғда Пайғамбаримиз 25 ёшда бўлиб, онамиз Хадича 40 ёш чамаси эдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёда кўз очиб кўрган вафодор ёрлари, ҳар икки жаҳонлик муборак жуфтлари онамиз ҳазрати Хадичадурлар.

Пайғамбаримизнинг тўрт ўғил, тўрт қиз фарзандлари бор эди. Ўғиллари Қосим, Тоҳир, Таййиб, Иброҳимдур, қизлари эса Руқия, Зайнаб, Умму Гулсум, Фотимадур. Мана булардин ёлғиз Иброҳим — чўрилари Мориядан туғилган эди. Қолган ҳаммалари онамиз Хадичадин туғилгандур. Ўғилларининг энг каттаси Қосим бўлиб, кичиклари Иброҳимдур. Қизларининг энг чўнги Руқия, кичиклари ҳазрати Фотимадур.

Онамиз Хадича бутун мол-дунёларини, балки татмом умрларини Пайғамбаримизнинг ризоликларида сарф қилдилар. Пайғамбаримизга кўп ғамхўр, зиёда меҳрибон эдилар. Умрлари борича, энг охирги дамларигача Пайғамбаримизнинг ғам-қайғуларини бирга тортишди. Ҳасрат кунларида мунглик бошларига пана бўлиб, дардлик дилларига даво эди. Бутун дунё халқини Ислом динига даъват қилиш амри Аллоҳ таоло тарафидин Пайғамбаримизга келди. Шу хизматни бажариш устида мушрик ва мунофиқлардин турлик жабру жафо кўрдилар. Ташқаридин ҳар нечук азиятлар кўриб, уйга кирганларида очилган гулдек чиройлари, шириншакардек сўзлари билан Пайғамбаримизни юпантириб, ғамлик кўнгулларини кўтарур эдилар. Бирорта сўзларини қайтармасдин, ҳар қандоқ ишларини оғир олмасдин, барча мол-дунёларини, балки борлиқ нарсаларини аямасдан, Пайғамбаримиз йўлида фидо қилдилар. Шунинг учун Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй бор Худоё, Хадичадин мен розидурман, сен ҳам рози бўлмайсан, — деб ҳақларига дуо қилдилар.

Онамиз Хадича вафот этган йилни қайғу-ҳасрат йили деб атаган эдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло ўз ҳабибига жуфт қилиб, ёр-вафодорликка уни лойиқ кўрди. Вафотларидин кейин ҳам Пайғамбаримиз ҳар вақтда Хадича онамизнинг сифатларини қилиб, анинг яхшиликларини айтиб ўлтирур эдилар.

Бир куни Пайғамбаримиз, онамиз Оиша уйида ўтирган чоғларида Хадича онамиз устиларида сўз бўлди. Пайғамбаримиз анинг яхшилик сифатларини айтиб мақтадилар. Бунга онамиз Оишанинг рашклари кўзга-либ:

— Ул қари, қизил оғиз хотунни мунча мақтадин-гиз, — деди.

Анда Пайғамбаримиз айтдилар:

— Ҳой ундай демагин, ул эса борлиқ бойлигини менинг йўлимда қурбон қилди. Қайғу-ҳасратларимни тенг тортишди. Менга тикилган офат-балоларга ўзини қалқон қилди. Мен ундин, у меңдин розилик билан дунёдин кетди, — деб муборак кўзларига ёш олдилар.

Энди Худо розилиги учун эрларига бўйинсунган, дунё турмушидаги ғам-қайғусини бирга тортишган мўмина, солиҳа хотунлар умиди шулдирким, қиёмат кунида онамиз Хадичаи кубронинг шафоатларини топ-гайлар, иншааллоҳ.

Пайғамбаримиз Макка шаҳридан Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан кейин бир куни уйларига бир кампир хотун кириб келди, уни кўриб, кўп ҳур-мат қилдилар, сўнгра ўлгирган одамларга қараб, айт-диларким:

— Бу хотун эрса, Хадичанинг дўстидур, унинг тириклигида кўп келур эди, ҳар киши ўз дўстининг дўстларини кўрса, албатта, уни ҳурмат қилиш лозим-дур,— деб бу хотунга кўрсатган ҳурматлари учун са-баб баён қилдилар.

Шунинг учун бу ҳақда Пайғамбаримиз айтдилар-ким:

— Ҳар бир мусулмон фарзандларига ота-оналари-нинг тирикликларида ва ҳам ўлган сўнгида, аларнинг ёру дўстларини ҳурмат қилиш вожибдур.

Ота-оналарнинг қадрдон биродарларини сийлаш, ҳам уларни ҳурматлаш, ҳақиқатда эса ўз ота-онасини ҳурмат қилгандин бўлур. Ота-оналарнинг ҳурматлари

ва аларнинг хизматлари болалар устига юкланган улуғ фарздур, аларга озор бериш, кўнгилларини ранжитиш Ислом шариатида энг улуғ гуноҳлардин бўлиб ҳисобланур. Чунки Пайғамбаримиз айтдилар:

— Бу дунёда қилган ҳамма гуноҳларнинг жазоси охиратга қолиши мумкиндур, магар икки улуғ гуноҳ бордирки, унинг жазосини бу дунёда ҳам охиратда ҳам, кўргай. Биринчиси ота-онага озор бериб, оқ бўлиш, иккинчиси ноҳақдан ёлгон қасам ичишдур.

Ота безори оқпадарлар халқ олдида ҳам, Худо олдида ҳам мардудурлар. Ота-оналарига қилган адаб-сизликларининг қасосларини, албатта, ўз болаларидин кўргайлар. Бунга Қуръони карим, ҳадиси шариф мазмунлари очиқ шоҳиддур. Одоб, ҳурмат сақлашлик шариати исломияда ёлғизгина ота-оналар ҳақида эмас, балки ҳар бир улуғ ёшлик қари кишиларни сийлашга, ёши кичикларга раҳм қилиб, меҳрибонлик кўрсатишга буйрулмишдур. Шунинг учун Пайғамбаримиз:

«Бизларнинг қариларимизни ҳурмат қилмаганлар, ёшларимизга меҳрибонлик кўрсатмаганлар — андоғ одамлар бизлардин эмасдур», дедилар.

Яна ўз сўзимизга келайлик, шундоқ қилиб, Пайғамбаримиз Ҳадича онамиз билан яқин ўттиз йил энг кўнгилик ҳолда умр ўтказдилар. Ҳаётликларида устларига хотун олиш ихтиёрини қилмадилар. Лекин Пайғамбаримизнинг муборак ёшлари қанча улғайган сари, ботиний аҳволлари, руҳоний сифатлари шунчалик қувват топиб, кучаймоқда эди. Мундоғ бўлишлари эса, олдинги кунларида Пайғамбарлик улуғ вазифасини бажариш учун тайёрланиш эди. Хилватда ёлғиз ўтириб, тоат-ибодат қилишни, ҳамиша Худо ёди билан машғул бўлишни кўп суяр эдилар. Шу сабабдин беш-ўн кунга етарлик озиқ-овқат тайёрлатиб, шу тугагунчалик Макка шаҳридин четроқда бўлган Ҳиро тоғидаги бир ғорга кириб, Худога ибодат қилур эдилар. Ҳар чиққанларида неча кун ҳилват ўтказиб, тоғларда ёлғиз қолган кунлари кўп бўлур эди. Бориш-келиш йўлларида бир неча мўъжизаларни кўрар эдилар. Шундоқки, ғойибдин маънолик товушлар эшитилар эди. Ёғочу тошлардин: «Ассалому алайкум, ё Расулаллоҳ» деган салом овозлари чиқар эди.

Айниқса, бундай мўъжизалар ваҳий келишга олти ой микдори қолганда кўпая бошлади. Ўзлари Пайғамбар бўлишларини шу чоққача билмас эдилар. Одатдан

ташқари воқеалар кўрилганида, жин-шайтонлар тарафидин бундоғ ишлар бўлур деган гумон ҳам кўнгилларига келур эди.

Чунки ўшал замондаги араблар ичида жинлар билан алоқа боғлашган, ғойибдин сўзлайдирган бир хил одамлар бор эдиким, аларни коҳин деб айтур эдилар. Бундоғ одамлар араблар орасида олий даражалик олим ҳисобланиб, ўзаро ечилмаган мушкул ишлар коҳинлар ҳукмига ташланур эди. Ҳар қандоғ ишлар устида чиқарилган ҳукм албатта қабул қилиниши керақдур, деган эътиқодда эдилар. Коҳинлар олдида ғойиб ишлари яширин эмас, деган арабларнинг ишончлари бор эди. Буларнинг энг чўнглари Шом арабларидин икки киши бўлиб, бирининг оти Шақ, иккинчисининг номи Ситтиҳ эди. Ситтиҳнинг тан яратилиши ҳам ўзгача бўлиб, бош суягинин бошқа ҳеч устиҳони йўқ эди. Йиғин мажлисларига олиб бормоқчи бўлсалар, кийгиз йўргагандек ани йўргашиб, хуржунга солиб олиб боришар эдилар. Бош суягинин бошқа жасади юмшоқ, шундоққина гўшт эди.

Мана шу икки коҳин қирқ йил илгари Пайғамбаримизнинг келишларидин, Ислон динининг ривож топишидин хабар берган эдилар.

Нуширавон Одил шул замонда Эрон подшоси эди. Унинг кўрган кўрқинчилик тушига эътибор бериб, Эрон давлати йўқ бўлишини билдиришган эдилар. Бу икки коҳиннинг сўзлари қирқ йилдан сўнгра шулар дегандек келганлиги ҳамма тарихий китобларда ёзилган машҳур сўздир. Ва ҳам Қуръони каримнинг мазмунича ўтган пайғамбарлар ҳар қайсилари ўз умматларига Пайғамбаримиз келишларидин башорат берганлари маълумдир. Замони саодатга эришганлари бўлса, аларни тўхтовсиз иймон келтиришга васият қилган эдилар. Таврот, Инжилда ва бошқа пайғамбарлар китобларида ҳам шундоқ башоратлар берилган эди.

## **БАЙТУЛЛОҲНИНГ ДАСТАЛБКИ БИНОСИ**

Бу оралик ваҳий келишидан беш йил бурун Қурайш араблари Байтуллоҳни бузиб, қайта ясамоқчи бўлдилар. Бунинг сабаби эса, Макка шаҳрида бир қаттиқ ёмғир ёғиб, Байтуллоҳни сел босиб, томлари йиқилишга бошлади. Мана шунинг учун Қурайш қабиласи Байтуллоҳни бошқатдан ясашга қарор қилдилар. Бунга сарф

бўладиган чиқимга энг ҳалол моллардин беришга қаттиқ шарт қилдилар. Ўғирликдан, порадан, қимордан, фоҳишаликдан ва бошқа ҳар турлик бузқўчиликлардан топган молларни қўшмасга ваъда қилдилар.

Байтуллоҳ ер юзида пайдо бўлгандан бошлаб, ўн марта бузиб, ясалганлиги ҳақида ривоят бордур. Энг аввал, биринчи навбатда фаришталар тарафидан бино қилинган эди. Инсон насли дунёга келмасдан илгари, ер устига жинлардан Бани Жон тоифаси эга эдилар. Иблис-шайтон шу тоифа наслидан эди. Бу тоифа ер устида кўп фитна-фасод ишларини қилдилар.

Аллоҳ таоло қаҳр қилиб, уларни ҳалок қилишни тўртинчи қават осмон фаришталарига буюрди. Булар тушиб Бани Жон тоифасини ҳалок қилдилар, сўнгра ўз маконларига чиқишларига рухсат бўлмай, бирмунча вақт ер устида қолдилар. Ҳадисда айтилишича, тўртинчи қат осмонда қизил ёқутдан ясалган Байтул Маъмур деган бир бино бўлган. Ер устида ҳожилар Байтуллоҳни тавоф қилганларидек, фаришталар осмонда бу уйни зиёрат қилишур эдилар. Шунинг учун ерда туришга буюрилган фаришталар ер устида ҳам шундоқ бир улуғ муборак бино бўлишини талаб қилдилар. Аллоҳ таоло дуоларини ижобат қилди. Байтул Маъмурнинг тўппа-тўғри тагига бир уй биносини ясаб, шуни тавоф қилишга буюрди. Мана шу Байтуллоҳнинг биринчи биноси эди. Иккинчиси, Худо билур, бу воқеадин қанча замон ўтгандин сўнгра отамиз ҳазрати Одам Сафийюллоҳ вужудга келдилар. Жаннатдин тушган жойлари — Ҳиндистондин қирқ қайта пиёда юриб, ҳаж қилганлари ҳадис китобларида ривоят қилинур. Йиғи зори билан қилган тавбалари икки юз йилдан сўнгра қабул бўлиб, онамиз Момо Ҳавво ила Арафотда кўришганлари, Муздалифада топишганлари тарих китобларида машҳурдир. Ана шу тарихда фаришталардин кейин отамиз Одам Сафийюллоҳ Байтуллоҳни иккинчи ясаганлари ҳақида ривоят бордур. Жаннатдин тушишлари ва вафот бўлишлари Ҳиндистон тупроғидин Сарандип тоғида бўлганлиги машҳур бўлса ҳам, Мино тоғи тагига Масжиди Ҳайфада мадфундурлар (кўмилган), деган сўзни китобларда кўрдим.

Учинчи биноси Одам алайҳиссалом ўғиллари томонидин қилинган демишлардур.

Тўртинчиси, Иброҳим Халилуллоҳ тарафидин қилинганлиги Қуръони каримда очиқ айтилишдур.

Бешинчи ва олтинчси, Амолиқа, Журҳум араблари тарафидин ясалганлигини тарих аҳллари ривоят қилурлар.

Еттинчиси, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бешинчи боболари Қусай ибн Килоб томонидин ясалмишдур.

Саккизинчисини Қурайш қабиласи ясадилар. Шу кунларда Пайғамбаримизнинг муборак ёшлари ўттиз бешда бўлиб, тўлиқ йигитлик вақтлари эди. Қурайш халқи Байтуллоҳнинг биноти учун ўз ваъдалари бўйича энг ҳалол касблардин бир мунча мол чиқардилар. Бу йўлда йиғилган мол-дунёлари ва ҳам кучлари билан ишга киришдилар. Пайғамбаримиз ҳам амакилари, уруғ-туққанлари ила тош ташишиб, ҳар турлик хизматда бўлдилар. Иброҳим алайҳиссалом ясаган вақтларидаги асосий ул (пойдевор) устидин тош қўйишиб чиқдилар. Шундоғ бўлиб, Байтуллоҳ томлари кўкрак бўйи кўтарилди.

### ҲАЖАРУЛ АСВАД ТАРИХИ

Энди Ҳажарул асвад тошини ўз жойига ўрнатиб қўйиш вақти эди. Шу ўринда Ҳажарул асвад тоши тарихидин бир оз маълумот бериб ўтайлик: «Маълум бўлғайки, ҳадисларнинг мазмунларича, Байтуллоҳ ер устига бино бўлган чоғида Аллоҳ таолонинг амри ила «Ҳажарул асвад» тоши жаннатдин келтирилди. Байтуллоҳни тавоф қилишда бошлаш ўрни белгиланиши учун уни кун чиқиш дўкмишига қўйдилар. Жаннатдин янги чиққан чоғида ўз нури билан бутун Ҳарам худудини, яъни Макка шаҳри атрофини ёритур эди. Фатарот замонларида, яъни икки пайғамбар ораси узоқлашиб, дин йўлидин халқлар адашган даврларида ҳам Байтуллоҳни тавоф қилиш одатлари ташланмаган эди. Лекин уларга Байтуллоҳнинг ҳурмат-одобларини ўргатишга дин олимлари қолмаганликдан, араблар ўз сўйганларича тавоф қилур эдилар. Фусл, таҳорат, сатри-аврат каби диний ишларни халқ унутган эди. Шу сифатлик араб мушриклари, таҳоратсиз эр-хотунлар тавоф қилганларида, одатлари бўйича Ҳажарул асвадга юз-кўз, қўлларини суртишур эди. Мана шу беодобчилик касофатига қолиб кетиб, бу муборак тошдин илгариги ёруғлик нури кўтарилди. Аввалда шам чирогидек оқ нурилик бўлиши билан «Ҳажарул асвад», яъни



«муборак тош» деб аталган бўлса ҳам, у инсонлар касофатидин нурлари сўниб, «Ҳажарул асвад», яъни «қора тош» номини кўтарди. Энди бу муборак тош шу сифат билан зоҳирий ҳуснидин ажраган бўлса ҳам, маънавий файзи-илоҳийси абадий ўзида боқийдур. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар:

«Қиёмат кунда Аллоҳ таоло Ҳажарул асвадни кўрар кўзлик, сўзлар тиллик қилиб, бурунги ҳусни-жамолига қайтаргай, ихлос ила уни зиёрат қилувчиларнинг иймонига Худо олдида гувоҳлик бергай» дедилар. Алмийсоқ кунда ҳамма арвоҳлардин олинган аҳднома Ҳажарул асвадда сақланмишдур, деган ривоят бордур. Яна онамиз Оишадин ривоят ҳам бордур.

Пайғамбаримиз: «Эй мўминлар, Ҳажарул асвадни кўп зиёрат қилинглар, ани ғанимат билинглар, бир кун бўлулки, одамлар Байтуллоҳни кечалаб тавоф қилурлар, эрталаб турганларида Ҳажарул асвадни топа олмаслар. Чунки жаннатдин чиққан барча нарсаларни Аллоҳ таоло қиёмат олдида яна жаннатга қайтарур», дедилар.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Ҳажарул асвадни ҳазрати Иброҳим Халилуллоҳ қўйган жойларига ўрнатиш керак эди. Ҳажарул асвадни ўз жойига ўрнатиш учун кўтаришни талашиб, Қурайш халқи ўртада жанжал чиқардилар. Ҳар уруғ бу ишда ўзларини бошқалардин ҳақлироқ кўришар эди. Бу тўғрида сўзлари бир жойга тўхтаёлмасдин, келиша олмай охири қилич, найзаларига югуришиб, урушмоқчи бўлдилар. Иш шу жойга етганда, оқил одамлардин ўртага ярашчилар тушди. Ундоғ улуг иш устида Байтуллоҳ олдида ноҳақ қон тўкишдин сақланайлик, деб ўзлари инсофга келдилар. Оқил орачиларнинг кўрсатишлари ила Бани Шайба дарвозасидин ким илгари кирса, шунинг ҳукмига ҳаммамиз рози бўлайлик, деб қарор чиқардилар.

Шул куни Пайғамбаримиз келмаган бўлиб, бу воқеадин хабарлари йўқ эди. Шу орада у киши дарвозадин кириб келдилар. Буни кўрган Қурайш халқи ҳаммалари бир оғиздан ажаб яхши иш бўлди, чин сўзлик, ишончлик кишимиз Муҳаммад Амин келди, бунинг ҳукмига барчамиз розимиз, дейишдилар. Пайғамбаримиз бу ишнинг тубига тушунгандин кейин елкаларидаги ридоларини ерга ёзиб, Ҳажарул асвадни ридога солдилар, ўн бир уруғ Қурайшдин бир кишидин келсин, Бани Ҳошим уруғидин мана мен бўлдим, Ҳажарул

рул асвадни ҳаммамиз баробар кўтариб, ўрнига қўяйлик, деб ўн бирлари баробар кўтардилар. Ўз жойига етказганларида Пайғамбаримиз қўллари билан ўрнаштириб қўйдилар. Шунинг билан ўтга сув сепгандек фитна босилди. Пайғамбаримизнинг бу қилган тадбирларига, мундоқ ақл тошганларига барчалари рози бўлишиб, офарин қилишдилар. Бу тадбирлари билан қанча одамларни ноҳақ қонлари тўкилишидин сақланди. Шундоқ бўлиб, бу воқеа ҳам зиёнсиз ўтди.

Энди Пайғамбаримизнинг ёшлари қирққа яқинлашди, ваҳий келишига олти ой чамаси қолганда ҳар турли яхши тушларни кўрар эдилар. Қандоқ туш кўрсалар, ҳеч ўзгармай, шундоқ келур эди.

Энди бу жойда тушнинг ҳақиқати нима эканлигини ўқувчиларга тушунтиришни лозим топдим. Чунки туш кўришнинг кўп чуқур ҳақиқати бордур. Агар буни яхши тушуниб билса, бу бизга кўриниб турган табиат оламининг устида яна бир ҳақиқат оламининг борлигини билдирадур. Бунинг билан Худонинг борлиқ бирлиги, пайғамбарлар сўзларининг ҳақ ростлигига йўл очиладур. Энди билмак керакким, инсоннинг ҳақиқий руҳи (жони) фан олимлари, табиат олимларининг деганларидек қондин чиққан бир қувват эмас, балки дин олимларининг улуғ раҳбарлари, пайғамбарлар айтганларидек, табиат усти — ҳақиқат оламидин Худо амри билан инсон вужудига вақтлик қўйилган омонат бир гавҳардур. Мана бу руҳ қондин пайдо бўлган руҳ билан бек қаттиқ алоқалик бўлиб, Худо ҳикмати билан шу парда остига яширинганликдин, инсонлар аҳли парда остидаги асрорга етишолмайди. Чунки табиат оламининг ичидаги сирларни текширишда фикр майдони ҳар қанча кенг бўлса ҳам, аммо табиат оламидан устунги диний масалаларда пайғамбарларнинг раҳбарлиги остидагина йўл топилмаса, ёлғиз ақл билан ҳақиқатни топиш имкондин ташқаридур. Шунинг учун бу ҳақда раҳбарлик қилиш учун пайғамбарларни юборди. Мана, инсон ҳақиқати шу гавҳардур. Бу гавҳар азалий эмас, абадийдур. Яъни, бу руҳ илгари йўқ эди, кейин яратилди, демакдур. Энди у йўқолмай мангу яшайди. Ҳар инсон ўлгандин кейин, унинг руҳи дунёдаги қилмишига қараб, қилган амалига лойиқлаб белгиланган жойда, яхши бўлса роҳатда, ёмон бўлса меҳнатда (машаққатда) турадур. Пайғамбаримизнинг: «Инсон қабри жаннат бўстонларидин бир бўстон ёки дўзах

чуқурларидин бир чуқурдур», деган сўзларининг асли ҳақиқати шулдур. Қиёмат куни Аллоҳ таоло инсонларни шу руҳ билан тиргизур. Қуръони каримдаги: **«Ва ясъалунака анир-руҳи, қулир руҳу мин амри роббий»** оятининг маъноси: *«Эй Муҳаммад, руҳнинг ҳақиқатини сендин сўрайдилар, сен айтгин, руҳ Аллоҳнинг амридин пайдо бўлгандур»*. Мана шундин ҳам инсоннинг шу руҳи муроддур. Бу руҳнинг эса арвоҳ олами ила алоқаси бордур. Арвоҳ олами деб, фаришталар оламини айтурлар. У руҳнинг асли ватани табиат олами устидаги фаришталар оламидур. Бошқа ҳайвонлардин инсонларнинг фарқи шу руҳ орқали бўлур. Илмий тараққиётлар, ижодий фикрлар ҳаммаси шу руҳ натижасидур. Энди инсоннинг туш кўриши шуки, ухлаган чоғида шу руҳ тан хизматидин бўшаниб, юқориги ўз оламига сайр қилиб чиққай. Дунёда бўладиган ҳодисаларнинг маълумоти тамоми ила ул жойда бордур. Инсон руҳи шу дунёда бўладурган баъзи воқеаларни ул жойда кўргай.

Энди руҳнинг шу кўришини туш, деб айтулур. Руҳ ҳар қанча ёруғ, мусаффо бўлса, кўрган тушлари шунча ёруғ, тўғри чиқар. Мисоли бир кўзгудирким, аксни тўғри кўрсатиш учун унинг сайқали сафолик, доғсиз, юзи силлиқ, текис бўлиши шартдир. Кўрилган тушлар раҳмоний ва шайтоний бўлиб, иккига ажрайди. Раҳмоний тушларнинг ҳақиқатлигида ҳеч шак йўқдур. Чунки Пайғамбаримиз айтдилар: **«Мендин кейин ваҳий келиши тўхтатилиб, илми ғойиб эшиги ёпилур. Лекин тақволик, пок кишиларнинг кўрган тушлари ваҳий намунаси бўлиб, тўғри келур»**. Яъни, *раҳмоний тушлар эса ғойибий ҳодисаларга ишорат бўлур*, дедилар. Шунинг учун пайғамбарлар, авлиёлар, тақволик олимлар, солиҳ, мўмин бадаларнинг кўрган тушлари албатта ҳақдур. Қуръони каримда ҳазрати Юсуф алайҳиссаломнинг ёшлигида кўрган тушларининг тўғри чиқиши бунга очиқ далилдур. Ҳар одам ўз умри ичида бир неча тўғри тушлар кўриши маълумдир. Бу ҳақиқатга ҳеч ким инкор қилолмас. Демак, Пайғамбаримиз деганларидек, ваҳий узилгандин сўнг, ғойибни билишга солиҳ кишилар кўрган тушлардин бошқа йўл йўқдур.

Мана шу ғойибдин хабар берувчи руҳ, Алмийсоқ кунида «Аласту бироббикум» саволига «Қолув бало» жавобини берган шу руҳдур. Аллоҳ таоло алмийсоқдаги аҳдини шу руҳлардин олмишдур. Охират кунида

ҳисоб-китоб бергувчи, жаннат-дўзахга тушгувчи ана шу руҳлик инсондур. Ҳаммага маълумки, киши тушида ҳар хил нарсаларни, ўлик-тирикларни кўргай. Ўйлаб кўрайлик, кўргувчи, кўринувчи кимдур? Албатта, шулар арвоҳлардур. Буни ҳам билмак керакким, дин ишларида, табиат усти масалаларида ёлғизгина ақлга сунмай, бу ҳақда пайғамбарлар сўзларини асос қилиб тутишлик ҳар бир мусулмон одамга фарздур. Бу оламнинг сирларига ҳеч ким пайғамбарлардек воқиф эмасдур. Инсон оламининг билган нарсалари билмаганлари олдида улуғ денгиздин бир томчи сув мисолидадур. Мўминларга қандоғ улуғ неъматдурким, дин ишларида, ғойибий имонларида аларнинг йўлбошчилари бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарлардур. Бу сўзларни ёзгувчи фақир, бошдин ўтган меҳнат кунларимда бир неча кўрган тушларим бордурким, ул тушларим эса энг оғир аҳволда ётган кунларимда Аллоҳ таоло тарафидин бу осий қулига қилган илтифотларидин улуғ бир ишорат эди. Яна асли сўзимизга келайлик. Пайғамбаримизга бу туш кўриш даври олти ой миқдори давом этди.

### **ПАЙҒАМБАРЛИК. ВАҲИЙНИНГ КЕЛИШИ**

Бу орада Пайғамбаримиз ёшлари қирққа етди. Энди Аллоҳ таоло тарафидин ваҳий келар вақти бўлди. Фаришталар улуғи Жаброил алайҳиссаломга Худо тарафидин шундоғ фармон бўлдиким. «Ҳабибим Муҳаммадга айтгил, уни бутун ер усти тамом инсу жинларига Пайғамбар қилдим. Менинг даргоҳимда мақбул бўлган Ислом динини бадаларимга ўргатсин, бадаларимга мени танитиб, амру фармонларимни уларга етказсин. Барча халқни мен айтган ҳақ йўлга бошласин» деди. Жаброил алайҳиссаломга бу фармон етиши билан Иқро сурасидан бошидаги беш оятни келтирдилар. Қуръони каримдан ер устига тушган биринчи сура шу эди.

Ваҳий бошланиши Рамазон ойининг еттинчи кунига тўғри келди. Шу кунларда Пайғамбаримиз Ҳиро тоғининг ғорида ибодатга машғул эдилар. Жаброил алайҳиссалом одам суратида кўриниб, Пайғамбаримизга қараб. «Ўқи» дедилар. Пайғамбаримиз саллалоҳу алайҳи васаллам. «Мен ўқишни билмайман», деганларида, Пайғамбаримизни кучоқлаб олдилар. Сиқиб туриб, яна:

«Ўқи» дедилар. Шундоқ қилиб, уч қайта сиқиб туриб, қўйвориб. «Ўқи» деган сўзни такрор қилдилар. Учинчи гал Пайғамбаримизни эзиб, эмганиш даражада қаттиқроқ сиқиб, қўйиб юборгандин кейин, Иқро сура-сининг бошидан беш оятни ўргатдилар. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз билан тоғдин тушиб, бир текис жойга келганларида оёқларини ерга урдилар эрса, дархол шу жойдин бир булоқ пайдо бўлди. Таҳорат олишни ўргатган сўнггида, намоз ўқиш тартибларини таълим бериб, Жаброил алайҳиссалом кўздин ғойиб бўлдилар.

Мана, биринчи ваҳий келиш тартиби шу эрди. Шу кундин тортиб, пайғамбарлик даври бошланиб, бу улуғ вазифа Пайғамбаримиз устиларига юкланди. Шу кундан бошлаб, Аллоҳ таолодин келган амрларни бандаларига етказиб, аларга Ислом динини ўргатишга киришдилар.

Яни билмак керакким, Аллоҳ таоло ўз қудрати билан барча оламни йўқдин бор қилди. Олам ичида ақл етган, етмаган, кўз кўрган, кўрмаган турлик махлуқларни халқ этди. Алар ичида энг ортиқ аълоси одам фарзандини яратди ва ани ер устига эга қилиб, унга халифалик даражасини берди. Ва ҳам ўзини танитиш учун унга ақл, фикр бериб, ҳақ динни тутиб, тўғри йўлдин юришга буюрди. Буларга раҳбарлик қилиш учун бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарларни юборди. Аларнинг ҳақлари учун халқ олдида ҳужжат-далил бўлсин деб аларга муъжизалар берди. Яна бизларнинг кўзимизга кўринмайдиган, бошқа сезиш қувватларимиз билан ҳам билмайдиган бир турлик махлуқларни яратдиким, аларни фаришталар, жинлар, деб айтилув. Ер устини инсонлар, ҳайвонларга жой қилгандек, осмонларни фаришталарга, ҳавони, ер, сувларни жин тоифаларига макон қилди.

Мана шу фаришталар ичинда тўрт нафар улуғ фаришталарга пайғамбарлик даражасини берди. Булар — Жаброил, Микоил, Исрофил, Азройил алайҳимуссаломдурлар. Тамом махлуқларга ризқ тайёрлаш иши Микоил алайҳиссалом вазифасидур. Ҳар бир банданинг ейдирган бир парча нони олтмиш қўлдан ўтиб, унинг оғзига тушадув. Биринчиси Микоил, энг охиргиси нонвой, деган сўзнинг ҳақиқати шулдув. Банда ўз ризқини топишда ҳарна ўзи билган, қўлидан келган ҳамма сабабларини қолдирмай қилишга Аллоҳ таоло

тарафидин буйрулмишдур. Аммо банданинг кўзи кўролмайдиган, қўлидан уни ишлаш келмайдиган бир қанча сабаблар бордурким, уларни ишлаб вужудга чиқариш фаришталарга топширилмишдур. Бундай бўлгач, банда қўлидан келганича ҳар ишнинг сабабини қолдирмасдин қилиб, қолгани бўлса уни Худога топширмоқ лозимдур, Ислом шариатининг кўрсатган ҳақиқий йўли шулдур.

Исрофил алайҳиссалом бўлса қиёмат-қойим бўлишида сур чалиш ва руҳларни тарбият қилиш, Азройил алайҳиссалом жон олиш, Жаброил алайҳиссалом Аллоҳ амрларини пайғамбарларга етқуриб, ваҳий келтириш, осмоний офатларни ер юзида ижро қилиш вазифаларидадурлар. Бундан бошқа ҳам турли хизматларда Худо амрига қарашлиқдур. Энди ҳар бир мусулмон одамга Худога ва унинг пайғамбарларига, қиёмат кунининг бўлишига, ўлгандан кейин қайтадан тирилмаликка ишонмоқ, қандоқ фарз бўлса, фаришталарнинг борлигига шундоқ ишонмоқ фарздур. Чунки барча пайғамбарларга Худо тарафидин келадиган ваҳийлар шу фаришталар улуғи Жаброил алайҳиссалом орқалик келур. Лекин у фаришталарни пайғамбарлардин ўзга инсонлар кўришлари мумкин эмасдур. Аммо пайғамбарлар ваҳий келганда инсоний сифатларидин фаришталик сифатларига ўтиб туриб, ваҳий олулар. Чунки уларнинг асли яратилишларида фаришталик руҳоний сифатлари ғолибдур.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврида Жаброил алайҳиссаломни йигирма тўрт минг марта кўрганлари ривоят қилинур. Жаброил алайҳиссаломнинг асли ҳилқатларини икки қайта кўрган эдилар. Бошқа пайғамбарларга бу миқдорда кўриш муяссар бўлмаган эди. Жаброил алайҳиссалом кўпинча чиройлик одам сурагида бўлиб кўринур эди. Устоз шогирдини ўқитгандек, ваҳий келтурган Қуръон оятларини ўргатур эди. Ваҳий тарқаб, Жаброил алайҳиссалом ғойиб бўлгандин кейин кўнгилларида ёд қолган оятларини бир ҳарф қолдирмасдин саҳобаларга ўргатиб ҳам ёздирур эдилар. Аммо Пайғамбаримиз Жаброил алайҳиссаломдин ваҳий олиш чоғлари ўзларида бир ўзгариш пайдо бўлур эди. Чунки руҳоний фаришта билан алоқа боғлаб, инсоний ва жисмоний сифатлардин йироқлашиб туриб, ваҳий олиш лозим келур эди. Мана шу ҳолда ҳозир

турган кишилар кўзларида Пайғамбаримизда бир ўзгариш пайдо бўлганини кўрар эдилар. Шундоқки, ваҳий тушган чоғда ҳар қанча ҳаво совуқ бўлса ҳам, табаррук юзлари, пешоналаридан тер оқиб кетар эди. Агар туя минган чоғларида ваҳий тушса, анинг оғирлигини кўтаролмай туя дарҳол чўкар эди. Мана, ваҳий келишини ақлга сиққан миқдори шунчалиқдур. Туркий саводхон ёки чала олим кишиларга мўлжаллаб ёзилган бу китобимизда мундин ортиқроқ ёзишни муносиб кўрмадик. Катта олим одамлар бўлсалар бу ҳақда ёзилган арабий, форсий китобларни кўрсунлар. Ҳар бир мусулмонман, деган кишига энг бўлмаса шунчалик тушуниб қўйиш лозимдур.

Шундоқ қилиб, Пайғамбаримиз биринчи ваҳий олишларида Иқро сураси бошидин беш оят ёдлаб, ваҳий тамомидин сўнгра уйларига қайтдилар. Лекин фаришта олами ила инсон оламининг алоқаси, Аллоҳ таолонинг шундоқ улуғ фариштаси Жаброил алайҳиссаломнинг биринчи қатим (марта) кўриб, ундин ваҳий олишлари, унинг Пайғамбаримизни «Ўқи», деб уч навбат сиқиб қучоқлаши, улуғ ҳайбатга эга эди. Мана шунинг учун Пайғамбаримизнинг юраклари, бутун танлари инсоният тақозоси ила ларзон бўлиб, титраб, ҳар ким кўрса сезарлик, ўзларида бошқача бир турлик ҳолат пайдо бўлган эди.

Пайғамбаримизнинг ҳар бир ишларини текшириб туришни ўзига одат қилган Хадича онамиз бу ҳолатни кўриб: «Воқеа нимадур?» деб сўради. Пайғамбаримиз эса бошдин-оёқ ўтган ҳамма ишларни баён қилиб, айтганларидан сўнгра: «Эй Хадича, бу ишнинг охири қандоқ бўлур экан? Ман ўзимдан кўрқиб қолдим», дедилар. Анда онамиз Хадича айтди: «Бундин сиз ҳеч андиша қилманг, иншааллоҳ, бу ишнинг оқибати хайрлик бўлур, чунки сиз бўлсангиз етим-есирларга, фақир-мискинларга мушфиқ меҳрибондурсиз. Ҳамиша уларга ғамхўрлик қилурсиз. Очларни тўйдириб, яланғочларга кийим берурсиз. Йўқсилларга ёрдамчи бўлиб, эгасиз ожизларга оталик қилурсиз, бир яхшилик бор эрса, камоли ила сизда топилур. Энди сизда шунчалик олий алоқалар, бу қадар улуғ сифатларни халқ этган Аллоҳ таоло ҳеч вақт сизни зое қилмас, деб ўйлайман. Бу сифатларга ярашгудек сизга бир улуғ неъмат ато қилишини умид қиламан. Сиздек пок сифатлик, олий ахлоқлик зотга жин-шайтонлар қандоқ яқин кела ол-

син?.. деб шу мисоллик бир қанча чиройлик сўзлар билан кўнгилларини кўтардилар.

Яна бу воқеани аниқлаш учун онамиз Хадича амаллари Варақа ибн Навфал қошига келиб, бутун воқеани баён қилгандин кейин: «Жаброил ким бўлур?» деб ундан сўради. Варақа Жаброил номини эшитганида: «Қуддус, Қуддус» деб сайха (овоз) тортиб, дедиким:

— Эй Хадича, бу номнинг эгаси — Мусо алайҳиссалом, Исо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло тарафидин ваҳий келтиргувчи улуғ фариштадур. Дунёга келган барча пайғамбарларга Худодин ваҳийни шу фаришта келтирур. Муҳаммаднинг ўз оғзидан сўзини онглайин, ани келтуртил, — деди.

Хадича онамиз Пайғамбаримизни чақириб, келтиргандин сўнгра, воқеани баён қилдилар. Анда Варақа айтди:

— Эй Хадича, сизларга бу улуғ давлат муборак бўлсин. Таврот, Инжил китобларида башорат берилган охириги замон пайғамбарлиги Муҳаммадга насиб бўлибдур. Эй Муҳаммад, сенга кўриниш бериб, ваҳий келтирган фаришта ўтган ҳамма пайғамбарларга Худодин ваҳий келтирувчидир. Оти Жаброил, Номуси Акбар анинг лақабидур. Бу улуғ мансаб сенга хуш муборак бўлсин. Бу яқин кунларда бутун дунё халқини Ислому динига даъват қил, деб Худодин сенга фармон бўлгай. Шу чоғда араб мушриклари сенга қарши чиққайлар, кошки мен у кунларда тирик бўлсам эди, мол-жонимни аямасдин сенга ёрдам қилур эдим, — деб сўзини тўхтатди. Шу орадин кўп узун вақт ўтмай, ўзи ҳам оламдин ўтди.

Бу сўзларни Варақадин эшитгандин сўнгра Пайғамбаримизнинг кўнгиллари анча ором олди. Бу қадар улуғ вазифа эгаси эканларини ўзлари ҳам билдилар. Шунинг билан бир қанча ой ваҳий келиши ҳам тўхталиб қолди. Бунинг муддати ҳақида олти ойдин уч йилгача ривоят бордур. Бу муддат ичида Пайғамбаримизнинг руҳоний лаззат талабида завқ-шавқлари зиёда бўлиб, кеча-кундуз ваҳий интизорлигини тортар эдилар. Бу улуғ неъматнинг кечикиб қолишидин андишага тушиб, бунинг ҳасратида ҳам-қайғулари ҳаддин оша кўпайгани турди. Бу жудалик ҳасратидин шу даража ҳамлари ғалаба қилдиким, улуғ тоғлар бошидин ўзларини ташлаб ҳалок бўлиш фикри ҳам кўнгилларига келур эди.



Кўп тоқатсиз бўлиб, иш оғирлашганда Жаброил алайҳиссалом кўриниб: «Эй Муҳаммад, сабр қил, албатта, сен Пайғамбардурсен, вақт яқиндур» деб тасалли берур эди. Неча қайта шундоқ ишлар Пайғамбаримизга воқеъ бўлди. Ҳар қачонким тоғ чуққисига чиқиб, яна шу хаёлга келсалар, дарҳол Жаброил алайҳиссалом кўриниб, юқориги сўзлар билан юпантирар эди.

Бу фироқ кунлари охирига етиб, иккинчи ваҳий келиш даври бошланди. Бу даврдаги биринчи ваҳий билан бутун дунё халқини Ислом динига даъват қилишга Худодин амр келди. Ҳаммадин илгари, айтишлари билан Хадитча онамиз дарҳол иймон келтирдилар. Чунки узун замондин буён бу ишдан хабари бўлиб, бу ҳақда қилган фаросатлари тўғри чиққан эди. Утган пайғамбарлар башорат берган Худо ҳабиби — охирзамон Пайғамбари эканларига гумонлари йўқ эди. Пайғамбаримиз ризоликлари учун бутун жону моли билан ёрдам беришга ваъда берди. Шу иккинчи ваҳий келиши **«Иа аййухал мударсиру»** сураси ила бошланди. **«Қум, фаанзир»** (*«Тур, бажо эт»*) хитоби ила халқни Ислом динига даъват қилишга Худо тарафидин буйрулдилар.

Бу сирни дастлабда кимга айтсам бўлур, деган фикрга тушдилар. Чунки узун замонлардин бери халқ дин ишларидин узоқлашиб, аларнинг олдида дин бутунлай ёт нарса бўлиб кўринар эди. Иккинчидан, у замонда араб халқини жоҳиллик, ваҳшийлик тамом қоплаганликдан, ахлоқлари энг тубандаги даражада бузулган эди. Уруш-талаш, одам ўлдириш улар учун фахрланарлик, суйган касблари эди. Ёш болаларни боқишдан қочиб, фақирликдан кўрқиб, уруш-сўқишларда душман қўлига ўлжа тушишдан номусланиб, ул бечораларни тириклайинча ўз қўллари билан кўмар эдилар. Бунинг устига ота-бободин қолган дин, бузук расм-одатларга қаттиқ берилган эдилар. Мана шунинг учун Пайғамбаримиз ўзларини уларнинг ёлғончи қилишларидин кўрқиб, бу тўғрида кўп андишага тушдилар.

Абу Бакр Сиддиқ билан Пайғамбаримиз ораларида ёшлиқларидин бери дўстлик алоқаси узилмаган эди. Бошқалардин кўра, Пайғамбаримиз қандоқ олий ахлоқлик, чин сўзлик, пок диллик эканликлари ул зот олдида очиқ маълум эди. Мана шунинг учун ҳаммадин илгари бу сирни Абу Бакр Сиддиққа айтиб, динга

даъват қилдилар. Анда Абу Бакр Сиддиқ: «Ота-онам сизга фидо бўлсин, сизнинг ёлгон айтмаслигингизга менинг ишончим комилдур, шуңдоқ бўлса ҳам бу ҳақда сиздан яна бирорта мўъжиза кўрсам, ишончим буңдин ҳам ортиқроқ бўлур эди», деди. Пайғамбаримиз анда айтдилар: «Эй Абу Бакр, тижорат учун чиққан Қурайш карвонига қўшилиб Шом сафарига чиққанимизда икковимиз бир туяга мингашган эдик, шул кунларда ҳаво ғоятда исиган вақти эди. Ана шунда бир парча оқ булут бориб келгунчалик устимиздин ажралмасдин соя солиб турди. Буни ўзингиз ҳам кўрган эдингиз. Яна қандоқ мўъжиза истайсиз?! деганларида ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ дарҳол: «*Ашҳагу аннака, расулаллоҳи ҳаққо*» (яъни, «Гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳ таолонинг ҳақ пайғамбаридурсиз»), деб Ислом динига кирдилар. Эркаклардин дастлаб иймон келтирган Абу Бакр Сиддиқ бўлди. У вақтда Ҳазрати Али ёш бола бўлиб, Пайғамбаримизнинг хизматларида эди. Бир куни Пайғамбаримизнинг ўқиган намозларини кўриб: «бизнинг халқимизда йўқ одат, бу қандоқ иш?» деб сўради. Анда Пайғамбаримиз: «Аллоҳ таоло бутун инс-жинларга мени Пайғамбар қилди. Иброҳим Халилulloҳнинг тутганлари Ислом динини Аллоҳ тарафидин келтурдим. Бутун халқни ушбу динга даъват қилишга мени Аллоҳ таоло буюрди. Буңдан бошқа динлар барчаси ботидур», деганларида, Ҳазрати Али балоғатга етмаган ёш бола бўлса ҳам, ҳақиқатга тушуниб дарҳол иймон келтурди. Яна ёш болалардин Пайғамбаримизнинг асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса иймон келтурган эди. Бу болани онамиз ҳазрати Ҳадича қулликка сотиб олиб, ўзи зийрак, хизматга қаққонлигинин Пайғамбаримизга ҳадя қилиб берган эдилар. Бир муддат ўтган сўнгида Зайднинг отаси билан амакиси излашиб келиб, Пайғамбаримизга йўлиқдилар. Алар: «Эй Муҳаммад, бу бола бизнинг ўғлимиздур, қабила урушларимизнинг бирида ғалаба қозонган душманлар қўлига ўлжа тушиб кетган эди, эшитсак, сизларга сотиб кетмиш эканлар, биз сизни олий ахлоқлик, юмшоқ кўнгилик, юқори ҳимматлик яхши одам, деб онглаймиз, берган пулингизни қайтариш шарти билан боламизни сиздан сўраб келдик», дейишди. Анда Пайғамбаримиз: «Бу иш кўп яхши бўлур эди, агар хоҳласангизлар болани ўз ихтиёрига солсак. Кимни хоҳласа, шу билан қолса, бунга биз ҳам рози бўлур эдик»,

деганларида, бу ишга улар ҳам розилик билдирдилар. Сўнгра Пайғамбаримиз Зайдни чақириб:

— Мана бу киши ўз отанг, мановиси бўлса, амакинг экан, йироқ ердин сафар машаққатини тортиб, сани излашиб келибдурлар, энди нима дерсан, менинг билан қолиш ёки булар билан кетиш ихтиёри ўзинг-дадур, — дедилар. Шунда Зайд:

— Ё Расулаллоҳ, ҳеч кимни сизга тенг кўрмайман, сиздин бошқа билан дунёда туришни тиламайман, — деб кўзига ёш олди.

Отаси буни кўриб, икки ўртада қандоғ меҳр-муҳаббат боғланганини билиб, боласининг Пайғамбаримиздин ажралмаслигига кўзи етди ва ҳам ҳар тўғрилиқ боласидин кўнгли тинчиб, ўз жойларига қайтдилар. Бу ўғил вояга етиб, дунёдин ўтгунча Пайғамбаримиз хизматларида бўлди. Саккизинчи ҳижрийда воқий бўлгон Мўъта вазотида уч минг кишилик ислом аскарига бош кўмондон бўлди. Бу қўшинга Пайғамбаримиз оқ туғ тақдим қилган эдилар. Алар ўзларига сон жиҳатдин қирқ-эллик баробар душман аскарига ҳужум қилдилар, аскар бошлиғи Зайд саф олдида оқ туғни тутиб ҳужумга ўтди. Туғ қўлларида турган ҳолда етмиш еридин яраланиб, шаҳид бўлди. Аллоҳ ундин рози бўлсин, бу воқеани ўз ўрни келганда тафсили ила ёзармиз, иншааллоҳ. Қуръони каримда бутун саҳобалардин ёлғиз шу зотнинг номлари бордур.

Шундоқ бўлиб, секинлик билан динга кириш ишлари бошланди. Ҳазрати Абу Бакр Қурайш қавми ичида чўнг обрўга эга эдилар. Чунки ўзлари олий ахлоқлик, очикқўллик, ширинсўзлик, хушмуомала, хуш улфати зот эдилар. Халқ ўртасида сўзлари мўътабар эди. Шунинг учун қуйида номлари ёзилмиш кишилар ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ташвиқи билан иймонга кирдилар: Биринчиси, Абураҳмон ибн Авф; иккинчиси, Зубайр ибн Аввом; учинчиси Усмон ибн Аффон; тўртинчиси, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, ва бешинчиси Саъд ибн Абу Ваққос. Булар Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларида шаҳодат айтишиб, байъат бердилар. Ислом дини аста-секин халқ ичига тарқала бошлади. Муслмонлар сони ўттиз-қирққа яқинлашди. Дин сўзлари Макка шаҳрига ёйилди. Ислом аввалида беш намоз фарз бўлмаган бўлса ҳам, ихтиёрий намоз ўқиш учун Жаброил алайҳиссалом намоз вақтларини белгилаб бердилар. Ва ҳам ўқиш тартибларини ўргатдилар. Са-

ҳобалар намоз ўқимоқчи бўлсалар уч йилгача Макка тоғлари ичида, долда (холи) жойларга кириб ўқирдилар.

Бир кун ҳазрати Саъд ибн Абу Ваққос бир неча саҳобалар билан тоғ ичида яширинча намоз ўқиб турган чоғларида Қурайш мушрикларидан бир тўп кишилар келиб қолдилар. Буларнинг намоз ўқишларига қаттиқ ғазабланиб, инкор қилдилар. Ҳар икки тараф ўз сўзларини исботлаш устида бир қанча тортишувлар бўлди. Бунинг билан мушриклар қаноатланишмай, ўртадин уруш чиқардилар. Қуролсиз бўлган бу урушда ҳазрати Саъд ибн Абу Ваққос бир мушрикни туя суяги билан урганда, унинг боши ёрилди. Ислоом бошланишида энг аввал тўкилган қон шу эди. Бу воқеадан кейин, панароқ, ҳазрати Арқам деган саҳобанинг уйларига йиғилишиб, Пайғамбаримиздин Қуръон ўқишар эдилар. Пайғамбаримизнинг уруғ туққанларидан ҳазрати Алидан бошқа ҳеч ким динга қирмаган эди. Ёлғиз Қурайш қабиласи эмас, бугун араблар ичида ҳам дин сўзлари тарқала бошлади. Ул замон арабларида ваҳшийлик сифатлари қолиб бўлиб, маданиятсиз, ўқиш-ёзишдан йироқ ва ҳам ота-боболарининг ботил динларига, бузуқ расм-одатларига қаттиқ берилган эдилар. Шунинг учун Ислоом динига, дастлаб чиқишида энг қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Борлиқ куч-қувватлари билан бу ишни йўқотиш, босишнинг қасдига тушдилар. Ҳар киши ўз яқинларини, уруғ-аймоқларини қандоғ чоралар билан бўлса ҳам бу йўлдан қайтарсун, бу ҳақда ҳеч ким бировга раҳм қилиб, орачи бўлмасин. Агар Муҳаммаднинг динидан қайтмаган тақдирда, ўлдиришгача, уриш-қийнаш чоралари кўрилсин, деб Қурайш раислари ўзаро қаттиқ ваъда-ваъид қилишдилар. Мана шундоқ бўлиб, бало бошланиб, имтиҳон кунлари мусулмонлар бошларига келди. Чунки мўминлик даъво қилгувчи баъдаларга дунёда турлик офатларни юбориб, уни кўриқдин ўтказиб синашлик Аллоҳ таолонинг одатидур.

Пайғамбаримизнинг амакилари Абу Лаҳаб, яна Қурайш раисларидин Абу Жаҳл — бу икковлари динга қарши қаттиқ қурашган кишилардин эдилар. Билол Ҳабаший каби ҳимоятчиси, қавму қариндоши йўқ мусофир мусулмонлар учун кўп қаттиқ кунлар бўлди. Ҳазрати Амморнинг оталари Ёсир Ислоом йўлида ҳар қанча оғир азобларга чидаб, тил учиде бўлса ҳам, жон

қутқазыш учун «қайтдим», дейишга кўнгиллари рози бўлмади. Ҳақ йўлида жонларини қурбон қилиб, шаҳид бўлган зотларнинг биринчиси шу зотдир. Оналарини Абу Жаҳл алайҳул лаъна нозик жойига найза тикиб ўлдирди. Асов туяга боғлаб, судратиб ўлдирди, деган иккинчи ривоят ҳам бордур. Алар иймони-эътиқодларини сақлаш учун бу қадар оғир азоблар остида сабр этдилар. Динга қарши келган бир оғиз сўзни тил учида айтишни ҳам ўзларига лойиқ кўрмай, ҳақ йўлида жонларини фидо қилишга рози бўлдилар. Билол Ҳабашийнинг хўжаси уни Ислом динига киргани учун жазирама иссиқ кунларда қора шағал, майда тош устига қорни билан ётқизиб, устидан йўғон оғир тошлар билан бостириб қўяр эди. «Мухаммаднинг динидан қайтсанг қайтганинг, агар қайтмасанг, очлик, чанқоқлик — шу қийнов билан ўлдурурман», дер эди. Кун иссиғи, тош қизиғи, бунинг устига чанқоқлик жонидан ўтиб, бир қултум сувга зор бўлиб, оғир тош остида: «Аҳад, аҳад», дея Худо ёдида инграр эди. Мана шунчалик қаттиқ қийновларни тортса ҳам, жон қутқазыш учун, тил учида бўлсин «қайтдим», дейишга рози бўлмади. Йўқ эрса, бундоғ жойларда тил билан айтишга шариатда рухсат бор эди.

Энди ишлар шундоқ бўлатуриб, яна мусулмонларнинг сони кундан-кунга кўпайишга турди. Шунга қараб, мушрикларнинг ҳам жабру зулмлари ҳаддидин зиёда ошди. Худо тарафидин ёндирилган бу чироқни сўндириш учун турлик чоралар қўллаган бўлсалар ҳам, ҳеч биридин натижа чиқмади. Иймон-эътиқоддин насибалик одамларнинг иродаларини тўсиш учун ожиз қолдилар. Энди мақсадларига етиш учун бошқачароқ тадбир топишга киришдилар. Шундоқки, Қурайш қабиласи раисларидин Абу Суфён, Абу Жаҳл, Утба, Шайба, Абул Бахтари, Валид ибн Муғира, Ос ибн Воил Пайғамбаримиз амакилари Абу Толиб олдига келишиб:

— Эй Абу Толиб, сени ҳурмат қилишимиз ҳар тўғридан бизга лозимдур. Чунки сен Қурайш қабиласи ичида улуғ ёшлигимиз, ҳам бизнинг бошлиғимиздурсан. Мана қариндошинг ўғли Мухаммад бизларнинг ва ота-боболаримизнинг йўлидан чиқди. Уларнинг динларини ташлади. Ота-боболаримиздан бери ҳурматланиб келган бутларимизни ва бошқа одатларимизни хорлади. Сен бўлсанг, бизнинг динимизда-

дурсан, энди сен икки ишдан бирини ихтиёр қилишинг керак. Ё уни йўқ қилиб ўртадин ўзинг қўтаргил, унинг ташвишидин бутун халқ қутулган бўлайлик, ёки уни бизларга таслим қилиб топшириб бергин, қандоқ жазо берсак, ўзимиз билурмиз. Агар бу ишларнинг ҳеч бирига розилик бермасанг, сен ҳам Муҳаммадга қўшилган бўласан. Ана у вақтда икки тарафнинг бири йўқ бўлгунча, ўртамизда урушдин, қиличдин ўзга чорамиз йўқ, — деган таҳдидли шартни қўйишди.

Абу Толиб Қурайш раисларидин бу сўзларини тинглаб, анчагина ташвишга тушди. Ва ҳам Пайғамбаримизни чақириб:

— Эй қариндошимнинг ўғли, Қурайш раислари мана шу хилда сўзлар қилдилар. Энди ўзинг учун, мен учун тоқатимиздин ташқари бирор иш бўлиб қолмасин, — деди.

Пайғамбаримиз: «Қурайш сўзларидин амаким андишага тушибдур». Мени ҳимоя қилишдин ўзини тортмоқчига ўхшайди, деган гумонга келиб:

— Эй амаки, жаҳон халқи мени шу ишдин тўхта тиш учун ўнг қўлимга Қуёшни, чап қўлимга Ойни солсалар яна тўхтамайман. Аллоҳ ёрдами билан бу ишни оламга тарқатурман ёки шу йўлда ҳалок бўлурман. Аллоҳдин ўзга ҳеч ёрдамчим йўқ, — деб йиғлаганларича ўринларидин туриб кетдилар.

Пайғамбаримизни бу ҳолда кўриш Абу Толибга қаттиқ таъсир қилиб, кўнгли бузилди. Ортларидин чақириб:

— Эй қариндошимнинг ўғли, ўз ишингда эркин бўл, суйганинча сўзла, қасам Аллоҳга бўлсинким, сенга ёрдам қилишдин сира бош тортмайман, ҳар вақт ҳимоятингда ҳозирман, — деди.

Сўнгра Қурайш раислари Абу Толибнинг бу сўзларини эшитдилар. Қурайш қабиласи ичида ҳасаб-насаблик, ҳусни-жамоллик Аммор ибн Валид номлик бир йигит бор эди. Қурайш раислари бу йигитни олиб, Абу Толиб қошига келдилар ва:

— Эй Абу Толиб, билурсанки, фазли-камол, ҳусни-жамолда бу йигитимизнинг баробари йўқдур, буни Муҳаммад ўрнида бошга-бош қилиб келтурдик, у бўлса, сени-қизни динимизга, ўтган боболаримизнинг йўлларига барши чиқди, ўзаро иттифоқимизни бузди, қариндош-уруғларимиздин ажратди. Энди маслаҳатимиз шуки, Муҳаммадни бизга топшириб берсанг, биз уни

ўлдирсак, унинг ўрнига бу йигитни сен ўғил қилиб олсанг. Шунинг билан ўртамиздаги душманчилик ишларимиз босилур эди, — дедилар.

Бу сўзни эшитган Абу Толибнинг аччиғи чиқиб, ғазаби кўзғолди, уларга қараб:

— Сизлар мени қаңдоқ ёмон, зиёнлик савдо қилдирмоқчи бўласизлар, мен сизларнинг болангизни боқишга олсам, сизлар менинг боламни ўлдиришга оласизларми? Бундоқ аҳмоқлик савдони дунёда қилган ҳеч киши бормидур? — деб уларни мот қилди.

Шунинг билан Қурайш раисларининг бу қилган макри ҳам бўшашга чиқди. Лекин ҳар уруғ ўз ичидаги мусулмонларни динларидин қайтариш учун қаттиқ киришдилар. Аллоҳ улуғ ажрлар берсин, ул кунлардаги мўминлар ҳақида тоқатдин ташқари уриш-қийнашлар бўлди. Баҳона Абу Толиб бўлиб, мушриклар бошқа мусулмонларга қилган зулмларини Пайғамбаримизга қила олмадилар. Чунки Абу Толиб Пайғамбаримизни мушриклар озоридин ҳимоя қилишга қаттиқ аҳд қилган эди. Шу қилган аҳдини қувватлаш учун Қурайш қабиласидан икки уруғни ўз ёрдамига чақирди. Биринчиси, «Бани Ҳошим», иккинчиси, «Бани Мутғалиб» эди. Пайғамбаримизга насаб тарафидин Қурайш ичида энг яқинлари ҳам шулар эди. Чунки Ҳошим Пайғамбаримизнинг учинчи боболаридур. Мутғалиб билан Ҳошим ота-боладурлар. Мана шу икки авлод Исломга кирган-қирмаганлари баробар Абу Толиб фикрига қўшилиб, Пайғамбаримизни душманлардин сақлаш ва у зотни ҳимоя қилиш тарафдорлари эдилар. Мана шу сабаблар баҳона бўлиб, Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни бошқа мўминларга бўлгандек, душманлар суиқасдлари ва қўл озорларидин ўзи сақлади. Аммо улар тарафидин тил ва дилозорликлари кундан-кунга кўпаймоқда эди.

## АМИР ҲАМЗАНИНГ ИСЛОМГА КИРИШИ

Бир куни Абу Жаҳл Пайғамбаримиз билан дин тўғрисида сўз таллашиб, кўп адабсизлик қилди. Қони қайнаб, ғазаби кўзғолиб, ўз ҳақдини билмай, уришга ҳам қўл кўтарди. Пайғамбаримиз бу ишдин кўп маъюс бўлдилар. Амакилари амир Ҳамзанинг хотуни бу воқеа устида қараб турган эди. Абу Жаҳлнинг қилган беадабчилиги киши чидаб турарлик эмас эди. Шунга

ҳам Пайғамбаримиз сабр қилдилар. Аммо ул хотуннинг Пайғамбаримизга раҳми келиб, йиғлаганича уйига қайтди, чунки бу хотун яширинча мусулмон бўлиб, динга кирганлардан эди. Шул куни амир Ҳамза ўқ-ёйларини осиб, ов қилмоқ учун сахрога чиққан эди, овдин қайтиб уйга кирса, хотунни йиғлаган ҳолда ўтирибдур, буни кўриб: «Нима бўлди, на учун йиғладинг?» деб сўраганида, хотунни айтди:

— Мен ким учун йиғлар эдим, йўқлар, излар қариндоши қолмаган, ўз юртида ғариб бўлган Муҳаммаднинг дардига йиғлайман. Акангнинг ўғли Муҳаммадни малъун Абу Жаҳл қандоқ хорлади, агар кўрган бўлсанг сен ҳам йиғлар эдинг, — деб яна кўзига ёш олди.

Буни эшитган амир Ҳамзанинг қариндошлик ҳамияти қўзғолиб, қаттиқ ғазоби келди. Шу онда ўқ-ёйини қўлида тутганча отига миниб, Абу Жаҳл мажлис қуриб ўтирган Абу Қубайс тоғига чоғганича чиқиб борди. Келаётган амир Ҳамзага Абу Жаҳлнинг йироқдан кўзи тушди. Ёнида ўлтиришган ўзига қарашли кишиларга қараб:

— Ҳамзанинг келиши бузукроқ кўринади, бундан оддинроқ Муҳаммадга тилим тегиб, уришга қўл узатиб, унга кўп озор берган эдим, агар шул тўғрида келаётган бўлса, у ҳар нарса қилса, нима деса ҳаққи бордур. Сизлар бу ишга аралашгувчи бўлманглар, яна бизга ўчакишиб, Муҳаммадга иймон келтириб кетмасун, — деди. Бу орада амир Ҳамза ҳам етиб келди ва Абу Жаҳлнинг ёқасидан тутиб:

— Эй фосиқ, Муҳаммаднинг ҳеч кими йўқ, эгасиз киши, деб ўйлаган эдингми? — деб қўлидаги ўқ-ёйи билан уриб эди, ул малъуннинг боши ерилиб кетди.

Буни кўрган, бояги ўзига қарашли қабила йигитлари Абу Жаҳл ҳимояти учун ўринларидин сакрашиб турдилар. Лекин Абу Жаҳл буни узрини айтиб, уларни бу ишга аралашгани қўймади. Балки ҳийлагарлик қилиб, бир мунча юмшоқ сўзлар билан амир Ҳамзани ғазабидин туширди. Сўнгра амир Ҳамза Пайғамбаримизга кўнгил айтиш учун келиб, уйларидин топмади, қараса Байтуллоҳда маъюслик билан ўлтирган эканлар. Устиларига келиб, ҳол сўраганида Пайғамбаримиз:

— Мени ўз ҳолимга қўйинглар, уруғ-аймоқ, ёрдамчиси йўқ, ўз элида ғариб бўлган одамман, — дегандек сўзларни айтиб, муборак кўзларига ёш олдилар.



Буни кўрган амир Ҳамза Пайғамбаримизга кўп ачинди. Абу Жаҳл билан бўлган воқеада уни уриб бошини ёрганликларини гапириб берса ҳам чиroyла-ри очилмади. Анда амир Ҳамза: «Эй қариндошимнинг ўғли, зоди (ахир) нима қилсам, рози бўлурсан? Деганингни қилайин», деди. Анда «Иймон келтурсанг рози бўлурман», деб табассум қилдилар. Шу ҳолда тавфиқ — илоҳий ёр бўлган экан, дарҳол амир Ҳамза шаҳодат айтиб, иймонга мушарраф бўлди, ҳазрати Арқам уйдаги хуфёна йиғилишган саҳобаларга қўшилиб, Қуръон ўрганишга киришди. Бутун мўминлар амир Ҳамзанинг иймон келтирганига ортиқча хурсанд бўлишиб, ул зотни такбир билан қарши олдилар. Ҳазрати Ҳамзанинг мўминлар сафига кириши дин ривожига зўр қувват бўлди. Чунки амир Ҳамза ёлғиз Қурайш ичида эмас, бутун араблар орасида баҳодирлик атовини кўтарган йигитлардин эди, шунинг учун бу зотнинг иймон келтириши Исломининг ривожланишига йўл очди.

### ҲАЗРАТИ УМАРНИНГ ИЙМОН КЕЛТИРИШИ

Ҳазрати Умарнинг иймон келтириши шундоқ эдики, унинг Фотима номлик бир қиз қариндоши бор эди. Саъд ибн Зайд билан баробар Пайғамбаримизга келиб, яширинча динга кирдилар. Лекин акалари Умар ибн Хаттобнинг бу ишдан хабарлари йўқ эди. Жаноби Пайғамбаримиз ҳазрати Арқам саҳобанинг уйда уч йил яширинча мўминларга Қуръон ўқитиб, Ислом ҳукмларини ўргатардилар. Бир куни туриб, шундоқ дуо қилдиларким: «Эй бор Худоё, Қурайш қабиласи ичида биринчи Умар Хаттоб, иккинчи Абул Ҳакам ибн Ҳишом, бу икки кишининг иймон келтиришлари билан Ислом динига ривож бергин», дедилар. Абу Жаҳлнинг аввалида оти Абу Ҳакам эди, Пайғамбаримизга кўп жоҳиллик қилганлиги сабаблик отини Абу Жаҳл қўйдилар. Бу иккови Қурайш қабиласи ичида обрўйлик ва икки уруғ халқининг раислари эди. Шунинг учун жаноби Пайғамбаримиз, бу иккови иймон келтирса, бошқалар ҳам эргашиб, иймонга кирсалар, динимиз ривож топармикин, деган мақсадда дуо қилган эдилар. Бир куни Наъим ибн Абдуллоҳ номлик киши, бу яширин иймон келтирган саҳобалардан эди, кўчада Умар ибн Хаттоб билан учрашиб қолди, қараса,

урушга чиққан кишидек қилич тақинган, феъли бош-қачароқ кўринди. Унга боқиб: «Эй Умар, йўл бўлсин», деб сўраб эди, Ҳазрати Умар: «Эй Наъим, билгинки, шу қилич билан Муҳаммаднинг бошини кесиб, бутун халқни тинчитгани чиқдим. Чунки унинг сабабидан, ота-боболаримиздин қолган динимиз хорланди, қариндош-уруғларимиз ажрашиб, бир-бирларига душманлашдилар. Энди уни ўлдирсам, ҳаммани бу ишдин қутқазган бўламан», деди. Бу сўзни эшитиб, ул саҳоба айтди: «Эй Умар, бу ишни сен осон чоғлама, бошқани кўйиб, ўзингга қарасанг-чи, синглинг Фотима, куёвинг Саъд ибн Зайд, ҳар иккови Муҳаммадга иймон келтириб, анинг динига кирдилар. Мана сенинг бу ишдин хабаринг бормидур?» деди. Бу сирни айтишдин унинг мақсади эрса Ҳазрати Умарни йўлдан қайтариш эди. У киши ўйлагандек, бу хабарни англаши билан Ҳазрати Умарнинг қаттиқ ғазаби кўзғолди. Чунки ўзи хабарсиз, оиласида бундоғ ҳодисанинг пайдо бўлиши ҳеч қутилмаган иш эди. Уларга жазо бериш нияти ила, дарҳол йўлидин ёниб (қайтиб), синглисининг уйига қараб жўнади. Ҳубоб ибн Ирс деган саҳоба ҳар куни келиб, буларга Қуръон ўргатур эди. Бошқалардин эҳтиёт учун бир болани қоровул қилиб қўйган эдилар. Бу эса Ҳазрати Умарнинг келаётганини кўриб, дарҳол кириб хабар берди. Шошганларидан Қуръон оятлари ёзилган тахталарни дарров беркитдилар. Қуръон ўргатаётган устозлари Ҳазрати Ҳубобни бир жойга яширдилар. Шунинг устига Ҳазрати Умар эшикдин кириб келди. Ва: «Ҳой, сизлар мени араблар ичида бош кўтариксиз номусга қўйиб, Муҳаммадга иймон келтирибсизлар», деб куёвлари Саъд ибн Зайднинг ёқасидин тутиб ургани турди. Буни кўриб синглиси Фотима чидаб туролмасдин ўзини эри устига отди. Орачилаб турган чоғида муштуми тегиб кетиб, Фотиманинг бурнидин қон оққани турди. Сўнгра Фотима айтди:

— Энди бўларимиз бўлдик, ҳақ ишни яширмаймиз, бу кирган динимиздин ўлдирсанг ҳам қайтмаймиз, — деб акаси Ҳазрати Умарнинг ёқасига осилди. Бошқўзлари қон бўлиб, йиғлаб турган синглисига қараб, Ҳазрати Умар ўзи ҳам ҳижолатга қолди. Қариндошлик меҳридин Фотимага кўнгли оғриб, хафалик билан узун ўтириб қолди. Бир фурсат ўтгандин сўнгра аччиқлари босилиб:

— Ҳой Фотима, ҳалиги мен киришимнинг олдида

ўқишиб ўлтирган нарсаларингни келтиринглар, мен ҳам уни ўқиб кўрай, — деди.

Ҳазрати Умарнинг хат-саводлари бор эди. Фотима айтди:

— Буни сизга беришдин, йиртиб ташлайсиз, деб кўрқамиз.

Ҳазрати Умар йиртмаслик шarti билан, ўқиб кўриш учун яна талаб қилди. Қарасалар, бир яхшилик бор-дек кўринади. Анда Фотима айтди:

— Бу Қуръон оятлари, Аллоҳ таоло сўзидур. Буни таҳоратсиз тутгани бўлмас, сизда таҳорат йўқдур, — деди.

— Таҳорат қандоқ бўлади, — деб сингилларидан ўрганиб-ғусл таҳорат олди. Сўнгра тахта-порага ёзилган Тоҳо сурасидин бир неча оятни икки-уч қайта ўқиб, аҳволлари ўзгарди. Иймон нури кўнгиларига тобиш қилгандек бўлиб, маюслик билан қараб турди.

— Ажабо, бу оятлар одам сўзига ўхшамайдиган, қандоқ яхши сўзлардур! — деди. Бу орада шунча гап ўтгунчалик, Ҳазрати Ҳубоб қўрққанларидин, яширинган жойида нафас чиқаролмай, хаб (тинч) ётган эди. Ҳазрати Умардин бундай яхши нишоналик сўз англаши билан, ётган жойидан чиқиб:

— Эй Умар, сенга хушхабар, Абул Ҳакам билан сенинг ҳаққингда қайси бир куни жаноб Пайғамбаримиз Худодин иймон сўраб, дуо қилганларини кўрган эдим. Ул дуо сенинг ҳаққингда қабул бўлганга ўхшай-дур, — деди.

— Эй Ҳубоб, мени Муҳаммадга бошлаб бор, Ислом динига кирурман, — деди.

Буни онглаб ҳаммалари суюнганларидин, такбир айтган ҳолда, Арқам саҳоба уйига қараб йўлга чиқдилар. Пайғамбаримиз саҳобаларига Қуръон таълим бериб ўлтирур эдилар. Шул чоғда кўчага қўйган қоровуллари қўрққан ҳолда келиб, Ҳазрати Умарнинг қилич осиниб келаётганидин хабар еткурди. Бу сўздин саҳобалар ташвишга тушдилар. Булар ичида Қуръон ўрганиш учун келган ҳазрати амир Ҳамза ҳам ўлтирган эди. У дедиким:

— Умар келган бўлса, эшикни каттароқ очиб қўйинглар. Агар ул яхшилик ила келган бўлса, биздин ҳам у яхшилик кўргай, агар ёмон ниятда келган бўлса, бул жойдин у соғ чиқолмайди. Ўз қиличи билан бошини кесгайман, — деди.

Сўнгра Пайғамбаримиз ҳам киришга рухсат бердилар. Қарасалар, Ҳазрати Умарнинг юзи душманлар юзидек кўринмайди, саҳобалар баробар туришиб, эшик олдида Ҳазрати Умарни қарши олдилар, Пайғамбаримиз анинг белидин ушлаб, бир-икки силкитгандин сўнгра:

— Эй Умар, қайси ният ила келдинг, худо сени чўчитмагунча тўхтамайсанми? — дедилар.

— Ё Расулаллоҳ, Аллоҳга ва унинг Пайғамбарига иймон келтириб, Ислом динига киргани келдим, — деди. Пайғамбаримиз бошлаб, шу жойдаги барча саҳобалар бу сўзни онглашлари билан, суюниб такбир садосини кўтардилар, шул онда Ҳазрати Умар ҳам ҳамманинг олдида шаҳодат айтиб, иймонга мушарраф бўлди.

Араб баҳодирлари, Қурайш сайидларидин бўлган бу икки баҳодир иймон келтиришлари билан Ислом дини ривожланишга юз қўйди. Саҳобаларнинг ҳам кўнгиллари тинчиб, ўз уйларига тарқалдилар, йўқ эса булардин илгари душманлар андишасидин ўз жойларида ётиша олмай, Арқам саҳобанинг уйларига йиғилишган эди. Мана шундоқ бўлиб, Ҳазрати Умар иймонга киришлари билан, мўминларнинг сони қирққа етди. Энди қирқ кишининг ҳиммати, нияти бир мақсад устига тўпланса, анинг қирқи чиқди демақдур. Сонлар ичида қирқ саноғи диний томондин қаралганда ҳам бир хосиятга эга эканлиги маълум бўлди. Чунки Пайғамбаримиз айтдилар: — «Ҳар ким қирқ кунгача узмасдан дилини Худо ёдида тута билса, унинг дилидин ҳикмат булоғи тилига қайнаб чиқар».

Мана шунинг учун ўтган авлиёлар хилват тутиб, чилла ўлтиришни ўзларига одат қилмишлардур. Бу ишда уларнинг далиллари юқоридаги ҳадисдур. «Нафаҳоти шариф» китобида келтирибдурким, ўтган улуғ авлиёлардин шайх Нажмиддин Кубро, анинг лақаблари шайх Валий Тарош эди. Бунинг маъноси эса Валий (дўст) қилгувчи демақдур. Сабаби бу эрдиким, бу зот қирқ кунлик чилла ибодатини тамомлаб, чиқар чоғида чиллахонанинг бир тарафига кўру шоллар ва бошқа ҳар турлик беморлар, иккинчи тарафига эса содиқ муридлар тизилишиб турар эдилар. Буларнинг мақсадлари ўз дардларига шифо топиш эди. Шайх раҳматуллоҳи алайҳи хилватхонадин ташқарига қадам кўйган чоғларида кўзларини қоплаган қошларини кўтариб, боти-

ний (ички) таважжух ила уларга бир назар қилур эдилар. Бу «кимё асар» назарлари анфоси Исодек ул беморларнинг зоҳирий ва ботиний дардларига шул онда Худо изни ила шифои комил бағишлар эди. Авлиёлар тарафидин фавқуллода бундоқ ишлар Ислом оламида инкор қилинмаслик даражада бек кўпдур. Пайғамбарлар кўлларидин кўрилгани мўъжиза бўлиб, авлиёлар томонидин бўлгани каромат, деб атайдилар. Ҳақиқатда эса ҳар иккови ҳақлигининг исботи учун далил тарзида Аллоҳ таоло тарафидин кўрсатилган бир қудрат кўрсатишдур. Пайғамбар мўъжизаси, авлиё каромати ҳақдур. Буларга инонмоқ вожиботи иймондин саналур. Она қорнида инсон боласининг тана тузилиши учун уч турлик давр ўтказиши лозимдур.

1. Нутфалик 2. Алақалик 3. Мудғалик даврлари.

Мана бу уч турлик даврнинг ҳар бирида қирқ кунлик илоҳий бир тарбият тамомидан сўнгра, нафҳи руҳ бўлиб, ул танага жон киради. Мусо алайҳиссалом Тури Сино тоғига чиқиб, Аллоҳ таолодин роз эшитиш олдида Худо тарафидин қирқ кун рўза тутишга буйруқдилар. Ҳазрати Юнус пайғамбар балиқ қорнида қирқ кун туриб чиққанлари ривоят қилинур. Арвоҳлар ортларида қолган оилаларига ўн йилгача ҳар ҳафта жума оқшоми, жума кунларида келиб, фотиҳа умид қилурлар, сўнгра ўн йилдан қирқ йилгача ҳар йилда бир бор икки ийд кунлари келурлар. Ондин кейин келишлари тўхтайдди. Тириклар томонидан қилинган фотиҳалар, хайру эҳсонлар уларга етиб туради. Саҳобаларнинг сонлари Ҳазрати Умар билан қирққа етиши муносабати устида бу қадар сўзланди. Ўқигувчилар учун фойдадин холи бўлмас, иншааллоҳ!

## **ИСЛОМ ДИНИГА УМУМИЙ ДАЪВАТ ВА ҲАБАШИСТОНГА БИРИНЧИ ҲИЖРАТ**

Ҳазрати Умар иймонга келиши билан дедиким: «Ё Расулаллоҳ, бизнинг динимиз ҳақ, йўлимиз тўғри бўлгандин кейин бундай яшириниб юришимизнинг йўли йўқдур, бизлар барча халқни бу динга даъват қилиб, бу ҳақиқатни юзага чиқазишимиз керак. Эндиги диний ибодатларимизни Байтуллоҳ ҳузурда очик равишда адо қилайлик», деди. Бу сўзга ҳаммалари қўшилиб, қирқ кишидин тузилган бир жамоат, Пайғамбаримиз бошлиқ шу ҳайъатларича Қурайш халқи-

нинг кундалик мажлис жойлари — Байтуллоҳ олдига чиқдилар. Мана шу кундин бошлаб, Ислом динига даъват ишлари ошкора бўлди. Буни кўрган Қурайш мушрикларининг ғазаблари қаттиқ кўзғолиб, мусулмонларга ҳар турлик ийзо(озор)-иҳонат қилишга киришдилар. Шундоқ бўлса ҳам иймон келтиргувчилар сонлари кундан-кунга кўпаймоқда эди. Шунга кўра, уларга ҳар тарафлама озор ишлар ҳам кўпайди. У ҳолдаги мусулмонлар учун душманларига қарши мудофаа қилиш вақти ҳали келмаганликдан сабр қилиб чидашдан ёки иккинчи бир ҳукумат қўл остига ҳижрат қилишдан бошқа чоралари йўқ эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз мусулмонларнинг кўрган азобларига ичлари оғриганликдин ҳижрат қилишга рухсат қилдилар. У замонда Ҳабашистон мамлакати Арабистонга чеғарадош эди. Нажоший номлик подшоси билан бутун халқи насоро динида эди. Лекин бу подшоҳ ўзи олимлардин бўлиб, Таврот, Инжил китобларида Пайғамбаримизнинг сифатларини кўп кўрган эди. Исо алайҳиссалом башорат берган охирзамон Пайғамбарининг чиқар вақти яқин бўлди, деб ўзи ҳам кутмоқда эди. Мана шунинг учун Пайғамбаримиз саҳобаларини шу ёққа ҳижрат қилишга буюриб:

— Ул жойнинг подшоси ҳақиқатсевар, динпарвар, одил кишидур, ҳижрат қилиб, анинг паноҳига боргувчи мусофирлар ҳақида ҳеч қандоқ жабр-зулмга йўл қўймайдур, шу жойга бориб, динингларни, жонингларни тинч-омон сақлаб, фурсат кутиб туринглар. Қачонки, бизлар куч-қувват топиб, бу ишимиз ривожланса, шу чоғда хабар қилсак келурсизлар, — дедилар.

Мана шу сабаблик, биринчи навбатда саҳоблардин эру хотун бўлиб, ун уч нафар киши яширин йўл билан Ҳабашистонга ҳижрат қилдилар. Мана шу ҳижрат ислом йўлида қилинган ҳижратларнинг биринчиси эди. Булар ичида Ҳазрати Усмон ва жуфтлари Руқия — Пайғамбаримизнинг қизлари бор эди. Улар кетганларидин сўнгра Қурайш мушриклари қувишиб чиққан бўлсалар ҳам, аларга етолмай, йўлдин қайтдилар. Лекин бу муҳожирлар борганларига олти ой бўлмай туриб, Қурайш халқи динга қирмишлар, деган ёлғон хабар эшитишлари билан, ҳаммалари қайтиб келдилар. Келганларидин кейин кўрган азиятлари илгаригидин ҳам кўпроқ бўлди. Қурайш мушриклари қарасалар, ҳазрати амир Ҳамза, Ҳазрати Умар, — бу икковлари

иймон келтиришлари билан, Ислом дини ривожланишга бошлади. Улар бу чироғни ўчириш қасдида, ҳар турлик чорага киришдилар. Қурайш раисларидин Утба ибн Робиъа деган кишини Пайғамбаримизга юбордилар. Ул келиб, дедиким:

— Эй қариндошим ўғли Муҳаммад, сен бўлсанг Қурайш қабиласи ичида ҳасаб-насаблик, қадр-қимматга эга бўлган бир кишимиз эдинг, нима бўлдиким, ҳеч хаёлимизга келмаган бир улуғ ходиса келтурдинг. Шу сабаб ила ўзаро иттифоқимиз бузилиб, жамоатимиз тарқалди. Орамизга душманчилик тушди, динимизни хўрлаб, бутларимизни ҳақоратладинг, ота-бобларимиз йўлларини ташладинг, энди мен сенга Қурайш халқи томонидин вакил бўлиб келдим. Аларнинг топшириқлари бўйича бир неча сўзларни айтиб, ўтмоқчи бўламан. Агар шулардин бирортасини қабул қилар бўлсанг, ўртамиздаги бу ихтилофлар кўтарилур эди,— деб сўзини тамомлади.

Сўнгра Пайғамбаримиз: «Гапиргин, эшитайлик», деб қулоқ солиб турдилар. Анда Утба:

— Эй қариндошим ўғли, агар сенинг мақсадинг шу баҳона билан мол топиш бўлса, тилаганингча мол топиб берайлик, ичимиздаги энг бойимиз сен бўлгин; ёки мансаб-даража топиш учун бу ишга киришган бўлсанг, ўз устимизга сени раис кўтарайлик, ҳеч бир ишни сенсиз қилмайлик; ёки бу иш орқалик подшоҳ бўлиш ниятинг бўлса, тахт қуриб, тож кийдириб, сени подшоҳ қилайлик. Ёки бу мақсадлардин ҳеч бири сенда бўлмаса, балки ишлашган жинлар таъсиридан бўлган иш эрса, қўлда молимиз, танда жонимиз бори-ча бунинг чорасига киришайлик, — деб шунга ўхшаш сўзлар қилди. Пайғамбаримиз айтдилар:

— Эй Утба, агар сўзинг тутаган бўлса, энди мендин эшитгил, — деб «бисмиллоҳ»дин сўнгра «Ҳа. Мим.» билан бошланувчи сурадин бошлаб ўқийвердилар. Утба эрса бу қадар фасоҳат-балоғатга эга бўлган Қуръон оятларини онглаб, қулоқ солганича ҳайрон бўлиб туриб қолди. Пайғамбаримиз бу сурадаги сажда оятигача ўқиб келганлари сўнгида дарҳол сажда қилдилар. Сўнгра айтдиларким: — Эй Утба, бу ўқилган Қуръон сўзларини эшитдинг, мана сенга жавобим шулдир, — деб сўзларини уздилар. Сўнгра Утба ўрнидин турганича Қурайш мажлисига қараб жўнади. «Нима жавоб келтирур экан?» деб улар ҳам кутишиб турган эдилар.

Ўлтиришган кишилардин баъзи бировлари дедиким: «Аллоҳга қасамёд қилурманким, Утба кетганидаги фикридин ўзгариб қайтмоқдадир» Шу орада ўзи ҳам келиб етди. Қурайш раислари: «Иш қандоқ бўлди?» деб ондин сўрадилар. Анда Утба: «Қасам ул Худогаким, умримда анингдин ҳеч эшитилмаган бир турлик сўз эшитиб келдим. Шоирларнинг шеъри, соҳирларнинг афсуни, қоҳинларнинг мавзуъ сўзлари, мана буларнинг ҳеч бирига ўхшамайду».

Эй Қурайш аҳли, бу тўғрида менга итоат қилишингларни сўрайман, бу ишда менинг тўхтаган райим шулки, Муҳаммаднинг динига ёрдамчи бўлмасак ҳам, анинг йўлига тўсқинлик қилмайлик, буни бошқа арабларга қўйиб берайлик, аган Муҳаммад араблардин енгилар экан, ётлар ёрдами ила биз ондин қутулган бўламиз. Иш ўз тилагимизча ўзимизга келур. Ёки бу курашда уларни енгиб чиқар эрса, анинг давлат-ҳукуматига, иззат-шавқатига албатта, бизлар шерикдурмиз. Инсонлар ичида энг бахтлиқ бўлиб яшаймиз» деб эдиким, тараф-тарафдин: «Эй Утба, Муҳаммад тили билан сени сеҳрлаганга ўхшайди», деган қарши овозлар кўтардилар. Утба: «Бу ҳақда менинг фикрим шу эди, буни сўзладим, бунга йўқ десанглар, сизларнинг деганингларча бўлсин», деб сукут қилишга мажбур бўлди. Шундоқ бўлатуриб ҳам, Қурайш қабилалари ичида мусулмончилик кун сайин кўпайгани турди. Қабилла мушриклари эса алардин бир нечаларини қамоққа олдилар ва қанчаларини динларидин қайтариш учун турлик азоблар ила қийнадилар. Энди бу ишлар билан ҳам муддаолари ҳосил бўлмаганликдин, иккинчи навбат тубандаги қабилла раислари яна қайтадин йиғилдилар. Булар эрса, Утба, Рабиъа, Шайба, Абу Суфён, Абул Бахтарий, Назр ибн Хорис, Асвад ибн Мутталиб, Замъа ибн Асвад, Валид ибн Муғира, Абу Жаҳл ибн Ҳишом ва бошқалар эдилар. Сўнгра бир киши келиб: «Эй Муҳаммад, қабилла раислари сиз билан келишмоқ учун, Каъба олдида тўпланиб, сўзлашмоққа чақирадилар», деб хабар берди. Пайғамбаримиз гумон қилдиларким, мени сўзларим буларга энди таъсир қилганга ўхшайди, тавфиқ топган бўлсалар ажаб эмас, деган хаёл қилиб, тезлик билан келдилар, қарасалар туслари бошқачароқ бўлиб, дўстлик нишонаси уларда кўринмади. Ичларидин бировлари сўзга туриб:



— Эй Муҳаммад, бутун Қурайш халқи томонидин бизлар бу иш устида сен билан очиқ сўзлашгани келдик. Араблар ичида, сендек ўз қавмига зарарлик ишни ҳеч ким қилган эмас, ота-боболаримиз йўлидин чиқдинг, динимизни сўқдинг, бутларимизни ҳақорат қилдинг, қариндош-уруғларимиздин ажратдинг, жамоатимизни тарқатдинг, энди бизнинг устимизда сенинг қилмаган ёмонлигинг қолмади. Агар бу ишдин мақсадинг мол топиш бўлса, мол йиғиб бериб, сени бой қилайлик, агар иззат-обрўй истаган бўлсанг, бутун Қурайш қабиласи устига сени раис қилиб кўтарайлик, агар подшоҳ бўлиш кўнглингга тушган бўлса, сени подшоҳ қилиб, тахтга чиқарайлик. Йўқ, агар жинлар тарафидин сеҳрланган бўлсанг, мол-дунёимизни аямай, анинг чорасига киришайлик, ё тузалурсан, ёки бизни маъзур тутурсан.

Мана шунга ўхшаш сўзлар қилиб, илгари Утба айтган сўзларни қайтадин такрор қилдилар.

Пайғамбаримиз алардин бу сўзларни эшитганлари сўнгида:

— Сизлар деганинглрнинг ҳеч бириси менда йўқдур. Бу ишда менинг мақсадим мол топиш ёки обрўй, мартаба орттириш эмас, ё сизларга подшоҳ бўлиш эмас. Лекин шунини билинглрки, мени Аллоҳ таоло инсон олами устига пайғамбар қилиб юборди, ўз тарафидин менга «Қуръон» отлиғ улуғ китоб индирди. Бу китобда инсонлар учун икки жаҳонда саодат топиш йўлларини кўрсатди. Мўминларни жаннат неъматлари ила суюнтиришга, кофирларни дўзах азоби ила қўрқитишга мени буюрди. Танграм буйруқларини сизларга етказдим, устимга юкланган ялавочлик (элчилик) вазифасини адо қилдим, ҳар ҳолда сизларга хайрихоҳдурман. Ҳеч қандай бошқа муддаойим йўқдур, агар сўзимни қабул қилсанглр, келтирган динимга кирсанглр, дунё ва охират саодатидин топган улуғ насибаларингдур. Агар бу сўзимни рад қилиб, мени ёлғончига чиқарсанглр, у ҳолда Аллоҳ амрини кутиб, сабр қилишдин бошқа чорам йўқдур — дедилар. Бу сўзлардин кейин улар яна:

— Эй Муҳаммад, энди биз сенга қилган тақлифларимизни ҳеч бирини қилмаган бўлдинг, ўзинг биласан, биздин ери тор, суви оз, турмуши оғир ҳеч қабилла йўқдур. Энди сен айтгандек, улуғ қудратлик Худонинг сени бизга пайғамбар қилиб юборгани аниқ бўлса,

еримизни торайтиб турган тоғларни ўртадан кўтарсин, Шом, Ироқ вилоятларига ўхшаш боғ-бўстон, оқин сувлар пайдо қилсин, ўтмишда ўлган ота-боболаримизни тирилтирсин, ул тирилганлар ичида бешинчи бобомиз Қусай ибн Килобнинг бўлиши шартдур. Чунки ул бутун араблар ичида чин сўзлик, тўғри тилик бўлиб топилган кишидур. Ана шулардин биз сўрайлик, Аллоҳ таоло сени пайғамбар қилиб юборгани аниқмидур. Агар сенинг сўзингни тасдиқлаб, Худо тарафидин юборилган Пайғамбарлигингга гувоҳлик берсалар, яна биз сўраган нарсаларни вужудга чиқара олсанг, шундагина сенинг пайғамбарлигингга ишона оламиз, Аллоҳ олдида қанчалик қадринг борлигини шунда биламиз, — дейишдилар. Анда Пайғамбаримиз айтдилар:

— Мен бу ишлар учун келмадим, мени Аллоҳ таоло ҳақиқат йўлини кўрсатиш, Ислому динини ўргатиш учун юборди. Аллоҳ амрини сизларга етказдим, қабул қилсанглар, дунё ва охиратлик яхши насибадур, агар уни рад қилсанглар, Худо фармонига қараб туришдин бошқа на чорамиз бордур? — дедилар.

Мушриклар бунинг билан ҳам сўзларини тўхтатмасдин, яна:

— Эй Муҳаммад, бизлар учун фойдалиқ иш кўрсатишга кўнмасанг, энди ўзинг учун фойдалиқ иш қилиб кўрсат, шундоқки, сени бизларга юборган Раббинг сени сўзингни тасдиқлаш учун яна бир фаришга юборсин, сени Худо тарафидин элчи бўлиб келганингга у гувоҳлик кўрсатсин ва ўзинг айтган жаннат боғларидин сенга атаб қаср-кўшклари ила бир боғ чиқарсин, у боғ ичида олтин-кумуш хазиналари бўлсин, токи сени бошқа одамлардек овқат овораси бўлмай, ҳеч нарсага ҳожатсиз, роҳат ила умр ўткузишингни кишилар кўрсинлар. Ана шу чоғда сени Пайғамбарлигингга, Худо олдида қадр-қийматинг борлигига ишона олурмиз, — деганларида, яна Пайғамбаримиз юқоридаги сўзлар ила жавоб бердилар. Бунга ҳам қаноатланмасдин дедиларким:

— Эй Муҳаммад, ўзинг айтгандек, Раббингнинг қудрати етмаган иш йўқ бўлса, айтгин ангаким, бошимизга ёмғурдек тош ёғдурсин, ёки андин бир парчасини устимизга ағдарсун. Агар биз сўраган нарсамизни келтира олмасанг, ҳеч вақтда сенга иймон келтиришимизни умид қилма.

Анда Пайғамбаримиз:

— У ишлар ихтиёри Аллоҳдадур, ҳар нарса қилса, унинг қудрати, эрки бордур. Агар қилишни истаса, ҳеч кимдан сўрамасдан бошларинг устига бу балони бир дамда келтирадур, — дедилар.

Мана шунчалик сўзлари устида яна бировлари туриб:

— Эй Муҳаммад, сўзимизнинг тўхтагани шуки, сени бизга пайғамбар қилиб юборган Худойингни кўзимизга кўрсат ёки ўзингнинг ростлигинга гувоҳлик бериш учун бир жамоат фаришталарни келтир, ана шундагина иймон келтирамиз, — деб сўзларини кесдилар.

Пайғамбаримизнинг ҳам улардин умидлари узилиб, у жойдин чиқдилар. Кейинларидин Абдуллоҳ ибн Умайя деган бир одам эргашиб чиқди, бу бўлса Пайғамбаримизнинг аммалари Отиканинг ўғли эди. Олдиларини тўсиб туриб, дедиким:

— Эй Муҳаммад, қавминг Қурайш бир неча таклифларни сенга қилдилар, ҳеч бирини қабул қилмадинг, сўнгра халқ учун фойдалиқ бир неча нарсаларни Аллоҳдин сўраб беришингни сендин ўтиндилар, буни олмадинг, бу талабни чиқара олсанг эдинг, Худо олдида нақадар мартабанг борлиғи маълум бўлиб, сенга иймон келтиришга йўл очилур эди, ёки ўз фойданг учун улар сўраган нарсаларни вужудга чиқариб, халқ олдида ўз даражангни исбот қила олмадинг: Халқни кўрқитиб, ўзинг айтиб юрган нарсаларнинг баъзи бирини уларга кўрсатишингни сўрадилар. Буни ҳам кўрсата олмадинг. Аллоҳ оти ила онт ичаманки, мен сенга ҳеч қачон иймон келтирмайман, агар кўз олдимда осмонга чиқиб пайғамбарлигингга хат-ҳужжат келтирсанг, унинг устига тўрт фаришта сенинг билан бирга туриб, гувоҳлик берсалар ҳам энди сенинг сўзингга ишонмайман, — деб яна қасам ёди билан юз ўтириб кетди.

Бунинг сўнгида Пайғамбаримиз бу ишга қаттиқ қайғуриб, хафалиқ билан уйларига қайтдилар. Чунки улардин кўз тутилган яхшилик умидлари узилган ҳисоб бўлди. Яна бу сўзлардин сўнгра Абу Жаҳл малъун туриб:

— Эй Қурайш халқи, мана кўрдинглар, Муҳаммад билан бўлган муомаламиз шу бўлди, динимизни хорлаб, бутларимизни ҳақорат қилиб, ота-боболаримизни, бизни аҳмоқ санаб юрибди. Унинг мақсади эрса, бизларни хафа қилишдур. Энди мен ўз кўнглимда шун-

дай аҳд қилдимки, агар эртага келиб Байтуллоҳ олдида яна ўз намозини ўқимоқчи бўлса, нақд саждага бош қўйган чоғида қўл кўтаргудек оғир тош билан уриб бошини янчаман. Шундоқ қилиб, биратўла ўлдириб қутулмасак, бошқа чораси йўқдур. Анинг ҳимоятчиси Бани Ҳошимлар қўлларидин келганини қилсунлар. Қурайш халқи улардин мени сақлаши-сақламасликларини ўзлари билсунлар, — деди.

Анда Қурайш раислари:

— Эй Абул Ҳакам, Худо ҳаққи, сенинг бу фикринг тўғридур. Агар шу аҳдинга вафо қилиб, бу иш ижроси ила Муҳаммаддин бизни қутқара олсанг, баримиз бир қўл, бир тил бўлиб, сени ҳимоя қилишга ваъда берамиз, — дедилар.

Уларнинг айтган сўзларидин Абу Жаҳл журъатланди, эртаси куни ўзи дегандек бир чўнг тошни тутиб, пойлаб турди. Пайғамбаримиз ўз одатларича Байтуллоҳ олдига келиб, икки ракат намоз ўтамакликка киришдилар. Қурайш раислари ҳам ўз масжидларида Абу Жаҳл ишини кутиб ўлтирмоқда эдилар. Қачонки Пайғамбаримиз саждага бош қўйиб эдилар, ёмон ният билан пойлаб турган Абу Жаҳл бир катта тош кўтарган ҳолда урмоқчи бўлиб яқин келди. Келиши ҳамон кўкрагидан итаргандек бўлиб, орқага қайтди. Қўрққанидин ранги ўчиб, тош кўтарган қўли жонсизланиб, уни ташлади. Бу қўркинчилик ҳолга қолган Абу Жаҳл устига бир неча мушриклар югуришиб келдилар.

— Эй Абул Ҳакам, сенга нима ҳодиса бўлди? — деб ундин сўрадилар.

Анда ул:

— Кечаги айтган ишимни қилмоқчи бўлиб, яқин борган эдим, тишлари найзадек, умримда кўрмаган ҳайбатлик бир буғро туя олдимдан тўғри чиқиб, оғзини фордек очиб, менга ҳамла қилди. Бўлган воқеа шулдир, — деди. Пайғамбаримиз:

— Кўринган буғро туя биродарим Жаброилдур, агар менга яқинлашса, уни ҳалок қилур эди, — дедилар.

Бу кўринган мўъжизага Абу Жаҳл ўзи иқрор қилганлигидан, бу сўз тарқалиб, халқ ичига яна гўлгула тушди. Қурайш раисларидан Назр ибн Ҳорис деган одам туриб:

— Эй Қурайш халқи, бу воқеа эрса таажжуб қилурлик даражада бир қизиқ ишдур. Чунки Муҳаммаднинг болалик, йигитлик даврлари кўз олдимизда ўтди.

Ул бўлса ичимизда энг олий ахлоқлик, чин сўзлик, ҳар ишда ишонимлик, ҳар кимга ёқимлик йигитимиз эди. Қачонки унинг йигитлик даври тугаб, чакка сочлари оқара бошлаганда бундоқ бир улуғ ҳодисани ўртага чиқарди. Энди буни биримиз сеҳрчи, биримиз фолчи дедик, яна биримиз туриб ани мажнун дедик. Мен Аллоҳ оти ила онт ичиб, қасам қиламанки, унинг ҳақида буларнинг бариси бир қуруқ туҳматдур. Бу ишнинг ҳақиқатига энди бизлар етишимиз керақдур, — деди.

Қурайш раислари андин бу сўзларни эшитгандин кейин, унга Уқба ибн Абу Муайт деган одамни қўшиб, Мадинага юбордилар. Аларга айтдиларким:

— Мадина шаҳрида Яҳуд тоифалари кўпдур. Аларнинг ичларида Таврот, Инжил китобларини ўқийдиган катта олимлар бор, деб эшитамиз, шуларнинг оддиларига боринглар. Муҳаммаднинг сифатларини, халққа айтаётган сўзларини, ўртамизда ўтган воқеаларни уларга яхшилаб тушунтиринглар, чунки Яҳуд қавми китоб аҳллари дур, ўтган пайғамбарлар, уламолардин хабардор бўлиб, биз билмаган сирларни албатта улар билишлари керак — дедилар.

Шунинг билан бу икковлари Мадинага келдилар, яҳуд олимлари билан кўришиб, бўлган воқеани уларга баён қилишди. Яҳуд олимлари бу ҳақда бир қанча фикр қилишгандин кейин, уларга:

— Андоғ бўлса, ул пайғамбарлик даъвосини қилган кишига шул уч нарсадин савол беринглар, буни пайғамбардин бошқа ҳеч ким билмайди.

1. Ўтмиш замондаги Асҳоби Каҳф қиссаларидин сўранглар.

2. «Бутун олам атрофини айланган бир одам ўтган, у ким?» деб сўранглар.

3. Инсон руҳининг ҳақиқати нимадур?

Агар шу уч саволга ҳақиқати ила жавоб бера олса, билинларким, у киши пайғамбардур. Анда у одамга иймон келтириб, кўрсатган йўлига кириш керак, агар бу саволларга жавоб бера олмаса, ул чоғда унинг ёлғончилиги маълум бўлиб, ўзи жазога лойиқдур, дедилар.

Шунинг билан бу иккови Маккага қайтишди, уларнинг хабарини кутишиб турган кўп халқ йиғилдилар. Анда бу иккисидин бирови туриб:

— Эй халойиқ, Мадинага бориб, хизмат топширини сизлар дегандек бажариб келдик. Яҳуд уламоларининг маслаҳатларича, ушбу уч нарсадин савол бе-

раميز. Агар ҳақиқатга мувофиқ жавоб бера олса, унинг пайғамбарлиги аниқланади, йўқ эрса, ёлғончилиги юзага чиқиб, ўзи жазога тортилдаи, деб шу кўпчилик билан Пайғамбаримиз оддиларига келишиб:

— Эй Муҳаммад, Асҳоби Каҳф йигитлари кимдур? Алар қайси замонда ўтмишдурлар?

Иккинчи, бутун дунёни кезган мағриб-машриққа қадами етган қайси кишидур?

Учинчи, инсон руҳининг ҳақиқати нимадур? Мана шу уч нарсага жавоб беришингни сендан сўраймиз, — дедилар.

Анда Пайғамбаримиз бу ҳақда Худо тарафидин ваҳий келишига ишониб: «Бунинг жавобини мендин эртага олинглар» — дедилар, аммо «Худо хоҳласа», дедидилар. Бандачилик, ул сўз ёдларидин чиққан эди. Шунинг билан эртага, деб ваъда берган киши ўн беш кунлаб ваҳий кутиб турдилар. Исломи динида бутун ишларни Аллоҳ иродаси ила бўлур, деб ишониш фарздур. Шунинг учун ҳар бир мусулмонга, сўз бошларида ёки анинг тугашида, «Иншааллоҳ» — «Худо хоҳласа», демак лозимдур. Мана шунчалик ишга танбеҳ бўлиб, ваҳий келиши ўн беш кун кечикди. Макка мушриклари таъна қилишларига бу ишни баҳона қилдилар:

— Мана, Муҳаммаднинг қилган ваъдасидин ўн беш кун ўтди, ҳали дараги йўқ, биз сўраган нарсаларнинг жавобига ожиз қолгандек кўринур.

Халқ ичига тарқалган бундоқ таъна сўзлардин Пайғамбаримиз ҳам ваҳий бўлди. Бу ишнинг зоҳиридаги сабаби «Иншааллоҳ» демаганлари бўлиб кўринса ҳам, яна бунинг ҳақиқатини Аллоҳ ўзи билур. Энди бу муддат ўтгандин сўнгра Жаброил алайҳиссалом Каҳф сурасини ваҳий келтурдилар, алар сўраган уч масалага шу сурада жавоб берилди. Асҳоби Каҳф қиссалари, Руҳ масаласи, Зулқарнайн қиссаси тамом шу сурада баён қилинди. Бундин бир қанча насибалик кишилар ҳидоят топган бўлсалар ҳам бошқалар яна шу гумроҳликда қолдилар. Юқорида айтилганича, мўминларга мушриклар тарафидин ҳаддин оша азиятлар етганликдин, яна ҳижрат қилишга Пайғамбаримиз рухсат қилдилар. Саҳобалардин биринчи дафъа кетган ўн уч киши Исломинг ривожини ҳақида хато хабарлар онглашиб, бирор йил ўтмасдин туриб, қайтиб келган эдилар. Келишлари билан мушриклардин кўрган жаб-

ружафолари илгаригидин неча баробар ортиқ бўлди. Бу иш сабаб бўлиб, саҳобалар яна иккинчи навбат ҳижрат қилишга киришдилар.

### ҲАБАШИСТОНГА ИККИНЧИ ҲИЖРАТ

Бу дафъа ҳижратларида, болалардин бошқа эр-хотун бўлиб, муҳожирларнинг сони саксон учга етган эди. Ҳазрат Алининг акалари Жаъфар Тайёр, Ҳазрати Усмон ибн Аффон, Зубайр ибн Аввом буларнинг ичида эдилар. Бу келишларида Ҳабашистон подшоси меҳмоннавозлик қилиб, муҳожирлар ҳақида кўп яхши муомалада бўлди. Қурайш халқи бу мусулмонларнинг бундоғ роҳат, амният билан туришларига ҳасадалари кўзғолиб, аларни қайтариш учун чора кўришга киришдилар. Ҳабашистон подшоси ва унинг аркон-давлатларига атаб, бирмунча тансуқ тортиқлар тайёрлашдилар. Қурайш ичида ишлик, кучлик одамлардин ҳисобланган икки киши, бириси Абдуллоҳ ибн Рабаи, иккинчиси Амр ибн Ос эди. Бу икковларини вакил сайлашиб, ҳозирланган ҳадяларни аларга топширдилар. Бу мақсадларига ёрдам бериш нияти ила подшоҳ атрофидаги давлат арбоблари учун белгиланган ҳадялари бор эди. У вакиллар Ҳабашистонга келгандин кейин, дастлабда давлат арбоблари ила кўришдилар. Аларга ҳадялар тақдим қилиб, бу ишга ёрдам беришларини сўрадилар. Подшоҳ яқинлари қўлга киргандек кўриниб, кўнгиллари тинчиди. Эртаси куни тортиқ-тарағайлари билан баробар подшоҳ ҳузурига кирдилар. Сўнгра:

— Эй подшоҳ, бу яқинларда ўз ичимиздан чиққан бир неча ёш, ақлсиз йигитлар пайдо бўлишган эди, қарасак, улар ўзларича сизу биз танимаган янги бир дин чиқардилар. Бу тўғридан ўз орамизда душманчилик кўпайди. Сўнгра улар халқ тарафидин қаттиқ қаршиликка учрашиб, у жойда туropolмасдин, қочишиб кетган эдилар. Кейин ул бузуқ қочоқларнинг сизларнинг кўз остингизга келиб, тинч-омон яшаётганлари бизга эшитилди. Энди, ул юртнинг яхшилари, буларнинг қавму қариндошлари бизни юбордилар. Ота-боболарининг динларидин қайтган, ўз эл-юртларига сиғмаган ул бузуқларни ўз ерингиздан ҳайдаб чиқариб, уларга қайтариб беришингизни сиздан сўрайдилар, — деб айтдилар. Подшоҳ атрофида ўтирган давлат арбоблари:

— Эй подшоҳ, уларнинг ҳақида бу вакилларнинг айтган сўзлари тўғридур. Буларнинг яхши-ёмон феъл-хўйлари бизларга маълум эмас, аммо ўзларига маълумдур. Ўз элига сизмаган одамлардин бошқа жойда ҳам вафо келмас, деб ўйлаймиз. Шунинг учун уларни қайтариб беришингизни бизлар ҳам маъқул кўрамиз, — дедилар. Бу сўзларни эшитиб подшоҳнинг ғазаби кўзғолди. Сўнгра:

— Қасам қилурманки, буларни қайтариб бермайман. Нечук қайтарайки, бошқалардин мени ортуқ кўриб, яхшилик умиди ила келибдилар. Бир мамлакатдин иккинчи мамлакатга қочиб, паноҳ сўраб келган бечораларни қайтариб чиқариш подшоҳлар шаънига лойиқ иш эмасдур. Муносиб иш шулдирки, ул қочқинларни чақириб, ўзларидин гап сўрайлик. Агар ҳақиқатда бу икковлари дегандек бўлиб чиқсалар, ул ҳолда қайтарсак арзимиз қабул бўлур. Агар буңдоқ бўлмаган тақдирда, қўл остимда турганларича ўз ҳимоятимга олурман. Ҳар ҳолда аларга яхшилик қилурман, — деди.

Бу сўз сўнгида муҳожирларни ҳузурига чорлаб, бир киши юборди. Келишлари олдида саҳобалар ўзаро йиғилдилар. «Подшоҳ олдида диний масалалардин сўралса, қандоқ жавоб берилур ва ким жавоб қилур?» деган сўз устида тўхтадилар. Охирги маслаҳатлари шу бўлдики, диний саволларда Пайғамбаримиздин қандоқ эшитган бўлсак, шуңдоқ жавоб берайлик, дейишиб подшоҳ муколамаси учун ичларидин ҳазрати Жаъфар ибн Абу Толибни тайин қилдилар. Шунинг билан барчалари подшоҳ девонига ҳозир бўлишди. Подшоҳ ҳам диний руҳонийларини ушбу мажлисга чақирди. Алар ҳам келиб подшоҳ атрофида Таврот, Инжил китобларини очиб ўтирдилар. Шу чоғда муҳожирларга қараб подшоҳ:

— Сизлар тутган янги динингларнинг асоси — ҳақиқатини бизларга баён қилинглар. Ота-бобонглар йўлидин чикиб, ўз дининглардин қандоқ ажрадинглар? Нечук ҳозирги кунларда машҳур бўлган бизнинг динимизга ёки бошқа динларнинг бировига кирмасдин, у динга кирдинглар? — деди.

Подшоҳ жавобига ҳозирланган ҳазрати Жаъфар деди:

— Эй подшоҳ, биз араб халқи узун замонлардин бери жоҳилликда яшаб юрган бир тоифа эдик. Ўзимиз ясаган бутларга ибодат қилур эдик. Ҳалол-ҳаром-



ни фарқ қилмай, ўлимтиқлар ер эдик. Уруш-талашлар, қон тўкиш, қароқчиликлар бизларнинг касбимиз эди. Ҳар турлик бузуқчилик, хиёнат ишлар бизларда кўп эди. Кучликларимиз кучсизларимизни босиб, ейиш бизларга одат эди. Мана шундай ҳол ила бирмунча давр ўтказдик. Охирда Аллоҳнинг раҳмати бўлиб, ўз ичимиздин бизларга пайғамбар чиқарди. Унинг ҳасабнасаби, ақл-фаросати, сидқ-омонати ёшлиғидин бери барчамизга маълум эди. У келиб бизларни Аллоҳни бир билмакка, ёлғизгина ўзига ибодат қилмакка чақирди. Бизларни ҳам ота-боболаримиз қилган, олтинкумушдин, тош-тупроқдин ўз қўллари билан ясалмиш бутларга сажда қилишдин қайтарди. У бизни ҳар ишда ростликка, омонат сақлашга, сийлаи раҳмини узмасга, қўшнилар ҳаққини билишга буюрди. Зулм-хиёнат қилишдин, уруш-талаш, ноҳақ қон тўкилишлардин, ёлғон, тухмат сўзлашдин, барча бузуқчилик, ҳаром ишлардин, етим молини ейишдин, умумий инсонлар ҳуқуқига хиёнат қилишдан бизларни қайтарди. Аллоҳнинг ёлғиз ўзига ибодат қилмакка, анга ҳеч кимни шерик қилмасга, кундалик беш вақт намоз ўташликка, бой кишилар молларидин камбағалларга закот беришга, ҳар йили бир ой рўза тутишга, бор кишилар йўқ кишиларга ёрдам қилишга, булардин бошқа, инсонга фойдалиқ барча яхшилик ишларни қилишга бизларни буюрди. Сўнгра биз анинг сўзига ишондик, ўзига иймон келдирдик, Худо тарафидин келтирган нарсаларни ҳақ деб билдик. Шериксиз, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилдик, ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деб билдик. Мана шу сабабдин қавмимиз бизга ҳужум қилдилар. Бизни урдилар, қийнадилар, динимиздин қайтаргани бизларга кўп азоблар бердилар. Яна илгариги бугнарастлик, ҳаромхўрлик, хиёнатгарлик, ҳар турлик бузуқчиликларга бизларни зўр билан қайтармоқчи бўлдилар. Динимиздин чиқариш учун аларнинг бизларга қилган жабру жафолари, бизга кўрсатган зулмларига қарши мудофаа кучига эга эмаслигимиздин, ҳар тўғрида улардин енгилла бошладик. Ўз элимизда ҳимоятимиз қолмади. Ночор бўлиб, ўз еримиздин қочиб чиқдик. Бошқа ҳеч кимни хоҳламай, барчадин сизни ортиқ кўриб паноҳингизга сизиниб келдик. Энди, эй подшоҳим, шундай аҳволга қолиб, сизнинг паноҳингизга сизиниб келувчилар ҳеч вақт зулм кўрмагайлар, деб умид қиламиз, — деди. Сўнгра Нажоший:

— У пайгамбарга Аллоҳ юборган оятлардин ўқигил, эшитайлик, — деди.

Анда ҳазрати Жаъфар сураи Марям бошидин бир неча оят ўқиди. Тиловат таъсиридин подшоҳ йиғлаб, соқолларини ҳўл қилди. Атрофида ўтиришган руҳоний олимлар ҳам йиғладилар. Кейин Нажоший:

— Худонниг зотига қасам ичаманки, бунинг ўқиган оятлари, Исонинг келтирган Инжил китоби ҳар иккови бир чироқдин чиққан нурдек кўринур, — деди. Сўнгра ул икки вакилга қараб:

— Энди бу жойдин чиқинглар. Аллоҳга қасамки, ман бу азиз меҳмонларимни ҳар вақт ўз ҳимоятимда сақлайман, турганларича адолатим паноҳида турсинлар, аларни сизларга қўшиб юборишим менга зулдур, — деб сўзини узди.

Шундоғ бўлиб, Қурайш мушрикларидин келган бу икки вакил хижолатлик билан ул жойдин чиқдилар. Сўнгра Амр ибн Оснинг ғазаби келиб, бу ишга чиқолмай: «Булар устидан бир сўз топдим, шунинг билан буларнинг туб томирларини қирқамиз», деди. Анда иккинчи йўлдоши Абдуллоҳ: «Ортиқча буларга зарар еткурмакни қасд қилмайлик, ҳозирча булар бизга динда муҳолиф бўлсалар ҳам, ўз қариндошларимиздур», деган эди, Амр ибн Ос: «Йўқ, албатта, у сўзни айтишим керак, мусулмонлар Исони Худо яратган бандадур, деб эътиқод қилурлар. Насоролар бўлса, Исо Худонинг ўғли ёки ўзи дейдурлар. Мана шу сўз бўлса, аларнинг динига қаттиқ ҳақоратдур», деди. Шунинг билан эртаси куни иккови подшоҳ ҳузурига кириб:

— Эй подшоҳ, сиз ҳимоятингизга олган мусулмонларни қақриб, сўранг-чи, аларнинг Исо ҳақида кўп ёмон бузуқ эътиқодлари бордур, — дедилар.

Буни подшоҳ эшитиб уларни қақришга одам юборди. Бу ишдин саҳобалар қаттиқ ғамгин бўддилар. Чунки бу эътиқод аларнинг динига ҳақорат қилиш эди. Мусулмонлар бу ҳақда маслаҳат учун йиғилишиб, қандоқ жавоб беришларини музокара қилишди. Охирида ҳаммалари бир иттифоқ бўлиб: «Қуръони каримда қандоқ айтилган бўлса, Пайгамбаримиз бу тўғрида нима деган бўлсалар, ўша жавобни берамиз», дедилар. Шу йиғилганларича подшоҳ ҳузурига киришди. Подшоҳ буларга қараб, Исо ҳақида қандоқ эътиқод қилишларини сўради. Анда ҳазрати Жаъфар:

— Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бу

ҳақда бизларга нима айтган бўлсалар, бизлар ҳам шуни айтаемиз. Исо Худонинг бандаси ва унинг барҳақ пайгамбари Рухиллоҳдурлар. Бу руҳ Аллоҳ амри ила Марямга ташланиб, андин туғулдилар, — деди. Бу сўзни эшитгач, Нажоший подшоҳ қўлини ерга узатиб, қилчалик бир чўп олиб кўрсатди ва: «Сенинг айтганингдин Исо шунчалик ҳам бошқа эмас. Унинг ҳақида айтилган аниқ ҳақ сўз шудир», деди. Подшоҳ шундоғ деганида атрофида ўтирган насоро олимлари бу сўзни ёқтирмасдин ўзаро ғудурлашдилар, буни пайқаб, подшоҳ: «Ҳар қанча ғудурлашсанглар ҳам, яна ҳақиқат сўзи шудур», деди. Сўнгра саҳобаларга қараб:

— Боринглар энди, менинг еримда сизлар меҳмонсизлар. Сизлардин бир кишининг озор топиши, менинг олдимдин тоғдек олтин кетишидин ҳам оғирдур. Сизларга ким озор берса, ул жазоланади, — деб бу сўзни уч қайта қайтариб айтди. — Бу вакилларнинг келтирган ҳадыларини ўзларига қайтаринглар, қасам ул худогаким, мени подшоҳ қилишда мендин пора олмади, мен нечук пора олайин, мени тўғримда ҳеч кимнинг сўзига кирмади, унинг ҳақида мен энди кимнинг сўзига кирай, — деб тўхтади.

Сўнгра ул икки вакил бу қилган макрларига пуншаймон бўлиб, шармандалик ила ўз ерларига қайтиб кетдилар. Шунинг билан саҳобалар Нажошийнинг давлатида роҳат билан яшаб турдилар. Энди бу орада яна бир ҳодиса пайдо бўлди.

### **НАЖОШИЙГА ҚАРШИ ВОҚЕА**

Шундоқки ҳабаш шахзодаларидин бир одам подшоҳлик ҳавасига тушиб, бунинг билан низо бошлади. Ҳар икки тараф ўз аскарларини тўплашиб, урушмоқчи бўлдилар. Нажоший ўз тарафидаги аскарлари билан душман устига юриш қилди. Бу воқеадин муҳожир саҳобалар кўп ғамгин бўлдилар. Чунки булар учун анинг ҳимоясидин бошқа пана қиларлик жой йўқ эди. Худо сақласин, бу уруш Нажоший зарарига чиқиб, анинг ўрнига бошқа биров ўтириши улар учун кўп кўрқинчилик эди. Ўз қўллари ила ёрдам бериш имконияти йўқлигинингдан Нажоший ҳақида ғалаба талаб қилиб, Худога дуода бўлдилар.

Энди уруш майдонидаги воқеалардин буларнинг хабардор бўлиб туришлари лозим эди. Ёш муҳожир са-

ҳобалардин Зубайр ибн Аввом бу ишни ўз устига олди. Бу киши эрса Пайғамбаримиз аммалари Сафиянинг ўғлидур. Кўкрагига саноч (тери қалқон) боғлаб Нил дарёсининг у томонидаги уруш майдонига етиб борди. У кунда бутун саҳобаларнинг энг истаган тилаклари бўлса — бошпаналари Нажошийнинг душманлари устидан ғалаба қозонган хабарини бир карра онглашлари эди. Буни кутиб туришгани ҳолда, барчалари дуога қўл кўтариб, интизорлик ила турган эдилар. Йироқдин Зубайр ибн Аввом қораси кўринди. Қўлига тутган ялов (байроқ) ишорати ила баробар қичқириб, зафар башоратини берди. Нажоший бу дафъа қозонган ғалабаси эрса, ғурбат ери, мусофират элида ғамгинлик ила туришган бу муҳожирлар учун энг қувончлик иш эди, шунга кўра бу суюнчли хабар келтирувчи Зубайрни саҳобалар шодлик, такбир ила қарши олдилар. Нажоший тарафидин тор-мор келтирилган душманлари тегишли жазоларини тортди. Шунинг билан муҳожир саҳобалар тилакларича, бутун мамлакат ҳукумати Нажошийга қарорланди. Анинг ҳимоясида ўз ватанлари Арабистонга қайтганларича тинч-омонлик ила туришдилар.

Бу Ҳабашистон устида ўтган воқеаларни ривоят қилувчи онамиз Умму Саламадур. Бу зот бўлса, илгари эрлари Абу Салама ила шу муҳожирлардин эди. Саҳобалар у ёқдин қайтганларида бир куни шу воқеа ўзаро музокара бўлди. Шунда Урва ибн Зубайр:

— «Нажоший подшоҳ муҳожир саҳобалар билан сўз қилишганида андоғ деди: «Худо менга подшоҳлик беришида у мендин пора сўрамади, менинг ҳаққимда ҳеч кимнинг сўзига кирмади. Энди унинг йўлида мен қандоғ пора олай, кимнинг сўзига қирай, мана шу сўзнинг маъноси нимадур?» деб алардин сўради.

Саҳобалар бу сўзнинг асли ҳикоясидин хабарлари бўлмагани учун улар сукут қилдилар. Анда Урва айтди:

— Бунинг аслини отамдан эшитган эдим, шунини айтиб берайин. Энди бу сўз воқеаси шундоғ экан:

— Нажошийнинг отаси Ҳабашистон подшоҳи бўлиб, булар отадин икки ўғил эканлар. Укасининг ўн икки ўғли бор бўлиб, унинг акаси — подшоҳнинг бўлса, шу Нажошийдин бошқа ўғли йўқ экан. Ул замон қоида-усулига кўра, подшоҳлик наслидин бошқа кишилар ҳар қанча илм-ҳунарлик бўлсалар ҳам, уларнинг под-

шоҳ бўлишга ҳақлари йўқ эди. Шу сабабдин давлат арбоблари ўйлашиб, ёлғиз ўғиллик Нажошийнинг отасини ўлдириб, ўн икки ўғиллик укасини анинг ўрнига подшоҳлик қилиб кўтардилар. Отадин кейин бу ўн икки ўғил мерос йўли билан тахтга ўлтирсалар, Ҳабашистонда узун замон тинчлик ўрнайди, деб гумон қилдилар. Шунга билан бу подшоҳ бир қанча замон кечирди. Нажоший эса амакиси подшоҳнинг қўлида кундин-кунга ўсмоқда бўлиб, ўзининг олий ахлоқи, ақл-фаросати ила ишга етарлик қўллик, ўткир фикрлик эди. Шунча ўғиллари ичидан у амакисига манзур бўлиб, сиёсат ишларида кўпроқ анинг фикрига қарар эди. Аркон-давлатлар бу ҳолни кўриб, аларга қўрқинчлик тушди. Ўзаро сўзлашиб: «Бу ўғил эрса амакисини бутунлай қўлга олиб боради, билиб бўлмайди, буни подшоҳ қилиб қўйиши ҳам мумкин. Агар бу бола қўлга подшоҳлик ўтса, бизлардин бирортамизни ҳам қўймай ўлдиришига шак йўқдир. Чунки унинг отасини биз ўлдирганимизни у яхши билади. Энди бундай бўлгач, иш вақтиси ўтмасдин, анинг чорасини кўрайлик», дейишиб тўпланганларича подшоҳ олдига келишиб:

— Эй подшоҳ, ўзинг биларсан, бу боланинг ўсиши бизлар учун кўп қўрқинчликдур, агар қўлга подшоҳлик тегар экан, ҳеч қачонда бизларни ўлдирмай қўймайдур. Энди биз ўз бошимизни қутқазишимиз учун, ани ўлдиришимиз керак ёки сургун қилиб чет элга чиқаришинг керақдур, — дедилар. Подшоҳ бу сўзни онглаган сўнгида:

— Ҳайф сизларга, кечаги куни отасини ўлдириб, бугун боласини ўлдиришимиз қандоғдур, агар бунинг бошқа чораси топилмаса, чет элга ани сургун қилиб юборайлик, — деди.

Шу билан болани бозорга чиқариб, йироқдин келган бир савдогарга олти юз танга баҳода сотдилар. Шу куниеқ савдогар уни кемасига олиб жўнади. Нақ шу кечқурунда ёмғир ёғиб эди, подшоҳни булутдан тушган яшин сўқиб ўлдирди. Бу ҳодиса бўлгандин кейин Ҳабаши халқи унинг болаларидин бирини ўрнига кўтармоқчи бўлдилар. Қарасаларким, ўн икки ўғилнинг бириси ҳам бу ишга ярамас чиқди. Ҳар тарафда қўзғолонлар кўтарилиб, халқ ичи булғанди. Давлат арбоблари бу ҳақда чора тополмай, шошилиб қолдилар. Шу чоғда алардин бировлари туриб:

— Эрталабки сотган боланглар — сизларнинг подшоҳинглар. Ундин ўзга бу авлод ичида ҳукумат бошқарувчилик киши йўқдир. Иш улғаймасдин илгари ул болани топишимиз керак, бўлмаса, мамлакатимизда харобалик бошланади, — деди.

Шунинг билан бир қанча давлат кишилари савдогар кемасининг кетидан етиб, ани қайтардилар. Кечегина ўзлари ўлдирмоқчи бўлган, сўнгра чет эл аҳлига сотишиб юборган боланинг бошига тож қўйиб, тагига тахт ясаб, бутун ҳабаш халқи ани подшоҳ қилиб кўтардилар.

Нажоший шу воқеани эскариб, муҳожир саҳобалар билан бўлган музокарада юқоридаги сўзни айтган эди:

— Худо мени подшоҳ қилишда пора олмади, ҳеч кимнинг сўзига кирмади, — деганининг маъноси шу экан. Сўнгра Нажошийни сотиб олган савдогар, кейинидин келиб, уни сотганлар билан кўришди. «Олган молимни ёки пулимни беринглар, бўлмаса, ўзига арз қилурман», деди. Улар: «Сенга ҳеч нарса бера олмаймиз, арз қиламан десанг, тўсмаймиз», дедилар. Савдогар тўғри подшоҳ олдига кириб, саломдин сўнгра: «Мен бозорда бир жамоадин олти юз тангага бир ғулом сотиб олиб эдим. Алар ғуломни бериб, пулимни олдилар. Ғуломим билан йўлга чиққанимда, орқамдин бориб, ани қайтариб келдилар», деб, ўзига киноя қилди. Подшоҳ ҳам: «Савдогарнинг пули ўзига топширилсин, ёки олган ғуломини қўлига берилсин, ҳар жойга олиб кетса, ҳақлидур», деб ҳукм чиқарди. Бу эрса Нажошийнинг биринчи чиқарган ҳукмида адолати эди. Шунинг учун уни Аллоҳ таоло муҳожир саҳобаларга меҳрибон қилиб, аларни ҳамиша ўз ҳимоясида асради. Шу орқали жаноби Пайғамбаримизнинг назари илтифотларига кирди. Шунинг натижаси бўлса керакки, саодати азалий ёр бўлиб, ёлғиз ўзи бутун аҳолисига қарши туриб, подшоҳлигини қизғанмасдин, ҳеч бир маҳлуқдин қўрқмасдин, Холиқи Акбарнинг ўзига тақия қилиб, подшоҳлик тахтида турган чоғида очикдан-очик Ислом динини қабул қилди. Ҳазрати Жаъфар қўлларида шаҳодат айтиб, иймонга мушарраф бўлди. Ҳабластон подшоси Нажошийнинг иймонга келиши воқеасини ўз ўрни келганда яна баён қилурмиз, иншааллоҳ. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Шунинг билан Қурайш қавмлари юборган вакил-

лар Амр ибн Ос, Абдуллоҳ ибн Рабиа мақсадларига етолмай, ноумид қайтишдилар. Бунинг устига Ҳазрати Умар ила амир Ҳамзанинг Исломга мушарраф бўлишлари ила Ислом дини ривожланишга бошлади. Мўминлар Пайғамбаримиз бошлиқ ибодатларини Каъба қошида ошкора қилдилар. Ҳазрати Умар Исломни қабул қилиши билан: «Сўз тарқатишда Қурайш қабила-ласи ичида энг ортиқ одам кимдур?» деб сўради. Анда Жамил ибн Муаммар деган кишини кўрсатдилар. Ҳазрати Умар анинг билан эрталаб кўришиб: «Эй Жамил, хабаринг борми, мен Ислом динига кириб, Муҳаммадга иймон келтирдим», деди. Ҳеч сўз қайтармасдин Жамил Қурайш раислари ўлтирган жойга қараб жўнади. Орқасидин Ҳазрати Умар ҳам юрди. Жамил Байтуллоҳ олдида туриб, борлик товуши ила:

— Эй халойиқ, огоҳ бўлинглар. Умар ўз динини ташлаб, Муҳаммад динига кирди, — деб қаттиқ қичқирди. Ҳазрати Умар эса орқадан туриб: «Бу ёлғон айтди, мен мусулмон бўлдим, Аллоҳнинг борлигига, анинг бандаси Муҳаммаднинг ҳақ пайғамбарлигига гувоҳлик бериб, иймон келтирдим», дейиши билан атрофда турган мушриклар анинг устига ҳужум қилдилар. Ҳазрати Умар ҳам аларга қарши гоҳи уриб, гоҳи суриб юриб, кун туш бўлди. Охири қаттиқ чарчаганликдин бир жойда ўтирди. Энди қўлларингдан ҳарна келса, аяманглар, бу йўлдин қайтиш йўқ, бўлганим шу, деб қараб турди. Худо ўнглаб, шу орада Қурайш раисларидин Ос ибн Воил деган одам ясанган-тусанган ҳолда савлат билан кириб келди. Ҳазрати Умарнинг атрофида ёмон кўз билан ҳурпайишиб, қараб туришган кўпчилик халққа анинг кўзи тушди. «Бу нечук ҳолдур?» деб алардин сўради. «Умар Муҳаммадга иймон келтирибдур», дедилар. Анда Ос ибн Воил айтди:

— Эй халойиқ, бир одам ўзи суйган ишига кирмишдур, анинг учун сизларга бунча ич куйгулик бўлди, бу ҳам Қурайшнинг Бани Адий уруғидин бўлган бир ўғилдур, алар бун бу ҳолда кўрсалар, розилик бериб, қараб туришарму? Тарқалинлар бунинг устидан, — деб бир ҳайқириб эди, Ҳазрати Умарни қолаб турган қалин халқдин бир киши қолмай тарқалишдилар. Бу баҳона билан Аллоҳ таоло Ҳазрати Умарни мушриклар озоридин қутқазди.

## САҲИЙФА ВОҚЕАСИ

Қурайш мушриклари кўрдиларким, иймон келтирган мусулмонларнинг сони кундан-кунга кўпайгани турди. Бир мунчалари бўлса, Ҳабашистонга ҳижрат қилишиб, Нажоший ҳимоясида қарор топдилар, муҳожирларни қайтариш учун юборган вакиллари эса, ғаразлик ҳадылари ўзларига қайтарилиб берилди. Алар бу сафарларидин мақсадга етолмай, беобрўй бўлишиб, ноумидлик билан қайтдилар. Энди Қурайш раислари бу енгилишларига қарши ўзлари учун бир фойдалиқ иш чиқариш қасдида бутун Қурайш уруғларидин қўшма бир улуғ мажлис чақирдилар. Бани Ҳошим, Бани Мутталиб, бу икки уруғдин ўзга, борлиқ Қурайш қабила бошлиқлари бу мажлисга ҳозир бўлдилар. Юқориги икки уруғ бўлсалар, Қурайш қабиласи ичида насаб жиҳатдин энг яқинроғи шулар эди. Абу Толибнинг ташвиқоти ила буларнинг мўмин-мушриклари баробар бир жонлари борича Пайғамбаримизни ҳимоя қилишга ваъда беришган эди. Мана шунинг учун бу мажлисда қараладиган масала шулар устида бўлди. Мажлис очилгандин сўнгра Ислом динига қарши ҳар томондин кўп сўзлар ўтиб, энг охирида бу икки уруққа қарши қуйидаги моддалар қўйилиб, бир қаттиқ аҳднома тузилди:

1. Алар билан савдо-тижорат қилмаслик.
  2. Аларга қиз бериб, қиз олмаслик.
  3. Маърака-мажлисларга улардин ҳеч кимни чакирмаслик.
  4. Бозордин ва бошқа жойлардин уларга озиқ-овқат жинсидин ҳеч бир нарса олдирмаслик.
  5. Атрофдин келганларни уларга қўшмаслик.
  6. Алар билан қайси ҳолда бўлсин сўзлашмаслик.
- Қисқаси, мусулмонлар ва ҳам уларни ҳимоя қилгувчилар ҳақида ҳар қандай ёмонлик бўлса, аямасдин қилишлиқ бу аҳдномада бор эди.

Мана шу мазмунда аҳднома ёзишиб, Қурайш раислари тасдиқлашгандин кейин, буни бузишга ҳеч ким йўл топмасин ва бу қилган аҳдимиз мустаҳкам бўлсин деб, «аҳднома саҳийфаси»ни Байтуллоҳ ичига осиб қўйдилар. Шунинг билан мажлис тарқалди ва мусулмонларга ҳеч кўрилмаган улуғ бир бало бошланди. Алар бу аҳднома таъсиридин олдиларида офир кунлар борлигини шу кундан бошлаб сездилар. Макка шаҳ-



рининг турлик томонида тарқоқ ҳолда ўлтиришган икки уруф аҳли ўз ичларидаги мусулмонлари ила баробар, эҳтиёт юзасидин не кўргилик бўлса, бир жойда бўлайлик, дейишиб, «Абу Толиб жилғаси» деган ўринга кўчишиб кирдилар. Пайғамбаримизни ўрталарида сақлаш учун, барчалари бир маҳаллага тўпландилар. Шундоғ бўлиб, бу аҳднома сабабидин мусулмонларга келган оғирчилик, қаттиқ кунлар, узилмай, уч йилга чўзилди. Бу муддат ўтгунчалик жилға ичида қамалган ҳолда қолдилар. Мусулмонларнинг турмуш-ҳоллари кундан-кунга оғирлашиб, халқ билан ичкари-ташқари алоқалари узилди. Ҳар томонлама тирикчилик тўғрисида кўп қийналдилар.

Энди иш шу ҳолга етганда, раҳмати илоҳий қўзғолиб, Қурайш раисларидин ушбу номлари билан ёзилган олти киши: Ҳишом ибн Амр, Зуҳайр ибн Аби Умайя, Мутъим ибн Адий, Навфал ибн Абду Маноф, Абул Бахтарий, Замъа ибн Асвад бир кеча ўзаро ўтиришган мажлисларида бу аҳднома устидин сўз чиқди. Бировлари туриб, айтдики:

— Бу андоғ мурувватсизлик ишдур, Қурайшнинг икки уруғи очу зорликда қирилишга келди, шулар ичида ҳар қайсимизнинг қавму қариндош, оға-иниларимиз бордур. Абул Ҳакамнинг бизга ўхшаш, уларнинг орасида амма-холалари бўлса эди, илгариеқ аҳдномани ўзи бузишга бошлар эди, — деганида ҳаммаларининг хаёллари бузилди. Бу куни юқорида номлари ёзилганлардин Ҳишом ибн Амр Зуҳайр ибн Аби Умайя олдига келди. Бу киши эрса, Пайғамбаримизнинг амалари Отика ўғли эди. Анда Ҳишом:

— Эй Зуҳайр, Бани Ҳошим сенинг ўз тоғаларингдур. Алар шу очу-яланғочликда, хор-зорлик ила халққа аралашмасдин жилға ичида қамалиб ётсалар, энди сен шулар ҳолини кўриб туриб, еб-ичиб юришга қандоғ чидайсан? Қасам ила айта оламанки, агар Абул Ҳакамнинг тоғалари бўлиб, шу ҳолга тушсалар, ҳеч вақт бу ишга розилик бериб турмас эди. Сенинг қараб туришингни ажаб кўраман. — деди:

— Эй Ҳишом, бу ишда ёлғиз манинг қўлимдин нима келур, агар бирор киши менга қўшилса эди, Худо ҳаққи. бу аҳдномани бузишга бошлар эдим, — деди Зуҳайр.

Анда Ҳишом:

— Андоғ бўлса, сенга бир йўлдош топдим, у ҳам бўлса ўзимман, — деди.

Буни онглаши билан Зуҳайр яна бир киши топишга буюрди. Энди иш шу билан бошлангани турди. Сўнгра Ҳишом бу ердин чиқиб Мутъим ибн Адий олдига келиб:

— Эй Мутъим, Абду Маноф наслидин икки уруғ ҳалок бўлишига сен розими, ул раҳмсизларнинг кўнгли учун шуңдоғ жабру зулм устида қараб турдингму, агар бошқалар ҳақида иш шу ҳолга етган бўлса эди, сизлардин илгарироқ бу аҳдни ташлар эдилар, — деди. Бу сўздин Мутъим қаттиқ таъсирланди ва деди.

— Мен ёлғиз киши бу аҳдни бузишга қандоқ журъат қиламан? — деди.

— Ёлғиз эмассан, — деди Ҳишом.

— Ким эди ул?

— Мен иккинчи бўлиб, сенга бу ишда ёрдурман. Учинчини ҳам топиб қўйдим. Зуҳайр ибн Аби Умайя.

— Ҳой, андоғ бўлса, тўртинчи бир киши топар эсанг, бу ишнинг вужудга чиқишида шак йўқдур, — дедилар. Сўнгра Ҳишом Замъа ибн Асвад қошига келиб, юқоридагиларга дегандек сўзлар билан бунинг ҳам ҳамиятини кўзғади. «Бу ишда биздан бошқа кимлар бор?» деб сўраганида юқоридагиларни кўрсатди. Шуңдоғ бўлиб, бу олти одам бир кеча яширин равишда Макка шаҳрининг юқориси Ҳажжун деган жойда шу масала устида йиғилишдилар, ва шу мажлисда саҳийфа аҳдномасини бузишда иттифоқ ила баробар туришга, қаттиқ ваъда беришиб тарқадилар. Бу масалани кўзғаш учун сўз чиқаришни Зуҳайр ибн Аби Умайя ўз устига олди. Қурайш раисларининг одатларича, эрталаб Байтуллоҳ олдига йиғилдилар. Шу чоғда Зуҳайр ибн Аби Умайя эгнига олий либослар кийган ҳолда келиб Байтуллоҳни етти айланиб, тавоф қилди. Сўнгра туриб, баланд овоз ила қичқириб:

— Эй аҳли Макка, биз бунда ўз роҳатимиз ила ебичиб фароғатда ётсак, Қурайшнинг икки уруғи — Бани Ҳошим, Бани Мутғалиб, булар очу зорликка қолиб қирилишга яқинлашган бўлсалар, биз йироқдин аларнинг ачинарлик ҳолларига томоша қилиб турсак, бу қандоғ кўнгли қоралик, раҳмсизликдур. Улуғ Аллоҳ таоло оти ила онт ичаманки, ул зулм, хиёнаткорлик қора саҳийфа аҳдномани йиртиб, парчалаб ташламагунча, турган ўрнимдин ўлтурмайман, — деди.

Анда Каъбанинг бир тарафида ўлтирган Абу Жаҳл сўзни эшитиши билан ўрнидан сакраб туриб:

— Бу саҳийфа ҳеч қачон йиртилмайди, аҳднома шартлари ҳеч вақт бузилмайди, бу сўзни бекор айтурсан, — деб шовқин солди. Бунга қарши Замъат ибн Асвад туриб:

— Сен бекор айтурсан, буни бузмагунча қўймаймиз, анинг туришига рози эмасмиз, — деди. Бу икковини қувватлаб, Мутъим ибн Адий:

— Сизларнинг сўзинглар тўғридур, бошқалар хато сўзлади, безормиз бундай аҳдномадан ва унинг ичида ёзилган шартларидин, — деди. Энг охирида Ҳишом ибн Амр ҳам улар сўзларини қувватлаб чиқди. Қурайш раисларидин бўлган бу олти нафар одам тарафидин қилинган бу ҳужумни кўриб, Абу Жаҳл ҳайронлик ила:

— Ҳой, бу иш бу жойдин бошқа бир ўринда илгарик тайёрланган экан, йўқ эрса олти одамнинг сўзи бир ўқдек отилмас эди, — деб сукутга мажбур бўлди. Абу Толиб бу ишнинг натижасини кутиб бир четда ўтирган эди, анинг олдига Пайғамбаримиз келиб дедиларким:

— Биродарим Жаброил шундоғ айтур: «Аларнинг Байтуллоҳ ичига осган аҳднома хатларини Аллоҳ исмидин бошқа ҳарфларини араза деган ёғоч қурти татом еб битирибдур.

Абу Толиб бу сўзни эшитиши ҳамон сўз бўлиб турган мажлис устига келиб:

— Эй Қурайш халқи, шу ҳозирда қариндошим ўғли Муҳаммад, бу саҳийфанинг, Аллоҳ ҳарфлари ёзилган жойидин бошқа ерларини бутунлай араза қурти еб қўйди, дейдур. Энди ишимиз осонлашди, бориб кўрайлик, агар Муҳаммад айтгани тўғри чиқса, бу аҳднома шу кундин бошлаб бузулгани бўлсин, агар сўзи тўғри чиқмай қолса, анда ўз қўлим билан Муҳаммадни ушлаб, сизларга топширай, — деди.

Сўнгра Мутъим ибн Адий саҳийфани олиб, йиртиб ташлаш учун ўрнидан турди. Келиб қараса, хат бошига ёзилган «Бисмикаллоҳумма» бор жойдин бошқасини қурт еб қўйибдур, ёлғизгина шу ҳарфларнинг ўрни осилганича турибдур. Бу қандоғ қудратдурким, саҳийфа аҳдномасини бузишга киришган бу олти киши ичида бирортаси бўлсин ҳали Исломни қабул қилмаган эди. Балки барчалари бу аҳдномани тузишга қатнашган Қу-

райш раислари эдилар, Аллоҳнинг иродаси бўлиб эди, аларнинг ўз қўллари билан ёзиб, бузулмаслик учун Байтуллоҳ ичига осиган аҳдномаларини яна ўзларига йиртказди ва бу саҳийфада икки турлик мўъжиза кўрсатди. Бири — Пайғамбаримизнинг берган хабарлари тўғри чиқишидур. Иккинчиси шуки, араза қурти ноҳақ зулм сўзлар ёзилган жойларини бутунлай еб, «Бисмикаллоҳумма...» ёзилган жойларининг ўзигина қолишидур. Мана шунчалик ошкора мўъжиза кўриб турсалар ҳам, яна уларнинг тошдек қотган кўнгиллари юмшамади. Шунинг билан ҳар ҳолда саҳийфа балоси мусулмонлар бошларидин кўтарилиб, қамалиб ётган жилға ичидин чиқдилар. Бу воқеа эрса, тарихий китобларда улуғ бир воқеалардин саналур.

Пайғамбаримизнинг амакилари Абу Толиб, юқориги олти нафар одамнинг бу ҳақда қилган хизматларини тақдирлаб, бу неъматнинг шукронаси учун араблар одатича узун бир қасида айтиб, аларни таъриф-тавсиф қилган бу шеърлари сийрат китобларида машҳурдир. Бу воқеадин кейин мусулмонлар яна халққа аралашиб, тирикчилик алоқасида бўлдилар. Пайғамбаримиз ҳам секинлик билан халқни динга даъват қилишда давом этдилар. Қурайш мушриклари буни тўсишга бошқа ҳеч чора топишолмай, атроф арабларидин келган кишиларни мумкин қадар Пайғамбаримиз билан кўриштирмаслик йўлига киришдилар.

### **ТУФАЙЛ ИБН АБУ АМРНИНГ ИСЛОМГА КИРИШИ**

Шу орада Давс қабиласи раисларидин Туфайл ибн Абу Амр деган киши Пайғамбаримиз билан кўришиш ниятида Маккага келди. Бу одам эрса қабила раиси бўлиши билан бирга, араблар ичида аталган шоирлардин саналган, иззат-обрў эгаси эди. Шунинг учун бунинг келиши ила баробар Қурайш раисларидин бир нечалари келишиб, у билан кўришганидин сўнгра:

— Эй Туфайл, сен бизнинг юртимизга келдинг, эшитгандурсан, ўз ичимиздин шундай бир одам пайдо бўлди, бунинг тўғрисидин ишларимиз кўп қийинлашди. Бирлигимиз бузилиб, орамизга душманлик тушди. Ани кўраб бўлсанг, келишган, чиройли юзи бор, сеҳрдин ортиқ таъсирлик сўзи бор. Болани отадин, инини оғадин, хотунни эридин сўзи билан ажратади. Энди бунинг сеҳридин сенга ҳам юқиб қолиб, бизга тушган бўлгун-

лик (вайронлик) ҳодисалар сизларга ҳам тушиб қолмасин, деб қўрқиб келдик, бунинг иложи шуки, анинг юзини кўрмай, айтган сўзини эшитмай, бир оғиз сўз қилишмай, эсон-омон ўз юртингга қайтиб кетар бўлсанг, шундагина омон қолурсан, бўлмаса ўзингга бир оғир иш орттириб кетишингда шак йўқдур — дедилар.

Мушриқлар шу мисоллик сўзлар айтиб, ани қаттиқ қўрқитдилар. У ҳам бўлса бу сўзлар таъсиридин Пайғамбаримиз билан кўришмасга, бир оғиз бўлсин, сўзларини эшитмасга кўнглида жазм қилиб, ўз юртига қайтмоқчи бўлди. Кўрмасга кўз боғлаб юришнинг иложи йўқ, аммо сўзларини эшитмаслиги учун қулоғига пахта тиқиб олди. Шу ҳол ила эрталаб туриб, Байтуллоҳга чиқди. Шу чоғда жаноб Пайғамбаримиз намозда туриб, қироат қилар эдилар. Бу одам пайқамасдин яқинроқ бориб қолиб, қулоғига ажиб бир яхши сўзлар эшитилди. Сўнгра бу киши ўз-ўзига:

— Эй вой, манга нима бўлди, яхши ёмонни ажратган, сўз мақомини билган бир киши бўлсам, узоқ ердин атайлаб келиб, у кишининг душманлари сўзи билан, ўзига кўринмасдин, андин бир оғиз сўз эшитмасдин қайтиб кетсам, эл-юртимга нима деб борурман? Бу иш мен учун энг чўнг айблардин бўлмасму? Яхши-си шулки, ўзи билан кўришай, айтган сўзларини пайқаб қарай, агар ахшилиқ бўлса, излаганим шулдир, ани қабул қилишим керак, агар буңдоғ бўлмай Қурайш халқи дегандек бўлса, ани ўзига отиб ташлаб, қайтаверишим керак, мени бу ишга ким зўрлай олади? — деган фикрга келиб, бир четда ўлтирди. Бир фурсат ўтгандин кейин, Пайғамбаримиз ҳам намозларидин бўшаб, уй сари қараб юрдилар. У киши ҳам орқаларидин хиёл ўтмай, масжиддан чиқиб, устиларига кирди. Ва:

— Эй Муҳаммад, қавмларинг сенинг ҳаққингда ҳар турлик сўзлар қилиб, мени қўрқитдилар. Аллоҳ отига қасам қилурманки, сўзингни эшитмаслик учун қулоғимга пахта тиқиб, масжидга кирсам, намозда қироат қилиб турганингни кўрдим. Мен бу сўзни эшитмай десам, уни Худо хоҳламаган экан, эшитиб қолдим. Қарасам, қулоғимга яхши уқилди. Энди, эй Муҳаммад, бу ишни менга ҳақиқати билан баён қил, — деди. Анда Пайғамбаримиз Ислоҳ асосини баён қилдилар. Тавфиқ топиб, шаҳодат айтиб, иймонга мушарраф бўлди. Сўнгра у:

— Ё Расулаллоҳ, мен ўз қавмим ичида қадрим улуғ, сўзим муътабар кишидурман, энди мен бориб, аларни динга даъват қилурман. Нима каромат келтурдинг, деб мендин сўрайдилар. Дуо қилинг, Аллоҳ таоло бу ишда менга ёрдам қилгудек бир каромат ато қилсун, — деди.

Пайғамбаримиз ҳам: «Эй бор Худоё, анга бир нишона кўрсатгин», деб дуо қилдилар. Шу билан хўшлашиб, ўз ерларига қадам кўяр чоғида, Худо қудрати билан, ёнган чироқлардек, пешонасига бир нур пайдо бўлди. Буни кўриб: «Эй бор Худоё, юзимдин бошқа жойда бўлсин, ўз динидин чиқиб, юзи бузилибдур, деган сўз билан ёмонлар тарафидин таънага қолмайин», дейиши билан дарҳол ул нур юзидин йўқолди. Қамчисининг учида осилган қандидек бўлиб тўхтади. Йироқдин кўришган одамлар ҳайрон бўлишиб, қараб турдилар. Шундоғ аломат билан ўз уйлариға келиб тушди. Дастлаб улуғ ёшлик қари отаси у билан кўришгани келди. Анда ўғли: «Эй ота, мендин йироқ юринглар, мен Муҳаммад динига кирдим», деди. Анда бутун оиласи иттифоқ ила: «Сен қайси динда эрсанг, бизлар ҳам шу динда бўлурмиз», дейишиб, барчалари динга мушарраф бўлдилар. Шу билан оиласида мусулмон бўлмаган ҳеч киши қолмади. Аммо Давс қабиласини Исломга даъват қилди эрса, кўпчилик араблар қандай қилур эканлар, уларга қараб турайлик, деб кечиктирдилар. У эса яна қайтиб, Пайғамбаримиз ҳузурларига келди. Ва:

— Ё Расулаллоҳ, қавмни қанчалик динга даъват қилсам ҳам, улар қабул қилишмай, мени хижолатга кўйдилар. Дуо қилинг, Аллоҳ аларни ҳалок қилгай, — деди. Пайғамбаримиз:

— Ё Раб, Давс халқини ҳидоят қилгайсан, — деб дуойи хайр қилдилар. — Эй Туфайл, қавмингга бориб, юмшоқлик ила даъват этгил, — деб ани қайтардилар.

Пайғамбаримиз Мадинага ҳижрат қилганчалик, бу киши ўз қавмларини динга даъват қилиб турди. Алардин бир қанчалари иймонга кирса ҳам, тамом қабила динни қабул қилмадилар. Ҳижрат қилиб, Мадинага келганларидин сўнгра, Давс қабиласидин иймон келтирган саксондин кўп мусулмонлар билан Мадинага келиб, Пайғамбаримизнинг вафотларигача шунда бўлдилар. Сўнгра ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ халифалик даврларида бош кўтарган Мусайлама Каззоб пай-

ғамбарликка даъво қилиб чиқди. Унга қарши юборилган Ислом аскарларига қўшилиб, ўғиллари ила, Туфайл ҳам урушга борди. У уруш олдида шундоғ туш кўрди: «Оғзидин бир қуш чиқиб учиб кетибди. Бошидан сочлари олинди. Сўнгра бир хотун келиб уни ушлаб, фаржига (ичига) киргазиб юборди. Ўғли урушдин келиб, отасини кўп излади. Лекин уни тополмай қайтиб кетди. «Уйғонгандин кейин: «Сочимнинг тушимда олингани эрса, бу урушда бошимнинг олинганидур. Оғзимдан чиққан қуш бўлса, у менинг руҳимдур. Хотун кишининг фаржиға киришим — ернинг бағрига киргизиб, мени кўмгайлар. Аллоҳ таоло менга бу урушда шаҳодат насиб қилар экан. Ўғлимга қаттиқ жароҳат етиб, менга қўшилишни изласа ҳам, охири саломатланур экан», деб кўрган тушига ўзи шундоғ таъбир берди. Унинг деганидек, ўзи бу урушда шаҳид бўлди, ўғли қаттиқ яраланиб, узоқда соғайди. Аллоҳ булардин рози бўлсин.

### **БАНИ ҚАЙС ШОИРИ АЪШОНИНГ ВОҚЕАСИ**

Бу киши эрса, энг олий табақалардин бўлган араб шоирларидин саналур эди. Пайғамбаримиз билан кўришиб, Исломга кириш қасдида ўз юрти Ямомадин чиқди. Бу қилган сафарида Пайғамбаримиз шаънларига айтган, араблар одатларича, мақтов-сифатларини қилган узун бир шеър — қасида тухфаси бор эди. Бу шоир Макка шаҳрига яқинлашганда, унинг келган хабари Қурайш халқига эшитилди. Аларга ташвиш тушдики, агар бу шоир келиб, Муҳаммадга иймон келтирса, шеър айтиб, тили билан ташвиқот қилиб, бутун арабларни қўзғатиши мумкиндир. Бунинг чорасини кўриб, уни Муҳаммадга кўриштирамай қайтариш керак, деб маслаҳат қилдилар. Шунинг билан Қурайш раисларидин Абу Суфён олдидин тўсиб чиқиб, у билан кўришди, анинг мақсадини сўраб билгандин сўнгра, у:

— Эй Аъшо, агар Муҳаммадга иймон келтирсанг, анинг динида уч нарса ҳаромдур: 1. Зино. 2. Ҳамр (ароқ). 3. Қимор.

Агар анинг динига кириб, мусулмон бўлсанг, бу уч лаззатдин маҳрум бўлурсан, — деди.

Анда Аъшо:

— Биринчи деганинг зино бўлса, энди мен қаридим, агар мен уни ташламасам, у мени албатта таш-

лайдур. Иккинчи айтганинг ҳамр бўлса, ундан кўп йиллардин бери ичиб, бир кишичалик ҳаққимни олиб, қонганман. Учинчи — қимор ўйинидин қайтарса, уни ўйнаганимда ютиб олиб, фойдаланишим аниқ эмасдур. Аммо Муҳаммаднинг жувонмард, сахийлигини аниқ, деб онгладим. Агар иймон келтирсам, анинг ато ва бахшишларидин баҳра топгайман — деди.

Абу Суфён уни бу сўзлар билан қайтара олмаслигига кўзи етгандин кейин, туриб:

— Эй Аъшо, бу ишга кўп шошмасдин яна бирор йил ўтгунча пайқаб қарагин, энди сенинг бу келишинг ҳам қуруқ бўлмасин, Қурайш халқидин қизил туклик бир юз туя йиғдириб берайин. Агар бу орада Муҳаммад бизни енгиб, иши ривожланса, бир йил сўнгра келиб, унга иймон келтурурсан, ҳам бунинг устига юз туя ортиқча ўлжа олган бўлурсан, йўқ, агар бундоғ бўлмай, биз уни енгиб чиқар бўлсак, ул чоғда бутун араб ўз динида қолиб, анинг бу иши ўртадин кўтарилади. Ул ҳолда юз туя сенга яна фойдага қолади, — деб уни таъмага солди.

У ҳам бўлса, мол ҳирси кўнглига тушгандан, унинг бу сўзига розилик кўрсатди. Шундоғ қилиб, Абу Суфён Қурайш халқидин юз туя йиғиб, унга топширгандин кейин, Пайғамбаримиз билан кўришмасдин, дунёга алданиб, ўз элига қайтиб кетди. Йўлда кетаётганида уйига етмасдин илгариги туясидин йиқилиб ўлди. Дунё ҳирси балосига қолиб, шундоғ улуғ давлатдин маҳрум бўлди. Лекин бунинг шу сафаридаги Пайғамбаримиз шаънларида айтган шеъри эрса, шу кунгачалик китобларда машҳурдур. Балки ғойибона иймон келтирган бўлса ҳам ажаб эмас.

### **ПАЙҒАМБАРИМИЗНИ МАСҲАРА ҚИЛГАН ҚУРАЙШ РАИСЛАРИНИНГ ВОҚЕАСИ**

Ҳадис китобларининг ривоятларига кўра Қурайш раисларидин номлари ёзилган шу беш киши:

1. Асвад ибн Мутталиб. 2. Асвад ибн Абду Яғус. 3. Ос ибн Воил. 4. Ҳорис ибн Талотила. 5. Валид ибн Муғйра — Қурайш ичида ёши улуғ қари кишилардан бўлиб, кўп обрўйга эга эдилар. Пайғамбаримизга озор беришни ўзларига бузилмас аҳд қилган эдилар. Буларнинг қилар ишлари доим Пайғамбаримизнинг ўқиган намозларини, тоат-ибодат қилганларини, ўлти-



риб-туришларини масхара қилишиб, ўтган-кетганлариди Расулulloҳга озор бериш эди. Бу ҳақда кўп сабр қилдилар, аларнинг адабсизликлари ҳам ниҳоятига етди. Мана шу чоғда Жаброил алайҳиссалом Худо тарафидин бу оятни келтирдилар: — **«Фасдаъ бима тўъмару, вааъриз анил мушрикийна, инна кафайнакал мустаҳзийин»**. Маъноси: — *«Эй Муҳаммад, Аллоҳнинг амрини очиқ айтгил, сени масхара қилувчи адабсизларнинг жазоларини ўзимиз берамиз, ул мушриклардин сен парво қилма»*, деган бўлур. Жаброил алайҳиссалом шу ваҳийни келтирганларида, алар ўз одатларича Байтуллоҳни тавоф қилишиб юришган эдилар. Жаброил алайҳиссалом келиб, Байтуллоҳ олдида турдилар, Пайғамбаримиз ҳам анинг ёнларига келдилар. Шу чоғда тавоф қилиб юрган Асвад ибн Мутталиб у ердан ўтаверди. Уни кўриб, Жаброил алайҳиссалом қўлларида тутиб турган яшил байроқни унинг юзига отдилар, дарҳол унинг кўзлари кўр бўлди. Бундин кейин Асвад ибн Абду Яғус ҳам у жойдин ўтди, Жаброил алайҳиссалом анинг қорнига ишорат қилдилар, шу замон қорнида шиш пайдо бўлиб, истисқо иллатига йўлиқди. Шу дард билан юриб ҳалок бўлди. Анинг ортидин Валид ибн Муғийра келиб, Жаброил алайҳиссалом олдиларидин ўтаверганида анинг оёғига ишорат қилдилар. Неча йил илгари тузалган яра ўрнидан бир шиш қайнаб чиқди, бунинг оғриғига чидай олмасдан бўкириб ётиб, жон берди. Сўнгра Ос ибн Воил келиб эди, Жаброил алайҳиссалом анинг товонига ишорат қилдилар, неча кун ўтгандин сўнгра оёғига бир тикон киргани баҳона бўлиб, шунинг дардига даво тополмасдин бу ҳам ўлди. Ҳорис ибн Талотила ўтаётганида Жаброил алайҳиссалом анинг бошига ишорат қилиб эдилар, ичи сувга тўлган тулумдек бўлиб, анинг бошида бир шиш пайдо бўлди. Қон-йиринг оқиб юриб, бу ҳам ўлди. Алҳосил, юқоридаги оятнинг мазмунича, Расулulloҳга қилган адабсизликларининг шумлигидан, охират азобининг намунасин бу дунёда ҳам кўриб, барчалари ҳалок бўлдилар. Қудрати илоҳий ила бўлган бу воқеани Пайғамбаримиздан бошқа ҳеч ким билмади.

Булардин кейинги энг қаттиқ душманчилик кўрсатган киши Абу Жаҳл эди. Бу малъуннинг Пайғамбаримизга ҳар қанча душманлиги қаттиқ бўлса ҳам, яна олдиларига келганда беихтиёр тавозеъ қилар эди. Шун-

доққи, бадавийлардин бир киши Макка бозорига бир туя келтириб, сотмоқчи бўлди. Пулини уйдан бермоқчи бўлиб, у туяни Абу Жаҳл сотиб олди. Аммо қилган ваъдасига вафо қилмай, унинг ҳаққини бермасдин бир неча кунлар судради, ул бадавий араб ҳеч илож тополмасдин, Байтуллоҳ олдида мажлис қуриб ўтиришган Қурайш раисларига арзини айтиб, Абу Жаҳлдин ҳаққини олиб беришларини талаб қилди. Анда Қурайш раислари бир четда ўтирган Пайғамбаримизга ишорат қилиб: «Ҳаммамизнинг каттамиз ана шу кишидур. Сенинг ҳаққингни олиб беришга шундин бошқа ҳеч ким ярамайди», дедилар. Бундин ғаразлари эрса, Пайғамбаримизни масхара қилишиб, Абу Жаҳл билан уриштириш эди. Буларнинг хиёнатлик сўзига бечора бадавий ишонганидин, тўғри Пайғамбаримизга келиб:

— Эй муборак одам, мен бўлсам бу шаҳарга келган мусофирдурман. Абул Ҳакамга бир туя сотган эдим, шу кунгача пулини бермасдин, мени кўп овора қилди. Анави ўтирган одамларга ундин ҳаққимни олиб беришлари учун арз қилган эдим, алар сизни кўрсатдилар. Худо хайр берсин, яхши киши кўринасиз, менинг ҳаққимни олиб берармикинсиз, деб келдим, — деди.

Дарҳол Пайғамбаримиз: «Яхши бўлур, юр бўлмаса», деб ўринларидин туриб, Абу Жаҳл уйига қараб юрдилар. Бу ишни пайқаб ўтиришган Қурайш раислари буни кўришиб: «Муҳаммад бу боришида Абу Жаҳл ила қандоғ муомала қилгай, буни билишимиз керак», деб яширинча бир одам юбордилар. Пайғамбаримиз бадавийни бошлаб тўғри Абу Жаҳлнинг уйига келиб, анинг эшигини қоқдилар. Абу Жаҳл ичкаридин туриб: «Кимдир?» деб эди, Пайғамбаримиз: — «Муҳаммадурман, бу ёққа чиқгил», дедилар. Овозларини эшитиши билан, кўрққанидин ўнги (ранги) ўчиб, юзи сарғайди, дарҳол эшикни очиб эди, Пайғамбаримиз: «Бу кишини ҳаққини ҳозир адо қил», дедилар. Абу Жаҳл ҳеч қандоқ қаршилиқ қилмасдин, шошилганича уйдин пул олиб чиқиб, бадавий ҳаққини топширди. Пайғамбаримизга у бадавий кўп ташаккурлар билдиргандин сўнгра, яна Қурайш мажлисига келиб: «Сизлар кўрсатган одамнинг Худо хайрини берсин, Абул Ҳакамдин тамом ҳаққимни олиб берди», деб Пайғамбаримизни кўп олқишлади. Булар бўлса, бу ишни Пайғамбаримизга азият етказиш қасдида қилган эдилар. Аллоҳ таоло иродаси билан, Пайғамбаримизга ионат бўлди.

Қурайш раислари хижолатликка қолиб, Абу Жаҳлга нафрат айтиб турганларида юборган кишилари келди. «Нима воқеа бўлди?» деб андин сўрадилар. Ул: «Абу Жаҳлнинг Муҳаммад ҳақида қилган муомаласи бек (чўнг) таажжуб ишдур. Кўрганим шулдурки, Муҳаммад бадавий билан тўғри бориб, Абу Жаҳл қопқасини қоқди. Қарасам, Абу Жаҳл кўрққанидин ранги ўчган, руҳсиз ҳолда чиқиб келди. Муҳаммад бадавийни кўрсатиб, бунинг ҳаққини дарҳол адо қил, деди. Ул ҳам югурганича уйидин пул кўтариб чиқиб, бадавийнинг ҳаққини топшириб берди», деб айтди. Бу сўзга хайрон бўлиб туриб эдиларки, Абу Жаҳл ўзи келиб қолди. Алар ёпасига: «Бу қандоғ номуслик уят иш, душманларимизни суюнтирдинг, ўзингга номус келтирдинг», деб унга нафратларини билдирдилар. — Бу чоққа давр Муҳаммадга бундоқ юмшоқлик қилганингни кўрмаган эдик».

Анда Абу Жаҳл:

— Мени кўп айб қилманглар, чунки бу ишда менинг ихтиёрим йўқдур, энди бу сирни айтишга мажбур бўлдим. Шундоқки, мен ўтириб эдим, туюқсиздин эшик қоқилиб, Муҳаммаднинг овозини эшитдим, ихтиёрсиз кўнглимга қаттиқ бир кўрқинч тушди. Югуриб чиқиб эдим, кўрдимки, бадавий олдада Муҳаммад турибди, анинг ортида тишлари найзадек, боши сандикдек, ҳайбатлик бир буғро туя оғзини очиб турганини кўрдим. Агар мен қаршилиқ кўрсатсам, устимга ҳужум қилгудек кўринур, — деди.

Субҳоналлоҳ, бу қандоқ ажаб ишдурки, шу қадар улуғ мўъжизаларни кўришиб турсалар ҳам, бундин ҳеч қандоқ ибрат олмадилар.

Энди, эй мўмин, огоҳ бўлгинким, Пайғамбаримизнинг айтишларича, инсонда уч турлик сифат бордур.

1. Ҳайвонлик.

2. Шайтонлик.

3. Фаришталик хислатларидур.

Аллоҳ таоло одамни яратганида, анинг вужудига бу уч турлик сифатини қўймишдур. Шунинг учун ҳар бир инсонда шу уч хил махлуқнинг сифатлари кўринмоқдадур. Шундоқки: емак-ичмак, ухламоқ, жимо қилмоқ (эр-хотин қўшилиши), мана булар эрса, ҳайвонларнинг сифатларидур. Инсонлардаги уруш-талаш, ўлдиришлар, ёриш-йиртиш, бир-бирларига озор беришлар, мана шулар бўлса, ит-бўрилар каби йиртқич

ҳайвонларнинг сифатларидур. Макр-ҳийла, зулм-ҳиёнат, ҳасад қилиш, халқ ичида бузуқчилик қилиб, фитна-фасод ишларини кўзғаш, булар шайтоний ахлоқлардин бир намунадур.

Илмдўстлик, илмсеварлик, адолатпарварлик, тақвогарлик, раҳмдиллик, бутун олижаноблик, кўркам ахлоқлик, мана бундай ишлар фаришталик сифатларидин бир намунадур. Одам фарзандларида бу сифатларнинг борлигини кўриб турамиз. Агар фаришталик сифати тарбият топиб, қувватланар экан, унинг даражаси фариштадин ортиқ бўлиши шубҳасиздур. Мана, пайғамбарларнинг вужуд-шарифлари бу сўзни исбот қилишга очик далилдур.

Агар бундоғ бўлмай, ҳайвоний, шайтоний тарафига инсонлар майл қилсалар, шулар қаторида қолиб, балки булардин ҳам тубанроқ тушиб, асфаласофилин зиндонига гирифтор бўлгайлар. Шунга кўра, Аллоҳ таоло Раҳмон раҳим сифати ила инсонларга раҳбарлик қилишга бир юз йигирма тўрт минг пайғамбар юбормишдур. Уларнинг вазифалари эса инсонларнинг асл гавҳарлари бўлган фаришталик сифатларини юзага чиқаришдур. Диний тарбиятлар бериб, шайтоний сифатлардин аларни ариғдаб (тозалаб), ҳайвоний сифатларини чеклашдур. Агар инсон фарзандлари пайғамбарлар тарбияларидин четга чиқиб, аларнинг кўрсатган йўлларидин йироқ юрсалар, шайтоний ва ҳайвоний сифатлари ривож топиб, иймон — исломдин баҳрасиз бўлгайлар. Худо сақласин, агар бу икки бузуқ сифатлар инсонлар оламида ривожга кирар экан, анинг натижасида қандоғ ишлар пайдо бўлиши кўз оддимизда кўринмоқдадур. Қиёмат қанчалик яқинлашгани сайин инсонларда бу ёмон сифатлар шунчалар ривожланиши машҳур ҳадис китобларида ёзилмишдур.

Ҳақни ботилдин ажратиш учун Аллоҳ таоло инсонларга ақл гавҳарини ато қилиши бунинг мисоли бир ойна кабидур. Агар у мусаффолик, текислик сифати ила турса, анинг тўғрисида келган ҳар бир нарса анда ўз ҳақиқати ила кўрингай, агар бундоғ бўлмай, ақл ойнаси занг бойлаб, текислик ва сафолик сифатидин ажраган бўлса, анинг қаршисида келган тўғрини эгри, оқни қора қилиб кўрсатгай. Бунинг оддида яхши ёмон, умуман, барчаси баробар бўлгай. Мана бундоғ одамларнинг ақллари, шайтоний ҳайвоний қувватларига асир бўлиб, анинг асли фитрати бузилмишдур.

Агар тамом умрини шу йўлда ўтказиб, дунёдин тавбасиз кетар экан, абадий шақоватга (тузалмасга), дўзах азобига тутилур. Энди бу асоратдин қутилиш, бу дарда даво топиш учун, Худо тарафидин юборилган, Ислом дини кўрсатган йўлдин бошқа ҳеч қандоқ анинг чораси йўқдур. Бу йўлнинг чин қаловузи ва анинг ҳақиқий йўлбошчиси ҳазрати Муҳаммад Мустафо солаллоху алайҳи васалламдурлар. Аллоҳ таоло тарафидин бу зотга Қуръони карим китоби индирилмишдур. Инсонларнинг икки дунёда бахт-саодатлик бўлишлари учун, шу китоб бирма-бир кафилдур. Байт:

*«Ҳақни кўрган, ҳақни билган, ҳақ йўлининг бошчиси  
Бил, Муҳаммад Мустафодур, ул худонинг элчиси»*

### **РАКОНА ИБН АБДУ ЯЗИД ВОҚЕАСИ**

Қурайш қабиласи ичида Ракона ибн Абду Язид номлик бир паҳлавон йигит бор эди. Кураш майдонида отоғи чиққан, ёнбоши ерга тегмаган эди. Бир кун холи бир кўчадан ўтиб бораётганида, Пайғамбаримиз анинг олдидан чиқиб:

— Эй Ракона, Худодин кўрқил, менинг насиҳатимни қабул қилиб, Ислом динига киргил, — дедилар. Анда Ракона:

— Эй Муҳаммад, сенинг келтурган бу дининг ҳақлигини қайдин билурман? Унинг ҳақлигига бирор белги кўрсатсанг, қабул қилайин, — деди. Анда Расулulloҳ:

— Сенинг паҳлавонлигингга сўз йўқдур. Куч-қувватда барчадин ўзингни устун чоғларсан. Қўпгил (тур), икковимиз бу ерда курашайлик. Агар сени йиқар бўлсам, менинг ҳақ пайғамбарлигимга ишониб, иймон келтурурмисан? — дедилар. Ул ҳам розилигини билдириб, тура келиб курашга тутинди. Муборак қўллари теккан ҳамон бутун кучидин ажради, икки букиб, ани ерга урдилар. Бу ишга Ракона ҳайрон қолиб, қайтадин курашмоқни талаб қилди. Бу қатимда эса, бурунғидин оғирроқ ҳолга қолди. Ўзини арслон олдида турган товушқондек (қуён) ожиз чоғлади. Ҳеч кимсани ўзига тенг кўрмаган Ракона айтди:

— Эй Муҳаммад, умр ичида эшитилмаган, кўрилмаган ажаб бир ишдур. Энди бу нечук воқеадур.

Анда Пайғамбаримиз: — Агар тилар эрсанг, бундин ҳам ажиброқ нарсани сенга кўрсатурман, — деб

йирокдин кўришиб турган бир дарахтни чорладилар эрса, дарахт ер ёриб келиб, Расулуллоҳ олдида саломга эгилди. «Ўрнингга қайт», деган изм билан, қайтадин ўз жойига бориб ўрнашди. Мана шундоғ улуғ мўъжизани кўриб турса ҳам, яна иймон келтирмади. Пайғамбаримизга сеҳргар тухматини тақиб, бу улуғ неъматдин маҳрум бўлди. Шунинг билан Ракона пайғамбаримиз олдларидин қайтиб, Қурайш мажлисига келса, алар жамоат қуриб ўлтирган эканлар. Аларга қараб:

— Эй Қурайш халқи, Худо ҳақида қасам қилурман, Муҳаммаддин ортиқроқ ер юзида сеҳрчи йўқдур. Анинг сеҳрчилиги орқали бутун дунё халқига эга бўла олғаймиз, — деб кўрган мўъжизаларини аларга баён қилди. Аммо ўзи шайтоний васвасаларга қолиб, иймондин бенасиб бўлди.

### ХАДИЧА ОНАМИЗНИНГ ВАФОТЛАРИ

Онамиз ҳазрати Хадича Хувайлид қизи, Қурайш қабиласи ичида ҳасаб-насаб жиҳатдин энг юқори даражада хотун эди. Қирқ ёшида Расулуллоҳ уни ўз никоҳларига олдилар. Ул чоғда Пайғамбаримизнинг ёшлари йигирма бешга етмаган эди. Пайғамбарлик даврининг ўнинчи йилида, ҳижратдин уч йил илгари Макка шаҳрида онамиз Хадича вафот топдилар. Пайғамбаримизнинг барча болалари, ҳамма ўғил-қизлари шу онамиз Хадичадин туғилган эдилар. Ёлғиз Иброҳим отлиғ ўғиллари эрса Мория деган чўриларидин туғилди. У бўлса Миср подшоси Муқовқис тарафидин Пайғамбаримизга ҳадя қилиб юборилмуш эди. Энг кичик қизлари Фотима Пайғамбаримиздин олти ой кейин вафот топдилар. Қолган катта-кичик ҳаммалари ўзларидин илгари дунёдин ўтган эдилар. Бу мусибат устига бутун душманларига ҳайбат кўрсатиб турган амакилари Абу Толибнинг вафот қилиши Пайғамбаримизга қаттиқ таъсир қилди. Бу меҳрибон ёрдамчиларидин бирданига ажралганлари учун ортиқча қайғурдилар. Шу мусибат бўлган йилни қайғу-ҳасрат йили, деб атадилар. Чунки бу икковлари умрларининг борича Расулуллоҳ ёрдамларида молу жонларини аямасдин фидо қилган эдилар. Энди буларнинг вафотларидин сўнгра Қурайш мушриклари фурсатдин фойдаланиб, Пайғамбаримиз бошлиқ барча мусулмонларга бермаган озор-

лари, кўрсатмаган жабру жафолари қолмади. Макка мушрикларидин умид қиларлик ҳеч иш кўрмаганликдан, Пайғамбаримизнинг кўнгилларига Тоиф халқини динга даъват қилиш ва ҳаммаларидин ёрдам сўраш фикри тушди. Тоиф эса, Арабистонда яйлов қатори салқин, Макка шаҳридин етмиш-саксон чақирим шарқ томонда жойлашган бир шаҳардур. У ерда араблардин Бани Сақийф қабиласи яшар эдилар. Энг мунбит (унумли) иқлимларда етишган мевалар ул жойда ортиги билан етишади. Мана шу сафарда номлари Қуръони каримда зикр қилинган, Пайғамбаримизнинг асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса ҳамроҳ эди.

### ТОИФ ХАЛҚИНИ ДИНГА ДАЪВАТ ҚИЛИШ

Шунинг билан Расулуллоҳ Тоиф шаҳрига қараб, йўлдошлари Зайд биргалигида йўлга чиқдилар. Отуловлари йўқлигидин тоғ-тошларда яёв юришга тўғри келди. Тоиф шаҳрига кирганларидин сўнгра, кундузи юришга душманлардин, сақланиб, қабила раислари билан кечалаб келиб кўришдилар. Бу халқнинг раислари эса Абд Ёлайл, Масъуд, Ҳабиб отлиғ уч оғайни эдилар. Пайғамбаримиз буларга:

— Эй Бани Сақийф раислари, Аллоҳ таоло мени ер устига пайғамбар қилиб юборди. Аллоҳнинг буйруқларини бандаларига етказгани келдим. Инсон оламини Ислом динига чақирурман. Бутун олам халқини иймон-инсофга даъват қилурман. Агар менинг бу сўзимни қабул қилиб, менга иймон келтурур бўлсангиз, икки дунё давлатига эга бўлурсиз, — дедилар.

Лекин булардин умид қиларлик ҳеч бир сўз чиқмади. Балки бировлари:

— Ўз қавм-қариндошларинга фойдаси тегмаган бир ишни бизга келтурибсан, алар бу ишдин яхшилик кутмаганликдин, ани қабул қилмадилар. Энди биз уни нечук қабул қилайлик, — деди. Иккинчиси эса:

Биз сенга иймон келтирсак, бизнинг ёрдамимиз билан ишларинг ўрин топса, ҳукумат иши бизда бўлишини шарт қилурмиз, — деди. Учинчиси:

— Араблар ичида не улуғ даражали раислар, катта обрўйлик бойлар бўлатуриб, киши топилмагандек, Аллоҳ сени пайғамбар қилурми? — деди.

Бу сўзларни эшитиб, Пайғамбаримизнинг умидлари булардин узилди. Лекин бу воқеани яширин ту-

тишларини, бошқаларга айтмасликларини алардин қаттиқ ўтиндилар. Чунки у замонда Макка мушриклари Тоиф мушриклари билан адоватда эдилар. Агар Қурайш мушриклари бу хабарни эшитиб қолсалар, айниқса, буларнинг олдидан умидсизланиб, қуруқ қайтганликларини билсалар, аларнинг адоватлари Пайғамбаримизга илгаригидан ҳам ортиқроқ бўлиши аниқ эди. Шунинг учун пайғамбаримиз бу хабарнинг халқ ичида тарқалмаслигини суяр эдилар. Бу сўзнинг яширин қолишини алардин ўтинган бўлсалар ҳам, олдиларида қабул қилган бўлиб, кейинларидин бебош ёмон кишиларни ва ҳам ёш болаларни Пайғамбаримизга қарши қўзғадилар. Кўчага чиққанларида у бебошлар томонидин тош-кесаклар отилди. «Лот-манот бутларимизни ҳақорат қилгувчи, дин бузғувчи киши келди», деб ҳар тарафдин қичқирар эдилар. Атрофдин отилган тош-кесаклар захмидин кийган ковушлари қонга тўлди. Йўлдошлари ҳазрати Зайд Пайғамбаримизга ўзларини қалқон қилиб, тўсган эдилар, отилгон тош-кесаклар захмидин танлари, бош-кўзлари қонга бўялди. Худо ўнглаб, шу ўртада Қурайш раисларидин Утба деган кишининг чорбоғи бор эди. Бу бебошлар ҳужумидин сақланиб, шу чорбоққа киришга мажбур бўлдилар. Рабианинг икки ўғли — Утба ва Шайба Маккадан салқинлаш учун янгидан келишиб, алар ҳам шу боғда эдилар. Булар эрса, Пайғамбаримизнинг энг қаттиқ душманларидин саналган эди. Бу оғир аҳвол устида буларнинг қараб туришлари яна ҳам Пайғамбаримизга оғирроқ хафалик келтирди. Қутлуғ кўнгилларига ниҳояти маъюслик пайдо бўлиб, шу дуони ўқиб, Аллоҳга муножот қилдилар. Машхур ҳадис китобларида Тоиф дуоси деб ёзилмиш эди. Ўқигувчиларимизга ёдгор бўлсин, деб у дуони Пайғамбаримиздан қилинган ривояти билан арабча иборатини келтирмоқни лойиқ кўрдим. Ва дуонинг мазмунини туркий тилига таржима қилдим.

Китобни ўқигувчи мўминлар, бу дуони ўқиганларида, аларнинг кўнгиллари эриб, кўзлари ёшланур эрса, дуо қилиш пайтининг келганидур. Ана шу чоғда бу ёзувчи, ёзуқлик қулни дуода эскариб қўйишни умид қилурман. Тоиф дуоси будур:

**«Аллоҳумма илайка ашку зуъфа қувватий ва қиллата ҳийлатий ва ҳавоний аланнаси ё арҳамарроҳимийн, анта раббул мустазафийна ва анта раббий**



**иломан такилуний, ила баидин ятажаҳхамуний ам ила адуввин маллактаху амрий, инлам якун бика алайя ғазабун фала уболий, валокинна офиятака ҳийа авсау лий».**

Маъноси: «Эй бор худоё, мени куч-қувватим заифлашди, қилурга чораларим озайди. Одамлар мени кўзларига илмас бўлдилар. Эй меҳрибон Парвардигорим! Сен менинг мураббимсан ва барча кучсиз, ожиз қуларнинг суянчисидурсан, менинг ишимни қимларга топширдинг. Мандин норози бўлмас эрсанг, бу йўлда ҳар қанча озор-қулфатлар кўрсам ҳам, ҳеч қандоғ уни оғир тутмасман, аммо офият ато қилсанг, мен учун кенгчиликроқдур».

Юқорида ёзилган Рабианинг ўғиллари пайғамбаримизнинг бундоғ оғир ҳолга қолганларини кўриб, раҳмлари келди. Қариндошлик меҳрлари бироз кўзғалди. Аларнинг насроний динида бўлган Аддос номлик бир қули бор эди. Ани чорладилар ва: «Ул киши олдига егали бир-икки бош узум келтиргин», дедилар. Аммо ўзлари келиб, кўриниш беришга уялдилар. Аларнинг буйруқларича Аддос товоққа солган икки бош узумни келтириб, пайғамбаримиз олдиларига қўйди. Пайғамбаримиз «Бисмиллоҳ» деб, узумдин олиб едилар. Аддос қул буни онглаган сўнгида юзларига қараб туриб, «Бу шаҳар халқидин мен эшитмаган ажаб бир сўз айтдингиз», деди. Анда пайғамбаримиз «Қайси шаҳарликсан, қайси диндансан?» деб Аддос қулдин сўрадилар. «Насроний динидадурман. Найнаво шаҳридан эрурман», — деб жавоб берди. «Андоғ бўлса, Юнус ибн Матто деган яхши кишининг шаҳридан экансан, эй Аддос», дедилар. Аддос: «Юнус ибн Маттони сиз қайдин билурсиз?» деди. Пайғамбаримиз: «Ул менинг биродаримдур, ҳар икковимиз ҳам Худо тарафидин юборилган Пайғамбардурмиз», дедилар. Аддос бу сўзни эшитиши билан Пайғамбаримизнинг оёқларига ўзини отди. Оёқларига кўзини суртиб, бош-кўзларини ўпиб, дарҳол мусулмон бўлди. Ажиб ишдурким, неча минг сонлик Тоиф халқига насиб бўлмаган иймонни, Аллоҳ таоло шу қулга лойиқ кўрди. Аддоснинг бундоқ қилганини юқорида туришган хўжайинлари кўришиб, қилган ишларига пушаймон бўлишиб, шошилиб қолдилар. «Энди қулимиз бузилди, ундан ажрайдиган бўлдик», деб бир-бирларига таъна айтишдилар. Сўнгра Расулulloҳ у ердан чиқишиб Макка шаҳрига қараб

йўлга тушдилар. Хўжайинлари Аддосни чақириб: «Не-  
чук ул кишининг қўл-оёқларини ўпдинг? Ундан нима  
кўрганинг, билганинг бўлди», — деб сўрадилар. Анда  
Аддос айтди:

— Мен билурман, ер устида бу кишидан яхшироқ  
ҳеч кимса йўқдур. Унинг айтган сўзларини пайғамбар  
бўлмаган киши ҳеч қачон билмайди. Худо тарафидин  
юборилган пайғамбарлигини аниқ билдим. Шунинг учун  
анинг динига кирдим.

Расулуллоҳ Тоиф шаҳридин чиқиб, шу юрганлари-  
ча, Нахла деган хурмолик боққа келганларида кеч  
бўлиб, тун қоронғулиги босди. Мана шу жойда тунаб  
қолдилар. Кечалаб таҳажжуд намозини ўтамакчи бўлиб,  
тун ярмида турганларида намоз ўқиб, узун қироат қил-  
дилар. Шул чоғда Насийбин деган жойдаги жин тои-  
фаларидин етти нафар жинлар раислари шу жойдин  
ўтишмоқда эдилар. Қарасалар, бир киши намозда қиро-  
ат қилиб турибди. Намоз ўқиб бўлганларича қулоқ  
солиб туришдилар. Расулуллоҳнинг ўқиган Қуръонла-  
рининг таъсиридан кўнгиллари эриб, кўзлари ёшлан-  
ди. Қуръон нури билан кўнгиллари очилиб, ҳақиқат  
ийўли ёриди. Барчалари ҳидоят топиб, шу жойда иймон  
келтирдилар. Ўз уруғ-аймоқларига боргач, бу воқеани  
баён қилиб, аларни ҳам Ислому динига далолат қилди-  
лар. Қуръондаги «Қул-увҳия» сураси бошдин-оёқ шу  
мўъмин жинлар қиссаларидур. Расулуллоҳга пайғам-  
барлик ваҳийи келгандин сўнгра ўн уч йил Макка  
шаҳрида туриб, халқни динга даъват қилдилар. Шу  
муддат ичида Қурайш кофирлари қанча қатим мўъжи-  
залар кўрган, Қуръон оятларини эшитган бўлсалар  
ҳам яна иймон келтурмадилар. Бу қандоғ улуғ насиба-  
дурки, Расулуллоҳнинг Қуръон қироатини бир йўлги-  
на эшитган ўткинчи жинлар бу давлатга етдилар. Ва  
ҳам шу сафардин қайтишларида, Жаброил алайҳис-  
салом «Малакул жибол», яъни тамом тоғларнинг ус-  
тида турган улуғ бир фаришта билан келиб:

— Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло бизни сенинг фар-  
монингга юборди. Сенинг буйруғинг билан иш қилган-  
ни келдик. Агар тилар эрсанг, сенга қаршилиқ кўрсат-  
ган икки шаҳар устига икки тоғни ташлагаймиз, —  
дедилар. Анда Расулуллоҳ шу дуони ўқидилар:

**«Аллоҳумма ихди қовмий фаиннаҳум ло яъла-  
мун».**

Маъноси: «Эй бор Худоё! Ўзинг бу халқни тўғри

йўлга солгил, аларга бало юбормагил, сенга қаршлик қилган бўлсалар, билмасликдин қилдилар. Уларнинг гуноҳларини кечиргайсан».

Расулуллоҳдин бу жавобни эшитганларидин сўнгра Жаброил алайҳиссалом: — «Эй Муҳаммад, сени Худои таоло Қуръонда «Роуфур-роҳим», деб атамиш эди. (Яъни, раҳмдиллик, юмшоқ кўнгиллик.) Энди сенда бу сифатларнинг борлигини кўрдик, Аллоҳнинг чин суйган ҳабиби эмишсан», деб Расулуллоҳга раҳматлар айтиб, ёндилар (қайтдилар).

Шундоқ бўлиб, Расулуллоҳ асранди ўғиллари Зайд билан биргаликда Макка шаҳрига яқинлашдилар. Аммо бу сафардин қайтишларида очикдан-очик шаҳар ичига киришлик анчагина хатарлик эди, чунки Тоиф шаҳрида яшовчи Сақийф қабиласи ила Макка мушриклари узун йиллардин бери адоватда эдилар. Буларга қарши Расулуллоҳнинг улардин ёрдам сўраб боришлари Қурайшнинг адоватларини янада ортиқроқ қилган эди. Пайғамбаримиз ўзларича шаҳарга кирганларида мушриклардин ортиқроқ азият чекишлари мумкин эди. Мана шу тўғрилиқ, араблар одатларича бирор қабила раисининг ҳимоясига кириш зарур бўлди. Шунинг учун Қурайш раисларидин Мутъим ибн Адийга киши юбориб, ўзларини ҳимоясига олишни андин сўрадилар. У ҳам бу ишни ўзига фахр билиб, дарҳол қабул қилди. Сўнгра ўзига қарашлик кишилар ила баробар қуролланган ҳолда Пайғамбаримизни бирга олиб, Қурайш мажлисига келди. Аларга қараб, эгиз овоз ила: «Огоҳ бўлингларки, мен Муҳаммадни ўз ҳимоятимга олдим, буни бузишга Қурайш ичида журъат қилувчилар бўлмас деб ўйлайман», деганида, мажлис аҳди томонидан: — «Сенинг ҳурматинг сақланиши лозимдур», деган товушлар эшитилди. Шунинг билан Пайғамбаримизнинг кўнгиллари тинчланиб, шаҳар ичига кирдилар. Ул замон арабларнинг одатларича, ҳимояга олинган одамга, агар душманлари тарафидин тажовуз бўлар экан, ҳимоячи раиснинг ўз оиласига бўлгандек саналур эди. Ҳимоят ҳаққини, кўшнилик аҳдини сақлашлиқ араблар олдида улуғ шарафга эга бўлгандек, буларни бузишлик эса энг қаттиқ ор-номуслардин ҳисобланур эди. Бу сабаблик чиққан урушлар, тўкилган қонлар араб тарихларида бек кўп учрайди. Бу ҳам бўлса, ўтмишдаги араб миллатининг яхши одатларининг бисидур. Чунки бунинг ҳимоясида бирмунча мазлум-

лар, ноҳақ зулм, таҳдидлар кўришдан сақланур эдилар. Шундоғ бўлиб, Пайғамбаримиз Тоиф шаҳридин келиб, Маккада бир неча кун турганларидин сўнгра, Худо тарафидин кароматлик улуғ воқеа кўрсатилди.

### МЕЪРОЖ ВОҚЕАСИ

Энди бу ўринда ҳақиқатга мувофиқ равишда, қисқача қилиб Меърож воқеасини баён қилиб ўтамыз. Бу ҳақда узун-қисқа сўзлар ёзилган китоблар кўп бўлса ҳам, аммо ҳақиқати ила ёзувчилар оздур. Шунинг учун Ислому оламида Қуръондин сўнгра ишонимлик китобимиз «Саҳиҳ Бухорий» сўзларига қаноат қилиб, анинг Меърож ҳақида келтирган ҳадисларини бу ўринда таржима қилдим. Аллоҳ ўзи мадад беришини сўрайман. Энди билмак керакким, Пайғамбаримизнинг бир кечанда Масжидул Ҳаромдин чиқиб, Масжидул Ақсога келганлари Қуръон оятлари билан собитдур. Бунга иймон келтирмаклик мўъминларга фарздур. Масжидул Ҳаром деб Макка шаҳридаги Байтуллоҳ масжидини айтурлар. Бутун ер устида тамом мусулмонларнинг қибласи шу Байтуллоҳдур. Ҳар намозимизда юзимизни шу қиблага қаратамыз. Яна ўз ўрни келганда, Каъбатуллоҳ ва қибла ҳақида маълумотлар бериб ўтамыз, иншааллоҳ!

Масжидул Ақсо бўлса Фаластин ўлкасида Қуддуси шариф шаҳрининг масжидидур. Бу масжид эрса, ўтган барча пайғамбарларнинг қибласи эди. Пайғамбаримиз ҳам Маккада турган вақтларида, ўқиган намозларини Масжидул Ақсога қараб ўқир эдилар. Қачон Мадинага ҳижрат қилиб бориб, ўн саккиз ой ўтгандин сўнгра Қибла йўтқалди (ўзгарди). Ана шу кундин бошлаб, барча аҳли Исломининг қибласи Макка шаҳрида, Байтуллоҳни ичига олган Масжидул Ҳаром бўлди. Ҳақиқий қибламыз эса, шу масжид ичидаги Иброҳим Халидуллоҳ ясаган ўнг бурчагига ҳажарул Асвад тоши қўйилган қутлуғ бир ўриндур. Юзимизни шу томонга қаратиб, Аллоҳга ибодат қиламыз.

Яна мақсадга келайлик. Пайғамбаримизнинг Масжидул Ҳаромдин чиқиб, Масжидул Ақсога келганлари ушбу оят билан собит бўлди:

**«Субҳаналлазий асро, би абдиҳи лайламинал Масжидил Ҳароми илал Масжидил Ақсоллазий баракна ҳавлаҳу, линурияҳу мин оятина, иннаҳу ҳувасамиул басир».**

Маъноси: «Ариф зотлик (яъни, тоза) ул Худоким, кули Муҳаммадни, Масжидул Ҳаромдин, кечалаб, хайру-барака билан ўралган Масжидул Ақсога элтди. Бу элтишда улуф қудратимизнинг аломатларини унга кўрсатамиз».

Мана шу оятнинг очиқ мазмунича, Пайғамбаримиз кечанинг бир парчасида Масжидул Ҳаромдин чиқиб, Қуддус шаҳридаги Масжидул Ақсога келганлари онгланади. Энди бу оят шу масалада қатъий далил бўлганликдан, Исроға инкор, яъни Масжидул Ақсога келиш инқори иймонга муҳолифдур. Аммо Меърож деб «Масжидул Ақсодин осмон оламига чиққани айтилуру. Бу эса ҳадис билан собит бўлган масаладур. Бу ҳақдаги ҳадислар мутавотир, яъни, шаксиз ҳадислардур.

Энди бу улуф мўъжизанинг баёни шундоғдирким, бир куни Пайғамбаримиз «Олтин тарнов»нинг ости, Каъба орқаси — Ҳатимда ёнбошлаб ётган эдилар. Шу чоғда Жаброил алайҳиссалом бир неча фаришталар билан ҳозир бўлдилар. Пайғамбаримизнинг кўкрак чуқурларидин бошлаб, муборак кўксиларини ёрдилар. Олтин жомда тўлиқ «иймон-ҳикмат» суви келтирилган эди. Юракларини чиқариб, шу сув билан чайқадилар. Сўнгра илм-ҳикмат, иймон тўлдириб, юракларини ўз ўрнига қўйдилар. Шу чоғда, хачирдан кичикроқ, эшақдин чўнгроқ Буроқ оти жаннатдин келтирилган эди. Унинг илдамлигидан, кўзи етган жойга оёқ қўяр эди. Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизни шу Буроққа миндирди. Олдинларида ўзи йўл бошлаб юриб, хиёл ўтмай Масжидул Ақсога етдилар. Ул жойда Иброҳим, Мусо, Исо алайҳиссалом бошлиқ барча Пайғамбарлар кутмоқда эдилар. Буроқдин тушиб, ўтган Пайғамбарлар боғламиш ҳалқага ани боғладилар. Сўнгра Расулulloҳ Масжидул Ақсога кириб қарасалар, барча Пайғамбарлар ҳозир эканлар. Аларнинг талабларича Пайғамбаримиз имом бўлиб, икки ракат намоз ўқидилар. Бунинг сўнгида Жаброил алайҳиссалом бир коса ароқ, иккинчи косада сут келтириб, Пайғамбаримизга: Ичгил, деб ишорат қилди. Пайғамбаримиз ароққа қарамасдин, бир коса сутни олиб ичдилар. Буни кўриб, Жаброил алайҳиссалом:

— Эй Муҳаммад, ҳақиқатни тоқдинг. Сенинг умматларинг яхуд, насоролар каби ҳақ йўлдин адашиб, гумроҳликка кетмас эканлар, — деб башорат берди.

Бундан кейин Расулulloҳни яна Буроққа минди-

риб, Жаброил алайҳиссалом жиловларида, носут оламидин лоҳут жонибига, яъни ер устидин осмонга кўтарилдилар. Биринчи осмонга етдилар. Жаброил алайҳиссалом эшик сақловчи фариштага: «Очгил», деди. «Кимдурсан, ким билан келурсан?» деб сўради. «Жаброилдурман, йўлдошим Муҳаммад», деди. «Анинг пайгамбарлик даври келдиму?» деб дарҳол эшик очди. Дастлаб қаршиларига отамиз Одам алайҳиссалом чиқдилар. «Хуш келдингиз, эй азиз фарзандим», деб ҳақларига дуо қилдилар. Ул жойдин кўтарилиб, иккинчи осмонга етдилар. Ул жойда ҳам юқоридагидек савол-жавоблар бўлди. Ҳазрати Исо, Ҳазрати Яхё пайгамбарларнинг маконлари шу осмонда эди. Бу зотлар ҳам қарши олиб, хайр-дуода бўлдилар. Бундин ўтиб, учинчи осмонга чиқиш навбати етди. Юсуф алайҳиссаломнинг макони шу осмонда эди. Жаброил алайҳиссалом эшик қоқди. Юқориги савол-жавоблар ўтгандин сўнгра эшикни очдилар. Юсуф алайҳиссалом қарши олиб, Пайгамбаримизни табриклади. Сўнгра бу жойдин ўтиб, тўртинчи осмон сари юзландилар. Унинг ҳақида «Варафаънаҳу маканан алийя» ояти келган. Ҳазрати Идрис пайгамбарнинг мақомлари шу эди. Бунда ҳам юқорида ўтган сўзлардин сўнгра, эшик очилиб, Идрис алайҳиссалом билан кўришдилар. Шундан сўнг бешинчи осмонга кўтарилдилар. Жаброил алайҳиссалом эшик қоқди. Савол-жавоблар ўтгандан сўнгра эшик очилди. Ҳорун алайҳиссаломнинг жойлари шунда эди. Кўришгандин сўнг, бундин ўтиб, олтинчи осмонга чиқдилар. Мусо алайҳиссалом шу жойда эдилар. Ўтмиш сўзлардин сўнгра эшик очилди. Мусо алайҳиссалом таъзим билан Пайгамбаримизни кўп олқишладилар. Яна ул жойдин Буроқ учиб, еттинчи кўкка етқузди. Ул жойда боболари Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломни кўрдилар. «Отангиз Иброҳимдур», деган ишорат бўлиб, пайгамбаримиз салом бердилар. Салом жавобин қайтаргандин сўнгра: «Эй азиз фарзандим, хуш келдинг, қандоқ улуғ мақомларга етдинг», деб дуо қилдилар. Пайгамбаримиз кўрдиларким, Иброҳим Ҳалилуллоҳ осмон фаришталарининг Каъбаси — «Байтул Маъмур»га суяниб ўтирибдилар. Байтул Маъмур биниси Каъба тўғрисидаги бир уйдирким, унинг ҳақиқатини Аллоҳ билур. Ер устида Каъбани ҳожилар тавоф қилганларидек осмонда фаришталар ани тавоф қилурлар. Ул уй яратилгандин бери, Пайгамбаримизнинг айтишларича, ҳар

куни етмиш минг фаришга тавоф қилиб кетгайлар. Аларнинг кўплигидин, бир қатим тавоб қилганлари иккинчи келишига қиёматгача навбат топа олмайдилар. Мана бу жойдин ҳам ўтиб, муборак қадамлари «Сидратул мунтаҳо»га етди. Пайғамбаримиз айтишларича, бу нарса Аллоҳнинг азаматлик қудратига нишона бўлгудек, емишлик улуғ бир дарахт экандур. Пайғамбаримиз шу дарахт остига келганларида, Аллоҳ таоло ўз ҳабибини ҳурматлаш учун ул дарахтга: «Безангин», деб буйруқ берди. Шу ҳолда шундоқ ҳуснижамолга кириб, зебу зийнатлик бўлдиким, анинг васфини Аллоҳдин ўзга ҳеч кимса қила олмай. Жаброил алайҳиссаломнинг мақомлари шу жойда эди. Сўнгра бу жойдин юқори раф-раф билан уруж қилиб, ул Ҳолиқи аъзам, Жаббори акрам улуғ даргоҳига етдилар. «Қоба Қовсайни ав адна» (энг олий мақом) мақомига эришдилар. Энди бу ўринда не сирлар ўтди, қандоқ ҳоллар кўринди? Мана улардин оғиз очмоққа ҳеч кимнинг ҳадди сизмайду. Бу ишларга иймон келтуриб, таслим бўлмоқдин бошқа ҳаққимиз йўқдур. Аллоҳ таоло шу Меърож тунида, Пайғамбаримизга ва ҳам анинг умматларига элик вақт намоз фарз қилди. Қайтишларида Мусо алайҳиссалом йўлиқиб, «Эй Муҳаммад, буни умматларинг кўтаролмайдилар. Қайт, Раббингдин сўрагил, буни енгилатсин», деб у жойдин ёндирдилар (қайтардилар). Пайғамбаримиз даргоҳга келиб, енгиллик талаб қилган эдилар, беш намоз туширилди. Мусо алайҳиссалом яна сўроғил, туширсин. умматинг бунга ҳам тоқат қилолмайди, дедилар. Шундоқ бўлиб, неча қайтадин бориб келдилар. Энг охирида беш намозга қарор топди. Тангри таоло айтди:

— Эй Муҳаммад, бир кеча-кундузда умматларингга беш вақт намоз қилдим. Ҳар намозга ўн намоз савобини бердим, у беш вақт намозни — элик вақт намоз ўрнида қабул қилдим. Эй Муҳаммад! Умматларингдан ҳар киши бир яхши иш қилмоққа қасд қилса, агар уни қила олмаса ҳам, шу яхшилик савобини бердим. Агар қасд қилмиш яхшиликни қилиб, битурса, ҳар бирига ўн баробар савоб ёздирдим. Ёмонлик ишни қилишга ният қилсалар, аммо уни қилиб, юзага чиқармасалар, ёмон ниятлари учун ҳеч гуноҳ ёздирмадим. Агар у қилган ёмон ниятларини амалга оширсалар, бирга-бир гуноҳ ёздирдим, — деди.

Сўнгра Пайғамбаримиз бу ишларга розилик билди-

риб қайтдилар. Йўлда яна Мусо алайҳиссалом йўлиқиб: «Эй Муҳаммад, бу беш вақт намоз ҳам умматларингта оғирдур. Бундан ҳам енгилроқ қилиш чорасини кўргил», дедилар. Пайғамбаримиз яна боришга ҳаё қилганликларидан бу ишга журъат қилмадилар. Қиёматгача шу беш вақт намоз умматларига фарз бўлиб қолди.

Энди бу улуғ сафарда Аллоҳ таолонинг қудрат-камалига ҳужжат бўлгудек не ишларни кўрдиларким, барчаларидин энг улуғроғи — шу кечада Жаббори Аъзамнинг жамоли покига мушарраф бўлишларидур. Бу эрса бошқа ҳеч бир пайғамбарга берилмаган энг улуғ каромат эди. Шунинг учун Расулуллоҳга берилган ҳисобсиз мўъжизаларнинг энг улуғроғи Меърож мўъжизасидур. Чунки энг юқориги оламдаги жаннатни, энг тубан оламдаги дўзахни бу сафар саёҳатида ўз кўзлари билан кўриб, тамоша қилдилар. Боқинглар, эй мўъминлар, Аллоҳ таоло қудратигаким, шунчалик узун муддатлик сайри саёҳатлари эса бу чексиз, тубсиз оламни айланишларида кўрилган ҳисобсиз ҳодисаларнинг тамоми шу кечанинг бир қисмидагина бўлиб ўтди. Энди биз мўъминлар бу улуғ мўъжизага иймон келтирамиз ва ҳам ишонамиз. Байт:

*Таслим этамиз қудратига ул қодир у доно  
Инкор этадур шумлигидан бир нечайи гумроҳ  
Шаппара кўрмас эса кун юзини бизлара ғам йўқ  
Ҳар кунда чиқар кун, ёриғидур олама пайдо.*

Сўнгра шу кечада Меърождин қайтиб, Пайғамбаримиз ўз жойларига келдилар. Эрталаб Каъба олдидаги Қурайш мажлисига келиб ўлтирдилар. Шу орада Абу Жаҳл ҳам пайдо бўлиб, Пайғамбаримиз олдига келди. Кўнглига тавфиқ тушган бўлса ажаб эмас, деб Меърож воқеасини анга баён қилдилар. Бу сўзни эшитган замон Абу Жаҳл ўрнидан ирғиб туриб: «Эй Қурайш болалари, тезликда буён келинглар», деб борлиқ товуши билан қичқирди. Бунинг нидосини эшитган кофирлар ҳар томондин югуришиб келдилар. «Ҳой, бу нима хабардур?», деб ҳар ёқдин сўрашгани турди. «Ўзидан сўранглар», деб Абу Жаҳл пайғамбаримизга ишорат қилди. Анда Расулуллоҳ: «Шу ўтган кечаси мен шундоқ улуғ бир воқеа кўрдим», деб кўрганларини баён қилдилар. Бунинг эшитиб, буларнинг бошларига қиёмат турди. Баъзилари эрса: «мана энди ёлғони очил-



ди», деб суюнганидин чапак чалдилар. Иймонлари кўнгилларига ўрнашмаган бир неча янги мусулмонлар муртад бўлдилар. Қурайш кофирлари бу воқеани ўзлари учун катта ҳужжат билиб, «бориб-келиши икки ойлик йўлга Муҳаммад, кечанинг бир қисмида бориб келдим, дейдур. Бу сўзга ким ишонса бўлур. Бу очиқ ёлғон эмасму?» деб мўъминларга таъна қилдилар. Яна бир нечалари югурганларича ҳазрати Абу Бакр қошларига келишиб:

— Эй Абу Бакр, дўстинг Муҳаммад сўзини онгладингму, яна бир янги ёлғон чиқарди. Икки ойлик йўл — Қуддус шаҳрига кечанинг бир қисмида бориб келдим, дейдур. Энди сен бунга ҳам ишона олурмисан? — дедилар. Анда Абу Бакр:

— Агар шу сўзни анинг айтгани рост бўлса, у тўғри айтган, албатта, унга ишонурман. Чунки етти қат осмон устидан, кеча-кундуз соатлар ичида унга келган ваҳий хабарларига ишониб, уни тасдиқ қилурман. Энди буни нечук тасдиқ қилмагайман, — дедилар.

Мана шу кундан бошлаб Пайғамбаримиз Абу Бакрга «Сиддиқ» лақабини қўйдилар. Шунинг билан мўъмин-кофирлар ичида Меърож воқеаси билан шов-шув сўзлар кўпайгани турди. Қурайш кофирлари ичида Қуддус шаҳрини кўрганлари кўп эди. Пайғамбаримиз бўлсалар бу шаҳарга келмаган ва ани кўрмаган эдилар. Имтиҳон учун шаҳар белгиларини, Масжидул Ақсо сифатларини Пайғамбаримиздин сўрагани турдилар. Маълумдурки, бу шаҳарга кирган киши, биринчи навбат кўришида у шаҳарнинг ҳамма жойларини қайдин била олур. Пайғамбаримиз шу фикрни қилиб турган чоғларида Жаброил алайҳиссалом бир кўзгу кўтаргандек, Қуддус шаҳрини кўтариб, Пайғамбаримизнинг қаршиларига қўйди. Қурайш мушриклари Қуддуснинг қайси жойидан сўрасалар, Жаброил алайҳиссалом ишоратлари ила, аларга аниқлаб айтиб турдилар. Бу ҳақдаги қилган имтиҳонлари тўғри топилганлиқдин, ҳаммалари ҳайрон бўлишиб қолди. Бу ишга бек тааж-жубланиб:

— Эй Муҳаммад, кўрган кишидек берган жавобларингнинг барчаси тўғридур. Энди бизнинг Шомдин келаётган карвонларимизни қайси ўринда учратдинг?, — дедилар. Анда Пайғамбаримиз карвонга учраган жойларини ва аларнинг ҳол-аҳволларидин хабар бердилар. Сўнгра:

— Фалон куни, кун чиқар чоғида карвон етиб келур. Энг олдида келган туянинг туси қора бўздур. Кетишда бу карвонни фалон сойда учратган эдим. Бу роқнинг савлатини кўриб, туялар чўчишиб хуркидилар. Хуркиб қочган туялардан бирисини йўқотиб, тополмай қолдилар. У ердан ўтиб, Зажнон деган жойга келганимда карвоннинг бир бўлимини кўрдим. Тушган манзилларида барчаларини топдим. Усти ўралган бир идишда сув кўриб, уни олиб ичдим. Ичида сув қолмади. Илгаригидек қилиб ўраб қўйдим. Карвон халқидин шу аломатларни сўранглар. Агар шунга ҳам ишонмасанглар, мана шу ҳозирда карвон қофиласи (бўлаги) Танъим тоғидан тубанроқ туша бошлади. Энг олдида қора бўз ранглик туя бордур. Анинг устида икки дона сомон солинган қоплари бор, унинг бири оқ, бири қорадур, — дедилар.

Пайғамбаримиздан бу хабарни онглаб турган кишилар шошилиш равишда карвонни қарши олиш учун шаҳар ташқарисига қараб жўнадилар. Шу чоғда бир киши: «Мана, кун чиқди», яна бирлари: «Мана, карвон келди», деди. Қарасалар, қофила қораси йироқдин кўринмиш эди. Макка мушриклари карвонга етишлари ҳамон, аларнинг биринчи қилган ишлари Пайғамбаримизнинг берган хабарларини текшириш бўлди. Қарасалар, айтганларидек, ҳамма сўзлари тўппа-тўғри чиқди. Карвон ҳақида келтирган хабарларидан ҳеч қанчалик хилоф топмадилар. Пайғамбаримиз деганларидек, энг олдида қора бўз туя устида сомон тикқан оқ қора қоплари билан келмоқда эди. Энди шу қадар қудрат кўрсатиш билан улуғ мўъжизаларни кўзлари билан кўриб турсалар ҳам, яна ҳақиқатга эғимадилар. «Ҳой, Муҳаммадга сўз йўқ, шунчалик кўз боғловчи сеҳрчиликни кимдин ўрганмиш экан?», деб илгаригидан ҳам ортиқроқ душманликлари кучайди.

Яна шу Меърож кечаси эрталаб Жаброил алайҳиссалом келиб, беш намознинг вақтларини, ракатларини, намоз ўқиш тартибларини Пайғамбаримизга ўргатдилар. Намоз фарз бўлишидин бурун эрта-кеч икки ракатдин, тўрт ракат намоз ўқир эдилар. Бу эса Иброҳим алайҳиссаломнинг намозлари эди. Буни бировдан кўрмасдин, ҳеч кимдин ўрганмасдин, Аллоҳнинг илҳоми ила ўқиб юрган эдилар. Энди бу улуғ мўъжиза — Меърож воқеаси ўтгандин кейин, Қурайш қабиласидин Пайғамбаримиз умидлари узилди.

## ҚУРАЙШДАН БОШҚА ҚАБИЛАЛАРНИ ИСЛОМГА ДАЪВАТ ҚИЛИШ

Қурайшнинг Исломга киришларидин Пайғамбаримизнинг умидлари узилиб, улардан бошқа араб қабилаларини динга даъват қилмоқчи бўдилар. Макка атрофларида Укоз, Мижанна, Зулмажоз деган жойларда ҳар йили бир вақт бозор мавсумлари бўлар эди. Араб қабилалари атроф-жавонибдин йиғилишиб келиб, шу бозорларда савдо-сотик қилишур эдилар. Бу жойлар араб шоирлари ва хатиблар учун бир мусобақа майдони эди. Аларнинг шоирлари бу ўринда йиғилган кўпчилик халқ олдида тайёрланган шеърларини ўқишиб, ўз шоирлик қувватларини синашур эдилар. Баъзан бир қабилла шоири ўз қабиласини ортиқча мақтаб, бошқаларни камситганликдан, номус талашиб, оралари бузилур эди. Шунинг натижасида уруш бошланиб, даҳшатлик қирғинлар бўлиб, ҳисобсиз қонлар тўкилур эди. Ҳаж мавсумидин бошқа кунлари шу жойларга халқ кўп йиғилганликдан Пайғамбаримиз аларни динга даъват қилиш қасдида шу ерларга келдилар. Ҳар қайси қабилла устига келиб:

— Эй бани фалон, сизлардин мени танигувчилар бор бўлса, ёки йўқ бўлса, билингларким, Қурайш қабиласидин чиққан Абдуллоҳ, ўғли Муҳаммадурман. Аллоҳ таоло мени ер усти инсонларига Пайғамбар қилиб юборди. Аллоҳнинг амри ила, ўзи хоҳлаган Ислом динини сизларга келтурдим. Бу дин эса ҳақ, тўғри диндур. Ҳам ёруғ — юмшоқ йўлдур. Бу кундин бошлаб, Аллоҳ олдида Исломдин ўзга ҳеч бир дин қабул қилинмас. Аллоҳ таоло ўзи эндирган китоб — Қуръон ҳукмини бутун халққа еткузмак учун мени вакил қилди. Ўз қавмим Қурайш қабиласи иймон келтирмай, бу ишга тўсқинлик қилдилар. Энди сизларни шу ҳақ динга даъват қилгани келдим. Агар айтмиш сўзларимни инобатга олиб, иймон келтирур бўлсангиз, сизларга улур саодатдур ва ҳам сизларнинг ионат (кўмак) ва ҳимоятларингиз остида Раббимнинг буйруқларини барча бандаларига етказур эдим, — дедилар.

Бу қабилалардин баъзилари эса қўполлик ила уятлик сўзларни қилишур эди. Шундоқ қилиб, Пайғамбаримиз Ислом йўлида ҳар қанча азият кўриб, хорлик тортсалар ҳам унга сабр қилдилар. Чунки бу ҳақда:

**«Фасбир кама сабара улул азми минар-русули»,**

яъни «Эй Муҳаммад, ўтган улуг пайғамбарлар сабр қилдилар, алардек сен ҳам сабр қил», деган Аллоҳдин амр келган эди.

Лекин ўтган пайғамбарлардин ҳеч бирлари бизнинг Пайғамбаримизчалик дин йўлида озору кулфат кўрмаган эдилар. Уларнинг ҳар қайсилари ўз даражаларига лойиқ сабр-сабот билан душманларига қарши туриб, охирида ҳаммани енгдилар. Бутун дунёга ҳақиқат нурининг шуъласи шу сабабдин тарқалди.

Шундоғ бўлиб, юқорида номлари ёзилмуш уч бозор мавсумида йиғилган халқни нақадар жиддиятлик ила Пайғамбаримиз динга даъват қилсалар ҳам ҳеч бир натижа чиқмай, алардин кутган умидлари узилди. Шу орада ҳаж мавсуми ҳам бошланиб, араблар ўз одатларича тараф-тарафдин ҳаж қилиш учун Маккага йиғилгани турдилар. Ҳазрати Иброҳим, Ҳазрати Исмоил алайҳиссаломлардин қолган диний расмлар арабларда ўнutilмаган эди. Байтуллоҳни ҳурматлаш, ҳаж мавсумларида Макка атрофларидин келиб, Каъбани зиёрат қилиш, Арафотга чиқиб, Мино тоғида қурбонлик бўғизлаш, мана шунга ўхшаш диний ишлар бирмунча хурوفотлашган бўлса ҳам, ўз ораларида ривожлик эди. Шу ўрганган расмларича, Арафотдин қайтгач, Муздалифадин ўтиб, Мино тоғига тушдилар, ҳар қабила ўз олдига бўлиниб, сой жилғаларини тўлдириб, чодирларни қуриб ўтирдилар. Мана шу чоғда Пайғамбаримиз фурсатдан фойдаланиш фикрида ҳар бир қабиланинг устига келиб:

— Эй бани фалон, мен Аллоҳ таоло тарафидин сизларга келган пайғамбардурман. Аллоҳ сизларни ёлғиз ўзигагина ибодат қилмоққа, ҳеч бир нарсани унга шерик қилмасга буюрди. Бутпарастиликни ташлаб, мени ҳақ пайғамбарлигимга иймон келтиришга амр қилди. Энди менга иймон келтиринглар, мени Тангрининг пайғамбари, деб ишонинглар. Бошқаларнинг хужумидин мени ҳимоя қилинглар, токи мен дин тўғрисида Аллоҳ таолодин келган амрларни бандаларига етказгайман,— дер эдилар.

Пайғамбаримиз бу сўзларни айтиб, тўхташлари ҳамон бир киши туриб:

— «Эй бани фалон, бунинг сўзига қулоқ солманглар, бу эса биздин чиққан бир бузуқ кишидур, отабоболаримиздин қолган динларингизни ташламанглар, бунинг келтирган динига кирар бўлсангиз Лот, Манот,

Уззо бутларингиздин жудо бўлурсиз. Бунинг келтирган ишида бирор яхшилик бўлса эди, барчадин бурунроқ анинг динини биз қабул қилур эдик. Чунки биз Қурайш халқи бунинг қабиласидурмиз, мен эрсам, бунинг амакиси Абу Лаҳабдурман» — деб у ҳам низо қилур эди.

Шундоқ қилиб, Пайғамбаримиз қайси қабила устига бориб, аларни динга даъват қилсалар, сўзлари тамом бўлиш баробар, бу ҳам юқориги сўзларни айтиб, рад қилар эди. Бани Ҳанифа, Бани Омир, Кинда, Бани Калб ва бошқа нурғун (кўп) қабилалар Мино тоғида йиғилган эдилар. Буларнинг ичида ҳаммадин ортиқ қўполик ила жавоб қайтарганлари Бани Ҳанифа қабиласи эди. Абу Бакр Сиддиқ халифалик даврларида Мусайлама Каззоб деган ёлғон пайғамбар шул қабиладин чиқиб, кўп қон тўкилишларга сабаб бўлди. Сўнгра Пайғамбаримиз Бани Омир қабиласи устига келдилар. Аларнинг раисларидин Байҳар ибн Фарос номлик бир киши туриб:

— Эй Муҳаммад, биз сени қандоқ ўз ҳимоямизга кирита олғаймиз, сен Қурайш қабиласидин ажраб чиқшинг ҳамон, араблар сени тирик қўймайдилар. Шундоқ бўлса ҳам сенга иймон келтирсак, бу иш қўлингга киргандин сўнгра, ҳукмронлик бизда бўлишига аҳд қилсанг, сенга иймон келтириб, динингга тобе бўлур эдик, — деди. Анда Пайғамбаримиз:

— Аллоҳ таоло мени пайғамбар қилиб, бутун халқ устига юборди, аларга ўзини таништириб, ҳақ динни ўргатишга буюрди. Энди менинг вазифам эрса, шу заҳматни адо қилишдур. Ҳукумат кимнинг қўлида бўлиши анинг иродасига боғлиқ. Кўпчилик халқ ихтиёридадур, — дедилар. Анда ул киши:

— Агар биз иймон келтириб сени ҳимоямизга олур бўлсак, бутун араб халқи томонидан отилмиш ўқларга кўксимизни нишон қилган бўлурмиз. Сўқиш кунларида енгилш ёки енгилиш ҳар икки томоннинг эҳтимоли бордур. Биз енгган тақдирда ҳукумат ихтиёри бизда бўлиши албатта лозимдур. Йўқ эрса, бу ишга бизнинг ҳеч ҳожатимиз йўқдур, — деб булар ҳам рад қилдилар. Булардин яна бошқалари Бани Авс, Бани Сулайм, Ғассон, Бани Мухориб, Фазора, Бани Назр, Мурра, Узра мана шулар қаторлик бир мунча қабилалар қошига келиб, аларга ўзларини танитган сўнгида динга даъ-

ват қилдилар. Лекин ҳеч бирларидин иймон умид қилурлик жавоб эшитилмади.

Пайғамбаримиз қирқ ёшга тўлган чоғларида пайғамбарлик ваҳийи келди. Сўнгра ўн уч йил Маккада турдилар. Ҳар йили ҳаж мавсумида Арабистон атрофидан турлик қабила араблари ҳаж қилмоқ учун Маккага йиғилар эдилар. Мана шу қабилар орқалик динга қилган даъватлари бутун Арабистон ўлкасига тарқалган эди. Ҳар бир йиғин мажлисларда Пайғамбаримизнинг сўзлари бўлмай қолмас эди. Лекин Қурайш қабиласи араблар орасида энг ортиқ даражада обрў-ҳурматга эга бўлганлиқдин, бошқа араблар буларни хотир қилишга мажбур эдилар. Қурайиш халқининг иймон келтирмай туришлари бошқаларга ҳам таъсир қилур эди. Ва шу йили араблар ичида атоқлик Бани Бакр ибн Воил қабиласи раисларидин бир нечалари ҳаж қилмоқ учун Маккага келган эдилар. Буни онглаб, Пайғамбаримиз Абу Бакр Сиддиқ билан икковлари ўртада расмий сўзлар айтилгандин сўнгра, Пайғамбаримиз аларни динга даъват қилдилар. Анда раислари Ҳорис туриб:

— Эй Муҳаммад, биз бўлсак кўп йиллардан буён Эрон подшосига фуқаро бўлиб келган эдик. Лекин шу кунларда орамиз бузилди. Энди ўртамизда қонлик бир уруш чиқиши кўз олдимида турибдур. Мана биз бу ишдан кўнглимизни тинчитсак, қайтиб келиб, сен айтган бу ишнинг чорасини кўрамиз, — деди.

Аларнинг деганларидек, ўз элларига қайтганларидин кейин, кўп фурсат ўтмасданоқ икки орада даҳшатлик бир уруш кўзғолди. Зукор деган жойда араб ва ажам қўшинлари тўқнашдилар. Шу чоғда араб аскар бошлиғи айтдики: «Эй халойиқ, бизнинг бу урушимиз кўрқинчиқдур. Маккадин пайғамбарлик даъвоси ила чиққан одамнинг оти бизнинг уруш шиоримиз бўлсин, шунинг шарофатидин ғалаба қилгаймиз, деб умид қилурман», деган сўнгида шу ном билан садо кичқириб, ҳужум бошлашга амр қилди. Аскарлари ҳам «Муҳаммад» садоси билан урушга кирдилар. Бу исми-шариф туфайлидин душманларни енгиб, алар устидин ғалаба қозондилар. Шу «Зукор» уруши бўлса, араблар олдида улуғ тарихий шарафга эгадур. Чунки ўз замонасида энг кучлик ҳукуматлардин ҳисобланган Эрон аскарини ўз фуқаролари кўзга илмаган араблар биринчи навбат енгишлари эди. Бу улуғ шонлик за-

фар бутун Арабистон ўлкасига тарқалди. Шул муносабат билан аларнинг шоирлари фасоҳат, балоғат майдонида кўп мусобақа қилдилар. Бу урушга қатнашган қабилалар ҳақида фахру мубоҳат қилишиб, ҳисобсиз шеърлар айтилди. Аммо ҳақиқатда эса шундоғ тўлиқ қуролланган улуғ бир подшоҳлик аскарларининг кўзга илмаган бир неча араб қабилалари томонидан тормор бўлиши Пайғамбаримизнинг мўъжизалари эди. Шунинг учун бу хабарни эшитганларида: «Менинг исми-мим ҳурматидан зафар топдилар», деганлари ривоят қилинур.

Яна шу ҳаж мавсуми кунларида Шайбон қабиласининг бир неча раисларига учрашдилар. Алар ичида энг атоғлик арабнинг сўзамол, чечанларидин бўлган Мафруқ ибн Амр номлик бир киши бор эди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ билан у киши Исломи дини тўғрисида узоқ сўзлашдилар. Сўнгра Пайғамбаримизга боқиб: «Эй Муҳаммад, бизларни қайси иш қилишга даъват қилурсан?» деди. Анинг жавобида Расулуллоҳ шу оятни ўқидилар:

**«Иналлоҳа яъмуру бил адли вал эҳсони ваийтои зил қурба ва янҳа анил фаҳшон вал мункари вал бай, язукум лааллакум тазаккарун».**

Маъноси: *«Аллоҳ таоло бандаларини ҳар ишда адолат қилишга ва аларни бир-бирларига ёрдам беришга, қариндош-уруғлар ўз ораларида сийлаи-раҳми узмасга буюрди. Яна ҳар бир бузуқ ишлардин ва барча зулм-хиянатлардин бандаларини қайтарди»*, демақдур.

Ҳақиқатда эса Аллоҳ таоло бу оят билан бандаларига икки дунёлик фойда-зиёнларини баён қилиб, Иломи динининг асосларини очиқ равишда кўрсатди. Бутун шариат ҳукмларини, Иломи ахлоқларини шундоқ қисқагина бир оятга сифдирди. Зоҳирда бу оят оз кўринса ҳам, ўтган мужтаҳидларимиз бундин минг турлик маъно чиқардилар. Улуғ олимлардин бири бўлган Ал-Изз ибн Абдусалом ёлғиз шу оятдин чиқарган масала устида катта бир китоб ёзмишдир. Ҳар икки дунёга етарлик насихат сўз излаган мўъминлар агар шу оят ҳукмига амал қилсалар, кифоядур. Яна мақсадга келайлик.

Пайғамбарлик билан сўзлашмоқда бўлган Мафруқ ибн Амр юқориги оятларни эшитиб, ҳайрон бўлиб турди. Сўнгра: «Эй Муҳаммад, сенинг бу ўқиганларинг ер усти сўзларига ўхшамайду. Чунки инсон

сўзларининг шевалари бизга маълумдур», деб тааж-жубда қолди. Бу киши шунчалик ҳидоятга яқинлашиб келган чоғида, қабила раисларидин Ҳониъ ибн Қубайса номлик киши Пайғамбаримизга қараб: «Эй Қурайш саййиди, сенинг бу сўзларингни яхши онгладик, бироқ бунинг жавобини бу жойда бергани бўлмайди. Чунки бош-оёғи билинмаган шу ўтиришимизда ўз динимизни ташлаб, сенинг динингни қабул қилар бўлсак, олди-орқани ўйламаган шошқин кишилардин ҳисобланиб қолурмиз» деб сўзни тўхтатди.

Сўнгра Расулуллоҳ булардин фойда чиқмаслигини билиб, бошқа қабилаларга ўтдилар. Қабиладин қабилага юриб, шундоқ дер эдилар: «Билинларки, мен Тангри тарафидин юборилган элчидурман, ул мени бутун халқига ҳақ динни ўргатиш учун юборди. Анинг тарафидин кечалиги кундузгидек ёруғ бир дин келтурдим, ҳар ким ўз ихтиёри ила иймон келтирур бўлса, қандоқ яхши саодатдур. Йўқ эса, менинг илгимда (қўлимда) ҳеч қандоқ мажбурият йўқдур. Маълумдурки, элчилар вазифаси келтирмуш хабарларини халққа етказишдур. Энди шу хизматни адо қилгунимча душманлар ҳужумидин мени сақлар бўлсангиз, Аллоҳ амрини баъдаларига етказур эдим, Худо тарафидин устимга юкланган шу хизматни адо қилишимда ёрдам қилган бўлур эдингиз».

Шунчалик кўп қабилалардин бирортаси ҳам сўзларини қабул қилмади. Балки, «ўз қавмини тузата олманган бир киши бошқаларни нечук тузата олсин?» деган сўзлар билан таъна қилдилар. Бу улуғ давлатни Аллоҳ таоло уларга насиб қилмади. Шунинг билан Пайғамбаримиз Мино тоғи остида Жамратул Ақаба деган жойга келдилар. Бу ерда мадиналик Ҳазраж қабиласидан бир тўп кишилар ўтиришган эди. Қайси қабила эканларини алардин сўрадилар. Бировлари туриб: «Ҳазраждин бўлурмиз» деди. Энди билмак керакким, Мадина шаҳрида бурундин бери макон тутиб келган икки уруғ араб қабиласи бор эди. Бирини, Авс, иккинчисини, Ҳазраж, дер эдилар. Бу икки қабила аслида бир отадин туғилган оға-инилар бўлсалар ҳам, булардин тарқалган болалари иккига айрилиб, ҳаминиша уруш-талаш ўртадан узилмас эди. Яна, Мадина атрофида ўтирган яҳуд тоифасидин Бани Қайнуқоъ, Бани Қурайза, Бани Назир қабилалари бор эди. Булар иттифокда, араблар эса ихтилофда бўлганликдин, кўпинча



урушларда алар ролиб келур эдилар. Пайғамбаримизнинг вужуди шарифлари туфайлидин, энг сўнги урушларида араблардин енгилла бошладилар. Шу чоғда айтур эдиларким: «Қараб туринглар, бу яқинда охир замон пайғамбари чиқади. Ҳаммадин илгари биз унга иймон келтиргаймиз, ана шу вақтда сизлардин ҳеч кишини қолдирмай ўлдиргаймиз», деб. Мана уларнинг шу сўзлари Мадина арабларининг ёдидин чиқмаган эди. Юқорида айтилган жойда Пайғамбаримизга йўлиқишиб, ўзларининг мадиналик Ҳазраж қабиласидин эканликларини билдирдилар. Анда Расулуллоҳ алар олдида ўтириб, ўзларини танитгандин кейин, динга даъват этдилар. Сўзларига ҳужжат келтириб, Қуръони каримдин бир неча оят ўқидилар. Буни онглашлари билан, иймон нури дилларини ёритди, бир-бирларига қараб айтдиларким, «яхудлар айтган охир замон пайғамбари шул бўлгай эрди, яна улар биздин бу ишда ўзғунлик қилиб кетмасунлар, бу эрнинг айтган сўзлари, кўрсатган йўллари барчаси тўғрилиқ экандур», дейишиб ҳаммалари иймонга баробар мушарраф бўлдилар. Исломот тарихида энг улуғ ўрин тутган, биринчи навбатда иймон келтиргувчи мадиналик саҳобалар қуйида номлари ёзилмиш зотлар эди:

1. Асъад ибн Зурора
2. Авф ибн Ҳорис
3. Рофиъ ибн Молик
4. Қутба ибн Омир
5. Уқба ибн Омир
6. Жобир ибн Абдуллоҳ

Пайғамбаримизнинг ансор саҳобаларидин энг аввал иймон келтиргувчилар шу олти кишидур. Бу зотлар тарих юзасида улуғ аҳамиятга эга бўлганлиқдин ҳар жойда отлари ёзилмишдур. Сўнгра алар: «Ё Расулуллоҳ, биз Мадина халқи — Авс, Ҳазраж номида икки қабиладурмиз. Юз йилдин бери ўзаро адоватимиз узилмай, ўртамизда уруш-талашлар бўлиб, кўп қонлар тукилмоқдадур. Агар сизнинг шарофатингиздин орамиз иттифоққа келиб, баробар хизматингизда бўлсак, араб ичида сиздин азизроқ киши бўлмагай», дедилар. Шунинг билан бу олти нафар одам Мадинага боргандин сўнгра ўз қавм-қариношларини Исломот динига даъват қилмоқчи бўлдилар. Ва келаси йили ҳаж мавсуми баҳонаси билан Мадинадан чиқиб, яна шу жойда кўришмакка ваъда бериб қайтдилар. Шундоғ

бўлиб, Мадина араблари шу йилдан бошлаб, яъни Нубувватнинг ўн учинчи йилидан Ислом динига киришга бошлади. Ваъдалари бўйича иккинчи йили ўн киши Хазраждин, икки киши Авсдин бўлиб, жаъми ўн икки одам ҳажга келдилар. Буларнинг номлари қуйидагилардур.

1. Асъад ибн Зурора

2. Авф ибн Ҳорис

3. Муоз ибн Ҳорис

4. Рофиъ ибн Молик

5. Заквон ибн Қайс

6. Убода ибн Сомит

7. Язид ибн Саълаба

8. Аббос ибн Убода

9. Уқба ибн Омир

10. Қутба ибн Омир — булар Хазраж қабиласидан эдилар.

11. Абул Ҳайсам ибн Таййиҳон

12. Увайм ибн Соида — бу икковлари Авс қабиласидан эдилар. Бу кишилар ҳам Минога келиб, Ақаба деган аввалги ўринда иймонга мушарраф бўлиб, барчалари Пайғамбаримизга байъат бердилар. Аларнинг берган аҳд-паймонлари шулардин иборат эди:

1. Аллоҳ таолога ҳеч нарсани шерик қилмаслик.

2. Зинодин, ўғрилиқдин, ёлғон сўзламоқдин, бўхтон қилишдин ўзини сақлашлик, гуноҳсиз гўдак болаларни ўддириш одатини ташлашлик, Пайғамбаримизнинг буйруқларига қарши чиқмаслик.

Агар ўз аҳдларига вафо қилсалар, Худо розилиги билан жаннат давлатини топгайлар. Ёки аҳдларини бузар бўлсалар, ишлари Худога топширилур. Авф қилса ёки азоб айласа, анинг ихтиёридур. Пайғамбаримиз юқориги ўн икки одамдин шу равишда байъат олгандин сўнгра, аларга Қуръон таълим бериш, Ислом асосларини ўргатиш учун маккалик саҳобалардин икки киши қўшдилар. Бириси Мусъаб ибн Умайр, яна бири Абдуллоҳ ибн Умми Мактум эди. Лекин бу ишларнинг барчаси Макка мушрикларидин яширинча ишланмоқда эди. Мусъаб ибн Умайр Мадинада Асъад ибн Зурора уйига тушди. Бу зот бўлса, биринчи навбатда борган олти кишининг бири бўлгандек, иккинчи сафарда борган, байъат топширган ўн икки саҳобанинг бири эди. Мадинага келгандин кейин Мусъаб ибн Умайр Пайғамбаримизнинг топшириқларича, Авс, Хаз-

раж қолмишларини динга даъват қилишга киришди. Бир куни Мадина бўстонларининг бирида Асъад ибн Зурора бошлиқ бир неча мўъминлар бирга ўтириб эдилар, йироқдин келаётган икки одам кўринди. Алар Авс қабиласининг раисларидин, бири Саъд ибн Муъоз, иккинчиси эса Усайд ибн Хузайр бўлиб, шу ёққа қараб келмоқда эдилар. Бу келишларига сабаб шу эдиким, бу иккови ўзаро ўтириб гапиришдилар:

— Хабаринг борми, пайғамбарлик даъвоси ила Қуррайшдин чиққан киши томонидин икки одам келмишдур. Агар буни қўяверсак, содда кўнгилик гўл кишиларимиз ва ёш болаларимизни йўлдан чиқаргайлар. Энди бу иш улғаймасдин илгари, албатта, олдини олишимиз керак, — деб Усайд ибн Хузайр қурол тақиниб йўлга чиққан эди. Келаётиб, алар ўтирган бўстонга қараб бурилди. Асъад ибн Зурора кўрдиким, Усайд ибн Хузайр қуродлик ҳолда келаётир, анда Мусъаб ибн Умайрга қараб:

— Бу келгувчи киши ўз қавмининг раисидур, бунинг Исломга кириши кўп кишиларга сабаб бўлур, Худо йўлида тортинмай, ҳақиқатни очиқ баён қилинг, — деди. Шунгачалик, у ҳам етиб келди. Аларга қараб газаб билан:

— Бу қандай ишдурким, сизлар келиб ёш-яланғларимизни буздинлар, бир неча соддадил кишиларни йўлдан чиқардинлар. Агар сизларга бош керак бўлса, бу ишдан қўл тортиб, ўз еринларга кетинлар, — деди. Анда Мусъаб:

— Бироз сабр этиб ўтиринг, сиз ила бу ҳақда сўзлашайлик, эшитиб кўринг, агар рози бўлгудек иш бўлса, қабул қилурсиз. Йўқ эрса, сиз дегандек қилайлик, — деди.

Сўнгра Мусъаб ибн Умайр Ислом асосини унга баён қилиб, Қуръони каримдан бир неча оят ўқиди. Буни эшитган ҳамон ҳидоят топиб, иймон нури кўнглини ёритди. Бу ҳам шу ҳолда шаҳодат айтиб, Исломга мушарраф бўлди. Сўнгра у киши:

— Яна бир киши бордур, агар ул иймон келтирар бўлса, у чоғда бу ишга ҳеч ким қаршилиқ қила олмас эди. У ҳам бўлса Саъд ибн Муъоздур, — деди. Бу киши эса Усайд ибн Хузайрни олдинроқ юбориб, ўзи қолиб, хабар кутмоқда эди. Юборган йўлдоши йўл топганлигини онглаб, аччиғи ила алар устига келди. Бироз ўтириб, аччиғи босилгандин сўнгра Мусъаб бир

неча оят Қуръон ўқиб, Аллоҳ амрини унга англатди. Тавфиқ ёр бўлиб, бу ҳам дарҳол иймон келтирди. Сўнгра бу киши ўз қабиласига қайтиб бориб, катта-кичик бари халқни бир жойга йиғди. Аларга қараб, сўради: «Сизлар мени ким деб билурсиз?» Ҳар томондин: «Сиз бизнинг раисимиз, сайидимиз» деган товушлар кўтарилади. «Шундоғ бўлса, билинглар, мен Мухаммадга иймон келтурдим, у келтирган Исломи динини қабул қилдим. Бу динга кирмаган кишилар билан сўзлашмакни ўзимга ҳаром қилдим», деди. Бу сўзни онглагач бутун қабила халқи: «Сен қайси динга кирган бўлсанг, биз ҳам шу диндадурмиз», деб қичқирдилар. Шунинг билан бутун шаҳар ичида Исломи нури кирмаган уй қолмади. Икки одам бош қўшган жойда Исломи сўзи бўлур эди.

Шундай бўлиб, биринчи байъат йили ўтди. Келаси ҳаж мавсумида Мадина арабларидин муслим, мушрик аралаш ҳажга бормоқчи бўлиб, Мадинадан кўп кишилар чиқди. Улар ичида дин ўргатиш учун Маккадин борган Мусъаб ибн Умайр ҳам бор эди. Ҳаммалари Маккага келдилар. Ўтган йили байъат берган мўъминлардин бир нечалари махфий равишда Пайғамбаримиз билан кўришдилар ва: «Ё Расулаллоҳ, Мадина шаҳрида Иломи дини кирмаган уй қолмади, сиз билан кўришмаган кўпчилик мўъминлар билан иккинчи байъат беришга келдик» дедилар. Расулуллоҳ бу сўзни онглаб, сунганларидан муборак юзлари ярқираб кетди. Ўтган йили байъат қилган жойлари «Жамратул Ақоба»да шу кечалаб кўришмакка ваъда бердилар. Байъат учун чиқар чоғларида: «Уйқуда ётганларни уйғотманглар, ғойибларни кутманглар», деб аларга танбеҳ бердилар. Негаким, бу ишларнинг барчаси у вақтнинг оқимига қараб, яширин равишда ишланмоқда эди. Қурайш мушриклари агар бу ишдин хабар топсалар, бор кучлари билан қарши туришларида ҳеч шак-шубҳа йўқ эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз: «Дунёдаги энг улуғ ишларни бажариш учун сир сақлаш керак», дедилар. Ёлғон, алдов бу иккови эрса, Иломи шариатида ҳаром қилинган бўлса ҳам, уруш кунларида ўрни келар экан, душманга қарши қўлланишига руҳсат қилдилар. Ҳатто баъзи жойларда унга буюрдилар. «Маслаҳат кутилган ёлғон сўз, фитна чиқарган рост сўздин яхшидур». Пайғамбаримиз ўзлари бош бўлиб душманга қарши чиққан сафарлари — йигирма еттита эди.

Табук сафаридин бошқа ҳеч бирида қайси томонга юришларини, кимлар устига боришларини очиқ айтмадилар. Балки душманни вафлатда қолдириш учун мақсадни яшириб, аксини шуҳрат қилдилар. Бунинг устига «Ал ҳарбу худъа», яъни «урушда ҳийла керак», деган сўзлари ила умматларига сиёсат сирини англадилар. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Шундоқ қилиб, Пайғамбаримиз топшириқларича, кечадин бир ҳисса ўтиб, эл уйқуга кирганда, Худо, пайғамбар ошиқлари — муъминлар бирлаб, иккилаб, ётган ўринларидин яширин равишда чиқдилар. Чунки буларнинг ичида ҳали иймонга келмаган мушриклар кўп эди. Бу ишларни улардин сир сақлашга буюрилган эдилар. Шунинг билан илгари-кейин бўлиб, етмиш уч киши, тайин топган ўринга йиғилдилар. Буларнинг олтмиш иккиси Ҳазраждин, қолгани Авсдин эдилар. Булардан бошқа Асмо, Нусайба номлик икки аёл киши ҳам бор эди. Булар йиғилишиб, бироз хаёл ўтгандин сўнгра, Пайғамбаримиз амакилари Аббос билан шу жойга келдилар. Амакилари ҳали динга кирмаган бўлса ҳам, бу ишлардин хабардор эди. Оғасининг ўғли Пайғамбаримизга аларнинг берган байъатларини, қилган аҳд-паймонларини аниқ билиш учун келган эди. Шунинг учун Аббос сўз бошлаб:

— Бу ўтирган қариндошим ўғли Муҳаммаддур, биз уни бу кунгача қасд қилган душманларидин асраб келдик, бу ҳақда ҳар қанча оғирчиликлар бўлса, кўтардик. Энди келажак кунларимизда ҳам энг сўнги кучимиз борича уни ҳимоят қилмоқчи бўлдик. Биз ҳар қанча қилсак, яна буни кўнгли сизларни суюб, сизлар билан бўлишни тилайди. Буни яхши ўйланглар, агар бу ишнинг урдасидин чиқар бўлсанглар, ул чоғда сизлар билан бўлсин, йўқ эрса, қавми қариндошлик ери, ўз ичимиздан қўзғолмасин, анинг ҳурмати ўз қавми олдида бек улуғдир, — деди. Анда бу сўз жавобига байъатчилар вакили Ҳазраж қабиласи сайидларидин Баро ибн Маърур туриб:

— Аллоҳнинг оти ила онт этурман, бу ўлтирганлардан кўнглимизда тўғрилиқдин, вафодорлиқдин ўзга ҳеч нарса йўқдур. Тилимиз, динимиз бирлиқда туриб, беражак ваъдамиз шудурким, молимиз, жонимизни йўлингизда фидо қилмоққа баримиз тайёрмиз, — деган эди, қолганлари ҳам: «Тайёрмиз, ё Расулаллоҳ, ўзингиз учун, Раббингиз учун нима тилар бўлсангиз,

бизлар барчамиз шунга ваъда берурмиз, тилаганингизча сиз биздин аҳд олинг, вафо қилурмиз, дедилар. Анда Пайғамбаримиз:

— Раббим учун олур аҳдим шулки, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилурсиз, анинг шериги йўқ, йўлдоши, тенгдоши йўқ деб билурсиз, аммо ўзим учун бўлса, мен қачон сизларга борганимда мени душманлардин ҳимоя қилишингларни шарт қилурман, ўз оилангизни қандоқ сақлар бўлсангиз, мени ҳам шундоқ сақлашингларга сизлардин аҳд олурман, — дедилар. Буларнинг ичида қабила раисларидин Абул Ҳайсам ибн Таййихон отлиқ бир киши бор эди. Ул туриб:

— Ё Расулаллоҳ, Қурайш қабилалари билан орамизда уруш-талаш қилмасликка аҳдларимиз бордур. Биз бугундин бошлаб, алар билан бўлган аҳдимизни узишимиз керак эди. Биз шундоқ қилсак, иш қўлга келгандин сўнгра, ўз эл-юртингизни эскариб, бизни ташлаб кетмайсизми? — деди. Анда Пайғамбаримиз табассум билан анга қараб:

— Балки қонимиз, жонимиз бундин сўнгра сизлар билан биргадур, — деган маънони ифода қилиб, «Ад-даму, аддам ал-ҳадму, ал-ҳад-м» ибораси ила аларни қондирдилар.

Мана шу сўзлар сўнгида бу муборак улуғ байъат бошланди. Бу ўринда биринчи байъат берган киши — отига мувофиқ — Асъад ибн Зурора эди. Яна бир ривоятда айтилуру. Юқоридаги сўзлар ўтгандин кейин Пайғамбаримиз байъат олишга қўл чўздилар. Анда Асъад ибн Зурора Расулуллоҳнинг қўлларини тўсиб туриб:

— Эй Ясриб (Мадинанинг илгариги оти) аҳли, узоқ ўйлаб, чўнқур пайқаб қаранглар, андин сўнг бу ишга киришинглар. Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари деб, биз бу кишига иймон келтирдик, уни бутун душманларидин қўриқлашга аҳд қилмоқчи бўлдик, демак, бу ишимиз бутун араб халқига қарши чиқмоқдур. Оқу қора инсонлар барига майдон ўқимоқдур. Агар бу иш бошланур экан, қиличларимиз қинидин суғурилуру, уруш майдонларида бошлиқларимиз ўлдирилиб, қонларимиз тўкилуру. Энди олдимиздаги бу қадар оғирчиликларни кўтариб, буларга чидай олсангиз, ул чоғда Расулуллоҳ қўлини олсангиз на улуғ шарафдур. Агар юқориги хатарлардин қўрқиб, сақланур экансиз, у ҳолда бу ишни қолдиринг, Аллоҳ олдида узримиз қабулдур, — деди.

Мажлис аҳллари бу сўзларни онглашлари ҳамон, ҳар томондин туриб «Эй Асъад, Расулуллоҳ қўллари-ни тўсма, бу тўғрида ҳар қанча оғирчиликлар кўрсак розидурмиз, бу йўлимиздин сира қайтмаймиз», дедилар ва «Агар бу йўлда юриб, жон берсак, қандоқ даража топгаймиз, ё Расулаллоҳ?» деб сўрадилар. Анда Пайғамбаримиз: «Худо розилигини топиб, жаннатга кирурсиз», деганларида, барчалари баробар: «Бундоқ эрса, розидурмиз, қўлингизни чўзинг», дейишиб, ҳам-малари байъат бердилар. Икки хотундан бошқа етмиш уч киши Пайғамбаримиз билан қўл туттишган ҳолда туриб, аҳд қилдилар. Аммо хотунлар байъати сўз билан бўлди. Асъад ибн Зурора байъат топширур чоғида: «Биринчи Аллоҳ таолога, иккинчи ё Расулуллоҳ, Сизга ростлик ила сўз берурман, шундоқки, бу йўлда ҳар на бермиш ваъдаларим, бу ҳақда қилмиш аҳдларимнинг барига вафо қилурман. Сўзимнинг ростлигини иш устида билдирурман. Танамда жоним борича сизнинг ёрдамингизда бўлурман» деди. Иккинчи, Нуъмон ибн Ҳориса айтди: «Байъат берурман Аллоҳга ва ҳам анинг пайғамбари сизга, ё Расулаллоҳ, шу билан-ким, Аллоҳ амрини доим олга юргизурман, ҳар ишда Аллоҳнинг розилиги ила бўлурман». Учинчи, Саъд ибн Рабиъ: «Менинг аҳдим биринчи Аллоҳга, иккинчи — сизга, ё Расулаллоҳ, шуларки, ҳар ишда Худо ва Расул амрига итоат қилурман, бутун буйруқларни жондил билан бажарурман», деди. Қолганлари ҳам шунга ўхшаш сўзлар айтиб, байъат бердилар. Муборак байъат тамом бўлгандин сўнгра, Пайғамбаримиз айтдилар:

— Мусо пайғамбар ўз қавмидин ўн икки раис сайлаган эди. Шунга ўхшаш, мен ҳам сизлардин ўн икки бошлиқ сайлайдурман. Нега мен сайланмадим, бу сайланди, деган сўз кўнгилга келмасун. Чунки бу иш биродарим Жаброил алайҳиссалом ихтиёри ила бўлур, деб алардин ўн икки кишини раис қилдилар. Буларнинг тўққизи Хазраждин, учи Авсдин эди. Исломият оламида энг аввал хизматга сайланмиш ўн икки раислар шулардир:

1. Абул Ҳайсам ибн Таййихон
2. Асъад ибн Зурора
3. Усайд ибн Хузайр
4. Баро ибн Маърур
5. Рофиъ ибн Молик
6. Саъд ибн Аби Ҳайсама

7. Саъд ибн Рабиъ
8. Саъд ибн Убода
9. Абдуллоҳ ибн Равоҳа
10. Абдуллоҳ ибн Амр
11. Убода ибн Сомит
12. Мунзир ибн Амр.

Пайғамбаримиз: «Энди сизлардин ҳар бир киши ўз қабиласига қафилдур. Исо алайҳиссаломга ҳаворийлар қафил бўлгандек, мен ҳам ўз қавмимга, яъни Маккадин Мадинага ҳижрат қилиб борувчиларга қафил бўлурман», дедилар. Бу жойда Пайғамбаримиз айтган ҳаворийлар эса, алар Исо алайҳиссаломга дастлаб иймон келтиргувчи хос шоғирдлари эди. Исо пайғамбар кўкка кўтарилиши олдида дин ишларини шуларга топширган эдилар. Ўз замонида Исо алайҳиссаломнинг дини шу ҳаворийлар орқалик халққа тарқалди.

Қуръони каримда Ёсин сурасининг бошроғида, Саф сурасининг охирида буларнинг қиссалари баён қилинмушдир. Исо алайҳиссаломнинг таржимаи ҳолари ва Инжил китоби шулар томонидан ёзилмишдур. Юҳанно, Магто номли Инжил ёзувчилари шулардин эди.

Яна ўз сўзимизга келсак, энди, бу муборак байъатни шу йўсинда қилиб ўтказдилар. Бунда ҳозир бўлган бахт-саодатлик одамларнинг кўнгилларида иймон чироғи ёниб, ботинлари анинг нурига тўлди. Бутун вужудлари ила ҳақиқатга берилдилар. Худо ва Расули Худонинг ишқи муҳаббати аларда жўш урди. Муҳаббат майининг мастлиги билан ичларидин Аббос ибн Убода деган киши: «Ё Расулаллоҳ, улуғ Аллоҳнинг оти билан қасам қилурман, агар рухсат қилсангиз, бутун Мино аҳлига, шу эрталаб, қиличимиз ила қарши чиқайлик», деди. Анда Расулуллоҳ: «Мен ҳозир бу ишга буйрулмадим, бу ишнинг вақти ҳали етмади, ҳар киши қўшхонасига қайтсун», деб рухсат қилдилар. Яна бир ривоятда келтирибдур, бу байъат гамом бўлишини кўриб, Иблис малъуннинг жонига ўт кетди. Бу ишга чидай олмай, бир қаттиқ ва аччиқ ун билан қичқириб: «Эй Мино халқи, кўринглар Муҳаммадниким, сизларга уруш очмоққа йўдошлари билан онг ичди, тутинглар буларни», деди. Малъуннинг бу фарёдини бутун байъат қилгувчилар онгладилар. Душманларимиз бу ишдин хабар топган эканлар деб, қуролларига югурдилар. Анда Расулуллоҳ: «Чўчиманглар, бу фарёд қил-



гувчи шайтондур. Сизлардин бошқа ҳеч кимсага бунинг товуши эшитилмас. Бу ишга чидаб туролмай, қўрққанидан фарёд қилди. Эй малъун, сен учун энди бўшандим, сенинг қўрққан кунларинг олдинга келгусидур», деб унга лаънат ўқидилар. Шунинг билан саҳобаларнинг кўнгиллари тинчланиб, ҳар қайсилари ўз қўшхонасига қайтишди.

Шундоғ бўлса ҳам одам шайтонлари бу ишдин хабар топишган экан, халқ ичида бу сўз тарқалиб қолди. Қурайш мушриклари бунинг эшитган сўнигида, аларнинг раисларидан бир нечалари буларга келиб: «Эй Авс, Хазраж, сизнинг қилмиш ишларингиздин биз хабар топдик. Муҳаммадни бу ердин олиб кетмакка ва бизга қарши уруш очмоққа қасам ичганингизни эшитдик. Худо ҳаққи, бутун араблар ичида сизлар билан орамиз бузилиб, уруш чиққандин ёмонроқ кўрган нарсамиз йўқ эди», дедилар. Анда бу ишдин хабари йўқ Авс, Хазраж мушриклари: «Ҳой, Қурайш сайидлари, бизда бундоғ иш бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмасдур. Йўқ иш, ёлғон сўз», дейишиб, қасам ичишиб, аларни қондирдилар. Аларнинг бу ишдин хабарлари йўқ бўлгани учун, айтган сўзлари тўғри эди. Чунки бу ишни муъминлардин бошқа ҳеч ким билмаган эди. Шунинг билан ҳаж мавсуми ҳам тамом бўлиб, Минодин халқ тарқала бошлади.

Сўнгра бу сўзнинг аниқлиги Қурайшга маълум бўлиб, аларнинг ортидан қувиб чиқдилар. Орқада қолган икки кишига егиб, тутмоқчи бўлганда, бирови қочиб қутулди, иккинчиси тутилиб қолди. Бу иккови эса ўша байъат туни сайланган ўн икки нақиблардин бўлиб, бири Саъд ибн Убода, иккинчиси Муъзир ибн Амр эди. Саъд ибн Убодани тутиб олиб, қўлини бўйнига бойлаб, уриб-судраганча Макка шаҳрига келтирдилар. Катта-кичик кофирлардин кўзи тушганлари бу кишини уриб-сўкиб озор бермоқда эди. Шу орада бир киши келиб, секингина: «Қурайш раисларидин кимларни танурсан? Агар танишларинг бўлса, шунинг отини айтиб, қичқиргин», деди. Жубайр ибн Мутъим билан Ҳорис ибн Ҳарб, бу иккови билан бурундин таниш бўлиб, алоқаси бор эди. Аларнинг отини атаб қичқирди. Сўнгра бу сўзни ўргатган одам у икковига келиб: «Пастки бозорда бир киши кўрдим, халқ томонидин урилаётibdур, аммо ул киши тўхтовсиз икковинглари атаб қичқирур. Бу ким экан деб сўрасам, Хазраж-

лардин Саъд ибн Убода номлик киши эмиш», деди. Бу сўзни англашлари билан: «Ҳой, уларнинг бу ишлари яхши бўлмабдур. Шом тижоратида карвон юрар йўлимиз Мадинадур, йўл устидаги Авс, Хазраж каби кучлик қабила ила нечук душманлик қилса бўлур?» деб бу иккови оддирашлик (шошилич) билан бориб, у мўмин қулни Аллоҳ асраб, мушриклар қўлидин қутулдирдилар ва ҳам у соғ-саломат Мадина шаҳрига келди. Буни кўрган Мадинадаги қавму қариндошлари бошлиқ ҳамма мўминлар суюндилар.

Шундоқ қилиб, ансор саҳобалари Маккада байъат ўтказиб келишгандин сўнгра Ислом дини Мадинада ривожланишга бошлади. Баъзи бир маҳалла халқи тамомий бутун оилалари билан Исломга мушарраф бўлдилар. Мадина хонадонларида иймон кирмаган уй йўқ эди. Эски одатни ташлаб, ундан ажрашни оғир олган чолу кампирлардин бошқа катга-кичик ҳаммаларига Ислом руҳи ўрнашди. Шунинг билан бирга байъат воқеасидин кейин Маккадаги мусулмонларга мушриклар чидаб туrolмаслик даражада янгидан-янги тажовуз қила бошладилар. Аларга турлик равишда жабрзулмлар қилмоққа киришдилар. Уларга қарши мусулмонларда сабр қилмоқдин бошқа ҳеч чора йўқ эди ва шу вақтнинг ҳолига қараб Пайғамбаримиз бошлиқ барча мўминларга Худо тарафидин шундоқ буйрулган эди. Лекин аларнинг зулм-тааддийлари чекидан ташқари чиққанлиқдин, мўминларнинг қайси бирлари қочишга мажбур бўлдилар. Қай бирлари эса ортиқ азобга чидолмай, дилларига қўрқинч тушди. Иймони кучли кишилардин бир қанчалари азоб остида ётиб, шаҳид бўлдилар. Ва бир қанчалари Расулуллоҳ олдига келиб, бошқа бир жойга ҳижрат қилмоққа рухсат сўрадилар. Расулуллоҳ эса бу тўғрида Аллоҳнинг амрини кутганлиқдин аларга очиқ жавоб бермадилар. Иш мана шу қийинчилик ҳолга етгандин сўнгра бир куни Расулуллоҳ суюнган ҳолда уйларидин чиқиб келиб:

— Аллоҳ таоло менга бу жойдин ҳижрат қилиб кетмакка рухсат қилди, мўминлардин қудрати етган киши бўлса, Мадинага ҳижрат қилсун. Аллоҳ таоло у жойда сизларга тушгудек ўринлар, кутиб олгудек ёру дўстлар тайёрламушдур, — дедилар.

Бу сўз чиққандин кейин саҳобалар ичида ҳижрат масаласи қўзғолди. Бу ишга яширин равишда ҳозирлик кўришга киришдилар. Бу сафарги ҳижратга энг

аввал қадам қўйган киши — саҳобалардин Абу Салама эди. Бу зот бўлса, хотунлари Умму Салама бирлигида илгари ҳам Ҳабашистонга ҳижрат қилган эди. Ҳаммадин илгари сафар яроғини қилиб, бу киши тайёр бўлди. Умму Саламани қучоғидаги икки-уч ёшлик боласи билан туяга миндириб, етаклаган ҳолда йўлга тушди. Шу орада хотуннинг жамоатидин бир неча кишилар олдидан чиқиб қолиб: «Эй Абу Салама, сен бизнинг қариндошимизни қайси элга элтурсан, ўз уруғаймоғидин ажратиб, ёт ерга кетмакка қўймаймиз», дейишиб, туя бурундуғини анинг қўлидан тортиб олдилар. Бунинг устига эр томондин бир неча кишилар келиб қолди. Араблар одатларича ўзаро номус талашиб: «Хотунни сиз олур бўлсангиз, боласи бизда қолур», деган сўз билан болани аларга бермадилар. Шундай бўлиб, хотунни қариндошлари олди, боласи ота жамоатига қолди. Абу Салама бўлса, дин йўлида хотун-боладин кечиб, йўлга тушди. Бу кўрган кулфат-машаққатлари, у зотнинг ҳақ йўлида қилган иродасига ҳеч қандоғ зарба етказмади. Икки орада бечора хотунга бек қийинчилик туғилиб, ҳам эридин, ҳам қучоғидаги боласидин ажради. Бечора хотун буларнинг фироқида ҳар куни эрталаб уйидин чиқиб, Мадина йўли устида, Абтаҳ деган жойга келиб, кечгача шунда йиғлаб ўтирур эди. Бир куни ўз қабила раисларидин бирови бу жойдин ўтаётганида, унинг йиғлаб ўтирганини кўриб, кўнгли оғриди. Бошқаларга қараб айтдиким:

— Бу на яхшилиқдур, ул бечора эридин ҳам, боласидин ҳам ажраб, кўча бўйида йиғлаб ўтирур. Уни қўя беринглам, тилаган томонига борсин, йўқ эрса, эл ичида бизга номус келтирур, — деди.

Бу баҳона билан анинг йўли очилди, боласини ҳам ўзига қайтариб бердилар, қафасдин қутулган қушдек, ҳеч нарсага қарамасдин туясига миниб, боласини қучоғига олиб ёлғиз хотун йўлга тушди. Беш-олти чақиримча юриб, Танаъим деган жойга етганида, Усмон ибн Таҳа деган киши олдидин чиқди. Бу киши эрса, Қурайш раисларининг бириси бўлиб, «Байтуллоҳ очқичи»нинг эгаси эди. Умму Саламанинг йўлдошсиз сафарга чиққанини кўриб, «боласини ўнгарган ёлғуз хотунни кўра туриб, ўтиб кетсам, мен учун эр кишилик бўлмағай», деб туя бурундуғини тутиб етаклаганча Мадинага етказиб қайтди.

Макка — Мадина оралиғи карвон юриши ила ўн

икки кунлик йўл эди. Шу чоғда бу киши мушриклик ҳолда турган бўлса ҳам, бу сафар ўтгунча қандоғ олижаноблик ила йўлдошлик қилганини онамиз Умму Саламининг айтишларича, машҳур ҳадис китобларида ёзилишидур. Бунинг сўнгида Маккада мушриклардин сиқилган мўъминлар секин-секин ҳижрат қилгани турдилар. Бешлаб-ўнлаб, йўлда топишган бўлсалар ҳам уйларидин чиқишларида кечалаб, бир-бирлаб яширин ҳолда чиқар эдилар. Бу муҳожирлардин ҳеч бир киши очиқ-кўрнов чиқишга журъат қила олмади. Ёлғиз Ҳазрати Умар чиқар вақтда шу замонда қўлланурлик қурол-яроғларини тақинди. Қилич осинган, белига ҳанжар тақилган, ўқ-ёйи елкада, қалқони қўлида, сўқиш сафарида турган кишидек бўлиб, очиқ-ойдин уйдин чиқди. Каъба олдида ўтирган Қурайш раисларини босиб ўтиб, Байтуллоҳни етти айланиб тавоф қилди. Икки ракат тавоф намозини Мақоми Иброҳимда ўтади. Сўнгра у ерда ўлтирмиш Қурайш раисларига қараб:

— Аллоҳ сизнинг кўкка кўтарилган бурунларингизни ерга етказиб, тупроққа ишқасун. Сизлардин ҳар ким: «Ота-онам мотамимни тутсин, хотуним тул қолсин, болаларим етим бўлсун», дер эрса, ман билан шу тоғнинг у ёнида тўқнашсун, деб уларнинг кўзлари олдида йўлга чиқдилар. Шунча ўтирган мушриклардин бу сўзга қарши бирови ҳам чурқ эта олмади. Бошқаларга бўлса, ортидан изловчилар, кейинидан қувловчилар кўп чиқар эди. Бу кишига эрса, алардин ҳеч ким яқин йўлай олмади. Шундоқ қилиб, Ҳазрати Умарга ҳижрат қилиб чиққан кишилардин келиб қўшилгувчилар кўпайиб, йигирма чоғлиқ туя минган муҳожирлар бўлиб, Мадинага кирдилар. Дунё турмушлари учун уй, овқатлари, охират саодатлари учун дин эркинлиги Ислоом орқадошлари томонидан буларга ҳозирланмиш эди. Мана шу кунлардин бошлаб, атрофдин келувчи мусофир саҳобаларни муҳожирлар деб, буларни кутиб олгувчи мадиналик саҳобаларни «ансор» деб атадилар. Ансор — ёрдамчилар, муҳожирийн — ҳижрат этгувчилар дегани бўлур. Пайгамбаримиз бошлиқ Маккада қолган мусулмонлар шулар эди: Абу Бакр Сиддик, Ҳазрати Али, Суҳайб, Зайд ибн Ҳориса, яна булардин бошқа ҳижратта қудрати келмаган бир неча ожиз кишилар ҳам бор эди. Булар ичида ҳазрати Суҳайб ҳижрат қилмоқчи бўлиб чиққан вақтида Қурайш мушрикларидин бир неча кишиларга хабар етиб, келишиб

қолди. Сўнгра улар Суҳайбга: «Сен ўз элингдин бизга келганигда човай (камбағал) эдинг, бой бўлиб, молинг кўпайди. Бошинг қуликка бойланмиш эди, хўжа бўлиб обрўйинг ошди, энди бизга қарши чиққанинг устига, мунча кўп мол билан душманларимиз ерига кетмоқчи эмишсан», дедилар. Анда Суҳайб: «Мен бўлсам ёшим улўф, қари киши эрурман, мен бу ерда қолур бўлсам, сизларга ҳеч фойдам тегмайди. Агар ул ёққа бориб қолсам, яна сизларга зиёним йўқдур. Ўзимдин кўра сизларга молим фойдалироқдур, тамом молимни олинглар, ўзимни йўлимга қўйинглар», деди. Алар ҳам бу ишга рози бўдилар, молини олиб, ўзини қўйиб юбордилар. Бу воқеадин сўнгра Мадинага бориб, Пайғамбаримиз билан биринчи кўришганида:

— Эй Суҳайб, «Рабиҳал байъу, рабиҳал байъу», деб уч қайта айтдилар. Бу «Савдонг фойдалиқдур, савдонг фойдалиқдур», деган бўлур. Анда Суҳайб: «Аниқ билурман ва дахи (ва яна) таниқлиқ берурман, сиз Аллоҳнинг пайғамбаридурсиз, бу ишни Аллоҳдин ўзга ҳеч ким билмаган эди, Жаброил алайҳиссалом ваҳий билан сизга билдирмишдур», деди. Ҳақиқатда эса келиш олдада воқеасини баён қилиб, Пайғамбаримизга шу оят келмуш эди: **«Ва минаннаси ман яшрий нафсаҳубтигоа марзотиллоҳ»**, яъни: *«Мўминлардин шундоқ кишилар бордурким, Аллоҳ розилигини топмоқ учун ўзларини сотиб олурлар»*. Бу воқеа Расулulloҳга шу оят орқалиқ билдирилган эди. Маккада саҳобалардин уч-тўрт кишидин бошқа кўзга кўринарлик ҳеч ким қолмади. Ҳаммалари Мадинага ҳижрат қилиб кетдилар. Буни кўриб хазрати Абу Бакр ҳам ҳижрат қилмоққа Пайғамбаримиздан изн сўраб келди. Анда Расулulloҳ айтдилар:

— Мен ҳам Аллоҳ таолодин ҳижрат учун изн кутмоқдаман, қачон изн олур бўлсам, менга йўлдошлиқ қилгайсиз, — дедилар. Буни онглаб, Абу Бакр Сиддиқ суюнганидин:

— Ота-онам сизга фидо бўлсин, бу иш қачон бўлмай, — деган эди, «яқинда бўлур», деб башорат бердилар. Ҳазрати Абу Бакр бу сўзни эшитгандин кейин саккиз юз тангага сафарга яроғлик икки туя сотиб олиб, боқиб турди. Мана шу йили бўлса, пайғамбарлик даврининг ўн учинчи йили эди. Ўтган йилларда Мадина аҳлидин етмиш неча кишининг байъат бериши, булар орқалиқ Авс, Хазраж каби жанговар қаби-

лалар ичида исломиятнинг ривожланиши, бунинг устига ҳамма атрофдин келган фидоий муҳожирларнинг Мадина шахрига йиғилиши, тарбият топган экиндек, Ҳижоз тупроғида кундан кунга исломиятнинг ўсиб боришидин Макка мушриклари, Қурайш кофирларининг кўнгилларига қўрқинчлик тушди. Бунинг чорасини кўриш уларга керак эди. Бу ҳақда маслаҳат ўтказиш учун Дорун-Надвага йиғилдилар.

### «ДОРУН-НАДВА» МАСЛАҲАТИ

Ўн икки уруф Қурайш қабиласидин икки уруф қолдирилиб, у ҳам бўлса, Бани Ҳошим билан Бани Мутталиб эдилар, қолмиш ўн уруф Қурайш раислари Дорун-Надвага мажлис чақирдилар. Дорун-Надва — маслаҳатхона демакдур. Бу уйни Пайғамбаримизнинг бешинчи боболари Қусай деган киши солдирган эди. Бу уйда очилган мажлисга кирган кишиларнинг ёши қирққа тўлиши ва Қурайш уруғидин бўлиши шарт эди. Аҳамиятлик улуғ ҳодисаларнинг маслаҳати уруш кунларида бошлиқ сайлаш, туғ боғлаш ишлари шу уйда бўлур эди. Бутун Қурайш қабиласидин маслаҳат чиққудек бошлиқлари шу мажлисга ҳозир бўлдилар. Иблис малъун ҳам оқсоқол шайх суратида обидлар либоси — оқ кийимлар кийган ҳолда маслаҳатхона эшигига келиб турди. У ёт киши бўлганлиқдин анинг ким эканини сўрадилар. Ул:

— Нажд вилоятидин келдим, менинг сизларга дўстлигим бордур, Муҳаммад ҳақида очилмиш мажлисингиз борлигини эшитдим, агар киришга рухсат этсангиз, сизлар учун фойда чиқарлик сўз топсам айтур эдим, — деди. Алар ҳам розилик беришиб, киришга рухсат қилдилар. Шунинг билан мажлис очилиб, сўз бошланди. Раислардин бирови туриб:

— Муҳаммаднинг бу иши қаңдоғ ўсиб бораётганлиги кўз олдингизда кўриниб туради. Бунинг иши кундин-кунга улғаймоқда, тарафдорлари ҳар томонда кўпая бошлади, бир кун устимизга уларнинг ҳужум қилишлари бек эҳтимолдир. Қани, бу ишга нима чора кўра билурмиз, маслаҳат қилинглар, бу тўғрида албатта бир фикрга келишимиз керак, — деди. Анда Қурайш раисларидин Абул Бахтарий ибн Ҳишом деган киши:

— Менингча, бунинг чораси шулки, уни ушлаб,

қўл-оёғига кишан солайлик, то ўлгунча уни зиндонда тутайлик, — деди. Анда шайх суратлик шайтон деди:

— Сенинг бу фикринг тўғри эмасдур, сизлар учун бу ишдин ҳеч қандоғ фойдалиқ иш чиқмайду, агар буни ҳибс қилур бўлсангиз, аниқ билингим, унинг тарафдорлари кўпдур, устингизга ҳужум қилиб, қўлингиздин қутқара олурлар. Бундан бошқароқ маслаҳат топинг, — деди. Тағин бириси туриб, у Қурайш раисларидин Асвад ибн Рабаи деган киши эди:

— Бу ҳақда менинг фикрим шулки, уни нафибилот қилайлик, яъни сургун қилиб, бошқа ёт ерга ҳайдаб чиқарайлик, ўз орамиздин кетгандин кейин на бўлса, у бўлсин, — деди. Бу сўзни онглағон ҳамон шайтоннинг ҳуши бошидин учди, ўрнидан тура келиб:

— Ҳой-ҳой, бу фикрдин қаттиқ сақланинглар, халқ ичига уни қандоқ чиқариб бўлур, унинг сўзга усталиги, тианининг тоталиги ила борган еридин, танишган элидин ўзига йўлдош-қўлдошлар топа олур. Алардин қўл-ясов қилиб, бошингизга келур бўлса, ишларингизни қўлингиздин олур, — деди. Бутун мажлис халқи бунинг сўзини тўғри топдилар. Учинчи бўлиб Абу Жаҳл:

— Бу тўғрида манинг қўнглимга бир фикр келиб туради, бу ўтирганларнинг ичида ҳеч кимнинг ақлига келмаган иш деб ўйлайман, — деди. Анда ҳар тарафдин: «Эй Абул Ҳакам, айт, у сўзингни, тинглайлик» — деб қичқирдилар. Анда Абу Жаҳл:

— Қурайш қабиласи ичида ҳасаб-насаблик, ортиқ обрўйлик, кескир қиличлик ботир йигитлардин ҳар уруғ бошига бирдан киши олурмиз. Бу йигитлар қўлларига ўткир қилич олсинлар, эрталаб Муҳаммад уйда ётган чоғда босиб кириб, бу йигитлар бир киши чопгандек баробар қилич солиб, уни ўлдурсинлар, шундоқ қилганимизда, анинг қони бутун қабила устига бўлину. Агар Бани Ҳошим даъво қилар бўлсалар, ишлари икки йўлликдур. Бириси — бутун Қурайш қабиласига қарши уруш очгайлар, ёки мол олмоққа хун учун рози бўлгайлар. Маълумдурки, бутун қабилага қарши туриб уришмакка тоқатлари йўқдур. Ночор хун моли олмакка рози бўлурлар. Агар бу иш вужудга чиқар бўлса, ундин баримиз қутулурмиз, — деди. Бу сўзни айтиши ҳамон, ҳаммадин илгари шайх суратлик шайтон — малъун буни маъқул кўриб: «Ҳой-ҳой, шу кишининг сўзи сўздур, бундин ортиқ тўғри

фикр ҳеч йўқдур», деди. Шунинг билан бошқалари ҳам қизгин равишда шу қарорни қабул қилишиб, тарқашдилар. Бу иш шундоқ бўлиши билан ҳазрати Жаброил алайҳиссалом қуйидаги оятлар ила ваҳдий келтириб, шу воқеани Пайғамбаримизга хабар қилдилар.

Оят шудир: *«Ва из ямкуру бикаллазийна кафарув лиюсбитувка, ва яқтулувка, ав юхрижувка»*, яъни, «Кофирлар сени қамаб қўйишга ёки сургун қилишга ёки сени ўлдиришга қатъий қасд қилдилар», демақдур.

Жаброил алайҳиссалом:

— Ё Муҳаммад, бу кеча кундаги ётган ўрнингда ётмагин, кофирлар Худо хоҳламаган ишни қилгани, яъни, шу кеча сени ўлдиргани келурлар, — деди. Пайғамбаримиз бу ишдин огоҳ бўлганларидин кейин, тун ями билан ул ғанимлардин юз чоғлик киши Пайғамбаримизнинг эшик оддиларига келиб тўпландилар. Уларнинг ичида машҳур раислардин шу кишилар бор эди: Ал Ҳакам ибн Абул Ос, Уқба ибн Абу Муаит, Назр ибн Ҳорис, Умайя ибн Халаф, Замъа ибн Асвад, Пайғамбаримизнинг амакилари Абу Лаҳаб ва Абу Жаҳл, қолганлари ҳам ўз ишларида эътиборлик кишилардин эдилар. Булар ўзаро кенгашиб, эл чуқур уйқута кирган чоғда бу хиёнатни бажармоқчи бўлдилар. Шу орада Абу Жаҳл туриб айтди:

— Муҳаммаднинг айтган сўзига қаранглар, ул бизга шундоқ дейдурким, агар сизлар иймон келтириб, Ислому динига кирар бўлсангиз, бу дунёда давлат топиб, араб-ажамларга подшоҳ бўлурсиз, яна ўлгандин сўнгра қайтадин тирилиб, у дунёда жаннатга кирурсиз, агар бундоқ қилмас экансиз, бу дунёда хорлик тортиб, охиратда дўзах ўтида куйгайсиз.

Абу Жаҳлнинг бу сўзини уйида ўтирган Пайғамбаримиз эшитиб: «Рост, мен шундоқ айтурман», деганларича аларнинг устига чиқдилар. Ёрдин бир чангал тулпроқ олиб, Ёсин сурасини «фаағшайнаҳум, фаҳум ла йубсирун...» оятигача ўқидилар. Худо қудрати билан пойлаб ўтирган шунча кишилардин ҳеч қайсиси Пайғамбаримизни кўра олмади. Чангаларидаги тулпроқдин бу ўтирган кишиларнинг ҳар бирининг бошига қуйиб-қуйиб, ўтиб кетдилар. Пайғамбаримизнинг бу чиқиб кетишларини туймадилар (сезмадилар). Бу эрса, ҳисобсиз ўтган мўъжизаларнинг бириси эди. Уйларидин чиқаётганларида Ҳазрати Алига қараб:

— Эй Али, мен ётган ўринга ўтиб, менинг ёпин-



чимни устингга ёпиб ётгил, яна кўркмагил, душманлардин сенга ҳеч қандоғ заҳмат етмагай, — дедилар. Шу чиққанларича ҳеч ерда тўхтамай ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ билан шаҳардан ташқари Савр тоғида бир ғор ичига киришиб яшириндилар. Кофирлар бўлса, Пайғамбар уйдин чиққан чоғида, аларни Аллоҳ амри билан уйқу олган эди. Пайғамбаримиз буларнинг олдиндин ўтиб кетаётганларида бир кишига йўлиққан эдилар. Пайғамбаримизнинг уйлари олдида ўтирган пойлоқчилардин:

— Бу ерда кимни кутиб ўтирибсизлар — деб ул киши сўради. Улар:

— Муҳаммадни кутиб турибмиз — дедилар.

— Андоғ бўлса, Аллоҳ сизларни ноумид қўйибдур. Муҳаммад ҳозир сизларнинг кўз олдингизларда ўтиб кетди. Ердан бир ҳовуч тупроқ олиб, бу ўтирган кишиларнинг бошларига қуйиб ўтди, — деб эди, улар шошилиб бошларини силадилар, бошларидин тупроқ қуйилди, ҳайрон бўлишиб, югуришган ҳолда келиб эшик ёриғидин қарасалар, тўшак устида ўралиб ётган бир кишини кўрдилар, мақсадимизга етдик, деб қилич яланғочлаб уйга кирдилар, қарасалар мақсадлари қўлдан кетмиш эди. Ҳазрати Алини кўришиб, ҳасрат бармоғини тишлаганларича ҳайрон бўлишиб қолди. Инс-жинс шайтонларининг қурғон тузоқлари узилмиш эди. Пайғамбаримиз ўринларида ётган Ҳазрати Алидан:

— Оғанг Муҳаммад қаён кетди? — деб сўрадилар. «Билмайман», деганида улардин баъзи бировлари уришга қасд қилган бўлса ҳам, «бу болада нима гуноҳ?» дегувчилар чиқиб, аларни қайтарди. Пайғамбаримиз Абу Бакр Сиддиқ билан шу куни қоронғу кечада унинг уйидин чиқиб, Макка атрофидаги тоғ томонга қараб юрдилар. Босган изларини билдирмасга оёқ учлари ила юрар эдилар. Шу юрганларича Савр тоғи ичидаги ғор оғзига келдилар.

— Ё Расулаллоҳ, бунда зиёнлик, заҳарлик жониворлар бўлмасин, сиз кирмай турунг, мен ғорнинг ичини тозалаб чиқай, — деб Абу Бакр Сиддиқ дастлаб ғорга ўзлари кирдилар. Ғор ичини ариғдаб (тозалаб), тешикларига ридоларидин йиртиб тикдилар. Бир тешикка тикқудек нарса етмай қолди. Ул тешикда бир заҳарлик илон ётган эди. Аввал Абу Бакр Сиддиқ ғорга кириб, сўнгра Пайғамбаримиз кирдилар. Кечаси ухламаган, ўзлари чарчаган эдилар. Муборак бошла-

рини Абу Бакр Сиддиқ тиззаларига қўйиб, ухлаб қолдилар. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ очиқ қолган тешикдин бирор нарса чиқиб қолмасин, деб товоиларини шу тешикка қоплаган эдилар, у ётган илон, кишининг исини билиб, оёқларини чақиб олди. Бунинг аламига чидай олмай, кўзларидин ёшлари тўкилиб, икки-уч томчиси Пайғамбаримизнинг юзларига тушди, бундин уйғониб кетдилар.

— Эй Абу Бакр, бу нима ишдур? — деб сўрадилар. Илон чаққанлигини, унинг аламини айтгонлари сўнгиде муборак туфикларидин суриб қўйиб эдилар, шу онда шифо топдилар.

Эрталаб туриб қарасалар, ғор оғзида бир туп бутуғлик ёғоч (дарахт) униб чиқмишдур. У ёғочга бир жуфт ёввойи каптар келиб уялаб, тухум солмишдур, бунинг устига ўргимчаклар қалин тўр тортиб, ғор оғзини қопламишлар эди. Бундоғ ҳожат вақтида ҳар турли муъжизалар кўрсатиб, пайғамбарларини қувватлаш Аллоҳ таолонинг одатидур. Аммо Қурайш кофирлари бўлса, Пайғамбаримиз ҳақида қилган макр-хиёнатлари бўшга чиқиб, аларнинг қўрқинчлари яна ҳам кўпайди. Ҳар тарафга жар чақириб, киши чоптирдилар. Муҳаммадни ўлдириб ёки тириклай тутиб келтиргувчилар бўлса, қизил туклик юз нортаю беришларини ҳаммага билдирдилар. Қурайш йигитларидин бир нечалари моҳир изчилар эргаштириб, юқори-қуйи Макка атрофига ёйилдилар. Алардин бир қанчаси Савр тоғи йўлидин изчиларнинг кўрсатиши билан из қувишиб, тўғри ғор оғзига келишди. Баъзилари илгарилаб юриб, ғор оғзидаги уялаб, тухум очган каптарларни кўриб, ўргимчаклар тўрларига кўзи тушиб: «бу ер киши оёғи теккан жой эмас», деб орқага қайтди. Булар товушини Пайғамбаримиз ғор ичидин эшитиб турдилар. Из қувишиб юрган кофирлардин тағин бир тўплаари ғор устига келиб тўхтадилар. Чунки уларнинг изчилари: «Қочган кишинлар шу ғорга кирмишдур», деган эди. Анда бировлари ғорга кириб қарашга буюрди. Убай ибн Ҳалаф деган киши раислардин эди. У:

— Бунга киришга нима ҳожат бордур. Муҳаммад туғилмасдин илгари, бу ўргимчак тўрини тортмишдур, бу ғорга киши кирган бўлса, нечук анинг тўрлари бузилмасин, каптар тухуми қандай синмасун, — деди. Бунинг бу сўзи баҳона бўлиб, ғор ичига эгилиб қараб қўймасдин, ҳаммалари қайтдилар. Бу ишлар Худо қуд-

ратига бир баҳона эди. Йўқ эрса, шу қадар қизғинлик ила изчилар орқалик излаб келгувчи шунча кўп кишилардин бирортаси фор оғзига келиб, нечуқдурки, қараб қўймайди. Қурайш изчилари: «Йўқотмиш кишиларингиз шу фордин ўзиб кетмабдур», деб қасам ичмиш эдилар. Уларнинг бу сўзларини эшитиб турган Абу Бакр Сиддиқ қайғуриб, йиғладилар. Анда Расулуллоҳ:

— Нимага йиғлайсан? — деб сўрадилар. Абу Бакр Сиддиқ:

— Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ оти ила онт ичурман, ўзим учун ҳеч вақт йиғламайдурман, Аллоҳ сақласин, сизга бир ёмон иш бўлишидин қўрқиб йиғлайман, — деди. Анда Расулуллоҳ:

— Эй Абу Бакр, биз икковлондурмиз, ҳам қилма, учинчимиз Аллоҳдур. Нечук ҳам қилурсан, Аллоҳ биз билан биргадур, — дедилар.

Шундоқ дейишлари билан Абу Бакр Сиддиқ кўнгилларидин ҳам кўтарилиб, ўзларига оромлик пайдо бўлди. Сўнгра мушриклар ҳам бу ёқдин умид узиб, қайтдилар. Денгиз бўйидаги қабилаларга ҳам хабар юбориб, Мадина йўлини тўсишга киши қўйган эдилар. «Ким уларни тутиб, келтирур бўлса, юз қизил туя берурман», деб яна жар чақиртирдилар. Шунинг билан Пайғамбаримиз Савр тоғининг ғорида уч кун ётдилар. Шу кунларда Ҳазрати Абу Бакрнинг чўнг қизлари Асмо, ўғиллари Абдуллоҳ, қуллари Омир ибн Фуҳайра мана шу учовлари кераклик хизматларни бажариб турдилар. Бутун халқ ичидаги хабарларни, Қурайш раисларининг қилган қаттиқ ҳаракатларини Абдуллоҳ етказур эди. Ош-овқатларидин Асмо хабар олур эди. Омир ибн Фуҳайра Абу Бакр Сиддиқнинг қўй-эчкиларини ўтлатган бўлиб, фор атрофига тушган киши изларини аларга бостириб йўқотур эди. Шундоқ қилиб, уч кун ўтгандан кейин, Ҳазрати Али илгари тайёрлаб қўйилган уч туяни кечалаб, тоғ тагига келтурдилар.

## МАДИНАГА ҲИЖРАТ

Абдуллоҳ ибн Урайқит деган, йўлбошчиликка олинган киши ҳам бирга келди. Буларнинг келишларини Пайғамбаримиз интизорлик ила кутмоқда эдилар. Туя товуши чиқиши ҳамон, фордин чиқиб, тоғ тагига тушдилар. Пайғамбаримизнинг уйларида ҳар кимларнинг

қўйган омонатлари бор эди. Шуларни эгаларига топшириш учун Ҳазрати Алини вакил қилдилар. Ва уч кундин ортиқ тўхтамай, орқаларидин келмакка буюрдилар. Шу билан уч туяга уч киши миңдилар: «Пайғамбаримиз, Абу Бакр Сиддиқ ва йўл бошловчилари Абдуллоҳ ибн Урайқит эди. Омир ибн Фуҳайрани Абу Бакр ўз туяларига мингаштириб олди. Тун ўртаси бўлганида, бу жойдин жўнаб, Худо изни ила Мадина сари юрдилар. Йўлбошчилари Абдуллоҳ тоғ йўлини ташлаб, денгиз бўйлаб юришга бошлаган эди. Бу йўлдин юрганларга Янбуъ, Робийъ қишлоқларидин ўтишга тўғри келди. Қурайш кофирлари Пайғамбаримиз билан Абу Бакр Сиддиқнинг тирикларини ё ўликларини келтурган кишига икки юз туя атаган эдилар. Буни эшитган араб баҳодирлари молга қизиқиб, ҳар томондин йўл тўсишга киришдилар. Шу қаторда Бани Мудлиж қабиласининг баҳодирларидин Суроқа ибн Молик деган кишига биров: «Йироқдин туялик кетаётган уч киши қорасини кўрдим, Муҳаммаддин бошқа бўлмаса керак, деб ўйлайман» деди. Суроқа буни англаши билан, шу кишилар Пайғамбаримиз эканини билди. Хабарчига: «Бошқа бировлардур, деб уларни йўлдан қолдирди». Ўзи тезлик ила қуролланиб, яширин равишда йўлга тушди. Бошқалар билиб қолсалар ўлжадош бўлиб қолмасин, деб қизганур эди. Югирик от устида чопандин чопачопачо югириб-ўтириб, кўп узоқламай, қасд қилган қора устига етаёзди. Икки ора ўн чақирим ёвуқлашди (яқинлашди).

Пайғамбаримиз туя устида Қуръон ўқиб кетмоқда эдилар. Қуръон ўқиган говушлари қувғувчига эшитила бошлади. Пайғамбаримизнинг у ён-бу ёнга қараш одатлари йўқ эди. Ўлжалик бўлиш хаёлида Суроқа ўзини ўнглаб, отини тепиниб, найзасини тўғрилаб кетаётганида, бирданига оти қоқилиб йиқилди, ўзи ҳам от устидан ағдарилиб, ерга тушди. Ўрнидан тура келиб, араб одатича, ён халтасига солинган «тулга» (яъни «фол») ўқларига, ишим қандай бўлур деб, қўл солиб қараса, «тулга»си тескари чиқди. Ўлжага қизиққанликдин, бунга қарамай, қайтадин от устига миниб, яна от қўйди. Пайғамбаримиз ўз одатларича орқаларига қарамас эдилар. Абу Бакр Сиддиқ шундоғ орқага қарасалар, ўқдек отирилиб (яъни, тез) келаётган отнинг оёғи қоққан қозиқдек тиззасигача ерга ботибдур, у ер бўлса, қат-қат тошлик ер эди. От оёғини ердан суғу-

риб олмоққа қудрати етмади. Отнинг туёғи ботган издин кук тутунга ўхшаш тўзон кукка кўтарилди. Яна «тулга» ўқлари азлонга қўл солиб қараса, яна «тулга»-си тўғри чиқмади. Буни кўриб, ўзига қўрқинчилик тушди. Оти эрса, ерга ботганича титраб турмоқда эди. Сўнгра, омон айтиб, қичқирдиким:

— Мен Суроқа ибн Молиқдурман, энди сизларга ҳеч зиёним етмагай, фойда еткурмак учун ваъда бераман. Ё Муҳаммад, Аллоҳдин сўра, отим оёғи бўшалсин, — деди. Анда Пайғамбаримиз:

— Агар айтганинг аниқ бўлса, сўраганим бўлсин, — дедилар. Шу онда оти бўшаниб, Расулуллоҳ олдига келди. Сўнгра айтди:

— Ё Муҳаммад, мени бу келишимни қабила халқи онглаган бўлсалар, албатта, ортимдин етиб келурлар. Энди мен бу ердин орқага ёнурман (қайтаман), агар бу йўлда келаётган қувғувчи кишилар бўлса, барини йўлдан қайтарурман. Маңдин бошқа орқаларингиздин ҳеч бир изловчи киши келмасга чора қилурман. Менинг сизларга қилган яхшилигим шу бўлсин, — деди. Тағин бир ривоятда келмишдур. Суроқа айтди:

— Эй Муҳаммад, менинг кўнглим шундоқ топадурким, сенинг бу ишинг бир куни бутун дунёга тарқалур, олам аҳли буйруғингга бўйинсунгайлар, ўшал кунда олдингга келсам, таниғлиғим бўлсин, мен учун иймонлик хат ёзиб бергин, — деб сўради. Анда Пайғамбаримиз Омир ибн Фуҳайрани ёзмаққа буюрдилар. У бу аҳднома хатни бир парча суякка ёки меш парчасига ёзиб, Суроқага берди. Сўнгра Пайғамбаримиз айтдилар:

— Эй Суроқа, Эрон подшоси Кисронинг билак узугини қўлингга таққан чоғингда қандоғ бўлиб кетар экансан, — дедилар. Анда Суроқа айтди:

— Ҳурмузнинг ўғли Кисрони айтурмисиз?

— Ҳа, ўшани айтурман, — дедилар.

Пайғамбаримиз Мадинага ҳижрат қилиб келганларидин сўнгра саккизинчи йили Макка шаҳри фатҳ қилинди. Бутун Қурайш қабиласи итоат қилдилар. Бунинг сўнгида Тоиф, Ҳунайн ғазотлари бўлиб, тамом душманлар таслим бўлди. Мана, шу сафардин қайтишларида, Жиърона деган жойда шу Суроқа ибн Молик Расулуллоҳ ҳузурларига келди, саккиз йил илгари ёздириб олган омонлик хати қўлида эди. Йироқдин кўзлари Суроқага тушиб, ани танидилар.

— Мархабо, эй Суроқа, хуш келдинг, ваъдага вафо қилар кунимиз бизга келди. Сенга, иймон келтирар вақти энди етмадими? — дедилар. Суроқа шу онда иймон айтиб, Исломга мушарраф бўлди. Сўнгра Ҳазрати Умарнинг халифалик даврида бутун Эронистон мамлакати фатҳ қилинди. Бу давлатнинг тамом хазиналари Ислом аскарлари қўлига кирди. Эрон подшоши Кисро ибн Хурмузнинг тожи, камари, билакузуги, ҳар тарафи олтиш газлик «Баҳор» номлик гилами (бу гилам эса соф ипақдин тўқилган, энг қимматбаҳолик жавоҳирлар билан зийнатланиб, безалган эди), Булардин бошқа ҳар турлик кўп миқдордаги ўлжа тушган молларни Мадинага келтирдилар. Бу молларнинг бешдан бири хазинага солиниб, қолганларини мусулмонларга тақсим қилдилар. Шу қаторида юқоридаги гиламни парчалаб, улаштиришга тўғри келди. Ансор, муҳожирийн саҳобаларга ани улаштириб бердилар. Ҳазрати Алининг ўз ҳиссаларига тушган гилам парчаси элик минг тиллага сотилган эди. Бу гиламнинг нақадар қимматбаҳо эканлиги шундин маълумдур. Шу чоғда Ҳазрати Умар халифа эдилар, ванимат молларини тақсим қилиш вақтида Суроқани чақириб:

— Эй Суроқа, Эрон подшоши Кисро худолик даъво қилган эди, Аллоҳ таоло ундин подшоликни олиб, бизга берди. Мана, унинг хазинаси ўртамизда бўлинмоқдадур. Энди шу подшоҳнинг билакузугини сенинг қўлингга таққайман. Аллоҳга ҳамду сано айтиб, қўлингни кўтаргил, — деб Суроқанинг қўлига уни тақиб қўйди.

Бундин ўн беш йил илгари Пайғамбаримизнинг «Эй Суроқа, Эрон подшоши Кисронинг билакузугини таққан чоғингда қандай бўлгайсан?» деган мўъжиза сўзлари шу эди. Бундоқ мўъжизалик ишларни ўз ўрни келганда яна баён қилурмиз. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Суроқа ибн Молик ўз уйидин отланиб чиққанида мақсади Пайғамбаримизни душманларга тутиб бериш эди, демак, шу келишида қўлидин келгунча зарар етказишни қасд қилди. Лекин унинг деганидек бўлмай, Аллоҳ таоло айтганидек бўлди. Кўз олдида бўлиб турган улуғ мўъжизани кўргандин кейин дарҳол иймон келтирмаган бўлса ҳам, ёмонлик қилишдин бутунлай кўнгли қайтди. Шунинг учун йўл бўйида келаётган хамма қувғувчи кишиларни турлик сўзлар билан ишонтиргандин сўнгра, ҳаммалари йўлдин қайтиб кетдилар.

Эргалаб душманлик билан чиққан Сууроқа кечқурун дўстлик ила уйга қайтди. Шунинг билан Пайғамбаримиз Сууроқадан ажрашиб, туни билан тўхтамай юрдилар. Йўл иян (холи) бўлиб, ҳеч киши йўлиқмади. Тонг отиб, тушга яқинлашганда бир улуғ тоғнинг дўқмишига келдилар. Тоғ бағри остида қалин қўланка кўринур эди. Шунга келиб тушдилар. Абу Бакр Сиддиқнинг сафар учун олган тери тўнлари бор эди. Уни соялик ўринга солиб, сўнгра:

— Ё Расулаллоҳ, узун тун ўтиб ухламадингиз, бу ўринда бироз ухлаб олинг, мен қоровуллик қилиб турурман, — деди.

Расулаллоҳ ётиб ухладилар. Шу орада қўй боқиб юрган бир чўпон кўринди. Анинг қўй-эчкилари ичида сутлик совлиқлари бор эди. Андин Абу Бакр Сиддиқ бир оёқ сут сўраб олдилар. Расулаллоҳ уйқудин уйғонгандин сўнгра, у сутни ичдилар. Сўнгра кўчадиган вақт келиб, у жойдин ҳам жўнашди. Йўл узасида ўтирган, Умму Маъбад номлик, араблар ичида машҳур бир хотун бор эди. Шунинг уйига кечга томон келиб тушдилар. Шу йиллари очарчилик бўлганлиқдин, моллари ориқ, соғинлари йўқ эди. Пайғамбаримиз у хотундин ичгани сут сўрадилар. «Агар сизларда гўшт, хурмо топилса, сотиб олгаймиз», дедилар. Ул хотун эрса, бу муборак меҳмонларни ким эканлигини билмас эди. Сўнгра у хотун:

— Агар бизда емак-ичмақдин бирор нарсамиз бўлса, сизлардек азиз меҳмонлардин ҳеч аямас эдик, йўқчилик ёмон экан, ҳижолатга қолдик, — деди. Очиғидин юролмай, ориқлиғидин ўтлоққа чиқолмай қолган бир соғлиқ қўй шу ерда ётган эди, Пайғамбаримизнинг кўзлари шу қўйга тушиб:

— Эй Умму Маъбад, агар рухсат қилсанг, шу қўйни соғиб кўрайлик, — дедилар. Умму Маъбад:

— Ориқлиқдин қоқ суяк, қуруқ териси қолмишдур. Очиғидин кучи кетиб ётмиш, қўчқор кўрмаган совлиқдур. Унда сут қайдин бўлсин, кошки бу қўйда сут бўлса эди, соғиб кўринг, — деди.

Анда Расулаллоҳ туриб, қўй олдига келдилар, «бисмиллоҳ» деб, қўйнинг орқа-олдини силаб эдилар, қўй ирғиб туриб, бошқача бир ҳолга кирди. Буришиб, ёпишиб ётган елин-эмчакларини қутлуқ қўллари билан ушлаб туриб, «Эй бор Худоё, бу қўйимизга баракот бергил», деб дуо қилиб эдилар, шу онда у қўй семи-

риб, елини чотига сифмай чотраб чикди. Бир катта чора (идиш) келтуриб, ўзлари соғдилар. Ҳиёл ўтмай, бу чўнг чора лиқ тўлиб, ўн-ўн беш киши ичса ҳам қондиргудек бўлди. Бошлаб уй эгаси Умму Маъбадга ичирдилар ва катта-кичик унинг кишилари, ундин сўнгра Ҳазрати Абу Бакр бошлиқ ўз йўлдошларига ичириб, бариларини қондириб, сутта тўйдирдилар. Энг кейин ўзлари ичиб, «соқил қавми охирухум шурбан», яъни, «қуйгувчи киши энг охирида ичиши керак», деб умматларига адаб ўргатдилар.

Расулуллоҳнинг шу қилган ишларида бизларга неча турлик масала маълум бўлди. Биринчиси шуки, қўйни ўзлари соғдилар, уни ўзлари қуйиб, ҳаммага ичирдилар, бу хизматни бошқаларга буюрмадилар. Бу ишлари эса, уммат бошлиқларига таълим бўлди. Яъни, улуғларнинг тавозеъли бўлиб, кичикларга хизмат қилиш йўлини кўрсатди. Иккинчиси шуки, агар меҳмонлар ўз овқатларидин еб-ичмоқчи бўлсалар, уй эгасидин бошлашлари керак экан. Учинчи, қуйгувчи кишининг охирида ичишини очик айтиб, кўрсатдилар. Чуқурроқ қараган одамга булардин бошқа одоблар маълум бўлиши мумкиндур. Шунинг билан Пайғамбаримиз у ердин ҳам чиқиб, яна ўз йўлларига тушдилар. Бундоғ улуғ мўъжизани ўз кўзи билан кўрган Умму Маъбад ҳайрон бўлиб, ўгириб қолди. Шу кун ич кечкурун унинг эри Аксам деган киши бир неча ориқ қўй-эчкиларини уйига ҳайдаб келаётиб, йироқдин чодир ичидаги оқариб турган сутларга кўзи тушди. Бу ишга ажабланиб:

— Эй Умму Маъбад, — деб қичқирди. — Ориқликдин юрмакка кучи келмаган ёлғиз қўйингдин бошқа бу ерда қўй йўқ эди, идиш-товоқлар тўлган сут кўраман, буни сен қайдин топдинг, кимлардин олдинг? — деди. Анда Умму Маъбад:

— Ҳеч кишидин сут олмадим, ажойиб кишилар кўрур эдинг, ўзинг уйда бўлмадинг, бир муборак киши бутун бизга қўнов бўлиб ўтди, анинг баракот қўлидин уйимиз сутга тўлди. Кўтарам бўлиб ётган қўйинг энди қандоқ бўлиб ётмишдур, ани кўргил, — деб қиссани баён қилди. Анди унинг эри:

— Эй Умму Маъбад, анинг юзи-кўзи қандоқ эрмиш, сифатини менга қондириб айтгил, онглайин, — деди. Сўнгра Умму Маъбад Пайғамбаримизнинг кўриниш сифатларини шу йўсинда баён қилди.

— Ул кишининг кўриниши шундоқ эди: очик, ёриқ,



кулар юзлик, кўзининг оки оппоқ, қораси тим қора, киприклари қуюқ, озгина узунроқ, уни (товуши) ортиқча ўткир эмас, кўп паст ҳам эмас, товуши қулоққа бек ёқимли, ўрта бўйлик, қилич бўйинлик, қийпош қошлик, улуғ бошлик, текис қоринлик, сўз қилса — савлатлик, сўзламаса ҳайбатлик, гаплари тизилган гавҳардек. Унинг олдидан уч нафар йўлдошлари бор, сўз қилса, жон қулоғи билан тинглайдилар, иш буюрса, баробар югурадилар, жон-танлари билан хизмат қилдилар, — деди. Бу сўзларни эшитгандин кейин:

— Худо ҳаққи, бундоғ улуғ сифатларга эга бўлган одам шу кунларда пайғамбарлик даъвоси билан Қуррайшдин чиққан кишидин бошқа бўлмагай, агар мен уни кўрган бўлсам эдим. дарҳол иймон келтириб, анга байъат қилур эдим. Ҳали ҳам бўлса, албатта, бу ишни бажарурман, — деди.

Муътабар тарих китобларининг айтишларича, шу муборак муъжиза — совлиқ қўй Ҳазрати Умарнинг халифалик замонларида ҳам борлиги маълумдур. Шундоқки, Ҳазрати Умар даврида, тарихи ҳижратнинг 17—18- йилларида йил қуруқчилик келиб, қаҳатчилик бошланди. Тоғу тошларда, дала-чўлларда ваҳший ҳайвонлар ҳам оғзига илингудек ейдурган нарса тополмай, оч қолишди. Очликка чидай олмаганиқдин, шаҳар қишлоққа, одамларнинг уйларига кириб келишар эди. Ўшал кунларда ҳаводан кул рангида бир турлик тупроқ ёғиб турди. Шунинг учун араблар у йилнинг отини «Омуррамод» қўйдилар, маъноси «кул йили» деган бўлур. Бутун халқни очлик қоплади. Сўйилган ҳайвонларнинг гўшти ориқлигидин жирканарлик эди. Мана шундоқ оғирчилик кунларда Умму Маъбаднинг у муъжиза қўйи бутун бир оилани баракот сути билан тўйғизиб турди. Бошқа ҳайвонлар эса очлигидан қирилмоқда эди. Аммо бу қутлуғ қўйнинг қаёқдин еб, қандоқ тўйиб юрганлигини ҳеч ким билмас эди. Ҳазрати Умар халқ устига тушган бу оғирчиликларни кўриб, қаттиқ қайғурдилар. Бу очарчилик балосидин барча халқ қутулмагунча, ўзлари сут ичмасга, гўшт-ёғ эмасга қасам қилиб: «Бошқа одамлар егудек нарса топа олмасалар, бизларнинг лаззатлик овқат ейишимиз қайси инсофдин бўлгай, кўпчилик халқ тортган очлик аламини бирга тортишмасам, Худо олдидан нима дейман?» дедилар. Анда Каъбул Аҳбор:

— Ё амирал муъминин, бани Исроил қавмига

ёмғир ёғмай, қаҳатчилик бўлганда, ўтган пайғамбарларнинг авлод-уруғларини шафеъ келтириб, ёмғир тилаб, дуо қилсалар, қабул бўлура эди, — деди. Анда Ҳазрати Умар халқни йиғиб, ёмғир талаб қилиб, саҳрога чиқдилар. Хутба ўқиб, дуо қилиб турганда, «Эй бор Худоё, нима хожатимиз бўлса, илгари сенинг Пайғамбаринг Расулуллоҳни восита қилар эдик, энди у зот бўлмагач, ўрнига амакиси Аббос ибн Абдулмутталибни шафеъ келтирдик. Эй бор Худоё, шу бандангнинг ҳаққи-хурматида дуоимизни қабул қилиб, раҳмат ёмғирини ёғдиргил», дейиши билан тарновдин тўкилгандек ёмғир ёға бошлади. Йиғилган халқ тарқалиб, уй-уйларига етмасдин илгари, кўчалардаги сув сел бўлиб оқди. Шунинг билан қаҳатчилик халқ устидан кўтарилди.

— Сизнинг ҳурматингиздан дуоимиз ижобат бўлди, — дейишиб одамлар ҳазрати Аббосни, эгик бошларини силашиб, зиёрат қилишга эди. Чунки бундин илгари ҳам бир неча қайта ёғин тилаб, дуо қилишганларида, ижобат асари бўлмаган эди. Арабистон ўлкасида тоғлардин келадиған улуғ анҳор сувлари бўлмагач, уларнинг тамом тирикчилик ишлари фақат ёмғир сувларига қарашлиқдур. Ёғинлик йиллари тўқчилик, арзончилик бўлура. Агар йиллар қуруқ келса, халқ қаҳатчиликка қолгайлар. Расулуллоҳнинг муборак замонларида шундоқ қуруқчилик йиллари бўлган эди. Ёмғир талаб қилиб, минбар устида ўқиган хутбалари тамом бўлмай туриб, ёмғир ёққанлиги ҳадис китобларида машҳурдур. Шунинг учун бундоғ қаҳатчилик кунларида икки ракат «талаб намози» ўқиб, кўпчилик халқ билан дуо-истиффор қилиб, Аллоҳдин ёмғир талаб қилмоқ — бизларга суннат бўлиб қолди. Энди Пайғамбаримиз Маккадин Мадинага ҳижрат қилиб чиқиб, шу юрганларича Худо омонатида кетмоқда эдилар. Аммо Қурайш халқи ва Макка шаҳридаги баъзи мўминлар Пайғамбаримизнинг ҳижратлари қайси ёққа бўлганлигини аниқ билолмадилар. Гумон билан ҳар турлик сўзлар эл ўртасида кўпайган эди. Мана шу орада мўмин жинлардин бириси, тубандаги шеърни ўқиб, ҳаво билан Макка шаҳри устидан ўтди. Бутун халқ унинг кўшиғини эшитдилар. Шеър:

*Жазаллоҳу раббунноси хайра жазоиҳи  
Рафиқайни ҳалло хайматай Умми Маъбади,*

Бу қўшиқни айтган чоғда ҳаво тарафидин товуш эшитилиб, аммо айтгувчининг ўзи кўринмас эди. Товушга қараб, бир мунча одамлар йиғилишган, ашула овозига қулоқ солиб, унинг орқасидин эргашур эдилар. Юқориги шеърни ўқиб, мўмин жин Макка шаҳрининг бир томонидин кириб, иккинчи томонидин чиқиб кетди. Шеърнинг маъноси: «Умму Маъбаднинг уйига туш вақтида тушган икки йўлдошга Худо яхшиликлар берсун, булар у жойга яхшилик билан тушдилар. Яна у жойдин яхшилик билан чиқдилар. Ҳар ким Муҳаммадга йўлдош бўлса, яхшиликдин бошқани кўрмагай, у одам бахтлиқ кишилардин бўлгай». Макка халқи бу шеърни эшитгандин сўнгра Пайғамбаримизнинг Мадинага ҳижрат қилганларини билдилар. Чунки Умму Маъбаднинг турган жойи Мадинага кетар йўл устида эди. Бу жойдин ўтганларини онглашиб Мадинага ҳижрат қилганлари маълум бўлди. Йўлбошчилари Абдуллоҳ ибн Урайқит араблар ичида машҳур қоловулардин (йўл бошловчи) эди. Душманларнинг кўнглига келмаган, ҳеч ким билмаган йўллар билан юриб-ўтириб, Мадина тарафига яқинроқ ерда «Аслам» қабиласига қарашлик бир манзилга келдилар. Шу қабиланинг раисларидан Бани Даҳ ибн Ҳасиб деган киши ўлжа олиш умиди билан, ёроғлик саксон одам олиб, йўл тўсиб чиққан эди. Бир жилға оғзидин Пайғамбаримизнинг қаршиларига саф боғлаб чиқиб келдилар. Лекин унинг Расулуллоҳга кўзи тушган ҳамон аҳволи ўзгарди, ёмон ниятидин кўнгли қайтди. Йўлдошларига қараб айтдиким:

— Бундоқ яхши юзлик киши Ҳудога ёлғон айтиб, йўқ туҳмат сўзни қандоқ қилсин? Бу ишни пайқамасдин унга бир озор етказур бўлсам, улуғ хато қилган кишилардин бўлурман. Яна ўз оғзидин сўз онглашим керак, — деб, араб йўсинида Пайғамбаримизга «Ҳай-якаллоҳ», деб салом берди.

Анда Расулуллоҳ:

— Ким бўлурсан, отинг нимадур? — деб сўрадилар.

— Отим Бурайдадур, ўзим Аслам қабиласидин эрурман, — деди. Анда Пайғамбаримиз Абу Бакрга қараб:

— Иншааллоҳ, ўзимиз саломатлиқда бўлурмиз, бу ишимиз бизни роҳатга чиқаргай, — дедилар. Пайғам-

баримизнинг бир одатлари — кишининг яхши сўзидин фол олур эдилар. Юқориги кишининг оти — Бурайда, қабиласи Аслам эди. Бу икки сўзнинг маъноси: биринчиси, «салқин», иккинчиси, «саломат» деган бўлур. Араб ерлари иссиқ бўлғоч, алар учун салқинлик — роҳат эди. Шу икки оғиз сўзни Пайғамбаримиз яхшиликка йўйиб, «ўзимиз саломат, ишимиз роҳатлик», дедилар. Шунинг учун Ислом шариатида яхши сўз, яхши ишларни яхшиликка йўйиш суннат бўлди. Булар-бўлмас ишлардин чўчиб, ирим-сирим қилиш шариатда дуруст эмасдур.

«Агар бир кимса, бирор нарсадин ёмон фол олиб, кўнгли чўчиса: «Ҳар яхшиликни бергувчи, ҳар ёмонликдин қутқазгувчи — Аллоҳдур», деб ўз ишида давом этсун», деган ҳадис Пайғамбаримиздан ривоят қилинди. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Пайғамбаримиз:

— Эй Бурайда, мен Аллоҳ тарафидин келган ҳақ пайғамбардурман, бутун олам халқига тўғри йўл кўрсатгани, уларга ҳақ дин ўргатгани келдим, сени ҳам шу динга даъват қилурман, — дедилар. Буни онглаб, Бурайданинг кўнглига иймон нури кириб, тавфиқ-илоҳий ёр бўлди. Дарҳол шаҳодат айтиб, Ислом динини қабул қилди. Шунинг билан бирга ўлжа излаб чиққан саксон киши барчалари баробар мусулмон бўлдилар. Сўнгра ҳазрати Бурайда айтди:

— Ё Расулаллоҳ, биз Аслам қабиласи, ўз ихтиёримиз билан Ислом динини қабул қилдик, бу давлатни бизга насиб қилгувчи Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин. Энди шу кўпчилигимиз билан Мадина шаҳрига киргаймиз. Кўпчилик аскарнинг кўрки туғ (байроқ) бўлур, агар рухсат қилсангиз, олдингизда байроқ кўтариб кўрур эдим, — деди.

Расулаллоҳ бу ишни маъқул кўриб, рухсат қилдилар. Дарҳол Бурайда бошидаги дасторидин йиртиб, байроқ ясаб, кўтарган ҳолда Мадинага кирдилар. Расулаллоҳ олдиларида Ислом оламида биринчи навбат кўтарилган байроқ шул эди.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ МАДИНАГА КИРИШЛАРИ

Мадина мусулмонлари эса Пайғамбаримизнинг ҳижрат ҳаракатларидин хабардор эдилар. Келар кунларини мўлжаллаб, ҳар куни йўл тўсишиб, Ҳарра деган

тошлоққа чиқишар эди. Кун қизиганчалик шу ерда кутишиб ўтириб, сўнгра қайтишур эдилар. Уч кунгача ҳар куни йўл тўсишиб, истиқбол маросимини ўтказдилар. Пайғамбаримизнинг Савр ғорида уч кун ётганлари ошиқча бўлганликдан, келар мўлжалларидин уч кун ўтган эди. Шу учинчи куни Мадина мусулмонларидин ансор, муҳожирий саҳобалар бошлиқ ёш-қари, эркак-аёл демай, барчалари Пайғамбаримизни кутиб, истиқбол маросими ила йўлга чиққан эдилар. Ҳар қандоқ бўлса ҳам шу кунда келишларига жазман кўз тутилур эди. Кун иссиғи халқнинг бўйинларини куйдиргунчалик кутиб туришдилар. Хабарлари бўлмагач, ночор тарқашдилар. Шу чоғда ерлик яҳудлардан бириси ўз ҳожати учун бир эгиз дўнг устига чиққан эди, у ён-бу ён қараб турганида Макка томонидин келар йўл устида, йироқдин туя минган бир тўп кишиларнинг қораси кўринди. Буларнинг неча кунлардин бери тўсишиб юрган кишилари келаётган бўлсалар керак деб:

— Эй араб эли, бахтинглар келди, иқболинглар очилди, — деб ихтиёрсиз қаттиқ қичқиргали турди.

Йўл тўсиб чиққан бутун халқ буни онгладилар, қарасалар, йироқдин кўринган бир тўп қора ичида икки оқ либос кийган кишилар кўринмоқда эди. Буларнинг бириси Расулulloҳ, иккинчиси Абу Бакр Сиддик эдилар. Яна шул куни Мадина мусулмонларининг Шом тижоратидин қайтмоқда бўлган савдогарлари йўлда Пайғамбаримизга йўлиқиб қолдилар. Алар ичида улуғ саҳобалардин Зубайр ибн Аввом бор эди. Ҳар икки томондин келган мусулмонлар Мадинага кирар вақтларида Пайғамбаримиз билан кўришиб, бирлашганлари энг кўнгилли иш бўлиб, бунга бек қувонишдилар. Шунинг устида ҳазрати Зубайр Шомдан олган либослардин икки оқ чопон чиқариб: «Ё Расулаллоҳ, янги келишингиз учун, янгилик бўлсун», деб ҳар икковларига кийгазиб қўйган эдилар. Йироқдин яҳуднинг кўзига кўринган оқлик шу эди. Бу нидо эшитилгандин сўнгра, бутун Мадина халқи яроқ-ясоқлари ила кўзгалдилар. Бу тўсиб чиқишган кўпчилик халқ ичида катта-кичик, эркак-аёллар, кул-чўри, ўғил-қизлар кўп эди. Қўлларида чилдирма чалиб туришган ёш жория қизлар ҳам бор эди. Пайғамбаримизнинг қадамларига қувончлик қилиб, шу қўйидаги шеър қўшиғи ўқилмоқда эди:

Талаал багру алайно  
Мин санийетил Вадои  
Важабаш шукру алайно  
Модао лиллоҳи дои,  
Аййухал мабъусу фино  
Жеъта бил амрил мутои.

Маъноси:

Тўлин ой чиққу бизларга Вадо тоғининг устидин  
Керакдур шукрини айтмоқ, бу гунё борича биздин  
Келибсиз, хуш келибсиз, эй юбормиш тангрининг  
нури  
Қабул этмак эрур биздин, Худо амри келур сиздин.

Шунинг билан Расулуллоҳ Мадина шаҳридин тўрт чақиримча узоқликда бўлган Қубо деган қишлоққа келиб, Бани Амр ибн Авф маҳалласида Гулсум ибн Хаддам деган киши уйига тушдилар. Рабиул аввал ойининг ўн иккинчи, душанба куни эди. Мисрлик Маҳмуд ношо Фалакийнинг ҳисобича, милодий тарихи билан 20 сентябр 622 йилида эди. Ислол динининг ривожини шу ҳижрат сўнгида бошланганича, Ҳазрат Умар бошлиқ бутун саҳобаларнинг иттифоқлари билан, Ислол тарихини шу ҳижратдин бошладилар. Ой илгари бўлса ҳам, йил бирлигини эътиборга олдилар. Пайғамбаримизнинг Мадинага келишлари рабиул аввал ойида бўлса ҳам, ҳижрат тарихининг боши Муҳаррам ойидан ҳисобланади. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилмасларидин илгари ўн уч йил Маккада турдилар. Бу муддат ичида Пайғамбаримиз бошлиқ бутун мусулмонлар Қурайш мушриклари томонидин қилинган сиқинди (тазйиқ) остида турдилар. Эркинлик ила ибодат қилмоқлари у ерда ясоқ (чекланган) эди. Бу қутлуғ ҳижратдин сўнгра бутунлай ишлар ўзгарди. Шунинг учун дин тўғрисида сиқинди кўрганларга ўз жойидин ҳижрат қилмоқлик суннат бўлди. Диний ҳижратлар ҳар ернинг шароитига қараб фарз бўлиши ҳам мумкиндур. Бу янғлиқ ҳижрат қилиш ёлғиз бизнинг Пайғамбаримизга хос бўлмай, ўтган пайғамбарлардин ҳам бир нечалари ўз эл, ўз ерларида ишлари ривожланмаган чоғда, бошқа ёққа ҳижрат қилдилар. Иброҳим алайҳиссалом Бобилдин Шомга, Исо алайҳиссалом Шомдин Мисрга ҳижрат қилганлари тарих китобларидан маълумдур. Яна, Байтуллоҳни айланниб, тавоф қилган ҳожиларнинг оёқ остиларида кўмил-

ган тўрт юз пайғамбар борлиги ҳадисда ривоят қилинур. Шу зотларнинг барчалари ўз қавмларидин кулфат кўриб келганларида шак йўқдур. Яна шуни билмак керакким, Расулulloҳ ўн уч йил Маккада турган кунларида диний эътиқодлардин икки улуғ асосни халққа ўргатдилар.

Биринчиси — тамом оламни яратувчи — қудрати улуғ ёлғиз Тангридур ва унинг оти арабча Аллоҳдур. Сифати «Лайса камислиҳи шай» (ليس كمنه شيء) эрур. Яъни: «Ўхшаши, тенгдоши йўқдур. Аршдин — фаршгача, заррадин — қуёшгача, тамоми оламда, ҳар жойда ва ҳар нарсаки бўлур бўлса, ҳеч қачонда, уларнинг ҳеч бириси Аллоҳдин изнсиз, Парвардигордин рухсатсиз бўлиши мумкин эмас», деб аниқ ишонмақдур. Шу айтилмиш нарсаларнинг барисига шаксиз, чин кўнгли билан эътиқод қилмақдур. Мана, Исломнинг асли асоси, улуғ илдизи шуддур. Мисоли бир дарахтдурки, бунинг етмиш неча шох-бутоқлари бордур. Шариат буюрган фарз ишлар — бу дарахтнинг улуғ шохлари дур. Бундин кичиклари — вожиблардур. Ундин ҳам кичикроқлари бўлса, суннатлари дур. Шарм-ҳаё, иймон дарахтнинг кўркамлик катта шохларининг бирисидур. Шунинг учун Пайғамбаримиз:

«Ҳаёси йўқнинг — иймони йўқ» дедилар. Калимаи таййиба: «Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулulloҳ» иймон дарахтининг танасидур. Яъни, шу калимани тили билан айтиб, маъносига чин кўнгли билан ишонмоқдур. Бу дарахтнинг энг кичкина бутоғи — оёққа илинарлик, кўз жирканарлик нарсаларни йўлдин йироқ қилмақдур. Аллоҳ таоло ўзининг мўмин қулларига бу дарахт тарбиятини топширди. Мўминларнинг қилган тоат-ибодатлари — иймон дарахтининг тарбиятлари бўлди. Кутилмаган, тарбиятсиз қолдирилган дарахтлардин ҳосил олган кишини ким кўрди?

Энди шу юқоридаги сўзларнинг мазмунини тўплаб, қискартириб келганимизда, арабча бир оғиз «тавҳид» калимасининг маъноси бўлади. Демак, Расулulloҳ ўн уч йил Маккада турган чоғларида бутун халқни шу тавҳидга чақирдилар. Чунки у замон араблари уч фирқага бўлинган эди. Биринчиси — Қурайш бошлиқ Арабистон халқининг энг кўпчилиги мушриклар эди. Яъни, булар Аллоҳ таолони улуғ Худо, барча оламни яратувчи, деб била туриб, яна бутларга топинур эдилар, буларни ҳам фойда-зарар еткурмакка қудратлари бор,

деб айтишур эди. Бу ҳақда ҳужжат бўлгудек асослари, оғизга олгудек сўзлари йўқ эди. Ёлғиз ота-боболари тутиб ўтган йўл-йўриқ бўлганликдин, шуларга эргашган қуруқ тақлиддан бошқа нарса эмас эди. Иккинчиси — араб яҳудийлари, учинчиси — араб насоролари эдилар. Яна булар ичида оз сонли даҳрийлар ҳам топилур эди. Мана шу фирқаларнинг барисига қарши «Қул ҳуваллоҳу аҳад...» оят ила бошланувчи сура нозил бўлди. Бу сурадаги тўрт оятнинг мазмуни билан бутун дунёда бўлган ботил, бузуқ динларнинг барчаси рад қилинди.

Ихлос сураси — Тавҳид сураси деб аталмоғининг сабаби ҳам шуддир. Тўрт оятлик, қисқагина бир суранинг, Пайғамбаримиз айтишларича, Қуръони каримнинг учдан бирига баробар бўлиши шунинг учундир. Пайғамбаримиз Макка шаҳрида ўн уч йил турдилар, шунинг муддат ичида халқни икки энг улуғ диний асосга таклиф қилдилар, дедик. Биринчиси, тавҳидни юқорида баён қилиб ўтдик, иккинчиси эса, қиёмат кунининг бўлишига чин кўнгли билан ишонмақдур, яъни Аллоҳ таоло ўн саккиз минг оламни яратди. Арш, курси, Лавҳу қалам, тўққиз фалакни йўқдин бор қилди. Олам ичида одамни халқ этди. Энди аларнинг яхшилари бўлганидек, ёмонлари ҳам бордур. Балки ёмонлари яхшиларидин кўпдур. Милён-милён инсонларга фойда етказувчилар бўлганидек, буларга қарши зиён қилгувчилар ҳам кўпдур. Булар эса ҳар кимнинг кўз олдидин ўтиб турадур. Яхши-ёмон, ҳар икки тоифа ҳам ажаллари етган кунни ўлсалар, бу дунёдин кетадилар. Пайғамбарлар каби не яхши зотлар бутун умрларини халқ ғамида ўтказиб, халққа қилган хизматлари, яхшиликлари учун, ҳаётликларида заррачалик ажр кўрмасдин, роҳат топмасдин бу дунёдин ўтдилар. Яна бир қанча золим қонхўрлар зулм қила-қила бутун дунёни ноҳақ қонга тўлғазиб, тириклигида ҳеч бир жазо кўрмасдин, улар ҳам кетдилар. Мана энди бошқани қўйиб, ақлга қараганда ҳам, албатта, қиёматнинг бўлиши керақдур. Инсонлар учун шундоқ бир жой бўлсинким, дунёда қилган ишларига қараб, аларга жазо берилсин, бунинг устига, Худо тарафидин юборилган шунча кўп пайғамбарлар барчалари, қиёмат кунининг бўлишидин хабар бердилар.

Демак, бу куннинг келиши ҳам ақлий, ҳам нақлий далиллар билан исботланган бўлди. Яна, Худо тарафи-



дин тушган улуғ китоблар — Таврот, Забур, Инжил, Куръон, булардин бошқа пайғамбарларга келган китобларда ҳам қиёмат, Арасот аҳволлари баён қилинган дур. Агар қиёмат бўлиши инкор қилинса, милён кишига фойда етказган киши билан, шу баробар, кишиларга зиёни етган золимнинг ҳеч фарқи қолмайди. Бундоқ бўлиши, албатта, ақлга тўғри эмасдур. Шунинг учун Маккада тушган суралар, биринчиси тавҳид, иккинчиси, ўлгандин сўнгра гирилиб, қиёматнинг бўлиши — шу икки масала билан тўлдирилгандурлар. Яна ўз сўзимизга келайдик.

Юқорида айтилишича, Пайғамбаримиз Мадина тупроғига қадам қўйганларида, дастлабки тушган жойлари Мадинадан беш-олти чақирим ердаги Қубо қишлоғи эди. Шу жойда бир неча кун турдилар. Биринчи қилган ишлари — шу ўринда бир масжид бино қилдилар. Расулulloҳнинг амрлари билан саҳобалар кўп миқдорда тош йиғиб келтирдилар. Масжид ўрни белгилангандин сўнгра Расулulloҳ масжид қибласини тўғрилаб, муборак қўллари билан шу масжидга ул (пойдевор) қўйдилар. Ислом оламида ер усти бўйича энг аввал қилинган жамоат масжиди шу эди. «**Ламасжидун уссиса алаттақво**», деган оят шу масжид ҳақида нозил бўлди. Маъноси: «*Тақво — иймон узасига (устига) қурилган масжиддур*». Бунинг ичида намоз ўқигувчилар зоҳирдаю ботинда покликни дўст тутувчилардур. Шундоқ покликни Аллоҳ ҳам дўст тутади. Шу мазмундаги оят билан Аллоҳ таоло Қуръони каримда шу масжидни ва бундаги намоз ўқигувчи мусулмонларни мақтайди. Энди Пайғамбаримиз бу жойда неча кун турганлари ҳақида ихтилоф бордур. Кўпроқ рабиул аввалнинг ўн иккиси, душанба куни келдилар, шу жойда уч кун туриб, жума куни Мадина шаҳрига кирдилар деб ривоят қилинади. Бу киришлари эса, Ислом оламида энг кўриклик, кўркам, қутлуғ кун эди. Бутун дунё бўйинча, ҳақиқат аҳлининг байрам қуёши шу кунда туғилмиш эди. Буларга қарши ибдис малъун ва унинг маслақдошлари учун энг оғир, қора, мотам кунлари келмиш эди. Қубодин чиқар човларида «Касва» отлиқ туяларига минган эдилар. Муҳожир, ансор саҳобалар атрофларида қуролланган бутун халқ, ёш-қари, эркак-аёл эргашган ҳолда шаҳар сари юрдилар. Туя бурундуғини ушлаб, етаклашга қабила раислари орасида талаш бўлиб, қизғин равишда қизғанишлик туғилди.

— Ё Расулаллоҳ, қадами шарафингиз ила кимнинг кулбасини гулистон қилурсиз, қайси жойга тушурсиз? — деб сўрар эдилар. Буларга қарши:

— Мен минган туямга бу иш буюрилмишдур, қаерга чўкса, шунинг чўккан ўрни бизнинг манзилимиз бўлур, — дер эдилар.

Туянинг бурундуғи ўз бўйнига ўралган, бу қутлуғ жонивор ўз эркича юрмоқда эди. Пардасидан чиқмаган мастура қизлар Пайғамбаримизни кўришга қизиқиб, том устига чиққан эдилар. Дастлабки келишларида Қубога тушганларидагидек, шеърлар ўқилиб, шодиёна дафлар (чилдирмалар) чалинур, суюнчилик кўшиқлари айтилуур эди. Шу йўсинда бўлиб, халқ эргашган ҳолда, маҳалла оралаб, кўчадан-кўчага, ўрин излаган кишидек, туялари ҳар томонга қараб юрар эди. Ҳар эшиқдан чиққан кишиларга: «туя маъмурдур (буйруқ олган)» деб жавоб берар эдилар. Туялари шу юрганича юриб, Бани Адий ибн Нажжор маҳалласига келди. Пайғамбаримизнинг иккинчи боболари Ҳошим, шулардин уйланиб, боболари Абдулмутталиб мадиналик хотундин туғилган эди. Мана шу туғридан бу маҳалла халқи Пайғамбаримизнинг тоғалари бўлур эдилар. Туялари шу жойга келганда, Абу Аййуб Ансорийнинг эшиги олдига келиб чўқди. Туянинг чўккан жойи, шу кундаги масжиди шарифдур. Расулаллоҳ:

— Шу жой бизнинг манзилимиздур, иншааллоҳ, — дедилар. Туядан тушишлари билан шу оятни ўқиб ўтирдилар:

**«Робби анзилни мунзалан мубарокан ва анта хайрул мунзилийн».** Маъноси: *«Эй бор Худоё, мени қутлуғ, муборак ўринга туширгинки, сен туширувчиларнинг энг яхшисидурсан».*

Янги манзилга тушган вақтда бу оятни ўқимоқ бизларга суннат бўлди. Уй эгаси Абу Аййуб Ансорий дарҳол келиб, хуржун-халаж юкларини кўтардилар. «Кинининг юки қаерда бўлса, эгаси ҳам шу ерда бўлур», деб Пайғамбаримиз ҳам ортидин юрдилар. Яна шу жамоатдан Асъад ибн Зурора деган киши келиб, туяларини етаклаб, ўз уйларига элтди. Шу чоғда қабиланинг ёш қизлари қуйидаги шеърлар билан кўшиқ айтишиб, қувонишар эдилар:

*Бани нажжор аҳлининг ёш қизлари бўлурмиз  
Муҳаммаднинг келганин бахтимиз деб билурмиз*

*Хуш келдингиз бизга сиз, қадамингиз муборак  
Оёқ босган изингиз, кўзга сурма қилурмиз.*

У ёш қизлар шу шеърни ўқиганларида, Расулуллоҳ қараб: «Мени яхши кўрасизларму? Аллоҳ билур, сизларга муҳаббатим кўнглимда тўлиқдур», дедилар.

Абу Аййуб Ансорийнинг ост-устлик икки қават уйлари бор эди. Келиб кетган кишиларга оғирлик бўлмагай деб, Пайғамбаримиз остинги уйни ихтиёр қилдилар. Лекин Абу Аййуб Ансорий Расулуллоҳ хизматларига буни лойиқ кўрмай, ёлвориб юриб, ҳеч қўймай, охири юқориги уйга кўчирди. Муҳожир саҳобалар кўпчилиги Пайғамбаримиз билан бирга эдилар. Ансор саҳобалар аларни қизғанишиб, ҳар ким ўзига туширмоқ учун талашдилар. Охири бу ишни баҳоришда чек ташлашга маслаҳат тўхтади. Ҳар муҳожир қайси ансорнинг чекига тушса, шу жойда макон тутди. Маккадин ва бошқа жойлардин келган муҳожирлар орасида бола-чақаликлари йўқ ҳисобида эди. Худо йўлида ҳамма нарсаларини ташлаб чиққан эдилар. Пайғамбаримизнинг Қубодин чиқишлари жума куни бўлиб, жума намозининг вақти яқин бўлганликдин, Мадина ичига кираверишда бани Солим ибн Авф маҳалласида жума намозини ўқишга тўғри келди. Хусусий бир масжидда йиғилиб туришган юз чамалик кишиларга имом бўлиб, жума намозида шу хутбани ўқидилар. Кўпроқ ривоятга қараганда биринчи ўтаган жума намозлари, биринчи ўқиган хутбалари шу эди. Арабча матнини қолдириб, унинг мазмунини туркийча ёздим. Дастлаб, Худога ҳамду сано айтдилар, сўнгра дедилар:

— Эй одамлар, дунёда тирик турган чоғингларда, охиратга боришдан олдинроқ озиқ юборинглар. Улуф Аллоҳнинг ҳаққи билан қасам қилурман, ҳар бир киши ўлгандин сўнгра Худо олдига боргай, барча молу дунёларини бу жойда қолдиргай, сўнгра Аллоҳ таоло орага тилмоч солмасдин, ҳеч кимни орачи қилмасдин у қулга дегай: «Дунёда турган чоғингда юборган пайғамбаримиз сенга келган эди, бу кунларнинг келишини сенга билдирган эди, фазл-карамим билан сени йўқдин бор қилдим, ризқ бериб, сени тарбия қилдим, бу кунги ҳолда ўзинг учун бу жойга нима келтирдинг?» Анда ул киши ҳижолат бўлганидин ўнг томони, сўл томонига, олди-орқасига қараб, тамуф (дўзах)дин бошқа ҳеч

нарсани кўрмагай. Энди олдинларда шундай ишнинг борлиги ҳақдур, бу иш бир куни кўз олдинларга келур. Ҳар киши ортиқча тополмай, ярим хурмоси бўлса ҳам, шуни оз кўрмай, Худо йўлида муҳтожларга садақа қилсин. Дўзах ўтидин йироқлашгай, агар бу дағи (бу ҳам) бўлмаса, киши кўнглини олгудек бир оғиз яхши сўз бўлсин. Бу ҳам эҳсон қаторида ўтгай. Мўминнинг қилган яхшилиги энг оз бўлган-да, ўн баробар бўлиб ёзилур. Анинг ихлосига қараб, ўндан етти юзгача бир яхшиликнинг савоби бўлур. Ҳар келувчи нарса яқиндур. Ҳеч кимнинг шошганига қараб, Худо шошилмас, вақти келганида ҳар иш кечиктирилмас, киши бир ишни қилмоқчи бўлур, уни Аллоҳ ҳам қилмоқчидур, киши деганича бўлмас, Аллоҳнинг тилаганича бўлур. Уни кишилар суймасалар ҳам шу бўлур. Худо йироқлаштирган ишни ҳеч ким яқинлаштиролмас. Шуни аниқ билингким, Худодин изнсиз ҳеч бир иш бўлмас».

Кўринг буни, Субҳоналлоҳ қандоқ улуғ сўздур. Байт:

*Сўзи сўзлар ичига гавҳаридур  
Ўзи сўзлагувчилар сарваридур  
Агар мўминсан, ибрат ол бу сўзган  
Олурсан ҳар бирига етти юзган.*

Сўнгра Расулуллоҳ муҳожир-ансор саҳобалар ўрталарида диний бир қариндошлик боғладилар. Дедилар-ким:

— Аллоҳ айтмаган сўзни Аллоҳ айтди, демақдан ўзини сақласун, Худо йўлида икки-иккидин қардош бўлайлик деб, Ҳазрати Алининг қўлларини тутиб, менинг қардошим шудур, — дедилар. Икковлари охиратлик дўст бўлдилар.

Ҳазрати Ҳамза, шаҳидлар саййиди, Расулуллоҳнинг амакилари эрур. Зайд ибн Ҳориса билан дин дўстлиги боғладилар. Шунинг учун Ухуд тоғидаги уруш олдида ҳазрати Ҳамза Зайд ибн Ҳорисага васият қилган эди. Зайд ибн Ҳориса бўлса, Қуръонда исмлари келган, Расулуллоҳнинг боқма болаларидур. Ҳазрати Алининг оғаси Жаъфари Тайёр шу кунларда Ҳабашистонда бўлганлиқдин, ҳазрати Муоз ибн Жабал билан ғойибона диний биродар бўлдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Хорижа ибн Зуҳайр билан, Ҳазрати Умар Итбон ибн Молик билан, Ҳазрати Усмон Авс ибн Собит би-

лан, Ҳазрати Абу Убайда Саъд ибн Муоз билан, Салмон Форсий Абу Дардо билан, Ҳазрати Билол муаззин Абдуллоҳ ибн Абдурахмон билан, булардан бошқа ҳам бирмунчалари бор эди, сўз узайиб кетмасин деб, аларнинг исмларини ёзмадик. Пайғамбаримизнинг амрлари ила ансор ва муҳожир саҳобалар бир-бирлари билан диний биродар, охиратлик дўст бўлишдилар. Дин дўстлигидан чиққан муҳаббат, туғишган қариндошлик муҳаббатидин неча баробар кучлик эди. Чунки ансор саҳобалар муҳожир биродарларини ҳар ишда ўзларидан олдин тутдилар. Ҳеч бир нарсаларни алардин аямай, бутун мол-дунёларини ўртага солдилар. Шундоқки, бу диний дўстлик, охират биродарлиги боғланган сўнгида Саъд ибн Рабиъ дўстлари Абдурахмон ибн Авф олдига келиб:

— Эй Абдурахмон, мани ҳамма билур, Мадина аҳлининг молдор ва бойроғи мендурман, қўлимда борлик молимнинг тенг ярми сеники бўлсин, яна менинг никоҳимда икки хотуним бордур, бирини талоқ қилгаймани, илдаси тамом бўлгандин сўнгра ани хотунликка олгайсан, — деди. Анда биродари Абдурахмон:

— Сенинг аҳли аёлларинг, молу жонларингга Аллоҳ баракот берсун, бу ернинг бозорлари билан мени таништириб қўйгил, тижорат касби билан турмуш кечирсам яна яхшироқ бўлур, — деб анинг таклифини қабул қилмади.

Муҳожир ва ансор саҳобалар ўрталарида дўстлик муҳаббати шу даража қаттиқ боғланган эди. Молу дунёларини ўртага солишга олимсинмадилар (яъни, кўнгиллари тўлмади), икки хотунлик ансорлар, бирини талоқ қилиб муҳожир дўстларига ани тақдим қилиш фикрини қилдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуръони каримда ансорларни мақтаб, бу оятни индирди (туширди):

**«Ваюъсирувна ала анфусихим валавкана биҳим хасоса»**, яъни: *«Ансор саҳобалар муҳожирларни ҳар ишда ўзларидин ортиқ кўрурлар, шундоққим, улар ўзлари молга муҳтож бўлиб турсалар ҳам, нафсларидан кечиб, молларини аларга тақсим қилурлар»*, демақдур.

Чунки Худо йўлида қилинадиган барча яхшиликлар ичида энг улуғи ийсор (ҳадя) қилмоқдур. Ийсорнинг маъноси шу оят мазмунида баён қилинган ишдур. Шу юқорида айтилишича, бу боғланган чин дўстликда ҳар икки биродарнинг бириси муҳожир,

иккинчиси ансорийлардан бўлиши шарт эди. Аммо Ҳазрати Али ҳақида бу иш бўлмади. Балки Расулуллоҳ, у эр йигитнинг қутлуғ қўлини тутиб, «бу менинг қардошим», дедилар. Пайғамбаримизнинг буңдоқ улуғ илтифотларига учраганликдан дунё ва охираат шарафига эга бўлдилар. Худо ва унинг пайғамбари Расулуллоҳ оддида бу марди ҳақнинг қандай улуғ мартаба тошганлари бу ишдан маълумдур. Шундоқ бўлиб, ҳар бир муҳожир ўз дўсти бўлган ансорий уйида турар эди. Ва булар «мерос» ояти тушгунчалик бир-бирларига меросхўр бўлдилар. Сўнгра мерос ҳукми ўзгариб, ҳозирги кундагидек ҳар кимнинг ўз ворисларига тайин топди.

### **ИСЛОМ ОЛАМИДА ҚУРИЛГАН БИРИНЧИ МАСЖИД**

Пайғамбаримизнинг шу кундаги Мадинаи Мунаввара масжидида қурилган минбари шариф ўрнига туялари чўккан эди. Бу жой Абу Аййуб Ансорийнинг эшиги одди-да, шу маҳалла халқи бу жойни хурмо қуриштиш учун хирмон қилиб ясаган эдилар. Аслида бўлса, бу жой икки етим боланинг отасидин қолган мерос мулки эди. Пайғамбаримиз бу ерни сотиб оломоқчи бўлиб, аларни чақирдилар. Анда у етим болалар:

— Ё Расулаллоҳ, буни биз сотмоқчи эмасмиз, балки масжид учун сизга ҳадя қилиб, бу жойни тутдик, — дедилар. Пайғамбаримиз бу сўзни қабул қилмадилар, балки бу жойнинг етарлик баҳосини бериб, сотиб олдилар. Шунинг билан масжид биноси қурилиши бошланди. Узунлиги 63 газ (1 газ — 72 см), эни 54 газ эди. Бу ердан четроқда бир қудуқ оддида фишт-кесак қуйдирдилар. Саҳобалар шу жойдин фишт-кесакларни ташир эдилар. Расулуллоҳ ҳам шулар қаторида ишладилар. Ишнинг қизғин чоғида ишларни ташвиқ қилиш учун шу шеърни ўқиганлари ҳадис китобларида ривоят қилинди: «Аллоҳумма ло хойра илла хойрул ахира, фар-ҳамил ансора вал муҳажиро». Маъноси: «Охираат яхшилигидин ўзга йўқдур яхшилик, эй Худо, ансору муҳожирларни ўзинг раҳмат айлагил».

Бу масжиди шарифнинг туруклари (устунлари) хурмо ёғочидин ясалиб, ўтза устига хурмо шох-бутуқлари солинган эди. Том эгизлигини одам бўйидин ортиқроқ қилиб кўтардилар. Бу масжидга уч жойдан эшик оч-

дилар. Қибласи шимол томонида бўлиб, Қуддуси ша-рифга қаратилган эди, минбари йўқ эди. Кейинроқ халқ кўпчилиги бўлиб, аларнинг сўровларича, уч зина-лик минбар қўйилди. Аммо Расулulloҳ, замонларида, тўрт ёрнинг (Чориёрлар) даврларидаги масжидларда меҳроб йўқ эди. Умар ибн Абдулазиз умавия халифа-си Валид ибн Абдул Малик тарафидин Мадинага во-лий бўлиб келди. Мана шу чоғда масжидларга меҳроб қилиш одати бошланди. Бу муборак масжид ичига ҳеч қандақ зеб-зийнат қилинмаган эди. Ҳар турлик би-сотлардин жойнамослар солиш бу ён турсин, хурмо япроғидин тўқилган бўйраси ҳам йўқ эди. Ёғин-ёмғир кунларида лой бўлмасин деб жойнамос ўрнига майда тош, кум тўшадилар. Яна шу масжидга туташтириб, икки уй солинди. Бириси онамиз ҳазрати Савданинг уйлари, иккинчиси онамиз ҳазрати Оишанинг уйлари эди. Аллоҳ таоло мусулмонларга кунда беш вақт намоз ўташни фарз қилди. Бунинг ҳикмати эрса, Аллоҳ тао-ло ўз улуғлигини бандаларига эскартиб туришдур. Шу-нинг учун Пайғамбаримиз: Намоз — мўминларнинг меърожидур, дедилар.

Бунинг маъноси шуки, мўмин банда ҳар куни Аллоҳ ҳузурига беш қайта келиб, ўзининг мўминлик аҳдида турганлигини билдиради. Шунинг таъсири билан улуғ қудратлик Аллоҳни кўнглидан чиқармай, анинг буй-руқларини ўринлаб, қайтаруқларидин ўзини сақлайди. Намоз ўқишдан асли мақсад — Аллоҳни эскартишдур. Аллоҳ таоло Қуръонда **«Ақимус солата ли зикрий»** деди. Яъни: *«Мени ёд қилиш учун намоз ўқинг»* демак-дур. Аллоҳ ёди билан адо топмаган намоз ҳақиқатда намоз ҳисобланмайди. Ҳақиқий намоз ўқишдан улуш олгувчи мўминлар, албатта, бузуқ йўллардин йироқ, гуноҳ ишлардин четроқдурлар.

Чунки Аллоҳ таоло Қуръонда **«Иннас солата тан-ҳа анил фаҳшаи вал мункар»** оятини келтирди. Маъ-носи: *«Намоз, албатта, намоз ўқигувчи кишиларни бар-ча гуноҳлардан қайтарадур»* деган бўлур. Бунинг сўнги-да яна «Валазикруллоҳ акбар» деди. Маъноси: *«Аллоҳ-ни ёд қилмоқ барча нарсалардан улуғдур»*, бунинг улуғ-лиги шулки, намоз ўқигувчи мўминнинг кўнглини Ўз нури ила ёритгай. Бошқа гуноҳ ишларни кўнглига сиғ-дирмагай. Шунинг учун Пайғамбаримиз айтдилар: «Агар намоз ўқиб юрган киши гуноҳ ишлардин қайт-мас эрса, аниқ билсинким, Худо олдида анинг намози

мардуд экандур». Яна Расулаллоҳ фарз намозларини жамоат билан ўқишга қаттиқ буюрдилар. Чунки бу баҳона ила ҳар кунда беш қайта мўминлар бир-бирлари ила кўришиб тургайлар. Дунёлик ва охиратлик ишлари ҳақида кенгашиб, ҳожатларини ўташгайлар. Кун сайин кўришиб турсалар, меҳр кўзда, деганидек, бир-бирларига улфат ва муҳаббатлари ортур.

Умматларига жамоат намозини тайинлаб, шундай дедилар: **«Солатул жамоати тафзулу ала солатил фаззи сабъан ва ишрийна дарожатан»**. Маъноси: *«Жамоат билан ўқилган намознинг савоби ёлғиз ўқилган намознинг савобидан йигирма етти баробар ортиқ»*, демақдур.

### АЗОННИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ҳар намознинг вақти кирганда масжидга жамоат йиғилиши учун йироқ-яқинда турган мўминларга билдириш керак эди. Бу тўғрида қандоқ чора кўрамиз, деб Пайғамбаримиз саҳобаларига маслаҳат солдилар. Алардан бирови: «Ё Расулаллоҳ, ҳар намоз вақти кирганда эгиз жойга байроқ чиқариб осайлик», деди. Ухлаган одамга, кўрмаган кишига фойдаси йўқлигидан, буни маъқул кўрмадилар. Яна бирлари тепалик устига ўт ёқиш маслаҳатини кўрсатди. Бу иш оғашпарастлар иши, деб бунга ҳам рози бўлмадилар. Тагин бировлари туриб, ҳар намоз вақтида буғ (карнай) чалайлик деди. Яҳудларнинг ибодат вақтидаги одағлари бўлганликдин Расулаллоҳ буни ёқтирмадилар. Чунки яҳуд, насороларга қайси ишда бўлсин тақлид қилмоқни сўймас эдилар. Яна баъзилари қўнғироқ чалишга маслаҳат берди. Бу иш ибодат кунларида насоролар феъли эди. Пайғамбаримиз буни ҳам хоҳламадилар. Охири бир саҳоба:

— Ё Расулаллоҳ, ҳар намоз вақти кирганда бир одам туриб вақти намоз, вақти намоз деса, бўлурми? — деди.

Пайғамбаримиз буни бўлур, деб қабул қилдилар. Ҳар намоз вақти кирганда шу сўз билан бир киши қичқирур эди. Бу қичқирувчилардин бири мадиналик саҳобалардин Абдуллоҳ ибн Зайд деган киши эди. Бир кеча ул кишига уйқу-уйғоқ оралиғида бир кимса кўришиб: «Мўминларни намозга чақирур бўлсанг, мана шу сўзларни айтиб қичқиргил», деди:



«Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ. Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулуллоҳ, Ашҳаду анна Муҳаммадар Расулуллоҳ, ҳайя алас сола, ҳайя алас сола, ҳайя алал фалаҳ, ҳайя алал фалаҳ, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Ла илаҳа иллаллоҳ» билан тамом қилурсан, деб ғойиб бўлиши ҳамон уйғонди. Шу онда Расулуллоҳ ҳузурларига келиб, бу кўрган тушларини баён қилди. Анда Пайғамбаримиз:

— Албатта, бу кўрганинг ҳақ тушдур. Мен ҳам Меърожга чиққанимда бир фариштанинг арш шундоқ азон ўқиганини кўрган эдим, — дедилар. — Бу калималарни Билолга ўргатти, ул сендин кўра унликрокдур (товуши баландрок) — дедилар.

Шундан сўнгра ҳазрати Билол шу калималар билан азон айтгани турди. Бутун Ислому оламига шу тартибда азон айтишлик суннат бўлиб қолди. Бунини устига Ҳазрати Умар шошилган ҳолда келиб:

— Ё Расулуллоҳ, Аллоҳ ҳаққи, мен ҳам шу Билол айтган азонни тушимда кўрдим, — деди.

Ҳар намоз вақти кирганда азон айтмоқлик, ўқилур чоғида такбир туширмаклик шу кундин бошлаб, суннат бўлди. Хазарда, сафарда ҳазрати Билол ва Умму Мактум Пайғамбаримизнинг муаззинлари эдилар. Иккинчиларининг кўзлари ожиз бўлса ҳам, кўзи очиқлардин вақтни яхшироқ билар эди. Шунинг учун Расулуллоҳ «Билолнинг азони сизларни саҳарлик ейишдан қолдирмасин, Умму Мактум азон айтганчалик, еб ичинглар», дедилар. Чунки ҳазрати Билол таҳажжуд намозига уйғотмоқ учун тун ярми ўтгандан сўнгра азон айтур эди. Икки ҳарамда шу кунгача бу одат жорийдур. Эрта намозига тонг отишдин илгари ва унинг кейинида азон ўқилур. Ҳар фарз намозининг вақти кирган сўнгида азон айтишлик, намоз ўташ олдида такбир туширишлик, намозга киришганда «Аллоҳу акбар» демаклик, беш вақт намозни жамоат билан ўтамаклик, ҳар ракатда руку, сажда қилмоқлик, ҳафтада жума намози, ҳар йилда икки йилда намози ўқимаклик, мана булар бўлса, бизнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига хос ибодатлардур. Ўтган пайғамбарлар умматларининг диний ибодат тартиблари бундоқ эмас эди.

## МАДИНА ЯХУДЛАРИНИНГ ТАРИХИ

Бутун дунёдаги яхудларнинг асли ватанлари Фаластин ўлкасидур. Унинг маркази Қуддуси шариф, бу шаҳар Таврот китобида иброний тили билан «Аврашалаим» аталмиш эди. Масжидул Ақсо ва Сахра тоши шу шаҳарда бўлиб, Иброҳим Халилуллоҳдин бошқа барча пайғамбарларнинг қибласи эди. Пайғамбаримиз Мадинага келганларидан кейин ўн олти ой Қуддуси шарифга қараб намоз ўқидилар. Сўнгра қибла Байтуллоҳга йўтқалди. Ҳижоз ўлкасидаги яхудларнинг ватанлари Қуддуси шариф билан Шом атрофларида бўлса ҳам, Бобил подшоси Бухтуннаср Қуддуси шариф устига қилган ҳужумларидин ва бундан илгари-кейин Рум императорлари, насроний дини тарафдорларининг зулм-тахдидларидан қочишиб чиққан яхудлар Арабистонда, Ҳижозда паноҳ топишган эди. Мана, Пайғамбаримиз даврларидаги Мадина яхудлари Қуръони каримда қиссалари баён қилинган Бани Исроиллар, милоди Исодин илгари-кейин Шом тарафидин ҳижрат қилиб келган яхудлар насларидур. Буларнинг олимлари Пайғамбаримизнинг сифатларини Таврот, Инжил китобларида ўқишиб-эшитишган эдилар. Охирзамон Пайғамбари Арабистон тупроғидан чиқишига қаноатлари бор эди. Ҳар қачон араблар билан урушсалар, Пайғамбаримизни шафе келтириб, Худодан нусрат сўрар эдилар. Шунинг учун Қуръонда:

**«Яърифувнаҳу кама яърифувна абнааҳум»**, яъни, *«Яхудлар, китобий кофирлар ўз фарзандларини қандоқ танисалар, Пайғамбаримизнинг ҳақлигини шундоқ танур эдилар»*, деган мазмунда оят тушди.

Нечун танимасинларким, ўтган пайғамбарларга Аллоҳдин инган китобларда уч юздан ортиқ ўринда Пайғамбаримизнинг сифатлари айтилиб, уларга башорат берилган эди. Мадинадаги Авс, Хазраж араблари билан Пайғамбаримиз чиқмасдин бурун яхудлар сўқишур бўлсалар, аларга айтур эдилар: «Сизлар шошманглар, бу яқинда охирзамон пайғамбари чиқур, барчадин бурунроқ биз унга иймон келтиргаймиз, унинг туғи остида сизлардин бир киши қолдирмай қирамиз» дейишиб, аларни қўрқитур эдилар. Шундоқ қилиб, Пайғамбаримизнинг чиқишларига муштоқ бўлиб туришган яхуд тоифалари ўзларини кўришганда, қилган

аҳд-паймонларини унутиб, ҳақиқатдин юз ўтирдилар. Таврот, Инжил ва бошқа илоҳий китобларда ёзилган Пайғамбаримизнинг сифатларини яшириб, бу ҳақда айтилган оятларни ўзгартирдилар. Мана, Қуръондаги бу оят шулар ҳақида нозил бўлди:

**«Фаламма жааҳум ма арафу кафару биҳи фалаъ-натуллоҳи алаал кафирийн»**, яъни, *«Яҳудлар ўзлари Таврот ва Инжилда сифатларини кўришган охирзамон пайғамбари келганида, ҳақиқатни билиб турсалар ҳам, унга иймон келтирмай, кофир бўлдилар. Аллоҳнинг лаънати кофирларгадур»*.

Яҳуд олимларидин ёлғиз Абдуллоҳ ибн Салом иймон келтирди. Расулуллоҳ Маккадан ҳижрат қилиб Мадинага келганларида, бир неча кун Қубо қарясида (қишлоғида) турдилар. Одамлар Расулуллоҳ билан кўришгали ҳар томондин келгани турдилар. Шулар ичида Абдуллоҳ ибн Салом ҳам келди. Бу киши яҳуд қабиласи Бани Қайнуқо раисларидин эди. Расулуллоҳни кўриб, Таврот ва Инжилда ёзилмиш сифатларини тўғри топди. Юзларига кўзи тушгандаёқ: «Ёлғончи одамни юзи бундоқ бўлмайдур, шу муборак юзлик киши қандоқ ёлғон айтсун», деб дарҳол калима айтиб, иймон келтирди. Сўнгра айтди:

— Ё Расулаллоҳ, ростлик билан гувоҳлик берурманким, Аллоҳ таолонинг ҳақ Пайғамбаридурсиз, бу тўғрида қилчалик кўнглимда гумоним йўқдур, — деди. Шунинг билан ўз уйига қайтиб, хотун-болаларини ҳам сўзга қондириб, динга даъват қилди. Алар ҳам иймон келтирдилар. Аммо бу ишни бир неча кун яҳудлардин яширин тутди. Сўнгра бир куни Расулуллоҳ ҳузурларига келиб:

— Ё Расулаллоҳ, бутун яҳуд қавмлари билур ва ўзлари иқроқ қилурларким, мен аларнинг сайиди — сайидзодаси, олими — олимзодаси эрурман. Бизнинг иймон келтирганимиздан ҳалигача уларнинг хабарлари йўқдур. Энди маслаҳат шуки, барча яҳудларни чорлаб чақиргайсиз, улар келган чоғида яшириниб ётгайман, менинг борлигимни улар билмасинлар. Сўнгра менинг ҳасаб-насабларимни, уларнинг олдида қандоқ қадр-қимматим борлигини ўзларидан сўрасангиз, албатта, иқроқ қилурлар. Сўнгра, ё Расулаллоҳ, алардин аҳд олгайсиз, шундоқки, Абдуллоҳ ибн Салом агар иймон келтирур бўлса, биз яҳудлар ҳам барчамиз иймон келтиргаймиз, деб сўз берсинлар, — деди. Бу сўз

Пайғамбаримизга маъқул бўлди. Сўнгра аларни чақириб келтирганларидин кейин:

— Эй яҳуд қавми, вой сизларнинг ҳолингларга, Худодан кўрқинглар, бутун оламни яратгувчи Аллоҳ оти билан онт ичиб, қасам қилурман, сизларга менинг ҳақ Пайғамбарлигим ойдин-очиқ кундин ёруғроқдур, чунки сизлардин чиққан барча пайғамбарлар менга иймон келтиришга сизлардин аҳд олганлар. Таврот, Инжил китобларидаги менинг ҳақимда келган оятлар ўзингизларга маълумдур. Ҳақиқатга инкор қилмай, менга иймон келтиринглар, — дедилар. Анда яҳудлар:

— Эй Муҳаммад, Тавротда буңдоқ оятларнинг борлигини билмаймиз ва кўрганимиз йўқ, — деб ҳақни инкор қилдилар.

Расулуллоҳ юқоридаги айтган сўзларини қасам билан яна уч маротаба қайтариб айтдилар. Яҳудлар биринчи навбатда берган жавобларини яна такрор қилдилар. Сўнгра Расулуллоҳ аларга қараб:

— Абдуллоҳ ибн Салом сизларнинг ичингларда қандоқ одамдур? — деб сўрадилар.

Анда барчалари бир оғиздан жавоб беришиб:

Ул одам бизнинг сайидимиз, олимимиз бўлур, дейишди.

Андоқ эрса ул киши иймон келтириб, Исломи динини қабул қилар бўлса, сизлар ҳам қабул қилурсизларми? — дедилар.

Анда улар: Албатта, қабул қилурмиз, деб барчалари ваъда бердилар. Сўнгра Расулуллоҳ:

— Эй ибн Салом, уйдан чиқ, — деб чақирдилар.

Яҳудлар бу нима ҳолдур, деб ҳайрон қолишиб турган чоғда, у уйдан чиқиб келди. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй ибн Салом, сенга уч саволим бордур. Биринчиси, Аллоҳ ҳақида айтгил, менинг ҳақ Пайғамбарлигимни билмасмусан? Иккинчиси, Таврот, Инжил китобларида ёзилмиш сифатларимни кўрмадингми? Учинчиси, менинг замонимни тошгувчи аҳли китоблардин менга иймон келтириб, тобе бўлишлари учун Худо тарафидан аҳди паймон олинмаганму?

Анда Абдуллоҳ ибн Салом айтди:

— Еру кўкни яратгувчи Аллоҳ оти билан қасам ичиб, гувоҳлик берурман, сиз охирзамон ҳақ Пайғамбари эурсиз. Таврот, Инжилда ёзилмиш сифатларингизни барчамиз тиловат қилурмиз. Сизга иймон кел-

тириш тўғрисида бутун аҳли китоблардин Аллоҳ аҳд олгани ҳақдур. Эй яҳуд қавми, Худодан кўрқинлар, Мусо ва Ҳорунга Таврот китобини индиргувчи Аллоҳ «ҳаққи» қасам қилиб, гувоҳлик берурман. Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг қули, охирзамон Пайғамбаридур. Бу ишининг ростлигини барчамиз билурмиз. Шундоқ экан, Ислом динини қабул қилиб, иймон келтиринлар, — деди.

Анда яҳудлар бир зум илгари берган аҳдларини бузиб, ўзлари ишонч кўрсатган Абдуллоҳ ибн Саломдин юз ўтирдилар. Пайғамбаримиз олдида ул кишига келишмаган, ёмон сўзлар айтгани туришди. Буни кўриб, алардин Расулуллоҳ умидларини уздилар. Бу йиғилган яҳудлар ҳам шундоқ улуғ неъматдан бенасиб бўлиб тарқашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада турган чоғларида Қурайш мушрикларидан, кейин бу ерлик мунофиқлардан ҳам тўла азият тортдилар. Бунинг устига Арабистон яҳудларидан айниқса, мадиналиклар аларга қўшимча бўлди. Буларнинг душманликлари барчаларидан ҳам қаттиқроқ эди. Очикдан-очиқ зиён етказиш йўлини тополмасдан, яширин равишда қасд қилишга киришдилар. Шундоқки, Лабид ибн Аъсом деган яҳудий Расулуллоҳга сеҳр қилди. Алардин бир ёш ўғил келиб, Расулуллоҳга хизмат қилиб кетарди. Шу орқалик синиқ соқол тароқларини, яна бир неча тола муборак соқолларини олди, буларнинг ёйининг (камоннинг) ипига қўшиб, ўн бир тугун тугди, бу тугунларга игна санчиб, ўзига махсус амаллари билан сеҳр боғлади, бу жоду сеҳрлик тугилган ишларни Зарвон исмлиқ қудуқ суви ичида бир оғир тош тагига бостириб қўйди. Бир неча кун ичида бу сеҳр таъсирида Расулуллоҳнинг мижози шарифлари бир оз ўзгарди. Бунинг муддатида бир йил, ёки олти ой, ёки қирқ кун дейилган уч ривоят бордур.

Сўнгра Жаброил алайҳиссалом келиб, бўлган воқеадан хабар бердилар. Расулуллоҳнинг амрлари билан Ҳазрати Али бориб, ул жоду амалларини қудуқдан топиб чиқди. Ўн бир тугунлик сеҳр таъсирининг радидга ўн бир оятлик икки сура: «Фалақ ва Нос» суралари нозил бўлди. Жаброил ҳар оятни ўқиганда бир тугун ечилар эди. Ўн биринчи тугун ечилиши билан сеҳр таъсиридан ҳеч асар қолмай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам соғлом бўлдилар. Лекин шуни билмак керакким, бу сеҳрнинг таъсири оз-кўп, мубо-

рак жасадларида маълум бўлган эди. Аммо ақларида заррачалик ўзгариш йўқ эди. Шунинг учун пайғамбарликка бу ишнинг заррача нуқсони йўқ эди. Агар инсоний томонга боқилса, турлик жисмоний ҳодисалар пайғамбарларга ҳам бўлиши мумкин. Ўтнинг куйдириши, сувнинг ҳул қилиши, ёлғиз табиатлари билан бўлмай, Аллоҳ изми билан бўлганидек, сеҳрнинг таъсири ҳам Аллоҳнинг изнисиз бўлмайди. Қуръондаги **«Ва маҳум бидоррина илла би изниллоҳ»**, яъни: *«Соҳирлар (сеҳр қилувчилар) Аллоҳдин изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмас»*, деган оят бунга очиқ далилур.

Ўт ўчиришга сув қандоқ керак бўлганидек, сеҳр амалини бузишга ҳам унинг сабабини топмоқ керакдур. Шунинг учун Расулуллоҳ буни рад қилиш йўлини умматларига ўргатдилар. Сеҳр амаллари билан зарарланиш, кўз тегиб, ундан зиён кўришлик бурундан бери дунёда бўлиб келган ишлардур. Бунинг борлиги Қуръонда ва ҳадис китобларида очиқ баён қилинмишдур. Шунинг учун диёнат аҳлларида бу нарсаларни инкор қилувчилар йўқдур. Сўнгра Расулуллоҳ сеҳрчи Лабид ибн Аъсомни чақириб, ундин сўрадилар. У ҳам бу ишни қилганига ўзи иқрор бўлиб, бўйнига олди: «Яҳудлар бир қанча тилло беришиб, мени қизиқтирган эдилар, ақчага алданиб, бу ишни қилдим», деб Расулуллоҳдин кечирлишни ўтинди, Олий ахлоққа эга бўлган Пайғамбаримиз унинг гуноҳидан ўтдилар. Бу яҳудларнинг Расулуллоҳга ҳар вақт душманлик қилишларида энг зарур ёрдамчилари Мадина мунофиқлари эди. Буларнинг сонлари бир ривоятда келишича, уч юзга яқин бор эди. Бу мунофиқларнинг раислари Абдуллоҳ ибн Убай ўлгунчалик Пайғамбаримизга қаттиқ душманлик билан дунёдин ўтди.

Мунофиқ деб, Қуръонда тили мусулмон, дили кофир кишиларни айтулур. Тилида иқрор қилиб, мусулмон бўлса, кўнглида шак келтириб, куфр сақласа, мана шундоқ одам чин мунофиқдур. Шариат олдида кўринов кофирдин яширин кофирнинг гуноҳи қаттиқроқдур. Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуръонда **«Инна мунафиқийна фидарил асфали минаннар»** ояти билан мунофиқларга қаттиқ жазо беришини билдирди. Яъни, *«Мунофиқлар дўзахнинг энг остинги қаватида тушадилар»*, деди. Қуръондаги Мунофиқун сураси мана шулар ҳақида нозил бўлди. Пайғамбаримиз булар-

нинг оғзаки иймон айтишларига қаноат қилиб, Ислом ҳақида қанча кўп қилган хиёнатларига қарши сабр этдилар. Чунки у кунларда илоҳий томондан берилган буйруқ шундоқ эди. Ва Расулуллоҳ ҳар вақтнинг сиёсатига қараб иш қилур эдилар. Оламда сабабсиз ҳеч бир ишнинг вужудга чиқиши мумкин эмасдур. Бу мунофиқларнинг Расулуллоҳга бунчалик қаттиқ адоват тутишларига сабаб шул эдиким, Расулуллоҳ Мадинага келмасларидан илгари Абдуллоҳ ибн Убайни Мадина араблари подшоҳ қилмоққа иттифоқ қилган эдилар. Бунга атаб тожу тахт ҳам тайёрлаган эдилар. Шу орада ислом воқеаси кўзғалиб қолди. Расулуллоҳ ҳижрат қилиб, Маккадан Мадинага келдилар. Чин юзага чиқиб, ёлгон йўқолди. Ҳақиқат келди, ботил бузилди. Одамлар у мунофиқнинг тилагидан тондилар. Муслмонлар у амалпарастнинг истагини эсларидан чиқаздилар. Мана бу иш сўнгида бунинг бошига қиёмат кўпди. Бутун вужудини ҳасад ўти ўртади. Барча оламга етган «Раҳматан лил оламин»нинг файзидин бу мунофиқнинг бир тола туки ҳам баҳра топмади. Дунё ва охирати бу ўт ичида тамом куйиб, кул бўлди. Байт:

*«Етар раҳмат суви кўк кавкабина  
Етишмас қатраи гумроҳ лабина».*

Шунинг учун айтдилар:

— Ҳар душманликнинг сабаби, агар ҳасаддан бошқа нарса бўлса, ундоқ душманлик дўстликка айланиши мумкиндур. Аммо ҳасаддин чиққан душманлик бўлса, бунинг дўст бўлиши мумкин эмасдур. Мисоли, отамиз Одам билан Иблис алайҳил лаънанинг душманлигидур. Бу душманлик ҳасад сабабидин бошлангани учун авлодлари орасида душманчилик қиёматгача давом этмоқдадур.

Шунга ўхшаш дунёдаги бойлар ва чоғойлар (камбағаллар) ўрталарида узлуксиз душманликнинг давом этмаги шу ҳасад кўзғалишининг айрилмас натижасидур. Бу ҳасад ўтини иймон сувидан бошқа нарса билан ҳеч қачон ўчиролмайдилар. Шунинг учун инсоният оламининг ислоҳига ҳақиқий исломиятдан ўзга ҳеч чора йўқдур. Бу ҳақиқат қачон юзага чиқар экан, уни Аллоҳ билур. Яна мақсадга келайлик.

Энди шу юқоридаги сўзлардин маълум бўлди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага кел-

ганларидан кейин икки тоифадан қаттиқ қаршилиқ кўрдилар. Биринчиси, Мадина мунофиқлари, иккинчиси, шу ерлик яҳудийлар эди. Шу вақтнинг шароитига қараб, мунофиқлардин тил иқрорини қабул қилдилар. Шунга ўхшаш яҳудлар билан аҳднома туздилар. Унинг мазмуни бир-бирларига зарар етказмаслик, мусулмонларга қарши ҳаракатда бўлмаслик, Мадина устига бошқа душманлар тарафидан ҳужум бошланган ҳолда мусулмонларнинг ёрдамида бўлишлиқ — шу сўзлар аҳдномада шарт қилиб қўйилган эди. Мадинага келганларига орадан ўн уч ой ўтди. Шу муддат ичида ҳеч ерда диний жиҳод қилмадилар. Динга киргазиш қасдида ҳеч бир қабила билан урушмадилар. Бу тўғрида Худо тарафидин ҳам жиҳодга изн берилмаган эди. Балки динга даъват қилишда сабр билан тебраниб, тадрижий равишда иш олиб бормоққа буюрилган эди. Аҳқоф сурасида:

**«Фасбир кама сабара улул азми минар русули фала тастаъжил лаҳум»**, яъни: *«Ўтган улуғ пайғамбарлар сабр қилгандек, эй Муҳаммад, сен ҳам сабр қил. Мушрикларга тездан азоб келишини тилама»*, деган мазмундаги оят шу ҳақда нозил бўлди. Худо тарафидан ғазот қилишга рухсат бўлгунчалик ҳақиқатни тушунтириш, билмаганларни билдириш йўли билан халқни динга даъват қилдилар. Уруш-талашга ҳеч кимни қизиқтирмадилар. Бунга шошилган кишиларни қаттиқ қайтардилар. Чунки инсоннинг вужуди — Аллоҳнинг иморатидур. Буни бузишга Аллоҳнинг ризолиги йўқдур. Ҳақиқатни юзага чиқаришга бутун йўллар ёпилса, инсон оламининг танасида ҳаром қон тўлиб тошганлигидан, умумий ҳалокатни юзага келтириш қўрқинчиси бўлса, буни қайтаришга қон олишдан бошқа чора топилмаса, ана шу чоғдагина, Қуръон ҳукмида, ақл олда жиҳодга, урушга рухсат қилинади. Чунки инсон ислоҳи учун қўлланиладиган чораларнинг энг охири — қиличдур. Макка мушриклари Расулуллоҳга қилмаган ёмонликлари, кўрсатмаган жабр-жафолари қолмаган эди. Бунинг устига у зотни ўлдиришга ҳам қасд қилган эдилар. Охири ўз ватанларини ташлаб чиқишга мажбур қилдилар. Энди у душманларнинг даҳшатлик дардларига қон чиқаришдан бошқа чора қолмаган эди. Мана шу чоғда қуйидаги оятлар Пайғамбаримизга нозил бўлиб, урушга изн берилди:

**«Вақотилув фи сабилиллаҳиллазийна юқотилу»**



**накум вала таътадув, инналлоҳа ла юҳиббул муътадийн».**

Маъноси: «Эй мўминлар, сизлар билан уришганлар билан Худо йўлида уришинглар, ammo уруш ишларига чекдан ташқари чиқманглар. Чунки Аллоҳ таоло ҳар ишда ҳақдиган ошгувчиларни яхши кўрмайдур».

Киши қўлидан келадиган ҳар бир ишларда Ислом қонуни уни адолат қилишга буюради. Шунинг учун ҳаёт кунларининг энг оғир кунларидан бўлган — сўқиш вақтларида ҳам, шунинг рия қилмоққа амр этмишдур. Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар. «Аллоҳ таоло ҳар ишда баъдаларидан эҳсон қилмоқни истайди». Бу ҳадисдаги эҳсоннинг маъноси бир киши иккинчи бир кишига инъом қилиш, хайр-эҳсон бериш маъносида эмасдур. Балки бунинг маъноси ҳар бир киши ўз қилган ишини, биринчидан, шариатга тўғри келгудек, иккинчидан, ақлга ёққудек қилиб ишламоқдур. Бу ҳадиснинг кўрсатишича, ҳар касиб ўз касбини, ҳар хунарманд ўз хунарини қўлидан келганича яхшилаб ишлаши керақдур. Инсоннинг қиладурган ишлари дунё тирикчилигига тегишлик ёки унинг охирагига фойда берарлиқдур. Буларнинг ҳар бирида ҳам эҳсон бордур. Ибодатдаги эҳсон шулки, Аллоҳ олдида тургандек, Аллоҳни ўз кўзи билан кўриб тургандек огоҳлик билан ибодат қилмоқдур. Чунки Расулуллоҳ айтдилар:

**«Ан таъбудаллоҳа кааннака тароҳу, фани лам та кун тароҳу, фаиннаҳу ярока».** Маъноси: «Намоз ўқиб, ибодат қилган чоғингда сен Аллоҳни кўролмасанг ҳам, ул сени кўриб турадур. Шунинг учун сен ҳам Аллоҳни кўриб тургандек, ҳушёрлик билан ўқишинг керак».

Яна ривоятда шундоқ келибдур: Саҳобалардан бир киши вафот тоқди. Пайғамбаримиз уни узатиб, қабристонга келдилар. Майит (ўлик) қабрга қўйилгандан сўнгра лаҳад оғзига гўрков кесак терди. Булар орасида бироз жой очиқ қолганини Расулуллоҳ кўрдилар. Дарҳол шу жойга тўғри келгудек бир парча кесак олиб, унинг қўлига бердилар. Бу билан у тешикни беркит дедилар. Анда гўрков туриб:

— Ё Расулаллоҳ, бир оз кундан кейин бу қўйилган кесаклар ҳам тўкилиб кетар. Бунчалик кичик тешикларни тўсиб ўлтиришнинг ҳожати йўқдур, — деди. Анда Расулуллоҳ:

— Ҳар хунарманд ўз хунарини, ҳар ишловчи ўз

ишини яхшилаб қилса, Аллоҳ уни дўст тутқайсен ҳам ўз ишингни яхшилаб қил, — дедилар. Расулуллоҳнинг шу юқорида айтган ҳикматли сўзлари ҳамма умматларига икки дунёда фойдаланиш учун етарлик насихатдур. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Юқоридаги оят ҳукмига қараб, энг аввал Қурайш мушрикларига қарши жиҳод қилмоққа тайёргарлик кўрдилар. Чунки у оят мазмунида «урушганларга қарши урушгин», деб буйруқ берилган эди. Бу тўғрида уруш бошлаганларнинг биринчилари Қурайш мушриклариди эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз Макка аҳлидан бошқа араблар билан яраш йўлини тутдилар. Қачонким, улар ҳам душманларни ёқлаб, мусулмонларга ёғийлик қилиб эдилар, шу чоғда бу оят келди:

**«Вақотилул мушрикийна каффатан кама юқотилунақум каффаҳ».** Яъни: *«Сизларга қарши душманлик кўрсатувчи барча мушриклар билан уруш қилинглар»*, деган мазмунида буткул араб бутпарастлари билан ғазот қилмоққа буйруқ бўлди. Мана шу кундан бошлаб, жиҳод даври бошланди.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг умр ичида қилган сафарлари тўрт турлик эди. Биринчиси, ҳижрат сафарларидурким, Маккадан чиқиб, Мадинага келдилар. Иккинчиси, ҳижратдан сўнгра олтинчи йилнинг охирларида Умра ибодатини қилиш нияти билан бир минг беш юз киши биргалиқда Мадинадан Маккага сафар қилдилар. Бу сафарларида Қурайш мушриклари тўсқинлик қилиб, умралари қазо бўлди. Маккага кириша олмасдан Макка билан Жидда оралиғида Худайбия деган ерда бир неча кун турганларидан кейин яна Мадинага қайтдилар. Ўн йиллик муддат билан машҳур Худайбия сулҳи шу ўринда тузилган эди. Сулҳ шартининг йўсинига бир йил ўтгандан сўнгра, ўтган йилдаги сафар йўлдошлари билан Мадинадан чиқиб, Маккага келиб, қилолмай қолган умра қазосини ўтаб ёндилар (қайтдилар). Учинчиси, ҳаж сафарлари эрдиким, қудрати етган ҳар бир мўминга буни адо қилиш фарз бўлди. Ҳижратнинг ўнинчи йилида Пайғамбаримиз тўқсон минг киши бирлигида шу ҳаж сафарига чиқдилар. Ҳаж фарз бўлгандин кейин бундан бошқа ҳаж қилмадилар. Бу ҳажларида бутун умматлари билан видолашдилар. Шунинг учун буни «Видо ҳажи» деб атадилар. Тўртинчиси, ғазот сафарлари эди. Пайғамбаримизнинг бутун умрлари ичида қилган сафар-

ларининг энг кўпроғи ҳам шулдир. Ўзлари бош бўлиб, йигирма еттига ғазотга чиқдилар. Қирқ етти маротаба йўртавал йўсинида саҳобалардан бир бўлук аскарларини ғазотга чиқардилар. Қилган сафарларининг барчаси етмиш тўрт юриш бўлди.

### ҒАЗОТНИНГ БОШЛАНИШИ

Макка шаҳридаги Қурайш қабиласининг одатлари ҳар йили ёз кунида уларнинг савдогарлари катта бир карвон бўлишиб, тижорат учун Шом шаҳрига келишур эди. Бу сафарларида Мадинага қарашлик ерларни босиб ўтишга тўғри келур эди. Бундай карвон энг оз деганда икки минг туядан кам бўлмас эди. Қурайш раисларидан бир қанчаси карвон кузатувчиси бўлиб, душмандан сақланиш учун бирга чиқишур эди. Шу одатларича Маккадан чиққан Қурайш карвонидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар топдилар. Қурайш мушриклари бўлса, бутун араб мушрикларининг йўлбошчилари эди. Аларнинг кучқувватларини синдириб, мол-бошларини ўлжа олишни маслаҳат кўрдилар. Шу мақсад ила Расулulloҳ яланг муҳожирлардан етмиш кишилик аскар билан карвон йўлини тўсгани чикдилар. Мадинага ансорлардан Саъд ибн Убодани ўз ўрниларида халифа қўйдилар. Душманга қарши биринчи кўтарилган шу сафарларидаги туғлари оқ ўнглик (ранглик) эди. Ани кўтариш шарафи Пайғамбаримизнинг амакилари Амир Ҳамзага топширилди. Шу юрганларича Макка билан Мадина орасидаги Ваддон деган бир қишлоққа етдилар. Шу ердан учир (хабар) олдиларким, Қурайш карвонлари булардин бир кун илгарироқ ўтиб кетган эканлар. Шундоқ бўлиб, бу чиқишларида душманга йўлиқмасдан қайтдилар.

Лекин шу сафарларида ўшал ерлик араблардин — Бани Зомра қабиласининг раиси Мажд ибн Амр деган киши келиб, Расулulloҳ билан кўришди. У чоғда араб қабилаларидан ҳеч бирлари динга кирмаган эдилар. Қабила раиси, Расулulloҳ динга даъват қилганларида, қабул қилишдан бош тортган бўлса ҳам, икки орада бир сулҳнома тузилишини Расулulloҳдан талаб қилди. Пайғамбаримиз бу ишга розилик кўрсатиб, бир неча шартлар қўйилган бир сулҳнома ёзишга буюрдилар. Шунинг билан бу сафар устида ўн беш кун

юриб, Мадинага қайтдилар. Бу эса ҳижратнинг иккинчи йили бошларида бўлиб, ғазот сафарларининг биринчиси эди.

#### «БУВОТ» ҒАЗОТИ

Расулуллоҳ Мадинага келганларидан кейин кўп кун ўтмай, Қурайш қарвонларининг Шомдин қайтган хабарини англадилар. Бу қарвонда Умайя ибн Халаф бошлиқ қурайш қабиласидан юз кишича бўлиб, аларнинг икки минг беш юз туялари бор эди. Расулуллоҳ буни эшитиб, муҳожир саҳобалардин икки юз киши билан қарвон йўлини тўсгани чиқдилар. Бу сафар ғазот туғини Саъд ибн Абу Ваққос кўтарган эди. Араблар одатларича, туғни ким кўтарса, шу киши аскар бошлиғи бўлар эди. Расулуллоҳ шу юрганларича, Янбу яқинидаги Бувот тоғига келиб етдилар. Қарасалар, Қурайш қарвони из яшириб, бошқа йўл билан буларга еткузмасдин кетибдурлар. Бу чиқишларида ҳам ҳеч қандай ҳодиса бўлмай, саломат Мадинага ёндилар. Бу сафарлари ҳижратнинг иккинчи йили Рабиул-аввал ойида юз берди.

#### «АЛ-УШАЙРА» ҒАЗОТИ

Бувот сафаридан икки ой ўтгандан сўнгра Қурайш қабиласи яна бир катта тижорат қарвони тайёрлаб, Шом шаҳрига жўнатмоқчи бўлдилар. Бу сафарда кўп миқдорда савдо сармойеси йиғилган эди. Қабила бойларидан эркак-хотун бўлиб, кўп кишилар бу тижоратга қатнашган эдилар. Бу улуғ қарвонга Абу Суфён раис сайланган эди. Ўзи билан йўлдош қилмоққа қабиладан яна йигирма неча кишини танлаб олди. Лекин бу сафарнинг қачон бўлишини, қайси кунда йўлга чиқишларини ниҳоят яширин тутдилар. Шундоқ бўлса ҳам сўз тарқалиб, бу хабар Расулуллоҳга етди. Муҳожир саҳобалардан бир юз элик киши билан қарвон йўлини тўсмоқчи бўлиб, Ушайра деган ерга келдилар. Лекин булар келмасдин бир неча кун илгариеқ бу ердан қарвон ўтиб кетган эди. Бу ғазотга аталиб боғланган оқ туғни ҳазрати Амир Ҳамза кўтарган эди. Бу сафардан асл мақсадлари қўлга келмаган бўлса ҳам, бу ерлик аъробийлардан Бани Мудлиж қабиласи ва яна уларнинг ёқдошлари билан иттифоқнома туздилар. Бунинг билан аларнинг ёғийликлари дўстликка айланди.

Шунинг билан Расулуллоҳ Мадинага қайтиб келиб, ўтиб кетган Қурайш қарвонининг қайтишини кузатиб турдилар. Бу орада беш-ўн кун ўтмай туриб, Феҳр қабиласидан Курз ибн Жобир деган киши ўтлоқда ётган бир қанча Мадина молларини ҳайдаб қочди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Али бошлиқ бир неча саҳобалар билан аларни қувлаб «Сафвон» деган сойга келдилар. Тоғ ичига тарқалиб кетган босмачиларга етишолмасдан, Мадинага қайтдилар. Бу сафардан келгунларича ансорлардан Зайд ибн Ҳориса Расулуллоҳ ўринларига халифа бўлиб турди. Байроқ Ҳазрати Али қўлларида эди. Яна шу йилнинг Ражаб ойи охирида Расулуллоҳ саҳобалардан саккиз кишини сайлаб олдилар. Буларга Абдуллоҳ ибн Жаҳш деган киши бошлиқ қилиб йўлга чиқдилар. Қўлига бир хат ёзиб бериб, икки кун йўл юргандин сўнгра уни ўқиб кўрмакка бутурган эдилар. Шу муддат ўтгандин кейин, ўқиб кўрса, шу сўз ёзилмиш эди:

«Бу хатни ўқиган замонинг тўхтамай Нахла деган ерга етиб, шу орада пойлаб тур. Шом шаҳрига ўтган Қурайш қарвонини кузат, аларнинг қайтар чоғини билдинг эрса, бизга илдамлик билан хабарини келтур». Расулуллоҳнинг бу мақсадни Мадинада туришган вақтда буларга билдирмадилар, анинг учунки, ўз ичларидаги душманлардан, биринчи — мунофиқлар, иккинчиси — яҳудларнинг Макка мушриклари ва бошқа дин душманлари билан яширинча алоқалари бор эди. Мусулмонларга зарар етказиш аларнинг энг сўйган вазифалари эди. Расулуллоҳ томонидан кўрилган чоралар, қилинаётган тадбирларни бирма-бир ташиб, уларга етказмоқда эдилар. Ана шу жосуслардин сақланиш учун, бу мақсадни Мадинада сўзламадилар. Сўнгра Абдуллоҳ ибн Жаҳш хат буйруғи бўйича шу белгиланган жойга қараб юрди. Йўлдошларидан Саъд ибн Аби Ваққос, Утба ибн Ҳазвон, бу икковлари мингашиб келаётган туяларини йўқотишиб қўйиб, шуни излаб ортда қолишди. Қолганлари эса хатда айтилган Нахла деган жойга келиб, бир пана жойда писиб ётдилар. Шу орадани кўп вақт ўтмай, Шом томонидан келаётган кичикроқ бир қофила (қарвон) кўринди. Бунда қарвон бошчиларидан Амр ибн Ҳазрабий, Усмон ибн Абдуллоҳ, бунинг қариндоши Навфал ибн Абдуллоҳ, Ҳакам ибн Қайсон, мана шу кишилар бор эди. Бу иш Тоиф шаҳри билан Макка оралиғида бўлган воқеа-

дур. Саҳобалар ўзаро кенгаш қилдилар. Бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Жаҳш:

— Агар бу карвон аҳли шу кеча биздан қутулиб, омон топсалар, туни билан юриб ўтириб, Ҳаром тупроғина кириб кетишлари мумкиндур. У чоғда бизнинг ҳужумимиздан албатта қутулган бўлурлар. Агар шу кечада туриб, аларни босиб қўлга туширсак, Ҳаром ойларининг ҳурматини сақламаган бўлиб, бутун араблар олдида таънага қолурмиз, — деди.

Энди буни билмак керакким, жоҳилият замонида, Исломи дини чиқмаган даврда араб халқининг ўз бошига эрклик бирорта подшолари ёки ҳукуматлари йўқ эди. Бир тарафдин, яъни Шом тарафдагилари қайсари Румга, иккинчи тарафдин, яъни Ироқ тарафдагилари Эрон подшоларига тобеъ эдилар. Ҳар икки чегарадан йироқ ерларда, тоғу чўлларда яшовчи қабилалар ҳеч кимга бўйсунмас эдилар. Лекин табиий жанговарлик, зотий урушчанлик, бунинг устига уруғ-аймоқ тортишувлари натижасида, ўзаро узлуксиз урушлар давом этиб, доимий равишда қон тўкишлари бўлиб турмоқда эди. Шундоқ бўлса ҳам. Исломи кирмасдин илгари, араблар икки нарсанинг ҳурматини қаттиқ сақлар эдилар: Ҳаром тупроғи устида зулм-хиёнат қилмаслик, ҳар йил ичида тўрт ой уруш-талашдин йироқ бўлиб, қон тўкмаслик ва ул тўрт ойнинг отлари шулар: 1. Зулқаъда. 2. Зулҳижжа. 3. Муҳаррам. 4. Ражаб. Бу ойларни «ашхурул хурум» деб атайдилар. Ҳурматлик ойлар, ёки қон тўкиш харом, деган ойлар бўлур. Қуръони каримда неча ўринда келтирилмишдур. Ҳаром тупроғи эрса, Аллоҳ изни билан, бу қутлуғ уй ясалгандин буён бунинг ҳурмати ўз тарафидан сақланиб келди. Ёлғиз инсонлар эмас, ҳайвонлар томонидан ҳам бу уйга адабсизлик кўрсатувчиларга самовий жазолар берилди. Ҳадис, тарих китоблари бу сўзлар билан тўлгандур. Бунинг ҳақлиги Фил сурасидаги воқеадан ҳам маълум, у ҳар бир мусулмонга очиқ далилдур. Бу тўғрида керакли сўзларни кенг йўсинда тарихий баёнлари билан ўз ўрни келганда, яна ҳам очикроқ қилиб айтувмиз, иншааллоҳ! Мана энди, юқорида Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг: «Карвонлар Ҳарамга кирса, биздан қутулур, агар шу кеча аларга ҳужум қилсак, ражаб ойининг ҳурматини бузган бўлиб, араблар олдида таънага қолурмиз» деган сўзларининг сабаби шу эди.

Шундоқ қилиб, саҳобалар бу карвонга ҳужум қилиш

ёки қилмасга икки ёқлама бўлиб туришиб, охири ҳужум қилдилар. Шу куни ражаб ойининг туганчиси эди. Саҳобалардин Ваҳб ибн Абдуллоҳ, душманлардин Амр ибн Ҳазрабийни қорага олиб, ўқ отди. Жон ерига теккан экан, шу орада жон берди. Усмон ибн Абдуллоҳ, Ҳакам ибн Кайсон — бу икки кишини асир олдилар. Буни кўриб, душман тўпи бузилди. Бошқалари Навфал ибн Абдуллоҳ қарвонни ташлаб қочди. Энди, душман томонидан ортиқча қаршилиқ кўрилмагач, Абдуллоҳ ибн Жаҳш ва унинг йўлдошлари бутун қарвонга эга бўлдилар. Қўлга тушган ўлжа молларини юклашиб, юқориги икки асир бирликда, саломат Мадинага келдилар. Ислом дини чиққандин бери мусулмонларнинг душманлардан дастлабки туширган ўлжа моллари шу эди. Бу кишилар Мадинага келганларидан кейин, булар устидан сўз тарқалди. Бутун араблар ичида «ашҳурул хурум» аталган тўрт ой ичида урушиб, қон тўкмалик ҳаром бўлганлигидан, ражаб ойининг охири куни бу воқеа бўлганлиги маълум бўлиб, бутун халқ томонидан қаттиқ таънага қолдилар. Айниқса, мадиналик яҳудлар, уларнинг яширин дўстлари — мунофиқлар бу иш устида кўп шовқин кўтардилар. Алам ўтган Қурайш мушриклари бўлса, бутун арабларга жар чақириб, фарёд қилгани турдилар. Бунинг устига, Расулуллоҳ тарафидан: «Мен буларни урушга амр қилмаган эдим», деган сўз эшитилди. Бу сўз чиққандин кейин бошқа саҳобалар томонидан ҳам алар ҳақида қаттиқ-қуруқ сўзлар айтилгани турди. Бу келган ўлжа моллардин Расулуллоҳ ўзларига бирор нарса айирмадилар. Ёки бошқаларга тақсим ҳам қилиб бермадилар. Расулуллоҳнинг бундоқ муомала қилганларини кўришиб, бу ишни қилган, ундан ажр-савоб кутишиб турган Абдуллоҳ ибн Жаҳш, унинг йўлдошлари саккиз саҳобанинг бошларига ғам тоғи ағдарилди. Бу қилган ишларига қаттиқ ўқиниб, кўп пушаймон бўлдилар. Ҳижолатдин бош кўтаролмай, маъюсликлари ниҳоятига етди. Мана шу чоғда меҳрибон Аллоҳнинг марҳамати билан оят нозил бўлиб, улар хижолатдин чиқдилар:

**Яс аизвнака анишшаҳрил ҳароми қиталин фийҳ. Қул қитамун фийҳи кабир. Ва соддун ан сабилил-лааҳи ва куфрун биҳи вал масжидил ҳароми ва ихрожу аҳлиҳи минҳу акбару индаллоҳ. Вал фитна-ту акбару минал қатл.**

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга айтади: «Юқориғи хурматлик тўрт ой ичига урушмоқ, қон тўкмоқ, ҳукмини кишилар сендин сўрайдилар. Сен аларга айтгил, бу ойларда урушмоқ улуғ гуноҳдур, аммо Аллоҳ йўлидан қайтармоқ, Аллоҳга инкор қилмоқ, Масжидул Ҳаромга киршдан мўминларни тўсмоқ, шу ерлик кишиларни ўз ватанларидан бездириб, қочишга мажбур қилмоқ, мана шу ишлар Аллоҳ олдида ундан ҳам улуғроқ гуноҳдур. Ҳақ динга кирган мўминларни турлик фитналар билан диндан чиқармоқ — киши ўлдиргандин ҳам ёмонроқ гуноҳдур. Яъни, сизларнинг Ражаб ойида уруш қилиб, улардин бир киши ўлдирганинларни улуғ гуноҳ кўрурлар. Ҳақиқатда эса ўзларининг юқорида қилган ишлари Худо олдида энг улуғ гуноҳ ҳисобланадур. Шундай бўлгач, уларнинг сизларга таъна қилишга ҳеч йўллари йўқдур», — деган мазмундаги оят нозил бўлгандин кейин, ул саккиз саҳобанинг бошларидин ҳижолат кўтарилиб, кўнгилларидаги ғам-қайғулари тарқалди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам булардин рози бўлиб, келтирган ғанимат молларини тақсим қилиб бердилар. Шу билан масала тамом ҳал бўлди. Яҳудлар ва мунофиқларнинг бундин кутган мақсадлари юзага чиқмади. Қурайш мушриклари ҳам асир тушган икки киши учун фидя мол юбориб, қайтаришни талаб қилдилар. Бу саккиз кишидан икковлари Саъд ибн Аби Ваққос, Утба ибн Ғазвон йўқотган туяларини излашиб, йўлда ажрашганларича, ҳали келмаган эдилар. Шунинг учун пайғамбаримиз: «Бизнинг кишиларимиз саломат келмагунларича, бу асирларимизни бўшата олмаймиз», дедилар. Шу орада ул икки саҳоба ҳам Мадинага саломат етишиб келди. Сўнгра асирлар учун фидя молларини қабул қилиб, аларни ҳам бўшатдилар. Бу икки асирнинг бириси Ҳакам ибн Кайсон ўз ихтиёрича мусулмон бўлиб, Мадинада қолди. Иккинчиси, Усмон ибн Абдуллоҳ кофирлигича Маккага кетди.

### ҚИБЛАНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларидан сўнгра Қуддуси шарифга қараб, ўн олти ой намоз ўқидилар. Лекин кўнгилларида Каъбага қараб намоз ўқишни бек орзу қилар эдилар. Чунки Каъба Иброҳим Халилуллоҳнинг қибласи эди. Ўтган пайғам-



барлар, Одам алайҳиссаломдан Хотам алайҳиссалом-гача ҳаммалари Қуддуси шарифга қараб ибодат қилур эдилар. Ёлғиз Иброҳим Халилуллоҳга Аллоҳ изни билан Каъба — қибла бўлди. Қурайш сайидлари: «Муҳаммад ўзи Иброҳим Халилуллоҳ йўлидаман, дейдур, андоқ эрса, нечук Каъбага қараб намоз ўқимайди, яҳудлар қибласи Байтул Мақдисга қарайди», деб таъна қилишур эди. Бунинг устига яҳудлар: «Муҳаммад бизнинг динимизга қарши бўлса ҳам, ўзи қибламинизга тобеъдур», дер эдилар. Расулуллоҳ Маккада турган чоғларида Қуддуси шарифга қараб намоз ўқиган бўлсалар ҳам, намозда Каъбага орқа ўтирмаган эдилар. Аммо Мадинага келганларида, намоз ўқисалар, Каъба дол орқада қолишга тўғри келди. Расулуллоҳга бу иш ҳам кўп оғир келган эди. Жаброил алайҳиссаломга: «Аллоҳ таоло мени юзимни яҳудлар қабиласидан Каъбага ўтирармикин», деб кўнгилларидаги орзуларини билдирдилар. Анда Жаброил алайҳиссалом бу мақсадни Аллоҳдан талаб қилишни маслаҳат бердилар. Расулуллоҳ: «Менинг бу талагим қачон қабул бўлғай», деб кўп термулганликдан, дуо қилганларида юзларини кўк сари кўтарур эдилар.

Бир куни Умму Башар деган саҳобия хотуннинг уйига уни кўргани келдилар. Шу ерда пешин намозининг вақти кирган эди. Шу жойдаги маҳалла масжидга чиқиб, саҳобалар билан пешин намозини ўқишга турдилар. Икки ракат ўқиганларида Жаброил алайҳиссалом: **«Фавалли важҳака шатрол масжидил Ҳаром»** оятини ваҳий келтирди. Яъни: **«Юзингни Каъбага айлантир»**, деган Худо тарафидан амр бўлди. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам намоз ичидан, турган ҳолда юзларини Каъбага ўтирдилар. Мана ўшал кундан бошлаб, бутун мусулмонларнинг қибласи Каъбага қарор топди. Шу кунда ҳам Мадинаи Мунаварада икки қиблалик масжид, деган бир-бирига қарама-қарши, икки меҳроблик бир масжид бордур. Уни ҳожилар зиёрат қилурлар. Бу воқеа ҳам Пайғамбаримиз ҳақида улуғ неъматлардин саналур. Чунки бошқа пайғамбарлар умрлари бўйича қилган ибодатлари бир қиблага қаратилган эди. Аммо бизнинг Пайғамбаримиз қилган тоат-ибодатларини икки қиблага қараб адо қилдилар. Икки қибланинг савоб даражалари ул зотга ҳосил бўлди.

## РЎЗАНИНГ ФАРЗ БЎЛИШИ

Шу йилнинг Шаъбон ойида Аллоҳ таоло томонидан ваҳий келиб, мусулмонларга ҳар йили бир ой Рамазон ойида рўза тутмоқ фарз бўлди. Бундан илгари Пайғамбаримиз ва саҳобалар ҳар ойда уч кун — ўн учинчи, ўн тўртинчи ва ўн бешинчи кунлари ихтиёрий рўза тутар эдилар. Китобларда бу кунларни «аййоми байзо», яъни «ойдин кунлар» деб атардилар. Ҳар йилда бир ой Рамазон ойида — рўза тутмоқ беш бинои Исломнинг бирисидур.

Инсон асли яратилишида икки тарафлик сифат билан яратилмишдур. Яъни, жисмоний ҳайвоний ва руҳоний малаконий сифатларга эгадур. Ҳар икки томоннинг тарбияти ўзига хос, ғизоси билан (озуқа) бўлур. Яъни, емак-ичмак инсоннинг жисмоний тарбияти бўлганидек, намоз, рўза, тоат-ибодат унинг руҳоний тарбиятидур. Инсон боласи жисмоний сифатлари томонидан қаралса, ҳайвон боласидан ҳеч қандоқ фарқи йўқдур. Агар инсон ҳайвоний сифати билан қўйилса, ул ҳолда ўзидан бошқа ҳеч нарсани танимайдур. Бошқа бировлар учун қайғуриш унинг эсига ҳам келмайдур. Очлик, чанқоқлик энг оғир ишдур. Бунинг қийинлигини ҳар ким ақли билан билса ҳам бўлур. Лекин очликни татиган киши, уни татимаганлардан яхшироқ билур. Шунинг учун Аллоҳ таоло ҳар йили бир ой, бой-чоғой, шоҳу гадо демай, бир ой рўза тутмоқни барчага бир текис фарз қилди. Ҳаммага очликнинг аччиғини тотқизди. Очлик қандоқлигини, тотиганларга очлик билан эзилган ожизларни эскартди. Энди рўзанинг руҳоний томонига қарасак, агар шароити рия қилинган тақдирда, унинг қалбига, руҳига, бошқа ибодатларга қараганда тезроқ таъсир қилишида ҳеч шак йўқдур. Ибодат, риёзат таъсир қилди, демак, қалб, руҳ қувват толиб, ёмон хулқлардин пок бўлди, демак-аур.

Инсонда доимо қарама-қарши икки тортишув бордур. Биринчиси, раҳмоний ақл, иккинчиси, шайтоний нафсдур. Буни Пайғамбаримиз: «Лиммаи раҳмоний, лиммаи шайтоний», дедилар. Бу икки куч одам боласини доимий суратда талашурлар. Ҳақиқатда эса буларнинг бири жаннат, иккинчиси дўзахдур. Бу икковидан қайси бирига қўшилса, бандада ихтиёр бордур. Лекин шуни билмоқ керакким, намоз, рўза, тоат-ибо-

дат билан раҳмоний ақл қувват топади. Агар булардан ажраб, фисқ-фасод, нафси ҳаво йўлига кирса, шайтоний нафси ривожга киради. Мана бу икки қувватнинг қайси томони ривожлик, кучлик бўлса, инсон шу томонга мойил бўлур. Шунинг учун, рўза ойининг туганчисида фитр-садақа беришни шариат вожиб қилди. Рўза шарофатидан кўнгиллари юмшаган мўминлар буни оғир олмай, ихлос билан адо қилишларини билди.

Расулуллоҳ, Мадинага келгач, икки йилдан кейин Рамазон ойининг рўзаси, мусулмонларга шу оят билан фарз бўлди:

**«Ё айюҳаллазина аманув кутиба алайкумус сияму кама кутиба алаллазина мин қабликум».**

Маъноси: *«Эй мўминлар, бир ой Рамазон рўзаси сизларга фарз бўлди, сизлардан илгари ўтган пайғамбарларга ҳам рўза фарз бўлган эди».*

### **ЗАКОТНИНГ ФАРЗ БЎЛИШИ**

Яна шу йили бой кишиларга нисоби етган молларидан закот бериш фарз бўлди. Закот фарз бўлиши ҳақида шу оят тушган эди:

**«Ақимус солата ва атуз заката»**, яъни *«Намоз ўқинглар ва закот беринглар»*, демақдур.

Агар бир кишининг ўз ҳожатидан ортиқча кумуш ақчаси икки юз тангача, олтин бўлса, йигирма тиллога етса, ёки тижорат савдо қилиш учун сақлаган молнинг баҳоси ўшанчалик бўлса, бунинг устига йил айланиб ўтган бўлса, мана шу молнинг қирқдан бирини закот нияти билан фақир, мискин, етим-есирларга бермак фарздур. Закот — беш бинои Исломнинг бирисидур.

Шунга ўхшаш, агар бир кишининг қўйи қирққа етса, сиғири ўттизга, туяси бешга етганида, буларнинг устига йил айланиб ўтганда, шулардан шариат буюрганича закот чиқармоқ ва чиққан деҳқончилик унумларининг ўндан бирини Худо йўлига топширмоқ барча мусулмонларга фарздур. Буларни йиғиб олиш, шариат кўрсатган ўринга топшириш ишлари подшоҳ ёки ҳукуматнинг ҳаққидур. Агар бу ушур закотларни олиш-беришда Қуръон кўрсатганича иш қилсалар, мусулмон фақирларининг ҳожатсиз бўлишларида ҳеч шак йўқдур. Касбдан ожиз қолиб, ҳожатга тушган киши-

ларнинг турмушларини тўлиқ таъмин қилишга албатта бу иш кафилдур. Бошқаларга ўхшаб, бу ҳақда турли тадбирлар ўйлаб чиқаришга ҳеч ҳожат йўқдур. Агар инсон оламининг оқил донишмандлари инсоф юзасидан чуқур назар қилсалар, дунё йўқсуларини таъминламоқ учун энг биринчи чора шулдур. Бой-чоғойлар орасида яширин ётган ҳасад ўтини ўчиришга энг ўткир дори шулдур. Нечук шундай бўлмағайким, Аллоҳ таоло бандаларининг дунё ва охиратлик ишларини тузатиш учун ўз ҳикмати билан чиқарган энг улуғ бир тадбирдур. Бу ҳикматлик ҳукми амалга ошириш бутун ҳожатлик инсонлар ҳаққини ҳимоя қилиш демакдур.

### БАДР ҲАЗОТИ

Бу ғазот эрса, бутун Ислом оламида бўлган ғазотлар ичида энг улуғ аталмишдур. Бунинг улуғлиги моддий жиҳатдан, яъни аскарнинг кўплиги, яроқ-жабдуқнинг мўллигидан эмас, балки маънавий-диний томондан қаралганда, бек улуғ ғазотдур. Юқори олам, яъни етти қат осмон, то Лавҳу Қалам, Арши аъзам фаришталари олдида ҳам бу ғазотнинг шуҳрати бордур. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келишлари билан, ҳидоят қуёши янғидан туғилган бўлса ҳам, лекин бу қутлуғ ғазот натижасида ҳидоят аҳллари зафар байроғини кўкка кўтариб, бутун залолат оламига майдон ўқидилар. Улуғ фаришталардин Жаброил, Микоил, Исрофил алайҳиссалом, бу учовлари уч туғ кўтарган уч минг фаришта билан майдонга ҳозир бўлдилар. Бу сирни Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга Қуръонда бу оят билан хабар берди:

**«Ала якфиякум ан йумиддакум раббукум бисаласати алафин минал малаикати мунзалин».** Маъноси: *«Кифоя қилмасму, Раббингиз сизларга мадад берса ўз тарафидан туширилган уч минг фаришталар билан»*, деган бўлур.

Юқориги уч улуғ фаришталар туғ-байроқлари билан бу майдонга ҳозир бўлганларидек, буларга қарши Иблис малъун, Бани Кинона қабиласининг раиси Сууроқа ибн Молик суратига кириб, бу ҳам ҳозир бўлди. Шу қабила кишиларининг суратларига кирган бир қанча кофир жинлардан қўшин тузиб, туғ-байроқлар кўтарган ҳолда Бадр майдониغا келдилар. Қурайш муш-

риклари буларнинг келганларини кўриб, кўнгиллари таскин топди. Йўқ эрса, бу икки қабила орасида эскидан қолган адоватлари бор эди. Бундоқ вақтда аларнинг қарши ҳаракат қилиб қолишлари мумкинлигидан қўрқар эдилар. Суроқа суратига кирган иблис мушрикларга айтди: «Биздан кўнгиллар тинч бўлсин, мен сизларга ёрдам бериш учун келдим. Энди бу урушда сизларга душмандан енгилмоқ йўқдур», деб Абу Жаҳлнинг укаси Ҳарс ибн Ҳишом кўлини тутди. Бироқ шу чоғда Жаброил алайҳиссаломга Иблиснинг кўзи тушди. Тани симобдек ларзага тушиб, дарҳол тутиб турган киши кўлини силтаб ташлаб, орқасига қарамай қочди. Кофирлардан бирови туриб: «Эй Суроқа, ёрдамга келдим, деб бизни қувонтирган эдинг, энди ўз сўзингга вафо қилмай, қаён борурсан?», деди. Суроқа айтди: «Сизлар кўрмаганларни мен кўрурман, энди бу жойда турмоққа тоқатим йўқдур», деб аскарлари билан кўздан ғойиб бўлди.

Энди бу ғазотнинг бошланиши шундоқ эдиким, юқорида айтганимизча, Макка мушрикларининг катта карвони Расулуллоҳга тутқич бермасдин, Шом вилоятига ўтиб кетган эди. Бир неча кундан кейин уларнинг Шомдан қайтган хабарини эшитдилар. Анда саҳобаларга айтдилар: «Бу келаётган карвонни агар қўлга туширсак, биз улуғ ўлжага эга бўлурмиз. Энди шунинг чорасига киришайлик, кимнинг от-улоғи олдида ҳозир бўлса, биз билан чиқсин. От улоғи йўқ кишиларни кутиб туришга вақт сизмайди», деб йўлга чиқдилар. Бу воқеа ҳижратнинг иккинчи йили, Рамазон ойининг тўртинчи куни эди. Бу муборак ғазотга тайёрланиб чиққан саҳобаларнинг сони уч юз ўн учга етди. Бунинг икки юз қирқтачаси ансорлар бўлиб, қолганлари эса муҳожирлар эди.

Абдуллоҳ ибн Умму Мактумни Мадинага вақтлик волий қилиб қўйдилар. Бу аскарнинг борлик кўруклари икки от, етмиш туя бўлганликдан, йўл бўйи гезаклашиб (алмашиб) минишдилар. Расулуллоҳ йўлга чиққанларида Шом томондан келаётган карвоннинг бошлиғи Абу Суфён эди. Бу киши Ҳижоз тупроғига ўтгандан сергакликка бошлаб, зағизгондек соқлик ила йўл тутди. Ҳар қўнолғуга бориш олдидан тингчилар юбориб, Мадина тарафидан сақланиб келар эди. Илгарилаб карвон олдидан юборган тингчилари Пайгамбаримизнинг йўл тўсгали чиққани хабарини кел-

тирдилар. Буни онглашиб карвон ахлига қаттиқ қўрқинчлик турди. Замзам ибн Амр деган кишини йўлдан йигирма мисқол олтинга ижара олиб, тезда Маккага хабар қилгали юбордилар. Бул киши эрса елмаён туяга миниб, бир неча кун ичида Маккага етди. Шаҳар ўрғалиғига келиб, туя устида тикка турди, кишилар қарасалар, тескари қўмлаган туяга минган, туяни қулоқбурни кесилиб, қони оққан, кийган қўйлагининг орқадди йиртилиб, ёқасига етган. Мана шундоқ киши сесканурлик ҳолда туриб: «Ҳар кимга молу жон керак бўлса, илдамлик билан Абу Суфён ёрдамига етсун, Муҳаммад йўлдошлари билан қофила карвонни босмоқчи бўлиб, Мадинадан чиқди», деб жонининг бори-ча қаттиқ қичқирди.

Душман томондан қўрқинчлик хабар етказган кишиларнинг шундоқ даҳшатлик сифатда келишлари араб одатларидан эди. Бу даҳшатлик хабарни эшитган Қурайш халқи бутунлай қўзғалдилар. Абу Жаҳл бошлиқ бутун қабила бошлиқлари Расулуллоҳга қарши халқ газабини қўзғашга қаттиқ киришдилар. Қурайш раисларидан Абу Лаҳабдан ўзга бу сафарга чиқмаган киши қолмади. Бу бўлса, ўз ўрнида Ос ибн Ҳишом деган кишини тўрт минг тангага ёлаб юборди. Олдирашлик (тезлик) билан тайёрлик кўришиб, икки кун ичида йўлга чиқдилар. Аскар қўшинида тўққиз юз эллик киши бўлиб, етти юз туя, юзтача совутланган югурик отлари бор эди. Чилдирма чалиб уруш қиздирмоққа, шеър ўқиб, ўзларини мақтаб, мусулмонларни ёмонламоққа канизаклардан бир неча қўшиқчи олдилар.

Пайғамбаримизнинг Макка мушрикларининг бунчалик қилган ишларидан хабарлари йўқ эди. Бу чиқишларидан кутилган мақсад карвон молини қўлга тушириш эди. Шунинг учун вақт ўтмасун деб тездан ҳозирлик кўриб, шул кунёқ Мадина ташқарисига чиқиб, қўшин туздилар. Шул жойда кўрик ўтказиб, урушга ярамлик аскар тайёрланди, ёши етмаган болалар, кучсиз қари-қартанлар қайтарилди. Шу ердан икки кишини тингчи қилиб кайтган қофила қаерга келганини билмак учун юбордилар. Мадинадан икки-уч кун юриб, Равҳо деган жойга келганларида Қурайш қўшинларнинг келаётган хабари билинди. Тингчиликка кетган икки киши келиб, бир-икки кун ичида алар Бадр водийсига етиб келишларини билдирдилар. Буни англаб, Расулуллоҳ аскар бошлиқларини йиғиб: «Эй

мўминлар, икки тоифанинг бирини бизга бермакка Аллоҳ ваъда берди: ёки Шом томонидан келаётган Қурайш карвони бизга ўлжа бўлғусидур, ёки буларни тўсиб чиққан қўшинлари билан тўқнашсак, зафар топкумиздур», дедилар. Анда баъзи саҳобалар: — «Ё Расулаллоҳ, шошқунлик билан карвон тўсмоққа чиққан-лигимиздан, яроқ-жабдуқларимизни тўлуқлаб олмаган эдик, қандай бўлур экан?» — деб Қурайш аскарларига тўқнашликни тиламаганликларини сездирдилар. Анда Миқдод ибн Асвад ўрнидан туриб айтди: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ таоло сизни қайси ишга буюрган бўлса, шунга қараб юриш қилинг. Мусо қавми — Бани Исроил айтган сўзни бизлар айтмайдуرمىз (Пайғамбарлари аларни ғазотга чақирганда: «Эй Мусо, биз уруш қилмасмиз, Тангринг билан сен борғил уруш қилиб шаҳарни душманлардан бўшатгил, сўнгра биз кирайлик, ул чоғлик биз ўлтириб турайлик», деган эдилар).

Аллоҳ оти билан онт ичарман, агар бизни олиб, Баракал Ғамод шаҳрига юрар бўлсангиз (арабларнинг айтишларича, дунёнинг бир четидаги шаҳар), олдиорқангиздан, ўнг ва сўл ёнингиздан чопа-юриб, сиз айтган жойингизга еткуруرمىз».

Яна ансор саҳобаларидан Саъд ибн Муъоз айтди: «Ё Расулаллоҳ, бизлар сизга иймон келтирдик, сизга Аллоҳ юборган (элчи) деб ишондик. Сизнинг буйруғингизда бўлмоққа, ҳар тўғрида сизни ҳимоят қилмоққа ваъда бериб, байъат топширдик, қайси ишга Аллоҳ амр этган бўлса, бошланг, биз тайёرمىз. Сизни пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ оти ила онт ичурманким, агар бизни бошлаб қай денгизга кирар бўлсангиз, ортингиздан қолмай, бизлар ҳам кирармиз, сув денгизи эмас, ўт денгизи бўлса ҳам сиздан ажралмаймиз, ҳар қанча кўп душман қаршисида бизни қўйсангиз, уни кўп кўриб, оғир олмаймиз. Уруш майдонида бизлар чидамликдуرمىз. Душман қаршисида эрлик билан туриб, қахрамонлик кўрсата олуرمىз.

Ё Расулаллоҳ, эртага кўрасиз, душман олдида қилган баҳодирлик кўрсатган ботирликларимиз. Сизни албатта, суюнтирғай, албатта, шундай бўлур деб Аллоҳдан умид этамиз», деб сўзини тўхтатди.

Бу сўзларни эшитиб Расулаллоҳ суюнганларидан муборак юзлари ялтираб кетди. Сўнгра айтдилар: «Сизларга башорат бўлғайким, душманларимиз бу урушда биздан енгиладилар. Уруш майдонида аларнинг йиқи-

либ ётган жойлари Худо тарафидин кўзимга кўрсатилди». Яъни, Аллоҳ таоло икки тоифанинг бирини берурман, деб Пайғамбаримизга ваъда қилган эди. Шу ваъда Қурайш қўшинига тўғри келиб, аларнинг бу урушда учрайдурган воқеалари кўрсатилди. Абу Жаҳл бошлиқ бир қанча Қурайш раисларининг бу майдонда ўладурган жойларини белгилаб, бир кун олдин саҳобаларга кўрсатдилар. Қайси ерни кўрсатган бўлсалар, худди ўшал ерда деган кишилари ҳалок бўлди. Бундай ғойиб ишлардан хабар беришлари Пайғамбаримизнинг мўъжизалари эди.

Энди сўзни Абу Суфёндан эшитамиз. Абу Суфён Пайғамбаримизнинг йўл тўсиб чиққанларини англагандан сўнгра, юрган йўлини ташлаб, йироқ бўлса ҳам денгиз бўйи йўлига тушиб карвонни қутқазди. Дарҳол хат ёзиб, келаётган Қурайш қўшинига киши юбордиким, бизлар қутулдик, энди бошқа ҳожат йўқ, сизлар қайтинглар, деб ёзган эди. Бу юборилган киши аларга йўлда йўлиқди. Хатни ўқигандин сўнгра Абу Жаҳлдан бошқа барча Қурайш раислари Абу Суфён сўзи билан йўлдан қайтиб кетишни маъқул кўрдилар. Ёлғиз Абу Жаҳл бу ишга розилик бермади: «Биз йўлимиздан қайтмаймиз, Бадр майдонига бориб, ул жойда уч-тўрт кун турайлик, атрофдаги араблар бу ишимиздан хабар топсинлар, туя сўйиб, чағир ичиб аскарга улуш берайлик, араб элига бизнинг отимиз тарқалсин, бу йўлни шуңдоқ қилиб қайтсак, халқ ичида обрўйимиз ошиб, ҳайбатлик бўлурмиз», деди. Бунинг бу сўзига қарши чиқувчилар бўлса ҳам, аларнинг сўзлари рад қилинганликдан, баъзилари ўзларига қарашлик бўлган кишиларни олиб, йўлдин қайтдилар. Қолган Қурайш қўшинлари шу юрганларича, Бадр водийсининг Макка томонидаги четига келиб қўндилар. Бу жой бўлса, Макка билан Мадина оралиғидаги, Мадинага яқинроқ бир ердур. Қўнишлари юмшоқ тупроқлик, кенг кетган текислик эди. Мушриклар бу ўринга етганда, у томондан Пайғамбаримиз ҳам яқинлашиб келдилар. Ҳазрати Али, Зубайр ибн Аввом, бу икковларини душмандин хабар олиб, тил тутмоққа аскар олдидан юборган эдилар. Булар Қурайш аскарларининг сувчиларига йўлиқиб, алардин икки кишини ушлаб, Расулуллоҳга келтурдилар. Шу вақтда Расулуллоҳ намоз ўқиб турмоқда эдилар. Намоздин бўшагунча буларни сўроққа олишди. Алардин ким эканликларини сўраб эдилар,



«Қурайш аскарларининг сувчиларимиз», деб ростини айтдилар. Бунга ишонишмай: «Сизлар Абу Суфён кишилари бўлгaysиз», деб аларни қаттиқ урдилар. Қийноқдин қутулмоқ учун, ёлгон бўлса ҳам: «Абу Суфён гуломларимиз», деб турганда, Расулulloҳ намозларини ўқиб бўлиб, аларга айтдиларким: Ростини айтганда буларни урдинглар, ёлгон айтсалар қўйдинглар. Қурайш сувчиларимиз, деганлари тўғридур. Қани улардин бизга хабар беринглар, раислари кимлар, аскар сони қанча?» — деб сўрадилар. Анда сувчилар: «Биз Қурайш аскарларини анави кўринган эгиз қумтепа ортида қўндириб келдик. Аммо аскар сони қанча эканини билмаймиз», дедилар. «Андоқ бўлса, ҳар кун аскарнинг овқатига неча туя сўйилади?», дедилар. «Бир кун ўн, бир кун тўққиз туя сўйилади», дейишди. «Бу сўзинглар рост бўлса, аскар сони тўққиз юз билан минг оралиғида бўлмай», дедилар. Иккинчиси, бу аскар ичида Қурайш раисларидан бир қанча атоқлик кишиларнинг борлигини билдирди. Буни эшитганларида, Пайғамбаримиз саҳобаларига қараб: «Мақка шаҳри сизларга жигарпораларини тақдим қилмишдур», деб бу урушда зафар топишга ишорат қилдилар.

Шунинг билан юриб-ўтиришиб, кечга яқин Бадр водийсининг Мадина томон қирғоғига келиб тушдилар. Бироқ бу тушган ерлари шўрлик, сувдан йироқ чўл ер эди. Ичишга сув тополмай, чанқоқлик буларга галаба қилди. Бунинг устига шу кеча бир неча саҳобаларга жунублик етган эди. Эрталаб уйқудин турган вақтларида баъзилари жунуб, баъзилари таҳоратсиз эдилар. Фусл, таҳорат қилишга етарлик сувлари ҳам йўқ эди. Шунинг учун уларнинг кўнгилларида турлик васвасалар пайдо бўлди. Душманни кўрмасдан илгарийёқ: «Чанқоқлик бизни ҳалок қилгудек кўринур, шунинг устига агар душман ҳужумига учрар бўлсак, ҳолимиз нечук бўлур?» — деган сўзлар тарқалиб, аскар ичига қўрқуниш тушди.

Мана шу чоғда Аллоҳнинг фазли карами билан ҳаво ўзгариб, ёмғир ёға бошлади, кўп вақт ўтмай сойлар тўла сув билан силкиниб оққали турди. Барчалари фусл таҳорат олдилар, Ўзлари ичиб, қонишиб, от-уловларини суғориб, сув идишларини тўлғаздилар. Кўнгилларида ҳам бўлиб турган васвасаларининг бариси кўтарилди. Чангиб, тўзиб турган тупроқлар босилиб, оёқ ости топталди. Уруш майдонига кирганда баҳодир йигит-

ларнинг оёқлари тойилмас бўлди. Бу ёмғир ёвиши му- сулмонларга нақадар фойдалик бўлди эса, кофирларга шул қадар зиёнлик эди. Чунки аларнинг мақсадлари, шул куниеқ ул жойдин кўчганларича, Бударнинг сув қудуқларига эга бўлиш эди. Юрар йўллари лой, бот- қоқ бўлганликдан, йўлда бир кун кечикиб қолдилар. Олдинги ўйлаган мақсадлари қўлга кирмай қолди.

Пайғамбаримиз бўлсалар шу кечани тоат-ибодат билан ўтказдилар. Бутун аскарларга зафар белгиси бўлиб, тун бўйи аларни роҳат уйқуси босди. Шунинг учун: «Иймони кучлик кишиларга уруш устида уйқу келур, намоз ичида ухлаганлар, дилида нифоқ борли- гидан бўлур», дедилар. Шунинг билан Расулуллоҳ, тонг ёриши билан: «Мўминлар, намозга, намозга», деб қич- қирдилар. Ёмғирдан далдаланиб, ҳар ерда ётган саҳо- балар йиғилишиб келиб, Расулуллоҳ орқасида намоз ўқидилар. Намоздан кейин саҳобаларга қараб, уруш ҳақида қисқача бўлса ҳам, ўткир ваъз сўзладилар. Шундоққим, Аллоҳга ҳамду сано айтгандин сўнгра:

— Эй мўминлар, Аллоҳ таоло ҳозир у нозир, доим сизларга қараб турадур. Уруш майдонида баҳодирлик кўрсатиб, душманга қарши чидамлик билан туришин- гларни Аллоҳ суядур, уруш устида қилич остида Ал- лоҳни ёд қилиб, сабр билан туриш ҳар мўминнинг тутган пўлат қалқонидур. Бундан ажралмаган киши- лар душман устидан албатта зафар топадилар. Бу ўрин- да бир неча соат сабр қилувчилар, дунё шарафига эга бўлиб, умр бўйича қайғу-ҳасратдин ўзларини, ав- лод-насларини қутқарғайлар. Шуни билинларким, Аллоҳнинг ёрдами сабр қилувчилар биландур, — деб сўзларини тамомладилар.

Сўнгра Расулуллоҳ Бадрдаги сув қудуқларини душ- мандин илгарироқ эгаллаш учун илдамлаб йўлга туш- дилар. Айтганларидек, Қурайшдан илгарироқ манзилга етиб, Мадина томонидин боришдаги биринчи қудуқ бошига тушдилар. Анда ансор саҳобаларидин Хубоб ибн Мунзир:

— Ё Расулаллоҳ, бу жойга агар сизни Аллоҳ ту- ширган бўлса, бу ердан илгари-кейин кетмагимиз йўқдур. Агар бу жойга ўз фикрингизча тушган бўлиб, урушда ҳийла керак, десангиз, бу ўрин бизга қулай эмас, — дедилар.

Анда Пайғамбаримиз:

— Бу ҳақда менга Аллоҳдин ваҳий келмади, ўз

хошишимча бу жойга тушдим, уруш демак, макр-ҳийла билан бўлур. Агар биз учун бирор фойдалик иш топган бўлсанг, қани сўзла, уни қабул қилурмиз, — дедилар.

Анда Хубоб ибн Мунзир:

— Андоқ эрса, Макка томонидаги энг олдинги биринчи қудуққа эга бўлмоғимиз керақдур. Мен билурман, ё Расулаллоҳ, бу жойдаги борлиқ қудуқлардан унинг суви мўлдуру. У қудуқнинг ёнидан қўл қазиб, уни сув билан тўлдириб олайлик, қолмиш қудуқларнинг бориға тош-тупроқлар ташлаб, сувларини қури-тайлик, душманларимиз келса, сувсиз қолсунлар, — деди.

Расулаллоҳ бу кенгашни тўғри топиб, бу қудуқ айланасида (атрофида) аскарға ўрин олдилар. Бошқа қудуқларнинг барини кўмдириб, ўз қудуқлари олдида бир қўл қазиб, сувға тўлдирдилар. Бу ўринға душман келиб етмасдин илгарироқ бу ишлар бажарилган эди. Анда мадиналик ансор саҳобалар раиси Саъд ибн Муъоз:

— Ё Расулаллоҳ, сиз учун бу тепа устида соялик бир ўрин қилайлик, бизнинг ишларимизни текшириб, сиз унда ўлтиринг, елмаён югурик туялардин бир нечасини олдингизға келтириб қўяйлик, сўнгра биз душманларимиз билан савашайлик. Тангри бизға ёрдам бериб ғанимларимизни енгар бўлсак, кутган тилагимизни топган бўлурмиз. Аган бундоқ бўлмай, иш бошқа тарафға айланса, тайёр турган туяға миниб, ўзингизни Мадинаға еткуринг. Анда қолдирмиш ёр-йўлдошларингиз сизни жонлари ила сақлагайлар. Олдингизда сиз учун мол-жонларини қурбон қилгайлар. Бу ишда уларнинг биздан ҳеч камчиликлари йўқдур, — деди. Расулаллоҳ унинг бу сўзига раҳмат айтиб...

— Эй Саъд, иш ўзгармас, иншааллоҳ, биз душманларимизни енгамиз, — дедилар.

Шунинг билан уруш майдони устида қараб турғудек бир эгиз тепа устиға хурмо ёғочи шоҳларидан соябон ясадилар. Расулаллоҳ ул жойға чиқиб ўлтирдилар. Абу Бакр Сиддиқ қилич яланғочлаб, бошлари устида қоровуллик қилди. Шу орада Қурайш қўшинлари ҳам етишиб келди. Расулаллоҳ кўрдиларким, аларнинг уруш асбоблари тугал, от-арғумоқлари мукамал. Байроқлар кўтаришган ҳолда ғурурлик ва такаббурлик билан келишар эдилар. Ўз ёронлари, мўмин-

ларга қарасалар, буларда ҳар томондан етишмаслик кўп кўриқди. Сонлари уч юздан ортиқ бўлатуриб, борлиқ кўлуклари етмиш туя, икки отдан бошқа йўқ эди. Буни кўриб, Расулуллоҳнинг кўнгиллари маънос бўлди. Сўнгра Қурайш аскарларига қараб туриб, Худога муножат қилдилар:

— Эй бор Худоё, бутун дунё халқига мени ҳақ пайғамбар қилиб юбординг, ҳақ йўлни аларга ўргатгил, деб қўлимга Қуръондек улуғ китоб бердинг. Энди булар ўзингга қаршилиқ кўрсатиб, пайғамбарингни ёлғончи қилдилар. Ўзинг туширган Қуръони каримга ишонмадилар, қонимизга ташна бўлиб, қаршимизга келдилар. Эй бор Худоё, бу урушда бизларга зафар бериб, душманларимизни ҳалоқ қилгил, чунки урушда сабр этган мўмин қулларингга, ёрдам берурман, деб ўзинг ваъда қилдинг. Сенинг бу ваъданг албатта ҳақдур, — деб дуо қилдилар.

Шу орада Қурайш қўшини иккига бўлиниб, ўз ичларидан ола чиқди. Аскар раисларидан Утба ибн Рабиа деган киши халқни бу урушдан қайтаргали турди. Ул айтур эдиким: «Бу урушда Муҳаммадни енгар бўлсак ҳам, яна бу урушдан биз учун фойда чиқмай-дур. Чунки унинг ёру йўлдошлари энг оз деганда ўз баробарларича киши ўлдирмай қолмаслар. Агар бу урушда Қурайшдан шу қадар одам ўлдирилур бўлса, қолганларимизга бу тирикликдан нима лаззат бўлур? Яна урушнинг охири қандоқ чиқиши бизга маълум эмасдур. Муҳаммад аскарининг бир қисми ўз қабиламиз бўлганликдан бу уруш ўз қонимизга — ўзимиз қасд қилиш, демақдур. Муҳаммад билан бизнинг ора-мизда қон-мол чиқимларимиз бўлса, барини ўз устимга олдим, қонга хун тўларман, молига товон берурман, энди бу урушни қўяйлик, Муҳаммадни бошқа қабила араблари билан қолдириб, ўзимиз эсонлик билан қайтайлик, ул бошқаларни енгсин, ёки улардин енгилсин. Биз учун бу иш фойдалик бўлиб чиқар» деди.

Бу сўзлар аскарлар ичида тарқалиб, Абу Жаҳлга етди. У эрса бутун қўшиннинг бош қўмондони эди. Бу сўзнинг тўғрилигига қонган бўлса ҳам, кўнглидаги сақлаган гина-адоватининг қаттиқлигидан бу маслаҳатни қабул қилмади. Қайта ул кишини қўрқоқлик билан айблади. Ва бундин илгарироқ карвон хабарини билиш учун Расулуллоҳ саҳобалардин саккиз кишини

Абдуллоҳ ибн Жаҳшни бош қилиб юборган эдилар. Нахла деган жойга келганларида кичикроқ карвонга учрашиб, карвон бошлиғи Амр ибн Ҳазрабий деган кишини ўлдирдилар. Бутун карвон молини икки киши билан олиб, Мадинага қайтдилар. Бунинг воқеаси олдироқда ўтди. Ўлдирилган Амр ибн Ҳазрабийнинг акаси Омир ибн Ҳазрабий укасининг қасосини оламан деб Қурайш қўшини билан бирга чиққан эди. Абу Жаҳл унга дарҳол киши юбориб, олдириб келиб: «Кўрдингми Утбани, укангни ўлдирган Муҳаммад билан урушмаймиз, деб аскарни урушдан қайтармоқчи бўлади. Энди сен бутун аскар йиғилиб турган чоғда ўрнингдан туриб, ўлган укангни қаттиқ талаб қилиб, ўч олишга аскарни қўзғатил», деди. Сўнгра у аскар ўртасига келиб, кетини очди, араб одатича бошига тупроқ сочиб «Во Амро, во Амро», деб қаттиқ қичқириб, йиғлагани турди. Буни кўриб ўз қабиласи, қариндош-уруғлари ҳам йиғладилар. Бутун аскар ўч оламиз деб қичқиришдилар. Шунинг билан икки орадаги сўзлар тўхталиб, уруш бошланмоқчи бўлди. Ҳар икки томондаги аскарлар ўз сафларини туздилар. Сарвари олам айтдилар: «Икки ўринда сафни тўғри тутмоқни Аллоҳ сундуру. Бири — намози жамоатда, иккинчиси — сўқиш майдонида». Расулulloҳ ҳам қўлларидаги таёқчалари билан ишорат қилиб, илғари-кейин турган кишиларнинг сафларини тўғриламақда эдилар. Шу орада ансор саҳобалардан Савод номлик бир киши сафдан ташқари чиқиб қолди. Унга ишорат қилсалар, ўзини ўнглай олмади. Сўнгра Пайғамбаримиз тутиб турган таёқчалари билан ул кишини, сафда тўғри тур, деб биқинига қаттиқроқ нуқиб қўйдилар. Ул киши айтди: «Ё Расулаллоҳ, сизни Аллоҳ таоло халқ ичига ҳақлик, адолатлик қилишга юборгандур, менинг биқинимга туртиб, оғритдингиз. Шунинг учун қасос қайтаришингизни талаб қиламан», деди. Анда Расулulloҳ қорнилари-ни очиб, қасос олмаққа рухсат қилдилар, буни кўриб у саҳоба, муборак қоринларига юз-кўзларини суртиб ўпди. «Нега бундоқ қилурсан?», деб Расулulloҳ андин сўрадилар. Ул киши: «Ё Расулаллоҳ, кўриб турасиз, барчамиз ўлим олдида, ажал сафида туруرمىз. Агар бу урушда ўлиб кетар бўлсам, охир чоғимда муборак жасадингизга бирор жойимни суртган бўлурман. Бу эса Аллоҳ олдида менинг учун улўғ шарафдур», деди.

«Хасоиси суғро» деган китобда келтирубадур: «Ра-

сулulloҳнинг муборак жасадларига жонлик-жонсиз нима нарса теккан бўлса, ул нарсани Аллоҳ таоло дўзах ўтига ҳаром қилгай».

Шундоқ бўлиб, ҳар икки тараф аскарлари саф боғладилар. Баҳодирлар майдонга кўз тикдилар. Шу чоғда яна Пайғамбаримиз аскар устига келиб, уруш бошланиши олдида иккинчи бир ваъз сўзладиларким, мазмуни бу эди:

— Эй мўминлар, Аллоҳ таоло сизларга нусрат берурман, деб ўзи ваъда қилди. Аллоҳ ваъдасининг ҳақлигига ҳеч шак йўқдур. Фанимлар устидан ғалаба қозонмоқ учун уруш майдонида чидамлик керакдур. Душманлар қаршисида баҳодирлик билан сабот қилгувчи мўминларни Аллоҳ дўст тутгай. Фаришталар аларнинг ёрдамида бўлгайлар. Буңдоқ ўринда сабр қилиб, шижоат кўрсатувчиларни Аллоҳ таоло доимий давлатга етказгай, келгувчи кунларнинг қайғу ҳасратларидан кўнгилларини қутқазгай.

Бу сўзга чуқур фикр қилинг, Пайғамбаримиз айтган бу ваъзларида умматларининг доимий давлатга етмакликлари учун, дунё турмушида ғаму қайғудан озод бўлмоқлари учун, биринчи даражада душмандан ғалаба қозонмоқ керак эканлигини очиқ кўрсатдилар. Чунки мағлубиятга учраб, душманларидан енгилган миллатлар доимий қайғу-ҳасратда қолиб, хору зорлик бирла яшамоққа мажбурдирлар. Ҳар бир кимсага маълумдурки, ҳаёт оламида инсоннинг энг севган, қадрлик, қимматлик тўрт нарсаси бордур. Бу тўрт нарсага эга бўлмаган кишилар инсонлик шарафидан маҳрум бўларлар. Аларнинг энг биринчиси шулдурким, ҳар одам ўз эрк ва ихтиёрига эга бўлмоқдур. Ўзида эрки, қўлида ихтиёри йўқ одамларнинг ҳайвондан нима фарқлари бордур.

Иккинчиси шулки, шаръий ёки қонуний касблар орқалик топган молу дунёси, қилган меҳнатининг меvasи шул топгувчининг ўз ҳаққи бўлиб, анинг хос мулкидур.

Учинчиси, ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси, у миллатнинг туғилиб ўсган, ота-бобосидан мерос қолган Ватанидур. Она Ватанни бошқалар тасарруфига қодирмоқ — Ватан авлодларининг кечирилмас оғир жиноятларидур, балки инсон ҳуқуқларига қилган хиёнати дур.

Тўртинчиси, ҳар мамлакат халқининг асрлар бўйи асралиб келаётган муқаддас динларидур.

Энди бу юқорида ёзилмиш тўрт нарсага эга бўлмоқ учун ҳар миллатнинг бутун ҳуқуқлари шу миллатнинг ўз қўлида бўлиши шартдур. Бу иш эса ҳаёт оламининг кураш майдонларида душманлари узра ғалаба қозонмоқ билан қўлга келур. Шунинг натижасида у миллатнинг ҳокимияти ўз қўлида сақланур. Ана шундагина бутун ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қила олғайлар. Агар бундоғ бўлмай, иш тескарисига айланиб, мағлубият балосига қолсалар, асорат ва маҳкумият занжири билан банд бўлиб, душман қўлида қолсалар, ул чоғда инсоният ҳуқуқларидан бутунлай ажраб, юқорида айтилмуш тўрт қимматлик нарсанинг бирига ҳам эга бўлолмайдилар. Балки ҳайвонлар қаторидан ҳам тубанроқ даражага тушадилар. Бошимиздан ўтаётган тарихий воқеалар, устимизда бўлаётган ҳозирга ҳодисалар бу ишга жонлик шохиддир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган бу ваъзаларининг сирлари озроққина ўйлаб қараган ҳар қандоқ кишига очиқ маълумдур.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Кофир, мусулмон икки тараф бўлиб, саф боғладилар. Ўшал замоннинг уруш одатлари бўйича, Қурайш кофирларидан уч одам майдонга кирди. Биринчи — Утба, иккинчиси — унинг иниси Шайба, учинчиси — ўғли Валид эрди. Булар туриб, мубораза кўрсатдилар. Яъни, мусулмонлардин майдонга чиқсун, деб ўзларига баҳодир чақирдилар. Мусулмонлардин уч киши аларга қарши майдонга тушди. Биринчи, Муиз, иккинчиси, Муъоз, учинчиси, Авф эрди. Булар ансорий саҳобалардин бўлиб, учовлари бир туғишган қариндош эдилар. Алар билан қарши келишиб, кўришганларида: «Қайси қабиладан бўласиз», деб сўроқладилар. «Бизлар ансорийлардин бўламиз», деб жавоб бердилар. Анда улар: «Сизлар яхши тенгдошлар экансиз, лекин биз ўз уруғимиз — Ҳошимийлар билан майдон тутмоққа хумормиз. Бизга шулардин чиқсун», дейишди. Буни англаб, учовлари Расулуллоҳ қошларига келишди. Пайғамбаримиз Хошимийларга қараб айтдилар:

— Мени сизларга пайғамбар қилиб юборган Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилинглар. Ислом дини — Аллоҳнинг ёқиб қўйган чироғидир. Бу кофирларнинг мақсадлари шу чироқни ўчиришдур. Эй Убайда, эй Ҳам-

за, эй Али, учовинглар туринглар», деб фармон бердилар. Булар ҳам жавлон уриб, дарҳол майдонга отилишди. Қарши-қаршига келиб қарасалар ҳам, бир-бирларини таниша олмадилар. Чунки у замондаги уруш одатича, совуг, дубулға кийган кишиларнинг кўзларидан бошқаси кўринмас эди. Насаб сўрашиб, танишган сўнгида, ҳар икки тарафдин олти баҳодир қаршиладилар. Убайда — Утбага, Ҳамза — Шайбага, Али — Валидга тўғри келишдилар. Булар ичида барчадин ҳазрати Убайданинг ёши улўғроқ бўлиб, Пайғамбаримиздан ўн ёш чўнг эди. Энди, бу баҳодирлар икки тараф кўшинларининг кўз олдларида бир-бирларига ҳамла қилишдилар. Энг аввал қилич солиб, қаршидаги душманни енгган ҳазрати Али эди. Бир қилич уриб эрди, оёғи кесилди, иккинчи қилич солиб ўлдирди. Амири Ҳамза ҳеч қанча ҳаял ўтказмай, Шайбага ғалаба қозонди. Аммо ҳазрати Убайда билан Утба бир-бирларига қилич солишиб, ҳар икковлари ҳам оғир яраландилар. Шу орада арслондек анинг икки йўлдоши ёрдамга етишиб, Утбани пора-пора қилдилар.

Уруш бошланиши мусулмонларнинг енгиси билан бўлганидан Ислому руҳи кўтарилди. Уч баҳодирлари майдонда ўлдирилиб, душман руҳи тушди. Дарҳол ҳазрати Убайдани орқалашиб, Расулуллоҳ олдларига келтирдилар. Оёқлари қилич зарбидан кесилиб, иликлари оқиб турмоқда эди. Расулуллоҳнинг муборак қадамларига юзини қўйиб: «Ё Расулаллоҳ, шу жароҳатим билан ўлсам, шаҳидлик даражасини топгайманму?» деб сўради. Анда Расулуллоҳ: «Гувоҳлик берурман, Аллоҳ таоло шаҳидлик даражасини албатта сенга ато қилгай», деб башорат бердилар. Уруш тугаб, Мадинага қайтишларида, Суғро деган қишлоққа келганда, вафот топиб, шунда дафн қилинди. Бу киши Худо учун муборазат майдонида жон бериб, Разияллоху анху, (Худо ундан рози бўлсин) шаҳодат топган Ислому баҳодирларининг биринчиси эди. Сўнгра Расулуллоҳ тепа устига қурилган жойларидан тушиб, аскарларга қараб айтдиларким:

— Мендин буйруқсиз душманга ҳужум қилмагайсиз. Агар сизлардин илгари улар ҳужумга ўтсалар, яқинлашиб келгунларича аларни ўққа тутинглар. Бу иш душман кучини синдириб, орқага чекинтиргай. Агар устингизга етиб келсалар, у қолда қилич суғуриб, қарши ҳужумга ўтинглар, ҳар ким урушда чидамлик қилур



эраса, зафар унинг билан бўлур. Уруш сафида сабр қилгувчиларга Аллоҳ ёрдам берур.

Бу сўздин сўнгра ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ билан ўз ўринларига ёндилар. Бу орада уруш ҳам қизигали турди. Анда Пайғамбаримиз шу дуони ўқидилар:

*«Аллоҳумма уншидука аҳдака ва ваъдака, Аллоҳумма ин заҳару ала ҳазиҳил исобати заҳараш ширку вала якувму лака дин».*

Маъноси: «Эй бор Худоё, мўминларга нусрат берурман, деб ўзинг ваъда қилган эдинг. Энди шу ваъдага вафо қилмоқни сендин талаб қилурман. Агар шу кунги урушда кофирлар ғалаба қилиб, мусулмонлар енгилсалар, куфр ривож топгай. Ер устида ҳақ дин бош кўтара олмагай», демақдур.

Бу дуодин сўнгра бирор соат ўтмасданок, душман аскарлари бузилиб, орқа ўтириб қочгали турдилар. Аллоҳ таоло мўминларга фаришталар орқалик ёрдам етказди. Қурайш ва бошқалардин бўлиб, душман тарафиди етмиш киши ўлдирилди. Яна шу баробаринда етмиш киши асир олинди. Мусулмонларда ҳар тўғрилиқ камчиликлар бор эди. Шунга қарамасдан Аллоҳнинг ёрдами билан, ўзларидан уч баробар ортиқ душманларини енгдилар. Бу ғазотда ҳозир бўлган саҳобалар уч юз ўн уч киши эди. Ўрталарида икки от, етмиш туядан бошқа минарлик нарса йўқ эди. Уруш қизиб келган чоғда Пайғамбаримиз чайладин чиқиб, баланд овоз билан шу оятни ўқидилар. Мусулмонларга нусрат бериш ҳақида Аллоҳдин шу оят ваҳий бўлган эди:

**«Саюҳзамул жамъу ва юваллунаддубур»**, яъни, *«Куфр қўшини энди албатта енгилгайлар ва орқа ўтириб қочгайлар»*, демақдур.

Бу оятда айтилгандек, аларнинг кўнгиллари кўрқинчликка тўлди. Жонлари бўғизларига келди. Ҳеч ерда қайрилиб қарай олмай, ўлгандин, асир берилгандин қолганлари қочиб, аранг жон тутқондилар. Бу урушда Абу Жаҳл бошлиқ Қурайш раисларидин бир неча атоқлик кишилар ўлдирилди. Кўплари тутқин олинди. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам «хаза масраъу фулан», яъни, «фалончи шу ерга йиқилиб ўлар, фалончи бу ерда йиқилиб ўлар», деб уларнинг ўладиган жойларини саҳобаларга кўрсатган эдилар. Пайғамбаримиз қайси жойни кўрсатган бўлсалар, нақ шу ўринда ўлдирилдилар. Бу ҳам Расулаллоҳнинг мўъжизаларидур. Сўнгра ўликларни оралаб қарасалар,

Абу Жаҳд кўринмади. Унинг ҳоли нечук бўлди, билмадик, дедилар. Расулуллоҳдин бу сўзни онглаб бир неча саҳобалар ани излагани турдилар. У бўлса, ўликлар ичида рамақижон (чалажон) бўлиб ётган экан. Ибн Маъсуд кўриб, анинг калласини кесаётганда: «Ким бўлсанг ҳам, бўйним билан қўшиб, калламини каттароқ қилиб кесгин, Муҳаммад олдига ташлаганингда, анинг кўзига ҳайбатлик кўринсун», деди. Сўнгра бошни кесиб, Расулуллоҳ оддларига келтириб ташлади. Буни кўриб, Расулуллоҳ Аллоҳга ҳамд-сано айтгандин сўнгра: — Ҳар умматнинг ўз ичидан чиққан бир фиръавни бўлур. Бу умматнинг фиръавни Абу Жаҳд эди, бунинг ҳалоки билан Ислом дини ривож топар, — дедилар.

Сўнгра буюрдилар, бориб майдонда ётган ўликлар йиғдирилиб, шу жойдаги қудуқларга кўмилди. Расулуллоҳнинг одатлари қайси ерда одам ўлиги кўрсалар, унинг ким эканлигини сўрамасдан, дарров кўмишга буюрар эдилар. Мушриклар ўликларини қудуққа ташланаётган чоғда, улуғ саҳобалардин Абу Ҳузайфа қараб турган эди. Укаси Валид, амакиси Шайба ташланган вақтда унча ўзгармаган бўлса ҳам, отаси Утбанинг судралиб ташланганини кўрганда унги (ранги) ўчиб, бир турлик ўзида ғаму қайғу пайдо бўлди. Расулуллоҳ буни сезиб, «Ҳузайфа, отанг ҳолини кўриб, ачинганга ўхшайсан», дедилар. Анда у айтди: «Ё Расулаллоҳ, отам Утба билимлик, ақллик, андишалик киши эди, шунинг учун унинг Исломдин насибалик бўлишини умид қилар эдим. Энди, мен тилаганча бўлмай, шу ҳолда ўлганини кўриб, кўнглим қайғуланди», деб кўзига ёш олди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳузайфага тасалли бергудек сўз айтиб, анинг ҳақиқа дуо қилдилар. Сўнгра Расулуллоҳ қудуқ қирғовига келиб: «Эй, фалон ўғли фалон, мен айтган сўзларнинг ҳақлигини энди аниқ билдингларму?» дедилар. Анда Ҳазрати Умар: «Ё Расулуллоҳ, жони йўқ жасадлар бу сўзни қайдин англайдилар?» деди. Расулуллоҳ: «Аллоҳ, оти билан онт ичурман, менинг сўзимни сизлардан яхшироқ англайдилар. Энди Аллоҳ айтган сўзларини чинлигини кўзлари билан кўришди», дедилар.

Шунинг билан уруш ўтиб, уч кун сўнгида Мадинага қайтгани қасд қилдилар. Йўлга чиқмасдин илгари, суюнч хабарини етказмоқ учун икки киши юбордилар. Бири Мадиналик ансорлардан Абдуллоҳ, ибн Ра-

воҳа, иккинчиси, Пайғамбаримизнинг асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса эди. Булар келмасдин илгари Мадина мунофиқлари ила Ислому душмани яҳудлар мусулмонларни рамгин қилмоқ учун, аларнинг зиёнларига турлик ёлғон хабарлар тарқатмиш эдилар. Хабарчилар келгандин сўнгра ёлғон йўқолиб, чин сўз майдонга чиқди. Мусулмонлар қувонишиб руҳлари кўтарилди. Мунофиқлар, яҳудлар шарманда бўлишиб, хафалиқда қолдилар. Буни эшитиб, Исломиятни қабул қилмаган бутун араб мушриклари зил кетиб, кўнгилларига кўрқинч тушди. Бу суюнчилик хабар келган чоғда, Расулуллоҳнинг қизлари, ҳазрати Усмон аёллари Руқияни саҳобалар эндигина дафн қилишиб, қабристондин қайтишмоқда эдилар. Шу вақтда хабарчилар етишиб келиб, Абдуллоҳ ибн Равоҳа қаттиқ қичқириб: «Эй мўминлар, суюнчи, Расулуллоҳ соғ-саломатлар, мушриклар раисларидан фалони-фалони ўлдирилди, фалон-фалонлар асир олинди», деди. Буни эшитган яҳудлар раиси Каъб ибн Ашраф, «бу сўзлар ёлғондур, агар Муҳаммад буларни ўлдиргани рост бўлса, ер ости бизларга устидан яхшироқ бўлур», деди.

Энди Расулуллоҳдан хабар эхшитайлик. Суюнчи айтиб, Мадинага киши жўнатилгандин сўнгра, ўзлари ҳам йўлга чиқдилар. Сафро деган жойга келганда, қўлга тушган Қурайш раисларидан Назр ибн Ҳарс деган кишини ўлдиришга буюрдилар. Улуғ саҳобалардан Мусъаб ибн Умайр унинг бир туғишган қариндоши эди, уни Расулуллоҳга орачи қўйиб: «Муҳаммадга айтгил, бошқа йўлдошларим қаторида менинг ҳам жонимга омон берсун», деди. Анда Мусъаб ибн Умайр: «Сен бу ўлимдан омонлик топа олмагайсан. Аллоҳ китоби Қуръон ҳақида, анинг Пайғамбари Расулуллоҳ устида ноянғлиқ (кўп, қанчалар ёмон) сўзламиш эдинг, анга иймон келтирган мўминларга турлик азоблар бериб, қийнамиш эдинг, энди шу қилмишларинг жазосини кўрмақдан бошқа чоранг йўқдур», деб сўзини рад қилди. Шунинг билан, Ҳазрати Алига топширилиб, боши кесилди. Бир оғиз иймон айтишга бўйни ёр бермасдин, дунё ва охиратлик давлатидан ажради. Бошига қилич келган чоғида иймон айтган бўлса эди, тавбаси қабул бўлиб, ўлимдан қутулур эди.

Сўнгра ул жойдин кўчиб, «Ароқ аз-Зобя» деган манзилга келдилар. Бу ерда Қурайш аскар бошлиқларидан Уқба ибн Муъозни ўлимга буюрдилар. Бу

киши ҳижратдин илгари Маккада Расулуллоҳга ҳаддин оша адабсизликлар қилган эди. Бир куни Пайгамбаримизни чорлаб, зиёфат қилгани ўз уйига келтирди, таом ҳозирлаб емакка таклиф қилди. Расулуллоҳ анинг иймонидан умид қилиб, агар иймон келтирмасанг, бу таомдин емайман, дедилар, у ҳам қабул қилиб, шу ҳолда иймон келтирди. Бу сўз халқ ичига тарқалиб, катта-кичик ҳаммага маълум бўлди. Қурайш раисларидан Убай ибн Халаф унинг энг яқинларидан эди. Бу сўзни эшитиб, қаттиқ қайғуланди. Ота-боболаримиз юрган йўлдан чиқиб, аларнинг динини буздинг, деб уни ҳўп маломат қилди. Анда Уқба: «Уйимга меҳмон бўлиб, келган Муҳаммадни таом едирмак учун, тил учида айтган бўлдим. Мен бу ишни чин кўнгил билан қилмадим», деб аларга узр айтди. Қанча айтса ҳам мушрик раислари бунинг сўзига ишонмадилар. Анда Убай ибн Халаф: «Муҳаммадни кўрганнингда, анинг юзига тупириб, бўйинини босиб, юзини ерга сурсанг, шундагина сўзингга ишонамиз, йўқ эрса, сенинг юзингга боқишни кўзимга ҳаром қилдим», деб онт ичди. Ҳақиқатда эса, анинг кўнглига иймон нури кирмаган эди. Шунинг учун бир куни Расулуллоҳ Каъба олдида намоз ўкиб, сажда қилган чоғларида, дўсти топширган шу беадабсизликни ижро қилди. Аммо Расулуллоҳ намозни бузмадилар, намоз ўтаган сўнгида анга қараб:

— Агар сени Ҳарамнинг ташқарисида кўрар бўлсам, бошинг узра қилич кўтарурман, — деб нубуват нури билан, шу кунги ҳолига ишорат қилдилар. Сўнгра у саҳобалардин Осим ибн Собитга топширилиб, бўйини узилди. Сўнгра Расулуллоҳ асирларни соқчиларга топширдилар. Ўзлари бир мунча саҳобалар билан илгарилаб, Мадинага юрдилар. Улардан бир-икки кун илгарироқ Мадина шаҳрига етдилар. Ҳаммадин илгари бошига бир чора кўтарган яҳуд хотини Расулуллоҳни қарши олди. Қарасалар чора ичида қовурилиб, пиширилган қўзи гўшти бор эди. Ул хотун:

— Эй Муҳаммад, алҳамдулиллоҳ, сени саломат кўрдим, агар Муҳаммад шу сафардин саломат қайтса, Худо йўлида бир қўзи сўйиб, пиширайин, эл олди билан қарши олиб, шу таомдин егизай, деб ўзимга назр қилиб қўйган эдим. Мана, мақсадимга етдим, Худо муродимни берди, — деб чораси билан қўзи этини келтириб, Расулуллоҳ олдиларига қўйди. Танг-

рининг қудрати билан чорадаги қўзи гўшти шу ҳолда тилга келди:

— Эй Муҳаммад, мен оғуланмуш эрурман, бу хотун заҳар қўшиб, мени пиширди, зинҳор мендин емайгайсиз, — деб ўзидан хабар берди.

Аллоҳ амри билан буңдоқ мўъжиза кўрилгач, у хотуннинг хиёнати маълум бўлиб, Расулуллоҳ анинг таомидан емадилар. Аммо бу тўғрида ул хотундин сўз ҳам сўрамадилар. Шу билан Расулуллоҳ Мадинага яқинлашиб келганларида, катта-кичик бутун халқ тўсиб чиқишди. Чўрилар, ёш қизлар ўз одатларича, чилдирмалар чалиб, шодлик қўшиқлари айтишур эди. Шундоқ бўлиб, табрик маросимлари суюнчилик билан ўтказилди. Мўминларга қандоқ суюнчилик бўлди эрса, Қурайш мушриклари Бадрда енгилиб, Макка шаҳрига борганларидан сўнгра мотам тутмаган уй қолмай, қаттиқ қайғуришдилар. Жоҳилият одатларича, эру хотин демай, йиғи-зори қилгани туришди. Урушда ўлганларнинг хотинлари, яқин қариндошлари мотам белгиси қилиб, соч-соқолларини кесдилар. Ўлганнинг минган оти ёки туяси қолган бўлса, шуларга қора кийдириб, ёпуғлаб ўртага қўйилур эди. Қоп-қора мотам либосини кийишган хотун-қизлар булар атрофида айланиб, новҳа бирлан йиғлашур эди. Мана шундоқ қаттиқ мотам тутишиб, бир ой ўтказдилар. Сўнгра ўзаро бу мотам йиғисини қилмасга маслаҳат қилишди. Чунки Муҳаммад ва унинг йўлдошлари бунини эшитур бўлсалар, аларга суюнчилик бўлмай, энди бизлар қонга қон, жонга-жон олиб, ўлганлар ўчини олмагунча, аларга йиғламагаймиз, деб қарор қилдилар. Шунинг билан йиғилари тўхтатилди.

Расулуллоҳ бўлсалар, Мадина шаҳрига кириб, ором олдилар.

### **АСИРЛАР ҲАҚИДА МУЗОКАРА**

Сўнгра асирлар тўғрисида сўз бошланди. Расулуллоҳ бу ҳақда саҳобаларга, маслаҳат қилдилар. Анда ҳазрати Умар айтди:

— Ё Расулуллоҳ, булар сизни ёлғончи қилишди, ўзингизга ва ҳам сизга иймон келтиргувчиларга қилмаган ёмонликлари қолмади. Охирида ўз ватанимиздан қочиб чиқмоққа мажбур бўлдик, устимизга қўшин тортиб келиб, ўзлари уруш қилдилар. Эндиги маним

маслаҳатим шуки, буларни қатлиом қилайлик, барини кўймай ўлдирайлик. Булар ичида менинг туққан қариндошларим бўлса, буюринг, аларни мен ўлдирай. Ҳамзанинг яқинларини Ҳамзага, Алининг яқинларини Алига топширинг, ўлдирсинлар, бошқалари ҳам шундоқ қилсунлар. Булар кўфр бошлиқлари, бузуқлар беклари эрурлар буларни тирик қолдирмагаймиз, сўнгра бошимизга бало бўлур, — деди.

Ансор саҳобалардин Саъд ибн Муъоз, Абдуллоҳ ибн Равоҳа шу фикрга қўшилдилар. Анда Абу Бакр Сиддик:

— Ё Расулуллоҳ, бу асирлар бўлса, ўз уруғ-аймоқларимиздур. Аллоҳ таоло сизга зафар берди, биз аларни енгиб, асир оддик, энди буларни ўлдирмоғимиздан тирик қолдирмоғимиз яхшироқдур. Жон бошига мол кесиб, булардин фидя олайлик. Бу ишимиз эрса, келарги кунларда биз учун куч-қувват бўлғувсидур. Балки асирлар ўлимдан қолсалар, сўнги кунларда ажаб эмаским, ҳидоят топгайлар, у чоғда сизга кучли ёрдамчи бўлгайлар, — деди.

Шундоқ бўлиб, бир-бирига қарши бўлган икки фикр ўртага ташланди. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Аллоҳ таоло бировнинг кўнглини юмшоқ яратур, андоқ кишининг кўнгли сутдек оқ, қаймоқдек юмшоқ бўлур. Яна бировнинг кўнглини тошдин ҳам қаттикроқ қилур. Эй Абу Бакр, сен ўтган пайғамбарлардан Иброҳим Халидуллоҳдек кўнглинг юмшоқдур. Ул айтмиш эрди: «Фаман табииий фаиннаҳу минний ва ман асоний фаиннака ғафурур раҳим». Маъноси: «Ҳар ким менга итоат қилур эрса, ул кимса мендин бўлур. Агар менга бўйинсунмасдин, қаршилиқ қилур бўлса, ул чоғда рофурсан, раҳимдурсан», демақдур. Яъни, унга ғазаб қилмасдин, ёзуқларини ёпиб, яна раҳмат қилур эрсанг, эрклиқдурсан», деди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг бу айтган сўзларига қаралса, ул зотнинг кўнгли юмшоқлиги, раҳмдиллиги маълум бўлур. Чунки ўзига иймон келтурмай, қаршилиқ қилгувчи кишиларга ҳам ёмонликни раво кўрмадилар. Балки ёзуқларини (яъни, қилмишларин) кечирмоқни Аллоҳдин сўрадилар. Сўнгра Ҳазрати Умарга қараб:

— Эй Умар, сенинг бу айтган сўзинг Нух пайғамбар айтган сўзидек турур. Ул айтмиш эрди: «Робби ла тазар алал арди минал кафирийна даййоро», яъни

«Эй Раббим, ер узра кофирлардан ҳеч кишини қўймай ҳалок қил».

Бу сўзлардан сўнгра Расулуллоҳ уйларига кириб кетдилар. Маслаҳат бергувчиларнинг сўзларини англаб, ҳеч бирини рад қилмадилар. Ҳар икки фикрни тўғри топган бўлсалар ҳам, лекин ҳазрати Абу Бакр фикрига кўнгиллари мойил бўлди. Сўнгра саҳобаларга қараб:

— Сизларда фақирлик, камбағаллик бордур, ҳар киши ўз асирини яхши сақласин, алардин фидя мол олиб, сўнгра бўшатгаймиз, — дедилар.

Бу сўз Қурайшга онланди. Алар айтдилар:

Биз бу ишга шошқинлик билан киришмайлик, агар асирларни қайтариш учун фидя молларини илдам юборур бўлсак, Муҳаммад бундан озикланиб, биздин ортиқча мол сўрар. Ўлим устига яна мол бериб, товон тўламак биз учун оғирдир. Шу сўз билан бу ишни кечиктирмоқчи бўдилар, шундоқ бўлса ҳам мушриклардан Мутталиб деган киши бу сўзга қулоқ солмай, яширинча Мадинага келди, бунинг отаси Абу Видоъ асир тушганлардан эди. Тўрт минг танга товон тўлаб, отасини ажратиб олди. Буни кўриб, Қурайш халқи асирлар учун орқама-орқа фидя молларини юборишга киришдилар. Тўрт минг тангадан минг тангагача товон тушган эди. Буни тўлашга кучи етмаган киши, агар ўқиш-ёзишни яхши билур бўлса, Мадина болаларидан ўн болага ўқиш-ёзишни ўргатмоқ шарти ила озод қилинди. Яна асирлардан Абу Суфён ўғли Амр, отаси Абу Суфёндан фидя молини юборишни талаб қилди. Отаси мол юборишга рози бўлмай: «Муҳаммадни боламга ва молимга нечук эга қилурман, қўйинглар, тилаганича боламни қўлида сақласин», деб фидя молини юбормади.

Шу орада Саъд ибн Нуъмон деган саҳоба умра ибодатини қилмоқ учун Маккага келган эди. Абу Суфён бундан хабар тошиб қолиб, уни ушлаб олди. «Ўғлим Амрни Муҳаммад озод қилмас эрса, мен буни қўймасман», деб қамоққа олди. Бу воқеа Мадинага эшитилгандин сўнгра, Саъднинг қавму қариндошлари бўлган воқеани баён қилдилар. Шу сабаб бўлиб, Абу Суфён ўғли Амрни Маккага қайтардилар, анинг баробарида Саъд ҳам саломат Мадинага келди. Яна асир тушган кишилардан бирови куёвлари Абул Ос ибн Рабъ эди. Пайғамбаримиз Маккада турган чоғларида қизлари

Зайнабни шул кишига берган эдилар. Бундан бошқа икки қизлари амакилари Абу Лаҳабнинг ўғилларига тушган эди. Пайғамбаримизга қилган душманлиги орқалик буларни ажратиб олишга мажбур бўлдилар. Буни кўрган Қурайш мушриклари Зайнабни ҳам талоқ қилишни Абул Осага таклиф қилган бўлсалар ҳам, Абул Ос: «Аллоҳ оти билан қасам қилурман, рафиқам Зайнабдин ҳаргиз ажралмасман, Қурайш хотин-қизларидан ҳеч бирини унга тенг кўрмасман», деб аларнинг сўзларини қайтардилар. Зайнаб Абул Осага фидя молини юборай дер эрса, анинг юборгудек ҳеч нарсаси йўқ эди. Ночор бўлиб, бўйинга осар мунчоқларини фидя моли ўрнида Мадинага юбордилар. Бу нарсани онаси ҳазрати Хадича, қизлари келин бўлиб тушган тунида бўйнига таққан эди. Фидя моли учун келтирилган, қизларининг бўйин мунчоқларини кўриб, Расулуллоҳнинг кўнгиллари оғриди. Анда саҳобаларга айтдилар:

— Агар рози бўлсанглар, Зайнабнинг юборган бўйин осмаларини унга қайтариб, анинг асирини бўшатурсиз, — дедилар.

Барчалари ризолик бериб, Абул Осдан фидя моли олинмай, Маккага қайтарибди. Лекин Расулуллоҳ, қизлари Зайнабни Мадинага қайтаришни унга шарт қилиб, киши қўшдилар. Бир неча кундан кейин юборилган киши Зайнабни саломат Мадинага келтирди. Сўнгра ҳижратнинг саккизинчи йилида, Макка фатҳ бўлишдан бурунроқ, Абул Ос иймон келтириб, Мадинага келди. Расулуллоҳнинг рухсатлари билан бурунги никоҳ бузилмасдан бирга бўлдилар. Яна асирлардан Суҳайл ибн Амр деган киши ўзи Қурайш раисларидан бўлиб, унинг устига атоқлик шоир, ҳам араблардан чиққан чечанлардан эди. Бунинг тилидан мусулмонларга кўп азиятлар етмиш эди. Шунинг учун ҳазрати Умар:

— Ё Расулуллоҳ, рухсат қилинг Суҳайлнинг олдинги икки тишини суғуриб олайин, бундан кейин араб мажлисларида сизга қарши шеър айтиб, сўз қилмоқ-дин ожиз қолсун, — деди. Анда Пайғамбаримиз:

— Эй Умар, инсондаги аллоҳ ясаган аъзоларни бузгани бўлмас, агар у бу кунгача қарши сўз қилган бўлса, бир кун бўлурким, Ислоом ёрдамида яхши сўзлар қилиб, Аллоҳ ризосини топгай, — дедилар.

Расулуллоҳнинг бу айтган сўзлари вафотларидан сўнгра, деганларидек тўғри чиқди. Пайғамбаримизнинг



вафотларида қалбларига иймон — Ислом ҳақиқати билан ўрнашмаган бир неча араб қабилалари муртад бўлдилар. У чоғда Макка халқи ҳам янги мусулмонлардин эди. Булар ҳам муртад бўлишга мойил бўлишди. Шу чоғда Сухайл туриб, Аллоҳга ҳамду сано айтгандин кейин, кўпчилик халқ ичида ўткир бир нутқ сўзладиким, мазмуни бу эрди:

— Эй одамлар, ҳар кимса Муҳаммад учун Исломга кирган бўлса ва Муҳаммадга ибодат қилган эрса, аниқ билсинки, Муҳаммад вафот бўлди. Агар Аллоҳга иймон келтириб, ибодатни Аллоҳга қилса, ул Аллоҳ тириқдур, ул ҳозиру нозирдур, доимий боқийдур. Аллоҳ Қуръонда хабар берган:

**«Иннака маййитун ва иннаҳум маййитувн».**

Маъноси: *«Эй Муҳаммад, сен ҳам бир кун ўлурсан, ўтган пайғамбарлар ҳам ўлганлар».*

Яна Аллоҳ айтди: «Ва ма Муҳаммадун илла расувлун қод халат мин қоблиҳир русул».

Маъноси: «Муҳаммад инсондин чиққан пайғамбардур, бундан бурун ҳам кўп пайғамбарлар ўтгандурлар».

**«Афайн мата авқутилан қолабтум ала аъқобикум».**

Маъноси: *«Муҳаммаднинг ажали етиб ўлса, ё душманлари томонидан ўлдирилса, диндан чиқиб, илгариги йўлингларга қайтгайсизларму?»* демак.

Бу оятларни далил келтиргандин сўнгра яна Сухайл айтди:

— Худо ҳаққи, мен аниқ билурман, бу Ислом дини янги чиққан куёш янглиғдур. Соат сайин юқорига кўтарилгай. Бир кун бўлурким, бу куёш бутун оламни ёриттай. Бўш иймонлик бир неча кишилар сўзига алданманглар. Аллоҳга таваккал қилинлар. Аллоҳ ҳаққи, дини Ислом оёқ узра доим турғусидур. Аллоҳ сўзи — Қуръон албагга камолига еткусидур. Бу динга ёрдам бергувчиларга Аллоҳ ёрдам берур. Ичимизда энг яхшимиз Абу Бакр Сиддиқ бу динга бош бўлди. Бундан буён кундан-кунга Ислом дини янада кўтарилиб, қувват топгай. Шуни билинларким, ҳар кимса диндан қайтиб, муртад бўлса, тўхтовсиз унинг бошини кесиб ўлдираймиз, — деб сўзини тамом қилди.

Иймон-Ислом ҳақиқати билан ўрнашмаган, Пайғамбаримизнинг вафотларини эшитиб кўнгиллари қўзғалиб турган бирмунча одамлар бунинг сўзини англаш-

гаңдин кейин, утга сув сепгаңдек бўлиб босилдилар. Бу мўъжизани кўрингларким, саккиз йил илгари бу киши Бадр урушида асир тушган эди. Ҳазрати Умар: «Ё Расулуллоҳ, руҳсат қилинг, бунинг олди тишларини суғуриб олай, иккинчи ҳеч бир жойда сизга ва мусулмонларга қарши сўзга чиқолмай қолсун», деганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Умар, бир кун келурким, бу киши Исломи дини ҳақида кўп фойдали сўзлар қилгай», деган эдилар. Саккиз йилдан сўнг юқоридаги ваъзни билан, бу мўъжизани исбот қилди.

Яна ўз сўзимизга қайтайлик. Мукризи ибн Ҳафс деган киши юқоридаги ваъзни сўзлагувчи Суҳайл ибн Амрга фидя моли бермак бўлиб, Мадинага келди. Уни асир тутиб, сақлаган киши билан бу ҳақда сўзлашиб келишди. Келувчи кишини асир ўрнида тутқин олиб, Суҳайлни бўшатдилар. Сўнгра ўзи бориб, Маккадин келтирган фидя молини топширгандан кейин, ҳар иккови бирга Маккага қайтдилар. Яна Валид ибн Валид, бу киши ҳам асир тушганлардин эди. Икки қариндоши, бириси Холид, иккинчиси Ҳишом фидя молларини бериб, буни қутқардилар. Бу киши Макка шаҳрига келгандин сўнгра, дарҳол иймон келтирди. Унга айтдилар: «Фидя молини бермасдин бурунроқ иймон келтирган бўлсанг, молинг ўзингга қолган бўлур эди». Анда ул айтди: «Молини қизганиб, моли учун иймон келтирди, демасинлар», деди. Сўнгра Мадинага ҳижрат қилмоқчи бўлган эди, қариндошлари тўсиб, қайтардилар.

Яна, Ваҳб ибн Умайр, бу ҳам Бадр асирларидан эди. Бунинг отаси Умайр Қурайш шайтонларидан бўлиб, Расулуллоҳ Маккада турган чоғларида бундин кўп кулфатлар кўрган эдилар. Бир куни Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайр билан ўлтиришиб, Бадр урушида ўлганларни эслашиб йиғлашдилар. Шу орада Умайр:

— Ҳозир бўйнимда бир мунча қарз бордур, буни тўлаб, қарздан қутулай десам, қўлимда молим йўқдур. Агар ўзим ўлиб кетсам, бола-чақаларим чоғай бўлиб, хору зор бўлғайларму, деб қўрқинчим бор. Агар шу ишларим бўлмаса, Аллоҳ ҳаққи, Мадинага бориб, Муҳаммадни ўлдирар эрдим. Ўғлим улар қўлида асирдур, шуни баҳона қилиб борур эдим, — деди. Бу сўз Сафвоннинг тилаги бўлганлигидан унга кўп хуш келди. Анда Сафвон айтди:

— Агар шундоқ қилур бўлсанг, қарзингни ўз бўйнимга олурман. Бола-чақаларингни ўз аёл ва оиламга қўшурман. Умайр:

— Агар сен шундоқ қилур бўлсанг, мен ҳам шу сўзимдан қайтмасман, — деди.

Ҳар икковлари қаттиқ ваъда қилишдилар. Бу сирни ҳеч кимга айтмасга қасам ичдилар. Сўнгра Умайр шу иш қасдида қилични қайраб, заҳар билан суғорди. Шу билан йўлга тушиб, тўғри Мадинага келди. Шу чоғда Ҳазрати Умар бир неча саҳобалар билан Бадр урушида ўтган ишлардин сўзлашиб ўлтиришган эди. Қарасалар, қилич тақинган бир киши масжид олдига келиб, туясини чўктирди. Ҳазрати Умар дарҳол уни таниб айтдиларким: «Бу Худо душмани Умайрга ўхшайди, бунинг келиши яхшилик эмасдур, бир ёмонлик нияти билан келгай», деб дарҳол Расулуллоҳга хабар берди. Расулуллоҳ уни келтирмоққа буюрдилар. Ҳазрати Умар қиличини бир қўлида, яна бир қўли билан унинг ёқасидан тутиб, олди-орқасидан ансор саҳобалар ўраган ҳолда олиб келдилар. Расулуллоҳ қарасалар, Ҳазрати Умар қиличининг боғи билан бўйнидан бўғиб ушлаб турибдур. «Эй Умар, уни бўш қўй, яқинроқ келсин», дедилар. Ўша ондин сўнгра Пайгамбаримиз оддиларига келиб араб одатича «анъимув сабоҳан» деди. Бу сўз Ислом дини келмасдин илгариги араблар саломи эди. «Эргангиз юмшоқ ўлсин» демақдир. Анда Расулуллоҳ:

— Бунинг ўрнига ундин яхшироқ саломни Аллоҳ таоло бизга берди. Жаннат аҳли шу ила ўзаро саломлашгайлар. Эй Умайр, нима учун келдинг? — деб сўрадилар.

Анда ул айтди:

— Ўғлим Ваҳб Бадр урушида асир тушмуш эди, бу тўғрида сизлар билан келишгани келдим, унга бирор яхшилик қилгайсизму? — деди.

Расулуллоҳ айтдилар:

Андоғ бўлса, қилич тақиб келишинг қандайдур?

Ул айтди: Қилични Аллоҳ қуритсин, ул бизга ўтган урушда нима асқотди? Ўз одатимча тақинмиш эдим.

Яна Расулуллоҳ сўрадилар:

— Тўғри айтгил, тўғри сўзлагил, қайси иш қасдида келмиш эдинг? Ул: — Айтмиш ишимдан ўзгани ўйлаганим йўқдир, — деди.

Анда Расулуллоҳ айдилар:

Сўзинг ёлғондур, балки иш бундоғдур. Бир куни сен Каъба олдида Сафвон билан бирга ўлтирдинг, Бадр урушида ўлдирилиб, қудуққа ташлаган кишиларни эслашиб йиғлашдинглар. Анда сен: «Устимдаги қарзим бўлмаса, мендин кейин оилаларим оч қолишидан қўрқмасам эди, Мадинага бориб, Муҳаммадни ўлдириб келур эдим, дединг. Сафвон сендин бу сўзни онглаши билан: «Агар бундоқ қилур бўлсанг, ўтнанг (қарзинг) бўйнимга, бола-чақанг нафақаси ўлгунимча устимга бўлсин», деди. Энди сен мени ўлдиргали қасд қилиб келгандурсан. Аллоҳ мени бу ишдан асраб, буни билдиргай — дедилар.

Бу сўзни онглаши билан Умайрнинг кўнгли очилди:

— Аниқ билдим, Аллоҳнинг пайғамбари экансан,— деб дарҳол иймон келтирди. — Сенинг айтган сўзларингга илгари инонмас эдим, сен келтурган кўп хайрларни ёлғон деб билур эдим. Энди гувоҳлик берурман, сен Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари экансан. Бу ишни Сафвон икковимиздан ўзга ҳеч ким билмаган эди. Ва буни билдирмасга онг ичган эдик. Аниқ билдим, бу ишни сенга Аллоҳ билдирмушдур. Йўқ эрса, буни ўзлигидан бошқа ким била олур эди?

Буни кўриб, Расулуллоҳ бошлиқ ҳамма саҳобалар суюнишдилар. Пайғамбаримиз Ислом динининг асосларини унга ўргатишни буюрдилар. Қуръондан бир неча сурани ўқиб, ёд олди. Мусулмонлар қўлига асир тушган ўғли Ваҳбни озод қилдилар. Сўнгра Умайр:

— Ё Расулаллоҳ, мен Ислом нурини ўчирмак учун кўп курашдим, бу диндаги кишиларга қаттиқ қаршилик кўрсатиб, аларнинг кўнгилларини кўп оғритдим. Агар рухсат қилсангиз, Маккага бориб, халқни динга даъват қилайин, Аллоҳдин умид шулдурки, алар ҳам бу йўлни қабул қилгайлар. Агар қабул қилмасалар, илгари ҳақ динга қаршилик қилиб, мўминларга тўла озор берган эдим, энди унинг ўрнига буларга қарши туриб, озор бермакни ўзимга лозим кўрдим, — деб изн сўради. Расулуллоҳ ҳам унга изн бердилар. Сўнгра Умайр ўғли Ваҳбни бирга олиб, Маккага қайтди. Келгандин кейин мусулмонлигини барчага очиқ билдирди. Ўғли Ваҳб бўлса, отаси қўлида иймон келтирди, бутун оилалари билан Ислом динини қабул қилдилар.

Яна Абу Азиз ибн Умайр Бадр урушида қўлга тушган асирлардан эди. Бу бўлса, улуг саҳобалардан Мусъаб ибн Умайрнинг бир туғишган қариндошидур. Са-

қобалардин бировлари буни асир олмиш эди. Мусъаб ибн Умайр унга айтди: «Сен бу асирингни зинҳор бўш тутмагил, яна қочиб қутулмасин, буни суйган молдунелик бой онаси бордур. Фидя учун ҳар қанча мол сўрасанглар уни бермакка қудрати етар». Бунинг сўзини онглаб: «Эй оға, қариндошликни ҳаққи шундай бўлурми?» деди. Оғаси дегандек, онаси тўрт минг танга пул юбориб, ўғлини асирликдан қутқазиб олди.

Яна Пайғамбаримизнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб ҳам Бадрда асир тушганлардан эди. Қўлбўғови қаттиқ боғланганлигидан кечаси инграб, ёта олмади. Бунинг товушидан Расулуллоҳнинг раҳмлари келиб, у кеча ухламадилар. Саҳобалардан бировлари: «Ё расулаллоҳ, на учун уйқунгиз бу кеча қочибдур?» деганида, ул зот: «Аббоснинг инграшини эшитмадингми, у менинг уйқумни қочирди», дедилар. Буни онглаган мўминлардан бир киши тура югуриб, Аббоснинг бўғовини бўшатди. Шу қаторда барча асирларнинг ҳам бўғовларини бўшатдилар. Сўнгра Пайғамбаримиз ундан икки киши учун фидя моли беришни талаб қилдилар. Биринчи ўзи учун, иккинчиси, оғаси Абу Толиб ўғли Уқайл учун эди. Анда Аббос айтди: «Фидя молини биздин нечук олғайсиз? Биз бу урушга ўз ихтиёримизча келмадик, кўпчилик халқ бизни чиқмоққа мажбур қилдилар». Анда Расулуллоҳ айтдилар: «Шариат ҳар ишнинг зоҳирига қарайди, кўринишда бизга қарши туриб, душман сафида бўлдинг, шунинг учун фидя моли бермасга чоранг йўқдур». Ундан икки кишилик мол олдилар. Фидя молларини тўлаб, тутатгандан сўнгра, Аббос Пайғамбаримизга: «Қурайш эли ичида мени энг фақир қилиб қўйдинг, бурун бой бўлсам ҳам, энди бутун умр ичи камбағалликда қолдим», деди. Расулуллоҳ айтдилар: «Қайдин камбағал бўлурсан, хотининг Умму Фазлга топшириб келган молинг эсингдан чиқдиму? Уйингдан чиқар чоғда, бу сафарда мен ўлиб кетсам ҳам умр бўйи сенга етарлик мол қолдирдим, демадингму?» Анда Аббос айтди: «Аниқ билурман ва ҳам билган эдим, сен Аллоҳнинг чин пайғамбаридурсан, йўқ эса қайдин билдинг, хотиним Умму Фазлдан бошқа ҳеч бир жонга туйғузмаган (билдирмаган) эдим», деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, ота бир туққан қариндошлари, ўз амакилари Аббос ҳақида шундай адолат ила иш кўрдилар. Ичи-таши билан душманчилик қилган бошқа фанимлардан бу ишда

унинг ҳеч қандоқ фарқи бўлмади. Йўқ эрса, Қурайш томонидан кўрсатилган мажбурият орқалик келгани Пайғамбаримизга маълум эди. Лекин Қуръони каримнинг халқаро тенглик-текизлик ҳақида кўрсатган йўли, мўминларга унинг ўргатган адаби шудир. Аллоҳ таоло Қуръонда айтди:

**«Ё аййуҳаллазийна аманув, кувнув қоввамина бил қисти шуҳадоа лиллаҳи ва лав ала анфусикум авил валидайни вал ақрабийн».**

Маъноси: *«Эй мўминлар, ҳар ишда адолатлик бўлинглар, гувоҳликларингиз холис Аллоҳ учун бўлсин, ўзларингизга, ёки ота-оналарингизга, ё қавму қариндошларингизга зиён еткюдек бўлса ҳам адолат йўлидан чиқманглар»*, демақдур.

Расулуллоҳ асирлар ичидаги камбағаллардан фидя мол олмайин, аларни озод қилдилар. Шулар ичида Қурайш шоирларидан Абу Изза деган бир киши бор эди. Бу бўлса, ҳижратдин илгари Маккада Расулуллоҳга кўп озорлар еткузган эди. Бадр урушида банди бўлиб, бу ҳам қўлга тушди. Расулуллоҳни олдиларига келиб: «Эй Муҳаммад, яхши билурсан, бола-чақаларим кўп, фақир кишидурман, мендин мол олмай, озод қилишингни сўрайман», деди. Анда Расулуллоҳнинг унга раҳмлари келди, қилган гуноҳларидан ўтиб, уни бир пул чиқимсиз озод қилдиларда: «Лекин шу шарт биланки, бизни ёмонлаб халқ ичида шеърлар айтмагайсан, бизларга қарши сўкиш учун чиққан қўшинга қўшилиб келмагайсан», дедилар. Ул ҳам бу шартларни тил учиди қабул қилган бўлиб, бошини қутқазиб кетди. Маккага борганида «Муҳаммадин қандоқ қутилиб келдинг?» деб сўрагувчи кишиларга, у: «Уни тилим билан сеҳрлаб, алдаб келдим», деб мақтанур эди. Ҳатто қилган аҳдини бузиб, мусулмонлар ҳақида бурунгидан ҳам бузукроқ шеърлар айтгани турди. Шу билан ҳам тўхтамай, Уҳуд урушида қатнашган Қурайш аскарларига қўшилиб, яна келди. Лекин бу келишида уни ажал ҳайдаб келган эди. Қўлга тушгандин сўнгга ўзига лойиқ жазосини бердилар.

Расулуллоҳ қирқ ёшга тўлганларида пайғамбарлик ваҳий келган эди. Ўттиз пора Қуръон йигирма уч йилда Тангри таоло томонидан тушиб тамом бўлди. Шу муддат ичида етмиш тўрт қатим ғазот қилдилар. Шу ғазотларнинг йигирма еттитазида ўзлари бош бўлиб чиқдилар. Қолганларида бўлса, аскарбоши буюрдилар.

Расулуллоҳнинг барча қилган ғазотлари Аллоҳ амри билан Худо йўлида қилинмиш эди. Шунинг учун барча қилган ғазотлари энг улуғ даражалиқдур. Айниқса, Бадр ғазоти агар руҳоний-диний тарафдин боқилур эрса, олий шон-шарафга эгадур. Бу қутлуғ ғазот ҳақида Аллоҳ таоло Қуръонда шу оятни эндирди:

**«Валақод насарокумуллоҳу бибадрин ва антум азиллатун»**, яъни: *Эй мўминлар, Аллоҳ таоло Бадр урушида, сизларга ёрдам берди, йўқ эрса, сизлар ҳар тўғрида кучсиз эдинглар»*.

Чунки аскар сони душманларникидан уч маротаба оз эди. Уларнинг урушга ярамлик юздан ортиқ югурик отлари, яроқ-жабдуқлари комил бўлатуриб, яна енгилдилар, йўқ эса мўминларда бариси бўлиб, қари-ёш аралаш уч юз ўн уч киши, иккитагина отлари бор эди. Яна Қуръонда айтди:

**«Ваман насру илла мин индиллоҳ»**, яъни: *«Нусрат ёлғиз Аллоҳдангина бўлур»*.

Ҳар бир мусулмон ўз кўнглида шундай ишончни чинлик билан ўрнатмоғи керак, бундан сўнгра бутун қурол-яроғларни душманларга қарши қўйиб, уруш асбоб-ускуналарини юзда-юз тайёрлаш лозимдур. Бундин кейин таваккални Аллоҳга қилишдур. Аллоҳнинг амри, Пайғамбаримизнинг кўрсатган йўллари умматларига шулдур, чунки бу хаёт дунёси — сабаб оламида турлик ишлар бўлса, турлик сабабларга боғланмишдур. Ҳеч бир иш сабабсиз вужудга келиши мумкин эмасдур. Агар шу олам ичида туриб, сабабсиз бир иш пайдо бўлур эрса, у пайғамбар мўъжизаси ёки авлиё кароматидур. Булар бўлса, сабаб оламининг ташқарисида қудрат ишларидур. Аллоҳ мусулмонларни диний томондан қадарга иймон келтириб, бутун шароитлари билан асбоб ушлашга буюрадур. Ким бўлса бўлсин, агар бу ишнинг сабабларини бутунлай тўлиглаб, унга киришар экан, албатта Аллоҳ таоло шу ишни вужудга чиқаргусидур. Ер устида, ҳаво остида яшайдурган барча инсонлар узра қўйилган илоҳий қонуни шулдур. Бу қонунга бўсунмаганларни бошқалар қурол кучи билан келиб, оёқ остиларига топтаб, бўйинларини синдиргайлар. Яна ўз сўзимизга келайлик. Бу Бадр ғазоти инсон оламида қандоқ шон-шарафга эга бўлса, фаришталар ичида ундин ҳам даражаси ортиқдур. Бир куни Расулуллоҳ қошларига Жаброил алайҳиссалом келиб сўрадиким:

— Эй Муҳаммад, Бадр ғазотига қатнашган мўминларнинг сизларнинг оддиларингизда қадр-қимматлари қанчалиқдур?

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Аларни биз бошқалардин ҳар тўғрида ортиқроқ кўрамиз, энг юқори даражалик, шарофатлик мусулмонлардин, деб ҳисоблаймиз.

Жаброил алайҳиссалом:

— Аларнинг ҳурматлари бизларда ҳам шундайдур. Бадр куни ҳозир бўлган фаришталарнинг бошқалардин мартабаси ортиқроқ, — деди.

Шунинг учун ўтган уламолардин Бадрда ҳозир бўлган саҳобалар ҳақида аларни баён қилиб китоб ёзгувчилар бордур. Машҳур ҳадис китобларида ҳам уларнинг муборак исмлари ёзилмишдур. Бу исми-шарифларни даво тополмаган беморлар устига ўқиганлар андин шифо топганлар. Мушкуллар осонлиги, дуо ижобати учун васила қилиб, ўқигувчи одамлар ихлос-эътиқодига қараб, бундин баҳра олмишлардур. Шунга кўра биз ҳам бу китобимизда Бадр ғазийларининг қутлуғ номларини ёзиб, кейинги мўминлар учун ёдгор қилмоқни лозим кўрдик. Аларнинг хосиятларидан умид қиламанки, Аллоҳ таоло бу китобни дунё борича барча офатлардин ўз омонида асрағай ва дағи (яна) бу китобни ўқигувчи мусулмонларни баҳраманд қилғай. Омин!

Ҳадис олимларидан Ибн Саййидин Нос деган бир улуғ зот «Уюни осор» отлиқ китобида Бадр ғазийларини уч юз олтмишга етказиб ёзмишдур. Эҳтиёт юзасидан биз ҳам шуни ихтиёр қилдик, аларга қилган муҳаббатимиздан бошқа бу ишга ҳеч боис топмадик, чунки «Алмаръу маъа ман аҳаб» деган ҳадиснинг ривояти собитдур. Яъни, Пайғамбаримиз айтдилар: «Ҳар киши суйгани билан бирга бўлур». Бу дунёда суйган бўлса, у дунёда ҳам шу билан бирга бўлур, демақдур. Аллоҳдин умидим шулдурким, шу муҳаббатим билан Расулуллоҳнинг дийдорларига мушарраф бўлғайман. Энди ул 360 эрларнинг бошлиғи Аллоҳ сайлаган сардори, одам наслининг сайиди — Расулуллоҳ, — Абдуллоҳ ўғли Муҳаммаддур, соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Бадр ғазийларининг исми-шарифлари китоб сўнгида илова қилиб берилди.

Ҳазрати Усмон разияллоҳу анҳунинг хотинлари Руқия Пайғамбаримизнинг қизлари эди. Шу ғазот кун-



ларида касали оғирлашди, шунинг учун Ҳазрати Усмон бу ғазотга боролмай қолдилар. Мана шу отлари ёзилган эрлар Расулуллоҳ бошчилигида Аллоҳ ёрдамида ўзларига уч баробар кўп бўлган кучларни енгиб чиқдилар. Бу ғазотдаги ғолибият орқалик мусулмонлар руҳи кўтарилди. Ислом нури куфр қоронғулигини ёритди. Ислом дини бутун дунёга улуғ ўзгаришлар солмоққа шу ғолибият орқали йўл очди. Расулуллоҳнинг атоқлари, мусулмонларнинг ҳайбатлари тамом Арабистонни қоплади. Мадина шаҳрида ва атрофда пойлаб турган душманларга қўрқинч тушиб, кўплари динга кирдилар. Мунофиқлар — Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг тилақдошлари тил учида бўлса ҳам иймон келтиришга мажбур бўлдилар. Бу урушда мусулмонлардан бариси бўлиб, ўн тўрт киши шаҳид бўлди, олти киши муҳожирлардан, саккиз киши ансорлардан эди. Аллоҳ улардин, улар Аллоҳдин розидур. Бу Бадр ғазоти бўлса, ҳижратдин ўн саккиз ой ўтганда Рамазон ойининг учинчи кунда бошланган эди. Яна шу ойнинг ўн еттинчисида мусулмонларнинг ғалаба қозониши билан тамомланган эди. Ислом аҳли узра биринчи маротаба бўлган бу улуғ неъматни ҳар йили шу ой, шу кунлар келганда эсларига олиб қўйишлари лозимдур.

### ҚАЙНАҚОЪ ҒАЗОТИ

Расулуллоҳ Бадр ғазотидан қайтиб, Мадинага келганларидан сўнгра бир ой ҳам ўтмасдин туриб, Қайнақоъ яҳудлари Пайғамбаримиз билан қилган аҳд-паймонларини бузиб, хиёнат қилдилар. Булар бўлса, яҳудлар араблар ичида урушчанлик — баҳодирлик билан номлари кўтарилган эди. Темирчилик, заргарлик ҳунарларида анчагина моҳир эдилар. Шунинг учун уруш асбоблари буларда мукамал эди. Хотун-қизларга керакли зеб-зийнат, олтин-кумуш асбоблари буларнинг бозорларида кўпроқ сотилур эди. Бир куни бир мусулмон араб хотуни исирға-узук мисоли бир нарса олмоқчи бўлиб, бир яҳудий заргар дўконига кириб ўлтирди. У заргар хотунга тегишмоқчи бўлиб бошига ёпилаган бурғунчиғини орқа томонидан тортиб боғлаб қўйди. Ўлгурган хотун билмасдин бирдан турганда, бошидаги, эгнидаги кийимлари шипирилиб ерга тушди. Одатда ёт кишилар кўриши мумкин бўлмайдиган жой-

лари баданидан очилиб қолди. Ул ерда ўтиришган яҳудлар қаҳ-қаҳлашиб, ула хотунга кулдилар. Бунга хотуннинг хўрлиги келиб: «Мусулмон борми?» деб йиғлаб юборди. Бунинг ноласини эшитган мусулмонлардин бириси чидаб туролмай, қилич суғуриб, ул яҳудийни чошиб ташлади. Бунни кўрган кўпчилик яҳудлар унинг устига ҳужум қилишиб, уни пора-пора қилдилар. Шу баҳона бўлиб, яҳудлар билан мусулмонлар орасига душманлик тушиб, уруш кўзғалди.

Бу хабар Расулуллоҳга етгач, яҳуд раисларидан бир нечаларини Мадинага чақирдилар. Аҳд бузгувчиларнинг охири ёмон бўлишини аларга айтиб: «Ўртамизда тўхталган аҳд-паймонларимизга қараганда, сизларнинг бу ишинглар аҳдни бузмоқдур. Эй яҳуд қавми, биласизлар, албатта, мен Худо тарафидан келган ҳақ пайгамбардурман, бу сўзнинг ростлигига шул ўқиб турган китобинглар — Тавроту Инжилни гувоҳ қилурман. Бу ҳақиқатни ўзинглар у китобларда кўриб, аниқ билгандин сўнгра яна инкор қилдинглар. Энди сизларга Аллоҳнинг ғазаби келгай, Бадр урушида Қурайш устига тушган мусибат кунлари сизларга ҳам тушгай», дедилар. Анда ул яҳудлар: «Эй Муҳаммад, сен бизларни ўз қавминг арабларидек чоғлама, Бадр урушидаги ғолибиятга алданиб унга мағрур бўлма, уруш ишларида усталиги йўқлигидан Қурайш қабиласи сендан енгилдилар. Агар бизни ҳам улардек чоғлаб, биз билан тўқнашур бўлсанг, ана шунда урушнинг қандоқ эканлигини, кимлар уруш эрлари эканлигини билур эдинг», дедилар.

Мана шу чоғда Аллоҳдин бу оят келди: **«Қул лиллазийна кафарув сатуғлабуна ва туҳшарувна ила жаҳаннама ва биъсал миҳад»:** *Маъноси: «Эй Муҳаммад, бу кофирларга айтгил, агар биз билан урушур бўлсангиз, албатта енгилурсиз, ўлдирилурсиз, сўнгра жаҳаннамга йиқилурсиз, борган жойингиз қандоқ ёмон ўринлигини шунда билгайсиз»*, демақдур.

Сўнгра Расулуллоҳ яҳудлардин яхшилиқ чиқмаслигини юқориги оят мазмунидан онгладилар. Алар ҳам душманликларини очикдан-очик билдириб, мусулмонларга боғий, яъни, душман бўлдилар. Бу сабаблардин Расулуллоҳ бошлиқ Ислом туғини кўтариш ҳазрати Ҳамзага топширилган эди. Мадинадан аскар чиққан хабарини эшитиб, яҳудларга қаттиқ кўрқинч тушди. Юқориги оят мазмунича, Ислом аскарига кўзлари туш-

май туриб, барилари қочиб, қўрғонга қамалдилар. Бунинг устига Расулуллоҳ қўшин билан келиб, ўн беш кун қўрғонни қаттиқ қамал қилдилар. Яҳудларнинг хотун ва болаларидин бошқа урушга ярамлик аскарлари етти юз киши бор эди. Илоҳий томонидан буларнинг кўнгулларига қаттиқ қўрқинч тушганлигидан ҳеч қандоқ қаршилиқ кўрсата олмадилар. Охир Расулуллоҳдан ўзлари сўрадиларким, ёлғуз йўл озуги билан бола-чақаларини олиб араб тупроғидан чиқиб кетгайлар. Қолган мол-мулк, турар жойларини қолдиргайлар. Мана шу сўзга тўхташ бўлганидин сўнгра, кўчиб кетмакка уч кун муҳлат берилди. Бу ишга Убода ибн Сомит вакил бўлди. Араб тупроғидан ўтиб, Шом тупроғига кирганда Азруот деган жойда ватан гутиб ўлтирдилар. Лекин йилига етмаёқ, барчалари вабо касали билан ўлиб тутадилар.

### САВИҚ ҲАЗОТИ

Бунинг баёни шундайдурким, ўтган Бадр ғазотида Макка мушриклари мусулмонлардин қаттиқ енгилган эдилар. Бу урушда Қурайш бошлиғи Абу Суфённинг ўғли ва унинг яқин қариндошларидан бир қанчаси ҳалок бўлган эди, булар орасида сайидлар ҳам бор эди. Аммо Абу Суфён бўлса, ўзи Шом қарвонининг бошлиғи бўлиб, йўлда бўлганликдан ўзи бу урушга қатнашмаган эди. Шунинг учун бу мусибатга чидай олмай, қаттиқ қайғурди. Тезлик билан мусулмонлардан ўч олмоқ фикрига тушиб: «Муҳаммаддин ўч олмагунимча, бошимга ва юз-кўзларимга сув теккизмайман», деб араб одатича қасамёд қилди.

Шу қилган қасамини амалга ошириш учун Қурайшдин икки юз кишини бирга олиб, Мадинага қараб йўлга тушди. Мадинага яқинлашганида яҳудлардин Бани Назир қабиласининг раисларига учрашиб, аларни ҳам кўзғашни ўйлади. Шу мақсад ила қабила раиси Ҳуяй ибн Ахтаб олдига кечқурун қоп-қоронғуда Абу Суфён келди. Киришга рухсат сўраб, эшик қоққан эди, эшикни очмадилар. Бундин умиди узилгач, иккинчи раис Салом ибн Мишкам қошига борди. Бу унга суюнчилик кўрсатиб, ҳурматлаб қарши олди. Зиёфат устида емак-ичак ўтгандин кейин, ҳар иккови яширинча сўзлашдилар. Сўнгра Абу Суфён унинг олдидан чиқиб, аскарларидин бир неча кишини Мадинага юборди. Улар

Мадинадан четроқда бўлган бир хурмозор боққа ўт қўйиб, ичидаги боғбонни тутиб ўлдирдилар.

Бу хабар Расулуллоҳга етгач, Пайғамбаримиз тезлик билан икки юз киши олиб, булар ортидан из қувиб чиқдилар. Киши ўлдириб қочган душманлар Абу Суфёнга келиб, қўшилиши билан Расулуллоҳнинг келаётган хабарини онглашиб, душман аскарига бузғунчилик тушди. Шошганларидан офир юкларини қолдириб, баъзиларини сочиб, қочиб кетдилар. Уларнинг кетидан хиёл ўтмай, Ислом аскарлари ҳам етиб келди. Кўрдиларким, олишга улгурмай ташлаб қочган нарсаларининг кўпроғи арпа-буғдойнинг талқони экан, шунинг учун бу ғазотга «Савиқ» ғазоти деб ном берилди, ва шу йили Аллоҳ таоло мусулмонларга икки ийд намозини ўқимоққа буюрди. Бу икки ийд намозини бутун шаҳар ва қишлоқ халқлари бир жойда йиғилишиб ўқимоқ суннат бўлди. Бунинг ҳикмати шул эрдиким, бу йиғилган мусулмонлар диний бирлик иттифоқларини кўзлари кўради. Барчалари бир Аллоҳнинг қуллари, бир пайғамбар уммати эканликларини эсларида тутади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг бирлик, иттифоқлик тўғрисидаги умматларига берган топшириқларини ёдларидан чиқармасунлар.

Шунинг учун Расулуллоҳ бу икки ийд намозларида бугун мусулмонлар бир жойга йиғилишиб, улуғ жамият билан намоз ўқишни суннат қилдилар. Бундан мақсадлари танишган-танишмаган мусулмонлар барчалари бир туғ остида йиғилганларини аларга билдириш эди. Шу иттифоқ ва муҳаббатларини мустаҳкамлаш (чинғитиш) учун чора кўриш лозим бўлганликдан бой кишиларга рўза ийдида камбағалларга фитр садақа бериш, қурбон ойида қурбонлик қилиш вожиб бўлди. Бу икки эҳсоннинг аввалгиси йўқсилларга ийд ҳаржиси бўлди. Иккинчиси эса улуғ байрам кунларида бойларнинг камбағалларга бермиш зиёфатидур.

Ислом динига бўйсунган, бу улуғ неъматнинг қадрига етган ҳар бир мўмин одам бу диний вазифаларни ўз вақтида адо қилмоқлари албатта лозимдур. Чунки Пайғамбаримиз айтдилар: «Кимнинг бойлиги бўлатуриб, қурбонлик қилмас эрса, у киши биз билан чиқиб, ийд намозини ўқимай қўяқолсин».

Ҳазрати Абу Ҳурайра ривоят қилди, Расулуллоҳ айтдилар: **«Ман важада снатан фалам йузаҳҳи фала йақрабанна мусаллана»:** Маъноси: *«Кимнинг қувва-*

ти ета туриб, қурбонлик қилмаса, бизнинг ийд намози ўқийдиган жойимизга яқинлашмасун», демақдур. Мана шу ҳадисни далил қилиб, ҳазрати Имоми Аъзам: «Ҳар бир қудрати етган кишига қурбонлик қилиш вожиб», дедилар. Қурбонлик қилиш мўминларга улуғ ибодатдур. Отамиз Одам Сафийюллоҳдин бошлаб, ўтган барча пайғамбарлар бу ибодатни қолдирмай қилдилар, аммо фитр садақаси бўлса, буни ийд намози ўқимасдин олдин бериб, адо қилмоқ вожибдур. Чунки Пайғамбаримиз айтдилар:

— Мўминларнинг бир ой тутган рўзалари худо даргоҳига етолмасдин, ер билан осмон оралиғида тўхталиб қолгай, қачонким рўза тутганлар фитр садақасини фақир ва мискинларга бериб, адо қилсалар, шунда даргоҳга етиб, қабуллик даражасини топгай.

Бунинг яна бир фойдаси шулдурки, Пайғамбаримиз бу ийд кунларини: «Емак, ичмак, суюнишмак, хурсандчилик кунлари демақдур», дедилар. Агар фитр садақасини қолдирмай, шариат кўрсатган ўринга топширсалар, фақир-мискинлар улуғ байрам кунларида ҳожатсиз бўлиб, юқорида айтиланган уч нарсага кўпчилик қаторида қатнашгайлар. Шу билан байрам кунлари барчага баробар суюнчилик кунлари бўлгай. Яна шу йилда Пайғамбаримиз қизлари Фотимани Ҳазрати Алига никоҳ қилдилар. Фотиманинг ёши шул вақтда ўн бешга етган эди. Ҳазрати Али йигирма бир ёшда эдилар. Бир куни Ҳазрати Абу Бакр билан Ҳазрати Умар Ҳазрати Алига айтдилар:

— Эй Али, Расулуллоҳ қизлари Фотима вояга етди, унга уйланиш учун Расулуллоҳдин сўрар бўлсанг, албатта сенга берурлар, — дейишди. Яна хотунлардан бири:

— Эй Али, агар хотун олур бўлсанг, Расулуллоҳдин Фотимани талаб қилгил, — деди.

Шунинг билан уйланиш нияти Ҳазрати Алининг кўнглига тушди. Араблар одатича, Ҳазрати Али тўғри келиб: «Ё Расулулоҳ, Фотимани менга жуфт қилинг», деб сўради. Анда Расулуллоҳ айтдилар: «Агар маҳр бўлгудек бирор нарсанг бўлса, уни келтиргин». Ҳазрат Алининг ғазотга минарлик бир отдин, уруш кунларида киярлик бир совутдин бошқа ҳеч нарсагани йўқ эди. Расулуллоҳ отни қолдириб, совутни сотмоқни буюрдилар. Тўрт юз саксон танга баҳо бўлиб, совут сотилади. У пулни келтуриб, Расулуллоҳнинг олдилари-

га тўқиб қўйди. Ундин бир чангалини олиб: «Фотима тўйига кераклик нарсаларни сотиб келтургил», деб Ҳазрати Билолга буюрдилар. Ўз одатларича, тўй зиёфати ўтгандин сўнгра Расулуллоҳ саҳобалар олдида ўзлари хутба ўқиб, никоҳ қилдилар. Никоҳ аҳди боғлангандан кейин, ўртага бир товоқ хурмо ғўраси қўйилди. Ўлтурган кишилар Расулуллоҳнинг ишоратлари билан чочила сочгандек талашиб олдилар. Суюнчилик кунларда чочила талашмоқ расми шул вақтдан қолган.

Сўнгра Пайғамбаримизнинг додаклари Умму Айман Ҳазрати Фотимага янга бўлиб, Ҳазрати Алининг уйига тушириб келтурди. Икковлари уйнинг икки томонида ўлтирдилар. Расулуллоҳ келиб: «Бир коса сув келтир», деб Фотимага буюрдилар. Анда Ҳазрати Фотима уялганликдан этакларига ўралиб йиқилаёзиб, бир коса сув келтирди. Бу сувдин Расулуллоҳ бир хўплаб олиб, яна офизларидан косага қайтардилар, сўнгра шу сувни Ҳазрати Фотиманинг кўкракларига, бошларига сепдилар, кейин Фотимага қараб, ушбу дуони ўқидилар:

**«Аллоҳумма инний уыйзуҳо бика ва зуррийя-таҳо минаш шайтонир рожим».** Яъни *«Эй бор Худоё, Фотимани ва унинг болаларини ўз паноҳингга қўйдим. Шайтоннинг шарридан буларни ўзинг асрагил»*, деб дуо қилдилар. Сўнгра Ҳазрати Алига ҳам сув келтиргизиб, шундай қилдилар.

Ҳазрати Фотимага Пайғамбаримизнинг берган сеплари мана шулар эди: остиларига солгудек бир қўчқор териси, устиларига ёпинғудек бир жун шолча, яна бир дона ёстуқ, ташқариси мешдан тикилган, ичи хурмо қовуқлари билан тўлғизилган эди. Бир куни эрталаб Расулуллоҳ Ҳазрати Фотиманинг уйига кирдилар. Қарасалар Ҳазрати Али, Ҳазрати Фотима бомдоқ намозини ўқигандин кейин, совуққа чидай олмай, тўшакларига қайтадан киришиб ётган эканлар. Расулуллоҳни кўриб, уялганларидан бошларини буркашиб олдилар. Расулуллоҳ келиб: «Оёқларимни иситиб олғайман», деб ораларига муборак оёқларини узатдилар. Бирини Ҳазрати Али қучоқлаб кўкракларига босди, иккинчи оёқларини Ҳазрати Фотима қўлтиқларига қўйди. Шунинг билан бир неча ойлар ўтди. Бир куни Ҳазрати Фотима Расулуллоҳнинг олдиларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, мени Қурайш йигитлари ичида энг камбағал кишига берган экансиз, остимизга солгудек бир қўчқор

терисидан бошқа тўшагимиз йўқдур, кечаси жун томонини солиб ётурмиз, кундузи тери томонини ағда-риб, туямизга ем берурмиз. Устимиздаги ёпинчимиз тор ва энсиз, торлигидан йўлдошим тортса, мен очилурман, мен торгсам, ул очилиб қолгай», деди.

Анда Расулulloҳ: «Эй қўзичовим, бу йўқсуликка сабр қилгайсиз. Мусо пайғамбар хотунлари Сақуро, яъни, Шуайб пайғамбар қизлари билан ўн йилгача ўрталарида бир дона чопондин бошқа остиларига солгудек тўшаклари йўқ эди», дедилар. Мана шунинг учун Расулulloҳ: «Ал-фақру фахрий», дедилар: Яъни, «Ҳар кимсаларнинг дунёда мақтанурлик бирор белгиси бордур, менинг мақтанурлик нарсам — фақирлигимдур». Пайғамбаримизнинг бу сўзлари эса камбағал умматлари учун юпанғу бўлмоққа етарлиқдур. Ҳазрати Фотима, Ҳазрати Али ҳақларида Пайғамбаримизнинг қилган дуолари мақбул бўлиб, бутун дунёга тарқалган сайидларимиз Фотимаи Заҳродин туғилган ўғиллари имоми Ҳасан, имоми Ҳусайн, қизлари Зайнаб шуларнинг насллари дур, Пайғамбаримиз айтганларидек, Аллоҳ таоло буларнинг авлод-наслларига баракот ато қилгандур.

### КАЪ ИБН АШРАФНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Ҳижратдин икки йил ўтиб, учинчи йил кирди. Яҳуд раисларидан Каъб ибн Ашрафни Пайғамбаримиз ўлдиришга буюрдилар. Бунинг воқеаси мусулмонлар Бадр ғазотида ўзларидан уч баробар ортиқ душманларини енгдилар. Раисларидан етмиш киши ўлдирилиб, шу баробарида қилич сарқитларини асир олиб, Мадинага келтирдилар. Буни кўрган ички-ташқи душманларнинг ичларига ўт кетди. Айниқса, Мадина атрофидаги яҳудлар ва буларга тилақдош бўлган Мадина мунофиқлари бу ишга қаттиқ қайғуришди.

Каъб ибн Ашраф Бани Назир яҳудларининг бош раиси эди, ҳар қачон Бадр ғазотида ўлдирилган Қурайш раисларининг сўзлари чиқса: «Энди бизга ер устида юрганимиздан, остида ётганимиз яхшироқ», дер эди. Кундин кунга бунинг ҳасад ўти аланга уриб, душманлиги ҳаддидан ошди. Бозорда ўлдирилган Қурайш чўнглари ҳақида айтган шеърларини ўқиб йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатур эди.

Бунга ҳам қаноат қилмасдан Маккага бориб, Қу-

райш халқининг йиғилишларида ўлтириб, Бадрада ўлдирилганларга ёзган шеърларини ўқиб йиғлади. Бутун халқ ҳам йиғлашиб, Пайғамбаримизга қарши қўзғалдилар. Қурайш ичида фитна ўқини ёқиб, у жойдин қайтиб Мадинага келди. Яна тинч турмасдан, Мадина хотун-қизларини қўшиб, номус қилгудек шеър айтишга киришди. Пайғамбаримиз қанчалик сабр қилдилар эрса, унинг адабсизлиги борган сари ошгали турди. Унинг куни битиб, паймонаси тўлган бўлса керак, бир куни Расулуллоҳ:

— Каъб ибн Ашрафга татийдиган киши борму? Унинг озорида Худо пайғамбарини ким қутқаза олади? — дедилар. Анда Муҳаммад ибн Маслама:

— Ё Расулуллоҳ, мен қутқазурман, лекин душманни қўлга тушургунча ёлғон сўзлашга, хийла қилишга рухсат қилурсиз, — деди.

Шуни билан тўрт киши йўлга тушдилар. Бир кун йўл юришиб, манзилга етишди. Муҳаммад ибн Маслама йўлдошларини қолдириб, ёлғиз ўзи у билан кўришгали борди. Кўришгандин сўнгра: «Бу киши келгандин бери бизларга кўп қийинчиликлар туғилди. Шу кунларда солиқ солиб, бизлардин мол олмоқчи бўлиб туради. Ҳозирча кўлимизда нақд молимиз йўқлиги учун, сендин қарз сўраб келдик», деди. Бу сўзни онглагач, суюнганидан гулдек очилиб кетиб: «Ҳали шошманглар, кўргулик кунлар олдинглардадур. Бундин сўнгра у сизларни кўп зериктиргай, мендин қарзга мол олуру бўлсангиз, мен сўраган нарсани гаровга қўйгайсиз», деди.

Муҳаммад ибн Маслама: «Гаров қўйгали нима келтиргаймиз», — деб андин сўради. Анда у: «Хотун-болаларингизни гаров қилиб берсангиз бўлур» деди. Бу сўздин кўнгли қаттиқ оғриган бўлса ҳам, яна сабр қилмоқдин ўзга чораси йўқ эди. Сўнгра Муҳаммад ибн Маслама: «Араблар ичида сенинг яхшилик билан атоғинг чиқмишдур, хотун-болаларимизни гаровга қўймоқ энг оғир ишдур. Биз учун бу иш имкониятдан ташқари, ор-номус келтиргай. Агар бизга яхшилик қилиш кўнглингда бўлса, рухсат қил, яроқ-жабдуқларимиздан келтириб, сенга гаров топширайлик», деди. Шу сўзга келишиб, бошқалар билмасун учун кечалаб келмакка ваъдалашдилар. Сўнгра Муҳаммад ибн Маслама тун қоронғусида тубандаги тўрт киши (Буларнинг барилари ансор саҳобаларидан эдилар.): Абу



Ноила, Каъбнинг эмақдоши эди, бу ҳийлада кўпроқ шу кишининг сўзига ишонди. Аббод ибн Бишр, Ҳорис ибн Авс, Абу Абс ибн Жабр ҳаммалари бирга эшик олдига келиб, Каъбни чақирришди. У янги олган хотуни билан тўшақда ётган эди. Чақирриш товушини эшитиши билан дарров туриб, чиқмоқчи бўлди. Хотуни: «Ўртада душманлик ўтган кишилар олдига кечада югуриб чиқиш яхши эмасдур, сен нечук чиқурсан?» деди. Анда у айтди: «Мени чақиргувчи эмақдошим — Абу Ноиладур, эр йигит ўлдирмакка чақирса ҳам, олдига чиққай», деб қилич осиб қаршиларига келиши биланок, тўш-тўшдин (тараф-тарафдин) қилич солиб, парча-парча қилдилар. Шунинг билан бунинг шарридан мусулмонларни Худо қутқазди.

### ҒАТАФОН ҒАЗОТИ

Бу воқеа шундоғ эдиким, Ғатафон қабиласининг араблари Дуъсур отлиқ бир кишини ўзларига раис сайлашиб, Мадинани босиб олмақчи бўлдилар. Бу хабар Расулуллоҳга етди. У босмачилар кўзғолиб, иш улғаймасдин олдани олмақ лозим бўлди. Шунинг учун тўрт юз эллик киши билан алар устига тезликда юриш қилдилар. Буни англашиб, душманларга қаттиқ қўрқинч тушди. Ўлтирган жойларидан туришиб, тоғ бошларига қочишдилар. Аммо Пайғамбаримиз шу юрганларича Зу Амр деган сув устига келиб, шу жойда қўшин қурдилар. Шу кун қаттиқ ёғин бўлиб, бариларининг кийими ҳўл бўлган эди. Шу орада ҳаво очилиб, кун қизишга бошлади. Расулуллоҳ бошлиқ ҳамма аскарлар ҳўл кийимларини ечишиб, қуритмоқчи бўлдилар. Уларни ёғочлар (дарахтлар) устига осишиб, остида салқинлаб ётишдилар. Бутун аскар тарқалиб, Расулуллоҳ ҳам бир дарахт соясида ёлғиз ётган эдилар. Устиларида қоровул бўлғудек одам йўқ эди. Чунки Аллоҳдин ваҳий келиб:

**«Валлоҳу яъсимука минаннас»:** Яъни, *«Аллоҳ сени кишиларнинг зиёнидан сақлайди»*, деган оят нозил бўлган эди. Шу оят тушгандин кейин пайғамбаримиз: *«Бундин сўнгра мени кўримоққа ҳожат йўқдур. Аллоҳ ўзи сақламоққа ваъда берди. Энди бундин кейинги кунларда ванимлар томонидан ҳеч қандай зиён-заҳмат иш менга етмайди»*, дедилар.

Бу сўзни онглашгандин сўнгра, саҳобалар Пайғам-

баримиздан кўнгиллари тинчиб, дарахтлар остига тарқашиб кетган эдилар. Тоғ бошидан қараб турган мушриклар раиси Дуъсур буни кўриб, кўнглига шайтон кирди. Расулуллоҳнинг ёлғиз қолганликларидан фойдаланиб, қасд олмакчи бўлди. Сақлагувчи Аллоҳдин хабари йўқ, яширин йўллар билан юриб, Расулуллоҳ устиларига келди, қилич урмоқ қасди билан қўл кўтарган эди, шу чоғда Расулуллоҳ уйқудин уйғониб қолдилар. Қарасалар, бир киши қўлида қиличини яланглаб: «Эй Муҳаммад, энди сени менинг қўлимдан ким қутқара олмай?» деди. Анда Пайғамбаримиз: «Аллоҳ қутқармай» дедилар.

Шу билан оёқ-қўли кўрқинчлик қалтираб, қилич қўлидан тушди. Дарҳол Расулуллоҳ қилични қўлларига олиб: «Энди сени ким қутқара олур?» дедилар. Ул ҳам «Ўзингдан ўзга қутқарувчи йўқдур», деб кечирим ўтинди. Расулуллоҳ ҳам уни афв қилдилар. Бундай олижанобликни кўргач, дарҳол иймон келтирди. Орқада қолган қавмларини динга далолат қилгач, алар ҳам динга кирдилар. Бир зум илгари қандай қаттиқ душманликда турган қора юрак кишилар Расулуллоҳнинг гўзал қилиқларини кўриб, кўнгиллари иймон нури билан ёриди. Аларнинг душманликлари бир дамда дўстликка айланди.

**«Ё муқаллибал қулуб, саббит қулувбана ала диник».** Маъноси: *«Эй бор Худое, дилимизни Ислом дини узра турғизиби, ҳақ йўлдин кўнглимизни тойдирмагил»* демақдир.

Одам боласи ўз ихтиёри билан ҳақ йўлдин тоймагунча, Аллоҳ таоло уни ҳақ йўлдин чиқармас. Ул Зот, жаннат йўлини ва ҳам дўзах йўлини бандаларига кўрсатди, бу йўлларни аларга танитсин, деб пайғамбарлар юборди, алар келиб Аллоҳ амрини бандаларига етказдилар. Қайси йўлга кириш, қайси йўлга кирмаслик керак, бунинг ихтиёрини бандаларининг ўзларига қўйди. Энди банда ўз ихтиёри билан жаннатга кира олади ва ўз ихтиёри билан дўзахга тушади. Дўзахга тушганлар ҳеч кимдан кўришга ҳақлари йўқдур. Энди, агар банда яхшиликка ётса Аллоҳга шукр қилсин. Агар ёмонлик топса, буни ўзидан кўрсин. Ислом динининг эътиқоди шулдур, Сўздин сўз туғилур, ўқувчиларга фойдаси бўлмай, деб бу ҳақиқатни ёздим.

## УҲУД ҒАЗОТИ

Уҳуд тоғи Мадинага яқин, саккиз чақиримлик ер-дадур. Бу уруш шу тоғнинг олдида бўлганликдан, «Уҳуд ғазоти» деб айтилади. Уруш бошланиши шундоқ эрдиким, бундан бир ярим йил илгари бўлиб ўтган Бадр урушида қурайш мушриклари қаттиқ енгилдилар. Алардин бир мунчалари шу урушда ўлдирилди. Ва бир қанчалари асир олиниб, бош баҳоси йўллаб қутулдилар. Қурайш халқининг тирикчилик турмушлари савдо-сотик ишларига боғланмиш эди. Қиш кунларида Яман вилоятига, ёз кунларида Шом мамлакати (Сурия)га савдо қарвонлари билан қатнашур эдилар. Йўллари Мадина устидан ўтганликдин, тўсқинликка учраб, тижоратларига халал етди. Ўтган урушда кўрган мусибатлари устига иқтисодий томондин ҳам оғирликқа учрадилар. Буни кўришган Қурайш раисларининг қолдиқлари ёғилишиб Абу Суфён олдига келдилар. Аларнинг мусибатларига сабаб бўлган, Шомдан келтирилган қарвон моллари шундоғича тегилмасдин, Дорун-Надва деган саройда сақланмоқда эди. Ул келган раислар Абу Суфёнга:

— Муҳаммад бўлса, бизнинг улуғларимизни ўлдириб, яхшиларимизни йўқ қилди, унинг устига савдо-сотик йўлларимизни ҳам боғлади. Бизнинг эндиги тилғимиз шундурки, бу молдин чиққан фойдани эгалари олмасиналар, бу молни сарф қилиб, Муҳаммадга қарши уруш очгаймиз. Ўлганларимизнинг ўчини андин олгаймиз, Қурайш халқи бу уруш чиқими учун шу мол фойдасини чиқарсунлар, — дейишдилар.

Бу сўзни англашгандин сўнгра мол эгалари барчаси бир оғиздан розилик билдирдилар. Ҳисоблаб қарасалар, бу қарвон молининг фойдаси элик минг тиллога етди. Ҳаққа қаршилиқ қилиб очган урушларига бу мол ила ёрдам қилмоқчи бўлдилар. Барилари бир иттифоқ ила шу сўзга тўхталиб, уруш ҳозирлиги учун аскар йиғишга киришдилар. Ёлғиз Қурайш қабиласидан урушга ярамалик уч минг киши йиғилди. Аларнинг қондошлари Бани Мусталиқ, Бани Хун қабилалари қўшилдилар. Қурайш шоирларидан Абу Изза, Мусофий деганлари қабиладан қабилага ўтишиб, Исломга қарши шеърлар ўқишиб, халқни қўзғадилар. Уларнинг ташвиқлари билан Тихома, Кинона арабларидан келгувчи фидойлар ҳам оз эмас эди.

Қурайш раисларидан Жубайр ибн Мутъимнинг Ваҳший номлик бир қора кули бор эди. Найза отмоқ машқини яхши олган эди. Беш-ўн қадам ердин найза отур бўлса, кўзлаган жойини уриб, ҳеч хато қилмас эди. Хўжаси Жубайр уни чақириб: «Агар ушбу урушда Муҳаммаднинг амакиси Ҳамзани ўлдирур бўлсанг, сен озодсан», деди. Чунки ўтган Бадр урушида унинг амакиси Туаймани ҳазрати Ҳамза ўлдирган эди.

Шунинг билан Қурайш қўшини қуролланиб, Мадинага қараб юриш қилдилар. Қочмасликка тўсқин бўлсин, деб аскар бошлиқлари хотунларни бирга олдилар. Чидирма чолғувчилар билан аскарни урушга қиздирмоқ учун қўшиқчи хотун-қизлардин бир қанчалари уларга қўшилди. Қурайш шоирларидан Абу Суфён хотуни Ҳинд Ақаба қизи бошлиқ бир неча обрўйлик хотунлар эрлари билан бу урушга бирга чиқдилар. Араб одатича, хотунларини урушга бирга келтирмак «ўлиш бор, қочиш йўқ», демакдан иборат эди. Урушга кириш олдида баҳодирлар ичгали бир неча тулум чағир ҳам олган эдилар. Эрта-кеч қўшин кўчганда, йўл юраётганларида қўшиқчи хотунлар Бадр урушида ўлдирилганларни йўқлашиб, йиғлашур эдилар. Бунинг таъсиридан аскарлар ҳам йиғи-зори қилишур эди. Мана шундай қилиб, бутун аскарни борлик кучлари билан урушга солиш чорасини кўрдилар. Шу билан Қурайш қўшини юриб-ўтириб, Мадина яқинида «Зулхулайфа» деган жойга келиб тушди. Энди сўзни Пайғамбаримиздан эшитинг.

Қурайш қўшини чиқмасдин илгариеқ бу ишдан хабар топдилар. Шундоқки, амакилари ҳазрати Аббос, Фифор қабиласидан бир кишини ёллаб, Мадинага юборди. Бу киши келиб Расулуллоҳ билан яширинча кўришган сўнгида воқеа ёзилган хатни топшириб қайтди. Сўнгра Расулуллоҳ тезлик билан икки кишини тингчи қилиб — йўл кузатмоққа чиқардилар. Бу чиққан соқчилар душман аскари яқинлашиб келган хабарини билдирди. Сўнгра Расулуллоҳ ансор ва муҳожир саҳобаларни йиғиб кенгашдилар. Бу тўғрида алардин фикр олдилар. Кейин ўз фикрларини баён қилиб, айтдиларким:

— Биз шаҳардин чиқмайлик, уруш ўринларини шаҳар ичида қауриб, йўлларга чеп (тўсиқ) боғлайлик. Ўзимиз шаҳардин чиқмай, чеп ичида аларни кутиб турайлик. Агар ғанимлар шаҳар ташқарисида бизни қамаб

тургувдек бўлсалар, қийинчилик билан туролгайлар. Агар улар устимизга чопул қилсалар, Мадина йўллари биз учун очик, аларга ёпиқдур. Йўл бошларини тўсиб, урушгаймиз. Хотун-болалар том устидан ёрдам етказгайлар.

Расулуллоҳдин бу сўзни онглашгандин сўнгра бутун саҳобаларнинг улуғ ёшдагилари бу фикрга қўшилдилар. Лекин Пайғамбаримизнинг амакилари амир Ҳамза бошчилик кўпчилик ёш йигитлар, яна Бадр ғазотига қатнаша олмай, ўкиниб қолган кишилар айтдиларки:

— Ё Расулуллоҳ, бизлар шундай кун келгайму, деб кугмоқда эдик. Бу кунни бизга Худо етказди. Бизни душман қаршисига чиқарур бўлсангиз, тилагимиз шулдур. Агар шаҳардин ташқари чиқмас эрсак, биздин кўрқиб чиқмадилар, деб душманларимизнинг кўнгли кўтарилгай.

Бунинг устига ҳазрати Ҳамза айтди:

— Ё Расулуллоҳ, сизга Қуръон юборган Аллоҳ ҳаққи, душманлар билан шаҳар ташқарисида қилич чопишмагунча, буткул таом емагайман.

Яна ансор саҳобалардан Нуъмон ибн Молик:

— Ё Расулуллоҳ, бизни жаннатдин маҳрум қилмагасиз, Худо ҳаққи, мен Аллоҳдин талаб қиламан, ушбу кунда шаҳид бўлиб, жаннатга киргайман, — деди.

Шунинг билан кўпчилик аскарлар, баҳодир ёш йигитлар ушбу томонда бўлиб, шаҳардин ташқари чиқмоқни талаб қилдилар. Аларнинг кўнгиларига қараб, Расулуллоҳ ҳам қабул қилдилар. Ҳижратнинг учинчи йили, шаввол ойидан ўн кун ўтгандин кейин, жума кунда бу воқеа бошланди. Расулуллоҳ билан жума намозини ўтадилар. Ўқиган хутбаларида уруш тўғрисида ваъз сўзладилар:

— Эй мўминлар, душман қаршисида ким сабр қилса, у зафар топгай, уруш майдонида ким чидамлик кўрсатса, ул ғалаба қозонгай. Душманни енгмоқ учун энг биринчи шарт чинлик-чидамлик билан душманга қарши турмоқдур. Агар булардин айрилмас экансиз, Аллоҳ ёрдами сиз билан бўлур, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ қуролланиш учун уйларига кирдилар. Қўшқауат совут кийиб, қилич осиндилар. Бошларига дубулға кийиб, орқаларига қалқон ташладилар. Буни кўриб ёши улуғ саҳобалар шаҳардин ташқари чиқмоққа қизиқишиб турган ёш саҳобаларни маломат

қилгани турди: «Расулуллоҳни ўз эрки ихтиёрисиз шаҳардин ташқарига чиқиб, душманни қаршиламоққа сиз мажбур қилдингиз, ҳали ҳам бўлса, Расулуллоҳни қайтаргайсиз. Ўз эркича иш юргазгай. Нима нарсани бизга буюрур эрсалар, бизлар шунни қилгаймиз» дедилар. Шу орада Расулуллоҳ уйларидан чиқдилар. Ёш саҳобалар:

— Ё Расулуллоҳ, бизлар ихтиёримизни ташладик, қайси ишни буюрсангиз, шунни қилишга тайёرمىз, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Пайғамбар бўлган кишига ғазот нияти билан таққан қурол-яроғни, ул ишни қилмай туриб ечиб қўймоқлик лойиқ бўлмагай. Эндиги сўз шуки, биз билан душманимиз орасида, Аллоҳ нима ҳукм қилган бўлса, ани кўргаймиз, — дедилар.

Шунинг билан сўз кесилиб, иш бошланди. Расулуллоҳ рағайларини тўсган кишилар ўқиндилар. Туғбайроқлар боғланди. Муҳожирлар туғини Мусъаб ибн Умайрга топширдилар. Ансорлардан Ҳазражлар туғини Ҳубоб ибн Мунзирга, Авсларнинг туғини Усайд ибн Хузайрга бердилар. Араблар одатларича, туғ кўтарган киши шу байроққа қарашлик қабилага бошлиқ бўлиб танилур эди. Шундоқ қилиб, Пайғамбаримиз мингта яқин аскар билан Мадинадан чиқдилар. Шу чоғда яна бир томондан келаётган қалин аскар қораси кўринди. Аларни кўриб Расулуллоҳ: «Булар кимдур?» деб сўрадилар. Улар эса, Абдуллоҳ ибн Убайнинг тарафдорлари, ёрдам учун чиққан яҳудийлар эди. Мушриклар учун кофирлардан ёрдам сўрамаймиз, деб Пайғамбаримиз аларни қабул қилмадилар. Чунки аларнинг чин кўнгиллари билан ёрдам беришларига ишона олмас эдилар. Кўп жойда улардин хиёнатлар кўриб, ишонишлари йўқолган эди.

Сўнгра аскарни кўрик қилиб, кўздин ўтказдилар. Аскар ичида ёшлари ўн бешдан ўзмаган бирмунча болалар бор бўлиб, уларни қайтардилар. Улар ичида Рофеъ ибн Худайж, Самура ибн Жундуб номлик икки бола бор эди. Рофеънинг онаси келиб: «Ё Расулуллоҳ, ўғлим Рофеъ ўқ отишга уста, унинг мерганлиги бордур. Душманга қарши иш кўрсата билур» дегандин кейин унга ижозат қилдилар. Буни онглаб, Самура ибн Жундуб отаси қошига йиғлаб келди. — «Расулуллоҳ Рофеъга рухсат бердилар, мени эса аскарликдан

қайтардилар, йўқ эрса иккимиз курашганда, мендан ул йиқилур эди», — деди. Расулуллоҳ бунинглаб, бу иккисини курашга солдилар. Ўзи дегандек, Самура ани курашда йиқди. Сўнгра бунга ҳам ижозат бердилар. Мадина болаларидин шу икки ўғил аскарликка олиниб, қолганлари қайтарилди.

Шундоқ қилиб, Расулуллоҳ кечани шу жойда ўтказдилар. Тонг саҳари билан кўшин душманга қараб қўзғалди. Уҳуд тоғи билан Мадина оралигида Шовт деган жойдаги хурмолик боққа келганларида бомдод намозининг вақти бўлди. Мана шу жойга келганда, мунофиқлар раиси Абдуллоҳ ибн Убай бузуқчилик қилиб, ўзига қарашлик уч юз киши билан Ислоом аскарларидан айрилиб, Мадинага қайтди. Бу мунофиқнинг мақсади аскар ичига бузғунлик солиш эди. Бу ишга баҳона қилиб айтган сўзи шул эрдиким: — «Муҳаммад ўзи чақириб биздан кенгаш сўради, сўнгра ёши улуғ, тажрибалик кишиларнинг сўзларини қолдириб, ёш-яланг, соқолсиз йигитларнинг айтганини қилди. Энди ишнинг оғирлигини кўратуриб, кучлик душман қаршисига чиқиб, ўзимизни ўлимга нечук тутқаймиз?» — дер эди. Ўз уруғ-аймоғидан бир неча саҳобалар унга ялиниб-ёлвориб, йўлдан тўсган бўлсалар ҳам, аларнинг сўзларини қабул қилмади. Уч мингдан ортиқ душман аскарига қарши чиққан Ислоом аскарининг борлиғи бир минг чамасида эди. Буларнинг уч юзи мунофиқлар бўлиб, аскар сафидан чиқиб кетдилар. Бунини кўриб, қолган аскарлар ҳам бузила ёзган эди, лекин уларни Аллоҳ сақлади. Душман қаршисига келган чоғларида бу ишнинг бўлиши мусулмонларга қаттиқ таъсир қилди. Мунофиқларга қандоқ чора қўлланиш ҳақида мусулмонлар иккига бўлиндилар. Бир бўлаклари уларга аввал уруш очмоқ, сўнгра душманлар билан чопишмоқ фикрида бўлсалар ҳам, Пайғамбаримиз бошлиқ иккинчи томонлар уларни ҳозирча ўз ҳолларига қолдириб турмоқни маслаҳат кўрдилар. Мана шу мунофиқлар ҳақида шу оят тушди:

**«Валлоҳу аркасуҳум бима касабу»:** маъноси: *«Бу мунофиқлар қилган ёмон ишларининг сабабидан аларни Аллоҳ тескари қилиб, иймондин кўфрга қайтарди»*, демақдур.

Бу оят энгандин сўнгра у мунофиқлар ўз ҳолларича қолдирилди. Сўнгра Ислоом аскарининг душманга қарши юриб, Уҳуд тоғига етдилар. Душман ўрамасидан сақ-

ланиш учун, Расулуллоҳнинг амирлари билан Уҳуд тоғига орқаларини бериб, душманга қарши саф боғладилар. Аммо Қурайш кофирлари бўлса, бу тоғ қаршисидаги кенг сойга келиб қўндилар. Сўнгра ҳар икки томон ўз аскарининг ясоғига киришди. Душман аскарининг ўнг томонида Холид ибн Валид турди. Жовонгар (сўл қўлида) Икрима ибн Абу Жаҳл турди. Абу Суфён ҳам туғ байроғи билан сўлда турган эди. Пиёда аскарларга Сафвон ибн Умайя бошлиқ бўлиб белгиланди. Аскар қочмасин деб, қўшиқчи хотунларни ташвиқ қилиш учун саф ортига қўйдилар. Расулуллоҳ буларга қарши аскар ясоғин тузиб, Холид ибн Валидга қарши Зубайр ибн Аввонни қўйдилар. Ислоом аскарлари ичида ўқ отар мерганлардан элик киши бор эди. Аларга Абдуллоҳ ибн Жубайрни бошчи сайлаб, аскар ортини сақламоқ вазифасини унга топширдилар. Бу элик мерган аскар орқасидаги тоғнинг этаги, белининг устига жойлашган эдилар. Бу ишларнинг барчаси Расулуллоҳнинг кўрсатганларича бажарилди. Расулуллоҳ мерганларга айтдиларки: «Агар биз душманни енгар бўлсак, ёки улар бизни енгсалар, ҳар ҳолда бу тутмиш ўрнингизни қўлдан бермагайсиз». Чунки бу ўрин бўш қолган чоғда, бир фирқа душман аскарлари шу томондин келиб чопул этмак имконияти туғулур эди. Ул чоғда аскарнинг орқаси ўралиб, чамбар ичида қолиш мумкин бўлганликдан, Расулуллоҳ бу ерни бўш қолдирмасликка қаттиқ топшириқ бердилар. Агар отлик душманлар шул ёқдин чопул қилур бўлсалар, аларга қарши ўқ ёғдиришга буюрдилар ва: «От устида келаётган ҳужумчи аскарлар қаршиларида отилган ўқларга чидаб туролмас», дедилар. Сўнгра аскар устига келиб, аларнинг сафларини тузиб, тўғирладилар. Чунки мўминларнинг намозда тўғри саф боғламоқлари, аскарлар урушда сафларини тўғри тузмаклари — Расулуллоҳ суннатларидур. Бундин кейин Пайғамбаримиз аскарларга қараб айтдиларки:

— Эй мўминлар, биродарим Жаброил қўнглимга шул сўзларни солди. Шундоқким, ҳеч кимса энг сўнги ризқини еб тугатмагунча дунёдан кетмас, ризқи тугамаган банданинг ўлиши мумкин эмас, унинг ризқини озайтириш ёки кўпайтириш ҳеч кимнинг қўлидан келмас. Баъдага ризқ келиши ҳар қанча кечикиб қолса ҳам, яна унга ўлчанган ризқи етмай қолмас. Энди шундоқ бўлса, эй мўминлар, ризқингларни ҳалол касб би-



лан талаб қилинлар, бунинг кечикканлигига шошилиб, ўзинларни ҳаром-хариш нарсаларга урманлар. Ҳалоллик билан касб қилсанлар, Ҳалол ризқ етказишликка Аллоҳ кафилдур. Бош танга, тан бошга қандоқ бўлса, мўминлар ҳам бир-бирларига шундоқдур. Бирларига етган зиён бирларига етгандек бўлур. Қайси қўшинда бирлик, чидамлик бўлса, бошқаларни албатта ғалаба қилур, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ қўлларига бир қилич олдилар, ул қиличда арабча шул шеър ёзилмиш эди:

**«Фил жубуни орун ва фил иқдоми макриматун  
Вал маръу бил жубуни ло янжу минал қадари».**

Маъноси: *«Қўрқоқлик номус келтирур, ботирлик давлатга еткарур. Қўрқиб қочмоқ билан ҳеч киши тақдирдин қутила олмас»* демақдур.

Яна аскарларга қараб: «Бу қилични ким олгай, бунинг ҳаққини ким адо қилгай?» дедилар.

Анда аскарлардан бир тўп киши: «Биз олгаймиз, ё Расулаллоҳ», деб қиличга қўл узатдилар. Булар ичида Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Али, Зубайр ибн Аввом, шу тўртовлари ҳам бор эдилар. Аларга қилични беришдан тўхталиб, бошқа бир кишини кутгандек бўлиб тўхтаб турдилар. Буни кўриб ансорлардин Абу Дужона деган бир саҳоба югуриб келди ва: «Буни ҳаққи на бўлгай, ё Расулаллоҳ?» деб сўради. Анда Расулуллоҳ айтдилар: «Эгилиб кетгунча душман юзига чопар бўлсанг, бу қилич ҳаққи шулдур». Буни онглаб Абу Дужона: «Шу шартни мен бажо келтирурман», деб қилични олди. Ҳеч кимга бермаган қилични Расулуллоҳ бу кишига бердилар. Чунки ул киши ансор саҳобалар ичида атоғлик баҳодирлардин эди. Қилични олгандин кейин, икки тарафга солланиб (мақтаниб), уруш майдонига қараб юриш қилди. Унинг бу юришини кўриб Расулуллоҳ: «Аллоҳ таоло бундоқ юришни бу ўриндан бошқа жойда бўлса, яхши кўрмагай. Аммо уруш майдонида, душман қаршисида шу янглиқ юришни Тангри дўст тутгай» дедилар.

Сўнгра уруш мубораза билан бошланди. Шундоқки, кофирлардин туя минган бир киши майдонга тушиб, ўзига баҳодир талаб қилди. Расулуллоҳнинг рухсатлари билан саҳобалардин Зубайр ибн Аввом бунга қарши чиқди. Ҳар икковлари туя устидан бир-бирларига ҳамла қилдилар. Қучоқлашиб, бўғишиб, майдон ўртасида бу икки баҳодир кўп олишди. Ҳар икки ёқда-

ги қўшиннинг кўзлари буларга тикилган эди. Булар олишиб турган ерлари тоғ тагидаги қия жой эди. Мусулмон баҳодири уст тарафида, кофир баҳодири ости тарафида турди. Бу икковлон шу чоғда бир-бирларини туядан ағдаришиб, ерга тушдилар. Кофир баҳодири остга тушган эди. Ҳазрати Зубайр устига тушиши билан ханжар суғуриб, уни бўғизлаб ташлади. Буни кўриб Расулуллоҳ суюнганларидан барча баробар такбир айтдилар.

Бундан кейин, яна кофирлар томонидан Талха деган баҳодир майдонга чиқди. Бул эрса аларнинг бош туғчиси эди. Ўртада туриб — «Эр киши бўлса, қани чиқсин», — деб бир неча маротаба қичқирди. Мусулмонлар томонидан илдамлик ила чиққувчи киши бўлмади. Чунки бундоқ ўринда баҳодир сайлаб чиқармоқ ҳаққига аскар бошлиғи эгалик қилур. Душман баҳодирига тенг келгувдек киши топиб чиқармоқ лозим эди. Шунинг учун баҳодир чиқариш кенгаши бир оз кечиктирилган эди. Буни баҳона қилиб, кофирлар баҳодири таънага тил очиб: — «Эй Муҳаммад, мўминлардан кимарса ўлдирилса, жаннатга киргай, кофирлардан ўлдирилганлар дўзах сари боргай, дер эмишсан. Агар бу сўзинг чин эрса, сенинг йўлдошларинг жаннатга киришдан нечук кочгайлар, мени ўлдириб дўзахга юборишдан нега тортингайлар?», — деди.

Буни англаб, дарҳол Ҳазрати Али Расулуллоҳдин рухсат олиб, анинг олдига келиши билан бир-бирларига ҳамла қилишиб, қилич солишдилар. Талҳанинг оёқлари кесилди. Йиқилгандин сўнгра Ҳазрати Али уни чошиб ташлади. Бу йиқилиши билан унинг укаси Усмон тугни кўтарди, уни Ҳазрати Ҳамза чошиб юборди. Иниси Абу Саъд ўрнига келиб туғ тутди. Ҳазрати Саъд ибн Аби Ваққос отган ўқ анинг бўғзига тегиб, шул замон жон берди. Шундоқ қилиб, қатори билан туғ тутганлардин тўрт киши ўлдирилди. Уларнинг бариси бир қабиладан эди. Шу орада Абу Бакр Сиддиқнинг ўғли Абдураҳмон майдонга тушиб баҳодир талаб қилди. Отаси Абу Бакр Сиддиқ қарши чиқмоққа тилаган бўлсалар ҳам, Расулуллоҳ рухсат бермадилар. Мушриклар қўшинларининг ичиде икки юздан ортиқ отлиқ аскарлари бор эди. Мусулмонларнинг орқа томонидан улар ҳам уч қайта ҳужум қилдилар. Барча ҳужумлар тепа устида ўрнашган элик нафар мерганлар томонидан ёғдирилган ўқлар ила қайтарилди.

Ҳужумчи душман аскарлари от қўйиб келаётганларида қаршиларидан отилган садоқ ўқларига чидаб туролмай орқаларига қочдилар. Шундоқ бўлса ҳам сонлари уч-тўрт баробар ортиқ бўлган душман аскарлари қизғинлик билан урушга киришдилар. Исломи ва куфр, ҳақ ва ботил қўшинлари бир-бирларига яқинлашди, ҳар икки ёқнинг баҳодирлари сурон солиб қичқирдишди.

Душман қўшинининг кейинига қўйилган қўшиқчи хотунлар уруш қиздириш учун доп-чилдирмаларини чалиб, ҳаяжонлик шеърларни ўқишур эди. Бундан илгари Бадр урушида ўлдирилган Қурайш улуғларини йўқлаб йиғлашиб, аларнинг уруф-аймоқларини шу урушда ўч олмоққа қўзғашар эдилар. Расулulloҳ мушрик хотунларнинг бу йўсинлик қўшиқларини онгланларида шу дуони ўқидилар:

**«Аллоҳумма бика аҳулу ва бика асулу ва фийка ўқотилу, ҳасбияллоҳу ва неъмал вакил».** Маъноси: *«Эй бор Худоё, сен учун урушурман, сенинг ёрдаминг билан ҳужум қилурман. Аллоҳ ёрдами ҳар ишда менга ётарликдур»*, демақдур.

Шунинг билан мусулмонларга иқбол эшиги очилди. Майдон бўйича ғалаба қозониб, ҳар жойда душманга қаттиқ зарба бердилар. Туғ бошчиларидан кетма-кет тўрт киши ўлдирилганидан сўнгра душман аскарлари орқа ўтириб қочишга турди. Буни кўриб, ислом аскарининг руҳи кўтарилди. Аларни отиб-чоғиб орқадан қувғин қилдилар. Душманнинг олди сафлари бузилиб, ортқи сафларига қўшилмиш эди. Қочқинчилар юзига хотунлар тарафидан сочилган қум-тупроққа қарамай, қўш-қўлонларини қолдириб, ўрдаларидан ўта қочдилар. Мана шу чоғда ўлжага қизиқиб турган Исломи аскарлари қочган душманларни қолдириб ўлжа йиғмоққа киришди. Душман ортидан қувғин қилиш тўхтади. Аскар ортини сақлаш учун қўйилган мерганлар кўрдиларким, душманлари енгилди. Қувғувчи аскарлар ҳам душманларини қўйиб, ўлжа йиғишга киришмишдурлар. Энди иш битди, қараб туриш нимага керак, ўлжадан қуруқ қолгаймиз дейишиб, уруш учун қўлда сақламоқ энг керак бўлган жойни бўш қолдириб, ўлжа олиш қизигида эл орқасидан булар ҳам югурдилар. Бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Жубайр қон қақшаб қанча қайтарган бўлса ҳам анинг сўзига қулоқ солувчи киши бўлмади. Йўқ эрса, Расулulloҳ айтган эдилар. «Биз душманни енгайлик ёки енгилмайлик, мен-

дин рухсатсиз бу жойдин силжимагайсиз», деб қайта-қайтадин топшириқ берган эдилар. Дунёнинг қизиги-да бу сўзни ҳам унутиб қўйдилар.

Мана шунинг билан бутун ишлар ҳам ўзгара бошлади. Негаким, ғалаба қозонмоқ учун энг керак бўлган нарса: биринчи, аскар бошлиғининг буйруғини бажариш, иккинчи, керакли ўринларни қўлда сақлаш эди. Иш шундоқ бўлгач, душман отлиқ аскарлари бошлиғи Холид ибн Валид буни пайқаб қолди, агар шу жойга хужум қилиб, уни қўлга келтирур эрса, Ислом аскарини ўраб олишга аниқ кўзи етган эди. Бу жойга қўйилган элик кишилик мерганлардан — бошлиқлари Абдуллоҳ ибн Жубайр билан ўн икки киши қолганлигини кўрди. Бундай фурсат топилмагай, деб Холид ибн Валид борлиқ аскарлари билан бу ўринга от қўйди. Хиёл ўтмай ул ўн икки кишини уриб-янчиб, барчаларини шаҳид қилдилар. Шунинг билан Ислом аскарлари ўралиб қолди. Сўнгра аскар ортидан қизғинлик билан хужум бошлади.

Олға сафдаги Ислом аскарлари бу ишдан хабарсиз эдилар. Ҳазрати Ҳамза бу урушда кўп баҳодирлик кўрсатди. Душман баҳодирларидан бунинг қўлида ўлдирилганларнинг сони ўттиз бирга етган эди. Шундоқ қилиб, тўғри келган душманларни чопиб, майдон ичра жавлон қилиб юрди. Шу орада буни кутиб ётган Ваҳший қулни кўрмай, олдидан ўтавердилар. Бу ҳабший қулнинг хўжаси Жубайр ибн Мутъим анга шарт қўйиб: «Агар Ҳамзани бу урушда ўлдирур эрсанг, сен қуликдан озодсан», деган эди. Шу мақсадни қўлга келтириш учун, ҳазрати Ҳамзанинг йўлини тўсиб, кутиб тош орқасига яшириниб ётди. Бу қулнинг хўнари ўн ўн беш қадам олисда туриб, агар душманга найза отар бўлса, ани мўлжаллаган жойга теккизур эди. Ҳазрати Ҳамза бундин хабарсиз, қилич яланглаб кетаётганида, Ваҳший қул бор кучи билан жон ерини пойлаб, найза ирғитди. Отган найзаси ўқ илондек тўлғониб, киндик остига тегиб қадалди. Совут орасидан кириб, найзанинг учи орқа томонидан кўриниб қолди. Сўнгра Ҳазрати Ҳамза ғайрат кўрсатиб, Ваҳшийга қилич кўтарган бўлсалар ҳам, етарлик куч қолмаганликдан, йиқилиб шаҳид бўлдилар, розияллоҳу анҳу.

Шунгачалик Холид ибн Валид, Икрима ибн Абу Жаҳл ўз аскарлари билан орқа томондан қамаб келишиб қолдилар. Шунда ҳам ўлжачилар дунё қизиги —

мол йиғмоққа машғул эдилар. Сўнгра кўрдиларким, орқа томондин қора булутдек душман аскарлари қоплаб келмишдур. Буни кўриб бошларидан хушлари учди. Йиққан молларини қўлларидан ташлаб, боғлаб олмиш асирларини бўшатдилар. Тузилган чеплари бузилиб, орқа-олдиларини душман қуршаб олди. Куфр қўшинлари: «Ё, лал-уззо вал ҳубул», деб бутлари номи билан қичқаришиб, ҳужумга киришдилар. Бу ҳолни кўриб, орқа-олдиларидан ўралган Ислом аскарлари шошқинликка тушди. Бунинг устига шайтон малъун одам суратига кириб: «Эй мўминлар, орқа томонинглардин душман аскарлари қоплаб келди», — деб қаттиқ қичқирди. Буни эшитган олға сафдаги аскарлар орқага ёниб, чанг-тўзон ичида бир-бирларини танишмай, ўз аро чопишдилар. Мушрикларнинг йиқилиб ётган байроқлари қайтадин кўтарилди. Ислом туғини кўтарган Мусъаб ибн Умайрни Ибн Қамъа қилич уриб, шаҳид қилди. Сўнгра: «Муҳаммадни ўлдирдим», деб аскар ичини оралаб, от чопиб юриб жар чақирди.

Буни эшитган мўминларнинг хушлари кетди. Алардин баъзилари: «Расулуллоҳ ўлдирилган бўлса, энди урушимизни ким учун қилгаймиз? Яхшиси шуки, душманларимиз билан келишиб, алардин омонлик олайлик», дедилар. Яна бирмунчалари: «Агар Расулуллоҳ ўлдирилган бўлсалар, энди динимиз йўлида Аллоҳ учун уруш қилурмиз, Расулуллоҳ олдида уруш қилмоқдин асли мақсадимиз ҳам шул эди», дедилар. Яна бир қанчалари уруш майдонидан чекиниб, Мадина томонига қараб қочдилар. Булар ичида Ҳазрати Усмон ҳам бор эди. Бу кишининг устига тушган фитна кунларида душманлари кўпроқ шу ишни таъна қилдилар. Лекин бу қочқунчилар қилган ишларидан уялишиб, Мадина боғларида яшириниб юрган эдилар. Расулуллоҳнинг рухсатлари билан уч кундан кейин Мадинага келдилар.

Аммо Расулуллоҳ бўлсалар бу даҳшатлик ҳолда заррачалик ўзгармадилар. Келган ўринларидан бир қадам бўлса ҳам ортга қайтмадилар. Атрофларини саҳобалардан бир неча жонфидолар қуршаб олган эди. Айниқса, булар ичида Абу Талҳа ансорий душман томонидан қасдлаб отилмиш ўқларга ўзини тўсиб, қалқон қилур эди. Душман отлиқ, яёв аскарлари эрса Ислом туғини йиқмоққа қаттиқ ҳужум қилишарди. Шу чоғда туғ Ҳазрати Али қўлида эди. Туғ сақловчи мерганлардан бир қанчалари Расулуллоҳ олдиларида эдилар. Бу-

лар ичида шул куни энг ортиқ иш кўрсатган киши ҳазрати Саъд ибн Аби Ваққос бўлди. Сел қоплагандек отлик ва пиёда душман аскарига ёлғиз ўзи бир мингдан ортиқ ўқ отди. Расулуллоҳ тинмай ўқ етказиб берур ва: «Ирми ё Саъд, фидока абий ва уммий», яъни, «Отгил, эй Саъд, ота-онам сенга фидо бўлсин», дер эдилар.

Расулуллоҳнинг Саъд ҳақида айтган сўзлари икки дунёда мақтанурлик эрди. Чунки илгари-кейин бундоқ сўз Расулуллоҳ тарафларидан ҳеч кимга айтилмаган эди. Яна шу чоғда душманлардан бир бўлими тоғ устидан ҳужум қилмоққа чиқиб, келдилар. Расулуллоҳ уларни кўриб: «Эй Саъд, буни қайтаргил», дедилар. Анда у: «Ё Расулуллоҳ, мен ёлғиз киши қандай қайтаролгайман?» деди. Расулуллоҳ: «Қайтаргил», деб уч йўл айтдилар. Анда Саъд ўқ ёнчиғидан бир ўқ чиқариб, душманга отган эди, хато қилмай, жон ерига тегиши билан унинг жони чиқди. Иккинчи, учинчи отган ўқлари ҳам қорага тегиб, тоғ устига чиққан душманлардин кетма-кет уч кишини ўлдирди. Буни кўргач, қолганлари тоғ устидан питраб қочдилар. Йўқ эрса, аларнинг қасди — шу томондин келиб, Расулуллоҳга ҳужум қилмоқчи эдилар.

Шундоқ бўлиб, Уҳуд уруши бошланиши билан мусулмонлар ғалаба қозонган бўлсалар ҳам, бунинг шароитини ўзлари бузганлиқдан, кўп хаёл ўтмай қаттиқ мағлубиятга учрадилар. Сафлари бузилиб, бош-оёқлари қовушмай, тарқоқ ҳолда қолишиб, тартиблари бузилди. Шунча қалин душман ҳужумига қарши Пайғамбаримизнинг қошларида ушбу ўн тўрт кишидан бошқа ҳеч ким қолмаган эди. Ул баҳодирларнинг еттитаси муҳожирлардин бўлиб, аларнинг отлари шулардир:

1. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ.
2. Ҳазрати Умар.
3. Абдурахмон ибн Авф.
4. Саъд ибн Аби Ваққос.
5. Талҳа.
6. Зубайр.
7. Зайд ибн Ҳориса.

Қолган етти киши ансор саҳобалардан эдилар. Булар: биринчиси, Пайғамбаримиздан қилич олган, буни эгилгунча чопқайман, деб ваъда берган ҳазрати Абу Дужона эди, иккинчиси, Ҳубоб ибн Мунзир, учинчи-

си, Осим ибн Собит, тўртинчиси, Ҳорис ибн Симма, бешинчиси, Суҳайл ибн Ҳаниф, олгинчиси, Саъд ибн Муъоз, еттинчиси, Усайд ибн Хузайр, разияллоҳу таоло анҳум ажмаъийн.

Кўпчилик бошқа саҳобалар бўлса, Расулуллоҳдин ажраб, кураш майдонида тарқалиб қолдилар. Малъун Ибн Қамъа: «Муҳаммадни ўлдирдим», деб аскар ичига ёлғон довруқ солган чоғда Ислому туғи Ҳазрати Али кўлида эди. Уруш тўлолида чопишиб юриб, Расулуллоҳдин адашиб қолдилар. Шу орада Ибн Қамъанинг ёлғон сўзи қулоқларига етди. «Бу иш бўлғулик эмасдур», деган бўлсалар ҳам яна инсончилик, кўнгиллари ваҳим олиб, ўликлар ётган гумонлик ўринларни ахтариб, Расулуллоҳни изладилар: Ҳеч ердин нишонларини топмагач, шундоқ ўйладиларки: «Расулуллоҳ бу урушда ҳеч қачон майдондин қочиб кетмаслар, лекин бизнинг қилган гуноҳимиз шумлигидин, Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломдек Расулуллоҳни ҳам кўкка кўтарган бўлиши керак. Энди биз Расулуллоҳдин ажраб, ер устида тирик юрганимиздан, Худо йўлида ўлганимиз яхшироқдур. Расулуллоҳни кўрмагунимча қиличимни қинига солиш йўқдур», деб қилич қинини синдирдилар. Яланғоч қилич билан ўзларини душман тўпига урдилар. Бу дамларда душман сафи бузилиб, ора очилди. Қарасалар, юқориги ўн тўрт киши Расулуллоҳни ўртага олиб, душмандин мудофаа қилиб турибдилар.

Улар ичида Саҳл ибн Ҳаниф, бу киши эрса, Мадина халқидан чиққан атоқлик мерганлардин эди, тўрт томондин Расулуллоҳга қасд қилиб келган душманларни ўқ билан уриб, ҳеч бирини яқин келтирмай турибди. Абу Дужона бўлса, қайси ёқдин бирор нарса келса, Расулуллоҳни қўриқлаб, ўзини қалқон қилур эди. Орқа елкаларига атрофдин отилган ўқларнинг бир нечалари тегиб қадалган эди. Шундоқ қилиб, бу баҳодирлар Расулуллоҳни қўриқлашда жон фидолик билан энг сўнги сувликларигача (нафасларигача) чидамлик кўрсатдилар. Айниқса, булар ичида Зайд ибн Ҳориса Расулуллоҳ устига бўлган ҳужумларда душманлар тарафидан отилган, урилган, чопилган қуролларга қарши турганликдан қаттиқ яраланган эди. Расулуллоҳ ўзлари бўлсалар шул куни (бошларидан) энг оғир ишларни ўтказдилар. Ҳар қандоқ одам кўтаролмаслик даражада қаттиқ яраландилар. Шундоқ бўлса ҳам, бу қийинчиликларга чидамлик кўрсатиб, душманга қар-

ши турдилар. Бу қилишлари бўлса, келгуси кунларда ибрат олгувдек бир ишни умматларига қолдириш эди.

Яна шундай қизгин уруш бўлиб турган чоғда, Қурайш раисларидан Убай ибн Халаф деган киши: «Энди Муҳаммад қаён қочиб қутила олади?» деб Расулуллоҳ устига от қўйди. «Агар шул куни Муҳаммад мандин қутулур бўлса, ман дунёда тирик тура олмагайман», деб қилич кўтариб ҳужум қилмоқчи бўлди. Буни кўрган саҳобалардин бир нечалари унинг олдини тўсиб, қарши чиқдилар. Анда Расулуллоҳ: «Ҳой, уни тўсманглар, яқинроқ келсун», — дедилар. У ҳам оғзига келганини айтиб, қиличин кўтариб, чопғали келмоқда эди. Расулуллоҳ, етишига бир-икки найза бўйи қолган чоғда, ёнларида турган Ҳорис ибн Симма деган саҳоба тутиб турган қисқа найзани анинг қўлидан олиб, ёмон ниётда келаётган душманни етгунча қўймай, ул сари отдилар. Найза етиб, унинг бўйинини бир оз яралади. Аммо қон оқизгувдек яраси йўқ эди. Лекин унинг оғриғига чидай олмай орқага қайтди. Борган сари оғриқ ошиб, чидолмай бақиргани турди. Буни кўрган бошқа йўлдошлари ани зонглик (масхара) қилдилар: «Сенинг бўйинингга тушган бу яра агар бизнинг кўзимизга тушар бўлса, биз ани эран (писанда) қилмас эдик. Юрагинг йўқ, ўзинг бўш киши экансан», деб анга кулдилар. Анда ул айтди:

— Лот-уззо ҳаққи, агар менинг бу олган ярамнинг дардини Рабаи, Музар (арабларнинг улуг қабиласи) халқи тақсим қилиб олур бўлсалар, бунинг таъсиридан барчалари ўлур эдилар. Энди мен нечук буздан тирик қолгайман, — деди. Бу киши Расулуллоҳнинг энг қаттиқ душманларидан бири эди. Пайғамбаримиз Макка шаҳрида турган чоғларида ул ҳар қачон Расулуллоҳни кўрар бўлса, айтур эдиким:

— Эй Муҳаммад, менинг бир аргумоқ отим бор, ҳар куни ўн қадоқдин ортиқроқ ем егизиб, уни тоблаб турибман, шу от устида сени бир куни чопиб ўлдиргайман, — дер эди. Анда Расулуллоҳ унинг сўзига қарши:

— Сен мени ўлдира олмагайсан, иншааллоҳ, мен сени ўлдиргайман, — деган эдилар.

Пайғамбаримизнинг шул айтган сўзларини Аллоҳ таоло чинга чиқарди. Шу билан Қурайш аскарари Уҳуд урушидан қайтишларида Макка-Мадина оралиғидаги — Сараф деган жойга келгунча бу киши жон талашиб,



бўкириб келди. Шу ерга келганда жон берди. Расулуллоҳ умрлари бўйи қилган ғазотлари ичида, илгарикейин бўлиб, шу бир кишини ўлдирдилар. Ўз қўллари билан ўлдирганлари ёлғиз шу киши эди. Пайғамбаримиз айтдилар:

— Инсонлар ичида ўлгандин сўнгра энг қаттиқ азоб тортувчи кимарса — пайғамбарни ўлдирувчи ёки пайғамбар қўлидан ўлгувчи киши бўлув. Бунинг сабаби шулдурки, ҳар бир пайғамбар ўз умматига ота-онасидан ҳам меҳрибонроқдур. Шунинг учун Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз ҳақларида шу оятни туширди:

**«Лақада жоакум, росувлум мин анфусикум, азизун алайҳи ма анитгум, ҳарийсун алайкум бил муъминийна роуфур роҳийм...»**

Маъноси: *Аллоҳ амри билан, ўзинглардан азиз бир киши сизларга пайғамбар бўлиб келди. Сизларнинг оғир юкинлар, меҳнат-машаққатларинг анинг устига юкланди. Ул пайғамбар сизларга бек ороқдур (меҳрибондур). Бутун дунё халқи Ислом динини қабул қилар бўлсалар, анинг энг ортиқ тилаги шулдур, яъни мўминларга меҳрибон, аларга раҳмлик, яхшилик қилувчи»* демакдир.

Энди билмоқ керакким, азиз, роуф, раҳим, бу уحو-ви эрса, Аллоҳ таолонинг сифатларидандур. Чунки Қуръони каримда: **«Инналлоҳа биннаси ла роуфур роҳим»** оятини келтирди. Маъноси: *«Албатта, Аллоҳ таоло одамларга меҳрибондур, раҳм қилувчидур»* демакдур.

Пайғамбаримизнинг ҳақларида ҳам: *«Бил муъминийна роуфур роҳим»* деб Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни ўз исми билан атади. Бошқа ҳеч бир пайғамбарни бу сифати билан атамаган эди. Энди шундоқ улуғ, меҳрибон, шафқатлик пайғамбар бир инсонни ўлдирур эрса, ундин сира яхшилик кутмаганлигини билдирув. Шунинг учун Пайғамбаримиз айтдилар:

— Бир кимса пайғамбарни ўлдирган бўлса, ёки пайғамбар тарафидан ўлдирилган бўлса, бундай одам гўрга кўмилгандан бошлаб, қиёмат бўлгунча, тўхтовсиз гўр азобини кўргай, — дедилар.

Яна бу урушда душман баҳодирларидан Ибн Қамъа деган бир киши бор эди. Уруш қизиб турган чоғда, пайт пойлаб, Расулуллоҳ устиларига бирданига от қўйди. Қилич бўйи яқинлашиб келиб, муборак бўйинларига бир қилич урди. Бошларига кийган дубулға

чилтарини қилич кесиб ўтолмаган бўлса ҳам, қаттиқ урилганликдан, қилич салмоғи билан бирор ой миқдори муборак бўйинлари оғриб юрди. Қилич урар чоғида: «Қамъа ўғлидурман, ол бу қилични», деб чопган эди. Унинг бу сўзига қарши Пайғамбаримиз: **«Ақмаа-каллоҳу важҳақа»**, яъни, *«Аллоҳ юзингни хор қилсин»*, дедилар.

Шунинг билан, уруш тарқалгандин сўнгра бу киши ўз уйига қайтди, ўзи эрса араб кўчманчилари — аробийлардин эди, уйига боргач, хотини айтдиким: «Уч кундан бери қўйларимиз тўпи билан ўтлоққа чиқиб йўқолди. Аларни излаб юриб, тополмай чарчадик», деди. Бунинг билан, ул ўзи қўйларини изламакка отланди. Айланиб юриб қараса, йироқдин тоғ бошида бир қора кўринди, қўй бўлмайми деб, тоғ устига чиқди. Яқинлашганда пайқаб қараса, ул кўринган қора ўзининг қўй-кўчқори экандур. «Хай, жонивор, мени таниб турганга ўхшайди», деб яқинига келиши билан, кўкрагига бир сузиб эрди, тоғдин учиб, юмалаганича, чала ўлик бўлиб, тоғ тагига тушди. Муғизлари (шоҳлари) қайрилган катта бир тоғ такаси пойлаб тургандек, тайёр турмуш эди. Чала ўлик бўлиб тушган кишини сузишга бошлади. Аллоҳдин амр бўлгандек, юзидан бошқа жойини сузмас эди. Тошдин-тошга суриб юриб, унинг юзини киши жиркангудек қилиб, эзиб ташлади. Расулulloҳ бунинг ҳақида: «Юзингни Аллоҳ хор қилсин», деган эдилар, кўп узоқ ўтмай, Аллоҳ бу сўзни чинга чиқариб, шу хорлик билан ўлди.

Яна бу урушда Расулulloҳга кўпроқ қасд қилиб, душманчилик қилувчилардан бири Мадиналик Абу Омир Роҳиб эди. Роҳибнинг маъноси обид демақдур. Расулulloҳ бунинг фосиқ, деб атамиш эдилар. Аслида бу киши мадиналик ансор саҳобалар уруғидан эди. Иймон бунга насиб бўлмагач, олдига келган шундоқ улуғ неъматдин ўз ихтиёри билан қуруқ қолди. Чунки Мадина мунофиқларининг икки раислари бор эди. Бириси шу Омир Фосиқ, иккинчиси, Абдуллоҳ ибн Убай. Расулulloҳ Мадинага келганларидан кейин Ислом масаласи кўзгалиб, улар раисликдан ажрадилар. Халқнинг булар билан иши бўлмай қолди. Ана шу кундин бошлаб, буларнинг ҳасад томирлари кўзгалди. Абадий давлатни фоний дунёга сотдилар. Шамчироқ гавҳарини кўр бўлиб, қора тошга айирбош қилдилар. Биринчиси эрса, Ислом ривожини кўриб, чидаб туролмай,

элик жонга яқин бутун оиласи билан Маккага кўчиб бориб, Қурайш мушрикларига қўшилдилар. Иккинчиси бўлса, мол-жонини сақламоқ учун тил учида бўлса ҳам мусулмон бўлди, лекин Расулуллоҳга дилида душманлик қилиб, фурсат топар экан, мусулмонларга зиён етказмақдан ҳеч тортинмас эди. Расулуллоҳ бунга қарши сабр қилмоқдин бошқа ҳеч қандоқ чора қилмадилар. Ва у тавфиқ топмай, шу мунофиқлик билан дунёдин ўтди.

Юқорида айтилган шу Абу Омир Фосиқ, мусулмонларни йиқитмоқ учун уруш майдонида бир неча ўринларга яширин қудуқлар қаздириб қўйган эди. Расулуллоҳ бу урушда икки қават темир совут кийган эдилар. Пайғамбаримиз кийим оғирлигидан, пайқамасдин шу чуқурларнинг бирига тушиб кетдилар. Қаттиқ йиқилганликдан, тизза кўзлари яраланиб, бир оз хушлари кетгандек бўлди. Ёнларида қўриқлаб турган Ҳазрати Али қўлларидан тортиб, Талҳа ибн Абдуллоҳ оёқларидан кўтариб чуқурдан чиқардилар. Шу чоғда кофирлар томонидан Утба ибн Абу Ваққос келиб Расулуллоҳга бир тош отди. Отилган тош остинги икки тишларининг бирини сиңдириб кетди. Муборак эринлари (лаблари) ҳам тош зарбидан анчагина яралади. Буни кўриб Ҳотиб ибн Балтаъа анинг устига арслондек отилиб шундоқ қилич урдиким, боши олмадек узилиб ерга тушди.

Яна душманлардин Абдуллоҳ ибн Шиҳоб Расулуллоҳнинг юзларига қараб тош отди, бунинг зарбидан муборак юзлари ҳам яралади. Бунинг устига, бошларига кийилган темир дубулғалари урилган қилич зарбидан синиб кетиб, бошлари ҳам ёрилди. Менгзаларига душман томонидан теккан қилич зарбидан юз суякларига дубулға ҳалқаси ботиб, юзларини қаттиқ жароҳатлади.

Қисқаси шуки, ҳадис олимлари, тарих олимларининг айтишларича, Расулуллоҳнинг бошларига, юзларига, бутун баданларига қилич, найзалар, ойболта, чўқморлар, тошлар душман томонидан отилиб, урилиб, етмишдан ортиқ жойлари оғир-енгил яраланган эди. Энди бу сўзларни ўқиб, англагувчи одамларнинг кўнгилларига шундоқ келиши мумкин дурким, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Худонинг дўсти, ҳабиби, барча оламга юборилган Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари — Раҳматул лил аламиндурлар. Иш шундоқ

эrsa, бундоқ улуғ даражалик зот шу қадар кулфат, меҳнатларга қолиб, кофирлар томонидан жабру жафолар тортишларига ҳикмат на эрди? Мана шу сўз ҳар кимнинг кўнглига келиб қолиши эҳтимолдур. Бу сўзнинг жавобида, ўтган улуғ олимларимиз шундоқ демишлардирким:

— Инсонлар ичида пайғамбарлар Худо олдида энг улуғ мартабага эгадурлар. Айниқса, алар ичида бизнинг Пайғамбаримизнинг даражалари ҳаммаларидан ҳам улуғроқдир. Энди Аллоҳ таолонинг дунёга қўйган одати шундоқдурким, анинг олдида кимнинг мақоми баландроқ бўлса, дунёда тортган жабру жафоси ортироқ бўлмай, алардин қайси бирлари Аллоҳ амрини халққа етказишда кофир ва мунофиқлардан кўпроқ азият чеккан бўлса, шунга кўра охиратда кўпроқ ажр-савоб топмай. Яна бир ҳикмати шулдурки, ҳаёт оламидаги борлиқ нарсалар бутунлай сабабга боғланмишдур. Душманни енгишлар ёки улардан енгилишлар бўлса, албатта, буларнинг бирор сабаблари бордур. Бу уруш бошланишида енгиш асбоби мусулмонлар қўлида эди. Бунинг сабаби билан дастлабда душмандан ғалаба қозонмиш эдилар. Сўнгра мусулмонлар қўлларидаги зафар сабабларини яхши сақлай олмагач, бу давлатдин ажрадилар. Чунки Аллоҳнинг тақдири банданинг қилмишига боғлиқдур. Дунё яралгандан бери инсонлар устида бўлаётган илоҳий қонун шулдур. Бунинг риояси барча инсонларга баробар вожибдур. Шунинг учун Расулуллоҳ аскарининг орқа томонини сақламоққа элик кишилик бир бўлик мерганларни, шу куннинг сўқиш ясоғича энг кераклик ўринга тайинлаб қўймиш эдилар. Ҳар қандоқ аҳвол юз берса ҳам шу жойни қўлдан бермасликка буюрган эдилар. Мана, Расулуллоҳнинг шу буйруқлари амалга оширилмади. Зафарнинг катта бир сабабини қўлдан чиқардилар. Шу сабабдан душманларидан енгилдилар.

Лекин бу ерда яна бир сўз бордирким, Аллоҳ таоло ўзига иймон келтирган мўминларни шундоқ ўринларда нега кофирлардан асрамайди? Бунинг жавоби, биринчидан шулдурки, буёнги (кейинги) мўминларга танбеҳ бўлсин, қолганлар буздан ибрат олсинлар. Мусулмонлар ҳеч бир вақтда, айниқса, сўқиш-саваш чоғларида бошлиқларнинг буйруқларини бузмагайлар. Аллоҳ амрини дунё ишларидан олдин тутгайлар. Иккинчи жавоб шулдурки, Расулуллоҳ яратилишида, му-

борак нурлари ҳаммадин илгари яратилмиш эди. Дунёга келишларида барча пайғамбарлардан кейин келдилар. Ўтган пайғамбарларга ҳам кофирлар билан жанг қилмоқ ўз шариатларида фарз қилинган эди. Шунинг учун ўтган пайғамбарлар ҳам Худо йўлида душманларига қарши жиҳод қилдилар. Аларнинг умматларидан бир қанча мўминларга шаҳидлик даражаси насиб бўлди. Бу даража эрса пайғамбарлардан ва дағи (яна) сиддиқлардин сўнги, Худо олдида, энг улуғ даража шу эрди. Бундай бўлгач, бу улуғ даражадан бу умматнинг энг олдинги сафлари қуруқ қолмагай, деб Аллоҳ таоло бир қанча саҳобаларни шаҳидлик даражасига етказди. Яна булардан бошқа ҳикматлар кўп бўлса ҳам, шу айтган сўзларимиз мўминлар учун етарлиқдур. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Шундоқ қилиб, Расулуллоҳ бундоқ оғир ярадор бўлишларидан саҳобалар қаттиқ қайғурдилар. Алардин қайси бирлари айтди:

— Ё Расулуллоҳ, дуо қилинг, бу кофирлар қирилсинлар, — деди. Анда Расулуллоҳ:

— Мени Аллоҳ таоло олам халқини ҳақ динга чақирмоққа, аларга тўғри йўлни кўрсатмоқ учун юборди. Мен Аллоҳ томонидан бутун халқ учун раҳмат келтирдим. Лаънат ўқиб, одам болаларини ўлдирмак учун келганим йўқ, — дедилар.

Сўнгра **«Аллоҳуммаҳди қовмий вағфирлаҳум, фанниннаҳум ла яълаун»**. Яъни: *«Эй бор Худоё, қавмимни ҳақ йўлга солгин, ёзуқларини кечиргин, чунки улар билмайдилар»*, деб дуо қилдилар.

Бу Уҳуд урушида бир неча саҳоба хотунлар ҳам урушга қатнашган эдилар. Алардин бири Умму Аммо-ра отлиқ бир хотун эрди. Бу хотун эрса, эри Зайд ибн Осим ва икки ўғли билан тўрт киши бўлиб, урушга кирдилар. Булар ҳақида Расулуллоҳ «Роҳима кумуллоҳу аҳдал байти», яъни, «Аллоҳ таоло барча оилаларингни раҳмат қилсин», деб дуо қилдилар. Умму Амора буни англаб:

— Ё Расулуллоҳ, яна дуо қилгайсизким, жаннатда сиз билан бирга бўлгаймиз, — деди. Анда Расулуллоҳ:

— Эй бор Худоё, буларни жаннатда менга рафиқ қилгайсан, — дедилар. Расулуллоҳдин бу сўзни онглагач: «Энди дунёда нима мусибат кўрсам парвойимга келмас», деб мардоналардек урушга кирди. Расулуллоҳнинг олди-орқа, ўнг-сўлларидан ҳеч ажралмай юриб

урушди. Ва шул куни ўн икки жойидан яраланди ра-  
зияллоху анҳо.

Яна бу ғазотга кирган хотунларнинг бириси Умму  
Айман Баракадур. Бу хотун эрса, Расулуллоҳни ки-  
чикликларида кўтариб боққан, оталари Абдуллоҳдин  
мерос қолган додаклари эрди. Расулуллоҳ буни асран-  
ди ўғиллари Зайд ибн Ҳорисага никоҳлаб бердилар.  
Бундан Усума ибн Зайд туғилди. Муъта ғазотида беш  
минг аскарга бу ўғилнинг отаси Зайдни бош қўмондон  
қилган эдилар. Бу муборак хотун ярадорларга сув бер-  
мак нияти билан Мадинадан чиқаётганларида, Уҳуд  
урушидан қочқувчиларга қарши келди. Аларнинг юз-  
кўзларига қум тупроқлар сочиб:

— Эй ўлимдан кўрққан номардлар, Расулуллоҳни  
душманлар қўлига қолдириб, уялмай нечук келурсиз,  
йўқ эрса, хотунлардек эгирчак олиб эгиринглар, қилич-  
найзаларингизни биз хотунларга топширинглар, — деб  
шундоқ сўзлар билан аларни қаттиқ уялтирди.

Ўзи Уҳуд майдонига қараб жўнади, кўрдики, бу  
уруш мусулмонлар зиёнига айланибдур. Расулуллоҳ-  
нинг вужуди-шарифлари, бош-оёқлари дегудек, бир  
қанча жойлари яраланибдур, буни кўриб, тоқат келти-  
ролмай, қилич олиб урушга кирди. Кофирлар томони-  
дан Ҳаббоб деган киши бу муборак хотунни нишонга  
олиб ўқ отди, араблар одатича, хотун ва болаларни ўлжа  
олиш бўлса ҳам, аларни уриш, ўлдириш йўқ эди. Аммо  
ул номарднинг отган ўқи Умму Айманга келиб тегиб,  
йиқилди. Бу қилган ишига мақтаниб, у кофир қаттиқ  
кулди. Расулуллоҳ буни пайқаб турган эдилар. Бу ҳолни  
кўриб, қаттиқ хафаландилар. Ёнларида ўқ отиб турган  
Саъд ибн Аби Ваққосга учиди тиғи йўқ қуруқ ёғоч ўқ  
олиб бердилар ва: «Бунинг билан у кофирдан Умму  
Айман қасосини қайтаргил» дедилар. Сўнгра Саъд ибн  
Аби Ваққос тиғсиз ёғоч ўқни унга қаратиб отган эди,  
хато қилмай, бўғизига тегиб, шул онда йиқилди. Бунинг  
чалқанча тушиб йиқилганини кўриб, Расулуллоҳ ҳам  
кулдилар. Бир зум илгари Умму Айман йиқилганида бу  
кофир хуш бўлиб кулган эди, хиёл ўтмай бу иш ўз  
бошига тушди. Буни кўриб Расулуллоҳ:

— Эй бор Худоё, Умму Айман қасосини Саъд қай-  
тарди, анинг дуосини сен ҳар вақт ижобат қилгил, —  
дедилар.

Шунинг учун бу дуо баракотидан Саъд ибн Аби  
Ваққоснинг дуолари ҳамиша мақбул эди.

Маълумдурки, ушбу Уҳуд урушида душманларнинг сони ўн мингга яқин эди. Буларга қарши қўйилган ислом қўшини мингга етмас эдилар. Юқорида айтилишча, уруш бошланиши билан мусулмонлар ғалаба қозонган бўлсалар, ўзлари сабаб бўлиб, бу ғалабани қўлдан чиқардилар. Мана шунча кўп душман аскарлари ичида қанча баҳодирлар бор эрса, барчалари Расулуллоҳни ўлдирмак қасдида устиларига ҳужум қилишиб кўрди. Лекин, Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни сақлаб, алардин ҳеч бирлари мақсадларига ета олмади. Ва бир неча саҳобалардин бошқалари, айниқса, юқорида номлари ёзилмиш ўн тўрт одам ўлимга бош боғлаб, жонбозлик билан Расулуллоҳни душмандан қўриқладилар. Ҳақиқатда эса **«Валлоҳу яъсимука минаннас»**, яъни, *«Аллоҳ таоло сени душманлардан сақлайди»*, деган оят нозил бўлиб, шунинг мазмунича, аларнинг ёмон қасдидан Пайғамбаримизни Аллоҳ ўзи асради. Бу оят ифода қилган Аллоҳнинг ваъдаси чин бўлди.

Расулуллоҳнинг муборак менгзалари (юзлари) қаттиқ яраланган эди. Душманлардан Ибн Қамъанинг отган тоши юзларига тегиб, бунинг зарбидан дубулға ҳалқаси юз суякларига ботиб кетди. Ҳазрати Абу Убайда бу ҳалқани чиқармоқчи бўлиб, қўллари билан чиқаролмай, тишлаб тортганларида, олдинги икки тишлари қўмирилиб кетди. муборак юзларидан ва тишларидан тўхтамай қон оққали турди. Лекин Расулуллоҳ ерга оқиб тушгали қўймай, суртиб турдилар. Бунинг сабаби, «Агар қоним ерга томса, буларга осмондин бало азоби тушгай», дедилар. Шу чоғда Расулуллоҳга қаттиқ чанқоқлик пайдо бўлди. Буни билиб, Ҳазрати Али қалқонларини тўлдириб сув келтирдилар. Узун туриб, сувнинг ранги ўзгариб қолганликдан уни ичмадилар. Дарҳол Муҳаммад ибн Маслама қаердандир бир идишда тоза сув келтирди. Ундин қониб ичиб, ҳаққиға дуо қилдилар.

Шу орада ҳазрати Фотима бошлиқ бир неча Мадина хотунлари келишди. Расулуллоҳни бу ҳолда кўришиб хотунлар йиғлашиб кетдилар. Расулуллоҳнинг бош-кўзларини қонга бўялганини кўриб, ҳазрат Фотима чидай олмай, Расулуллоҳни қучоқлаб кўп йиғлади. Сўнгра Ҳазрати Али сув қўйиб, қонлик яраларини ювдилар. Яраларининг оғзи очилиб кетганликдан, қайтадан қон оқа бошлади. Буни кўриб, Фотима, куйдирган бўйранинг кулини яраларига сепди. Шу билан қон

тўхтади. Яна шу ўртада душманлардан бир бўлак кишилар тоғ устидан кўриниш қилиб, мақсадлари шул томондан ҳужум қилмоқчи эдилар. Расулуллоҳ аларни кўриб:

— Эй бор Худоё, кофирлар мўмин қулларингни енгиб, алардин юқори турмоқлари лойиқ бўлмагай, Сенинг ёрдамнинг билан ҳар вақт қувват топгаймиз, йўқ эрса, булар билан урушмоққа бизда куч йўқдур, — дедилар.

Буни онглаб, Ҳазрати Умар бошлиқ бир неча муҳожир саҳобалар аларга қарши чиқиб, тоғ устидан қўғлаб тушдилар. Мана бу оят шу чоғда нозил бўлди:

**«Вала таҳину вала таҳзану ва антумул аълавна инкунтум муъминин»**, яъни, *«Эй мўминлар, бўшашманглар, қайғурманглар, албатта, сизлар устундурсизлар, агар чин мўмин эрсанглар»*, демақдур.

Бу оят мазмунида мўминлар учун бек улуғ башорат бордур. Чунки бунинг мазмунича, ҳар вақт устунлик ва ғолибият ҳақиқий мўминларга хос сифатлардан дур. Чунки бу дунё майдони бўлса, мўминлар учун синаш ўрнидур. Аллоҳ таоло мўминларни уруш кунларида гоҳи енгилш, гоҳи енгилиш билан синаб боқадур. Агар мусулмонлар чин мўминлик мақомини сақлай олсалар, ҳар ишнинг сабабини ўз ўрнида қилсалар, энг сўнги ғалабани қозонишларида ҳеч шак-шубҳа йўқдур. Юқориги оят устига мана бу ҳадис бордур-ким, Расулуллоҳ айтдилар: **«Ал-исламу яъли вала юъла»**, яъни *«Ислом устун бўлур, остин бўлмас, ғолиб келур, мағлубиятга қолмас»* демақдур.

Энди юқорида айтилмиш оят, ҳадисдан чиққан маънога қаралса, қулликда қолган, бутун ҳуқуқларидан ажраб, асоратга тушган мусулмонлар ҳақида қандоқ ҳукм чиқарса бўлур. Тушунган ҳар бир одам буни ўзи билур. Яна мақсадга келайлик.

Расулуллоҳ урушда олган жароҳатларининг кўплигидан, шу кунги пешин намозини туриб ўқишга кучлари келмай, ўлтириб ўқидилар. Саҳобалар ҳам кўпчиликлари ярадор, мажруҳ бўлганликларидан алар ҳам ўлтириб иқтидо қилдилар. Шундоқким, Ҳазрати Талха ибн Убайдуллоҳ, разияллоҳу анху, бу урушда етмиш неча жойдин жароҳатланган эди. Яланғоч қўли билан душман қуролидан Расулуллоҳни кўриқлаб юриб, неча бармоқлари кесилди. Қон кўп оққанликдан, қонсираб йиқилди. Буни кўриб, Абу Бакр Сиддиқ анинг юзига



сув сешиб эди, ҳушига келиши билан, — «Расулulloҳ нима бўлдилар, у киши қандоқдур?», — деб сўради. Омонликларини онглаб: «Эй Абу Бакр, энди бизга ҳар қанча мусибат етса, осондур», деди. Яъни, Расулulloҳни тирик кўришдан умидлари узилмиш эди. Тирик борликларини англагач, бунинг қувончилигида бошқа меҳнат машаққатларини унутдилар. Яна саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Жаҳш, амир Ҳамзанинг жиянлари Уҳуд шаҳидларидан эди. Уҳуд урушига чиқардин бир кун илгари шундоқ деб дуо қилдилар:

— Эй бор Худоё, эрта уруш майдонида қаттиқ кўнгилик, бир душман баҳодирини менга йўлиқтир. Ул мени ўлдирган сўнгида, унга қаноат қилмай, кўзимни ўйиб, қулоқ бурунларимни кесиб ташласин. Тонгла қиёмат куни сенинг даргоҳингга борганимда: «Эй Абдуллоҳ, нега қулоқ-бурнинг кесилмишдур, деб сўрагайсан. — Сенинг йўлингда, пайғамбаринг йўлида кесилди, деганимда, «Рост айтурсан», деб бу йўлда чинлигимни билдурурсан, — деди. Дарҳол дуолари қабул бўлмиш эди, ўзи дегандек кофир баҳодирларидан Аҳнас ибн Шурайқ деган киши қўлида ўлдирилди. Сўнгра қулоқ-бурунлари кесилиб, кўзлари ўйилиб, шаҳиди аъло даражасига етдилар.

Шу кундаги урушда чопиб турган қиличи темир совутлар устига қаттиқ урганликдан узилиб кетган эди. Расулulloҳ буни кўриб, дарҳол бир хурмо ёғочи шохини олиб, қўлига беришлари ҳамон, ул ёғоч қиличга айланди. Унинг отини Уржун қўйдилар. Уржун, деб араб тилида хурмо шохини айтилув. Бу мўъжизалик қилич Абдуллоҳ ибн Жаҳш болалари қўлида узоқ йиллар сақланиб келди. Абдуллоҳнинг онаси — Умайма Абдулмутталиб қизи Пайғамбаримизнинг аммалари эди. Бу эр йигитни ўлдиргувчи кишини кўп ҳаёл ўтмай, шу майдонда Ҳазрати Али ўлдирди.

Яна улўғ саҳобалардин шу урушда Ҳазрати Ҳанзала шаҳид бўлди. Мадинага Исломи дини кирмасдан илгари, ерлик араблар раиси, юқорида сифати айтилган Абу Омирнинг ўғли эди. Расулulloҳ Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан сўнгра, ул кофир Иломидан юз ўтириб, ўзига қарашлик кишилар билан Мадинадан чиқиб, Макка кофирларига қўшилмиш эди. Бу урушда энг аввал Расулulloҳга қараб қарши ўқ отган киши ҳам шул эди. Ҳазрати Ҳанзала Худо йўлида отасини ўлдириш ҳақида Расулulloҳдан изн сўраган бўлса ҳам,

бу ишга рухсат қилмадилар. Уҳуд сўқишида кофирлар тарафида аскар бошлиғи бўлган киши Абу Суфён эди. Ҳанзала, разияллоҳу анҳу, Абу Суфёнга ҳужум қилиб, анинг отига қилич солди. Андин йиқилиши баробар, қўрққанидан Абу Суфён қаттиқ қичқириб юборди. Ҳазрати Ҳанзала қилич кўтариб, Абу Суфённи чопғали турганда, унинг соқчиларидан Шаддод ибн Асвад чаққонлик билан Ҳанзалага қилич уриб, ани шаҳид қилди. Расулуллоҳ айтдилар:

— На ишдурким, малоикалар Ҳанзалани булут устига кўтариб, кумуш тос ичида юваётганларини кўрдим, — дедилар. Бунинг сабаби эрса, Ҳазрати Ҳанзала шул куни Мадина қизларининг бирига янгидан уйлانган эди. Эртаси куни уруш бошланмоқчи бўлиб қолди. Янги келин устида бир кеча қўнмоққа Расулуллоҳ изн бердилар. Шу кеча хотин туш кўрса, тушида осмон ёрилди. Ҳанзала ёриқнинг у ёғига ўтиб қойиб бўлди. Бу кўрган тушининг таъбирича, шу урушда унинг шаҳид бўлишини хотини гумон қилди, узун тун ўтиб бир-бирларига ёвуқлашмадилар (яқинлашмадилар). Эрта намозини ўқигандин сўнгра бу иш воқеъ бўлди. Мана шу чоғда булар фусл-тахорат олмасдин илгари борлик аскарлар тездин душманга қарши чиқсин, деб Расулуллоҳдин буйруқ чиқди. Буйруқ кечиктирилмасин, деб фусл қилмасдин, югуриб чиқиб аскар сафига қўшилмиш эди. Расулуллоҳ бу хабарни онглагандин сўнгра: «Ҳанзалани фаришталар ювганларининг сабаби шу экан» — дедилар. Бу муборак кишини бутун Ҳадис китобларида «Ғасисул малоика» деб айтурлар. Яъни, «фаришталар ювган киши» — демақдур. Отаси Абу Омир бўлса, тамом умрини Расулуллоҳга душманлик қилиб ўтказди. Кундан-кунга Ислому ривож топганини кўриб, ҳасади ошиб кетгандин араб ерида чидаб туролмай, охири Шом вилоятига қараб қочди. Ёлғиздан ёлғиз қолиб, ҳар ерда урилиб-сурилиб юриб, хорзорлик билан, иймондин улуш ололмай, кофир қавмида ўлди. Бунинг ўғли Ҳанзала, шаҳиди аълолик даражасига етиб, анинг жасадини булут устида фаришталар ювдилар. Ўйлаб қарасак, бу қандоқ нозик, яширин сирдур. Бунинг ҳақиқатини Аллоҳдин ўзга ким билур.

Расулуллоҳ бу кофирнинг тентиб юриб, ёлғиз қолиб, кофирликда ўлишини илгариеъ хабар бермиш эдилар. Бунинг ҳақида нима деган бўлсалар, шундоқлигича бўлиб, мўъжизалари барчага маълум бўлди.

Яна шу Уҳуд урушида мусулмонлардин Амр ибн Жамуҳ шаҳид бўлди. Бу киши эрса ансор саҳобаларидан эрди. Улуғ ёшлик, оёғи чўлоқ эди. Ҳар бири йўлбарсдек тўрт ўғли бор эди. Тўртовлари ҳам баробар аскар сафига ҳозир бўдилар. Оталарига айтдиларким: Сизнинг Худо олдида қабул бўлгудек узрингиз бордур, сиз томондин биз тўрт ўғил уруш майдонида турибмиз, энди сизга урушга чиқмоқнинг нима ҳожати бордур? деб оталарини қайтардилар. Болаларидан бу сўзни онглагач, яширинча Расулulloҳ олдиларига келиб айтдиларким:

— Ё Расулаллоҳ, сиз билан бирга бугун урушга чиқмоқчи эдим, сиздан ажраб қолмоққа тоқатим йўқдур. Ўғилларим эрса, бу ишга тўсқинлик қилиб турурлар. Аллоҳ ҳақи, мени бу ишдин тўсмасинлар, ажаб эмас, бу урушда Аллоҳ таоло менга шаҳидликни насиб қилса, шу турганимча жаннатга кириб олиб, у жойда ҳам чўлоқланиб босиб юрсам, мен учун на улуғ давлатдур, — деб йиғлади. Анда Расулulloҳ айтдилар: «Аллоҳ олдида сенинг узринг мақбулдур, сен каби кишиларга жиҳод қилишни Аллоҳ буюрмайдур» деган бўлсалар ҳам, ўғлонларига қараб айтдиларким: «Агар ани бу ишдин тутмас эрсангиз, шаҳодат топса, анинг мақсади ҳосил бўлмай», дедилар. Бу сўзни ўғиллари ҳам қабул қилдилар. Расулulloҳдин бу сўзни онглашлари билан, дарҳол туриб, қамчини илгига олиб, юзини қиблага қаратганча:

— Эй бор Худоё, бу урушда менга шаҳидликни насиб қилгайсан ва бу улуғ даражадин мени ноумид қилмагайсан, — деб дуо қилгандин сўнгра урушга кириб, шаҳодат топди. Расулulloҳ: «Бунинг чўлоқ оёғини тўғри босиб, жаннатда юрганини кўрдим», дедилар.

Яна бу кишининг юқорида айтилмиш тўрт ўғлининг бири Ҳаммоҳ дағи (ҳам) шаҳид бўлди. Бунинг қайин оғаси Абдуллоҳ ибн Амр ҳам шаҳид бўлмиш эди. Амр ибн Жамуҳнинг хотини Ҳинд ҳам бошқа бир неча саҳоба хотунлари билан уруш майдонида чанқаган аскарга сув бериб турмоқда эдилар. Бу хотун кўрдиким, оиласидан уч киши шаҳид бўлибдур — эри Амр, ўғли Ҳаммоҳ, қариндоши Абдуллоҳ. Бу шаҳидларни бир туяга юклаб, Мадина мазорига кўммоқчи бўлиб, йўлга чиқди. Бунинг олдидан онамиз Оиша бир неча хотунлар билан қарши келдилар. Уруш хабарини сўраб, қўшиннинг қайғули ҳолини англадилар. Ҳам-

малари қаттиқ қайғуришган бўлса ҳам, Расулulloҳнинг саломатликларини онглаб, бошқа мусибатлардин тасалли топдилар. Шундоқ қилиб, булардин ажрагандин сўнгра Мадина сари туяни етакламоқчи бўлган эди, туя чўкиб олиб, ул ёққа юришдан бош тортди. Агар Мадинага қараб етакласа, тўхтамай Уҳудга қараб судраб кетар эди. Буни кўриб ул хотун шу ишдан Расулulloҳга хабар берди. Анда Расулulloҳ айтдилар:

— У туя юрмакка қандоқ йўл топа олгайким, Худо тарафидин юрмасга буюрилмишдур. Уҳуд шаҳидларининг қабрлари ана шу ерда бўлиши лозимдур, — деб туяни қайтариб келтирмоққа буюрдилар.

Ҳазрати Ҳузайфанинг отаси Ямон ва Собит ибн Вақш, бу икки кишини Мадинада қўрғон ичига қўйилган хотун, болаларга бош қилиб қолдирган эдилар. Чунки буларга қариллик етган, ҳар икковлари куч-қувватдан кетган кишилар эди. Бировлари туриб, айтдиларким: «Ҳой, фалончи, икковимиздан агар умримиз қолган бўлса, эшак сув ичиб қонгунчалик фурсатимиз қолгандур. Шунчалик арзимаган умримизни аяб, ўлимдан қўрқиб, шаҳидлик даражасидан қуруқ қолмайлик, йигитлигимизда ҳавасга чопган қиличларимизни бугунги кунда Худо йўлида ҳам чопиб кўрайлик» деб қиличларини олдилар. Уруш майдонига бориб, мусулмонларга қўшила олмасдан, кофирлар сафларига аралшиб қолиб, аларга қилич солдилар. Худодан ўзлари тилаганларидек, ҳар икковлари ҳам шаҳидлик даражасини топдилар, разияллоҳу анҳум. Бирлари мушриклар қўли билан ўлдирилган бўлса ҳам, иккинчилари уруш тўполончилигида пайқалмасдан Ислом қиличлари остида қолиб, шаҳид бўлди, Худо йўлида бўлгандин кейин, ҳар қандоқ сабаблар билан ўлган бўлса ҳам, мўминларнинг шаҳодат топишида ҳеч шак йўқдур. Чунки банданинг дунёдаги барча қилган ишлари анинг ниятга боғлиқдур. «Иннамал аъмалу биннийяти», яъни «Банданинг ҳар бир қилган ишлари унинг ниятига қараб бўлур», деган пайғамбаримизнинг сўзлари очиқ далилдур. Бу кишининг ўғли Ҳузайфа кўрдиким отаси Ямон танилмасдин мусулмонлар томонидан ўлдирилмишдур. Бу ишдин бек ғамгин бўлиб, бунинг ҳукмини Расулulloҳдин келиб сўради. Расулulloҳ анинг шаҳодат топганини билдирдилар. Шундоқ бўлса ҳам, яна хазинадан хун тўлаб, мол бермоқчи бўлдилар. Анда Ҳузайфа:

— Ё Расулаллоҳ, Худо йўлида отам жонини қурбон қилди, мен анинг қон-молини мусулмонларга садақа қилиб, аларга бағишладим, — деди. Бу сўздин Расулаллоҳ кўп рози бўлдилар.

Хузайфа, разияллоҳу анҳудан бир неча ҳикматлик ва ибратлик сўзлар айтилмишдур. Алардин бири шул эдиким, андин сўрадилар:

— Тириклар ўлиги кимдур?

Анда ул айтди:

— Тириклар ўлиги ул кишидурким, бир ноҳақ ишни кўриб туриб, сукут қилгай, ул ишга қўли билан ёки тили билан қаршилик қила олмагай, ҳеч бўлмаганда кўнгли билан бўлса ҳам, ул ишга норозилик нафратини билдирмагай.

Шунинг учун Пайғамбаримиз айтдилар:

— Агар бир киши шариат ҳаром қилган нарсани, ишни кўрса, албатта, ул ишга қўли билан қарши турсин. Агар бунга қудрати етмаса, тили билан қайтарсин, бунга ҳам ярай олмаса, ҳеч бўлмаса кўнгли билан норози бўлсин. Бу сўнгиси — иймоннинг энг кучсиз бўлишидандур.

Агар кўнгли билан ҳам ул ишга норози бўлганин сезмас эрса, бундин Аллоҳ сақласинким, бу иш иймонсиз кишиларнинг белгисидур. Динсизлик, даҳрийлик офати тарқалмиш жойларда, юқориги ҳадиси шарифда ёзилган уч даражанинг биринчи, иккинчиларининг йўқолганида ҳеч шак йўқдур. Энди, учинчи даражалик мусулмонларга келсак, буларнинг топилишлари ҳам саноклидур. Бу иш эса, шу кунлардаги даҳрий ҳоқимияти остида жон талашиб келаётган, чин, ҳақиқий мўминларга очик маълумдур. Кўзларимиз кўриб, қулоқларимиз эшитгандин кейин, бу сўзларни ёздим.

Яна ўз мақсадимизга келайлик. Абу Суфён хотуни Ҳинд Утба қизи ўзига ўхшаш бир неча шоира хотунлар билан шеър ўқиб, уруш қиздирмоқ учун Маккадин чиққанлиги бу сўз бошида ёзилмиш эди. Бу шоира хотун Уҳуд урушида мусулмонларни енгиб, кофирлар галаба қозонлигини кўрди.

Ҳазрати Ҳамза бошлиқ етмиш неча киши мусулмонлардин шаҳид эдилар. Аларнинг муборак жасадлари қонларига бўялиб, майдон ичида ётмиш эди. «Агар душманларимизни енгсак, аларнинг қулоқ-бурунларини кесиб бўйнимга тақурман», — деб бу хотун онт

ичган эди. Шу қилган аҳдини бажариш учун мусулмонларнинг ўликларини оралаб, аларнинг қулоқ-бурунларини кесиб, мунчоқ ўрнида бўйинларига тақди. Ҳинд хотун амир Ҳамзанинг қорнини ёриб, бағрини чиқазиб чайнади. Лекин уни юта олмай, оғзидан пуркиб ташлади. Хотуннинг бундоқ қилгани эрса, ул ўзига аҳд қилмиш эдиким, — «агар Ҳамза қўлимга хоҳ тирик хоҳ ўлик тушар бўлса, унинг бағрини (юрагини) чайнаб егайман» — деб. Мана шу қилган аҳдига вафо қилиб, уни чайнаб ютмоқчи бўлди.

Расулуллоҳ буни эшитиб — «Аллоҳ таоло Ҳамзанинг жасадини дўзах ўтига ҳаром қилмишдур, анинг вужудидан ҳеч нарсани дўзах ўти куйдиrolмагай. Агар ул хотун чайнаган Ҳамза жигарини ютган бўлса эди, бунинг ҳурматидан дўзах ўтида куйишдан қутилуw эди» — дедилар.

Сўнгра бу хотун эгиз бир тош устига чиқиб туриб, борлиқ товуши билан қичқириб, шеър ўқиди. Ўқиган шеърда Бадр урушида амир Ҳамза тарафидан ўлдирилган отаси Утба, ака-укалари Шайба, Валид ва бошқа ўлдирилганларни ёд қилди. Аларнинг қасослари учун тенгдошларидан бошга-бош, жонга-жон олганларини билдирди. Амир Ҳамзанинг жигарини чайнаб аҳдига вафо қилганларини айтиб мақтанди. «Муҳаммаддин ўчимни олдим, душманларимнинг қонларига қондим. Энди армоним қолмади» деб қаттиқ бақариб, сўнгра тош устидан тушди. Бундин кейин бу хотуннинг эри Абу Суфён тош устига чиқди. Борлиқ товуши билан ун солиб айтдиким:

«Инсонлар аро уруш албатта навбатлиқдур, кечмушда қайғурган бўлсак ҳам, бугунги кун биз учун суюнчлиқдур. Бадр уруши сизларининг фойданглар учун бўлмиш эди. Ухуд уруши бизнинг қасосимизни қайтарди. Бадр урушида биз ютқазган бўлсак ҳам, Ухуд урушида бизнинг ютуғимиз улуғдур». Абу Суфён бу сўзларни мақтанчиқлик билан айтгандин кейин **«Иъла Ҳубал, иъла Ҳубал»** деб қаттиқ қичқирди. Яъни, *«Эй Ҳубал, бундин ҳам мартабангни юқори кўтар»*, деб мақтанди.

Ўшал замондаги арабларнинг Каъба тошларига осиб қўйган уч юз олтмиш бутлари бор эди. Қурайш қабиласи ушбу Ҳубал отлиқ ўз бутларини барча бутлар улуғи деб ишонур эди. Анда Расулуллоҳ Абу Суфён сўзини эшитиб:

— Эй Умар, бунинг сўзига жавоб айтгил, — дедилар.

**«Аллоҳу аъло ва ажаллу ла савоа қатлана фил жаннати ва қатлакум фин нар»,** яъни «Аллоҳ улуғдур, ўртамизда тенглик йўқдур. Бу урушда биздин ўлганлар жаннатга киргайлар, аммо сизлардин ўлганлар эрса, тамуққа (*дўзахга*) тушгайлар». Ҳазрати Умар Абу Суфёнга шул жавобни қайтарди. Анда Абу Суфён ани онглаб:

— Бизнинг Уззо номлик бутимиз бор, сизларда йўқдур» — деди.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Аллоҳ мавлана, вала мавлалакум, яъни, «Аллоҳдек улуғ эгамиз бордур, сизларнинг ундоқ улуғ эганлар йўқдур — дедилар.

Ҳар икки томондин бу сўзлар ўтгандин сўнгра, Абу Суфён ҳазрати Умарни атаб чақирди. Расулуллоҳ: «Эй Умар, анинг олдига боргил, ҳолига боқиб жавоб айтгил» деб у билан сўзлашмакка рухсат қилдилар. Ҳазрати Умар унинг қошига келди эса:

— Эй Умар, Худо ҳаққи, ростини айтгилким, Ибн Қамъа Муҳаммадни ўлдирдим дебдур, унинг сўзи чин бўлгайму? — деди.

Ҳазрати Умар:

— Бу сўз ёлғондур, Расулуллоҳ саломатдурлар, сенинг бу сўзларингни онглаб ўлтирурлар — деди.

Анда Абу Суфён:

— Менинг олдимда, эй Умар, ибн Қамъа сўзидан сенинг сўзингга ишониш ортиқроқдур — деди. Бу сўрашнинг сабаби эса, Ибн Қамъа Ислом туғини кўтариб турган Мусъаб Ибн Умайрни ўлдириб, Муҳаммадни ўлдирдим, деб гумон қилиб, аскар ичида жар чақиртирган эди. Бу сўзнинг баёни юқорида ўтмишдур.

Иккинчи бир ривоятда Абу Суфён мусулмонларга қараб: «Муҳаммад тирик борму?» деб уч маротаба бақирди. Расулуллоҳ: «Индаманглар» дедилар. Бу томондин ҳеч қандоқ жавоб қайтарилмагач: «Қаҳофа ўғли Абу Бакр тирик борму, Ҳаттоб ўғли Умар борму?» деб ҳар бирларини уч қайтадан чақирди. Бунга ҳам мусулмонлар жавоб қайтармасдин сукут қилдилар. Сўнгра Абу Суфён ўз аскарига қараб: «Сизларга башорат бўлгайким, бу чақирилмиш кишиларинг ўлдирилмишдир, булар ичида жавоб қайтаргудек кишилар қолмаб-

дур», деди. Ҳазрати Умар бу сўзни англаб чидаб туролмай: «Эй Худо душмани, сен айтган одамларнинг барилари тирикдурлар, сенинг қўрққан кунларинг бу яқинларда яна олдинга келгусидур», деди. Сўнгра Абу Суфён қичқириб нидо қилдиким: «Бу сўқиш бизнинг фойдамиз билан тугади, иккинчи урушимиз келаси йили Бадр майдонида бўлсин», деди. Буни англаб, Расулуллоҳ ҳам келаси йили Бадр майдонида уруш қилмоққа ваъда қилдилар. Шунинг билан Абу Суфён ҳам ўз аскарига қараб қайтди. Анинг ортидан Расулуллоҳ ҳазрати Алини юбориб, айтдиларким:

— Қарайсан, нима иш қилурлар. Агар туяларини минишиб, югурик отларини ёндаб етаклашган бўлсалар, ўз юртлари Маккага қайтган бўлурлар. Агар отларини минишиб, туяларини ҳайдаб жўнашган бўлсалар, аларнинг қасди Мадинага бориб, чопул қилмоқчидурлар. Аллоҳ оти ила онт этарманким, агар Мадинага борур бўлсалар, шул онда орқаларидан етиб бориб, аларни Мадина ичида қарши олиб, қаттиқ саваштурмиз, — дедилар.

Бу Ухуд урушида саҳобалардин етмиш неча киши шаҳид бўлиб, қолганларининг кўплари оғир ярадор эдилар. Шундоқ бўлса ҳам, бу Худодўст ҳақиқий мўминларнинг бу ишдан кўнгиллари чўкиб, руҳлари тушмади, балки буларнинг ҳиммат ва ғайратлари аввалгисидан ҳам ортиқроқ бўлди. Алар: «То ўлгунчалик душманга қарши сабот кўрсатиб, чидамлик билан уруш қилгаймиз», деб Расулуллоҳга қайтадан ваъда бердилар, разияллоҳу анҳум.

Сўнгра Ҳазрати Али Пайғамбаримизнинг буйруқлари билан, алар ортидан қоралаб бориб кўрдиларким, туяларини минишиб, отларини етаклашиб Макка шаҳри томонга жўнамоқчи бўлдилар. Жўнаш олдида Абу Суфён Мадина шаҳрини бўш қолганини билиб, шаҳарни талон-тарож қилмоқчи, хотун-болаларни ўлжа, асир олмақчи бўлиб, бу тўғрида аскар бошлиқларидан маслаҳат сўради. Анда Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайя айтдиким:

— Душманларимиз бу урушда енгилишдилар, алардин бир қанчалари ўлдирилди, шунинг учун қаттиқ қайғурмоқдалар. Агар шул хол устига яна Мадинага бориб ҳужум қилур бўлсак, жон аччиғида чўнг-кичик демай, борлиқ қувватлари билан қарши тургайлар, биз учун ул чоғда қандай натижа чиқиши маълум эмас-



дур. Ҳозирча душманларимизни бу жойда енган бўлиб, ўтган Бадр урушида енгилган номусимизни қайтардик. Энди, шунчалик қўлимизга келган бу улуғ ютуқни сақлаб қолишимиз керак, — деди.

Бу сўзга ҳаммалари рози бўлишиб, Маккага қараб қайтдилар. Бу баҳона билан Аллоҳ таоло Мадина шаҳрини душман оёғи остига тушишдан сақлади. Бу ҳам Расулуллоҳнинг мўъжизалари деб айтилса, лойиқдур.

Энди душманлар кетгандан кейин Расулуллоҳ бу урушда ўлган ва қолган мўминларни текширмоқчи бўлиб: «Саъд ибн Рабиъ хабарини ким келтиргай? Бир тўп душманлар қилич-найзаларига қарши чолишиб турганлигини майдонда кўрган эдим», дедилар. Анда ансор саҳобалардин Убай ибн Каъб:

— Ё Расулаллоҳ, ман анинг хабарини келтиргаймен, — деб ўрнидан турди.

Расулуллоҳ айтдилар: —

Агар уни тирик кўрсанг, мендин салом айтиб, ҳолинг нечук бўлди, деб сўрагил — дедилар. Сўнгра ул саҳоба ўликлар ичидан излаб юриб, ҳазрати Саъдни топди. Рамақи жони бор эди.

Айтдиким:

— Расулуллоҳ сенга салом айтиб, мени юбордилар. Сенинг ҳолингни билмакка келдим — деди.

Анда Саъд:

— Ўн икки еримдан найза еб, ярадор бўлдим, жон еримдан ўтиб, заҳим ичимга тушди. Энди мен тирик эмасман, ўликлар қаторидадурман. Мендин Расулуллоҳга салом етказгил, бизга ҳақ йўлни кўрсатиб, ҳидоят йўлига солдилар. Аллоҳ уларга ажр берсун, иккинчидан, қавм-қариндошларимга мендим салом еткур, то бир жон киши қолгунча Расулуллоҳни душмандин сақласинлар. Агар бу ишда бўшлиқ қилсалар, Аллоҳ олдида узр топа олмагайлар, — деб, жон таслим қилди. Борган киши бу хабарни Расулуллоҳга етказди. Анда Расулуллоҳ:

**«Раҳимаҳуллоҳу насаҳа лиллаҳи ва лирасулиҳи хайян ва маййитан»**, яъни: *«Аллоҳ уни раҳмат қилсин, Худога ва унинг Пайғамбарига тирик ҳолида ва ўлар чоғида ҳам яхшилик қилди»* деб дуо қилдилар.

Бунинг кейинида икки қизи қолиб, меросига эга бўлган эди, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ халифалик вақтида бир куни шу икки қизнинг бириси халифа олдига келди. Дарҳол ҳазрати Абу Бакр елкасидан ридо-

сини олиб қиз остига солди. Шу чоғда эшиқдан Ҳазрати Умар кириб: «Бу кимнинг қизи?» деб сўради. Анда ҳазрат Абу Бакр «Мендин-сендин яхшироқ кишининг қизидур», дедилар. Буни онглаб Ҳазрати Умар: «Эй Расулуллоҳнинг халифаси, у қандоқ киши бўлмай» деди. Ҳазрат Абу Бакр айтди: «Рожулун табавваъа мақъадаҳу минал жаннати ва бақийту ана ва анта ҳазиҳи бинту Саъд ибн Рабиъ», яъни, «Ул шундоқ одамдурки, жаннатда тайёрланган жойдан ўрин олди. Сен билан биз бу жойда қолдик, энди бу қиз эрса, шу мақомни топган Саъд ибн Рабиъ қизидур».

Расулуллоҳ амакилари амир Ҳамзани ўзлари излаб: «буни кўрган киши борму?» деб сўраганларида, бир киши туриб: «**Ё Расулуллоҳ, анави кўринган кўрам тошлар олдида «ана асадуллоҳ, ана асадура сулиллоҳ»,** яъни *«Мен Аллоҳнинг асронигурман, пайғамбарининг йўлбарсигурман»,* деб наъра тортиб, қилич чопиб юрганини кўрган эдим», деди. Расулуллоҳ ул жойга келиб кўрдиларким, шу жойда йиқилиб, шаҳид бўлмишдур. Кўзлари ўйилган, қулоқ-бурунлари кесилган, қоринлари ёрилиб, ичак-чавақлари чувалган, қисқаси бу муборак танга кўз қараб, чидаб туролмаслик даражада душманлар тарафидан ваҳшийликлар қилинган эди. Расулуллоҳ бу ҳолни кўриб, қаттиқ хафаланиб қайғурдилар. Муборак юз-кўзлари ёшга тўлди. Сўнгра айтдилар:

— Эй амаким, Аллоҳ сени раҳмат қилсин, яхши ишларга ёвуқ (яқин), ёмон ишлардан йироқ эдинг. Сенинг меҳрибонлигингдан қариндошларинг қоник эдилар. Эй Аллоҳнинг арслони, бизнинг қаршимизга келган ғаму қайғуларин қайтарур эдинг, — деб муборак кўзларидан ёш тўқдилар.

Ҳазрати Ибн Маъсуд айтди: Расулуллоҳ ҳазрати Ҳамзага қаттиқ йиғладилар, ундан бошқа ҳеч кимга бундоқ йиғламаган эдилар.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Биродарим Жаброил менга дедиким: — «Етти қат осмон фаришталари ҳазрати Ҳамзани «Асадуллоҳ» деб атайдилар». Бутун осмонларда шу ном ила танилмишдур.

Сўнгра Расулуллоҳ ҳазрати Зубайрга буюрдиларким: — Ҳазрати Ҳамзанинг қиз қариндоши Сафияни йўлдин қайтаргайсан, чунки инисининг бундоқ оғир ўлдирилганлигини кўриб қолмасун.

Сафия Расулуллоҳнинг аммалари бўлиб, ҳазрати Зубайр Сафиянинг ўғлидур. Хотинларнинг бир туққан қариндошларига меҳрибонлиги бошқалардан ортиқроқ бўлур. Шунинг учун бу ҳолда кўрса, анинг ғамгинлиги ақлига ғалаба қилмасин, деб унга кўзи тушмаслигини маслаҳат кўрдилар. Ҳазрати Зубайр Расулуллоҳнинг амрлари билан онаси Сафияни қайтармоқ учун йўлини тўсди.

Анда Сафия:

— Эй ўғлим, менинг йўлимни тўсмагил, қариндошим Ҳамзага душманларнинг қилган ишларини онглагандурман. Худо йўлида, пайғамбар олдида кўрилган ҳар қандоқ оғир мусибатларга розидурман, иншааллоҳ! Бу ишга сабр қилиб, Аллоҳдин ажр кутармен, — деди. Бу сўзни Расулуллоҳга етказгандин кейин, Сафияга рухсат қилдилар.

Уҳуд шаҳидларининг қонлик либослари кафанлари бўлди. Расулуллоҳ амрлари билан Уҳуд тоғида барчалари дафн қилиндилар. Лекин, икки одам, уч одам бир қабрга қўйилган эди. Чунки ўлимдан қолган мусулмонларнинг кўпчилиги ярадор ва қаттиқ чарчашган эдилар. Ҳар шаҳид учун айрим қабр қазимоқ ул кунларда осон эмас эди. Шаҳидлар сайиди ҳазрати Ҳамза ўз жиянлари Абдуллоҳ ибн Жаҳш билан икковлари бир қабрга қўйилдилар.

Ривоятда келибдурким, ушбу Уҳуд урушида Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг чопиб турган қиличлари ўртадан синиб, иккига бўлиниб кетди, югурганича Расулуллоҳ олдиларига келган эди: «Ол бун», деб қўлига бир қуриган хурмо шохини бердилар. Бун қўлига олиши билан нақ қилич бўлди. Бунга ўхшаган мўжизаларни ўз ўрни келганида яна очиқ баён қилурмиз, иншааллоҳ. Шундоқ бўлиб, ҳазрати Ҳамза қабрга қўйилганда, пайғамбаримиз муборак кўзларига ёш олиб туриб: «Агар Сафияни аямасам эрди ва унинг қаттиқ қайғуришини андиша қилмасам эрди, Ҳамзани кўммагай эрдим ва анинг жасадини иту қушлар еб кетсун эди, бу иш менга Аллоҳ олдида улуғ ҳужжат бўлур эди», дедилар.

Яна Расулуллоҳ айтдилар:

— Бу шаҳидлар учун Худо олдида гувоҳлик бергайман, улар қайси ҳолда шаҳид бўлсалар, қиёмат кунида шу ҳол билан қабрдан қўпгайлар. Жароҳатларидан қон оқиб тургай, кўзларига қондек қизил

кўринса ҳам, анинг иси мушк-анбардин ортиқроқ бўлмай.

Яна бир ривоятда келди, Пайғамбаримиз саҳобаларга айтдилар:

— Уҳуд (жангида) тоғида шаҳид бўлган биродарларингизни Аллоҳ раҳмат қилди. Алардин Аллоҳ рози бўлди. Шаҳидлар арвоҳларини яшил ранглик жаннат қушлари қилди. Жаннат меваларидан егайлар, Кавсар сувларидан ичгайлар. Аршнинг остига осилган олтин қандилларга қўниб ётгайлар. Бу шаҳидлар қачонким бундоқ ноз-неъмат, айш-роҳат кўрдилар эса дегайларким: «Эй кошки у дунёда тирик қолган биродарларимиз бизнинг бундоқ роҳат топганимизни билган бўлсалар эди, ҳар вақт Худо йўлида, ҳақ йўлида урушдан, ўлишдан кўрқмас эдилар». Анда Аллоҳ таоло айтди: — «Эй шаҳидлар, шод бўлинглар, у дунёда қолган мўмин биродарларингизга бу хабарни ўзим етказурман».

Сўнгра шаҳидлар ҳақида аларнинг топган даражаларини, кўрган роҳатларини баён қилиб, Аллоҳ таоло Расулуллоҳга ушбу оятни юборди:

**«Вала таҳсабанналлазийна кутилув фи сабийлиллоҳ амватан, бал аҳъяун инда роббиҳим юрзақувн, фариҳийна бима атаҳумуллоҳу мин фазиҳ. Ваястабширувиа биллазийна лам ялҳақув биҳим мин холфиҳим, анла ҳавфун алайҳим валаҳум яҳзанун».**

Маъноси: *«Худо йўлида ғазотда ўлдирилган мўминлар ўлик, деб ўйламанглар, балки улар Аллоҳ олдида тирикдурлар. Жаннатдин ризқларини еб-ичиб тургайлар, Аллоҳ таоло уларга берган фазли карами, ноз-неъматлари билан хурсанддурлар. Ортларида ҳаёт қолиб, аларга қўшила олмаган ғазот йўлдошлари мўминларни ўзларига келиб қўшилишларига муштоқдурлар. Шаҳидларга ҳеч кўрқинч бўлмагай. Ва улар ҳеч қандоқ ғам-қайғу юзини кўрмагайлар»*, демақдур.

Энди бу ўринда шаҳидлар ҳақида пайғамбаримиз айтган ҳадислардин бироз бўлса ҳам баён қилиб ўтамиз.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Пайғамбарлар ва Худо йўлида ғазот қилиб, сўқиш майдонларида ўлган шаҳидлар қабрларида чиримайдилар. Уларни ейишни Аллоҳ таоло тупроққа ҳаром қилди. Бошқа барча инсонлар ўлгандин кейин чириб тупроқ бўлгайлар.

Яна бир ривоятда келтирилур:

— Уҳуд шаҳидларидан ҳазрати Жобирнинг оталари Абдуллоҳ ибн Умарнинг қабрини қирқ неча йил ўтгандан кейин сел ювиб, очиб кетди. Ота-ўғил ҳар икковлари бир қабрга қўйилган эдилар. Кўрдиларким, буларнинг танларида ҳеч қандоқ ўзгариш бўлмабдур. Янги ётган ўликдек барча аъзолари саломат экандур.

Ҳазрати Муовиянинг ҳалифалик замонларида Уҳуд тоғидаги шаҳидлар ётган қабристон ичидан ариқ ўтказмоқчи бўдилар. Очилган ўликларни бошқа жойга кўмилсин, деб Муовия буйруқ чиқарди. Шу кунлари бир неча шаҳидларнинг қабри очилган эди. Қарасалар, кечагина кўмилгандек, танлари юмшоқ, аъзолари саломат экан. Ҳазрати Ҳамзанинг муборак танларига кетмон тегиб кетди, худди тирик кишидек қон оққанлигини кўрдилар. Бу шаҳидларнинг қўйилганига яқин эллик йил бўлган эди, разияллоҳу анҳум.

Ансор саҳобаларидан бир хотуннинг эри, ўғли ва ҳам унинг акаси Уҳуд урушида шаҳид бўдилар. Буни хотун онглагач «**Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожийуан**» оятини ўқиб, сўнгра Расулуллоҳ қандай бўдилар, деб сўради. Расулуллоҳ олдинроқда келаётган эдилар. Хотуннинг кўзи Расулуллоҳга тушгач, этакларига ёпишиб: — «Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ, сиз саломат бўлгандин кейин, бошқа мусибатларга парво қилмасман. Ман аларнинг дарди фи роқларига сабр қилурман», деди.

Эй бор Худоё, шу хотуннинг содиқ ихлоси, Расулуллоҳга қилган шу муҳаббатининг ҳаққи ҳурматидан барча гуноҳларимизни афв қилгил, устимизга келган ва келмақда бўлган балоларни ўзинг даф қилгин. Омин.

Яна шу Уҳуд урушида ҳазрати Қатода душманлар тарафидан Расулуллоҳга қаратиб отилган ўқларга ўзини тутиб, Пайғамбаримизни кўриқлаб турган эди. Шу чоғда бир ўқ келиб унинг кўзига қадалди, унинг зарбидан кўзи оқиб, юзига тушди. Саҳобалар буни кесиб ташлайлик десалар ҳам, ўзи рози бўлмай, кўзини олоқонига (яъни, кафтига) қўйганича Расулуллоҳ олдиларига келди. Бу ҳолни кўриб пайғамбаримиз унга раҳм қилганларидан йиғладилар. Сўнгра муборак қўллари билан кўзини ўз жойига қўйиб туриб: «Эй бор Худоё, қулинг Қатода пайғамбаринг юзини кўриқлаб, ўз юзини душманлар ўқига қалқон қилди. Ўқ теккан бу кўзини соғ кўзидан ҳам кўркамроқ қилгайсан», деб қутлуқ

қўллари билан силаб эдилар, кўзи бурунгисидан ҳам яхшироқ бўлди. Қолмиш умрида ҳеч куз оғриғи кўрмади.

Яна саҳобалардин Гулсум ибн Ҳайсам деган кишининг кўксига ўқ тегиб, қаттиқ яраланди. Шу ҳолда ўзини Расулуллоҳга еткузди эрса, анинг ярасига туфуриб эдилар, дарҳол шифо топиб, кўрмагандек бўлди. Бу ишлар эрса, Расулуллоҳнинг мўъжизаларидур. Сўнгра душманларнинг Макка шаҳрига жўнаб кетганликлари аниқдангандан кейин, Расулуллоҳ Мадинага қайтмоқчи бўлиб, муборак отларига миндилар. Атрофларини ўрашиб олди-орқаларидан саҳобалар юрдилар. Оз сонлик бир неча кишилардан бошқа қолган ҳаммалари ярадор эди. Қачонким, тоғ тағига келиб эдилар, Расулуллоҳ: «Бу жойда Парвардигорга ҳамдасано айтгайман, орқа тарафимга ўтиб, ҳамманглар саф боғлаб тургайсизлар», — дедилар. Барча саҳобалар саф боғладилар, булар ортидан ўн тўрт нафар хотунлар туриб саф боғлашди. Сўнгра шул ерда Расулуллоҳ Худоба муножат қилиб, узун ҳамду сано айтдилар. Бунинг ҳайбатида тоғлар, еру осмонлар титрагудек бўлди. Кўзлардан ёшлар оқиб, кўнгилар эриб сув бўлди. Шул ҳолда Мадина сари юрдилар. Мадина халқи ҳам бу урушда ким ўлди, ким қолди, деб, қолган ўлганларнинг қавму қариндошлари йўл тўсиб чиқмоқда эдилар. Ҳаммадин илгари Ҳимна деган хотун киши Расулуллоҳга қарши келди. Бу хотун бўлса, Расулуллоҳнинг аммалари Умайма бинт Абдулмутталибнинг қизи эди. Расулуллоҳ унга таъзия айтдилар.

— Ё Расулуллоҳ, кимга таъзия қилурсиз? — деб сўради.

— Тоғанг Ҳамзага таъзия қилурман, — дедилар.

— Яна кимга таъзия қилурсиз? — деди.

— Аканг Абдуллоҳга, — дедилар. «Инна лиллаҳи» оятини ўқиб: — Буларга шаҳодат даражаси муборак бўлгай, буларни Аллоҳ раҳмат қилгай — деди.

Яна Расулуллоҳ:

— Эринг Мисъаб ибн Умайр ҳам шаҳид бўлди. Унга ҳам таъзия айтурман. Аллоҳ сенга сабр берсин, — деб эдилар, ул хотун: «Во вайло ва ҳузно» деб қаттиқ бақриб йиғлади. Буни кўриб Расулуллоҳ айтдилар: «Бу хотуннинг кўнгида эрининг ҳурмати ва унинг муҳаббати ортиқ экандур, деб ул хотунни чақриб:

— Нега бундоқ қилдинг?» — деб сўрадилар.

Хотун:

— Ё Расулаллоҳ, фарзандларим кўп эрди, аларнинг етим қолишлари ёдимга етиб, ақлим шошганликдан шундоқ қилдим, — деди.

Расулуллоҳнинг унга кўп раҳмлари келди. Бу хотуннинг ва унинг фарзандларининг ҳаққига дуо қилдилар. Шунинг устига ҳазрати Саъд ибн Муъознинг оқ сочлик кампир онаси Расулуллоҳга қараб югуриб келмоқда эди. Расулуллоҳнинг жиловларида келаётган ҳазрати Саъд онасини кўриб: «Ё Расулаллоҳ, сизни зиёрат қилмоққа онам келур», деди. «Марҳабо, хуш келдинг», деб отларини тўхтатдилр. Амр ибн Муъозга таъзият қилиб:

— Эй Саъднинг онаси, мен сенга башорат берурман, суюнчалик хабар айтурман. Уҳуд урушида шаҳодат топган кишиларнинг хотун-болаларига, аларнинг қариндош-уруғларига бу хушxabарни сен етказгил. Аллоҳ улардин рози бўлди, барчаларини раҳмат қилиб, жаннатул Фирдавсда ҳаммаларига бир ўриндин жой берди. Бу дунёда Ислом дини узра ҳаммалари бирга эдилар. Жаннатнинг неъматлари ичра яна барчалари бирга бўлдилар. Қиёмат кунида ҳар бир шаҳид ўз қавм-қариндош, ёру дўстларини шафоат қилмоққа Аллоҳдин изн олдилар, — дедилар.

Расулуллоҳнинг бу сўзлари очиқ далилдурким, қиёмат кунида пайғамбарлардан кейинги энг улуғ шафоатни Аллоҳ таоло шаҳидларга бергай. Худо изни билан шаҳидлар ўз қавм-қариндошларини шафоат қилгайлар, Худо йўлида шаҳодат топган чин шаҳидлардин Аллоҳ рози бўлгай, алар ҳам Худодин рози бўлгайлар.

Анда Саъднинг онаси бу сўзни онглагач:

— Ё Расулаллоҳ, биз энди рози бўлдик, шаҳидларимиз бундоқ даража топган бўлсалар, аларни қайғуриб биз нечук йиғлайлик? Ё Расулуллоҳ, шаҳидларимизнинг оилалари ҳақида дуо қилинг, — деди.

Анда Расулуллоҳ бу дуони қилдилар:

**«Аллоҳумма азҳиб ҳузна қулубиҳим важбур мусибатаҳум ва аҳсинил ҳалафа ало ман халлафув».**

Маъноси: *«Эй бор Худое, мусибат кўрган кишиларнинг кўнгилларидан ғам-ғуссаларини кетказгил. Мусибатдин етган синиқларини тuzатгил, орқада қолган оилалари устига яхши одамлардан ёрдамчилар етказгил»*, демакдур.

Бу дуолари ижобат бўлиб, уларнинг ҳақида нима деган бўлсалар ундин ҳам яхшироқ бўлди. Пайғамбаримиз айтибдурларким: «Умматларимдан агар бирор кишининг фарзанди вафот топса, вафот топиши билан икки ракат сабр намози ўтаб, ушбу дуони ўқиб:

**«Аллоҳумма ажирний мусибатий ва ахлифни хайрам минҳа»**, яъни: *«Эй Тангри, шу мусибатимга мени ажирлик қилгил, анинг ўрнига андин ҳам яхшироғини бергил»*, деб дуо қилса, албатта, Аллоҳ таоло унинг ўрнига яхшироғини ато қилгай», дедилар.

Қиссадин ҳисса, сўздин сўз чиқар дегандек, бу китобни ёзгувчи Алихон Шокирхонтўра ўрлидурман, таҳминан ҳижрат тарихининг 1342 йили эрди, ўз туғилган жойим, она Ватаним Туркистоннинг эски маркази, тарихларда Боласоғун номлик, бу кунларда Тўқмоқ деб аталган шаҳарда диний хизмат қилиб турдим. Шу чоғда ёшим ўттиздан кўп ошмаган эди. Шу йили еримизда қизамиқ касаллиги тарқалиб, унга қарши тиббий ёрдамлар етишмасликдин, бу иллатдин кўп болалар ўлимга учрадилар. Шу қаторда менинг ҳам уч ўғлим, беш ёшлик Асрорхон, Мухаммадхон, Мухторхон, булар бир ярим ёшлик, уч кун ичида кетма-кет вафот топдилар. Асрорхонни омон қолишини тилаб, укалари ўлганида кўп ортиқча койинмадим. Аввал икки укаси вафот бўлиб, сўнгра Асрорхоннинг касали ҳам оғирлашди. Мен қилмаган илож қолмади. Ўзимнинг ҳам эски тиб илмидан анчагина маълумотим бор эди. Турлик иложларни қилиб кўрдим, ҳеч бир фойда бермади. Охири жисмоний иложлардин зерикиб, руҳоний иложлардин шифо изладим. Яхши одамларга дам солидириш, Худо йўлида хайр-эҳсон қилиб, садақа бериш каби ишларни кўп қилдим. Булардин ҳам ҳеч фойда кўролмадим. Кишиларнинг ўқиб, дам урганига қаноат қилмай, бу ишга ўзим киришиб, бир ўлтиришда тўрт-беш соат тинмасдин ҳар турлик дуолар ўқиб, дам урдим. Буни ҳам фойдасини билмадим. «Ҳаётул ҳайвон» китобида айтилган экан:

«Агар киши бошига бир мушкул иш тушса, катта бир семиз қора кўчқор олсин. Уни, бошига мушкул тушган киши ўз қўли билан бўғизласин. Агар бу қийинчилик боласи устида бўлса, отаси: «Эй бор Худоё, шу кўчқорнинг жони боламнинг жонига бадал бўлсин» деб Аллоҳдин тилаб туриб, пичоқ сурсин, сўнгра унинг гўштини олтмиш бўлак қилиб, олтмиш мискинга бер-



син, хоҳи жон, хоҳи молга, ҳар қандоқ мушкул бало келган бўлса, шу билан даф бўлгай, бу иш мужарраб дейилмишдур».

Бу ҳам қолмасин, деб ихлос билан кўп ерлардан излатиб юриб, шул сифатлик қўчқорни топтириб келдим. Ўзим умр ичида мол эмас, чумчуқ ҳам сўйиб кўрмаган бўлсам ҳам, бу жониворни боламга фидо қилсам, Исмоил алайҳиссалом ўлимдан қутулгандек, боламини жони саломат қолгайму, деб бошиланг қиблага қараб туриб, ул жониворни бўғизладим. Китобнинг деганидек, олтмишга тақсим қилиб, бўлгунимча улгуромай, кечага қолди. Тун ярмида ўтиб, эл қаттиқ уйқуга ботди. Бундоқ вақтда олтмиш мискинни қаёқдан топгаймиз, ният қилиб, ишимизни битирдик, тонг отгандин сўнгра бу ишни бажаргаймиз, деб қайтиб келиб, бола олдига кирсам, ўғлимнинг холи оғирлашиб қолибдур. Марҳум онаси, қараб туришга тоқатим қолмади, деб боласи қучоғимга қўйиб, ўзи йиғлаб ташқарига чиқди. Иккинчи киришга чидай олмай, қўра айланиб йиғлаб юрди. Мен бўлсам юзига қараб термулиб ўтиришдан бошқа чора топа олмадим. Бутун сабабларидин қўл тортиб, қазони кутиб ўлтирдим. Шу паслашганича паслаша бориб, охир саҳар вақтида жон таслим қилди. Қазога ҳеч чора йўқлиги кўз олдимизга келди. Ўзимнинг нақадар ожиз эканлигимни яхши тушундим. Бу боланинг дардидан икки-уч кун илгари ўлган икки гўдакни кўп эскармаган бўлсак ҳам, бундин ажраган сўнгида уч фарзанд доғи бир келиб, юракларимизни ёндирди. Бу оғир юкни кўтаролмай, онаси ўзидан кетиб йиқилди. Бу ҳам ўлган қаторида бўлиб, уй ўртасида чўзилиб ётди. Мен шу ҳолатда туриб, пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг айтган қутлуғ сўзларини эскардим. Дарров таҳорат олиб, айвонга чиқиб, икки ракат сабр намози ўқидим. Намоз ортидан қўл кўтариб, Пайғамбаримиз ўргатган дуони ўқиб, Худодан талаб қилдим.

Алҳамдулиллоҳ, тилагим қабул бўлса керакким, йил ўтмай ўғлим Муҳаммадёр туғилди. Кундан-кунга ўсиб, офатлардан омон бўлиб, Худо умрини берди. Мана шу кунларда ҳижрий 1374, мелодий 1956 эрди, ёши ўттизга тўлиб, йигитлик қиромига келди. Давримиздаги фанний илмлардан аңчагина баҳра топган бўлса ҳам, аммо диний илмлар таҳсилига бу кунгача бўшай олмаган эди. Юқориги боболаримиздан бошлаб, бизнинг оила-

миз илм оиласи бўлганлигимиздан бу улуғ шарафга авлодимиз ичида бирортаси эга бўлмайму, ёки бу фазилатдин келаси кунларда замона таъсирига қараб барчалари маҳрум қолмайму, деб доим қайғурмоқда эдим. Чунки ёшим етмишдан ўзиб, умримнинг кўпи кетиб, ози қолганлиги кўз олдимдадур. Агар бу шарафдин барчалари бенасиб бўлсалар, умр ичида йиққан, умр йўлдош китобларимга ким эга бўлмай? Қоронғу тоқчалардан чанг босиб, кимлар қўлида қолмай, деб ҳаёл қилиб, кўп замонлардин бери қўрқиб юрмоқда эдим. Алҳадуллоҳ, Тангрига шукр, ушбу ёзилмиш китобим ҳурматидин бўлиши керақдур. Аллоҳ таоло бу ғамдин мени шу кунларда қутқазди. Ўғлим Муҳаммадёр олдимга келиб, чин ихлос билан дин илмининг асосий ҳисобланган «сарф — наҳв»дин, бошлаб ўқишга киришди. Жумла офатлардин Аллоҳ асрасин, дунёда иззати, охирада шарофати етгудек илм ато қилсин, омин!

Бу воқеалик сўзни бу китобда ёзишнинг ўрни бўлмаса ҳам, биринчи, шу мақсад қўлга келишига Расулуллоҳнинг таржимаи ҳолларини баён қилиб, ёзаётган шу китобимни шафеъ келтирдим. Иккинчи, сўнги авлодларга ёдгорлик бўлсин деб бу сўзларни ёздим!

Яна ўз сўзимизга келайлик.

Шундоқ қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Уҳуддан қайтиб, Мадина шаҳри ичига кирдилар. Қарасалар, ҳар уйдин ансор хотунлари ўлганларни йўқлаб, йиғлаб ётурлар. Буни кўриб Расулуллоҳ: «Ҳамзату ла бавокия лаҳу», яъни, «Ҳамзанинг йиғлайдиганлари йўқ», деб кўзларига ёш олдилар. Чунки ҳазрати Ҳамза ўзлари ҳижрат қилиб, Мадинага келганида хотун-болалари Маккада қолишган эдилар. Расулуллоҳнинг жиловларида келаётган ансор раиси Саъд ибн Муъоз бу сўзни эшитди эрса, ўзига қарашлик бир неча хотунларга «Расулуллоҳ уйларига бориб, Ҳамзани йўқлаб йиғлаб турунлар», деб буюрди. Мадина ичига кириб, масжидга келгунларича кўча юзидан, уй-уйдин чиқаётган йиғи товушлари эшитилмоқда эди. Тўғри келиб, Расулуллоҳ маъюслик билан масжид олдида тўхтадилар. Саъд ибн Муъоз, Асъад ибн Ҳузайр, бу икковлари Расулуллоҳни суяб отдин туширдилар. Жароҳат оғирлигидан ўзлари юришга бўлмай, буларга суяниб уйларига кирдилар. Сўнгра оқшом намозига ҳазрати Билол азон айтди. Яна шу икки кишига суя-

ниб жамоатга чиқдилар. Намоз ўқиб бўлгандин сўнгра масжиддан қайтдилар эрса, уйларидан йиғининг овози эшитилди. «Бу йиғи нимадур?» деб сўрадилар. Анда саҳобалар: «Ансор хотунлари Ҳамза учун йиғлайдилар, ё Расулаллоҳ», дейишди. Буни онглаб Расулуллоҳ алар ҳақида «Разияллоҳу анкунна ва ан авладикунна», яъни «Аллоҳ сизлардин ва авлодинлардин рози бўлсин», деб дуо қилгандин сўнгра: «энди қайтинглар», дедилар.

Мана шу кундин бошлаб, ансор хотунларига одат шул эрдиким, ўлимга йиғламоқчи бўлсалар, дастлабда Ҳамзага, сўнгра ўлганга йиғлар эдилар. Шу кеча Авс — Ҳазраж ансор саҳобаларининг катталари Расулуллоҳнинг уй атрофларини ўрашиб, тонг отгунча кузатиб чиқдилар. Қолганлари эҳтиётдин Мадина шаҳрини айланиб, қўриқлашиб турдилар. Чунки Қурайш мушриклари йўлдан ёниб, қайтадин Мадинага ҳужум қилиш эҳтимоли бор эди. Расулуллоҳ бу улуғ мусибатдин кейин ансор хотунларини ўлганларни қўшиб йиғламоқдин қайтардилар. Анда ансор саҳобалари:

— Ё Расулаллоҳ, ўлганларимизни қўшиб йиғлашдин хотунларимизни ман қилибдурсиз. Агар аларнинг тирикликларидаги яхшиликларини айтиб йиғлар бўлсак, бир оз бўлса ҳам кўнглимизда роҳат топган бўлур эдик. Бу ишга изн беринг, — дейишдилар. Анда Расулуллоҳ:

— Ин фаална фала яхмишанна вала-ялтиманна ва ла яхлуқонна шаъран вала яшуққонна жайбан». Яъни, «Агар хотунлар йиғлар бўлсалар, шарт шулдурким, юзларини йиртмасунлар, бетларини качоламасинлар, сочларини қирқмасинлар, ёқаларин йиртмасинлар, офизларидан носоз сўз айтмасинлар», дедилар. Энди хотунлар шу айтилмиш ишлардан ўзларини сақлай олсалар, мусибат кунларида йиғламоқнинг зиёни йўқдур. Машҳур сўз шулдурким, Уҳуд урушида шаҳодат топган кишилар етмиш неча киши эдилар. Ўн тўртталари муҳожирлардан, қолганлари ансорлардин эдилар. Аммо кофирлардин бўлса, Уҳуд урушида икки юз ўттиз киши ўлдирилди. Ёлғиз Ҳамзанинг ўзи ўттиз кишини ўлдирди, деган ривоят бордур.

Расулуллоҳ шаҳар ичига киргандин кейин, мунофиқлар, яхудлар мусулмонларга бўлган бу мусибатдин қандоқ суюнганларини кўнгилларда сақлаб туриша олмай, турлик таъна сўзларини тарқатгани турдилар.

Шундоқ дер эдиларким: — «Энди Муҳаммад қандоқ пайғамбарман деб айта олмай, ўтган пайғамбарларнинг ҳеч бирига бундоқ мусибат етмагандур. Агар Муҳаммад чин пайғамбар бўлса эди, ўз танасига ва йўлдошларига муңдоқ оғир мусибат тушмас эди. Бунга ўхшаш подшоҳлик талабида юрган киши қандоқ пайғамбар бўла олуру?» қабилдаги сўзлар билан халқ ичига кўп фитна соддилар. Мунофиқлар раиси ибн Убай ўғли Абдуллоҳга: «Менинг сўзимга кирмай урушга чиқдинг, мана топган фойданг шулдур, ўлар ҳолга етиб, ярадор бўлиб қайтмишсан», деб кўп таъналар қилди. Бунга қарши ўғли Абдуллоҳ: «Аллоҳ таоло ўз пайғамбарига ва ҳам мўминларга нима иш қилган бўлса, шунда бир яхшилиқ бордур», деди. Мунофиқларнинг қилган сўзларини онглаб, Ҳазрати Умар Пайғамбаримиз оддиларига келиб:

— Ё Расулаллоҳ, бу мунофиқларнинг сўзларига нечук чидаб турурмиз? Агар изн берсангиз, аларни қолдирмай қиличдан кечирайлик, — деди. Анда Расулаллоҳ:

— Ё Умар, уларни қандоқ ўлдиргани бўлур, тиларида бўлса ҳам: «Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулаллоҳ» дейдурлар, бу сўзни айтгувчилар кўнглидан эмас, қиличдан қўрқиб деган бўлсалар ҳам, Ислом ҳукмига бўйинсунсалар, ўлимдан қутулгайлар. Аларнинг қонларига, жонларига, молларига тўқнишмоқлик бизга ҳаром бўлмай, — дедилар. Бу сўзни англагандин кейин, сабр қилмоқдин ўзга чора қолмади. Шунинг билан мунофиқлар ҳақида ўйланган чоралар ҳам тўхтади.

Билмак керакким, Расулаллоҳнинг қилган ғазотлари ичида энг улуғроғи икки ғазотдир. Бириси Бадр, иккинчиси Уҳуддур. Бу ғазотларда ҳазрати Жаброил, Микоил бошлиқ кўп фаришталар ҳозир бўлганликлари оят ҳадислар билан собит бўлмишдур. Қуръони каримда Оли Имрон сурасида олтиш оят билан Уҳуд ғазоти баён қилинди. Бу оятларда мусулмонларга бўлган мусибатларнинг сабаблари очиқ кўрсатилди. Урушда биринчи даражали энг зарур иш бўлса, аскар бошлигининг буйруғини бутун бажариш эди. Айниқса, пайғамбар аталган киши бош бўлган тақдирда анинг амри фармонини чин тутмоқ Аллоҳ томонидан буйрулмиш фарз эди.

Мана бу Уҳуд урушида энг дастлаб шу буйруқ

бузилди. Аскарнинг орқасини сақлагувчи элик нафар мерганлар ўлжага қизиқиб, ўз ўринларини бўш қолдириб кетдилар. Иккинчи, аскарга бирлик, иттифоқлик бўлиши билан бирга, жиддият, чинлик, ўлимдан қўрқмаслик керак эди. Мана бу шартни ҳам буздилар. Учинчиси шулки, мўминларнинг барча ишлари, айниқса, жиҳодга ўхшаш, Исломнинг энг улуғ ибодати холис Худо учун бўлиши керак эди. Бу ишда ҳеч қандоқ дунёлик ғаразларнинг бўлмаслиги лозим эди. Иш шундоқ бўлатуриб, уруш сафида турган аскарлардан бир мунчалари раисларининг амрига қарамай, ўлжа, мол йиғишга киришдилар. Қилган жиҳодлари ёлғиз Худо учун бўлмай қолди. Мана шу юқорида айтилмиш ишлари, уларнинг ўз ихтиёрлари билан қилмишлари Уҳуд мусибатининг келиб чиқишига сабабчи бўлди. Бу тақдирнинг эшигини инсонлар ўз қўллари билан очдилар.

Бунда яна бир ҳикмат бўйича, гоҳи вақтларда пайғамбарларга ҳам шундоқ мусибат етиб туриши лозимдур. Лекин уларга бўлган мусибатнинг орти хайрлик бўлиб, иш охири уларнинг фойдасига келиб чиққай. Ишнинг бундоқ бўлишида ҳикмат шулдурки, агар пайғамбарлар ҳар бир урушда доим ғолибият узра бўлаверсалар, ул чоғда ўлжага қизиқишиб ёки сиёсатдин қўрқишиб, мунофиқлар ҳам мусулмонларга қўшилиб олгай. Чин мусулмонларнинг ёлғон мусулмонлардин фарқлари қолмагай. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда бу оятни келтирди:

**«Лиябталиаллоҳу мафи судурикум вали юмаҳҳиса мафи қулубикум, валлоҳу алимун би затиссудур».** Яъни: *«Аллоҳ таоло сизларга турли мусибатларни бериб, кўнгиллардаги яширин нарсаларни чиқариш учун сизларни синайди, дилинглардаги бекитилган ғашларни шу билан тозалайди. Чунки Аллоҳ кўнгилларда кўмилган барча сирларни билгувчидур»*, демақдур.

Агар пайғамбарлар ўзларига қарши чиққан душманлардин доим энгилаверсалар, у чоғда Худо тарафидин келган пайғамбарларга бу иш лойиқ бўлмай, мақсадларига тўсқинлик бўлур. Мана шунинг учун пайғамбарлар душманларини кўпроқ ўринларда энгиб турсалар ҳам, баъзи бир жойларда энгилишлар ҳам бўлиб турарди. Душманни энгган чоғларда кўринмаган мунофиқлар душмандин энгилган чоғларда дарҳол ўзларини танитадилар. Уларнинг яширин юрган сирлари у

билан юзага чиқади. Бошқа мўминлар ҳам ўз ичларида фурсат пойлаб юрган ички душманлари кимлар эканлигини яхши билиб оладилар. Шунга қараб уларнинг дафъига келажак кунларда ҳозирлик кўрадилар.

Яна бир ҳикмат шул эдиким, мўминлар учун пайғамбарлик мақомидан сўнги энг улуғ даража шаҳодат топишдур. Бандаларининг ўз феълларини баҳона қилиб, мундоқ улуғ даражани Аллоҳ таоло уларга насиб қилди. Аллоҳ таоло Уҳуд урушини Қуръони каримда баён қилиб, юқорида айтилмуш сўзлар мазмунида шу оятларни юборди:

**«Ва лақад садақокумуллоҳу ваъдаҳу из таҳуссунаҳум биизниҳи ҳатто иза фашилтум ва таназабтум фил амри ва асайтум мин баъди ма арокум матуҳиббуна, минкум ман юридуд дунйа ва минкум ман юридул ахирата, сумма сарафакум анҳум лиябтали-якум, валақод афа анкум, валлоҳу зу фазлин ала-л мўъмнинин».**

Яъни: *«Аллоҳ таоло сизларга ёрдам бераман деб қилган ваъдасига вафо қилди, дастлаб уруш бошланишида Аллоҳнинг ёрдами билан, аларни ўлдириб ғалаба қозонган эдингизлар, қачонким, сизларга ўлимдан кўрқинчлик пайдо бўлди, ва ўзаро иттифоқингларни бузиб, пайғамбар буйруғини бажармадинглар. Мана шу ишлар сабаб бўлиб, келган нусрат сизлардан қайтиб кетди. Йўқ эрса, сизларнинг энг суйган нарсаларинг душманга зафар топишни Худо кўрсатган эди. Бунинг шартларини ўзинглар буздинглар, сўнгра бу улуғ неъматдин ажрадинглар. Сизлардин баъзиларинг охи-рат излагувчилардур. Яна баъзиларинг дунё талаб қил-гувчилардур. Биринчилари эса Худо розилиги учун то ўлгунларича ўринларини бермай шаҳид бўлдилар, ик-кинчилари бўлса, ўлжа мол олишга қизиқиб, бошлиқ буйруғини буздилар. Мана сизлардин шу сабаблар со-дир бўлгач, кофирларни ўлдиришдан тўхтаб, нусрат уларга оғди. Сўнгра сизларни кофирлар ўлдиргали тур-ди. Ишнинг бундоқ бўлганлиги эса, Аллоҳ таоло сина-моқчи эдиким, бу ҳолда мўминлар қандоқ сабр қилгай-лар. Яна ҳам Аллоҳ мўминларга меҳрибондур, чунки сизларнинг бу гуноҳларингни кечирди. Аллоҳнинг фазли карами мўминларгадур»*, демақдур.

Аллоҳ таолонинг мўминларга меҳрибонлиги шул-дурким, бу урушда қилган гуноҳларини афв қилди. Яна уларни кофирларнинг қилган қасдидан ўзи сақла-

ди. Йўқ эса, уларнинг мақсади урушга чиққан мусулмонларни қолдирмай ўлдириб, қолган мол-дунёлар, хотун-болаларни ўлжа-асир қилмоқчи эдилар. Бу ишнинг пайти ҳам келган эди. Лекин Аллоҳ таоло буни хоҳламади. Пайғамбаримизнинг ҳурматларидан гуноҳлари бағишланиб, хатолари кечирилди. Энди мусулмонларга бу воқеадин чиққан ибрат шулдурким, уруш кунларида ўзаро ихтилоф қилиб бўлинмагайлар. Уруш сафида энг кераклик, зарур иш эрса, аскарнинг бирлик, иттифоқлигидур.

Иккинчи, мўминлар ҳеч вақт ўлимдан қўрқмагайлар, урушда ўлиб, шаҳодат топган мўминлар Аллоҳнинг энг азиз меҳмонларидур. Бу уруш майдонларида сабр қилгайларким, бу ўринда баҳодирлик, қўрқмаслик керақдур. Чунки қўрқоқлик туганмас ҳўрлик келтурур. Ботирлик узилмас давлатга еткирур. Қўрқоқ ўғиллар ота-боболарининг ҳурмат-шарафларидан айрилиб, доимий қуликда қолгайлар. Ўз ватанида, ўз уйида туруғлик мусофир ғариб бўлгайлар. Энг охири душманлар қўлида хору зорликда юриб ўлгайлар.

Учинчи шарт шулки, уруш кунларида бошлиқларига қаттиқ бўйинсунгайлар. Бошлар кесилиб, қонлар тўкилур эрса, дағи (яна) уларнинг буйруғини бузмагайлар. Юқорида айтилган оятнинг ҳулоса маъноси ҳам шулдур. Аллоҳ таоло Уҳуд шаҳидларининг ҳурматида бизнинг гуноҳларимизни ҳам, ватанларимизга йўл бериб, душманларимизга оёқости қилдирган ўтмишдаги боболаримизнинг гуноҳларини ҳам кечирсин. Дунёлик, охиратлик барча ишларимизни сўнги кунларда ўзи ўнғласин. Омин!

### ҲАМРОУЛ — АСАД ҒАЗОТИ

Бу ғазотнинг баёни шундоқ эдиким, Расулуллоҳ Уҳуд урушидан қайтиб Мадинага кирдилар. Ансор, муҳожир раислари Уҳуддин қайтган кечада шу туни ухламасдин, Расулуллоҳнинг эшик олдларида тонг отгунча қўриқлаб чиқдилар. Чунки Қурайш куффорлари ўз ерлари Макка томонига қайтган бўлсалар ҳам, йўлдин ёниб яна Мадинага ҳужум қилишлари эҳтимол эди. Қурайш куффорлари бўлса, Уҳуддан қайтишиб, Малал деган жойга келиб қўндилар, Қўшин раислари шу кеча ўзаро сўзлашиб ўтириб: «Бу урушда Муҳаммадни енгдик, Бадр урушида ўлганларимизнинг

ўчини олиб, уларнинг қасосларини қайтардик. Шундоқ ҳам бўлса, бу ишни чала қолдириб, қайтганимиз яхши бўлмади. Муҳаммад бошлиқ қоланларини ҳам қўймай киришимиз керак эди. Нега уларнинг хотун болаларини асир олиб, молу-дунёларини ўлжа қилиб қайтмадик. Бу урушда душманларимизни енгган бўлсак ҳам, унинг ярашиғини қила олмадик. Энди ҳам бўлса, бу ердин ёниб, Мадина устига борайлик, аларни эс олишга қўймасдин, бу ишни тездан битирайлик», деб кенгашдилар.

Буларнинг сўзларини шу қўнган жойларида Абдуллоҳ ибн Умарил Музан деган киши англаб ўлтирган эди. Худо дилига солиб, дарҳол Расулуллоҳга келиб хабар берди. Расулуллоҳ буни эшитишлари билан ба-робар, улар келмасдин илгари душман ортидан чиқишга буйруқ бердилар. «Кечаги Уҳуд урушига чиққанлардин бошқа ҳеч бир киши чиқмасун», дедилар. Уларнинг сони етти юзга яқин эди. Шаҳид бўлган етмиш неча кишидан бошқалари қолмай чиқдилар. Лекин ичларида ярадорлари кўп эди. Беш-ўн ердан ярадор бўлган кишилар эран қилмадилар. Ҳазрати Талҳа ибн Убайдуллоҳ етмиш неча ердан яралик бўлсалар ҳам, яна бу аскардин ажраб қолишга рози бўлмади. Шунинг билан Расулуллоҳ Ибн Умму Мактум муаззинни Мадинага волий тайинлаб, йўлга чиқдилар.

Уҳуд урушида кўтарилган ғазот туғи Ҳазрати Алига топширилган эди. Бу урушга чиқмаганлардин кўп кишилар бу сафар бирга чиқмоққа тилаган бўлсалар ҳам, Расулуллоҳ аларга рухсат қилмадилар. Ёлғизгина Уҳудда мерган бошлиғи бўлиб, шу ердан жилмай туриб, шаҳид бўлган Абдуллоҳнинг ўғли Жобирга рухсат бердилар. Ундан бошқа ҳеч бир кимарсага рухсат бўлмади. Бунинг сабаби шул эрдиким, Жобир айтди: «Уҳуд ғазотига сиз билан чиқмоқчи эдим, чиқолмай қолганим шу учун бўлдиким, отамдин туғилган тўққиз қиз ичиди мен ёлғиз ўғил эдим. Уҳуд ғазотига чиқар чоғда отам айтди: «Бу қизлар устида қараб тургудек бирор киши бўлмаса, қандоғ бўлғай, умидим шулдирки, бу ғазотда мен шаҳодат топгайман, буларга қора бўлиб сенинг туришинг албатта керақдур», деди. Мана, отамнинг шу сўзини қиёлмасдан ночорликда сиздан ажраб қолган эдим. Энди бу сафардин қолмасман, рухсат қилинг, ё Расулуллоҳ», деб қаттиқ талаб қилганидан кейин унга изн бердилар. Бу сафарда Расулуллоҳ-



дин бошқа отга минган киши йўқ эди. Қолган барча саҳобалар пиёда эдилар. Шу чиққанларича, юриб-ўтириб аскар Ҳамро ул Асад деган жойга етдилар. Бу ер эса, Мадинадан саккиз мил йироқда эди. Мана шу ерга етганларида Аллоҳ таоло тарафидан бу оят нозил бўлди:

**«Аллазийнастажобу лиллаҳи вар-расули мим баъди ма асобаҳумулқарҳу, лиллазийна аҳсану минҳум ваттақов ажрун аъзим»**, яъни: *«Ўтган Уҳуд урушида шунча кўп жароҳатланган бўлсалар ҳам, яна Аллоҳ амрига ва анинг пайғамбарига итоат қилиб, яхшилик қилувчиларга, тақво йўлини тутувчиларга Худо тарафидан улуғ савоб бўлғувсидир, Аллоҳ таоло уларга жаннат ато қилғувсидур»* демақдур.

Пайғамбаримизнинг Мадинадан чиқиб, аскар билан шу жойга етиб келганликлари аларга маълум бўлди. Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайянинг иккинчи уруш очмоққа раъйи йўқ эди. Бу сўзни англагач, ул айтди:

— Эй Қурайш халқи, бу урушда эрса ўразимиз (бахтимиз) очилиб, бизлар ғалаба қозондик. Уруш обрўйини олдик, энди қайтиб бориб, яна уруш қилар бўлсак, қонлари қайнаган, ўч олмоққа хумор бўлиб, ғазабланган, тажрибалик душманлар билан тўнқашур-миз. Уҳуд урушида қатнашмаган кишилар ҳам ёрдамга чиққайлар. Ана ул чоғда уруш бизнинг зиёнимизга чиқмагай, албатта, бизнинг фойдамизга бўлгай, деб ким айта олур. Эндиги маслаҳат шулки, обрўйимиз қўлда турган чоғда қайтганимиз яхшироқдур, — деди.

Бунинг устига Маъбадал Хузойи деган киши Хузоза қабиласининг раисларидан эди, ўзи иймон келтирмаган бўлса ҳам, Расулulloҳга хайрихоҳлиги бор эди. Уҳуддаги мусулмонларга бўлган мусибатни онглашиб, кофир-мусулмон, демай, бутун қабил халқи қаттиқ қайғуришган эдилар. Ислом аскари Ҳамроул Асадга тушганида, ул киши келиб, Расулulloҳга кўнгил айтиб, шундоқ дедиким:

— Эй Муҳаммад, сизларга бўлган бу мусибатга Худо ҳаққи, бек оғриндик, ўз устимизга тушгандек кўриб, бу ишга қаттиқ қайғурдик. Сендин бошқага бу мусибатлар бўлишини тиладик. Сенинг мартабангни Аллоҳ эгиз қилишини суюб турдик. Лекин на чорадурки, биз тилагандек бўлмади, — деди.

Бу айтган сўзи Расулulloҳга хуш келиб, ундин рози

бўлдилар. Сўнгра бу киши у жойдин жўнаб, Равҳо деган жойга келганида Қурайш қўшинига йўлиқди. Сафвон ибн Умайя сўзига қарамасдин, Мадина сари бормоққа қасд қилишган эдилар. Шу орада Абу Суфённинг кўзи Маъбадул Хузоййга тушди. Бунинг Мадина томонидан келаётганини билгач: «Орқангда нима бор?» деб андин сўрадилар. Анда ула айтди: «Билганим шулдурки, Муҳаммад қалин қўшин тортиб, қизгинлик билан келаётгидур. Ухуд урушида бўлолмаганлар бариси бу сафарда бирга чиқмишдур. Бутун аскар қайнаган қозондек ғазабланиб келмақдадурлар. Уларнинг энг суйган тилаклари эрса, сизлардин ўч олмақ кўринур», деди.

Юқоридаги Сафвоннинг айтган сўзи устига бунинг сўзи қўшимча бўлиб, Қурайш қўшинига қаттиқ қўрқинч тушди. Анда Абу Суфён Маъбадил Хузоййдин маслаҳат сўраб: «Эй Маъбад, эндиги иш нимадур, қандоқ қилсак биз учун яхшилик бўлур?» деди. Анда Маъбадил Хузойй айтди: «Муҳаммаднинг бу келишига қараганда, бу ердин сизлар кўчиб улгура олмасдин туриб, унинг қўшини келиб босгай. Энди бу жойдин тезроқ кўчиб, йўл тортмоқдин бошқа, сизларга фойдалик иш йўқдур», деди. Бу сўзлар билан Қурайш қўшинларининг қўрқинчлари зиёда бўлиб, шошинич кўчиб йўлга тушдилар. Қўрқинчлик бўлганиқдан оғир юкларини олишга улгуролмадилар. Унгалчилик Ислом қўшини олдидан уч киши аввал йўлга чиққан эди. Душман кўзига кўриниб қолиб, алардин иккови қўлга тушди. Бирови қочиб қутулиб, душманнинг кетган хабарини Расулуллоҳга етказди. Қўлга тушган икки кишини омон бермай, дарҳол ўлдирдилар. Аларнинг кўчиб қочган жойларига келганларидан сўнгра урушмаслик тўғрисида Сафвоннинг сўзини Расулуллоҳ онглагач, айтдиларким: «Сафвон дин йўлида тўғри йўл топмаган бўлса ҳам, Қурайш қавмини бу урушдан тўсгани учун дунё ишида уларни тўғри йўлга солмишдур. Бу ҳақда алар учун бек улуғ фойдалик иш қилмишдур.

**«Валлазий нафсий биядиҳи лақад саввамту ла ҳумул ҳижората валав рожау ла канув каамсиз заҳиб».** Яъни: *«Менинг жоним унинг қудрат қўлида бўлган Алоҳ оти билан қасам қилурманким, алар учун осмондин азоб тошларини отмоққа белгилаган эдим, агар қайтиб келган бўлсалар кетган кунлар, ўтган замонлардек ному нишонсиз бўлиб, барчалари қолмай*

ҳалок бўлар эдилар», деб Қурайш қўшинлари қайтган тақдирда, ғазаб илоҳийга қолиб, осмон азоби билан ҳалок бўлишларидан хабар бердилар.

Қурайш қўшинларининг қочиб кетганини онглагач Расулуллоҳ шу жойда уч кун турдилар. Пайғамбаримиз амрлари билан ҳар тунда беш юз ерда ўт ёқилур эди. Бундин мақсадлари эса йироқдин кўрган душманларга аскар кўплигини кўрсатиб, аларни кўрқитмоқ ва шул атрофдаги ҳали иймонга келмаган араб қабилаларига ҳайбат кўрсатмоқ эди. Чунки Қуръон қонунида мусулмонлар ўзаро муомала ишларида бир-бирларига макру хийла қилмоқ ҳаром бўлса ҳам, аммо уруш кунларида ўрни келар экан. Макр-хийла ишлатмоқ Пайғамбаримизнинг суннатларидур. Расулуллоҳнинг таржимаи ҳолларини ўқигувчи кишилар кўп жойда бундоқ ишларга учрайдилар.

Уч кун ўтгандин сўнгра, душманлардин ҳеч бир хабар бўлмагач, Мадинага қайтдилар. Бу қайтишларида қора босгандек бўлиб, Қурайш шоири Абу Изза деган киши йўлиқиб қолиб, қўлга тушди. Бу эрса Расулуллоҳга ва мусулмонларга ҳар ерда тили ила кўп озор етказган киши эди. Ислом динини ва мусулмонларни ёмонлаб, шеър айтиб, халқни уларга қарши қўзғамоқ унинг вазифаси эди. Абу Изза Бадр ғазотида ҳам қўлга тушиб, у ерда олинган асирлар ўзлари учун ҳар бир киши бошига тўрт минг тангадан минг тангагача тўлан бериб, қутулган эдилар. Расулуллоҳ буни ул жойда текинга озод қилган эдилар. Шу шарт биланким, иккинчи мусулмонларни ёмонлашдин тилини сақлагай, буңдин буён шеър ўқиб, Ислом динига қарши ташвиқот қилмагай, яна мусулмонлар билан урушмоққа чиққан аскар қўшинига қўшилмагай. Мана шу шартларни қабул қилиб, бу ваъдани иккинчи бузмасга аҳд бериб, тўлан тўламасдан текинга асирликдан қутулган эди. Маккага боргандин сўнгра: «Барча кишилар Муҳаммаддин пул тўлаб қутулган бўлсалар, мен қуруқ сув билан уни алдаб қутулдим», деб бурунгидан ҳам қаттиқроқ ёмонликка киришган эди. Ваъдасига вафо қилмай, Уҳуд урушига чиққан куффор қўшинига қўшилиб бирга келган эди. Бу қилган ёмонлиги ўз бошига етиб, бу йўли яна қўлга тушиб қолди. Расулуллоҳ буни кўргач, ани ўлимга буюрдилар. Ул айтди:

— Эй Муҳаммад, менинг гуноҳимни кечгил, ёш қиз болаларим учун ўлимдан мени қолдиргил, иккин-

чи буңдоқ қилмасликка аҳд берайин, — деди. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

**«Ла йўлдағул муъмину мин жуҳрин марратай-ни».** Яъни: *«Мўмин киши бир тешикдан икки қайта ўзини чақтирмағай, сен бизни бир йўли алдагинг, энди яна бизни алдаёлмағайсан, — дедилар.*

Мана бу сўздин Расулуллоҳнинг бутун умматлари ибрат олғайлар. Бир зиён кўрган ишдан иккинчи сақланмаган киши оқиллар қаторида бўлмағай. Айниқса, сиёсат эгалари, аскар бошлиқлари мундоқ ишларда бек соқлик қилғайлар.

Шунинг билан йўл юриб, Расулуллоҳ Мадинага саломат келдилар. Уҳуддан қайтиб, бу ғазотга чиққанларига беш кун бўлган эди. Шу келган кунлари Қурайш кофирларининг жосусларидан Муовийа ибн Муғира деган киши қўлга тушди. Воқеаси шундоқ эдиким, Уҳуд уруши тугаб, Қурайш қўшини Маккага қайтгандин сўнгра бу киши ўз эркича улардан ажраб қолиб, яширин равишда Мадина ичига кирди. Тўғри Ҳазрати Усмон уйига келиб эшик қоқди. Анинг аёли Пайғамбаримиз қизлари Умму Гулсум эрди.

«Бу кимдир?» деб сўрагач, Муовийа: «Усмоннинг яқин қариндоши эрурман, андин бир туя олган эдим, шунинг ақчасини бермак учун келдим, чақириб берилди, деди. Шу орада хиёл ўтмай, Ҳазрати Усмон келиб қолиб, кўрдиким, душман кишиси ўтирибди. Уруш ўтганига бир кун бўлмаган, икки орада қанча қон тўкилган, шундоқ куюк устида бунинг келганини кўриб, Ҳазрати Усмон қаттиқ чўчиди. Чунки бу киши унинг яқин қариндоши эди, араб одатича қариндошини душмандан сақлаёлмаслик энг оғир айб ишлардин саналур эди. Шунинг учун ҳазрат Усмон ани кўрганида:

— Мени ҳам ҳалок қилдинг, яна ўзингни ҳам ҳалок қилдинг, — деди.

Анда ул:

— Бу ерда сендин ўзга яқинроқ менинг қариндошим йўқдур, сендин паноҳ тилаб келдим, энди мени ўз омонингга олғайсан, — деди.

Сўнгра Ҳазрати Усмон уйининг бир четига киргизиб қўйиб, Расулуллоҳдин бу кишига омон олгани кетди. Шу орада Расулуллоҳ эшитдиларким, Муовийа ибн Муғира жосуслик билан Мадинада юрибдур. Ани тезликда топмоққа буюрдилар. Сўроқлаган кишилари изини топиб, тўғри Ҳазрати Усмон уйига кирдилар. У

кўрқанидан уйда яширинган эди. Уни уйда кўрмагач, Умму Гулсум унинг ётган жойини кўрсатиб, имлаб кўйди. Шу ердан тутиб уни Расулуллоҳ хузурларига келтирдилар. Дарҳол ўлимга ҳукм қилдилар. Буни кўриб Ҳазрати Усмон:

— Ё Расулаллоҳ, сизни ҳақ пайғамбар қилиб юборган Аллоҳ оти билан қасам қилурманким, шу ҳозирда, бу киши учун омон сўраб келган эдим. Ё Расулуллоҳ бунинг қонини менга бағишланг, — деди.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Сенга бунга бағишладим, аммо шартини шулдурким, бу киши уч кундан ортиқ Мадинада турмасун. Агар шу шарт бузулур эрса, Худо ҳақи, омон йўқдур, — дедилар.

Бундин сўнгра Қурайш қўшинининг олдини тўсиб, Ҳамроул Асад сафарига чиқдилар. Қарасалар, бу сафардин қайтиб келгунларича бўлган воқеани Қурайшга етказмоқ учун, қилган шартининг бузилишига қарамай, сўз тинглаб Мадинада юрган экан. Тўртинчи кун Расулуллоҳнинг келаётган хабарини онглаб, дарров қочиб, йўлга чиқди. Бу ишни Расулуллоҳ онглагач, унинг ортидан тутиб келмоқ учун икки кишини буюрдилар. Бири Аммор ибн Ёсир, иккинчиси Зайд ибн Ҳориса эди. «Албатта, уни шундоқ жойда буңдоқ иш устида топгайсизлар», дедилар. Расулуллоҳ қандай жойни айтган бўлсалар, нақ ўшал жойда тутилиб, ўлдирилди. Бу сафарда мусулмонлардин икки киши шаҳид берган бўлсалар ҳам, кофирлардин бу киши ўлдирилиб, қасослари қайтди. Мана шу йилда Ҳазрати Фотимадин имом Ҳасан туғилди. Умму Гулсум қизларини пайғамбаримиз Ҳазрати Усмонга шу йили никоҳ қилган эдилар. Бундин илгари Руқия деган қизларини берган бўлиб, ул вафот қилган эди. Ҳазрати Усмон Расулуллоҳнинг икки қизлари билан никоҳланди. Шунинг учун лақаблари «Зуннурайн» бўлди. Маъноси — «икки нур эгаси», деган бўлур.

Яна шу йили, Уҳуд урушидан кейин, Қуръон ҳукми билан ароқ ҳаром қилинди. Анинг ҳақида ушбу оят келди:

**«Ё аййуҳал лазийна аману иннамал хамру вал майсиру вал ансобу вал азламу рижсум мин амалиш-шайтони фажтанибув лааллакум туфлиҳуван, иннама йуридуш-шайтону ан ювқиа байнакумул адовата вал бағзоа фил хамри вал майсири ваясудда-**

**кум ан зикриллоҳи ва аниссалоти фаҳал антум мунтаҳуван».**

Яъни: «Эй иймон келтиргувчи мўминлар, ҳукм шулдур, бундин ўзга эмасдурким, ароқ ичмак, қимор ўйнамоқ, бутларга сажда қилмоқ, фол ўқларига ишонмоқ, мана шу тўрт нарса шайтоннинг чиқарган ишларидан энг ёмон ишдур. Албатта, бу ишлардин сақланинглариким, ҳамма ёмонликлардан қутулаёйсизлар. Ароқ ичиб, қимор ўйнамоқда шайтон ўрталарингизга қаттиқ душманлик солгай ва яна Аллоҳни ёд қилмоқдин, ва намоз ўтамақдин сизларни қолдиргай. Энди бу нарсалар инсонга шундоқ зиён келтирур эрсалар ҳам нечун улардин сақланмағайсизлар, албатта, улардан сақланинглари» демақдир.

Бу оятни онглаган барча саҳобалар, «Сақландик» деб жавоб қилдилар. Бундай бўлгач, энди ҳар даврнинг мусулмонлари ҳам шу жавобни бериб, ушбу зиёнлик нарсалардан сақланишлари албатта лозимдур. Юқориги оятда айтилган тўрт нарсанинг бириси «азлон» бўлиб, буни «фол ўқлари» дедик. Бунинг очик маъноси шундоқ эрдиким, учида ўқи йўқ уч дона ўқ ёйларининг биринчисига «Ифъал», иккинчисига «Лотафъал» сўзлари ёзилган. Учинчисига ҳеч нарса ёзилмаган, қуруқ мана бу уч ёғоч ўқ бир тўрвага солиниб, Каъбага осиб қўйилган эди. Биринчи сўз маъноси «қил» дегани бўлиб, иккинчиси қилмадир. Учинчисида — сўз йўқ, қилиш-қилмаслик ўз ихтиёрида. Каъбага осилган ўқлардин бошқа ҳар қайси араб уйида ҳам шундоқ ўқлар сақланур эди. Мана энди булардин бир киши сафарга чиқмоқчи ёки урушга бормоқчи, ёки бирор муҳим иш қилмоқчи бўлса, ул киши келиб шу тўрвага қўл солар эди, унинг қўлига қайси ўқ чиқса, шунга қараб иш қилур эди. Масалан, «ифъал» чиқса, ул киши қилгай ва аксинча, ёзилмагани чиқса, қилар-қилинмаслиги ўз ихтиёрида бўлгай. Мана шундоқ ишларга боғланиб туриш Ислому шариаатида шу оят ҳукми билан харом бўлди. Энди мўмин одамга лозим шуддурким, агар шариятга сиғадиган бир иш қилмоқчи бўлса, фойда-зиёнини аввал текширгандин сўнгра, Аллоҳга таваккал қилиб, у ишга киришсин, бўлар-бўлмас нарсалардин шак олиб, иймони бўш кишилардек ҳар нарсанин фол кўтариб, ўзига фойдалик ишлардин қуруқ қолмасин. Чунки Аллоҳ таоло Куръонда айтди:

**«Фа иза азамта фатаваккал алаллоҳ»,** яъни: «Бир

*ишни қилмоққа қасд қилсанг, Аллоҳга таваккал қил», деди.*

Бу оятдин чиққан Аллоҳнинг буйруғича, ҳар ишнинг яхши-ёмонлигини текшириб чиққандин сўнгра, ул ишни қилиш-қўйишда, албатта, Аллоҳга таваккал қилмоқ ҳар бир мўмин кишига фарз бўлди. Ўтган оятда айтилган тўрт нарсани «шайтон ишларидан энг ёмон ишдур, албатта бундин, сақланинглар», деб Аллоҳ таоло бандаларига буюради. Буларнинг ёмонлиги, агар ўйлаб қараса, ҳар қандоқ кишига ҳам маъқул бўлур. Айниқса, ароқ билан қимор, буларнинг динга ва дунё турмушига энг каттик зиён қилишини бу оятда Аллоҳ таоло очик кўрсатди. Чунки инсонларда энг қимматлик нарса, кишининг ақлидур. Ичкиликка киришган кишилар, шундоқ улуғ неъматдин, баҳоси йўқ гавҳардин ажрайдилар. Чунки ароқ ичиб эсирмак, киши соғлиқ сотиб, телба бўлмоғи демақдир. Бунинг руҳоний тарафдин қандоқ зиёни кўп эрса, жисмоний томондин тан соғлиқ ишларига ундин ҳам зиёни кўпроқдир.

Ислом ҳукамоларининг устозларидан Абу Али ибн Сино айтибдурким: «Ичкиликка ўрганган одамлар кўпинча шол ёки қалтироқ каби қўрқинчлик дардга йўлиққайлар». Яна Расулulloҳ айтдилар:

**«Ал хамру жаммоул исми ва уммул ҳабоис».** Яъни *«Ароқ гуноҳнинг хазинаси ва барча ёмонликнинг онаси».* Агар бир кимса ўзи билатуриб, қиз фарзандини ароқхўрга берса, ул киши ўз қизини зинога тутиб берганнинг гуноҳини топгай, дедилар. Энди бундоқ бўлгач, ҳар бир мўмин мусулмонлар бу оят-ҳадис мазмунига амал қилиб, бундоғ улуғ гуноҳдин ўзларини сақласинлар ва бир неча соатлик бош оғриғини кайф қилиш хаёлини хуш кўриб, дунё ва охиратларини хароб қилмасинлар.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Маккадин Мадинага Расулulloҳ ҳижрат қилиб келганларидан сўнгра йигирма етти қатим ўзлари аскарга бош бўлиб, урушга чиқдилар. Қолган урушларга ўзлари Мадинада туриб аскар чиқардилар. Пайғамбаримиз бошчи бўлиб, урушга чиққан бўлсалар, уни ғазот сафари деб айтилуру. Агар ўзлари чиқмаган бўлиб, оз-кўп аскар юборган бўлсалар, уни илғор сафари дейилур.

Уҳуд уруши ўтиб, бир неча ойдин кейин Расулulloҳга шундоқ хабар келдиким, Бани Асад қабиласининг раисларидан Талҳа ва Салама деган кишилар

бош бўлиб, уруш қилмоққа аскар тўпламоқдадурлар. Буни эшитиб, дарҳол бир юз эллик кишилик бир бўлик черик (аскар) чиқариб, Абу Саламани аскарга бошлиқ қилдилар. Бу сафарлари эса, ҳижратнинг тўртинчи йили, Муҳаррам ойининг бошларида эди. Бу аскар илдамлик билан душман ерига етиб бориб, туюқсиздан улар устига чопул қилдилар. Қарши турмоққа душманларнинг қудратлари қолмади. Мол боқиб юрган уч қулларини қолдириб, қолганлари эса тоғу тошларга тарқалиб қочдилар. Аларнинг ташлаб қочгани қўй-эчки, туяларини ҳайдашиб, ўн кун ичида саломат Ислом аскари Мадинага қайтиб келишдилар.

### УРАНА ВОҚЕАСИ

Яна шу йилнинг Муҳаррам ойида ансор саҳобаларидан Абдуллоҳ ибн Унайс деган кишини Арафот тоғи яқинида, Урана деган ерга юбордилар. Ул жойда Ҳузайл қабиласининг раиси Суфён ибн Холид Расулуллоҳга қарши аскар тўплаб, Мадина устига юриш қилмоқчи эди. Бу хабар Расулуллоҳга эшитилгач, Абдуллоҳга буюрдиларким:

Бу хизматга яширинча ёлғиз ўзи боргай, пайт топиб фитна бошлиғи бўлган кишини ўлдириб, қайтгай.

Анда Абдуллоҳ:

— Эй Расулуллоҳ, бу ишни бажариш устида, агар ҳожат туғилиб қолса, ёлғон сўз қилмоққа рухсат қилурмисиз? — деди.

Зарурат ҳолда ёлғон сўзлашга Пайғамбаримиз рухсат қилдилар. Сўнгра шу ҳижратнинг тўртинчи йили, Муҳаррам ойининг бешинчи кунида ул киши Мадинадан чиқиб, бир неча кун ичида душман ерига етиб, у билан кўришди.

— Қайси қабиладин эурсан? — деб сўради,

— Ҳузоа қабиаласидан бўлурман, Муҳаммад билан урушмоқ учун сени аскар йиғибди, деб эшитдим, унга душман бўлганлигимдан мен ҳам фидоий бўлиб шу урушга қатнашмоққа келдим — деб жавоб қилди Абдуллоҳ.

Бу сўзни онглаши билан унинг кўнгли кўтарилиб, айтдиким:

— «Англаганинг тўғридур. Муҳаммад билан уруш қилмоққа аскаримиз йиғилиб тайёр бўлди. Бу яқин орада Мадина сари юриш қилмоқчидурмиз, хуш кел-



динг, — деб Абдуллоҳни ўз чодирига бошлади. Кеч бўлиб, бошқалари тарқалиб кетдилар. Абдуллоҳ сўзини сўнин (яхши) кўриб, эл уйқуга кетгунчалик ухламасдин, сўзлашиб ўлтиришди. Расулуллоҳдин сўз очиб:

— Муҳаммад шу кунгачалик мен каби уруш йўлини билган бир кишига йўлиқмаган бўлса керак. Уруш қандоқ эканини энди унга кўрсатгайман, — дер эди.

Шу орада уни уйқу босиб, ажал тўшагига келиб ётди. Қаттиқ уйқуга кирган чоғда, Абдуллоҳ секингина туриб, жон чиқар уни чиқмас жойига ханжарини ботирди. Ва шу замон тўхтовсиз тун қоронғусида Мадина сари жўнади. Кундузи яшириниб, кечаси йўл юрар эди. Орқадин чиққан қувғинчиларга йўлиқмай тўққиз кун деганда Мадинага саломат қайтиб келди. Шу чоғда Расулуллоҳ масжидда ўтирган эдилар. Абдуллоҳга кўзлари тушган ҳамон, арабчалаб: — «Афлаҳал важҳу», яъни: «Юз ёридими?» дедилар. Анда Абдуллоҳ: «Афлаҳа важҳука», яъни: «Расулуллоҳ, юзингиз ёриди, тилагимга етдим» деди. Бўлган воқеадан хабар топгач: «баракаллоҳ» деб Пайғамбаримиз Абдуллоҳга бир асо (ҳасса) бердилар ва: «Сен жаннатда бу асони тутиб юргайсан. Ул жойда асо тутганлар оз бўлгайлар», дедилар.

Демисларким, Абдуллоҳ бу асони бутун умри борича сақлади. Вафоти ҳозир бўлди эрса, анинг васияти билан асони кафан ичига қўйиб, бирга кўмдилар, разияллоху анху.

## **АЗАЛ ВА ҚОРРА ҚАБИЛАЛАРНИНГ ХИЁНАТЛАРИ**

Яна шу йилнинг Сафар ойида Азал ва Қорра араб қабиласидан бир неча кишилар элчи бўлишиб келиб:

— Ё Расулаллоҳ, бизлар бутун қабилаларимиз билан сизга иймон келтирдик, энди бизга олим кишилардин, қорилардин қўшиб берсангиз, алар бизларга бориб динни ўргатсинлар ва Қуръон таълимини берсинлар, — дедилар.

Расулуллоҳ бу хизматга саҳобалардин ўн кишини тайин қилдилар ва уларга топширдиларким, Қурайш кофирларига кўз-қулоқ бўлиб, аларнинг ишларидан хабар келтиргайлар. Буларга ансор саҳобаларидан Осим ибн Собитни раис қилдилар. Мадинадин чиққан кундан бошлаб, кеч юриб, кундуз киши кўрмас жойларда яширинур эдилар. Шунинг билан юриб-ўтириб,

Ражиъ деган жойга етдилар. Бу жой бўлса ўтган воқеадаги Абдуллоҳ ўлдирган Суфённинг қавми Хузайл қабиласининг макони эди. Мана шу ерга келгандин сўнгра, дин ўрганмоқчи бўлиб, бу ўн саҳобани олиб келаётган мунофиқларнинг хиёнати зоҳир бўлди. Шундоқким, «Муҳаммаднинг кишиларини алдов билан бу жойга келтирдик, сизлардин ўлдирилган бир киши ўрнига ўн кишини қўлга туширдик. Энди жонингиз бўлса, тезликда етиб қасос қилгайсиз», деб аларга яширин хабар етказдилар. Бу хабар етиши билан қабилани кишиларидан икки юзга яқин аскар орқадин қувиб, буларга етиб келишди. Саҳобалар кўрдиларким, бунчалик қалин аскарга қандоқ қарши тургали бўлув. Дарҳол ўзларини эгиз тоғ устига олишиб, аларни тоққа чиқмоққа қўймадилар. Қўлга туширмақдин ожиз қолгач, душманлар ҳийлага киришиб: «Агар тоғдин тушар бўлсанглар, сизларни ўлдирмагаймиз», деб ўзларига қаттиқ қасам билан ишонтирдилар.

Булардин уч киши раисларига итоат қилмай, ёлғон қасамга алданиб, тоғдан тушишлари баробар, буларнинг қўлларини боғлагани туришди. Бировлари боғлатмасдан қаршилик кўрсатган эдилар, шу дамдаёқ қилич билан чопиб ташладилар. Қолган икковларини Маккага элтиб, мусулмонларда ўчи бор Қурайш кофирларига сотиб, ҳар икковлари ҳам душманлар қўлида шаҳид бўлдилар. Бировлари Ҳабайб ибн Адий деган саҳоба эди. Бу кишини Маккада Ҳарам ташқарисига чиқариб, дорга осдилар.

Дин йўлида Худо учун дорга осилганларнинг бу уммат ичида энг биринчисидур. Ўлим олдида икки ракат намоз ўқишни мусулмонларга шу киши суннат қилди. Қолганлари ҳам тоғ устида очлик-чанқоқлик билан уришиб юриб, барчалари шаҳид бўлдилар, разияллоҳу анҳум. Ҳазрати Ҳабайб осилур чоғида дор тағида туриб, ушбу сўзларни айтди:

— Ислом йўлида мусулмонлик билан ўлдирилганлигим учун ўлимдан ҳеч қўрқинчим йўқдур. Қайси ёним билан йиқилсам ҳам, Худо учун йиқилиб ўлурман. Душмандин қўрқиш, аларга эгилиш мендин зоҳир бўлмас. Бу йўлда ўлсам, Аллоҳ олдидан ўрин олгайман.

Шундоқ даҳшатлик бир ҳолда туриб, бундоқ мазмунлик шеър айтиб, душман олдида намоз ўқимоқ бу зотнинг разияллоҳу анҳу, қандоқ ҳақиқий иймонга эга эканлигини кўрсатди.

## МАУВНА ВОҚЕАСИ

Дағи (яна) шу йилнинг Сафар ойида бани Омир қабиласининг раисларидан Абу Омир деган киши элчи бўлиб, Мадинага келди. Расулуллоҳ уни динга даъват қилдилар. Иймон келтирмаса ҳам яқинлашиб айтди-ким:

— Эй Муҳаммад, мен бу динни тўғри топдим, ша-рофатлик яхши дин, деб ўйлайман. Лекин менинг қав-мим Наждда қолдилар. Агар Нажд қавмига бир неча уламо кишиларингдан юборур эрсанг, аларни шу дин-га даъват қилсалар, қабул қилгайлар, деб умид қилур-ман, — деди. Анда Расулуллоҳ:

— Нажд халқига ишончим йўқдур, юборилган ки-шиларга ёмон қасд қилгайлар деб кўрқаман, — деди-лар. Анда Абу Омир:

— Андоқ эрса бу борадурган кишиларни ўз омон-нимга олурман, ҳеч кимдан аларга зиён-заҳмат етказ-маслик учун ваъда берурман, — деди.

Расулуллоҳ бунинг сўзига ишонганликдан Мунзир Ибн Амр деган кишини бошчи қилиб, саҳоба қориларидан етмиш кишини қўшиб юбордилар. Булар неча кунлаб йўл юришиб, Маувна деган қудуққа етишди. Мана шу жойга келганларида, маслаҳат билан халқни динга даъват қилиш мазмунида бир хат ёзишдилар. Бу хатни саҳобалардин Ибн Милҳон деган киши юқорига Абу Омирнинг жияни Омир деган кишига келтириб топширди. Бу эса қабила раисларининг бириси эди. Келтирган хатни ўқиб кўрмай туриб, хат келтирган ибн Милҳон устига ҳужум қилиб, ани шаҳид қилди. Қолган саҳобаларни ҳам йўқ қилмоққа ўз қабиласини чақирган эди, амакиси Абу Омир буларни ўз омонатига олиб, Расулуллоҳга ваъда бериб чиққанини аларга билдирди. Қабиласи буни онглагач: «Биз Абу Омирнинг ваъдасини буза олмаймиз», деб унинг чақирғига юрмадилар. Ночор бўлиб, бир неча бошқа қабилаларни ташвиқ қилиб, улар устига ҳужум бошлади. Душмандан сақлашга ваъда бериб олиб чиққан Абу Омир буларни ҳимоя қилишдан ожиз қолди. Шунинг билан кўпчилик душманлар тўрт тарафдин ўраб, етмиш саҳобани орага олди. Булар ҳам уруша-уруша, охири барчалари шаҳид бўлдилар.

Булардин икки киши ўлимдан омон қолди. Бириси Каъб ибн Зайд ўликлар ичида ётиб, кейин тирилди.

Буни душманлар ўлди деб ўйлашган эди. Иккинчиси, Амр ибн Умайя, бу киши бўлса, ҳеч ишдин хабари йўқ, аскарнинг от-улоқларини ўтлоқда боқиб юрган чоғда шу воқеа бўлмиш эди. Сўнгра бу мусибатдин хабар топиб, бўлган фожиани Расулуллоҳга етказди. Бундин бир кун илгари ҳазрати Жаброил ҳам шу ҳақда ваҳий келтирган эди. Бу мусибатни онлағач, Расулуллоҳ қаттиқ қайғурдилар. Душманлар қўлида ваҳшиёна ўлдирилган аҳбобларни эскариб, бек ачиндилар. Илгари-кейин Расулуллоҳ буларга ачингандек ҳеч кимга ачинмаган эдилар», деб Анас ривоят қилмишдур.

Чунки бу саҳобалар уруш учун эмас, балки Нажд халқига Расулуллоҳнинг даъватларини етказиш учун элчи қаторида юборилган эдилар. Араб одатича, элчиларни ўлдириш бу ёқда турсин, аларни меҳмон ўрнида кўришиб, ҳурмат қилишур эди ва ўз раисларидан бўлган Абу Омир уларни зиён-заҳматдин сақламоқчи бўлиб, Расулуллоҳга ваъда берган эди. Ваъдасига вафо қила олмаганлиги учун у киши ҳам қаттиқ қайғуриб, шу сабабдин ўзи ҳам вафот топди. Чунки Расулуллоҳ: «Мен буларни иймон келтурмаган қабила ичига юборишни яхши кўрмаган эдим. Бу иш эрса кўрқинчли эди. Бу фожианинг бўлишига Абу Омир сабабчи бўлди», дедилар. Араб раисларига бундоқ ишлар ўз одатларича ўлимдан ҳам қаттиқроқ кўринур эди. Мана шунинг учун бу ишнинг ор-номусига чидай олмасдин хафалиги ошиб, ажалига сабаб бўлди. Бундин олдинроқ ўтган Ражиъ воқеаси, бу айтилаётган Маувна фожиаси ҳар икки мусибат хабарини Расулуллоҳ бир кунда эшитдилар. Бу икки воқеада шаҳодат топган саҳобалар сони саксонга етган эди. Уҳуд урушида ўтган ишлар эскирмай туриб, унинг устига бу мусибатларнинг бўлиши мусулмонларга қаттиқ таъсир қилди. Шу адабсизликни қилган уч қабиладан Расулуллоҳ қаттиқ ранжидилар. Қирқ кунгачалик, бомдод намозининг иккинчи ракатида рукудин ёниб (қайтиб) сажда олдида Қунут дуосини ўқиб, шаҳидларни дуо қилдилар. Шофеъий мазҳабида бомдод намозида Қунут дуосини ўқиш шундин қолди. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳга шу мазмунда ваҳий келтирдиким, бу шаҳидлар эса раҳмат нурига чўмдилар. Аллоҳ булардин рози бўлди. Булар Аллоҳдин розидурлар.

Имом Зарқоний раҳматуллоҳи алайҳи айтибдур:

— Бу хиёнатни қилгувчи учта қабила: Раъл, Заковон, Асбатага безгак вабоси пайдо бўлиб, хиёнатларидан сўнгра кўп ўтмай етти юз киши ҳалок бўлди. Шу мусибатга бошчилик қилган қабила раисига иймон насиб бўлмай, кофирлик ҳолда ўлди. Шунин билмак керакким, бундай мусибатлар ўтган пайғамбарларга ҳам кўп бўлгандир. Аммо бизнинг Пайғамбаримизга ҳаммадин ҳам кўп бўлгандир. Шунинг учун Расулуллоҳ айтдилар:

**«Ашаддуноси балоан ал-анбиёу сумма авлиёу суммал лазийна ялувнаҳум суммал амсалу фал амсал»,** яъни: *«Бу дунёда балонинг қаттиқроғи пайғамбарларга бўлур, кейин авлиёларга, кейин булардин тубанроқ даражалик кишиларга, энг охири мўминга, каттага каттароқ, кичикка кичикроқ, ҳар кимга ўз даражасига қараб, дунё мусибатларидан етиб турадур»*. Шу учунким, алар бу мусибатларга сабр қилиб, улуғ ажр топгайлар. Бунинг оқибати улар учун яхшилиқ бўлғай. Лекин шундай ишларнинг аниқ сирини Аллоҳдин ўзга ҳеч ким била олмас. Анинг неъматларига шукр қилиб, меҳнатларига сабр қилмоқдин ўзга банданинг чораси йўқдур.

### БАНИН-НАЗИР ҲАЗОТИ

Мадина атрофида қишлоқ қилиб ўлтиришган бир тоифа яҳудийлар бор эди. Улар биз Ҳорун алайҳиссаломнинг авлодларимиз, дейишарди. Ислом келмасдин илгари мадиналик Ҳазраж қабиласи билан бирлашиб, дўстлик аҳдини боғламиш эдилар. Расулуллоҳ Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан кейин шу ердаги яҳудийлар билан тинчлик ҳақида бир шартнома тузган эдилар. Лекин яҳудлар бу аҳдомани буздилар. Кўнгилларида яшириниб ётган ҳасадлари яна қўзғолди.

Воқеа шундоқ эрдиким, бир куни Расулуллоҳ бир неча саҳобаларни олиб, бир иш тўғрисида шу яҳудийлар билан сўзлашгани келдилар. Улар ҳам ҳурмат кўрсатиб: «Эй Абул Қосим, ҳуш келдингиз, сизга зиёфат тайёрладик, уни егизайлик, сўнгра нима ҳожатингиз бор эрса, албатта адо қилгаймиз», дейишиб Расулуллоҳни бир уй соясига жой солиб ўтказдилар. Кейин буларнинг кўнгилларига шайтон кириб, ниятлари бузилди. Расулуллоҳга қасд қилмоқчи бўлиб, яҳудий-

лар ўзаро шундоқ қарорга келдилар: «Муҳаммадни ўлдириш учун бундай пайт ҳеч вақт келмайди, энди бу фурсатни ўтказмасдан, бунинг ишини шу ерда татом қилайлик. Бир киши яширинча том устига чиқсун ва қатта тош билан Муҳаммадни бошига уриб, ўлдирсин. Шу билан бундин ҳаммамиз қутулгаймиз. Қолган йўлдошларини қочирмай, барчасини асир олгаймиз. Буларни Маккага элтиб, қонларига ташна бўлиб турган Қурайш халқига оғир баҳо билан сотгаймиз», дейишиб, шу хиёнатни қилмоққа аҳд қилдилар.

Мана шу чоғда Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтириб, бу хабарни Пайғамбаримизга билдирдилар. Дарҳол Расулуллоҳ ҳожат қилмоқчи бўлиб, ташқарига чиққанларича қайтиб у жойга кирмасдин, йўлга тушиб Мадинага қараб жўнадилар. Аммо бу ишдин саҳобаларнинг хабарлари йўқ эди. Расулуллоҳ қайтиб кирмасдин кечикиб қолганлари учун ташвишланиб, ҳаммалари ташқарига чиқишиб, Расулуллоҳни кўрмагач, ҳайронликда қолдилар. Шу орада Мадина томонидан келаётган бир одам Расулуллоҳнинг Мадинага кетаётганларини йўлда кўрдим, деб хабар берди. Буни онглашиб, саҳобалар чопганларича Расулуллоҳга етдилар. Сўнгра айтдиларким:

— Сиз бир ишга шопилгандек бўлиб у жойдин чиқиб, қайтиб кирмадингиз. Бизлар хабарсиз қолиб, сиздан кўп ташвишландик, бунинг сабаби нима эканини билмадик? — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Яҳудлар мени ўлдириш учун қасд қилмиш эдилар. Бу ҳақда Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтириб, менга билдирдилар, шу учун алардин сақланиб қайтиб кирмадим, — дедилар.

Шундай қилиб, яҳудларнинг қилган хиёнатлари маълум бўлди. Ўртада тузилган илгариги аҳднома шартларини ўзлари буздилар. Расулуллоҳга қилган хиёнатларини юзага чиқардилар. Бу хиёнатлари ҳаммага маълум бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муҳаммад ибн Саламани уларга юбориб, бир неча кун ичида хоинлар араб тупроғидан чиқиб кетсунлар, деб амр қилдилар. Бу фармон боргандин кейин бошларига қиёмат келиб ичларига гулгула тушди. Бу ишга сабаб бўлувчиларни ёмонлаб, аларга таъна айтишдилар. Исом аҳлига қазиган чуқурларига ўзлари йиқилдилар. Ёпиқ турган офат эшигини ўзлари очганликдан

уни ёпиш учун Расулуллоҳга узр айтмоққа тиллари йўқ эди. Мана шундай бўлгач, ночор қолишиб, жой-жўшларини, боғ-бўстонларини ташлашиб кетмоқчи бўдилар. Мана шу чоғда буларнинг дўстлари — Мадина мунофиқларидан яширинча хабар келдиким: «Биз сизлар билан биргадурмиз. Агар Муҳаммад билан урушар бўлсангиз, ёрдамга тайёрдурмиз», деб яҳудларга ваъда қилдилар. Буларнинг сўзига ишонишиб, кўчишни кечиктирдилар.

Буни кўриб Расулуллоҳ уруш жамалғусини қилишга буюрдилар ва етарлик аскар йиғилди. Туғ байроқлар боғланиб, бош туғни Ҳазрати Алига бердилар. Мадина шаҳрига ибн Умму Мактумни волий қилиб, сўнгра душман устига юриш қилдилар. Бу хабар яҳудларга эшитилгач, қарши чиқиб урушолмай, қўрққанларидан қочиб қўрғонларига киришди. Расулуллоҳ олти кечакундуз қўрғонни қамал қилдилар. Шунгачалик ёрдамга ваъда берган Мадина мунофиқларидан хабар бўлмагач, алардин умидлари узилиб, бошқа йўл топиша олмаганларидан кейин, Расулуллоҳга элчи юбориб:

— Уруш қуролларимизни бутунлай топширайлик, ҳар бир оилага ўзимиз хоҳлаганимизча бир туя юк мол олайлик, жонимизга омонлик берилсин, шу билан араб тупроғидан чиқиб кетайлик, — дедилар.

Расулуллоҳ бунга розилик билдирдилар. Сўз шунга тўхталгандин сўнгра, яҳудлардин бир қанчалари Хайбарга кўчишиб, қолганлари эса Шом тупроғидаги Азруёт деган жойга кетишди. Булардин қолган бутун мол-дунёлари хазинага олинди. Расулуллоҳ бу ганимат моллардин фақир мискинларга, етим болаларга, тул хотунларга насиба чиқариб, аларга улашиб бердилар. Ўртада қон тўкилиб, уруш бўлмаганликдан аскарларга бу молдин берилмади. Чунки бу воқеада ўлжа тушган молларни баъзи саҳобалар Исломдин илгариги араблар одатларича бўлишиб олмоқни истадилар.

Мана шу чоғда тушган Ҳашр сурасидаги оятларнинг ҳукмига қараб, Расулуллоҳ бу молларни хазинага олиб, шариат буюрган ўрнига бердилар. Шу кундан бошлаб, урушда олинган ўлжа молларини бўлиш усули араб одатларича бўлмай, балки Қуръон ҳукмига боғланди. Шундай бўлиб, бу сафарда уруш-галаш бўлмасдин, буларнинг шарридан мусулмонларни Худо қутқарди.

## ЗОТИР-РИҚОЪ ҲАЗОТИ

Воқеа шундоғ эрдиким, шу йилнинг Рабиул-охир ойида Расулуллоҳга хабар етди. Наҳд аҳлларидан Бани Муҳориб, Бани Саълаба бошлиқ бир неча қабилалар бирлашиб, Расулуллоҳга қарши уруш очмоқчи эмишлар. Буни онглашлари билан буларга қарши тайёргарлик кўриб, етти юз кишилиқ қўшин тузиб, сафарга чиқдилар. Бу навбат Ҳазрати Усмон Мадинага волий қўйилган эдилар.

Бир неча кун йўл юришиб, душман ерига киргандин сўнг, кўрдиларким, хотун-болалардин бошқа ҳеч ким қолмабдур. Улар аскарнинг келишини англаб, қўрққанларидан улгуролмай, хотун-болаларини қолдириб, тоғ бошига тарқалиб қочмиш эдилар. Барча қолганлари Ислом аскарлари томонидан асир олинди. Буни онглашиб қочганлар номус қилганликларидан йиғилишиб, яна урушмоқчи бўлдилар. Асир олинган хотунлардан бирининг эри бу ишга қаттиқ ғазабланиб, қасамёд қилиб айтдиким:

— Ё Муҳаммадни, ёки анинг аскарларидан бир неча кишини ўлдирмагунча қайтиб келмагайман, — деди.

Сўнгра бу ишни ижро қилмоқ учун Расулуллоҳ тушган манзилга қараб жўнади. Ислом қўшини келиб, шу кечада бир жилға оғзига қўнган эди. Шу тун ҳаво бузилиб, қаттиқ бўрон чиқди. Расулуллоҳ икки кишини қўшимча қоровул қўйдилар. Аларнинг бири си Аммор ибн Ёсир, иккинчиси Уббод ибн Бишр эди. «Бу кечани иккига бўлайлик, олдинги ярмида мен қоровул бўлиб турай», деб йўлдоши Аммор ибн Ёсирни ухлатиб, ўзи намозга қоим бўлди. Шу орада қасам қилиб, душман тарафидан чиққан киши жилға олдига келганида пайқаб қараса, йироқдин бир киши қораси кўринди. Бу эса душман қоровули бўлмай, деб дарҳол нишон олиб садоқдин унга ўқ отди. Бу киши машҳур мерганлардин бўлганликдан, отган ўқи хато қилмай, намоз ўқиб турган Уббод ибн Бишрга тўғри келиб тегди. Намозни бузмай, ўқни суғуриб ташлаб, яна намозини давом эттирди. Душман эса, отган ўқи тегмади хаёл қилиб, яна икки маротаба ўқ узди. Бу отилган ўқлар барчаси хато қилмай теккан бўлса ҳам, лекин жон ерига тегмаган бўлган учун намозини бузмади. Намоздин бўшагандин сўнг кўрдиким, жароҳат ўрни-



дан қон оқиши зиёда бўлмишдур. Дарҳол Аммор ибн Ёсирни уйғотди. Ул кўриб:

— Эй биродар, биринчи ўқ тегиши билан нечун мени уйғотмадинг, бунинг сабаби недур? — деб сўради.

Анда ул айтди:

— Намозга туриб, Каҳф сурасини бошлаган эдим, лаззатланиб ўқиб ётганимда бир ўқ келиб тегди, унинг лаззатидан уч ўқ келиб теккунча Қуръонни тўхтатиб, намозимни бузишга кўнглим унамади. Агар Расулуллоҳнинг топширган хизматларига халал етишидан қўрқмасам эди, жоним чиқиб кетгунча намозимни бузмаган бўлур эдим, — деди.

Иймон ҳақиқати билан киши кўнглига ўрнашур бўлса, баъдани бундин ҳам юқорига даражаларга еткузишида шубҳа йўқдур. Дин ишларини ҳар ким ўзи татамагунча унинг лаззатини тушуна олмайди.

Эй Раббим, Ҳабибиминг ҳурматидин бизларга ҳам шундоқ иймонни насиб қилгайсан. Омин!

Шундоқ қилиб, Аммор ибн Ёсир уйқудин уйғониб турган эди, ўқ отган душман кўзига тун қоронғусида тикка турган киши ўлтирган бўлиб кўринди. «Менинг отган ўқларим тегмаганга ўхшайди, энди ул мени қорага олиб, ўқ отгали ўлтирди», деб хаёл қилиб, орқага қочди. Шу билан қочган киши ўз қўшинига қўшилиб, асир тушган хотун-болаларини ажратиб олиш учун Ислом аскарини ўраб, урушмоққа келдилар. Ҳар иккала томон аскарари бир-бирларига яқинлашиб қолдилар. Мана шу ҳолда аср намозининг вақти кирган эди. Расулуллоҳ эҳтиёт юзасидан Ҳавф намози ўқидилар. Бу намозни ўқиш Қуръон ояти билан собитдур. Буни ўқиш тартиблари масъала китобларида очиқ ёзилганликдан, бу ўринда айтиб ўлтиришни лозим топмадик. Расулуллоҳ намоздин бўшагунларича, душманлар ҳужум қилишга журъат қилишолмай, қарашиб турдилар. Сўнгра кўнгилларига қаттиқ кўрқинчилик тушиб, урушмоққа тоқатлари бўлмай, тарқалиб қочдилар. Ислом аскарари ҳам уруш-талашсиз бир қанча ўлжа олишиб Мадинага қайтдилар.

Шу қайтишларида бир мўъжизалик воқеа пайдо бўлди. Шундоқ эрдиким, қалин тикан дарахтлик бир манзилга келиб тушган эдилар. Ёз мавсуми бўлиб, кун иссиғи ниҳоятига етган эди. Бутун аскар соя жой излашиб, дарахтлар тубларига тарқалдилар. Шу орада пай-

ғамбаримиз ўзлари ҳам ёлғиз бир дарахт остида ётиб кўзлари уйқуга кетди. Бир қабила мушрик араблар буни пайқаб туришган эди. Расулуллоҳнинг ёлғиз ётганларини алардин бирови кўрди. Фаврас номлик раислари аларга айтдиким: «Бундоқ иш пайти кишига кам учрагай, маслаҳат шул ким, бу фурсатни ўтказмасдин, яширинча ўзим ул жойга бориб, Муҳаммадни ўлдиргайман, анга сездирмасдин тоғдин тушди. У ўрмалаб, яшириниб юриб-ўлтириб, Расулуллоҳнинг устиларига келиб, қиличини суғурган чоғда, уйғониб қолдилар, қарасалар қиличи яланг бир киши чопгали турибдур.

Фаврас:

— Эй Муҳаммад, энди сени менинг қўлимдан ким қутқаза олади? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Аллоҳ қутқазгай, — деб уч қайта айтдилар. Дарҳол қўли тутмас бўлиб, қиличи ерга тушди.

Расулуллоҳ дарҳол қиличини қўлларига олиб:

— Энди сени ким қутқазгай? — дедилар.

Анда ул:

— Сени фазли-караминг қутқазгай, йўқ эса бошқа мени қутқазгувчи қолмади, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Шаҳодат айтгил, ўлимдан қутулурсан, — дедилар.

Анда ул:

— Шул ҳолда шаҳодат айтсам, ўлимдан қўрқиб айтган бўлурман, аммо аҳд қилиб ваъда берурманким, иккинчи сенга қаршилиқ қилиб, сенга қарши чиққан қўшинга қўшилмагайман, — деб афв сўради. Расулуллоҳ анинг гуноҳини ўтдилар.

Сўнгра ул одам ўз қабиласи боргач:

— Бу дунёда энг яхши одам олдидан келдим, албатта унинг тутган йўли яхши бўлса керак, — деб улар олдида иймон калимасини айтиб мусулмон бўлди. Буни кўриб бутун қабиласи ҳам Ислом динига кирдилар.

## ИККИНЧИ БАДР ҲАЗОТИ

Бу воқеа шундоқ эрдиким, ўтган Уҳуд урушида Қурайш мушриклари мусулмонларни енгган эдилар. Уруш тўхтаб қайтар чоғларида аскар бошлиғи Абу Суфён:

— Эй Муҳаммад, келаси йили Бадр мавсумида сизлар билан яна уруш қилгаймиз, деганида, Расулуллоҳ: «Иншааллоҳ, у вақтда биз ҳам тайёрмиз», деб ваъда берган эдилар.

Бадрда эса ҳар йили Шаъбон ойида саккиз кун бозор бўлур эди. Қурайш мушриклари Уҳуд урушидан қайтиб, Маккага бордилар. Расулуллоҳ, Мадинага келиб, уч ой ўтгандан сўнгра Шаъбон оyi кирди. Ўтган Уҳуд урушида қилган ваъдалари бўйича яна уруш сафарига тайёрлик қилдилар. Бир минг беш юз кишидан қурилган қўшин ҳозирлангандин сўнгра, Абдуллоҳ, ибн Убайни Мадинага волий тайинлаб, йўлга чиқдилар. Булар ичида ўн киши (баҳодирлардан) отлиқ бўлиб, қолганлари туялик эдилар.

Аскар йўлга чиқмасдин бир кун илгари Анжад қабиласининг раиси Нуайм ибн Маъсуд Мадинага келди. Бу киши эрса Маккага бормоқчи эди. У ерга борган ҳамон бу хабарни ваҳималик қилиб Абу Суфёнга етказди. Буни онглагач, у кўп ғамгин бўлди. Чунки чиқмай деса, ўз ваъдасига хилоф қилган бўлур ва ҳам бошқалар олдида урушдин қўрқиб чиқмагандек кўринур. Яна шулки, Расулуллоҳ қўшин тортиб ваъдалашган жойга келсалар, Қурайш мушриклари буни билатуришиб, ўз ваъдаларича қарши туриб уруша олмасалар, араблар олдида буларни обрўлари тўкилур эди. Шунинг учун Абу Суфён Нуайм ибн Маъсудга: «Сен Мадинага бориб, қўрқинчлик ёмон хабар тарқатгин, Қурайш халқи чексиз аскар йиғмишдур. Иккинчи Бадр урушига қаттиқ ҳозирлик қўрмақдадур. Сон-санок, курул-жабдуқ жиҳатдин аларга тенг келмак мумкин эмас, деб шунга ўхшаш сўзлар билан доврўф солиб, аларни урушдин қўрқиттил. Агар шу иш бажарилиб, Муҳаммадни бу сафардан қолдирур бўлсанг, бу хизматинг учун сенга йигирма туя берурмиз», деб ваъда қилди. Иш ўринлаганда бу молни олиб, топшириб бермакка Саҳл ибн Умар кафил бўлди.

Шунинг билан Нуайм ибн Маъсуд Мадинага келиб, мусулмонлар орасига қўрқинчлик хабарлар тарқатди. Бунинг сўзига мунофиқлар, яҳудлар қўшимча қилиб, халқ ўртасида шовқин кўтардилар. Буларнинг ёлғон хабарлари, ботил сўзлари вақтинча бўлса ҳам таъсирсиз қолмади. Кўпчилик қора халқ ичига қўрқинч тушди. Урушга бормаслик тарафдорлари кўпайишди. Анда ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар халқ

оғзидаги доврўғни онглагач, Расулуллоҳ қошига келишиб:

— Ё Расулаллоҳ, аниқ билурмизким, Аллоҳ таоло ўз пайғамбарининг ишларини юзага чиқаргай, ўзи юборган бу Ислом динини барча динлардин волиб қилгай, бунга ишончимиз комилдур. Лекин малъун шайтон кўпчилик кишиларнинг кўнгилларига кўрқинч солишдур. Буларга қараб, сафардин тўхталур бўлсак, бизни урушдин кўрқиб қочди, деб душманларимиз журъатлик бўлгайлар. Эндиги маслаҳат шулдурким, кўшин тортиб Бадр бозорига борайлик. Агар душманларимиз ҳам келур бўлсалар, Аллоҳ ёрдамига сифиниб, саваш қилайлик. Агар улар келмас бўлсалар, қилган ваъдаларини ўзлари бузган бўлсин. Шу иш биз учун хайрлик бўлур, иншааллоҳ, — дедилар.

Расулуллоҳ ўз ўйларидаги бундоқ яхши маслаҳатлик сўзни шу икки ёрларидан эшитиб, суюнганларидан муборак юзлари гулдек очилди ва:

— Аллоҳ оти ила қасам қилурман, агар бу ғазотга ҳеч ким қўшилмай, ёлғиз қолур бўлсам ҳам, яна боргайман, — дедилар.

Мусулмонлар бу сўзни онглагандин сўнгра, уларнинг кўнгилларига тушган кўрқинч бутунлай кўтарилади. Шунинг билан Мадинадин чиқиб Бадр бозорига етдилар. Бу ғазотда Ислом туғини Ҳазрати Али кўтармиш эди. Қарасалар, бу жойга душманлардин ҳеч ким келмабдур. Уларни кутиб, бу ўринда саккиз кун турдилар.

Расулуллоҳнинг келган хабарлари бутун араб қабилаларига етиб маълум бўлди. Абу Суфённинг бу тўғридаги ҳийлалари кўп фойда топмади. Нуайм ибн Масъуднинг тарқатган ёлғон хабаридан Муҳаммад аскарлари чўчишиб, бу сафарга чиқмай қолса ажаб эмас, деган унинг умиди бекорга чиқди. Иш унинг ўйлаганидек бўлмай қолди. Шундоқ бўлса ҳам номус кучидин икки юз кишилик аскар олиб йўлга чиққан эди. Мажанна деган жойга келганда Абу Суфён аскар бошлиқларига қараб:

— Бу йил ёмғир яхши ёмганликдан юртимизда очарчилик бўлиб туради. Бундоқ очарчилик кунларида уруш қилмоқ бек оғир ишдур. Бундин халққа кўп зиён бўлмай, қачон қаҳатчилик кўтарилар экан, ана шунда бу ишни бошлагаймиз, — деди.

Бу сўз бошқаларга ҳам хуш келди. Шу баҳона бўлиб,

йўлдан қайтдилар. Аскар бошлиқларидан Сафвон Ибн Умайя Абу Суфён сўзини онглагач, уни маломат қилгани турди: «Бу ваъдани қилмоқдин илгарироқ ҳам мен сени қайтарган эдим. Муҳаммад ваъдани сақлаб, Бадр бозорига келмишдур, биз бўлсак, энди араб олдида ваъдани бузиб, урушдан қочгандек бўлиб кўриндик. Бу иш эса биз учун қаттиқ номусдир», деди.

Шундай қилиб, душманларни йўлдан қайтган хабабри эшитилгач, бу жойда туришнинг ҳожати бўлмай, Расулуллоҳ ҳам Мадинага қайтдилар.

### ДАВМАТУЛ ЖАНДАЛ ҲАЗОТИ

Ҳижратнинг тўртинчи йили охирларида Расулуллоҳга хабар келдиким, Давматул Жандал деган жойда турган одамлар йиғилишибдур, буларнинг мақсадлари эрса Мадинага ҳужум қилмоқдур. Бу хабар келгач, Расулуллоҳ минг кишилиқ аскар тузиб, йўлга тушдилар. Бу ер Мадинанинг Шом тарафида бўлиб, ўн беш кунлик йироқликда эди. Ўткинчи йўловчиларга тўсқин кўрсатиб, аларга кўп зулм қилмоқда эдилар. Душманга билдирмай аларни босиш учун, кундузи яшириниб, кечаси юрдилар.

Шундоқ қилиб, Ислоом аскарлари душман устига етиб бориб, тўсатдан аларга ҳужум қилди. Нима қилишларини билишолмай, ўз бошларини олиб қочишга аранг улгурдилар. Бутун мол-чорваларини ўтлоқда қолдириб, ўзлари эса ҳар қаёққа тарқалиб қочдилар. Алардин қолган бутун нарсалар ўлжага тушди. Душман томонидан ҳеч қандоқ қаршилиқ кўрилмай, Мадинага саломат қайтдилар.

Шу қайтишларида Физор қабиласининг раиси Уяйна ибн Ҳисн Расулуллоҳга учрашиб, ўртада келишим бўлди. У чоғда бу қабила кишилари динга кирмаган эдилар. Расулуллоҳ бу одамни «Аҳмақул мутоъ», яъни, «обрўйлик аҳмоқ», дер эдилар. Халқ ичида шундай одамлар билан ҳам муросани мадора қилмоқ лозимдур. Шунинг учун Расулуллоҳ бу одам билан сулҳ тузиб, муроса қилиб, бутун умматлари учун бир тузук (қонун) қолдирдилар. Бу билан муроса қилганликдан, чорва молларини ўтлатмоқ учун Мадинадан ўттиз олти мил узокдаги бўш ётган ерлардан ўтлоқ жой кесиб бердилар. Ўз ерларида шу йиллари ёмғир ёғмай, қуруқчилик бўлган эди.

Расулуллоҳнинг бу қилган яхшиликларини улар билмадилар. Бу жойга келишиб, от-улоқ, ориқ туёқлари семиргандин кейин Расулуллоҳнинг соғин туяларини ҳайдашиб, ўз ерларига қочишиб кетди. Бу воқеани ўз ўрни келганда яна баён қилурмиз, иншоаллоҳ. Шу киши ҳақида бу ҳадисни айтганлар:

**«Инна шарранаси ман тарақаҳуннасу иттиқоа фаҳшиҳи».** Яъни: *«Одамлар ичида энг ёмон киши шулки, унинг уятсизлиги, оғзи бузуқлигидан кишилар ҳазар қиладилар, зиён етмасин деб уни ҳурмат қиладилар. Энг ёмон одам шулдур»*, дедилар.

Энди бу жойда Пайғамбаримизнинг у киши ҳақида «обрўйлик аҳмоқ» деган сўзларидан илҳом олиб, бу ўринда, ўқитувчилар учун бир неча фойдалиқ сўзлар ёзиб қолдиришни лозим топдим. Албатта, шуни билмак керакким, инсон оламига берилмиш неъматлар ичида энг улуғи ақл неъматидур. Шунга ўхшаш, оламда борлиқ балолар ичида энг ёмони аҳмоқлик балосидур. Бундай зиёнлик ёмон нарса дўзахда ҳам йўқдур. Агар киши ақлини ҳақлик йўлида ишлатар экан, у киши фаришталик мақомига етиб, балки пайғамбарлар каби улардан ўтиб комил инсон бўлиши шубҳасиздур. Агар одам аҳмоқлик йўлига кириб, ҳайвонлик сифатига берилар экан, шайтонга қул бўлиб, дўзах ўтига ем бўлишига шак йўқдур. Дунё яратилгандан бошлаб, ноҳақ тўкилган қонлар, еру-кўкка гуноҳи сиймайдиган инсонларнинг қилган зулм-хиёнатлари барчаси шу аҳмоқлик орқасидан юзага чиққан ишлардур. Агар киши бировни: «Худо сени аҳмоқ қилмасун, аҳмоқларга йўлдош қилмасун», дер экан, уни энг улуғ олқишлаган бўлур. Шунинг учун Жалолиддин Румий «Маснавий шариф» китобида айтмишдур:

**«Зи аҳмақон бигуриз чун Исо гўрихт»**, яъни: *«Исо пайғамбар аҳмоқлардин қочди, сен ҳам шунингдек улардин қочгил, чунки бутун дунёда бор бузуқлик ишлар, ноҳақ тўкилган қонларнинг барига шулар сабабдур»*, деган бўлур. Бу байтнинг китобда ҳикояси бордур.

Шундоққи, бир куни Исо алайҳиссалом бир неча аҳмоқ одамларни кўриб, улардин юз ўтириб қочдилар. Анда шогирдлари: «Ё Расулаллоҳ, сизнинг муборак нафасингиздан қанча кўп туғаси (туғма) гунглар, карлар шифо топдилар. Сизнинг қўлингизда Худо изни билан бир неча ўликлар ҳам тирилди. Шундай бўлгач, бу аҳмоқларга бир дам урсангиз, булар ҳам шу аҳмоқ-

лик балосидан қутулиб қолсалар яхши бўлур эди», дедилар. Анда Исо алайҳиссалом «Менинг нафасим Аллоҳ изни билан ўликларни тиргиза олар. Ҳар қандоқ дардманларга шифо бағишлар. Аммо аҳмоқ одамларга таъсир қилмас. Чунки аҳмоқлик Аллоҳнинг қаҳридур», дедилар.

Мана шунга ўхшаш, ҳозирги кунларда, яъни ҳижрий 1380, мелодий 1960 йилда ер усти бутунлай шу аҳмоқлар қўлига кирди. Динсизлик, даҳрийлик балоси бутун дунёни қоплади. Ислом ҳукумати, Ислом мамлакати дейишга икки Ҳарамдан бошқа ҳеч бир жой қолмади. Аллоҳ юборган пайғамбарлар кўрсатган тўғри, ёруғ йўлдин дунё халқи бутунлай четга чиқдилар. Кўзлари кўр бўлгач, бу кунги маданиятнинг маърифат нурлари юрар йўлларини ёритмади. Топган илму-хунарларини халққа фойда берарлик қилиб ишлатмадилар, балки инсонларни қириб, йўқотарлик, бутун оламга ҳалокат етказурлик энг даҳшатлик қуроллари-ни тайёрладилар. Пайғамбаримиз айтганларидек, дунё илми кундан-кунга ривожланиб, тараққий топди. Аммо дин илмини билган, бутун мамлакатда бир-икки, деб саналиб қолди. Инсон оламида ҳақиқий маданиятга етиш учун бу икки илм арқоқ ўриш каби бир-бирига қаттиқ боғланиши лозим эди. Чунки Қуръонда келган бу оят бизнинг сўзимизга очиқ далилдур:

**«Раббана атина фид-дунё ҳасанатан ва фил ахирати ҳасанатан ва қина азобаннар»**, яъни: *«Эй бор Худоё, бизларга бу дунё, у дунё, ҳар икки дунёда яхшилик бергил ва ҳам дўзах азобидан асрагил»*, деган бўлур.

Аллоҳ таоло бу оятда ҳар икки дунёнинг яхшилигини сўрашни баъдаларига буюрди. Бу давлатга етиш йўлларини уларга ўзи кўрсатди, дунё давлатини қўлга киритиш учун илм ўрганишга буюрди. Охират яхшилигига етиш, дўзах азобидан қутулиш учун динни ушлашга амр қилди. Илм ўрганиб, табиат асрорини очишга асбоб (сабаб) қилиб, ақл-идрок берди. Динни ўргатиб, иймон-инсоф йўлларини билдириш учун пайғамбарларини юборди. Ҳар илмнинг, ҳар фаннинг моҳир олим устозлари ҳар шаҳарда юзлаб, минглаб топилишлари мумкин. Аммо улар ичида халқ учун қайғурган оқил, доно одамлар кам топилур. Илм тараққий қилганликдан агар аҳмоқ қўлига тушар экан, бутун оламни хароб қилғудек энг даҳшатлик қуроллари шу олимлар ўйлаб чиқардилар. Нодонлар қўлига қурол

топширмак, маст-мажнунлар қулига ўт бермак, каби-дур. Булар эса бир куни бутун оламга ўт қўйиб юборишдан ҳам тоймайдилар.

Сўзнинг хулосаси, ҳақиқатнинг тўхтаган жойи шулки, Аллоҳ бир бўлгандек, унинг кўрсатган йўли ҳам бирдур. У эса Муҳаммад алайҳиссалом келтирган Ислом динидур. Аллоҳнинг минг бир оти бордур, анинг бир исми Аҳаддур. Шунинг учун «Қул хуваллоҳу аҳад» ояти ила бошлагувчи сура Қуръонда келмишдур. Пайғамбаримизнинг исмлари эса Аҳмаддур. Аллоҳ Аҳад, ўзи кўрсатган ҳақ йўлига бутун инсонларни бошлаш учун ҳабиби Аҳмадни йўлбошчи қилиб юбормишдур. Энди, инсонлар Худо юборган йўлбошчилари Муҳаммадга эргашиб, анинг йўлига кирар эканлар, бу дунёда роҳатда яшаб, охиратда жаннатга киргайлар. Агар шундай бўлмас экан, ундай одамлар майли бошқа дин тутсин ёки тутмасин, бу дунёда қўллари ишдан бўшамайди, кўнгиллари ғамдин чиқмайди. Қиёматта қолмасданоқ, ўлишлари билан ўзларини дўзах ичида кўрадилар. Қуръон ҳукми, Ислом эътиқоди шулдур. Аҳмак одам устида пайғамбаримизнинг айтган қутлуғ сўзларидан илҳом олиб ўқигувчиларга, шу қадар сўзларни айтиб ўтдим, иншааллоҳ, фойдасиз бўлмас. Яна ўз сўзимизга келайлик. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сафарларидин қайтиб рабиул охирнинг йигирмаларида саломат Мадинага кирдилар. Сафарда эканликларида Ансорлар раиси Саъд ибн Убоданинг онаси вафот топмиш эди. Мадинага келгач ё Расулаллоҳ, онам учун садақа қилсам қайси нарса савоби кўпроқ бўлғай, деб сўради. Анда Расулуллоҳ ташналарга сув бермақдур, дедилар. Саъд разияллоҳу анҳу бу сўзни англағач, Мадинада бир қудуқ қаздирди. Савобини онасига бағишлаб сувини вақф қилди.

## БАДР ЖАНГИ ҲОЗИЙЛАРИНИНГ ИСМЛАРИ

- |                              |                            |
|------------------------------|----------------------------|
| 1. Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) | 9. Анас ибн Муоз           |
| 2. Абу Бакр Сиддик           | 10. Анаса Мавло Расулуллоҳ |
| 3. Умар ибн Хаттоб           | 11. Унайс ибн Қатода       |
| 4. Али ибн Абу Толиб         | 12. Авс ибн Собит          |
| 5. Убай ибн Каъб             | 13. Авс ибн Хавлий         |
| 6. Ахнас ибн Ҳабайб          | 14. Иёс ибн Авс            |
| 7. Арқам ибн Абу Арқам       | 15. Иёс ибн Букайр         |
| 8. Асъад ибн Язид            | 16. Бужайр ибн Абу Бужайр  |



- |                                |                              |
|--------------------------------|------------------------------|
| 17. Баҳҳос ибн Саълаба         | 60. Ҳамза ибн Абдул мутталиб |
| 18. Баро ибн Маърур            | 61. Хорижа ибн Зайд          |
| 19. Басбаса ибн Амр            | 62. Холид ибн Укайр          |
| 20. Бишр ибн Баррор            | 63. Ҳубоб ибн Арт            |
| 21. Бишр ибн Саъд              | 64. Ҳубоб ибн Утба           |
| 22. Билол ибн Рабоҳ            | 65. Ҳабиб ибн Асоф           |
| 23. Тамим мавло Ҳирош          | 66. Харрош ибн Қатода        |
| 24. Тамим мавло Бани Ғунм      | 67. Хиррош ибн Симма         |
| 25. Тамим ибн Яор              | 68. Ҳурайм ибн Фотиқа        |
| 26. Собит ибн Арқам            | 69. Халлод ибн Рофеъ         |
| 27. Собит ибн Суълаба          | 70. Халлод ибн Амр           |
| 28. Собит ибн Холид            | 71. Халлод ибн Қайс          |
| 29. Собит ибн Амр              | 72. Халлод ибн Сувайд        |
| 30. Собит ибн Ҳаззол           | 73. Хулайд ибн Қайс          |
| 31. Саълаба ибн Ғанама         | 74. Халифа ибн Адий          |
| 32. Суълаба ибн Амр            | 75. Хунайс ибн Хизофа        |
| 33. Сақаф ибн Амр              | 76. Ҳаввон ибн Жубайр        |
| 34. Суълаба ибн Ҳотиб          | 77. Ҳавалий ибн Аби Ҳавалий  |
| 35. Жобир ибн Абдуллоҳ         | 78. Заквон ибн Убайд         |
| 36. Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Амр | 79. Зушшимолайн ибн Абд      |
| 37. Жаббор ибн Саҳр            | 80. Рошид ибн Муалло         |
| 38. Жубайр ибн Иёс             | 81. Рофеъ ибн Ҳорис          |
| 39. Жабр ибн Атик              | 82. Рофеъ ибн Унжуда         |
| 40. Ҳаррос ибн Анас            | 83. Рофеъ ибн Молик          |
| 41. Ҳаррос ибн Авс             | 84. Рофеъ ибн Муалло         |
| 42. Ҳаррос ибн Авс ибн Муоз    | 85. Рофеъ ибн Язид           |
| 43. Ҳорис ибн Ҳазма            | 86. Рубайй ибн Рофеъ         |
| 44. Ҳорис ибн Хотиб            | 87. Рабеъ ибн Иёс            |
| 45. Ҳорис ибн Абу Ҳамза        | 88. Рабиа ибн Аксам          |
| 46. Ҳорис ибн Арфажа           | 89. Ражила ибн Саълаба       |
| 47. Ҳорис ибн Қайс             | 90. Рифоа ибн Ҳорис          |
| 48. Ҳорис ибн Нуъмон           | 91. Рифоа ибн Рофеъ          |
| 49. Ҳорис ибн Қайс             | 92. Рифоа ибн Абдул Мунзир   |
| 50. Ҳорис ибн Суроқа           | 93. Рифоа ибн Амр            |
| 51. Ҳориса ибн Нуъмон          | 94. Зубайр ибн Аввом         |
| 52. Ҳотиб ибн Абу Балтаа       | 95. Зиёд ибн Сакан           |
| 53. Ҳотиб ибн Умар             | 96. Зиёд ибн Амр             |
| 54. Ҳабоб ибн Мунзир           | 97. Зиёд ибн Лабида          |
| 55. Ҳабиб ибн Асвад            | 98. Зайд ибн Аслам           |
| 56. Ҳаром ибн Милхон           | 99. Зайд ибн Мизян           |
| 57. Ҳорис ибн Зайд             | 100. Зайд ибн Ҳориса         |
| 58. Ҳусайн ибн Ҳорис           | 101. Зайд ибн Хаттоб         |
| 59. Ҳамза ибн Ҳумайр           | 102. Зайд ибн Вадиа          |
|                                | 103. Зайд ибн Муалло         |

104. Солим ибн Умайр  
 105. Солим Мавло Абу Ҳузайфа  
 106. Соиб ибн Усмон ибн Мазъун  
 107. Сабура ибн Фотик  
 108. Сууроқа ибн Амр  
 109. Сууроқа ибн Каъб  
 110. Саъд ибн Абу Ваққос  
 111. Саъд ибн Хавла  
 112. Саъд ибн Ҳайсама  
 113. Саъд ибн Зайд Авсий  
 114. Саид ибн Зайд Муҳожирий  
 115. Саъд ибн Рабеъ  
 116. Саъд ибн Саъд  
 117. Саъд ибн Саҳл  
 118. Саъд ибн Убода  
 119. Саъд ибн Убайд  
 120. Саъд ибн Муоз  
 121. Саъд мавло Ҳотиб  
 122. Саъд ибн Усмон  
 123. Суфён ибн Наср  
 124. Салама ибн Аслам  
 125. Салама ибн Собит  
 126. Салама ибн Салома  
 127. Салит ибн Қайс  
 128. Сулайм ибн Милҳон  
 129. Сулайм ибн Амр  
 130. Сулайм ибн Қайс  
 131. Симок ибн Саъд  
 132. Синон ибн Сайфий  
 133. Сулайм ибн Ҳорис  
 134. Синон ибн Абу Синон  
 135. Саҳл ибн Ҳаниф  
 136. Саҳл ибн Рофеъ  
 137. Саҳл ибн Атик  
 138. Саҳл ибн Қайс  
 139. Саҳл ибн Ваҳб  
 140. Суҳайл ибн Рофеъ  
 141. Савод ибн Разин  
 142. Савод ибн Фазийя  
 143. Сувайбит ибн Ҳармула  
 144. Шужоъ ибн Ваҳб  
 145. Шурайк ибн Анас  
 146. Шаммос ибн Усмон  
 147. Субайҳ мавло Абул Ос  
 148. Минвон ибн Ваҳб  
 149. Сайфий ибн Савод  
 150. Суҳайб ибн Синон  
 151. Заҳҳок ибн Ҳориса  
 152. Заҳҳок ибн Абди Амр  
 153. Замра ибн Амр  
 154. Туфайл ибн Ҳорис  
 155. Туфайл ибн Молик  
 156. Туфайл ибн Нуъмон  
 157. Талҳа ибн Убайдуллоҳ  
 158. Тулайб ибн Умайр  
 159. Осим ибн Собит  
 160. Осим ибн Адий  
 161. Осим ибн Акбар  
 162. Осим ибн Қайс  
 163. Оқил ибн Букайр  
 164. Омир ибн Рабиа  
 165. Омир ибн Умайя  
 166. Омир ибн Букайр  
 167. Омир ибн Саъд  
 168. Омир ибн Салама  
 169. Омир ибн Фуҳайра  
 170. Омир ибн Муҳаллад  
 171. Омир ибн Сакин  
 172. Уббод ибн Бишр  
 173. Уббод ибн Қайс  
 174. Убода ибн Сомит  
 175. Абдуллоҳ ибн Қайс  
 176. Абдуллоҳ ибн Жубайр  
 177. Абдуллоҳ ибн Суълаба  
 178. Абдуллоҳ ибн Жаҳш  
 179. Абдуллоҳ ибн Жадд  
 180. Абдуллоҳ ибн Ҳумайр  
 181. Абдуллоҳ ибн Рабеъ  
 182. Абдуллоҳ ибн Равоҳа  
 183. Абдуллоҳ ибн Сууроқа  
 184. Абдуллоҳ ибн Зайд  
 185. Абдуллоҳ ибн Салама  
 186. Абдуллоҳ ибн Саҳл  
 187. Абдуллоҳ ибн Шурайк  
 188. Абдуллоҳ ибн Торик

189. Абдуллоҳ ибн Омир  
 190. Абдуллоҳ ибн Абдуманноф  
 191. Абдуллоҳ ибн Урфата  
 192. Абдуллоҳ ибн Амр  
 193. Абдуллоҳ ибн Қайс  
 194. Абдуллоҳ ибн Каъб  
 195. Абдуллоҳ ибн Маҳрама  
 196. Абдуллоҳ ибн Масъуд  
 197. Абдуллоҳ ибн Мазъун  
 198. Абдуллоҳ ибн Нуъмон  
 199. Абдуллоҳ ибн Жабр  
 200. Абдураҳмон ибн Авф  
 201. Абдуруббих ибн Ҳақ  
 202. Абда ибн Ҳасҳос  
 203. Абас ибн Омир  
 204. Омия ибн Моис  
 205. Убайд ибн Авс  
 206. Убайд ибн Тайҳон  
 207. Убайд ибн Зайд  
 208. Убайд ибн Аби Убайд  
 209. Убайд ибн Ҳорис  
 210. Утба ибн Рабиа  
 211. Утба ибн Ғазвон  
 212. Утба ибн Абдуллоҳ  
 213. Атбон ибн Молик  
 214. Ажлон ибн Нуъмон  
 215. Усмон ибн Мазъун  
 216. Адий ибн Аби Заъбоъ  
 217. Исмағ ибн Ҳусайн  
 218. Усайма ибн Ашжайй  
 219. Атийя ибн Нувайра  
 220. Уқба ибн Омир  
 221. Уқба ибн Усмон  
 222. Уқба ибн Ваҳбил-муҳожир-  
 рий  
 223. Уқба ибн Ваҳбил-ансорий  
 224. Уккоша ибн Муҳсин  
 225. Аммор ибн Ёсир  
 226. Иммора ибн Ҳазм  
 227. Иммора ибн Зиёд  
 228. Амр ибн Иёс  
 229. Амр ибн Ҳорис  
 230. Амр ибн Жамуҳ  
 231. Амр ибн Ҳорисил-ансорий  
 232. Амр ибн Суроқа  
 233. Амр ибн Абу Сурҳ  
 234. Амр ибн Талқ  
 235. Амр ибн Маъбад  
 236. Амр ибн Қайс  
 237. Амр ибн Муоф  
 238. Амр ибн Саълаба  
 239. Умайр ибн Ҳаром  
 240. Умайр ибн Авф  
 241. Умайр ибн Ҳумом  
 242. Умайр ибн Омир  
 243. Умайр ибн Абу Ваққос  
 244. Авф ибн Ҳорис  
 245. Увайм ибн Соида  
 246. Иёз ибн Зуҳайр  
 247. Ғаном ибн Авс  
 248. Фокиҳ ибн Бишр  
 249. Фарва ибн Амр  
 250. Қатода ибн Нуъмон  
 251. Қудома ибн Мазъун  
 252. Қатаба ибн Омир  
 253. Қайс ибн Амр  
 254. Қайс ибн Муҳсин  
 255. Қайс ибн Муҳаллад  
 256. Каъб ибн Жаммоз  
 257. Каъб ибн Зайд  
 258. Либда ибн Қайс  
 259. Молик ибн Абу Ҳавла  
 260. Молик ибн Дахшам  
 261. Молик ибн Рабиа  
 262. Молик ибн Амр  
 263. Молик ибн Рифоа  
 264. Молик ибн Қудома  
 265. Молик ибн Масъуд  
 266. Молик ибн Нумайла  
 267. Мубашшир ибн Абдилмун-  
 зир  
 268. Мажзар ибн Зиёд  
 269. Муҳаррар ибн Омир  
 270. Меҳраз ибн Назла  
 271. Муҳаммад ибн Маслама  
 272. Мидлож ибн Амр  
 273. Мурсад ибн Абу Мурсад  
 274. Мистаҳ ибн Усоса

275. Масъуд ибн Авс  
 276. Масъуд ибн Халда  
 277. Маъсуд ибн Рабиа  
 278. Масъуд ибн Зайд  
 279. Масъуд ибн Саъд  
 280. Масъуд ибн Абди Саъд  
 281. Мусъаб ибн Умайр  
 282. Муоз ибн Жабал  
 283. Муоз ибн Ҳорис  
 284. Муоз ибн Симма  
 285. Муоз ибн Амр  
 286. Муоз ибн Моис  
 287. Маъбад ибн Ибод  
 288. Маъбад ибн Қайс  
 289. Муаттаб ибн Убайд  
 290. Муаттаб ибн Авф  
 291. Муаттаб ибн Қушайр  
 292. Маъқал ибн Мунзир  
 293. Муаммар ибн Ҳорис  
 294. Маан ибн Адий  
 295. Маан ибн Язид  
 296. Муавваз ибн Ҳорис  
 297. Муавваз ибн Амр  
 298. Миқдод ибн Асвад  
 299. Мулайл ибн Барра  
 300. Мунзир ибн Амр  
 301. Мунзир ибн Қудома  
 302. Мунзир ибн Муҳаммад  
 303. Миҳжаъ ибн Солиҳ  
 304. Назр ибн Ҳорис  
 305. Нўъмон ибн Абду Амр  
 306. Нўъмон ибн Аъраж  
 307. Нўъмон ибн Синон  
 308. Нўъмон ибн Амр  
 309. Нўъмон ибн Абу Хузма  
 310. Нўъмон ибн Аср  
 311. Нўъмон ибн Моляк  
 312. Нуаймон ибн Амр  
 313. Навфал ибн Абдуллоҳ  
 314. Ҳоне ибн Ниёр  
 315. Ҳубайл ибн Вабара  
 316. Ҳилол ибн Муалло  
 317. Воқид ибн Абдуллоҳ  
 318. Варақа ибн Иёс  
 319. Вадиа ибн Амр  
 320. Ваҳб ибн Саъд  
 321. Ваҳб ибн Абу Сарҳ  
 322. Язид ибн Ахнас  
 323. Язид ибн Ҳорис  
 324. Язид ибн Ҳизом  
 325. Язид ибн Руқайс  
 326. Язид ибн Сакан  
 327. Язид ибн Мунзир  
 328. Абу Айюб  
 329. Абул Аъвар  
 330. Абу Ҳибба Собит  
 331. Абу Ҳанна ибн Молик  
 332. Абу Ҳабиб ибн Зайд  
 333. Абу Ҳузайфа ибн Утба  
 334. Абул Ҳасан Ансорий  
 335. Абу Хорижа  
 336. Абу Халлод  
 337. Абу Ҳузайма  
 338. Абу Довуд  
 339. Абу Дужона  
 340. Абу Насбара  
 341. Абу Салит  
 342. Абу Салама  
 343. Абу Синон  
 344. Абу Шайх  
 345. Абу Сарма  
 346. Абу Таббоҳ  
 347. Абу Талҳа  
 348. Абу Убайда ибн Жарроҳ  
 349. Абу Уқайл  
 350. Абу Қатода  
 351. Абу Қайс ибн Муалло  
 352. Абу Кабша  
 353. Абу Лубоба  
 354. Абу Муҳашшо  
 355. Абу Муршид  
 356. Абу Масъуд Бадрий  
 357. Абу Мулайл ибн Азъар  
 358. Абул Ҳайсам ибн Тайҳон  
 359. Абу Юср.

## БАНИЛ МУСТАЛИҚ ҒАЗОТИ

Бу воқеа шундоқ эрдиким, шу қабиланинг раиси Ҳорис ибн Заррор Уҳуд урушида Қурайш мушрикларига ёрдам бериб, Расулуллоҳга қарши урушган эди. Шундаги ғолибиятга мағрур бўлиб, ўз қабиласидан бошқа араблардан кучлик бир қўшин қуриб, Расулуллоҳга қарши уруш очмоқчи бўлди. Расулуллоҳ бу хабарни эшитгач, буни аниқлаш учун яширинча Бурайда саҳобани юбордилар. Аниқдиги маълум бўлгач, муҳожир ансорлардин етарлик аскар тузиб, йўлга чиқдилар. Бу сафарда мунофиқлар раиси Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул бошлиқ бир мунча кишилар ҳам бор эди. Бу сафардин ғаразлари эрса, агар мусулмонлар енгсалар, ўлжалик бўлиб, мол топиш, агар енгилур бўлсалар, Исломга қарши иш кўриш эди. Буларнинг мақсадлари Расулуллоҳга маълум бўлса ҳам, мураса учун сабр қилдилар. Кетаётганларида душман томонидан юборилган жосус қўлга тушди. Душман ҳолини андин Расулуллоҳ сўраб эдилар, очиқ айтгани унамай, сўзга келмади. Иймон арза қилсалар, қабул қилмади. Бошқа чораси бўлмагач, уни ўлимга буюрдилар.

Иккинчи манзилда Абдул Қайс қабиласидан бир киши келиб, Расулуллоҳга салом берди. Расулуллоҳ:

— Қайдин келдинг, қаён борурсан? — деб андин сўрадилар.

У эрса:

— Жойим Руходадир, сиз келтирган ислом динини ҳақ билиб, иймон келтиргани келдим, — деди.

Буни англаб, Расулуллоҳ Худого ҳамду-сано айтиб, бек суюндилар. Сўнгра ул одам:

— Ё Расулаллоҳ, иймон келтиргандин кейин, мўмин кишига қайси иш қилиш ҳаммадан яхшироқдур? — деб сўради.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Намоз вақти кириши билан таъхир қилмай, (кечиктирмай), ўташдур.

Бу сўзни англагач, ул одам умри борича намозни аввали вақтида ўқишни ўзига лозим тутди.

Сўнгра душманлар раиси Хорис ибн Заррорга хабар етдиким, анинг юборган жосуси ушланиб, ўлдирилмишдир. Бундин ёмон фол олиб, кўнглига қўрқинч тушди. Аскар ичида ҳам ҳар хил ваҳималик сўзлар

пайдо бўлиб, шу баҳона билан бирмунчалари тарқалиб кетдилар.

Пайғамбаримиз айтдилар:

— Агар киши кўнгли бир ишдан чўчиб, ундан ёмон фол олса, шу дуони ўқиб, ўз ишида давом этсун:

**«Аллоҳумма ла йаътий билхайри илла анта вала ядфаушшарра илла анта».** Маъноси: *«Эй бор Худое, ҳар яхшилиқни бергувчи ва ҳар ёмонлиқдан сақлагувчи Ўзингсан».*

Бир нарсадан чўчиб, ёмон фол олиш, ирим-сирим қилиб ўлтириш Ислom динида йўқ ишдур. Шундоқ қилиб, Расулуллоҳ соллалoху алайҳи васаллам учинчи манзилга келиб тушдилар. Бу ерни Мурайсиъ деб айтишур эди. Душманлар ҳам шу жойда йиғилишиб турган эдилар. Расулуллоҳ ҳам саф тузиб, уруш тайёргарлигини кўриб, ҳозир турдилар. Сўнгра иймонга таклиф қилиб:

— Агар «Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур расулуллоҳ», деб таслим бўлсалар, ўлимдан омон топқайлар, — дедилар.

Улар бу сўздан юз ўтиргач, уруш бошланди. Ҳар икки тарафдин бирор соат ўқлар отилди. Сўнгра саҳобалар ҳужумга ўтдилар. Кўп ўтмай, душманлар енгилди. Бир мунчалари қиличдан ўтказилгач, қолганлари бутунлай асир олинди. Беш минг қўй, икки юз туя ўлжа тушган эди. Бу моллар устига Расулуллоҳнинг озод бўлган қуллари Шақронни қоровул қўйдилар. Қўлга тушган асирларни ҳазрати Бурайдага топширдилар. Бу урушда олинган асирлар ичида шу қабиланнинг раиси Ҳорис ибн Заррорнинг Барра исмли қизи ҳам бор эди. Бу қабиладан икки юз оила асир тушган эдилар. Булар эса араблар ичида атоқлик қабилалардан бўлиб, хотун-қизларини асоратда қолдириш ўзлари учун энг оғир номус саналур эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллалoху алайҳи васаллам бу тўғрида бир яхши сиёсат қўллаб, асирлар ичида раисларининг қизи Баррани ўз никоҳларига олдилар. Буни саҳобалар кўргач:

— Бу қабила раиси Расулуллоҳга қайнота бўлди, Расулуллоҳ аларга куёв бўлдилар, энди бунинг ҳурматидан биз ҳам қўлимиздаги асирларимизни озод қилишимиз керак, — дейишиб, ўз тақсимларига тушган барча асирларини озод қилдилар.

Шу иш сабаб бўлиб, бу қабиладан ҳеч ким қолмас-

дан, ҳаммаси мусулмон бўлди. Шу учун онамиз Оиша: «Бу хотуннинг шарофати ўз қабиласига бек улурдур, улар асирликдан озод бўлишиб, икки дунё азобидан қутулишди. Ислом динига киришиб, абадий давлатга етдилар», дедилар. Онамиз Баррани никоҳларига олгандан кейин, исмини йўткаб (ўзгартириб) Жувайра қўйдилар. Барра яхшилик, Жувайра қизчоқ, деган бўлур. Буни йўткашнинг сабаби эса фаҳмлик кишиларга маълумдир.

Яна шу сафарда бир воқеа ўтди. Аскарлардан икки киши сув талашиб, урушиб қолдилар. Бирлари Макка муҳожирларидан, яна бирлари Мадиналик ансорлардин эди. Муҳожир ансорни уриб, қон қилди. Бу таёқ етган киши араб одатича: «Ё лал Ҳазраж?» (яъни, «Эй Ҳазраж, бормисан?») деб ўз қабиласини ёрдамга чақирди. Буни кўриб, урган киши ҳам: «Ё лал, муҳожирийн?», деб қўрққанидан қичқирди.

Жоҳилият араблари уруш вақтида ҳар қабиланинг юқориги оталарини атаб қичқирар эди. Мундоқ қичқирешларида ҳар қабила ўз уруғига ёрдам беришлари лозим бўлур эди. Бу товушни эшитгач, муҳожир, ансор саҳобаларидин икки фирқа одам юғуриб келиб, ёрдам бериш учун ҳар қайсилари ўз кишилари устига тўпландилар. Қуролларига қўл солишиб, урушиб кетишларига оз қолди. Бу воқеа устида катта бир фитна чиқишига яқинлашди, муни англаб, Расулуллоҳ чодирларидан югурганларича келиб:

— Эй, мўминлар, мундоқ сўзлар жоҳилият замонидан қолган ёмон сўзлардур. Бу қичқирешлар фитна қўзғаб, қон тўкилишига сабаб бўлур. Ислом динига кирган киши яна шундай сўзларни ташламас эрса, ундай одам тамуққа (дўзахга) ташланур, Мўминлар бир-бирига Худо қўшган биродардур. Биродари мазлум бўлсин ёки зolim бўлсин, унга ёрдам бериш лозимдур,— дедилар.

Анда бир киши:

— Ё Расулуллоҳ, мазлумга ёрдам қилайлик, аммо зolimга нечун ёрдам қилурмиз? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Агар зolimни шу қилган зулмидан қайтарур бўлсанг, унга ёрдам қилган бўлурсан, — дедилар.

Сўнгра ҳар икки тарафни сўз билан қондириб, бу фитнани босдилар. Аммо мунофиқлар бўлса, бу иш баҳона бўлиб, ёмон сўзга офизлари очилди. Айниқса,

уларнинг раислари Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул қаттиқ газабланиб, ўзига қарашлик бир неча мунофиқлар билан бу ҳақда сўз қилишдилар. Мўминлардин Зайд ибн Арқам булар ичида ўлтирган эди. Абдуллоҳ ибн Убай айтди:

— Бундай хўрликни ким кўргандур, нега бундай қиладилар? Қочқин эдилар, ерлик бўлдилар. Оз эдилар, кўпайдилар, ўтганларнинг мақоллари бек тўғридур: «Итингни кўп тўйғизма, оч бўлса, орқангдан эргашиб юргай, ит семирса, эгасин қопгай».

Мана шунга ўхшаш адабдин ташқари бир мунча сўзлар эшитиб ўтирган Зайд ибн Арқам буни кўнглига сиғдиролмай, Ҳазрати Умарга келиб айтди. У эса Пайғамбаримизга айтди. Ансор муҳожирларидин олдарида ўлтирган саҳобалар кўп эди, бу сўзни англаб, муборак менгзалари (юзлар) ўзгарди, унга қараб:

— Балким сен бу сўзни хато англагандурсан, ул шундай ёмон сўзни айтмаган бўлғай, — дедилар.

Ансор саҳобалар Зайд ибн Арқамни қаттиқ ҳурмат қилишар эди, уни сўзи ёлғондек кўриниб ўзи хижолатга қолди. Сўнгра Ҳазрати Умар:

— Ё Расулаллоҳ, бу сўзни айтувчи мунофиқлар раиси Абдуллоҳ ибн Убайнинг, албатта, жазосини бериш лозимдур. Рухсат қилингиз, бошини кестайман, ёки ансорларга рухсат қилгайсиз, ўзлари йўқ қилсунлар, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— Эй Умар, бу ишга сабр қилмоқдин бошқа чора йўқдур. Агар унга жазо берур бўлсак, ўзаро кўнглисиз ишлар чиқиб, ҳар хил сўз кўпайгай.

Сўнгра кишиларни алаҳситиб, бу фитнани босиш учун у жойдин кўчишга буюрдилар. Йўқ эса, мундоқ кун қизигида йўл юриш Расулуллоҳга одат эмас эди. Ансор раисларидан Усайд ибн Ҳузайр келиб:

— Ё Расулуллоҳ, муңдоқ кун қизигида йўлга чиқишнинг сабаби нимадур? — деб сўради.

Анда Расулуллоҳ:

— Сен Абдуллоҳ ибн Убай сўзини эшитмадингми, у эса Мадинага борган сўнггида бизни ва бизга қарашли муҳожирларни Мадинадан ҳайдаб чиқармоқчи бўлибдур, — дедилар.

Анда ул:

— Ё Расулаллоҳ, сизни Аллоҳ азиз қилган, уни



бўлса, хор қилмишдур. Агар сиз руҳсат қилсангиз, ўзини Мадинадан биз ҳайдаб чиқарайлик. Сиз Мадинага келишингиз олдида уни подшоҳ қилмоқчи бўлиб, тахт қурган эдик. Инжу гавҳар билан зийнатлаб, бошига тож кийдирмоқчи эдик. Шу орада сиз келиб, Ислом дини ривожга кириши билан бу сўз унутилиб, ташлаб қўйилди. Бунинг подшоҳлигини сиз тортиб олгандек бўлиб қолдингиз. Мана шунга ҳасади қўзғалиб, чидай олмасдин айтган сўзидур, — деб унинг томонидан узр айтгандек бўлиб, афв ўтинди.

Шу билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кеча-кундуз тўхтамасдан йўл юриб, эртаси куни тушга яқинлашганда манзилга келиб тушдилар. Йўл узунлиги, яна уйқусизликдин бек чарчаб, туядан тушишлари билан ухладилар. Муңдоқ узоқ юришларининг сабаби эрса, ўтган кунги мунофиқлар қўзгаган сўзларни бостирмоқ эди. Лекин бу мунофиқнинг ўғли Хубоб чин мусулмон бўлганидан, отаси Абдуллоҳ устида бўлган сўзларни англаб, бек хафа бўлиб Расулulloҳ олдиларига келди ва:

— Ё Расулulloҳ, агар отамни ўлимга буюрмоқчи бўлсангиз, бу ишга ўзимни буюринг, ҳозир унинг бошини кесиб келтирайин. Сиз учун ани қурбон қилайин. Агар мендин бошқа бировни қўли билан отам ўлдирилса, мен учун бу иш яхшилик бўлмағай, негаким бутун Мадина халқи биладур, мен эсам отамонамга энг ортиқ ҳурмат кўрсатган, энг кўп хизмат қилган эрурман. Агар отамни ўзимдан бошқа киши ўлдирур эрса, уни дунёда тирик қолдириб, мен чидалмағайман. Ё Расулulloҳ, ахлоқингиз улуғ, отам гуноҳини афв қилсангиз яхшироқдур, — деди.

Анда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Сен ўйлаган нарса менинг кўнглимда йўқдур. Бундин кейин ҳам отанг билан яхшилик ила муомалада бўлғаймиз, ўтган ишларини кечирдим, — дедилар.

Аммо ул мунофиқ айтган сўздан тониб, қасамёд қилган бўлса ҳам Мунофиқун сураси бу ҳақда нозил бўлиб, унинг айтган сўзи исбот қилинди. Бўлиб ўтган воқеа, ушбу сурада тамомила айтилмишдур. Бу ҳақда Зайд ибн Арқамни ёлғончи қилган эдилар. Бу оятлар нозил бўлгач, анинг сўзи ростга чиқди. Шундоқ бўлса ҳам, Расулulloҳ афв қилиб, фитнани босдилар. Лекин ул мунофиқнинг адабсизлигидан ва шумлигидан, шунча кўп мўъжиза ва кароматларни кўра туриб, ўлгунга

қадар заррачалик иймон нури анинг кўнглига кирмади. Бу мунофиқлар бунинг билан ҳам қаноатланмасдан, шу сафарда онамиз Оишанинг устидан тухмат сўзларини чиқардилар. Расулуллоҳ оилаларига ва асҳоби киромларига шу сабабдан бир қанча хижолатлик, маломатлик сўзлар пайдо бўлди. Онамиз ҳазрати Оиша бошиқ, оталари ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ бошларига тоғ йиқилгандек, бутун оилалари билан бек ташвишда қолдилар.

Бу ҳол билан бирор ой ўтгандин сўнг онамиз Оишани оқлаб, Қуръони каримда ўттиз оят нозил бўлди. Бу ҳақда мунофиқлар қилган тухматлари раддига Аллоҳ таолодин ваҳий келиши, Расулуллоҳ хонадонининг улуғ шарафга эга эканини исботлади. Мусулмонларнинг кўнглини ранжитган бу воқеа бутун ҳадис китобларида, тарих саҳифаларида ёзилмишдур, балки ҳатто Қуръони каримда ҳам очиқ баёни бордур. Мен бу китобимда бошқа кишилардек бошдин-оёқ қолдирмай ёзиб ўтиришни кўнглим кўтармади. Қисқаси шулки, Расулуллоҳ Исломи динини юзага чиқаришда тортмаган турлик жабр-жафолари, кўрмаган қаттиқ қунлари, эшитмаган ёмон сўзлари қолмаган эди. Бунинг ажрини Аллоҳ у зотга ўзи берсун.

Ҳар бир умматман деган киши ушбу саловатни ўқиб, Пайғамбаримиз ҳақларига дуо қилиши албатта лозимдур:

**«Жазаллоҳу аънно саййидано Муҳаммадан маҳува аҳлуҳу».** Яъни: *«Аллоҳ таоло биз умматлар тарафидин Пайғамбаримизнинг ўзига лойиқ савоблар берсун»*, демақдур.

## ЯНА БИР ВОҚЕА

Шу сафардин қайтишларида, бир куни Расулуллоҳнинг минган туялари йўқолди. Саҳобалар ҳар тарафга тарқашиб, ани излагани турдилар. Ҳеч жойдин туя дараги топилмагач, бу ишдин мунофиқларга яна сўз топилди. Аларнинг раислари Зайд ибн Салт деган киши ансор саҳобалари ичида ўлтурган эди. Мусулмонларга таъна қилиб:

— Бу киши қаңдоқ пайғамбармен, дейди, йўқолган туясини қайга кетганини ўзи билмайдур. Осмонлар устидан ваҳий келтиргувчи Жаброил бу ҳақда унга нимага хабар келтирмайдур? — деди.

Бу сўзни эшитган саҳобалар у мунофиқни шу замонни ўлдирмоқчи бўлдилар. Алардин кўрқиб дарҳол Расулуллоҳ паноҳига қочди. Бу келиб етмасдин илгари Расулуллоҳ айтдиларким:

— Шу ҳозирда бу мунофиқ меним йўқолган туям устида сўз қилди, туяси қаёққа кетганини билмаган киши қандоқ қилиб пайғамбармен, дейди. Нега ваҳий келиб, туясининг жойини билдирмади, деди. Ҳайб ишни Аллоҳдин бошқа ҳеч ким билмайду. Илгари билмаган эдим, ҳозирда ваҳий келиб, туя хабарини менга билдирди. Шу кўринган тоғ жилғаси ичида бурундиқ ипи билан бир ёғочнинг бутоғига илинганича туя тўхтаб турибду, бир киши бориб, ани келтурсун, — дедилар.

Бунни эшитган ул мунофиқ:

— Мен энди аниқ ишондим, кўнглимдаги ғуборим кўтарилди, сиз Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари экансиз. Бир дам илгари бу сўзлар мендан айтилмиш эди, оғзимдан чиқиши билан бу сўзларни сизга ким еткузди? Ул туянинг ёғочга ўралиб қолганини сизга ким билдирди? Албатта, сизга бу ишлар Худо тарафидан берилмушду, йўқ эса, ғайб ишларни ким била олмай? — деб Расулуллоҳдин ўз гуноҳи учун афв сўради. Расулуллоҳ уни кечирдилар.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу сафардин қайтар вақтларида аскар ичидаги югурук отлар, чопагон туялардин келтириб, пойга чоптирдилар. Расулуллоҳнинг ҳам Қасво ва Азбо номлик икки чопагон туялари, Дарб исмлиқ бир югурук отлари бор эди. Туяларини ҳазрати Билол минди, отларини Абу Саъд минди, бу икковлари бошқаларнинг югурук от-туялари билан пойга қўйдилар. Ҳар икковлари ҳам бу пойгада ғалаба қилдилар. Айниқса, Расулуллоҳнинг Азбо номлик елмаён туялари бек чопагон эди. Икки ёшлиқ туясини минган бир аъробий келиб, ул туя билан чопиштирди, аъробий туяси пойгада ўзиб чиқди. Саҳобалар бу ишни кўриб, бек оғир олдилар. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Аллоҳга одат шулдурки, дунёда нима нарса кўтарилиб ривож топса, бир куни уни тубан туширгай. Бу ҳайвоннинг ҳам кўп пойгалардин фолиб чиқиб, кўкраги кўтарилган эди. Аллоҳнинг одати бўйича бу ҳам тубан тушди. Бунга хафа бўлиш тўғри эмасду. Чунки бу иш дунё қонунича бўлмишду.

Яна шу сафарда таяммум ояти нозил бўлди. Бунинг сабаби шул эрдиким, онамиз ҳазрати Оиша Расулуллоҳ билан бирга чиққан хотунлар одатларича бўйинларига осган зийнатлари бор эди, уни араблар «қилода» дейдилар. Бир манзилдан кўчиб йўлга чиққанда бўйинларига қарасалар, тақилмиш қилода тушиб қолмишдур. Буни Расулуллоҳга айтгач, шу жойда тўхтаб, ахтариш учун орқага икки одам юбордилар. Бу турган жойлари эса бир чўлу-саҳро бўлиб, ўтган манзилдан сув ҳам олмаган эдилар. Йўл устида узун туриб қолганларидан, кун иссиғи, сувсизлик кишиларни кўп малол қилди. Бир неча кишилар ҳазрати Абу Бакрга келиб, онамиз Оиша устидан шикоят қилдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ хафа бўлиб, қизлари Оиша чодирига келдилар. Қарасалар, Расулуллоҳ Оиша онамиз тиззасига бош қўйиб, янгидан ухлаган эканлар, ўзлари уйғонмагунча Пайғамбаримизни ҳеч кимар уйғота олмас эди. Чунки Расулуллоҳ уйқу ичида ҳам Аллоҳдин ваҳий олуver эдилар. Ҳазрати Абу Бакр қизлари Оишага қараб:

— Сен бизни хижолатга қўйдинг, Расулуллоҳ бошлиқ бутун бир қўшин — аскарни сувсиз бир чўл жойда тўхтатдинг. Кишилар ичгали ва таҳорат қилгали ҳеч жойда сув йўқдир, бу қийинчиликларга сен сабаб бўлдинг, — деб онамиз Оишани биқинларига икки-уч маротаба қаттиқ нуқдилар. Оиша онамиз жонлари оғриган бўлса ҳам, Расулуллоҳнинг уйқулари бузилмасин деб қимирламадилар. Расулуллоҳ ҳам шул орада уйқудан уйғониб кетдилар. Қайси бир намознинг вақти ҳам кирган эди, таҳорат олмоққа сув сўрадилар эрса, анинг йўқлигини айтдилар. Бир таҳорат олгудек ҳам сув топилмади. Мана шул чоғда Таяммум қилмоққа рухсат бўлиб, ушбу оят тушди:

**«Файн лам тажидув моан фатаяммамув саъийдан тоййибан».** Яъни: *Таҳорат олмоққа, ғул қилмоққа сув топмас эрсангиз, тоза тупроққа таяммум қилинглр, демақдур.*

Мана шул оят ҳукми ила сув йўқ ерларда ғул, таҳорат ўрнида таяммум қилмоқ мусулмонларга фарз бўлди. Бу ҳукмнинг тушганига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп сўюниб:

— Эй Оиша, бу йўқолган қилоданг қандоғ қутлуғ нарсадурким, умматларим учун бундоқ кенгчиликка сабаб бўлди, — дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ келиб:  
— Эй қизим Оиша, сенинг ҳар бир ишингдан бир баракот чиққай, — дедилар.

Ансор раисларидан Усайд ибн Ҳузайр келиб:  
— Абу Бакр Сиддиқ авлодида мусулмонлар учун кўп баракот бордур, — деб суюнчилик қилди.

Шунинг учун онамиз ҳазрати Оиша айтдилар:  
«Тўққиз неъматдурким, Аллоҳ таоло уни менга бермишдур. Улардин ҳеч бирини бошқа хотунларга бермабдур.

Бирини шулдурким, Жаброил алайҳиссалом менинг расминни кафтида келтириб, Расулуллоҳга кўрсатиб: «Бу расм эгаси сенинг жуфтинг бўлғай», деди.

Иккинчиси мени Расулуллоҳ қиз олдилар, бошқа хотунлари эса, ҳаммаси эр кўрмиш, жувон эдилар.

Учинчиси шулки, Расулуллоҳ энг охирги умрида, менинг қучоғимда, бошлари кўксимда туриб жон бердилар.

Тўртинчиси эса, Расулуллоҳнинг қабрлари менинг уйимда бўлди, демак, менинг уйим арши аъзамдан ҳам улғу даражага етди.

Бешинчиси, Расулуллоҳ билан бир тўшақда ётган вақтимда ҳам ваҳий келур эди. Бошқа хотунлари билан ётган чоғларида бу иш бўлмади.

Олтинчиси, отам Абу Бакр Сиддиқ Расулуллоҳнинг ажралмас дўсти бўлиб, вафотлари сўнгида анинг биринчи халифаси бўлди.

Еттинчиси, пок яратилдим, пок наسدан туғилдим, энг пок, муқаддас зотга ёр бўлдим.

Саккизинчиси, тириклик чоғимда Аллоҳнинг раҳмат ва мағфирати билан менга башорат берилди.

Тўққизинчиси, мунофиқлар қилган тухматдин пок-лигимни Аллоҳ таоло ваҳий юбориб, ўзи исбот қилди.

Мана шу ўтган воқеалардин сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи вассаллам бу сафардин қайтиб, соғ ва саломат Мадинага келдилар.

## ХАНДАҚ ҲАЗОТИ

Бу ҳазотнинг чиқишига сабаб шул эрдиким, юқорида баёни ўтган Бани Назр яҳудлари Расулуллоҳга қилган аҳдларини бузиб, хиёнатлари билинганлиги учун араб еридан чиқиб кетмакка Расулуллоҳ томонидан ҳукм бўлган эди. Булар жойларидан чиқарилгач, аларнинг

раислари араб қабилаларига тарқалдилар. Тўхтовсиз равишда Расулуллоҳга қарши фитна-фасод қилишга киришдилар. Мақсадлари эса Расулуллоҳдин ўч олмоқ, қайтадин ўз жойларига қайтиб бормоқ эди. Яҳуд раисларидан бир нечалари Маккага келиб, Қурайш раислари билан кўришгандан сўнгра, аларни Расулуллоҳ билан уриштирмоққа бек қизиқтирар эдилар. Ва: «Агар Муҳаммад билан сўқишур бўлсангиз, бизни энг олдинги сафда кўргайсиз», деб аҳд бердилар. Бу иш эрса, Қурайш раиси Абу Суфёнга маъқул бўлди. Қурайш ваъдаларини олиб, сўнгра Ғатафон қабиласига келдилар. Бу эса араблар ичида атоғлик қабилалардин саналур эди. Абу Суфён билан қилган уруш муоҳадаларини(келишишларини) аларга билдирдилар. Бу ифвогар яҳуд раислари ичида Мадинанинг мунофиқ раисларидан Абу Омир фосиқ ҳам бор эди. Шу билан Ғатафон қабиласи ҳам Қурайш билан бирликда уруш қилмоққа байъат бердилар. Бунни кўриб, тубандаги қабилалар ҳам шу иттифоққа қўшилишдилар. Шу чоғда Қурайш уруғларидан атоғлик элик киши Байтуллоҳ ёпинчиғига ёпишиб, кўкраklarини Байтуллоҳ томиға (деворига) тақаб туришиб, қаттиқ қасам ичдилар: «Муҳаммадни тамоm тугатмагунча бу урушдан тўхтамаймиз, барчамиз бирликда бўлиб, майдонда ўлиб тугамагунча душмандин қочмаймиз», дейишиб аҳд қилдилар.

Шундоқ қилиб, бутун Қурайш қўшинига Абу Суфён раис сайланди. Аскар сони тўрт мингдан ортиқ эди. Уч юз отлик, минг туялик, қолганлари пиёда аскарлар эди. Ўз эътиқодларича, Байтуллоҳдин сўнгги энг қутлуғ ўрин аталган Дорун Надва уйида тўпланишиб, сўқиш байроғини боғлашиб, Усмон ибн Талҳага топширдилар. Бунинг отаси Талҳа кофирлар туғчиси, Уҳуд урушида ўлдирилган эди. Шу боис алар: «Отанг ўчини олгайсан», деб бу урушда туғни унга бердилар.

Ғатафон қўшинига Уяйна ибн Ҳисн аскарбоши бўлди. Бунга Расулуллоҳ ери қуруқчилик, эли очарчилик бўлганда, Мадина атрофидаги ўтлоқ жойлардин чорваси учун ер берган эдилар. Очлари тўйиниб, ориқлари семириб етилганда, яхшиликка ёмонлик қилиб, Расулуллоҳга қарши урушга минг аскар тўлади. Расулуллоҳ у ҳақида: «Аҳмақул мутоъ», яъни, «Обруйлик аҳмоқ», деган эдилар. Бунинг воқеаси юқорида ўтгандир. Бу сўзнинг чинлиги яна аниқланди.

Бани Мурра қабиласидин тўрт юз кишилик аскар

чиқди. Аларнинг бошлиғи Ҳорис ибн Авф эди. Ашжаъ қабиласига Абу Масъуд бошчилик қилди. Бани Салм қабиласининг аскар бошлиғи Суфён ибн Абду Шамс бўлиб, бунинг етти юз аскари бор эди.

Бани Асад қабиласи ҳам раислари Тулайҳа ибн Ҳувайлид қўл остига кириб, бу иттифоққа қўшилдилар. Бутун йиғилган аскар сони ўн икки мингдан ортиқроқ бўлди. Буткул аскар бошлиғига, ўзаро иттифоқлашиб, Абу Суфённи белгиладилар.

Аmmo бу ишлардин Расулуллоҳнинг ҳам хабарлари бор эди. Тингчилар орқали бу иш аниқлангандин сўнгра, барча саҳобаларни йиғиб, ўртага маслаҳат солдилар: Душманни тўсиб, аларга қарши чиққайларму ёки йўлга чеб (тўсиқ) боғлаб, Мадина ичида кутиб тургайларму? Расулуллоҳнинг одатлари бир воқеа устида агар Аллоҳдин ваҳий келмаса, катта-кичикларни йиғиб, кенгаш билан иш қилур эдилар. Қуръонда кўрсатилган қонун ҳам шундоқ эди. Бу маслаҳат устида Салмон Форсий айтди:

— Ё Расулаллоҳ, биз Форс ерида, агар душман аскари кўпчилик бўлиб, уларни отлик аскарлари ҳужумидан кўрқилса, аскаримиз айланасига, от ўтолмагудек ўра қазиб, мунинг билан душман отлиқлари ҳужумидан сақланур эдик.

Анинг бу сўзи Расулуллоҳга маъқул келди. Шу билан ишга ярарлик барча мўминларга — деб буйруқ бердиларким, бу ишни душман етиб келмасдин илгари, тезроқ бажарсинлар. Араблар ичида мундоғ иш илгари-кейин ҳеч кўрилмаган эди.

Мадина шахрининг шимол томони очиқлик бўлгани учун, бутунлай шу ёқни ўра билан ўрашга тўғри келди. Бошқа тарафлари эса маҳалла уйлари, қалин хурмолик боғлар билан ўралганлиқдан, очиқ жойи йўқ эди. Бу томондин ҳужум қилиш душманга қулай эмас эди. Шу хандақ қазиш кунларида саҳобалар кўп қийинчилик тортдилар. Чунки у кунларда очарчилик бўлганлиқдан торчилик билан кечинмақда эдилар. Қурак, кетмон каби қазиш асбобини йиғиб, бу ишда қўл кучи билан ишлатмак лозим эди. Расулуллоҳ ўзлари ҳам бу ишда саҳобалар билан бирга ишладилар. Чунки душман қораси кўринмай туриб, бу хандақ қазилиб бўлиши зарур эди. Шунинг учун Расулуллоҳ хандақ қазиётган кишиларга:

— Тезлик билан бу хандақларни қазиб охирига

етказиш лозимдур. Дунё ва охиратлик улуғ ишларни инсон сабр-сабот билан қўлга келтира олув. Аллоҳ сабр қилгувчиларга, ҳар ишда чидамлилиқ кўрсатувчиларга ёрдам етказиши аниқдур. Уруш кунларида ва ҳар қандоқ оғир ишларда агар сабр қилув эрсангиз, Аллоҳ ёрдами билан зафар топиб, душманларингизни енггайсиз, — деб мўминларга башорат бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ҳам бу ишга қатнашиб, орқалаб тупроқ ташидилар. Бутун танлари чанг-тўзон бўлмиш эди. Буни кўриб мунофиқлар, яҳудлар масхара қилиб, қувонишур эдилар. Мўминларнинг бошига тушган бу оғирчиликлар устига Бани Қурайза яҳудлари шу фурсатдан фойдаланиб, Расулуллоҳ билан қилган илгариги аҳдларини буздилар. Ул аҳд бўйича Мадина устига келган ҳар қандай душманга қарши Расулуллоҳга ёрдам беришлари лозим эди. Бу яҳудларнинг хиёнатлари эшитилгач, мусулмонларга қаттиқ ташвиш тушди. Чунки Мадина тўрт томондан душман қўшини билан ўралмиш эди. Шаҳар ичида қолдирилмиш хотун ва болалар учун қаттиқ қўрқинч туғилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу даҳшатлик хабарни эшитиб, Мадинани душмандин сақлаш учун Зайд ибн Ҳориса қўмондасида беш юз кишилиқ бир бўлук аскар юбордилар. Чунки «аҳдини бузган Бани Қурайза яҳудлари Мадина устига чопул (ҳужум) қилмоқчи эмишлар», деган сўз Расулуллоҳга эшитилмиш эди. Бу хабарни аниқлаш учун ҳазрати Зубайрни аларга юбордилар. Бу киши бориб кўринишлари биланоқ, яҳудлар Расулуллоҳ ҳақларида адабдин ташқари сўзларни айтишгани турди. Алар ҳаққида айтилган хиёнат сўзларининг ростлигини ўзлари кўрсатди. Ҳазрати Зубайр дарҳол қайтиб, Расулуллоҳга бу хабарни етқурди. Эшитган заҳоти «Аллоҳу акбар», деб такбир айтдилар. Сўнгра башорат бериб, дедиларким:

— Эй мўминлар! Сизлар бу яқинларда улуғ суюнчиликка етгайсиз. Аллоҳнинг ёрдами тезда сизларга етишгай, душман устидан ғалаба қозониб, бизлар зафар топгаймиз.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хандақ қазиш ишларини душман аскарлари етиб келмасдан олдинроқ тутатиш зарур бўлганлиқдан мунинг чорасига қаттиқ киришиб, уч мингга яқин киши бул иш устида бирор ой туриш қилдилар.



Бу ишда энг ортиқ хизмат кўрсатган саҳобалардан ҳазрати Салмон Форсий бўлди, ёлғиз ўзи ўн кишилик ишни бажарур эди. Бу киши қизғинлик билан ўразовур қазиб турган чоғида ер остидин қаттиқ шувоқ кесак чиқиб, кетмон у ерга ўтмади. Ҳазрати Салмон қўлига метин олиб чопар бўлса, метинни миз-миз қайтарур эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ишчилар устида айланиб юриб, шу ерга келиб қолдилар, қарасалар, иш шундай экан. Дарҳол Салмонни қўлидан метинни олиб: «Бисмиллоҳ» деб шу ерни уч қайта чопдилар. Ҳар чопганларида чақмоқ чаққандек ялт этиб ўт кўринур эди. Биринчи чопганда: «Аллоҳу акбар, Шом ўлкаси фатҳ бўлди», иккинчи чопганда «Аллоҳу акбар, Яман кетди», учинчида «Аллоҳу акбар, Эрон олинди, бу ерда подшоҳ саройини кўрдим. Ундаги ҳазиналар очқичини қўлимга олдим. «Сеңдин сўнгра умматларинг бу жойларни олгайлар», деб Жаброил алайҳиссалом менга хабар берди», дедилар.

Айтганларидек, Пайғамбаримизнинг замонларидаёқ Яман вилояти олинган эди. Қолган иккилари (Эрон, Шом) Ҳазрати Умар ҳалифалик даврида фатҳ бўлди. Неча йиллар илгари айтилган бу хабарнинг ҳақлигини бутун умматлари ўз кўзлари билан кўришдилар.

Мунофиқлар эса, Расулуллоҳнинг бу сўзларини англашиб: «Ҳай-ҳай, Муҳаммад Мадинада туриб Эрон подшоҳининг саройларини кўрган эмиш, бу гапи асоссиз. Тубсиз сўзлар билан ўзига тобун бўлган анқовларни алдамоқчи бўлур. Ер усти подшоҳларининг ҳазиналарига эга бўлмиш киши, нега кўрққанидан хандақ қазитур. Ўзи душман келиб қолишидан кўрқиб шовилганидан ҳожат қилишга ҳам вақти йўқдир», дейишиб, мана шундай қийинчилик чоғда бу мунофиқлар ҳам дилларидаги яширин хиёнатларини билдириб, мусулмонларга таъна қилгани турдилар.

Иш шундоқ бўлиб турган чоғда Аллоҳдин ваҳий келиб, ушбу оят тушди:

**«Қулиллаҳумма маликал мулки туътил мулка ман ташау ва таизиул мулка мимман ташау ва туъиззу ман ташау ва тузиллу ман ташау, биядикал хайру, иннака ала кулли шайъин қодир».**

Яъни *«Айтгил, эй бор Хугоё, ҳукумат ва подшоҳлик эгаси Ўзингдурсан. Кимни хоҳласанг, подшоҳликни шунга берурсан, хоҳлаган кишидан подшоҳликни олурсан, хоҳлаган бировни азиз қилурсан, хоҳласанг уни*

*хор қилурсан. Ҳар яхшилик ўз қўлингидур. Уни кимга берурсан, кимдан олурсан, эрк ўзингидур, ҳар яхшилик ўз қўлингидур, Сенинг қудратинг етмаган ҳеч иш йўқдур».*

Аллоҳ таоло Пайғамбаримизнинг муъжизалик хабарларига инкор қилган мунофиқларнинг сўзини мана шу оят билан рад қилди. Бу оятнинг мазмунича Худо хоҳлаган экан, Расулуллоҳнинг умматлари ўзларидан кейин ўшал замонда энг кучлик давлатлардин ҳисобланган Рум ва Эронни фатҳ қилдилар. Эронистон бутунлай Ислом мамлакатига айланди. Осиё, Африқонинг кўп жойларини мусулмонлар олдилар.

Умавийлардин Валид ибн Абдулмалик даврида Африқо Барбаристонини очгандан кейин, ҳижратнинг 92-йили эрди, Торик ибн Зиёд қўли остида Ислом аскарари Сабта (Гибралтар бўғози) орқали ўтиб, Испанияни фатҳ қилдилар. Буни англаб бош қўмондон Мусо ибн Насир Пўрттегиз (Португалия) томонига кирди, ҳар иккови бирлашиб, Пўрттегиз ва Испанияни фатҳ қилганларидан сўнгра жанубий Франсага кириб уни ҳам олдилар. Агар бу икки қўмондон ҳасад қилишиб, ўз оралари бузулмаган бўлса эди, бутун Оврупонинг фатҳ бўлиши аниқ эди. Буларнинг иттифоқсизликлари учун ўзлари марказга чақирилди, бу сабаб бўлиб, у томонда бўлаётган Ислом футуҳоти ҳам тўхтади. Шундай бўлса ҳам Испанияда яқин тўрт юз йил Ислом ҳукумати давом этди.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Шундоқ бўлиб, бирор ой ичида хандақни ҳам қазиб тугатдилар. Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Мадина тоғининг тагида душмандан мудофаа қилурлик бир қулай ўрин танлаб, муборак ўрда (аскархона)ларини шу жойда қуришга буюрдилар.

Чунки уруш яроғининг бириси — кераклик ўринни билиб ушлашдир. Ислом аскарининг сони борлиғи бўлиб уч мингта етар эди. Муҳожирларнинг туғини асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳорисага топширдилар. Ансор саҳобаларга Саъд ибн Убода туғбеги бўлди.

Шунинг устига узоқдан қораси кўринган душман аскарари ҳам етишиб келди. Аскар атрофига қазилган чуқур хандақни кўришиб ҳайрон қолишди. Чунки бундан илгари араб ичида бундай иш ҳеч кўрилмаган эди. Шунинг учун душман аскарари бошлиғи Абу Суфён Расулуллоҳга қичқариб:

— Эй Муҳаммад, сен ўз чеврингга (атрофингга) турлик чўғой (камбағал) кишиларни тўпламиш эрурсан, йўқ эса араб халқининг қилич-найзасидан бошқа сиғинарлик (таянарлик) нарсаси йўқ эди, — деди.

Сўнгра ҳар икки ёқдин ўқ отишга киришдилар. Шул кун ичидан кечгача тўхтовсиз бу иш давом эди. Намоз ўташга фурсат сиғмаганлиқдан, мусулмонлар шу кунги намозларини қазо қилдилар. Ўртада хандақ тўсқинлик қилгани учун душман аскарлари ҳужум қилишга олмадилар. Отиш билан биринчи кун ўтгандан сўнгра, қуйида номлари ёзилган куффор баҳодирлари хандақни тор жойларидан от сакратиб бу томонга ўтдилар. Улардан:

1. Амр ибн Абдувад. Бу киши эрса бутун Арабистонда донғи чиққан катта баҳодирлардан эди. Ўтган Бадр урушида қаттиқ яраланган бўлса ҳам қўлга тушмай, қочиб қутулган эди. У: «Агар бу ярамдан ўлмай тузалур бўлсам, Муҳаммадни ўлдирмагунча, соч-соқолимга ёф суртмайман», деб араб одатича онт ичган эди.

2. Ҳазрати Умарнинг укаси Заррор ибн Хаттоб.

3. Абу Жаҳл ўғли Икрима.

4. Ҳуяйра ибн Абу Ваҳоб.

5. Навфал ибн Абдуллоҳ ва бошқалар.

Булар ичидан Амр ибн Вуд майдон ўртасида турди: «Қани менга ким талабгор бўлса чиқсин», деб уч қайта қичқирди.

Ҳар қичқирганида ҳеч ким ўрнидан турмагач, Ҳазрати Али чиқмоққа талаб қилса ҳам, Расулуллоҳ рухсат бермадилар. Балки:

— Эй Али, ўлтургил, бу майдонга турган киши Амр ибн Абдувад экандир, — деб анинг баҳодирлигини эслатдилар.

У эса, қаршисида чиққан ҳеч кимни кўрмагач, кўнгли кўтарилиб, нафси семирди. Сўнгра таънага тил очиб:

— Эй мусулмонлар, сизлар айтур эдингизлар, биздин ўлдирилганлар жаннатга киргайлар деб. Энди на бўлди, сиздан жаннатга киргани киши чиқмай қолди, — деб яна қичқирди.

Бу сўзни англаб Ҳазрати Али яна ўрнидан турди. Пайғамбаримиз «Ўлтур, ул Амр ибн Абдувад эмиш», деганларида:

— Ё Расулуллоҳ, ким бўлса ҳам унга чиққайман, — деб рухсат сўради.

Сўнгра Ҳазрати Али Амр ибн Абдувад олдига келиб:

— Эй Амр, сенга уч иш айтурман, албатта уларнинг бировин қабул қилурсан:

Биринчиси, иймон келтириб Ислом динига киргил.

Анда Амр:

— Бу сўзинг мендин йироқ тут! Иккинчи сўзингни айт, — деди.

Унда Ҳазрати Али:

— Агар иймон келтирмас бўлсанг, биз билан урушишни қўйиб, ўз элинга қайтгил! Агар Муҳаммаднинг айтган сўзи чин эрса, сен ўлимдан саломат қолиб, бахтли кишилардан бўлурсан. Агар унинг бу иши ёлғон бўлса, ёлғон орти вайрондир. У чоғда сен дегандек бўлиб ўз-ўзидан йўқолур, — деди.

Анда Амр айтди:

— Сенинг бу сўзинг Қурайш хотунларига кулгу бўлгудек ишдур. Буни қўйгил, учинчи сўзингни айтгил.

Анда Ҳазрати Али:

— Йўқ эса, энди иккимиз майдон ичида куч синашамиз, — деди.

Буни англагач, у қаҳқаҳа уриб кулди ва: «Араб ичида бу иш билан мени ҳеч ким кўрқита олмайди. Бу иш эса менинг излаган ишимдур. Муҳаммадни ўлдирмоққа онт ичиб, аҳд қилган эдим. Бутунги кунда у аҳдимга вафо қилгали вақт келмишдир», деб дарҳол отидан тушди.

Ҳар икки баҳодир майдон ичида пиёда бўлдилар. Амр ибн Абдувад чаққонлик билан қиличга қўл солди, қоронғу кечада ялт этган яшиндек қилични қинидан суғуриб, Ҳазрати Али бошига андоқ урдиким, қалқон-дубулғаларини кесиб қилич мизи бир озроқ бошига ботди. Сўнгра навбат Ҳазрати Алига етиб эди, бир қилич урушлари билан дубулға қалқонларини ёриб, бошини ярмига етди. Иккинчи уриш билан бошини узиб ерга ташлади. Буни кўриб бутун мусулмонлар шодлик ила такбир айтдилар. Ишонган баҳодирларига бу зарба етгач, қолган йўлдошлари ҳам чидаб туролмай қочдилар. Булардан Навфал ибн Абдуллоҳ от сакратганди, йиқилиб бўйни узилди, бошқалари бўлса, аранггина жон қутқаздилар.

Шундоқ бўлиб бу қилган ҳужумлари ўзлари учун зиёнлик бўлиб чиқди. Атоғлик баҳодирларидан икки

кишининг ўлими аларга қаттиқ зарба бериб, аскарнинг руҳи тушди. Мушриклар бу ишдин ўз одатлари-ча ёмон фол очдилар.

Хандақнинг бу томонида, мусулмонлар тарафида қолган ўликларига қаттиқ қайғуришдилар. Аларни сўраб, ҳар бирига ўн минг тангадан пул беришга ваъда қилишди.

Анда Расулуллоҳ:

— Худога ва унинг пайғамбарига қарши чиқиб, урушда ўлганларнинг танлари мурдордур. Биз нечук алардин пул олмаймиз, ташлаб беринглар, бу мурдорларни ўзлари кўмсунлар, — деб, қолдиргон ўликларини олмоққа рухсат бердилар.

Шундай бўлгач, душман аскарлари хандақ узра иккинчи бор ҳужум қилишга журъатлари қолмади. Лекин икки орада тўхтовсиз ўқ отишлар бўлиб турар эди. Шундай бўлиб беш-ўн кун ўтгач, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам булар ичидаги кўмондонлардан Ғатафон қабиласининг раиси Уяйна ибн Ҳиснга киши қўйиб, анинг билан алоҳида келишмоқчи бўлдилар. Бутун Ғатафон аскарлари агар душманлардан ажраб, урушмасдан ўз юртларига қайтиб кетсалар, уларга Мадина хурмосининг ҳосилидан учдан бирини бермакка Расулуллоҳ қарор қилдилар. Кечанинг қоронғусида Абу Суфёндан яширинча қабила бошлиқларидин икки киши келди. Ўртада бир аҳднома хат ёзилмоқчи бўлди. Бу иш устига ансор саҳобалар раислари Саъд ибн Муоз ва Саъд ибн Убодани Расулуллоҳ маслаҳат учун чақирдилар. Алар бу сўзни англагач, айтдиларким:

— Ё Расулаллоҳ, агар бу иш сизга Худо тарафидан буюрилгон бўлса, бош устига, унга қарши айтгудек сўзимиз йўқдур. Агар ундай бўлмай, бизга кенгашмоқчи бўлсангиз, қўл кучимиз билан топган ҳалол молимизни аларга нечук бергаймиз? Исломи динига кирмасимиздан илгари биздан хурмо емоқчи бўлсалар, сотиб олиб ер эдилар ёки аларни қўноқ қилиб берар эдик. Энди Исломи динига кирган ҳолимизда, бундоқ солиқ қилиб олишлари, аларнинг зўрлиги, бизларнинг хўрлигимиздур, — деб бу ишга норозилик билдирдилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Аллоҳдин бу ҳақда ваҳий келса эди, ҳеч ким билан кенгашиб турмагай эдим. Ул ишни қилсак, душманлар ўз ичидан бузулғайларми, деб ўйлаган эдим.

Ҳақиқатда эса, сизнинг сўзингиз тўғридур. Агар сиз бундай улуғ ҳиммат қилар экансиз, мен ҳам сизларга қўшилдим, — дедилар.

Шунинг билан ўлжага қизиқиб туришган қабила раисларининг умидлари узилди ва ўз жойларига қайтдилар. Энди икки орада қаттиқ ҳужумлар кутилмоқда эди. Шу ўртада Аллоҳнинг ёрдами етиб, ўйламаган жойдин мусулмонлар фойдасига бир иш келиб чиқди. Бу воқеа эса шундоқ эди.

Душман қўшини ичида Ашжаъ қабиласининг раисларидан Нуайм ибн Масъуд деган киши тун ярмида яширинча келиб мусулмон бўлди. Сўнгра айтдиким: «Ё Расулаллоҳ, қайси йўл билан сизга ёрдам етказ олмайман. Агар ҳийла ишлатмоққа рухсат қилсангиз эрди, душманни ўз ичидан бузмоққа киришур эдим. Лекин ёлғон айтмоқ Исломда йўқдур деб англадик», деди. Анда Расулаллоҳ: «Ал-ҳарбу ҳадиъатун». Яъни «Уруш ишлари ҳийла билан бўлур» дедилар. Бу тўғрида ҳар қандай ҳийла ишлатмакка рухсат қилдилар. Шунда у яна: «Зарурат тушганда ёлғон сўзласам қандоқ бўлур, ё Расулаллоҳ?» деб сўради.

Ҳожат тушганда ёлғон айтмоққа, изн бердилар. Шу билан бу киши Расулаллоҳнинг олдидан чиқиб тўғри Бани Қурайза яҳудийларининг қўшларига келди. Илгаридан улар билан дўстлиги бор эди. Бу кишини кўриб, яхши кутиб олдилар, таом дастурхони келтирдилар. Еб-ичиб бўлгач, аларга айтдиким:

— Эй Қурайза халқи, илгаридан бери сизлар билан ўртамизда алоқамиз узилган эмасдур. Мана шу кунги вақтда ҳам Муҳаммадга қарши бир иттифоқда турибмиз. Агар биримизга зиён бўлур эрса, барчамизга бўлур. Бундай бўлгач, ҳар ишнинг охирини ўйлаб қилмоқ керақдур. Йўқ эса, улуғ зиёнга учрагаймиз. Қардошларингиз Бани Қайнуқоъ, Бани Назир яҳудлари кўрган мусибатлари сизлар учун етарлик ибратдур. Муҳаммад уларнинг молларини бутунлай олиб, ўзларини араб тупроғидан ҳайдаб чиқазди. Аларга у чоғда ҳеч кимдан ёрдам етмади. Қурайш, Ғатафон ва бошқа қабилаларга келсак, уларнинг иши сизлардек эмасдур. Чунки улар тоғ-тош, йироқ ерлардан келмиш кишилардур, сизлар эса Муҳаммад билан ватандош эрурсизлар. Бола-чақа, мол-дунёларингиз шул жойдадур. Муҳаммад билан қилғон тинчлик аҳдини аларга ишониб бузиб қўйдингиз. Бу урушнинг охири қандоқ бўли-

шини ҳеч ким билолмайди. Уруш бошланганидан бери чиққан нагижа кўп яхши кўринмайди. Муҳаммад бўлса, араблар билмаган бир иш чиқариб, ўзини сақлагудек ҳолда бизга қарши турмоқдадур.

Энди Қурайш бошлиқ бу ҳамма қабилалар бу яқин орада Муҳаммадни енгишга чора топар бўлсалар, уни қилгайлар. Йўқ эса, бу ўринни узоқ қамал қилмоқдин зерикишиб, ўз юртларига тарқалиб кетсалар, ана ул чоғда сизнинг ҳолингиз не бўлур? Шунчалик кўп қўшинга тенглашиб турғон Муҳаммадга ёлғиз ўзингиз қандоқ қарши туролгайсиз? Мен мана шу ҳолларни ўйлаб, сизларга ачинганимдан бир тадбир топиб келдим. У ҳам бўлса шулдирки, Қурайш, Ғатафон — ҳар икки қабила ишонимлик кишиларидан етмиш кишини сизларга гаров берсинлар. Бу гаровга олмишан кишилар сиз билан уруш тамом бўлгунча биргаликда душманга қарши уришиб турсинлар. Мана шундоқ қилган тадбирда аларга ишонсак бўладур. Йўқ эса, бу ишнинг охири сизлар учун бек хавфлидир. Лекин бу сўзимни бошқалар эшитиб қолмасинлар, — деди.

Бунинг англагач, барчаларига бу маслаҳат маъқул тушди. Мундоқ хайрихоҳлик қилгани учун у кишига кўп ташаккур қилдилар.

Шу билан булар ичига шундоқ кўзғолон солиб қўйиб, секингина яширинча Абу Суфён қошига келди. Қараса, бир қанча аскар бошлиқлари билан ўлтирибдур экан. Ҳаммалари хуш келдинг, деб қарши олдилар. Сўнгра аларга қараб:

— Эй Қурайш халқи, сизларга меним қандоқ дўстлигим борлигини яхши билурсиз, ёмонликдин Худо сақласин, яхшиликка тилақдошдурмиз. Бир шум хабар англаб, сизларга дўстлик юзасидан эшиттириб қўйгани келдим. Ўзингизга маълумдурки, яҳуд қавмининг қилғон ваъдасида вафо йўқдур. Алар ўз қилғон ишлари — Муҳаммад билан ўрталарида тузилган аҳдларини бузғонларига энди ўқинишибдур. Бу тўғрида орага киши қўйиб Муҳаммад билан қайтадан келишибдурлар. Уни ўзларидин рози қилмоқ учун Қурайш ва Ғатафон раисларидан етмиш кишини Муҳаммадга тутиб бермоқчи бўлишибдур. Бунинг эвазига Муҳаммад ҳам ўтган йиллар ҳайдалган яҳуд қабилаларини ўз жойларига қайтармоқчи бўлубдир. Мана иш шу ҳолга етибдур. Эндиги маслаҳат шулдурки, агар яҳудлар бирор турлик баҳона билан сизлардин киши сўраб

қолур бўлсалар, зинҳор берувчи бўлманглар. Меним билишимча, энди аларга ишониб бўлмайду. Ҳар ҳолда қаттиқ сақланиш керак, бу сирни бошқалар англашиб қолмасун, — деди.

Шунинг билан Қурайш қабиласи ичига ҳам ғул-ғула тушди. Сўнгра булардин чиқиб, Ғатафон қабила-сига келди. Ва:

— Эй Ғатафон қавми, бошқа қабилалардин сизларнинг қариндошчилигингиз менга яқинду, бошқалардин кўра сўзим сизларга ишончли бўлур, деб ўйлайман, — деди.

Алар ҳам:

— Тўғри айтурсан, сен айтгон сўздан ҳеч вақт хилоф чиқмаган, ишончлик киши эурсан, — дедилар.

Буларга ҳам юқоридаги сўзларни айтиб, кўнгилларига ташвиш солди. Унинг бу қилган тадбири билан душман ичи ола-була бўлди.

Шундоқки, эртаси шанба оқшоми Қурайш раиси Абу Суфён Ғатафон қабиласининг бошлиқлари билан кенгашгандан сўнгра Абу Жаҳл ўғли Икримани Бани Қурайза яҳудларига юбориб:

— Уруш майдони эса, туриш жойи эмасду. Бу ишимиз бўлса узоққа чўзилгани турди, от-ҳайвонларимиз озиб-ориқлаб, озиқ-овқатимиз ҳам камайиб қолди. Энди бу жойда шундин узунроқ туришни вақтимиз кўтармас, тайёрлик кўриб туринглар, шанба кунни эрта билан ҳужум бошлаймиз, — деди.

Буни англагач, алар:

— Биз яҳуд халқи шанба кунни ҳар қандоқ зарур бўлса ҳам иш қилмағаймиз, бу куннинг ҳурматини сақламоқ бизларга фарздир. Мунинг ҳурматини бузгон кишилар қаттиқ азобга қоладилар. Бу бўлса сизларга ҳам маълумдир. Яна шулки, бу урушда мақсадга етиш учун энг сўнги ғалабани қозонгунчалик барчамиз бирликда бўлишимиз керак. Агар бу урушимиз узоққа чўзилар экан, Муҳаммадга бизни ёлғиз қолдириб кетиб қолишларингиздан қўрқамиз. Шунинг учун етмиш киши келиб, бизнинг ичимизда турсинлар, кўнглимиз тўқ бўлсин, биз урушга тайёрмиз, — деди.

Абу Суфён бошлиқ кенгаш бу сўзни англагач:

— Нуайм ибн Масъуд айтгон сўз тўғри экан. Улар Муҳаммад билан ўзаро келишганга ўхшайди, — деб бир-бирларига ишонишмай, иттифоқлари бўшашди.

Бунинг устига Аллоҳ таоло тарафидан ёрдам етиб,



кун чиқиш томонидан қаттиқ шамол туриб, бўрон бошланди. Бўрон ўтларни ўчириб, чодирларни учириб кетди, қайнаб турган қозонларни ағдариб ташлади, тошкесакларни учириб, идиш-товоқларни сиңдирди. Бўрон бошланиши билан сув музлайдиган даражада совуқ ҳам бошланди. Кечаси шундай қоронғулик бўлдимки, ҳеч ким ёнидаги йўлдоши ким эканини билолмас эди. Ўт ёқиб ёруғ қилиш, қозон қайнатиб ош қилишнинг иложи йўқ эди. Ҳеч қачон шундоқ қаттиқ тўполон кўрмаган аскарлар бундай аҳволни кўриб ақлдан адашдилар. «Муҳаммад сеҳр қилиб бўрон чиқазди, энди устимизга ҳужум қилур», деб аскарга кўрқинч тушганликдан ҳар киши жон ваҳимасида қолди. Расулуллоҳга қўшилган Мадина мунофиқларига бу баҳона бўлиб, рухсатсиз уйларига қайтгали туришди. Ҳавонинг совуқлиги, қориннинг очлиги, кийимнинг йўқлиги, кечанинг қоронғулиги бўлиб мусулмонлар ҳам бек ғам едилар. Шу кеча ҳар икки тараф аскарлари юқориги сабаблардан ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолдилар.

Расулуллоҳ бу ҳолни кўргач саҳобаларга қараб: «Бир киши бормидурмиким, душман қўшинига бориб, алардин бизга хабар келтира олмай?» деб уч марта қайта айтдилар. Ҳар бир айтганларида Ҳазрати Зубайр ўрнидан туриб: «Ё Расулаллоҳ, бу ишга мен борайин», дедилар.

Анда Расулуллоҳ айтдилар: «Ҳар бир пайғамбарнинг ўзига махсус ёрдамчиси бўлур, менинг ҳам ўзимга хос ёрдамчим Зубайр», деб илтифот қилдилар. Аммо у кишини бу хизматга буюрмадилар.

Чунки у кишида баҳодирлик, ўткирлик бор эди. Душмандин хабар олиш устига яна бир иш қилиб қўймасин деб, уни юборишни лойиқ топмадилар. Чунки ҳар ишни ўз аҳлига топшириш лозимдур.

Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Ҳузайфа, бу хизматга сен борғил», деб буюрдилар.

Анда Ҳазрати Ҳузайфа: «Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ ҳаққи бу хизматни бажариб келишга кучим етмайдур. Очиқдан, совуқдан юришга қувватим йўқдур. Ўлимдан кўрқмасман. Лекин кофирлар қўлига асир тушиб қолишдан кўрқаман», деди. Анда Расулуллоҳ айтдилар: «Аллоҳ таоло сени тўрт томонингдан сақлайди, боргил, бу хизматга сени буюрдим». Буни англаб Ҳазрати Ҳузайфа сакраб ўрнидан турди. Қараса, аввал ўзида

сезилмаган бир қувват пайдо бўлибдур. Вужудидаги борлиқ офирчиликлар андин кўтарилибдур. Аввалда совқотиб турган бўлса ҳам, Расулуллоҳ бу хизматга буюрганларидан сўнгра, ўзини ҳаммом ичида ўлтурғон одамдек сездди.

Сўнгра хандақдин ўтиб, қоронғулик ичида душманнинг қалин аскарига бориб қўшилди. У чоғда «йилт» этган ёруғ, душман аскар ичида йўқ эди. Юргантурганларнинг шарпасидан бошқа майдон ичида ҳеч бир жон кўринмас эди. Тимискиланиб юриб-ўлтириб, аскар бошлиғи Абу Суфён тўпига келиб етди. Шу чоғда Абу Суфён ўз аскарига қараб айтдиким:

— Эй Қурайш халқи, бутун жаҳонни қоронғулик босди. Ҳар киши ўз йўлдошини яхши таниб, соқлик билан турсун, кеча қоронғулигидан фойдаланиб, яна Муҳаммад жосуслари келган бўлмасун. Бу чиққан бўрон — шамолнинг қачон тўхташини билмаймиз. Қурайза яҳудлари бўлса, ваъдаларини бузганликдан орамизда ишонмаслик туғилди. Ўзимиз от-улоқларимиз учун озик-овқатдин сиқилдик. Шунинг учун ҳозирги бу урушни қўйиб, уйга қайтишни тўғри топдик. Бир турлик бошқа кўнгилсиз иш келиб чиқмасдин илгарироқ кетганимиз яхшироқдур. Мен буйруқ қилдим, қани энди кўчинлар, — деб сакраб туясига минди. Туя юрмагани учун, нима бўлди деб қараса, тушовини ечмаган экан. Абу Жаҳл ўғли Икрима буни кўриб:

— Эй Абу Суфён, сен халқ бошлиғи, аскар қўмондони эурсан, ҳаммадин илгари туяга миниб, ҳаммадин олдин қаёққа қочмоқчидурсан? — деди.

Унинг бу сўзидан уялиб, дарҳол ўзини туядан ташлади. Туясини етаклаганича аскар оралаб «кўчинлар, кўчинлар» деб қичқирур эди. Яна шу тўполончиликда орқа ҳужумидан сақланиш учун Холид ибн Валид қўмондасида икки юз отлиқ аскар чиқариб, аларни чиндовуликка, яъни орқа сафга қўйди. Шундоқ бўлса ҳам қаттиқ қўрқинчилик қоплоғон душман қўшини бош-оёғига қарамай, тартибсиз равишда қайтдилар. Душман ичида оралаб юрган Расулуллоҳ тингчиси Абу Ҳузайфа айтур:

— Хабар билишдин бошқа ҳеч иш қилмасга Расулуллоҳ мендин аҳд олғон эдилар. Йўқ эса Абу Суфённи ўлдириш пайти келган эди. Лекин Расулуллоҳ буйруғини ушлаб, у ишдин ўзимни сақладим.

Мана шундоқ бўлиб, ўн мингдан ортиқ душман

қўшини ўзаро бузулишиб, Мадина устидан қўтарилдилар. Аларнинг зиён-заҳматидан мусулмонлар қутулдилар.

«Саҳиҳ Бухорий» китобида айтубдиким, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳандақ урушида ушбу дуони ўқур эдилар: **«Аллоҳумма мунзилал китаби, сарийал ҳисаби ихзимил аҳзоба. Аллоҳумма ихзимҳум ва залзилҳум»**. Яъни *«Эй бор Худоё, барча пайгамбарларга китоб туширгувчи Ўзингсан, охират кунда ҳаммадан тезлик билан Ҳисоб олувчигурсан. Қурратинг улугдир. Бу келган кўпчилик душманларни Ўзинг тарқатгил»*, демақдир.

«Уруш кунларида алар чидамсиз бўлсинлар», деб дуо қилдилар.

Шу ҳолда дуолари қабул бўлди. Қаттиқ шамол — бўрон туриб, уларга қўрқинчилик солди. Шу орқалиқ мўминларга Аллоҳдин ёрдам етди. Кофирларнинг барча қилгон ишлари фойдасиз бўлиб чиқди. Бу эрса Худо тарафидин шундоқ оғирчилик кунларда эришган бир улуғ неъмат эрди.

Шунинг учун Аллоҳ таоло мўминларга бу неъматни эслатиб, Аҳзоб сурасида бу оятни эндирди: **«Ё айюҳаллазина амануз-курув неъматаллоҳи алайкум изжояткум жунудун, фаарсално алайҳим рийҳан ва жунудан лам таравҳо ва каналлоҳу бима таъмалуна басиро. Из жоувкум мин фавқикум ва мин асфала минкум ва из зогатил абсору ва балағатил қулубул ҳанажира ва тазуннуна биллаҳиз зунуна»**.

Маъноси: *«Эй мўминлар, Аллоҳнинг сизларга берган улуғ неъматини эсланглар, душман аскарлари устингларга келган чоғда аларга қаттиқ совуқ бўрон юбордик ва сизларга ёрдам учун кўзга кўринмаган фаришталардин аскар туширдик, ҳамма қилган ишларингизни Аллоҳ кўриб турадур. Устинглардин, остинглардин душманлар ўраб келишди, шу чоғда қўрққинчиликдан (кўрқувдан) кўзлар ағдарилди, ўпка-юралар бўғизга тикилди. Аллоҳ ҳақида ҳар турлик гумонга тушдинглар. Шу ўринда мўминлар синалди. Чин мусулмонлар ёлгон мусулмонлардан ажради»*, демақдир.

Шундоқ бўлиб Қурайш, Ғатафон бошлиқ бир қанча қабиладан тузилган кўпчилик душманлар ҳужуми Аллоҳнинг ёрдами билан мусулмонлар фойдасига ҳал бўлиб чиқди.

## БАНИ ҚУРАЙЗА ҒАЗОТИ

Бани Қурайза бўлса, Мадина атрофида ўрнашган яхудлардан эдилар. Аҳзоб аскарлари бузилиб қайтқондан сўнгра аҳдларини бузиб, Расулуллоҳга қарши иш қилганларига қаттиқ қайғуришиб, булар ҳам ўз жойларига қайтдилар. Ўзаро бир-бирини маломат қилишур эдилар. Аммо на чорадурки, иш вақтидин ўтган эди. Бошқа иложлари йўқлигидан бошларига келадирган қаттиқчиликлардан кўрқишиб, жон талвасасида ўзларини кўрғон ичига олдилар. Душман қайтгандан кейин Расулуллоҳ ҳам уруш жойидан қайтиб, Мадинага кирдилар. Қуролларини кўяр-қўймас Бани Қурайза яхудларининг устига юрмак учун Аллоҳдан ваҳий келди. Яқин бир ой Хандақ қамали остида энг оғир кунлар кечирган бўлсалар ҳам, бу ишни кечиктирмасликка Аллоҳдан амр бўлди. Ҳазрати Али бошлиқ бир тўп аскар тезлик билан йўлга тушдилар. Пешин намози Мадинада ўқилган эди. Расулуллоҳ: «Аср намозини Бани Қурайзада ўқинлар», деб буюрдилар.

Хандақ урушида ҳозир бўлгон кишилардин бу сарфга чиқмаган ҳеч ким қолмади. Чунки халқ ғазоби буларга қарши кўзғалган эди. Янги қурилатган Ислому давлатининг маркази Мадина шаҳри вақдасида вафо йўқ, сўзига ишонч йўқ, бундай ҳасадхўр душманлардан албатта тозаланмоғи лозим эди.

Ҳукамолар демишларким: «Уч нарса уч нарсага қўшилур эрса, унинг давоси йўқдур. Улар ушбулардир: қариликка касалик қўшилса; душман ҳасадхўр бўлса; камбағал дангаса бўлса. Мана буларнинг иложи топилмағай».

Бу ғазотдаги Ислому аскарининг сони уч мингга яқин эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аскарига аср намозини Қурайзага бориб ўқинлар деганлари учун баъзи аскар намоз қазо бўлса ҳам, манзилга етиб ўқиди. Қолғонлари эса, намозни қазо қилмай йўлда ўқидилар. Расулуллоҳ буни англаган сўнгида, ҳеч қайсисини хато демадилар, чунки бу икки фирқанинг бириси Расулуллоҳ сўзларининг аслига тушунди, иккинчиси зоҳирига амал қилди. Ҳар икковининг ҳам нияти тўғри эди.

Шундоқ бўлиб, барчадан илгари Ҳазрати Али аскарлари билан душман устига етиб бордилар. Қараса-

лар, душман қалъа ичига қамалиб мудофаага ҳозирланмишдир.

Сапил устига туғ тикиб, қамал қилишга киришдилар. Буни кўришиб яҳудларнинг ғазаблари кўзгалди. Расулуллоҳ шаъниларига адабдан ташқари беҳуда сўзлар айтқани туришди. Шу орада Расулуллоҳ ҳам қолмиш аскарлар билан етиб келдилар. Ҳазрати Али қарши олиб:

— Ё Расулаллоҳ, бу малъунлар яқинига бормаганингиз яхшироқдир. Чунки адабдан ташқари ёмон сўзларни айтқони турдилар, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Сизларга қилган адабсиз сўзларини менга айта олмаслар, — деб аларнинг яқинида туриб қичқириб:— Эй Худонинг ғазабига қолган тўнғизсифатлар! Эй пайғамбарларнинг аҳдини бузган маймунсийратлар! Бу қилган хиёнатларинг жазосини Аллоҳ энди сизларга кўрсатгай. Худонинг лаънат азоби устингларга тушгай, — дедилар.

Аммо уларнинг бунга қарши тиллари тугилиб, ҳеч қандай ёмон сўз айта олмадилар. Ансор саҳобаларнинг раисларидан Усаид ибн Ҳузайр қаттиқ товуш билан аларга қараб:

— Эй Худо душманлари, малъунлар! Қалъа ичига қамалиб, энди очликдан ўлдинглар, йўлбарсдан қочиб, инида қопланиб қолган тулкидек бўлдинглар, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буларни йигирма беш кун қаттиқ қамал остига олдилар. Ҳар икки томондин узилмай ўқлар отилиб турди. Қамал қаттиқлиғидан аларга қўрқинчилик тушди. Қалъани олмасдан Расулуллоҳнинг қайтмаслигини аниқ билдилар.

Буни кўриб яҳудлар раислари Каъб ибн Асад шундай сўз айтди:

— Эй яҳуд қавми, бошимизга келган катта бало мана кўз олдимизда турибдур. Ўзимиздин ўтди, эндиликдаги пушаймондин фойда йўқдир. Мен энди сизларга уч ишни келтириб кўярман, шулардан бирини албатта қабул қилишинглар керак. Биринчиси шулдирки, бу кишига иймон келтириб, тобеъ бўлмак. Аллоҳ ҳаққи айтурманким, бунинг охир замон пайғамбарлиги ҳаммамизга маълумдир. Таврот, Инжил китобларида сифати ёзилмиш одам шул киши бўлишида ҳеч

шак йўқдур. Агар шундоқ қилсак, мол-жонимиз, хотун-болаларимиз омон топгай ва ўзимиз ҳам ҳақ ишни қабул қилган бўлурмиз. Бизни иймон келтиришдан тўсиб турган нарса ёлғизгина ҳасадуру. Бу киши ҳақида бошқа нима шақимиз бордур? Билур эдингиз, Муҳаммад билан ўртамизда тузилган аҳдногани бузмоққа менинг ҳеч розилигим йўқ эди. Бу даҳшатлик балони бошимизга келиши шу ўлтирган шум кишининг сабабидан бўлди, — деб яҳуд раисларидан бўлган Ҳай ибн Ахтабни кўрсатди. — Таврот ўқиган олимимиз Ибн Ҳарош Мадинага келганда унинг айтган сўзлари ёдингларда бормидур? У айтган эрди: «Бу шаҳардан пайғамбар чиққай. Эй яҳуд қавми, сизлар ҳаммадан илгарироқ шул пайғамбарга иймон келтиринглар, унинг ҳақлигига ишониб, ҳар ишда унга ёрдамда бўлинглар, Агар шундоқ қилар экансизлар, икки китобга иймон келтирган бўлиб, икки диннинг савобини олурсизлар», деган эди. Агар иймон келтирсак, бизни қоплаган қоронғу жаҳон бирдамда ёруғ бўлгай, — деди. Анда яҳудлар айтди:

— Таврот ҳукмидан ҳеч ажралмаймиз, бошқа динни хоҳламаймиз! Каъб айтди:

— Андоқ эрса, келинглари, бошлаб хотин-болаларимизни ўзимиз ўлдирайлик. Сўнгра жондан кечиб, яланғоч қилич билан Муҳаммад устига қаттиқ ҳужум қилайлик. Агар бу урушда қирилар эканмиз, қайғургудек ҳеч ишимиз йўқдур. Агар душманни енгар бўлсак, ҳар жойда хотин-бола топилур, — деди.

Анда яҳудлар:

— Ул бечораларни ўз қўлимиз билан қандай ўлдирар оламиз, алар сўнгида қолиб, қандоқ тирикчилик қилурмиз? — дедилар.

Буни англагач, Каъб яна:

— Энди қолган бир иш шулдирки, бу кечаси шанба кунининг кечасидур. Шанбанинг куни тунида бизнинг ҳеч қандай иш қилмаслигимизни араблар яхши билурлар. Биз аларни нафлатда қолдириб, тўсатдан устиларига бир ҳужум қилайлик. Агар олсак ёки олдирсак ҳам бир иш қилган бўлурмиз, — деди.

Қурол кўтариб шанба куни ҳурматини хор қилган бўлурмиз, дейишиб буни ҳам қабул қилмадилар.

Яна раисларидан бири Амр ибн Саъдий:

— Муҳаммадга берган аҳдларингни бузиб, балони ўзинглар чиқардинглар. Энди унга иймон келтирмас

бўлсанглар, ўз динингларда туриб, Муҳаммадга жияя тўланглар, лекин буни қабул қилурми, йўқми, билмасман, — деди.

Анда яҳудлар айтди:

— Арабга жияя бериб, хирож тўлаб юришлик, биз учун катта номусдир. Буни кўтаргандан ўлганимиз яхшироқдир.

Анда ул айтди:

— Илгари-кейин қилган хиёнатларингга мен қўшилган эмас эрдим. Сизларни бу ишинглардан энди ҳам безордурман, — деб шул кечаси қўрғондан чиқди.

Пайғамбаримизнинг қоровул бошлиғи Муҳаммад ибн Масламага йўлиқиб эди, уни тўсмасдан ўз йўлига қўя берди. Анинг иккинчи хабари чиқмади.

Расулуллоҳ келмасдан илгари бу киши:

— Эй Қурайза яҳудлари, билурсизким, биз учун ибрат олгудек олдимизда кўп ишлар ўтди, буларнинг ҳеч биридан ибрат олмадинглар. Муҳаммадга берган аҳдларингни ноҳақ буздинглар. Аҳд бузмоқ Таврот ҳукмида ҳаром эди-ку! Бу ҳаром ишни кўра билатуриб қилдинглар, ҳали ҳам бўлса аскар устимизга етиб келмасдан, бунинг чорасини кўрайлик. Қариндошларимиз Бани Назир, Бани Қайнуқоъ яҳудларининг кўрган кунлари кўз олдимизда бизга ибратдур. Муҳаммаднинг охирзамон пайғамбарлиги ҳақдур, бунинг ҳақлиғига барча уламоларимиз, китобларимиз гувоҳдурлар. Келинглар, ҳаммаларимиз унга иймон келтириб, икки диннинг шарафини топайлик. Мусо пайғамбарга Тур тоғида Таврот туширган Худо ҳаққида қасам қилурманким, бу Муҳаммадга иймон келтириб, унга тобе бўлсак, дунё-охиратлик иззат-ҳурматимизни шунда топгаймиз, — деб насиҳат қилганида, яҳудлар қабул қилмаган эдилар.

Сўнгра қамалнинг қаттиқлиги, озиқ-овқат озлигидан яҳудлар қўрқинчликка тушдилар. Ночор Набош ибн Қайс деган кишини Расулуллоҳ олдига юборишди. Шундоқки, бутунлай қурол-жабдуқ, қўра-жойларини ташлаб, оилалари билан бир туя юк мол олиб, Мадина тупроғидан чиқиб кетмакка розилиklarини билдирдилар.

Расулуллоҳ буни қабул қилмадилар.

Чўриларидан, бола-чақаларидан бошқа ҳеч бир нарса олмасдан, бутун мол-дунёларини ташлаб, Расулул-

лоҳга қарашлик ердан чиқиб кетмакни сўрашиб, иккинчи марта элчи чиқаришди.

Анда Расулуллоҳ:

— Шартсиз ўз ҳукмимга тушиб, таслим бўлмоқдан бошқа ҳеч ишни қабул қилмасман, — дедилар.

Ўртадаги элчи қайтиб бориб, Расулуллоҳнинг сўзини аларга етказди. Саҳобалар ичида Абу Лубоба деган бир киши бор эди. Қурайза яҳудлари билан ул киши илгаридан бери алоқалик эди. Яҳудлар шул кишини сўрашиб, Расулуллоҳга яна киши юбордилар.

Бу ишга Расулуллоҳ рухсат қилгандан сўнгра, уни (Абу Лубобани) кўришиб хотун-болалари овоз чиқариб йиғлай бошладилар. Аларга бек оғриниб раҳми келди. Сўнгра Абу Лубобадан яҳудлар маслаҳат сўрашиб айтдиларким:

— Эй Абу Лубоба, Муҳаммаднинг ҳукмига шартсиз тушиб борсак қандоқ бўлур экан?

— Ҳа, яхши бўлур, — деб у қўлини бўғзига қўйиб, ўлимга ишорат қилди. Яъни, Расулуллоҳнинг ҳукмига шартсиз таслим бўлиб, тушар бўлсангиз, барчангизни ўлимга ҳукм қилгай деган мазмунни англатди. Бу эса Худо ва анинг Расулига хиёнат қилмоқ эди. Бу ҳақда ўзи учун оят нозил бўлишидан кўрқиб, Расулуллоҳга кўринмай қочиб, Мадинага келди.

Масжид устунларидан бирига ўзини маҳкам боғлатиб, қўл-оёқларига занжир солдирди. Ёз мавсуми бўлиб, куннинг ниҳоят исиган вақти эди. Тавбаси қабул бўлгунчалик емасга, ичмасга ва шу азоб билан ўлишга деб қаттиқ қасам қилди.

Бу ишдан Расулуллоҳнинг хабарлари йўқ эди. Кейин хабар топиб айтдиларким: «Агар тўғри олдимга келган бўлса, Худодан тилаб гуноҳини кечирар эдим. Энди ўзича бу ишни қилмишдур, тавбаси қабул бўлиб, Худодан рухсат келмагунча унинг қўл-оёғини ечмагайман».

Шундай бўлиб, Абу Лубоба олти кеча-кундуз масжид устунида боғланиб ётди. Ҳар намоз вақти кирди эрса, хотини келиб, қўл-оёғини бўшатур эди. Намоздан кейин яна бурунгидек боғлаб кетар эди. Куннинг иссиғлиги, ўзи боғланган бўлиб, очлик-чанқоқлик, уйқусизликдан охири эси оғиб, йиқилди. Шу чоғда оят нозил бўлди ва анинг тавбаси қабул бўлди.

**«Асаллоҳу ан ятуба алайҳим. инналлоҳа рафурур**



**раҳийм»,** яъни: «Аллоҳ таоло аларнинг тавбаларини қабул қилар вақти етди, албатта, Аллоҳ таоло бангаларининг гуноҳларини Кечиргувчи ва аларга Меҳрибондур», демақдур.

Бу оят нозил бўлган чоғда, саҳар вақти эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам онамиз Умму Саламининг уйида эдилар. Расулуллоҳ суюнганларидан кулдилар. Онамиз Умму Салама:

— Ё Расулаллоҳ, Худо сизни кулдирди, нимага кулурсиз?

Анда Расулуллоҳ:

— Абу Лубобанинг тавбаси қабул бўлди, шунга суюнганимдан кулурман, — дедилар.

Анда онамиз Умму Салама:

— Ё Расулаллоҳ, андоқ эрса, Абу Лубобага суюнчилик бу хабарни етказайлик, — дедилар.

— Ҳа, тезроқ еткизгил, мўминни суюнтирмак яхши ишдур, — дедилар Пайғамбаримиз.

Суюнгудек ишлар бўлса, мўминлар бир-бирларини суюнтирмоқ, суюнчиламоқ мана шундан қолди.

Сўнгра онамиз Умму Салама:

— Эй Абу Лубоба, сенга муборақ бўлсин, тавбанг қабул бўлди, — деб қичқирдилар. Буни англаган саҳобалар ҳар томондин югуришиб келиб, қўл-оёгини бўшатмоқчи бўлганларида, ул:

— Расулуллоҳдин бошқа киши мени ечмагай, — деб қасам қилди. Буни англаб, Пайғамбаримиз ўзлари келиб бўшатдилар.

Шундоқ бўлиб, Қурайза қалъасининг қамали бир ойча чўзилди. Қўрғон тагида биринчи сафда Ҳазрати Али, Зубайр ибн Аввом бошлиқ бир бўлук жонфидо мўминлар ҳужумга ҳозирланмоқда эдилар. Шу чоғда Ҳазрати Али қичқириб айтдиким:

— Эй мўминлар, олға юринлар. Аллоҳ ҳаққи, Уҳуд урушида Ҳамза ичган шаҳодат шарбатини ичгайман ёки бу кун шу қалъани олгайман.

Бу сўзни англашиб, яҳудларга бир ваҳима қўрқинч тушди. Нима қилишларини билмасдан, ночор шартсиз Расулуллоҳнинг ҳукмига таслим бўлдилар. Қурол кўтаришга ярашлик кишиларнинг сони буларнинг ичида олти юзга яқин бор эди. Булардан хотун-болаларни ажратиб, бошқа жойга чиқариб, буларнинг устига Абдуллоҳ ибн Саломни қоровул қўйдилар. Бу киши эрса, яҳудлар ичида энг буюк олимлардан ҳисобланар эди.

Бу кишининг қандоқ иймон келтирганликлари юқорида ёзилиб ўтилгандир.

Мадиналик Ансор саҳобалари икки уруф бўлиб, биринчиси Авс, иккинчиси Хазраж деб аталур эди. Исломиятдан илгари бу икки уруф орасида юз йиллаб уруш-талаш, қон тўкишлар бўлиб ўтган эди. Ана шу чоғларда Мадина яҳудлари ҳам ҳар икки тарафга қўшилиб урушга қатнашур эдилар.

Бани Қайнуқоъ яҳудлари Хазраж иттифоқдошлари эди. Буларнинг воқеалари эса юқорида баён қилинди. Хазраж раиси Абдуллоҳ, ибн Убай буларнинг гуноҳини Расулуллоҳдин талаб енгиллаштирган эди.

Қурайза яҳудлари бўлса, Авс тарафдорлари эдилар. Булар ҳам ўз тарафдорларини ҳимоя қилмоқчи бўлиб, Расулуллоҳга арз қилишди.

Алар айтдиларким:

— Ё Расулаллоҳ, Хазраж биродарларимизнинг сўраганларини бердингиз. Биз ҳам буларнинг гуноҳларини сўраймиз.

Анда Расулуллоҳ:

— Агар шундоқ қилмоқчи бўлсангиз, ўз раисингиз Саъд ибн Муъозни ҳакам қилайлик, ул киши нимани ҳукм чиқарса, барчангиз рози бўлурсиз, — дедилар.

Бу ишга ҳаммалари розилиklarини билдирдилар. Саъд ибн Муъоз Хандақ урушида илигидаги йўфон томиридан ўқ еб, қаттиқ ярадор бўлган эди. Ул кишини ётган еридан эшакка миндириб Расулуллоҳ олдиларига келтирдилар. Йўлда келаётганида унга: «Расулуллоҳ сени буларга ҳакам қилди. Булар устидан ҳукм чиқарур бўлсанг, яхшилиқ тарафини ўйлаб ҳукм чиқаргил. Хазраж раиси Абдуллоҳ ибн Убай ўз иттифоқдошлари Қайнуқоъ яҳудларига қандоқ ёрдам етказди. Шунингдан чиқарма. Бутун қавмингнинг талаблари ҳам шундоғдур, — дейишиб қулоғига қуйиб келдилар.

Муҳожиру ансор саҳобалар Расулуллоҳни ўрашиб ўлтиришган эдилар. Саъд ибн Муъозни эшак устида келаётганини кўриб: «Туринглар, мана, сайидингиз келди», дедилар. Барилари оёқ узра туришиб, ҳурмат билан уни қарши олишгандан сўнгра, тўғри Расулуллоҳ ёнларига ўлтирди. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Саъд, Аллоҳнинг амри шулдир, Қурайза яҳудлари устидан бир ҳукм чиқаргайсан.

Саъд айтди:

— Ё Расулуллоҳ, ҳукм қилиш Аллоҳнинг ва пайғамбарнинг ҳаққи эрди, энди бу ишни менга буюрар бўлсангиз, меним чиқарган ҳукмимни бу ўлтирганлар қабул қилғайларму, ҳукмим ҳукм бўлғайми? — деб аларга қаради.

Ўлтирган одамлар ҳаммалари товуш бериб:

— Албатта, шундоқ бўлур. Сенинг ҳукминг тўхтов-сиз ўтказилур, — дедилар.

Сўнгра Саъд:

— Андоқ эрса, булар ҳақида меним ҳукмим шулки, эркаклари қолдирилмаё тамом ўлдирилсин! Молдунёлари аскарга тақсим бўлсин. Хотин ва болалари асир олинсин. Қўра-жойлари муҳожирларга берилсин. Меним ҳукмим шуддур», — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Саъд, сенинг бу ҳукминг етти қат осмон устида қилинган Аллоҳнинг ҳукмига тўғри келди, — дедилар.

Шу билан Қурайза яҳудларининг иши тамом бўлиб, қилғон хиёнатларининг жазосини тортдилар.

Қалъа ичида бир минг беш юз қилич, икки юз найза, беш юз қалқон, уч юз совут, шундан бошқа бир қанча уруш асбоблари бор эди.

Жонлик-жонсиз бутун мол-дунёлари аскар ўрталарида тақсим қилинди. Эртаси куни асирларни олиб, Мадинага келдилар.

Сўнгра шаҳардан ташқари жойда бир неча катта хандақлар қаздириб, шу ерда ҳукм юргизилди.

Агар бу яҳудлар тиллари билан бўлса ҳам иймон келтирганларида, албатта, моллари ўлжадан, ўзлари ўлимдан қутулур эдилар. Лекин уларнинг Пайғамбаримизга душманликларининг қаттиқлигидан, буни қилишни хоҳламадилар. Ҳукм юргизиш устида Расулуллоҳ ўзлари турдилар. Уларнинг раиси Каъб ибн Усайдни ўлимга келтирилди. Анда Расулуллоҳ унга қараб:

— Эй Каъб, сизларнинг энг улуғ олиминглар бўлган Ибн Ҳарошнинг қилган насиҳати сизларга нечук таъсир қилмади? Ул мени кўрмай туриб, иймон келтирмиш эди. Мени ҳақ пайғамбар деб танимиш эрди, ўлар вақтида айтган унинг саломини менга етказган эдинглар. Нега унинг сўзини қабул қилмадинглар? — дедилар.

Анда Каъб:

— Эй Абул Қосим, бу айтган сўзларинг бариси тўғридур. Қиличдан қўрқиб иймон келтирди, деган таъна сўздан сақланурман. Йўқ эса ҳозир иймон келтирур эдим. Мен учун ор, нордан (оловдан) қаттиқроқдир. Ордин қочиб нор бўлса ҳам, яҳуд динида ўлишни яхшироқ кўрдим, — деди.

Бу ҳукми бажариш хизмати эса Ҳазрати Али билан Зубайр ибн Аввомга топширилган эди.

Қурайз хотинларидан Баёна деган бир хотинни ҳам ўлдиришга буюрилди. Чунки бу хотин қамал кунларида қалъа остида турғон саҳобалардан Халлод ибн Сувайд деган бир киши устига ёрғучоқ тоши ташлаб, уни ўлдирганди. Шунинг ўрнига қасос қилиб ўлдирилди. Йўқ эса, Ислом қонунида хотин ва болаларни, қари чол, кўр-шолларни урушда ўлдирмоқ ясоқ эрди. Бу хотин эрса чиройли, бек ҳуснали бўлганлигидан, эри қизганиб ўзидан кейин тирик қолдирмаслик учун шу ишни унга қилдиртирган эди. Унинг деганидек бўлиб, эридан кейин тирик қолмади.

Саъд ибн Муъоз Аллоҳдан икки нарсани сўраб, дуо қилмиш эди. Ҳар иккови ҳам қабул бўлиб, мақсадига етди.

Биринчиси, Қурайза яҳудларининг қилган хиёнатларидан кўп ғазаблик бўлмиш эди. Аларга жазо кесиш анинг қўлига тошширилди, Худо хоҳлагандек ҳукм чиқариб, бу тўғрида мақсади ҳосил бўлди.

Иккинчиси, шундоқ деб дуо қилмиш эрди: «Эй бор Худоё, Қурайш кофирлари билан яна ғазот қилишимизни тақдир қилган бўлсанг, бу жароҳатимга шифо бергил. Чунки менинг дунёда энг қизиқарлик ишим Худога ва анинг Пайғамбарига қарши бўлган кофирлар билан савашмоқдур. Агар сенинг тақдирингда алар билан иккинчи ғазот қилишимиз йўқ эрса, шу жароҳатимдан қолдирмай менга шаҳидлик насиб қилгайсан».

Қурайза иши тутагандан сўнгра Расулуллоҳ айтдилар:

— Энди Қурайш мушрикларининг кучлари синди, устимизга келиб аларнинг ғазот қилишлари йўқдур. Бундин сўнгра бизлар алар устига борғаймиз.

Шу орада Ҳазрати Саъднинг жароҳати қайтадан ёрилиб, қон оқа бошлади, тўхтатиш иложи бўлмай, ўзи тилагандек шу жароҳат билан шаҳодат топди.

Бу киши эрса, Расулуллоҳ жаннатга кириши. башо -

рат берган ўн кишининг бириси эди. Яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатга кирурсан, деб бу кишига ҳам башорат бермиш эдилар. Жаннозага қўйилган вақтда, унинг онаси яхши сифатларини қўшиб йиғлаганда, Расулulloҳ айтдилар:

— «Муңдин бошқа ўлганлар ҳақида айтилган қўшиқлар кўпинча ёлғондур. Лекин бу Саъдга йиғлаб қўшиқ айтқон хотинлар сўзининг бариси тўғридур, разияллоҳу анҳу».

Шу билан Қурайза воқеаси ҳам тамом бўлиб, аларнинг шарридан мусулмонлар қутулдилар.

### ҚУРУТО ЧОПУЛИ

Бу воқеа шундай эрдиким, ҳижратнинг олтинчи йили Муҳаррам ойида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Бани Бакра қабиласига чопул (ҳужум) қилмоққа ўтгиз отлиқ бир бўлук аскар юбордилар. Бу қабила эрса Мадинадан етти кунлик узоқдаги Зарийя деган жойда туришар эди. Душманни туйдирмасдан босиш учун кундузи яшириниб, кечалаб юришга буюрдилар. Аскар бориб, Расулulloҳ буюрганларидек туюқсиздан душман устига ҳужум қилдилар. Шошилишгандан бош-оёғини йиғишолмай қолиб, ночорлик билан бир оз урушган бўлсалар ҳам, охири ўн ўлик қолдириб, қолганлари қочишга мажбур бўлдилар.

Бир юз элик туя, уч минг қўй ўлжа олишиб, соғсаломат Мадинага келдилар. Қайтаётганларида йўлиққан мушриклардан бир неча кишиларни асир олишди. Булар ичида Бани Ҳанифа қабиласининг атоқлик раисларидан Самома ибн Осол ҳам бор эди. Бу киши ўзининг ким эканини аскардан яширди.

Мадинага келгандан сўнгра Расулulloҳ кўриб:

— Бу асир ким эканини танимаганга ўхшайсиз. Бу асир Самома ибн Осолдур, буни бўш қўймангиз, — деб масжид устунига боғлатиб қўйдилар. Бундан мақсадлари эса, мусулмонларнинг тоат-ибодат, намоз жамоатларини кўрсатиш эди. Бир кун ўтгандан сўнгра Расулulloҳ чиқиб:

— Эй Самома, сенда нима яхшилик бордур? — деб сўрадилар.

Анда ул:

— Эй Муҳаммад, менда ҳар яхшилик топилур. Агар мол олмоқчи бўлсанг, ҳар қанча десанг берурман. Агар

Ўлдирур эрсанг, ўлдирурга арзигудек халқ ичида об-  
рўлик кишидурман. Агар бирор яхшилик қилур  
бўлсанг, уни ҳеч вақт унутмасман, — деди.

У кунни ўтказиб, эргаси Расулуллоҳ:

— Эй Самома, сенда нима бор? — деб яна сўради-  
лар.

У бўлса яна илгаригидек жавоб берди. У кунни ҳам  
боғлаб қўйиб, учинчи кунни унинг олдига келиб яна:

— Эй Самома, ҳеч яхшилик топдингми? — деди-  
лар.

У яна бурунгидек сўз айтди.

Сўнгра Расулуллоҳ унга боқиб, буни бўшатиб  
қўйинглар, деб бутурдилар. У бўшаниб олгач, масжид-  
дан чиқиб бир хурмозор боққа кириб, гусл, таҳорат  
олди, қайтиб масжидга кириб Расулуллоҳ олдиларига  
келди, дарҳол шаҳодат айтиб мусулмон бўлди. Уч кун-  
гача «Сенда яхшилик борми?» деб сўрашларидан мақ-  
садлари эса, анинг мусулмон бўлиши эди. Уни ҳам  
топдилар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-  
лам Раҳматан лил алабийн бўлганлари учун дунёдан  
бир одамнинг иймонсиз кетишига рози эмасдурлар.

Шунга ўхшаш малъун шайтон ҳам дунёдан бир  
одамнинг иймон билан ўтишига ҳеч рози эмасдур. Чун-  
ки ҳар яхшиликнинг асоси иймондир. Ҳар ёмонлик-  
нинг бошланиши куфр билан бўлур. Куфрнинг энг  
ёмони динсизлиқдур. Худо олдида мақбул дин Ислом  
динидур. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонда хабар бер-  
мишки: **«Иннад-дина индаллоҳил Исламу»**, деб. Яъни,  
*«Худо қошида қабул қилинган дин — Ислом динидур»*.  
Бу динни «Фитрат дини» «Хилқат дини» деб айтилур.  
Бунинг маъноси эса «инсоннинг яратилишидаги дини»  
демақдур. Чунки Аллоҳ инсонни яратганда бу динни  
унга лойиқ қўриб, Лавҳул маҳфузда ёзмиш эди.

Демак, Ислом дини инсонлар учун азалдан қурил-  
фон Аллоҳ қонунидур. Ислом динининг қонунномаси  
Аллоҳнинг китоби — Қуръондир. Бу китобни Аллоҳ-  
дин келтириб халққа етказувчи ҳақ йўлнинг қоловузи  
Пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад Мустафодурлар,  
соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Бу Қуръон қонунлари Расулуллоҳ замонларига қан-  
дай мослашган бўлса, минг уч юз саксон йил ўтгандан  
кейин, шу ҳозирги замонимизга ҳам анинг мослашиб  
келмоғида ҳеч шак йўқдур. Чунки ул Аллоҳнинг қонуни  
бўлгач, инсон даври ўтиб, қиёмат қойим бўлгунча ҳар

даврдаги ва ҳар жойдаги халқнинг буткул ҳожатларини чиқариб туриши лозимдур. Инсон илми чеклик бўлганликдан, буларнинг чиқарган қонуллари ҳам чекликдур. Шунга бир ҳукуматнинг, балки бутун дунёнинг энг олий даражалик зўр олимлари, ҳуқуқшунос, доно билгувчилари йиғилсалар ҳам, бир мамлакат халқининг бирор йиллик ҳожатларини қоплагудек бир қонуннома чиқаришдан ожиздурлар.

Аммо Қуръон ҳукмлари ҳақими Азалий қурган қонун бўлгани боис дунё умрича етарликдур. Буни билмаганлар, ёзган бу чизикдан чиққанлар — тўғри йўлдан озгандурлар. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Сўнгра Самома:

— Эй Муҳаммад, илгари юзлар ичида энг ёмон кўрганим — сенинг юзинг эди. Худо ҳаққи, энди энг яхши кўрганим сенинг юзингдур. Ер устида энг ёмон кўрган нарсам — сен тутган дин эди, энди эрса сенинг дининг кўзимга энг яхши кўрган нарсам бўлди. Ё Расулulloҳ, мен уйимдан Умра қилмоқчи бўлиб, Маккага чиққан эдим, сенинг аскарларинг мени тутиб буён келтирдилар. Ният қилган ишимни қила олмадим. Буни ҳукми қандоқ бўлмай? — деб сўради.

Анда Расулulloҳ:

— Эй Самома, сенга башорат бўлмайким, икки дунё яхшилигини топдинг, барча гуноҳдан пок бўлиб, дўзах азобидан қутулдинг. Агар Умрани ният қилган бўлсанг, Маккага бориб, уни адо қилишинг лозимдур, — дедилар.

Сўнгра Самома Умра қилмоқ учун Макка шаҳрига кирди. Қилган ибодати, ўқиган намозларини кўришиб: «Муҳаммадга алданибдур» деб, мушриклар унга таъна сўзлар айтишди. Ҳатто: «Ўз динингдан қайтиб, Муҳаммад динига кирибсан», деб озор беришдан ортиқ уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Анда раисларидан бири туриб айтдиким: «Агар бунга зиён етказур бўлсангиз, Ямомадан алоқамиз узилур, алардан олаётган фойдадан қуруқ қолурмиз», дейишиб, уни бўшатдилар. Шунинг билан Самома Маккадан қайтиб ўз юрти Ямомага кетди. Макка халқининг кўпроқ озиқ-овқатлари шу Ямомадан келар эди. «Расулulloҳдан руҳсатсиз ҳеч бир нарса ўтказмасман», деб Макка йўлини тўсиб қўйди. Шу сабаблик, Маккада қаҳатчилик бўлиб, Қурайш халқи очарчиликка қолдилар. Улар тарафидан Абу Суфён Мадинага келиб, Расулulloҳга:

— Эй Муҳаммад, мен оламга раҳмат учун келдим, азоб учун келмадим, дер эдинг. Катталаримиз қиличинг билан ўлдилар, қолганларимиз очлик билан қирилмоқдамиз. Ямомадан еб турган озиқ-овқатларимиз сен сабаблик тўсидди. Қариндошлик ҳаққи учун бу тўғрида сендан ёрдам сўраб келдим, — деди.

Бунинг сўзини қайтармай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ямома йўлини тўсмас учун Самомага хат ёздилар. Хат боргач, карвон юрди. Озиқ-овқат йўли очилиб, Макка халқи очлик балосидан қутулдилар.

Бу каби улуғ ахлоқни пайғамбарлардан ўзга ҳеч ким қилаолмагай. Бўлмаса, Абу Суфён бошлиқ Қурайш мушрикларининг Расулуллоҳга қилган ёмонликлари, бермаган озорлари қолмаган эди. Буларнинг чексиз душманликлари орқалик чиққан урушларда тўкилган қонлар ҳали қотмаган, айниқса, Уҳуд, Бадр, Аҳзоб кунларидаги булар қолдирган жароҳатлари ҳали битмаган эди.

Бунинг устига Абу Суфён ўз ҳожатини айтишда, қанчалик қўполик кўрсатган бўлса ҳам, Расулуллоҳнинг ахлоқлари ўзгармади. Унинг ҳожатини чиқариш учун чора кўрдилар. Хулоса шулки, Расулуллоҳни «сен энг олий ахлоқ ва гўзал сифат эгаси эурсан», деб Аллоҳ айтган эди. Бунинг чинлигини эса Пайғамбаримиз Соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар дамда ва ҳар ишда кўрсатмоқда эдилар.

Сўнгра саҳобалар Самомани зиёфат қилиб, олдига емакка овқат қўйдилар. Бир оз егандан сўнгра таомдин қўл тортди, буни кўриб саҳобалар ҳайрон қолдилар. Чунки иймон келтиришдан олдин бундан неча баробар ортиқ овқат еганини кўришган эди. Анда Расулуллоҳ:

— Киши кофирлик ҳолда томоқ ер эрса, етти қат ичаги тўлмагунчалик қаноат қилмагай, аммо мўминларнинг бир қат ичагигагига таом етса, қаноат ҳосил бўлгай. Эрталаб кофирлик ҳолида эрди, кечқурун мўминлик сифатига кирди. Бу икки ҳолда бирдек бўлмагай, — дедилар.

Сўнгра Ҳазрати Самома Расулуллоҳдан руҳсат олиб, ўз ери Ямомага қайтди. Бу кишининг ташвиқоти билан ўз қавми ва бошқалардан бўлиб, бир қанча кишилар мусулмон бўлдилар.

Сўзда субутлик, динда ихлослик улуғ саҳобалардан



эди. Расулуллоҳ вафотларидан сўнгра Ямомадан ёлгон пайғамбар Мусайлама Каззоб ҳуруж қилди. Ерлик араблардан кўшлари муртад бўлдилар. Шу чоғда Ҳазрати Самома буларга қарши чиқиб, Ислом аскарига кўп ёрдам етказди, разияллоҳу анҳу.

### БАНИ ЛИҲЁН ҲАЗОТИ

Бу воқеа шундоқ эрдиким, бу қабиланинг раисларидан бир неча кишилар Мадинага келиб, Расулуллоҳ билан кўришдилар. Булар ёлгондан, мунофиқлик билан, «бизлар мусулмон бўлдик», дейишиб, Расулуллоҳдан Исломни ўргатиб: «Қуръон ўқитгудек бизга киши қўшинг», деб сўрашдилар.

Анда Расулуллоҳ саҳобаларнинг қориларидан Осим ибн Собитни бошлиқ қилиб олти киши юборган эдилар. Бу воқеа юқорида ёзилиб ўтгандур. Бу қори саҳобалар уларнинг юртига боришгандан сўнгра хиёнат қилишиб, у борганларни ўлдиришган эди. Шу шаҳидларнинг қасосларини олиш учун йигирмата отлик, бир юз саксонта туялик, бариси икки юз аскар олиб йўлга чиқдилар.

Душман сезиб қолмасин деб яширин йўллар билан юришиб, ўшал саҳобалар шаҳид бўлган жойларига етганларида, ҳақ йўлида жон берган биродарларини эслаб, Пайғамбаримиз йиғладилар. Аларга раҳматлар айтиб, ҳақларига дуо қилдилар. Сўнгра кўрдиларким, душманлар илгариеқ аскар келишидан хабар топишиб, тоғ-тошларга қочишиб кетган эканлар. Душманлардан бирорта киши ҳам кўзга кўринмади. Атрофга чопулчи (ҳужумчи) аскар юбориб, бу жойда аларни кутиб икки кун турдилар. Душмандан киши йўлиқмагач, борган аскарлар ҳам қайтиб келишди. Лекин Расулуллоҳ булардан бир бўлак аскар айириб, Макка шаҳри яқинида Асфон деган жойга бориб қайтишга буюрдилар. Бундан мақсадлари эса, Макка кофирларига ҳайбат кўрсатиб, аларни чўчитмоқчи эдилар. Шунинг билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу атрофда ўн тўрт кунча юриб, саломатлик билан яна Мадинага келдилар.

Шу сафарларида кўпинча ўқийдиган дуолари бу эди: **«Аллоҳумма инний аuzu бика мин ваъсоиссафари ва кабатил мунқолаби ва суил манзари фил аҳли вал ямоли вал валади»**. Маъноси: *«Эй бор Хугоё,*

*сафарнинг хатарларидан ўзинг сақлагил, қайтгандан кейин молда ва хотин-болага кўнгилсиз бир иш кўришдан ўзинг сақлагил. Бу нарсаларнинг бўлишидан Ўзингга сиғиндим», демақдур.*

Илоҳий, Расулуллоҳнинг ҳақ йўлида қилган сафарлари ҳаққи, сафарга чиққан мўмин қулларингни сафар хатарларидан ўзинг асрагил. Омин!

## ҒОБА ҒАЗОТИ

Ҳижрат тарихининг олтинчи йили эрдиким, бу воқеа бўлди. Бунинг сабаби Мадинадан бир кунлик Ғоба деган жойда боқилаётган Расулуллоҳнинг йигирмата янги туққан сутлик туялари бор эди. Саҳобалардан Ҳазрати Абу Зар оиласи ила уларга боқмачилик қилар эдилар. Физор қабиласининг раиси Уяйна ибн Ҳисн бошлиқ қирқ отлик босмачилар келишиб, бу туяларни ҳайдаб олиб кетишди. Бу хабар Расулуллоҳга етиши билан дарҳол беш юз аскар олиб чиқдилар. Ансор саҳобалари ичида Салама ибн Акваъ деган бир мерган киши бор эди. Агар яёв бўлиб югурса, унга отлик одам ета олмас эди. Душман ортидан қувиб етишга уни буюрдилар.

Расулуллоҳ айтганларидек оёқ уза чопиб-ўлтириб, душманга етиб борди. Тоғнинг қисик жойларида олдиларидан тўсиб, ўққа тутар эди, отган ўқи янгилмафонликдан пиёда, отлик ҳеч кимарса мунинг яқинига йўламас эди. Тоғнинг гор жойларига келганда душманни олға юргизмасдан, аларга кўп тўсқинлик кўрсатар эди. Шу тўғридан душманлар кўп узоққа кета олмадилар.

Унгачалик орқадан қувишиб чиққан аскарлар етишиб келди. Отлиқлардан энг олдин келган Абу Қатода билан Миқдод ибн Асвад эдилар. Икки орада чорпишма бўлиб, ўғрилардан икки киши ўлдирилиб, мўминлардан бир киши шаҳид бўлди. Бир мунча оғирлик нарсаларни ташлашиб, олган туяларини ярмини қолдириб қочдилар. Бунинг устига Расулуллоҳ ҳам қолган аскарлар билан етиб келдилар. Анда Салама, ибн Акваъ:

— Ё Расулаллоҳ, душман кўрқинч ҳолга тушиб қолди. Агар булар ортидан юз киши билан мени юборур бўлсангиз, бутун молларини ҳайдаб, ўзларини бўйин-

ларидан бойлаб оддингизга келтирур эдим, — деди. Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Душманни енгдинг эрса, энди яхшилик қил. Қочган душманни қувламоқ кўп яхши иш эмасдур.

Яна бу воқеада бир мўъжизалик қисса ҳам ўтмиш эди. Шундоқки, бир куни ҳазрати Абу Зар Расулуллоҳ оддиларига келиб:

— Ё Расулуллоҳ, Фоба ўтлоғидаги сутлик соғин туяларингизга мени боқувчи қилиб қўйинг, уларнинг сутларидан фойдаланиб турайлик, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Физор қабиласининг раиси Уяйна ибн Ҳисн аҳмоқ одамдур. У сенга бир зиён етказиб қўядими деб қўрқаман, — дедилар.

Яна бир кун Расулуллоҳ оддиларига келиб: «Шу хизматга мени юборинг», деб қаттиқроқ талаб қўйди.

— Абу Зар, шу ишни қўйгин, ўғлинг ўлдирилгудек, хотининг асирга олингудек, асоингга суяниб, ўзинг олдимга келгудек бўлиб, кўзимга кўринурсан, — дедилар.

Шунчалик сўзларини эшитиб туриб, яна сўраган эди, бу йўли индамасдан жавоб бердилар. Сўнгра Абу Зар оиласи билан кўчиб бориб, бир неча кун туялар устида боқмачилик қилиб ўлтирди. Физор қабиласининг босмачилари буни эшитдилар. Расулуллоҳ деганларидек, раислари Уяйна ибн Ҳисн қирқ киши билан келиб, Абу Зарни босди, қаршилиқ кўрсатган ўғлини ўлдириб, хотинини асир олдилар. Мол-жонидан айрилиб, нима қилишини била олмай, асога суянган ҳолда Пайғамбаримиз оддиларига келди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам нима деган бўлсалар, худди шундай бўлди. Бу ҳам бўлса, Расулуллоҳнинг мўъжизалари эди.

Бу воқеа бўлиб ўтгандан сўнгра ҳазрати Абу Зар бу ишга ҳайрон қолиб, айтур эди: «Кўргулик кўзимни боғламиш экан, йўқ эса, бу ишдан мени Расулуллоҳ неча йўл қайтармиш эдилар. Унга унамасдан кўргилигимни ўзим келтирдим».

Аммо Абу Зарнинг хотинини эса душманлар бир қанча кун асирлиқда тутдилар. Бир кеча пайт топиб, ярим туңда туялар ўтлоғига келди, қайси туяни тутмоқчи бўлса, «бооф» деб бақирур эди. Охири бир туянинг олдига келиб, уни ушлаб эди бақирмасдан тек турди. Қараса, Расулуллоҳнинг Азбо отли туялари экан.

Ўғрилар олиб қочган туялар ичида буни ҳам келтирмиш эдилар.

Хотин дарҳол бунинг устига ўзини олиб, чоптириб қочди. Душманлар хабар топгандан кейин, орқасидан қувлаб чиққан бўлсалар ҳам, унга етолмай қайтдилар. Чунки у неча пойгаларда ўзиб чиққан югурук туя эди. Шунинг билан саломат Мадинага келгач, хотин Расулуллоҳ олдиларига келиб:

— Ё Расулуллоҳ, шу туя устида саломат қутулсам, муни сўйиб Худо йўлида қурбон қилайин деб атаб эдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Бу қандай ёмон ишдур, Аллоҳ сени мунинг устида душмандан қутқазган бўлса, яна уни бўғизлаб ўлдирмоқчи бўлибсан. Гуноҳ ишга назр айтмоқ дуруст эмас. Ўзи эга бўлмаган бировнинг молини қурбонлик қилиш йўқдур, бу туя эса менинг молимдур. Энди ўз уйингга қайтти. Аллоҳ барака берсин, — дедилар.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бу фазотдан Мадинага қайтиб келгач:

«Яёвларимизнинг яхшиси Абу Салама, отлиқларимизнинг яхшиси Абу Қатода экан», дедилар. Чунки бул икковлари Расулуллоҳга ёқарлик даражада бу фазотда иш кўрсатдилар.

### **ЗАЙД ИБН ҲОРИСАНИНГ ЧОПУЛИ**

Бу воқеа шундоқ эрдиким, мол билан Шом шаҳридан чиққан Қурайш қарвони Маккага ўтуб борадур, деб Расулуллоҳга хабар етди. Буни англаб, Расулуллоҳ Зайд ибн Ҳориса қўл остида бир юз етмиш кишилик бир бўлук отлиқ аскар чиқардилар. Мақсадлари эса, қарвондаги душман молини босиб олиш эди. Орада тинчлик шартномаси тузилмаган бўлса, у кунларда қайси йўл билан бўлса ҳам душманга зарба етказмак сиёсат оламида юриб турган бир қонун эди. Шу боришларида душман қарвонини бутун моллари билан қўлга туширдилар. Бир нечалари қочиб қутулди, қолганлари эса асир олинди.

Булар ичида Расулуллоҳнинг куёв ўғиллари Абул Ос ибн Робитъ ҳам асирга тушган эди. Бу киши эрса Расулуллоҳнинг қизлари Зайнабнинг абушқоси эрди, Бадр урушида асирга тушганида қизлари Зайнабни Мадинага юбориб бериш шарти билан ўзини асир-

ликдан озоd қилган эдилар. Орадан тўрт йил ўтгандан кейин карвон билан яна у киши асир тушиб қолди.

Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу куёвларидан рози эдилар. Чунки Маккада турганларида бутун Қурайш раислари Пайғамбаримизнинг қизлари Зайнабга талоқ беришни унга таклиф қилсалар ҳам, қабул қилмаган эди. Буни англагач, Расулуллоҳ ундан шод бўлган эдилар. Лекин Қуръон ҳукмида куфр ва иймон бир никоҳда бўлиши мумкин бўлмаганликдан, қизлари Зайнабни ундан ажратиб олмиш эдилар. Шундан бери Зайнаб Расулуллоҳнинг қўлларида эди. Аммо Абул Ос эрса, Қурайш раисларидан бўлиб, алар ичида эътиборлик кишилардин саналур эди. Ва онамиз Ҳазрати Хадича ҳам унга хола бўлур эдилар.

Неча томондан Расулуллоҳга қариндошлиги бор эди. Йўл тўсиб чиққан саҳобалар карвон қаторидан уни ҳам асир олиб, молини ўлжа қилмиш эдилар.

Мадинага келтирилгандан сўнгра Зайнабга бир киши юбориб, ўзи учун омон олишни сўради. Анда Зайнаб тўғри Расулуллоҳга келиб:

— Ё Расулаллоҳ, Абул Ос билан орамиз узилмаган бўлса боламнинг отасидур, агар узилган бўлса қариндошимдур. Бу кишига омон бериб, уни ўз ҳимоятимга олдим, — деди.

Бу сўзни бутун халқ эшитди.

Анда Расулуллоҳ саҳобаларга қараб айтдиларким:

— Бу кишининг бизга қандай яқин эканлиги сизларга маълумдир. Ўзи асир тушиб, моллари ўртада тақсимланди. Агар унга яхшилик қилур эрсангиз, ўзини озоd қилиб, молини қайтариб бергайсиз, йўқ дер экансиз, Худо еткузган ўз ҳалол молингиз бўлиб, бу ишда ихтиёр сизлардадур».

Саҳобалар Расулуллоҳдан бу сўзни англашиб, бу ишга розилиklarини билдиришдилар. Сўнгра ўртада тақсим топиб кетган унга қарашлик барча молларини ўзига қайтариб беришди. Шу билан Абул Ос боши бўшаб, ҳамма молини олиб, Маккага келди. Шом савдосига чиққан чоғида бошқа савдогарлар унга омонат қилиб бир мунча мол қўшган эдилар. Аларни ўз эгаларига топширди. Ва: «Менинг устимда ҳеч кимнинг ҳаққи қолдими, ваъдамга вафо қилиб омонат олган молларингизни топшириб бердимми?» деб алардин сўради. Мол эгалари розилик билдиришиб, унга қўп

раҳмат айтдилар. Уларнинг сўзлари тўхташи билан Абу ул Ос ўрнидан туриб:

— Мен энди Муҳаммад тутган йўлнинг ҳақлигига ишониб, анинг динига кирдим, — деб кўпчилик халқ ичида шаҳодат айтиб, мусулмон бўлди.

Шунда улар:

— Мундоқ экан, нега бу ишингни олдинроқ қилмадинг? — дедилар.

Анда ул:

— Мен Шом тижоратига чиққанимда, бир неча кишилар менга омонат қилиб мол қўшган эдилар. Ул омонат молларни топширмай мусулмон бўлсам, анинг эгалари бизнинг молимизни босиб қолиш учун мусулмон бўлди, дегайларму деб кўрқдим. Шундоқ сўз чиқмасин учун шу кунгача сабр этдим, — деди.

Сўнгра Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келгач, Расулуллоҳ қизлари Зайнабни янгидан никоҳлаб, яна унга бердилар.

### ҲУДАЙБИЯ ҚИССАСИ

Бу воқеа шундоқ эрдиким, бир кеча Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир туш кўрдилар. Тушларида саҳобалар билан Макка шаҳрига тинч-омон киришиб, Каъбани тавоф қилдилар. Сўнгра Сафо — Марва қилиб сочларини олдирдилар. Мана шу кўрган тушлари сабаб бўлиб, Маккага бориш Расулуллоҳ кўнгилларига тушди. Чунки пайғамбарларнинг кўрган тушлари эса, уйғоқликда келган ваҳий ҳукмида бўлади. Расулуллоҳнинг бу тушларига қараганда уруш-талашсиз Маккага киришлари лозим эди. Лекин қачон киришлари бу кўрган тушларида маълум бўлмагач, Расулуллоҳ шу йили Маккага кириш умидида сафарга чиқдилар. Ниятлари эса умра ибодатини қилиш эди. Шунинг учун қиличдан бошқа уруш қуроллари олмадилар. Бу сафарга чиққан аскарларнинг сони минг беш юзга яқин бор эди. Қурайш мушриклари бу ишга тўсқинлик қилсалар, ўртадан уруш чиқиб қолгайму деб, эҳтиёт юзасидан Мадина атрофидаги иймон келтирган арабларни аскарга чақирган бўлсалар ҳам, кўплари келмай қолди.

Маккага борганда қурбонлик қилиш учун аталган етмишта туялари бор эди. Мундоқ туяларни «Ҳадй» деб айтилар. Юриш олдидан буларни ҳайдатиб, сўнгра

борлиқ аскар билан ўзлари йўлга чиқдилар. Ҳади туяларини бирга ҳайдаб юриш эса, уруш учун эмас, балки Каъба зиёрати учун чиққанликларига араблар одатларича, очик далил эди. Мадинадан чиқиб бир манзил йўл юриб, Зил Хулайфа деган жойга келиб қўндилар. Шу ерда эрталаб юрар олдида умра нияти билан эҳром боғладилар. Сўнгра қўшин бу ердин қўзғалиб, Макка томонига қараб юриш қилди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир-икки кун илгари олдин оровул аскари юбормиш эдилар. Расулulloҳ аскар билан Мадинадан чиққан хабарлари Макка мушрикларига етиб, аларга қўрқинчилик тушди. Илгарироқ бу ишдан хабар топмиш Қурайш раислари маслаҳат қилдиларким: «Муҳаммад эрса Байтуллоҳни зиёрати учун келган бўлиб, шу баҳона билан шаҳримизни босиб олмоқчидур. Уни Маккага киргизмаймиз, агар куч билан қирмоқчи бўлар экан, у чоғда уруш қилгаймиз», деб бир тўхтамга келишди.

Дарҳол Холид ибн Валид қўмондасида икки юз отлиқ аскар оровулликка йўлга чиқди. Расулulloҳнинг юборган оровуллари ҳам булардан хабар топиши билан орқага қайтиб, буни хабар қилди. Шу орада Ислом аскари ҳам Маккадан икки қўналғу Усфон деган жойга етиб келишдилар.

Буни англагач Расулulloҳ:

— Душманлар тўсган бу йўлни қўйиб, улар ўйламаган бир йўл билан бизни Маккага киргиза оладиган бир киши бормидур? — деб сўрадилар.

Анда Аслам қабиласидан бир киши туриб:

— Ё Расулalloҳ, мундоқ йўлни мен билурман, — деб ўнқирлик, оғир бир йўлга бошлаб, шу юрганича Макка шаҳрининг ост томонидаги бир текис жойга чиқариб қўйди. Бу келишларида душманни ташқари қолдириб, Маккани босиб олишлари мумкин эди. Шу боис Холид ибн Валид бу ишдан хабар топиши билан чопганича келиб Қурайшга билдирди.

Улар ҳам шошилишиб қолдилар. Сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у жойдан кўчиб Ҳудайбияга кириш олдида Саниятул-мурор деган ерга келганларида шошиб келаётган туялари бирданига чўкиб олди. Ҳар қанча уриб-тортиб кўрсалар ҳам туя ўрнидан турмади.

Анда саҳобалар:

— Ё Расулulloҳ, Қасво чарчамишдур. — дедилар. Бу туянинг оти Қасво эди.

Расулulloҳ айтдилар:

— Бу туя чарчаган эмасдур, мундоғ одати ҳам йўқ эди. Лекин Абраҳанинг филини чўктириб тўхтатган Худо, буни ҳам чўктирди. Агар Қурайш халқи Ҳарам ҳурматини сақлаш учун мени ҳар қандай ишга таклиф қилсалар, агар у ишда Байтуллоҳ таъзими топилур экан, албатта, мен уни қабул қилгайман, — дедилар.

Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу юрганларича тўғри босиб Маккага кирсалар эди, кейинларидан Қурайш мушриқлари келиб, ўртада қонли қиргин бўлиб кетиши мумкин эди. Ана унда Ҳарам ҳурмати ҳам бузилур эди. Пайғамбаримизнинг туялари чўкканликдан илҳомланиб, Макка шаҳри ичига киришдан тўхтадилар.

Шу баҳона билан Аллоҳ таоло Ҳарам ҳурматини ва ҳар икки тарафни бу қирғиндан ўзи сақлади. Йўқ эса, душманнинг ташқари қолганини кўргач, шаҳар ичига босиб кириш Расулulloҳ кўнгилларига келган эди.

Сўнгра Расулulloҳ юқориги сўзларни айтганларидан кейин чўкиб ётган туяларини «чу-чу» дейишлари билан дарҳол сакраб турди. Макка йўлидан орқаларига қайтиб, Худайбия деган жойга тушдилар. Бу ер эрса Маккадан Мадинага кетарда ярим кунлик йўлдур. Расулulloҳ йўл чалғитиб Макка томонига ўтганларини англашиб, Қурайш халқи ҳам шошилиш билан қайтишиб Макка йўлларини тўсишга киришдилар. Шу орада Макка атрофидаги қабилалардан Хузоъа қабиласининг раиси Будаил ибн Варқо бир неча қабила бошлиқлари билан келишиб Расулulloҳга учрашди. Умра нияти бирла Байтуллоҳни зиёрат қилишга келганларини уларга гапирдилар. Буни англагач, у ердин туришиб Қурайш қўшини устига келишди. Буларнинг раислари билан кўришгандан сўнгра Будаил ибн Варқо айтди:

— Эй Қурайш халқи, Муҳаммад тўғрисида кўп шошқинлик қилманглар. Анинг бу келиши уруш учун эмас, балки Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун келмишдур.

Лекин унинг сўзига улар қулоқ солмадилар, чунки бу киши иймон келтирмаган бўлса ҳам, Расулulloҳга тарафдор эди. Шунинг учун улар:



— Агар Муҳаммад Каъба зиёратига келган бўлса ҳам бундоқ шон-шавкат билан шаҳримизга кириши тўғри эмасдур. Чунки бутун араблар олдида бизга номус бўлғудек сўзга қолурмиз. Агар Муҳаммад куч билан кирмоқчи бўлар экан, бир қатра қонимиз қолгунча унга қарши турурмиз, — деб бу ишга норозилик билдирдилар.

Сўнгра ўз тарафларидан Хулайс ибн Алқама деган кишини вакил қилиб, Расулуллоҳга юбордилар. Бу киши эса Қурайшнинг иттифоқдошлари Аҳобиш қабиласининг раиси эди. Мунинг келаётганлигини Расулуллоҳ йироқдан кўриб айтдиларким: «Бу эрса диний одатларни бек ҳурмат қиладирган кишидур. Қурбонликка аталган туяларни тўпи билан ҳайдаб «Лаббайка» қичқириб, уни қарши олинглар», деб буюрдилар. Шундай қилиб эдиларки, мунга кўриб:

— Субҳоналлоҳ, муңдоқ кишиларни қандай қилиб Байтуллоҳ зиёратидан тўсғали бўлғай? Лахм, Жузом, Нажд, Химяр қабилалари дунёнинг нариги четларидан келишиб, Байтуллоҳни зиёрат қилиб кетишадилар. Қурайш шайхи Абдулмутталиб ўғли Муҳаммадни Каъба зиёратидан нечук тўса олғайлар? Каъба эгаси Аллоҳ оти бирла қасам қилурманки, Қурайшнинг бу қилиғи эрса, ўзларининг ҳалокатидур. Бу кишилар умрага эҳром боғлаб узоқ йўлдан Байтуллоҳни зиёрат қилмоққа келибдурлар, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— Шундоқдир. Эй Бани Кинона сайиди, барчамиз зиёрат учунгина келгандурмиз. Ҳеч қандай бошқа мақсадимиз йўқдур.

Сўнгра Қурайш вакили Хулайс қайтиб келгандан кейин аларга айди:

— Бу келган кишиларни Байтуллоҳ зиёратидан тўсмоқ ҳалол эмасдур. Ўзлари умрага ният қилиб эҳром боғлаб, қурбон туяларини ҳайдашиб келганлар. Зиёрат ишқида «Лаббайка» айтиб қичқириб турурлар.

Қурайш раислари бу сўзни англаб, ўзаро ихтилоф чиқиб қолишидан қўрқиб айтдилар:

— Эй аъробий, сен ҳовлиқмасдан гапир, уруш ҳийлаларидан сенниг кўп хабаринг ўқдур. Бу кўрган нарсаларинг Муҳаммаднинг қилган макр-ҳийлалари бўлғай, уруш устида шундоқ ишларга ишониб бўлмағай, — дейишиб унга қаттиқ гапирдилар.

Буларнинг сўзлари унга оғир келиб, ғазаби қўзғалди. Ачитув сўз билан уларга қараб айтди:

— Эй Қурайш халқи, зулмга ёрдам бериш учун сизларга аҳд берган эмасмиз. Каъбани таъзим қилиб зиёратга келган кишиларни қандай тўса олурсизлар? Ҳалайсга жон берган Аллоҳ ҳаққи, агар Муҳаммадга йўл бермас экансиз, Аҳобиш қабиласидан бир кишини қолдирмай олиб кетурман, — деб ҳайқирди.

Мунинг сўзидан Қурайш раислари анча ташвишга тушиб, юмшоқлик билан:

— Эй Аҳобиш сайиди, сен бу ишда кўп шошмагил, кўнглимиз тинчлангудек Муҳаммаддан бир хабар топайлик, — деб айтишди ва Тойиф халқининг раисларидан Урва ибн Масъудни Расулуллоҳга элчи қилиб юбормоқчи бўдилар.

Анда бу киши айтди:

— Эй Қурайш аҳли, мендан илгари Муҳаммадга юборилмиш элчилар қайтиб келгач, сизлардан қаттиқ сўзлар эшитишди. Бизлар бўлсак сизлар билан ота-бола қаторидадурмиз. Худо ҳаққи, меним сизларга ишончлигим борму? — деб сўради.

Алар ҳам:

— Ишончлик кишимиз эурсан, ҳар ишда сенга ишона олурмиз, — дедилар.

Мундоқ демакнинг сабаби эрса ўтган элчилар сўзи рад бўлганини кўриб, мени сўзим ҳам шундоқ бўлиб қолмасун деб қўрқди. Чунки араблар олдида элчи сўзи қабул бўлмаслиги, унинг учун катта камчилик бўлур, шундан сақланиб юқориги сўзларни айтмиш эди.

Шунинг билан Урва Расулуллоҳ ҳузурларига элчи бўлиб келди. Ўз одатларича кўришгандан сўнгра, Урва сўз бошлаб айтди:

— Эй Муҳаммад, ҳар турлик йиғинда кишилар сенинг атрофингга тўпланмишдур, шуларга ишониб ўз қавм-қариндошингни қирмоққа келмишдурсан. Қурайш халқи бўлса, янги туққан сутлик туяларига хотин-болаларини туяб (ортиб) чикдилар. Аларни чеб (тўсиқ) қилиб, аскар ортига келтируб қўйдилар. (Араблар ода-тича, соғии туяларига бола-чақаларини ортиб, аскар ортига қўймоқ, энг қаттиқ уруш бўлишининг аломати эди). Байтуллоҳни зиёрат қилмоққа Муҳаммадни киргазмаймиз дейишиб, қаттиқ қасам қилдилар.

Мен аниқ билурман, бу кўринган кишиларинг эртаиндин уруш майдони очилур эрса, сени душман қўлига

қолдириб қочгайлар. Чунки бу кўринган юзларда ўлим номусини сақлағудек кишилар кўринмайдур. Йигитлик шарафини ташлаб, майдондан юз ўгириб қочишга тайёр тургандек кўрарман, — деди.

Бу сўз устида Абу Бакр Сиддиқ ҳозир эдилар. Мунинг айтган сўзига қаттиқ ғазабланиб, чидаёлмай:

— Эй Урва, шу сўзингга сен Лот бутингнинг тилигини тишлабсан. Бизлар Расулуллоҳни душманга қолдириб қочмаймиз, дедилар.

Бу сўз эрса араблар ичида энг оғир сўкишдир. Чунки Тойиф аҳли Сақиф қабиласи хотин суратидаги Лот номаик бутга топинур эди. Шул бутни хотин ўрнида кўриб, анинг андомини тишлатиб қўйди.

Шунинг билан ўз динида қандоқ қаттиқ турганини ва ўлимдан қочиш мўминларга мумкин эмаслигини билдирди. Расулуллоҳ олдиларида бу каби уят бўлғудек сўз ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ каби улуғ зот оғзидан чиқиши тўғри эмас эди. Шундай бўлса ҳам, душманни синдиришда қондурғудек сўз бўлганликдан Расулуллоҳ бу сўзни оғир олмадилар. Йўқ эса, одатларича шундай сўзни айтган кишига танбеҳ берур эдилар.

Қурайш элчиси Урва Сақиф қабиласининг раиси бўлгани учун юқориги сўз унга қаттиқ тегди. Анда Урва:

— Ё Муҳаммад, менга шундоқ оғир сўз айтгувчи кимдур? — деб сўради.

— Абу Қаҳофа ўғли Абу Бакрдур, — дедилар.

Анда Урва айтди:

— Эй Абу Бакр, меним ҳаққимда сенинг бир яхшилик қилганинг бор эди. Шу кунгача мен уни қайтаролмаган эдим, у қилган яхшилигинг ҳозир ёдимга тушди. Шунинг учун ғазабимни ютдим. Йўқ эса, сенинг бу ёмон сўзингга ундан ҳам ёмонроқ сўз топиб қайтармоқчи эдим. Ўшал қилган яхшилигингга бу айтган оғир сўзингни кўтардим, — деди.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг унга қилган яхшиликлари эрса, Исломдан илгари, жоҳилият замонида Урва бўйнига хун тўлаш тушган эди. У замон одатича бир киши хунига юз туя тўламак лозим эди. Урва эса муни тўламақдн ожиз эди. Қурайш катталаридан ёрдам сўраб келди. Уларнинг ҳар қайсилари ёрдамга битта-иккитадан туя бердилар. Аммо Абу Бакр Сиддиқ унга ўнта катта туя ёрдам қилган эди. Шу яхшиликни эсига олиб қарши сўз қайтармаганини айтди.

Сўнгра Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Урва, бизлар бу жойга урушмоқ учун келмадик, балки умра нияти билан Байтуллоҳнинг зиёрат қилгани келдик. Эндиги сўзимиз, Қурайш халқи бизни бу ишдан тўсмасинлар. Умра ибодатини ўтаб, Каъбатуллоҳни зиёрат қилганимиздан кейин ўз еримизга қайтамиз. Мундин бошқа ҳеч қандай мақсадимиз йўқдур.

Урва бу сўзни англагач, Расулуллоҳнинг ўзга ғаразлари йўқлигини билди. Шу билан бошқа сўзга ўтмай, Қурайш қавми олдига келиб:

— Эй Қурайш халқи, мен эрсам ўз вазифамни адо қилиб, топшириқларингизни Муҳаммадга етказдим. Эрон шоҳи Кисрони, Рум подшоҳи Қайсарни, Ҳабаш подшоси Нажошийни шон-шавкатлик ҳолларида ҳам кўрган эдим. Лекин улардан ҳеч бировининг қадрини халқ олдида Муҳаммаднинг қадридек улуғ кўрмадим. Унинг атрофини ўраган жонфидолари эрса, Муҳаммад ўзи бу ёқда турсин, бир тола тукини душманга бермасларига кўзим етди. Шундоқки, унинг олдида улар қаттиқ қичқирмагайлар, сўзларин эрса, кўз тикиб қулоқ солгайлар. Таҳорат чоғида оёқ-қўлига сув қуймоқни улуғ шараф билгайлар. Андин ошган сувни юз-қўлларига суртишиб талашгайлар, тупурди эрса, анинг тупурдигини ҳам ерга туширмагайлар.

Эй Қурайш халқи, мен сизларга тилақдошдирман. Муҳаммад сўраган ишини берайлик, мундоқ кишиларга уруш очмоқдан сақланайлик, чунки бу урушда енгилиб қолишдан кўрқадурман, — деди.

Мунинг сўзини Қурайш қавми дағи қабул қилмай:

— «Муҳаммад бу йилча қайтсин, келаси йил келур эрса, ани тўсмағаймиз», дедилар.

Урва кўрдиким, анинг сўзи қабул бўлмади. Шундан кўнгли олиниб, ўзига қарашлик бир неча кишиларни олиб, Тойифга қайтди. Булардин хабар бўлмач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳузоъа қабиласининг раисларидан Ҳаррош ибн Умайя деган кишини яна юбордилар. Бу кишини Расулуллоҳ ўз туяларига миндирдилар. Қурайш олдига боргач, элчилик хизматини адо қилиб, Расулуллоҳ сўзларини аларга еткурди. Унинг сўзини ҳам қабул қилмадилар. Балки Абу Жаҳл ўғли Икрима ғазаб билан ўрнидан туриб, элчи миниб келган Расулуллоҳ туяларини оёғига қилич урди, элчини ҳам ўлдиришга қасд қилган эдилар.

Аҳобиш қабиласи, элчи ўлдириш яна одат бўлиб қолгай, деб аларни қайтардилар.

Элчи ўлимдан қутилиб Расулуллоҳ олдиларига келди, кўрган-билганларини гапириб берди. Мунинг сўзини англагач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Умарни яна юбормоқчи бўлдилар. Анда Ҳазрати Умар:

— Ё Расулуллоҳ, агар мен борур бўлсам, улар мени ўлдирмаққа қасд қилгайлар. У чоғда мени ҳимоя қилгудек қавму қариндошларимдан Макка шаҳри ичида ҳеч ким йўқдир. Қурайш халқига меним кўлимдан, тилимдан зиён етганлигини улар яхши билурлар. Шунинг учун менга кўзлари тушиши билан жонимга қасд қилишлари шубҳасиздир. Мендан кўра бу хизматга Ҳазрати Усмонни юборур бўлсангиз, балки яхшироқ бўлур, чунки анинг туққанлари Бани Умайя Макка шаҳрида кўпдурлар. Агар душманлар томонидан бирор турлик кўнгилсиз иш бўлиши сезилар экан, у ердаги қариндошлари уни ҳимоя қилгайлар, ё Расулаллоҳ, — деди.

Анинг бу сўзини барча саҳобалар маслаҳат кўришиб, Ҳазрати Усмонни элчиликка юбордилар. Ҳазрати Усмон Маккага кирмасдан илгари қабила раисларидан Иббон ибн Саъд олдига кириб, ундан ўзига ҳимоя сўради. У ҳам ани ўз ҳимоясига олиб, душманлар зараридан сақламоққа ваъда берди. Бу ишни эрса, араб раислари ўзлари учун улуғ шараф билур эдилар. Ҳимоя сўрагувчи киши анинг душманларидан бўлса ҳам, уни ўз ҳимоясига олмоқ каби олижаноблик ишлари ўшал замон араблари ичида бор эди.

Шундоқ бўлиб, Ҳазрати Усмон Абу Суфён бошлиқ барча Қурайш раисларига Расулуллоҳ сўзларини етқузди. Уруш учун эмас, балки Байтуллоҳга таъзим қилиб, зиёрат учун келганликларини уларга англади. Бу тўғрида бир қанча сўз айтилди, ҳаммасини бекор қилдилар. Ҳазрати Усмон ҳам алардан умид узиб қайтмоқчи бўлди. Лекин тездан қайтишга руҳсат қилмасдан уч кун таъхирга солдилар. Яна саҳобалардан ўн одам Ҳазрати Усмон Маккага кирганларида бирга кирган эдилар. Булар эса Мадинага қижрат қилиб кетганларида оилалари Маккада қолган кишилар эди. Ҳар қайсилари шаҳарга киришиб, ўз оилалари билан кўришиб олдилар. Яна Қурайш раислари Ҳазрати Усмонга Каъбани зиёрат қилиб олиш-

га рухсат қилурмиз, дедилар. Анда Ҳазрати Усмон айтдиларким:

— Расулуллоҳ зиёрат қилмагунча, мен Каъбани зиёрат қилмагайман.

Шу сабабли уларнинг қайтишлари уч-тўрт кун кечикиб қолди. Бундан ташвишланиб турган чоғларида «Ҳазрат Усмон бошлиқ Маккага киришган ўн кишини ўлдирибдурлар», деган ёлғон хабар Расулуллоҳга етди. Мунинг бўлиши ҳам гумон қилинмоқда эди. Анда Расулуллоҳ:

— Агар бу хабар рост бўлар экан, у чоғда уруш қилмагунча бу жойдан кетмаймиз. Эй мўминлар, Аллоҳ таоло сизлардан байъат олишни буюрди. Келинглар, ўлимдан кўрқмасга, душмандан қочмасга, туғ тутиб аҳд-паймон беринг, душманни енгиб, Маккани олгаймиз ёки барчамиз шаҳодат топқаймиз, — дедилар.

Мана шу байъатни Куръон ва бошқа ҳадис китобларида Ризвон байъати деб атайдилар. «Инна Фатаҳна» сурасида Аллоҳ таоло шу оятларни тушириб, бу байъат воқеасини баён қилди:

**«Лақада разияллоҳу анил муминийна из юбойиъунака тахта-шажарати фаалима му фий қулубиҳим фаанзалас-сакийната алайҳим фаасобаҳум фатҳан қорибан ва мағонима қасиратан яъхузунаҳо ва каналлоҳу азийзан ҳакима».**

Маъноси: *«Аллоҳ таоло шу мўминлардан рози бўлди, чунки улар Самура дарахтининг тагида Аллоҳ йўлида жон қурбон қилмоқ учун сенга (Муҳаммадга) байъат бердилар. Шу байъат беришлари аларнинг дилларида чин эътиқод, ихлос билан бўлганини Аллоҳ билди, шунинг учун бу мўминлар Худо ризолигини топдилар. Шу сабабдан ўлимдан кўрқинч кўнгилларидан кўтарилиб, диллари ором олди. Яқин кунларда Аллоҳ таоло уларга фатҳ — нусрат бергай, душманларини енгиб, кўп ўлжага эга бўлгайлар. Ҳар ишда Аллоҳ ғолибдур, хоҳлаганидек барча халққа ўз ҳукмини юргиза олур. Анинг ҳеч бир ҳукми ҳикматдан ҳоли эмасдур»*, демак бўлур.

Ансор-Муҳожир саҳобалардан бу байъатга кирмаган киши қолмади. Фақат Жадда ибн Қайс деган одам туялар орасига яшириниб, бу улуғ неъматдан қуруқ қолди. Бу киши эрса, Бани Салама қабиласининг раиси эди. Булардан Расулуллоҳга элчи бўлиб кишилар келганида: «Сизларнинг сайидларингиз кимдур?» деб сўраган эдилар, алар: «Ё Расулаллоҳ, Жадда ибн Қайс-

дур, лекин у бахил бўлса ҳам, уни раис сайламиш эдик», дедилар.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Бахилликдан ёмонроқ айб бўлмас, бахил одам сайидликка ярамас, балки сизларнинг раисларинг Амр ибн Жамухдур». Шу сўз билан бурунги раис қолиб, бу киши раис бўлди. Охири эса Расулуллоҳ назарларидан тушиб, шундай улуғ неъматдан ҳам қуруқ қолди. Бу муборак байъатга саҳобалардан бир минг тўрт юзга яқин киши қатнашди. Бу байъат бўлган чоғда Ҳазрати Усмонни элчиликка юборган вақтлари эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг тарафидан ўзлари байъат ўтказдилар. Шундоқки, Расулуллоҳ ўнг қўлларини сўл қўллари устига қўйиб туриб айтдилар:

— Банданг Усмон сенинг хизматингда, меним ҳожатим учун элчиликка кетди, унинг томонидан ўзим байъат қилдим. Шу қилган байъатимни қабул қилгайсан.

Бу қутлуғ байъатга дастлаб қўл кўтарган киши Ҳазрати Уккошанинг оғаси Абу Синон эди.

Баъзи олимлар: Бунинг ўғли Синон ибн Абу Сифон эрур», дейдилар. Қандоқ бўлса ҳам, бу улуғ шарафга биринчи қадам қўйган киши муҳожирлардан эди. Байъат бермакка қўл сунар чоғда бу киши айтди:

— Ё Расулаллоҳ, сенинг кўнглингдаги ишни тўлуқ қилмоққа байъат қилурман.

— Кўнглимдаги иш нимадур? — деб Расулуллоҳ сўрадилар.

Анда ул:

— Олдингда жонфидалик билан душманга ғалаба қилгунча қилич чопайин ёки шу йўлда шаҳодат топарман, — деди.

Буни англашган саҳобаларнинг бариси шу сўзни айтишиб, Расулуллоҳга байъат топширдилар. Тариқат пирларининг муридларидан қўл тутиб, байъат олишлари эса, шундан қолди. Шариат байъати кофирлар билан урушганда қочмасликка, ўлимдан қўрқмасликка берилган байъатдур.

Тариқат байъати эрса, шайтонга бўйсунмасликка, нафс-ҳаво йўлига кирмасликка пир қўлини тутиб туриб қилинган ваъдадур. Ҳақиқатда эса бу икки байъат банданинг Аллоҳ таолога берган ваъдаси бўлур. Баъзи олимлар бидъат баҳонаси билан тариқат байъатига инкор қилдилар. Бу эса, Расулуллоҳнинг таржимаи ҳол-

ларидан, Ислом қурилишининг тарихларидан хабарсиз қолмиш кишиларнинг сўзларидаур. Балки шарият, тариқат сирларига тушунмаслиқдаур. Йўқ эса, Расулуллоҳнинг сифат ва сийратларини ҳадис китобларидан, Ислом динининг қандоқ қурилганлигини тарих саҳифаларидан ўқиб тушунган олимлар, бу икки байъатнинг суннатлигига албатта ишонадаурлар.

Лекин бизнинг бу сўзимиз ҳақиқатни киши билан топиш эмас, балки кишини ҳақлик билан топиш керак деган асосга қурилмишдаур. Ислом динининг ҳақлигида ва ҳар бир камчиликлардан унинг поклигига ҳеч шак-шубҳа йўқдир. Лекин бу ҳақиқатни истар эканлар, биринчи, Аллоҳнинг сўзи Ислом динининг асоси Қуръондан, иккинчи, Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари Расулуллоҳнинг суннатларидангина топарлар. Чунки бир дин ёки бир маслакнинг ҳақиқатини шу динни тутган ёки шу маслакка кирган кишиларга қарабгина билиб олиш мумкин эмасдаур. Биъят ботқоғига бўйинларига чача ботган, одат балчиғи билан юз-кўзлари булганган мусулмонларни кўриб ҳақ йўлдан адашган кишилар кўпадаур, деса бўлаур.

Байт:

**Ислом дар зот хўрандорад айбий.**

**Ҳар айбки, хаст дар мусулмони мост.**

Маъноси: «Исломнинг ўзига ҳеч айб йўқ, нима бўлса бизнинг мусулмончилигимизда».

Яна ўз сўзимизга келайлик. Бу жойдаги байъатнинг «Ризвон байъати» демакнинг сабаби эса, Расулуллоҳ байъат берган шу кишилардин Аллоҳ рози бўлганлигини юқориги оят билан ўзи билдирди. Шунинг учун Ризвон байъати деб атадилар. Муниси Худо рози бўлган байъат демақдаур. Яна ҳадисда келмишдаур:

**«Ла ядхулуннаро аҳадун бояъа тахташ-шажароти».**

Яъни: «*Шу гарахт тағига байъат берган кишилардан ҳеч кимарса тамуққа тушмайдаур*», демақдаур. Тағин бир ҳадисда айтдилар:

**«Ё айюҳаннасу, инналлоҳа қод рафаро лиаҳли Бадрин вал Ҳудайбийя».**

Яъни: «*Эй одамлар, огоҳ бўлинглар, Аллоҳ таоло Бадр урушига қатнашган, Ҳудайбияда байъат берган кишилар гуноҳини афв қилди*», демақдаур.

Шунинг билан бу муборак байъат тамом бўлди. Шу орада Қурайш раислари Микраз ибн Ҳафс деган одам-



ни бошлиқ қилиб қирқ-эллик кишилик бир бўлик аскар юборишди. Буларнинг мақсадлари эса, Ислом аскарининг куч-қуввати, сон-санокларини аниқлаш, чамалаб билиш эди. Агар пайтини топа билсалар, тўсатдан ҳужум қилиб беш-ўн кишини ўлдириб ёки қўлга тушириб олмоқчи эдилар. Шу ғараз билан кечалаб келётганларида Расулulloҳнинг кузатувчи аскарларига йўлиқиб қолиб, алар томонидан барчалари асир олинди. Ёлғизгина бошлиқлари қочиб қутулди. Бошқалари эса бутунлай қўлга тушдилар. Расулulloҳнинг қоровул аскарлари бошлиғи ансор саҳобалардан Муҳаммад ибн Маслама эрди.

Бу асирлар Расулulloҳ оддиларига келтирилгач, уларни қамоққа буюрдилар. Қурайш халқи бу хабарни эшитиб, кўп ғамгин бўлдилар. Бунинг қасосини қайтариш учун яна бир тўп аскар юбориб эрдилар. Булар кўп яқинлаша олмай, икки орада отишувлар бўлди. Мусулмонлардан Ибн Заним деган кишига ўқ тегиб, шаҳодат топди. Мушриқлардан ўн икки кишини мусулмонлар асир оддилар. Мундан илгари байъат воқеаси аларга англаниб, кўнгилларига кўрқинч тушиб турган эди. Бунинг устига эллик-олтмиш одамлари асирга тушиб қолди. Улар учун шундоқ кўнгилсиз ишлар бўлиб қолгандан кейин ўзаро ихтилоф чиқиб қолишдан кўрқишиб, ярашмоқ орзусига киришдилар. Шу сабаб бўлиб Қурайш раислари ўз ичларида атоғлиқ Суҳайл ибн Амрни бошчи қилиб, бир жамоат кишини элчиликка юбордилар. Йироқдин уни кўриб: «Саҳила амрукум», яъни «Ишинглар осонлашди», деб Расулulloҳ башорат бердилар. Бундай вақтда келган элчилар бошлиғи яхши исмлиқ эрса, андин яхшиликка фол очиш Расулulloҳнинг одатлари эди.

Суҳайл лафзидан «саҳила» чиқди. Мунинг маъноси «осонлашди» демақдур. Шундай қилиб, элчилар Расулulloҳ билан кўришиб бўлгандан сўнгра уларнинг бошлиғи Суҳайл Пайғамбаримизга қараб:

— Эй Муҳаммад! Ҳозирча ўртамизда бўлиб ўтган озми-кўпми урушлар, Усмон бошлиқ сенинг кишиларинг шаҳарда қамалиб туришлари, мана бу ишларни бўлса, бизнинг эслик бошлиқ кишиларимиз қилмадилар. Балки мунки қилгувчилар ёш-яланг тентак кишиларимиздир. Буларнинг мундоқ ўринсиз қилган ишларини эшитиб ўзимиз ҳам хижолатдамиз. Бу айб бебош кишиларнинг қилган ишларидур. Булардан бир неча

кишиларни сенинг аскарларинг асир олишибдур, аввал шу асирларни бўшатиб юборишингни сўраймиз, — деди.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Агар бизнинг тарафдор кишиларимиз саломат келсалар, бу асирларни бўшатурман, йўқ эрса, улар келгунча булар ҳам тутқунликда тургайлар.

Расулуллоҳдан бу сўзни англагач, Суҳайл Қурайш раисларига киши юборди. Улар ҳам саҳобаларни дарров қайтардилар.

Шу билан Суҳайл ҳам асирларни олиб жойига қайтди. Сўнгра Қурайш раислари ўзаро кенгашиб, охири Расулуллоҳ билан сулҳ қилмоққа тўхтадилар. Бу тўғрида шу Суҳайл ибн Амрни вакил қилиб юборишди. Унинг келаётганини Расулуллоҳ узоқдан кўришлари билан: «Бу киши эрса сулҳ учун келур бўлмай», дедилар. Сўнгра у ҳам тўғри келиб Расулуллоҳ олдиларига тиз чўкиб ўлтирди. Саҳоба улуғлари атрофларини ўрашиб турдилар. Икки томондан битим устида сўзга киришиб, мажлис анчагина узайди. Сўнгра Расулуллоҳ:

— Бу келишимиздан бизнинг мақсадимиз эса, Байтуллоҳни зиёрат қилмоқдур. Мундан бошқа ҳеч қандай ғаразимиз йўқдур. Агар бу ишдан бизни тўсмас экансиз, Байтуллоҳни зиёрат қилиб қайтамиз, — дедилар.

Анда Суҳайл:

— Эй Муҳаммад, Байтуллоҳни зиёрат қилмоқдан биз сизларни тўсмайлик, лекин бу иш келаси йилда бўлсин, чунки бутун араблар бу ишдан хабардор бўлиб қолдилар. Агар шу йили шаҳарга кириб, Байтуллоҳни зиёрат қилур бўлсангиз, араблар олдида биз хижолат бўлмаймиз. «Муҳаммад куч билан Қурайшни босиб кириб, Байтуллоҳни зиёрат қилди», дегайлар. Мана бу сўз бўлса, биз учун улуғ номусдир. Агар бу йили қайтиб, келаси йили келур бўлсангиз, йўлингиз очикдир ва икки ёқнинг обрўлари сақланур, — деди.

Бу сўз Расулуллоҳга ҳам маъқул тушди. Чунки шундай бўлмаса, уруш бошланиб кўп қонлар тўкилуру эди. Расулуллоҳ эрсалар Ҳарам ичида қон тўкилишидан сақланур эдилар. Бунинг сўзи Расулуллоҳга тўғри келгач, бошқа сўзга ўтишмай, ўртада бир сулҳнома ёзишга қарор қилишдилар. Мана шу чоқда Ҳазрати Умар бу ишга чидаёлмай ўрнидан сапчиб туриб, Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ олдида келиб:

— Эй Абу Бакр Сиддик, Муҳаммадни Худо тарафидан юборилган ҳақ пайғамбар деб унга ишондик, Ислом динини Аллоҳдан келган ҳақ дин деб, уни қабул қилдик. Энди бизлар ҳақ йўлни тутмоқ бўлсак, кофирлар эса ботил ишда турган бўлсалар, бу хорликни бизлар нечук қабул қилмаймиз. Мундоқ сулҳнома тузиш тўғри эмасдур, мунини қабул қилмағаймиз. Бу иш эса биз учун ҳақорат келтирур, — деб бундай сулҳга рози бўлмаганини билдирди.

Анда Ҳазрати Абу Бакр Сиддик:

— Расулуллоҳ эрса, аниқ билдик, Аллоҳнинг пайғамбаридур. Анинг келтирган дини барҳақдур. Бу ишда меним заррачалик гумоним йўқдур. Нима иш қилур эрса, Расулуллоҳ Аллоҳ амри ила қилғай, Аллоҳдин изнсиз ҳеч иш қилмағай. Эй Умар, ўлгунимизча унга итоатда бўлайлик, бутун буйруқларига бўйсунайлик. Чин кўнглимдан гувоҳлик берурман, ул Аллоҳнинг ҳақ пайғамбаридур. Аллоҳ уни ёрдамсиз ташлаб қўймағай, — деди.

Анда Ҳазрати Умар айтди:

— Мен ҳам шундай деб гувоҳлик берурман. Билурман, албатта, ул Аллоҳнинг пайғамбаридур, лекин сенинг сўзингта менинг кўнглим қонмади, — деб у ердин чиқиб тўғри Расулуллоҳ қошига келди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиққа нима сўз қилган бўлса, Пайғамбаримизга ҳам шу сўзни қилди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Умар, мен эрсам Аллоҳнинг қули ва ҳам унинг пайғамбаридурман, унинг амрига бўйсунмоқдан ўзга чорам йўқдур. Аллоҳ таоло ҳеч вақт мени зое қилмағай, — дедилар.

Шундоқ бўлса ҳам, Ҳазрати Умар бу сулҳномада ёзилган овир шартларга рози бўлғуси келмай, бу тўғрида кўп тортишувлар қилди. Охири бу сулҳномани ёзмоққа тўхталиб, нома ёзишни Авс ибн Ҳавла деган кишига буюрдилар.

Анда Қурайш вакили Суҳайл:

— Қариндошинг Али ёки Усмон ёзсин, — деб бошқа кишининг ёзишига розилик бермаганликдан Ҳазрати Алини сулҳнома ёзишга буюрдилар.

— Сулҳнома бошига «Бисмиллоҳ»ни ёзғил, — дедилар.

Анда Суҳайл айтди:

— Эй Муҳаммад, биз сенинг бу сўзингни ҳалигача

таниганимиз йўқдур. Ота-боболаримиздан қолган «Бисмикаллоҳумма» сўзини ёзсин», — деди.

Бу ёқдан мусулмонлар туриб: «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм»дан ўзга сўз ёзилмасин», деб қичқиришдилар. У томондин: «Биз «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм»ни танаймаймиз», деган сўзлар бўлиб, ҳар икки томондан бу сўзлар устида қичқиришлар бўлди. Бу икки сўзнинг қайсиси билан бошланишида талашғудек иш бўлмаганликдан, аларнинг айтганидек, «Бисмикаллоҳумма» деб сўз бошлашга буюрдилар. Бунинг маъноси «Эй Аллоҳ, сенинг отинг билан бошлайман», деган бўлур, чунки араблар Аллоҳга иқрор қилиб, оламни Яратғувчидир деб билур эдилар. Бироқ бутларини улуғ санаб, қудрат эгаси деб, улардин ҳожатларини талаб қилганликдан мушрик деб атадилар.

«Мушрик» деб Худога шерик қотқонни (қўшқонни) айтилуру. Мунинг акси эса «Муваҳҳид»дур. Аллоҳнинг зоти сифотида ёлғиз билиб ишонган киши «муваҳҳид» бўлур. Мўмин, муваҳҳид — бу иккиси бир маънода келур. Мушрик кофир демақдур. Расулуллоҳ замонидаги араблар эрса ҳаммалари мушрик эдилар. Шундоқ қилиб, мушриклар айтган сўз билан нома бошланди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Алига:

«Бу ёзилмиш нарса Аллоҳ пайғамбари Муҳаммадининг Қурайш вакили Суҳайл ибн Амр билан қилган сулҳномасидур» — дедилар.

Бу сўзни англаб Суҳайл:

— Эй Муҳаммад, биз сени Расулуллоҳ деб ишонган эрсак, сенга қарши чиқмас эрдик. Расулуллоҳ деган сўзни қолдириб, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ деб ёзсин, — деди.

Анда пайғамбаримиз:

— «Расулуллоҳ» сўзини ўчир, ўрнига «Муҳаммад ибн Абдуллоҳ» ёзғил, деб Ҳазрати Алига буюрдилар.

Анда Ҳазрати Али айтди:

— Ё Расулаллоҳ, бу ҳақ сўзни қандоқ ўчирғали бўлғай? Мен ҳеч қачон буни ўчирмағайман, — деб қасамёд қилди.

Сўнгра Расулуллоҳ уни ўзлари ўчириб ўрнига шулар деганидек ёздилар. Буни кўргач мусулмонлардан чувқон (шовқин) чиқиб кетди: — «Агар Муҳаммад Расулуллоҳ деб ёзилмас экан, бу аҳдномага бизнинг ризолиғимиз йўқдур, ўртамиздаги ишни қиличимиз би-

лан ҳал қилгаймиз», деб атрофдагилар қичқиргали турдилар.

Расулуллоҳ уларни сўз ва ишорат билан босдилар.

Суҳнома тамом бўлиб, унда тубандагича шартлар қўйилди:

Биринчиси, ўн йилгача ўртадан уруш кўтарилсин;

Иккинчиси, шу муддат ичида мусулмонлар ва мушриклар аралаш алоқада бўлсинлар;

Учинчиси, кофирлардан кимарса мусулмон бўлиб Маккадан Мадинага қочиб келса, агар уни талаб қилсалар, қайтарилсин;

Тўртинчиси, мусулмонлардан муртад бўлиб қочқон кишилар қайтарилмасин;

Бешинчиси, араблардин кимарса ким билан иттифоқ тузмакка ихтиёрлик бўлсин;

Олтинчиси, келаси йили мусулмонлар Маккага келгайлар. Анда Қурайш халқи Макка шаҳрини бўшатиб, ташқари чиқиб кетгайлар. Мусулмонлар уч кунгача Маккада турмоққа ихтиёрлик бўлгайлар.

Мана шу шартлар қўйилиб, суҳнома ёзилди. Бунинг асл нусхаси Расулуллоҳда қолиб, иккинчи нусхаси Суҳайл ибн Амрга топширилди.

Учинчи моддани ёзар чоғида мусулмонлар эшитиб яна шовқин соддилар: «Субҳаналлоҳ, бу қандай нотўғри ишдур? Куфрдин қочиб мусулмон бўлиб келган кишини душман қўлига қандоқ қайтариб берурмиз?» деб буни бек оғир олдилар.

Ҳазрати Умар:

— Ё Расулуллоҳ, бу ишга сиз нечук ризо бўладурсиз? Бизнинг бунга розилигимиз йўқ, — деди.

Расулуллоҳ табассум қилиб дедилар:

— Улардин иймон айтиб бизга қочиб келганларни қайтариб берурмиз, умид шулдурки, Аллоҳ таоло аларга нажотлик ато қилгай. Биздан муртад бўлиб кетганлар бўлса, Худо раҳматидан жудо бўлиб, лаънатга қолган кишилардур, аңдоқ кишилар шуларга лойиқдур. Раҳматдан кечганларни нечук талаб қилғали бўлур?

Мана шу сўз устида турган чоғларида Абу Жандал ибн Суҳайл кишиларини шалдиратиб қочган ҳолда мусулмонлар олдига келиб ўзини отди. Бу киши эса, шу ҳозирда Қурайш томонидан вакил бўлиб сўзлашаётган Суҳайл ибн Амрнинг ўғли эди. Уни мусулмон бўлганлиги учун қамоққа олмиш эдилар. Худди шу чоғда зиндондан қочиб, қўл-оёқларига солинган зан-

жирларни судраганича Расулуллоҳ ҳузурларига келди. Буни кўриб отаси Суҳайлнинг газаби алангалаб, тиканлик дарахтнинг шохи билан ўғлини бош-кўзига қарамай ургали турди.

Расулуллоҳдан рухсатсиз ҳеч иш қилишмаганликдан, унга ёрдам бериша олмай, ичлари оғриб, саҳобалар йиғлашдилар.

Анда Суҳайл Расулуллоҳга қараб:

— Эй Муҳаммад, ўртамизда қилинган сулҳ шартларининг ҳукмини биринчи навбат ижро қилиш вақти келди, — деб ўғлини уриб судрагали турди. Ўғли Абу Жандал товуши борича фарёд қилиб:

— Эй мусулмонлар, мени кофирларга нечун қайтариб берурсизлар? Кўз олдингизда қаңдоқ зулм қилаётганини кўриб турибсиз, энди мени динимдан ажратмоқ қасдида турлик азоблар билан қийнагайлар, — деб қаттиқ қичқирди.

Буни кўриб, мусулмонлар зиёда ғамгин бўлдилар. Шундоқ бўлса ҳам Расулуллоҳнинг ҳукмларига бўйсунмоқдан бошқа чоралари йўқ эди. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни Аллоҳ амри билан қилмиш эдилар. Ул зот Абу Жандалга айтдилар:

— Сен бу ишга кўп хафа бўлмай сабр қилгил, Аллоҳ олдида улуғ ажрга эга бўлгайсан. Бу яқин орада Аллоҳ таоло сизларни ёруғликка чиқаргай. Начора қилгаймиз, ўртамизда аҳднома ёзилиб қўл қўйилди, буни бузмоқ — хиёнат қилмоқдир. Энди сабр қилмоқдан ўзга чорамиз йўқдур. Буни аниқ билгил, Аллоҳ таоло мўмин бандаларни хорликка узоқ қолдирмас. Яқин орада Аллоҳнинг ёрдами сенга ва сенга ўхшаганларга етишгай, — дедилар. У ҳам Расулуллоҳ сўзларидан тасалли топиб, сабрга бўйсунди.

Сулҳнома ёзилиб тамом бўлгач, Ҳузоъа қабиласининг раислари ўринларидан туришиб:

— Бизлар Муҳаммадга қўшидик. Анинг дўстлари бизнинг дўстларимиз, душманлари бизларнинг душманларимиздур. Орқамизда қолган қавмларимизнинг аҳди бизнинг устимизга, — деб ўзларининг Расулуллоҳ билан иттифоқдош бўлганликларини билдирдилар.

Буни кўриб, Бану Бакр қабиласининг раислари Қурайш иттифоқига қўшилишни ихтиёр қилдилар.

Қачонки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сулҳ ишидан бўшадилар эрса, саҳобаларнинг улуғларидан қуйидаги кишилар бу сулҳномага шоҳид бўлдилар:

Абу Бакр Сиддик, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Аби Ваққос, Убайда ибн Жарроҳ, Муҳаммад ибн Маслама, разияллоху ан-хум. Қурайш томонидан эса Хўйтоб ибн Абдул Уззо, Микраз ибн Ҳафс ва бошқалар шоҳид бўдилар.

Лекин бу сулҳнинг тамом бўлиши кўп қийинлик билан қўлга келди. Чунки саҳобалар қайта-қайтадан Расулуллоҳга келишиб, сулҳ шартларини ўзгартиришни талаб қилдилар. Мундоқ бўлмас эрса, урушга тайёр эканликларини билдиришди. Айниқса, Ҳазрати Умар бошқалардан ортиқроқ бу ишга қаршилиқ кўрсатиб, Расулуллоҳга норозилик билдирди.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Умар, мен рози бўлғон ишга нечук сенинг розилигинг йўқдур?

Бу сўзга қарши Ҳазрати Умар:

— Ё Расулаллоҳ, сиз Худонинг ҳақ пайғамбари эмасмисиз, бизлар ҳақлик узра бўлиб, кофирлар ботиллик узра эмасларму? Биз ҳақ дин узрадурмиз, кофирлар эса ботил дин узрадурлар. Биз ўлдурулсак жаннатга киришимиз, кофирлар эса дўзахга кетишлари аниқ эмасму? — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Албатта, аниқдур, — дедилар.

— Энди сўз шундоқ эрса, биз нечук бу хорлиққа рози бўламиз? Бу шартномадаги оғир шартларни қабул қилмоқ биз учун ҳақоратдур.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Умар, мен бўлсам Худонинг пайғамбаридурман, унга қаршилиқ қилмасман, ул мени ҳеч вақт ёрдамсиз ташламагай.

Бу жавобдин сўнг Ҳазрати Умар ҳам розилик берди, бу иш Аллоҳ изни билан бўлаётганини билгач, яна савол қилдилар:

— Ё Расулаллоҳ, бу сафарга чиқар чоғимизда Макка шаҳрига киргаймиз. Байтуллоҳни тавоф қилгаймиз, деб айтган эдингиз. Энди бу сулҳноманинг шартларига кўра Маккага кирмай, Байтуллоҳни зиёрат қилмай, Мадинага қайтмоқчи бўлдик. Бундай бўлгач, бу ҳақда айтган хабарингиз қандоқ бўлди? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Умар, Маккага кириб, Байтуллоҳни зиёрат қиламиз деганим аниқдур. Аммо шу йили Маккага қирамиз деб айтганимни эшитдингми?

Ҳазрати Умар:

— Эшитганим йўқ, ё Расулаллоҳ, — дедилар.

Расулуллоҳ:

— Андоқ эрса, албатта бу айтган сўзимнинг бўлиши ҳақдур. Келаси йили Макка шаҳрига кириб, Байтуллоҳни зиёрат қилурмиз, — дедилар.

Расулуллоҳ деганларидек, бир йилдан сўнгра шу келган аскарлар Маккага келиб, Байтуллоҳни зиёрат қилдилар.

Шунинг билан сулҳнома ёзилиб бўлгач, Ҳарамга аталган туяларни сўйиб, гўштарини фақирларга тақсим қилиб бермакка буюрдилар. Бу туяларнинг сони етмишга яқин бор эди. Булар ичида бир буғро туя бўлиб, анинг Арабистонда номи чиққан эди.

Ул эрса илгари замонда Абу Жаҳлнинг туяси эди. Бадр урушида Абу Жаҳл ўлдирилиб, бу туя ўлжа олинмиш эди. Сулҳ тамом бўлгач, бу аталмиш туяларни келтириб сўймоқчи бўлдилар. Шу вақтда бу туя қочиб Маккага кириб, Абу Жаҳлнинг қўрасига бориб тўхтади. Туя орқасидан Амр ибн Фанама деган саҳоба қувлаб етиб келди. У киши эрса ансор саҳобаларидан эрди. Макка мушрикларининг ёш-яланглари бу туяни кўришиб, уни бермаслик учун жанжал қилдилар.

Анда Сухайл ибн Амр:

— Агар бу туяни олмоқчи эрсангиз, бунинг баҳоси учун Муҳаммадга юз туя тенглаб кўринглар. Агар қабул қилур эрса, у чоғда олсангизлар бўлур. Йўқ эса, бу туяга тегина кўрманглар. Тузган аҳдномамизни ўзимиз бузган бўлурмиз, — деб аларни қайтарди.

Шунинг билан бир туяга юз туя бермоқчи бўлишиб, ўртага киши қўйдилар. Анда Расулуллоҳ:

— Агар Байтуллоҳга ҳадя қилиб аталмаган бўлса эди, бу юз туяни қабул қилур эдим. Худо йўлида аталган нарсани ўзгартиб бўлмағай, — деб сўзларини рад қилдилар.

Шунинг билан барча туялар бўғизланиб, гўшлари фақир-мискинларга тарқатилди. Ҳадйи бор саҳобалар ҳам Расулуллоҳга эргашиб, шундай қилдилар.

Шу билан бу муборак сафар охирига етди. Бу жойда йигирма кун турғонларидан сўнгра, Мадинага қараб қайтдилар.

Икки Ҳарам ўртаси — Куроул фанам деган манзила етганларида «Инно Фатаҳно» сураси нозил бўлди.

Анда Расулуллоҳ Ҳазрати Умарга қараб:



— Ё Умар, Аллоҳ таоло ваҳий юбориб, менга бир сура туширди, бу сура эса, мен учун бутун дунёдан яхшироқдир», дедилар. Бу қайтишларида бутун аскарни очарчилик қоплагон эди. Кишилар арз қилиб, «ё Расулаллоҳ, очликдан баримиз қаттиқ қийналдик, минган туяларимизни сўйиб емакка рухсат қилинг. Аларнинг гўштидан овқат қилиб, очликни қайтарайлик, чарвиларидан (ёғларидан) танларимизга суртиб ёғланайлик. Ичимизда яланг оёқ қолганларимиз кўпдур. Териларидан оёқларимизга чориқ ясаб кияйлик», — дедилар.

Анда Ҳазрати Умар:

— «Ё Расулаллоҳ, бу ишга рухсат берманг, чунки душманга ишонч йўқдур. Олди-орқамиздан бирор иш бўлиб душманлар келиб қолсалар, у ҳолда очлик устига яёв қолур бўлсак, нима қилурмиз? Андин кўра аскардаги борлиқ овқатларни бир жойга йивайлик, устига келиб, анинг баракасига сиз дуо қилинг. Сиз Худонинг ҳақ пайғамбари эрурсиз, дуоингиз шарофатидан ул таомга баракот киргай, аскар очлик балосидан қутулгай, — дедилар.

Бу сўз Расулуллоҳга маъқул келиб, ўртага бир супра ёздилар. Сўнгра аскардаги борлиқ овқат, егулик нарсаларни шу супрага тўкишни буюрдилар. Аскарнинг барча овқатлари шул жойга тўланди. Сўнгра Расулуллоҳ анинг устига келиб баракасига дуо қилдилар.

«Саҳиҳ Муслим» китобида шундоқ келибдур: «Яқин бир ярим минг аскардан йиғилган овқатни келтириб супра устига тўқдилар, анинг кўплиги ётган эчкидек бўлди. Расулуллоҳ анинг баракасига дуо қилганларидан сўнгра шунча кўп аскар бир супрадан тўйганларича таом едилар. Аскар еб тўхтагандан кейин Расулуллоҳ айтдилар: «Қани хуржун халталарни келтиринглар. Сафаримиз тугагунча йўлга етгудек қилиб озиқ-овқат олинглар», дедилар. Барчалари келтирган идишларини тўлдириб озиқ-овқат олдилар, яна ўз баробарича шунча кишидан овқат ортиб қолди. Буни кўриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулиб айтдиларким: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва анний расулуллоҳ», яъни: «Гувоҳлик бераман шунгаким, Аллоҳдан ўзга ҳеч бир Яратгувчи йўқдур, яна гувоҳлик берурман, мен Аллоҳнинг барҳақ Пайғамбаридурман». Ҳар киши шу калимани тилида айтиб, дилида ишониб дунёдин ўтса, дўзах ўтидан омон топ-

кай, дедилар. Яна шу куни аскар ичида ичишга сув қолмаган эди. Буни кўриб Расулуллоҳ: «Бир таҳоратга етгудек сув келтиринглар», деб буюрдилар. Бир киши идини тагида қолган бир қошиқча сув келтирди. Муборак кўлларини шу сувга соддилар. Бармоқ ораларидан сув қайнаб чиқиб тўкилишга бошлади. Бир минг тўрт юз киши шу сувдан ичиб, яна таҳорат қилишдилар».

Расулуллоҳнинг кўрсатган мўъжизалари тавотур ҳукмида бўлиб, уни инкор қилиш ақддан йироқдур. Чунки ҳамма мўъжизалари кўпчилик халқ ичида бўлмишдур. Бу сафарда кўрилган мўъжизаларнинг машҳурроғи шулдур.

Шундин сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча кун йўл юриб саломат Мадинага келдилар. Мадинага келгач, бир муддат ўтгач, Умму Гулсум деган бир хотин Маккадан қочиб, Мадинага Худо йўлида ҳижрат қилиб келди. Бу хотин эрса, Ҳазрати Усмоннинг она қариндоши эди. Тўғри келиб онамиз Умму Салама уйига кирди. Макка ила Мадина оралиғи беш юз чақиримлик йўлдур. Бу йўлни бутунлай пиёда юриб, кўп машаққатлар тортиб келган эди.

Онамиз Умму Салама бу хотиннинг дин йўлида жонфидолик билан ҳижрат қилиб келганини Расулуллоҳга билдирди. Уни кўриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Марҳабо, хуш келдинг», деб кўнглини кўтардилар.

Анда Умму Гулсум:

— Ё Расулаллоҳ, Худо учун, Пайғамбар учун ҳижрат қилиб келдим. Мен эрсам хотин кишидурман, ўзингиз билурсиз хотинларда бўшлик, чидамсизлик бўлғай. Агар мени Маккага қайтарур эрсангиз, аларнинг қийновларига чидай олмайман. Унда мени динимдан ажратгайларму, деб қўрқиб келдим, — деб айтди.

Бу сўздан кўп вақт ўтмай, бу хотиннинг Аммора, Валид деган икки қариндоши ортидан қувлаб келдилар.

Алар Расулуллоҳга йўлиқишиб, кўришгандин сўнгра:

— Эй Муҳаммад, ўртамиздаги ёзилмиш аҳднома шартлари бўйича қариндошимизни қайтариб беришинг керақдур, — дейишди.

Расулуллоҳ шартномада хотин кишининг сўзи йўқдур, деб қабул қилмадилар. Шу орада Аллоҳдан оят нозил бўлди:

**«Ё айюҳаллазина аману иза жаъакумул мумина-  
ту муҳожиротин фамтаҳинув ҳунна».**

Маъноси: «Эй мўминлар, агар хотинлар ҳижрат қилиб Маккадан Мадинага келсалар, аларни синаб кўринглар. Агар аниқ Худо учун, дин учун ҳижрат қилиб келган бўлсалар, ундай хотинларни қайтарманглар».

Кофирлар билан мусулмон орасида никоҳ юрмаслиги учун бу оят нозил бўлди: — «**Ла хунна ҳиллун лаҳум ва лаҳум яҳиллуна лаҳунна**».

Маъноси: «Мўмин хотинлар кофирларга ҳалол бўлмагайлар. Мўмин хотинларни кофирларга никоҳ қилманглар ва мўмин кишилар кофир хотинларга ҳалол эмасгурлар», демақдур.

Мана бу оятлар нозил бўлгандан сўнгра ҳижрат қилиб келган хотинларни ҳеч нарса қайтара олмас бўлди. Ва мусулмонлар никоҳида бўлган кофир хотинлар, кофирлар қўлида қолган мусулмон хотинлар эрларидан ажрашдилар. Шу билан бу хотинни сўраб келган оға-инилари ҳам Маккага қайтиб кетишди. Бу воқеа Қурайшга эшитилгач, ночор бўлиб сукут қилдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бу сафардан қайтиб Макка ва Мадина оралиғида Куроъ (улғанам) деган жойга келганларида Фатҳ сураси нозил бўлган эди. Бу сура тушиши билан ҳаммадан илгари Жаброил алайҳиссалом келиб, Пайғамбаримизни табриклади. Сўнгра барча саҳобалар табрикладилар. Суюнгудек бир яхши иш бўлганида мусулмонлар бир-бирларини табриклаш расми шундан қолмишдур.

Анда саҳобалардан бировлари айтди:

— Бу сафаримизда ҳеч қандoқ фатҳ бўлмади. Чунки Макка шаҳрига кира олмадик. Байтуллоҳни зиёрат, тавоф қилишдин бизни тўсиб қўйдилар. Қочиб келган мўминлар кофирларга қайтарилди. Иш бундоқ бўлгач, қандoқ фатҳ бўлур эди?

Бу сўз Расулulloҳга етди эрса айтдилар:

— Бу сафарда қилган сулҳимиз улўф фатҳдир. Чунки кофирлар сизларни уруш-талашсиз Маккадин чиқаришга рози бўлдилар. Биз билан сулҳ қилишни улар талаб қилдилар, элик-олтмиш кишилари қўлимизга асир тушиб, бизнинг обрўйимиз ошди. Уларнинг руҳлари тушиб, кўнгиллари чўқди, биз эса эсон-омон, саломат ўз юртимизга қайтдик. Бу сулҳдан илгари биздан улар қаттиқ нафрат қилишиб, орамиз йироқлаш-

ган эди. Ислоннинг қандоқ эканлигини билмас, анинг яхшилигини тушунмас эдилар. Энди эрса бу келишув сабабидан орамиз алоқалик бўлмай. Муни билингким, бутун дунёнинг давлати ва анинг ноз-неъматлари урушда тўкилган бир киши қонига арзимас. На чорадурким, билмаган-тушунмаганлар ҳисобига дунёда кўплаб қонлар тўкилур.

Ҳаммадан ортиги шулдурким, бу сафардан Худо олдида ажрлик, савоблик бўлиб ёндинглар. Ўтган Уҳуд кунининг воқеаси ёдинглардан чиқдими? У кунда қандоқ оғир воқеалар ўтди. Киши-кишига қайрилиша олмади қолди, у кунни энг ортингларда туриб сизларга қичқирур эдим. Иккинчи, Аҳзоб кунини ҳам эсланглар. У кунда эрса, бизнинг устимиздан қандоқ оғирчиликлар ўтди. Ҳижоз ўлкасидаги бутун араб қабилалари бир ёндан отилган ўқдек бизга ҳужум қилдилар. Атрофимиздан ўраб-чулғаб келганларида сизларни қаттиқ қўрқинч босиб, улар қўлидан қутулиш умиди узилмиш эди. Душман қўрқинчларидан кўзлар қоронғилашиб, юрак ўйнаб, ҳар кимнинг бўғзига тикилмиш эди. Ишлар шул ҳолга келганда, яна Аллоҳ таоло улуғ қудратини кўрсатиб, бу келган бало селидан сизларни омон сақлади. Бу ишларни эрса, ҳали ёдингиздан чиқармагандурсиз?

Анда мусулмонлар:

— Аллоҳнинг ва пайғамбарнинг айтган сўзлари ҳақдур. Бу қилган сулҳимиз эрса ҳақиқатда улуғ футухот экандур. Сиз ўйлаган жойга бизнинг фикримиз етмабдур. Аллоҳ амрининг сирларини албатта сиз билурсиз, ё Расулаллоҳ, — дедилар.

Шунинг билан Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келиб бир неча кун ўтгандан сўнгра Абу Басир деган киши Маккадан қочиб Мадинага келди. Мусулмон бўлғони учун Макка мушриклари ани қамоққа олмиш эдилар. Бунинг қочганини англаб, Қурайш раислари хат ёзиб, Бани Омр қабиласидан Хунайс деган бир кишини Пайғамбаримизга юбориб, унинг ёнига йўлбошчи қилиб, яна бир киши қўшдилар. Бу икковлари тўғри Расулаллоҳ оддиларига келиб, хатни топширди. Хат мазмуни шундай эди:

«Эй Муҳаммад, ўртамизда қилинган аҳдномага биноан, биздан қочиб борган кишиларни қайтармоқчи эдинг. Шу кунларда Абу Басир деган киши биздан қочиб, сенга бормишдур, қайтариб келмоқ учун икки

одам юбордик. Энди ул қочоқ кишимизни бу икки одамга топшириб бергайсан».

Бу хат ўқилгандан сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— Эй Абу Басир, уруш ўтига тутантириқ бўлмишсан. Ўзингга маълумдир, биз Қурайш раисларига қочиб келувчиларни қайтариб бериш учун ҳужжат хати берганмиз. Бизнинг динимизда аҳднома шартларини бузмоқлик йўқдур. Ваъдасини бузғувчилар, ёлгон сўзловчилар, ишда хиёнат қилувчилар биздан эмасдурлар. Бор энди, ўз қавмингга қўшил, ўз юртингга қайтгил, албатта, Аллоҳ таоло томонидан сен учун ва сенга ўхшаш Маккада кофирлардан зулм кўраётганлар учун яхшилиқ кунлар бўлғусидур.

Анда Абу Басир:

— Ё Расулаллоҳ, агар мени кофирларга қайтарур эрсанг, улар мени қаттиқ қийнаб динимдан чиқарурлар ёки мени ўлдирурлар, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Абу Басир, Аллоҳдан умидим шулдур, сенга бир яхшилиқ еткурур, — дедилар.

Расулуллоҳдан бу сўзни англагач икки душманга таслим бўлиб, учовлари йўлга тушди. Шу билан Абу Басир кетаётганда, ортидан қарашиб қолган саҳобалар: «Бу эса минг кишига татигудек одам кўринур, йўлда бораётганда бирор иш қилиб, ўзини қутқара олмагайму?» дедилар. Бу билан ёнингдагини ўлдириб бўлса ҳам, ўзингни қутқар, деган сўзга ишорат қилдилар.

Сўнгра бу кишилар Мадинадан бир қўнолғу — Зулхулайфа деган манзилга етишди. Абу Басирни кечаси боғлаб, кундузи бўш қўйишар эди. Бир ерда ўлтиришган чоғда Абу Басирни элтиб бораётган Омрий қиличинини қинидан суғурди, сўлқиллатиб туриб шундай деди: «Бир кун келур, Муҳаммаднинг ёрдамчиси Авс, Хазражни шу қиличим билан бошларини кесиб қиргайман».

Анда Абу Басир: «Сенинг бу қиличинг бек кескир бўлиши керак, бундай қилични кўрганам йўқ эди, қани кўрайин, берчи», деб қўл узатди. «Ажал тақдири етар бўлса, киши кўзи кўр бўлғай» дейилгандек, кўр бўлиб қиличинини унинг қўлига берди. Бериши билан шундоқ урдиким, боши олмадек узилиб ерга тушди. Буни кўриб анинг йўлдоши қўрққанидан, жон қутқариш учун Мадина томонга қараб қочди.

Абу Басир бўлса, душманни ўлдирганидан сўнг қурул-жабдуқларини тақиниб, туясига миниб, анинг ортидан қувганича Мадинага қараб юрди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда саҳобалар билан ўлтиришган эдилар. Қарасалар бир киши яёв чопганича келаётибдур. Қаттиқ югурганидан оёқ остидаги майда тошлар париллаб учиб чиқмоқда эди.

Расулуллоҳ буни кўриб:

— Бу киши эрса қаттиқ бир қўрққудек ишдин қочганга ўхшайдур, — дедилар. Унгачалик бу киши ҳам етиб келди.

Саҳобалар:

— Ҳой, сенга нима бўлди? — деб сўрадилар.

Бўлгон ишни айтиб:

— Мана кетимдан келиб қолди, мени ҳам ўлдирмоқчи эрур, эй Муҳаммад, сенга сиғиндим, омон тиларман, — деди.

Расулуллоҳ:

— Қўрқма, омон бердим, — дедилар. Хиёл ўтмай Абу Басир ҳам келиб, туяни масжид олдига боғлади. Қилич осилган, яроқ тақинганича Расулуллоҳга тўғри келиб:

— Ё Расулаллоҳ, Аллоҳ таоло сизнинг аҳдингизни адо қилди. Чунки сиз қўлингиз билан мени уларга топшириб бердингиз, динимни, жонимни сақламоқ учун бу ишни қилдим. Кофирлар қўлидан мени Худо қутқарди. Нима ҳукм қилсангиз, бўйним қилчалик, ўз олдингизга келдим, — деб қараб турди.

Анда Расулуллоҳ:

— Мадинадан бошқа қайси жойни тиласанг бор, сенга рухсат, — дедилар.

Мундан сўнгра Абу Басир ўйлаб туриб, Шом йўлига чиқди. Маккадан чиқадирган Қурайш карвонларининг йўлини тўсмоққа бошлаб, тоғ ичидан мустаҳкам бир жойга ўрнашиб олди. Атрофдаги яшириниб юрганлар бу хабарни англашиб, анга қўшулдилар.

Худайбия сулҳида кофирларга қайтарилиб берилган Абу Жаҳдал Макка зиндонидан қочиб чиқди. Унинг атрофига мусулмонлардан етмишга яқин киши тўпландилар. Мадинага келишдан қўрқишиб, тўғри Абу Басир олдига келишди. Турлик араб қабиласидаги мусулмонлар секинлик билан шу жойга йиғилишдилар. Буларнинг сонлари уч юзга етди, йўл тўсиб Қурайш

карвонин ўтказмас бўлди. Душманлардан қўлга тушганларини эрса қўймасдан ўлдирар эдилар. Бу ишдан Макка йўли тўсилиб, Қурайш халқи қийинчиликка учради.

Булардан қутулишга илож топишолмай, Қурайш раислари Расулуллоҳга: — «Эй Муҳаммад, биздин сизларга ким қочиб борур бўлса, иккинчи уни бизларга қайтарманглар. Аҳдномадаги шу шартни бекор қилдик, ундай одамнинг бизга кераги йўқдур. Бундан сўнгра унинг учун биз томондан ҳеч ким бормайдур. Биздин қочганлар Мадинага бормасдан, карвон йўлини тўсгали ва босмачилик қилгали турдилар. Атрофдин олиб турган овқатларимиз келмас бўлди» — деган мазмунда хат ёздилар.

Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Абу Басир ва Абу Жандалини Мадинага чақариб, қолганлари эса қайси қабиладан келган бўлса, қайтсин, бу жамият тарқалсин, деб буйруқ қилдилар.

Расулуллоҳнинг хатлари келган чоғда Абу Басир бетоб ҳолда ётган эди. Хатни қўлига олгач, ўқиб туриб жон берди. Разияллоҳу анҳу. Шу ўринда дафн қилиб устига бир масжид бино қилдилар.

Сўнгра Абу Жандали ўзига қарашлик кишилар билан Мадинага келди. Қолганлари эса ўз жойларига қайтишди. Шу билан карвон йўли омон топиб, Қурайш халқи ҳам бу ишга рози бўлдилар.

Бу сулҳ қилингандан сўнгра йўллар очилди, ўртада алоқа бошланиб, мусулмонлар ва мушриклар аралашдилар. Ислом ахлоқини кўзлари кўрди. Ўз ихтиёрича динга кирувчилар кундан-кунга кўпайгани турди. Ислом бошлангандан бери дин қабул қилувчиларнинг сони қанчага етган бўлса, ушбу сулҳ кунлари ичида унга ўн баробар ортиқ киши динга кирмиш эдилар.

Мана шу чоғда барча саҳобалар билдиларким, Расулуллоҳ айтганларидек, бу Ҳудайбия сулҳи мусулмонлар учун улуғ неъмат бўлди. Улар зиёналик кўриб, рози бўлишмаган бир неча шартлар охири фойдалик бўлиб чиқди. Йўқ эрса, бу сулҳномага қаршилиқ кўрсатиб, бир неча кишилар ҳалок бўлишга яқинлашган эдилар. Шу учун Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ айтдилар:

— Ислом дини бошлангандан бери ҳеч жойда Ҳудайбия сулҳидек катта ғалабага эга бўлган эмасмиз. Лекин халқнинг ақли бу ишнинг аслига етишмай, Расулуллоҳга бу ишда кўп тўсқинлик қилдилар. Аллоҳ-

нинг шошилиши йўқдур. Бадалар шошилдилар. Охири эса Худо хоҳлагандек Расулуллоҳ айтганлари бўлди. Бу ишга кейин тушуниб, барчалари рози бўлдилар.

### ХАЙБАР ҲАЗОТИ

Хайбар шаҳри эрса, Мадинанинг шимолий ғарб тарафига тўғри келур. Карвон юришида Мадинадан тўрт кунлик йўлдир. Ерлари кенг, боғу бўстонлик, оқар сувлик, экинзорлик бўлиб, кўп келишган жой эди. Бу ерда яҳудийлар яшамоқда эдилар. Бу урушнинг сабаби эса, Расулуллоҳга душманлиги энг қаттиқ бўлган яҳудлар ҳар ёқдан қочишиб келиб, шу жойда тўпланишдилар. Бутун кучлари билан Ислom динига қаршилик кўрсагувчи яҳуд фитначиларининг туғи шу жойда кўтарилмиш эди. Буларнинг раислари эса Расулуллоҳга қарши бошқа қабилалар ичида ташвиқот юргизиб, ундан Хандақ уруши келиб чиқишига сабаб бўлган эдилар. Ўзлари кутган мақсадлари эса мундан чиқмагач, чанқоқлари қонмай халқ ичига тарқалиб, яна бузгунчилик қила бошладилар. Бу ҳолда аларга қаттиқроқ зарба етказиб, бошқаларга сиёсат кўрсатиш лозим эди.

Мана шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳудайбия сафаридан қайтиб келгач, бир ой ўтар-ўтмас Хайбар сафарига чиқдилар. Ҳижратнинг еттинчи йили эди. Хайбар сафарига чиқмиш аскарлар саноғи бир минг олти юз бўлиб, бундан икки юзтаси отлик, қолганлари яёв эдилар. Хайбарда яҳудларнинг ўн битта уруш қалъалари бор эди. Уруш кунларида бу қалъаларда ўн минглаб аскар сақданур эди. Қўрғонларининг эгизлиги (катталиги), аскарларнинг кўплигига ишониб, устиларига аскар етиб келгунча хабарсиз ёта бердилар.

Расулуллоҳ келмасларидан бир неча кун илгарироқ бутун қалъа аскарини ташқари чиқариб, кўрик ўтказишган эди. Қарасалар, бу кўрикка ўн мингдан ортиқ аскар йиғилибдур. Муни кўргач, алар мағруланиб: «Ҳайҳот, Муҳаммад келиб биз билан нечук уруша олур?! Биз билан сўқишмоққа унинг тоқати йўқдур», дейишиб, мақтанчоқлилик билан тарқашган эдилар.

Расулуллоҳ Мадинадан чиққач, кечалаб юришиб тўртинчи кун тонг отар Хайбарга келдилар. Яҳудлар эса бу ишдан хабарсиз ўз одатларича кетмон-куракларини кўтаришиб қўрғон сиртига чиқишаётганда, кел-



ган аскарларни кўришлари билан қочишиб, қайта қалъага киришдилар. Хайбар қалъалари ичида энг каттароғи эса Аннута деган қалъа эди. Расулуллоҳ шунинг қаршисида, мундан ўқ отиш йироқроқ ерга келишиб тушдилар.

Бу кўрғон ичида ҳар қайсиси ўз олдига бўлинган яна уч кўрғон бор эди. Биринчисини Ноъим, иккинчисини Саъб, учинчисини Қулла дер эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи қалъадан бошлаб қамал қилишга буюрдилар. Дастлабки куни уруш туғини муҳожир саҳобаларидан бирига бердилар. Икки орада қаттиқ ўқ отишлар бўлиб турди. У куни эса ҳар икки тарафдан ҳам ортиқча иш кўрилмади. Расулуллоҳ тушган жойнинг орқа ёғи қалин хурмозор эди. Тун қоронғулигидан фойдаланиб анинг далдасида душман келиб ҳужум қилиб қолмасун деб, андин сақланиш учун хурмоларни кесмоққа буюрдилар. Шу куни тўрт юз туп хурмо кесилди. Эртаси куни кесишдан тўхтадилар. Шу куни саҳобалардан Муҳаммад ибн Маслама шаҳид бўлди. Бу киши эрса атоғлик баҳодирлардан эди. Темир совут кийиб кун иссиғида қилган уруш ҳаракатларидан чарчаб, бир озгина дам олиш учун қалъа деворининг соясига келиб ўлтириши эди. Муни пайқаб турган бир яҳудий йўғон тош билан бошига урди. Мусулмонлар кўтариб, Расулуллоҳ қошига келтурдилар. Боши янчилган, кўзлари ўйнаб чиққан эди. Мундай ачинарли ҳолни кўргач, унга кўп оғриндилар. Бир оз вақт ўтгандан сўнгра у вафот топди, разияллоҳу анҳу.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам етти кунгача бу ҳужум устида ўзлари бошчилик қилдилар. Бошларида темир дубулға, эгиларига совут кийган, ўнг қўлда найза, сўл қўлда қалқон тутган эдилар. Мана шу сифатда бўлиб, аскарга бошчилик қилдилар.

Мундай қилишлари бутун умматга жиҳод йўллари кўрсатиб, ҳаёт оламидаги ҳақиқатни англатиш эди. Чунки ҳаёт олами демак, асбоб олами демақдур.

Аллоҳ тарафидан тузилган ҳақ динни, олам халқига ўргатиш учун Аллоҳ берган улуг мўъжизалик пайғамбарлар ҳам қурол кучига муҳтождурлар. Мундин ташқари, асбоб оламида ҳеч бир иш ўзича юзага чиқмайду. Пайғамбарларнинг барчалари бу қонунга бўйсунгайлар. Агар сабабдан ташқари халқ кўзига бирор нарса кўрсатар эканлар, у эса асбоб оламидан

эмас, қудрат оламининг ишидур. Пайғамбарларга мўъжиза, авлиёларга каромат учун бўлур. Дунёдаги борлиқ нарсалар эса, барчаси сабабга боғлиқ бўлганликдан, унинг сабабларини тўлиғи билан ким топа олар экан, уларнинг юзага чиқишида ҳеч шак йўқдур. Чунки дунёда ҳар ишнинг асбоби тўлиқлангач, кимнинг қўлида бўлсин у нарсани тебратиб, вужудга чиқариш Аллоҳга одат бўлмишдур. Баъдага агар имконият бўлар экан, ҳар нарсанинг асбобини тўлиғи билан тайёрламай туриб, Худо қилди деб қараб туриш, ҳаёт оламига қўйган Аллоҳ қонунига қаршилиқ қилишдур. Қуръонда буни «суннатуллоҳ» деб айтилурур **«Ва лан тажида лисуннатиллоҳи тадбило»**. Бу оят эса бизнинг шу айтган сўзимизга очиқ далилдур. Маъноси: «Эй Муҳаммад, Аллоҳ *огати* ҳеч вақт ўзгармайди». Яна ўз сўзимизга келайлик. Шундоғ бўлиб, етти кунгача Ҳазрати Абу Бақр Сиддиқ, Ҳазрати Умар каби улуғ саҳобаларга туғ топшириб, қалъа ҳужумига буюриб турдилар.

Лекин ҳеч бировларидан фатҳ аломати бўлмади, балки яҳудийлардан бир бўлук фидоий аскарлари тўсатдан ҳужум қилишиб, қамалда турган ансор аскарларини орқага чекингирдилар. Бу чекинишнинг охири Расулуллоҳ чодирларига бориб етган эди. Муни кўриб, Расулуллоҳ ғамгин бўлдилар. Чунки бу ҳужумда ўлим бўлмаса ҳам, ярадорлар кўпайди. Расулуллоҳнинг буйруқларича аскар улуғлари навбати билан ҳар кеча душманни кузатиб, қоровуллик қилишур эди. Еттинчи кеча навбат Ҳазрати Умарга келиб экан, қоровул аскарлари ярим тунда бир яҳудийни тутиб анинг олдиға олиб келдилар. Ани ўлдиришга буюриб эдилар, у:

— Ҳой, мени ўлдирманглар, мени пайғамбарингиз қошига элтинг, сиз учун фойдалиқ сўзим бор, унга айтурман, — дегач, Ҳазрати Умар уни Расулуллоҳ хузурларига келтирди. Ундан сўз сўрадилар эрса:

— Эй Муҳаммад, жонимга омонлик берурмисан, агар қалъа ичидаги сир сўзларни айтиб берсам? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Омонлик берурман, ул сўзларингни айтгил, — дедилар.

Яҳудий айтди:

— Бу қалъа ичидаги аскарлар эса, беш-ўн кун

ўтмай турибоқ урушдан зерикиб қолишди. Муниг устига аскарларда қўрқинчилик бор. Қўрққан қўшиндан яхшилик умид қилиб бўлмас. Шу кеча хотин-болаларини иккинчи қалъага кўчирдилар. Эрталаб қалъадан чиқиб, устингларга ҳужум қилмоқчидурлар. Агар шу қалъани қўлга киритур бўлсангиз, унинг ичида ишланган ер остида бир уй бор. Мендан бошқа уни ҳеч ким билмайди. Мана шу ер остидаги уйда манжаниқ даббоба деган қалъа бузар уруш қуроллари бордир. Агар шу асбоблар қўлга келар экан, у чоғда бари қалъаларни тезлик билан олгали бўлур. Муңдан бошқа, ул уйда юзлаб, минглаб ҳар хил қуроллар топилғусидир. Шу эрталабки ҳужумда зафар топиб, қалъани олсангизлар, ул уйга сизни ўзим бошлаб киргайман. Эй Абул Қосим, хотинимга ҳам омонлик сўрайман.

— Унга ҳам омонлик бердим, энди эса иймон келтиргил, — дедилар.

Яҳудий бир неча кун муҳлат сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужум кунлари аскарга ташвиқот қилиб, улардан ажрамас эдилар. Туғ олган аскар бошлиқлари навбатлашиб қилган ҳужумларидан натижа кўрилмагач, Расулуллоҳ айтдилар:

— Энди шу эрталабки ҳужумда Ислому туғини шундайин бир кишига берурманки, у Аллоҳни ва анинг пайғамбарини севади. Аллоҳ ва анинг пайғамбари уни севадилар. Шунинг қўли билан бу қалъалар очилади.

Бу сўзни англашиб саҳоба улуғларининг ҳар бирлари: «Қошки эди, шу одам мен бўлсам эдим», деб ўйлашар эдилар. Расулуллоҳ ҳужум туғини топширур чоғида аскар бошлиқлари кўрак керишиб: «Менга берармикан?» деб жавдирашиб турдилар. Туғ талабида Ҳазрати Саъд ибн Аби Ваққос қаршиларига келиб тиз чўкиб ўлтирди. «Муңдоғ улуғ неъмат қандоқ улуғ давлатлик кишига насиб бўлмиш экан», деб саҳобаларнинг катталари кечаси билан ўйлашиб чиқдилар. Шунда, Ҳазрати Умар:

— Ислому кирганимдан буён ҳеч бир вақт амалдор бўлишни талаб қилмаган эдим. Қачон Расулуллоҳдан Хайбар урушида шу сўзни англадим эрса, шу кун аскар бошлиғи бўлиб, туғ кўтаришни орзу қилдим, — деб айтди.

Шунга ўхшаш барча саҳобалар ҳам бу давлатдан умид этдилар. Лекин Аллоҳ таоло ўзи суйган қулига

бу неъматни ато қилди. Шу билан еттинчи кеча ўтиб, тонг отиши билан улуғ саҳобалар бирортамизга бу илтифот бўлмайму деб, ҳар қайсилари Расулуллоҳга тўғри бўлдилар. Ҳеч бировларига гапирмай: «Али қайда?» деб сўрадилар. Чунки у кунлари Ҳазрати Али аскар ичида йўқ эди. Кўзи қаттиқ оғриб қолгани учун Расулуллоҳ бу сафарга рухсат қилмаган эдилар. Расулуллоҳдан ажраб Мадинада қолганига чидаёлмай, кўз оғригига қарамай, уч-тўрт кун кейин аскар орқасидан етиб келмиш эди. Лекин кун иссиғи, сафар машаққати билан кўз оғриғи кучайиб, бир чодирда ётар эди, Расулуллоҳ уни йўқлаб қолдилар.

— Ё Расулаллоҳ, унинг кўзи қаттиқ оғрибдур. Кўз очмоққа дағи қудрати йўқдур, — десалар ҳам, йўқ, уни келтуриш деб, Салама ибн Акваъни юбордилар. Ул киши бориб етаклаганича Алини Расулуллоҳ олди-ларига келтирди. Ани кўришлари билан:

— Мен айтган киши шу, мен айтган киши шу, — дедилар.

Сўнгра ўз қўллари билан туғ боғлаб, уни Ҳазрати Алига топширмоқчи бўлдилар. Анда Ҳазрати Али:

— Ё Расулаллоҳ, бир неча кунлардан бери кўзим қаттиқ оғрийдур. Шунинг алаmidан ўз оёқ остларимни ҳам яхши кўролмай қолдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Алининг бошини тиззалари устига қўйиб, муборак тупурикларидан кўзларига суриб эдилар, шу онда оғриқ кўрмагандек бўлиб, кўзлари чироғдек очилди. Ҳазрати Али кўз оғриқ, тиш оғриқ деган нарсани умрларининг охиригача кўрмадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Калимаи таййиба» ёзилган оқ туғни Ҳазрати Алига тутқазиб туриб:

— Ё Али, олға қараб интил, Аллоҳ сенга ёр бўлғай, ҳеч ёққа боқмагил, бу қалъалар қопқаси сенинг кўлингдан очилғай, — дедилар.

Расулуллоҳ буйруқларини англаши билан Ҳазрати Али ўттиз-қирқ қадам олға босиб, сўнгра тўхтади. Қайрилиб қарамасдан, олға қараб турганича қичқириб:

— Ё Расулаллоҳ, нимага урушурман, ким учун қон тўкурман? — деди. Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Оламини яратгувчи ёлғиз Аллоҳ деб инонгунчалик урушурсан. Мени чин пайғамбарлигимга иқроп

қилгунча қон тўқарсан. «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» калимасини оғзаки бўлса ҳам айтар эканлар, биздан мол-жонларини қутқара олади. Тилида бўлса ҳам шу сўзни айтган кишининг мол-жонига омонлик бергаймиз. Биз уларнинг зоҳирига боққаймиз. Ботинларини Тангрига топиштиргаймиз. Агар шу калимани айтиб иқрор бўлсалар, Аллоҳ буюрган диний ҳуқуқни уларга билдир. Намоз, рўза, закот, фарз, вожиб амалларини ўргатгил. Худо ҳаққи, агар бир кишини ҳақ йўлига келтурсанг, бир қабила халқининг қизил туяларини Худо учун садақа қилгандин анинг савоби ортиқроқдур.

Ўнг ёғингда Жаброил, қўлида қилич, сенинг учун ёрдамга келмишдир. Эй Али, сен Араб халқининг сайидидурман, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ ўз белларига боғланган зулфиқорни, эгниларига кийган темир совутни бериб:

— Бор энди, Аллоҳ ёрдамингда бўлсин, Хайбар шаҳри сенинг қўлингда фатҳ бўлсун, — деб ҳужумга буюрдилар.

Сўнгра Ҳазрати Али, каррамаллоҳу важҳа, аскар олдига тушиб ўнг қўлида зулфиқор, сўл қўлида туғ тутиб, бутун аскар баробар «Аллоҳу акбар» садоси билан кўкка етгудек қичқириб югурдилар. Ҳазрат Али ҳамманинг олдига қалъа тагига етиб Ислом туғини ўрнатди. Барча аскар баробар қалъа атрофини ўраб олдилар. Қалъа бошлиғи эрса, яҳуд аскарининг қўмондони Марҳабнинг бир туғишган укаси Хорис номлик киши бўлиб, бу эса яҳудлар ичида ўшал даврнинг атоқлик баҳодирларидан эди.

Ясоғлик турган аскарлар билан мусулмонлар устига отилиб, бир қаттиқ ҳужум қилди. Бу ҳужумда эса мусулмонларнинг сафларини бузиб, уларни орқага чекинтирди.

Аммо Ҳазрати Али туғ туганича ўз ўрнидан бир қадам ҳам орқага қайтмади. Тоғдек туриш қилиб, у жойдин қўзғалмади. Муни кўриб аскарбоши Хорис ўқдек отилганича келиб Ҳазрати Али бошига қилич солган эди, қалқон тугиб унинг зарбини қайтардилар. Навбат Ҳазрати Алига келгач, шундоғ урдиларким, қилич зарби бўйин совутини кесиб, бошини учуриб ерга туширди. Яҳудлар Ҳазрати Алидан бу даҳшатни кўргач, чидаёлмай қочишиб қўрғонга кирдилар. Бош қўмондон Марҳаб юқорида қараб турган эди. Укаси

ўлдирилганини кўриб, бўкирганича қўрғондан тушди. Бу эса ўшал замоннинг энг кучлик яроқлари билан қуроланмиш эди. Устига кийган совути, бошига қўйган дубулгаси, шунга ўхшаш уруш кийимларини қаватлаб кийиб олган эди. Ғазаб билан ўқдек келиб, Ҳазрати Алига бир қилич урди. Мунинг зарбидан қўлларидаги қалқон икки бўлиниб ерга тушди.

Урушда қалқонсиз туриш мумкин бўлмаганликдан Хайбар шаҳрининг қопқасига қўл уриб, қудрат биланининг ёрдами билан дарвозани юлиб олдилар. Уни қалқон ўрнига ушлаб яна ҳужумга кирди, бу қалъа бутун фатҳ бўлгунчалик шу қопқа анинг қўлида эди. Ҳазрат Али билан уруш майдонида Марҳаб яна йўлиқишдилар. Бу галда эрса зулфиқорни ҳавола қилиб, андоқ урдиларким, қаватланган қалқон дубулғалардан ўтиб бошини ёриб, бўйин бўғинига етди. Муни кўриб бутун Ислоом аскарлари такбир айтдилар. Раислари ўлдирилиб, туғлари йиқилгач, яҳудлар қочиб, қиличдан қутулганлари бу қалъани ташлаб, иккинчи қалъага кириб қамалдилар.

Шу билан бу қалъа Расулуллоҳ айтганларидек Ҳазрати Али қўлида фатҳ бўлди. Дарвоза ташлангандан сўнгра, уни ўрнидан қирқ киши қимирлата олмадилар, етмиш киши деган ҳам ривоят бордур. Қандоқ бўлса ҳам шундай ишлар Расулуллоҳнинг мўъжизаларидур.

Хайбар қалъаларининг биринчи олинган кунларида эса аскар ичида очарчилик бор эди. Аслам қабиласи шу учун Асмо ибн Ҳорис деган кишини вакил қилиб Расулуллоҳга юбордилар. Вакил келгач: «Ё Расулаллоҳ, очликдан биз қаттиқ қийналдик, мунинг чорасини сиздин сўраш учун мени юбордилар», деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Худоё, бадаларнинг ҳолини ўзинг яхши билурсан. Сенинг йўлингда жиҳод қилмоққа очликдан кучлари йўқдур. Эй бор Худоё, бу қалъалар ичида қайси бирининг емак-овқати кўпроқ, ўлжа моллари мўлроқ бўлса, шунинг фатҳини бизга тезроқ ато қил», деб дуо қилдилар.

Сўнгра ансор саҳобаларидан Ҳубоб ибн Мунзирга туғ топшириб, иккинчи қалъа ҳужумига амр этдилар. Ҳазрати Али қўлида биринчи фатҳ бўлмиш Ноъим қалъасидан қочган яҳудлар эрса, иккинчи Саъб қалъасига қамалган эдилар. Қалъани қамал қилишгандан сўнгра ўшал асрнинг одатича уруш мубораза билан

бошланди. Шундоқки, яҳудлар тарафидин уларнинг ишонган баҳодирлари Юшаъ деган жангчи чиқиб, мусулмонларга қарата: «Менга талабгор чиқсун», деб ўртага тушди. Унга Ҳазрати Хубоб чиқиб, биринчи тўқнашгандаёқ бир зарба билан уни ўлдирди.

Биринчи ғалаба Ислом номига бўлганликдан мусулмонлар кўнгли кўтарилиб, яҳудлар эрса мундан ёмон фол очдилар.

Шунга қарамай, алардан иккинчи Даёл исми баҳодир майдонга тушди. Мусулмонлардан Аммор ибн Ақаба унга қарши чиқди. Бу киши Фифор қабиласидан эди. Ҳар иккови баробар ҳамла қилишиб, бир-бирларига қилич урдилар. Аммо Ислом баҳодирининг қиличи яҳуд баҳодирининг бошига урилмиш эди, заҳми миясига ўтиб дарҳол жон берди. Лекин бу киши араб одатича қилич урганида: «Ол бу қилични, мен эрсам Фифор қабиласидан чиққан ўғил эрурман», деди.

Бу каби сўзларни Исломдан илгариги жоҳилият араблари ўзаро қабил арушларида айтишлари уларга одат эди. Мундоғ сўзларни айтишдан Расулуллоҳ мусулмонларни қайтармиш эдилар. Шунинг учун бу сўзни эшитган саҳобалар муни оғир олдилар. Бу сўзни айтгувчи одам мақтанчоқлик қилди ва жиҳод савобидан ажради, дедилар. Муни англаб кўп маънос бўлди, сўнгра бу сўзни Расулуллоҳ ҳам эшитдилар эрса, айтдилар: «Андоғ эмасдур, у кишининг қилган жиҳоди ҳеч вақт бу сўз билан зое бўлмайди. Балки уруш кунларида киши ўзидан ғайрат кўрсатиб, шундоқ сўзларни айтиши Худога хуш келади».

Бу қалъада беш юз яҳуд аскарлари бор эди, уруш бошлангач, бирданига қалъадан чиқиб, бор кучлари билан Ислом аскарлари устига отилдилар. Бу ҳужумларида аскар сафини ёриб ўтиб мусулмонларни бир оз орқага чекинтирган бўлсалар ҳам, аскар туғдори Ҳазрати Хабоб бир неча баҳодирлар билан ўз жойларида сабот қилиб буларни қайтарди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аскар сафлари орқасида отдан тушиб ўлтирган эдилар. Муни кўриб Расулуллоҳ кейиндаги аскарларга бутурдиларки, душман ортидан қайтарма ҳужум қилгайлар. «Аллоҳу Акбар» садоси билан бари Ислом аскарлари иккинчи ҳужумга ўтдилар. Шунинг натижасида яҳудлар енгилиб қочгали туришди. Ҳар томондан ўралиб қолганликдан қочолмаганлари бутунлай қилич остида қолди-

лар. Ҳимдан қутулиб қолганлари учинчи қалъага қочиб киришдилар. Бу йўл билан олинган қалъа Расулуллоҳ Худодан сўраганларидек инсонга, ҳайвонга керакли ҳар турли озиқ-овқатлар билан тўлдирилган экан, уларнинг бариси ўлжага қолди. «Бу ғанимат тушган моллардан олинлар, енлар, ичинлар, лекин олиб кетманлар», деб Расулуллоҳ эълон қилдилар. Хайбар қалъалари ичида озиқ-овқатга энг бой қалъа шу эди. Расулуллоҳ қилган дуо баракотидан кўп кечикмай икки кун ичида бу қалъа ҳам фатҳ бўлди. Аскарлар бўлса очарчиликдан қутилишиб, овқатга тўйиб олдилар. Шу билан аскар ичидан очлик ҳам кўтарилди. Бу қалъа ичида ер остига солинган яширин уйлар бор эди. Булар ичида ўшал замоннинг уруш қуролиларидан бир қанчасини топдилар. Бу қалъадан қочиб чиққанлари эрса, тоғ бошидаги учинчи қалъага йўткалишган эди. Бу қалъа устида уч кеча-кундуз, қаттиқ қамал бўлиб, ҳар икки томондин тўхтовсиз ўқ отилиб турди. Шу орада Худо ёрдами билан ўз ичларидан бир яҳудий қочиб келиб, Расулуллоҳга айтди;

— Эй Абул Қосим, бу қалъа устида бир неча ойлар қамал қилиб турар бўлсанг ҳам фатҳ бўлмагай. Агар менинг мол-жонимга омонлик берур бўлсанг, уч кунга қолмай фатҳ қилиш йўлини кўрсатур эдим.

Анда Расулуллоҳ:

— Омонлик бердим, у йўлни кўрсатил, — дедилар.

Яҳудий айтди:

— Бу қалъа ичига ер остидан кетган сув ариғи бордир. Агар шу ариқнинг бошини топиб, сув йўлини боғлар бўлсангиз, уч кунга қолмай таслим бўлғайлар.

Сўнгра ариқ бошини топишиб, сув йўлини боғладилар.

Яҳудлар бундан хабар топгач: «Сувсизликдан ўлгандан кўра, урушиб юриб қирилганимиз яхшироқдур», дейишиб, сел қоплагандек ҳужумга чиқдилар. Мужоҳидлар тарафидин қаттиқ қаршиликка учрашиб, жон ширинлик қилиб, олға босолмай, яна орқага қайтдилар. Мана шу чоғда ансор баҳодири Абу Дужона бошлиқ бир неча жонфидолар «Аллоҳу акбар» садоси билан орқаларидан ҳужум қилганларича қувишиб қалъага кирдилар. Душман жон талвасасида қочиб ўнг ёнидаги қалъага тикилишди. Бу янги олинмиш қалъада ўлжага қолдирилган жонлик-жонсиз мол-дунёнинг ҳисоби йўқ эди. Яҳудлар бу қалъага фақат нишончи,



мерган кишилардан сайлаб қўймиш эдилар. Ислом аскарини яқин келтирмай, алар устларига ёмғирдек ўқ ёғдиргали туришди. Шу чоғдаги отилмиш ўқлардан биттаси Расулуллоҳнинг этакларига келиб тегди. Муни кўрдилар эрса дарҳол ердан бир чангал майда тош олиб «Аллоҳу акбар» деб қалъага отдилар. Отишлари биланоқ қалъада бир зилзила пайдо бўлди, бутун аскарлари билан қалъа ерга чўкиб, барчаларини ер ютди.

Бу эса Худо қудрати билан Пайғамбаримизнинг ҳақлиги учун кўрсатилган мўъжизалари эди. Бу қудратни кўриб туришса ҳам қолган яҳид аскарари иймон келтирмадилар.

Шундоқ бўлиб, Хайбар қалъалари кетма-кет мусулмонлар қўлига ўта бошлади. Бироқ булар ичида фатҳ бўлмаган яна уч қалъа қолди. Аларнинг энг кучлик, ишончлик қалъалари эрса Алқамус номли бўлиб, бу қалъада яҳуд раисларининг оилалари, яна ҳар турли қимматбаҳо моллари сақданмиш эди.

Расулуллоҳ бу қалъа устида йигирма кун қаттиқ камал қилиб турдилар. Охири Ҳазрати Али қўлидан бу ҳам фатҳ бўлди. Онамиз Сафия шу қалъадан асир олинган эди. Бу қалъа олингандан кейин яҳудларнинг руҳлари тушганликдан, қалъа ичида туриб мудофаага киришдилар. Қолган икки қалъани ҳам ўн тўрт кун камал қилдилар. Лекин яҳудлар ташқари чиқишга ботинолмай, қалъа ичидан мудофаа қилиб туришди. Қурол ташлаб берилишга келмагач, ўзларидан олинган қалъабузар яроқларни келтириб, қалъага отмоқчи бўлдилар. Муни кўриб яҳудларга қаттиқ қўрқинч тушди. Агар ўзлари таслим бўлмас эканлар, ё очликдан ҳалок бўлиш, ё куч билан босиб олинишни билдилар. Шу билан бошқа чора топилмай ўртага орачи қўйиб келишгандан сўнгра тубандаги шартлар ёзилиб, бир сулҳнома тузилди.

Биринчи, ўз жонларига, хотин-болаларига омонлик олишиб, бир қават кийган кийимлари билан Хайбар тупроғидан чиқиб кетгайлар. Мундин бошқа бутун молдунёлари, тамом асбоб-ускуна, яроқ-жабдуқларини мусулмонларга топшириб бергайлар. Кўмган-яширган моллари бўлса, уларни кўрсатгайлар. Бу тўғрида ҳеч қандай хиёнат бўлмаслиги шартдур. Бу ишлар бажарилгандан сўнгра, хоҳлаган жойга кетишга рухсат бердилар. Ўртада битим бўлиб, сулҳнома ёзилгач, уруш тўхтади. Шу билан Хайбар қалъалари бутунлай му-

сулмонлар қўлига ўтди. Бу кейинги сулҳ билан олинган икки қалъадан чиққан асбоблари эрса шулар эди:

юзта темир совут;  
тўрт юз дона қилич;  
мингдан ортиқ найза;  
беш юз дона ўқ-ёй.

Бир неча жилд ёзилган Таврот китоблари ҳам бор эди. «Буларга бизнинг ҳожатимиз йўқ», деб Расулуллоҳ Тавротни сўраган яҳудларга бердилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар раисларидан Кинона ибн Рабеъ деган яҳудийни чақириб:

— Бани Назар яҳудларининг хазинасини қайга қўйдинг? — деб ундан сўрадилар.

Шунда ул:

— Хазина кўмилган жойдан менинг хабарим йўқдур», — деб баҳона топди. Ҳақиқатда эса бу хазина юқорида воқеаси ўтган Бани Назир яҳудлари Мадина тупроғидан чиқарилганда Хайбар яҳудларига омонат қўйиб кетмиш эдилар.

Бу эса Исломга душманлигининг қаттиқлигидан, булар олгунча чириб кетсин деб, кўмилган ерини кўрса-тишга рози бўлмади.

Анда Расулуллоҳ:

— Ўзимиз излаб топамиз, унда сен ўлимга розими-сан? — дедилар.

Ул:

— Розидурман, — деди.

Расулуллоҳ буюрдилар эрса, гумонлик жойларни қазишиб топиб олишди. Хиёнат қилиб аҳдни бузгонлиги учун ўлим жазосига буюриб, Муҳаммад ибн Саламага ижро этишга топширдилар. Ул ҳам укаси Муҳаммад ибн Маслама қасосига уни ўлдирди.

Сўнгра Хайбарда тушган ўлжа молларини йиғишга буюрдилар. Саҳобалардан Каъб ибн Амр келиб ҳаммасини бир жойга йиғди. Булар ичида Хайбар раиси Хуяй ибн Ахтаб қизи Сафия ҳам бор эди. Бу қиз эса ҳазрати Ҳорун алайҳиссалом наслдан бўлиб, хасаб-насаблик, ҳусн-жамолик эди. Бунинг олмоққа қизиққан киши кўп эди. Шунинг учун кўпчилик мунини Расулуллоҳга лойиқ кўришиб, ўртадан чиқазиб беришди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни озод қилгандан кейин:

— Агар Ислом динига кирар бўлсанг, сени ўз ни-

коҳимга олурман. Мунга йўқ дер эрсанг, сени ўз ерингга юборурман, бу ишда ўзинг ихтиёрлик эурсан, — дедилар.

Анда Сафия иймон келтириб, Расулуллоҳнинг никоҳларига киришни ихтиёр қилди. Чунки Сафия, мундан илгари туш кўрди эрса, осмондан ой тушиб анинг кўйнига кирди. Тушини онасига айтиб эрди, юзига бир шапалоқ уриб: «Ҳай, бети қалин, бу янги чиқмиш пайғамбар никоҳидан сенинг умидинг борми?» деди. Унинг деганидек, бу тушнинг таъбири ҳам шунга тўғри келди. Никоҳ кечасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қарасалар Сафия кўзида кўкарган бир доғ кўринади. Сабабини сўрадилар эрса, ул ўтган воқеани айтди. Шу никоҳ кечаси саҳобалардин Абу Аййуб Ансорий қилич тақиниб Расулуллоҳ ётган чодирни айланиб, тонг отгунча кузатиб чиқди.

— Нега бундай қилдинг? — деб Аййубдан сўрадилар.

Анда ул:

— Ё Расулаллоҳ, бу хотин эрса янгидан мусулмон бўлди. Мунинг отаси, эри, қавми қариндошлари бу урушда ўлдирилдилар. Уйку ичида сизга бир ёмон қасд қилиб кўймагай деб, кўнглим тинчимай кузатиб чиқдим, — деди.

Анда Расулуллоҳга бу сўзи хуш келиб: — Эй бор Худоё, Абу Аййубни офатлардан асрагин, шу кеча ухламасдан у мени сақламишдур, — деб дуо қилдилар.

Расулуллоҳ дуолари қабул бўлиб, умри борича бу киши офатлардин омон бўлди. Энг охирги умрида Ислом мужоҳидлари билан жиҳод учун Румга келди. Рум пойтахти Истамбул шаҳрини Ислом аскари қамал қилиб турганларида, ўз ажали билан вафот топиб, шу ерга кўмилдилар Разияллоҳу анҳу. Бу шаҳар фатҳ бўлгунча қабрлари узун замон кофирлар ичида қолган бўлса ҳам, Расулуллоҳнинг нафаслари кетганликдан оёқ ости бўлмай, шу кунгача сақланиб келди. Туркия пойтахти Истамбул шаҳридан четроқ бир жойда мазорлари машҳурдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келганларида Абу Аййуб Ансорийнинг уйига қўнган эдилар. Чунки минган туялари Худо буйруғи билан шу кишининг эшиги олдига келиб тўхтаган эди. Яна ўз сўзимизга келайлик.

Хайбар қалъалари фатҳ бўлиб, душманлар заво

топқонлиқдан мусулмонлар шод бўлишиб, шу жойда уч-тўрт кун дам олдилар. Шу орада Ҳазрати Алининг акалари Жаъфар ибн Абу Толиб, улуғ саҳобалардан бўлган Абу Мусо Ашъарий бошлиқ яманлик мусулмонлар билан ўн олти киши Ҳабашистондан келишди. Расулulloҳ Маккада турғонларида саҳобалардин саксон тўрт киши Ҳабашистонга ҳижрат қилмиш эдилар. Ҳазрати Жаъфар шуларнинг раислари эди. Ул сўзга чечан, улуғ ҳимматлик, ботир юраклик киши бўлгонлиқдан Ҳабашистон подшоси Нажоший уни ўз олдига чақиртириб Ҳазрати Исо алайҳиссаломдан сўз сўраганида шу ҳақда келган Марям сурасини тиловат қилиб берди. Шунда Нажоший Ислom динининг ҳақлигини билгач, Расулulloҳни кўрмай туриб, ғойибона иймон келтирмиш эди.

Бу муҳожирларнинг келганини англаб, Расулulloҳ аларни қарши олдилар. Ҳазрати Жаъфарни қучоқлаб кўришиб, анинг пешонасидан ўпиб туриб айтдиларким:

— Аллоҳ таоло бугунги кунда менга икки улуғ неъмат ато қилмишдир. У неъматларнинг қайси бирига суюнгайман? Хайбар шаҳрининг фатҳ бўлганими ёки Жаъфарнинг саломат келганими? — деб шодлик билдирдилар.

Хайбарда тушган ғанимат моллардан уларга ҳам насиба чиқардилар. Муңдоқ илтифот бошқаларга ҳеч бўлмаган эди. Яна шу куни Давс қабиласидан Ҳазрати Абу Ҳурайра бошлиқ саксон киши мусулмон бўлишиб ёрдамга келишган эди. Уларни ҳам қуруқ қўймадилар. Ҳар қандай сабабдан орага душманлик тушар экан, унинг дўстликка айланиши мумкинмур. Аммо ҳасадан чиққан душманлик ўтининг ўчиши ҳеч мумкин эмасдир. Хайбар яҳудийларининг енгилиши эса, уларнинг Расулulloҳга душманликларини яна ҳам орттирмиш эди.

Шунинг учун Расулulloҳга очикдан-очик зиён етказиш йўлини тополмай, яширинча зиён етказишга киришмиш эдилар. Мунинг мисоли: Хайбар яҳудлари раисларидан Салом ибн Мушкамнинг хотини Зайнаб заҳарлаб пиширган бир қўзини Расулulloҳга ҳадя қилиб юборди. Одатлари эрса келган ҳадяни ҳар кимдан бўлса ҳам қабул қилур эдилар. Бу қўзи гўштини бир луқма олиб офизларига солгач, уни ютмай дарҳол тупуриб ташладилар. Чунки Худо қудрати билан тавоқдаги гўштан: «Ё Расулаллоҳ, мени еманг, заҳарлик эрурман», деган товуш чиқмиш эди. Муни кўришиб

бошқалар ҳам бу таомдан қўлларини тортдилар. Булар ичида Бишр ибн Баро деган саҳоба ул гўштдин бир луқма еб қўйган эди. Заҳар таъсир қилиб, шу онда вафот этди. Бу воқеани кўргач, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар яҳудларини бир ерга йиғилишга буюрдилар. Барчалари йиғилишгач:

— Эй Яҳуд қавми, сизлардан сўрайдиган бир сўзим бордур, унга рости билан жавоб айтасизларми? — дедилар эрса, тўғрисиани айтурмиз, деб барчалари ваъда бердилар.

— Андоқ эрса, сизларнинг энг катта отанглар кимдур? — дедилар.

Ўз боболарини яширишиб, бошқа бировни кўрса тишди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй ёлғончилар, бобонгиз ул эмас, балки фалонийдур, — дедилар.

Яҳудлар ёлғон айтганларига ўзлари иқрор бўлишди.

— Иккинчи эрса, бу таомга нечук заҳар солдинглар? — деб сўрадилар.

Анда яҳудлар:

— Агар бу аниқ Пайғамбар бўлса, унга заҳар зиён қилмагай, агар ёлғончи бўлса, унинг ўлгани яхшидур. Баримиз ундан қутулайлик, дедик. Заҳар таъсир қилмагач, энди билдик, сиз Пайғамбар экансиз, — дедилар.

Аммо ўзлари иймон келтирмадилар. Юқорида айтилган киши шу гўштни еб ўлганлиқдан, унинг ўрнига ўшал яҳудий хотунни қасос қилмоққа буюриб, бошларини кечирдилар. Нафснинг йўлдоши шайтон, ростнинг душмани ёлғондир.

Хайбар воқеаси устида Мадина мунофиқлари анчагина ёлғон хабарларни тарқатмиш эдилар. Айниқса бу хабарлар Маккага етганида улар учун байрам ойлари янгидан туғилмиш эди. Мусулмонлар яҳудлардан енгилбдурлар, аларнинг улуғлари ўлдирилиб, Муҳаммад ўзи эрса яҳудлар қўлига асир тушибдур. Бу яқин орада уни Макка шаҳрига келтириб ўлдирур эмишлар. Мана шу ёлғон сўзлар тарқалиб, Абу Суфён бошлиқ бутун Қурайш мушриклари бек суюнишмоқда эди. Шундоқ кўнгилсиз хабарларни эшитиб, Макка мусулмонлари мотамга қолдилар. Айниқса, ҳазрати Аббос

бошлиқ пайғамбаримизнинг уруғлари Бани Ҳошим эр-как, хотун-қизлари билан қаттиқ қайғуришди.

Бу хабарни тарқатувчи эрса, Ҳажжож ибн Аллот деган маккалик бир савдогар киши эрди. Уруш кунлари тижорат учун Хайбарга келмиш эди. Расулуллоҳга йўлиқиб қолиб иймон келтирди. Бу одамнинг уй-жойи Маккада бўлиб, мол-дунёси кўп бойлардан эди. Агар меним мусулмон бўлганлигимни Макка халқи билиб қолсалар, мол дунёларимни босиб олишиб, тижорат муомаласидан қарз олган пулларимни берма-гайлар, деб қўрқди. Шунинг учун ишларини битириб, пулларини улардан йиғиб олгунча мусулмончилигини яширишга, ҳожат тушганда ёлғон гапиришга Расулуллоҳдан рухсат сўраб олган эди.

Шу билан бу киши Маккага борди. Қурайш раислари Хайбардан хабар сўрадилар, аларга хуш келгудек ёлғон сўзларни гапирди. Мунинг суюнчисига сенга ёрдам қилайлик дейишиб, халқ устидаги унинг қарз ақчаларини Қурайш раислари унга ундиришиб бердилар. Аммо унғачалик дўстлар йиғлашиб, душманлар кулдилар. Бирор ҳафта ўтиб, ишлари битгандан сўнгра у киши секингина ҳазрати Аббос олдига келиб бўлган воқеаларни баён қилиб, уни қаноатлантирди. Бу тўғрида ёлғон сўзлагани учун узр кўрсатди. У киши ишини битириб, бир кечада ғойиб бўлгач, сўзлар ўзгариб, шод бўлганлар яна ғамга тушиб, ғамликлар шод бўлдилар.

Яна бир воқеа шул эрдиким, Хайбар фатҳ бўлган кунларида насоро роҳибларидан етмиштacha одам Расулуллоҳга йўлиққани келдилар. Буларнинг олтмиш иккитаси Ҳабашистондан, саккизи эса Рум насороларидан эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга Ёсин сурасини охиригача ўқиб бердилар. Тиловат тамом бўлгунча сукут қилиб йиғлашиб ўлтиришди. Ҳабаш вилоятидан келган саҳобалар билан онамиз Умму Ҳабиба ҳам бирга келган эдилар. Бу эрса Қурайш раиси Абу Суфённинг қизи эди. Бир кун иш туш кўрса, бир киши уни «Эй, мўминлар онаси» деб, тушида қақирди. Киши экан деб қараса, туши экандур. Мундоқ туш кўргач: «Расулуллоҳ никоҳига кириб мўминларга она бўлур эканман» деб кўрган тушига ўзи таъбир берди.

Бу хотин илгари Убайдуллоҳ ибн Жаҳш никоҳида бўлиб, Маккадан Ҳабашистонга ҳижрат қилиб кетмиш эдилар. Бу ерда ўн йил туришгандан сўнгра унинг эри Убайдуллоҳ Ислом динидан қайтиб, муртад бўлиб, на-

соро динига кирмиш эди. Шу динда ўлиб, хотини Умму Ҳабиба тул қолди. Расулуллоҳ муни англаб, Амр ибн Умайя деган кишини Ҳабаш подшоси Нажошийга юбориб: «Агар тул хотин ризолик берса, ўзи вакил бўлиб менга никоҳ қилсин», дедилар. Нажошийга бу хабар келгандан кейин, ўзининг хос канизагини Умму Ҳабибага юбориб, бу сўзни англади. Умму Ҳабиба ҳам мунга ризолик бериб, муҳожир саҳобалардин Холид ибн Саъдга ваколат топширди. Подшоҳ амри билан муҳожир саҳобалардин ҳеч ким қолмай йиғилдилар. Бу томондан давлат арбоблари билан подшоҳнинг ўзи ҳозир бўлди. Расулуллоҳ тарафидан Умму Ҳабибага тўрт юз мисқол олтин маҳр боғлади. Хутба ўқиб подшоҳнинг ўзи никоҳ қилди. Уқилган хутбанинг арабчаси тарих китобларида ёзилмишдир. «Никоҳ ўтгандан сўнгра таом ейиш пайғамбарлар суннатида», деб таом келтирмакка буюрди. Шу билан никоҳ мажлиси ўтиб, эртаси куни подшоҳ канизаги Ҳабашистон тансиқлари билан зебу зийнат хушбўйларидан Умму Ҳабибага келтириб топширди. Сўнгра ул жория айтди:

— Меним саломимни Расулуллоҳга етказгил, унинг пайғамбарлигига мен ишониб, Исломи динига кирдим, умрим борича мен шу динда тургайман. Расулуллоҳ олдида менинг иймонимга сен гувоҳлик бергил, — деб йиғлади.

Кейин онамиз Умму Ҳабибани муҳожир саҳобалардан Шураҳбил ибн Ҳасана деган кишига қўшиб Расулуллоҳга юбордилар. Мадинага келгач, Расулуллоҳнинг сафарга чиққанларини эшитиб, тўғри Хайбарга келиб Пайғамбаримиз билан кўришдилар. У кунларда эса Хайбар қалъалари бутунлай фатҳ бўлмиш эди. Бунинг устига булар келиб, кўп хурсандлик бўлди.

### **ФАТАФОН ҚАБИЛАСИНИНГ ВОҚЕАСИ**

Кўчманчи араблардан бўлган Фатафон қабиласи Хайбар атрофида яшар эдилар. Булар эса илгаридан бери Хайбар яхудларининг иттифоқдошлари эдилар. Расулуллоҳ келмасларидан илгарироқ яхудлар ўз раисларидан бир неча кишиларни юбориб, улардан ёрдамга аскар сўрадилар. Агар биз Муҳаммадни енга олсак, Хайбар ҳосилотининг тенг ярмини берамиз, деб ваъда қилдилар. У чоғда Фатфон қабиласига Исломи дини кирмаган эди. Уларнинг раиси Уяйна ибн Ҳисн-

ни Расулуллоҳ «аҳмакул мутоъ» демиш эди. Яъни, халқ эргашган обрўйлик аҳмоқ демақдур. Уруш кунлари тўрт-беш минг аскар чиқаришга кучлари етар эди. Яҳудларга тўрт минг аскар юбориб, ёрдам қилмоқчи бўдилар. Уларнинг раислари Уяйна ибн Ҳисн бу ишга қаттиқ ваъда бериб ишонтирди. Бу хабарни Расулуллоҳ эшитдилар эрса, Ғатафонга киши юбориб, агар яҳудларга қўшилмай турсалар Ҳайбар ўлжасидан аларга ҳам насиба чиқарурмиз, дедилар. Бу сўзга кулоқ солмасдан тўрт минг аскарлик қўшин тузиб Уяйна йўлга чиқди. Бир оз йўл юргандан сўнгра Муҳаммад алайҳиссалом орқа томондан ҳужум қилмоққа келур эмиш, деб англадилар.

Бу сўздан аскар ичига ғовур тушиб, ўзаро иттифоқлари бузилди. Ночор бўлиб йўлдан қайтишиб келдилар.

Иккинчи бир ривоятда айтибдур, ёрдамга чиққан аскарлар келаётганда: «Эй одамлар, ортингларда қолган бола-чақаларингни босдилар», — деган товуш эшитилиб, уларга қўрқинч тушди. Лекин бу овоз қайдан чиққанлигини ҳеч ким билмади. Шунинг билан ҳайрон бўлишиб, орқага қайтдилар. Келиб қарасалар бу сўз ёлғон экандур. Шундай бўлса ҳам бу баҳона билан тарқалган аскарлар ўз оилаларини қўриқлаб, Ҳайбар ёрдамига боришмадилар.

Бу ишнинг ҳақиқати эса, буларни йўлдан қайтариш учун мусулмон жинларининг мўъминларга қилган ёрдамлари эди. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсу жинларнинг ҳам пайғамбаридурлар. Булар ичида ҳам кофир, — мусулмонлари бордур. Инсонларга ўхшаш кофир ва мусулмон бўлиб, ўзаро уруш қилгайлар. Аларнинг ҳам мусулмонлари мусулмонларга, кофирлари кофирларга доим тарафдордурлар. Шунинг учун Расулуллоҳ айтдилар:

— Киши йўқ кенг далада бир кимарса намоз ўқимоқчи бўлиб азон айтса, секин айтмасин, балки қичқириб айтсин. Чунки азон товушини эшитган жин умматларим келишиб, унга иқтидо қилгайлар. Агар шундай жойда бир мўъминнинг минган оти ҳуркиб қочди эрса, уни тўсқали ҳеч ким бўлмаса, «Эй мўъминлар, отим қочди, тўсинглар!» деб қичқирсин. Мўъмин жинлар уни тўсиб тўхтатгай, дедилар. Агар шундай бўлмай тўрт минг аскар яҳудларга ёрдамга етишур эрсалар, ташқаридан булар, ичкаридан яҳудлар бўлиб, мусулмонлар



учун иш анчагина оғирлашар эди. Чунки бу ҳолда ўн тўрт минг душманга мусулмонлардан бир минг олти юз киши қарши туриши лозим келурди.

Асбоб оламига қараганда, бу иш имкониятдан ташқаридир. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар ғаниматларидан буларга ҳисса чиқариб бўлса ҳам, бу ишдан тўхтатмоқчи бўлган эдилар. Улар унамагач, Аллоҳ таолодан мўъминларга ғайбий ёрдам етиб, буларни тўхтатишга мажбур қилди. Сўнгра Хайбар шаҳри Ҳазрати Али қўлида фатҳ бўлгач, Фатафон раислари суқдик қилишиб, ўлжа мол умидида Расулуллоҳ олдиларига келдилар. Буларнинг раислари Уяйна айтди:

— Эй Муҳаммад, Хайбардан олмиш ўлжа моллардан бизларга ҳам беришинг лозимдур. Чунки яҳудларга ёрдам беришдан бош тортиб, сен билан урушмоққа рози бўлмадик.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Ҳой ёлғончи, бу сўзинг ёлғондур. Аларга ёрдам бериш учун қўл тортиб йўлга чиққан эдинг, лекин орқангдан эшитилган сўз сени йўлдан қайтарди. Йўқ эса сен бизни аяб турмас эдинг. Энди сенга Руқайбани берурман.

Анда Уяйна:

— Руқайба нимадур? — деб сўради.

— Тушингда Руқайба тоғини кўрмиш эдинг, энди шуни олурсан, — дедилар.

Бу сўзнинг асли эрса шундоқ эрди. Уяйна Хайбар яҳудларига ёрдам учун тўрт минг аскар олиб йўлга чиқмиш эди, юқорида айтилмиш сўз баҳона бўлиб, йўлдан қайтмиш эдилар. Келгандан сўнгра ўз жойларида беш-ўн кун туриб, ҳеч қандай қўрқинчлик иш борлиги сезилмагач, қайтганларига пушаймон бўлдилар. Бу ерда чидаб туролмай, Уяйна бошлиқ бир неча раислар ҳар қандай бўлса ҳам Хайбаргача бориб кўрайлик-чи, дейишиб йўлга чиқишди. Кечалаб юришиб, Хайбар яқинига келиб етишдилар эрса, раислари Уяйна туш кўрмиш эди. У тунги тушида ўрмон кўргандек ўрнидан сапчиб туриб: «Бу кеча ажаб яхши бир туш кўрибдурман. Тушимда Руқайба тоғини кучовимга олдим («Руқайба» араб тилида «бўйинча» демақдир). Мунинг таъбири шулки, Муҳаммаднинг бўйиндан тутиб, ўзимга бўйсундирурман. Бу кўрган тушим барчамизга башоратдур», деди.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳга муни аллақачон билдириши эди. Бу кўрган шайтоний тушдан яна умид қилиб Хайбарга келди эрса, Расулуллоҳ Хайбарни фатҳ қилибдилар. Муни кўриб ҳайронликда қолди. Яна қараб турмасдан очкўзлик қилиб Расулуллоҳдан ўлжа сўради. Ана шу чоғда Пайғамбаримиз мўъжиза кўрсатиб: «Ўша тушингда кўрган Руқайба тоғи сенгадир, шуни олғил», дедилар. Бу мўъжизани кўриб турса дағи дили уйғониб иймон келтирмади.

Хайбарни фатҳ қилган кунларида хурмолар пишмаган думбуллик вақти эди. Ундан кўпроқ ейишганликдан аскар ичида безгак касали кўпайгани турди. Муни Расулуллоҳ билгач, буюрдилар, эрта намозининг азони билан такбири орасида совуқ сувга гусл қилғайлар. Шу билан барчалари шифо топиб, безгақдин кутулишди.

Хайбар урушида саҳобалардан ўн беш киши шаҳодат топмиш эди. Яҳудлардан эрса тўқсон уч киши ўлдирилди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбарнинг ерларидан қанчалик ҳосил чиқди эрса, шунинг тенг ярмини хазинага топшириш шарти билан ҳар қайси ерни яна ўз эгасига қайтариб бердилар.

Ҳазрати Умар даврларигача яҳудлар шу шарт узра туришиб, Хайбар ерларидан фойдаланиб келдилар. Бу неъматга ҳам қаноат қилмасдан Исломга қарши баъзи бир хиёнат қилганликлари учун араб тупроғидан ҳайдаб чиқарилди. Йўқ эрса, Ҳазрати Умар даврларигача ўз ер-сувларида эркинлик билан яшаб турдилар. Кейин булардан катта бир хиёнат содир бўлди. Шундоқки, Шом муҳожирларидан Митҳар ибн Нофеъ деган бир киши бор эди. У одам Шом фатҳ бўлгандан кейин, урушда асир олинган насоролардан ўн кишини бирга олиб, Мадинага келди. Мунинг Хайбарда боғлари, ер-сувлари бор эди. Аларни ишлатмоқ учун шу жойга келтирди. Бу ерга келгач, ерлик яҳудлардан бири кулларга иғво қилиб:

— Сизлар насоро, бизлар эса яҳудий эрурмиз. Сизлар ва бизларга араблар қилич кучи билан бўйнимизга миниб ҳукмрон бўлдилар. Ёлғиз араб сизлардан кул қилиб ишлатишга ўн кишини келтирмиш, бу нечук хорлиқдур. Энди кундан-кунга меҳнатингиз ошгай, ҳайвон ўрнида ишлайвериб, азобга қолғайсизлар. Сизларга менинг маслаҳатим шулки, ишдан қайтиб, қачон бу кишлоқдан ташқари чиқдингиз эрса, уни ўлдириб ўз

юртингизга қочиб кетсангиз, шундагина ундан қутул-  
гайсиз. Йўқ эрса ўлгунча умрингиз қуллик билан ўт-  
гай, — деди.

Улар ҳам:

— Айтқонинг тўғридур. Лекин бу ишга қуролимиз  
йўқ, — деган эдилар, яширинча уларга икки-уч дона  
пичоқ ҳам келтириб берди. Алар ишдан қайтгач, Хай-  
бар ташқарисига чиқиб ёнроқ жойда Митҳар ибн Но-  
феъга хужум қилдилар. Қуроли қўлида бўлмагач, ёлғиз  
ўзини мудофаа қилолмади. Беш-ўн жойига пичоқ ури-  
шиб, ани шаҳид қилишдилар. Мундан бошқа Расулул-  
лоҳ замонларида ҳам бир неча мартаба бу яҳудлардан  
яширинча хиёнатлар бўлган эди. Мана шу сабаблар  
бўлиб, Ҳазрати Умар халифалик даврларида бари яҳуд-  
ларни араб тупроғидан чиқармоққа қарор қилди.

Барча Ансор, Муҳожир саҳобаларнинг фикрлари  
ҳам шул эди. Хайбар яҳудлари бу хабарни эшитдилар  
эрса, раисларидан бири Ҳазрати Умар олдига келиб:

— Ё амирал мўъминин, бизларни Хайбар тупроғи-  
дан қандоқ чиқара олурсиз? Пайғамбарингиз Муҳам-  
мад алайҳиссалом Хайбар ерининг ярми ҳосилотини  
бериш шарти билан бу ерни бизга топширган эди. Энди  
сиз бу жойдан бизларни чиқарур бўлсангиз, Пайғамбар-  
ингиз Муҳаммад йўлини бузгон бўлуурсиз, — деди.

Анда Ҳазрати Умар:

— Агар сенларни араб тупроғидан чиқарур эрсам,  
Расулуллоҳ амрини бажарган бўлурман. Сенинг ҳақинг-  
да айтган сўзлари ҳали меним ёдимдан чиққани йўқ.  
У сўз эрса, сенинг ҳам ёдингда бор бўлғай. Расулул-  
лоҳ сенга: «Эй фалоний, бир кун келур, Хайбардан  
чиқарилғайсан, юклик туянгни етаклаб Шом саҳроси-  
да кунлаб-тунлаб юрган чоғингда ҳолинг нечук  
бўлғай?» деган эдилар. Мана Расулуллоҳ айтган ўшал  
сўзнинг вақти энди келди, — деб бутун яҳудларни  
Хайбардан ҳайдаб чиқаришга буюрди.

Алардан қолган мол-дунёларни бўлса, холис баҳо-  
лаб қийматини бердилар. Аларнинг баъзилари Таймо-  
га, қолганлари Шом тупроғидаги Ариҳо деган ерга кет-  
дилар.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳуд-  
лар ҳақида айтган эдилар: «Араб тупроғида икки дин  
биргалашиб туролмайди». Бундин мақсад, ёлғиз Ислом  
дини яшайди, демақдир.

Мана бу ҳадис мазмунича араб тупроғида борлик

яхуд ва насороларни қолган жойлардан ҳам чиқармоққа ҳукм қилди. У замондан бошлаб араб ўлкасида Ислом динидан ўзга дин қолмади. Бу Хайбар ғазотида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳобалар бир неча мўъжиза кўрдилар. Шу урушда саҳоба баҳодирларидан Салама ибн Акваъга каттиқ зарба етди. Унинг ҳаётидан барчалари умид уздилар. Ул эрса жон аччиғи билан ўзини Расулуллоҳга етказди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам анинг жароҳатига уч қайта тупурдилар. Муборак нафаслари тегиши билан жароҳат кўрмагандек бўлиб, у соғлом бўлиб кетди.

### ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ПОДШОЛАРГА ЁЗГАН НОМАЛАРИ

Юқорида баёни ўтган Ҳудайбия сулҳи ҳижратнинг олтинчи йилида бўлмиш эди. Бу сулҳ тузилгандан сўнгра, орада алоқалар бошланиб, Арабистон йўллари тинчланди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ амри билан чегарадош мамлакатларнинг подшоларига нома ёзмоқчи бўлдилар.

Анда одамлар:

— Ё Расулуллоҳ, подшолар одати, муҳрсиз хатни қабул қилмағайлар. Ўз номингизга муҳр ўйдирмоқ керак, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ олтиндан муҳр ўйдирдилар. Буни кўриб саҳоба бойлари ҳам олтиндан муҳр ясадилар. Расулуллоҳ муҳр узукларини қўлларига тақиб эдилар, шунга қараб бошқа саҳобалар ҳам узукларин қўлларига тақишди. Шу чоғда Аллоҳдан ваҳий етиб:

«Эй Муҳаммад, олтин тақинмоқ, ипак кийим киймоқ эркак умматларинга ҳаромдур, аммо хотинларга ҳалодур», деди.

Дарҳол ҳаммалари олтин узукларини қўлларидан чиқазиб ташладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳрларига уч калима: биринчи «Муҳаммад», бунинг устига «Расул», бунинг устига «Аллоҳ» ёзилган эди. Учови қўшилиб «Муҳаммадур Расулуллоҳ» бўлди. Бу муборак муҳр узук ҳамиша қўлларида тақилган ҳолда турар эди. Юқоридаги ваҳий келиши билан, эркакларга олтин тақинчоқ ҳаром бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу муҳрни кумушдан ясадилар. Вафотларидан кейин Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ тақдилар. Бу кишидан кейин Ҳазрати Умар, сўнгра

Ҳазрати Усмон тақмиш эдилар. Лекин энг охирги умри етиб, вафот бўлар йилида бу муҳр Арис қудуғига тушиб кетиб йўқолди. Буни кўп излашиб топиша олмадилар. Шу йили Ҳазрати Усмон разиаллоҳу анҳу ҳам фитначилар томонидан шаҳид бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муҳр узукларини сўл қўлга солиш одатлари бор эди. Урта бармоқ билан жимжилоқ ўртасидаги бармоқларига тақар эдилар. Арабистон тупроғига чегарадош бўлган подшоҳларга нома юбориш олдида бир куни саҳобаларни йиғиб:

— Эй одамлар! Ер устидаги барча инсонларнинг бахт-саодати учун аларга мени Аллоҳ пайғамбар қилиб юборди. Кўришган кишиларга бу хабарни ўзим баён қилдим. Кўришмаганларга эрса ўлгунимча ўзим кўришсам, Аллоҳ амрини айтурман, узоқдагиларга нома ёзиб юборурман. Бутун одам авлодини Ислом динига даъват қилиш Аллоҳ томонидан буюрилган менинг вазифамдур. Бу номаларни менинг тарафимдан ёзилган жойларга еткуринглар. Аллоҳ сизларни раҳмат қилсин, бу хизматни қилувчилардан Худо рози бўлсин. Исо пайғамбарнинг шогирдларига ўхшаб йўлнинг узоқ-яқинини сизлар талашманглар. Бу хизмат устида алар қилгандек ихтилоф қилманглар, — дедилар.

Анда саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, Исо алайҳиссаломнинг шогирдлари хаворийлар қандай ихтилоф қилмиш эдилар? — деб сўрашдилар.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Исо пайғамбар ҳам Аллоҳ амри билан подшоҳларга шу янглиғ нома ёзмиш эди. Номаларни атрофга етказиш хизматини хаворийлар шогирдларига (энг яқин шогирдларига) топширдилар. Яқинроқ жойга ёзилган номани олган шогирдлари рози бўлиб, бу хизматни дарҳол бажаришга киришдилар йироқ ерларга ёзилган номани олганлар оғир кўриб, бормасга баҳона излашдилар. Бундай бўлгач, ҳазрати Исо Аллоҳ таолога бу ишни арз қилдилар. Эртаси қарасалар, Худонинг қудрати билан нома кўтарган кишиларнинг тиллари нома юборилган халқ тилидан бўлмишдур. Ўз тиллари эса бутунлай унутилмишдур. Бу мўъжиза кўрилгандан сўнгра ноилож бўлишиб, узоқ-яқин демай, номани олиб йўлга тушдилар. Энди сизлардан эрса, алар қилгандек иш бўлмасин, — дедилар.

## РУМ ПОДШОСИ ҚАЙСАРГА ЮБОРИЛГАН НОМА

Рум подшосининг оти Ҳирақл, лақаби Қайсар эди. Расулulloҳ айтдилар:

— Бу номани Рум подшоси Қайсарга ким етказиб топширур, унга Аллоҳ таоло жаннат ато қилгай.

Буни англагач, саҳобалардан Дихятил Калбий деган киши:

— Ё Расулаллоҳ, мен топширурман, — деб ўрнидан турди.

Номани олиб ҳазрати Дихя йўлга тушди. Араб еридан ўтиб Шом тупроғидаги Бусро шаҳрига етди. Бу шаҳарнинг ҳокими эрса Ғассон қабиласининг раиси Ҳорис деган киши эди. Номани кўриб, мақсадга тушунгандан кейин, ҳазрати Дихяга йўлбошчи қилиб Адий ибн Ҳотамни қўшди. Булар биргалашиб Шом шаҳрига келдилар. Шу кунларда Қайсар ўз пойтахти Қунстантиния шаҳридан Дамашқ шаҳрига келмиш эди. Бу ердин Қуддуси шариф зиёратига бормоқчи эди. Мана шу кунда номани етқуриб келди. Қарасалар, Қайсар аркон давлатлари билан ибодат маросимларини ўтказиш учун Шом шаҳрининг катта калисосига (черковига) шу куни келмоқчи экандур. Буни англаб ҳазрати Дихя дарҳол шу жойга ҳозир бўлди. Лекин у жойдаги кишилар Дихяга айтдилар:

— Подшога нома беришнинг тартиби бордур. Қачон Қайсарга кўзинг тушди эрса, дарҳол ерга бош қўйиб, унга сажда қилурсан. Қачон у бош кўтаришга рухсат қилур экан, бош кўтариб номани топшиурсан. Агар шундоқ бўлмас экан, номанг қабул қилинмагай.

Анда ҳазрати Дихя:

— Мен бу ишни ҳеч вақт қила олмагайман, чунки Аллоҳдан ўзгага сажда қилмоқ Ислом динида йўқдур, — деди.

Шу билан ҳайрон бўлиб турган чоғда бир киши келиб айтди:

— Сенга бир тадбир ўргатай, бу шулдурки, қайси жойга Қайсар келди эса, шу жойга бир минбар келтириб қургайлар, ул минбар устида Инжил ўқиб, ваъз айтгай. Агар номани шу минбар зинасига чиқариб қўя олсанг, у жойга қўйилган номага ҳеч ким тега олмагай, Қайсар минбарга чиқар чоғида номани ўзи олиб ўқигай, ўқиғандан сўнгра, нома келтирган кишини ўзи чақиргай, бу тўғрида одат шулдур, — деди.

Ҳазрати Диҳя бу маслаҳатни хуш кўриб, қурилган минбар устига номани чиқариб қўйди. Сўнгра Қайсар келиб ваъз айтмоқ учун минбарга чиқар вақтида зинага қўйилган номага кўзи тушди. Номани олиб, очиб қараса, арабча хат билан ёзилмиш экандур. Дарҳол тилмоч чақириб, буюрдиким: «Нома юбурувчининг ўз қавмидан келган кишилар бор эрса, дарҳол уларни келтиринглар. Бу тўғрида алар оғзидан сўз сўраб эшитгайман», деди.

Шу кунларда Абу Суфён бошлиқ бир неча Қурайш раислари тижорат учун Шом шаҳрига келишган эди. Дарҳол аларни Қайсар хузурига келтирдилар. Қарасалар, Қайсар бошига тож кийган, шон-шавкати билан аркон давлатлари атрофини ўраган ҳолда ўлтирибдур. Ўз одатлари бўйинча унга таъзим қилдилар. Сўнгра Қайсар таржимон орқалик «Пайғамбарлик даъвосини қилган кишига сизлардан кимнинг насаби яқинроқ?» деб сўради.

Анда Абу Суфён:

— Бу ўлтирган кишилар ичида Муҳаммадга меним насабим ҳаммадан яқинроқдур. Чунки Абдул Маноф деган киши ҳар икковимизнинг тўртинчи бобомиздур. У билан биз бир отанинг болаларидурмиз, — деди.

Қайсар бу сўзни англагандан сўнгра Абу Суфённи чорлаб, ўзининг олдига яқин ўлтирғизди, қолганларини эрса унинг орқасига турғизди. Сўнгра:

— Абу Суфённи олдимга келтириб, унинг ортига сизларни қўйишимнинг сабаби шуддурки, мен бу кишидан пайғамбарлик даъвосини қилиб, нома юборган одам тўғрисида сўз сўрамоқчиман. Агар Абу Суфён рост гапирса, ани тасдиқ қилурсиз, агар бу ҳақда ёлғончилик қилса, орқадан туриб ёлғонлигини ишорат билан билдиурсиз, — деди.

Шу тадбир билан Абу Суфённи рост сўзлатмоқчи бўлди. Агар шундай қилмай, уни бошқалар билан бирга ўтқизиб, Расулуллоҳ ҳақида ундан сўз сўрар бўлса, у ёлғон айтганда ҳам, анинг йўлдошлари ёлғон айтдинг дейишдан уялур эдилар. Агар орқада турсалар, ишорат билан билдиришлари мумкин эди. Чунки у замон араблари ҳам ёлғон гапиришни катта айблардан ҳисоблар эди. Айниқса, буларнинг раислари обрўйларига зарба етишидан сақланишиб, ёлғондан жуда қўрқар эдилар. Шунинг учун Абу Суфён: «Халқ ичида менинг ёлғон сўзлаганим тарқалиб кетишидан қўрқмасам эди,

Қайсар Муҳаммад ҳақида мендан сўз сўраганида, бир неча ёлғон сўзларни айтмоқчи эдим. Лекин ёлғон айтишдан уялганим учун, анинг ҳақида нима сўраса, ростини гапирдим», деди. Шу билан Қайсар Абу Суфёндан Расулulloҳ тўғрисида тубандаги сўзларни сўрашга киришди.

Қайсар:

— Араб ичида бу кишининг насаби қандайдур?

Абу Суфён:

— Ул бизнинг олий насаблик кишимиздир.

Қайсар:

— Мундин бошқа ичингларда илгари ўтганлардан пайғамбарлик даъвосини қилиб чиққан киши бўлганмиди?

Абу Суфён:

— Шу кунгача араблардан бундай даъво қилган киши чиқмаган эди.

Қайсар:

— Бу сўзни айтмасдан илгари кишиларга унинг ёлғон гапирганини билганмисиз?

Абу Суфён:

— Кишига ёлғон гапирганини кўрмаган эдик, илгаридан чин сўзлик эди.

Қайсар:

— Ўтган ота-боболари ичида бирортаси подшоҳ бўлганмиди?

Абу Суфён:

— Йўқ, унинг оталари ичида подшоҳ бўлган киши йўқдур.

Қайсар:

— Унинг ақли қандайдур?

Абу Суфён:

— Ақли айб қилғудек эмас, етарлиқдур.

Қайсар:

— Унинг динини қабул қилгувчилар кўпинча қайси хилдаги одамлардур?

Абу Суфён:

— Унинг тобелари эса кўпроқ фақир-мискин, камбағал кишилардур. Аммо юрт бошлиқлари, қабила раислари, обрўлик бой кишиларимиз унга эргашмадилар.

Қайсар:

— Унинг динига кирувчилар кўпаяётирмилар, уларнинг ривожлари қандайдур?



Абу Суфён:  
— Кундан-кунга ўсиб, ривожланаётир.  
Қайсар:  
— Анинг динига киргандан сўнгра, уни ёқтирмасдан диндан қайтган кишилар ҳам борми?  
Абу Суфён:  
— Йўқдур, мундоқ кишини кўрмадик.  
Қайсар:  
— Қилгон аҳдига вафо қилгайму ёки хиёлати борму?  
Абу Суфён:  
— Аҳдини бузмас, ваъдага вафо қилур.  
Қайсар:  
— Ораларингда уруш бўлдимиди? Агар бўлган бўлса, қандоқ бўлди?  
Абу Суфён:  
— Урушларимиз гезаклашди. Бадр сўқишида алар енгдилар. Уҳуд урушида биз енгдик.  
Қайсар:  
— Муҳаммад халқни қайси ишга буюради?  
Абу Суфён:  
— Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилмоққа, ҳеч ишда унга шерик қўшмасга буюриб, ота-боболаримиз ибодат қилиб келган бутлардан қайтаради. Садақа, закот бермакка, намоз ўқимоққа, ваъдага вафо қилмоққа, омонатга хиёлат қилмасга, ёлғон сўзламасликка, бузуқ ишлардан сақланишга амр этадур, — деди.  
Шу билан Қайсар сўрашни тўхтатиб, яна сўзнинг бошидан тушди. Тилмоч орқали Абу Суфёнга қараб айтди:  
— Унинг насабини сандин сўраган эрдим, ўзинг насаблик кишидур деб иқрор бўлдинг. Ўтган пайғамбарлар ҳам шунга ўхшаш насаблик кишилардан чиққанлар.  
Яна сендан, илгари кейин ичинглардан шундоқ сўзни айтган киши чиққан эдимиди, деб сўрасам, мундоқ одам чиқмаган деб жавоб бердинг. Агар шундай сўз айтган бошқа биров ҳам сизлардин чиққан бўлса эди, ўтмишдаги биров сўзига эргашиб юрган бир кишига ўхшайди, деб ўйлар эдим. Кишига ёлғон сўзлаганму десам, сен йўқ дединг. Энди, одамга ёлғон сўзламаган киши, Аллоҳга қандай ёлғон сўзлайди? Ўтган ота-боболарининг ичида подшоҳ бўлган киши бор эдимиди, деб сўрасам, сен йўқ деб жавоб бердинг. Агар боболаридан

подшоҳ ўтган бирор киши бўлса эди, анда мен ота мулкини қайтармоққа ҳийла қилиб юрган кишига ўхшайди, деб айтар эдим. Яна мен, унга эргашганлар юқори даража кишиларми ёки камбағал, фақирларми, деб сўрасам, кўпинча унинг тобелари фақир кишилардур, дединг.

Ўтган пайғамбарларга ҳам дастлаб тобе бўлгувчилар фақирлардан бўлган. Давлатлик кишилар эрса тақаббур бўлиб, ҳақликни алар тездан қабул қилмагайлар. Яна сендан унга иймон келтиргувчилар кундан-кунга кўпаймоқдаларми, деб сўрадим, кўпаймоқдалар, дединг. Шунга ўхшаш иймон бошлангандан кейин кўпайиш устида бўлиб, охири тамомига егиб тўхтагай. Унга иймон келтириб динга кирувчилардан қайтган кишилар борми, деб сўрадим. Унинг динидан қайтган кишини кўрмадим, дединг. Ҳа, шундоқ бўлур. Агар иймон нури киши кўнглига кириб уни ёритур эрса, анинг муҳаббати юрак ичидан жой олгай. Ундоқ диндан қайтиб ҳеч киши чиқмагай.

Ўртангларда бўлган уруш қандай ўтди, деб сўрадим. Биринчида у энгди, иккинчисиде биз энгдик, дединг. Шунга ўхшаш пайғамбарларга ҳам синаш учун бу каби воқеалар бўлади. Душманларни гоҳида енгадилар, гоҳида алардан енгилгайлар, лекин охири ҳақ юзага чиққай. Чин мўъминлар ёлгон мўъминлардан ажралиб тургайлар.

У киши халқни нима иш қилишга буюради, деб сўрадим. Ул киши намоз ўқимоққа, закот бермоққа, ваъдага вафо қилмоққа, ёлгон гапирмасликка, бузуқчиликдин сақланишга буюради, дединг. Мана бу ишлар эрса пайғамбарлик сифатларидаур.

Энди билдим, у киши Аллоҳ юборган пайғамбардур. Шундай пайғамбарнинг чиқишини ўзим аввалдан ҳам билар эдим. Лекин араб халқи — сизлардан бўлишини гумон қилмаган эдим. Шу айтган сўзларинг агар рост бўлур экан, қадам босиб турган шу жойларимга ҳам бир куни эга бўлғусидир. Агар унга иймон келтирганимда омон қолишимга кўзим етса эди, ҳозирдаёқ иймон келтирган бўлур эдим.

Энди шу ишни қилур бўлсам, подшоҳлигимни олиб, ўзимни ўдиргайлар. Кошки у киши олдига саломат ета олсам, таҳорат суви қуйиб, оёқларини ювгай эдим,— деди.

Аммо Рум подшоси очиқ равишда иймон келти-

ришга журъат қила олмади. Сўнгра номани олиб ўқимоққа буюрди. Бу нома эса шундай ёзилмиш эди:

**Бисмиллоҳир раҳманир роҳийм.**

**«Мин Муҳаммадин Абдиллоҳ ва расулиҳи ила Хирақла азиймир Рум. Саломун ала манит-табаъал Худо. Аммо баъду фаинний адъука бидиъаятил ислом. Аслим таслам. Юътикаллоҳу ажрака марратайнни. Фаин таваллайта фаиннама аълайка исмул арисийина. Ва я аҳлал Китоби таъалав ила калиматин саваин байнана ва байнакум алла наъбуда иллаллоҳа вала нушрика биҳи шайъан вала яттаҳиза баъзуна баъзан арбабан мин дуниллаҳи, фаин таваллав фақулушҳаду бианна муслимуна».**

Маъноси: *«Аллоҳнинг қули ва анинг пайғамбари Муҳаммаддан Румнинг улуғ Хирақлига, ҳақ йўл топганларга салом. Мундин сўнгра шулки, мен сени Ислом динини қабул қилмоққа чақираман. Мусулмон бўл, саломат бўлурсан. Икки қават ажр олурсан. Агар қабул қилмас экансан, сенга қарашлик бутун халқнинг гуноҳи устинга тушади.*

*Эй Китоб аҳллари, келинлар, бу яхши сўзга, Аллоҳдан ўзгага ибодат қилмайлик. Бошқа нарсани унга шерик этмайлик, Аллоҳдан ўзгани тангри деб танимайлик. Агар бу сўздан юз ўгирсанлар, гувоҳ бўлинглар, бизлар Ислом динини қабул қилдик».*

Қайсар таржимони бу муборак номани бошлаб ўқиган чоғда, унинг иниси олдида қилич тутиб турган эди. Бирданига унинг ғазаби қўзғалиб, номани йиртиб ташламоққа қўл солди. Таржимон қўлидан номани тортиб слиб, йиртмоқчи бўлди. Қайсар инисини бу ишдан қайтариб тўхтатди. Сўнгра:

— Нега сенинг ғазабинг келди? — деб ундан сўради. Анда ул айтди:

— Биринчиси шулдирки, ул киши ўз номини сенинг номингдан илгари ёзмишдир. Иккинчиси эрса, Хирақл деб отингни айтиб, Рум подшоси демабдур.

Анда Хирақл:

— Ҳой мажнун, аҳмоқ! Шундоқ аҳамиятлик номани ўқиб тушунмасдан туриб, йиртиб ташлар эрсанг, ҳолинг на бўлгай эрди? Бу сўзда ғазаб қилғудек иш йўқдур. Агар ул Худо тарафидан юборилмиш пайғамбар бўлса, отини олдин ёзмоққа ҳақлидур. Агар номада мени Рум подшоси демаган бўлса, яна тўғри ёзмишдир. Чунки барчанинг подшоси аларни яратгув-

чи бир Аллоҳдир. Мен эрсам, Рум халқининг бошчиси эрурман. Аллоҳ хоҳлар экан, аларни менга бўйсундирур. Агар хоҳдамаса, бутун халқ менга қарши чиққайлар. Форс халқининг подшосига халқни мусаллат қилган эди, ўз подшосини ўлдирдилар. Агар менга ҳам аларни Аллоҳ мусаллат қилса, ўз фуқароларим мени ҳам ўлдиргайлар, — деб шу янглиф сўзлар билан инисини қайтарди.

Сўнгра ўз қавмига қараб айтди:

— Барчаларингиз билурмисиз, қиёмат олдда охирзамон пайғамбари чиққай деб, Исо алайҳиссалом башорат бермиш эди. Бу сўз эрса муқаддас китобларимизда ёзилмишдир. Бу пайғамбар Шом тупроғидан чиққайму деб умид қилган эдик, начорадурки, Аллоҳ таоло бу давлатни бошқаларга бермишдур.

Расулulloҳ замонларида Рум билан Эрон орасида икки марта уруш бўлди. Биринчисида румликлар енгшиб, иккинчисида эронийлар енгдилар. Рум тупроғидан аларни ҳайдаб чиқаздилар. Мана шунинг шукронаси учун Қуддусшарифни пиёда бориб зиёрат қилгайман деб аҳд қилди. Шу аҳдига вафо қилмоқ учун Ҳимс шаҳридан чиқмоқчи бўлди. Ора йўлга гиламлар тўшаб, гули райҳонлар сочиб ани зийнатладилар. Қайсар давлат арбоблари билан пиёда юрганича Қуддус шаҳрига етди. Зиёратлари адо топгач, барчалари яна Ҳимс шаҳрига келди. Бу жойда Қайсарнинг улуғ бир саройи бор эди. Давлат арбоблари, аскар бошлиқлари шу жойга ҳозир бўлсинлар, деб буюрди. Барчалари саройга кириб ўлтургандан кейин унинг эшигини қулфлатди. Сўнгра Қайсар бу йиғилган халққа қараб:

— Эй Рум элининг улуғлари! Мен эрсам ушбу нома юборган киши Муҳаммадга иймон келтириб, анинг динига кирдим. Келажакда бизнинг яхшилигимизни бу ишда кўрдим. Энди сизлар ҳам иймон келтириб, шу пайғамбарнинг динига кириңлар. Агар шундай қилар экансиз, ҳукуматимиз қўлдан кетмагай. Ва Исо алайҳиссалом аҳдини бузмаган бўлурмиз, — деди.

Бу сўзни Қайсар айтиши билан йўлбарсни кўрганда кўрқиб қочган ҳайвонлар каби бутун халқ сарой эшигига келиб тикилдилар. Қарасалар, эшикларга қулф солинмишдир. Яна орқаларига қайтиб Қайсарни ўлдириш қасдида унинг саройини ўраб олиб:

Бизни насроният динидан чиқариб, ваҳший арабийларга қул қилмоқчи бўлибдур, буни ўлдириб тез-

роқ қутилайлик, — деб унга қаттиқ норозилик билдирдилар.

Бу ҳолни кўриб Қайсарнинг умиди алардин узилди. Сўзни ўзгартириб, дарҳол уларга киши юборди:

Мен сизларни синаб кўрмак учун бу сўзларни айтган эдим. Динингларда қандай туришингларни тажриба қилдим. Насроният динини сақлашда сизларга энди аниқ ишондим, — деди.

Анинг бу сўзига розилик билдириб, ҳаммалари унга сажда қилиб қайтдилар. Сўнгра алардан умиди узилгач, Расулуллоҳ номаларига жавоб ёзиб, бирмунча ҳадылар билан юборди. Номанинг мазмуни шулдур: «Мен Ислом динини қабул қилдим, лекин буни изҳор қилмоққа ожиздурман». Бунинг номаси Расулуллоҳ олдиларида ўқилди. Анда Расулуллоҳ: «Дунё давлатини қизганиб охират давлатидан қуруқ қолмишдур. Исломни қабул қилдим, деган сўзи ёлғондур», дедилар.

Лекин Расулуллоҳнинг номаларини ҳурматлаб сақлади. Элчилари ҳазрати Дихяни бек иззат қилиб, кўп ҳадылар бериб узатди. Шунинг баракотидурки, Рум подшоҳлигининг қолдиқлари узоқ йиллар давом этиб келмоқдадур.

Шарқий Рум ўлкасидан ҳукуматлари узилган бўлса ҳам, Фарбий Рум Италияда шу кунгача сақланиб келди. Лекин Қайсар ўз оғзидан Ислом динини қабул қилдим деган бўлса ҳам, Расулуллоҳ уни ёлғончи қилдилар. Шундоқ бўлиб, бу улўф неъматдан бенасиб қолди. Ўз гуноҳининг устига, номада ёзилгандек бутун Рум халқининг гуноҳини кўтарди. Бақоси йўқ фоний дунёнинг подшолигини аяб, абадий саодатдан ажради.

## ЭРОН ШОҲИ ХИСРАВГА ЮБОРИЛГАН НОМА

Эрон подшоси Хисравга қуйидаги нома ёзилмишдир:  
**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Мин Муҳаммадин расулиллоҳи ила Кисро азийми Форс. Саломун ала манит-табаъал худа. Ва аманна биллаҳи ва расулиҳи ва шаҳида айла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳу ва Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу, адъука бидиаятиллаҳи, Фаиний ана расулуллоҳи илан носи каффатан лиунзира ман кана ҳайян ва яҳиққул қовлу алал кафирийна. Аслим таслам, Фаин абайта фаалайка исмул мажуси айиллазина ҳум атбаъукум».**

Маъноси: «Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Форс луғи Кисрога. Ҳақ йўлини қабул қилиб, Аллоҳга ва пайғамбарига иймон келтирган кишига салом. Сени Аллоҳнинг чақирғи Исломи динига чақирурман. Бутун инсонларга Тангри томонидан юборилган ҳақ пайғамбардурман. Аллоҳнинг азоби кофирларга бўлур. Исломи динини қабул қил, саломат қолурсан. Агар қабул қилмас эрсанг, бутун форс халқининг гуноҳини кўтарурсан».

Бу номани Кисрога (Хисравга) етказмоқни Абдуллоҳ ибн Ҳузайфага топширдилар. Бу киши подшонинг пойтахтига келтириб, номани Хисравга топшурдилар. Уни ўқитиб эшитмоқчи бўлди. Қараса нома бошига «Расулуллоҳ» сўзи ёзилмиш экан. Буни кўргач, унинг ғазоби қўзғалиб: «Араб қулларидан чиққан бир киши нечук ўз номини менинг номимдан илгари келтиргай?!» деб, номани парча-парча қилди. Бу номани элган Абдуллоҳ ибн Ҳузайфани подшо саройидан ҳайдаб чиқаздилар. У киши эрса бу адабсизликни кўриб, саройдан чиқиши билан туяларига миниб йўлга тушди.

Хисравнинг ғазоби босилгандан сўнгра қилган ишига пушаймон бўлиб, Абдуллоҳни топиб келтирмакка буюрди. Лекин уни ҳеч жойдан тополмадилар.

Абдуллоҳ Мадинага саломат келиб, бўлган воқеани Расулуллоҳга етказди. Анда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалам: — «Хисрав ўз подшоҳлигини йиртмушдир», дедилар.

Яна бу қилган адабсизлигига қаноат қилмасдан, ўзига қарашлик Яман волийи Малик Бозонга буйруқ хат ёзди. У вақтда Яман ўлкаси ҳам Эрон подшосига қарар эди. Хат мазмуни қуйидагичадур:

«Бозонга маълум бўлгайки, Маккада Қурайш қабиласидан бир киши пайғамбарлик даъвосини қилиб чиқмишдур. Сен унинг устига аскар билан бориб, уни бу сўздан қайтиб тавба қилмоққа таклиф қил. Таклифингни қабул қилса кўп яхши, қабул қилмас эрса, бошини кесиб келтир ёки ўзини боғлаб бу ерга келтир. Ул менинг қулим бўлатуриб, ўз ўрнини танимай, адабсизлик билан менга хат ёзмишдур».

Бу буйруқ Бозонга етгач, хат келтирган Хисрав элчисига ўз яқинларидан икки кишини қўшиб Расулуллоҳга юборди. Булар Ямандан чиқиб Макка яқинида Тойиф шаҳрига келдилар. У ердин англашиб, Мадинага келишди. Расулуллоҳ билан кўришгандан сўнгра:

— Подшолар подшоси Хисрав Парвиз Яман подшоси Малик Бозонга сени юборсин деб буйруқ бермишдур. Малик Бозон эрса сени подшо олдига элтмак учун бизни юборди. Агар қаршилиқ қилсанг ўзинг ҳалок бўлурсан ва қавмингни ҳалок қилурсан, устингга кучлик қўшинлар юбориб, эл-юртинг оёқ остида қолиб бутунлай хароб бўлур, — дедилар.

Бу кишилар Эрон одатича соқолларини қирдирган, мурутларини шопдек ўстирган кишилар эди. Расулуллоҳ буларни шундай қиёфада кўриб жирқандилар.

Сўнгра алардан:

— Вой, сизларга ким бу ишни қилмоққа буюрди?» — деб сўрадилар. Алар:

— Бизни Раббимиз буюрди, — дейишдилар. Подшоҳимиз дейиш ўрнига ани раббимиз деб атадилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Сизларнинг раббингиз шу ишга буюрмиш эрса, лекин менинг Раббим соқолимни қўйишга, мурутимни олишга буюрмишдир. Энди бу кунча қайтинглар, эртага келиб мендан жавоб олинглар, — деб аларни қайтардилар.

Эртаси куни Расулуллоҳ қошига қайтиб келдилар эрса, аларга:

— Аллоҳдан менга ваҳий келди. Менинг Раббим сизларнинг раббингларни фалон ой, фалон кечада ўлдирмоқчи бўлди, — дедилар.

Сўнгра шу мазмунда Яман волийси Малик Бозонга хат ёзиб бердилар. Хатни олиб эчилар Малик Бозон ҳузурига келишди. Хатни ўқиб кўриб, ундаги хабарни билгач, Малик Бозон:

— Агар бу киши аниқ пайғамбар бўлса, бу айтган хабари албатта тўғри чиққай. Йўқ эрса унинг чорасини кўргаймиз, — деб Эрон хабарини кутиб турди.

Кўп ўтмай, Эрондан хат келди. Нақ Расулуллоҳ айтган ой, кунларда Хисрав подшо ўғли Шервия тарафидан ўлдирилмиш эди. Хатнинг мазмуни шундай эди: «Малик Бозонга маълум бўлгайки, отам Хисравни давлат арбоблари маслаҳати билан ўлдирдим. Чунки форс халқини жонидан тўйғазди, бошчиларини ўлдирди, аларнинг яхшилари тарқалиб ҳар ёққа қочдилар. Бу хатни олишинг билан ўз халқингдан мен учун байъат олурсан. Пайғамбарлик даъвосини қилиб чиққан киши ҳақида Хисрав сенга буйруқ бермиш эди. Мендан хат боргунча уни ўрнидан кўзгатма».

Бу муъжизани кўриб Малик Бозон бутун оиласи билан ва аркон давлатлари билан ғойибона иймон келтириб, Расулуллоҳга элчи юборди. Пайғамбаримиз айтганларидек, Эрон давлати Ҳазрати Умар замонларида мунқариз бўлди. Аларнинг мол-дунё, хазиналарига, бутун мамлакатларига мусулмонлар эга бўлдилар.

### ҲАБАШИСТОН ПОДШОСИ НАЖОШИЙГА ЮБОРИЛГАН НОМА

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Мин Муҳаммадин расулиллоҳи илан Нажоший маликил Ҳабашати. Саламун анта. Фаинний аҳмаду илайкаллоҳуллазий ла илаҳа иллаллоҳу Ҳувал маликул Қуддусус саломул мўминул муҳаймину ва ашҳаду анна Исабна Маряма руҳуллоҳи ва калиматуҳу алқоҳо ила Марямал бутулит-таййибатил ҳасинати. Фаҳамалат биъисо ҳамалатҳу мин руҳиҳи ва нафҳиҳи кама холақо адама биядиҳи. Ва инний адъука важунудака илаллоҳи ваҳдаҳу ла шарика лаҳу вал мувалата ала тоатиҳи ва ан татбаъани ва туьқина биллазий жааний. Фаинний расулуллоҳи ва инний адъука ва жунудака иллаллоҳи ʼазза ва жалла ва қод баллағу ва насаҳту. Вассалому ала миниттабаъал ҳуда».**

Маъноси: *«Аллоҳнинг элчиси Муҳаммадан Ҳабаш подшоси Нажошийга! Саломатмусан, мен Аллоҳга ҳамд айтурман. Аллоҳдан ўзга яратган йўқдур, ҳақиқий подшо Улдир. Ҳар бир камчиликдан, айб бўлғудек нарсалардан покдир. Бангаларни барча офатлардан асрагувчи Аллоҳдир. Яна гувоҳлик бераман, Исо алайҳиссалом Марям ўғли Руҳуллоҳдур. «Кун» («Пайдо бўл!» демак) калимасини покдомон, обида, зоҳида, ибодатлик Марямга ташлаган сўнгига Исога ҳомила бўлмишдур. Исо Аллоҳнинг руҳи, Аллоҳнинг калимасидур. Одам алайҳиссаломни Аллоҳ қудрати билан яратганидек, Исони ҳам Аллоҳ қудрати билан яратмишдур.*

*Энди мен сени шериги йўқ, ўхшаши йўқ ягона Аллоҳга иймон келтирмакка, доим унинг итоатида бўлмакка чақираман. Мен Аллоҳнинг ҳақ пайғамбаридурман. Сени ва сенинг аскарларингни Аллоҳга ундайман. Аллоҳ амрини сизларга етказдим. Борлиқ насиҳатимни қилдим. Ҳақ йўлига эргашган кишиларга салом».*

Сўнгра бу номани Амр ибн Умайя деган саҳобага



бериб, Ҳабаш подшоси Нажошийга етказгил, деб буюрдилар. Амр ибн Умайя Ҳабашистонга бориб, номани Нажошийга топширгач, подшо уни кўзига суртиб, дарров тахтдан тушди. Қуруқ ер устига ўлтириб шаҳодат айтиб, Ислом динига кирди. Сўнгра номани неча қат ипак рахтларга ўраб, фил суягидан ясалган қутига солиб, хазиначига топширди. Аларга: «Агар бу нома бизнинг қўлимизда бу янглиғ ҳурмат билан сақланар экан, Ҳабашистондан яхшилик ҳеч вақт узилмагай» дедилар. Сўнгра Расулуллоҳга шу номани ёзиб, жавоб қайтарди:

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Ила Муҳаммадин расулиллаҳи соллаллоҳу алайҳи ва саллам минан-Нажошийил асҳам. Ассалому алайка ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу. Йа набийяллоҳиллазий ла илаҳа илла ҳуваллазий ҳадани лил-ислом. Амма баъд, фақод балағаний китобука йа Расулаллоҳ. Фама закарта фи амри Иса алайҳиссалом фавараббис-самои вал арзи инна Иса алайҳиссалом ла язиду ала ма закарта. Ва қод қоррабна ибна аммика ва асҳабаҳи фа ашҳадус-содиқон ва мусаддиқон иннака расулуллоҳи ва қод бояъту ибна амика ва асламту ала ядиҳи лиллаҳи Раббил оламин».**

Номанинг таржимаси будир:

*«Аллоҳнинг элчиси Муҳаммадга Нажошийдан салом! Аллоҳнинг раҳмат ва баракотлари сизга бўлсин, эй Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари. Аллоҳдан ўзга Яратгувчи йўқдур. У ёлғиз Аллоҳдур. Шундайин Аллоҳга, Ислом динига мени ҳидоят қилди. Юбормиш номангиз менга етди. Исо ҳақида айтган сўзингиз эрса, ер-осмонни яратган Аллоҳ ҳаққи, Исонинг яратилиши сиз деган-дегдур, ҳеч бошқа эмасдур. Амакингиз ўғли ва унинг йўлдошларини ўзимга яқин қилдим. Ростлик билан гувоҳлик бераман, сиз Аллоҳ юборган пайғамбардурсиз, сизга байъат қилдим. Амакингиз ўғли қўлида Ислом динига кирдим, унга ҳам байъат қилдим».*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу номани ўқиб эшитгач, шу сўзни ёздилар: «Ҳабаш халқи сизларга тегмагунча уларга тегманглар, уларни ўз ҳолига қўйинглар».

Шунинг учун Ислом аскари футухот даврларида ҳам Ҳабашистонга қадам қўймадилар. Мусулмонлар билан ҳабаш халқи орасида қонлик уруш бўлгани та-

риҳда ҳам кўп кўринмади. Расулуллоҳ замонларида нома юбориб динга даъват қилинган подшолардан номани ўқиб кўриши билан дарров иймон келтирган киши шу Нажоший бўлди. Мундан бошқаларига бу давлат насиб бўлмади. Шунинг сабаби билан Ҳабашистонда Ислом дини тарқалиб қолди. Шу кунгачалик у ерда Ислом дини давом этиб келмоқда.

## МИСР ПОДШОСИ МУҚОВҚИСГА ЮБОРИЛГАН НОМА

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Мин Муҳаммадин расулиллаҳи ила Муқовқис азимил Қибти. Саламун ала маниттабаъал худа. Амма баъд, файнний адъука бидиъаятил Исломи. Аслим таслам. Юътикаллоҳу ажрака марротайни ва ин та-валлайта файннама алайка исмул қибт».**

Таржимаси будир:

*«Аллоҳ элчиси Муҳаммаддан Қибт (Миср) халқининг улуғи Муқовқисга. Ҳаққа тобе бўлганларга салом. Сўнгра шулки, сени Ислом динига чақирурман. Мусулмон бўл, саломат бўлурсан, яна икки қат савоб олурсан. Агар бунга унамасанг, барча қибт халқининг гуноҳини кўтарурсан».*

Расулуллоҳ бу номани Муқовқисга етқуриш учун Ҳотиб ибн Балтаъага топширдилар. Ул эса номани олиб Миср шаҳрига келди. Муқовқис Искандарияга кетган эди. Мисрдан у ерга бориб, денгиз ичидаги подшо саройига кириб, номани Муқовқисга берди. Ул номани ўқиб кўргач, Ҳотиб ибн Балтаъага қараб:

— Агар бу киши аниқ пайғамбар бўлса, муни ўз ватанидан ҳайдаб чиқазган душманларини нега дуо қилиб йўқ қила олмади? — деди.

Ҳазрат Ҳотиб жавоб айтмай унга қараганича турди. Муқавқис яна шу сўзни қайтариб айтгандан кейин ҳазрат Ҳотиб айтди:

— Марям ўғли Исо алайҳиссалом Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари эрди. Анинг ўз қавми яҳудлар унга қарши чиқишиб, кўп озор бердилар. Энг охири уни ушлаб яҳудлар ўлдирмоқчи бўлганда Аллоҳ таоло уни осмонга чиқариб қутқазди. Нима учун Исо пайғамбар аларнинг ҳалок бўлишига дуо қилмаган эди?

Анда Муқовқис бу сўзига рози бўлиб:

— Сени юборган ҳақим киши олдидан келган сен ҳам ҳақим экансан, — деди.

Унинг бу сўзидан илҳомланиб:

— Эй Муқовқис, ўзинг яхши билурсан, сендан илгари ўтган бу шаҳарда Миср фиръавни бор эди. У эрса ўз ҳаддини билмай, худолик даъво қилди. Аллоҳ юборган Мусо пайғамбарга иймон келтирмади. Охири Худо ғазабига учраб, дунё ва охиратда абадий азобга қолди. Энди сен ўтганлардан ибрат олғудек бўл, қолганларга гўзал ибрат бўл. Аниқ гувоҳлик берурман, Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳдан келган ҳақ пайғамбардур. Дунёда яшаган барча инсонларни ҳақ динга даъват қилиш учун уни Аллоҳ юборган.

Қуръоннинг хабарича, Ислому динига энг қаттиқ душман яҳудийлардур. Ҳақиқий насоролар эса анинг дўстларидан ҳисобланурлар. Худо ҳаққи қасам қилурман, Мусо пайғамбар Исо пайғамбарнинг чиқишини ўз қавми яҳудларга хабар бермиш эди. Бу икковлари эрса, Муҳаммад алайҳиссалом башоратини ўз умматларига етказдилар. Ҳар пайғамбарга ким замондош бўлса, унинг умматидан саналур. Ўтган пайғамбарларнинг ҳар бирлари охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломнинг чиқишидан ўз умматларига хабар бериб, улардан аҳд олмиш эдилар. Энди ҳақлик шулки, ер устида яшаган бутун умматлар Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтириб, шунга итоат қилгайлар, — деди.

Анда Муқовқис:

— Мен бу кишининг хабарини эшитганимдан бери, кўп фикр қилиб текширишлар ўтказдим. Анинг буюрмиш ишлари барчаси фойдалиқ эрур. Зарарлик ҳар бир ишлардан бутун инсонларни қайтармишдур. Пайғамбарликнинг барча аломатларини унинг қилган ишларида топдим. Яна бу ҳақда ўйлаб кўрурман, — деди.

Сўнгра Расулуллоҳнинг номаларини ипак латталарга ўраб, фил суягидан ясалган қутичага солиб хазинасига топширди. Бу номанинг асл арабча нусхаси шу кунларда ҳам, яъни, 1377 ҳижрий йилда Туркия ҳукуматининг хазинасида сақланмоқдадур. Туркиянинг сўнги султонларидан бирисининг даврида бу нусха Миср калисоларининг биридан топилган эди. Эски Қибт калисоларида шу давргача у муборак номанинг асл нусхаси сақланиб қолган экан. Шу замоннинг султон халифаси ижозати билан унинг акси олиниб, нусхаси кўпайтирилган эди. 1945 милодий йилда Фулжа шаҳрининг қозиси Абдулҳакимхожа бу муборак номанинг фотографи нусхасидан бир донасини бу китоб

ёзгувчи Алихон Соғунийга ҳада қилиб келтирди. Ўзим ўқиб кўрган шу арабча номани юқорида ёздим...

Сўнгра Муқовқис арабча ёздириб, Расулуллоҳ номаларига жавоб қайтарди. Бунинг таржимаси қуйидагичадур:

«Муҳаммад ибн Абдуллоҳга Қибт халқининг улуғи Муқовқисдан салом. Сўнгра шулки, юборган номангни ўқиб кўрдим, ёзганингни англадим. Даъват қилмиш дининг асосига тушундим. Бундан илгари кўп пайғамбарлар ўтиб, бир пайғамбар қолганини билур эдим. Лекин мен уни Шом тупровидан чиқар деб ўйлар эдим. Араблардан чиқиши хаёлимга келмаган эди. Юборган элчингни ҳурматлаб ҳадылар бериб қайтардим». Шу билан нома жавобини тамом қилиб, бошқа сўз ёзмади.

Миср тансиқларидан ҳар хил нарсаларни тортиқ қилиб Расулуллоҳга юборди. Булар ичида ҳусн жамоллик икки канизак бўлиб, бирисининг оти Мария эди. Буни Расулуллоҳ ўз никоҳларига олдилар. Ўғиллари Иброҳим Мариядан туғилди. Расулуллоҳ минишлари учун яна бир хачир ҳам юборди. Бундан илгари араблар хачир кўрмаган эдилар. Бунга «Дулдул» от қўйиб Ҳазрати Алига бердилар. Сўнгра Муқовқис ҳазрати Ҳотибга: «Қибт халқи эрса бу тўғридаги меним сўзимни қабул қилмагайлар. Йўқ эрса Муҳаммаднинг охирзамон пайғамбари эканига кўзим етди. Унга иймон келтирур эдим. Агар бу қилган ишларим аларга маълум бўлса, улар мени ҳалок қилгайлар. Шунинг учун бу ишим англамасдан олдинроқ бу ердин чиқиб кетишинг керақдур». деди ва бир неча аскар қўшиб ҳазрати Ҳотибни совға моллари билан сақлаб араб тупроғига етказиб қўйди. Шу билан ҳазрати Ҳотиб Мадинага келиб кўрган ишларини Расулуллоҳга баён қилди. Анда Расулуллоҳ: «Бу киши эрса подшолигини қизганиб иймондан маҳрум бўлмишдур. Лекин анинг подшолиги узок турмагай», дедилар.

### **БАҲРАЙН ПОДШОСИ МУНЗИР ИБН СОВИЙГА ЮБОРИЛГАН НОМА**

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Саломун анта. Фаинний аҳмаду илайкаллоҳа, аллазий ла илаҳа илла ҳува. Аммо баъд, фаинна ман салло салатана вастақбала қиблатана ва акмала забийҳатана фазалика муслимун лаҳу зимматуллоҳи**

**ва зимматур-расули, ман аҳабба золика минал мажуси фаиннаҳу омана ва ман аба фаинна алайҳил-жизята, фааслим».**

Маъноси: *«Саломатмисан. Ёлғиз Аллоҳгагина ҳамд-сано айтурман ва У мақташга лойиқдур. Бундан сўнгра ҳар кимарса бизлардек намоз ўтаса, қибламизга юзини қаратса, биз бўғизлаган ҳайвонларни еса, ул киши мусулмондур. Аллоҳнинг аҳди, пайғамбарининг омони ул кишига бўлғай, яъни унинг мол-жонига ҳеч ким тега олмағай. Араблардан бошқалар яхши кўриб бу динга кирсалар, мол-жонларига алар ҳам омон топғайлар. Агар қаршилик қилиб, иймон келтирмас эканлар, аларга жизя қўйилғай. Ислом динига киргил, азобдан қутулурсан».*

Пайғамбаримиз: *«Бу номани аталмиш кишига еткурғил»,* деб, Ало ибн Ҳазрам исмлик саҳобага топширдилар. Ул киши эрса Мунзир ибн Совийга еткурди. Номани ўқиб кўриб мазмунига тушунгандан сўнгра, дарҳол иймон келтириб, бу номани ёзди:

**«Аммо баъд, йа Расулаллоҳи. Фаинний қораъту китобака ала аҳдил Баҳрайни. Фаминҳум ман аҳаббал Ислама ва аъжабаху ва даҳала фиҳи ва минҳум ман қариҳаҳу ва биарзи мажусун ва яҳуду фа аҳдис илаййа фи залика амрака».**

Маъноси: *«Саломдан сўнгра, ё Расулаллоҳ, сизнинг номангизни Баҳрайн халқига ўқиб бердим. Баъзилари бу динни яхши кўриб иймон келтирдилар, баъзилари эрса бундан юз ўғирдилар. Бу ерда яҳудий, мажусий, оташпараст кофирлар бордур. Булар ҳақида қандоқ иш қилишга буюрасиз, бизга шуни билдирғайсиз».*

Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу нома келгач, жавобига ёздилар:

— Ёлғиз Аллоҳга ҳамд-сано айтурман ва гувоҳдик берурман барча оламни яратгувчи ёлғиз Аллоҳдур. Мухаммад эса Аллоҳнинг қули ва анинг элчисидур. Сўнгра шулки, Аллоҳни сенинг ёдингга солурман. Ҳар ким яхшилик қилур эрса, анинг яхшилиги ўзига қайтғай. Юборган элчиларимга ким итоат қилиб бўйсунса, менга бўйсунгандек бўлур. Ким аларга яхшилик қилса, менга яхшилик қилмишдур. Юборган элчиларим қайтгач, сенинг яхши сифатларингни айтдилар. Қариндошларинг тўғрисида айтган сўзингни қабул қилдим, мусулмон бўлган кишилар қайси ҳолда Исломга кирган бўлсалар, ўшал ҳол узра қолсинлар. Яъни, аларнинг мону дунёлари, илгари олган хотинлари ўз қўлларида

бўлсин, аларга ҳеч ким тегмасин. Илгари қилган гуноҳларини кечирдим. Узрларини сен ҳам қабул қил. Агар адолатликда турар бўлсанг, амирлигинг узоқ вақтгача қолур, ўрнинг ўзгартирилмас. Яҳудий ёки мажусий динида қолгувчилар бўлса, аларга жизя қўйиб, солиқ олурмиз».

## УММОН ПОДШОЛАРИГА ЮБОРИЛГАН НОМАЛАРИ

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Мин Муҳаммад ибн Абдуллоҳи ва расулиҳи ила Жайфар ва Абн ибна Жуландий, Саламун ала манит-табағал худа. Амма баъд фаинний адьукумо бидиъятил Исломи. Аслимо тасламо. Фаинний расулulloҳи иллан-носи каффатан лиунзира ман кана ҳайян ва яҳиққол қовлу алал кафирина ва иннакумо ин ақрортумо бил Исломи валлайтукумо ин абайтулло ан туқирро бил-исломи фаинна мулкакумо зоилун анкумо ва Хайлий таҳиллу бисаҳатикумо ва тазҳару нубувватий ала мулкикумо».**

Маъноси: *«Аллоҳнинг қули ва анинг пайғамбари Муҳаммаддан Уммон ўлкасининг подшоҳлари Жуландий ўғлонлари Жайфар ва Абдга. Ҳақ йўл топганларга салом. Сўнгра ҳар икковинларни Ислом динига даъват қилурман, мусулмон бўлинглар, омон қолгайсизлар.*

*Мен эрсам барча одамларга Худо тарафидан келган пайғамбардурман. Қиёматдаги қўрқинчлик ишлардан бутун халққа хабар берурман, бу сўзни ер устидаги тирик кишиларга еткузурман, қарши чиқувчиларга албатта азоб бўлғусидир. Агар Исломга иқрор қилур эсангиз, ўз ўрнингизда қолдирурман. Агар андин юз ўтурсангиз, подшолигингиз қўлингизда қолмагай. Ислом аскарни ерингизга киргайлар. Пайғамбарлигим подшолигингизни енгай».*

Бу номани Амр ибн Осга топширдилар. Бу киши номани Уммон подшоларига етказди. Булар эса Яман арабларининг подшолари эрдилар. Икки туғишган оғанин бўлиб, подшолик қилишур эди. Номани олиб ўқиб кўргандан сўнгра иниси Абд ибн Жуландо Амр ибн Осга:

— У пайғамбарман деб чиққан киши халқни нима ишларга буюрур, қайси нарсалардан қайтарур? — деди. Анда Амр ибн Ос:

— Ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилмоққа буорадур,

гуноҳ ишлардан, зулм ва хиёнат, зино ва ароқхўрлик каби ишларни қилишдан қайтарадур. Бутларга топин-моқни ман қилур, — деди.

Анда ул:

— Ул яхши ишлар қилур экан, агар оғам меним сўзимни қабул қилар экан, икковимиз анинг олдига бориб, иймон келтирур эдик. Бироқ ул ҳукуматдин ажраб қолишдан кўрқиб унга тобе бўлгуси келмай-дир, — деди.

Анда Амр ибн Ос:

— Агар оғанг иймон келтирур эрса, уни ўз элига ҳоким қилиб қолдиргай. Бой кишилар молидан закот олиб, камбағалларга бўлиб бергай, — деди.

Анда ул:

— Ундоқ бўлса қандоқ яхши иш бўлур эди, бироқ анинг қабул қилиши гумондур, шундоқ бўлса ҳам ай-тиб кўрурмиз. Закот деганинг нимадур? — деди.

Амр:

— Ислому динининг беш устуниси бордур. Ислому дини шулар устига қурилган. Иймондан сўнгра энг улуғи намоздир, анинг йўлдоши закотдур. Аллоҳ таоло Қуръонда: «Ҳар куни беш вақт намозни тўлиқлаб ўтанглар. Бой кишилар эса камбағалларга закот беринглар», дедишдир. Аллоҳ таоло намоз ўқишни барча мусулмонларга қандай фарз қилган бўлса, закот беришни ҳам бойларга шундай фарз қилмишдур. Лекин ҳар ердан олинган закот моллари шу ернинг камбағалларига берилур, — деди.

Бу сўзларни англагач, унинг кўнгли ҳам Исломуга мойил бўлди. Сўнгра икковлари бирга анинг оғаси Жайфар олдига бордилар. Ислому динининг фазли-камолини унга ҳам гапириб берди. Бунинг ҳам кўнгли юмшади. Ҳар икковлари баробар мусулмон бўлдилар.

## ЯМОМА ЎЛКАСИНИНГ АМИРИ ҲАВЗА ИБН АЛИГА ЮБОРИЛГАН НОМА

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Ила Ҳавза ибн Али, Саламун ала манит-табаъал худа, Ваълам анна диний саязҳару ила мунтаҳол хуффи вал хофири. Фааслим таслам ва ажъаллака ма тахта ядайка».**

Маъноси: *«Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммаддан. Али ўғли Ҳавзага. Ҳижоят топганларга салом. Билгилким,*

*Ислом дини инсон қадами етган ерларни ўз ҳукмига олмай. Ислом динига киргил, қўл остингдаги нарсаларга ўзингни эга қилмайман, саломат бўлурсан».*

Бу номани еткизгил, деб Ҳазрати Салитга буюрдилар. У киши эрса Ҳавзага келтириб топширди. Ямома ўлкаси Маккадан ўн олти кунлик йўл эди. Уни ўқиб кўриб, узоқ ўйлаб кетди. Олдида Шом тарафидан келган насоро улуғларидан бир киши ўлтирган эди. Бу эрса Ҳавзага:

— Агар бу номадаги сўзни қабул қилур эрсанг кўп яхши бўлмай. Чунки Исо пайғамбар башорат берганки, охирзамон пайғамбари арабдан чиққай. Оти Аҳмад, Аллоҳнинг элчисидур, деб Инжилда ёзилмишдур. Агар унга иймон келтирур эрсанг, подшолигингни сендан олмай, — деди.

Яна ҳазрати Салит:

— Эй Ҳавза, сени подшо қилиб, бу давлатга эга қилган, кимсаларнинг суяги гўрда чиримиш, ўзлари эса тамуғда азоб тортмоқдаурлар. Ҳақиқатда Аллоҳга иймон келтириб, тақво йўлини тутган кишилар туганмас давлат эгаларидур. Ўзинг уйлаб кўргил, сенинг ақлингдан бошиқалар фойдаланиб, кўплари давлат топмишлардур. Агар унинг фойдаси ўзинга тегмас эрса, сен учун бу қандай армон бўлмай? Бу нома эрса сени энг яхши ишларга буюрмай, барча ёмон нарсалардан қайтармай. Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилмоққа амр қилур. Нафс, шайтон йўли, бузуқчилик ишлардан сени қайтарур. Аллоҳ амрини қилар эрсанг, жаннатга кирарсан; шайтон буйруғида бўлсанг, дўзах азобида қолурсан. Агар бу сўзни қабул қилсанг, барча яхшиликларни кўргайсан, умидлик ишларингга эришиб, кўрқинчилик ишлардан қутулгайсан. Йўқ эса бир куни келур, ўртадан парда кўтарилур, ўшанда ҳақиқат кўз билан кўрилуру, — деди.

Шунда Ҳавза:

— Эй Салит, ҳар кимсанинг ўзига яраша ақли бордур. Ўзимга ярашур меним ҳам ақлим бордур. Бутун ишларимни у билан ўлчаб кўрарман. Лекин шу тўғрида ақлим бошимдан учди, бир озгина вақт бергил, ақлимни йиғиб олиб, сўнгра бу сўзга жавоб берурман, — деди.

Нома жавобининг мазмуни ушбудир: «Юборган номангни олдим, даъват қилган нарсанг эрса на яхши ишдур! Мен эрсам араблар ичида атоқлик шоир, ҳам



хатиб эрурман. Алар олдида хайбатим бордур. Узоқ-яқиндаги араблар мендан хайиққайлар. Агар шу ишингда мени шерик қилур бўлсанг, ул чоғда сенга тобе бўлурман» демишдур.

Шу билан нома элтган хазрат Салитга бир қанча совға-тортиқлар бериб қайтарди. Нома жавобини англагач, Расулуллоҳ:

— Ул ўзини менга шерик қилишни сўрабдур. У бир парча ер сўраса ҳам энди бермагайман. Ўзи халок бўлур, қўлидан давлати кетар, — дедилар.

Макка шаҳри фатҳ бўлгандан сўнгра, Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтириб, анинг кофирлик ҳолида ўлганлигидан хабар бердилар. Анда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

— Мендан кейин у жойдан яна бир каззоб чиқур. Пайғамбарлик даъвосини қилғай, ани Ислом аскарлари ўлдирғай, — дедилар.

Расулуллоҳ деганларидек, хазрати Абу Бакр Сиддиқ халифалик даврларида у жойдан Мусайлама каззоб чиқиб пайғамбарлик даъвосини қилди. Буни англаб хазрати Абу Бакр Сиддиқ Холид ибн Валид қўмондасида аскар юбордилар. Шу урушда ўзи ўлдирилиб, аскарлари тарқатилди. Ҳозирги замонимизда икки Ҳарамда ҳукмрон бўлиб турган саудийлар ҳам шу жойдан чиқдилар, ўшал Мусайлама каззоб қавмидан эрурлар.

## ҲОРИС ИБН АБИ ШИМРГА ЮБОРГАН НОМАЛАРИ

### «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

**Мин Муҳаммадин расулиллоҳи ила Ҳорис ибни Аби Шимр. Саламун ала манит-табаъал худа, ва аманна биллаҳи ва саддақа. Фаинний адъука ила ан туъмина биллаҳи ваҳдаҳу ла шарика лаҳу ябқо лака мулкука».**

Маъноси: *«Аллоҳнинг пайғамбари Муҳаммаддан Ҳорис ибн Абу Шумурга. Ҳидоят топганларга салом. Ўхшаши, шериги йўқ ёлғиз Аллоҳга сени чақираман. Агар иймон келтирсанг, Ислом динига кирсанг, подшоҳлигинг ўзингга қолғай, давлатинг завол топмағай».*

Бу номани саҳобалардан Шужоъ ибн Ваҳбга бердилар. Бу киши эрса Ҳорис ибн Абу Шумурга етказди. Рум подшоҳи Қайсар бутун Шом ўлкасига буни волий қилиб қўймиш эди. У замондаги араблар номига бўлса ҳам ярми Рум, ярми Эронга тобе эдилар. Бутун Шом

вилоятига ҳоким бўлгонликдан бу ҳам ўзини подшоҳлардек чоғлар эди.

Анинг ўрда саройидаги соқчилар ҳазрати Шужоъни ичкари киргани қўймадилар. Бу жойда фурсат кутиб уч кун туриб қолди.

Буларга Рум насороларидан Маврий отлик киши бошлиқ эди. Расулulloҳдан нома келтирганини билгач, ҳазрати Шужоъдан Пайғамбаримизнинг сифатларини, Ислом асосларини сўради. Расулulloҳнинг сифатларини эшитиб, кўнгли бўшаб йиғлагани турди:

— Инжилда охирзамон пайғамбарининг сифатларини кўп ўқиган эдим, унинг ҳақида сенинг айтган сўзларинг меним ўқигонларимга тўғри чиқаду. Мен бу пайғамбарни Шом тупроғидан чиқармикан, деб ўйлаган эдим. Унинг араб чўлларидан чиқиб қолиши ҳеч кимнинг кўнглига келган эмас. Сенинг айтганингга қараганда охирзамон пайғамбари албатта шул киши бўлиши керак. Унинг ҳақ пайғамбарлигига ишондим, унга иймон келтирдим, лекин бу сўзни очиқ айтишга қўрқаман. Агар буни билиб қолсалар, мени ўлдиргайлар,—деди.

Шундай бўлиб уч-тўрт кун ўтгандан кейин Ҳазрати Шужоъ Ҳорис ибн Абу Шумурга номани топширди. Уни ўқиб кўргач, ғазаби келиб Ҳорис қўлидаги номани ерга ташлади:

— Мени подшолигимни қўлимдан ким олар экан? Агар мусулмон бўлсанг, подшолигинг ўзингда қолар демиш. Қараб тур, унинг устига аскар тортиб боргайман. Яманда бўлса ҳам мендан қутила олмағай,— деб элга жар чақириб, ҳар томонга киши юбориб, аскар йиғишга киришди. Уруш асбобларини тайёрлатиб, аскар отларини тақалатмоққа буюрди. Сўнгра ҳазрати Шужоъга қараб:

— Мана бўлғулик ишларни кўзинг кўрди. Бор энди нима кўрган, билган бўлсанг сени юборган кишига хабарини бергил, — деди.

Дарҳол бу воқеани баён қилиб, Қайсарга хат ёзди, у эса Қуддус зиёрати учун Шомга келмиш эди. Расулulloҳ Қайсарга юборган номаларининг келиши ҳам шу кунларга тўғри келди. Унинг хатини ўқиб кўргач, бундан рухсатсиз қилган ишини англаб, Қайсар уни ёқтирмай жавоб ёзди. Тўпланмиш аскарларингни тездан тарқатиб ўзинг бу ерга келгил, деб ани чақирди.

Бу чоғда ҳазрати Шужоъ йўлга чиқмаган эди. Дарров чақиртириб йўлга қачон чиқишини сўраб, Шу-

жоъга юз олтин берсин, деб хазиначисига буюрди. Шу чоъда соқчилар бошлиғи Маврий етиб келди. Йўлчига атаган йўл озуғидан бошқа Расулуллоҳга совға йўсинда бир қанча тансуқ нарсалар келтириб, ҳазрати Шужоъга:

— Менинг саломимни Расулуллоҳга етказгил. Мен унга иймон келтириб, Ислом динига кирдим. Ўлмай бора олсам, анинг юзини албатта кўрурман, йўқ эрса ўлгунимча анинг динида бўлурман, — деди.

Шу билан ҳазрати Шужоъ у ердан қайтиб, саломат Мадинага келди. Бу сафарда ўтган ишларни гапириб, Маврийнинг саломини айтган эди, Расулуллоҳ:

— У рост айтмишдур. Аммо Ҳорис ибн Абу Шумур эрса ўзини ҳалок, мулкани хароб қилмишдур, — дедилар.

### ВОДИЛ ҚУРО ВОҚЕАСИ

Ҳижратнинг еттинчи йили Хайбар қалъаларини фатҳ қилиб келаётганларида Расулуллоҳ Водил Қуро яҳудларини Исломга даъват қилдилар. Агар Исломни қабул қилсалар, ер-сувлари ўзларига қолиб, мол-жонлари ҳам омон топгай, деб Расулуллоҳ ваъда қилсалар ҳам, алар уруш қилмоқчи бўлишди.

Бу урушда ўн икки кишилари ўлгач, омон сўрашга мажбур бўдилар. Буларга омонлик берилгач, Хайбар яҳудларига қилинган келишув бўлиб, ер ҳосилотининг ярмини Расулуллоҳга топшириш шарти билан бутун ер-сувлари қолдирилди. Булардан бошқа аларнинг Мадинадан олти кунлик ерда Фадак деган яҳудлар қалъаси, саккиз манзиллик жойда Таймо деган бир шаҳарлари бор эди. Бу жойлардаги яҳудлар эса Хайбар воқеасини эшитгач, жизя тўлашга рози бўлишиб, ўз жойларида қолишди. Фадак яҳудлари эрса бунга рози бўлишмай, ер-сувларини ташлаб, хоҳлаган ёққа кўчиб кетиш шарти билан сулҳ қилдилар. Хайбар шаҳри ва унинг атрофида яшаётган яҳудлар ўз ерларининг ҳосилларидан тенг ярмини тузилган келишувга биноан Расулуллоҳга топширишлари лозим эди. Буни йиғиб олиш учун Расулуллоҳ ансор саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Равоҳани тайинламиш эдилар.

Бу киши эрса алардан хазина ҳақини қолдирмай

олишга қаттиқроқ киришди. Яҳудлар ишни юмшатиш чорасини қилмоқчи бўлишиб, у кишига пора бериш ишоратини қилдилар. Абдуллоҳ ибн Равоҳа бунни пайқаб қолиб, аларга:

— Эй Худо душманлари, менга ҳаром нарса едириб, мени булғамоқчидурсиз, бу ишнинг бўлиши меним устимда мумкин эмасдур. Энг яхши кўрган кишим томонидан энг ёмон кўрган кишилар устига шу хизмат учун келдим. Худо ҳаққи, меним кўзимга сизлар тўнғиздан ҳам, маймундан ҳам ёмонроқ кўринасизлар. Шундай бўлатуриб, тутган динимнинг шарофатидан сизларни энг ёмон кўришим, Расулуллоҳни энг яхши кўришим мени адолат йўлидан тойдира олмайди, — деди. Разияллоҳу анҳу.

Шунинг билан Хайбар аҳли бошлиқ Мадина атрофидаги барча яҳудийлар баъзилари сулҳ билан, баъзилари уруш билан бўйсунганликдан, мусулмонлар ички душманларининг зиён-заҳматидан қутилгандек бўлиб қолишди.

### **ҚУРАЙШ БАҲОДИРЛАРИДАН УЧ КИШИНING ИЙМОН КЕЛТИРИШЛАРИ**

Яна шу йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар ғазотидан келганларидан кейин кўп вақт ўтмай Қурайш ичида атоқлик уч киши келиб иймонга мушарраф бўлдилар. Булар Холид ибн Валид, Амр ибн Ос, Усмон ибн Талҳа эдилар. Холид ибн Валид бутун дунё тарихида танилган, инсон оламида атоқли моҳир қўмондонларнинг энг биринчиси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу Ислом қаҳрамони ҳақида баҳо бериб: «Холид Аллоҳнинг қиличидур», деган эдилар. Ислом оламида бундай улуғ шарафга эга бўлган ундан бошқа ҳеч киши йўқдур.

Аллоҳ бир ишни қилмоқчи бўлур экан, энг аввал унинг сабабларини тайёрлайди. Ҳазрати Холиднинг иймон келтиришига сабаб бул эрдиким, акаси Валид бундан илгарироқда Расулуллоҳга келиб иймон келтирмиш эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам андин Холид ибн Валидни сўраб:

— Унга ўхшаш оқил кишилар Исломнинг ҳақлигини яхши билгайлар, ақли бор одамларга бу иш яши-

рин эмасдур. Муъминлар сафида туриб, Худо душмани кофирлар билан жиҳод қилмоқ ундай одамнинг энг улуғ вазифасидур. Агар у иймон келтириб, Исломга хизмат қилар экан, бошқалардан уни илгари тутгаймиз, — дедилар.

Расулуллоҳдан бу сўзни Валид англагач, укаси Холидга хат ёзди. Расулуллоҳнинг унга қилган илтифотларини айтиб қаноатлантирган эди. Хатни ўқиб кўргач, ундаги Расулуллоҳнинг сўзларидан илҳомланиб, Ислом муҳаббати кўнглига тушди. Чунки Расулуллоҳ Холид ҳақида бунчалик илтифот қилишларини гумон қилмаган ҳам эди. Бунинг устига бир куни туш кўрса, ҳеч бир кўқарган нарса йўқ, тор бир жойда сиқилиб ўтирмиш эди. У ердан туриб олға қараб юрди эрса, бир кенглик, яшнаб турган шаҳарга келиб кирди. Уйғониб қараса туши экан. Бу ердан кетсам торчиликдан қутилиб кенгчиликка чиқар эканман деб, кўрган тушини ўзи мулоҳаза қилди. Шу билан кундан-кунга Ислом муҳаббати кўнглига тушиб, бу ердан ҳижрат қилиб кетмоқчи бўлди. Шу орада бир куни Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайя билан кўришиб қолиб, анга:

— Эй Сафвон, ўзинг кўриб турурсан, Муҳаммаднинг бу иши кун сайин ривожланиб араб-ажам устига ғалаба қозонмоқдадур. Ростини айтганда, анинг давлати бизнинг давлатимиздур. Кел энди ўртадан адоватни кўтарайлик. Муҳаммадга бўйсуниб Ислом динини қабул қилайлик, — деди.

Анда ул:

— Бутун дунё халқи анинг динига киришиб, ёлғиз қолур бўлсам ҳам, унга иймон келтирмагайман, — деб юз ўтириб кетди.

Сўнгра Икрима ибн Абу Жаҳлга учраб, унга ҳам шу сўзни айтган эди, бу ҳам Сафвон жавобини берди.

Учинчисида Усмон ибн Талҳага бориб шу сўзни унга ҳам айтмоқчи бўлиб эди, яна кўнглига келди. Бу кишининг отаси, амакиси, бир туғишган қариндошларидан тўрт киши Уҳуд урушида ўлдирилган эдилар. Чунки бу одам Қурайш ичида Абдарий уруғидан бўлиб, уруш кунлари аскар сафи олдида туғ тутиб турмоқ буларнинг хос вазифалари эди. Уҳуд уруши бошланиши билан туғ кўтарганлардан олти киши кетма-кет ўққа учирилмиш эдилар. Аларнинг барчалари бир уруғдан эди.

Бу воқеа Холиднинг ёдига келиб, сўз айтишга журъат қилмади. Шундай бўлса ҳам, у нима дер экан деб:

— Эй Усмон, бизнинг ҳолимиз Муҳаммад олдида, овчидан қочиб инига кирган тулқига ўхшаб қолди. Агар унга бир меш сув тўксалар, чиқмасликка чорамиз йўқдур, — деди.

У ҳам бу сўзни англагач, қараганича тўхтаб қолди. Бундан умидланиб Сафвон, Икримага айтган сўзини унга айтиб эрди, ул:

— Рост айтурсан, шундай қилайлик, — деб, шу кеча кўришур жойларини ваъдалашдилар. Тонг отиб қолганда шул жойда иккови топишиб, эрталаб йўлга чиқдилар. Ҳудда деган манзилга келган чоғда қарасалар, Амр ибн Ос шу жойда ўлтирибдур. «Марҳабо, хуш кўрдик» дейишганидан кейин Амр ибн Ос бу икковларининг қаёққа боришларини, нима ниятда Маккадан чиққанлари сўради, алар эса ростини айтиб:

— Исломга кириш нияти билан чиқдик, — дедилар. Сўнгра Холид:

— Эй Амр, Аллоҳ ҳаққи, ҳар қанча яширганимиз билан ҳақиқат ошқора бўлди. Тўғри йўл очиқ кўришиб Муҳаммаднинг пайғамбарлигида менинг ҳеч гумоним қолмади. Шундай бўлгач, энди қачонгача йўқ баҳоналарни қилиб, ҳақиқат йўлидан четлаб юрамиз. Биз учун яхшиси шул бўлгайким, Муҳаммад олдига бориб, иймон келтирайлик, — деди.

Анда Амр:

— Мен ҳам шул ният билан бу жойга келдим, — деб, уювлари биргалашдилар. Аларнинг иймон келтиришига сабаб шул эди.

Ҳижратнинг бешинчи йили Қурайш қўшини Хандақ урушидан руҳлари тушиб қайтдилар. Чунки бу урушда аскарларининг сонлари тўрт баробар ортиқ эрса-да, ўзлари учун фойдалиқ ҳеч қандай иш кўришолмай қайтган эдилар. Бу ишдан аларнинг кўнгиллари чўкиб, руҳлари тушган эди. Сафардан қайтишиб Маккага келгандан сўнгра, Амр ибн Ос Қурайш катталарининг мажлисларига келиб:

— Барчамиз кўриб турибмиз, Муҳаммад иши кундан-кунга ривож топиб кўтарилгали турди. Кўзинг кўриб тургач, бу ишга чидаб туриш мумкин эмас. Шунинг учун мен Ҳабашистонга ҳижрат қилмоқни ихтиёр қилдим, — деди.

Ҳабаш подшоши Нажоший қошига бориб, замонга қараб вақт кутиб тургайман. Агар бу ишда Муҳаммад энгиб чиқар экан, унинг қўл остида туриб яшагандан

Нажошийнинг қўл остида туришимиз яхшироқдур. Бизларга тарафдор қавмимиз агар енгар бўлсалар, у чоғда биз қайтиб келсак, яхшилиқдан бошқани алардан кўрмагаймиз, — деди.

Бунинг сўзини барчалари тўғри дедилар. Андоқ бўлса, Нажошийга яхши кўрган нарсаларидан тортиқ ййгайлик, дейишиб қўй-эчки терисидан ишланган бир мунча яхши рахт ййғишиб бердилар. Шунинг билан Амр ибн Ос Ҳабашистонга етгач, тўғри бориб Нажоший саройига тушди. Худди шу чоғда Амр ибн Умайя Расулulloҳ томонидан элчи бўлиб, бу ҳам бориб қолган эди. Ҳазрати Жаъфар бошлиқ Нажоший ҳимоясида ўн йилдан бери туришган муҳожир саҳобаларни Мадинага олиб қайтмоқ учун Нажошийга нома ёзиб юбормиш эдилар. Буни кўриб Амир ибн Ос ўз йўлдошларига:

— Мен Нажошийга кириб, бу кишини бизга беринг, деб сўраб кўрайман. Агар бизга берди эрса, тўхтовсиз ўлдирайлик, чунки у Муҳаммаднинг энг яқин кишиларидандир. Агар уни ўлдирур бўлсак, Қурайш-ни рози қилган бўламиз, — деб, шу мақсад билан тўғри Нажошийнинг олдига кирди.

Ҳабашлар одатича Нажошийга қараб бош қўйди, буни кўриб, Нажоший:

— Хуш келдинг дўстим, у ёқнинг тансиқ нарсаларидан бизга нима келтирдинг? — деб сўради.

Келтирган тортиқларини анинг олдига етказдилар. Бу ҳам қизиқиб, у нарсаларни қабул қилди. Буни кўргач, кўнгли кўтарилиб:

— Сиз подшодан бизнинг бир талабимиз бордур, бу ҳам бўлса душманимиз Муҳаммаднинг элчиси сизга келмишдур. Ўтган урушларда Муҳаммад бизларнинг бир неча раисларимизни ўлдирган эди. Агар шу келган кишини бизга берур бўлсангиз, Муҳаммад ўлдирган кишиларимизнинг бири ўрнига қасос қилиб ўлдирур эдик, — деди.

Бу сўзни англаши билан Нажошийнинг қаттиқ ғазаби келди. Олдига чақириб олиб, Амрнинг бурнига бир мушт урди. Бунинг зарбидан бурун тарнови сингудек бўлди. Бу ишнинг хижолатидан ер ёрилган эрса, анга кириб қутулмай эди.

Сўнгра Амр ҳушига келгач:

— Агар подшоҳ бу сўзни ёқтирмаслигини билсам, ҳеч қачон бундай сўзни гапирмас эрдим. Унинг тутган

дини барча динларга қарши бўлганлигидан бу сўз сизга хуш келгайму деб ўйлаган эрдим, — деди.

Анда Нажоший айтди:

— Эй Амр! Мусо пайғамбарга Аллоҳдин ваҳий келтирган Жаброил алайҳиссалом ул кишига ҳам ваҳий келтириб тургай. Энди шундай улуғ Аллоҳнинг пайғамбари юбормиш элчисини меним олдимда қандай ўлдирди олурсан? Қасам билан айтурман, унинг келтирган дини албатта ҳақ диндур. Миср подшоси Фиръавн пайғамбар Мусо олдида қандай енгилди, унга қаршилиқ қилиб охири бутун лашкарлари билан сувда фарқ бўлдилар. Шунга ўхшаш Муҳаммаднинг душманлари ҳам бир куни ундан албатта енгилгайлар.

Нажошийнинг сўзидан таъсирланиб Амр:

— Агар сизнинг қўлингизда иймон келтириб, Исломга байъат берсам бўлгайму? — деди.

Анда Нажоший:

— Яхши бўлгай, — деб қўлини суниб андин байъат олди. Амр ибн Ос Нажошийга шу ерда байъат бериб, анинг қўлида мусулмон бўлди. Сўнгра у ердан чиқиб Мадинага бормоқчи бўлиб, Ҳудда деган манзилга келиб турганида Холид ибн Валид ва анинг йўлдоши Усмон ибн Талха келишиб қолди. Улар билан кўришиб, учовлари бир-бирларининг мақсадларини англашгандан сўнгра Мадинага қараб йўлга тушдилар.

Лекин буларда: «Расулуллоҳ билан қандай кўришамиз?» деган қаттиқ хижолатлари бор эди. Мадина шаҳрининг ичига кирмай туриб, Ҳарра деган жойга келганларида тўхташиб, шу ерда туяларини боғладилар. Булар кўришмай туриб, буларнинг келаётган хабарлари Расулуллоҳга етган эди. Буни англагач, Расулуллоҳ, суюнганларидан саҳобаларга қараб: «Макка шаҳри ўз жигарпораларини юбормишдур», дедилар.

Буларнинг келишлари эрса барча мусулмонларга кўп қувончилик бўлди. Холиднинг акаси Валид буларни тўсиб чиқмиш эди. Кўришгандан сўнгра аларга: «Илдамроқ юринглар, чунки Расулуллоҳ келганларингни англаб, суюнганларидан сизларни кутиб ўтирибдурлар», деди. Шундай бўлса ҳам ўтмишдаги Расулуллоҳга қилган қаршилиқ ишларидан қаттиқ хижолатда эдилар. Ҳаммадан илгари ҳазрати Холид хижолатлик билан келиб Расулуллоҳга салом берди. Суюнганларидан муборак юзлари нурланиб ярақлаб, табассум билан анинг саломига жавоб



қайтардилар. Ҳазрати Холид ҳам дарҳол калима ай-  
тиб, иймон келтирди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холиднинг  
ҳидоят топиб Исломга киргани учун Аллоҳга ҳамду  
сано айтгандан сўнгра дедилар:

— Эй Холид, мен бурундан билур эдим, Аллоҳ  
таоло сенга ақл гавҳаридан насиба бермиш эди. Охи-  
ри ўшал ақл сени етаклаб ҳақ йўлга келтирмишдур.  
Исломнинг ҳақлиги сенга яширин қолмас деб ўйлар  
эдим.

Анда ҳазрати Холид:

— Ё Расулаллоҳ, мен кўп ўринларда сизга душман-  
чилик қилиб, кўп жойларда қаршилиқ кўрсатдим. Душ-  
манингиз олға сафида туриб мусулмонларга зиён бўлғу-  
дек ишлар ўтказдим. Ё Расулаллоҳ бу гуноҳларимни  
Худо кечирармикан, Аллоҳдан сўраб, мен учун дуо  
қилинг, — деди.

Анда Расулulloҳ:

— Ислом ўзидан илгари ўтган барча гуноҳларни  
йўқ қилгай. Иймон ёмғирида ювилиб, бутун гуноҳдан  
энди пок бўлдинг, — дедилар.

Қолган иккови ҳам шу сўзларни айтиб Исломга  
кирдилар. Бутун саҳобалар ичида шу учовларидек уруш  
илмига моҳир киши йўқ эди. Айниқса, Ҳазрати Хо-  
лид шу кундан бошлаб вафот бўлганларича Ислом  
аскарининг бошлиғи бўлиб, кўп мамлакатлар анинг  
қўлида фатҳ бўлди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Холид  
Аллоҳнинг қиличи», деб унга лақаб қўйдилар. Холид  
ибн Валид ёлғиз Ислом тарихида эмас, балки бутун  
инсон тарихида қилган хизматлари тақдирланиб ман-  
гулик ўроз (бахт) эгаси бўлмишдур. Бу зотнинг Ислом  
йўлида жон аямай қилган хизматларига қаралса, бутун  
дунё мусулмонлари уни ҳурматлаб руҳига раҳмат де-  
йишлари лозимдур.

Холид ибн Валид ҳижратнинг йигирма биринчи  
йилида Шом ўлкаси Ҳимс шаҳрида вабо касали билан  
вафот топдилар, разияллоҳу анҳу. Ёши қирқ бирга  
тўлмаган эди. Вафот бўлиши олдироғида шул сўзлар-  
ни айтиб, бутун дунё мусулмонларига ибрат дарси бе-  
риб кетмишдир:

— Қўрқоқ кишилар яхшилик кўрмагайлар. Бош-  
дан-оёқ бутун танамда ўқ қадалмаган, қилич кесма-  
ган, найза кирмаган тирноқ юзидек соғ жойим йўқдур.

Ажалим етмаган экан, шунча кўп урушларда ўлмадим. Ажал ўқлари ёмғирдек ёғилиб турган мингларча уруш майдонларининг олға сафларида шаҳодат ўлимини кутдим, у менга тақдир бўлмаган экан, топмадим. Мана энди эшак ўлимидек ётган еримда ўлаётиман, — деди.

Эшак ўлгандек, дегани эрса, шаҳодат даражасини топмай қолганига қаттиқ ачинганидан айтган сўзидур. Худо йўлида мингларча жиҳод майдонларида жавлон урган бир ғозийнинг мақоми шаҳидлик мартабасидан албатта кам эмасдур.

Яна қўрқоқ кишиларнинг яхшилиқ кўрмаслари аниқдур. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Агар киши бир нимарсадан қўрқар экан, у нарса қўрққан киши бошига бало бўлмай».

Бу сўзнинг ҳақлигида ҳеч шак йўқдур. «Қўрққанга қўша кўринур», дегандек, қўрқоқлар ит ҳужумидан ҳам қутила олмагайлар, баҳодирлар эрса арслон бўйнига қилич солгайлар. Қўрққанлар ҳар яхшилиқдан қуруқ қолиб, ўз ватанларида ғариб бўлгайлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу тўрт нарсадан паноҳ тиладилар: қўрқоқлик, ялқовлик, бахиллик, душмандан енгилишлик. Мана бу тўрт нарсадан умматларини сақланишга буюрдилар. Биликликдур (маълумки), бу тўртининг сўнгиси олдинги учининг ажралмас натижасидур. Яъни, ботирлик ўрнида қўрқоқлик, ишчанлик жойида ялқовлик, сахийлик вақтида бахиллик қилур эканлар, мана мундоғ миллатлар бошқалардан енгилиб, душманлари оёғи остига тушиб депсанди бўлгайлар. Исломият ҳуқуқлари бу ён турсин, бундай одамлар инсоният ҳуқуқларидан ҳам бутун ажрагайлар.

Худо Қуръонда айтмишдур: **«Ва лан яжбалаллоҳу лил-кофирийна алал муминина сабилан»**. Маъноси: *«Кофирларга ҳаён (фойда), мўъминларга зиён бўлғудек ишни Аллоҳ ҳеч қачон қилмайди»*.

Бу сўзнинг ҳақлигида ҳеч шакимиз йўқдур. Лекин бу кунларда ҳақиқий мўминларнинг топилишлари гумондир. Қуръоннинг айтишича, хорликка бўйсунмоқ, кофирга қул бўлмоқ йўқдур.

## ҲАВОЗИН ВОҚЕАСИ

Яна шул еттинчи йилнинг барот ойида Расулуллоҳга шундай хабар етдиким, Маккагача икки-уч кунлик Турба деган ерда Ҳавозин қабиласидан бир фирқа

кишилар чиқиб, Исломга қарши ҳаракатда бўлмишлар. Буни англаб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ўттиз кишилик бир бўлук аскарга Ҳазрати Умарни бошлиқ қилиб, алар устига юбордилар. Кечаси юриб, кундузи яшириниб, душман ерига келиб қарасалар, алардан ҳеч нарса бу жойда қолмабдур. Буларнинг келишларини билиб қолишиб, олдинроқ тоғма-тоғ қочиб кетмиш эдилар. Бу ердан бошқа ёққа ўтишга Расулulloҳдан рухсат бўлмаган эди. Шу билан ҳеч ерда душманга учрашмай, уруш-талашсиз Мадинага қайтиб келдилар.

### **БАНИ МУРРА ВОҚЕАСИ**

Яна шу йили Шаъбон ойида Башир ибн Саъдни ўттиз кишига бошлиқ қилиб, Фадак ноҳиясида Бани Мурра қабиласи устига юбордилар. Бу ер эса, Хайбар томонида Мадинадан олти кунлик йироқликдаги бир жойдур. Бу ерлик кишилар мол-чорваларини ўтловга қолдириб, ўзлари қишлоғга кетмиш эдилар. Шу чоғда саҳобалар келиб қарасалар, мол устида чўпонлардан бошқа кимарсани кўрмагач, бутунлай молларни ҳайдаб жўнайвердилар. Бу ишдан мол эгаларига хабар етиб, орқаларидан қувлашиб, тун ярмиларида етишиб келди. Тонг отгунча бир-бирларига ўқ отишдилар. Тонг ёригандан сўнг душманлар қараса, ўзларидан улар бир неча баробар оз кўриндилар. Буни пайқаб қолиб, ҳар ёқдан ўраб ҳужум қилдилар. Мусулмонларга урушдан қочиш ҳаром бўлганликдан, шунча қалин душманга берилмай, урушиб юриб барчалари шаҳид бўлдилар, разияллоҳу анҳум. Ёлғиз Башир, аларнинг бошлиқлари, ярим жон бўлиб ўликлар ичида қолган эди. Жони бормикан деб оёқ ошиғига уриб қарасалар ҳеч қимирламагач, ўлган экан деб, уни ташлаб кетдилар. Душманлар кетгач, бир оз ҳушига келиб, шу ерда турган бир яҳудий уйига минг машаққат билан аранг етиб олди. Бу жойда икки-уч кун туриб, озгина яхшироқ бўлгач, Мадинага келди. Расулulloҳ бу мусибат хабарини илгарийёқ англаган эдилар.

### **МАЙФАЪА ВОҚЕАСИ**

Яна шу йилнинг Рамазон ойида Фолиб ибн Абдуллоҳни бир юз ўттиз одамга бошлиқ қилиб, Майфаъа

қабиласига бориб чопул (хужум) қилишга буюрдилар. Бу ер эрса Нажд ноҳиясида бўлиб, Мадинага саккиз кунлик йўл эди. Туяқсиздан бориб аларни босдилар. Душман бошлиғи урушда ўлдирилди. Қолганлари эса ҳар ёққа қочиб йўқолдилар. Алардан қолган мол-чорваларни бутунлай ҳайдаб Мадинага келдилар. Шу урушда Расулуллоҳнинг асранди ўғилларининг ўғли Усома ибн Зайд Наҳяк ибн Мирдос устига ҳужум қилди. Қилич урар чоғида омон сўраб: «Ла илаҳа иллаллоҳу», деди. Қўрққанидан айтадур деб, омон бермай уни ўлдириб қўйди. Мадинага келгач, бу воқеани Расулуллоҳ англадилар. Усомани чақириб:

— «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган кишини нечук ўлдирдинг? Энди «Ла илаҳа иллаллоҳ»га нима жавоб берасан?—дедилар.

Анда Усома:

— Ё Расулаллоҳ, ўлимдан қўрқиб буни айтгандур,— деди.

Расулуллоҳ:

— Эй Усома, кўксини ёриб кўрмадингму, ростми, ёлғонми билур эдинг, — дедилар.

Бундан огоҳланиб дарҳол Усома тавба қилиб, истиффор ўқиди. «Ла илаҳа иллаллоҳ»ни қандай қилурсан?» деб бу сўзни яна уч марта айтдилар. Ҳазрати Усома бу ишдан қаттиқ хижолатга қолиб: «Қошки Исломга энди кирган бўлсам, бу қилган гуноҳим кечирилар эди», деди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу гуноҳ каффоратига Усома бир кулни озод қилсин», деб буюрдилар. Ўлик эгаларига ўзлари хазинадан хун-товон тўладилар. Соллаллоҳу алайҳи васаллам.

## ГАТАФОН ВОҚЕАСИ

Яна шу йили Хайбар атрофида яшайдиган Гатафон қабиласи Мадинага чопул (хужум) қилмоқчи бўлиб, Уяйна ибн Ҳисн қўл остига тўпланмишлар эди. Бу хабар Расулуллоҳга етгач, Башир ибн Саъдни бошчи қилиб уч юз кишилиқ аскарни алар устига юбордилар. Бу аскар эрса кундузи яшириниб, кечаси йўл юриб, душман ерига кирди ва ҳам улар соқлиқ билан туришиб экан, булардан хабар топишиб қолди. Қарши чиқишга қўрқиб, мол-чорваларини ташлаб, тоғларга тарқалишиб қочдилар. Алардан қолган кўп сонли ўлжа

молларни ҳайдашиб Мадинага келдилар. Мусулмонларни улар таламоқчи эдилар, унинг тескариси бўлди. Анинг ўрнига ўз молларидан ажраб қолишди. Душманлардан икки киши асир олинган эди. Расулуллоҳ оддиларида иймон келтирганларидан сўнгра ўз юртига қайтишга рухсат бердилар.

### УМРАГУЛ ҚАЗО ВОҚЕАСИ

Юқорида ёзилишича, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратнинг олтинчи йили Умра ибодатини қилиш учун Мадинадан Маккага борган эдилар. Мусулмон кишиларга, қудрати етса ҳажга бориш фарз, умра қилиш суннатдур. Уч марта умра қилган бир ҳажнинг савобини топгай.

Бир кеча Расулуллоҳ туш кўрсалар, Маккага бориб саҳобалар билан умра қилдилар. Тушларининг тўғри келишида шак йўқ эди. Чунки пайғамбарларнинг тушлари эса ваҳий ўрнида бўлур. Лекин қайси йилда бўлишини билмадилар. Шу йили бўлғайму деб, умид билан Расулуллоҳ бошлиқ бир минг тўрт юз киши Мадинадан чиққан эдилар. Маккага келсалар, Қурайш мушриклари бу ишга тўсқинлик қилишиб, Байтуллоҳни зиёрат қилишга йўл қўймадилар. Икки орада узоқ тортишишлар бўлгандан сўнгра, беш моддалик шартнома тузиб, Ҳудайбия сулҳи қилинмиш эди. Анинг биринчи шарти эрса, келаси йили Расулуллоҳ шу кишилари билан Маккага келиб, бу йили қилолмаган умранинг қазосини қилғайлар. Мусулмонлар шаҳар ичига зиёрат учун кирганларида Макка мушриклари уч кунгача шаҳар ташқарисида тургайлар. Мана шу сулҳнома бўйича бир йил ўтгандан кейин олдинги йили умрага боришган бир минг тўрт юз киши билан Маккага қараб йўлга чиқдилар. Ўтган йили бормаган одамлардан ҳам қўшилиб аскар сони икки мингга етди.

Булар ичида юз кишилиқ Башир ибн Саъд қўмондасида отлиқ аскар ҳам бор эди. Сулҳномада қурол кўтармаслик шарт қилинган бўлса ҳам, аскар учун керакли қуролларини бирга олмаққа буюрдилар.

— Шартимизга қўра, Макка шаҳрининг ичига кирганимизда ёлғиз қиличдан бошқа қурол кўтармаймиз. Соқлиқ юзасидан бошқа қолган яроқ-жабдуқларимизни шаҳар ташқарисида қолдирайлик. Аскарларимизнинг бир бўлути уни сақлаб турсинлар. Агарда душман то-

монидан бирор турлик хиёнат сезилар эрса, у чоғда ани ишга яратқаймиз, — дедилар.

Расулуллоҳнинг бу қилган ишлари барча умматларига, айниқса, аскар бошчиларига катта ибрат бўлиб, уруш кунларида қанчалик соқ бўлиши керак эканлигини билдирди. Чунки Расулуллоҳ шу пайғамбарлик даври — йигирма уч йил ичида айтган сўзлари, амал қилган ишлари эрса бутун умматлар учун икки дунё давлатини топиш йўлларини ўргатиш эди.

Шунинг учун Худо Қуръонда айтгандур: **«Лақод кана лакум фи расулиллаҳи усватун ҳасанатун»**, яъни, *«Расулуллоҳнинг айтган сўзлари, қилган ишларида мусулмонларга яхшиликка улгу бўлғудек кўп фойда бордур»*. Бундан бошқа ҳам шу мазмунда келган оятлар Қуръонда кўпдир. Агар, биз мусулмонлар, шу йўлда келган оят, ҳадисларнинг бирортасига амал қилган бўлсак эдик, бутунги кунда исломий, инсоний ҳақларимиздан мундоғ ажраб қолмас эдик. Энди нима чора қилгали бўлур, иш вақтидан ўтди. Қачонлардан бери йиғилиб ётган ёзуқларимиз энди бошимизга етди. Аллоҳнинг улуғ қудратидан ўзгага умид этарлик ўрин қолмади. Йўқ эса Исломдек дини бор, Ҳақ юборган Муҳаммад алайҳиссаломдек пайғамбари бор, кўқдан тушган Қуръондек китоби бор бир миллат ҳеч қачон бундай хор-зорликка қолиши мумкин эмасдур.

Чунки Аллоҳ айтмишдур: *«Инналлоҳа ла юғаййиру ма биқавмин ҳамма йуғоййиру ма бианфусихим»* Маъноси: *«Аллоҳ таоло бир қавмга берган неъматни ўзгартирмайди, қачонки, у неъматнинг шукрини қилмаса-лар, анинг қадрига етиб яхши кутмаса-лар, ул чоғда неъматдан ажрагайлар, давлатлари қўлларидан кетгай»*. Бу оятнинг мазмунича, ўзимиздан ўтмаган бўлса эди, ҳеч қачон ватанимиз, давлатимиз қўлимиздан кетмас эди. Бу қайғулик қиссани гапириш бу жойга сифмаганликдан, яна ўз сўзимизга келайлик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу сафарга чиқар чоғларида Мадина масжидининг эшигида туриб, ўтган йили қазо бўлган умра нияти билан эҳром боғладилар. Мусулмонлар ҳаж ёки умра қилмоқчи бўлсалар эҳром боғлагайлар, яъни кўйлак, танбол ўрнида икки лўнгини бирисини белдан тубанга боғлаб, яна бирисини орқа елкага ташлаб туриб ҳаж ёки умра қилмоқ учун ният қиладилар. Шу чоғда «Лаббайка» қичқириш шартдур.

Расулуллоҳ эҳром боғлаганларида саҳобалар ҳам Пайғамбаримизга эргашиб барчалари «Лаббайка» айтишдилар. Мадинадан бир манзил юриб Зулхулайфа деган жойга келганда, қоровуллик қилиб отлиқ аскар олға юрсин, деб буюрдилар. Макка шаҳри яқинида Марри-заҳрон деган бир жой бўлиб, қоровул аскарлари шу ерга етганларида, Қурайш ахлidan бир қанча кишилар буларга қарши чиқдилар. Бу хилда сайланган қуролик отлиқ аскар келишини кўриб, уларга қўрқинчилик тушди. Тезликда қайтишиб, бу ишдан Қурайшга хабар бердилар. Алар эрса, ўз раисларидан Микраз ибн Ҳафсни бошчи қилиб бир неча кишини Расулуллоҳга юбордилар. Булар Батну Яъжуж деган жойга келишганда Расулуллоҳга йўлиқиб:

Эй Муҳаммад, кичиклигингдан бери шу ёшга етгунча ҳеч бир хиёнат ишини сендан кўрмаган эдик. Энди бу қандоқ ишдур, ўртамиздаги аҳдномамиз қарши устимизга қуролик аскар келтирмишсан? — дейишди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй Микраз, Қурайш устига қурол кўтариб кирмагаймиз. Ўшал сулҳномада қандай шартлар қўйилмиш бўлса, албатта, унга риоя қилгаймиз, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ ўзлари Марри-Заҳрон манзилига тушиб, яроқ-жабдуқлар устига Авс ибн Хавлони бошчи қилиб икки юз киши қўйдилар. Шу билан ҳар икки томон ҳам бир-бирларига ишонишиб қолди. Сулҳнома бўйича Қурайш халқи шаҳарни бўшатиб уч кунгача ўзлари ташқарида туришлари шарт эди. Шунга биноан мушриклар Маккани бўшатиб, шаҳар ташқарисига чиқишиб турдилар. Лекин Ислоннинг шон-шавкатини кўришга кўзлари йўқ эди. Душманларимиз Байтуллоҳни тавоф қилишиб юрганларида, унга қараб туриб қандай чидар эканмиз, дейишди.

Шаҳар бўшагани хабари Расулуллоҳга етгач, Қасво номли туяларини миниб, бутун саҳобалар атрофларини қуршаган ҳолда Маккага кирдилар. Жиловларида Абдуллоҳ ибн Равоҳа, олди-орқаларини ўраган аскарлар ушбу оятни кичқиришиб ўқишар эди:

**«Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, садақо ваъдаҳу ва насаро абадаҳу ва аъазза жундаҳу ва ҳазамал аҳзоба ваҳдаҳу».**

Маъноси: *«Бир Аллоҳдан ўзга Яратгувчи йўқдур. Ваъдасини чинга чиқарди. Қули Муҳаммадга ёрдам бер-*

*ди. Анинг аскарини азиз қилди. Аҳзоб урушида кўп аскарни ёлғиз ўзи енгди».*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳар ичига кирганларида Макка мушриклари Қайнуқоъ тоғи устида қараб туришган эди. Мушриклар ўзаро гапиришар эди: «Мадина халқининг кучлари кўп йўқдур. Чунки улар безгак, иситма бўлган кишилардур. Бугун Байтуллоҳни шундай одамлар келиб тавоф қилишдилар, қараб турайлик».

Бу сўзни Расулуллоҳ англадилар эрса айтдиларким: «Мўъминлар Байтуллоҳни тавоф қилиб айланганларида баҳодирлардек елиб-югуриб айлансинлар. Шу учунким, аларнинг кўзларига аскарларимиз кучлик, ҳайбатлик бўлиб кўрингай».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтуллоҳни тавоф қилиш олдида ридоларини остидан олиб ўнг кўларини елкалари билан очиқ қўйдилар. Буни кўриб барча саҳобалар ҳам шундоқ қилишиб, Расулуллоҳ айтганларидек, баҳодирона юришиб Байтуллоҳни тавоф қилишга турдилар. Тоғ бошида қарашиб турган мушриклар мусулмонларнинг тавоф қилишидаги баҳодирона юришларини кўришиб, кўнгилларига ваҳима тушди. Саҳобаларни дастлаб кўрганларида буларни Мадина безгаги қонларини сўриб, куч-қувватларини қўймаган, дейишган эди. Байтуллоҳни бу хилдаги тавоф қилганларини кўришгач, ул ўйлаганлари пучга чиқди. Мана шундан бошлаб ҳажга борган кишиларга Каъбани биринчи тавоф қилишларида уч марта айланганларича баҳодирона юришлари суннат бўлиб қолди.

Исломининг беш асосидан биттаси ҳажга боришдир. Бой кишиларга умри ичида бир марта ҳаж қилиш фарз бўлди. Бошқалар эса боришга ихтиёрлидурлар. Шароити бўлатуриб қудрати етган кишилар узрсиз умри ичида ҳаж қилмай қолсалар, Расулуллоҳнинг марҳамат қилишларича, ундай одамлар исломиятдан ташқари қолгайлар. Қирқ беш йилдан бери биз Туркистон мусулмонлари асорат остида қолиб, ўз ватанимизда ғариб бўлганлигимиздан бу улуғ диний вазифамизни бажаролмай келамиз. Илм, фан кундан-кунга кўтарилиб, маданият энг ўсган давр ҳисобланган XX асрда инсон оламининг бир томони онгсизлик даврининг натижаси бўлган мустамакачилар асоратидан қутилаётган бўлсалар, иккинчи томондан онглик ваҳшийлар чангали остида эзилиб, қайта бошдин қулик дав-



рига кирмоқдадур. Бунинг сабаби, Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом айтганларидек, бу оламнинг ҳаёти тубсиз денгиз устида қалқиб юрган кемадаги халқ кабидур. Кема аҳллари эса унинг қайси қаватида ўлтирган бўлишига қарамай, «кемага тушганларнинг жони бир» дегандек, кеманинг қай ери зарарланган бўлса, уни тузатиб туришлари албатта зарур.

Агар ундай қилмай, ҳар ким ўзи ўлтирган қавати-гагина қараб, шунигина назарга олсалар, бошқа қаватларининг бузилиб тешилиши билан ишлари бўлмаса, бундай тешилган кема ичида ўлтирган кишилар, қайси қаватида бўлишдан қатъи назар, бир куни ҳалок бўлмасдан қолмайдилар.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка шаҳри ичида уч кун туриб, хавф-хатарсиз ибодат маросимларини ўтказдилар. Утган йили кўрган тушлари эрса тўғри чиқиб, Худо тарафидан келган ваҳий эканлигига гумон қолмади.

Бу муддат ўтгандан кейин шаҳар ташқарисида турган Қурайш мушриклари Амр ибн Суҳайлни юбориб, Маккадан чиқиб кетишларини сўрадилар. Шартномага мувофиқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан шул куни Маккадан чиқдилар.

Ҳазрати Ҳамзанинг Амома деган сағир қизлари Маккада қолган эди. Расулуллоҳ Маккадан чиқаётганларини кўриб, орқаларидан эргашиб йиғлагани турди. Ҳазрати Али буни кўриб:

— Ўз амаким қизини мушриклар ичида етим қолдириб, нечун ташлаб кетгайман? — деди ва дарҳол ул қизни кўтариб олди. Кажава ичида ўлтирган Пайғамбаримизнинг қизлари ҳазрати Фотимага:

— Ол буни, амакиннинг қизидур, боқиб олгаймиз, — деб топширдилар.

Шу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан чиққанларича соғ-саломат Мадинага келдилар. Сўнгра Ҳазрати Али, акалари Жаъфар, Пайғамбаримизнинг асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса — бу уювлари ўртасида қиз устида талаш пайдо бўлди. Даъволашиб Пайғамбаримизнинг оддиларига келдилар. Ҳазрати Али айтди:

— Ё Расулаллоҳ, бу қизга ҳаммадан мен ҳақлиман, амаким Ҳамзанинг қизидур, яна Маккадан бу қизни мен ўзим келтирдим, — деб айтди.

Зайд ибн Ҳориса туриб:

— Ё Расулаллоҳ, бу қизга мен ҳақлиман, чунки бу менинг дўстим ва дин қариндошим қизидур. Мен анинг васийси эрурман, менга топширинг, ўзим тарбият қилурман, — деди.

Анда Жаъфар айтди:

— Ё Расулаллоҳ, бу қизга икковидан ҳам мен яқинроқ эрурман. Ҳамза ибн Абдулмуталлиб менга ҳам амаки бўлур, бунинг устига, бу қизнинг холаси менинг никоҳимдадур — деди.

Сўнгра Расулаллоҳ қизни Жаъфарга ҳукм қилиб айтдилар:

— Кишининг холаси ўз онасидек меҳрибондур.

Шунинг учун шариат ҳукмида ўғил-қиз етим болаларни боқишга ота қариндошлари қолиб, она қариндошлари ҳақлик бўлди.

Шу билан қизнинг жанжали тамом бўлгач, Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Алига қараб:

— Эй Али, сен мендан эрурсан, мен сендан эрурман, — дедилар.

Сўнгра ҳазрати Жаъфарга боқиб:

— Ўзинг ҳам, хулқинг ҳам менга ўхшайди, — дедилар. Кейин Зайд ибн Ҳорисага қараб:

— Сен бизнинг укамиз ва дўстимизсан, — дедилар.

Бундан мақсадлари буларнинг кўнгилларини овлаб, руҳларини кўтариш эди. Расулаллоҳнинг бундай улуг илтифотли сўзларини англаб, бек суюниб кетдилар. Ҳақиқатда учовларидек яқин жонфидо киши йўқ эди.

Шу билан ҳижратдан етти йил ўтиб, саккизинчи йил кирди.

## ҒОЛИБ ИБН АБДУЛЛОҲ ЧОПУЛИ

Шу йилнинг Сафар ойида Ғолиб ибн Абдуллоҳни бош қилиб Банил Мулаввиҳ қабиласи устига аскар юбордилар. Мадинадан чиқиб Кадид деган жойга келганларида Исломга қарши қабила раисларидан Ҳорис ибн Молик деган киши йўлиқиб қолиб, уни асир олдилар. Бу киши эрса Расулаллоҳнинг энг қаттиқ душманларидан эди. Қўлга тушгандан сўнг ўзини қутқариш учун: «Мусулмон бўлиш нияти билан Расулаллоҳни зиёрат қилгани чиққан эдим» деди.

Анда Ғолиб ибн Абдуллоҳ айтди:

— Агар бу сўзинг рост бўлса, бирор кун бизга банди бўлиб турар эрсанг, сенга ҳеч зарари йўқдур, балки савоб топгайсан. Агар бу сўз билан жонингни қутқазмоқчи бўлсанг, қўлимизда тутқун туришинг биз учун яхшироқдур, — деди.

Сўнгра унинг қўл-оёғини боғлаб, устига бир кишини қоревул қўйиб: «Агар қаршилик қилар экан, бошини кесил», деб буюрди. Шундай қилиб юриб ўлтириб бир тоққа келиб етдилар. Шу тоғни ошиб ўтсалар, душман устига тушилур эди. Тоғ тубида тўхташиб, Жундуб ибн Макис деган кишини душмандан хабар олиб келмакка юбордилар. Бу киши эрса кечки пайтда душман ишини пайқамоқ учун тоғ устига чиқиб, қорни билан узала тушиб ётди.

Шу чоғда душманларнинг бирови чодиридан чиқиб келиб эди, кўзи тоғ устига тушди. Анда хотинини чақариб:

— Тоғ бошида киши қораси кўринур. Бундай нарса эрталаб йўқ эди. Идиш-оёқ деган нарсаларингни йўқлаб кўргилчи яна итлар судраб кетиб тоғ устига чиқариб ташлаган бўлса, кўринган нарса ўшал бўлгай, — деди. Хотини қараса уй ичида ҳеч нарса йўқолмабдур.

Анда хотиннинг эри:

— Бу кўринган нарса киши бўлгай, менинг икки ўқ билан садоғимни келтур-чи, — деди.

Хотин ўқ-ёғини келтириб эди, қорани кўзлаб нишонга отди. Отган ўқи адашмай тўғри келиб, ётган кишига бўйни аралаш тегди. Лекин бу одам эрлик қилиб қимирласам билиб қолмасун деб, жойидан кўзғолмади. Сўнгра ортидан яна бир ўқ узди, буниси ҳам адашмай келиб икки елка орасига қадалди.

Сўнгра у хотинига қараб:

— Бу икки ўқ билан пойлаган жойимни хато қилмай урдим, бу кўринган нарса агар жонлик бўлганда, қимирлаган бўлур эди. Мен душман жосусими деб ўйлаган эдим, ундай эмас экан. Эрталаб турганинда бу отган ўқларимни келтириб қўйил, ит ғажилаб қўймасин, — деб чодирга кириб ётди.

Ислом тингчиси тун қоронғусида яраларини боғлаб, аскар устига келди. Бўлган ишни аларга билдириб эди, барчалари ундан рози бўлдилар. Шу билан душманларни ғафлатга бостириб қўйиб, сахар вақти етганда бирданига улар устига ҳужум қилдилар. Қаршилик кўрсатганлари ўлдирилди, қолганлари эса ҳар

ёққа тарқалиб қочишди. Борлик мол-ҳайвонларини ўлжага олиб йўлга тушдилар. Тарқоқ ётган қабила халқи буни англашгандан сўнгра йиғилишиб орқаларидан қувишиб чиқдилар. Уларнинг сони эса мусулмонлардан бир неча баробар ортиқ эди. Икки аскар бир-бирларига яқинлашиб келдилар. Ўртада бир сой қолмиш эди. Шу пайт ҳаво бузилди, қаттиқ жала қўйиб, сел ёғиб, сой сувга тўлди. Шу билан сел ҳайбатидан душманлар сувни кечиб ўтишга журъат қилолмадилар. Мусулмонлар ўлжа молларини ҳайдашганича соғ-саломат Мадинага кириб келдилар.

Аскар бошлиғи Фолиб ибн Абдуллоҳни бу сафарда қилган хизмати Расулуллоҳга кўп ёқмиш эди. Уруш ишларида унинг кўрсатган усталигини Расулуллоҳга мақтадилар. Буни англагач, уни икки юз кишига бошлиқ қилиб, Бани Мурра қабиласига ҳужум қилишга буюрдилар.

### **БАНИ МУРРА ҚАБИЛАСИГА ЧОПУЛ**

Бу қабиладан қасос олмоққа мусулмонлар жуда хумор эдилар. Чунки бундан илгарироқ Башир ибн Саъд қўл остида юборилган ўттиз кишилиқ аскарни шулар ўлдирмиш эдилар. Буларнинг ерлари Хайбар шаҳрига яқин бўлиб, Мадинадан беш-олти кунлик йўл эди. Ислом аскарлари душман ерига яқинлашиб келган вақтида, Фолиб ибн Абдуллоҳ аскарга қарата бир ваъз сўзлади:

— Эй мўъминлар, биринчи сўзим шулки, Аллоҳ амрини маҳкам ушланглар. Иккинчи сўзим эрса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сафарда сизларга мени амир қилиб сайладилар. Ҳар ишда менга итоат қилинглар. Чунки аскарлари итоатда бўлмаган амир ақлидан адашгай. Уруш ишида йўлини топа олмагай, — деди.

Сўнгра аскарни икки-иккидан қилиб, бир-бирига йўлдош қилди. Ҳеч ким ўз йўлдошидан ажралмасин, деб буюрди. Аскарни шу йўсинда ясагандан кейин келишиб душманни қуршадилар. Амирлари Фолиб ибн Абдуллоҳ, такбир бошлаб, шу баробар бутун аскар такбир садоси билан душман устига ҳужум қилдилар. Натижада душман аскарларидан бир киши ҳам қочиб қутула олмади, ҳаммалари қиличдан ўтказилди. Бутун мол-чорваларини ўлжага олишиб, Мадинага саломат келдилар.

Бунинг сабаби эрса, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Шом вилоятидаги Бусро шахрининг ҳоқими Ҳорис ибн Абу Шумурга нома ёздилар. Бу киши эрса, Шом подшоши Қайсар тарафидан қўйилган Шом ўлкасининг амири эди. Бунга ёзган номани Расулуллоҳ саҳобалардан Ҳорис ибн Умайга топширдилар. У номани Умай олиб йўлга тушди. Румга қарашлик Муъта деган жойга келганда Шураҳбил ибн Амр деган Ғассон қабила-сининг раиси у кишига йўлиқиб қолди. Уни кўргач:

— Ким бўлурсан, қаён борурсан? — деб сўради.

Ул:

— Шомга борурман, — деб жавоб берди.

Анда ул айтди:

— Қурайшдан чиққан, пайғамбарлик даъвосини қилган Муҳаммад элчиси бўлмаганми? — деди.

— Тўғри айтдинг, шу кишининг Бусро ҳоқимига юборган элчиси эрурман, — деди Ҳорис ибн Умай.

Бу сўзни англаши билан аскарига буюриб, қўлоғини боғладилар. Элчига ўлим йўқ эди, шундоқ бўлса ҳам бу кишини ўлдириб, шаҳид қилдилар. Ҳар томонга юборилган Расулуллоҳ элчиларидан бундан бошқа ҳеч киши ўлдирилмади. Бу хабарни англаб, Расулуллоҳ ғамгин бўлдилар. Уларга жиҳод қилиш учун аскар йиғилсин, деб буюрдилар. Уч мингдан ортиқ аскар йиғилмиш эди. Асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳорисани уларга амир қилдилар. Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

— Агар Зайд шаҳид бўлса, унинг ўрнига Жаъфар ибн Абу Толиб амир бўлсин. Агар у ҳам шаҳид бўлса, ўрнига Абдуллоҳ ибн Равоҳа қўйилсин. Агар унга ҳам ўлим мусибати етса, аскарлар ўрталаридан хоҳлаган кишини аскарбоши қилиб сайлаб олсинлар, — дедилар.

Шу билан Расулуллоҳ бошлиқ ҳамма саҳобалар аскарни узатгали йўлга чиқишди. Бошлиқлари билан халқ кўришиб, уларнинг зафарлари учун дуо қилдилар. Шу чоғда учинчи амир Абдуллоҳ ибн Равоҳа йиғлагани турди. Бунинг сабаби нимадур, деб андан сўрадилар. Анда ул айтди: «Аллоҳ таоло оти билан онт қилурман, дунё тириклигига қизиқиш менинг кўнглимда йўқдур. Ёки эл-юртимдан ажраганим учун йиғла-сам, бу иш мен учун улуғ номусдир. Бунинг сабаби

эрса, бир куни Расулulloҳ ушбу оятни ўқидилар: «Ва ин минкум илла варидуҳа кана ала роббика ҳатмам мақдийа». Маъноси: «Қиёмат кунига Сирот кўпригига тушмаган ва ундан ўтмаган ҳеч ким йўқдур. Бунинг устидан ўтказишни Аллоҳ таоло ўзига лозим қилмишдур». Шу оят эсимга тушди. Мен билмасман, у жойга кирганимдан сўнгра, ундан саломат чиқмоғим қандай бўлмай, шу учун йиғладим.

Сўнгра Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бу аскарларни узатиб Санийятул Вадоъ деган жойга етганда тўхтадилар. Анда аскар амирларига қараб:

— Сизларга энг сўнгги қилар васиятим шулдурки, ҳар ишда Аллоҳ амрини бек ушланглар, дин йўлида тақволик бўлинглар, аскар ҳақида меҳрибонлик қилинглар, қилган ғазотинглар Худо учун бўлсин. Ризқни Аллоҳдан еб туриб, ҳар турли ноз-неъматларни ундан кўратуриб, яна андин юз ўгирган кофирларга қарши урушинглар. Лекин ҳеч ишда хиёнат қилманглар, ўлжа тушган моллардан яширинча олманглар, уруш кунларида душман ерларида уларнинг ёш болаларини, хотунларини, қари кишиларини, халққа аралашмай ўз динида ибодат қилиб ётган сўфийларни ўлдирувчи бўлманглар. Зарурат бўлмаган ҳолда уй-иморатларини бузманглар, боғу бўстонларидаги емишлик дарахтларни кесманглар. Меним васиятим шулдур, — дедилар.

Шунинг билан аскарлар Пайғамбаримиз билан ви-долашиб, Мадинадан Шом вилоятига қараб жўнадилар. Беш кун юриб, Водил Қуро деган жойга етганларида англадиларким, Расулulloҳнинг нома кўтарган элчисини ўлдирган Шураҳбил ибн Амр нурғун аскар тайёр қилмишдур. Ва бу хабарнинг устига душмanning эллик кишилиқ оровул фирқаси Ислом аскарининг оровул бўлути билан тўқнашиб қолдилар.

Душман оровул бошлиғи юқориги элчи ўлдирган Шураҳбилнинг укаси Садус ибн Амр эди. Бу оровуллар урушида душман бошлиғи ўлдирилиб, қолган аскар тарқалиб қочдилар. У ердан юрганларича Миъон деган жойга етишди. Бу ер эса, Шом тупроғи ҳисобланур эди. Бунда турганларида тингчилар хабар келтирдиларким, Рум подшоси Ҳиракл Қайсар юз минг аскар олиб Балқо шахрига келмишдур. Шураҳбилга қарашлик Шом еридаги насоро араб қабилаларидан яна юз минг киши келиб уларга қўшидилар. Бу ха-

барни саҳобалар англадилар эрса, аниқлагандан сўнг шу ерда тўхташиб маслаҳат қилдилар.

Бир қанчаларининг маслаҳатларича, Расулуллоҳга бу тўғрида хат ёзиб, жавоб келгунча кутиб турмоқчи бўлдилар. Чунки икки юз минг аскарга уч минг кишининг қарши туриши ҳеч мумкин эмас эди.

Алар: «Расулуллоҳга душман кўплигидан хабар қилур бўлсак, ортимиздан бизга ёрдам аскар юборгайлар ёки Аллоҳ амрини билдирур эрса, на бўлса шуни қилгаймиз», дедилар.

Анда учинчи амир Абдуллоҳ ибн Равоҳа аскар руҳини кўтариб аларга ташвиқот қилиб:

— Эй мўъминлар! Биз учун олдимизда ҳеч қандоқ қўрқинчилик иш йўқдир. Чунки бизлар душманларимиз билан ўз куч-қувватимизга суяниб урушмаймиз. Ҳақиқатда эрса ишонганимиз Аллоҳдур. Худо йўлида шаҳодат излаб, ўлиш учун чиқдик. Нима бўлса ҳам олға юрайлик, биз учун икки яхшилиқнинг бири бўлғусидир. Ё ғалаба қозонгаймиз, ёки шаҳодат топгаймиз. Булар эрса, бизнинг энг сўнгги тилагимиздур, — деди.

Бу сўзни эшитган аскарлар йиғлашиб:

— Бу киши тўғри айтади. Олдимизда икки яхшилиқ бордур, қайси бири бўлса ҳам бизнинг суйганимиздур, — дейишиб такбир садоси билан йўлга тушдилар.

Шу юрганларича Шом тупроғидаги Балқо шаҳрининг чегарасига етганларида илгари эшитган кўп сонлик душман аскарининг қораси йироқдан кўрина бошлади. Булар эрса мумкин қадар шон-шавкат, куч-қувватга эга бўлган эдилар. Яроқ-жабдуқ, от-улоқлари ўз замонларича тўлиқланган эди. Байроқлари олтинкумуш ва ҳар турлик қиммат нарсалар билан безалмиш эди. Душман кўзини қамаштирмоқ, уларга ҳайбатлик бўлиб кўринмоқ учун аскар бошчилари ҳар турлик зийнат қилинмиш ипак тўнлар кийган эдилар. Бунчалик салтанатга эга бўлган икки юз минг душман қўшинига қарши уч минг саҳобалар уруш қилмоқлари одатдан ташқари, ишонмаслик даражада киши ҳайрон қолғудек бир ишдур. Лекин бу воқеаниннг қўшимчаси йўқ ҳақиқат бўлганликдан бир неча мўътабар тарих, ҳадис китобларда ҳам ёзилмишдур. Бу эрса Расулуллоҳдан тарбият топган саҳобалар иймон йўлида қандай улуғ даражага етганликларини исботлайди. Аллоҳнинг айтган ваъдасига чинакам ишон-

ганликлари учун бу улуғ журъатни қилмишдирлар, чунки Қуръонда Аллоҳ таоло мўъминларга бу оятлар билан ваъда бермиш эди:

**«Инна ланансуру русулана вал-лазина аману».** Яъни, *«Биз юборган пайғамбаримизга ва иймон келтирган мўмин бандаларимизга албатта ёрдам берамиз», демакдур.*

**«Ва инна жундана лаҳумул қолибуна».** Яъни, *«Бизнинг аскарларимиз душманларига албатта қолибдурлар, урушларда доим енггайлар», демакдур.*

**«Ва кана ҳаққан алайна насрул муминийна».** Яъни: *«Мўъминларга ёрдам бериш бизга лозимдур», демакдир.*

Уруш кунлари Аллоҳ таолонинг мўъмин бандаларига ёрдам бериши албатта аниқдур. Бунга шак келтириш, Қуръонга шак қилиш, демакдир. Лекин ҳар даврнинг ўзига яраша қурол-жабдуқларига мусулмонларнинг эга бўлишлари шартдир. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонда айтган:

**«Ва аъидду лаҳум мастатаътум мин қувватин».** Яъни, *«Қўлинглардан келганича, имконият борица душманларга қарши куч, қурол тайёрланглар», демакдур.*

Аллоҳнинг бу қилган буйруғини бажаришгандан сўнгра, агар мўъминлар Аллоҳдан нусрат сўрар эканлар, албатта, Аллоҳнинг ёрдам бериши шаксиздур. Ислом даврларида мусулмонлардан минг киши туман кишига, булардан туман киши бошқалардан сон минг кишига ғалаба қилганликлари тарих китобларида кўп ёзилмишдир. Шуни ҳам билиш керакким, юқориги оятларда берилган ваъдалар мўъминларга қарата айтилган. Агар мўъминлик, мусулмонлик йўлларида четга чиқмасалар, унинг шароитини бузмасдан зафар жамалаларини мумкин қадар тўлиқлагандан сўнгра Аллоҳдан нусрат сўрасалар, юқори оятлардаги Аллоҳнинг ваъдасига албатта эга бўлгайлар.

Саҳобалар эса ҳақиқий иймонга эга бўлган кишилардур. Шунинг учун Аллоҳнинг ваъдасига ишониб, кўнгиллари унга қаноат қилганликдан, ўзига таваккал қилиб, душман кўплигини кўзларига илмадилар.

Шундай қилиб, Ислом аскарари Шом тупроғида Муъта деган жойга келганларида у томондан қалин душман аскарари чиқиб, шу ерда икки қўшин аскарари тўқнашдилар. Сафлар тузилиб, бир-бирига кўзлар тикилиб, уруш бошланди. Расулуллоҳ берган оқ туғни тутиб аскар



бошлиғи Зайд ибн Ҳориса олдинга интилиб, Ислом аскарлари билан ҳужумга ўтдилар.

Ислом аскарлари эрса, куффор қўшини олдида кўкдаги қалин юлдузлар ичида қолган ҳулкардек кўринур эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам топширган оқ байроқни тутганича олға интилиб, найза-қиличларнинг шиғирлаган қайнам жойига етиб бордилар. Душман кўпчилик қилиб, уни сақлагудек аскарлари бўлмаганидан тўрт ёқлама душман ҳужуми остида қолиб, шу ерда Зайд ибн Ҳорис шаҳид бўлди, разияллоҳу анҳу.

Бу киши йиқилгудек бўлганида унинг қўлидаги туғини ерга туширмасдан, иккинчи амир Жаъфар ибн Абу Толиб келиб тутдилар. Аскар олдига тушиб, от устидан туриб, қўлида туғ бўла туриб, душманга ҳамла қилдилар. Найза-найзага, қилич-қиличга киришиб, баҳодирларнинг такбир садоси билан солган суронлари остида кўлар инграшар эди. Қарасалар борган сари иш оғирлаша бошлади. Ҳазрати Жаъфар буни кўриб, дарҳол отдан тушиб пиёда бўлди. Агар шаҳодат топар бўлсам, душманлар отимдан фойдаланмасинлар, деб уни пайини кесди, сўнгра такбир айтиб бутун аскарлари билан душманнинг қалин жойига ҳамла қилдилар. Душман тарафидан урилиб, туғ кўтарган ўнг қўли кесилиб кетди. Туғни сўл қўлига олиб эди, буни ҳам кесдилар. Шундай бўлса ҳам туғни ташламасдан қўлтиғига қисиб турган ҳолда шаҳид бўлди. Ҳазрати Жаъфарнинг ёши ўттиз учда бўлиб, у Ҳазрати Алининг оғалари эди. Сўнгра Ислом туғини учинчи амир Абдуллоҳ ибн Равоҳа кўтарди. Бу киши ҳам отлик эди, олдига юриш, орқага чекиниш туғрисида бир оз ўйланиб тургач, икки йўлдошимдан ибрат олгудек бир иш қилур эрсам, шунда нажот топгайман, деб кофирлар тўпига қараб арслондек отиди.

Бир қанча уруш-суришдан сўнгра бу киши ҳам шаҳид бўлди. Шу билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аскарбоши қилиб белгиланган кишиларнинг учови ҳам урушнинг биринчи кунидаёқ шаҳодат топдилар.

Амирликка тайинланган кишилардан қолмади. Буни кўриб саҳобалардан Собит ибн Арқам дегани киши: «Расулulloҳнинг туғлари ерда ётмағай», деб дарҳол қўлига олди. Бу киши эрса, Бадр урушида иш кўрсатган улуғ саҳобалардан эди. Туғни кўтаргач: «Эй

мўъминлар, аскар амирсиз қолди, туғни кимга топширамиз?» деб қаттиқ қичқирди. «Ўзингга топширдик», деб уруш қилаётган аскарлар атрофдан жавоб бердилар эрса, у: «Йўқ, бунинг эгаси мен эмасдурман. Туғни Холид ибн Валидга топширгаймиз, бул ишга у мендан ярамлироқдир, уруш илмини яхшироқ биледи», деди. У шундай дегач, барчалари розилик билдириб, туғни Холид ибн Валидга топширдилар.

Учинчи амир Абдуллоҳ ибн Равоҳа шаҳодат топгандан кейин Ислоом аскарининг сафлари бузилишга бошлаган эди. Ҳазрати Холид туғ тутгандан кейин буларни тартибга солди. Аскар қурилиши тузатилгач, бир оз орқага чекиниб, душманга қарши мудофаа усулини қўладилар. Бундай даҳшатли уруш устида кетма-кет уч амирнинг ўлдирилганига руҳи тушмай, ўзлари бузилаётган, сочилган аскарни қилич-найзалар остидан чиқариб душмандан мудофаа қилгудек бир кучга келтирмоқ бек қийин ишдир. Бу эрса ҳазрати Холиднинг дунё қўмондонларини ҳайрон қолдирурлик даражада бу ишда маҳорат кўрсатганини билдиради.

Шу билан орқага чекиниб, тутган жойларида тоғдек туриш қилиб, шу куннинг урушини мудофаа билан ўтказдилар. Икки ёқ аскари енгилмасдан кеч киргач, ҳар қайсиси ўз ўринларига чекиндилар. Шу кеча тун қоронғулигидан фойдаланиб ҳазрати Холид бир ҳийла топиб, уруш алдовини ишлатди. Шундоққи, бутун байроқларни ўзгартириб, аскар ясовини йўтқади. Баронғар (ўнг) ўрнини жаронғар (чап)га, оровул (олд) ўрнини чиндовулга алмаштирди. Эрталабки урушга шу ясов билан чиққанларини душманлар кўргач, қўрқинчга тушиб, Мадина томонидан шу кеча мадад аскари етиб келишдур, деб ўйладилар. Шундай бўлиб бу уруш етти кун давом этди. Қўмондонлик ҳазрати Холидга ўтгач, унинг буйруғича душманга қарши мудофаада бўлдилар. Бу урушда эрса, энг ҳайрон қолгудек иш шулдирки, шунчалик кўп сонли, кўп кучга эга бўлган душман қўшинига урушган уч минг аскардан етти кун ичида ўн икки киши шаҳид бўлмиш эди. Куффор томонидан эрса ўлдирилганларнинг ҳисоби йўқ эди. Шунинг учун бу воқеа мўътабар китобларда Расулуллоҳнинг мўъжизаларидан ҳисоб қилинмишдур.

Шу уруш тутагунчалик ҳазрати Холид ибн Валид қўлида тўққиз дона қилич синганлигини Имом Бухорий ривоят қилур.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу воқеадан ваҳий орқали хабар топмиш эдилар. Буни англатиш учун саҳобаларни йиғиб, сўнгра минбарга чиқдилар. Муборак кўзларидан ёш тўкилар эди. «Хайрлик бўлсин» деб уч йўл айтгандан сўнгра саҳобаларга қараб:

— Мен сизларга разотга кетган аскарларимиздан хабар берурман. Улар эрса боришиб Муъта деган жойда душманга йўлиқдилар. Биринчи амир Зайд ибн Ҳориса шу урушда шаҳодат топди. Сўнгра туғни Жаъфар ибн Абу Толиб тутиб душманга ҳужум бошлади. Бу ҳам шаҳид бўлди. Учинчи Абдуллоҳ ибн Равоҳа туғ ушлади. Уни ҳам шаҳид қилдилар. Булар учун истиффор айтиб дуо қилинлар. Энди туғни Холид ибн Валид олди. Эй бор Худое, бу кулинг эрса сенинг қиличларингдан бир кескин қиличдур, унга ёрдам бергайсан, — деб дуо қилдилар.

Шу кундан бошлаб бу баҳодир йигитга «Сайфуллоҳ», яъни «Аллоҳнинг қиличи» деб лақаб қўйилди. Шунинг устига аскар хабарчиси Яъло ибн Мунайъа деган киши ҳам етиб келди. Ислом аскари урушдан қайтгач, олдиндан уни юборган эдилар. Расулуллоҳ билан келиб кўришганидан кейин, унга айтдилар: — Бу урушда бўлган воқеани сендан бурун мен айтиб берайинми ёки ўзинг айтурмисан?

Ул ҳам:

— Айтинг, ё Расулаллоҳ, — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб бердилар. Анда хабарчи:

— Қасам қилурман, ё Расулаллоҳ, биз кўрган ишлардан бирини қолдирмай айтдингиз. Аниқ булурман, сиз Аллоҳнинг ҳақ пайғамбарисиз, бу ишни сизга Аллоҳ билдирмишдур. Бўлмаса бундай ғайб ишларни ҳеч ким билмагай, — деди.

Бу хабарни англагандан сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Жаъфарнинг хотини Асмоъ бинти Амис уйига кирдилар. Болаларини кўргач, уларни ҳар бирини ўпиб туриб, муборак кўзларидан ёшлари оқиб кетди.

Анда Асмоъ:

— Ота-онам сизга фидо бўлсин, бу болалар отаси Жаъфардан ва унинг йўлдошларидан мусибат хабари келганга ўхшайди, — деб ўз одатларича овоз чиқариб

йиғлагани турди. Қўшни хотинлар бунинг товушини эшитиб унинг уйига йиғилдилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Асмоъ, жоҳилият одатича ёқангни йиртиб, юзингни тирнама, йиғи устида оғзингдан ёмон сўзлар чиқиб кетмасун. Худо рози бўлмаган сўзлардан, ишлардан тилингни, қўлингни сақлагил.

Эй бор Худоё, Жаъфарни жаннатда энг юқори даражали жойга еткуртил, анинг оиласига улуғ ажр ато қилгил, — деб дуо қилдилар.

Сўнгра у жойдан чиқиб, ўз уйларига кириб, оналаримизга айтдилар:

— Жаъфар оиласидан хабарсиз турманглар, улар учун емак пишириб уйларига етказинглар. Инсонга ўлим иши етди эрса, унинг қайғуси овқат пиширмақ, емак-ичмакка тўсқинлик қилур, — дедилар.

Шунинг учун ўлим бўлган уйга қўшнилар, қариндошлар таом пишириб еткурмаги суннат бўлди.

Яна бир ривоятда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъфар уйидан чиқиб, Ҳазрати Алининг уйига кирдилар. Ҳазрати Жаъфар Ҳазрати Алининг бир туғишган оғалари эди. Фотима Расулуллоҳни кўргач, ўз одатларича «Во аммоҳ» деб урушда ўлган амакисини йўқлаб йиғлагани турди. Анда Расулуллоҳ айтдилар: «Жаъфар каби эр йигитга хотинлар йиғламасдан қараб тура олмайдилар. Лекин уларга айтиб қўйинглар, йиғлаган чоғда қўлларини, тилларини сақласин», дедилар.

Шу билан орадан уч-тўрт кун ўтгандан сўнгра фозийлардан ҳам хабар келди. Расулуллоҳ буюрдиларким, уларнинг олдиларидан кутиб чиқиб, қарши олгайлар. Яхши сафардан, узоқ ерлардан келаётган мусулмонларни кутиб олиш шундан бизларга суннат бўлиб қолган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ барча саҳобалар ва фозийларнинг ёш болалари йўл тўсишиб чиққан эдилар. Мадинадан чиқишган болалар эрса, суюнганларидан шодлик шеърларини ўқишур эдилар.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Фозийлар ўз болаларини от олдига миндириб олсинлар. Жаъфар ўғли Абдуллоҳни менга беринглар, — деб, уни ўзлари отга ўнгариб олдилар. Сўнгра айтдиларким:

— Эй ўғлим, сенга муборак бўлғай, отанг Жаъ-

фарни бу кеча менга кўрсатдилар. Уни жаннатда фаришталар билан бирга учиб юрганини кўрдим.

Расулуллоҳ ҳазрати Холид билан кўришганларида бу урушда кўрсатган маҳоратини мақтаб, ундан кўп рози бўдилар. Шу сафардаги аскар ичида бўлган Абдуллоҳ ибн Умарнинг айтишича, Зайд ибн Ҳорисанинг икки қўли бирдан кесилиб, яна етмиш неча еридан яраланмиш эди. Расулуллоҳ белгилаган шу уч қўмондонни — Зайд ибн Ҳориса, Жаъфар ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Равоҳа — шаҳид бўлган жойларида бир қабрга қўйдилар. Қолганлари ҳам шу ўринга кўмилди, разияллоҳу анҳум.

Зарурат тушган чоғда беш-ўн ўликни бир қабрга қўймоқ шариятда дурустдир. Уҳуд урушида ўлган шаҳидларни ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари шундай қилган эдилар. Бу баҳодирларнинг қабрлари бутун Ислом оламига зиёрат ўрни бўлиб қолмишдур. Муборак исмлари эрса тарихларда ёзилиб, инсон оламида ҳурмат қозонмишдур.

### ЗОТИС-САЛОСИЛ ҲАЗОТИ

Бу ер билан Мадинанинг оралиғи ўн кунлик йўл эди. Тарихи ҳижратнинг саккизинчи йили жумодул охира ойида бу воқеа бўлди. Бунинг сабаби эрса, ўша ерлик Қузоа қабиласи Мадина атрофига ҳужум қилмоқ учун тайёргарлик қилаётурлар деган хабар Расулуллоҳга етмиш эди. Иш улғаймасдан илгари унинг чорасини қилиш керак бўлганликдан бунинг олдини олиш учун Амр ибн Осни чорлаб, унга айтдилар:

— Эй Амр, сени аскарга бошчи қилиб, душман устига юборурман. Сен бу сафардан ғанимат мол топгайсан, дағи ҳеч қандай зиён кўрмасдан, саломат қайтгайсан.

Анда Амр ибн Ос:

— Ё Расулаллоҳ, мен молга қизиқиб мусулмон бўлмадим, балки Ислом динини ҳақ билиб, иймон келтирдим, — деди.

Унга Расулуллоҳ:

— Ҳалол мол яхши одамга қандай ярашади, — дедилар.

Чунки мол Аллоҳ таоло томонидан бандаларига берилган неъматдир. Агар банда бунинг шукрини қилар экан, кундан-кунга у неъмат кўпаяди. Агар шукрини

қилмас экан, ундан албатта бир куни ажралади. Инсон оламида илгаридан келган Аллоҳнинг одати шулдир. Энди неъматга шукр қилишнинг маъноси, шу нарсани Аллоҳнинг буйруғига ишлатиш, анинг устига қўйилган шариат ҳақларини тулиқ бажариб туриш демақдир. Инсоннинг ўзи тўғри йўлдан тоймагунча унга берган неъматни Аллоҳ қайтариб олмайди. Чунки Қуръонда айтади:

**«Лаин шакартум лаазийданнакум ва лаин кафартум инна азабий лашадийд»**, яъни, *«Агар шукр қилсанглар, берган неъматимни яна кўпроқ бераман, агар ношукрчилик қилар экансизлар, меним азобим бек қаттиқдур»*. Бу деган эрса, бу дунёда у неъматдан ажрайсизлар, охиратда эрса ношукрчилик қилганнинг азобини яна тортгайсизлар, демақдур.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Шундай қилиб, ансор ва муҳожир саҳобалардан уч юз аскарга Амр ибн Осни амир қилиб жўнатдилар. Булар ичида улуғ саҳобалардан кўп киши бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу аскарга оқ туғ, қора байроқ бердилар. Кундузи яшириниб, ҳеч кимга кўринмай, кечаси тинмай йўл юриб душман ерига яқинлашиб келганда, олдин юборилган гингчилар душманнинг кўплигидан хабар келтирдилар. Буни англаши билан Амр ибн Ос Расулуллоҳга киши чоптириб, ёрдам аскарини сўради. Дарҳол ҳазрати Абу Убайдани бошчи қилиб, яна икки юз аскар юбордилар.

Бу кейинги аскар ичида ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар ҳам бор эди. Буларга буюрдиларким, Амр ибн Ос аскарига қўшилгайлар, сўнгра ҳар икки амир биргалиқда иш олиб боргай, дедилар.

Шу билан кейинги аскарлар тез юриб олдинги аскарга етиб олдилар. Шу орада бир намознинг вақти кириб, ани ўтамакчи бўлдилар.

Ислом қонунида аскарга ким бошчи бўлса, намозда имом бўлиш анинг ҳаққидур. Шунга қараб ҳазрати Абу Убайда намозга имом бўлиш учун саф олдиға ўтмоқчи бўлди. Анда Амр ибн Ос:

— Сени Расулуллоҳ менга ёрдамчи қилиб юбормишдур. Бутун аскар устида бош қўмондонлик меним ҳаққимдур, — деб ўзи имом бўлиб намозга ўтди.

Сўнгра Ислом аскарини душман ерига киргач, улар устига тўсатдан ҳужум қилдилар. Душман аскарлари дастлабда озроқ урушган бўлсалар ҳам, кейин енги-

либ қочдилар. Кўплари ўлдирилиб, бутун моллари ўлжага қолди.

Шу кунлари эса қиш мазгили (вақти) бўлиб, ҳавонинг анчагина салқинлиги бор эди. Аскар усти юпун бўлиб, уларга совуқ ўтган бўлса ҳам, ўт ёқиб исинишига амирлари Амр ибн Ос унамади.

Яна шу туни ўзи ихтилом бўлиб, булганмиш эди. Совуқдан қўрқиб ғул қилмасдан, таяммум билан намозга имом бўлди. Қочган душман аскарини қувлашга сўраб эдилар, унга ҳам рухсат бермади. Анинг шу қилган ишларидан Ҳазрати Умар бошлиқ бир неча саҳобалар норози бўлишиб, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ олдига келишди. Анда у:

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу сафарги аскар устига бу кишини бошчи қилиб қўймишдур. Уруш ишида балки биздан анинг билгани ортиқроқ бўлмай. Энди бу тўғрида на қилур эрса, унга ҳаммамиз бўйсунимиз керақдир, — деб уларни босиб қўйдилар.

Сўнгра Мадинага келгач, Амр ибн Ос:

— Ё Расулуллоҳ, сизга айтгандирлар, мен бу сафарда аскарга ёқмайдиган бир неча иш қилдим. Биринчиси, ҳаво совуқ бўлса ҳам аскарларга ўт ёқиб исинмоққа рухсат қилмадим. Бунинг сабаби эрса, душман жосуслари тун қоронғусида келиб ўт ёруғида ўлтирган аскарнинг озлигини пайқаб қолгайлар.

Иккинчиси, душманларимиз биздан енгилиб қочдилар, лекин буларни орқаларидан қувлашга рухсат бермадим. Чунки душман ҳийла қилиб ёлғондан қочган бўлса, бир ерга қўйган буқтирма (пистирма) аскар бўлиб қолиб, яна қувлаган кишиларга зиён етиб қолмасин, деб ўйладим. Аммо ихтилом бўлиб қолганимда ҳаво совуғидан қўрқиб сувга тушмаганим тўғридур. Ғул қилмасдан таяммум билан намозга имом бўлдим, чунки Қуръонда Аллоҳ айтмишдур: «Эй мўъминлар, ўзингларни ҳалок қилғудек ишни қилманглар, чунки Аллоҳ таоло сизларга бек меҳрибондур». Аллоҳ шундай дегач, ўзимга зиён бўлғудек ишни қилмадим, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг кейинги сўзига кулиб қўйдилар. Лекин олдинги айтган сўзларини тўғри тошиб:

— Яхши қилибсан, — дедилар.

## АЛХАБАТ ҲАЗОТИ

Тарихи ҳижратнинг саккизинчи йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч юздан ортиқроқ бир бўлук аскарга Абу Убайда ибн Жарроҳни бошчи қилиб Мадинадан беш кунлик узоқликдаги Қизил денгиз бўйидаги Жухайна қабиласига юбордилар. Шу йили ёмғир етарлик ёғмаганидан халқ ичида қаҳатчилик ҳам бор эди. Аскар озуғи учун егулик бир неча саноч (халта) Мадина хурмосидан бошқа ортиқча нарса топмадилар. Борган жойларида йўл тўсиб узунроқ туриб қолишга тўғри келди.

Мадинадан олган озуқларини еб тутатдилар. Энг кейин шу ҳолга етишдиларким, бошчилари Абу Убайда аскарга хурмони бир дондан улашур эди. Буни ҳам ейишиб тутатгандан сўнгра, ҳеч нарса қолмагач, очликка чидаёлмай самур дарахти (хабатни) япрогини едилар. Шундай қийинчиликка қолишган чоғда денгиз тўлқини бир улуғ балиқни четга чиқариб ташлади. Уч юздан ортиқ аскар, йигирма кунга яқин шу балиқни ейишдилар. Кундан-кунга қувватланиб, танлари соғлом бўлди. Гўштни ейишиб, ёғи билан баданларни мойладилар.

Бу балиқнинг катталиги шундайким, бунинг кўзи ичига оқиб йиғилган ёғни катта косалар билан кудуқдан сув олгандек олишар эди. Абу Убайда буюрдиким, анинг бир дона қовурғасини олиб ерга ётқизинглар. Сўнгра туя минган бир новча киши шунинг эгилган жойидан энгашмасдан ўтиб кетди. Бу сафарда йўл тўсиб қанчалик кўп турсалар ҳам, душманга йўлиқишмадилар. Сўнгра Расулуллоҳнинг рухсатлари билан Мадинага қайтдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам балиқ воқеасини эшитгач: «Бу балиқни сизларга ризқ қилиб Аллоҳ таоло денгиздан чиқармишдур. Андин бирор бўлагини келтирган бўлсанглар, менга ҳам едиринглар, деб сўрадилар.

Аскар ичида ўшал балиқдан сақлаган кишилар бор эди, дарҳол уни келтириб бердилар.

## МАККА ШАҲРИНИНГ ФАТҲИ

Ҳижратнинг саккизинчи йили Рамазон ойининг ўнинчи куни Макка фатҳининг сафарига чиқдилар. Аллоҳ таоло ҳаёт оламида, бир ишни қилмоқчи бўлур



экан, энг аввал анинг сабабларини тайёрлағусидир. У ишнинг тўсқинликлари ўртадан кўтарилгандан кейин, албатта, уни вужудга чиқаргусидур.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам шуни билур эдиларким, Ислом динини бутун дунёга тарқатмоқ учун аввал замонлардан бери тарқоқлик ҳолда яшаб келган араб қабилаларини бир нуқтага йиғмоқ керақдур. Бу мақсадни амалга ошириш учун энг аввал Қурайш қабиласини бўйсиндирмоқ лозимдур. Буларнинг итоатга келиши Макка шаҳрининг фатҳ бўлишига боғлиқдур.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам кўнгилларида бу орзу бўлса ҳам, ўтган Худайбия сулҳи, бу ишга тўсқинлик қилур эди. У аҳдномада ёзилмиш шартлар ўртадан кўтарилмай туриб, Қурайшга уруш очмоқ мумкин эмас эди. У аҳднома бўйича қайси томонга қўшилишга ҳар ким ихтиёрлик бўлгани учун, Хузоъа Расулуллоҳга, Бани Бакр қабиласи Қурайшга қўшилмиш эдилар. Бу икки қabila у қўшилган икки қабилани билан уруш-ярашда бир иттифоқ бўлишга қаттиқ аҳд-паймон қилишган эди. Қайси бирларига бошқалардан ҳужум бўлур эрса, ҳар икковига бўлди демак эди.

Ислом дини келмасдан илгарироқ Хузоъа қабиласи билан Бани Бакр қабиласи ораларида хун даъвоси бор эди. Бу орада Ислом дини даъвоси кўтарилиб, қабилачилик каби чакана ишларни унутмиш эдилар.

Ҳижратнинг олтинчи йили Худайбия сулҳи тузилгандан кейин эл ичи тинчланиб, йўллар очилиб эрди, яна араб эски одатларини кўзгагали турдилар.

Бани Бакр қабиласи Хузоъа қабиласидаги эскидан қолган қон қасосимизни олғаймиз деб, кўзғолон қилдилар. Аларнинг иттифоқдошлари Қурайш қабиласи ҳам буларга яширин равишда аскар қўшмоқчи бўлди. Ҳеч бир ишдан хабари йўқ бемалол ётган Хузоъа қабиласини кечалаб босиб, алардан йигирмага яқин кишини ўлдирдилар.

Бу воқеа содир бўлгач, Расулуллоҳнинг иттифоқчилари Хузоъа қабиласи ўз раисларидан Амр ибн Солим қўл остида бир ҳайъат ташкил қилиб, Расулуллоҳга бу ишдан хабар бердилар. Ҳайъат келмасдан илгариеқ бу ҳодиса Худо тарафидан билдирилган эди. Онамиз Ойшани бу сирдан воқиф қилиб, сафар асбобини тайёрлаб турмоққа буюрган эдилар. Орадан уч-

тўрт кун ўтар ўтмас Хузоъа элчиси Амр ибн Солим йўлдошлари билан масжид эшигига келиб тўхтади. Араб одатича ачинарлик, таъсирлик шеърлар ўқиб, душманларидан кўрган мусибатларни баён қилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансор ва муҳожир саҳобалар билан масжидда ўлтирган эдилар. Унинг ўқиган шеъридан таъсирланиб, муборак кўзларига ёш келди, сўнгра айтдилар:

— Эй Хузоъа халқи, сизларга ёрдам етказмакни албатта ўз устимга олурман. Ўзимни душмандан қандоқ сақлар эрсам, сизларни ҳам шундоқ сақлагайман. Аллоҳ оти билан қасам қилурманки, ўз оиламни ҳимоя қилгандек, сизларни ҳам ҳимоя қилурман.

Бу воқеа бўлгандан кейин Қурайш халқи билдиларким, бу қилган ишлари очиқ хиёнат бўлиб, ўртада тузилган аҳднома шартларини бузиш демақдир. Иш бўлиб ўтгандан кейин фойдасиз ўқинишлар қилишиб, охирида шундай қарорга тўхташдиларким, бу ишни тузатмоқ учун Абу Суфён Мадинага бориб, ўртадаги аҳдни янгилаб, вақтини яна узунроқ қилгай. Шу мақсад билан Абу Суфён Мадинага келиб ўз қизи Умму Ҳабиба уйига тушди, бу эрса Расулуллоҳ никоҳига кирмиш эди. Қизи билан кўришгандан сўнгра, Расулуллоҳнинг тушаклари устига ўлтирмоқчи бўлди. «Бу жойга мушриклар ўлтириши лойиқ келмагай», деб онамиз Умму Ҳабиба тушакни йиғиб қўйди. Сўнгра онамиз Умму Ҳабиба Абу Суфён у ердан чиқиб, масжидда ўлтирган Расулуллоҳ оддиларига келиб ўз мақсадини гапирди.

Анда Расулуллоҳ:

— Аҳдимиз бузилғудек ҳодиса бўлдимиз? — деб ундан сўрадилар.

Абу Суфён:

— Андоқ иш йўқдур, — деб жавоб берди.

— Йўқ эрса, аҳдномани бошқадан тузмоқнинг нима ҳожати бор? — деб сўзини кесдилар.

Лекин Абу Суфён шу бўлиб ўтган Хузоъа воқеасидан хабари йўқ кишидек бўлиб, ундан оғиз очмади ва Расулуллоҳга бошқа сўзлашга ҳам журъат қила олмади. У ердан туриб, саҳобаларнинг улуғлари Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Али ва бошқалар билан кўришиб, ўз мақсади учун улардан ёрдам сўраган эди, барчалари Расулуллоҳ билур, деган жавоб қайтардилар.

Бир неча кун Мадинада туриб, ҳеч иш битира олма-май, ночор Маккага қайтиб кетди. У боргач, Қурайш халқи: «Сен Мадинага бориб яширин равишда мусулмон бўлиб, Муҳаммадга сўз бериб келдинг», деб Абу Суфёнга тўхмат қилдилар. Энг охири бутлари олдидан уларга қасам ичиб бериб, аранг кутулди.

Абу Суфён кетгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина атрофидаги бутун қабилалардан аскарга чақирдилар. Лекин қаерга боришларини ҳеч кимга айтмадилар, сир тутдилар. Бул сирни уч-тўрт кишидан бошқа ҳеч ким билмаган эди. Бундан мақсадлари эрса, Ҳарамда уруш бўлиб, қон тўкилмасдан Макка халқини итоатга келтириш эди, мумкин қадар Ҳарам ҳурматини сақлашга чора кўриш эди. Шунинг учун Қурайш халқини ғафлатда кўйиб, тўсатдан босиб олишни лойиқ топдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги сўз билан атрофга жарчилар юбориб, чақириқ қилдилар: «*Ҳар ким Аллоҳга, қиёмат кунига иймон келтирган бўлса, шу Рамазон ойида Мадинага ҳозир бўлсин*». Бу буйруқ ўтгандан кейин Мадина атрофидаги ушбу беш қабила — Аслам, Фифор, Музайна, Ашжаъ ва Жухайнадан аскар йиғилиб келди. Бутун аскар тўпланиб бўлгач, Расулуллоҳ шундай деб дуо қилдилар: «*Эй бор Худое, Қурайш жосусларининг кўзларини боғла, уларга ҳеч бир хабар етказма*».

Бу дуолари ижобат бўлиб, хабарлар англамай, душманларнинг кўзлари ҳеч нарсани кўрмай турдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафар ҳозирлигини кўриб йўлга чиқиш олдидан Ҳотиб ибн Абу Балтаъа деган бир саҳоба бу воқеани баён қилиб, Қурайшга хат ёзди. Бир хотун киши топиб анга топширди. Агар бу хотун хатни уларга етказур эрса, бирор нарса ҳадя қилмоққа ваъда берди. Хотун хатни олгач, сочи орасига яшириб йўлга чиқди. Бирор манзил юргандан кейин Расулуллоҳ бу ишдан ваҳий орқалик хабар топдилар. Ҳазрати Али билан Ҳазрати Зубайрни чақириб, уларга буюрдиларки:

— Шу ҳозирда Макка йўлидаги Хоҳ бўстонида боргайсизлар. Ўша жойда Маккага кетаётган бир хотун кишига йўлиқарсиз. Шу хотунда Қурайшга ёзилмиш хат бор, уни келтиринглар.

Бу икковлари чопганларича бориб, Расулуллоҳ айтган жойларидан у хотунни топдилар. Хатни сўраб эдилар, ул хатни кўрганим йўқ, деб тонгали турди. Хур-

жунларини ағдариб кўриб тополмадилар. Анда Ҳазрати Али:

— Қасам қилурманки, Расулуллоҳ сўзлари чиндур, хат борлигида ҳеч гумонимиз йўқдур. Агар ўз ихтиёринг билан чиқариб берур эрсанг, биздан қутуларсан, йўқ десанг, ул чоғда сени яланғоч қилиб, хатни топиб олгаймиз.

Бу сўзни англагач, хотун қўрққанидан сочи ўрамларига яширган хатни чиқариб берди. Хатни келтириб Расулуллоҳга топширдилар. Қарасалар, бу хатда Расулуллоҳнинг аскар билан Маккага боришларини Қурайшга ёзилмишдур. Бу иш эрса сир тугилганликдан уни душманга ёзмоқ мусулмон кишига улуғ жиноят эди. Хат ёзгувчи Ҳотибни чақириб сўрадилар:

— Бу нима қилганинг?

Анда ул:

— Ё, Расулаллоҳ, менинг бу қилган ишимда шошмагайсиз. Мен Аллоҳга ва унинг пайғамбарларига иймон келтирган кишидурман, шу йўлдан чиқмадим, динимдан қайтмадим. Лекин ўзим Қурайш уруғидан эмасман. Алар ичида оилаларим бордур, ўзим ҳижрат қилиб Мадинага келганимда уларни қолдириб чиқмиш эрдим. Қурайш ичида мени оиламни ҳимоя қилгувчи қариндош-уруғларим йўқдур. Мендан бошқа Маккадан келган муҳожирларнинг ул жойда талон-булондан сақлагувчи қавму қариндошлари кўпдир. Шунинг учун, ё Расулуллоҳ, Қурайшга шу хатни ёзиб, хизмат қилур бўлсам, бунинг орқасида қолган нарсаларим сақланиб қолгайму деб, шу ишни қилдим.

Анда Ҳазрати Умар:

— Ё Расулаллоҳ, бу киши Худога ва унинг Пайғамбарларига хиёнат қилди. Шу иш билан ўзининг мунофиқ эканини билдирди. Рухсат қилинг, бунинг бўйини узиб, бошқаларга ибрат қилай, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Бу киши ўзи Бадр аҳлидан эрур, ростини сўзлади. Бадр аҳлининг гуноҳларини кечмакка Аллоҳдан ваъда бўлмишдур. Унинг бу гуноҳи Аллоҳ олдида кечирилмаслигини қайдан билурсан? — дедилар.

Ҳазрат Умар Расулуллоҳдан бу сўзни англагач, кўзига ёш олиб, инсон хиёнатини бу даража сақлаганларини кўриб ҳайрон қолди. Йўқ эса, сиёсат оламида энг оғир кечирилмас жиноятнинг бири шул эди. Негаким, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ёққа

хабар етмасин учун Макаа йўллари тўстириб, бутун ўтиш йўлларига қоровул қўйган эдилар. Учар қушдан бошқа кишининг у томонга ўтиши мумкин эмас эди. Шунинг билатириб, бу хиёнатни қилган кишининг гуноҳидан улғуроқ ҳеч гуноҳ йўқлиги аниқдур. Шундоқ бўлса ҳам яна унинг гуноҳини кечирдилар.

Шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка сафарини кўзлаб, ўн бешинчи Рамазонда йўлга чиқдилар. Атрофдан йиғилиб келган куrollик аскарларга Мадинадаги саҳобалар қўшилиб, сонлари ўн мингга етди.

Мадинадан чиққан биринчи кунда бутун аскар рўза тутган эдилар. Кадид деган жойга етганларида мусулмонларнинг сафарда рўзадан қийналганларини кўриб барчага рўзани очишни буюрдилар. Ўзлари ҳам рўза тутишни тўхтатдилар. Расулуллоҳнинг амакилари ҳазрати Аббос ўзи илгарироқ иймон келтирган бўлса ҳам, лекин шу кунгача Мадинага ҳижрат қилиб келмаган эди. Унинг бутун оиласи Маккадан ҳижрат қилиб чиқиши эрса шу кунларга тўғри келиб, Расулуллоҳга йўлда йўлиқди. Ўзини бирга олиб, оиласини Мадинага юбордилар.

Макка ва Мадина оралиғидаги Абво деган жойга етганларида йўлда келаётган икки киши кўринди. Унинг бириси Абу Суфён ибн Ҳорис эди, у Расулуллоҳнинг амакилари Ҳорис ибн Абдулмутталибнинг ўғли бўлиб, яна Пайғамбаримиз билан эмақдош ҳам эди.

Иккинчиси эса аммалари Отиканинг ўғли Абдуллоҳ ибн Аби Умайя эди. Булар ҳам ҳижрат қилиб Маккадан чиққан эдилар. Лекин бу икковларининг Расулуллоҳ Маккада турган кунларида кўрсатмаган кулфатлари, қилмаган жабру жафолари қолмаган эди. Буларнинг тил найзаларидан Расулуллоҳнинг дилларига тушган жароҳатлари ҳалигача соғайиб кетмаган эди. Шунинг учун булардан марҳаматли юзларини ўгириб, уларга илтифот қилмадилар. Иш шундай бўлгач, ҳар иккови онамиз Умму Салама қошига келишиб, арз айтиб йиғлашдилар. Чунки Абдуллоҳ ибн Аби Умайя Умму Саламанинг иниси эди. Шунинг учун Расулуллоҳга онамиз айтди:

— Ё Расулаллоҳ, буларнинг бирови аммангиз, иккинчиси амакингиз ўғилларидур. Хатоларини кечиришингизни тилайман.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Уларнинг менга кераги йўқдур. Амаким ўғли эрса қариндошлик ҳаққини сақламай, қаттиқ қаршилик кўрсатди. Амманнинг ўғлидан эрса, ҳеч киши айтмаган ёмон сўзларни эшитдим.

У айтган эрди:

«Эй Муҳаммад, сен бир нарвон ясаб келтирур бўлсанг, ва мени қаратиб туриб осмонга чиқсанг, буни пайғамбар қилдим, деб қўлингга Худо ҳужжат хатни берса, тўрт фаришта бирга тушиб, буни пайғамбар қилиб сизларга Худо юборди, деб гувоҳлик берсалар ҳам, мен сенга иймон келтирмагайман».

Амакиларининг ўғли Абу Суфён бу сафарда етти-саккиз ёшли ўғлини бирга олиб чиққан эди. Расулуллоҳ билан кўришмоққа рухсат ололмагач, ул:

— Агар Расулуллоҳ бизни қабул қилмас экан, бу ўғлимни етаклаганимча чўлларда кезиб юриб, очлик-чанқоқлик билан ўлурман, — деди.

Абу Суфённинг бу сўзини Расулуллоҳ англаб, анга раҳмлари келди. Сўнгра уларга кўришгали рухсат бердилар. Ҳар икковлари келишиб, Исломга мушарраф бўлдилар. Лекин булар ўтмишдаги қилмиш ишлари ёдига тушиб, Расулуллоҳнинг юзларига кўп қарашолмас эди. Шундоқ ҳам бўлса раҳматан лил оламийн сифатига эга бўлган зот уларнинг ўтган ишларини кўп эсга олмай, яна илтифот қилиб:

— Аллоҳнинг арслони амаким Ҳамза Уҳуд урушида шаҳид бўлди. Унинг ўрнига Аллоҳ сени етказди. Ҳамзанинг ўрнини босгайсан деб умид қилурман, — дея Абу Суфён кўнглини кўтардилар.

Бу сўз билан унинг ҳам анча кўнгли кўтарилиб қолди. Исломга киргандан кейинги умрини Худо йўлида яхшилик билан ўтказди. Вафот бўлишида оиласига вассият қилиб: «Мен ўлсам, кўп йиғламанглар. Худо ҳаққи Ислом динига кирган кунимдан буён ҳеч бир хато ишни қилмадим», демиш эди.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бир неча кун йўл юриб Маккага яқин Марраз — Заҳрон деган жойга кечаси келиб тушдилар.

— Қўшинда қанча аскар бўлса, ўшанча жойга ўт ёқишсин, — дедилар.

Ун мингдан ортиқ ерга ўт ёқилди. Бу ишдан мақсадлари эса Макка мушрикларига аскарнинг кўплигини билдириб, уларни урушдан чекинтириш эди. Чунки Ислом қонуни бўйича Ҳарам тупроғида қон тўкиш у

ёқда турсин, у ернинг ўсиб турган ўтини юлишга, кўкарган ёғочини кесишга ҳам йўл йўқ эди. Шунинг учун Ҳарам ерида жонлик нарсаларни овлаб, уларни кўрқитиш шариатда ҳаромдир. Шундай бўлганликдан Расулуллоҳ Ҳарам ҳурматини сақлаб, қон тўкимаслик чорасини қилдилар. Шул кеча тун қоровулиги Ҳазрати Умарга топширилмиш эди. Шунчалик кўп аскар устларига етиб келгунча, Макка мушриклари бу ишдан хабарсиз қолдилар. Чунки Расулуллоҳнинг бу тўғрилиқ қилган дуолари қабул бўлмиш эди. Энди бу манзилга аскар келиб тушгач, Пайғамбаримизнинг амакилари Ҳазрати Аббос Расулуллоҳнинг хачирларини миниб Макка йўлига чиқди. Бундан мақсади, бирор киши кўринадан эрса, Қурайшга хабар айтиб уни киргизмоқчи эди. Токи уларнинг раисларидан бир нечалари келишиб, Расулуллоҳдан омонлик сўрасинлар. Шуни ўйлаб кетаётганларида олдидан икки кишининг қораси кўринди. Бунинг бириси Қурайш раиси Абу Суфён бўлиб, иккинчиси эрса, бу ҳам раислардан Будайл ибн Варқоа деган киши эди. Кеча қоронғусида юзлари кўринмас ҳам товушларидан булар танилмиш эди. Мадина томонидан бирор хабар англамоқ учун йўл тўсиб Маккадан чиққан эдилар. Бу жойга келганда сонсиз ерга ёқилган аскар ўтини кўриб, ҳушлари учиб, қараб туришган эди.

Абу Суфён ҳайрон қолиб:

— Ҳой, булар ким бўлди экан? Арафотга йиғилган ҳожилардек ёққан ўтлари кўп кўринади. Душманимиз Ҳузоъа қабиласи бўлмайму десам, улар бўлса бунчалик кўп аскарни қайдан олғайлар? — деб турганида, Ҳазрати Аббос йўлнинг у ёғидан туриб, Абу Суфённи чақирдилар. Бу иккови эрса бир-бирларига оғайни-уфат эдилар. Абу Суфён бунинг товушини эшитиб таниши билан чопганича келиб:

— Ота-онам сенга фидо бўлсин, бу нима ишдур? — деб сўради.

Анда Ҳазрати Аббос:

— Ҳой Абу Суфён, сенинг хабаринг йўқми, мана Расулуллоҳ киши кўрмаган қалин, кўп аскарни устинга келтирди, — деб эди, бу сўзни англаши билан араб одатича «Ҳай Қурайш, хароб бўлдик» деб қаттиқ қичқириб юборди.

Сўнгра Абу Суфён:

— Эй Аббос, ота-онам сенга фидо бўлсин, бунинг чораси нимадур? — деди.

Анда Ҳазрати Аббос:

— Нима иш бўлғуси, бошингга энг қўрқинчилик кун келди. Мана, Расулуллоҳ кўрурсанким, қалин, кўп аска-р келтирмишдур. Бу кеча тонг отиши билан Қурайш халқига қирғин келур. Агар бу йўлда қўлга тушар бўлсанг, дастлаб сенинг бўйнинг узилур, — дедилар.

Абу Суфён қўрққанидан:

— Эй Аббос, менинг чорам энди на бўлғай? — деб ёлворғали турди.

Анда Аббос:

— Сенинг чоранг шу бўлғайким, агар орқамга мингаштириб Расулуллоҳга етказа олсам, сен учун омонлик олу-р эдим. Энди бундан бошқа чора йўқдир, — деб от орқасига уни миндириб, Расулуллоҳ чодирла-рига қараб юрди. Йўлдошлари эса бу ҳолни кўришиб, уларни қўрқинч босди. Нима қилишларини билмас-дан, ночор бу ишдан Қурайшга хабар берғали Макка-га қайтдилар.

Ҳазрати Аббос Абу Суфённи мингаштириб келаёт-ганда Ҳазрати Умар чодир олдидан ўтишга тўғри кел-ди. Бу кечанинг қоровуллиги эрса, у кишининг гезаги (ғали) эди.

Расулуллоҳ хачирини минган Ҳазрати Аббосни та-ниган бўлса ҳам, мингашган кишининг ким эканини билмак учун «тўхта» деб қичқирди. Келиб қараса, Абу Суфён экандур. Буни кўргач:

— Алҳамдулиллоҳ, сен Худо душмани шартсиз энди қўлимга тушдинг, — деб улар орқасидан Расулуллоҳ чодирларига қараб югурди. Буни кўриб Ҳазрати Аб-бос ундан илгарироқ Расулуллоҳ устиларига кириб бор-ди. Булар орқасидан ета келиб, Ҳазрати Умар ҳам кира солиб:

— Ё Расулаллоҳ, куфр бошлиғи, Худо душмани, Абу Суфён шартсиз қўлимга тушди. Рухсат қилинг, бошини кесиб ташлайин, — деди.

Анда ҳазрати Аббос:

— Ё Расулаллоҳ, мен Абу Суфёнга омон бердим ва сиздан омонлик олиб бермакка ваъда қилдим, — деб ани қўриқлаб Расулуллоҳ олдиларига ўлтирди. — Бу кеча Абу Суфённи ўзим сақлайман, бошқага берма-гайман, уни менга топширинг, — деди.

Бу икковлари Абу Суфён тўғрисида анчагина сўзга келишдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шошилмай ўлтириб, охири айтдилар:



— Эй Аббос, сен бунн иъз чодирингга элтиб сақлагил, эрта билан яна келтиргайсан.

Бу сўз билан Ҳазрати Аббос Абу Суфённи иъз чодирига элтиб сақлади. Тонг отиши билан, уни яна Расулуллоҳ чодирларига келтирдилар. Расулуллоҳ уни кўрди эрса:

— Эй Абу Суфён, ҳали ҳам Исломни қабул қилғудек ҳолга келмадингми? Аллоҳни бир билиб, мени унинг Пайғамбари деб ишонишга вақт етмадими? — дедилар.

Анда ул айтди:

— Ота-онам сизга фидо бўлсин, шундоқ улуғ ахлоққа сизга ўхшаб ҳеч ким эга бўла олмагай. Лекин бу иш ҳақида шу кунгачалик кўнглимда яна гумоним бордур.

Ҳазрати Аббос бу сўзни англаши билан:

— Эй шўрлик киши, иъз жонингга жабр қилма, тирикликдан умидинг бўлса, бўйнинг узилиб ерга тушмасдан илгарироқ бу ишга иқрор қилиб, Расулуллоҳ сўзларини қабул қилгил, — деди.

Ул ҳам иъзга чора тополмай, тил учида бўлса ҳам шаҳодат айтиб, иймон келтирди. Зоҳирга қараб, Расулуллоҳ ҳам қабул қилдилар. Сўнгра ҳазрати Аббос:

— Ё Расулуллоҳ, Абу Суфён эрса иъзи мақтанчоқ, гуйрангроқ бир киши эрур. Халқ ичида бу кишига бир обрў бўлгудек бирор иш қилур бўлсангиз, кўп яхши бўлур эди, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Ҳукм шуддурки, Абу Суфён қўрасига кирганлар омондир, яроқ-қурол кўтармаган кишилар омондур, уйдан чиқмаганлар эшик очмаганлар омондур.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Аббосга буюрдиларким, тоғ ташидаги тор йўл устида Абу Суфённи тўхтатиб тургил. Бутун Ислом қўшинлари бунинг олдидан ўтсинлар. Ислом аскарининг шон-шавкатини кўзи кўрсин.

Шунинг билан Расулуллоҳ деганларидек, Абу Суфённи элтиб йўлнинг тор ерига тўхтатиб қўйди. Ҳар қабила иъз тўғи остида аскарлар билан унинг олдидан ўтар эдилар. Ўтган чоғларида Ҳазрати Аббосдан: «Бу қайси қабила бўлар?» деб сўрар эди. Шундоқ қилиб, бутун қабила аскарлари Абу Суфён олдидан ўтиб бўлдилар. Энг сўнгида темир совутлар ичида кўмиланган, бошларидан дубулға, туғу байроқ кўтарган муҳо-

жирин ва ансор саҳобалар ўтдилар. Абу Суфён буларни кўрганда шошиб қолиб:

— Субҳоналлоҳ, эй Аббос, булар кимлардур? — деб сўради.

Ҳазрати Аббос:

— Булар эрса Расулуллоҳнинг хос йўлдошлари — ансор ва муҳожирин саҳобалардур, ҳар вақт Расулуллоҳ шулар ичида бўлғайлар, — деди.

Анда Абу Суфён:

— Эй Аббос, қариндошинг ўғли Муҳаммад эрса дунёдаги кучли подшолардан бўлмишдир. Анинг аскарлари олдида ҳеч кимарса чидаб тура олмагай, — деди.

Анда Аббос:

— Эй Абу Суфён, бу ишни подшоҳлик демак хатодир. Балки Аллоҳ томонидан юборилмиш пайғамбарлик давлати эрур.

У ҳам бу киши сўзига қараб:

— Ҳа, шундоқ бўлса керак, — деди.

Сўнгра Ҳазрати Аббос унга қараб:

— Эй Абу Суфён, Расулуллоҳдан омонлик сўраб эрдинг, уни бердилар. Ислон шон-шавкати уни ўз кўзинг билан кўрдинг. Энди тезлик билан Маккага боргил, Қурайш халқига бу ишнинг қандайлигини тушунтиргил. Яна улар билмасдан Расулуллоҳга қаршилик кўрсатиб, ўз жонларига жабр қилиб, қирилиб кетмасинлар. Ўз қўллари билан ўзларини ҳалок қилмасинлар, — деди.

Абу Суфён бу сўзни англаши билан бунини яхши айтдинг, деб чопганича халқ ичига келди. Товуши бо-рича қичқириб:

— Эй Қурайш халқи! Мана Муҳаммад эрса чексиз кўп аскар билан устимизга келмишдир. Улар билан уруш қилмоққа ҳеч кимда тоқат йўқдир. Унинг айтишича, Абу Суфён саройига кирганлар омон қолғайлар, — дейиши билан, хотини Ҳинд унинг соқолига осилиб:

— Эй Қурайш халқи, бу аҳмоқ, чирик чолни ўлди-ринглар. Бунини кўринглар, уялмасдан душман қўшинига жарчи бўлиб келмишдир. Бунинг сўзига инонманглар, ўз номусинглар учун урушинглар, — деб фарёд қилди.

Анда Абу Суфён:

— Ҳой, тентак хотин, товушингни чиқара кўрма! Тезлик билан уйингга кириб, жим ўтиргил. Масжид

ичига кирганлар омон топгайлар. Қурол топширганлар омон топгайлар. Эшик бекитиб уйдан чиқмаганлар омон топгайлар. Абу Рувайҳа туғи остига тўпланганлар омон топгайлар. Ҳаким ибн Ҳизом саройига кирганлар омон топгайлар, — деб халқ ичида чорлагани турди.

Энг сўнги айтилган Ҳаким ибн Ҳизом деган киши эрса, Қурайшдан чиққан атоғлиқ раислардан эрди. Жоҳилиятда бўлсин, исломиятда бўлсин, яхшилик ила номи кўтарилмиш эди. Дўстликка кўнглини мойил қилмоқ учун Расулуллоҳ унинг ҳақида бу ишни қилдилар.

Абу Рувайҳа эрса Мадинанинг ансор саҳобаларидан бўлиб, Ҳазрати Билолнинг дўсти эди. Бу улуғ шарафга ул ҳам эга бўлди. Бу сўзни англашлари билан бутун халқ жон ваҳмида қолиб, шу айтилмиш жойларга тарқалдилар. Лекин Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам тубандаги номлари ёзилмиш шу тўққиз кишини қаерда бўлса ҳам ўлдиришга буюрдилар:

— Агар бу кишилар Каъба ёпуғига ёпишиб турсалар ҳам, қўймай ўлдирилсин, — дедилар.

Шунинг учунки, булардан Ислом аҳлига чекдин ташқари озорлар етган эди. Унутилмас беадабчиликлар улардан ўтган эди. Ана шуларнинг бириси Абдуллоҳ ибн Саъд деган кишидир. Бу эрса илгари мусулмон бўлиб, бир неча вақт ваҳий ёзувчиси бўлиб турди. Сўнгра диндан қайтиб, муртаддигича Маккага қочган эди. Бунга ҳам қаноат қилмасдан Маккага келгач, Расулуллоҳ ҳақларида бир мунча тухмат сўзлар чиқазди.

Иккинчиси эрса, Икрима ибн Аби Жаҳл бўлиб, бунинг душманлиги Расулуллоҳга ота мерос эди. Макка фатҳи бўлганида қочиб кўринмай юрди. Хотини келиб, Расулуллоҳдан эри учун омонлик сўради. Омонлик берганларини аниқ англагач, Расулуллоҳ олдиларига келиб, иймон келтириб эди, ани ҳам кечирдилар.

Учинчиси Ҳаббор ибн Асвад деган киши эди. Бу эрса Расулуллоҳнинг қизлари Зайнаб Маккадан ҳижрат қилиб чиқаётганида уни тўсиб, йўлдан қайтармоқчи бўлган эди. Туя устидан туширмоқчи бўлиб, қўлидаги найзаси билан туртиб эди, тош устига йиқилиб, ҳомиладор бўлганидан унинг зарбига қорнидаги боласидан ажраган эди. Шунчалик оғир жинояти бўлса ҳам, қочиб юриб иймон келтиргандан кейин, бунинг ҳам гуноҳини кечирдилар.

Бу тўққиз кишидан тўрт киши ўлдирилди: Ибн Ахтал, Ҳорис, Мақис, Ахталнинг қўшиқчиси бир жория. Мақис эрса муртад бўлгандан сўнгра яна бир кишини ўлдириб, Мадинадан қочмиш эди. Ибн Ахталнинг икки қўшиқчи чўриси бўлиб, буларнинг қилар иши эрса Расулуллоҳга қарши соз чалиб, қўшиқ айтиш эди.

Яна Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайя, бунинг иниси Зуҳайр ибн Умайя, Ҳазрати Ҳамзани шаҳид қилган Ваҳший деган қул, Абу Суфён хотини Ҳинд — булар иймон келтиргандан сўнгра Расулуллоҳ уларни афв қилдилар. Яна Холид ибн Валидга ўз аскарлари билан тубанги йўл билан Маккага киришни, қарши чиқмаган кишиларга қилич кўтармасликни, йўл тўсиб қарши чиқувчиларга эса ўлим жазосини беришликни буюрдилар.

Холид ибн Валидга пастки йўл билан юришни буюриб, Расулуллоҳ ўзлари ансор саҳобалар билан Макка шаҳрининг юқориги йўли Кадоъ тоғини кесиб, шаҳарга кирмоқчи бўлдилар. Холид ибн Валид Маккага кираётганида Абу Жаҳл ўғли Икрима бошлиқ Қурайш оломонлари олдини олиб уруш бошладилар. Бу ёқдан Ҳазрати Холид ҳамма қилиб, душмандин йигирма тўрт кишини ўлдириб, ўз аскарларидан икки киши шаҳид бўлди. Буни кўргач, қолганлари тарқалиб қочдилар. Бу томондан Холид ибн Валид куч билан Маккага босиб кирган бўлса ҳам, Расулуллоҳ юрган йўлларида ҳеч ким қаршилиқ кўрсатмади. Расулуллоҳнинг амрларича шу куни Ислом туғи йўл устидаги Ҳажун тоғи устига қадалган эди.

Расулуллоҳнинг қизил қуббалик чодирларини илгарироқ келганлар шу жойга қуришиб, кугиб турмоқда эдилар. Чодирга тушиб озроқ дам олганларидан кейин шаҳар томон жўнадилар.

Расулуллоҳнинг ёнларида Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Фатҳ сурасини ўқиб келмоқда эдилар. Рамазоннинг йигирманчи куни, саккизинчи ҳижрий йилда Макка шаҳри фатҳ бўлиб, жума куни эрталаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳар ичига кирдилар.

Иккинчи бир ривоятда келтирилибдурким, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валидга қабила арабларидан тузилган аскарларни олиб Макканинг остинги йўли билан шаҳар ичига киргил ва қачон маҳалла бошига етар бўлсанг, шунда Ислом туғини кўтаргил, ўзлари бошламагунча сен уруш қилма-

гил, деб буюрган бўлсалар ҳам, Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайя, Икрима ибн Абу Жаҳл, Суҳайл ибн Амрлар бош бўлиб, Ҳандама деган тоғ тагида уларни йўлини тўсмоқчи бўлдилар.

Расулуллоҳ буйруқларича Холид ибн Валид шу томондан юриб, тоғ тагига келди. Қараса, олдида оломон кўпчилиги кўриниб, буларга қараб ўқ ота бошладилар. Бунни кўргач, Ҳазрати Холиднинг жаҳли чиқиб, аскарга қараб:

— Уринг, бу ярамас қопқондан қолган тулкиларни, — деб ҳайқириб эди, Ислом аскарининг хужуми остида етмиш неча киши ўлдирилди, қолганлари бўлса тум-тарақай бўлиб қочдилар. Ҳазрати Холид уларни сурганича қувлаб келиб, Байтуллоҳ ёнида Ҳазар деган жойга етказди. Улардан бир тўпи қочганларича тоғ устига чиқишиб эди, орқаларидан суриб чиққан мусулмонлар қиличининг узоқдан ялтираганлиги Расулуллоҳга кўрингач:

— Бу нима ишдур? — деб сўрадилар. Саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, Холидга Қурайш бебошлари қарши чиққан бўлсалар, шуларга кўтарилган Ислом қиличлари бўлиши керак. Йўқ эса урушдан уни тийган эдингиз. Ўзлари уруш бошламасалар, сизнинг амрингизни албатта Холид бузмагай эрди, — дедилар.

Шунинг билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳарам тупроғига кирдилар. Киришларида туяга минган эдилар. Асранди ўғиллари Зайднинг боласи Усома туя орқасига мингашган эди. Расулуллоҳ Ҳарамга одоб сақлаб туя устида эгилиб, тавозеъ билан кирдилар. Юқорида айтилганича, Холид ибн Валидга тўқнашган кишилардан бошқа, ортиқча қон тўкилмади.

Шундай улуғ неъматни ато қилгувчи Аллоҳ таолога ҳамду сано айтдилар. Шу юрганларича тўғри келиб Байтуллоҳни туя устида туриб, етти айланиб тавоф қилдилар.

Расулуллоҳ Маккани фатҳ қилиб кирган кунларида Байтуллоҳга уч юз олтмиш бут осилмиш эди. Расулуллоҳ кўлларида тутган таёқчалари билан:

— Ҳақ келди, ботил йўқолди, — деб уларга ишорат қилур эдилар.

Қайси бирига қараб ишорат қилсалар, таёқ тегмасдан туриб тубан йиқилур эди. Байтуллоҳ ичида Ҳазрати Иброҳим ва Ҳазрати Исмоилларнинг ҳам ҳайкалларини ясаган эдилар. Мана шу биринчи кирган

кунларидаёқ Каъба ичидаги мушриклар асарларидан ҳеч нарса қолдирмай тозалатдилар. Шу кундан эътиборан бутун Арабистонда бутпарастлик йўқола бошлади. Ислом шариатида заруратсиз сурат ушлашга рухсат йўқлигининг ҳам сабаби шу эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага кирган кунларида, қаршилиқ қилмаган кимсаларга қурол қўлланимасин деб, амр қилган эдилар. Лекин Хузоъа қабиласининг Бани Бақр қабиласидан қасос олишига рухсат бердилар. Бу иш ҳам бўлса шу куннинг аср вақтигача чекланмиш эди. Шу кун ўтгандан кейин умумий равишда тинчлик сақланди.

Расулуллоҳ Байтуллоҳни тавоф қилиб бўлганларидан сўнгра Каъба уйининг ичига кирдилар. Тўрт тарафга қараб такбир айтиб, у ердан чиқиб Мақоми Иброҳимга келиб, икки ракат тавоф намози ўқидилар.

Сўнгра зам-зам қудуғидан сув ичиб Байтуллоҳ қаршисига қараб турдилар. Бутун халқ атрофларини ўрашиб олган ҳолда, уларнинг кўзлари Расулуллоҳга тикилиб турди. Ўзларига озор берганларга, ўз ватанларини ташлаб чиқмоққа мажбур этган кишиларга қарата нима иш қилур, уларга қандай жазо берур экан деб, барчанинг кўнглига келур эди.

Лекин Расулуллоҳнинг ўч олиб нафс қондириш, ўзи учун ғазабланиш ва мана шу янглиғ нарсалардан кўнгиллари пок эди. Йўқ эса амакилари Ҳазрати Ҳамзани ўлдирилганига қаноат қилмай, қулоқ-бурунларини кесиб, кўзларини ўйиб, бағрини чайнаган Абу Суфён хотини Ҳинднинг нечук гуноҳини кечгай эдилар? Худо Қуръонда: **«Ва ма арсалнака илла роҳматан лил аъламин»**, яъни: *«Барча оламга сени раҳмат учун юбордик»*, деб айтган сўзи ҳақиқат эканини Расулуллоҳ ҳар бир иш устида исбот қилиб, бутун оламга буни кўрсатдилар.

Мана, Расулуллоҳнинг бу қилган ишларидан барча умматлари ибрат олишлари лозимдур. Ҳақиқий чин мўъмин эрса, анинг ғзаби ва ризолиги Аллоҳ учун бўлгай, ҳар бир қилган ишида кўпчилик халқ фойдасини кутгай. Халқ фойдасини кутган бўлиб, ўз нафсига қурол қилмагай. Ҳақиқий чин мусулмон кишининг қилар вазифаси шулдур. Бу йўлда кўрсатган хизматлари учун ҳеч кимсадан ташаккур кутмагай. Ислом шариатининг кўрсатган йўли шулдур. Ҳар ишни Худо учун қилиши эрса, яхши-ёмон халқ сўзидан анинг парвоси йўқлигидандир.

Яна ўз сўзимизга келайлик.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам йиғилиб, ўзларига кўз тикишиб турган кўпчилик халққа қараб:

— Эй Қурайш халқи, ўзингларча мени қандай иш қилар деб ўйлагайсиз? — дедилар.

Анда улар:

— Қариндошимиздурсиз, меҳрибон оғамиздурсиз, энди сиздан яхшилик кутиб турамиз, — дедилар.

Расулulloҳ айтдилар:

— Ундай бўлса, энди боринглар, барчангиз бўшалдингиз, қилган ёмонликларингизни авф қилдим.

У замон одати бўйича барчалари қул бўлиб, асир олинишлари керак эди. Ўша замондаги уруш одатларининг йўли шу эди. Сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Каъба ичига кирмоқчи бўлдилар. Келиб қарасалар, Каъба эшиги қулф экан. Бунинг эшикчиси Усмон ибн Талҳани чақириб, унинг қўлидан калитни оддилар. Каъба ичига кириб чиққандан сўнгра, у киши, калитни қайтариб бермас, деб ўйлаган эди. Аммо унинг ўйлаганича бўлмай, ўзига қайтариб бердилар. У замонда Каъба калитига эга бўлиш араблар ўртасида улуғ шараф ва обрўй ҳисобланар эди. Қурайш ичиди Бани Шайба авлоди бу давлатга эга бўлмиш эдилар. Исломдан илгари жоҳилият замонида ҳам ўз одатларича ҳафтада икки марта — душанба ва пайшанба кунлари Байтуллоҳ эшиги очилур эди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳижратдан илгари, Маккада турган вақтларида Каъбага кирган кишилар қаторида келиб кирмоқчи бўлдилар. Ўшанда ҳам шу Усмон ибн Талҳа Каъба эшикчиси эди. У Расулulloҳга нолайиқ адабсиз сўзлар айтиб, киргазмай қайтарган эди. Расулulloҳ юмшоқлик қилиб, унинг сўзига сукут қилдилар, сўнгра унга айтдиларким:

— Эй Усмон, бу яқинларда кўриб қолурсан, Каъба калити менинг қўлимда бўлмай. У чоғда эса бунга тиланган кишимни қўлига топширгайман.

Шу орада ўн неча йил ўтгандан кейин, худди ўша деганларидек бу иш вужудга чиқди. Макка фатҳ бўлган кунда ўша айтганларидек, Усмон ибн Талҳа қўлидан калитни оддилар ва яна ўзига қайтариб бердилар. Сўнгра:

— Бу калит илгаридан бери сизларда турар эди, бундан буён ҳам доимий равишда сизларникидур. Каъба калитини талашиб, сизлардан ким олур эрса, зулм қилгон бўлур, — дедилар.

Бу тўғрида Расулуллоҳга илгари қилган қўпол муомаласи ёдида бор эди. Бундоқ улуғ шарафдан ажраб, бу давлатдан қуруқ қолиш қўрқинчи босиб турган бир чоғда яна қайтадан абадий шу давлатга эга бўлиши уни кўп суюнтирди. Расулуллоҳ қўлларидан калитни олиши билан тўхтамай уйига қайтди. Кетидан яна уни чақириб олдилар, Қайтиб келгач:

— Эй Усмон, ҳижратдан илгари бу калит ҳақида сенга айтган сўзим эсингда борми? — дедилар.

— У сўз ёдимда бордир, ё Расулаллоҳ, Энди гувоҳлик берурман, аниқ билдим Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари экансиз. Кудратингиз етган, қўлингизга тушган чоғда муңдоқ улуғ гуноҳларимизни кечирдингиз, — деди.

Сўнгра Расулуллоҳ буюрдилар, Ҳазрати Билол Каъба устига чиқиб азон айтди.

Қурайш раисларидан Абу Суфён ибн Ҳарб, Атоб ибн Усайд, Ҳорис ибн Ҳишом, булардан бошқа яна бир қанча Қурайш уруғлари Каъба атрофида ўлтиришган эдилар. Азон айтилганини эшитгач, Атоб ибн Усайд туриб деди:

— Аллоҳ таоло отам Усайдни ҳурмат қилиб, бу ишдан илгарироқ унга ажал юбормиш эди. Йўқ эрса бу қора қарғанинг Каъба устида бундоқ қичқирганини кўриб қаттиқ қайғурур эди.

Ҳорис ибн Ҳишом айтди:

— Кошки Муҳаммаднинг ҳақлигини билур бўлсам, албатта, унга иймон келтирур эдим.

Булар сўзини англаб Абу Суфён айтди:

— Бу тўғрида ҳеч қандай гапирмасликка қасам қилурман, агар гапирур эрсам; шу ётган майда тошлар ҳам Муҳаммадга хабар етказгай, — деб тошга ишора қилди.

Аларнинг сўзлари тамом бўлиши билан уларнинг устига Расулуллоҳ келдилар ва:

— Шу ҳозирда айтган сўзларингизни Аллоҳ менга билдирди, — деб аларнинг айтган сўзларини ўзларига айтиб бердилар.

Буни эшитгач, Ҳорис ибн Ҳишом, Атоб ибн Усайд:

— Биз энди аниқ ишондик, бу киши пайғамбар экандур, йўқ эрса, Аллоҳдан ўзга унга хабарни ким етказди? Оғзимиздан чиқиши билан айтган сўзимизни қайтариб берди, — дейишиб, ҳар иккови ҳам мусулмон бўлди.



Макка фатҳ бўлган куни мадиналик ансор саҳоба-лар ўлтиришиб, ўзаро шундоқ сўзлашур эдилар:

— Расулуллоҳ энди ўз эл-юртларига, қавму-қариндошларининг ичига келдилар. Бу ер эса ўз ватанлари, туғилиб ўсган жойларидур. Энди шу ерда туришга кўнгиллари мойил бўлиб қолса, қандай қилгаймиз? — деб қайғуришдилар.

Расулуллоҳ буни сезиб, уларга қараб:

— Нималарни сўзлашаётирсиз? — деб сўрадилар.

— Ҳеч сўз айтмадик, ё Расулаллоҳ, — деб яширган бўлсалар ҳам, йўқ айтинглар, деб қўстаганларидан кейин, у сўзни айтишга мажбур бўлдилар. Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Аллоҳ сақласин, ўлсак-тирилсак бир ерда бўлур-миз, бир-биримиздан ажрашмоқ йўқдур, — дедилар.

Бу сўзни англашлари билан мадиналик бутун саҳобаларнинг юзлари кулиб, кўнгиллари қувонди. Расулуллоҳдан ажраб қолгаймизми, деган гумонлари кўнгилларидан чиқди.

Яна шу куни Расулуллоҳ Байтуллоҳни тавоф қилиб юрган чоғларида Фузола ибн Умайр деган киши ҳам Байтуллоҳни тавоф қилмоқчи бўлиб, Пайғамбаримиз ёнларида эргашиб юрди. Тавоф ичида нияти бузилиб, Расулуллоҳни ўлдиришга қасд қилиб, яқинлашиб келди. Расулуллоҳ унга қараб айтдилар:

— Эй Фузола, шу ҳозирда сен нимани ўйлаб турибсан?

Анда ул айтди:

— Ҳеч нарсани ўйлаганим йўқдир, ё Расулаллоҳ. Аллоҳни ёд қилиб зикр айтурман.

Расулуллоҳ бунинг сўзига кулдилар. Сўнгра:

— Эй Фузало, тавба қил, истиғфор айтгил, — деб унинг кўксига муборак кўлларини қўйиб эдилар, шу онда унинг кўнглидан барча бузуқ хаёллар кўтарилиди.

Шу ҳақда Фузало айтур:

— Менимча ер юзида энг ёмон кўрган кишим кўлини кўксимга қўйиб эди ани кўтармай туриб, энг яхши кўрган кишим бўлди.

Яна Абу Суфён шундай айтади: «Макка фатҳи бўлган кунлари тавоф қилгани Байтуллоҳга кирдим. Мендан кейин Расулуллоҳ ҳам кириб тавоф қилдилар. Кўзим юзларига тушиши билан кўнглимга шундай фикр келди: «Бу киши нима сабаб билан бизга ғалаба қилди?»

Дарҳол Расулуллоҳ менга қараб олдимга келдилар:  
— Аллоҳнинг ёрдами билан сени галаба қилдим, эй  
Абу Суфён деб елкамга қоқиб қўйдилар.

Анда мен:

«Энди аниқ билдим, сиз Аллоҳнинг пайғамбари экансиз, йўқ эрса, кўнглимга келган бу сўзни Худо билдирмаган бўлса, қайдан билурсиз? — дедим».

Расулуллоҳ Маккада турганларида ҳазрати Билол Каъба устига чиқиб беш вақт намозга азон айтар эди. Қурайш йигитларидан бир нечалари анинг айтган азонини дўраб (масхара қилиб), булар ҳам азон айтар эдилар.

Бир куни шулар ичидан Абу Маҳзура деган йигит ўз одатига Ҳазрати Билолни дўраб азон айтганида Расулуллоҳ эшитиб қолдилар. Қарасалар унинг овози ёқимли экан, уни чақиртириб киши юбордилар. У ҳам бу ишим учун ўлимга чақирилдим, деб кўрқиб келди. Олдиларига келгач, унинг манглайини, кўксини қутлуғ қўллари билан силаган эдилар, кўнглида иймон нури ёриди.

Сўнгра азон айтишни унга ўргатдилар:

— Мана энди сен аниқ азончи бўлдинг. Шу кундан бошлаб, Макка халқига азон ўқиб тургин, — дедилар.

Шунинг билан бу киши Байтуллоҳга муаззин бўлиб қолди. Вафот бўлгунчалик шу хизматда туриб, ўздан кейин ҳам кўп йилларгача Байтуллоҳ муаззини шу авлоддан қўйилар эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жума куни эрталаб Маккага кирдилар. Шу куни кечгача қаршилик қилувчилар билан урушмакка, зарарлик кимса бўлса ўлдирмакка рухсат берган эдилар. Шу вақт ўтгандан кейин Макка ичида қурол қўлланмоқ ман қилинмиш эди. Шундай бўлса ҳам, буйруққа қарамай, Ислом тарафдори Ҳузоъа қабиласи шаҳар олинган куннинг эртаси душманлари бўлган Бани Бакр қабиласидан Ибн Ақраъ деган кишини ўлдириб қўйдилар. Бу ўлдирилган киши мушриклардан бўлиб, ҳали динга кирмаган эди.

Ислом динида одам ўлдириш, айниқса, Ҳарам тупроғида бу ишнинг бўлиши энг улуғ гуноҳ бўлганликдан Расулуллоҳ билиб, ўлдирувчини бек ёмонладилар. Сўнгра шу куни пешин намозини ўтагандан кейин Каъба томига (деворига) суяниб туриб кўпчилик халққа қарата узоқ бир ваъз сўзладилар.

Дастлабда Аллоҳнинг ўзига яраша улуғлаб, анга ҳамду-сано айтдилар. Сўнгра кўпчилик халққа қараб:

— Эй одамлар, билингларким, Аллоҳ таоло еру-кўкни яратган кунидан бошлаб, бу ерни ҳурматли қилмишдир. Ва қиёматгача бу жойнинг ҳурматини ўзи сақлайди. Аллоҳга, охират кунига иймон келтирмиш мўъминлар бунинг ҳурматини сақлашлари албатта лозимдур. Бу жойда уруш қилиб, қон тўкиш у ёқда турсин, бу ер ҳурмати учун ҳайвонлари ҳам овланмайди, кўкарган ёғочлари кесилмайди, жониворлари қўрқитилмайди.

Мендан илгари ҳам бу ерда уруш қилмоқ, бунинг ҳурматини бузмоқ ҳеч кимга ҳалол қилинмаган эди, мендан кейин ҳам ҳеч кимга ҳалол қилинмағай.

Ҳарам тупроғида уруш қилиш, қон тўкиш Худо томонидан менгагина рухсат қилинди. Бу ҳам эрса вақтлик бўлиб, бир кунлик эди. Чекланган вақти ўтгач, яна бу жой ўз ҳурматига қайтди. Буни англаганлар англамаганларга, бор кишилар йўқ кишиларга айтсинлар.

Эй Хузоъа қабиласи! Бундан кейин урушдан қўл тортинглар, киши ўлдиришдан сақланинглар. Ким бўлса бўлсин, ул одам ўлдирди эса, ўлимдан қутила олмайди. Удурким, қасос қилиб ўзини ўлдиргаймиз. Ёки ўлик эгаси розилик берар экан, хун тўлатгаймиз, — дедилар.

Сўнгра Хузоъа қабиласи ўлдирган киши учун хазинадан товон тўлашга буюрдилар. Яна шу куни ким Аллоҳга қиёмат кунигача иймон келтирмиш эрса, уйларида бўлган бутларини қўймай синдирсинлар, деб бутун халққа жар чақиртирдилар.

Бу ердан чиққандан сўнгра Макка халқи уйларидаги борлик бутларини қолдирмай синдиришдилар. Шу кундан бошлаб, Макка шаҳри ичида бутга топинувчилик қолмагандай бўлди.

Сўнгра Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи васаллам Холид ибн Валидни ўтгиз киши билан бориб, Уззо номи бутни синдириб, бутхонасини бузиб келмакка буюрдилар. Бу эса Маккага яқин Наҳда деган жойда эди. Ҳазрати Холид бориб бутхонани бузиб қайтгач:

— У ерда нима кўрдинг? — деб сўрадилар.

— Ҳеч нимарса, ё Расулаллоҳ, — деди Холид.

— Андоғ эрса бутхона бузилмабдур, тез бориб уни бузгил, — дедилар Пайғамбаримиз.

Ҳазрат Холид дарҳол у жойга қайтиб келиб, бутхона вайронасига ғазаби билан қилич суғуриб кирди. Қараса яп-яланғоч, сочлари хурпайган бир қоп-қора хотин жонининг борича Холидга қараб югурди. Бутхона бошчиси:

— Эй Уззо, тут душманингни, ол уларни, — деб ортидан қичқирур эди.

Ҳазрати Холид бир қилич уриб, уни икки бўлиб парчалаб ташлади. У ердан келиб, Расулуллоҳга буни айтди эрса:

— Уззо энди ўлдирилмиш. Бу жойда бут бўлиб, ўзига топиндиришдан унинг умиди узилмишдур, — дедилар.

Уззо арабларнинг сайиди саналган Қурайш ва Бани Канона қабиласининг топинадиган атоқлик бутлари эди. Араб мушриклари эрса шу бутнинг илоҳий кучи бор, деб ишонур эдилар.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Осни Ҳузайл қабиласининг бутхонасини бузиб келишга буюрдилар. Буларнинг эрса Сувоъ номли бутлари бор эди. Амр ибн Ос у ерга боргандан сўнгра бутхона шайхини кўриб, мени Расулуллоҳ бу жойни бузмоққа юбормишдур, деди. Анда Содин деган бутхона шайхи:

— Буни бузишга кучинг етмайди. Агар, Сувоънинг қаҳри келур бўлса, барчангиз халок бўлгайсиз, — деди.

Амр ибн Ос:

— Эй бечора, Каъбага осилмиш уч юз олтмиш бутни синдириб оёқ остига ташладилар. Бу ишдан зиён кўрган ҳеч киши йўқдур. Ҳалигача бу бузук хаёл сендан чиқмаган экан, — деб, ўзи бошлаб уриб бутни синдиргач, бошқалар бутхонани бузиб, бир дамда вайрон қилдилар. Содин бу ишга ҳайрон қолиб:

— Аллоҳнинг қудратига таслим бўлдим, — деди.

Яна шу кунларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Манот исмлиқ бутни синдириб, бутхонасини бузмакка Саъд ибн Зайдни юбордилар. Бу эса Макка тоғлари ичида Қудайд деган жойда ясалган бутхона эди. Мадиналик Авс, Ҳазраж бошлиқ Ғассон қабиласи ва бошқа бир неча қабилаларнинг Исломдан илгари келиб топинадиган бутлари эди. Буни бузмоққа саҳобалардан йигирма киши отлиқ Саъдга қўшилиб келган эдилар. Ҳазрати Саъд қилич суғуриб бутхонага бошлаб кирди эрса, бир қоп-қора хотин қип-яланғоч, сочи

ёйилган, юз-кўзига уриб, «дод-вой» солиб йиғлаганича югуриб чиқди. Бутхона шайхи эса:

— Эй Манот, душманларингни ур, ушла! — деб хотин кетидан қичқирур эди.

Ҳазрат Саъд қилич уриб, уни парчалаб ташлади.

Шунинг билан Макка атрофидаги бутун атоқли бутлар синдирилиб, бутхоналари бузилди. Макканинг фатҳ бўлгани, араб мушриклари олдида муқаддас ҳисобланган бутхоналар бузилгани эрса, неча минг йиллаб қабилачилик даҳшати остида энг оғир турмуш кечириб келаётган араб халқининг бир бахтлиқ давлатга эга бўлишларининг бошланиши эди. Макканинг фатҳ бўлиши, Қурайшнинг енгилиши бутун Арабистонга тарқалгач, араблар ўзларидаги қаршилиқ кучларининг илдизи бўшаб қолганини сезмиш эдилар. Чунки араблар олдида бу ишнинг юзага чиқиши-чиқмаслиги Қурайш халқининг енгиш-енгилишларига боғланиб турган эди. Шунинг учун Макка олингандан сўнгра Ҳавозин қабиласидан бошқалари бу ишга кўп қаршилиқ қила олмадилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага киришларида тўққиз кишини кўрган ерда ўлдиришга буюрган эдилар. Шуларнинг бирови Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайя эди. Бу эрса Ислом аскари Маккага кирган кунда жонидан кўрқиб қочган эди. Бунинг амасининг ўғли Умайр ибн Ваҳб деган киши иймон келтиргандан кейин Расулуллоҳ қошларига келиб:

— Ё Расулаллоҳ, бизнинг раисимиз Сафвон жонидан умид узиб, ўзини денгизга ташламоқчи бўлиб кетмишдур. Шунинг жонига омонлик берур бўлсангиз, ҳалок бўлмасдан оддинроқ етиб бориб, уни қайтариб келтирур эдим. Ундан гуноҳи оғир одамларга ҳам омонлик бердингиз, ё Расулаллоҳ, — деди.

Буни англаб дарров бошларидан салаларини олиб унга бериб:

— Бу нарса омонлик берганлигим учун белги бўлсин. Тезроқ бориб уни қайтариб келтир, — дедилар.

Расулуллоҳдан бу илтифотни кўргач, у ҳам кеча-кундузлаб юрганича денгиз бўйига етиб борди. Қараса кемага тушиб, бошқа бир ёққа кетмоқчи бўлиб турган экан. Уни кўриб:

— Эй Сафвон, одамнинг энг яхшиси олдидан келдим. Мол-жонингга зиён етмаслик учун ундан омон

олдим. Сенга ишончлик бўлмай деб, мана, бу дасторини берди. Эндиги маслаҳат шулдурки, ҳозир қайтиб олдига борайлик. Сендан ҳам гуноҳи овирроқ бир қанча кишилар эрса ундан омон олиб, илтифот кўрдилар. Агар олдига борур бўлсак, сен ҳам яхшилик кўрарсан, — деб кўп ёлворди.

У эса Расулуллоҳга ўтмишдаги қилган ёмонликларини эслаб жонидан кўрқиб, қайтмасликни аниқлаб қўйган эди. Шундай бўлса ҳам муборак дасторларини кўргач, бу зотнинг ваъда бузмаслигини илгаридан билганлиги учун қайтишга кўнгили мойил бўлди. Шунинг билан у ердан қайтиб, тўғри Расулуллоҳ олдиларига келди. Кўришгандан сўнг Сафвон айтди:

— Эй Муҳаммад, олдимга бормиш бу киши сўзича меним жонимга омон бермишдурсиз. Агар бу сўз тўғри эрса, Исломни қабул қилиш учун менга икки ой мухлат беринг.

Расулуллоҳ:

— Эй Сафвон, сенга тўрт ой мухлат бердим, — дедилар.

Яна, Расулуллоҳга энг қаттиқ душман бўлиб, озор берган киши Маккада Абу Жаҳл эди. Бадр урушида ўлдирилгандан сўнг ўғли Икриманинг душманчилиги отасидан ҳам ортиқроқ бўлди. Чунки у қасос олиш учун Ислом қонини ичишга қасам қилмиш эди. Шунинг учун: «Уни қаерда тутсангиз, ўлдиринг», деб Расулуллоҳ буйруқ бердилар. У буни англаб, кўрққанидан Яман мамлакатига қараб қочди. Унинг хотини Умму Ҳаким Исломга киргач, Пайғамбаримиз олдиларига келиб:

— Ё Расулоллоҳ, сиздан яхшилик кутиб келган кишиларнинг бировини ҳам қуруқ қайтармадингиз. Шу қаторда мен ҳам қуруқ қайтмаслигимга ишониб, эрим учун омон сўраб келдим. Яна қочиб юриб хафалиқдан ўзини ҳалок қилиб қўймасин, ё Расулоллоҳ, — деди.

Ана Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Агар уни қайтариб келур бўлсанг, яхшилик қилурмиз, — дедилар.

Буни англагач, у хотин эри орқасидан юриб денгиз бўйига келганда унга етди. Қараса, Яман вилоятига кетмак учун кемага тушмоқчи бўлиб турмиш эди. Унга қараб:

— Эй қариндошим! Энг яхши, энг раҳмли, энг вафоли киши олдидан келдим. Шундайин киши ўз оғзи билан сенга омонлик берди. Абу Қубайс тоғи ўрнидан

кўчиши мумкиндур, аммо Муҳаммад берган ваъдасини бузиши мумкин эмасдур, — деди.

Қайтишга рози бўлмай турган киши хотинидан бу сўзни англаб кўнгли эриди. Ҳар иккови биргалашиб Расулуллоҳ қошларига келди. Сўнгра Расулуллоҳга қараб:

— Эй Муҳаммад, хотинимнинг айтишича, у сиздан мен учун омон олмишдур. Бу сўзга ишонганимдан келдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Хотининг тўғри демишдур, қўлимдан келгудек нарсани сўрар экансан, уни берурман, — дедилар.

Дарҳол у ҳам шаҳодат айтиб Исломга мушарраф бўлди. Лекин ўтган ишлардан уялиб, бошини кўтаролмай:

— Ё Расулаллоҳ, кўп ўринларда сизга душманчилик қилиб қаршилик кўрсатдим. Мени шу гуноҳимни Худойим кечармикан? — деди.

Анда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй бори Худоё, Икриманинг душманчилик билан қилган ишларининг, мени ҳақимда айтган сўзларининг гуноҳларини кечиргил, — деб дуо қилдилар.

Икриманинг келаётганини кўриб, суюнганликдан ўринларидан туриб, араблар одатича: «Марҳабо, хуш келдинг» деб ридоларини унинг остига солмиш эдилар.

Икрима иймонга кирмасдан илгари уруш майдонида бир саҳобани ўлдирмиш эди. Буни кўриб Расулуллоҳ кулдилар. Анда саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, биздан бир киши душман қўлида ўлдирилганликдан мусибат устида эрурмиз. Бу ҳолда турган чоғда кулишингизга нима сабабдур? — деб сўрадилар.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Бу икковининг жаннатда бир ўринда ўлтирганларини кўрдим. Бу ерда эрса бир-бирларини ўлдиришурлар. Шунга ажабланиб кулдим, — дедилар.

Яна бир куни Расулуллоҳ туш кўрдилар эрса, жаннатга кирмиш эрурлар. Анда ҳар хил узумлар пишиб турган бир боғни кўриб: «Бу жой кимнинг боғи бўлгай?» деб сўрадилар. Анда фаришталар: «Абу Жаҳлнинг жойидур», деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ: «У жаннатга қандоқ киргай, жаннат мўъминларнинг жойидур», дедилар. Сўнгра Икриманинг Исломга киргани-

ни кўргач, отаси Абу Жаҳл ҳақида кўрган тушларини ўғли Икримага йўридилар. Шунинг учун Расулуллоҳнинг бу қилганларидан улгу олиб, туш йўримчилар қай бир вақтларда отага кўрган тушни болага, болага кўрганни отага юритдилар. Бу ерда Расулуллоҳнинг Абу Жаҳлни кўрган тушлари эрса, ўғли Икримага тўғри келди.

Ҳазрати Икрима Исломга кирган кунидан бошлаб, вафот бўлгунчалик катта ўринларда, муҳим хизматда бўлиб келди. Ҳазрати Абу Бақр Сиддиқ халифалик даврларида Шом ўлкасини фатҳ қилиш учун Холид ибн Валид қўмондасида Сурияга қирқ олти минг Ислом аскарлари билан қирмиш эди. Буларга қарши Рум подшоҳи Қайсар Ҳиракл томонидан юборилган икки юз элик минг куффор аскарлари билан Ярмақ деган ерда тўқнашдилар. Ўзларидан тўрт-беш баробар ортиқ бўлган куффор аскарини шу ерда қаттиқ енгдилар. Бу эса Рум тупроғида дастлаб кирган Ислом аскарининг биринчи ғалаба қозониши эди. Шу уруш тугагунча бош қўмондон Холид ибн Валид қўлида саккиз қилич синганлиги машҳур тарихларда ёзилмишдур.

Ҳазрати Икрима ҳам шу қўшин ичида бир фирқа аскар бошлиғи бўлиб Шом ғазотига чиқмиш экан. Ярмақда бўлган қаттиқ урушда шаҳодат топди. Разияллоху анҳу. Исломга кирмасдан илгари, юқорида ёзилганича, уруш майдонида бир саҳобани шаҳид қилган эди. Исломга киргандан кейин, Шом тупроғига ўтиб, Ярмақ урушида ўзи шаҳодат топди. Ҳар иккови жаннатнинг олий мақомида бирга ўлтирганларини кўриб, Расулуллоҳ кулган эдилар. Бунинг сирини шу чоққача ҳеч киши билмаган эди. Қачон бу киши Ярмақда шаҳодат топди эрса, кулганларининг сирини шунда маълум бўлди.

Икрима келмасдан туриб Расулуллоҳ саҳобаларга қараб:

— Икрима келиб иймон келтирур, унинг отаси Абу Жаҳлни сўкиб, яна ўғлига озор берманглар. Ўликларни сўкиш, улардан қолган тирикларини ҳақорат қилишдур, — дедилар.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Макка фатҳ бўлганидан сўнг, у жойда ўн тўққиз кун турдилар. Сўнгра Маккадан юз чақирим чамалик узоқликдаги Тойиф шаҳрига юрмакчи бўлдилар. Тойиф шаҳрида



Бани Сақиф қабиласи яшамокда эди. Бу сафарда аскарга сарф қилмоқ учун уч нафар Қурайш раисларидан бир юз ўттиз минг танга қарз олдилар. Сафвон ибн Умаййа эллик минг танга қарз берди. Абдуллоҳ ибн Аби Рабийъа, Хувайтиб ибн Абдул Уззо — бу икковидан саксон минг танга олиб, жами бир юз ўттиз минг танга бўлди. Сўнг бу пулларни аскар ичидаги чоғайларга улаштирдилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Сафо тоғига чиқиб ўлтириб, барча йиғилмиш кишилардан Ислом дини узра байъат олдилар. Келган кишилар:

**«Ашҳаду алла иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳу».**

Яъни: *«Аллоҳнинг бирлигига, анинг қули Муҳаммаднинг пайғамбарлигига ишондим»* деб, Расулуллоҳнинг қўлларини тутиб турган ҳолда иймон келтирур эдилар.

Одамлар тўп-тўп бўлишиб Ислом динига киргали турдилар. Бу ҳақда Наср сураси тушди:

— **«Иза жаа насруллоҳи вал-фатҳу ва роайтаннаса ядҳулуна фи диниллаҳи афважан».** Яъни: *Эй Муҳаммад, «ҳар қачон Аллоҳдан фатҳ — нусрат келур бўлса, кўрурсанким, одамлар тўп-тўп бўлишиб Ислом динига киргайлар»* демақдур.

Макканинг фатҳ бўлгани, Қурайш мушрикларининг енгилгани бутун Арабистонга тарқалиб маълум бўлди. Шу билан Ислом динининг шон-шавкати кўтарилди. Барча араб қабилаларига қўрқинч тушди. Бутпарастлик давлати йиқилиб, Ислом давлати ривожга кирди. Араб қабилалари эрса, қайси бири қўрққанидан, қайси бири суйганидан динга кириша бошладилар. Ёлғизланиб тойифликлар ва унинг атрофидаги Ҳавозин, Сақиф қабилалари тушунмасликдан, ўжарлик қилишиб, Расулуллоҳга қарши урушмоқчи бўлдилар. Бунинг хабари анлангач, улар устига юриш қилиб, Ислом ҳайбатини кўрсатмоқ лозим бўлди. Итоб ибн Усайд исмли Қурайш раисларидан янги мусулмон бўлган бир кишини Макка шаҳрига волий қилиб қўйдилар. Бу эса шу кунларда йигирма беш ёшли ўспирин йигит эди. Беш вақт намозга имом бўлиш вазифасини ҳам унга топширдилар. Ансор саҳобаларнинг олимларидан ҳазрати Муъоз ибн Жабални халққа динни ўргатиш, Қуръон ўқитиш учун Маккада қолдирдилар.

## ҲУНАЙН ҒАЗОТИ

Макка шаҳри фатҳ қилингандан кейин Ҳавозин, Сақиф қабиаларининг раисларига қўрқинч тушди. Барчалари йиғилишиб бу ҳақда кенгаш тўпландиғи туздилар. Алар:

— Муҳаммад эрса ўз қавми Қурайш ишидан қўли бўшанди. Уларнинг раислари чор-ночор унга бўйсунидилар. Энди бизнинг устимизга келишдан уни тўсқудек ҳеч нарса йўқдур. Эндиги маслаҳат шулдур-ким, Муҳаммад бош-оёғини йиғиб куч олгунчалик унинг устига биз бостириб борайлик, — дейишиб шунга тўхтаб қилишдилар.

Ўзларидан бошқа турлик қабиалардан уларга кўп халқ қўшилди. Ҳар қабила устига ўз раисларидан бошлиқ сайладилар. Бутун йиғилган қўшин устига Ҳавозин раисларидан Молик ибн Авф деган киши бош қўмондонликка тайинланди. Сўнгра у киши ҳар бир аскар хотин-боласини, мол-чорвасини ўзи билан бирга олиб келсин, деб буйруқ чиқарди. Бу келган душман қабиалари ичида Бани Саъд қабиласи ҳам бор эди. Бу эрса Расулulloҳнинг туғилгандан кейин тўрт ёшга етгунча эмизиб боққан энагалари Ҳалима хотуннинг қабиласи эди. Булар ичида Дурайд ибн Симма номли атоқли зўр баҳодирлардан бир киши ҳам бор эди.

Лекин бу киши эрса қарилик вақти етиб ёши юздан ўзғон, кўз кўрар нуридан ажрағон эди. Шундоқ бўлса ҳам уруш ишидаги тажрибасидан фойдаланмоқ учун уни бирга олиб юрган эдилар. Бу одам аскар ичига келгандан сўнгра, болалар йиғисини, ҳар хил ҳайвонларнинг турлик равишда товушини қулоғи эшитиб, бунинг сабаби нимадур, деб аскар бошлиғи Молик ибн Авфдан сўради. Бу киши эрса ёши ўттиздан ошаб, камолга етган киши эди. Анда ул:

— Дунёда турган ҳар киши уч нарса — жони, оиласи ва моли учун уруш қилгай. Мана шуларни сақламоқ учун энг сўнги кучлари билан урушурлар деб, ҳар аскар сафининг орқасига ўз хотин-болаларини, мол-дунёларини келтириб қўйдим. Энди алар ҳеч қачон буларни ташлаб қочолмагайлар. Хотин-болаларини кўриқлаб, душманга қарши ўлгунларича урушгайлар, — деди.

Бунинг шун сўзини англагач, қари баҳодир:

— Ҳой киши, сен аскар қўмондониди эмас, қўй-

эчкиларнинг чўпони экансан. Душмандан енгилиб қочган аскар олдини ҳеч нарса тўса олмагай. Уруш иши ўлиш ишидур. Қилич-найзасини қўлидан туширмай туриб, жон берган аскарларгина душманни енга олади. Хотин-бола, мол-дунё қўрққан кишини йўлидан қайтара олмагай. Агар душманни енгар бўлсак, барчамизнинг тилагимиз шулдур, унда яхши иш бўлуру эди. Агар душмандан енгилар бўлсак, мол-жон кетиб, яна хотин-болаларимизни душманларимиз асир, молларимизни ўлжа қилгайлар. Бу ишдан ҳеч қандай фойда биз учун чиқмайдур. Энди мен маслаҳат берурман, бу фикрдан қайтиб, хотин-болаларни тарқатиб, ўз жойларига қайтаргайсан, — деди.

Яна шунга ўхшаш бир қанча тажрибалик ишларни айтди эрса, ҳеч бирини ҳам қабул қилмай:

— Сен қариликдан ўтиб, алжиб қолибсан, — деб қўполлик билан унга жавоб қайтарди. Йўқ эрса бунинг маслаҳатидан чиқмасликка ўзи ваъда берган эди.

Сўнгра қари баҳодир бунинг сўзидан кўнгли оғриб:

— Эй Ҳавозин халқи, бу киши эрса менга берган ваъдасини ўзи бузди. Кўрсатган йўлимга юрмади. Бундан бошқа фойда берарли менда ҳеч иш йўқдур. Фойда ўрнига зиён чиқарму деб, қўрқиб қолдим. Иш бундай бўлгач, мени ўз еримга етказинглар, қайтгайман, — деди.

Анда аскар бошлиғи қиличини қўлига олди ва:

— Эй халқ! Агар меним шу фикримга юрмас экансиз, шу қиличимни кўксимдан қўйиб, орқамдан чиқаргайман, — деб ўзини ўлдирмоққа қасд қилди. Бунни кўрган аскар бошлиқлари:

— Қандай бўлса ҳам сенга итоат қилдик, сенинг сўзинг билан юргаимиз, — деб ҳар томондан қичқирдилар.

Улардан ваъда олгандан сўнгра аскар тартибини туза бошлади. Отлиқ аскарлар олдинги сафда турдилар. Булар кейинидан найзалик пиёдаларни қўйди. Бунинг ортидан туя минган хотин-болалар қалин саф боғлаб турдилар. Қолган ҳайвонлар — қўй, эчки, сизирларни бир-бирларига боғлаб, қочганлар ўтолмағудек қилиб зич боғлаб энг орқага турғузди.

Бу хабар Расулulloҳга бориб етгач, сўз келтурмак учун тингчи қилиб икки кишини юбордилар. Булар бориб уларнинг уруш ўрнини билиб, хотин-бола, мол-чорвалари билан кўчиб келган хабарини келтирдилар.

Расулуллоҳ бу сўзни англагач, кулимсираб:

— Эртага, иншааллоҳ, бу нарсалар барчаси мусулмонларга ўлжа бўлмай, — дедилар.

Душман устига юришдан илгари аскарга кўрик ўтказиш лозим эди. Кўрик қилгандан сўнгра қарасалар, қурол-яроғ етарлик чиқмади. Анда Қурайш раисларидан Сафвон ибн Умайяда уруш асбоблари борлигини англаб, Расулуллоҳ ундан сўрадилар. У чоғда бу киши иймон келтирмаган эди.

Анда ул:

— Эй Муҳаммад, зўрлик билан бўлмай, омонат тариқасида олур бўлсанг, йўқолса тўланур бўлса, бор қуролимни бергайман, — деб юз кишилиқ қурол келтирди.

Расулуллоҳ:

— Бу яроғлар эса бизда омонат бўлмай, ҳожат ўталгандан сўнгра ўзинга қайтаргаймиз, — дедилар.

Яна ўзларининг яқин қариндошлари Ҳорис ўғли Навфаддан уч минг кишилиқ найзани уруш ўтгандан кейин ўзига қайтариш шарти билан омонат олдилар. Шунинг билан уруш асбоблари тугалланган бўлиб, юришга буюрдилар. Қарасалар, аскар сони ўн икки минг бўлмишдур. Булардан ўн минг аскар мадиналик эрса, икки минг аскар Маккадан қўшиямиш эдилар. Яна булардан бошқа отлиқ, яёв, қари-қартанг, хотин-халажлар ҳам кўп эди. Ўлжа олиш умиди билан чиққан кишилар ҳам оз эмас эди.

Сафвон ибн Умайя, Сухайл ибн Амр ва шунга ўхшаш иймон келтирмаган Қурайш раисларига қўшилиб, мушриклардан ҳам саксон киши чиқдилар. Буларнинг мақсадлари эрса, ўлжа ёки пайт топсалар ўч олмоқ эди. Шунинг билан юриб-ўлтириб, душман ерига яқин келганда, аскарга саф боғлатиб, уларга туғ, байроқ топширдилар. Муҳожир саҳобаларга: Ҳазрати Умар, Ҳазрати Али, Ҳазрати Саъд ибн Аби Ваққосга уч туғ берилди. Ансор саҳобаларга эрса икки туғ берилди. Ҳазраж туғини Ҳубоб ибн Мунзир, Авс туғини Усайд ибн Хузайр олди.

Қолган қабилаларга ҳам ўз тартибларича туғ, байроқ топширилди. Шунинг билан олдга ва орта қоровул қўйиб, душман сари йўлга тушдилар. Макка билан Тойиф шаҳри оралиғи баланд тоғлиқ бўлганидан Ҳунайн деган жойга келганда пистирма бўлиб ётган душман томонидан тўсатдан ҳужум бошланди. Чунки бу ерлар

бир-бирига туташган қалин тоғлиқ жойлар эди. Жилга, қўлиқ-қулотга ўшаш тоғ ичидаги пана ўринларга аскар баҳодирларидан бирмунча кишиларни пистирма қўйишган эдилар. Ислом аскарининг олдинги оровул бўлути икки ёғи эгиз (баланд) қисилган тор йўлда келаётиб тўсатдан буларга уриниб қолди. Бўхтирмачилар дастлаб ҳа дегандаёқ буларни ўққа тутдилар.

Тор ерда отлиқ аскарларнинг ўққа қарши чидаб турмоғи уларнинг ажалга тўғри келмағи демақдир. Ночор от жиловини буришиб, оровул бўлути орқага чекинди. Орқада чўзилиб келаётган аскарлар буларни кўриб, нима эканини билмай қочғали туришди. Шунинг билан тоғ ичида келаётган ўн икки минг қўшин бир-биридан ҳуркишиб ҳаммалари қочишга бошлади. Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам шу куни эрса хачирларига миниб, уруш қуролларини бутунлай ташинган эдилар. Сел қоплагандек оломон аскарининг қочгани Расулulloҳга қилчаник таъсир қилмади. Шу турган жойларидан бир қадам орқага чекинмадилар. Ҳой кишилар, меним ёнимга ингиллар, деб қичқирур эдилар. Лекин ҳурккан халқнинг кўплигидан Расулulloҳнинг товушлари эшитилган бўлса ҳам, қайтишга ҳеч кимарса йўл топа олмас эрди. Расулulloҳни ўрталарига олиб ўраб келаётган саҳобаларнинг кўпчилиги бу тўполончиликда тарқалишиб кетди. Бу ерда бир неча саноклик кишилар билан Расулulloҳ ўзларигина қолдилар. Амакилари Ҳазрати Аббос жиловларини тутган эди. Яна амакизодаларидан Абу Суфён, Робиа, Муаттиб — булар эрса ҳар икки ён узангиларини ушлашиб Расулulloҳни душмандан сақламоқда эдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Али, Фазл ибн Аббос — булар душманни яқин келтирмасдан Расулulloҳни қўриқлаб уриб турдилар. Буларнинг қаттиқ зарбидан Расулulloҳга душманлардан ҳеч кимарса яқинлаша олмади. Лекин кутилмаган улуг ҳодиса бирданига пайдо бўлиши билан, кўп кишилар шошиб қолдилар. Катта саҳобалардан Ҳазрати Қатода:

— Ҳай, бу қандоқ ишдур? Бу мусулмонларга нима бўлди? — деганида, Ҳазрати Умар ҳам ҳайронликда қолиб:

— Нима бўлсин, Аллоҳнинг ишидур, — деди.

Булар айтганларидек бундоқ даҳшатли воқеа ҳеч бўлмаган, одатдан ташқари бир иш эди.

Буни кўрган маккалик янги мусулмонлардан, ҳали иймон келтирмаган юзга яқин Қурайш мушрикларидан ҳар хил сўзлар чиққали турди. Кўнгилларидаги яширин, ёмон сирларни сақлаб туrolмасдан суюниб кетиб, тилларига чиқардилар. Булардан энг биринчи бошлаб, ёмон тили чиққан киши Абу Суфён эди. Бунинг тили мусулмон эрса ҳам, дили шаклик бўлиб, мушриklar одатича тўлга ўқларини ўқдонга солгон, ўзи билан бирга келтурган эди. Бу киши суюнганидан чидаб туrolмай, бу сўзни айтди:

— Қасам қилурман, Ҳавозин халқи Муҳаммадни енгди, энди бу қочган мусулмонлар денгизга етмагунча тўхтаёлмагайлар.

Бунинг сўзини Сафвон ибн Умайя англади эрса:

— Ҳой, оғзингга тупроқ тўлсин! Ҳавозиндан чиққан бир кишига бўйсунганимиздан Қурайшнинг бир кишисига бўйсунганимиз ортиқроқдур, — деди.

Тағин бириси туриб:

— Энди араблар ота-бобосининг динига қайтажак-аур.

Яна бири туриб:

— Мана бутунги кунда сеҳр бузилди, — дедилар.

Бу киши эрса, юқориги Сафвонинг қариндоши эди. У кунда Сафвон ўзи иймон келтирмаган бўлса ҳам бу сўзни айтган инисига:

— Сўзламай тинч ўлтир, оғзингни Аллоҳ йиртсун. Қурайшдан бир киши бизга эга бўлгани яхшироқдир, Ҳавозиннинг эга бўлганидан, — деди.

Яна бир одам келиб:

— Эй Сафвон, суюнчи бер, Муҳаммад енгилди, иккинчи ўнганмас бўлди, — демиш эди, Сафвоннинг қазаби келиб:

— Эй аҳмоқ, кўчманчи араблар енгади деб қандай суюнасан? Аъробийларга бўйсунганимдан кўра, Қурайшнинг бир кишисига қараганим яхшироқдир, — деди.

Яна Абу Жаҳл ўғли Иқрима:

— Банданинг барча иши Аллоҳ эркидадур, Муҳаммадда на ихтиёр бордур? Бугун иш унинг зарарига айланмиш эрса, балки эртага анинг фойдасига бўлиб чиқар, — деди.

Шундоқ бўлиб, қочган кишиларнинг олди Маккагача етиб борди. Аскар иши шу ҳолга келган бўлса ҳам Расулulloҳ ўз ўринларидан ҳеч қимирламадилар.

Амакилари Аббос ўтқир товушлик киши эди. Унга буюрдилар: «Ё маъшарал ансор, ё асҳоба байъатир-ризвон» деб қичқиргил!

Ҳазрат Аббос қаттиқ товуш билан юқориги саҳобаларни қичқириб эди, бунинг товушини бутун аскар эшитдилар ва алар ҳар ёқдан қичқаришиб келгани туришди. Лекин душман аскарлари ҳам сел қоплагандек мусулмонлар устига тўкилмиш эди. Мана шу чоғда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ердан бир ҳовуч тупроқ олиб: «Юзлари қора бўлсин!», деб ҳужум қилиб келаётган қалин душманга қараб отдилар. Аллоҳ амри билан бир чангал тупроқ бутун душман аскарининг оғиз-кўзларини тўлдирди. Илоҳий куч билан отилмиш бир сиқим тупроққа қарши туролмай, селдек келаётган душман аскарлари орқа ўтириб қочдилар.

Расулудлоҳ эрсалар бу ҳолни кўргач: «Мен Абдулмутталиб ўғли, шаксиз Аллоҳнинг пайғамбариман», деган сўзларни айтиб, аскарни урушга қиздирдилар.

Ҳазрати Аббос қичқирғини, айниқса, Расулуллоҳ товушларини эшитган фидой саҳобалар арслондек душман томонига отилур эрсалар ҳам, боши бузуқ оломон қочган аъробийларнинг кўплигидан йўллар тўсилиб, Расулуллоҳга етишмак мумкин эмас эди. От устида, туя устида юриб Расулуллоҳга етмак имкониятини топмаган баҳодирлар от-улоқларини ташлаб, қурол-яроғларини ушлаб олға югуришдилар.

Мусулмонларнинг вақтинча чекинишлари эрса, ички-ташқи бир неча сабаблардан вужудга келмиш эди. Буларнинг дастлабда енгилгандек бўлиб кўринишлари душманларини бек қувонтириб, уларнинг руҳи кўтарилган эди. Душманнинг ҳужумчи аскарлари олдидан қизил туя минган, қора байроқ кўтарган туғ бегиси бўлиб, туғлик найзасини қўлида тўғри келган кишига санчиб, соғ қўймас эди.

Бу ҳолни кўрган Ҳазрати Али унинг қасдига тушиб, орқасидан пиёда келди ва туянинг кейинги оёғига қилич солди. Туя йиқилиши билан ансор саҳобалардан бирови туя устидаги туғ бегини чоқди. Тиззадан пастки оёғи қирқилиб, у ерга йиқилиб тушди. У тутган туғи ерга тушиши билан иш ўзгариб, Аллоҳнинг ёрдами мусулмонларга етишди.

Фатҳ — нусрат шамоли Исломи аскарлари устига эсди. Мушриклар эрса қочмаслик учун орқага сафлаб қўйган хотин-болаларини депсаганларича мол-дунёларини қол-

дириб, тўп-тўп бўлиб қочгали турдилар. Булар орқаларидан мусулмонлар қувғин қилиб, қўлга кирганларини ўлдирдилар. Бир-бирларига қайрилиб қарамоққа чамалари қолмади.

Расулуллоҳ айтганларидек, хотин-болаларини, бутун мол-дунёларини мусулмонларга ўлжа ва асир қолдириб, ўлимдан қолганлари эрса жон ваҳмидан бошлари оққан ёққа қочишиб йўқолдилар. Улардан қўлга тушганлари асир олиниб, Расулуллоҳ олдларига келтирилди. Энди шуни билмак керакким, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам умматлари учун уруш ишларида ибрат олгудек бу ғазотда энг муҳим бир дарс қолдирдилар. У эрса умматларидан чиққан кейинги аскар бошлиқларига улуғ эсдалик бўлиб қолди.

Бу ишнинг кўринишидаги сабаби шу эрдиким, Маккадан қўшилган мушриклар, ўлжа пойлаб келган кўчманчи бадавийлар, ҳали иймон кўнгилларида ўрнашиб етмаган янги мусулмонлар — мана шунга ўхшаш турлик кишилардан Ислом кўшини тузиламыш эди. Бундай кишилар олдида Исломнинг энгиши ёки энгилиши барибир эди. Шунинг учун душманга биринчи тўқнашишдаёқ ҳалиги айтилган кишилар энг биринчилар қаторига тушиб қочгали турдилар. Агар аллоҳдан ёрдам етмаган бўлса эди, иш мусулмонлар зарарига оғиб кетишига озгина қолиб эди. Мана шу чекинишнинг кўринишдаги сабабидур. Аммо бу ишнинг асосий сабаби эрса, саҳобалардан баъзи бирлари Маккадин кўшини кўзғалиб буларнинг яъни Ислом аскарининг кўплигини кўриб ажабланганларидан айтмиш эди:

— Ё Расулаллоҳ, бизлар энди кўпайдик. Бундан кейин душмандан энгилмаймиз.

Бу сўзни Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ айтди, деган ривоят ҳам бор.

Расулуллоҳ буни англагач, яхши кўрмай айтгувчидан юз ўттирдилар. Яъни бу сўзни ёқтирмадилар. Сўнгра Расулуллоҳни тасдиқлаб бу ҳақда шу оят нозил бўлди:

**«Ва явма Ҳунайнин из аъжабаткум касратукум фалам туғни анкум шайъан».** Яъни, *«Ҳунайн урушида кўпчилик бўлганларингга ишондинглар, у эрса сизларга фойда бермади».*

Иккинчи бир оят-да:

**«Ва ман-насру илла мин индиλλαҳи».** Яъни *«Ҳақиқатда эса урушда нусрат топш Аллоҳдин бўлу».*

Ҳар бир мусулмон кишига шундоқ деб ишонмоқ



фарздур. Айниқса, Пайғамбар саҳобаларигақим, улар Расулуллоҳни кўзлари билан кўрмишлар, эрта-кеча ваҳий келганларини билиб турадилар.

Душманни енгмоқ, уруш ютуқларига эга бўлмоқнинг шароитлари тўлиқ топилган тақдирда ҳам мусулмонлар нусратни Аллоҳдан тиламаклари лозимдур. Мана Ҳунайн воқеаси бу ишнинг ҳақиқатини очиқ исбот қилди. Йўқ эрса, шу замон талабига мувофиқ уруш асбоблари ҳам етарли эди. Аллоҳ ёрдами бир оз кечикиб эди, аскар кўплигига қарамай, хиёл ўтмай душманларидан зарба едилар.

Қуръоннинг айтишича, Пайғамбаримизнинг кўрсатишларича, ҳар бир мусулмон киши дунёда бир иш қилмоқчи бўлур экан, энг аввал бутун имконият борица ҳар замоннинг ўзига яраша ул ишнинг бутун асбоб-шароитларини тўлиқ қўлга келтирмак керақдур. Агар тўқсон тўққизини қилиб, имконият бўлагуриб бирини қилмай қолдирса, иш асбобини тўлиқ қилмаган бўлур. Бунинг сўнгида Аллоҳга тавакқални тўлиқ қилиб, ҳар ишни ҳақиқатда бўлдирувчи ёлғиз бир Аллоҳ деб ишонмоқ лозимдур. Муъмин бандаларнинг барчасига буюрилган Қуръон ҳукми шулдур. Нима иш қилур бўлсалар, аввал бутун сабабларини қилиб бўлиб, сўнгида Тангрига тавакқал қилмоқ, анинг бўлиш-бўлмаслиги Худо ҳукмидадур, деб билмоқ ҳар бир мусулмон кишига фарздур. Лекин асбобсиз иш шароитини бажармай туриб, қуруқ тавакқал қилишга ҳеч вақт шариат буюрмайди.

Тавакқалсиз ёлғиз асбобнинг ўзигагина ишонмоқ бу ҳам Исломиятга тўғри келмайди.

Энг тўғри тўхталган эътиқод шулдурки, бир ишнинг бутун асбоб-анжомларини тамоман тайёрлаган бўлса ҳам шу иш юзага чиқишини Худо хоҳласа бўлмай, хоҳламаса юзага чиқмағай. Худо хоҳламаган нарсани ҳеч кимарса бўлдира олмағай, деб эътиқод қилмоқ ҳар бир мусулмонга фарздур.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Шундоқ бўлиб, мушриклар бутунлай енгилгандан кейин, улардан ажали етмагани бўлса қочиб қутулди. Ўлимдан қутулиб қўлга тушганлари асир олинди. Уруш иши бутунлай тўхталгандан сўнгра ўлжа олган молларни йиғмоққа буюрдилар. Йигирма олти минг туя, қирқ мингдан кўпроқ қўй-эчки, тўрт минг уқия кумуш ўлжага тушиб, олти мингдан ортиқ хотун-бола асир олинган эди.

Бу ерда енгилган душман аскарлари эрса уч ёққа бўлиниб қочдилар. Булардан бир бўлаги Тойиф шаҳрининг қалъасига кириб қамалдилар. Иккинчиси эрса Наҳда деган жойга етиб шунда тўхтадилар.

Учинчи энг кўп бўлимлари Автос деган ерда тўпланишиб, қайтадан урушмоқчи бўлдилар.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бу хабарни англадилар эрса, тездан бориб уларни босиш учун Абу Омир Ашъарий қўмондасида бир фирқа аскар юбордилар. Булар душман устига боришиб, биринчи тўқнашдаёқ улар енгилиб, бирмунча ўлик қолдириб қочиша бошладилар. Лекин аскар бошлиғи Абу Омир бу урушда шаҳид бўлди. Абу Мусо Ашъарий бунинг иниси эди. Оғаси Абу Омир шаҳид бўлгандан сўнгра унинг ўрнига ўлтириб, ўлжа олинган молларини олиб, Расулуллоҳ қошига қайтди.

Сўнгра Расулуллоҳ у ердин қўзғалиб Тойиф шаҳри устига келдилар. Келаётган йўллари устида душман аскарининг бошлиғи Авф ибн Моликнинг қўрғони бор эди, уни. Расулуллоҳ бузмакка буюрдилар. Тойифга келиб қарасалар, душманлар қачонлардур келишиб қалъага қамалишган экан. Бир йилга етарлик озиқ-овқатларини ҳам ғамлаб олишибдур. Шундоқ бўлса ҳам мусулмонлар қалъани қуршаб олиб, қамал қилишга киришдилар. Душманлар эрса қалъа устидан туриб буларни ўққа тутдилар. Саҳобалардан бир нечаларига ўқ тегиб яраландилар.

Булар ичида Ҳазрати Абу Бакр Сиддик ўғли Абдуллоҳ қаттиқроқ яраланган эди. Шу ярадан соғая олмай юрганича бир неча йиллар ўтиб, отаси Абу Бакр Сиддик халифалик замонларида вафот топди, разияллоҳу анҳу.

Шундай қилиб, Тойиф шаҳрини ўн саккиз кун қамал қилдилар. Ҳар куни Холид ибн Волид майдон ичида қани чиқсун деб, душмандан ўзига баҳодир чақириб турган бўлса ҳам, унинг қаршисига ҳеч ким чиқа олмади.

Бир куни Сақиф қабиласининг раиси Абду Ёлайл қалъа устидан туриб қичқириб:

— Эй Муҳаммад, бу қалъани олишга овора бўлиб кўп уринманглар, бизлар эса ҳеч вақт қалъадан чиқиб уруш қилмаймиз. Бошимизга шундай кунлар келишини кутиб турганликдан ғамлаган овқатимиз ўзимизга етарлидур. Агар йиллар ўтгунча устимиздан кетмай

қамал қилиб турсангиз, овқатимиз камайиб қолса, у чоғда барчамиз яланг қилич бўлиб селдек қоилаб устингизга қуюлурмиз. Нима иш бўлур экан, уни бахтимиздан кўрамиз, — деди.

Бунга ҳам қарамай, ўшал замоннинг уруш асбоби манжаник, даббоба деган қалъабозар қуроллар келтириб ишлатдилар. Шаҳар атрофидаги узумзор, хурмозор боғларни кесиб вайрон қилишга Расулуллоҳдан рухсат олишиб, бирмунчаси кесилганида, Худо ҳаққи бу ишни қўйинглар, деб қалъадан қичқиришди. Буни англаб: «Худо учун буни қўйдим», дедилар.

Яна Расулуллоҳ қалъа ичидаги қулардан ким қочиб чиқар экан, уни қуликдан озод қилгаймиз, деб жар чақирдилар. Буни англашиб қуларидан йигирма уч киши қочишиб чиқди. Бу иш уларга қаттиқ зарба бериб, ўз ичларидаги борлиқ қулар бузилишга бошлади.

Шу орада Ғатафон қабиласининг раиси Уяйна ибн Ҳисн халққа жон куйдирган бўлиб, Расулуллоҳ қошига келди. Пайғамбаримиз буни обрўйлик аҳмоқ дер эдилар. Тилида мусулмон бўлмиш эрса ҳам иймон кўнглига аниқ кирмаган эди.

— Ё Расулаллоҳ, агар рухсат қилсангиз қамалда ётган душман қалъасига кириб, уларни Ислом динига даъват қилгай эдим. Ўзлари ҳам биздан шундай бир баҳона кутиб турган бўлсалар керак, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Бу яхши ишдур, — деб рухсат бердилар.

Сўнгра бу киши динга даъват қилиш ўрнига, уларга:

— Эй Сақиф халқи бу иш устида зинҳор бўшашманглар, ҳар қандай оғирчилик бўлса ҳам қалъани кўлдан бериб қўйманглар. Бизнинг кунимиз қурсин, сизларга ҳам келгай, биз эрса шу кунда қулардан ҳам ҳолимиз харобдур, — деди.

Исломни ёмонлаб бундан ҳам бошқача кўп сўзларни уларга айтди. Шу билан душманларни кучлантириб қўйиб қайтиб чиққач, Расулуллоҳ:

— Эй Уяйна, уларга нима деб айтдинг? — деб ундан сўрадилар.

Шунда ул:

— Мен уларни жаннатга қизиқтирдим, дўзахдан кўрқитдим, Ислом динига даъват қилдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Ҳой ёлғончи, қачон шундай дединг, ёлғон сўзла-

ма, — деб унга айтган сўзларининг бирини ҳам қолдирмай айтиб бердилар.

У эрса ҳайрон қолиб, хижолат бўлганидан:

— Ё Расулаллоҳ, бу ишдан, Худога тавба қилдим, анинг пайғамбаридан бу гуноҳим учун авф сўрарман, — деди.

Бу айтган хиёнат сўзини саҳобалар англаб, уни ўлдирмоқчи бўлсалар, Расулаллоҳ, соллаллоҳу алайҳи васаллам рухсат қилмадилар.

Сўнгра Ҳазрати Умар Расулаллоҳга келиб:

— Ё Расулаллоҳ, бу ишимиз кўп узайиб кетди, қалъага ҳужум бошлайлик, рухсат қилинг, — деди.

Анда Расулаллоҳ:

— Бу тўғрида мен Аллоҳдан ваҳий кутмоқда эдим, шу кунгача ваҳий келмади. Энди бу иш устида маслаҳат қилгаймиз, — деб Дайлам қабиласи раиси Навфал ибн Муовияни чақиртириб, бу ҳақда у билан кенгашиб олдилар.

Ул:

— Ё Расулаллоҳ, булар бўлса инига қочиб кирган тулкига ўхшаб қолдилар. Агар уни пойлаб ўлгирсан, тутиб олгаймиз. Ташлаб кетсак, бизга зиён еткиза олмагайлар, — деди.

Расулаллоҳ бу сўзни тўғри топиб Ҳазрати Умарга буюрдиларким, аскарни кўчиргай. Бу сўзни англадилар эрса, шаҳарни олиб, душманни енгмасдан қалъани қолдириб кетсак, араблар ичида номусга қолгаймиз, дейишиб ташлаб кетишни оғир олдилар. Ҳақиқатда Расулаллоҳнинг айтганлари яхши маслаҳат эди. Буларнинг кўнглига қараб қайтадан ҳужумга буюриб эдилар, бу гал илгаригидан ҳам кўп кишиларга ўқ тегиб, ярадорлар кўпайиб кетди. Шунда билишдиларким, Расулаллоҳнинг деганлари халқ учун фойдали экандур.

Саҳобалардан бир нечалари келишиб:

— Ё Расулаллоҳ, дуо қилинг, Сақиф халқи ҳалок бўлсин, — дедилар, Расулаллоҳ эрса:

— Эй бор Худоё, Тоиф халқи Сақифни ҳидоят қилгил, барчаларини мусулмон қилиб келтиргил, — деб уларга яхши дуо қилдилар.

Сўнгра Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам урушни тўхтатиб, аскарни кўчишга буюрдилар. Булар ҳам суюнишган ҳолда кўчгали турдилар. Шу билан Тойиф устидан кўчишиб Макка томонидаги Жиърона деган жойга келишдилар.

Душмандан тушган ўлжа моллар шу ўринда тўпланган эди. Шу қайтишларида дарахтли сой ичида кечалаб келаётган Расулуллоҳни уйқу элиб, туя устида ухлаб қолдилар. Сидра деган бир йўғон ёғоч тўғриси-га келиб туя қопланиб эди, у ёғоч иккига ёрилиб, ўртаси катта эшиқдек очилди. Расулуллоҳ ухлаганларича билмасдан ўтиб кетдилар. У дарахт шу ажралганича қолди. Худо қудрати билан бўлган бундай ишлар агар пайғамбарларга бўлса, мўъжиза бўлур. Авлиёлардан кўрилганлари эрса кароматдур. Ҳар икковига ишониш мусулмонларга фарздур. Яна ўз ўрни келганда бу масалани ҳар ким тушунгудек қилиб айтиб ўтармиз, иншаллоҳ.

Шунинг билан Расулуллоҳ манзилга келиб тушганларидан кейин душмандан олинган молларни кўздан ўтказдилар. Араблар одатича урушдан тушган ўлжа моллардан қабила раисларига ҳисса чиқариш албатга лозим эди.

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дастлаб Қурайш раиси Абу Суфёнга бу молдан ҳисса чиқариб, юзта туя, қирқ уя кумуш бердилар. Буни кўриб Абу Суфён:

— Ё Расулаллоҳ, ўғлим Зайдга ҳам, — деди.

Унга ҳам ўшанчалик буюрдилар.

— Ўғлим Муовия ҳам қолмасин, — деб эди, бунга ҳам шунчалик бердилар.

Демак, Абу Суфён оиласи уч юз туя, бир юз йигирма уя кумуш олган бўлди. Бу киши эрса Расулуллоҳнинг жонларига қасд қилиб, қўлидан келарлик ёмонлигини аямаган, ҳалигача иймон кўнглига кириб ўрнашмаган эди. Унинг кўнглини Исломга оғдириш учун бу ишни қилдилар. Одам боласи эҳсон қулидур, деган сўз мазмунича Абу Суфён ўз устида бундоқ улўф эҳсонни кўргач:

— Ога-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулаллоҳ. Сиз билан қилган уруш-ярашнинг икковида ҳам яхшиликдан бошқани сиздан кўрмадим, — деди.

Яна Қурайш раисларидан Ҳаким ибн Ҳизомга юз туя бердилар. Тагин сўраб эрди, яна юз туя қўшдилар. Яна сўради, яна юз туя қўшдилар, ҳаммаси уч юз туя бўлди. Бунга ҳам уч юз туя бергандан сўнгра айтдилар:

— Эй Ҳаким, бу дунё моли эрса нафсга ширин, кўзга қизиқ кўринур. Агар буни тўқ кўзлик билан қаноат қилиб олса, оз бўлса ҳам, қутлуғ барокатлик

бўлур. Агар нафсига эргашиб очкўзлик билан суқла-  
ниб олса, кўп бўлса ҳам унда барокат бўлмагай, ҳар  
қанча еб-ичиб турса ҳам қорни тўймагай. Устинги  
қўл остинги қўлдан ортиқдур. Бергувчининг қўли ол-  
гувчининг қўлидан яхшидур, — дедилар.

Ҳаким ибн Ҳизом Расулуллоҳдан бу сўзни англагач  
юз туяни ўзига қолдириб, икки юз туяни қайтарди:  
«Сиздан кейин ҳеч кимдан мол қабул қилмарайман»,  
деб онт ичди. Вафот бўлгунчалик шу аҳдини бузмас-  
дан дунёдан ўтди. Ҳазрати Абу Бақр Сиддиқ разиял-  
лоҳу анҳу халифалик даврларида атрофдан келган ғани-  
мат моллардан бошқа саҳобаларга бергандек, бу ки-  
шига ҳам улуш чиқарар эдилар. Расулуллоҳга берган  
ваъдани айтиб, уни ҳам қабул қилмас эди. Бу киши-  
дан кейин Ҳазрати Умарга ҳам шу муомалани қилди.  
Дунёдан ўтгунча ваъдасини бузмай, киши қўлидан нар-  
са олмади.

Яна қабила раисларидан Ақраъ ибн Ҳобис ва Уяй-  
на ибн Ҳиснларга ҳам юз туядан инъом қилдилар.

Аббос ибн Мирдос деган кишига қирқ туя бериб  
эдилар, у бунга рози бўлмай: «Ул юз туя олганлар  
мендан ортиқ эмаслар», деди ва бу айирмачиликка  
сабаб нимадур деган мазмунда шеър айтиб, халқ ичи-  
га тарқатди. Расулуллоҳ бунинг тили тўхталсин деб,  
яна олмиш туя бердилар. Бундан мақсадлари эса муш-  
рикларни Исломга қизиқтириш эди. Қурайшнинг бош  
раисларидан Сафвон ибн Умайя ҳали иймон келтир-  
маган, балки Исломга кириш учун икки ой муҳлат  
сўраганда, унга Расулуллоҳ тўрт ой берган эдилар. Икки  
тоғ орасига тўлган саноқсиз кўп молни унга инъом  
қилган эдилар, буни кўриб тўрт ойлик муҳлатга қара-  
май, дарҳол иймон келтирди.

— Бундай улуғ эҳсонни пайғамбардан бошқа ҳеч  
ким қила олмагай, — деди.

Абу Суфён зоҳирдан иймон келтирган бўлса ҳам,  
кўнглида Ислом муҳаббати ўрнашиб етмаган эди. Уни  
динга жалб қилиш учун киши ҳайрон қолғудек унга  
инъом қилдилар.

Булардан бошқа раислар Ақраъ ибн Ҳобис, Уяйна  
ибн Ҳисн, Аббос ибн Мирдос каби кишилар эса атоқ-  
лик қоработир қабила раисларидан бўлганлари учун,  
буларни ҳам исломият йўлига тортишлари керак эди.  
Шунинг учун уларнинг суйган нарсалари билан кўнгли-  
ларини овладилар. Расулуллоҳнинг бу қилган ишлари

эса келгусидаги умматлари учун йўл кўрсатиш эди. Юқоридаги кишиларга берилмиш моллар эса аскар ҳақиға қўшилмаган, Расулуллоҳнинг ўз ҳақлари эди. Бундай молар Пайғамбаримизнинг ўзларига тегишли нарсалардан берилгандур. Қуръон қонунида душмандан ўлжа олинган молларнинг бешдан бирини Расулуллоҳ ўзлари олгайлар. Бундан ўз оилалари учун энг тубан даража нафақа чиқариб, қолганини фақир-мискин ҳожатларига улашар эдилар.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ўлжа молларининг барини бир ерга йиғдилар. Яёв аскарга бир ҳисса, отлиқ аскарга икки ҳиссадан тақсим қилиб бердилар. Бу ишнинг устида мунофиқлардан бир киши қараб туриб эди. Ул айтди:

— Эй Муҳаммад, бу қилган тақсимингда адолат қилмадинг.

Бу сўздан Расулуллоҳнинг муборак юзлари ўзгариб, қаттиқ ғазаблари келди. Менгзалари анор донларидек қизариб айтдилар:

— Ҳой одам, агар мен адолат қила олмасам, энди дунёда ким адолат қила олгай? Биродарим Мусони Аллоҳ раҳмат қилсун. У эса мендан ҳам ортиқроқ озорланиб, яна сабр қилган эди. Мен ҳам бунга сабр қилишим керак.

Анда Ҳазрати Умар туриб:

— Ё Расулаллоҳ, рухсат қилинг, бу мунофиқнинг бошини кесиб ташлайин, — деб эди, рухсат этмадилар.

Яна Ҳазрати Холид келиб:

— Ё Расулаллоҳ, буни албатта ўлдириш керақдур, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Балки бу намоз ўқур бўлса, уни қандай ўлдиргани бўлур? — деганларида, Ҳазрати Холид:

— Кўп намоз ўқувчилар бордурким, тилларида айтурлар, лекин у нарса дилларида йўқдур, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Мени Аллоҳ таоло кишиларнинг дилини ахтармоққа, уларнинг кўнгилидагини билмоққа буюрмади. Тиллари билан қалимани келтириб, Қуръон ҳукмига бўйсунсалар, шунга қаноат қилурман, дилларини Аллоҳга топширурман, — деб уни ўлдиришга рухсат бермадилар. Сўнгра:

— Бунинг наслидан шу яқинда бир тоифа кишилар пайдо бўлгайким, умматларим ичра кўп фитнафасод солгайлар. Кофирларни қолдириб, мусулмонларни ўлдиргайлар. Оғизларида Қуръон тиловатлари бордур, кўнгилларида эса ундан заррачалик баҳралари йўқдур, — дедилар.

Бу эса Расулуллоҳнинг ғойибдан хабар мўъжизалари эди. Ул зот деганларидек, Ҳазрати Алининг халифалик даврларида хавориж тоифаси пайдо бўлди. Расулуллоҳга адабсизлик қилган шу кишини ўзларига раис сайламиш эдилар. Исломи диннинг офати хавориж фирқасидан бошлаб тарқалди. Аларнинг аломатини Расулуллоҳ Ҳазрати Алига айтмиш эдилар:

— Эй Али, мендан сўнгра бир фирқа кишилари сенга қарши чиқиб уруш қилгайлар, сен уларга ғолиб келиб, зафар топгайсан. Раисларининг билагини бошида аёлларнинг кўкракларидек дўмбайиб чиққан белгиси бордур.

Расулуллоҳнинг айтганларидек, хаворижлардан тўрт мингдан ортиқ киши Ҳазрати Алига қарши чиқиб урушмоқчи бўлишди. Орада қон тўкилмаслиги учун, уларга кўп насиҳат қилдилар, фойда бермади. Бошқа илож йўқлигидан урушмоққа мажбур бўлгач, Расулуллоҳ айтганларидек, хаворижлар устидан ғалаба қилди. Тўрт минг кишидан тўққиз киши қочиб кутулди, қолганлари эса бутунлай қиличдан ўтказилди. Қўли устида кўкрак каби дўмбайиб турган белгиси бор раислари ҳам шу урушда ўлдирилди. Ўликлар ичидан ахтаришиб юриб, уни топдилар. Ўттиз йил илгари бу воқеадан хабар бериб, Расулуллоҳ айтган сўзлари тўғри чиққач, Ҳазрати Али бошлиқ бутун аскар такбир айтишиб, Пайғамбаримизга саловот ўқишдилар.

Мана шу кундан бошлаб хавориж фирқаси мусулмонлар ичида кўпайиб, Исломи халифаларига қарши ҳар ерда қўзғолон кўтардилар. Ҳазрати Алини шаҳид қилган Абдурахмон ибн Мулжам деган киши ҳам шулардан эди.

Расулуллоҳдан:

— Эй Али, илгариги умматлардан чиққан энг ёмон одам Солиҳ пайғамбарнинг туясини ўлдирган кишидур. Кейингилардан чиққан энг ёмон одам, сени ўлдирган Ибн Мулжамдур, — деган сўз ривоят қилинмишдур.



Яна ўз сўзимизга келайлик. Шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу урушдан ўлжа тушган молларни Қуръон қонунича бутун аскарга тақсим қилдилар. Юқорида ёзилганича, Қурайш раисларига, булардан бошқа қабила раисларига неча юзлаб туя инъом қилдилар. Аммо шунча кўп қилган инъомларидан мадиналик ансор саҳобаларга ҳеч нарса бермадилар. Инсончилик юзасидан бу иш уларга оғир келди. Ўз юртларида ҳар хил сўз кўпайди. Кўпчилик ичида яхши-ёмон сўзлагувчилар бўлди. Қайси бирлари айтур эди:

— Қаттиқчилик кунлари келса бизларни чақирур, ўлжа олган моллар бўлса, қараб турган тамошабинларга берур.

Қайси бири эса:

— Бу ажаб қизиқ ишдур, қиличимиздан қон оқизиб топган молларимиз юзлаб-минглаб душманларимизга тақсим қилинмоқдадур. Қурайш қонидан қуроллари-мизни ҳали артганимиз йўқ эди. Урушда қон тўккан биз қолиб, улар ўлжалик бўлдилар. Бу иш Аллоҳдан келмиш ваҳий орқали бўлса, у чоғда бўйсунмоқдан бошқа чора йўқдур. Агар Расулуллоҳ ўз фикрича қилимиш экан, унда бу тўғрилиқ сўз қилишга бизнинг ҳам ҳаққимиз бор, — деди.

Ансор саҳобаларнинг раисларидан Ҳазрати Саъд ибн Убада бу ҳолни кўргач, бундан бир фитна қўзғалиб қолмасин деб дарҳол Расулуллоҳга келиб;

— Ё Расулаллоҳ, ансор саҳобалар бу ишдан норози бўлмишлар. Ўз қавми Қурайш раисларига улуг инъомлар берди, шунчалик кўп моллардан бизларни қуруқ қолдирди, бошқалар қаторида ҳам кўрмади, дейдурлар, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Саъд, бу сўзга ўзинг қандай қарадинг? — деганларида:

— Ё Расулаллоҳ, мен ҳам шулар ичидан чиқолмадим, — деди.

— Андоғ эрса, бутун ансор саҳобалар бир жойга йиғилишсин, — деб буюрдилар.

Ҳазрати Саъд уларни бир ерга йиққандан сўнгра Расулуллоҳга хабар берди, алар узрасига Расулуллоҳ келдилар. Сўнгра ансор саҳобаларга қараб:

— Агар ичингларда бошқа уруғлардан киши бор эрса айтинглар, ўз қўшига қайтсин, — дедилар.

— Ё Расулаллоҳ, орамизда ёт киши йўқдур. Ўз жи-



Анда Расулуллоҳ:

— Эй ансор халқи, улар эрса янгидан Исломга кирган кишилардур. Буларнинг иймонларига кўп ишонч йўқдур. Кўнгилларини Исломга мойил қилиш учун шу бақосиз моллардан уларга бериб, дилларини шод қилдим. Сизларнинг иймонингиз кучлик бўлганига ишониб, дунё моли учун қайғурмаслар деб ўйлаб, сизларга мол бермадим.

Эй ансор халқи! Бошқа кишилар қўй-эчки, туя олишиб уйларига қайтсалар, сизлар Расулуллоҳни олиб қайтмоққа рози эмасмисиз? Худо ҳаққи қасам қилурман, агар Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб бормаган бўлсам эди, ансорлардан бир киши бўлиб яшар эдим. Агар бу кишилар барчаси бир йўлга киришиб, ансорлар бир йўлга кирмоқчи бўлсалар, Худо ҳаққи, мен Ансорлар кирган йўлга кирар эдим.

Эй бор Худоё, ансорларни ва ҳам уларнинг авлодларини раҳмат қилгин, — деб дуо қилдилар.

Расулуллоҳдан шундоқ ўтқир, ҳаяжонлик ваъз эшитгач, ҳаммалари йиғлашиб, кўз ёшларидан соқоллари сув бўлиб, кўксилари ҳўл бўлди.

— Барча халқ ўлжа олишиб уйларига қайтсинлар, биз бўлсак, Расулуллоҳни олиб қайтмоққа рози эруرمىз, — дейишиб, шодлик билан тарқашдилар.

Расулуллоҳнинг бу муборак нутқлари натижасида ҳеч кимнинг кўнгида кири қолмай ўртадаги ғубор кўтарилди.

Бу урушда душман йиғилгандан сўнгра орқа сафларга қўйилган хотин ва болалардан бир қанчалари асир олинган эди. Улар ичида Шаймоъ деган бир хотин аскарларга қасам қилиб:

— Мен Муҳаммаднинг эмақдоши эрурман, ёшлигида уни эмизган Ҳалима хотиннинг қизидурман, — деди.

Анда саҳобалар унинг сўзига ишонмай, Расулуллоҳ олдиларига олиб келдилар. Орадан кўп вақт ўтганлигидан Расулуллоҳ уни танимадилар ва:

— Агар бу айтган сўзинг тўғри бўлса, сенинг баданингда мендан қолган бир белги бўлиши керак, — дедилар.

Анда ул хотин дарҳол қўлини очди. Билаги устида оқариб турган очиқ бир доғни кўрсатиб:

— Сизни кўтариб юрганимда тишлаган жойингиз мана, ё Расулуллоҳ, — деди.

Бу аломатни кўриб танидилар. Дарҳол ўринларидан туриб, елкаларидаги ридоларини солиб, устига ўлтирғиздилар. Бу хотин Расулуллоҳни эмизган Ҳалиманинг қизи эканлиги аниқлангач, уни бек ҳурматладилар. Ота-оналарини сўраб, уларнинг ўлганликларини эшитгач, муборак кўзларидан ёш тўкилди. Сўнгра унга қараб:

— Эй Шаймоъ, мендан нима сўрасанг берурман, нима десанг қабул қилурман, — дедилар.

Бу хотин Расулуллоҳга келмасдан олдин қабила раислари унга тушунтириб:

— Эй Шаймоъ, Муҳаммад сенинг сут эмишган қариндошинг бўлур. Агар у билан кўришиб қолур бўлсанг, аввал ўз қавмингни тилаб ол, — дейишган эди. Бу сўзни эслаб:

— Ё Расулуллоҳ, бу урушдан қўлга тушган барча асирларни мен учун озод қилишингиз сўрайман, — деди.

Хотун Бани Саъд қабиласидан бўлса ҳам, унинг ҳурматига бутун қабилалардан тушган асирларни бўшатдилар. Бундоқ улуғ шарафга араб тупроғида ҳеч ким эга бўлмаган эди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй Шаймоъ, агар хоҳлар экансан, сени ўз олдимда қолдиурман. Оилам ичига қўйиб, кўп ҳурмат қилурман. Агар йўқ десанг, иззатинг билан ўз элингга қайтарурман, — дедилар.

Анда ул хотун:

— Ё Расулаллоҳ, рухсат қилсангиз ўз еримга қайганим яхшидур, — деди.

Унинг хоҳлаганича ҳар уруғ чорва молларидан бериб, хизматига қул-чўрилар қўшиб, ўз элига узатдилар. Буни кўриб, Ҳавозин қабиласи ўн тўрт кишини элчи қилиб Расулуллоҳга юборишди. Буларнинг раислари эса Зуҳайр ибн Сард деган киши эди. У келиб Расулуллоҳ билан кўришгач, барчалари мусулмон бўлдилар. Сўнгра:

— Ё Расулаллоҳ, мен эрсам сизнинг сут отангиз Абу Кабшанинг қариндоши эрурман. Биз Ҳавозин халқи сизнинг сут онангиз Ҳалима хотиннинг қабиласидурмиз. Молдан, бошдан ажралиб бу оғир кунга қолганлар эрса, барчаси сизга қариндош, эмақдош бўлурлар. Ёшлигингизда биздан сут эмган эдингиз. Шунинг ҳурматини юзимизга парда қилиб келдик, ўлжага ту-

шиб, тақсим топиб кетган мол-бошларимизни ҳам қайтариб беришингиз сўраймиз, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Сўзнинг яхшиси энг тўғри сўздур. Тойифдан қайтиб келганимдан бери сизларни кўп кутдим. Эндиги маслаҳат шулки, икки ишдан бирини ихтиёр қилинглар. Ё мол сўранглар, ёки жон. Қайси бирини хоҳлар экансиз, шунинг чорасини қилурмиз, — дедилар.

Анда улар:

— Ё Расулаллоҳ, мол қолса ҳам, бош асирларимизни қайтарилса, унга ҳам кўп рози бўлурмиз, — дейишиб эди, ўзларига қарашлик асирларни Расулуллоҳ қайтардилар.

Буни кўргач, бошқалар ҳам қайтаришди. Шундай бўлиб молдан ташқари барча асирлар Расулуллоҳнинг суг оналари Ҳалима хотин ҳурмати учун озод бўлдилар. Сўнгра Расулуллоҳ Ҳавозин элчиларидан душман аскарининг бошлиғи Молик ибн Авфни сўраб:

— Агар ул Ислонни қабул қилса, оиласи бошлиқ бутун мол-жонларини ўзига қайтариб, яна юз туя инъом қилурман, унга хабар қилинг, — дедилар.

У эрса Тойиф шахрининг қалъасида қамалмиш эди. Қўрқиб ётган киши бу сўзни эшитгач, кўнгли Ислонга мойил бўлди. Шундай бўлса ҳам, буни бошқалардан яширин тутиши лозим эди. Бир куни пайт пойлаб, яширинча қалъа ташқарисига чиқди. Қараса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уруш жойидан кўчиб, Макка томонидаги Жиърона деган жойга қўнмиш эканлар. Буни англаб, у шу жой келди. Сўнгра ҳижолатлик билан Расулуллоҳ олдиларига кириб кўришиб эди, унга қилган хуш қилиқларини, дўстлардек муомалани кўргач, ҳайрон қолди. Дарҳол иймон келтириб:

— Ё Расулаллоҳ, Аллоҳдан ва унинг пайғамбаридан афв ўтинурман, — деди.

Бунинг келганига Расулуллоҳ бек суюндилар. Оиласи билан ўлжага қолдирган бутун молу дунёсини ваъдаларича ўзига қайтариб бердилар.

Расулуллоҳга қарши уруш очган Ҳавозин қабиладан булар енгилгандан кейин бир қанча киши Ислонга кирмиш эди.

Молик ибн Авфни буларга бошчи қилиб, қолган қабиаларни ҳам динга ундашга буюрдилар. Бу киши эрса бир неча кун илгари куфр аскарига бошчи бўлиб, Расулуллоҳ билан уруш қилган эди. Худо қудрати билан

Расулуллоҳнинг отган бир ҳовуч тупроғига шунча минг душман аскарлари чидаб туролмай қочдилар. Шундай улуғ мўъжизани ўз кўзи билан кўриб ўтказди. Иккинчидан эса, бу урушда араб тупроғига Ислом киргандан бери бўлиб ўтган урушларнинг энг қаттиғи эди. Шунинг учун бу уруш тўғрисида Аллоҳдан шу оят келди:

**«Ва ма ромайта из ромайта ва лакин-наллоҳа рома».**

Маъноси: *«(Эй Муҳаммад), шу бир ҳовуч тупроқни зоҳирдан сен отган бўлсанг ҳам, эй Муҳаммад, ҳақиқатда уни сен отмадинг, уни Аллоҳ отди»*, демакдур.

Албатта, уни Аллоҳ отгандур, бўлмаса Расулуллоҳнинг отган бир ҳовуч тупроғи шунча минг душман аскарининг кўзларига қайдан кирар эди. Бу урушда қанчалик кўп халқнинг мол-жонлари чиқим бўлишига, хотин-болалари ўлжа сифатида асир олиниб, бошқа араблар олдида номусга қолишларига шу раислари сабаб бўлмиш эди. Шундоғ бўлса ҳам Расулуллоҳ уни авф этиб, қабиласининг мусулмонларига раис қилдилар. Шундай олий ахлоқни кўриб, умид этмаган ишига эга бўлгач, жон-дили билан Расулуллоҳга берилиб, Исломнинг чин хизматчиларидан бўлди.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам шу тушган жойлари — Жийрона деган ердан умра ибодатини адо қилмоқ учун эҳром боғлаб Маккага кирдилар. Бу билан Макканинг оралиғи олти чақирим чамасида келур.

Ҳарам ташқарисидан Умра қилиш қасдида эҳром боғлаган киши келиб, Байтуллоҳни етти маротаба айланиб тавоф қилгандан кейин, икки ракат тавоф намози ўқиса, у ердан чиқиб Сафо, Марва тоғлари орасида етти қайта юргандан кейин сочини олдиурса, шу билан «умра» ибодатини ўтаган бўлур. Шу тартибда уч умра қилган киши бир ҳаж қилганнинг савобини топгай.

Расулуллоҳ умра ибодатларини тамомлагач, Маккада ётмай, шу кеча қайтиб Жийронага келдилар. Аскарнинг олди-орқаси йиғилиб келгунча бу жойда ўн уч кун туриб қолдилар. Тойиф сафарига чиққанларида Макка шаҳрига Итоб ибн Усайд дегн киши амир қўйилмиш эди. Уни ўз ўрнида қолдирдилар. Саҳобалардан Муъоз ибн Жабал, Абу Мусо Ашъарий — бу икковларини Макка халқига Қуръон ўқитмоқ, Ислом ҳукмларини ўргатмоқ учун тайин қилдилар. Шунинг билан Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Макка-

дан чиқиб, ҳижратнинг саккизинчи йили зулқаъда ойдан олти кун қолганда Мадинага келдилар. Бу сафардан қайтгунарлича саксон кундан кўпроқ ўтибдур. Ғазот сафарлари ичида энг узуну шул эди.

Тарих олимлари айтдилар, Расулуллоҳнинг араб тупроғида қилган ғазотларининг биринчиси Бадр ғазоти эди. Энг охиргиси эса шу Ҳунайн ғазоти бўлди. Ҳар икковида ҳам мусулмонлар ғалаба қозондилар. Жохилият ўтлари ўчирилиб, Ислому чироғи ёндирилди. Бунинг натижасида Арабистон ўлкасидан куфр қоронғулиги бутунлай кўтарилди.

Наср сурасидаги Худо тарафидан қилинган ваъдалар юзага чиқди. Яъни, Макка ғатҳ бўлиши билан араб халқи тўп-тўпи билан, қабила-қабиласи билан келишиб, Ислому динига киргали турдилар.

Яқиндагилари ўзлари келишди, йироқдагилари элчилар юборишиб, иймон келтиришди. Шундай бўлиб, бутун араблар Ислому динига бўйсундилар ва булар орқали Арабистон чўлларида сочилиб, тарқоқ яшаётган бутун қабилалар бирлашиб, Ислому туғи остига йиғилдилар. Демак, бир-бирлари билан бирлашмоқдан давлат кучи туғилиб, Ислому ҳукумати қурилди. Мана шу кундан бошлаб, Ислому дини бутун дунёга тарқалган турди. Энди Ислому дини эрса инсонлар учун Аллоҳ, томонидан сайлаб чиқарилган илоҳий бир қонундир. Бу диннинг қонунномаси бўлган Қуръон китобини Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ таоло юбормишдур. Ундаги айтилмиш сўзларнинг аниқлигида ҳеч қандай шубҳа йўқдур.

Лекин начорадурки, биз, мусулмон аталмиш кишилар шундайин муборак китобдан керагича фойдаланмадик. Бизни кўриб бошқалар ҳам эски чупракка ўрламиш гавҳарни таниёлмасдан, орқаларига отиб ташладилар. Шунинг билан бутун олам қоронғуликка келиб, босган қадамларини қаёққа қўйишини билмай, дунёнинг энг билимдон сиёсатчилари ҳам ҳайронликда қолдилар. Ҳозирча кема тешилиб, сув бошдан ошди. Энди ишнинг орти қандай бўлур, Аллоҳ ўзи англамаса, бошқа чораси йўқдур.

## ТАБУК ҒАЗОТИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан келиб, саккиз ойлик тинчлик билан Мадинада турдилар. Сўнгра Рум подшоҳи Қайсар Ҳирақл сонсиз кўп аскар

йиғиб Мадина устига юриш қилмоқчи бўлибдур, яна насоро арабларидан Лаҳм, Жузом, Фассон қабилалари ҳам уларга қўшилиб, буларнинг олдинги аскарари Балқоъ шаҳрига келиб қолмиш, деган хабарлар Расулуллоҳга етди. Ва бу хабарлар халқ ўртасида ҳам кенг тарқалди.

Расулуллоҳнинг одатлари эрса, Аллоҳдан ваҳий келмаган ишларда саҳобалар билан маслаҳат қилур эдилар. Агар душман устига сафар қилмоқчи бўлсалар, йўлларини яшириб, кун чиқиш эрса кун ботишга, деб халққа билдурур эдилар. Бир қабила устига юриш бўлар экан, унинг тескари томонидаги иккинчи қабилани англатур эдилар. Расулуллоҳнинг бундай қилишлари ўз умматлари учун йўл кўрсатиш эди.

Ислом шариатида ёлғон гапириш, алдаш халқаро муомала ишларида ҳаром қилинган бўлса ҳам, уруш кунларида ўрни келар экан ҳийла ишлатиш пайғамбаримизнинг сиёсий суннатларидан ҳисобланур. Бузуқни тузук қилгувчи ёлғон сўзлар, тузукни бузгувчи чин сўздан албатта яхшидур.

Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сафарда у одатларини қўйиб, қайси ёққа кимлар устига боришларини халқ ичида очиқ айтдилар. Анинг учунким, йўл йироқ, ҳаво иссиқ, душман кучлик эди. Сафар жамалғасини шунга қараб қилиш керак эди. Ҳар томонга жарчилар юбориб, бутун қабилаларни қурол остига чақирдилар. Бойлар эса чоғайларни таъмин қилишга, бор кишилар йўқларга ёрдам қилишга, сафарнинг керак яроғини, йўлнинг озиқ-овқатини тўлиқламакка буюрдилар. Бу йўлни бой кишиларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари юриб ташвиқот қилдилар. Чунки бу ғазотлари пайғамбарлик даври — йигирма уч йил ичида бўлиб ўтган ғазотларнинг энг оғири эди. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг тўрт минг тангага етарлик бойликлари бор экан, ҳаммасини Расулуллоҳ оддиларига келтириб қўйганларида:

— Оиланг учун қанча қолдирдинг? — деб сўраб эдилар:

— Аллоҳни, Аллоҳнинг пайғамбарини қолдирдим, — дедилар.

Ҳазрати Умар эрса борлик бойлигини тенг ярмини келтирди.

— Уйингда нима қолди? — дедилар.

— Шулар келтурганимнинг ярмини қўйдим, ё Расулаллоҳ, — дедилар.



Саҳобалар ичида Ҳазрати Усмондан ошган бой киши йўқ эди. Ул тўққиз юз туя, юз от, ўн минг танга олтин ақча ёрдамга келтирди. От-туяларни бутун саймонжабудқларигача тайёрлаган эдилар. Буни кўриб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй боро Худоё, мен Усмондан рози бўлдим, сен ундан рози бўлгайсан, — деб дуо қилдилар.

Яна ансор саҳобалардан Осим ибн Адий деган киши етмиш туяга юк бўлгулик хурмо келтирди.

Муҳожир саҳобалардан Абдурраҳмон ибн Авф юз уқия кумуш ёрдам қилди. Булардан бўлак ансор-муҳожирларнинг бой кишиларидан ёрдам қилмаган ҳеч ким қолмади. Бу улуғ эҳсондан хотинлар ҳам қуруқ қолгилари келмай, осинган-тақинган олтин-кумуш зийнатларидан қўп нарсаларини ёрдамга бердилар. Шу билан аскарнинг олди-орқаси йиғилиб сафар саймони тугалланди. Бу сафарги қўшиннинг сон-санови ҳақида ривоятлар турликча бўлса ҳам, ҳар ҳолда эллик мингдан кам эмас эди. Буларнинг ўн мингдан ортиқроғи отлиқ эдилар. Борлиқ аскарни бошқариб, кўрик ўтказгандан кейин, йўлга тушдилар. Бу гал Ҳазрати Алини ўз ўринларида Мадинага волий қилиб қолдирмоқчи бўлдилар. Ул киши эрса, бундан илгари ҳеч бир ғазотда Расулуллоҳдан ажраб қолмаган эди. Энди мундоғ улуғ жиҳод сафарида Расулуллоҳ суҳбатларидан йироқ қолишни бек оғир олди.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Али, Ҳорун алайҳиссалом Мусо пайғамбарга қандай бўлса, сен ҳам менга шундоғ бўлишга рози эмасмисан? Мусо алайҳиссалом Ҳудога муножот қилмоқ учун Тур тоғига кетганида, акаси Ҳорун алайҳиссаломни ўз ўрнида халифа қўйиб кетган эди. Мен ҳам сени Мадинада қолганлар устига ўз ўрнимда халифа қўйдим, — дедилар.

Бу сўзни англагач, иложсиз бўлиб розилик билдирдилар.

Қуръон ҳукми бўйинча Ислом подшоси томонидан агар жиҳодга чиқарилса, ёш-қари демай, урушга ярагудек ҳар бир мусулмон дарҳол Ислом туғи тагига йиғилишлари фарз эди. Бунга қарамай, қабила аъробийларидан бир қанчалари ёлғон узрлар кўрсатишиб, бу сафардан қолишга Расулуллоҳдан рухсат сўрадилар. Буларни кўриб Мадина мунофиқларининг раиси Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳам ўзига қарашлик

кишиларни ажратиб, аскарликдан бош тортди. Йўқ эса ўз олдига дастлаб аскар тизиб, шаҳар ташқарисига чиққан эди. Йироқ-яқиндан келган барча аскарлар йиғилишиб, энди юрадиган чоғда, бўлмаган баҳоналар билан бузилиб, у мунофиқ аскарларини олиб қайтди. Бундан мақсади бошқаларни ҳам бузиб, бу ишга зарба етказиш эди. Лекин аскар ичида унга эргашувчилар бўлмади. Халқ ичига бузуқчилик солиб:

— Муҳаммад эрса Рум подшоси Қайсар билан урушмоқчи бўлибдур. Бу эса ўйин иш эмас. Рум билан урушмоқни араб урушларидек чоғлаган бўлмай. Бу яқинда эшитиб қолурмиз, қўл-оёқлари боғланиб, душманларига асир тушиб кетгайлар. Қасам қилурман-ким, буларнинг шундай бўлиши менинг кўз олдимга келиб туради.

Анинг шунчалик бузуқчилик қилаётганини Расулulloҳ билиб турган бўлсалар ҳам, парво қилмай, ўз ишларида давом этдилар.

Яна бошқа саҳобалардан — Каъб ибн Молик, Ҳилол ибн Умайя, Мирора ибн Рабеъ, Абу Ҳайсама тўртовлари ихлосли киши бўлсалар ҳам нима учундир бу муборак сафардан бенасиб бўлдилар. Саҳобалар қаерда бўлса, қолганлар устидан сўз қилишиб:

— Ё Расулalloҳ, фалон киши қолди, — десалар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам:

— Қўйинглар уни, агар бизга ундан яхшилик етқулик бўлса, ҳеч қачон биздан ажраб қолмагай, ортимиздан бўлса ҳам етишиб келгай. Йўқ эрса, Аллоҳ ундан бизни кутқармишдур, унинг келмагани яхшидур, — дер эдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи вассаллам йўлга чиқишлари олдида, биринчи кун аскарга туғ байроқ топширдилар. Ўзларининг улуғ туғларини Ҳазрати Абу Бакр Сиддиққа бердилар. Бунинг байроғини Ҳазрати Зубайр кўтарди.

Ансор саҳобалар эрса, Авс, Ҳазраж аталиб, икки чўнг уругга бўлинадилар. Авс байроғини Усаид ибн Ҳузайрга, Ҳазраж байроғини Ҳубоб ибн Мунзирга топширдилар. Қолмиш барча қабилаларга бошчилар сайланиб, уларга туғ байроқ берилди. Шунинг билан бирга бу улуғ Ислом қўшини Расулulloҳ қарамоғи остида йўлга чиқдилар. Кундан-кун ўтиб, ярим ой чамасида Табук тупроғига тушдилар.

Баҳона қилиб сафардан қолган саҳобаларнинг бири

Абу Ҳайсама Расулуллоҳ йўлга чиққанларидан бир неча кун ўтгач, боғига кириб қараса, икки хотуни икки чайлани салқин қилиб ўлтиришибдур. У жойга сувлар сепилиб, ўринлар солинган, таом тайёрланган эди. Буни кўргач, у киши:

— Расулуллоҳ бўлса шундоқ кун иссиғида сафар меҳнати билан йўл кетиб борадур. Абу Ҳайсама эрса хотинлари олдида салқин жой, қалин тўшак устида қаңдоқ ўлтирур?! Бу иш инсофдан йироқдур. Расулуллоҳга етмагунча ҳеч қайсингни уйингга кирмасман. Сафар озуғини тайёр қилинглр, — деб уларга буюрди.

Сўнгра қилич-найзасини тақиниб, туясини миниб йўлга тушди. Шу юрганича аскар изидан ажрамай юриб-ўлтириб, Табук ерига яқинлашди. Шу чоғда Расулуллоҳ бир жойга тушиб дам олмоқда эдилар. Йироқдан бир неча туялик кишилар қораси кўринди. Расулуллоҳ у ёққа қараб туриб:

— Бу келаётган Абу Ҳайсама бўлғайму? — дедилар.

Бошқалар ҳам:

— Абу Ҳайсама экан, ё Расулуллоҳ, — дейишди.

Шу орада унинг ўзи ҳам етиб келиб, туясидан тушди. Салом бергандан сўнгра ўлтирмай туриб, бирга чиқмай қилган хатосига Расулуллоҳдан авф қилишларини ўтгиди. Унга танбеҳ бўлгудек бир оз сўз айтгандан кейин хатосини кечирдилар. У ердан юриб Қуръонда қиссаси бор Солиҳ пайғамбар ўтган Ҳижр деган жойга келдилар. Солиҳ алайҳиссаломнинг мўъжиза туясини ўлдирган Самуд қавми шу ерда ҳалок бўлмиш эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч ким бу ернинг сувидан ичмасин ва таҳорат қилмасин, деб буюрдилар. Чопонларини бошларига буркаб олиб, ҳеч ёққа қарамай, шу юрганларича Солиҳ алайҳиссаломнинг мўъжиза туяси сув ичган қудуқ устига келиб тушдилар. Самуд қавмига бўлган азобни эслаб:

— Ундан ибрат олинглр ва бу кеча қаттиқ бўрон бўлғай, от-уловларингизни маҳкам боғлаб, уларни яхши сақланглр. Ҳеч бир киши бу кеча ёлғиз юрмасин. Агар ҳожати тушса, йўлдоши бирга чиқсин, — дедилар.

Шундай бўлиб, у кеча бир кишининг туяси бўшаб кетган эди. Туяни излаб у киши ёлғиз чиқиб эрди. Расулуллоҳ айтганларидек, қаттиқ бўрон уни учириб Той тоғига элиб ташлади. Иккинчи бир киши ўз ҳожати учун ташқарига ёлғиз чиқиб эди, уни жин бўғиб

қўйди. Бу ишдан Расулуллоҳга хабар бердилар. Устига келиб дуо қилганларидан сўнгра шифо топди. Той тоғига ташланган кишини эрса, Расулуллоҳ кейин Мадинага юбордилар.

Бу сафарда Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқни намоз учун бутун аскарга имом қилмиш эдилар. Ҳазрати Ибод ибн Баширни бутун аскар устидан юриб соқчилик қилмоққа буюрдилар. У киши эрса бирдек айланиб юриб, кеча-кундуз аскар ҳолини Расулуллоҳга билдириб турар эди.

Бир куни тамоm аскар сувсизликда қолди. Оғиз ҳўллашга ҳам етгудек сув топилмади. Сувсизлик, чанқоқликдан аскарга ҳалокат кўрқинчи тушди. Баъзи бир кишиларнинг чанқоқликлари ҳаддан ошиб ўлимга етаёзганларида, туяларни сўйиб, ичак-қорни ичидаги сувни сиқиб ичишга мажбур бўлдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ бу ҳолни кўргач, Расулуллоҳ қошларига келиб:

— Ё Расулаллоҳ, аскарлар сувсизликдан ўлиш ҳолига етдилар. Аллоҳ таолога дуо қилинг, бизларни сувга сероб қилиб, чанқоқлик балосидан қутқаргай, — деди.

Расулуллоҳ қўл кўтардилар. Осмонда бир парча булут ҳам йўқ эди, дарҳол тоғдек булутлар айланиб чиқиб, шариллаб ёмғир ёғишга бошлади. Хиёл ўтмай, сойлар тўлиб сув оқди. Бутун аскар сув ичиб қондилар. Бор идишларини сувга тўлдириб олдилар.

Шу сафарда яна бир неча мўъжизалар юз берди:

Бир куни Расулуллоҳнинг минган туялари йўлда кетаётганда йўқолиб қолди. Бир қанча саҳобалар уни излаб тополмадилар. Аскар ичида Мадинадан бирга чиққан мунофиқлардан ҳам бир неча киши бор эди. Булар эса фақат ўлжа мол топиш учун чиқмиш эдилар. Расулуллоҳнинг туялари йўқолгач, улардан бирови туриб:

— Муҳаммад осмондан сизларга хабар келтирур, Худо тарафидан юборилган пайғамбарман, дейдур. Бу ажаб ишдурким, ўзининг туяси йўқолиб қолса, унинг қаёққа кетганини билмайдур, — деди.

Расулуллоҳга унинг айтган сўзи ваҳдий орқали аён бўлиб:

— Шу ҳозирда бир киши менинг устимдан сўз қилиб шундоғ дейдур, — деб унинг айтган сўзини бир харф қолдирмай айтдилар. Сўнгра:

— Мен ҳам инсондан туғилган инсон эрурман. Худо

билдирмаган ишни, ҳеч қачон ўзим била олмасман, у туянинг турган жойини Аллоҳ менга энди билдирди. Боринглар, фалон жилға ичида бир ёғочга илиниб, шу жойда тўхтаб турибдур, — дедилар.

Дарҳол шу жойга боришиб, туяни топиб келишдилар.

Улуғ саҳобалардан Абу Зар Гифорийнинг минган туялари эрса йўлда кетаётиб чарчаб юролмай, аскар орқасида қолди. Қараса туянинг юргудек ҳоли қолмабдур. Туяни ташлаб, юкни елкага қўйиб, аскар ортидан қолмай йўлга тушди. Бу ишдан Расулуллоҳга хабар берганларида, ул зот:

— Агар унда яхшилик нишонаси бўлса, Аллоҳ уни ҳеч қачон йўлда ёлғиз қолдирмагай, ортимиздан бизга етказиб келтиргай. Агар унда яхшилик нишонаси йўқ эрса, бизнинг ундан қутулганимиз яхшидур, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бир манзилга тушиб ўлтирган чоғларида йироқдан тоғ бошида бир кишининг қораси кўринди. Анда саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, ёлғиз киши йироқдан келаётгандек кўринадур, — дедилар.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

— Абу Зар бўлғай, — дедилар.

Тикилиб қарасалар, бу киши Абу Зар экандур. Анда Расулуллоҳ йироқдан кўриб уни танигач:

— Абу Зарни Аллоҳ раҳмат қилсин, у ёлғиз юради, ёлғизликда ўлади, ёлғиз тиралади, — деб, бу кишининг келгусидаги ҳолини мўъжиза қилиб билдирдилар.

Сўнги кунларда Абу Зар Гифорийнинг ҳоли, Расулуллоҳ қандай деган бўлсалар, шундай бўлди, разиллоҳу анҳу.

Табукка етмасдан бир кун илгари Расулуллоҳ айтдилар:

— Иншааллоҳ, эртага Табукка етгаймиз. Англасам унинг булоғида суви озаймишдур. Зинҳор ул сувга мендан илгари ҳеч ким қўл урмагай.

Бу тўғрида жар чақиртириб бутун аскарга англадилар. Буни эшитиб мунофиқлардан икки киши жўртга илгарироқ келиб, ул сувга қўл суқди. Уларнинг шум қўллари тегиши билан оз бўлса ҳам, бор суви йўқола бошлади. Бу хабар Расулуллоҳга етди эрса, билатуриб бу ишни қилган мунофиқларга лаънат айт-

дилар. Йўқ эса, кишига лаънат айтмоқ Расулуллоҳга одат эмас эди. Сўнгра оз бўлса ҳам сув топиб келтиринлар, деб буюрдилар. Қошиқлаб олгандек шу булоқдан бир оз сув келтиришди. Шу сувда юз қўллари-ни ювиб, оғиз-бурунларини чайиб, қайтариб булоққа қуйгач, булоқдан биқиллаб сув қайнаб чиқди. Бутун қўшин от-уловлари билан шу сувдан ичиб қондилар. Шу кундан бошлаб, булоқдан сув камаймай оққали турди.

Расулуллоҳ Муъоз ибн Жабалга қараб:

— Эй Муъоз, агар дунёда узоқроқ яшар бўлсанг, у чоғда кўрурсанким, бу ерларни боғ-бўстонга тўлдиргайлар.

Расулуллоҳ айтганларидек, кўп вақт ўтмай, шу булоқ атрофидаги ерлар ям-яшил боғ-бўстонликка айланиб, халққа тўлмиш эди.

Яна бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу Табук сафарида бош оқшомдан саҳар вақтигача йўл юрдилар.

Туя устида уйқу элтиб, мудроқ босди. Бир оз юргач, туя устидан ёнтойғали турдилар (оғиб кета бошладилар). Ёнларида Абу Қатода разияллоху анху Расулуллоҳ ҳолатларини пайқаб келаётган эди. Яна туя устидан тушиб кетмасинлар, деб секингина келиб бир қанча ергача суяб борди. Тун қоронғусида, Расулуллоҳ уйғонгач, бошларини кўтариб:

— Сен ким эдинг? — дедилар.

— Ё Расулаллоҳ, Абу Қатода эрурман. Туядан йиқилиб кетгайсизму деб қўрққанымдан бу кеча ёнингиздан жилмадим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Абу Қатода, бу туни мени сақламишсан, сени Аллоҳ сақласин, — деб дуо қилдилар.

Сўнгра йўл четига чиқиб, туядин тушдилар. У чоғда саҳар вақти етиб, тонг яқинлашган эди. Эрталабки намозимизни яхши сақлагайсиз, сергак бўлинглар деб, Расулуллоҳ уйқуга ётдилар. Узун туни билан туя устида бўлганликдан барчалари чарчамиш эдилар. Намоз вақти ўтди эса, яна ҳеч ким уйқудан уйғонмади. Расулуллоҳ уйғониб, унлик тасбеҳ айтдилар. Кишилар унларини эшитгач, чўчиб уйғониб қарасалар, кун чиқмиш эди.

Расулуллоҳнинг буйруқларича туяларига минишиб, йўлга чиққудек вақтда қуёш кўтарилди. Абу Қатода-

нинг ёрқиндан ясалмиш сув идиши бор эди. Уни келтириб Расулulloҳ таҳорат олганларидан кейин, шу куни эрталаб қолган намозни ўқишдилар. Таҳорат идишида озроқ сув қолмиш эди. Расулulloҳ Қатодага қараб:

— Бу сувни яхши сақлагил, бунинг устида улуф бир воқеа кўргайсиз, — дедилар.

Ўтган кеча Расулulloҳни уйқу босиб кейин қолганларида, йўл босиб ўтган қўшин анчагина ўзиб кетган эди. Йўл устидаги сувли жойларга тушмасдан ҳар бир сувга ўтишиб кетдилар.

Иккинчи сувга етгунчалик орадаги узун чўлдан ўтиш керак эди. Кун қоқ туш вақти бўлганда, куёшнинг иссиғига чидаёлмай қўшин юришдан тўхтади. Сувсиз чўл ичидаги кун иссиғидан бутун аскар чанқоқликда қолиб, от-туялар юролмай йиқила бошлади. Бу туяларни бўғизлаб, ичидан чиққан сувни, ўлар ҳолатига етган чанқоқ кишилар талашиб ичдилар. Бунинг устига Расулulloҳ келиб, бу оғир ҳолни кўргач, Абу Қатодани чақириб:

— Ўтган манзилда таҳоратимдан қолган сувни дарҳол келтиргил, — дедилар.

— Мана, ё Расулalloҳ, — деб ул сувни келтирди.

Муборак қўлларини шу идиш ичидаги сувга солиб, Худо хоҳлаганича дуо қилгандан сўнгра, Тангрининг улуф қудрати ила бармоқ ораларидан оппоқ тиниқ сув отилиб чиқиб, оққали турди. Бу мўъжизани кўзлари билан кўрган саҳобалардан шундай ривоят бўлмиш-дурким, Расулulloҳнинг бармоқлари ораларини сув ёриб чиқар чоғида ҳавода бир парча ҳам булут йўқ эди. Шундай бўлатуриб, чақмоқ чақилиб, яшин тушгандек бир қаттиқ товуш билан чиқди. Бутун қўшин бу сувдан тўйиб ичиб, от-уловларни суғордилар. Борлиқ идишларини сувга тўлдирдилар. Бу қўшинда ўн икки минг от, ўн беш минг туя, элик минг аскар бор эди. Баъзи ривоятда етмиш минг дебдурлар.

Худонинг қудрати билан Расулulloҳнинг шу мўъжизаларини йиғилган кўпчилик халқ кўзлари билан кўриб турдилар. Шундоқ бўлса ҳам иймондин улуш олмаган кишилар қараб туриб, яна иймон келтирмадилар. Бундан илгари ҳам шу сафарда икки йўл шундай мўъжиза кўрилганлиги юқорида айтилиб ўтди.

Улуф саҳобалардан Абдуллоҳ Зул Биждодин деган киши шу Табук сафарига вафот топди. Сафарга чиқиш олдида бу киши Расулulloҳга келиб:

— Бу ғазотда Аллоҳ таоло менга шаҳидлик бергай, деб дуо талаб қилган эди.

Анда Расулуллоҳ шу ерда ўсган бир ёғочни кўрса-тиб: «Унинг қобуғидан келтургин», дедилар. Уни келтирди эрса, олиб бу кишининг биллагига боғлаб туриб:

— Эй бор Худоё, бунинг қонини тўқмоқни кофирларга ҳаром қилгайсан, — деб уни дуо қилдилар.

Анда ул:

— Ё Расулаллоҳ, меним тилагим бу эмас эрди, балки қоним тўкилиб, Худо йўлида шаҳид бўлишни сўраган эдим, — деди.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Абдуллоҳ, агар безгак касалига йўлиқиб, шу билан вафот бўлсанг, албатта шаҳид мақомини топгайсан.

Айтганларидек, Табукка келиб бир неча кун ўтгандан сўнгра шу иллат билан бир кечада вафот этди. Расулуллоҳ унинг устида ҳозир эдилар. Саҳобалар чироқ ёруғида қабр қазиб тайёрлашгандан сўнгра, лаҳад ичига Расулуллоҳ ўзлари тушдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар ўликни кўтаришиб, гўр ичига туширишиб берди.

Расулуллоҳ уни кўтариб ўрнига қўяр чоғда: «Эй бор Худоё, мен бундан рози эдим, энди Сен ҳам бундан рози бўлгайсан, деб дуо қилдилар. Расулуллоҳнинг хос хизматчиси Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳам шу ерда эди. Шу сўзни англагач, кошки бу чуқур эгаси мен бўлур эрсам на бўлмай эди, деб йиғлади. Бошқалар ҳам бунинг ўрнида биз бўлсак эрдик, деб йиғлашди.

Энди бу китобни ёзувчи Алихон Соғуний шу сўзни устига келганимда, мунглик кўнглимдан кўзғалган қайғуларим қайнар сувидек бўлиб икки кўзимдан оққани турди. У киши эрса, Расулуллоҳнинг муборак юзларини кўрмиш, кўп йиллар суҳбатларида бўлиб, шу давлат узра ажали етган эди, яна уни Расулуллоҳ солмаллох алайҳи васалаам қутлуғ қўллари билан тупроққа топшириб қабрга қўйиб, ундан ризо бўлганлигини билдирдилар ва унинг учун Аллоҳдан ризолик сўрадилар. Энди бундоқ кишининг ва йиллар бўйича Расулуллоҳнинг муборак юзларига қараб ўлтириб суҳбатларини топишган бутун саҳобаларнинг нима армонлари бордур? Уларда ҳеч армон йўқдур. Бутун армон қилғудек ишлар шу замондаги унинг умматлари — биз ғариб мўъминларнинг бошига келмишдур. Чунки биз ғариб



умматлари бир минг уч юз саксон йил у зотдан кейин қолиб, фисқ-фасод, бузуқчилик, динсизлик қоплаган энг охирги замон ичида гурамиз. Бу даврнинг ахлоқ-сиз маданияти остида инсонлардан фаришталик, яъни яхшилик сифатлари йўқолди. Ҳайвоний, шайтоний сифатлари ривож олганликдан унинг таъсири ўтмаган ҳеч киши қолмади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берган қиёмат аломатлари эрса ер юзида зоҳир бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб: «Қиёмат кунининг аломатларидан бири шулдурким, бир киши ўлган бир кишининг қабри олди-дан ўтаётганида, шу қабрга қараб: «Кошки сенинг ўрнингда мен бўлсам эди, дегай. У эса тирик юрганидан ўлганини ортиқ кўргай», деган эдилар.

Энди бу кишига нега бундоқ дейдур? Бу тўғрида келган ҳадислар мазмунича, у замон кишиларига ҳар ёқлама бало ва офатлар ёғилиб, дунё ҳоқимияти ҳар жойда даҳрийлар, динсизлар қўлида бўлгай. У кундаги мусулмонлар эрса гуноҳ ишларини ошкора қилгайлар. Улар олдида ҳалол-ҳаромнинг фарқи қолмагай. Шу билан динлари барбод бўлгай, исломият ахлоқ-одобларидан ажрагайлар, шариат ҳукми ўртадан бутунлай кўтарилгай. Зулм-хиёнат ишлари барча халқни қоплагай. Еб-ичиб кийганлари, топган-терган моллари бутунлай ҳаром-харишдан бўлгай. Шунинг учун қилган дуолари қабул бўлмагай. Расулуллоҳ пайғамбарлар ноибидеган олимлардан ҳеч ким қолмагай, улар ўрнига адамчи, ёлғончи, чала мулла — динбузарлар қолгайлар. Пайғамбаримиз уларни ўша замоннинг энг ёмон одамларидур, дердилар. Фуқаро халқнинг ўз бошлари, оилалари, мол-дунёлари устидан у замон ҳукуматлари ихтиёрсиз, ноҳақ ҳукмлар юргизгайлар, ҳеч кимда ҳурмат-обрў қолмагай. Кишиларнинг кўпчилиги хор-зорликда қолиб, барака кўтарилгай. Инсонлар шу ҳолга етганда тирик юриб қийналгандан ўлишни афзал кўргайлар. Юқоридаги ҳадисни шарҳини кўриб, қисқача таржимасини ёздим.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга айтдилар:

— Мендан кейин бир замон келур, мен уни кўрмаймман, сизлар ҳам уни кўрманглар. У замон келди эрса, чин олим сўзини олмагайлар, улуг одамлардан уялмагайлар, дин сўзига қулоқ солмагайлар. Мана шундоқ

бўлиб, дин-дунё ишларига қаттиқчилик келган кунларда ҳар қанча қийналса ҳам, ўз динидан ажрамай юриб ўлган бир мусулмон юз шаҳиднинг савобини топгай. Қиёматгача бир тоифа умматим ҳақ йўлдан адашмагай.

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган қиёматгача ҳақ йўлдан адашмайдирган шу тоифа умматларига атаб, ушбу китобни ёздим. Кўнглим тўқ, иймоним тўлиқдурким, меним бу китобимни дунё борича шулар ўқигаёлар, шулар фойдалангаёлар.

Эй бор Худоё, бу китобни ёзгувчи ёзуқлуқ ғариб қулингни ва ҳам ушбу китобни ўқиган, эшитган мўъмин бадаларингни ҳабибинг Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаққи-ҳурматлари учун ҳақ йўлдан чиқмаган, Исломи динида жон берган ўша тоифадан қилгайсан. Омин!

Яна ўз сўзимизга келайлик. Расулуллоҳ Табуқка келгач, бу жойда ийгирма кунгача тўхтаб қолдилар. Бу ердан Шом шаҳрига бориш ёки Мадинага қайтиш яқинлигида тенглашур эди. У ёққа юриш тўғрисида саҳобаларга кенгаш қилдилар эрса, Ҳазрати Умар:

— Ё Расулаллоҳ, Худо томонидан нима буйруқ буюрилган бўлса, шуни қилинг, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Агар менга буюрилган бўлса эди, ҳеч кимдан маслаҳат сўрамас эдим, — дедилар.

— Ё Расулаллоҳ, биз Мадинадан йироқлашиб, душман ерига яқинлашиб келдик. Бизга ёрдам бергудек улар ичида мусулмонлари йўқдур, душманнинг қуроллик аскарлари кўп бўлиб, ҳар жойда тупланиб туришибдурлар. Бизнинг бу келишимиздан уларга қўрқинч тушиб, бутун Рум халқи қўзғалишганга ўхшайди. Эндиги бизнинг ўйлаганимиз бу йилча Мадинага қайтиб, уруш ҳозирлигини кўрсак. Келаси йили Худо хоҳлаганига қараб иш қилур эдик, — дедилар.

Бу сўз Расулуллоҳга ҳам маъқул бўлиб, шу ердан қайтмоққа қарор қилинди.

Қайсар Ҳирақл Мадина устига сонсиз аскар олиб юриш қилмоқчи, деб эшитган сўзнинг аниғи билинмади.

Шу орада Айла шаҳрининг ҳокими билан Жарбо, Азрух, Майно деган шаҳарларнинг элчилари келишиб, Расулуллоҳ билан учрашдилар. Булар эрса, Шом атрофида яшаётган яҳудлардан келган кишилар эди.

Расулуллоҳнинг Табукка келганларини англашиб, аҳвол билан танишмоқ учун юқорига шаҳар халқлари буларни элчи қилиб юборишдилар. Уларни Расулуллоҳ иймонга ундаган эдилар, уни қабул қилмай, ҳар йили солиқ тўлаб туришга рози бўлишди. Бу тўғрида аҳднома ёзиб беришларини Расулуллоҳдан сўрадилар.

Жарбо аҳли ҳар йили ражаб ойида юз тилла тўламоқчи бўлди. Майноликлар ўз ерларидан чиққан мева-валарнинг тўртдан бирини ҳар йили бериб турмоққа ваъда бердилар. Элчиларнинг сўровларича бу тўғрилик Расулуллоҳ икки нусха аҳднома ёздилар ва уларга топширдилар. Ўшал аҳднома нусхаларини ўқувчилар қувват олсин деб арабча ибораси билан бу ўринда ёздим. Унинг мазмунига ўқувчилар тушунмоқлари учун туркчага таржима қилдим.

Расулуллоҳ Юҳаннога берган аҳдномаларининг арабчаси шуддир:

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.**

**Ҳазо аманатун миналлоҳи ва Муҳаммадин-набийи ли Юҳанно ва аҳли Айлата суфунуҳум ва саййаротуҳум фил барри вал баҳри лаҳум зимматуллоҳи ва Муҳаммадин-набийи ва ман кана мааҳум мин аҳлиш-Шоми ва аҳли Яман ва аҳли Баҳри фамаи аҳдаса минҳум ҳадасан фаиннаҳу ла йа жузу малаҳу дуна нафсиҳи ва иннаҳу латаййибатун лиман ахазаҳу миннан-носи ва иннаҳу ла яҳиллу ан ямнаъу маан яридунаҳу вала тариқан юридунаҳу мин барринав баҳрин».**

Маъноси: *«Ушбу омон хати берилди. Аллоҳ ва унинг элчиси Муҳаммаддан Юҳаннога ва Айла аҳлига. Уларнинг денгиздаги кемалари, қуруқликда юрган қарвонлари омондур. Аллоҳнинг, Муҳаммаднинг аҳд омони шуларгадир ва улар билан бирга бўлган Шом аҳли, Яман аҳли, денгиз бўйи аҳлига ҳам ҳукм шулдур. Агар улардан бир кимарса ушбу аҳдни бузгудек бир иш қилур экан, бошларига омонлик, молларига омонсизликдур. Шарт бузгувчилардан мусулмонлар қайси йўл билан мол олсалар, ҳалолдур. Ичар сувларидан, юрар йўлларида мусулмонларни тўсмоқ уларга ясоқдур».*

Мана шу аҳдномани юқориги шаҳар аҳллари Расулуллоҳдан кейин ҳам ўзларида сақлаб келдилар. Қўп замонларгача подшолари олдида бу аҳдноманинг ҳурмати сақланмиш эди.

Яна Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Та-

букда турган кунларида Холид ибн Валидни тўрт юз кишига бош қилиб, Дувматул Жаңдал ўлкасини фатҳ қилмоққа юбордилар. Бу эрса, Шом шаҳридан туя юришида олти кунлик йирокликда бўлган қалъалик бир шаҳар эди. Арабистоннинг Шом тупроғига туташган ерларининг бирисидур. Бу ўлкадаги ерлик араблар устига Рум подшоси Қайсар Ҳирақл Укайдир ибн Абдулмалик номли бир арабни ўз динига киргизиб подшо қилмиш эди. Бу ерларда насоро арабларидан Бани Кинда қабиласи яшамоқда эдилар. Расулуллоҳдан буйруқ олиб Холид ибн Валид шу юрганича подшо қалъаси кўринадургон жойга тушди. Шу кечаси ойнинг тўлган туни эди.

Ақидар хотини билан қаср саройи устида ётмиш экан, Саҳро овларидан буғу — марал, кийиклар келиб, подшо саройининг қопқасига (дарвозасига) сурқанишиб турганин кўрди.

Анда хотини:

— Бу ажаб ишдурким, ов кийиклари эшик олдимизга келибдур. Буңдоқ ишни ҳеч кўрганинги борми, ўзи келган овни қайси киши овламай қолур? — деди.

Хотинидан бу сўзни англаб, буңдай овни қўлдан кетказиш яхши эмасдур, деб дарҳол отларини эгарлади. Ов жабдуқларини олишиб, кийиклар кейинидан аскарлари билан қувлашиб келаётганида Холид ибн Валидга қарши келди.

Дастлаб орада бир оз чорпишма бўлиб, Укайдирнинг иниси шу урушда ўлдирилди. Сўнгра хиёл ўтказмай қолганларини асир олдилар. Ўлдирилган кишини кимхоб кийимлари билан Расулуллоҳга воқеани билдириш учун чопарчи юбордилар. Бунинг бахти қайтиб экан, тахт устида ўлтирган киши бир нафасда қўлга тушиб, тахтага тортидди. У бахтиқаро кийикларни овламоққа чиққан эди. Расулуллоҳ овчиларига йўлиқиб, ўзи ов бўлди. Шунинг билан Холид ибн Валид асирларни олиб, Расулуллоҳ олдиларига келди. Улар билан кўришгач, Расулуллоҳ яхши муомалада бўлиб динга даъват қилдилар.

Қайсар динидан чиқар бўлсам подшолигимдан ажраб қолгайман, деган хаёлни қилиб қабул қилмади. Ислош шариатида эрса динга зўрлаб киргизиш йўқдур. Шунинг учун Расулуллоҳ улар билан келишиб, ҳар йили солиқ тўлаб туриш шартин билан ўз юртига қайтмоққа рухсат бердилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табукка тушган кунларида бутун аскарга қарата бир хутба ўқидиларким, бу ўқиган хутбада инсонлар учун дунё ва охиратлик энг керакли сўзлар келтирилган эди. Агар биз мусулмонларга шу хутбадан бошқа ҳеч сўз Расулуллоҳдан қолмаган тақдирда ҳам, ёлғиз шу хутбанинг ўзи икки дунёда бизга раҳбарлик учун етарлик бўлур эди. Бу қутлуғ хутбани ҳадис олимларининг алломаларидан бир неча зотлар ўз китобларида келтиришдурлар.

Мен фақир китоб ёзувчиси бу хутбанинг асли арабчасини Ислоом оламининг алломаси Ибн Қаййим Жавзийнинг «Зодулмаъод» деган китобидан кўчириб ёздим. Бунини ўқиганлар тушуниб, унинг мазмунидан фойдалансинлар, деб ўз тилимизга таржима қилдим. Бу хутбанинг арабчаси ушбудир:

**«Амма баъду фаинна асдақолҳадиси китобуллоҳи таоло. Ва авсақул уро калиматут-тақва ва хойрул милали миллату Иброҳима. Ва хойрус-сунани суннату Муҳаммадин. Ва ашрафул ҳадиси зикруллоҳи. Ва аҳсанул қасаси ҳазал Қуръону. Ва хойрул умури авазимуҳа ва шаррул умури муҳдасотуҳо. Ва аҳсанул ҳадийи ҳадюл анбийаи. Ва ашрафул мавти қатлуш-шуҳадаи. Ва аъмал аъма аззалолату баъдал ҳуда. Ва хойрул илми ма нафаъа, ва шар-руламо амюл қалби, валядул уля хойрун минаядис-суфла ва ма қалла ва кафа хойрун мимма касуро ваалҳа. Ва шаррул маъзирати ҳийна яҳзурул мавту ва шаррун-надамати явмал қийамати. Ва минан-наси малло яътис-салота илла дубуран, ва минҳум манла язкуруллоҳа таала илла ҳужран ва аъзамул хатоӣа аллисонул казубу. Ва хойрул гина гинан-нафси ва хайруз-зо-дитақва. Ва раъсул ҳикмати махофатуллоҳи ва хойру ма вуққиро фил қулубил яқину, валиртийабу куфрун ван-нийаҳату мин амалил жаҳилийяти. Вал-ғулулу мин жусо жаҳаннама вал канзу кайюн мин-нанари. Ваш-шеъру мим Мазомийри иблис. Вал-хом-ру жам-маулисми, ван-нисоу ҳибола туш-шайтони, ваш-шабобу шўъбатун минал жунуни. Ва шаррул макосиби касбур риба ва шаррул маокили ақлу малилятими. Вас-саъйиду ман вуъиза бифойриҳи ваш-шақийю ман шақия фи батни уммиҳи. Ва иннама ясийру аҳадукум ила мавзиъи арбаъати азруъин, валмру биахириҳи ва малокул амали ховатимуҳу,**

ва шаррур-руъйа руъйал казби. Ва куллу ма ҳува атин Қорибун, ва сибабул мўмини фисқун ва қитолуҳу Куфрун ва аклу лаҳмиҳи мим маъсиятиллоҳи, ва ҳурмату малиҳи қаҳурмати дамиҳи ва ман ятаалло алаллоҳи юказзибуҳу, ман яғфир юғфарлаҳу. Ва ман яъфу яъфуллоҳу анҳу ва ман яқзимил ғайза яъжурҳуллоҳу. Ва ман ясбир алар-разийяти юъаввизуҳуллоҳу ва ман ятбаъис-сумъата юсаммиуллоҳу биҳи. Ва ман ятасаббар юзаъъифуллоҳу лаҳу ва ман яъсиллоҳа юъазибҳу, суммастағфара салосан».

Хутбанинг таржимаси қуйидагича:

«Ҳамд-санодан сўнгра айтадурманки, сўзларнинг энг тўғриси Қуръон сўзидур. Инсоннинг энг ишончлик нарсаси унинг иймонидур. Динларнинг яхшиси Иброҳим Ҳалилulloҳ тутган Ислом динидур. Йўлларнинг яхшиси Муҳаммад алайҳиссаломнинг йўлидур. Сўзларнинг шарофатлиги Аллоҳнинг зикридур.

Эргашмоққа энг лойиқ нарса шу Қуръондур. Дин ишларининг улуғи фарзларидур, энг ёмони анинг қўшичаларидур. Равишларнинг яхшиси пайғамбар равишларидур. Улимларнинг яхшиси шаҳидлар ўлимидур. Кўрларнинг кўри Ислом динидан чиқишдур. Илмнинг яхшиси, охиратда фойдалигидур. Бошлашнинг яхшиси эргашилганидур. Кўрликнинг энг ёмони дил кўрлигидур. Устинги қул остинги қўлдан яшидур. Оз бўлиб етарлик бўлса, оздирган кўндан яшидур. Узрларнинг энг ёмони ўлим етганда айтилганидур. Пушаймонлар ёмони охират пушаймонидур. Баъзи бир ихлоси йўқ киши, назмозга кеч келур. Қайси бирлари ёлғондан Аллоҳ зикрини тилида қилур. Тил ёлғони гуноҳларнинг зўридур. Бойликнинг энг яхшиси кўнгил бойлигидур. Озуқларнинг энг яхшиси тақво ибодатдур. Барча яхшилик боши Худодан қўрқмоқдур. Кўнгил сақлаган нарсаларнинг энг яхшиси Аллоҳга ишонмоқдур. Дин ишларида гумон қилмоқ куфрдур. Ёқа йиртиб, соч юлиб йиғламоқ, жоҳилият одатларидур. Яширин хиёнатлар тамуғ тошларидур. Закоятсиз йиғилган олтин-кумушлар дўзах тамғасидур. Ёмон қўшиқлар айтиш шайтон сурнайидур. Чағир (ароқ) ичиш барча бузуқлик онасидур. Хотунлар (ёмонлари) шайтон тузоғидур. Ёшлик телбаликнинг бир бутоғидур. Касбларнинг энг ёмони судхўрликдур. Шаққий (ёмон) онасидан туғилгандаёқ шаққий туғилур. Ҳар бир кишининг борар жойи тўрт газ ердур. Ҳар ишга охирида баҳо берилур. Барча ишнинг асоси туганчиси-

гур. Тушларнинг ёмони ёлгончининг тушигур. Ҳар келгувчи бизга яқингур. Муслмонни сўкмоқ гуноҳдир, унга қурол кўтармоқ куфрдур, уни ғийбат қилмоқ улуғ ёзуқдир (гуноҳдир). Муъминнинг қони ҳаромдур. Шунга ўхшаш анинг моли ҳам ҳаромдур. Бир ишни қилурман деб қасам ичганлар уни қилолмайдилар, Аллоҳ уни ёлгончи қилур. Киши хатосини кечирганни Аллоҳ кечирур, уни афв қилганни Аллоҳ афв қилур. Аччиғини ютган кишиларга Аллоҳ улуғ ажр берур. Мусибат кўриб сабр этгувчиларни ўрнини тўлдирур. Риё қилгувчи кишиларга Аллоҳ ҳам риё қилур. Кўплаб сабр қилгувчиларга савоб қатма-қат бўлур. Амрини тутмаганларни Аллоҳ азоб қилур.

Эй бор Худоё, менинг ва умматларимнинг гуноҳини кечиргил», деб уч марта айтдилар.

Сўнгра халққа қараб:

— Ўзим учун, сизлар учун Аллоҳдан афв ўтинаман, — деб сўзни тўхтатдилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табуқда йигирма кун турганларидан кейин кўпчилик саҳобаларнинг маслаҳатлари билан Мадинага қайтмоқчи бўлдилар. Қайтишлари эрса тоғ йўли билан довон ошиб ўтишга тўғри келди. Аскар ичидаги мунофиқлардан ўн икки киши яширинча:

— Қачон Муҳаммад тоғ тепасига чиқди эрса, довоннинг энг учура ерига келганида уни ушлаб, тоғдан қулатиб юборайлик. Тун қоронғусида бу ишни бажармоқ биз учун бек қулайдур. Яна биздан ҳеч ким гумон қилмайди, — дейишиб ўзаро қаттиқ аҳд қилишдилар.

Лекин бу хиёнатлари ваҳий орқали Расулуллоҳга маълум бўлиб қолди. Кун иссиғидан сақланиб, ўзлари бир нечагина саҳобалар билан кеча салқинида довон ошмоқчи бўлдилар. Бошқа кўпчилик аскарларни эса, тоғ тагидаги кенг йўл билан юришга буюрдилар.

Улуғ саҳобалардан Аммор ибн Ёсир, Ҳузайфа ибн Ямонлар эрса, доим Расулуллоҳ билан бирга эдилар. Мингари туяларини шу кечаси бировлари ҳайдаб, бировлари етакладилар. Ул кечалари ой қоронғуси бўлганликдан киши ўз қўлини ҳам кўролмас эди. У мунофиқлар эса Худо хохламаган ишни қилмоқчи бўлишиб, аскар йўлидан юришмай Расулуллоҳ кетидан булар ҳам довон йўлига юришди. Ўзларини танитмаслик учун қоронғулик устига яна ўзларини ўраб олишган эди. Мўлжал жойга яқин келганда, ёмон ният билан

бирданига от қўйишди. Расулуллоҳ бундан хабардор эдилар.

— Дарҳол буларнинг олдини тўсгил, яқин келтирмагил, — деб Ҳузайфага буюрдилар.

Ҳузайфа қўлига қамчи олиб, келаётганларнинг отуловларини бош-кўзига қарамай савалашга турди. Лекин уларнинг ким эканликларини таниёлмади. Ҳузайфани кўришлари билан қўрқиб орқага чекиндилар. Сир очилиб қолмагай дейишиб кўнгилларига қўрқинч тушди. Кеча қоронғулигидан фойдаланиб илдамлик билан кўпчилик аскар ичига аралашиб олдилар. Бу ишни Расулуллоҳдан ўзга ҳеч ким билмади. Сўнгра Ҳазрати Ҳузайфа Расулуллоҳ олдиларига келгач:

— Ё Расулаллоҳ, кеча қоронғусида бош-кўзлари ўралган бир тўп кишининг қораси кўринди, ўзларини таниёлмадим. Бир-икки кишининг туясини ўхшатдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Менга ваҳий келиб, уларни билдирди. Булар эрса фалоний, фалоний, — деб ўн икки кишини санадилар. — Улар мени тоғдан ташлаб ўлдиришга қасд қилган эдилар. Аллоҳ мени асраб, мақсадларига эришолмадилар, икковингиздан бошқа киши бу сирни билмасун, — дедилар.

— Андоғ эрса, буларнинг бошини кесайлик, рухсат қилинг, ё Расулаллоҳ, — деган эдилар, рози бўлмадилар.

Субҳоналлоҳ, эй раббим Аллоҳ, бу нима сирдур? Юқорида ўтган шу қадар улуғ мўъжизаларини Расулуллоҳдан кўришган бўлсалар ҳам, буларнинг куфр қоронғулиги қоплаган қора тошдек кўнгилларига қилчалик таъсир қилмаган экан. Шунинг учун Пайғамбаримиз қуйидаги дуони ўқиб юришга буюрдилар:

**«Ё муқаллибал қулуби, саббит қулубано ало диника».** Маъноси: *«Эй бор Худоё, дилимизни ислом дини узра тўхтатгил. Шу динда ўлайлик, шу динда тирилайлик».* Омин.

Бундоқ ишларнинг тубига инсон ақли етишдан ожиздур. Бунинг сирини Аллоҳдан ўзга ким билур?

Шу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча кун йўл юриб, қўналғудан қўналғуга ўтиб, Мадина яқинидаги Зуовон деган жойга келиб тушдилар. Бунинг билан Мадина оралиғи бирор соатлик йўл эди. Шу ерга келганларида Зирор масжидининг қавм-



ларидан бир неча бошлиқлари келишиб, Расулulloҳ билан кўришдилар.

Бу масжид эрса, мунофиқлар тарафидан ясалмиш эди. Уларнинг мақсадлари шу масжидда ёлғондан намоз ўқиш баҳонаси билан йиғилишиб, Исломга қарши ҳаракатда бўлиш эди. Табуқ сафарига чиқар олдида шу масжид жамоатидан уч-тўрт киши келишиб:

— Ё Расулаллоҳ, ёғин-чочин кунларда қари-қартанг кишиларимиз кела олмас эканлар. Шунинг учун янгидан бир масжид ясаб битказиб олдик. «Байт карам» қилиб берсангиз, масжид ичра кириб, Худодан яхшилик тилаб, намоз ўқиб берсангиз, — деган эдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафардан қайтишларида кириб ўтмакка ваъда берган эдилар. Шу жойга келганларида Аллоҳдан ваҳий келиб, мунофиқлар бу масжидни нима мақсад билан бино қилганларини Пайғамбаримизга билдирди. Бу масжидга кирмасликка, унда намоз ўқимасликка буюрди. Бошқаларга ибрат бўлиши учун уни бузиб, ўт қўйиб юборишга Аллоҳ амр қилди.

Дарҳол Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баҳодирлардан икки кишини чақириб, ул масжидни бузиб, ўт қўйиб келмакка буюрдилар. Бу икковлари буйруқ олишлари билан югурганларича ўша жойга боришди. Бировлари эса қўлига ёндирилган ўт олмиш эди. Тўғри масжидга кириб бордилар. Қарасалар, мунофиқлар масжид ичида ўлтирмиш эканлар. Уларга эътибор қилмай масжидни бир четидан бузиб, ўт қўйгани турдилар. Буни кўргач, масжиддаги мунофиқлар ҳам бариси қочиб чиқдилар. У икки саҳоба масжидни бузишиб ва куйдиришиб, Расулulloҳ қошларига келишди.

Аллоҳ таоло бу масжидни Қуръонда «Зирор масжиди» яъни «Зарарлик масжид» деб атамишдир. Худо ризолиги учун солинмаган масжидларнинг ҳукми ҳам шунга яқиндур. Шунга ўхшаш Ислом шаҳарларида масжидлар кўпайиши, уларнинг оралари бир-бирларига яқин бўлиши қиёмат аломатларидан ҳисобланади.

Шунинг билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у жойдан кўчиб, йўлга чиқдилар. Йироқдан Мадинанинг қораси кўриниб, Уҳуд тоғига кўзлари тушгач:

— Азизи тоғинган Тоба шаҳри, бу эрса Уҳуд тоғидур. Бани тўр дўст тутгай, биз ҳам уни дўст тутгаймиз, — дедилар.

Расулulloҳнинг хабарларини эшитгач, бутун Мадина халқи — ёшу қари, хотун-бола қолмай Санийятул вадоъ деган тепа устига чиқиб, Расулulloҳни кутиб олдилар.

Ҳожиларни, ғозийларни қарши олмақ шу сабабдан муслмонларга суннат бўлди. Булар ичида аскарликдан қочиб, Мадинада қолган кишилар ҳам бор эди. Расулulloҳ айтдилар:

— Буларга ҳеч кимарса гапирмасин, уларнинг юзларига қараб боқмасин.

Шу сўз билан ота болага, оға инига қараёлмасдан Мадинага кирдилар. Дастлаб масжидга кириб, икки ракат намоз ўқиганларидан сўнгра уйларига бормасдан халқ билан кўришгали масжидда ўлтирдилар. Шунинг учун улуғ сафардан келган умматларига аввал масжидга тушиб икки ракат намоз ўқиш суннат бўлди.

Аскарликдан қочиб, бу сафардан қолган кишилар ҳам келишиб, ўз айбларини ёпмоқ учун қасам билан узр айтишди. Буларнинг айтган сўзига, келтирган ҳужжатларига қараб, юзаки узрларини қабул қилдилар. Аммо ички ишларини Аллоҳга топширдилар. Шу орада ансор саҳобалардан Каъб ибн Молик келиб, Расулulloҳга салом берди. Бу киши узрсиз Мадинада қолганлардан эди. Аввал ғазаблари келиб, сўнгра:

— Келгил, — дедилар.

Дарҳол олдиларига келиб ўлтирди. Унга қараб:

— Сафарга атаб бир туя сотиб олмиш эдинг. Не чук сен бу сафардан қолдинг? — деб сўрадилар.

Анда Каъб ибн Молик:

— Ё Расулаллоҳ, дунёда сиздан бошқа одам олдида ўлтирган бўлсам эди, ёлғондан бўлса ҳам узр айтиб қутулгудек сўз топар эдим. Агар ёлғон узр айтиб сизни қаноатлантирсам, Аллоҳ мени ғазаб қилгайму деб қўрқаман. Ростини гапирсам аччиғингиз келгай. Энди ҳар қандай бўлса ҳам тўғрисини гапирай. Аллоҳ ҳаққи, ё Расулаллоҳ, ҳеч қандай узрим йўқ эди. Сиздан қолган кунларимда сафарга етарлик ҳамма жабдуқларим бор эди. Шундоғ бўлагуриб менга нима бўлди, бу муборак сафардан маҳрум бўлдим, — деди.

Расулulloҳ:

— Бу ростини айтадур. Сенинг ҳаққингда Аллоҳ нима ҳукм қилса, шунини кўрурсан, — дедилар.

Қолган икковини ҳам чақириб улардан сўраб эдилар, улар ҳам ростини айтиб: «Узримиз йўқ эди, ас-

кардан қолишга ё Расулаллоҳ», дедилар. Буларга ҳам Каъбга қилгандек сўз қилдилар. Негаким аскарликдан қочиш Ислому қонунида энг улуғ гуноҳлардан ҳисобланадур.

Мунофиқлардан ва бошқалардан бўлиб, бу сафардан қолган кишиларнинг сони саксондан зиёдроқ эди. Уларнинг юзаки узрларини қабул қилдилар. Буларнинг ишини эрса, Аллоҳ ҳукмига қўйдилар. Бунинг сабаби шул эрдиким, бу учовлари улуғ саҳобалардан бўлиб, бирор тўғрида диёнатларига гумон тушмаган эди. Қуръон ҳукмида жиҳод сафаридан узрсиз, сабабсиз қолмоқ тарки фарз қилмоқдур. Бу эрса улуғ гуноҳлардин саналур. Шу учун Расулаллоҳ буларга ҳеч кимса сўз қилмасин, салом бермасин, деб амр қилдилар. Бу буйруқ чиққач, ер усти уларга тор бўлиб, ҳеч жойга сифмадилар. Буларнинг иккови ёши улуғ кишилар эди. Уйларидан чиқолмай йиғлашиб ўлтиришди. Каъб ибн Молик уйда ўлтиришга чидаёлмай, кўча айланиб, бозорга чиқиб юрар эди. Лекин унга учраган кишилар эрса тескари қарашиб, саломлашмай ўтар эдилар. Бу қийинчилик билан қирқ кун ўтказдилар. Қирқинчи куни бўлганида Расулаллоҳдан бир киши келиб: «Хукм шулдурким, хотинларингиздан йироқ тургайсиз», деди.

Яна ўн кун хотинларидан ҳам ажраб бошқа туришди. Буларнинг қайғулик тунлари эрса эллик кунга тўлди.

Каъб ибн Моликнинг Абу Қатода деган саҳоба қариндошларидан бўлур эди. Бу иккови орасида дўстлик алоқаси кучлик эди. Бир куни ёлғизликка чидаёлмай, нима иш қилишини билмай зерикканликдан ҳам қариндоши, дўсти Абу Қатоданинг боғига борди. Қараса, боғ эшиги ичидан беркитилмиш экан. Томдан ошиб тушиб, унинг устига киргач, салом берди. Ул қаради-ю, аммо саломига жавоб бермади. Чунки Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буларга ҳеч ким гапирмасин, деган эдилар. Буни кўриб Каъб:

— Эй Абу Қатода, мен Расулаллоҳни дўст тутимни сен билармидинг, Худо ҳаққи айтсанг-чи! — деди.

Ул индамади. Худо ҳаққи, деб уч қайта қасам қилиб сўраса ҳам индамагач, хафалиқдан ёрилиб кетгудек бўлиб йиғлаганича қайтиб кетди. Ҳеч жойга сифмасдан бозор айланиб юриб эди, шу орада қараса, Шомдан келган бир савдогар нитбий (нубиялик):

— Каъб ибн Моликни менга кўрсатиб қўйинглар, — деб сўроғлаб юрганини кўрди.

Кишилар уни кўрсатгач, нитбий ёнидан бир хат чиқариб берди. Ўқиб қараса, Ғассон қабиласининг подшоши насоро арабларидан Ислом душмани Ҳорис ибн Абу Шимрдан келган хат экан. Унда шундай ёзилмиш эди: «Меним эшитишимча, Муҳаммад сенга жафо қилмишдур, хорлик кўрган жойда Худо турғулик қилмасин. Хатни олишинг билан бизга етиш чорасини қилгил, яхшилик кўрурсан». Буни англагач, бу ҳам менга ортиқча бало бўлмасин, деб у хатни куйдириб ташлади.

Ҳазрати Каъб ҳикоя қилурким: «Шундай бўлиб, Расулуллоҳнинг суҳбатларидан ажраб, бунинг устига халққа аралаша олмай, ғам-қайғу билан элик кунни ўтказдик. Бир куни бомдод намозини том устида ўқиб, ғам-ғуссага ботган ҳолда йиғлаб ўлтириб эдим. Салх тоғининг тепасидан туриб бир киши:

— Эй Каъб, суюнчи! — деб қаттиқ қичқирди.

Йироқдан бунинг товушини эшитиб, бир яхшилик вақти келди, деб суюнганимдан дарҳол туриб, Аллоҳга шукр саждасини қилдим. Шу куни бомдод намозида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам тавбамиз қабул бўлганлигини билдирмиш эканлар. Бу хушxabарни бизга етказмак учун бир киши от чоптириб келибдур. Яна бир киши тоғ устидан қаттиқ қичқариб экандур. Муниг товуши илгарироқ эшитилибдур. Қичқирган кишини кўриб, борлик кийимларини анинг суюнчисига бериб, ўзим яланғоч қолдим. Қўшниларимдан кийишга омонат кийим олиб, Расулуллоҳ зиёратларига келдим. Кишилар тўп-тўп олдимдан қарши чиқишиб, мени табрикладилар. Тўғри келиб Расулуллоҳга салом бердим. Муборак юзлари суюнганларидан кулиб ялтираб кетган эди.

— Эй Каъб, сенга башорат бўлғайким, туғилган кунингдан буён бундай яхшилик юзини кўрмагандирсан, тавбанг қабул бўлди, — дедилар.

— Бу илтифот сизданми, ё Аллоҳданми? — деб сўрадим.

— Йўқ, бу иш мендан эмас, балки Аллоҳдан бўлди, — дедилар.

Анда Каъб айтди:

— Муниг шукронасига бутун молимни Худо йўлига садақа қилурман.

— Йўқ, озроғини садақа қил, қолгани бўлса, ўзинг-да турсин, шундоқ қилганинг яхшироқдур, — дедилар. Ҳазрат Каъб:

— Ё Расулаллоҳ, мен сизга рост сўзлаганим учун бу яхшиликка етдим. Эндиги қолмиш умримда, ёлғонга яқин келмасликка, чин сўздин бошқани гапирмасликка аҳд қилдим, — деди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу учовларини тавбалари қабул бўлиши ҳақида келган Тавба сурасидаги шу оятни унга ўқиб бердилар:

**«Ва ала салосатиллазина, хуллифу ҳатта иза зоқат алайҳимул арзу бима раҳубат ва зоқат алайҳим анфусуҳум ва занну алла малжаа миналлоҳи илла илайҳи сумма тоба алайҳим, лиятубу инналлоҳа ҳуваттаввабур-роҳим».** Яъни: *«Табук ғазотидан қолғон уч кишига ҳам Аллоҳ тавба насиб қилди. Улар эрса хафаликдан шу ҳолга келганлар эдики, ер юзи шу кенглиги билан уларга тор бўлди, ғам-ғуссанинг кўплигидан ўз жойларига ҳам ўзлари сиғмади. Билдиларким, Аллоҳдан ўзга сиғинарлик ҳеч ўрин йўқдур. Сўнгра булар қилган гуноҳларига тавба қилдилар. Аллоҳ таоло тавбаларини қабул қилди. Шу учунким, ул Аллоҳ тавба қабул қилгувчи бек меҳрибондур».*

Юқорида қиссалари ўтган шу уч кишидан бошқа мадиналик саҳобалардан яна ўн икки киши узрсиз, руҳсатсиз бу ғазотга чиқмасдан Мадинада қолишган эди. Булардан етти киши Расулуллоҳ билан қандай кўришишларини билиша олмай, охири ўзларини масжид устунларига боғлашдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга кўзлари тупиди эрса: «Анавилар кимлар?» деб сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, Абу Лубоба ва унинг йўлдошларидур. Сиз билан сафарга чиқолмай қолганлари учун пушаймон бўлишиб, масжид устунларига ўзларини боғлабдурлар. Аллоҳдан гуноҳларини сўраб, сиздан афв ўтинадилар, — дейишди.

Анда Расулуллоҳ:

— Қасам қилурманким, уларни Аллоҳ ўзи бўшатмагунча, мен бўшатмайдурман. Келтирган узрларини қабул қилмайдурман. Чунки улар дунё роҳатини мени суҳбатимдан ортиқроқ кўрдилар. Мўъминлар билан ғазотга чиқишдан бош тортдилар, — дедилар.

Расулуллоҳ сўзлари уларга етгач, қаттиқ қайғуришиб:

— Аллоҳ гуноҳимизни кечиб, ўзи бўшатмагунча ҳеч вақт биз ҳам ўзимизни бўшатмаймиз, шу боғланганимизча Аллоҳдан умид қилиб турамиз, — деб айтишди.

Сўнгра улар ҳақида Аллоҳ таолодан бу оят келди:

**«Ва ахарунаътарафу бизунубиҳим халату амалан солиҳан ва аҳара саййиан асаллоҳу ан ятуба алайҳим инналлоҳа рафурур-роҳим».** Яъни, *«Улардан бошқалари ҳам қилган гуноҳларига иқрор бўлишиб ўқиндилар, яхшилик ишлари ҳам бор эди, бу ёмон ишни ҳам қилдилар, ёрлақовчи раҳмлиқ меҳрибон Худо буларнинг ҳам гуноҳларини кечиргусидир».*

Танбеҳ (эслатма): Киши бир гуноҳ ишни қилгандан кейин, унинг ёмонлигини кўнгли сезиб пушаймон бўлар экан, албатта бу иш мўъминликнинг белгисидур. Чунки дилида иймони бор киши бир гуноҳни қилиб қўйса, ортидан унга пушаймон қилиши аниқ-аур.

Аллоҳ сақласин, ҳар қанча гуноҳ ишларни қилса ҳам парвойига келмаса, унинг ёмонлигини кўнгли сезмай, балки ундан лаззатланса, бундай одамнинг кўнглига иймон нури асло кирмагандур, ёки кирган бўлса ҳам у чироғ ўчганлигининг очиқ аломатидур. Худо ёрлақаб бу балодин қутулмас эрса, бундай киши бир куни чексиз қийновга қолишида ҳеч гумон йўқдур.

Ақл олдига ёмон билан яхшининг, албатта, чегараси бўлиши керак. Лекин нафс—шайтоннинг олдига унинг чегараси йўқдур. Иймон ақлга, шайтон нафсга йўлбошчидур. Ҳақиқатда эса, инсон ақли ҳеч вақт ёмон йўлга юргиси келмайди. Чунки инсон ақли ҳар бир зиёнлик нарсадан уни қайтариб тургувчи Худо томонидан қўйилган анинг қоровулдир. Энди бу қоровул ўз эрки, куч-қудрати, қуввати ўзи билан турган тақдирдагина унга топширилган вазифани бажара олади. Агар бу қоровул шайтонга енгилиб, бу уни етаклаб олур экан, у ҳолда бутун ишлар тескарисига айланади. Соғни телба, ҳушёрни маст етаклаганидек бўлади. Йўқ эса асли яратилишда нафснинг билагини Аллоҳ таоло ақлга топширган эди. Чунки соғ одам бошламас, телба киши қандай йўл топиб юра олгай? Агар ақлга нафс йўлбошчилик қилса, ҳар иккови ҳам ҳалок бўлади.

Энди ақлнинг эркин бўлиши, унинг ўз кучи, ўз сифати билан бузилмай туриши учун Аллоҳ таоло то-

монидан юборилган диннинг қонунларига итоат қилиш, албатта, лозимдур. Агар шундай бўлмас экан, ақл ойнаси занг боғлаб ўз сафосидан ажраб, ҳақни ботилдан, ёмонни яхшидан фарқ қилолмайди. Агар бу иккови ўз чегарасидан чиқмаган бўлсалар, ул ҳолда ҳеч вақт бир-бирларидан ажрамайдилар. Балки шарият ақлни, ақл шариятни ҳар ишда тасдиқлайди.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Юқоридаги оят Аллоҳдан келгани учун ўзларини масжид устунларига боғламиш етти кишининг тавбалари қабул бўлиб, барчалари бўшандилар. Сўнгра улар келиб:

— Ё Расулаллоҳ, бунинг шукронаси учун бутун мол дунёемизни Худо йўлида садақа қилдик, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Бу тўғрида Аллоҳдан менга буйруқ йўқдур, — деб қабул қилмадилар.

Шу чоғда Аллоҳдан ваҳий келиб, ушбу оят тушди:

**«Хуз мин амвалиҳим садақотан тутаҳҳируҳум ва тузаккийҳим ва салли алайҳим, инна салотака саканун лаҳум, валлоҳу самиъун алим».**

Яъни, *«Бу кишиларнинг молларидан садақа олгилким, уларни гуноҳларидан садақа поклайди. Хайр-баракаларини зиёда қилади. Уларга сен дуо қилгилким, сенинг дуоинг кўнчилларига ором бўлади».*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук сафаридан келгач, тинчлик билан Мадинада уч ойгача турдилар. Ҳижратнинг тўққизинчи йили зулқаъда ойнинг охирларида Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқни шу йилги ҳожиларга амир қилиб, Маккатуллоҳга юбордилар. Чунки Иброҳим Ҳалилуллоҳнинг замонидан бошлаб хайрли ҳаж қилиш арабларга одат бўлган эди. Исломият бошлангандан кейин ҳам илгариги одатларича ҳаж қилишиб турдилар.

Лекин уларнинг қилган ҳажларида исломиятга тўғри келмайдиган ишлар кўп эди. Шундай бўлса ҳам Макка фатҳ бўлгунча Расулуллоҳ сабр қилиб, Макка шаҳри олингандан кейин бу ишни бажаришга Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқни буюрдилар. У киши ҳам уч юз аскар олиб Маккага юрди. Мана шу кунларда эрса Пайғамбаримизга ваҳий келиб, Тавба сураси нозил бўлди. Бу сурада келган бир неча оятнинг мазмунича мусулмонлар араб мушрикларидан бутунлай алоқани узишга ва ҳаққа бўйсунмаган мушриклар билан жиҳод қилишга буюрилмиш эди.

Бу сура бошида: «Аллоҳ ва Аллоҳнинг пайғамбари кофирлардан, мушриклардан безордур. Булар билан ҳеч қандай алоқа қилманглар. Мундан кейин ўртангларда ҳеч бир тўғршлик аҳнома, шартномалар тузилмасин», деган мазмулда оят келади.

Бундин сўнг Аллоҳнинг амри билан Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам мушриклардан бутун алоқани уздилар. Қаршилиқ қилувчиларга уруш очдилар. Ҳаққа бўйсунмаган мушриклар билан жиҳод қилмоққа, агар таслим бўлиб ҳақ йўлга кирмасалар, аларни ўлдурмакка буюрилмишдир. Мана шунинг учун бу сура бошида «Бисмиллаҳ» айтилмайди. Бошқа суралардек бошига «Бисмиллаҳ»ни ёзиб, тиловат қилганларида уни қўшиб ўқимайдилар. Агар «Бисмиллоҳ»ни бу сурага қўшиб бошласалар, бунинг мисоли, подшо бир кишини «Мен сенга кўп меҳрибонман, раҳмликман», деб туриб, кетидан уни ўлимга буюрганга ўхшайди. Бу эса ҳеч кимга келишмаган ишдур.

Шунинг учун ғозийлар қилич чопганларида «Аллоҳу акбар» садоси билан сўқиш майдонига кирадилар. Мол сўйган-да эса «Бисмиллоҳ, Аллоҳу акбар» деб бўғизлайдилар. Чунки бу жойда «Роҳманир роҳийм» дейишнинг ўрни эмасдур. Балки қаҳр-ғазаб ўрни бўлиб, шунга лойиқ «Аллоҳу акбар» демак лозимдур.

Тавба сураси Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Маккага кетгандан сўнгра нозил бўлди. Бу суранинг келганидан, ундаги ҳукмларнинг қандайлигидан у кишининг хабари йўқ эди. Аммо бу сурада келган Аллоҳ амрини Арабистон халқига англатиш лозим эди. Шунинг учун Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни бажаришга Ҳазрати Алини Абу Бакр Сиддиқ ортидан юбордилар. Унга қўшилиб Маккага боргач, халқ Арафотдан қайтиб Мино тоғига йиғилишган куни Тавба, сурасини ўқиб ҳажга келган барча мушрикларга мундаги ҳукмни англаймоғи лозим энди.

Шу билан Ҳазрати Али бу амрни олиб, Макка сари йўлга тушди. Расулуллоҳ ўзлари минадиган туяга уни миндирган эдилар. Ҳазрати Али шу юрганича Маккага яқин Арж деган жойга келганида, Ҳазрати Абу Бакр Сиддиққа етиб келди. Анда Абу Бакр Сиддиқ ҳайронликдан:

— Меним устимга амир қилиб юбордиларми? — деб сўрадилар.

Ҳазрати Али:



— Йўқ, амир бўлиб келмадим, балки сиз билан биргалашиб Тавба сурасида келган оятларини ўқиб, унинг ҳукмини ҳажга йиғилган бутун мушрикларга англагали келдим, — деди.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ назорати остида ҳаж амаллари ўтказилди.

Қурбон байрамнинг биринчи кунда бутун халқ Мино тоғига йиғилдилар. Шу чоғда Ҳазрати Али шайтонга тош отадиган жойга келиб, қалин халқ ичида Тавба сураси бошидан ўн уч оятни товушининг бори-ча қичкириб ўқиди. Мунинг ҳукмини шу ердаги халққа англади. Яна саҳобалар бир неча кишилар халқ ичида айланишиб юриб, Расулуллоҳнинг буйруқларини жарладилар:

— Бу йилдан бошлаб кофирлар ҳаж қила олмагайлар. Мусулмон бўлмаган кишиларнинг ҳажга келмоқлари ясоқ (бекор)дир.

Шундин сўнгра жоҳилият одатларича Байтуллоҳни яланғоч тавоф қилиш йўқдур. Расулуллоҳ билан қайси қабила аҳднома тузган бўлса, шундаги шартлар албатта сақланғусидур. Аҳдини бузган қабилаларга тўрт ой ўтгунча рухсатдур. Қаерда юрсалар тўсқинлик йўқдур. Мусулмонлардан ҳеч кимарса аларга тегмагай. Бу муддат ўтганчалик Исломга кирмасалар, уларнинг молларига, жонларига омонлик йўқдур. Бундан кейин Ҳарам масжидига мусулмонлардан бошқа ҳеч бир киши кира олмагай. Иймон келтирмаган кофирларга жаннат юзи ҳаромдур.

Мана шу ёрликни айтиб Ҳазрати Али, Ҳазрати Абу Ҳурайра бутун халқни оралаб юриб, жар чақирдилар. Буни англаган араб мушриклари Ҳазрати Алига қараб:

— Сизлар билан бизнинг орамиз ажради, қилич-найзадан бошқа иш қолмади, — деб тарқашдилар.

Ҳаж кунлари ўтгандан сўнгра Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Али ва бошқа саҳобалар Мадинага саломат келдилар.

Шу йилнинг зулқаъда ойида мадиналик мунофиқлар раиси Абдуллоҳ ибн Убай ўлди. Бу эрса шу ерлик Хазраж қабиласининг бош раиси эди. Расулуллоҳ Мадинага келмасдан илгари ерлик халқ бу кишини ўзларига подшо қилиб кўтармоқчи бўлиб иттифоқ қилишган эди. Шу орада Ислом воқеаси қўзғалиб, Расулуллоҳ Мадинага ҳижрат қилиб келдилар. Бунинг иши тўхталиб, халқ кўнглидан кўтарилиди. Унга атаб тайёр-

лашган тож-тахтлари бекор қолди. Мана шу сабабдан Расулуллоҳга бунинг ҳасади кўзгалмиш эди. Ҳасадин чикмиш душманлик ўти ўз эгасини куйдириб, кул қилмагунча ундан қутулиш йўқдур. Бу бахтсиз киши Худо ёндирган чировни ўчирмоқчи бўлиб, Расулуллоҳга доим душманлик қилур эди. Шундоғ бўлса ҳам улуғ ахлоққа эга бўлган Раҳматан Лилоламин унга Аллоҳдан тавфиқ тилар эдилар. Азалий бахтсизлик уни ўраб олган экан, йиллаб олдида ёниб турган, ер-кўкни ёритган нури Муҳаммадийдан бу бечора заррачалик ҳам фойда ололмай, энг охири дунёдан иймонсиз ўтди. Бу сирнинг тагига ким етди?

*Ҳақиқат сиррига ҳеч кимса етмас,  
Шариат ушлаганлар йўлда қолмас.*

*Ҳасадин сақла ўзни эй биродар,  
Бу сўзни айтдилар барча Пайғамбар.*

*Ҳасаг ўти жаҳаннам ўтидур бил,  
Ани кўрмай десанг мундин ҳазар қил.*

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бунинг зоҳирига қараб жанозасини ўқидилар. Худодан гуноҳини тилаб, қабри устида дуо қилдилар. Бундан мақсадлари эрса, унинг ўғли Абдуллоҳнинг кўнглини кўтариш, уруғи Ҳазраж қабиласини хуш қилиш эди. Расулуллоҳнинг бу улуғ ахлоқлари шарофатидан бир неча мунофиқлар кўнгилларига иймон нури кириб гумонсираш балосидан қутулдилар. Шундоғ бўлса ҳам бундан кейин мунофиқликда юриб тавбасиз ўлган кишиларга жаноза ўқилса, қабрлари устида туриб дуо қилма деган амр бўлиб, Тавба сурасида шу оят келди:

**«Ва ла тусалли ала аҳадин мота абадан ва ла тақум ала қобриҳи».** Маъноси: «Мунофиқлардан ўлганлар бўлса, уларнинг ҳеч бирига жаноза ўқима, қабри устига келиб турма», демақдур.

Шу оят тушгандан сўнгра мунофиқлардан ким ўлса, унга Расулуллоҳ жаноза ўқимас бўлдилар.

Қурайш қабиласи энгилиб, Макка шаҳри фатҳ бўлгандан кейиноқ Арабистон ўлкасида Ислом дини ривожлана бошлаган эди. Унинг устига Тавба сурасида келган Аллоҳнинг фармони бўйинча бу йилдан кейин Ислом динига кирмаган Арабистон мушриклари ҳажга

кела олмайдиган, жоҳилият одатларича Байтуллоҳни зиёрат қила олмайдиган бўлдилар. Бу ёрлиқ бутун Арабистонга анлангач, араблар Исломдан бошқа тўғри дин йўқлигини тушуниб, сел оққандек бўлишиб, Мадинага келгани турдилар. Узоқ-яқин Арабистон ўлкасида яшайдиган кўчманчи қабилалардан раислари бошлиқ элчилар келишга бошлади. Шу боис бу йилни ҳадис, тарих китобларида элчилар йили деб атадилар.

## НАЖРОН ЭЛЧИЛАРИ

Ҳижратнинг ўнинчи йили Ашур ойида Нажрон шаҳридан олтиш киши элчи бўлиб Мадинага келдилар. Бу ернинг халқи эрса, илгаридан бери насоро динида яшаган араблар эди. Қуръони каримда Буруж сурасида қиссаси айтилган, тириклай ўтга ташласалар ҳам ўз динларидан қайтмаган кишилар шу келган элчиларнинг илгариги ўтган боболари эди. Бу элчилар Мадинага келгач, Расулуллоҳни сўрашиб масжидга кирдилар. Кийган кийимлари бутунлай ипақдан бўлиб, қўлларига олтиндан узук тақишган эди. Ўша замоннинг қўл ишларидан турли рахтлар, ҳар хил расм-сурат солинган тўшаклар, киши кўрса қизиқарлик нарсалардан Расулуллоҳга қўлгина ҳадя келтирган эдилар.

Бу нарсалар илгари кўп кўрилмаганликдан халқ кўзига қизиқ бўлиб, ундаги суратларни қайта-қайтадан томоша қилардилар. Бу элчиларнинг зийнатлик кийган кийимларига, совға қилиб келтирган қимматбаҳолик молларига қарашиб, қай бир кишиларнинг кўнгли дунё ҳавасига мойил бўлди. Ҳадяларини Расулуллоҳ қошларига келтиргач, суратлик нарсаларини ўзларига қайтариб, қолганларини қабул қилдилар. Дунё зийнатларини кўриб қизиқишган кишилар ҳақида ушбу оят нозил бўлди:

**«Қул ауннаббукум бихойрин мин заликум, лиллазинат-тақав инда роббиҳим жаннатун тажрий мин таҳтиҳал анҳару».** Маъноси: *«Айтгил, (эй Мухаммад,) мўъминлар учун у дунёда тайёрланган нарсалар эрса булар кўриб қизиққан бу дунёнинг зийнатларидан, албатта, яхшидур. Ичига асал, шароб анҳорлари оқиб турган жаннатлар мўъминларникидур».*

Шу куни аср намози ўқилгандан кейин уларнинг ҳам ибодат вақти киргач, ўз одатларича кун чиқишга

қарашиб масжид ичида намозларини ўқишмоқчи бўлди. Саҳобалар буларни тўсмоқчи эдилар, Расулуллоҳ уларни қайтариб, ўқишга рухсат қилдилар. Намоз ўқишиб бўлишгандан сўнгра ўлтириб эдилар, Ислом ҳақида келган Қуръон оятларидан Расулуллоҳ ўқиб, уларга иймон арз қилдилар эрса, қабул қилишмай:

— Илгаридан бери биз мусулмон эрурмиз, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Бу сўзинглар ёлғондур, чунки сизларда уч иш бордурким, уни қилган кишилар мусулмон бўла олмагайлар: биринчиси, бутга топинасиз. Бутга топинмоқ иймондан чиқмоқдур. Иккинчиси, тўнгиз эти ейсиз, ҳалол деб тўнгиз емак куфрдир. Учинчиси, Исо Худонинг ўғли дейдурсизлар. Худо бу ишдан покдур. Мана шу нарсалар сизларни Исломдан йироқ қилур. Исо Аллоҳнинг қулидур. Аллоҳ, қудрати билан уни отасиз яратгандур. «Пайдо бўл!» деган сўзини Аллоҳ Марямга ташламиш, сўнгра Исони туғмишдур. Аллоҳ қудрати билан отамиз Одамни яратгандек Исони шундоқ яратибдур. Исо отасиз туғилмиш эрса, Одам алайҳиссаломни қудрат қўли билан ота-онасиз яратмишдур, — дедилар.

Улар бу сўзни англагач, ичларидан бировлари туриб:

— Исо Худонинг ўғлидур, — деди.

Яна бирови:

— Йўқ, ундоғ эмас, Исо Худонинг ўзидур, — деди.

Исо алайҳиссалом ҳақида насороларнинг аниқ ишонган сўзлари бўлмагач, Расулуллоҳ олдида довдирашиб, бир-бирларига қарама-қарши сўзлашганларидан хижолат бўлишди. Уларнинг раислари Расулуллоҳга қараб:

— Нега Исони сўкадурсан, уни Аллоҳ қули демак, унга ҳақоратдур, — деди.

Яна Расулуллоҳ:

— Исо Аллоҳнинг қулидур. Уни Аллоҳ яратиб, халққа пайғамбар қилиб юбормишдур, — дедилар.

Бу сўзга уларнинг ғазаблари келиб:

— Исо нечун банда бўлмай, ул неча ўликларни тирилтирди, шифоси топилмаган пес-моховларга дам уриб соғлантирди. Онадан туғма тилсиз касалларга, кўзи очилмаган кўрларга, шолларга шифо берди. Қора балчиқдан қуш суратини ясаб, унга дам солиб эрди,

жон кириб, қўлидан учди. Бу ишлар эрса, махлуқ қўлидан келмагай, балки Холиқнинг қудратидур, — деди.

Мана шу чоғда Расулуллоҳга ваҳий келиб, ушбу оят тушди:

**«Лақаҳ кафарал-лазийна қолу инналлоҳа ҳувал Масиҳ ибну Маряма».** Яъни, *«Марям ўғли Исони Аллоҳ деган кишилар, албатта, кофирдурлар».*

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Агар мен келтирган Ислом динига кирмасдан мени ёлғончи қилсанглар, келинглар, ҳаммамиз бир ерга йиғилайлик, сўнгра дуога қўл кўтариб, ким ёлғончи бўлса, уни Аллоҳ лаънат қилсун, деб қарғашайлик. Менга ишонмаганларга шундоғ қилгил, деб Аллоҳ мени буюрди.

Бу сўзни эшитгач, қўрқишиб:

— Эй Абул Қосим, бу кунча бизга рухсат қилгил, қайтайлик, бу иш тўғрисида ўзаро кенгашайлик, сўнгра келиб жавобини берурмиз, — дедилар.

Шу билан Расулуллоҳ олдиларидан қайтиб чиқишиб ўзаро маслаҳат қилганларида, улардан бирови деди:

— Худо ҳаққи, биламиз бу киши Исо хабар берган охирзамон пайғамбаридур. Бунинг пайғамбарлигини ўз кўнглимизда билиб турамиз. Қайси бир киши пайғамбар билан лаънатланур бўлса, ўзи ҳалок бўлиб, унинг насли ер устидан йўқолур. Эндиги маслаҳат шулки, ул айтган динга кирмасак ҳам, у билан келишиб тинч-омон ўз элимизга қайтайлик, — дейишиб шу сўзга тўхташдилар.

Эрталаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келишларида Ҳазрати Али, Фотима, имом Ҳасан, имом Ҳусайнларни бирга келтирдилар. Насоролар Расулуллоҳнинг авлодлари билан бирга келганларини кўриб хайрон қолишди.

Анда раислари:

— Мундоғ нур юзлик кишилар Худодан нима нарса сўрасалар, қабул қилур. Аларни қуруқ қайтармагай. Агар шу тоғни ўрнидан қўзғалсин деб дуо қилсалар, дарҳол қўзғалур. Агар булар билан лаънатланур бўлсак, насоро наслидан ер устида ҳеч киши қолмагай, — деди.

Сўзлари ноҳақлигидан қўрқишиб, бу ишга журъат қилиша олмадилар. Ҳар йили икки минг уқия кумуш бериб туришга ўзлари рози бўлишиб, сулҳ қилдилар. Чунки Қуръонда агар кофирлар сен билан келишишни сўрасалар уни қабул қил, деган мазмунда оят бор эди.

Бу солиқнинг ярмини ҳар йили Сафар ойида, қолган ярмини Ражаб ойида тўлаб тугатмоқ шарт қилинди. Иш битгандан сўнгра булар ўз юртига қайтмоқчи бўлдилар. Тўлов молни топшириш учун бир амин (ишонимли) одамни қўшиб беришни Расулуллоҳдан сўрадилар. Мана бу киши эса Ислом уммати ичида амини эрур деб, Абу Убайда ибн Жарроҳни уларга қўшдилар. Шу кундан бошлаб Абу Убайда «Аминул умма» лақабини олди. Араблар «амин» деб тўғри сўзли, ишончли кишини айтурлар. Расулуллоҳ лақаблари, Жаброил алайҳиссалом лақаблари ҳам Ал-амин эрур. Улар кетгандан кейин Расулуллоҳ айтдилар:

— Ул улуғ қудратли Аллоҳ ҳақида қасам қилурманки, аҳли Нажрон устига осмондан азоб тушиб, тайёр бўлиб турди. Агар мен билан лаънатлашиб, ким ёлғончи бўлса, Аллоҳнинг лаънатига қолсин дейишсалар эди, ўша онда Худонинг лаънати уларга тушиб, ҳаммалари маймун, тўнғиз суратига кириб қолишур эди. Яна осмондан азоб ўти тушиб, Нажрон шаҳрини бутун халқи билан куйдирур эди. Йил ўтмай туриб, ер устида насоро кофирларидан бир киши ҳам қолмас эрди.

### ДОРИЮНЛАР ВОҚЕАСИ

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратдан илгари Маккада турган вақтларида Шом тарафида яшайдиган Дориюн арабларидан бир неча кишилар келиб иймон келтиришган эди. Булар ичида Тамимуд-дорий, Абу Ҳиндуд-дорий, Наимуд-дорий деган кишилар бор эди. Бу дориюнлар қайтар вақтларида:

— Ё Расулаллоҳ, вақти келиб Худо сизга олам атрофидан кўп ерлар берса, бизга ҳам шу ерлардан ато қилгайсиз, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Хоҳлаган ерни айтинглар, шу ҳозирдаёқ хат қилиб берайин.

Расулуллоҳ олдиларидан чиқишиб ўзаро келишгандан кейин Байтул мақдис шаҳрини атроф қишлоқлари билан сўрамоқчи бўлдилар. Анда Абу Ҳинд айтди:

— Бу шаҳар илгари Ажам подшоларига марказ бўлиб келгандур. Бу сўнгги кунларда эса арабларга пойтахт бўлиши кутилмоқда. Буни қўйиб бошқароқ жойдан кўрсатайлик, — дейишиб, охири Шом тупрофида Байт Жайрум деган жойни сўрадилар.

Расулуллоҳ буни маъкул кўриб, бир парча кийик терисига ҳужжат хати ёздириб бердилар. Нусхаси бу эрур:

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ҳаза китобун зукира фиҳи ма ваҳаб Муҳаммадун расулуллоҳи лид-дорийийна иза аътоҳуллоҳу лаҳуларза ваҳабалаҳум Байта Айнун ва Жайруна вал Мартум ва Байта Иброҳима илал абадалабад. Шаҳида бизалика Аббас ибну Абдулмутталиб ва Хузаймату ибни Қайс ва Шураҳбил ибни Ҳасанах».**

Таржимаси: *«Аллоҳнинг Пайғамбари Муҳаммад Дориюнларга шу жойларини ҳиба қилиб берди: Байти Айнун, Жайрун, Мартум, Байти Иброҳим. Аллоҳ ўз Пайғамбари Муҳаммадни шу жойларга қачон эга қилса, ул кишилар шу ерларни олсинлар. Буларга доимий мулк бўлсин. Абдулмутталиб ўғли Аббос, Қайс ўғли Хузайма, Ҳасана ўғли Шураҳбил гувоҳдур».*

Сўнгра бу хатни уларга бериб:

— Энди ўз еринларга қайтганинлар яхшидур. У ерга боргач, меним Мадинага ҳижрат қилиб келишимни кутиб туринлар, — деб рухсат қилдилар.

Улар ҳам ўз жойларига қайтишди. Қачонки Расулуллоҳ ҳижрат қилиб Мадинага келдилар эрса, Дориюнлар уни англашиб Мадинага келиб, Расулуллоҳ билан кўришгандан сўнгра Маккада ёзилган бурунги ҳужжат хатни янгилаб беришни талаб қилишди. Иккинчи ҳужжат хатни ёзишга буюрдилар. Нусхаси ушбудир:

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ҳаза ма анто Муҳаммадур Расулуллоҳ литамимид-дорий ва асҳобиҳи. Инний антайтукум Байта Айнун ва Жайруна вал Мартум ва Байта Иброҳима, бирумматиҳим ва жамайъа ма фийҳим натийята батгин ва нафадту ва салламту золика лаҳум валяаъқобиҳим мин баъдиҳим абадал абад. Фаман азаҳум фиҳи азаҳумуллоҳ, Шаҳида бизалика Абу Бакр ибни Қуҳофа ва Умар ибни Аби Хаттоб ва Усмон ибни Аффон ва Али ибни Аби Толиб».**

Таржимаси: *«Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад Тамимуд-дорий ва анинг йўлдошларига Байти Айнун ва Жайрун ва Мартум ва Байти Иброҳим — шу жойларни ичигаги борлиқ нарсалари билан ҳиба қилиб бердим. Ўзларига, кейин болаларига доим мулк бўлсин. Бу тўғрилиқ уларга ким азият етказса, Аллоҳ унга азият еткизсин. Абу Бакр ибн Қуҳофа, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб бу ишга гувоҳдурлар».*

Булар ичида Омир ибн Туфайл, Арбад ибн Қайс, Жаббор ибн Саламий деган қабила бошлиқлари, элчилар раислари эди. Бутун қабила устидан раислар бошлиғи қилиб Омир ибн Туфайлни сайламиш эрдилар. Мунинг кўриниши кўркам, эгиз бўйлик, юзи чиройлик, чечан тиллик киши эрди. Исломиятдан илгари араблар ўз одатларича ҳар йили Укоз, Зулмажоз деган машҳур бозорларга йиғилишиб мушоира-муфоҳара (музокара) қилишур эди. Яъни, араб шоирлари, хатиблари ораларида сўз мусобақаси бўлур эди. Қайси қабила шоирининг шеъри фасоҳат, балоғат тўғрисида бошқаларникидан устунлик қилар экан, уни келтириб ҳурматини кўтариш учун Каъба деворига осиб қўйишар эди. Мундоғ шеър эгаларининг халқ ичида қадри кўтарилиб, уларга улуғ шоирлик унвони берилур эди. Бу иш эрса ўшал замон араблари олдида улуғ шарафга эга бўлгани учун шеър сифати энг олий даражага етмагунча Байтуллоҳ деворига осигна йўл қўймас эдилар. Мана шундоқ жойларда халқ йиғилиб тўлганида шу Омир ибн Туфайлнинг амри билан унинг жарчилари халқ ичини оралаб: «Ким пиёда эрса от миндирамиз, ким оч бўлса тўғизамиз, душмандан кўрққан бўлса қутқазамиз», деб қичқиришур эди. Лекин Омирнинг кўнглида ҳасади бўлгонлиқдан Расулуллоҳга қаттиқ душманлиғи бор эди. Қабила ичидаги яхши кишилар:

— Эй Омир, Маккани Муҳаммад фатҳ қилди, Қурайш унга иймон келтирди, бутун араб халқи Ислом динига киргани турдилар. Энди сен ҳам кўп қаторида иймон келтиргин, — дедилар.

Анда ул:

— Ҳой, мен унга қандай иймон келтираман? Бутун араб халқини ўзимга қаратаман деб онт ичган эдим. Энди Қурайшдан чиққан бир кишига бўйсунмоқни ўзимга ор кўрурман, — деди.

Шундоғ бўлса ҳам элчиларга бош бўлиб Мадинага келди. Энг яқин кўрган йўлдоши яна қабила раисларидан Арбад ибн Қайс деган киши бўлуб, мунинг ҳам ёмонлиғи ундан қолишмас эди. Расулуллоҳга йўлиқиш олдида Омир унга:

— Қачон Муҳаммад олдиға кирдук эрса, мен уни сўз билан алаҳситиб тургайман, ул чоғда сен пайт



пойлаб чаққонлик билан унга қилич солур бўлсанг ўзимизни ва бутун араб халқини ундан қутқазган бўлурмиз. — деди.

Бу хиёнатни қилишга қаттиқ ваъдалашдилар. Шу билан Расулуллоҳ устига кириб кўришгандан сўнгра Омир сўз бошлаб:

— Эй Муҳаммад, икковимиз дўстлашиб иш қилсак яхши бўлур. Шаҳар халқи сенга бўлсин, дала халқи, кўчманчилар менга бўлсин, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Аллоҳга иймон келтирур бўлсанг, дўст бўлур-миз, — дедилар.

— Агар иймон келтирсам, сендан сўнгра ҳукумат иши бизда бўлмайму? — деди.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Уни Аллоҳ билур, ул эрса Аллоҳ хоҳлаганича бўлур.

Ул яна сўради:

— Агар иймон келтирсам, бошқалардан ортиқча нима топқайман?

— Фойда-зиёни мусулмонлар билан тенг кўрурсан, сенга улардан ортиқча иш йўқдур, — дедилар.

Бу сўзни англагач, Омирнинг шайтони келиб бўйнига минди. Фазаби қўзғалиб:

— Эй Муҳаммад, сенинг устинга отлиқ, яёв йигитлардан сонсиз аскарни келтирурман. Мадинанинг хурмоли боғларини аскарга тўлғизиб ҳар туп хурмога биттадан от боғлатурман. Худо ҳаққи, шундоқ қилурман, — деб дўқ уриб қўрқитмоқчи бўлди.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Сени бу ишдан Аллоҳ қайтаргай, бу сўзнинг урдасидан чиқолмагайсан. Ичган қасамингга ёлғончи бўлурсан.

Ансор саҳобаларнинг раисларидан Усайд ибн Ҳузайр ҳам шу ерда эди. Расулуллоҳ олдида буларнинг шундоғ адабдан ташқари айтган сўзларини англаб, анинг аччиғи келиб:

— Эй маймунлар, Расулуллоҳ олдиларидан чиқинглар, — деб Омирнинг бошига бир урди.

— Ҳой бизга шундай журъат қилган сен ким эдинг? — деди.

— Усайд ибн Ҳузайр эрурман.

— Отанг Ҳузайрни кўрган эдим, ул киши сендан яхши эди, — дейишди.

— Отамдан ва сендан албатта мен яхши эрурман, чунки отам мушрик эди, сен дағи мушриксан. Муъмин киши Худо олдида албатта мушриқдан яхшидур, — деди.

Аларнинг аччиқлари ҳаддин ошиб, қаҳр-ғазаблари тўлиб тошиб, Расулуллоҳ олдидан чиқишлари билан ўз юртларига жўнадилар. Қилчалик бўлса ҳам Ислому муҳаббати дилларига кирмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг иймонидан умид уздилар. Бани Омир қабиласи эрса араблар ичида атоқли катта қабил аталур эди. Раислари иймон келтирмай кетганлари учун Расулуллоҳ қайғуриб қолдилар. Раислари иймон келтирур бўлсалар, буларни юборган қабил а халқининг ҳам Ислому динига киришлари аниқ эди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам алар ҳақиға дуо қилиб:

— Эй бор Худоё, Бани Омир қабиласини ҳақ йўлга бошлагил, Омир ибн Туфайлнинг ёмон қасдидан бизни сақлагил, давосиз дардага йўлиқсин, ўзини қутқармай, бизни унутсин, — деб қарғадилар.

Расулуллоҳ қошларидан чиқишганда Омир ибн Туфайл йўлдоши Арбада айтди:

— Эй Арбад, сенга нима иш буюрган эдим, меним айтган сўзим қаён қолди? Араблар ичида сендан бошқа бирорта кишидан қўрқинчим йўқ эди. Синовдан ўтказ энди билдим, энг қўрқоқ киши эрмишсан, бу кундин бошлаб кўнглим тинчиди. Энди сендан қўрқмас бўлдим, — деди.

Анда ул:

— Эй Омир! Бу сўзда кўп шошқинлик қилма. Сен буюрган ишни қилмоқчи бўлиб уч қайта қасд қилдим. Биринчи марта қиличга қўл урдим эрса, унинг ўрнида сени кўрдим. Сени чопғали бўлурми? Иккинчида орамизга темир қўрғон қурилади. Учинчида қилич сошига қўлим қадалди, на эрса бу ишларни кўрдим. Бўлғон иш шудир. Энди қолганини ўзинг билурсан, — деб тўхтади.

Эй раббим Аллоҳ, бу нима сир, бу қандай йўриқ-дурким, шунчалик улуғ муъжизалик, улуғ қудратни кўзлари кўратуриб бу кишиларнинг кўнгиллари яна очилмади-я? Муңдоғ бўлишнинг сабаби эрса, уларга Аллоҳ тавфиқ бермади. Чунки Аллоҳнинг тавфиқ беришига баъданинг талаби шартдур. Аллоҳ инсонни ўз хикмати билан яхши-ёмонни, бузуқ-тузуқни ажратишга

ақл бериб, бу икки йўлнинг қайси бирига бўлсин, ўз ихтиёрича юришга эркин қилиб яратмишдур.

Мундай бўлгач, яхши-ёмон ишларни банда ўз эрки билан қила олур. Савоб ишларни қилиб жаннатга кирмак, гуноҳ ишларни қилиб дўзахга тушмак банданинг ихтиёрига боғлиқдур. Шайтон йўлида йўқотган кучни раҳмон йўлида ишлатиш банданинг ўз қўлидадур. Инсон ақли етмайдирган диний ишларда йўлбошчилик қилиш учун Аллоҳ таоло пайғамбарлар юборди. Буларнинг биринчиси Отамиз Одам Сафиюллоҳ, энг сўнггиси Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдурлар. Бу икки орада ўтганлар бир ривоятда бир юз йигирма тўрт минг, иккинчи ривоятда икки юз йигирма тўрт минг пайғамбардурлар. Буларнинг келтирган динлари замонларига яраша турлича бўлса ҳам барчаларининг диний асослари шу уч нарсага қаралмиш эди:

Биринчиси, Аллоҳнинг борлигига ва бирлигига иймон келтириш;

Иккинчиси, ўлгандан кейин яна қайтадан тирилишга ишонмоқ;

Учинчиси, қиёмат кунининг бўлишига ишонмоқдур.

Мана шу хабарларни бутун инсонларга етказмоқ учун Аллоҳ таоло шунча кўп пайғамбарларни юбормишдур. Аллоҳ ўз раҳматини аямади. Буларнинг ҳар қайсилари ўз устларига юкланган хизматларини ўз вақтида ўринлатдилар. Бу тўғрида чиққан ҳар турли оғирликлар бўлса, сабр қилдилар.

Айниқса, Расулуллоҳга бу ҳақда бўлган қийинчиликлар, ўтган пайғамбарларнинг ҳеч бирига бўлмаган эди. Энди ишлар тутаб, Худо ва унинг Пайғамбари ўз вазифаларини адо қилгандурлар. Расулуллоҳга Қуръон тушган кунидан бошлабоқ юзага чиққан ҳақиқат эрса Исломи динидур. Инсон даври тутагунча дунё халқига мослашгудек бундан бошқа дин йўқдир. Расулуллоҳ марҳамат қилдилар:

«Бир кун келурким, мен келтирган шу Исломи дини ер юзини бутунлай қоплаб, кирмаган уйи қолмагай, бу динга бўйсунганлар эса ҳурмат кўргайлар. Қаршилик қилганлар хорликка қолгай», дедилар.

Агар бу сўзни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган бўлсалар, албатта, бу иш бўлғусидур. Мунинг белги ва аломатлари бўлаётганини узун йиллардан бери пайқаб келамиз. Расулуллоҳ айтишлари-

ча, ҳар юз йилнинг бошида Ислом динини янгиловчилар чиқиб туришлари лозимдур. Биринчи юздан бошлаб ўн учинчи юзга етгунча узилмай улардан чиқиб турганлиги мўътабар китобларда ёзилган экан, ўқиб кўрдим. Энди олдимиздаги ўн тўртинчи юзни кутиб турмоқдамиз.

Эҳтимол, бу юзга етгунча катта ҳодисалар, зўр воқеалар бўлиб, улуғ ўзгаришлар кўрилгусидур. Чунки ҳар ишнинг камолга етиши ул ишга завол келиши демакдур. Ислом динига қарши зиёнлик нарса кўрилмиш эса, шу аср маданиятининг диний ҳалокатимиз учун тайёрламыш огули ошлари, заҳарли шарбатларидур. Ислом дини ер устига тарқалгандан бери, ҳеч даврда бундай хорликка қолган эмас эди. Энди кўп узоқ эмас, устимиздаги йилларни юзга тўлдирсак дин янгилайдиганларнинг даврига етишган бўламиз. Расулulloҳнинг хабар беришларича, албатта мусулмонлар учун кўп яхшилик кунлар келиши керакдур. Лекин у бахтли кунларга ким етгай, ким етмагай. У кунларни кўрган бахтли мўъминлар, кўролмамай ўлган ғариб мўъминларни дуода ёд қилгайлар.

Тарих ҳижратнинг бир минг икки юз йиллигида вафот топган ҳадис олимларининг устозларидан Имом Шавканий Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушишлари, имом Маҳдийнинг хуружи, Дажжолнинг чиқиши — шу уч воқеа устида бир китоб ёзмишдур. Шуларнинг чиқишларини исботлаб элик ҳадис Маҳдий охирзамон ҳақида, йигирма тўққиз ҳадис Ҳазрати Исо ҳақларида, юз ҳадис Дажжол малъун ҳақида шу китобда келтирмишдур. Бу ҳадисларнинг қайси бирлари гумонлик бўлса ҳам, кўпчилигига қаралса, бу воқеаларнинг бўлишига шак қилиш мусулмон кишиларга тўғри эмасдур.

Мен бу китобимни Пайгамбаримиз айтган, қиёматгача иймондан ажралмайдиган мўъминлар учун ёзганлигимдан бу ўринда очикроқ қилиб гапирдим. Шундоғ бўлса ҳам, яна, кўп сўзларим қаламга келмасдан кўнглимнинг бир четида яширинганича қолди. Иншааллоҳ, уларни ҳам вақти келгач, кўнгил зиндонидан қалам майдонига чиқазиб, тилақдош дўстларимиз, ватан болаларимиз учун эсдалик қўлланма қилиб қолдириш виждоний вазифадур.

Яна ўз сўзимизга қайтдик.

Шундоғ бўлиб, бу улушсизлар Мадинадан ўз юртига қайтиб кетаётганларида Омир ибн Туфайлнинг

бўғзида ёнғоқдек бир дона без пайдо бўлиб, катта бўлгани турди. Бунинг оғриғига чидаёлмай, йўл устида кўринган бир чодирга кириб тушди. Бу эрса Салулий қабиласидан бир камбағал тул кампирнинг чодирини эди. Бу уйда бир неча кун бетоб бўлиб ётди. Ўзини бутун арабларнинг сайида ҳисоблаган киши мундоғ ўринда оғриб ётмоқлик бек оғир эди. Чунки араблар олдида Салулий қабиласи эрса энг олчоқ, паст қабиладан саналур эди.

Шулардан бўлган бир қаллож кампир уйда ётиб ўлишни ўзига қаттиқ ор кўрди. Отимни келтиринглар, деб йўлдошларига буюрди. Алар келтиришгач шижоат билан отига миниб найзасини кўлига олди:

— Эй ўлим, кўзимга кўринсанг эдинг, сен билан уришур эдим, — деб жон аччиғида у ён-бу ён от чопиб, сурон солиб ҳайқирди, охири от устида жони чиқиб ерга йиқилди. Унинг ўлигини йўлда қолдириб, қолган икки йўлдоши ўз юртига етиб боришди.

Қабила кишилари Арбадни кўргач, андин:

— Эй Арбад, иш нима бўлди? Муҳаммад сўзини бизга айтгин, аҳвол қандай? — деб ундан сўрадилар.

Анда ул:

— Айтгудек ҳеч гап йўқдур. Бордик, келдик, ўртада овора бўлганимиз қолди. Унинг айтган худосини кўрар бўлсам, ўқ отиб ўлдирав эдим, — деди.

Арбад бу сўзни қилгач, бир кундан сўнгра туясини миниб далага чиқди. Кун очик, осмонда бир парча ҳам булут йўқ эди. Шу орада қарс-қурс қилиб очик ҳаводан яшин тушиб ҳар икковини ҳалок қилди. Бу воқеадин сўнг бутун қабила иймон келтиришди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабиланинг иймониغا, Омир ибн Туфайлнинг ҳалок бўлишига дуо қилган эдилар. Ҳар икковининг ҳақиқа қилғон дуолари қабул бўлди. Арбад ибн Қайс эрса, тил адабсизлигидан ўзига лойиқ жазони топди.

### **ЗИМОМ ИБН САЪЛАБА ВОҚЕАСИ**

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан Мадина масжидида ўлтирган эдилар. Шу орада саҳро бадавийларидан сочлари хурпайган бир киши келиб масжид олдида тўхтади ва туясини чўктирди. Унинг товуши гўнғирлаб чиқиб турса ҳам, нима дегани тушуниксиз эди. У масжидга кирди ва:

— Абдулмутталиб ўғли Муҳаммад қимдур? — деб сўради.

Саҳобалар Расулуллоҳни кўрсатдилар эрса, яқин келиб ўтирди. Сўнгра:

— Эй Муҳаммад, мен сендин бир неча сўз сўрамоқчидурман, сўзимни суякка етказиб қаттиқлик билан сўрайман, яна кўнглингга оғир олмагил, — деди.

Расулуллоҳ:

— Нима хоҳласанг, шуни сўрагил, — дедилар.

— Худонинг ҳаққи сени барча инсонларга Пайғамбар қилиб Аллоҳ юбордими? — деди.

Расулуллоҳ:

— Шундоқдир, мени Аллоҳ таоло бутун инсонларга Пайғамбар қилиб юборди, — дедилар.

Яна ул айтди:

— Аллоҳ ҳаққи, бир кеча-кундузда беш вақт намоз ўқимоққа Аллоҳ буюрдими?

Расулуллоҳ:

— Албатта шундоқдур, Аллоҳ буюрди, — дедилар.

— Яна ул Аллоҳ ҳаққи-ҳурмати билан сўрайман, закот бермакни, бир йилда бир ой рўза тутмакни ва ҳаж қилмоқни Аллоҳ буюрдими, — деди ул.

— Ҳа, Аллоҳ буюрди, — дедилар Расулуллоҳ.

Сўнгра у киши дарҳол Расулуллоҳга иймон келтириб:

— Сенинг Пайғамбарлигингга ишондим, Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ, — деди-да, ташқарига чиқди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Бу киши эрса онгли равишда иймон келтирди, Ислому динини аниқлаб яхши таниди, — дедилар.

Сўнгра бу киши Расулуллоҳдан руҳсат олиб ўз қавмига бориб, уларни динга ундади. Бунинг йўлбошчилигида улунг бир қабила динга кирдилар.

### АБДУЛҚАЙС ЭЛЧИЛАРИ

Абдулқайс қабиласидан келган элчиларнинг сони ўн олти кишидан иборат эди. Булар ичида Жоруд номли бир киши бўлиб, насоро динида эди. Таврот, Инжил ўқиб Расулуллоҳнинг сифатларини кўрмиш эди. Бу элчилар келмасидан бурун Расулуллоҳ булардан хабар берган эдилар. Шундоқким, бир куни саҳоба-

лар билан Мадина масжидида ўлтирган чоғларида шундай марҳамат қилдилар:

— Мана шу ҳозирда шу томондан бир қанча туя минган кишилар чиққайлар. Булар эса шарқдан келган кишиларнинг энг яхшиларидур. Динга кирмакка мажбур эмаслар, ҳақиқатни излаб йироқ йўлдан келурлар. От-уловлари ориқламиш, озиқ-овқатлари товсилмишдур. Улар эса Абдулқайс қабиласининг элчиларидурлар. Эй бор Худоё, бу қабилани мағфират қил, — деб дуо қилдилар.

Сўнгра хиёл ўтмасдан Расулуллоҳ айтган томонларидан бир қанча кишилар кўрина бошлади. Расулуллоҳга кўзлари тушиши билан ўзларини туядан ташлаб югуришдилар. Расулуллоҳни қўл ва оёқларига юзкўзларини суртишиб, йиғлашган ҳолда кўришдилар.

Булар ичида Абдуллоҳ ибн Авф исми бир киши бор эди. Барчаларидан ул ёшроқ бўлса ҳам, уларнинг раислари эди. Йўлдошларидан ажраб қолиб, шошилмай туясидан тушиб уни чўктирди. Сўнгра хуржунидан икки дона оқ либос олиб кийди. Бу ишларни Расулуллоҳ йироқдан кўриб турдилар. Сўнгра ўз юришида, бошқалардек югурмай, тўғри юриб келиб Расулуллоҳ билан кўришди. Қутлуғ қўларини ўпиб, юзкўзларига суртди. Абдуллоҳ ўзи хунук юзли, кўримсиз, киши эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга узоқроқ қараб қолдилар.

Анда ул:

— Ё Расулаллоҳ, инсон териси ош ичгудек идиш бўлмас, инсоннинг қиймати эрса, икки кичик нарсаси билан бўлур. Бириси, тили, иккинчиси анинг дилдур, — деб айтди.

Расулуллоҳ бунинг сўзини ёқтириб:

— Эй Абдуллоҳ, Худо ва унинг Пайғамбари яхши кўрадиган икки хислатнинг сенда борлигини кўрдим. Биринчиси, юмшоқлик эрса, иккинчиси, шошилмасликдур. Бу икки феълани Аллоҳ яхши кўргай, — дедилар.

Анда у:

— Ё Расулаллоҳ, бу хулқ эрса ўзимдан бўлдимми, ёки менда Аллоҳ яратганмидур? — деди.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Дастлаб яратилишингда бу хулқни Аллоҳ сен билан бирга яратмишдур.

— Худо ва Пайғамбар яхши кўрган икки хулқни

менда яратган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, — деб ташаккур қилди.

Энди юқорида айтилишича, насоро динини тутган, Таврот ва Инжилда Расулуллоҳ сифатларини ўқиб, ўзларини кўришга муштоқ бўлиб юрган Жоруд булар билан бирга келган эди. Ўзининг яқин йўлдоши Салама ибн Йеъ деган кишига бир куни шундай сўз айтган эди:

— Эй Салама, Макка шаҳрида бир йигит пайғамбарлик даво қилиб чиқмишдур. Охирзамон Пайғамбари чиқди. Исо алайҳиссаломнинг қилган васиятларини Таврот, Инжилда ўқиб кўрган эдим. Шу киши бўлмайму, деб гумон қилурман. Бани Қайс элчилари билан унинг қошига борайлик, ҳозирдан ҳар икковимиз ўз кўнглимизда уч нарсани яширайлик, уларни эрса ҳар қайсимиз ўзимиз билайлик, бир-бирларимизга ҳам айтмайлик. Агар ул киши шу кўнглимизга яширинган нарсаларни тўғри топди эрса, Аллоҳ отиға онт қилурманким, Исо Пайғамбар башорат берган охирзамон пайғамбари аниқ шу бўлур. Анда алар иккови ҳам элчилар билан биргаликда Расулуллоҳ оқдиларига киришди. Анда Жоруд:

— Эй Муҳаммад, сен Аллоҳдан қандай дин келтирдиг, нима ишлар қилмоққа сени буюрди? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Аллоҳдан Ислом динини келтурдим, бу диннинг асоси эрса беш нимарсадур: биринчиси, барча оламини яратгувчи ёлғиз бир Аллоҳдур деб инонмоқ; иккинчиси, ҳар куни беш вақт намоз ўтамоқ; учинчиси, бой кишилар чоғайларга закот бермоқ; тўртинчиси, ҳар йили бир ой рўза тутмоқ; бешинчиси, қудрати етса умр ичида бир қатим ҳаж қилмоқдур, — дедилар.

Яна Жоруд:

— Эй Муҳаммад, аниқ Аллоҳ юборган Пайғамбар бўлсанг, кўнглимиздаги яширган сўзларимиздан хабар бергил, — деди.

Расулуллоҳ уйқу босгандек бўлиб, кўзларини юмиб очдилар. Шу орада ваҳий тушиб, муборак манглайларидан тер оқа бошлади. Бошларини кўтаргач, Жорудга қараб:

— Сен кўнглимизда уч ишни сўрамоқчи бўлдинг. Биринчиси, Ислом келмасдан илгари араблар орасида қонлар тўкилиб, уларнинг ўз вақтида қасоси қайтарилмаган бўлса, унинг ҳукми Ислом шариатида қандоқ бўлур экан?

Иккинчиси, жоҳилият даврида сақданиб келган



қабилалар орасида ичилган қасамлар Исломиятда ҳам сақланарму?

Учинчиси, қайси садақанинг савоби ортиқроқдур?

Буларнинг жавоблари шулдурки, жоҳилият қонлари исломиятда сўралмағай, уларнинг қасоси қайтарилмағай. Жоҳилиятда ичилган қасамлар исломиятда мардуддур. Мусулмонлар орасида бирлик сақлаш учун исломият ўзи қасамдур. Садақаларнинг энг яхшироғи муҳтож кишиларга кўлук (от, хўкиз, арава шунга ўхшаш нарсалар) кучини бермақдур ёки эрта-кеч соғиб ичгудек ҳайвонлар сутини садақа қилмоқдур, — дедилар.

Расулulloҳ унинг иккинчи йўлдошига қараб:

— Салама, сенинг кўнглингда яширган уч нарса шулардур: биринчиси, бутларга ибодат қилмоқ тўғрисида; иккинчиси, сабосаб кунининг ҳурмати хусусида; учинчиси, асл ва зотсиз кишиларнинг ҳуқуқ ва қасосда фарқлари ҳақида сўрамакчисан. Мана шуларни кўнглингда яширдинг, — дедилар.

Бунинг жавоби эрса, бутларни ва уларга топинган кишиларни Аллоҳ таоло тамуғ ўтида кўйдиргай. Сабосаб кунлари эрса жоҳилият давридаги ҳурматли байрам кунлари бўлиб, унинг ўрнига исломиятда Аллоҳ таоло Қадр кечасини ато қилди. Бу туннинг қадри эрса, Худо олдида минг ойдан ортиқроқ эзур. Шу бир кеча тоат-ибодат қилган кишилар минг ойлик тоат-ибодат қилганининг савобини топгайлар. Рамазон ойининг энг кейинги ўн кунидан бошлаб, уни талаб қилинлар. Қадр кечасининг белгиси — тунни ёруғ бўлиб, бошқа кечалардек ортиқча қоронғу бўлмағай. Ул кечада бўрончопқун бўлмағай, ул тунни тонг отгунча тинчлик-омончилик бўлгай. Куёш чиқар чоғда шу кунни бошқа кунлардек ялтираб чиқмасдин хирароқ бўлиб чиққай.

Асл кишилар билан зотсиз кишиларнинг исломият олдида фарқлари йўқдур. Ҳар бир ҳуқуқда баробардурлар. Агар бир асл одам зотсиз одамни ўлдирад бўлса, уни қасос қилиб ўлдурмак лозимдур.

Аммо Худо олдида эрса инсонларнинг фарқлари бордур. Кимнинг тақвоси кўп эрса, Аллоҳ олдида унинг даражаси улугдур. **«Инна акрамакум индаллоҳи ат-какум»** ояти каримасининг мазмуни ҳам шулдир, — дедилар.

Бу мўъжизани кўргач, дарҳол ул икки одам иймон келтирдилар. Буни кўришиб, Абдулқайсдан келган барча элчилар ҳам иймон келтиришдилар.

Сўнгра улардан бир киши туриб:

— Ё Расулаллоҳ, бизни ерларимизнинг ҳавоси оғир-дур. Ош-сувларимиз сингишлик эмас, узум-хурмолардан ясалган ичимлик шаробларимиз бўлур, шулардан бир коса-ярим коса ичиб юрмакка рухсат қилурмисиз, — деб сўради.

Анда Расулаллоҳ айтдилар:

— Ўзингиз билурсизким, ҳеч ким бу нарсадан оз ичмакка қаноат қилмагай, кўп ичиб эсиргандин (мастликдан) сўнгра ақли қочиб, қилич суғуриб ўз йўлдошининг оёғига ургай. Унинг захмидан бир киши умр бўйинча оқсоқ бўлиб қолгай.

Расулаллоҳдан бу сўзни англашлари билан барчалари бирданига кулишиб юборишдилар. Расулаллоҳ улардан:

— Нега кулдинглар? — деб сўрадилар эрса:

— Сиз айтган воқеа ўз ичимизда мана шу киши устида бўлиб ўтгандур, — дейишиб, чўлоқ бир кишини кўрсатдилар. — Гувоҳлик берурмизким, Аллоҳ юборган аниқ пайғамбар экансиз. Ароқ ичмасга ваъда берурмиз, — дейишди. Сўнгра Расулаллоҳдан рухсат олиб ўз юртларига қайтишдилар.

### **БАНИ ҲАНИФА ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ**

Бани Ҳанифа қабиласидан келган элчилар ичида Мусайлама номли бир киши бор эди. Булар Мадинага келгач, Расулаллоҳ билан кўришгани келдилар. Улар ичида Мусайлама ўзи келмасдан қўшхонада ажраб қолди. Алар Расулаллоҳни кўргач, диллари очилиб иймон келтурдилар, аммо Мусайлама каззоб (ёлғончи) келмасдан илгари шундай айтур эди:

«Муҳаммад мени ўз Пайғамбарлигига шерик қилур эрса, унга тобе бўлурман. Йўқ эрса, унга иймон келтирмагайман».

Ул ўзи келмагач, Расулаллоҳ унинг ила кўришгани келдилар. Қўлларида тутган бир хурмо бутоғи бор эди, анга қараб:

— Эй Мусайлама, агар иймон келтурмасанг, сенга шу хурмо шохини ҳам бермагайман, — дедилар.

Сўнгра йўлдошлари Собит ибн Қайсга қараб айтдиларким:

— Бир куни уйқумда Аллоҳ таоло ер усти хазиналарини менга кўрсатди. Шу чоғда қўлимга солинган

икки олтин билагузук кўрдим. Мундан хафалик пайдо бўлиб, дилимга ташвиш тушди. Шул ҳолда менга илҳом бўлди. Бу нарсаларни пуллаб юборгин, мундан қутилурсен. Пулладим эрсам, икки қўлимга солинган олтин билагузуклар ғойиб бўлди. Шу кўрган тушимнинг йўрими шулдурки, мендан кейин кўп ўтмаёқ умматларим ичидан икки ёлғончи пайғамбар чиққай.

Расулуллоҳ айтганларидек, у икки ёлғончининг бириси шу Мусайлама каззоб эди. Бу эрса Ямомадан чиқди. Иккинчиси, Тулайҳа Санъо-Ямандан хуруж қилди. Бир неча йил илгари кўрган тушлари эрса бу икки каззобга тўғри келди.

### ТАЙ ҚАБИЛАСИ ЭЛЧИЛАРИ

Тай қабиласи элчиларнинг раислари эрса Зайдулҳайл деган киши эди. Шоирлик, хатиблик, жувонмардлик, шунга ўхшаш фазл-шарафлар билан араблар ичидан атоғи чиққан эди. Шунинг учун бунинг ҳақида Расулуллоҳ айтдилар:

— Кўришмасдан илгари мақталган кўп одамларни кўрдим, мақталганларидек чиқмадилар. Аммо Зайдулҳайл эрса мақталгандан ортиқроқ чиқди.

Сўнгра Расулуллоҳ анинг қўлини тутиб:

— Отинг нимадур? — деганларида ул:

— Отим Зайдулҳайл. Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва аннака абдуҳу ва расулуҳ, — деб дарҳол иймон келтирди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй Зайдулҳайл, отинг Зайдулҳайр бўлсин, — дедилар.

Бошқа элчиларга беш уқия (бир уқия — қирқ мисқол) кумушдан инъом қилдилар эрса, бу Зайдулҳайрга ўн икки уқия кумуш соврун бердилар ва ўзи хоҳлаган жойдан ўз мулки учун ер кесиб олмоққа Расулуллоҳдан хат олди. Лекин умри унга вафо қилмай, шу йўлда кетаётиб вафот топди.

### АДИЙ ИБН ҲОТАМ (ҲОТИМ) ҚИССАСИ

Адий ибн Ҳотам бутун дунёга номи чиққан машҳур Ҳотам Тойнинг ўғлидур. Ҳотам Той ўзи Расулуллоҳ замонларида тирик бўлган бўлса ҳам Пайғамбарлик даврига етмасдан вафот топди. Ўзидан кейин унинг

ўгли Адийни отаси ўрнига қабила раиси қилдилар. Араблар ичида атоғлик катта раислардан саналур эди. Той қабиласи бутпарастлардан бўлса ҳам, Адий оиласи билан насоро динига кирмиш эди. Бошқа қабилалар каби Мадинага элчи юбориб, Расулуллоҳ билан кўришмакни ҳам тиламади. Балки Расулуллоҳга қарши кўнглида қаттиқ адоват сақлади. Лекин у кунларда бутун араблар ё ўзлари, ё элчи орқалик иймон келтириб итоатга келганликларини кўрар эди.

Сўнги кунларда ўз олдига мундоқ яшаб туролмаслиги билди. Ислому ҳайбатига қарши туролмаслигини тушунди. Бир кун бўлмаса, бир куни Ислому аскарни келиб босиб қолмасин деб ўзига энг яқин ишончлик кишинини чақариб атрофига югурук от, елмаён туялардан сафарга ярагудек бирмунчасини тайёрлаб қўйишини буюрди. Йўл-йўлга қоровуллар қўйиб, соқлик билан кутишиб турдилар. Шу орада Ҳазрати Али бошлиқ бир бўлук Ислому аскарни келаётган хабари унга англанди. Ҳар жойга қўйган қоровулларидан бириси:

— Эй Адий, Муҳаммаду аскарининг қоровуллари еримизга етиб келди, — деди.

Дарҳол ҳозирланган от-туяларни келтириб, Шом тарафига қараб қочдилар. Қочолмай қолганлари эрса аскар босқинига қолиб, асир олиндилар. Булар ичида Ҳотам Тойнинг бир қизи ҳам асир тушган эди. Асирлар Мадинага келтирилгандан сўнгра у қизнинг кўзи Расулуллоҳга тушди. Қилғон ишларини кўриб, отаси Ҳотамни эслаб:

— Ё Расулуллоҳ, мен эрсам саховатда оламга номи чиққан Ҳотам Тойнинг қизи эрурман. Эшитгандурсиз, отам Ҳотам Той мурувват соҳиби эрди. Очларни тўйғузур, яланғочларни кийғузур, яёв қолганларни минггизур эди. Мазлумларни зolimлардан қутқазур эди. У эрса ҳожатлик кишиларни ҳеч қуруқ қайтармаган эди. Мана шундоқ кишининг қизи эрдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Отангнинг бу қилғон ишлари эрса чин мўъминлар ахлоқи эрур, Аллоҳ суйган сифатлардур. Бундай улуғ ахлоқ эгаси бўлган кишининг қизи экан, асирликда ётмасин, — деб дарҳол ани бўшатмоққа буюрдилар.

Бош-оёқ кийинтириб, яхши туяга миндириб, ўз элига қайтмоққа рухсат қилдилар. Расулуллоҳдан бу яхшилиқни кўргандан кейин дарҳол шаҳодат айтиб, иймон келтирди ва акаси Адий ибн Ҳотамни Ислому ди-

нига далолат қилмоқ учун Шом шаҳрига қараб йўлга тушди. Бир неча кун йўл юриб, акаси турган ерга яқин етди. Булар эрса кўчманчи эрдилар, чодир олдида ўлтирган Адий йироқдан келаётган туя минган бир кишининг қорасини кўрди. Синчиклаб қараб турди ва бу келаётган Ҳотам қизи Сафона бўлмай, деди. Яқинлашиб келди эрса кўрдиларким, Ҳотам қизи Сафона эмишдур. Қучоклашиб йиғлашиб кўришдилар. Сўнгра оғаси Адийга боқиб:

— Эй раҳмсиз, золим қариндошим! Ўз оиланг билан қочиб қутулдинг. Отанг Ҳотам оиласини душман кўлида асоратга қолдирдинг, — деди. Адий бу сўздин қаттиқ уялиб:

— Узр айтмоққа тилим йўқдур, айтган сўзларингнинг ҳаммаси тўғридур. Кел энди, мундан ортиқ мени уялтириб хижолат қилма, — деди.

Ҳар иккови нари-бери айтишиб бўлгандан кейин қариндошлик аразлари тарқалди. Сўнгра ўзаро кенгашиб сўзлашгали турдилар. Оғаси Адий эрса, ўзи тўғрисида Сафонадан маслаҳат сўради. Бул хотун очик кўнгиллик, ҳар ишга кенгаш бергудек хотун бўлуб, анга шундай сўз қилди:

— Эндиги маслаҳат шулдурким, бу ишга кейин қолмай тезлик билан бориб, бу кишига иймон келтиргил. Агар у киши Пайғамбар бўлса, анинг динига илгарироқ кирган бўлурсан. Агар подшо бўлса бошқалардан олдинроқ борганинг яна яхшироқдур, — деди.

Адийга ҳам шу сўз маъқул бўлди. Шу билан икковлашиб йўлга чиқишдилар. Беш-ўн кун юриб Мадинага келдилар. Шу чоғда Расулulloҳ масжидда ўлтирган эдилар. Тўғри келиб ул зотга салом қилди.

— Бу киши ким бўлур? — деб сўрадилар.

— Ҳотам ўғли Адий эрурман, — деди.

Расулulloҳ ўринларидан туриб келиб у билан кўришгандан сўнгра, уйларига қараб бошладилар. Йўлда кетаётганларида бир камбағал кампир хотин йўл устида Расулulloҳни тўхтатиб ўз ҳолатидан анча узоқ гапирди. Кампир сўзини тамом қилгунча қулоқ солиб турдилар. Буни кўриб Адий ҳайрон қолиб:

— Бу киши эрса подшо бўлмаса керак, — деди.

Сўнгра Расулulloҳ Адийни бошлаб қутлуғ уйларига кирдилар, ичига хурмо қобиғи солинган бир тўшаклари бор эди. Уни Адийга тақдим қилиб:

— Устига ўлтиргил, — дедилар.

Анда ул:

— Сиз ўлтиринг, — деди.

— Йўқ, сен ўлтир, — деб ўзлари қуруқ ер устига ўлтирдилар.

Буни кўргач, Адий айтди:

— Қасам қилурманким, бу киши подшо эмасдур, бу иш пайғамбарлар ахлоқи эрур.

Сўнгра Расулуллоҳ:

— Эй Адий, Ислом динига киргил, икки дунёда саломат бўлурсан, — дедилар.

Анда ул:

— Мен эрсам насроният динида эрурман, менинг тутган диним бордур, — деди.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Мен сенинг тутган динингни сендан яхшироқ билурман. Ўзингга қарам бўлган қабилалардан марбаъ солиғини олурсан, буни олмоқ сенинг динингда ҳаромдур.

Адий буни эшитгач:

— Агар бу киши пайғамбар бўлмаса, бу дин ҳукмини қайдан билур эди? — деб кўнгли Исломга мойил бўлди. Шуларни ўйлаб турганида яна Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Адий, кўрурсанки, бу динга киргувчилар кўпроқ фақир кишилардур. Ўзлари озчиликда бўлиб ҳам кучсиздурлар, душманлари эрса кўпчиликда бўлиб, ҳам қурол кучига эгадурлар. Шу ишлар иймон келтурмақдан сени тўсди. Аллоҳ оти билан қасамёд қилурман, кўп узоқ замон ўтмасдан туриб булар ичида мол шундоқ кўпайгусидир, уни олғани киши топмагайлар, дунё хазиналарига эга бўлғайлар. Ҳозирча салтанат, ҳукумат бошқалар қўлида турғонлиги сени қўрқитмасин. Яқин кунларда кўрурсан Бобил шаҳрининг оқ саройлари, подшолар пойтахтлари алар қўлида фатҳ бўлғай, Кўфа шаҳридан йўлдошсиз чиққан ёлғиз хотун Маккага келиб Байтуллоҳни зиёрат қилиб қайтгай. Йўллар тинчланганликдан Аллоҳдан ўзга нимарсадан бу хотуннинг қўрқинчиси бўлмагай.

Бу сўзларни англагач, Адий дарҳол иймон келтирди. Бу киши кейин айтур эди:

— Ёлғиз хотун Кўфадан хавф-хатарсиз Маккага келиб, Байтуллоҳни зиёрат қилиб қайтганини кўрдим. Қасам қилурманким, қолган иккови ҳам Расулуллоҳ деганларидек албатта бўлғусидур. Бу иккови эрса —

биринчи, мусулмонлар дунё хазиналарига эга бўлишиб моллари кўпайишидур, яна бири, моддан закот чиқарилса, уни олгали қалоъ (камбағал) киши топилмагай.

Ислом бошлангандан бери ҳалигача бу ишнинг бўлиб ўтганлиги маълум эмас, чунки Исломнинг энг кучли даври ҳисобланган Ҳазрати Умар замонларида Рум, Эрон, Миср хазиналари Мадинага оқиб турган бўлса ҳам, яна фақир-мискинлар ҳар ерда кўп эдилар.

Биз кўрган ҳадис китобларининг ҳеч бирида фалон замонда мол кўпайиб, халқ бойиб кетганлигидан закот беришга фақир киши топилмай қолди деган сўзни кўрган эмасмиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган бу сўзларига қаралса, албатта, бу ишнинг олдимизда бўлиши керақдур. Энди қачон Маҳдий охирзамон келсалар, Исо пайғамбар осмондан тушсалар, ана шу чоғда бутун дунё халқи Ислом динини қабул қилгайлар.

Бир ривоятда айтилишича, қирқ йилгача буларнинг адолатли ҳукмлари остида тинч-роҳатда яшагайлар. Шу орқали ер хазиналари юзага чиқиб, бутун халқ бойиб кетганликдан камбағал киши топилмагай. Мана, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган сўзлари шу вақтда келган бўлур. Имом Шавқоний раҳматуллоҳи алайҳ Ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг осмондан тушишлари, имом Маҳдийнинг хуружлари, Дажжолнинг чиқиши, бу малъунни Ҳазрати Исо ўлдиришлари — мана шулар ҳақида келган ҳадисларнинг мазмуни тавотурга етгандур, деди. Агар ҳадис тавотур даражасига етди эрса оят ҳукмини олиб, унга инкор қилиш оятга инкор қилгандек бўлур.

Мунга қаралса, юқориги ишлар олдимиздаги кунларда албатта бўлғусидур, деб ишониш лозимдур. Чунки ҳадис оят ҳукмини олгач, унга гумон қилиш мумкин эмасдур. Мўътабар баъзи ҳадис китобларида қиёмат аломатларини Расулуллоҳнинг айтишларича, юзга етказибдурлар. Шу кунларда улардан саксон саккиз кичик аломатлари тамом ўтиб бўлмишдур. Қолмишлари эрса ўн икки улуғ аломатларидур. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Буларнинг энг аввали Хуружи Маҳдий бўлгай. Қолганлари ҳам кетма-кет узилмай келиб тугангач, дунё умри ҳам охирига етиб тамом бўлгай, — дедилар. Соллаллоҳу алайҳи васаллам.

## КИНДА ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Кинда қабила бошчиларидан саксон киши сайланиб элчиликка келдилар. Буларнинг раислари эрса Ашғас ибн Қайс деган киши эди. Ёши кичик бўлса ҳам ақли, ахлоқи бўлганликдан мундоғ олий риёсатга эга бўлди. Расулуллоҳ ҳузурларига кириш олдида ўзларига зийнат беришиб, соч-соқолларини тарадилар. Ипаклик кийимлар кийишиб, сўнгра Расулуллоҳ ҳузурларига киришдилар.

Исломдан илгариги араблар одатларича Расулуллоҳга кўзлари тушиши билан «Абайталлаън» деб салом беришди. Жоҳилият замонидаги араблар подшолари олдига киришганда шундай салом беришур эди. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Мен подшо эмас, Абдуллоҳ ўғли Муҳаммад Абул Қосим эрурман, — дедилар.

Сўнгра улар:

— Эй Абул Қосим, биз сени синамоқ учун кўнглимизда бир нарса яшириб келдик. Агар сен пайғамбар бўлсанг, шу яширган нарсамиз нимадур, топгил, — дедилар.

Бу яширганлари эрса, сарёққа кўмган чигиртка кўзи эрди. Араблар вайбдан гапирувчи қоҳинларини шундай қилиб синар эдилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Субҳоналлоҳ, мундай ишлар қоҳинларга қилинур эди. Қоҳинлар, фолчиларга ишонувчиларга Аллоҳ таоло дўзахда азоб бергай, — дедилар.

Анда улар айтди:

— Андоғ эрса сизнинг пайғамбарлигингизни қайдан билурмиз?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ердан бир чангал майда тош олиб:

— Мана булар меним пайғамбарлигимга гувоҳлик берулар, — дейишлари билан майда тошлар тилга кириб, тасбеҳ айттали туришди. «Субҳоналлоҳ» садосини кўтарган тошлар товушини элчилар эшитгач, барчалари шаҳодат айтишиб иймон келтирдилар.

Алар:

— Энди аниқ билдик, сиз Аллоҳнинг ҳақ Пайғамбари экансиз, — дедилар эрса, Расулуллоҳ айтдилар:

— Мени Аллоҳ таоло бутун дунё халқига элчи қилиб юборди, Ўзини таниттали, Ислом динини ер устига



тарқаттали келдим. Яна Аллоҳ таоло Қуръон отлик мента бир китоб юборди, уни олам аҳлига ўргаттали мени юборди. Бу китобнинг олди-орқаси, ости-усти бутунлай ҳақлик билан ўралмишдур, — дедилар.

Сўнгра улар Расулуллоҳдан Қуръон сўзини англагач, беш-ўн оят ундан ўқиб беришларини сўрадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Вас-саффоти сурасини бошлаб тиловат қилдилар. «Вараббул-машорик» оятига келганларида тўхтаб қолдилар, муборақ кўзларидан ёш оққали турди, соқоллари хўл бўлди. Муни кўришиб улар:

— Ё Расулуллоҳ, сизни юбормиш Раббингизнинг қўрқинчисидан йиғлайдурсизми? — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Ҳа, шундоқдур. Бир тўғри йўл узра турғизиб, халққа мени пайғамбар қилди. Қилич дамида турурман, қилчалик бу йўлдан четга чекинсам, ҳалок бўлурман, — дедилар.

Сўнгра буларнинг раислари Ашғас ибн Қайсдан:

— Неча ўғлинг бор? — деб сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, шу сафар йўлга чиқаётганимда янгидан бир ўғил туғилди. Етти ўғлим бўлса эди, кошки, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— «Иннаҳум ламужбинатун мубқилатун муҳзинатун ва иннаҳум қурратул-айни ва самаратул фуоди», яъни «Болалар ботир оталарни қўрқоқ қилурлар. Сахий оталарни бахил қилурлар. Қувончилик оталарни қайғулик қилурлар. Шундоғ бўлсалар ҳам кўзлар қувончиси, кўнгиллар меваси эрурлар».

## АЗДИ ШАНУЪА ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Азди Шануъа қабиласидан бир жамоа кишилар элчи бўлишиб, Мадинага келишди. Буларнинг раислари эрса Сурад ибн Абдуллоҳ, номли бир киши эди. Расулуллоҳни кўришлари биланоқ кўнгиллари Исломага мойил бўлиб, барчалари иймон келтирдилар. Расулуллоҳ кўрдиларким, буларнинг раислари фазл-шарафга эга бўлиб, ҳар ишга ярарлик экандур. Қавмининг мусулмонларига уни амир қилиб, Исломага кирмаган Яман қабилалари билан жиҳод қилмоққа буюрдилар. Шу билан ўз юртига қайтгандан сўнгра у ерлик

мусулмонлардан бир қўшин аскар тайёрлаб, жиҳод нияти билан чиқди.

Жураш деган бир шаҳарга келиб Исломга таклиф қилди эрса, қабул қилмагач, уларни қамал қилдилар. Бу уруш бир ойга чўзилиб, ҳар икки томондан анчагина одам чиқимга учрадилар.

Шаҳар айланаси қалин қўрғонлик, кучлик қопқалик, энг тепалик жой бўлгани учун уни олиш мусулмонларга оғирлашди. Қалъабузар жабдуқлари йўқлигидан душманни қўрғондан чиқармоқ арғасида ўзларини уларга қочган бўлиб кўрсатдилар. Буларни қочди дейишиб қалъадан чиқиб орқадан қувлашганича Шукур деган тоғга етганларида мусулмонлар қайтарма хужумга ўтиб, душманларидан кўп кишини ўлдирдилар. Қолганларини эрса асир олдилар.

Уруш бошланмасдан илгари шу шаҳар халқи Мадина хабарини билиб келмак учун икки киши юбормиш эди. Улар келиб, Расулulloҳ билан кўришдилар. Буларнинг Мадинага биринчи йўл келишлари эди. Кўришиб бўлишлари билан:

— Шукур деган тоғни билганинглар борми, қай ерда бўлур? — деб саҳобалардан сўрадилар.

У икки киши бу сўзни англагач, дарҳол туришиб:

— Ё Расулalloҳ, у бизнинг еримиздур. У жойда нима иш бўлди? — дедилар.

Расулulloҳ бўлган воқеани, уларнинг қирилганини айтиб бердилар эрса, англашлари ҳамон у иккови тўхтовсиз юришиб ўз элларига келишди. Қарасалар худди Расулulloҳ айтгандек иш бўлмишдур. У шаҳар халқи бу сўзни англашиб кўнгиллари Исломга мойил бўлди. Мадинага қайтадан элчилар юборишиб, ҳаммалари иймон келтирдилар.

Сўнгра Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у шаҳар атрофидаги ерларни ўзларига кўруқ қилиб бердилар.

## ҲИМЯР ПОДШОСИ ЭЛЧИЛАРИ

Яман вилоятида яшайдиган катта бир қабила бор эди. Унинг подшоси Ҳорис ибн Абдуқуллол кўришмай турубоқ Ислом динини қабул қилди. Сўнгра ўзининг мусулмон бўлгонлигини билдириб, Расулulloҳга элчи юборди. Элчи қўлига нома ёзиб бермиш эди. Мадинага келгач, Расулulloҳ билан кўришиб номани топшир-

ди. Ўқиб кўргач, шундай кенг бир ўлка подшоси бошлиқ бутун халқи билан Ислом динини қабул қилганлиги учун Аллоҳга ҳамду сано айтдилар. Сўнгра уларнинг номларига шу мазмулда жавоб ёздилар:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Ҳорис ибн Кулолга ва Маофир ва Ҳамдон қабилаларига салом. Улуғ Аллоҳга ҳамду сано айтгандан кейин шулки, Табук вазотидан қайтган кунларимизда сизларнинг юбормиш элчиларингиз Мадинага келишди. Улар билан кўришиб, ёзган номаларингизни ўқидик. У ёқда бўлган бутун хабарларни келтирдилар. Ҳидоят топиб Ислом динини қабул қилганларингизни англаб, Аллоҳга ҳамду сано айтдик. Эндиги иш эрса, Аллоҳга ва анинг Пайғамбарига ҳар ишда итоат қилурсиз. Ҳар куни беш вақт намозни ўз вақти билан адо қилурсиз. Бой кишиларнинг закот беришлари фарздур. Закотни чала бермасдан тугал бергайлар. Муҳаммад эрса Аллоҳнинг юборган Пайғамбаридур. Бойкамбавал демай барча мўъминларни дўст тутадур. Закот—садақа емоқ Муҳаммадга ва унинг оилаларига ҳалол эмасдур. Закот, садақани бой мусулмонлардан олурмиз ва уларни камбағал, фақир, мискин, муҳтож мусулмонларга берурмиз. Аллоҳнинг амри шудир.

Мусулмонлардан йиғилган закот, садақаларни, бошқалардан олинган олиқ-солиқларни биз томондан юборилмиш кишиларга топширинглар. Буларнинг раислари эрса Муъоз ибн Жабалдур. Бу киши сизлардан рози бўлиб қайтсин. Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ».

### ФАРВА ИБН АМУЛ-ЖУЗОМИЙ ЭЛЧИСИ

Бу киши эрса Рум подшоси Қайсар тарафидан Шом ўлкасидаги араблар устига қўйилган улуғ амирларнинг бириси эди.

Расулуллоҳни кўрмасдан туриб иймон келтириб, буни билдириш учун элчи юбормиш эди. Бир от, бир хачир, бир эшак, яна олтин зийнатлик либослар қўшиб Расулуллоҳга ҳадя юборди. Бу хабарни Рум подшоси Қайсар эшитиши билан ғазоби келиб уни келтириб зиндонга солишларини буюрди. Ани тутиб Қайсарга олиб келдилар. Қайсар:

— Агар Муҳаммад динидан қайтгур эрсанг, яна ўз журтингга подшо қилурман, — деб айтди.

Анда ул:

— Ўзинг билурсан, Исо пайғамбар Инжилда башорат берган охирзамон пайғамбари шул киши эрур. Бу ишда ҳеч шубҳа йўқдур. Бақосиз дунё давлатига алданиб, Расулуллоҳ номаларини қабул қилмадинг. Мен эрсам охират ишини ортиқ кўрдим. Тўрт кунлик дунё давлатига қизиқиб динимдан ажрамасман, — деди.

Шу билан Қайсар уни зиндонга солишга буюрди. Бир қанча вақт зиндонда ётгандан сўнгра қарасалар, яна динидан ҳеч қайтгудек ҳоли йўқдур. Бошқаларга ибрат бўлган деб охири уни дорга осиб, шаҳид қилдилар, разияллоху анҳу.

### **БАНИ ҲОРИС ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ**

Расулуллоҳ солаллоху алайҳи васаллам Холид ибн Валидни Ҳарс қабиласига юбордилар ва аларга аввал уларни динга даъват этиб, қабул қилмасалар жиҳод қилмоқликларини буюрдилар. Булар эрса Нажрондаги насоро арабларига яқин ерда туришар эди. Ҳазрати Холид бу жойга келди эрса, қабила ичига жарчилар тарқатди. Улар туриб:

— Эй одамлар, Ислом динига кирингларким, мол-жонларинг саломат қолиб, охиратинглар обод бўлгай, — деб кичқирдилар.

Алар ҳам қабул қилишиб, тўп-тўпи билан Ислом динига киргали туришди. Ҳазрати Холид бошлиқ бутун аскарлар қабила ичига таралиб, аларга Қуръон ўқитиб, Ислом динининг асосларини ўргатдилар. Бу воқеани баён қилиб Ҳазрати Холид Расулуллоҳга хат ёзди эрса, шундоқ жавоб келди: «Исломга кирган қабиалардан вакиллар олиб, ўзи ҳам тезликда қайтгай». Буйруқ келиши билан қабила элчиларини олиб, ҳаммалари Мадинага келдилар.

Булар ичида қабила катталаридан Қайс ибн Ҳусайн, Язид ибн Абдулмудон, Язид ибн Мужмул ва бошқа бир неча машҳур раисларидан бор эди. Булар билан кўришгандан сўнгра ўз ихтиёрларича динга кирганлари учун уларга розилик билдирдилар. Улар ҳам Аллоҳга кўп ҳамду сано айтишди.

Бу қабила эрса Исломдан илгари жоҳилият замонида қайси қабила билан уруш қилсалар, у қабилани

енгар эдилар. Бу иш араблар ичида машхур эди. Расулуллоҳ улардан шуни сўраб:

— Қабила урушларида доим сизлар енгар эдинглар, бунинг сабаби нимадур? — дедилар.

Анда улар:

— Ё Расулуллоҳ, бирлик иттифоқимизни ҳеч вақт бузмадик, бировга зулм қилиб, ўзимиз уруш бошламадик. Мазлумлик ҳолда мажбурлик билан урушга киришдик, хорлик билан яшамоқдан ўлимни ортиқ кўриб, ундан қочмадик, шунинг учун Аллоҳ бизга ёрдам берди, — деганларида, Расулуллоҳ бу сўзни тасдиқ қилдилар.

Сўнгра Қайс ибн Хусайнни бутун қабила устига амир қўйиб, қайтмоққа рухсат бердилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан ўлтириб эдилар, уларга қараб:

— Энг сўнги умматларим бошларига бир замон келурким, оч қолган бир тўп кишилар ўртасига қўйилган бир товоқ ошни қандай талашиб есалар, меним умматларимни ҳам бошқалар шундай қилиб ейди, — дедилар.

Буни эшитган саҳобалардан бирови туриб:

— Ё Расулаллоҳ, у кундаги умматларингиз озликдан бошқалардан енгилиб, шундоқ кунларга қолғайларму? — деб сўрадилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Йўқ, ўша кунда ҳам умматларимнинг сонлари кўп, лекин сифатлари йўқдур. Шундоқким, аларда Исломиятга тўғри келмайдиган икки ёмон иш пайдо бўлур. Бириси, хирси дунё бўлиб, бахил бўлгайлар. Иккинчиси, ўлимдан кўрққайлар. Қачонким ўлимдан кўрқиб, жиҳоддан қочар эканлар, умматларим хорликка қолгай. Бу умматнинг аввали нима билан ривож топган бўлса, энг охири ҳам шу билан ривож олгай, — дедилар.

Ақли ёруғ, фикри очиқ кишиларга шу сўзларнинг ўзиёқ етарлидур. Соллаллоҳу алайҳи васаллам.

## ҲАМДОН ҚАБИЛАСИ ЭЛЧИЛАРИ

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна Холид ибн Валидни Яман вилоятига юбордилар. У ерда яшаётган катта қабилаларнинг бирови шу Ҳамдон қабиласи эрди. Ҳазрати Холид у жойга боргач, олти ойгача

халқ ичида юриб, уларни динга даъват қилди, лекин ҳеч ким ўз ихтиёрича динга киргувчи бўлмади. Бу хабар Расулуллоҳга етди эрса, бир нома ёзиб, Ҳазрати Алини юбордилар. Холид ибн Валидни ўз олдиларига чақириб олдилар. Ҳазрати Алини келаётганларини англашиб бутун қабила халқи тўсишиб чиқишди. Шу чоғда қайси бир намоз вақти кирган эди. Ҳазрати Али азон айтиб, такбир тушириб, ўз аскарлари билан саф боғлашиб намоз ўқидилар. Бошқа қабила халқи эрса қарашиб турди. Намоз ўқигандан сўнгра Ҳазрати Али Расулуллоҳнинг буларга ёзган хатларини саф олдига чиқиб туриб, бутун халққа ўқидилар. Бу муборак номадаги сўзларни англашлари билан барчаларининг кўнгиллари Исломга мойил бўлиб, иймон келтирдилар.

Сўнгра бу воқеани Ҳазрати Али ёзиб, Расулуллоҳга чопар билан юбордилар. Хатни ўқиб, бу улуғ неъмат шукронаси учун дарҳол саждага бош қўйдилар. Яхшилик кўрилган чоғда шукр саждасини қилиш шунинг учун умматларига суннат бўлди. Расулуллоҳ саждадан бош кўтариб:

— Ассалому ала Ҳамдан, ассалому ала Ҳамдан, — деб икки марта айтдилар.

Бу қабила Ҳазрати Али қўлида иймон келтиришгандан сўнгра қабила катталаридан бир неча кишиларни бошчи қилиб, Мадинага элчи жўнатмиш эди. Шу орада улар ҳам келишиб қолди. Буларнинг раислари Ибн Молик деган киши эрди. Пайғамбаримиз билан кўришгандан кейин, олдиларида туриб араблар одатларича Расулуллоҳни, Ислом динини мақтаб фасоҳат билан келиштириб бир қанча шеърлар ўқиди. Чунки у замон араблари ўқиш-ёзишдан ҳар қанча йироқ бўлсалар, яна уларнинг тил ўсуқлари энг юқори кўтарилганликдан қабила раислари шоир ёки нотиқ хатиб бўлишлари энг улуғ шараф саналур эди. Шунинг учун Расулуллоҳ араб одатларини ҳурматлаб, ўз олдида ўқилган шеърларни завқ билан эшитиб, уни тақдирлар эдилар. Шу каби мунинг ўқиган шеърини ҳам тинглаб ўлтириб, ўқиб бўлгач, уни яхшилаб руҳини кўтардилар ва уни бутун Ҳамдон қабиласига амир қилиб юбордилар. Разияллоҳу анҳум.

## ТУЖИБ ҚАБИЛАСИДАН КЕЛГАН ЭЛЧИЛАР

Тужиб қабиласидан эрса, ўн уч киши элчи бўлиб, Мадинага келишди. Закотга чиқаришган чорва молларини бирга ҳайдаб келишган эди. Бу қилган ишларини кўриб, Расулуллоҳ улардан бек рози бўлдилар. Чунки булардан бошқа ҳеч бир қабиладан мундоғ иш кўрилмаган эди. Расулуллоҳ билан кўришиб бўлгач, алар:

— Ё Расулаллоҳ, чорва молларимиздан Аллоҳ буюрган закотларимизни чиқазиб сизга келтирдик, — дейишди.

Анда Расулуллоҳ:

— Кўп яхши. Лекин ҳар ердан олинган закот молларни шу ернинг чоғайларига, касб қилишдан оғиб қолган муҳтож кишиларга бериш керакдир. Бир шаҳардан чиққан закотни, иккинчи шаҳарга келтириб бермак лойиқ эмасдур. Бу молларни ўз ерингизга қайтариб бориб, у ернинг фақир, мискин муҳтожларига берингизлар, — деб буюрдилар.

Анда:

— Ё Расулаллоҳ, ўз еримиздаги фақирларимизни тўйдирдик. Аларни қаноатлантириб, ортиқчасини бу ерда келтирдик, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ розилик билдириб:

— Агар банда бир яхшилик иш қилмоқчи бўлса, ул ишга чин ихлос, муҳаббати билан киришмоғи лозимдур. Ул агар шундай қилур экан, билсинки, Аллоҳдан унга тавфиқ етмишдур. Бундай бўлгач, Исломуга унинг кўнгли очилур, — дедилар.

Расулуллоҳдан бу сўзни эшитиб, дин ишларига кўнгиллари янада қизғинлашди. Қайтишга кўп шошилмай, Қуръондан қироат ўқишиб, Ислому ҳукмларидан сўрашгани турдилар. Буни кўриб, Расулуллоҳ улардан кўп рози бўлдилар. Чунки буларнинг иймонлари юзакки бўлмай, онгли равишда Исломуга кирдилар. Сўнгра ўз юртларига қайтмоқчи бўлишиб, Расулуллоҳдан руҳсат олгани келишди. Расулуллоҳнинг одатлари эрса, атрофдан келган элчиларга инъом қилмасдан қайтармас эдилар. Ул зот буюрдиларким, бу қабила элчиларига бошқалардан кўпроқ инъом берилсин. Алар соврунларини олиб бўлгач Расулуллоҳ:

— Сизлардан ҳеч ким қолмадимми? — деб сўрадилар.

— Ё Расулаллох, қўш пойлаб бир ёш боламиз қолди, — дедилар:

Анда ул зот:

— Ани келтургайсиз, — деб буюрдилар.

Келгандан сўнг кўрдилар, бир ёш ўғлон эмишдир. Ул айтди:

— Ё Расулаллох, меним бу йўлдошларимнинг барчалари ўз тилақларини топдилар. Энди меним ҳам бир неча тилагим бордур.

Анда Расулаллох:

— Нима ҳожатинг бўлса айтгил, — дедилар.

Анда ул ёш бола:

— Биринчи, Аллох менинг гуноҳларимни кечгай. Иккинчи, раҳматидан мени йироқ қилмагай. Учинчи, кўнглимга қаноат бергай, — деди.

Расулаллох ҳам:

— Омин, шундоғ бўлсин, — деб дуо қилдилар. Яна унга ҳам ҳаё бердилар. Шу билан улар ҳам ўз юрларига қайтишди.

Шу йили Расулаллох ҳажга борганларида, бу ўғилнинг йўлдошларини кўриб қолиб, ул болани сўрадилар, ул эрса бу йили келмаган эди. Улар айтди:

— Ё Расулаллох, бу ердан боргач, ул боланинг ҳоли ўзгарди. Шундай қаноатли киши бўлдимки, агар дунё хазинаси халқ ичида бўлинур бўлса, унга қараб қўймагай, — дедилар.

Анда Расулаллох:

— Андоғ бўлса умид шулдурки, у кишининг ажали етди эрса, хотиржамлик билан кўнгли бўлинмасдан дунёдан кетгай, — дедилар.

Бир киши туриб:

— Ё Расулаллох, кўнгли бўлиниб ўлган киши қандоғ бўлур? — деди.

Расулаллох айтдилар:

— Инсон кўнгли дунё ишларига боғланиб, охират ишларидан парвосиз бўлса, ғафлат босиб, ўлим ёдига келмагай. Мундоғ одамлар кўнглида Аллох муҳаббати ҳам бўлмагай. Агар шундоғ одамга ажал етар экан, дунёсининг қайси бир чуқурига йиқилиб ўлса Аллох ҳам, унга парво қилмагай, — дедилар.

Расулаллохнинг бу сўзлари эрса, бутун инсон олами ичра ибратли сўздир.

Расулаллох вафот топгандан кейин иймон, кўнгли-



ларига яхши ўрнашмаган араб қабилаларидан бир нечалари диндан қайтиб муртад бўлдилар.

Ана шу чоғда Ислом дини ҳақида сўзга чиқиб, Худо ва Расулуллоҳни ёд қилиб, ўз қавмига шу ўғил ўткир бир ваъз қилдиким, шунинг таъсири бўлиб, улардин ҳеч ким диндан қайтмади. Разияллоҳу анху.

### **БАНИ САЪЛАБА ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ**

Бани Саълаба қабиласи эрса, Расулуллоҳни кўрмай туриб ўз ерларида иймон келтирган кишилар эди. Раислардан тўрт кишини элчи қилиб Расулуллоҳга юбордилар.

Мадинага келгач, тўғри масжидга киришиб, Расулуллоҳ билан кўришдилар. Шу чоғда Ҳазрати Билол қайси бир намозга такбир туширмоқчи бўлиб турган эди.

Анда улар:

— Ё Расулуллоҳ, биз эрсак сиз билан кўришмай туриб бугун қабиламиз билан ҳаммамиз иймон келтирдик, улар ўз томонларидан бизни элчи қилиб юбордилар. Ҳижрат қилмаган кишилар ўз юртида иймон келтирганлари билан Худо олдида қабул бўлмагай, деган сўзни сиз айтгансиз дейдилар. Бу қандай ишдур, шул тўғрими? — деб сўрадилар.

Расулуллоҳ:

— Ислом йўлида бўлсанглар, унга тўсқинлик йўқ эрса, қайси жойда турсанглар ҳам унинг зиёни йўқдур, — дедилар.

Шу билан бир неча кун туришиб, Ислом асосларини ўрганишгандан кейин, ўз ерларига қайтмоқчи бўлишди. Буларнинг ҳар бирига беш уқия кумуш ҳада бериб, қайтмоққа рухсат қилдилар.

### **БАНИ САЪД ЭЛЧИЛАРИ**

Бани Саъд қабиласидан Нуъмон номли бир киши шундоғ ривоят қилурким:

— Қабиламиздан бир неча кишилар билан Расулуллоҳга элчи бўлиб келдик. У чоғда араб халқи икки синф бўлмиш эдилар. Бир қисми эрса ўз ихтиёрича Исломга кириб, мол-жонларига омон топмиш эди. Исломни қабул қилмаган иккинчи қисми кўрқинч остида қолмиш эдилар. Ўз еримиздан чиққаннимизча тўғри келиб, Мадина шаҳри ичига кирдик. Масжид эшиги

олдига келганимизда қарасак, бир жаноза ҳозир турмишдир. Расулуллоҳ келиб жаноза намозини масжидда ўқидилар. Биз эрсак бир жойда бу намозга қатнашмай қараб турдик. Сўнгра намоздан бўшагач, бизга қарадилар. Бизни чақириб:

— Қайси қабиладан бўлурсиз? — деб сўрадилар.

— Бани Саъд Ҳузаймдан бўлурмиз, мусулмон эрурмиз, — дедик.

— Андоқ эрса, бу ўлган биродарингиз жанозасига нечук қўшилмадингиз? — дедилар.

Анда биз айтдик:

— Ё Расулаллоҳ, сизга байъат бермасдан илгари муңдоғ ишлар жоиз бўлмагай, деб ўйладик.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Қайси жойда иймон келтирур эрсангиз, тулиқ мусулмон бўлурсиз. Бутун Ислом ҳукми сизга лозим бўлгай.

Сўнгра барчамиз қўлларини тутиб, байъат топширдик ва қайтиб ўз ўрнимизга келдик. Ичимизда энг кичик ёш бир кишимизни қўшхонамизга қўйиб кетган эдик, хиёл ўтмай ортимиздан одам юбориб, Расулуллоҳ бизни қайтариб келтирдилар. Бу ёш кишимиз илгарилаб келиб, Расулуллоҳга байъат берди. Биз ани тақдим қилиб:

— Ё Расулаллоҳ, бу киши ичимиздаги энг кичигимиз ва хизматчимиздур, — дедик.

Анда Расулуллоҳ:

— Саййидилқавми ходимуҳум, яъни бир қавмнинг раиси, у қавмнинг хизматчиси бўлур. Аллоҳ унга баракот берсин, — деб дуо қилдилар.

Шу онда дуолари қабул бўлиб, баримиздан Қуръонни яхши ўқиди. Унга кун сайин қилган ишлари баракотлик бўлди. Муни кўриб, Расулуллоҳ уни намозда бизга имом қилдилар. Ёш бўлса ҳам ақли ва ахлоқи ортиқ бўлганлиқдан қабиламиз устига уни амир қўйдилар. Сўнгра ҳар қайсиларимиз бир неча уқия кумушдан ҳадялар олиб, ўз юртимизга қайтдик.

## **БАНИ ФАЗОРА ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ**

Бани Фазора қабиласидан ўн неча киши элчи бўлиб келмиш эди. Раислари эса Ҳорижа ибн Ҳисн деган киши бўлиб, озғин туяларга миниб келган эдилар. Чунки бир неча йиллардан бери буларнинг ерларида ём-

фир бўлмай, қаҳатчилик балоси ҳукм сурмоқда эди. Расулуллоҳ билан кўришганларидан кейин, улардан ҳол сўрадилар.

Анда раислари:

— Ё Расулаллоҳ, бизнинг юртимизга ёмғир ёғмай, бек қаҳатчилик бўлди. Чорва молларимиз қирилиб, хотин-болаларимиз оч қолди. Дуо қилинг Раббингизга, бизларга ёмғир берсин, Раббингизга сизни шафеиъ келтирдик, сизга Аллоҳни шафеиъ қилдик, — деди.

Расулуллоҳ мунинг бу сўзига ажабланиб:

— Субҳоналлоҳ, сенинг бу сўзинг қандок бўлди? Мен Аллоҳга шафеъ бўлсам ярашур. Аллоҳ менга қандок шафеъ бўлур, бу эрса адабдан ташқари сўздур. Улуғлик, азаматлик, ёлғиз Аллоҳга ярашур, — дедилар.

Бу сўзни айтгувчи одам эрса, ўзларини қандай қаттиқ оғирчиликка қолганликларини Расулуллоҳга билдирмоқчи эдилар. Оч кишидан ақл чиқмас дегандек, ўринсиз сўз қилса ҳам, Расулуллоҳ уни кечирдилар. Сўнгра уларнинг ҳолига яраша айтдиларким:

— Сизларга суюнчиликдур. Меҳнат кунлари тугади, нажот вақти келди, Аллоҳ кулиб туради, — дедилар эрса, булар ичидан бир аъробий туриб:

— Мундоғ кулиб турган Аллоҳдан сира ажрамайлик, — деди.

Расулуллоҳ унинг сўзидан кулиб, дарҳол минбарга чиқиб, қутлуғ қўлларини энг эгиз кўтардиларким, қўлтиқ оқларигача (тағларигача) кўринди. Бошқа вақтларда эрса, мундоқ одатлари йўқ эди. Сўнгра ушбу дуони ўқидилар:

«Эй бор Худоё, раҳмат сувига бизни сероб қилгил. Ўлган ерларингни тиргизгил, чанқоқликда қолган бандаларингни, ҳайвонларингни ёмғир суви билан қондиргил. Ерлардан инсонлар учун экинлар унсин, ҳайвонлар учун ўтлар ўссин, яйловлар кўпайсин, ёққан ёмғир барча ерни қопласин, тез ёғсин, кенг ёғсин, фойдалик бўлсин, зиёни бўлмасин. Келган ёмғир биз учун раҳмат бўлсин. Азоб-меҳнат бўлиб, уйлар бузилмасин, мол-жон ғарқ бўлмасин, ботроғ ёғсин, — дедилар.

Анда ансор саҳобалардин Абу Лубоба деган киши ўрнидан туриб:

— Ё Расулаллоҳ, хирмонларимизда ёйилган хурмонларимиз кўп эди, — деб уч йўл айтгач, Расулуллоҳ:

— Ё Рабб, тезроқ ёғдиргил, Абу Лубоба хирмо-

нини сув боссин. Изорини ечиб хирмонда сув кирган тешикларни у билан тўссин, ўзи яланғоч қолсин, — дедилар.

Бу дуони қилиб бўлишлари билан Салъа тоғи ортидан чиқиб, бир парча булут пайдо бўлди. Осмон ўртасига келганида кўк юзини булут қоплаб, шундай ёмғир ёғали турдиким, шанба кундан бошлаб ёққан ёмғир келгуси шанба кунигачалик тўхтамасдан ёғди.

Абу Лубоба қараса, Пайғамбаримиз деганларидек хурмо хирмонини сув қоплаб оқизгудек бўлиб турибдур. Шошилганидан яланғоч бўлиб, бошқа нарса топишга улгурмай кийимларини ечиб, сув тешикларини тўсгали турди. Ёғин кўплигидан кишилар зериккудек бўлгач, бояги ёмғир сўраган киши яна келди:

— Ё Расулаллоҳ, ёмғир кўплигидан, сел юриб, йўллар бузилишга бошлади. Қатнов ишларимиз қийинлашди, — деди.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарга чиқдилар эрса, дуога қўл кўтариб:

— Ё Раббий, энди устимизга ёғмасдан, тоғ-чўллар, қирларга, ўтлоқ-яйлов, тўқайларга ёғсин, — дейишлари билан Мадина устидан булутлар сўкулиб, атрофга тарқала бошлади.

Расулуллоҳ қаёққа қараб ишорат қилсалар, булутлар шу ёққа югуришар эди. Узоқ-яқин Мадина атрофида ёмғир ёғмаган ҳеч бир ер қолмади. Бир ойгача ёғингарчилик бўлиб, ҳамма жойдан қаҳатчилик кўтарилди.

Бу улуғ мўъжиза эрса, неча минглаб Арабистон халқининг кўз олдида бўлиб ўтган бир кароматдур. Мундан бошқа ҳам мўъжиза тўғрилиқ Пайғамбаримиздан бизга етган сўзларнинг бариси ҳақдур. Буларнинг бўлиб ўтганлигини ҳеч ким гумон қила олмамай. Чунки бундай хабарни «мутавотир хабар» дейдилар. Бу эрса ишонишлиқда кўз билан кўргандек бўлур. Ёлғон чиқиши мумкин бўлмаган хабарларни мутавотир деб айтилади. Бунинг мисоли шулки, Макка шаҳрини борлигига дунёда ишонмаган мусулмон йўқ. Кўпчиликнинг берган хабарларига биноан, кўрган-кўрмаган ҳаммаси баробар мунга ишонадилар. Шунга ўхшаш Пайғамбаримизнинг мўъжизалари ҳам юзлаб, минглаб кўпчилик ичида бўлганлигидан бунинг хабарини берувчилар ҳам кўпчиликдур. Бунга ишонувчилар эрса, ўз кўзим билан кўрмадим, деб Макка

шаҳрининг борлигига ишонмаган кишилар каби бўлурлар. Ақли ўзида одамнинг шундай дейиши мумкин эмасдур.

### БАНИ АСАД ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Бани Асад қабиласидан бир жамоа кишилар элчи бўлишиб Мадинага келишди. Булар ичида араб қаҳрамонларидан Зирор ибн Азвар деган одам ҳам бор эди. Шом, Ироқ фатҳ қилинишида бу кишининг кўрсатган қаҳрамонликлари халқ оғзида дoston бўлиб, тарих китобларида ёзиб қолдирилмишдур. Элчилар Расулulloҳ билан кўришгали тўғри масжидга киришиб, Пайгамбаримизни кўргач, салом бердилар. Алардан бировлари туриб, ўзларининг иймон келтирганликларини билдириш учун Расулulloҳ оддиларида шаҳодат айтиб, калима ўқиди.

Сўнгра ул:

— Ё Расулalloҳ, биз ўз ихтиёримиз билан иймон келтирдик. Бошқа араблардек сиз билан уруш-талаш қилмадик. Қаҳатчилик кунларда, қоронғу тунларда узун йўлларни босиб келдик, — деди.

Буларнинг айтган сўзлари эрса, Худога хуш келгани учун ушбу оят нозил бўлди:

**«Ямуннуна алайка ан асламув, қул ла тамуннув алай Исламакум, балиллоҳу ямунну алайкум, ан ҳадокум лил-ийман ин кунтум содиқина».**

Яъни, *«Булар мусулмон бўлдик, деб миннат қилурлар. Уларга айтгил, мусулмон бўлганларингизни менга миннат қилманглар. Агар ҳақиқатда иймон келтирган бўлсангиз, сизларни Илом динига ҳидоят қилгани учун Аллоҳ миннат қилса бўлади»*, демақдур.

Шу оят нозил бўлгач, буларга берилган танбеҳ бошқаларга ибрат бўлди.

Сўнгра улардан бирови туриб:

— Ё Расулalloҳ, Иломдан илгари ривожда бўлган Аёфат, Каҳонат, Зарбулҳасо — ишларининг ҳукми Илом шариатида қандай бўлур? — деб сўради.

Анда Расулulloҳ:

— Илом динида мундоқ ишлар йўқдур, буларга йўл қўйилмагай, — дедилар.

Иломдан илгари араблар одати шундоқ эрдиким, бир ишни қилайми-қилмайми деб иккиланиб турган киши эрталаб тонг отмасдан илгари бориб, уясида ётган

қушни топиб ҳуркитур эди. Агар қуш ўнгга қараб учса ишим ўнгалди деб, у ишни қилур эди, агарда сўлга қараб учса, у ишдан сақланур эди. Аёфат маъноси шудир.

«Қаҳонат» фолчилик, «зарбулҳасо» тулга тортишдур. Бу иккови эрса ўз ичимизда ҳали бордур. Келажакдаги ёки ўтмишдаги ғайб ишларни Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Агар бу иш Пайғамбарлардан ёки авлиёлардан кўрилар экан, бу ҳам Худо томонидан билдирилиб, биринчиси, муъжиза бўлиб, иккинчиси, каромат дейилур. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Мен дунёдан ўтганимдан кейин ваҳий тўхталиб, ғайб эшиги ёпилади. Магар меним яхши умматларимнинг кўрган тушлари эрса, тўғри бўлганликдан келажакдаги ғайб ишларидан хабар беради, — дедилар.

Сўнгра бу элчилар Мадинада бир неча кун туришиб, дин ҳукмларини ўрганишиб, сўнгра Расулуллоҳдан рухсат олиб, ўз элларига қайтдилар. Разияллоҳу анҳум.

### **БАНИ УЗРА ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ**

Бани узра Яман вилоятида яшайдиган араблар қабиласидан эди. Булардан ўн икки киши элчи бўлиб Мадинага келди. Расулуллоҳ билан дастлаб кўришганларида жоҳилият замонидаги одатларича саломлашдилар.

— Қайси қабиладан бўлурсиз? — деб Расулуллоҳ улардан сўрадилар.

Анда уларнинг раислари туриб:

— Ё Расулаллоҳ, биз Бани Узра қавмидан бўлурмиз, узоқ турсак ҳам сизга қариндошлигимиз бордур. Сизнинг бешинчи бобонгиз Қусай ибн Килобнинг иниси Ризоҳ ибн Робиянинг авлоди эрурмиз. Ўшал замонда Маккага ҳукмрон бўлган Хузоа, Бани Бақр қабиласи билан Қурайш раиси бобонгиз Қусай уруш қилганида биз келиб ёрдам берганмиз. Уларни Маккадан ҳайдаб, бобонгиз Қусайни Байтуллоҳга биз эга қилганмиз, — деди.

Бу иш эрса ўшал замонда бўлиб ўтган араблар ўрталаридаги ҳаммага маълум, машҳур воқеа эди. Бу сўзларни айтишга ҳам ҳақлик эдилар. Шунинг учун уларни Расулуллоҳ тасдиқлаб, бошқа элчилардан ортиқроқ ҳурматладилар.

Бу элчилар аввал кўришганларида мусулмонча салом бермаганлик узрини баён қилиб, айтдилар:

— Биз эрсак шу кунгача ота-боболаримиз динида эрдик. Бу ишни англагач, Ислом динига кириш учун бутун қавмимиз тарафидан вакил бўлиб, биринчи келганимиздур. Энди сиз Аллоҳ томонидан юборилмиш пайғамбар бўлсангиз, бизни қайси ишга буюрурсиз?

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Барча оламни яратган ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилурсиз, ер юзи инсонларига мени Аллоҳ таоло пайғамбар қилиб юборди. Уларга Худони танитиб, ҳақ йўлни кўрсатгани келдим. Дин йўлида айтган сўзларимга ишониб, менга иймон келтирурсиз.

— Яна нима иш қилурмиз? — деб сўрадилар.

— Тоза таҳорат билан кунига беш вақт намоз ўқурсиз, буларнинг ҳар бирини ўз вақтида адо қилурсиз. Яна ҳар йили бир ой Рамазон рўзасини тутарсиз. Бой кишилар нисобга етган молларидан чоғайларга закот бергайлар. Умр ичида бир йўл ҳаж қилиб, Байтуллоҳни зиёрат қилгайлар, — дедилар.

Шунда алар дарҳол шаҳодат айтишиб, иймонга мушарраф бўдилар.

Яна Расулуллоҳ уларга:

— Мендан кейин кўп замон ўтмагай, бутун Шом вилояти умматларим қўлида фатҳ бўлгай. Қайсар Ҳирақл Шомдан қочиб Рум шаҳрининг қалъасига кириб бекингай, — деб келажакдаги бўлгулик ишлардан хабар бердилар.

Ҳазрати Умар замонида Расулуллоҳ айтганларидек бўлди.

Элчилар буни англагач:

— Ё Расулаллоҳ, бизнинг ичимизда бир хотун бордур, у фолчилик қилиб ғайб ишлардан хабар берур. Халқ ичида унинг ҳурмати бўлганлигидан, ўзаро битмаган жанжаллик ишлари бўлса араблар уни ҳакам қилиб, шунинг ҳукмига рози бўлгайлар. Дин, дунё ишларимизда кўп нарсаларни ундан сўраб эдик. Бу ишимиз эрса қандоқ бўлур? — дедилар.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Улардан бундоқ сўзларни сўровчи бўлманглар, мен келгандан кейин, у ишларнинг вақти ўтган, обрўйи кетгандур. Фолчиларнинг бир сўзи тўғри чиқар эрса, тўққизи ёлғондур. Уларга ишонмоқ улуф

гуноҳдур. Бутхоналарни бузиб, бутларни синдиришлар. Аллоҳдан ўзгага назр айтиб, жон атаманглар, — дедилар.

Шу билан Расулуллоҳнинг берган жавобларига қаноатланишиб, ўз ерларига қайтдилар.

### БАНИ БАЛИЙ ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Бани Балий қабиласининг раислари эрса Абу аз-Зубайб деган киши эди. Алар шу қавмдан ёлғиз ўзи илгарироқ келиб иймонга мушарраф бўлган Рувайфёе деган саҳобанинг уйига келиб тушди. Бу киши эрта билан меҳмонларини бошлаб Расулуллоҳ зиёратларига чиқди. Ул зот саҳобалар билан масжидда ўлтирган эдилар. Алар Расулуллоҳни кўриб салом беришди эрса:

— Эй Рувайфёе, булар кимлардур? — деб сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, булар меним қавмим бўлурлар. Ўзлари иймон келтириб ва ҳам қавмлари тарафидан элчи бўлиб келибдурлар, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Рувайфёе! Сенга марҳабо, хуш келдинг, сенинг қавминга марҳабо. Аллоҳ яхши кўрган бандаларини Ислом динига бошлағай, — дедилар.

Раислари олға ўтиб, Расулуллоҳга яқин келиб ўлтирди. Сўнгра:

— Ё Расулаллоҳ, биз сизга иймон келтиргани келдик. Сиз Аллоҳ юборган ҳақ Пайғамбар экансиз, энди аниқ билдик. Ислом динидан ўзга динларни, яхши-ёмон расм-одатларини барини ташладик, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Ҳамду сано ул Худогаким, сизларни Ислом динига киргизди. Аввалги динингизда қолиб ўлганлар тамуғ ўтида бўлғайлар, — деб.

У яна айтди:

— Ё Расулаллоҳ, мен эрсам қўноқсевар киши эрурман. Ош-овқат бериб меҳмон кутишни яхши кўрурман. Шу қилган ишимдан мен учун ажр-савоб бўлурми? — деб сўради.

Анда Расулуллоҳ:

— Келган қўноқларинг бой-камбағал бўлсин, уларга берган зиёфатинг эрса Худо йўлида садақа қилғудек бўлур. Албатта, ундан ажр-савоб олурсан, — дедилар.



У яна сўради:

— Меҳмоннинг зиёфатини қилмоқ неча кунгача уй эгасига лозим бўлур?

Расулulloҳ айтдилар:

— Келган меҳмонни уч кунгача кутмак вожибдур. Бундан ортиги садақа бўлур. Меҳмонга лозимдурки, тушган жойига оғир келгудек иш қилмагай.

— Ё Расулаллоҳ, эгаси йўқотган қўй-эчкиларни чўлларда топар бўлсам, уларни олғали бўлурму?

— Албатта, уни олишинг керақдур. Йўқ эса бўриники бўлур. Сўнгра эгаси чиқар эрса, беришинг лозимдур.

— Агар йўқолган нарса туя бўлса, унга йўлиқиб қандоқ қилурмиз? — деди.

— У билан ишинг бўлмагай, эгаси ўзи топиб олгай, — дедилар.

Шу билан Расулulloҳ, оддиларида уч кун туришиб, сўнгра ўз элларига қайтдилар.

### ЗИ МУРРА ЭЛЧИЛАРИ

Зи Мурра қабиласидан ўн уч киши элчи бўлиб, Мадинага келдилар. Бошчилари эрса Ҳорис ибн Авф деган киши эрди.

Ундан Расулulloҳ:

— Юртинглар қандай? — деб сўрадилар.

Анда ул:

— Дуо қилинг, ё Расулаллоҳ, йил қуруқчилик келди. Қаҳатчилик бошланиб, чорва молларимиз қирилди, кўп оғирчиликлар кечирмақдамиз, — деди.

Анда Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам қўл кўтариб:

— Эй бор Худоё, буларнинг ерларига раҳмат ёмғирини ёғдиргил, — деб дуо қилдилар.

Бир неча кун туришгандан кейин элчиларнинг ҳар бирларига ўн уқия кумуш, раисларига ўн икки уқия кумуш ҳадя бериб, қайтмоққа рухсат қилдилар. Ўз ерларига келсалар, ёмғирлар ёғиб қаҳатчиликлар кўтарилишидир. Ҳисоб қилиб кўрсалар, нақр Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилган вақтда ёғмишдур.

## ҲАВЛОН ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Ҳавлон қабиласи Яман вилоятида яшар эдилар. Булардин ўн икки киши элчи бўлиб Мадинага келишди. Расулulloҳ билан кўришган сўнгида шундоқ сўз айтдилар:

— Ё Расулаллоҳ, биз эрса сизни кўрмай туриб Аллоҳга иймон келтирдик. Сизни Аллоҳдан келган ҳақ Пайғамбар деб эшитдик, узун ерларни босиб зиёратингизга келдик. Бизни ҳақ йўлга солган, ҳақ йўлини кўрсатган Аллоҳдан ва унинг Пайғамбаридан миннатдоримиз.

Анда Расулаллоҳ:

— Сизларнинг бу сафарда босган ҳар бир қадамингларга Аллоҳ таоло ажр-савоблар бергай. Ҳар ким Мадинага келиб мени зиёрат қилди эрса, қиёмат кунинда меним омонимда бўлгай, — деб сўз айтдилар:

Улар бу сўзни англагач:

— Ё Расулаллоҳ, нақадар муборак ишдур бу сафаримиз, — дедилар.

Сўнгра Расулаллоҳ:

— «Ам анас» (ёки «Имёнус») нима бўлди? — деб улардан сўрадилар.

Бу эрса Ҳавлон қабиласи топинадурган Исломиятдан илгариги бутлари эди.

Анда улар:

— Башорат бўлгай, ё Расулаллоҳ, мундоғ гумроҳликдан бизни Аллоҳ қутқазиб, унинг ўрнига Сиз келтирган Ислом динини ато қилди. Ул бутхонада алжиган чол, эси кетган кампирлардан бошқа ҳеч ким қолмади. Бу ердан қайтиб борганимизда уни бузиб ташлагаймиз, иншааллоҳ. Узун йиллар унга алдандик, ундан кўп фитналар кўрдик, — дейишди.

Анда яна Расулаллоҳ:

— Кўрган фитналаринг энг улуғини бизга гапириб бергил, — дедилар эрса, улар:

— Ё Расулаллоҳ, ўтган йилларнинг бирида қаттиқ қуруқчилик бўлди, ердан экин унмай очарчилик бошланди. Биз емаган нарса қолмади. Сўнгра ўзаро маслаҳатлашиб қўлимиздаги бор нарсаларимизни сотиб, шунинг пулига юз ҳўкиз олдик. Барчамиз йиғилишиб «Ам анас» бутимиздан ёмғир сўраб, унинг олдига келдик. Унга атаб юз ҳўкизни қурбон қилдик. Ит-қушлар есин деб, ўзимиз қараб турдик. Йўқ эса, улардан ҳам

биз муҳтож эдик. Шу соатдан бошлаб ёмғир ёққани турди. Шундоқ кўп ёғдиким, туяларимизнинг тўқимлари ёмғир суви билан кўмилди. Тўқчилик бошланиб, очарчилик кўтарилди. Ана, «Ам анас» бутимиз ёмғир-ёғдирди, тилагимизни бериб, бизга неъмат еткүзди, — деб қувончилик билан тарқашдик. Ундан кўрган фитнамизнинг улуғроғи шу эди. Қайси бир вақтларда ўзаро жанжаллашиб қолсак, унинг олдига борур эдик. Фойда зиёнимизга ҳукм чиқариб гапирур эди, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Бут оғзидан сизларга сўзлагувчи эрса шайтондур. Бутларда илоҳий қувват бор деб ишонишларига шундай ишлар сабаб бўлмиш эди.

Сўнгра улар Исломи динининг асосларини, ундаги фарз, вожибларини сўрашдилар. Бу нарсаларни Расулуллоҳ баён қилиб, уларни қаноатлантирдилар. Сўнгра шундоқ марҳамат қилдилар:

— Қилган аҳдларингни бузманглар. Аҳдига вафо қилмоқ иймон аломатидур. Омонатга хиёнат қилманглар. Хиёнат қилмоқ Исломда ҳаромдур. Қўшни ҳақини яхши сақланглар, ҳеч кимга зулм қилманглар. Зулм қиёматда зулмат бўлур. Золимлар қоронғуликда қолгай.

Шу билан бир неча кун ўтиб, кетар вақтида ҳар бирларига ўн икки уқия кумушдан ҳадя бериб, ружсат қилдилар.

## БАНИ МУҲОРИБ ЭЛЧИЛАРИ

Бани Муҳориб қабиласидан ўн нафар одам элчи бўлиб, Мадинага келишди. Раислари эрса Ҳузайма ибн Савод деган киши эди. Хижратдан илгари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккада ўн уч йил турдилар. Ҳар куни Укоз, Зулмажоз деган машҳур бозорларда ва ҳаж мавсуми келганда Арафот, Минога йиғилган бутун араб қабилаларининг ҳар бирлари устига келиб, Расулуллоҳ ўзларини танитгандан кейин уларни Исломга даъват қилар эдилар. Юқорида бунинг баёни ўтгандур. Ана шу чоғда Расулуллоҳга энг қаттиқ озор шу қабиладан етган эди.

Алар:

— Агар сендан бирор яхшилик чиқар экан, унда ўз қариндош-уруғинг Қурайш халқи нечук сенинг йўлингга кирмадилар? Ўз қавмингни қўллаёлмасанг,

бошқаларга қандай фойда еткура олурсан? — деган кўпол сўзлар билан Расулуллоҳга қаттиқ озор беришган эди.

Шунинг учун ўзлари бек хижолатда эдилар. Бу бечоралар қайдан билгайким, Раҳматанлилоламин тожини кийган «Ваиннака лаало хулуқин азимин» ёрлиғини таққан сарвари олам, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуёш кўзгусидек кўнгилларига олам халқининг озорларидан заррачалик чанг қўнмаганлигини.

Байт:

*Ҳақ сенинг васфингда айтмиш Раҳматанлилоламин.*

*Ҳам туфайлингдан яратмиш ўн саккиз минг оламин.*

Шундоғ қилиб бу элчилар Расулуллоҳ билан кўришгандан сўнгра олдиларида узунроқ ўлтиришиб қолди. Анда Расулуллоҳ, улар ичида бир кишига қараб туриб: — Сен билан қайси жойда кўришган эдим? — дедилар.

У киши:

— Ё Расулаллоҳ, мени ҳижратдан илгари Укоз бозорида кўриб, динга даъват қилган эдингиз. Сизга озор бериб, кўп ёмон сўзлар айтиб қайтарган эдим, — деди.

— Ҳа, шундоғ бўлган эди, — дедилар.

Сўнгра ул:

— Ё Расулаллоҳ, ўшал кунларда мендан қаттиқроқ сизга душманлик қилган киши йўқ эди. Исломи динидан ҳаммадан кўпроқ нафрат қилган мен эдим. Ҳамду сано ул Аллоҳгаким, кўрмасдан туриб иймонга мушарраф бўлдим, ўлмасдан илгари сизни кўрдим. Ўшал чоғда сиз билан кўришган меним йўлдошларим ҳаммаси жоҳилият динида ўлдилар. Илгари сизга оғир сўзлар айтиб, қаттиқ қаршилиқ кўрсатган эдим. Шу гуноҳим кечилармикин, Аллоҳдан тилаб беринг, ё Расулаллоҳ, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— *«Алислому яжуббу ма қоблаҳу»,* яъни *Исломи ўзини илгари ҳар қандай гуноҳни йўқ қилгай,* — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ буларнинг раислари Хузайма ибн Саводнинг юзини қутлағ қўллари билан силадилар эрса, ёнган чироғдек ярқираб, юзи нурлик бўлди. Сўнгра буларга ҳам ҳадылар бериб қайтмоққа рухсат бердилар. Разияллоҳу анҳум.

Судо қабиласи ҳам Яман арабларидан эрди. Бошқа қабилалар каби элчилар юбориб Исломга киришдан тўхталиб турдилар. Араб тупроғида Ислом дини кирмаган қабила ҳам қолмаган эди. Расулуллоҳ буни англадилар эрса, Қайс ибн Саъд қўмондасида тўрт юз кишилик бир фирқа аскар Судо устига юбормоқчи бўдилар. Бу аскарнинг кўтарган жиҳод туғлари оқ бўлиб, байроқлари қорадан эди. Шу ҳол устига у қабиладан бир киши келиб қолиб, бу воқеани англади. Дарҳол Расулуллоҳга кириб:

— Ё Расулаллоҳ, мен эрсам ўз қабилам томонидан вакил қилиб юборилган эдим. Агар бу аскарни юбормай тўхтатур экансиз, уларнинг Ислом динини қабул қилишларига ўзим кафилман, — деди.

Бу сўзни англагач, Расулуллоҳ аскарни тўхтатдилар. У киши эрса тезлик билан Мадинадан чиқиб ўз юртига етди. Қабиласига воқеани тушунтиргач, улардан ўн беш кишини элчиликка олиб, яна Мадинага қайтди.

Ансор саҳобалардан Саъд ибн Убода уйига тушиб, анинг меҳмони бўдилар. У ҳам аларга кўп ҳурмат кўрсатди. Сўнгра келиб, Расулуллоҳ билан кўришгач, барчалари шаҳодат айтиб, Ислом динига кирдилар. Ўз ерларига боришгандан кейин булар орқали бутун қабилага Ислом дини тарқалди.

Юқорида ёзилган қабилалардан бошқа яна ҳар томондан кўплаб элчилар келишган эди. Расулуллоҳнинг ҳусни хулқларини кўриб, рози бўлмаган ҳеч ким қолмаган эди.

Арабистоннинг ҳар томонларидан келган элчилар эрса Ислом динининг асосларини ўргангач, Расулуллоҳдан ҳадиялар олиб, ўз юртларига қайтур эдилар. Мана шу келган элчилар орқали бутун Арабистон тупроғида тездан Ислом дини тарқала бошлади.

Юқориғи Судо қабиласидан аларнинг Ислом динини қабул қилишларига сабабчи бўлган Зиёд ибн Ҳорис деган киши эди. Ўз ерига қайтар чоғида:

— Ё Расулаллоҳ, бизнинг жойимизда бир қудуғимиз бордур. Қиш мавсуми келиши билан унинг суви кўпайиб барчамизга етадур. Ёзга чиқиб кунлар исигач, озайиб қолганликдан, ичишга сувимиз етишмай атрофга тарқалиб кетурмиз. Мусулмончилик янғидан кирган жойларда биз учун бу иш хатарликдур. Дуо

қилинг, Аллоҳ, таоло бу қудуғимизнинг сувини мўл қилиб, баракот бергай, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ердан етти дона майда тош олдилар. Уларни кафтларида уқалаб туриб, сўнгра ани Зиёдга бердилар ва:

— Ҳар бирига «Бисмиллаҳ» айтиб, ул қудуққа ташлагил, — дедилар.

Борғандан кейин Расулуллоҳ айтганларидек қилди эрса, у қудуқ суви қишин-ёзин мўл бўлиб, бутун қабилага етиб ошар бўлди. Соллаллоҳу алайҳи васаллам.

## НАХАЪ ҚАБИЛАСИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Нахаъ қабиласи Яман вилоятида яшайдиган катта бир қабиладур. Арабистонда Расулуллоҳга келган элчиларнинг энг сўнгиси эдилар. Булар келмасдан илгари Расулуллоҳнинг элчилари Муъоз ибн Жабал Пайғамбаримизнинг номаларини топшириб, уларни динга даъват қилмиш эди. Бутун қабила у киши қўлида мусулмон бўлган эди. Сўнгра бошлиқларидан икки юз кишини элчи қилиб, Расулуллоҳ оқдиларига юбордилар. Расулуллоҳ билан кўришгач, улар ичида Зурора ибн Амр деган бир киши:

— Ё Расулаллоҳ, мен эрсам шу йўли сафаримда келаётиб бир туш кўриб, ундан кўп таажжубда қолдим, — деди.

Расулуллоҳ:

— Нима кўрддинг? — деб сўрадилар.

Ул айтди:

— Ҳазимни қабила ичида бир урғочи эшакни миниб турганимни кўрдим. Шу чоғда ул эшак туғди, қарасам бир ола эчкининг боласини туғибдур. Эшакдан эчки боласи туғилганини кўриб, ҳайрон қолиб турдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Уйингдаги хизматчи чўри хотин сендан бўғоз бўлмишдур. Ул эса ўғил туғмишдур, сенинг ўз болангдур, — дедилар.

Ул айтди:

— Ё Расулаллоҳ, нечук ола бўлур?

Расулуллоҳ секингина унинг қулоғига:

— Сен яшириб юрган танангда оланг бордур, у нарса болангда кўрилмишдур, — дедилар.

Анда ул:

— Улуғ Аллоҳ, номи билан қасам қилурманким, сен

Аллоҳнинг улуғ Пайғамбари эрмишсан. Мендаги бу сирни ҳеч ким билгани йўқ эди, сенга Аллоҳ билдирмишдур, — деди.

Элчилар ҳақида ёзган сўзларимизнинг энг охири шу ерга етди.

Ўқитувчи мўъминларга етарлик бўлганликдан қолганларини ҳам қолдирмай ёзмоқни кўп лозим топмадим. Бошқаларини ҳам ёзиб, бу мақсад устида китобимни энг охирига етказмагим учун, эй улуғ Тангрим, ожиз қулингга ўзинг мадад бергайсан, омин.

## РАСУУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМНИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Дастлаб «мўъжиза» деган сўзни ўқигувчиларга тушунтириб ўтамыз. Анинг учунки, сўз қилишдан мақсад тушунтирмақдур. Китоб ўқимоқдан мақсад унинг маъносини билиб, маълумот олмақдур. Аллоҳ таоло ўз улуғ қудрати билан барча оламни яратди. Яъни, бурун ҳеч нимарса йўқ эди, йўқдан бор қилди. Сонсиз олам ичида одамни яратди.

Олам яратмоқнинг ҳикмати одам яратиш эди. Одам яратишдан мақсади ўзини танитиш, уларга тўғри йўл кўрсатиш эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло, бир ривоятда айтилишича, бир юз йигирма тўрт минг, иккинчи ривоятда айтилишича, икки юз йигирма тўрт минг Пайғамбарларни инсонларга элчи қилиб юборди.

Энди ўйлаб қарасак, ҳар бир кишига очиқ маълумдирким, бир подшо ёки бир ҳукумат бир кишини ўз томонидан хизмат учун бир ёққа юбормоқчи бўлса, қоида-қонун шулдурким, албатта, унинг қўлига бошқалар ишонгудек қилиб тамғаларни бостириб, ҳужжат хатини берурлар. Мана шунга ўхшаш улуғ қудратли Аллоҳ таоло ўзи юборган Пайғамбарларини ҳақликларига ҳужжат бўлиши учун уларнинг ҳар бирларига ҳар турлик мўъжизалар бермишдур. Агар буңдоқ бўлмаган тақдирда Худо тарафидан келган Пайғамбарлар ўз қавмлари олдида хижолатга қолурлар эди. Агар алар келиб қавмларига:

— Сизларни ой ва кун, юдуз ва ерларни яраттувчи Тангрингиз томонидан яловчи бўлиб келдим. Ўз сўзини сизларга етказмак учун мени юборди, — десалар,

— Бу сўзингга ҳужжатинг борми? — деб кишилар

ундан сўраса, нима айтурлар? Далилсиз қуруқ сўз ҳеч ўрида қабул қилинмас. Мана шунинг учун мўъжиза кўрсатмаган пайғамбар дунёда йўқдур. Ҳеч бир пайғамбарни Худо мўъжизасиз юбормагандир.

Отамиз Одамдан бошлаб Муҳаммад Пайғамбаримиз замонларига келгунга қадар неча юз минг пайғамбарлар ўтган бўлсалар, ҳаммаларининг Худо томонидан берилган мўъжизалари бордур. Лекин бизнинг Пайғамбаримизнинг мўъжизалари ўтган Пайғамбарларга қараганда яна ҳам кўпроқдур.

Улуғ алломалардан баъзилари Қуръондан бошқа Расулуллоҳнинг мўъжизалари уч мингдан ортиқроқ, дейдилар.

Аммо Расулуллоҳга берилган мўъжизаларнинг ичида энг улуғи ушбу Қуръондур ва унинг мўъжизалигини билмак учун уч йўл бордур.

Биринчиси — бизнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам уммийдурлар. Яъни, ондан туғилганларича ўқимаган, мадраса юзини кўрмаган, қалам тутиб хат ёзмаган бир кишидурлар. Мундоқ кишига Қуръонга ўхшаш фасоҳат ва баловатда энг олий сифатга эга бўлган бир улуғ китобни ўз кўнглидан чиқазиб ёзмок ҳеч қачон мумкин эмасдур. Қалам тутмаган, ҳарф танимаган киши китоб ёзиш буён турсин, ўз отини ҳам ёзолмайди. Бу иш эрса оқиллар олдида очиқ ҳақиқатдур. Энди иш шундоқ бўлгач, Расулуллоҳ бу улуғ Қуръон китобини қайдин келтирдилар? Албатта, шаксиз бу китоб Пайғамбаримизга Аллоҳдан келгандур.

Жаброил номли фаришта Аллоҳнинг амри билан ўтгиз пора Қуръонни йигирма уч йил ичида Пайғамбаримизга келтириб тамомлади. Ҳожат тушган вақтда бир сура-ярим сура, беш-ўн оятлаб тушириб турди.

Иккинчиси шудурким, Пайғамбаримиз туғилиб, Қуръон ер устига тушгунчалик араблар тил тўғрисида, сўз даражасида шундайин ривож топган эдиларким, чечанлик, шоирликнинг энг юқори мақомига етган эдилар. Қуръон тушган кунларда араблар ичида ўқимаган, ёзмаган тугаса шоир, хатиблардан неча минглаб топилур эди. Мана шундоқ чоғда Пайғамбаримиз Худо тарафидан бу улуғ мансабга тайин топдилар. Яъни, Пайғамбаримиз қирқ ёшга етганларида бутун дунё халқига Аллоҳни танитиб, уларни Ислом динига даъват қилишлик Худо тарафидан буюрилди.



Бу диннинг қоида-қонунларини очиқ баён қилиб, Пайғамбаримизга Қуръон китобини туширди. Бошқа муъжизага ҳожат қолмай шу китобнинг ўзиёқ Расулуллоҳнинг Пайғамбарлигига энг улуғ ҳужжат бўлди. Шундоқким, Расулуллоҳга Пайғамбарлик ваҳийи келгач, халқ ичига кириб очиқдан-очиқ айтдилар:

— Билинглаарким, мени Аллоҳ таоло сизларга Пайғамбар қилиб юборди. Ер устидаги барча инсонларни Ислом динига даъват қилурман. Агар менга иймон келтириб қабул қилсангиз, нажот топурсиз. Йўқ эрса, абадий азобга қолурсиз.

Анда улар:

— Сенга далилсиз, ҳужжатсиз қандай ишонгали бўлур, бош-оёғи билинмаган бир сўз билан ўз динимизни нечук ташлагаймиз? — деб Расулуллоҳдан ҳужжат сўрадилар эрса, дарҳол Қуръондан бир қисқароқ сура ўқиб:

— Мана меним ҳужжатим, бу сўз Аллоҳдан келмишдур, меним барҳақ Пайғамбарлигимга шу ўқиганларим далилдур. Бу оятлар Аллоҳ сўзидур, махлуқ сўзи эмасдур. Аллоҳ сўзини ўзга ҳеч кимарса сўзлай олмай. Махлуқ сўзини ҳар ким сўзлай олмай. Агар меним шу сўзимга ишонмас эрсангиз, Муҳаммад Қуръонни ўзи кўнглидан тўқиб чиқарди десангиз, қани бўлмаса, сизлар ҳам шунга ўхшаш бирорта сурани, ёки беш-ўн оятни ўз кўнглингиздан тўқиб чиқаринглар-чи! Агар сизлар ҳам шунга ўхшаш оят тўқиб чиқарур бўлсангиз, ул чоғда мени ёлғончи қилмоққа, албатта, ҳаққингиз бордур. Лекин аниқ билурман «Инно аътайно» каби қисқача бир сура келтирмакка ҳам кучингиз етмайдур, бу ишга ожиз эрурсиз. Йўқ эса, қани шунга ўхшаш бир сура келтиринглар-чи! Шу билан осонгина ишимиз айрилсун, ўртамиздаги талашган масаламиз тезроқ ҳал бўлсин, — деб уларни қистагали турдилар.

Мана шу кунларда Расулуллоҳни қувватлаб ушбу оят Аллоҳдан тушди:

**«Қул ланнижтамаъатил инсу вал жинну ала ан яъту бимисли ҳазал Қуръани ла яътуна бимислиҳи ва лав кана баъзуҳум ли баъзин заҳирон».**

Яъни *«Айтгил, (эй Муҳаммад), Қуръонга ўхшаш бир китоб чиқармоқчи бўлиб барча инсу жинлар йиғилишсалар ҳам, улар бир-бирларига ёрдамлашсалар ҳам, ундоқ Китобни чиқаролмагайлар»*, деди.

Аллоҳнинг бу дегани албатта тўғридур. Чунки Расулуллоҳ қирқ ёшга кирганларида пайғамбарлик келди. Олтмиш уч ёшга кирганларида вафот топдилар. Йигирма уч йил халқни Ислому динига даъват қилдилар. Шу муддат ичида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар доим:

— Агар Қуръонни инкор қилиб, бу китобни Аллоҳ сўзи эмас, маълук сўзидур деб гумон қилсангиз, сизлар дегандек бу китоб Аллоҳ сўзи бўлмай, балки мен ўзим чиқарган сўз бўлса, сизлар ҳам бирорта сурани ёки беш-ўн оятни Қуръонга ўхшатиб ясаб чиқармоққа, албатта, қудратингиз етгай, ўзингиз ўйлаганингизча мен айтган сўзларни нечук сиз айтолмагайсиз? Ичингизда неча минглаб сўз усталари, шоир, хатибларингиз бордур. Барчаларингиз йиғилишиб бирлашинглар, ёрдамлашинглар, ҳар қандоқ қилиб ҳам бўлса, ўн оят тўқиб чиқазиб, мени мот қилинглар, — деб ҳар вақт уларни қистар эдилар.

Расулуллоҳдан шунчалик сўз эшитиб хижолатга қолсалар ҳам ҳеч бирлари бу ишнинг урдасидан чиқа олмадилар.

Мусайлама Каззобга ўхшаш шақоватда қолган баъзи бировлари ўз гумонича Қуръонга ўхшатдик, деб беш-ўн оғиз сўз ростлаб чиқарган бўлса ҳам, бутун араблар ичида кулгу бўлди, ўз тарафдорлари олдида шарманда бўлиб расвоси чиқди. Энди ҳақиқат излаган ҳар бир киши олдида очиқ маълум бўлдимиз, Қуръон Аллоҳнинг сўзидур, банд сўзи эмасдур.

Агар Қуръон инсон сўзи бўлиб, Муҳаммад алайҳиссалом бунга ўзи кўнглида ўйлаб чиқарган бўлса, шунчалик узун муддатлар ўтиб, нима учун бирорта одам беш-ўн оят бўлса ҳам Қуръонга ўхшаш сўз чиқара олмади?

Албатта, Унга ўхшаш қилиб, инсон тарафидан чиқармоқ мумкин эмасдур. Чунки Аллоҳ таоло азалийдур. Анинг сўзини бошқалар ҳеч бир чиқара олмайдилар.

Яна Қуръон Аллоҳ сўзи эканига иккинчи далил шулки, ўтган замондаги ғайб ишлардан ва ваҳий тушиб турган вақтнинг ғайб ишларидан, келажакдаги бўладиган бир неча ғайб ишлардан Қуръон хабар беришидур. Ғайб ишларни эрса Аллоҳдан ўзга ҳеч ким била олмайди. Қуръонда айтилмиш ғайб хабарлари эрса қандоқ айтилган бўлса, шундоқча чиққанлиги бутун

умматларига маълумдир. Агар ваҳий орқалик Аллоҳ буларни билдирмаган бўлса, Расулуллоҳ бу ғайб ишларни қандай билдирур эдилар?

Энди Қуръонда айтилган ғайб ишлардан баъзи бирларини бу ўринда келтирамыз.

Алардин бири шул эрдиким, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратдан илгари Маккада турган замонларида Эрон подшоси билан Рум подшоси орасида уруш очилди. Рум халқи у замонда насоро динида бўлиб китобий кофир эдилар.

Эрон аҳли эрса мажусий динида бўлиб, оташпараст эдилар. Расулуллоҳ замонларида Эрон билан Рум ораларида икки йил уруш бўлган эди. Ҳар вақт булар уруш қилсалар, араб мушриклари Эрон тарафдори бўлиб, уларнинг ғалабасини тилар эдилар. Агар Эрон ҳукумати ғалаба қозонур эрса араб мушриклари:

— Мана бизнинг тарафдорларимиз сизларнинг тарафдорларингиз устидан ғалаба қилди. Биз бу ишдан фол кўрдик, ҳар қачон биз билан уруш қилсангиз, биз ғалаба қилурмиз, — дер эдилар.

Ҳижратдан илгари Эрон подшоси Рум устига аскар юборди. Икки қўшин Сурия тупроғида тўқнашдилар. Бу урушда Эрон ғалаба қозонди. Буни англашиб мушриклар бек суюндилар. Мусулмонлар маъюс бўлдилар. Бу иш эрса Расулуллоҳга оғир келди. Ана шу чоғда Расулуллоҳга тасалли бермоқ учун Аллоҳ таолодан бу оят нозил бўлди:

**«Ғулибатир-Руму фи аднал арзи ваҳум мин баъди ғалабиҳим саяғлибуна фи бизъи синийна».**

Яъни, *«Рум аскарини Шом ерида Эрон аскарини енгилди. Кўп узоқ ўтмай бир неча йил ичига Рум аскарини Форс аскарини енгайлар»* демақдур.

Бу оят тушгандан сўнгра Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Қурайш мажлисига чиқиб:

— Кўп ортиқча суюниб кетманглар. Аллоҳ таоло бизнинг Пайғамбаримизга хабар берди, бу яқин замонларда Рум билан Форс яна урушгайлар, бу урушда эрса Рум подшоси енгадур, — дедилар.

Бу сўзни англаб Қурайш мушрикларининг ғазаби кўзғалди. Улардан Умийя ибн Халаф туриб Ҳазрати Абу Бакрга дашном бериб:

— Бу сўзинг ёлғондур, — деди.

Анда Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ:

— Эй Худо душмани, сен ёлгончи каззобдурсан, — деди эрса, ул айтди:

— Андоқ бўлса ўртамизда ўн туядан гаров боғлашайлик. Кимнинг сўзи рост бўлса туялар уники бўлсин.

Ҳар икки томон бу сўзга келишиб гаров боғлашдилар. Бу ишга уч йил муддат қўйдилар. Расулуллоҳ бу сўзни англагач, Абу Бакр Сиддиққа айтдиларким:

— Гаров туяларини кўпайтириб, муддатни узун қўйгил.

У эрса қайтадан бориб туяни юзга, муддатини тўққиз йилга келтирди. Шунинг билан бу сўздин етти йил ўтганда, Рум ва Эрон қайтадан уруш бошладилар. Аммо Қуръон айтгандек, Рум подшоси бу урушда эронийларни қаттиқ енгди. Гаровга қўйган юз туяни Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ олдилар. Сўнгра туяларни Расулуллоҳнинг буйруқлари билан Худо йўлида садақа қилиб, камбағалларга улашиб бердилар.

Яна Қуръонда айтилган ғайб хабарларнинг бириси шудурки Фатҳ сурасида бу оят келди: **«Лиюзҳираҳу аладдини куллиҳи»**.

Яъни *«Аллоҳ таоло Муҳаммадни Ислом дини билан гунёга юборди. Бу дин эрса келажакда барча динларга ғалаба қилади»*, демақдир.

Шарқда Хитой хонлигини бўйсундиргудек, Фарбада Андалус, Испания, Португалия, ярим Франса Ториқ ибн Зиёд қўлида фатҳ бўлди. Усмонли турк султонларидан Сулаймон Қонуний даврига келганда бутун Оврупо давлатлари бунинг тахти олдида тиз чўкиб, бош эгмакка мажбур бўлдилар.

Юқориги оят мазмунига барчаларини иқроп қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларича, олдимиздаги кунларнинг бирида Ислом дини, иншааллоҳ, яна бир карра ер юзини қоплагай. Динсизлик шумлигидан келиб чиққан хиёнатлар ер устидан кўтарилгай. Анинг ўрнига ҳақлик, адолатлик ҳукм сургай, ер ости хазиналари юзага чиқарилгай. Ана у чоғда барча баробар бой бўлиб, закот олғудек камбағал киши қолмагай. Бу ишнинг бўлиши ҳадисларнинг мазмунича Ҳазрати Имом Маҳдий хуруж қилиб, Ҳазрати Исо осмондан тушганда бўлгай. Яна Қуръонда келган ғайб хабарларнинг бириси ушбу оятдур:

**«Инна наҳну наззалназзикра ва инна лаҳу лаҳафизуна»**.

Яъни, «Биз Қуръонни ер устига туширдик, энди уни ўзимиз сақлаймиз», демақдур.

Аллоҳ таоло Қуръонни туширгандан сўнгра уни сақлаймиз, деб ўзи ваъда қилди. Аллоҳ айтганидек, шу кунгача Қуръонни ўзи сақлаб келди. Қуръоннинг келганига бир минг уч юз саксон йил бўлмишдур. Мана шунчалик узун муддат ичида Қуръондан бир ҳарф ҳам бўлсин ортиқ ёки кам бўлмади. Йўқ эса, дин душманлари Қуръонни бузмоққа кўп қасд қилган эдилар, ваъдаси бўйича Аллоҳ таоло аларга йўл бермади. Юқориги оятнинг мазмуни амалга ошди. Ўтган Пайғамбарларга тушган Қуръондан бошқа китоблар эрса ўзларидан кейин кўп замон ўтмай, умматлари томондан бузилишга турди. Таврот, Инжил оятларини ўғирладилар. Бу китобларнинг кўп жойларида ўзгаришлар бўлди. Чунки буларни сақлаш вазифаси ҳар Пайғамбарнинг ўз умматига топширилган эди.

Қуръон Аллоҳ сўзи эканлигига очиқдан-очиқ яна бир далил шулки, отамиз Одам Сафиюллоҳдан бошлаб йигирма саккиз пайғамбарнинг қиссалари Қуръонда айтилмишдур.

Нуҳ қавми тўфон суви билан, Ҳуд қавми шамол билан, Самуд қавми қаттиқ товуш билан ҳалок бўлганликлари Қуръонда баён қилинмишдур. Булардан бошқа ўтган умматлар воқеалари, Намруд, Фиръавн қиссалари келтирилмишдур. Ўшал замондаги Яҳуд насоро олимлари ўзлари иқдор бўлиб, Қуръонда айтилмиш шу қиссаларни тасдиқ қилдилар. Чунки Таврот, Инжил ва бошқа самовий китобларда ҳам бу қиссаларнинг баёни бор эди. Қуръон хабари тўғри чиққач, ёлгон дейишга йўл тополмадилар. Энди ўйлаб қарайлик, агар бу сўзлар Пайғамбаримизга Аллоҳ таолодан билдирилмаган бўлса, Расулуллоҳ буларни қайдин билдилар, кимдан ўргандилар? Ўзлари ўқимаган, мадраса кўрмаган бўлсалар, бундай кишига бу сўзларни билмак ҳеч мумкин эмасдур. Сўз тополмаган душманлар яҳуд, насоро олимларидан ўрганиб олиб айтурмикин десалар, бу иш ақлдан йироқдур. Чунки умрлари ичида икки мартагина Шом сафарига чиқдилар. Биринчисида, ўн икки ёшларида бўлиб, иккинчисида, йигирма тўрт ёш эдилар.

Кейинги сафарларида Бусро шаҳрида Настуро роҳиб Расулуллоҳни кўрди. Бу киши эрса Таврот, Инжилда Пайғамбаримизнинг сифатларини ўқимиш эди.

Охирзамон Пайғамбари Арабистонда Макка шаҳрида туғилади. Йигитлик вақтида Шом тупроғига қадами етгай деб, Расулуллоҳни кўрмакка муштоқ бўлиб савмаси устига чиқиб ўлтирган эди. Шу чоғда Қурайш карвони билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу жойга кирдилар. Настуро роҳиб дарҳол савмасидан чиқиб Расулуллоҳ билан кўришди. Таврот ва Инжилда сифатини кўрган охирзамон Пайғамбари аниқ шу киши эканлигини билди. Бир неча соат суҳбатлашгандан сўнгра Расулуллоҳга шаҳар ичига кирмасликни тавсия қилди. Унинг маслаҳатига кириб, шаҳар бозорига бормай, молларини шу жойда сотиб қайтдилар.

Мана, Расулуллоҳнинг умр ичида қилган сафарлари ва дин олимларидан кўрган кишилар шул эди.

Энди оқиллар олдида бу очиқ масаладурким, бир неча соат ичида бошқа бир тиллик кишидан Қуръонга ўхшаш китоб айтгудек даражада илм ўрганиш ҳеч бир мумкин эмасдур. Ақли ўзида бор кишилар буни ҳаёлига ҳам келтира олмагайлар. Настуро роҳибга ўхшаш бир киши эмас, яна шунга ўхшаш милёнаб олимлар йиғилсанлар ҳам Қуръоннинг «Инно аътайно» каби бир қисқа сурасини ҳам чиқара олмагайлар.

Аҳли китоб олимлари Расулуллоҳни синамоқ учун Таврот ва Инжилда ёзилмиш бирмунча хабарлардан сўрашдилар. Мусо билан Ҳизр алайҳиссаломларнинг суҳбатларидан, Юсуф алайҳиссалом ва унинг акалари ҳақидаги воқеаларидан, Асҳоби Қаҳф, Зулқарнайн хабарларидан, инсон руҳининг ҳақиқати нима эканлигидан Расулуллоҳга савол бердилар. Ваҳий орқали бу саволлар Расулуллоҳга маълум бўлди. Сўраган саволларига қаноатлантириб жавоб бердилар. Алар кўрдиларким, Расулуллоҳнинг берган жавоблари ўз китоблари Таврот ва Инжилга тўғри келиб, тасдиқ қилмоқдан ўзга чора тополмадилар.

Муҳаммад жавоби тўғридур, деб икром қилдилар. Баъзилари инсофга келиб, иймон келтирган бўлса ҳам куфр, ҳасад балчиғига ботган бир канчалари бу улур неъматдан қуруқ қолишди.

Чунки ҳақиқий ҳидоят Аллоҳдан бўлса ҳам, ҳидоят талаб қилмоқ банданинг вазифасидур. Талаб қилмаган кишиларни ҳидоят қилмоққа қудрати етса ҳам уни ато қилмайдур. Банда ўз ихтиёрича келиб тавба эшигини қоқиб, Аллоҳдан ҳидоят сўрамоғи керақдур.

Банда сўрамагунча, ул эшикни очмоқ Аллоҳга одат эмасдур.

Энди Қуръонда хабар берилмиш ғайб ишларнинг ҳаммасини бу ўринда ёзмоқчи бўлсак, бир китоб бўлур. Юқорида ёзилган сўзларимиз эрса дарёдан бир том-чидур.

Яна шуни билмак керакким, Қуръоннинг мўъжизалигини ақл ишлатган, фикр юргизган кишилар бошқалардан яхшироқ билгайлар. Ислол динининг ҳақлигини билгудек, ҳақ йўлни ботил йўлдан ажратгудек ақлни Аллоҳ таоло барчага бермишдур. Шунчалик ақлнинг бўлиши бари инсонда баробардур. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб:

— «Қуръон сенинг фойданга ҳужжатдир ёки зиёнинга ҳужжатдур. Яъни, Қуръонга иймон келтириб анинг йўлида ўлса, фойдаси учун ҳужжат бўлмай, йўқ эса, зиёни бўлиб чиққай. Қуръон Ер устига келгандан кейин унга иймон келтириб амал қилмаганларнинг Худо олдида узр айтгудек тиллари йўқдур.

Ўтган пайғамбарларга берилган мўъжизалар улар дунёдан ўтгандан сўнгра умматлари қўлида қолгани йўқдур. Аммо менга берилган мўъжизаларнинг энг улуғи Қуръондур. Буни умматларим қўлида қолдирдим. Унга амал қилган кишилар эрса қиёматгача ҳақ йўлдин адашмагайлар, — дедилар.

Қуръонда 114 сура бўлиб, бир ривоятда 6666та оят бордур. Бундан мингта оят амрду, яъни Аллоҳ таолонинг буйруқларидурким, уларни қилмоққа мўъмин бандаларни буюрмишдур. Яна минг оят наҳийдур, яъни, мўъмин бандаларини қилманглар, деб қайтарган ишларидур.

«Амр» буюрмоқ, «наҳий» қайтармоқдур. Аллоҳнинг буюрган ишлари эрса барчаси яхшилиқдур, анинг қайтарган ишлари бари зарарлиқдур. Демак, Аллоҳ таоло инсонларни яхшиликка буюриб, ёмонлиқдан қайтармиш экандур. Яна минг ояти ваъдадур, яъни, Аллоҳ таоло Қуръонга амал қилган бандаларига дунёда охиратда яхшилик берурман, деб шу оятларда ваъда бермишдур.

Яна минг ояти ваъиддур, яъни, Қуръонга амал қилмаганларни дунёда ва охиратда азоб қилгайман, деб шу оятларда қўрқитмишдур.

Яна мингта оят илгариги умматларнинг, Пайғам-

барларнинг тарихларидур. Яъни, қайси қавмга қайси пайғамбар келди? Иймон келтирган, келтирмаганларнинг ҳоллари қандоқ бўлди? Пайғамбарга қаршилик қилган қавмлар бошига худо тарафидан қандай балолар келди? Аларнинг қайсилари тўфон сувида гарқ бўлиб, баъзилари ғазаб ели билан ҳалок бўдилар. Ҳорунни мол-мулки билан қўшиб ер ютди. Мусо алайҳиссалом билан Фиръавнни, Иброҳим алайҳиссалом билан Намруд қиссаларини, булардан бошқа тарихий воқеъларни шу оятларда баён қилди. Яна мингта оят билан ибрат олурилик ҳар турли мисоллар, ақл ўргатгудек ҳикматли сўзлар келтирди.

Беш юз оят ҳалол, ҳаром нарсаларни ажратмоқ учун келди. Ислом шариатидаги борлиқ ҳалол ҳаром нарсалар шу оятлар билан ажради.

Юз оят эрта-кечда банданинг қандай дуо қилиши керак, Аллоҳга қандай зикр, тасбеҳ айтиши лозим шуларни билдиради.

Қолмиш олтмиш олти оят эрса, уларни мансух демишлардур. Бунинг маъноси эрса, бу олтмиш олти оятларнинг ҳукми вақтлик юргизилмиш эди. Вақти етган ўринларига бошқа оятлар тушиб, илгариги оят ҳукми тўхтади, демақдур. Мана шундай бўлганни мансух ояти деб айтулур. Буңдоф оятлардан баъзиларини Аллоҳ тало бутунлай унутдирмиш эди. Пайғамбаримиз бошлиқ барча саҳобалар ундай оятларни ҳеч вақт эсга олмайдилар. Баъзилари эса ҳукмлари кўтарилиб, Қуръонда тиловатлари қолмишдур. Масалан, Кофирун сураси шуңдоғдир. Қолганлари эрса Қуръонда оятлари ўқилиб тиловат қилинур.

Аллоҳ таоло мансух оятларини баён қилиб Бақара сурасида бу оятни келтурди: **«Ма нансах мин оятин ав нунсиҳо наъти бихайрин минҳо ав мислиҳо алам таълам анналлоҳа ала кулли шайъин қодир»**. Маъноси: *«Қуръон оятларидан ҳеч бирининг ҳукмини кўтармадик ёки унуттирмадик. Агар шундай қилган бўлсақ андин яхшироқ, фойдалироқни ё унинг ўхшашини келтирдик»*, демақдир.

Қуръоннинг боши Фотиҳа сураси, оёғи Ан-Нос сураси бўлиб, унинг тузилиш тартиби Лавҳул маҳфузнинг тартибига тўғридур. Лавҳул маҳфуздаги Қуръон қудрат қалами билан шу тартибда ёзилмиш эди. Жаброил алайҳиссалом Қуръон оятларини Лавҳул маҳфузга тўғрилаб Пайғамбаримизга ўқиб бердилар. Пай-



ғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларга буюриб шу кундаги Қуръон тартибича қилиб ёздирдилар. Қуръоннинг бу тартиб ёзилиши унинг биринчи ёзилишидур.

Суюкларга, тахта парчаларига, хат ёзгудек ҳар хил тоза нарсаларга ёзиб қўйилмиш эди. Қуръонни бутун ёд олган саноклик кишилар ҳам бор эди. Расулulloҳнинг тирик вақтларидаёқ Қуръон ёзилмиш ҳам саҳобалар кўнгилларида ёдламиш эдилар.

Аммо Қуръоннинг китоб суратига келтириб, қоғоз устига ёзилиши эрса Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ халифалик даврида бутун саҳобаларнинг иттифоқлари билан амалга оширилмишдир.

Ҳазрати Усмон даврига келгунча бутун мусулмонлар ўқиган Қуръонлар эрса шу нусхадан олинмиш эди. Сўнгра Қуръон қироатида ихтилоф чиққач, шу нусхадан тўрт нусха ёздириб, Ислоом оламига тарқатди. Бошқаларини куйдиришга буюрди. Бизнинг шу кунларда ўқиб юрган Қуръонимиз ўшал Ҳазрати Усмон разияллоху анҳу ёздирган Қуръон нусхаларидандур.

Қуръон «Бо» ҳарфи билан бошланиб «Син» ҳарфи билан тугади. Бу иккови қўшилса, «Бас» бўлур. Яъни, икки жаҳонни топмоққа Қуръон етур, демақдур.

Байт:

*Нечун «бо» бирла «син» келмиши Қуръон бош оёғида,  
Демак икки жаҳоннинг раҳбари чун «бас» демақдур.*

Аммо Қуръоннинг дунёга келиш тартиби эса, ёзилиш тартибидан бутунлай бошқадур. Чунки Қуръоннинг биринчи ваҳийда келгани Алақ сураси эди, сўнгра Муддассир, ундан кейин Муззаммилдур, энг охириги сура эрса, Тавба сураси эди.

Қуръоннинг улуғ мўъжиза эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Лекин бунинг мўъжизалигини билмак учун ақл юргизмак, фикр ишлатмак керақдур. Ақл кўзи очиқ олимлар олдида Қуръоннинг мўъжизалигида ҳеч шак йўқдур.

Шунинг учун Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга икки турлик мўъжиза бермишдур. Бириси ақлий мўъжиза, иккинчиси ҳиссий мўъжизадур. Ақлий мўъжиза Қуръондур, ҳиссий мўъжиза деб халққа кўрсатиб туриб, ақлдан ташқари, одатдан ташқари бир иш қилганга айтилуру.

Масалан, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васал-

лам Табук чўлида бармоқлари орасидан от-улови билан эллик минг киши ичиб қонғудек сув чиқардилар. Расулуллоҳнинг бу мўъжизалари эрса шунча кўп аскар кўз олдларида бўлганликдан, унинг аниқлигида ҳеч гумон йўқдур. Унга гумон қилганлар эрса, Макка шаҳрининг борлигига гумон қилгандек бўлиб, кулгута қолгайлар. Энди биз бу ўринда Расулуллоҳнинг ҳиссий мўъжизаларини баён қилурмиз. Маълум бўлгайким, Қуръондан бошқа Пайғамбаримиз кўрсатган мўъжизалари ичидаги энг улуғроғи «Ой ёрилиши» мўъжизасидур. Бунинг воқеаси шундай бўлган эди:

Қурайш раисларидан Валид ибн Муғййра, Абу Жаҳл, Ос ибн Воил ва бир қанча кишилар бир тўп бўлиб, Расулуллоҳ олдларига келишди. Сўнгра алар:

— Эй Муҳаммад, агар сен биз сўраган мўъжизани кўрсатур бўлсанг, у чоғда сенга иймон келтургаймиз. Қани, сен Аллоҳ юборган пайғамбар экансан, шу устимиздаги турган ойга ишорат қил, у иккига бўлинсин. Ушанда сенинг сўзингга ишонурмиз, — дедилар.

Шу кечаси ўн тўрт кунлик ой тўлиғи эди. Улар шу талабни қўйгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ойга бармоқ кўтариб ишорат қилдилар эрса, Аллоҳ, амри билан иккига бўлинди.

Бир бўлаги ўз ўрнида қолиб, иккинчи бўлаги Жароля тоғининг тўғрисига келиб турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Мана, кўринглар, Аллоҳ қудратини, — деб ойга ишора қилдилар.

Шундоғ улуғ мўъжизани кўриб турсалар ҳам яна иймон келтиришмади.

— Муҳаммад бизни сеҳр қилди, кўз бойлади, — дедилар.

Анда ўз ичларидан бир киши туриб:

— Атрофдан келган йўловчилардан сўраб кўрайлик, бизни сеҳр қилган бўлса ҳам, уларни сеҳр қила олмағай, — деди.

Ҳар томондан келувчи кишилардан сўрадилар эрса:

— Шу тунда шу соатда биз фалон жойда эдик. Ой икки бўлак бўлди, кўрдик, — деб ҳаммалари гувоҳлик бердилар.

Бу билан ҳам тавфиқ топмадилар. Аммо мўъминларнинг иймонлари яна ҳам зиёда бўлди. Бахтсиз кишиларга эрса мундоқ улуғ неъматдан заррачалик ҳам баҳра етмади.

Бу мўъжиза ҳижратдан беш йил илгари Макка шаҳрида бўлган эди. Икки парча бўлиб ёрилган ой эрса бир-бирига қўшилмай бир-икки соатча туриб, сўнгра қўшилди. Мунга кўрдилар эрса яна иймон келтирмадилар, мана шу чоғда «**Иқтаробатис-соъату ваншаққал-қамару**» ояти нозил бўлди. Яъни, «*Қиёмат яқинлашиди, ой ёрилди*», демакдур. Бу оят мазмунидан маълум бўлдики, Расулуллоҳга мўъжиза бўлиб, ой ёрилиши эрса, бу ҳам қиёмат аломатидур. Бу мўъжизага шак келтирмак мусулмон кишига дуруст эмасдур. Чунки бу мўъжизанинг ҳақлиги юқориги оят билан, ҳам ҳадис билан собит бўлди. Мунга инкор қилиш Қуръонни инкор қилиш, демакдур.

### ИККИНЧИ МЎЪЖИЗА

Раддиш-Шамс, яъни, ботиб кетган қуёшни қайтармоқдур. Бу воқеа шундоқ эрдиким, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбар урушидан қайтишларида бутун аскар билан Саҳбоъ деган жойга келиб тушдилар. Шу ерда Ҳазрати Алининг тиззасига бош қўйиб ётиб, кўзлари уйқуга кетди. Ҳазрати Али эрса аср намозини ўқимаган эди. Уйқулари бузилмасин деб қимирламай ўлтира берди. Бир вақтда Расулуллоҳ уйқудан уйғондилар, қарасалар кун ботмишдур.

— Аср намозини ўқидингми? — деб Ҳазрати Алидан сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, уйқунгиз бузилмасин деб қимирламасдан ўлтирдим. Намоз вақти ўтди, ўқиймай қолдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй бор Худоё, агар Али сенинг хизматинг ва менинг хизматим учун ўлтирган бўла, ботган қуёшни қайтаргил, намозини ўқиб олсин, — дедилар эрса, дарҳол лоп этиб кун чиқди. Ҳазрати Али намозини ўқиб бўлиши билан кун ботиб, қоронғулик босди.

Бундоғ ишларнинг бўлиши Худо қудратига қаралса ҳеч нарса эмасдур. Ой-кунларнинг чиқиши, ботиши Аллоҳ амри билан бўлур. Ун саккиз минг оламда анинг ҳукмидан ташқари қилчалик иш йўқдур. Ишондик, иймон келтирдик, эй раббим, иймонимизни мангулик қил. Омин!

## УЧИНЧИ МҮЪЖИЗА

Бу эрса дарахтлар тилга келиб Пайғамбаримизга салом беришидир. Бу муъжизани кўзлари билан кўрган яқин юз саҳоба ривоят қилди. Булар ичида чаҳорёрлар бошлиқ, улуғ саҳобалардан кўп кишилар бордир.

Ҳазрати Умар ривоят қилур:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ғазот сафарига чиқдик. Йўлда кетаётган бир аъробийни кўриб:

Қаён борурсан? — деб сўрадилар эрса:

Уйимга борурман, деди.

Шунда ул зот:

Яхшилик топмоққа қандайсан? — деб эдилар, у нимадур деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Мени Аллоҳ таоло бутун Ер устига Пайғамбар қилиб юборди, яхшиликка етганинг шулдур, деб марҳамат қилдилар.

Аъробий:

— Мен сенинг Пайғамбарлигингни қайдин билурман? Бу айтган сўзинг ростлигига ким гувоҳлик бера олур? — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сой ичида кўриниб турган бир туп дарахтга қараб:

— Ана шу дарахт меним Пайғамбарлигимга гувоҳлик берур. Сен унга бориб, сени Расулуллоҳ чорлайди дегил, келиб гувоҳлик берсун, — дедилар.

Аъробий бориб у ёғочга шу сўзни айтди. Дарахт олди, орқа, икки ёнига эгилиб қимирлади. Ер ёриб томирларини судраганича тўғри Расулуллоҳ, оддиларига келиб:

«Ассалому алайка ё Расулаллоҳ», деб салом берди.

Аъробий:

— Дарахтга буюргил, яна ўз ўрнига қайтсун, — деди.

Расулуллоҳ амр қилдилар эрса, илдизларини чуваландирганича қайтиб бориб, ўз жойига ўрнашди. Бу улуғ муъжизани кўрган аъробий дарҳол иймон келтирди. Сўнгга:

— Ё Расулаллоҳ, рухсат беринг, сизга сажда қилурман, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Махлуққа сажда қилмоқ дуруст эмасдур. Агар

тузук бўлса эди, хотинлар эрларига сажда қилсун деб буюргай эдим, — дедилар.

— Йўқ эса рухсат беринг, қўл-оёғингизни уна-йин, — деди.

Упишга рухсат қилдилар.

Пир-устозлар оёқ-қўлларини ўпмаклик шундан кол-гандур.

## ТЎРТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка кўчаларининг бирида келаётиб Рукона деган бир кишига йўлиқиб қолдилар. Бу эрса Қурайш йи-гитлари ичида энг атоқлик баҳодирлардан эди. Уни кўриб:

— Эй Рукона, Худодан қўрқ. Мен Аллоҳнинг пай-ғамбаридурман, иймон келтириб, мусулмон бўлғил, — дедилар.

Анда ул:

— Эй Муҳаммад, Пайғамбарлигинга бир аломат кўрсатур бўлсанг иймон келтирур эдим. Далил, ҳуж-жатсиз қандай мусулмон бўлурман? — деди.

Расулуллоҳ:

— Агар аломат кўрсатсам мусулмон бўлурмисан? — деб сўрадилар.

Рукона:

— Албатта, мусулмон бўлурман, — деди.

Йироқдан кўриниб турган бир туп дарахтга қараб:

— Аллоҳ изни билан олдимга келгил, — дедилар.

Шундоғ дейишлари билан, у дарахт турган жойида тенг ёрилиб, икки ажради. Яرمىси шул турган жойи-да қолди. Қолган ярми ерни ёрганича Расулуллоҳга келиб салом берди. Муни кўргач, ҳайрон қолиб айт-диким:

— Эй Муҳаммад, энг улуғ иш кўрсатдинг, бунга буюргил, яна ўз жойига борсин, — деди.

— Агар буюрсам, ўз жойига бориб қўшилса, ий-мон келтирурмисан? — дедилар.

— Албатта, иймон келтирурман, — деб ваъда бер-ди.

Расулуллоҳ буюрдилар эрса, Худо қудрати билан бу ярми бориб, у олдинги ярмига ёпишиб, илгариги-дек бўлди.

Шундоғ улуғ қудратни кўриб туриб, яна иймон кел-

тирмади. Расулуллоҳнинг дарахтлардан кўрсатган мўъжизалари эрса, беш-олти жойда бўлганлигини мўътабар ҳадис китобларида баён қилурлар.

### БЕШИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қилур:

«Бир куни аъробийлардан бир киши Расулуллоҳ қошларига келди ва:

— Эй Муҳаммад, Аллоҳ мени бутун инсонларга Пайғамбар қилди, деб айтур эмишсан. Бул сўзнинг ростлигини қайдан билурмиз? — деб сўради.

Анда Расулуллоҳ:

— Агар хурмо дарахтидан бир шоҳини чақирсам, олдимга келса, иймон келтирурмисан? — дедилар.

— Албатта, иймон келтирурман, — деди.

Расулуллоҳ уни чақирдилар эрса, шоҳ узилиб ерга тушди. Ер устида сакраб-сакраб Расулуллоҳ олдиларига келди.

— Ўз ўрнинга қайттил! — дедилар.

Яна қайтиб бориб илгаригидек бўлди. Аъробий ҳам дарҳол иймон келтирди».

### ОЛТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ҳазрати Жобир разияллоҳу анҳу ривоят қилур: «Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳди Маккани динга очиқ даъват қилдилар эрса, ёш-яланг, ақлсиз бир неча кишилар Расулуллоҳга ҳужум қилишиб, баъзи бир адабсизлар отган тош-кесаклардан муборак баданлари яраланди. Бу ишдан қайғуланиб маъюслик билан ўлтирган эдилар, шул чоғда Ҳазрати Жаброил алайҳиссалом ҳозир бўлдилар. Расулуллоҳни хафалиқда кўриб, ҳол сўрадилар. Ақлсизларнинг қилган ишларини айтдилар.

Анда Жаброил алайҳиссалом:

— Эй Муҳаммад, ғамингизни кетказгудек бир каромат кўргузайму? — деб айтди.

— Албатта кўргазинг, — дедилар Расулуллоҳ.

Сой ичида йироқдан кўриниб турган бир дарахтни кўрсатиб:

— Шуни чақиринг, — дедилар.

Чақирдилар эрса, олдиларига келди.

— Айтинг, ўз жойига қайтсин.

Айтдилар эрса, қайтиб бориб, ўз жойига турди.  
Буни кўргач Расулуллоҳ:

— Энди мени ёлғончи десалар ҳам парвойим йўқ, — дедидар».

### ЕТТИНЧИ МУЪЖИЗА

Ҳазрати Яъло ибн Мурра шундоқ ривоят қилур:  
«Расулуллоҳ билан бирга сафарга чиқдик. Бир мўлжал йўл юргандан сўнгра манзилга келиб тушдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётиб ухладилар, мен эрсам шул ерда қараб ўлтирган эдим. Шунда бу жойдаги ўсган дарахтларнинг бири қўзғолиб, ерни ёрганича Расулуллоҳ томонига юрди. Тўғри келиб, Расулуллоҳ бошларида бир айлангач, қайтиб бориб яна ўз жойида турди. Муни кўргач, ҳайронликда туриб эрдим, шу орада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғондилар эрса, бу воқеани баён қилдим.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Бу дарахт мени зиёрат қилмоққа Аллоҳдан рухсат сўради. Унга рухсат берилгач, менга келиб салом қилиб қайтди».

### САККИЗИНЧИ МУЪЖИЗА

Жобир ибн Абдуллоҳ ривоят қилур:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча аскар билан ғазот сафарига чиқдилар. Бир манзил йўл юргач, икки тоғ оралиғидаги кенг бир жойга келиб тушдик. Расулуллоҳ ҳожат қилмоқчи бўлиб, бир томонга қараб юрдилар эрса, идишда сув кўтариб кейинларидан келдим. Ер текис бўлиб, яланглигидан кишига далда бўлғудек бирор нарса у ерда кўринмади. Сойнинг икки четида бир тупдан иккита дарахт турган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу томондаги бир туп дарахт олдида бордилар эрса, анинг شوҳидан тутиб:

— Аллоҳ изни билан юргил, — деб етакладилар.

Туя етаклагандек уни ўртага келтирдилар. Яна бирини ҳам шундай қилғондан кейин:

— Худо қудрати билан қўшилиглар, — деганларида, бу икки дарахт бир-бирига чаплашгандек бўлиб қалинлашдилар.

Расулуллоҳнинг одатлари очиқ жойда ҳожат қил-

мас эдилар. Бу улуғ мўъжизани кўриб, Худо қудратига ҳайрон қолиб ўлтирдим. Кейин қарасам, Расулуллоҳ ҳожатдан бўшанмиш эдилар, у икки дарахт ҳам бири-биридан ажралмиш. Муборак бошлари билан ўнг ва сўл ёққа имо қилдилар эрса, ҳар қайсиси ўз жойига бориб ўрнашди».

### ТҶҶҶЗИНЧИ МҶҶҶЗИЗА

Жобир ибн Самура деган саҳоба ривоят қилур: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— Маккада бир тош бор эди. Пайғамбар бўлишимдан илгари бу тош олдидан ҳар вақт ўтар бўлсам: «Ассалому алайкум, ё Расулаллоҳ», деб менга салом берур эди. У тошни шу кунларда кўрсам ҳам танийдурман».

Бу тош эрса Макка шаҳрида Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ қўраларига қарши кўча юзига қўйилмиш эди. Одамлар буни зиёрат қилур эмишлар. Бу кунларда эрса, икки Ҳарамга эга бўлиб турган кишилар бу эсдалик муборак мўъжиза тошни йўқотиш қасдида қайси чуқурга элтиб ташлади экан?

Расулуллоҳ замонларидан қолиб, шундан буён сақланиб келган икки Ҳарамдаги турган тарихий жойларни вайрон қилган бу кишилар мазкур эсдалик муборак тошни албатта қўймаган бўлсалар керак.

Макка қабристони «Жаннатул муъалло»дур. Мадина мозори «Жаннатул бақий» аталур. Бунда эса оналаримиз Ҳазрати Хадича, Ҳазрати Оиша, Пайғамбаримиз амакилари Ҳазрати Аббос, Ҳазрати Усмон, имоми Ҳасан разияллоҳу анҳумлар бор эдилар. Булардан бошқа Мадина мозорида ўн олти минг саҳоба бор, деб ривоят қилурлар.

Мана шуларнинг қабр гумбазларини бузиб ер билан текис қилибдилар. Нега бундоғ десалар, зиёратга келган кишилар булардан мадад талаб қилиб ҳожатларини сўрайдилар, бу эса куфр эмишдур. Ваҳҳобийлар эрса, ўз мазҳабларидан бошқа мусулмонларни мушрик ҳисоблагайлар. Бу сўз эрса Ислом шарафига бек улуғ хиёнатдур. Қуръони карим шаънига энг катта жиноятдур. Бир кишини кофир қилмоқ, унинг қонини ноҳақ тўккандан ёмонроқдур. Худодан ўзга нарсага сиғиниб, Аллоҳни эскармасдан, шунинг ўзидангина



ҳожатини талаб қилиш шариатда дуруст эмасдур. Бу ишга ҳаммамиз ҳам иқрордурмиз.

Чунки маҳлуқдан ҳеч кимарса инсон бўлсин, ё фа-ришта бўлсин, Аллоҳдан мадад топмагунча ўз кучи билан бошқа бир маҳлуққа албатта ёрдам қила олмай. Лекин хоҳи тирик, хоҳи ўлик мазор, машойих, киромлар зиёратига бориб, буларни орачи қилиб Аллоҳдан ҳожат талаб қилсалар, нима зиёни бордур? Бунинг дурустлиғида шаръан ҳеч қандай шак йўқдур.

Пайғамбарлар, азиз авлиёлар, бошқаларни Худо олдида шафоат қилгайлар, бу эрса оят ва ҳадис билан собитдур. Ислому аҳлида бу ишга қаршилик қилгувчилар йўқдир. Дунё подшоҳлари олдида заррачалик улуғ мартабалик кишилар ҳам муҳтожларнинг ҳожатларини чиқариб, гуноҳликларини подшодан талаб жазодан қутқаза оладилар.

Маълумдурки, Қуръоннинг мингта ояти эрса тарих баёни узра келмишдур. Тарихий ишларни сақламоқ, Ислому йўлида илмий-амалий хизмат кўрсатган зотларга ҳурмат кўрсатмак бутун инсон оламида энг яхши кўриламиш ишларнинг бирисидур. Ҳозирги йигирманчи аср маданияти устида бошқалар Ер олами маълумотига қаноат қилмасдан, юқориги олам аталган ой, кунга қараб интиломоқдадурлар. Имконият ичидаги борлиқ нарсаларнинг сабаби топишган тақдирда унинг вужудга чиқиши аниқдир.

1907 йилда Ислому оламидаги мусулмонлардан Арафотга йиғилган ҳожилар сони икки милёнга етган эди деб, ишонимлик кишилардан эшитган эдик. Ўшал замон газеталари хабарларича, ёлғиз Намангон уездига қарашлик ерлардан мингдан ортиқроқ киши ҳаж сафарига чиққан эдилар. Бу кунларда эса (1959 й.), ҳажга бутун совет тупроғидаги мусулмонлардан йигирмадан ортиқ эмасдур.

Байт:

*Билмас эрса ҳеч кимарса бу мусибат бўлғуси,  
Билди эрса қайғудин ҳар кунда минг қийналғуси.*

Имом Термизий Ҳазрат Али карамаллоҳу ваҳҳадан ривоят қилур:

«Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга юриб, Макка шаҳри атрофини айланишдик. Бизга тўғри келган дарахтлар, тошлар олдидан ўтганимизда: «Ассалому алайкум, ё Расулаллоҳ», деб

очиқ сўзлаб, салом беришур эди. Айниқса, Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизга биринчи ваҳий келтирган куни Ҳиро тоғидан уйга келгунларича йўлда йўлиққан дарахтлар, тошлар ҳаммаси салом қилишди. Расулуллоҳ аларнинг саломларига жавоб қайтардилар».

### ЎНИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ибн Можжа ривоят қилур:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Ҳазрати Аббос уйларига кириб, ҳаммаларини бир ерга йиғиб ўлтиргиздилар. Сўнгра аларнинг устиларига ридоларини ёпиб туриб, дуо қилиб:

— Эй бор Худое, булар эрса меним амаким, амалкизодаларим эрурлар. Мен буларни ёпгандек сен ҳам ёпиб, дўзахдан озод қилгайсен, — дедилар.

Шунда тўрт ёқ томлардан, эшик бўсағаларидан уч қайта «Омин» деб овоз чиқдиким, беш-ўн одам баробар «Омин» дегандек эшитилди.

Пайғамбаримиз амакилари бошлиқ ўғиллари Фазл, Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ, Қусам, Маъбад, Абдурахмон, Саид, Умму Ҳабиба — барилари бу мўъжизани қулоқлари билан англадилар». Бошқа саҳобалар эрса булардан ривоят қилишди. Разияллоҳу анҳум.

### ЎН БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА

Имом Бухорий, Имом Термизий Ҳазрати Анас ибн Моликдан шундоғ ривоят қилурлар:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон разияллоҳу анҳумлар ҳаммалари бирга Уҳуд тоғига келишиб, анинг устига чиқдилар эрса, тоғ титрагани турди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Уҳуд, тўхта. Сенинг устингдаги кишиларнинг бириси Аллоҳнинг пайғамбаридур, иккинчиси, анинг ёри Сиддиқ акбардур, қолган икковлари шаҳиддурлар, — дейишлари билан дарҳол тўхтади.

Энди бу воқеада уч мўъжиза бордур:

Биринчиси, Расулуллоҳ тоғ тепасига чиқишлари билан анинг титраб кетиши;

Иккинчиси, Расулуллоҳ сўзларини англаб дарҳол тўхталиши.

Учинчиси, келаси ғайбдан хабар беришларидурким, Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Усмон икковлари ҳам шаҳид бўдилар. Биринчиларини Эрон асири Ҳурмуз кифир, намозда турганларида ханжар уриб шаҳид қилди. Иккинчиларини эрса, ўзаро чиққан фитначилар уйларига бостириб кириб ўлдиришди, разияллоҳу анҳум.

## ЎН ИККИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳ қўлларида майда ушоқ тошларнинг тасбеҳ айтишларидур.

Бу воқеани бир неча машҳур ҳадис олимлари ўз китобларида келтирибдурлар. Имом Байҳакий, Имом Табароний Ҳазрати Абу Зардан ривоят қилурлар.

«Бир куни Расулуллоҳни ҳилватда топдим, ёлғиз ўлтирур эканлар. Келиб салом бердим, жавоб берган сўнгида:

— Эй Абу Зар, нима учун келдинг? — деб сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, муҳаббатингиз тортиб келди, — дедим.

— Ўлтир, — деб илтифот қилдилар, ёнларига ўлтирдим.

Ўзлари гапирмагач, мен ҳам ҳеч нарса сўрамадим. Сўнгра кўп хиёл ўтмай Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, шошилган кишидек илдам юриб келиб салом берди, жавоб берганларидан сўнг:

— Эй Абу Бакр Сиддиқ, сени ким келтирди? — дедилар.

— Ё Расулаллоҳ, сизнинг муҳаббатингиз, — дедилар.

— Ўлтир, — деб унга ҳам ишорат қилдилар.

Шундай қилиб, кетма-кет Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ҳам келишди. Алардин ҳам шундоғ сўрадилар эрса, жавоблари биз айтгандек бўлди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ерга қўл узатиб бир сиқим майда тош олдилар.

Ҳовучларини очишлари билан у майда тошлар садо қилиб тасбеҳ айтишгали турди. Ари ғунғиллагандек уларнинг тасбеҳ товушларини атрофда ўлтирган саҳобалар эшитдилар. Сўнгра чангалларидаги майда тошларни ерга қўйдилар. Тасбеҳ айтиб турган тошлар, ерга қўйишлари билан тўхтаб, жим бўлиб қолишди.

Яна уларни олиб, Абу Бакр Сиддиқ олақонига қўйиб эдилар, яна товушлари чиқди. Андин олиб ерга қўйиб эдилар, тасбеҳдан тухтади.

Сўнгра шу тартибда Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон қўлларига солдилар, яна тасбеҳ айтгали турди.

Ҳазрат Али у кун ийқ эдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу учовларидан бошқа саҳобалар қўлларига ҳам қўйдилар эрса, ҳеч бирларининг қўлларида тасбеҳ айтмади».

Бундан маълум бўлдики, бошқа саҳобаларга қараганда чорёрларнинг Худо олдида даражалари улуғ экандир. Разияллоҳу анҳум.

### ЎН УЧИНЧИ МУЪЖИЗА

Анас ибн Молик ривоят қилур:

Бир кун Расулуллоҳга бир киши идиш ҳадя берди. Саҳоблардин бир нечалари шу ерда ўлтиришган эди. Анда Расулуллоҳ:

— Шу ҳозирда бу идишдаги таом тасбеҳ айтиб турадур. Мен унинг товушини эшитдим, яқинроқ кел, сен ҳам эшитурсан, — деб алардан бировига буюрдилар.

У киши ҳам яқинроқ келиб, қулоқ солди эрса, таомдан чиққан тасбеҳ товушини очиқ эшитди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу таомдан оғизларига солиб эдилар, оғизларида туриб яна тасбеҳ айтди, мун и эрса шу ерда бор саҳобалар эшитдилар».

Ибн Масъуд ҳам: «Расулуллоҳ билан таом устида ўлтирган чоғимизда тасбеҳ айтган таом товушини кўп уққанмиз», деб ривоят қилур.

Маккадан Мадинага Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилиб келганларидан сўнгра муҳожир, ансор саҳобалар Аллоҳ амри билан икки-иккидан дўстлашдилар. Шунда Абу Дардо билан Салмон Форсий ўрталарида дўстлик боғланмиш эди. Бир кун икковлари ўлтириб эдилар, олдиларига бир товоқ ош келтирдилар. Бу таомдан еяётганларида ош товоғи тасбеҳ айтгани турди. Бунинг товушини ҳар икковлари англадилар. Бу ҳам Расулуллоҳнинг муъжизаларидан эди.

## ҮН ТҮРТИНЧИ МҮЪЖИЗА

Имом Бухорий бошлиқ бир неча ҳадис олимлари Ҳаннона деган устуна йиғлагани хусусида келган ҳадис-ни мутавотир дебдурлар. Яъни, бу муъжиза жума намозига минглаб йиғилгон кўпчилик халқ ўртасида бўлган ишдур. Бу тўғрида ҳеч қандай гумон йўқдур, бунга шак келтурмак куфр бўлур, чунки юзлаб, минглаб саҳобалар бу ҳадисни ривоят қилдилар.

Энди бу муъжиза шундоғ эрдиким, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келганларида, дастлаб бир масжид бино қилдилар. Унинг узунлиги юз газ, эни қирқ газ келур эди. Бунга хурмо ёғочидан бир неча устун қўйилгон эди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳар вақт жума намози ўқисалар, шу устунларнинг бирига суюниб туриб, шу ерда хутба ўқиб, халққа ваъз айтур эдилар. У кунларда минбар қўйиш расм бўлмаган эди. Саҳобалардан Тамимуд-дорий разияллоҳу анҳу:

— Ё Расулаллоҳ, сиз учун бир минбар ясатсак, устида ваъз айтгудек бўлсангиз, қандай бўлур? — деб сўради.

— Яхши бўлур, — деб рухсат бердилар.

Сўнгра бир минбар ясашди. Уни келтириб, имомнинг ўнг томонига қўйдилар. Ислом оламида энг аввал ясалган ва масжидга қўйилган минбар шул эди.

Жума кунни келгач, жамоат намозга йиғилди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам одатларича хутба ўқимоққа туриб, устун олдидан тўхтамай ўтиб кетдилар. Мана шу чоғдаёқ ул устун инграй бошлади. Бўта-лоғидан ажраган туя сингари бўзлагани турди.

Расулуллоҳ минбар устига чиқиб эдилар, бола бақиргандек бўлиб яна қатғиқроқ йиғлади. Силкиниб кетиб, ёрилишга яқинлашди. Буни кўриб, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол минбардан тушиб ул устунни қучоғлаб турдилар. Узоқроқ йиғлаб қолган ёш болани онаси олиб овутганда ўқсиб-ўқсиб йиғлагандек, Расулуллоҳ қучоғларида туриб, бу устун ҳам шунинг сингари ўқсиб йиғлади.

Анда Расулуллоҳ:

— Бунинг олдида ҳар жума Аллоҳ зикри айтилиб, андин баҳра олур эди. Шундан ажраб қолганига йиғлайди, — дедилар.

Буни кўриб саҳобалар бариси йиғлашгали турди. Масжид ичи ларзага келиб йиғи-сиғига турди.

Анда Расулуллоҳ:

— Қасам Аллоҳгаким, бунинг йиғисини ўзим келиб тўхтатмасам, қиёматгача шу аҳволда бўзлаб йиғлар эди, — дедилар.

Шундан кейин бу устун оти «Ҳаннона», яъни «Йиғлагувчи» бўлди.

У йиғидан тўхтагач, унга Расулуллоҳ айтдилар:

— Эй Ҳаннона! Хоҳласанг қайси чорбоғдан сени кесиб келган бўлсалар, ўшал бўстонга элиб ўлтиргизай, янгидан иддиз олиб кўкарурсан. Агар буни хоҳламасанг, сени жаннатга кўчат қилиб ўлтиргизурман. Жаннат аҳллари, Худонинг дўстлари мевангдан егайлар, бу икки ишдин бирини ихтиёр қил, — деб унинг жавобига қулоқ солиб турдилар.

Анда ул:

— Ё Расулаллоҳ, мени жаннатга кўчат қилиб ўлтиргизинг, шуни хоҳлайман. Менинг мевамни Аллоҳнинг дўстлари егайлар, фоний дунё бўстонида бўлишни истамайман, эскимайдиған жаннатда туришни тилайман, — деди.

Бунга яқинроқ сафда турган саҳобалар унинг товушини эшитдилар. Тилагини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам қабул қилиб, жаннатга элиб ўтқишишга ваъда қилдилар.

Ҳазрат Ҳасан Басрий ҳар қачон шу мўъжизадан гапиргудек бўлса, йиғлаб;

— Эй мўъминлар, бу ёғоч устун Расулуллоҳдан йироқлашганига шунча йиғлаган бўлса, биз умматлар ул зотнинг дийдорларига муштоқ бўлиб қанча зор йиғлар эрсак, яна оз экандур.

«Мавоҳиб» деган китобда айтибдурким, Аллоҳ таоло бу ёғочга жон бериб тиргизди, Расулуллоҳ фироқиде тирик кишидек товуш чиқариб йиғлади.

Сафардан келган киши ёру дўст, аҳли аёллари кучоқлагандек, уни Расулуллоҳ кучоқладилар, у билан тирикларга қилгандек муомала қилдилар, ўтган пайғамбарларнинг ҳеч бирига бундоқ улуғ мўъжиза берилмаган эди.

Ҳазрат Исо алайҳиссалом Аллоҳ изни билан ўликни тирилтириб мўъжиза кўрсатган бўлсалар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуруқ устунга жон киргизиб, у билан сўзлашдилар.

## ЎН БЕШИНЧИ МУЪЖИЗА

Имом Аҳмад, Имом Насайй ҳазрати Анасдан ривоят қилурлар:

«Мадиналик саҳобалардан бир кишининг ишлатиб юрган туяси бор эди. Бир куни у туянинг ҳўйи бузилиб, ҳеч бир кимарсани яқинига келтирмайдиган бўлди. Олдидан келган кишига аждарҳодек оғиз очиб, ҳужум қилур эди. Бутун ишлари тўхтаб, тирикчиликдан қолди. Ночор бўлиб у туя эгалари Расулуллоҳга арз қилдилар:

— Ё Расулаллоҳ, ишлатиб турган бир туямиз бор эди, ичишга ва экинларимизга шул туя билан сув ташир эдик. Нима бўлдики, феъли айнаб, яқинига кишини келтирмайдурган бўлиб қолди. Хурмо дарахтларимиз ва бошқа экинларимиз чанқоқликдан қуришга яқинлашди.

Буни англаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобалар билан туя бор жойга келдилар. Расулуллоҳ туя оддига бормоқчи бўлдилар, анда туя эгалари:

— Ё Расулаллоҳ, бу эрса қутурган итдек бўлмишдур. Сизга ҳужум қилгайму деб қўрқамиз, — дедилар.

— Йўқ, менга ҳужум қилмас, — деб туяга қараб юрдилар.

Туя Расулуллоҳни кўргач, дарҳол келиб олдиларига чўкиб сажда қилди. Ул жонивор ўз ҳолича товушини чиқазиб букуллаб сўзлагандек бўлди.

Ана Расулуллоҳ:

— Бу туя сизлардан шикоят қилур. Кўп ишлатиб оз едирур эмишсиз. Энди эрса, андоғ қилмагайсиз, тўйдириб едиринг, ҳолига қараб ишлатингиз, — дедилар.

Сўнгра туяни тутиб эгасига топшириб эдилар, бурунгидан ҳам ювошироқ бўлиб, ҳеч қандай қаршилиқ қилмади. Буни кўрган туя эгалари:

— Ё Расулаллоҳ, бу эрса ақли йўқ ҳайвон бўлатуриб сизга сажда қилди. Биз ақлик инсонлар нечукдирким сизга сажда қилмагаймиз, рухсат беринг сизга сажда қилайлик, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

Махлуққа сажда қилмоқ дуруст эмасдур, балки маҳлуқлар ўз ҳолиқларига сажда қилурлар. Агар маҳлуққа сажда қилмоқ раво бўлур эди, хотунлар ўз эрларига сажда қилур эдилар, — дедилар.

Эрларнинг ҳақлари хотинлари устида нақадар улуф эканлиги бу ҳадисдан маълум бўлса ҳам, лекин саждага лойиқ бўлгучи эрлар эса хотунларнинг дунёлик, охиратлик ҳақларини қолдирмай бажариб турувчи эрлардир.

### ҲИ ОЛТИНЧИ МУЎЖИЗА

Яъло ибн Мурра деган саҳобадан ривоят қилинур:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадина атрофида жиҳод сафарига чиқдик. Йўлда кетаётганимизда бир киши етаклаган юклик туяга учрадик. У туя Расулуллоҳга қараб бўйинини тубан солиб бир мунглиғ товуш билан сўзлади.

Расулуллоҳ тўхтаб:

— Бунинг эгаси кимдур, чақиринглар, — деб буюрдилар.

Эгаси келгач:

— Менга сотгил, — дедилар.

Алар айтди:

— Ё Расулаллоҳ, буни сизга ҳадя қилур эдик, бироқ бир онланинг шундан бошқа моли йўқдур, шу туя билан тирикчилик ўтказурлар.

Анда Расулуллоҳ айтдилар:

— Андоғ эрса туя ўзингизда қолсин. Бу эрса менга шикоят қилди, овқатни оз бериб юмушни кўп қилдирур экансиз. Энди бу туяга яхшилик қилинлар, ишни оз қилдириб, овқатни кўп тўйдириб беринлар.

Алар ҳам;

— Шундоғ қилғаймиз, — деб ваъда беришди».

### ҲИ ЕТИНЧИ МУЎЖИЗА

Имом Доримий, Имом Байҳақий Ҳазрати Жобирдан ривоят қилурлар:

«Бир куни Расулуллоҳ билан ўлтирган эдик, йироқдан бир туя қочгандек бўлиб бизга қараб келаверди. Тўғри Расулуллоҳнинг қаршиларига келиб, чўккалаб туриб, сажда қилди. Саҳобалар ҳайрон бўлиб қараб қолдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Бу туянинг эгаси кимдур — деб сўрадилар эрса, ансор саҳобалардан бир неча йигит:



— Ё Расулаллоҳ, бу бизнинг туямиз эди, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Туянгиз сизлардан шикоят қилур. Ёшлигимдаги кучим кетиб, қарилигим етганда мени сўймоқчи бўлдилар, дейдур. Буни менга сотинглар, ёки ўз ажали етгунча унга яхшилик қилишга ваъда беринглар. Қадрдон хизматчини шундоқ ҳурмат қилмоқ керак, — дедилар.

— Ё Расулаллоҳ, туянинг бу айтган сўзи тўғридур. Ўзи ўлгунча энди унга яхшилик қилайлик, — деб ваъда бердилар.

### **ЎН САККИЗИНЧИ МУЪЖИЗА**

Анас ибн молиқдан ривоят қилинур:

«Бир куни Расулуллоҳ ансорийлардан бир кишининг боғига кирдилар. Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар булар ҳам бирга киришган эдилар. Шу боғда юрган бир кўзичоқ Расулуллоҳни кўриши билан таъзим қилиб, дарҳол саждага бош қўйди. Буни кўриб Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ айтди:

— Ё Расулаллоҳ, рухсат қилинг, бизлар ҳам сизга сажда қилайлик, ҳайвонлардан бу ишга биз ҳақлироқ-дурмиз.

Анда Расулуллоҳ, Соллаллоҳу алайҳи васаллам.

— Махлуқ ҳолиқдан узга кимарсага сажда қилмоғи дуруст эмасдур, — дедилар.

### **ЎН ТУҚҚИЗИНЧИ МУЪЖИЗА**

Имом Аҳмад, Имом Термизий, Абу Саид Худрийдан ривоят қиладур:

«Макка, Мадина тоғлари орасидаги бадавийлардан бир киши қўй қоқиб юрган эди. Бир куни бўри келиб анинг қўйига човут қилди ва қўйлардан бирини олиб қочди, эгаси орқасидан қувлаб бориб, бўри оғзидан қўйни ажратиб олгач, бўри беш-ўн қадам ерга бориб, чўккайиб ўлтирди. Сўнгра Худо қудрати билан ул бўри тилга кирди ва:

— Худодан кўрқмасмусан, Худо етқизган ризқимни оғзимдан тортиб олдинг?, — деди.

Анда чўпон бу ишга ҳайрон қолиб:

— Бу қандоқ ажаб ишдурким, бўри одамдек бўлиб сўзлайдур, — деди.

— Сенинг ишинг бундан ҳам ажаблироқ эрурким, охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссалом Мадинага келди. Худо олдида бундан улуғ даражали пайғамбар йўқдур. Бутун халқни ҳақ йўлга чақирур. Саккиз жаннат эшиклари унинг юзига очилмишдур. У билан сенинг орангда ул тоғдан бошқа ҳеч нарса йўқдур. Шундоғ улуғ ишни ташлаб, сен бу ерда қўй боқиб юрурсан. Дунёда бундан ҳам ажаблироқ ҳеч иш бўлурми? Агар сен бормоқчи эрсанг, қўйларингни менга омонат топшир, келгунингча боқиб берурман, — деди бўри.

Бу кароматни кўриб, қўйларни бўрига топширди. Ўзи Мадинага келиб, Расулulloҳ билан кўришиб иймон келтирди. Бу мўъжизани барча саҳобалар эшитдилар.

Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтмоққа рухсат бердилар. Келиб қараса, бўри чўпонлик қилиб юрибдур. Қўйларига ҳеч қандай зиён етказмабдур. Буни кўриб дарҳол бир қўйни буғизлаб бўрини зиёфат қилди.

### ЙИГИРМАНЧИ МЎЪЖИЗА

Воқеа шулдурким, Хайбар шаҳрини фатҳ қилгандан сўнгра яҳудлардан кўп мол ўлжа олдилар. Расулulloҳга тушган молларда бир қора эшак ҳам бор эди. Киши билан сўзлагандек анинг билан Расулulloҳ сўзлашдилар.

— Номинг нимадур? — деб сўрадилар.

— Ё Расулаллоҳ, номим Язид ибн Шаҳоб.

Аллоҳ таоло менинг бобом наслидин олтмиш атоғлиқ эшак чиқармишдур. Уларнинг ҳеч бирини пайғамбарлардан бошқа кишилар минмаган экандур. Мени ҳам охирзамон пайғамбари минса керак деб умид қилар эдим. Анинг учунким, энди дунёга сиздан ўзга пайғамбар келиши йўқдур. Меним бобом наслидан эрса мендан бошқа қолмагандур. Сиздан илгари менга бир яҳуд эга бўлмиш эди. Ул мени қачон минар эрса, жўртгага қоқилиб йиқилур эрдим. У ҳам мени уриб сўкиб, оч қўйиб ишлатур эрди, — деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам анинг отини Яъфур қўйдилар. Саҳобалардан киши чақирмоқ

бўлсалар, уни юборур эдилар. Ул боши билан эшикни қоқиб, Расулуллоҳнинг чорлаганини ишорат билан билдирур эди.

Расулуллоҳ вафотларидан Яъфур қаттиқ қайғурди. Жудоликка чидаёлмай, ўзини бир қудуққа ташлаб ҳалок бўлди.

Бу сўзни улуг муаррихлардан Ибн Асокир деган киши Ибн Мунизир деган саҳобадан ривоят қилмишдур.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ҳадис олимларидан Имом Байҳақий, Имом Табароний, Дора Қутний ибн Умардан ривоят қилдилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилиб келгандан сўнгра бир куни саҳобалар билан мажлис куриб ўлтирмиш эдилар. Шу чоғда Бани Салим қабиласидан бир киши ўтиб бораётиб тўпланиб ўлтирган саҳобаларга кўзи тушди. Алар ичида ўлтирган Расулуллоҳни кўриб:

— Бу киши ким бўлур? — деб сўради.

— Қурайш қабиласидан чиққан Абдулмутталиб ўғли Муҳаммад, бутун дунё халқига Худо тарафидан пайғамбар бўлиб келмишдур, — дедилар.

— Андоқ эрса унинг сўзини англамоқ керак экан, — деб Расулуллоҳнинг мажлисларига келиб ўлтирди.

Расулуллоҳ ул мажлисда Исломдан, арасот, қиёматдан сўзлар эдилар. Буларни англагач, бояги киши ўрнидан сакраб туриб:

— Эй Муҳаммад, инсонлар ичида сендек ёлғончини кўрганим йўқ. Сенинг бу сўзларингга қандоқ ишонгани бўлур? Айниқса, ўлгандан кейин чириб тупроқ бўлиб кетган киши қайтадан тирилур, деган сўзинг шаксиз ёлғондур. Мени шошқалоқ киши экан деб араблар айб қилишидан кўрқмасам эрди, шу ҳозирдаёқ сени ўлдириб бутун халқни рози қилур эдим, — деди.

Буни англагач, Ҳазрати Умарнинг ғазаби қўзғалиб:

— Ё Расулуллоҳ, рухсат қилинг, бунинг бошини кесиб ташлайин, — деб ўрнидан тура келди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Умар, билурмисан босиқ кишининг даражаси пайғамбар даражасига яқиндур, оғир бўл, — дедилар.

Сўнгра ул аъробий енг ичидан бир жонивор чиқа-

риб, ўртага ташлади. Араблар уни заб деб айтувлар. Форсча «сусмор», туркча «ербалиқ», «қумбалиқ», дейилур. Арабистоннинг қумлик чўлларида кўп бўлиб, араблар уни овлаб балиқ ўрнида ейдилар. Аъробий йўлдан буни ов қилиб олмиш эди. Уйига кетаётганида Расулulloҳга йўлиқиб, бу воқеа бўлди. Бу жониворни ўртага ташлагач, Лот, Манот бутлари билан қасам қилиб:

— Эй Муҳаммад, сенинг ҳақ пайғамбарлигингга агар шу ҳайвон гувоҳлик берур эрса, сенга иймон келтирурман. Йўқ эрса, иймон келтирмагайман, — деди.

Расулulloҳдан шу муъжизани ул аъробий халқ ичиде талаб қилди. Мана шундоқ вақтда найғамбарларга муъжиза кўрсатмоқ лозим бўлур. Аини шу пайтда қудрат кўрсатмоқ эса, Аллоҳ таолонинг одатидур. Анда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй заб, — деб уни чақирдилар.

Ербалиқ дарҳол тилга кирди, очиқ арабча сўз билан жавоб қайтариб:

— Лаббайка ва саъдайка, ё Расулulloҳ, — деди.

Мажлисда ўлтирган бутун халқ бунинг товущини эшитиб, сўзини англадилар.

Анда Расулulloҳ:

— Эй заб, кимга ибодат қилурсан? — дедилар.

Ул:

— Еру-кўқда ҳукми бор, дўзахда қаҳри бор, улуф қудратлик Аллоҳга ибодат қилурман, — деди.

— Эй заб, мен ким бўлурман? — дедилар.

— Барча оламини яратган парвардигори Аллоҳнинг ҳақ пайғамбари, барча анбиёлар сарвари эурсиз. Сизга иймон келтирганлар икки дунёда жаннат топгайлар. Сиздан юз ўтирганлар абадий азобга қолгайлар, — деди.

Бу улуф муъжизани кўриб аъробий дарҳол иймон келтирди.

— Аллоҳнинг пайғамбари экансиз, аниқ билдим, олдин кўрганимда сизни ҳаммадан кўпроқ душман тутган эдим. Энди эрса чин кўнглим билан сизга иймон келтирдим, — деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамду сано айтгач:

— Бу улуф неъматни Аллоҳ сенга насиб қилиб Ислон динига кирдинг, энди ҳар динни ёритгудек, Ислон динининг чироғи намоздур. Намозсиз динни Худо қабул қилмагай, — деб аъробийга Фотиҳа ва Ихлос сурасини ўргатдилар.

Аъробий Расулulloҳ олдидан чиққач, ўз жойига қайтди эрса, йўлда келаётган қуролик қалин аскарга йўлиқди. Қараса, ўз қабиласидан минг киши Расулulloҳга қарши урушмоққа келмиш эди.

Аъробий уларни кўргач, тўсиб йўлдан қайтарди. Расулulloҳдан кўрган мўъжизасини айтиб берди. Барчалари калима келтириб иймонлик бўдилар. Сўнгра шу жойдан тўғри Мадинага келишиб, Расулulloҳ билан кўришдилар. Ҳар бирлари шаҳодат айтиб, тутган жойларини, муборак қўл-оёқларини ўпишур эдилар.

Бундоқ кўпчилик халқнинг бирданига иймон келтириши эрса, ҳеч кўрилмаган иш эди. Шунинг учун Расулulloҳ ва барча саҳобалар бу ишга кўп суюндилар. Бу қабила эрса Расулulloҳдан хизмат талаб қилиб эдилар, ул зот аскарлик хизматида Ҳолид ибн Валидининг байроғи остида турмоқларини буюрмишдур.

### ЙИГИРМА ИККИНЧИ МЎЪЖИЗА

Анас ибн Молик ва онамиз ҳазрати Умму Салама — икковлари ривоят қилурлар:

«Бир куни Расулulloҳ Макка шаҳридан ташқари саҳрога чиқдилар. Йўлда кетаётганларида: «Ё Расулulloҳ» деб уч қайта чақирган товуш эшитилди. Қарасалар, бўйнидан боғланган бир кийик турибдур. Анинг олдида бир аъробий бошини буркаб ухлаб ётибдур.

Расулulloҳ кийикка қараб:

— Нима ҳожатинг бор? — деб сўрадилар.

Анда кийик:

— Ё Расулаллоҳ, шул ётган аъробий мени ов қилиб олди, эмизиб турган икки болам бор эди, улар шул тоғ ичида қолди. Мени бўшатиб қўйсангиз, уларни эмизиб дарҳол қайтиб келурман. Агар қайтиб келмас эрсам, Аллоҳ таоло зolimлар азобидек мени азоб қилсин, — деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг раҳмлари келиб, кийикни бўшатиб юбориб, қараб турдилар. Хиёл ўтмай кийик қайтиб келди. Расулulloҳ уни бурунгидек қилиб боғлаётганларида овчи аъробий уйғониб қолди. Қараса, Расулulloҳ кийик олдида турибдурлар. Бу аъробий иймон келтирган кишилардан эди. Анда ул ҳайрон бўлиб:

— Ё Расулаллоҳ, бирор ҳожатингиз бормидур, бу жойга келиб қолибсиз, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Ушбу кийикни озод қилиб юборур эрсанг, менинг ҳоҷатим шулдур, — дедилар.

Аъробий бу сўзни англаши билан дарров туриб кийикни бўшатиб юборди. Анинг қўлидан бўшанган бу кийик очиқ тил билан: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ», деб қайта-қайта такрорлаганича чопиб кўздан ғойиб бўлди.

Бу мўъжизани ривоят қилувчи Зайд ибн Арқам шундай айтур:

— Аллоҳ оти бирла қасам қилурманким, ўз кўзим билан кўрдим, шу қулоғим билан эшитдим, бу кийик саҳрода чопганича шу калимани тўхтамай айтди».

### **ЙИГИРМА УЧИНЧИ МЎЪЖИЗА**

Улуғ саҳобалардан Жобир ибн Абдуллоҳ, ривоят қилади:

«Худайбия ғазотида сувсизликдан аскарга чанқоқлик пайдо бўлди. Расулуллоҳ намозга таҳорат олмоқчи бўлдилар. Косадан каттароқ бир идишда сув бор эди, шу сувдан таҳорат олдилар. Анда саҳобалар Расулуллоҳ ҳузурларига келиб:

— Ё Расулаллоҳ, чанқоқлик бутун аскарни қоплади. Ичмакка ва таҳорат қилмоққа олдингиздаги шул сувдан бошқа сув қолмади, — дейишди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қутлуғ қўларини шу идишдаги сувга солдилар. Шунда муборак бармоқ ораларидан булоқдек сув қайнаб чиққани турди.

Бутун аскар от-уловлари билан шу сувдан ичиб қондилар:

Ҳазрати Жобир айтишича, бу қўшинда бир минг тўрт юз киши бор эди. Агар юз минг киши бўлур эрса дағи бу сувнинг етишига шак йўқ эди. Мундан бошқа бир неча жойларда ҳам шунга ўхшаш мўъжизалар бўлди. Табук ғазотида кўрилган мўъжизаларни эрса, юқорида айтиб ўтдик

### **ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ МЎЪЖИЗА**

Имом Бухорий ва имом Муслим «Саҳиҳ» китобларида шундоғ келтирибдур:

«Расулуллоҳ ғазот учун бир сафарга чиқдилар. Юр-

ган йўллари чўл бўлиб, сувсизликдан бутун аскар чанқоқликда қолди. Анда Расулуллоҳ Ҳазрати Али, Ҳазрати Зубайр икковларига буюрдилар:

— Фалон жойга боринглар. Йўлда туя минган бир хотун сизларга йўлиққай. Ортинган икки саноч суви бор, шуни келтиринглар.

Шундоқ деб ул зот ғайбдан хабар бердилар.

Бу икковлари чопганларича шу жойга борсалар, Расулуллоҳ деганларидек, икки саноч сув ортган туялик хотунга йўлиқишди. Уни Расулуллоҳга келтирдилар эрса, у сувдан бир идишга озроқ тўкиб муборак қўллари унга солишлари билан бармоқ ораларидан булуклаб сув қайнаб чиққани турди. Чанқаб турган бутун аскар от-уловлари билан бу сувдан ичиб қондилар. Ул хотун эрса бунга ҳайрон бўлиб қараб турди. Бутун аскар борлиқ идишларини шу сувдан тўлдириб олдилар. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хотунни хурсанд қилиш учун аскардан бир мунча озиқ-овқат йиғдириб бериб:

— Энди боргил, биз сенинг сувингдан ичмадик. Аллоҳ ўз сувидан бизни қондирди.

Шу билан бу хотун Расулуллоҳ олдидан чиқиб ўз ерига келди. Анда ул хотундан қавми:

— Нечук кеч қолдинг? — деб сўрадилар.

Ул хотун:

— Бу келишимда ажаб бир қизиқ ишга йўлиқдим. Йўлда келаётганимда қаршимдан икки киши чиқиб, мени қўймай бир одам қошига элтдилар. У эрса янги бир дин келтирган одам эмишдур. Кўз олдимда шундай-шундай ишларни қилди. Бу киши ўткир сеҳрчи бўлиши керак ёки ўзи айтгандек, Аллоҳнинг пайғамбаридур.

Сўнгра шу хотун сўзи сабаб бўлиб, Расулуллоҳ билан кўришмасданоқ барчалари иймон келтиришди».

## ЙИГИРМА БЕШИНЧИ МУЪЖИЗА

Жобир ибн Абдуллоҳ шундоқ ривоят қилур:

«Қурайш бошлиқ Макка ва Мадина атрофидаги араб қабилалари бирлашиб, Абу Суфён қўмондасида Мадинага ҳужум қилмоқчи бўлди. Бу хабар эшитилгач, Расулуллоҳ уруш майдони атрофига ўра (ҳандақ) қазишни буюрдилар. Бу ишга Салмон Форсий маслаҳат бер-

миш эди. Расулуллоҳ бошлиқ барча саҳобалар бир ой чамалик бу ишда бўлдилар. Шул йилларда бир оз қаҳатчилик ҳам бор эди.

Бир куни кўрсам, очлик Расулуллоҳнинг юзларидан билиниб турар эди. Ул зотга ичим оғриб уйга келдим. Борлиқ овқатим бир соъа, (яъни саккиз қадоқ) арпа, бир улоғим бор эди.

Арпани ун қил, деб хотунимга буюрдим, улоқни сўйиб қозонга соддим. Таом пишгунча Расулуллоҳни чорлаб келмакчи бўлдим.

Анда хотуним:

— Расулуллоҳ олдида мени уятга қўймагил, бу эрса етти-саккиз кишилик овқатдир, ундан ортиқ одам чакирма, — деди.

Шу билан Расулуллоҳ қошига келиб яширинча:

— Ё Расулаллоҳ, бир улоқ сўйиб, бир соъа арпа унни хамир этиб, таом пишириб сизни чақирғали келдим, беш-олти кишига етарлиқдур, — дедим.

Расулуллоҳ бу сўзни англаб:

— Эй хандақ аҳли, Жобир сизлар учун ош пиширмишдур, қани юринглар! — деб қичқирдилар.

Ансор-муҳожирин бошлиқ бутун халқ Расулуллоҳ ортидан уйима қараб юрдилар. Буни кўриб чопганимча эл олдида келиб хотунимга хабар қилдим:

— Уятга қолдим, бутун халқни олиб, мана Расулуллоҳ келиб қолдилар.

Анда хотуни:

— Қанчалик ошимиз борлигини Расулуллоҳ англамиш эрсалар, иншааллоҳ, бизга уят бўлғудек иш йўқдур. Бунинг сирини Аллоҳ пайғамбари ўзи билур, — деди.

Расулуллоҳ ҳам шу орада илгарироқ келиб қолдилар. Хотуним бир соъа ундан қилинган хамирни келтирди. Анга ва қайнаб ётган қозонга қараб:

— Эй бор Худое, бу таомга барака бергил, — деб дуо қилдилар.

Сўнгра ул зот келганлар ўн кишидан бўлиб ўлтирмақларини буюрдилар. Анда уйимга келмиш кишилар улуғ қудратлик Аллоҳ оти билан қасам қилурманким, мингдан ортиқ эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам овқатни «Бисмиллаҳ» деб ўзлари суздилар. Бутун келмиш кишилар бир қозон ошдан еб тўйиб тарқашди. Эл кетгандан сўнгра қарасам, қозонда ош боягидек тўлик



турибдур. Бир улоқ ва бир соъа арпа унидан бўлган ош минг кишини тўйдириб, яна шундай қолибдур.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хотунимга:

— Бу овқатдан ўзинглар еб, бошқаларга ҳам ҳадя қилинглар, — дедилар.

Шу куни кечгача қўни-қўшниларга шу қозондан ош улашдик».

Энди шуни билмоқ керакким, мўъжиза демак одатдан тапқари Аллоҳ қудрати билан бўладиган бир ишдур. Бир кишилик ошни минг ёки милён кишига етқизмоқ Аллоҳ қудратига осондур. Одатдаги бўладиган ишлар эрса, албатта, бир сабабга боғлиқдур. Сабабсиз пайдо бўлмиш ишларда Аллоҳ таоло ўз қудратини кўрсатмиш бўлур. Дунёда бор барча ишларнинг ақлга сиққудек бирор сабаби бўлиши, албатта, лозимдур. Аммо охиратда бўладиган аҳволлар, ўлгандан кейин бўладирган ишлар эрса, уларнинг ҳақиқатига инсон ақли бу дунёда ета олмайди. Худонинг қудратига қараб, дин ишларидаги ақли етмаган сўзларга оят, ҳадисдан олинган бўлса, таслим қилиш фарзду. Негаким, дин ишларида ақлнинг динга бўйсунуши лозимдур. Йўқ эса динсизлик офатидан киши қутула олмайди. Чунки инсоннинг ақли дунёда бор бўлган нарсаларнинг борлиги учун унинг сабабини ахтарур. Қайси нарсанинг сабабларини топа олмас эрса, унга инкор қилиб қаршилиқ кўрсатур. Ҳақиқатда эса инсон ақлига сиғмайдиган кўп ишлар бордурким, у нарса Аллоҳ қудратига осондур. Буни билиш учун динга ишонмоқ керақдур.

Дин ушлашнинг асоси Аллоҳнинг борлигига инонмоқдур. Ҳазрати Али карамаллоҳу ваҳҳа:

— Қиёмат бўлиб, жаннат ва дўзахни кўрганимдаги иймоним, шу кундаги иймонимдан кучлик бўлмайди. Кўрмай туриб ишонганим, кўрган кабидур, — дедилар.

Барча яратилмиш нарсалар, буларнинг турлик-туман бўлишлари, инсонларнинг тиллари ўнги-туши бир-бирларига ўхшамаслиги Аллоҳнинг улуғ қудратига очик далилдур. Шундоқ бўлса ҳам яна инсонлар хаёл қоронғулигида қолиб ҳақиқат йўлида адашиб, армонда қолмагайлар, деб қанча минг пайғамбарларини ўз томонидан вакил қилиб юборди. Алар халққа келган Худонинг вакилларибдур. Аллоҳ одил эрур. Зулмини ўзига ва барча бандаларига ҳаром қилмишдур. Пай-

ғамбар юбормасдан илгари ҳеч кимни азоб қилмагай. Аллоҳнинг одати аввал пайғамбар юборгай, улар келиб халққа Аллоҳ амрини етқургайлар. Уларга иймон келтириб, кўрсатган йўлларига қирар эканлар, икки жаҳон давлатига эга бўлгайлар. Йўқ эса, Худо олдида узр айтишга тиллари йўқдур. Агар қиёматда абадий азобга қолсалар, ўзларидан кўрсинлар. Чунки пайғамбарлар ҳақиқатни айтиб, бу куннинг бўлишини билдирмиш эдилар. **«Ва ма кунна муаззибина ҳатто набъаса расулан».** Яъни *«Пайғамбар юбормагунча ҳеч бир қавмни азоб қилмаймиз»*, деган бу оят юқорида айтилган сўзга очиқ далилдур.

### ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан ҳижрат қилиб Мадинага янгидан келган кунларида Ҳазрати Абу Аййуб Ансорий икки кишилик таом қилиб, Расулуллоҳ билан Ҳазрати Абу Бакрни уйига чақирди. Унинг уйига кирганларидан сўнгра:

— Ансор саҳобаларнинг улуғларидан яна ўттиз одам чақир, — деб буюрдилар.

Ўттиз киши келиб, шу икки кишилик таомдан тўйгунларича едилар, ундан сўнгра таом улар емагандек ортиб қолди. Яна олтмиш одамни айтиб келишни буюрдилар. Булар ҳам келиб тўйгунларича ейишди. Қарасалар, киши қўл урмагандек кўринур эди.

— Яна етмиш киши чақиргил, — дедилар.

Бу йўли келганлар ҳам бурунгилардек еб тўйдилар. Дастлабда бу таомнинг чўғи қандоқ турди эрса, яна шундоғича турмиш эди.

Абу Аййуб Ансорий разияллоҳу анҳу:

— Расулуллоҳга атаб қилинган икки кишилик овқатга бир юз саксон киши еб тўйдилар. Бу мўъжизани кўрган мўъминларнинг иймонлари тоғдек бўлди, чин кўнгиллари билан ҳаммалари иймон келтириб, Ислом йўлида мол-жонларини аямасликка байъат бердилар, — деди.

### ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Самура ибн Жундуб ривоят қилур: «Бир куни эрталаб Расулуллоҳга пишган бир товуқ гўштини ҳада қилдим. Шу товуқ гўшт билан саҳобаларни зиёфат

қилдилар. Шундоққи, улардан бир тўплари келиб еб тўйгандан кейин ўринларига яна бир тўплари келишур эди. Шу куни кечгача келган кишилар шу бир товуқ гўштидан едилар».

Анда бул мўъжиза устида бўлмаган бир киши ажабланиб Ҳазрати Самурага:

— Шунча кўп кишиларни тўйдириш учун мунча кўп таомни қайдан олдинг? Бу таом қайдан келди экан? — деган экан.

Анда Ҳазрати Самура:

— Ҳой киши, буёқдан бошқа қаёқдан келур деб ўйлайсан? Ҳамма иш бу томондан бўлур, — деб осмонни кўрсатди.

### ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ҳазрати Салмон Форсий Ислоом давридан илгари ҳақ дин излаб, ўз ватани Эронни ташлаб чиққан эди. У вақтда Эрон халқи оташпараст эди. Эрондан чиқиб Рум вилоятига келди. Бу эрса бутун насоро динига марказ саналур эди. Бу ерга келгач, шу динни қабул қилиб, мунинг асосини ўрганмиш эди. У бир улуғ роҳиб (дин бошлиғи) хизматига кирди. Мунинг хизматида бир неча йил турди, сўнгра роҳиб вафот этди. Улар чоғида Ҳазрати Салмонни яна бир роҳибга топшириб, анга хизмат қилмоққа васият қилди.

Мунинг хизматида ҳам бир неча йиллаб турди. Сўнгра буни ҳам ажали яқинлашиб ўлим тўшагида ётди эрса, ундан Салмон Форсий васият талаб қилиб:

— Сиздан кейин кимнинг хизматида бўлғайман? — деди.

— Фалон роҳибнинг хизматида бўлғайсан, — деб учинчи бир роҳибнинг суҳбатини топмоққа ул буюрди.

Шундай қилиб, бунинг хизматида ҳам бир неча йил юрди. Ўшал даврда Таврот, Инжил ўқиган уламолар ичида бундан олимроқ киши йўқ эди. Муни ҳам ажали етиб, ўлимга тайёр бўлди.

Анда Ҳазрати Салмон:

— Эй устоз, васият қилинг, сиздан кейин кимнинг суҳбатида бўлғайман?

Анда ул роҳиб:

— Эй Салмон, шуни билгилким, энди бутун ер устида суҳбатидан сенга яхшилик етгудек ҳеч ким қол-

мади. Барча олам халқи ҳақ йўлдан адашдилар. Шу кунда эрса, ҳақ динни тутгувчи бир киши ҳам йўқдур. Лекин охирзамон пайғамбарининг чиқар вақти яқинлашди. У эрса, Маккада тувилур, душманлари уни ватанидан чиқаргайлар. Қалин хурмозорлик икки тошлоқ орасидаги бир шаҳарга ҳижрат қилиб келгай. Унинг аломати шулким, икки елкасининг орасида пайғамбарлик муҳри бордур. Ҳада келтирур бўлсанг қабул қилур, садақа, закот молларидан ўзи емагай. Уларни йиғиб, фақир-мискин, муҳтожларга бергай. Энди меним сенга насиҳатим, мен ўлгандан кейин ўшал пайғамбарни топиб унинг хизматида бўлгил.

Бу сўзни англагач, Салмон Форсий Арабистонга сафар қилди. Йўлда араб авбошларига учраб қолиб, ани қул қилиб асир олдилар. Сўнгра ёрдамчиси йўқ ёлғиз киши бўлганлигидан уни қул қилиб сотиб юбордилар. Қўлдан-қўлга сотилиб юриб, охирида мадиналик бир яҳудийга сотилди. Шу орада Расулуллоҳ ҳам Маккадан ҳижрат қилиб Мадинага келиб, ярим тошча йироқликдаги Қубо деган қишлоққа тушган эдилар.

Салмон Форсий бу хабарни англагач, бир саватда хурмо олиб, Расулуллоҳ хузурларига келди ва:

— Бун сизга садақага келтирдим, — деди.

Саҳобаларга:

— Сизлар енглар, — деб буюриб, ўзлари андин емадилар.

Салмон муни кўргач:

— Роҳиб айтган аломатларнинг бири тўғри чиқди, қани қолганларини ҳам синаб кўрайин-чи, — деди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгандан сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Қубодан Мадина ичига кирдилар эрса, Салом Форсий яна бир сават хурмо кўтариб келиб, бу гал ҳада қилди. Расулуллоҳ хурмонинг ҳада эканлигини билгач, саҳобалар билан бирга ўлтириб едилар.

Муни кўриб Салмон:

— Роҳиб айтган уч аломатдан иккиси тўғри чиқди. Энди учинчисини ҳам билишим керак, — деди.

Яна уч-тўрт кун ўтгандан сўнгра шу мақсадни кўлаб Расулуллоҳнинг зиёратларига келди эрса, Бақиъ гуристонига жаноза билан кетмиш эдилар. Орқаларидан келиб у жойда Расулуллоҳ билан кўришди. Икки елка орасидаги пайғамбарлик муҳрини кўрмакчи бўлиб, орқа томонларига ўтиб эди, муни Расулуллоҳ билди-

лар. Ридоларини елкаларига тушириб қўйдилар эрса, бу муборак муҳр очилиб қолди. Муҳрни кўргач, Салмон чидаёлмасдан Пайғамбаримизга ўзини отиб юз-кўзини суртиб ўпгали турди. Сўнгра ундан ҳол-аҳвол сўрадилар. Бошидан кечирмиш ишларини айтгандан сўнгра, учинчи роҳиб сўзини баён қилиб:

— Энди аниқ билдим, Таврот, Инжилда хабари берилиб, сифатлари ёзилган охир замон пайғамбари албатта Сиз экансиз, — деб дарҳол шу ерда иймон келтирди.

Сўнгра Расулуллоҳ Салмонга қараб:

— Хўжанг яҳудийга айтгил, сени мукотиб қилсун, — дедилар.

Мунинг маъноси қул ҳўжаси билан келишмақдур. Шундоққим, агар менга шунча ақча топиб берур эсанг, сени озод қилурман, деб ҳўжаси қўлига ҳужжат хати бергай.

Расулуллоҳ сўзлари билан Ҳазрати Салмон ҳўжаси яҳудийдан муни сўради эрса, ул унамай юриб энг кейин бир минг олти юз дирҳам кумушга, яна уч юз тул хурмо дарахтини кўкартириб беришга келишдилар.

Расулуллоҳ муни англагач, саҳобаларга:

— Биродарингиз Салмонга ёрдам қилайлик, — деб айтдилар, ансор саҳобалар ҳар қайсилари топганича хурмо кўчатини келтиришди.

Шунда Салмонга кўчатлар ўрнини қазиб битиргандан кейин келиб хабар қилишларини буюрдилар. Кўчат чуқурлари тайёр бўлгач, Расулуллоҳ қутлуғ қўллари билан тутиб бериб, бошқалар кўмишди.

Шунчалик кўп хурмо кўчатларидан бирор тути қуримасдан бариси кўкарди», бу эса Расулуллоҳнинг мўъжизаларидур.

Яна шу орада саҳобалардан бирови Расулуллоҳга тухумдек олтин ҳадя қилди. Анда ул зот дарҳол Салмонни чақириб:

— Муни яҳудийга бериб ўзингни қулликдан озод қилурсан, — дедилар.

Ул олтин эрса Салмон кўзига оз кўриниб:

— Ё Расулуллоҳ, меним берасим кўпдур, бу билан қутила олмагайман, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Шу билан Аллоҳ сени ундан қутқаргай, боргил, топшириб бергил, — дедилар.

Муни англагач, яҳудий олдига элиб, тортиб қараса қолмиш қарзига ортиқ чиқмасдан тенг келди. Бу ҳам Расулуллоҳнинг мўъжизалари эрди. Шу билан Расулуллоҳ айтганларидек, Салмон Форсий қулликдан қутулди, Разияллоҳу анҳу.

### ЙИГИРМА ТҶҶҚИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Салмон Форсий Расулуллоҳ билан дастлаб кўришганда арабча гапиролмас эди. Арабча, форсча билган яҳудийлардан Мадинада бир савдогар киши бор эди, уни тилмочликка чақирдилар. Салмон Форсий Расулуллоҳни мактаб Таврот, Инжилда кўрган сифатларини баён қилди эрса, таржимон яҳудийнинг душманлиги қўзғалди. Сўзни тескари айтиб, Расулуллоҳ ҳақида лойиқсиз сўзлар билдирди. Муни англаб Расулуллоҳ ғамгин бўлдилар. Шу ҳолларида Жаброил алайҳиссалом келиб Салмон сўзини таржима қилди эрса, яҳудий шарманда бўлиб:

— Эй Муҳаммад, ўзинг эрса форсий тилга комил экансан, тилмочликка мени нега чақирдинг? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Бу тилни ҳеч билмас эдим, биродарим Жаброил шу ҳозирда ўргатди, — дедилар.

Сўнгра яҳудий:

— Мундан илгари сенинг пайғамбар эканлигингга гумоним бор эди. Энди аниқ билдим, Таврот, Инжилда сифати ёзилган, Мусо алайҳиссалом ўз қавмига топширган охирзамон пайғамбари сиз экансиз, — деб дарҳол иймон келтирди. Разияллоҳу анҳу.

### ЎТТИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ҳазрати Абу Ҳурайра ривоят қилур:

«Расулуллоҳ билан ғазот сафарига чиқдик. Озиқ-емишларимиз етишмасликдан аскарда очлик бор эди. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам;

— Эй Абу Ҳурайра, егудек бирор нарсанг бўлса келтиргил, — дедилар.

Нон халтам тагида ўн дона қуруқ хурмо қолмиш эди, уни келтириб Расулуллоҳга бердим. Халта ичига қўл солиб хурмони чиқардилар. Ушлаб туриб анинг баракасига дуо қилиб, қайтариб халтага солдилар. Сўнгра Абу Ҳурайрага саҳобалардан ўн киши чақи-

риб келтирмоқни буюрдилар. Булар келгандан кейин шу халтадан хурмо олиб тўйгунча егиздилар. Яна ўн одам чақириб эдилар, булар ҳам шу хурмодин еб тўйишдилар. Шундай қилиб ўн кишидан чақириб шу хурмодан беравердилар. Аскарнинг барисини тўйдириб қарасалар, халта ичидаги хурмо яна боягидек турмиш эди.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— Эй Абу Ҳурайра, қай вақтда хурмо егинг келса, халтага қўл солиб олгил, аммо унинг оғзидан тўкмагил.

Абу Ҳурайра айттур:

— Расулуллоҳнинг ҳаётларича шу халтадан хурмо еб ва бошқаларга берур эдим. Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон — бу учовларининг даврларида ҳам шу халтадан еб турдим. Ҳазрати Усмоннинг охириги кунларида фитна кўзғалиб, ул кишини шаҳид қилдилар. Шу чоғда Мадинадан бир неча одамларнинг уй-жойлари талон-тарож бўлди. Шу қаторда меним уйимни ҳам талаб кетдилар. Мана шу фитна сабаб бўлиб, у барака халтадан ажраб қолдим. Бор молим йўқолиб, кошки шу халтам қолган бўлса, рози эдим. Оз деганда шу халтадан олтмиш туяга юклик хурмо еган эдим. Разияллоҳу анҳу.

### ЎТТИЗ БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА

Фаҳд ибн Атийя ривоят қилур:

«Расулуллоҳ оддиларига ўн неча ёшлик тилсиз, дуқ болани келтириб:

— Ё Расулуллоҳ, дуо қилинг, бунинг тили чиқсин, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ у болага қараб:

— Мен ким бўлурман? — деб сўрадилар эрса, дархол бола:

— Сиз Аллоҳнинг пайғамбаридурсиз, — деб жавоб берди.

Шу билан тили очилиб кетди.

Яна бир янги туғилган болани момоси келтириб:

— Баракот бўлгай, — деб Расулуллоҳнинг қучоқларига қўйди.

Унга қараб:

— Мен ким бўлурман? — деганларида:

— Сиз Расулуллоҳ эрурсиз, — деди.  
— Баракаллоҳ, рост айтдинг, — дедилар.  
Шу сабабдан бу бола исмини Муборак қўйдилар».

### ЎТТИЗ ИККИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳнинг ходимлари ҳазрати Анас бу воқеани шундай ривоят қилур:

«Саҳобалардан бир йигит вафот топди. Анинг бир кўр камшир онаси бор эрди. Ўлик иягини боғлаб камшир онасига таъзият айтдик. Онаси йиғлаб:

— Эй бор Худое, ўзинг билурсан, мен ватанимни ташлаб, сенинг розилигинг учун пайғамбар олдига ҳижрат қилиб келдим. Кўзим кўр, ўзим ожиз эрурман. Бу ўғлимдан ўзга хизмат қилгудек менинг ёрдамчим йўқдур. Эй раҳмлик меҳрибон раббим, бу мусибатни мендан кўтарил, — деб дуо қилиши билан ётган ўликка қайтадан жон кирди. Юзига ёпган пардани олиб ташлаб: «Алҳамдулиллоҳ» деб ўрнидан турди».

Бу ҳам бўлса Расулуллоҳнинг мўъжизалари эрур. Чунки умматидан кўрилган каромат эрса пайғамбарнинг мўъжизасидан бўлмай. Ой нурини қуёшдан олгандек, ҳар умматнинг авлиёлари кўрсатган кароматларини ўз пайғамбарларидан олғайлар.

### ЎТТИЗ УЧИНЧИ МЎЪЖИЗА

Саҳобалардан бир киши келиб:

— Ё Расулуллоҳ, Ислом динига кирмасдан илгари шу тоғ ичида бир чуқурга икки ёшли қиз боламни ташлаган эдим, нима бўлганидан хабарим йўқдур. Худо олдида бунга нима жавоб айтурман? — деди.

Арабларнинг энг ёмон одатларидан бири икки-уч ёшли қиз болаларини фақирликдан кўрқиб, ёки қабила урушларида энгилур бўлса, душман қўлига асир тушиб қолишидан номус қилиб, тириклайин кўмар эдилар. Ислом келганидан сўнг бу одатлар йўқолди. У киши эрса Расулуллоҳ билан шу чуқур устига келиб қарасалар, андин ҳеч бир нишона кўринмади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг отини айтиб:

— Аллоҳ изни билан менга жавоб қайтарғил, — дедилар. Шунда:



— Лаббайка, ё Расулаллоҳ, — деб қизча шу чуқурдан чиқа келди.

Анда Расулуллоҳ:

— Мана, ота-онанг эрса Ислом динига кирдилар. Агар дунё турмушини хоҳлар экансан, сени уларга топшиурман, — дедилар.

Анда қизча:

— Ё Расулаллоҳ, уларга ҳеч ҳожатим йўқдур, дунёга чиқишни хоҳламайман, ҳар яхшилиқни Аллоҳ олдида топдим, — деди».

### ЎТТИЗ ТҮРТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Имом Байҳақий «Далоилун-нубувва» деган китобида шундан келтирибдур:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишини динга даъват қилдилар. Унинг бир қиз боласи ўлмиш эди.

У:

— Агар ўлган боламни тирилтирур эрсанг, мен сенга иймон келтирайин, — деди.

— Андоғ эрса, унинг қабрини кўрсаттигил, — дедилар Расулуллоҳ.

Қизнинг отаси қабр устига бошлаб келди эрса, Расулуллоҳ:

— Эй Фалоний, — деб чақирдилар.

— Лаббайка, ё Расулаллоҳ, — деб жавоб келди қабрдан.

— Дунёга қайтиб чиқмоқни яхши кўрурмисан? — деб Расулуллоҳ ундан сўрадилар эрса.

Ул:

— Ё Расулаллоҳ, Худо ҳаққи, дунёга қайтмоқни хоҳламайдурман. Ота-онамдан Аллоҳни яхши кўрдим, дунёдан охират роҳатини ортиқ топдим, — деди».

### ЎТТИЗ БЕШИНЧИ МЎЪЖИЗА

Жобир ибн Абдуллоҳ шундоғ ривоят қилур:

«Бир куни Расулуллоҳга ҳадя қилмоқчи бўлиб, бир қўйим бор эди, уни сўйиб пиширдим, катта чорага солиб, Пайғамбаримиз оддиларига келтириб қўйдим.

Анда ул зот:

— Мундан еган кишилар суягини синдирмасдан есинлар, — дедилар.

Бу тамом ейилгандан сўнгра суякларини тўплаб устига муборак қўлларини қўйиб, оғизлари қимирлаши билан унга жон кириб, бир қўй сакраб турди. Бу улуф қудратни кўриб, барча саҳобалар такбир айтдилар».

### ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Онализ Ҳазрати Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилур:

«Мадинада бир нопок, уятсиз хотун бор эди. Бир куни Расулуллоҳ ўтирган эдилар, устиларига у хотун кириб қолди. Олдиларига бир парча қотган гўшт пишириб қўйган эдим, шундан еб ўлтирур эдилар.

Муни кўриб, у хотун:

— Кўринглар бу кишиниким, қул кишилардек таом ейдур, ўлтиришлари ҳам қуларга ўхшайдур, — деб айтди.

Анда Расулуллоҳ:

— Тўғри, мен Аллоҳнинг қулидурман, қулардек ўлтириб, қуддек таом ейдурман, — дедилар.

Сўнгра ул хотун:

— Менга ҳам бу таомдан беринг, еб кўрай, — деди.

Еб турган гўштлиридан бир парчасини бериб эдилар, ул хотун:

— Йўк, озингиздаги чайнаб турган гўштлидан сўрайман, — деди.

Оғзиларидаги чала чайналган гўштлидан чиқариб унга бердилар эрса, у:

— Ўз қўлингиз билан егизиб қўйинг, — деди.

Ўз қўллари билан унинг оғзига солиб қўйдилар. Буни ютиши билан тавфиқ чироғи унинг кўнглини ёритди. Ўз замонасидаги шарм-ҳаёли, солиҳа хотунлардан бўлди».

### ЎТТИЗ ЕТТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ракона ибн Абду Зайдни Макка кўчасида ёлғиз турганини кўрдилар. Бу эрса, Қурайш йигитлари ичида энг кучлик, атоқлик баҳодирлардан эди.

Анга Расулуллоҳ:

— Эй Ракона, энди иймон келтиргали вақтинг

бўлгандир. Агар хоҳласанг, пайғамбарлигимга мўъжиза кўрсатайин, — дедилар.

Иироқдан бир туп ёғоч кўриниб турмиш эди.

Ракона:

— Андоғ эрса, ўшал кўриниб турган дарахтни чакиргил, шундоғким, тенг ярми ўз ўрнида қолсун, қолган ярми эрса келиб, сенинг пайғамбарлигинга гувоҳлик берсун, ана шунда иймон келтиргайман, — деди.

Анда Расулуллоҳ дарахтга қараб ишорат қилдилар. Ярми келиб Расулуллоҳга салом берди.

— Ўз ўрнингга қайт, — деб яна ишорат қилдилар эрса, дарахт қайтиб бориб ярмига ёпишди.

Бу мўъжизани ривоят қилгувчи саҳоба айтур:

— Ўшал дарахтни кўрдим, ёпишган ўрни узун ип тортиб қўйгандек бўлиб билиниб турибдур.

Бу улуғ мўъжизани Ракона кўрди эрса, ул айтди:

— Бу иш сиррини мен била олмадим. Кел энди, икковимиз курашайлик. Агар сен мени йиқитур бўлсанг, бир кўра қўйим бор, унинг ярмини сенга берайин.

Шу билан икковлари курашдилар эрса, Расулуллоҳ унинг белини ушлашлари ҳамон кўтариб ерга урдилар. Куч-қувватдан бутунлай ажралмиш эди, шарманда бўлиб ўридан тургач:

— Эй Муҳаммад, армоним қолмасин, яна бир марта курашайлик, — деди.

Яна курашгач, қўл учлари тегиши билан йиқилиб, нима дейишини билмай, ҳайрон қолиб турди. Сўнгра айтди:

— Эй Муҳаммад, Қурайш мажлисига бориб қолсанг, уларга нима айтурсан?

— Раконани йиқитиб, унинг ярим молини ютиб олдим, дейдурман, — дедилар.

Ракона:

— Йўқ, андоғ айтмагил. Бу иш мен учун қаттиқ номусдур. Ҳада қилиб берди, дегил, — деди.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Қандоқ ёлғон гапира олурман?

Анда ул:

— Ҳеч ёлғон сўзламасмусан? — деди.

— Албатта сўзламайдурман, — дедилар Расулуллоҳ.

Сўнгра Ракона:

— Энди аниқ билдим, сен Аллоҳнинг ҳақ пайғамбарии экансан, — деб дарҳол иймон келтирди. Разияллоҳу анҳу.

### ЎТТИЗ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Улуғ саҳобалардан Аммор ибн Ҳузайма ривоят қилур:

«Мадина халқи Авс, Ҳазраж деган икки қабила эрдилар. Булар ичида Ҳазраж раисларидан Абу Омир деган киши Расулуллоҳни кўрмасдан туриб, доим мақтаб, у зотни қачон кўрар эканман, деб кутмақда эди. Чунки бу киши Мадинадаги яҳуд олимларидан Расулуллоҳнинг сифатларини кўп эшитган эди. Бу сўзни аниқлаш учун, Шом вилоятига сафар қилди. У жойда ҳам яҳуд, насоро олимлари билан кўришиб Таврот, Инжилда айтилмиш охирзамон пайғамбарининг сифатларини улардан ҳам аниқлаб англади. Сўнгра у ердан яна Мадинага қайтиб келиб, роҳиблик ҳавасига тушди. Риёзат қилиб, жонлик нарсалардан чиққан овқатни емасдан, улардан парҳез қилиб, эгнига жаңда кийиб, тоат-ибодат қилишга киришди. Шунинг учун буни араблар Абу Омир Роҳиб дер эдилар.

Аслида эса роҳиб деб, насоро динида эр бўлса хотун олмай, хотун бўлса эрга тегмай, жонлик ҳайвонлардан чиққан овқатларни емай, тарки дунё қилиб сўфийлик қилган кишини айтурлар. Бу ҳам шу йўлни тутганлардан эди. Аммо арабларга ўзини Иброҳим Ҳалилуллоҳ динини тутгандек кўрсатур эди. Охирзамон пайғамбарининг ҳижрат қилиб келар жойи Мадина деган сўзни Шом олимларидан англаб, бу иш қачон бўлур экан деб қизғинлик билан кутмақда эди. Шу орада Пайғамбаримиз ҳам Ислом туғини кўтариб Маккадан чиқдилар.

Бу хабар бутун Арабистонга тарқалди. Кеча-кундуз шу ишни кутмақда бўлган Абу Омир, ўн уч йил ичида бирор йўл бўлса ҳам Маккага бориб Расулуллоҳ билан кўришмоқни тиламади. Йўқ эса, бу ишни билиш учун сафар машаққатларини чекиб, Шом вилоятига ҳам борган эди.

Бу муддат ўтгандан сўнгра Расулуллоҳ Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб келдилар эрса, шу кундан бошлаб унинг ҳасади кўзғалиб кундан-кунга душман-

лиги кўлайгали турди. Бир куни ул Расулуллоҳ қошларига келиб:

— Эй Муҳаммад, қандай дин келтирдинг? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Ҳақ дин келтирдим, — дедилар эрса:

— Йўқ, сен уни бошқасига аралаштирдинг, — деди.

Расулуллоҳ:

— Ёлгон айтурсан, меним келтирганим ёруқ, юмшоқ, ариғ (тоза) диндур. Яҳуд, насоро олимларидан эшитган сўзларинг қаерда қолди? Алар эрса меним сифатларимни сенга аниқлаб айтмиш эдилар, — дедилар.

Анда ул:

— Улар айтган охирзамон пайғамбари сен эмас дурсан, — деди. Пайғамбаримиз:

— Бу сўзинг ёлғондур, очиқ ёлғон айтдинг, — дедилар.

— Ким ёлғончи бўлса, эл-юртидан чиқиб, ёлғиз қолиб, сарсонликда ўлсин, — деди роҳиб.

Пайғамбаримиз ҳам:

— Илоҳо, шундоғ бўлсин, — дедилар.

Бу сўздан унинг мақсади эрса Расулуллоҳга теккизиб, сен Мадинага шундоғ бўлиб келгансан, демоқчи эди. Сўнгра ул ўз юрти Мадинани ташлаб Маккага кўчиб бориб, мушрикларга қўшилди. У ерда турганда Расулуллоҳга қарши қўлидан келган ёмонлигини қилди.

Ҳижратнинг саккизинчи йили Макка фатҳ бўлгач, қочиб, Тойифга борди. Тойифни қамал қилдилар. Кўп ўтмай, улар ҳам иймон келтиришди. У ерга ҳам сиймай қолиб, Шомга қараб қочди. Энг охири, бола-чақаларидан ҳам ажраб, Пайғамбаримиз айтганларидек, тентираб юриб ўлди.

## ЎТТИЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Мутриф ибн Молик ривоят қилур:

— «Ҳазрат Умарнинг халифалик даврларида Ислом гозийлари билан чиқиб, Эронистонда Тастар шаҳрини фатҳ қилдик. Ўлжага тушган молларнинг ҳисоби йўқ эди. Булар ичидан бир сандиқ чиқди. Очиб қарасак, эскидан унинг ичида бир китоб бор экан. Биз билан ҳамроҳ юрган Наим номлик бир насоро киши у ки-

тобни кўриб, менга сотил деб сўради эрса, сандиқни сотиб, китобни унга ҳада қилиб бердим.

Сўнгра орадан бир мунча замон ўтиб Ҳазрати Муовия замонида Қуддуси шарифга келдим. Бир куни шаҳар кўчасида, бундан кўп йиллар илгари Тастар шаҳрида китоб ҳада қилган кишига йўлиқиб, уни танидим. Кўришгандан сўнгра:

— Эй Наим, ҳали ҳам ўз динингда эрурмисан? — деб сўрадим.

— Йўқ! Алҳамдуллиллоҳ, Ислом динини қабул қилдим, — деди.

Сўнгра у билан Дамашқ шаҳрига кирмоқчи бўлдик. Каъбул Аҳбор ҳам бизга қўшилиб, учовимиз Дамашққа келдик. Бу киши эрса шу замоннинг улуғ олимларидан эди. Буни англаб яҳуд, насоро олимларидан бир қанчалари унинг зиёратига келдилар. Тастар шаҳридан топилган китоб Наимнинг қўлида эди. Бу китоб эрса ўтган пайғамбарлардан қолган ва Эронистонда нухаси сақланганликдан асли нухаси бузилмаган эди. Буни билиб Каъбул Аҳбор:

— Бу китобни ўқиб кўринлар-чи, — деб уларнинг қўлига берди эрса, бир оз ўқигандан сўнгра ўқигувчининг ранги ўзгариб, ўқишни тўхтатди.

Анда Наимнинг ғазаби келиб:

— Бу китоб эрса, хиёнат қўли тегмаган, оятлари ўзгармаган қадимги китоб экандур. Агар охирига етгунча ўқимас эрсанг, мендан соғ қутила олмайсан, — деди.

У ҳам ночор бўлиб ўқиган эрди, бу оят чиқди: **«Ваман ябтағи ғойрол Исломи динан фалан юқбала, минҳу ва ҳува фил охирати минал хосирина».**

Яъни, *«Ким Ислом динидан бошқа динни тутса, ҳеч қачон қабул қилинмайдур. Ул киши охиратда зиён кўргувчилардан, бўлур».*

Бу сўз эрса, бутун Шом халқига тарқалди. Кейинги Таврот, Инжил китобларини бузиб, динга хиёнат қилганлари барчага маълум бўлди. Йўқ эрса, Расулulloҳнинг сифатлари илоҳий китобларнинг барчасида ёзилмиш эди. Шу иш сабаб бўлиб, бир кун ичида Шом шаҳрининг яҳуд, насоро олимларидан қирқ икки киши иймон келтирдилар. Шу куни мусулмонлар учун байрам кунларидек суюнчилик бўлди. Ҳазрати Муовия томонидан буларга ҳадалар юборилди.

## ҚИРҚИНЧИ МҶЪЖИЗА

Каъбул Аҳбор ривоят қилур:

«Бани Исроил қавми ҳақ йўлдан адашиб ўз пайғамбари Ҳазрати Армиё алайҳиссалом насиҳатларини қабул қилмадилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларга қаҳр қилиб Бухти Наср деган подшони юборди. Яҳудлар устига ҳисобсиз черик келтирди. Бу эрса, Қуръонда айтилган Бобил шаҳрининг подшоси эди. Яҳудлар бунга қарши туrolмадилар. Фаластин вилоятига босиб кириб Байтул Муқаддасни бузиб, бутунлай хароб қилди. Шаҳар халқини қатлиомга буюрди. Ўлимдан қолганларини асир олиб, Бобилга қараб жўнади. Булар ичида Дониёл пайғамбар ҳам бор эдилар. Бу ерга келиб бир қанча замон ўтгандан кейин Бухти Наср бир кеча қўрқинчилик туш кўриб уйғонди эрса, ани унутмиш эди. Қўруқчи, сеҳрчиларни йиғиб:

— Бу кеча уйқумда бир туш кўрмиш эдим. Энди сиз шу тушимни топиб, унинг таъбирини айтинг, — деди.

Анда таъбирчилар:

— Эшитмаган тушга қандай таъбир айтгани бўлур? — дедилар. Анда подшоҳнинг вазаби келиб:

— Бир кунимга ярармикинсизлар деб сизларни тарбият қилмиш эдим. Агар уч кун ичида бунинг таъбирини топмас экансиз, барчангизни ўлдиурман, — деди.

Алар буни англаб, қаттиқ ғамгин бўлдилар. Бу иш уддасидан қандоғ чиқа олғаймиз, деб мотамда қолдилар. Бу воқеанинг хабари шаҳар ичига тарқалди. Шу кунларда эрса, ҳазрати Дониёл зиндонда эдилар.

Ҳаммадан илгари бу хабар зиндонга етган эди. Бир кун Дониёл алайҳиссалом зиндончига:

— Сен бориб подшога етказ, кўрган тушини мен айтиб берурман, ҳам уни таъбир қилурман, — дедилар.

Зиндонбоши бу сўзни Бухти Насрга еткурди эрса, уни дарҳол келтурмакларини буюрмиш. Подшо олдига ҳар ким кирса унга сажда қилур эрди.

Дониёл алайҳиссалом унинг қошига кирганларида бу одатни қилмадилар. Бунинг бу журъатига подшо ажабланиб:

— Бу ишда бир сир бўлғайму? — деб ўйлади. Бошқа кишиларни ташқари чиқариб, сўнгра Дониёлга айтди:

— Киши қилмаган бир иш қилдинг. Нега менга сажда қилмай кирдинг? — деди.

Анда Дониёл алайҳиссалом:

— Меним бир Тангрим бордур, туш таъбир қилмоқ илмини менга ул ўргатмишдир. Агар ундан ўзгага сажда қилур эрсам, бу илми мендан олиб қўйғайму деб қўрқдим. У чоғда сен кўрган тушни топиб йўруёлмай қолсам, мени ўлдиурсан. Ўзинг ҳам туш таъбирини ўйлаб ғамда қолурсан. Ҳар икковимизга ҳам фойда бўлғай деб, сажда қилмадим, — дедилар.

Бу сўзни англагандан сўнгра Бухти Наср:

— Энди эса меним олдимда сендан ортиқ ишончлик ҳеч киши йўқдур. Шунинг учунким, сен ўз Тангринг буйруғини чинг (қаттиқ) тутмиш киши экансан. Меним қошимда энг яхши кўрилганлар шу сендек кишилардур. Кўрган тушимнинг йўримини билармисан?, — деди.

Анда Дониёл:

— Аллоҳ менга билдирмишдир. Тушингда ҳайкалга ўхшаш катга бир бут курдинг. Анинг боши олтиндан, кўкраги кумушдан, қорни мисдан, оёғи темирдан, то вони сополдан. Сен уни кўриб, ҳайрон қолиб қараб турмиш эрдинг, шу орада осмондан гуруллаб бир тош тушиб у бутнинг бошига шундай урдиким, ул парча-парча бўлиб тупроққа аралашиб кетди. Шамол бўлса учиргудек бўлиб, тўзгани турди.

Сўнгра сен у тошга қараб ҳайрон бўлиб туриб эдинг, тош йўғонлашиб ўсишга бошлади, борган сайин йўғонлашиб, ер юзини бутунлай қоплади. Шундоқким ер кўкда у тошдин бўлак ҳеч бирон нарса сенга кўринмай қолди.

Анда Бухти Наср:

— Тўғри тошдинг, худди шундай кўрмиш эдим. Энди айтгил, мунинг таъбири нимадир? — деди.

Дониёл алайҳиссалом:

— Ул бутнинг таъбири ер устидаги подшолардур, уларнинг қайси бирлари олтинга ўхшайдур, қай бирлари кумушдек бўлур. Мис Рум подшоси эрур. Темир Форс Хисравидур. Икки сопол товон икки хотун подшоҳдурким, бири Румга, иккинчиси Форс аҳлига подшо бўлғайлар. Аммо осмондан тушган тош — бу бир динурки, бунинг бошига уриб парчалади. У дин охирзамонда араблардан чиқадиган Ислом динидур, уни Расулulloҳ орқалик Аллоҳ юборур. Бу дин бутун ер



устини қолаб, барча динларни енгиб, ёлғиз ўзи қолгай. Кўрган тушингизнинг таъбири шу бўлгай, — дедилар».

### ҚИРҚ БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулulloҳ, соллalloҳу алайҳи васаллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилмасдан илгари бир қизлари амакилари Абу Лаҳаб ўғли Утайбанинг никоҳида эди.

Расулulloҳга пайғамбарлик ваҳийси келгандан сўнгра дастлаб Қурайш халқини динга даъват қилдилар. Улар борлиқ кучлари билан қаршилиқ қилдилар. Айниқса, ўз амакилари Абу Лаҳаб бу ишда биринчилиқни олган эди. Бунинг ҳаққида Масад сураси тушгандан сўнгра унинг душманлиги илгаригидан ҳам ортиқроқ бўлди. Абу Лаҳаб бошлиқ Қурайш раислари Утайбага Расулulloҳ қизларига талоқ бериб, ўзларига азият еткизмоғини буюрдилар. Бу ҳам душманлиқда отаси Абу Лаҳабдан қолишмас эди. Шу орада ота-бола тижорат учун Шом сафарига чиқмоқчи бўлдилар. Кетар чоғида Утайба Расулulloҳ қошига келиб:

— Эй Муҳаммад, сенинг келтирган дининг, сўзларинг — ҳаммаси ёлғондур. Кофирлигимга қасам қилурманки, қизингни талоқ қилдим, — деди.

Бу қилган сўзига қаноат қилмасдан яна Расулulloҳ юзларига қараб:

— «Туф» сенга! — деди.

Бу бахтсиз киши шундоғ улуг адабсизлиқка журъат қилиб, қариндошлиқ ҳаққини сақламади. Унинг сўзидан Расулulloҳнинг кўнгиллари қаттиқ ранжиди.

Анинг учун:

— **«Аллоҳумма саллит алайҳи калбан мин қилобика»**, яъни *«Эй бор Худоё, итларингдан бир итни буларга юборгил, — деб уни қарғадилар.*

Бу сўздан унинг кўнглига қаттиқ қўрқинч тушди. Шу билан карвонга қўшилиб Шом сафарига чиқди. Отаси Абу Лаҳаб ҳам бирга эди. Араб тупроғидан чиқрач йўлда бир манзилга етдилар. Бу жойда насоро роҳибларининг ибодатхоналари бор эди.

Алардан бирови келиб:

— Эй карвон аҳли, бу ерда йиртқич ҳайвонлар кўпдир, хушёр бўлиб ётинглар, — деди.

Боласи ҳақида Расулulloҳнинг қарғишларини Абу

Лаҳаб ҳам эшитган эди. Унинг устига роҳиб сўзи қўшимча бўлди, боласидан қаттиқ қўрқинча қолиб:

— Эй қарвон аҳли, боламга қилган Муҳаммаднинг қарғишидан қўрқаман, бу кеча соқчилик қилиб боламни кузатиб беринглар, — деб улардан ўтинди.

Унинг сўзини англагач, қарвон аҳли юкларини қўрғон қилиб, ортидан туяларини чўктириб, Абу Лаҳаб ўғлини ўртага олиб ётдилар. Яна бир неча жойга қоровул ҳам қўйилмиш эди. Шунчалик ҳушёрлик билан турсалар ҳам Аллоҳдан амр бўлгач, барчалари ухлаб қолдилар. Осмондан тушгандек шу кеча бир арслон қарвон қўрғони ичига кирди. Уйқуда ётган кишилар юзини искаб юриб, қазодан қочган Утайбани топди эрса, пулат чангалини унинг юзига ботириб парчалаб ташлади. Расулulloҳнинг юзларига қилган адабсизлиги ўз юзига урди.

### ҚИРҚ ИККИНЧИ МЎЪЖИЗА

Бир куни Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам саҳобаларга:

— Бу кеча иймон учун ер устидаги ҳар турлик жинлардан элчилар келур. Алар билан суҳбат қилгайман. Мен билан шу кеча ким бирга бўлур? — дедилар.

Анда Ибн Масъуд:

— Мен борурман, ё Расулalloҳ, — деб ўрнидан турди.

Сўнгра ҳар икковлари Макка шаҳрининг юқори ёғига қараб кетдилар. Бир ерга келгач, Расулulloҳ айлантриб чизик қилиб, Ибн Масъудга:

— Бу чизик ичида ўлтургин. Мундан ташқари чиқа кўрма. Аллоҳни кўнглингда ёд қилгил, ҳеч бир нарсадин қўрқувчи бўлма. Турли суратдаги жинлар кўзингга кўрингайлар. Аларга гапирма. Чизик ичига киролмагайлар. Агар бу чизик ташқарисига чиқар эрсанг, қиёматгача сени тополмагаймиз, — дедилар.

Сўнгра Расулulloҳ алар мажлисига бордилар эрса, тўрт ёқдан турли суратдаги жин элчилари келишгали турди. Булар ичида арслон суратлик, бургут суратликлари ҳам бор эди. Шундай қилиб ер-кўк буларга тўлди.

Ибн Масъуд кўриб, ҳайрон қолиб ўлтирди. Лекин ҳеч бировлари чизикқа яқинлашмас эдилар. Расулulloҳни ўраб ўлтиришиб, илгари иймон келтирганлари эрса, Қуръон ўқиб, шариат ўрганишур эди. Янгидан

келишганлари бўлсалар иймон айтиб динга киришур эди. Шундоқ қилиб, тонг отгунча Расулуллоҳ билан ўлтириб улар суҳбат ўтказдилар. Мажлис тугар чоғида:

— Ё Расулаллоҳ, Қуръондан тиловат қилиб берсангиз, бизлар ҳам ўз оғзингиздан Худо сўзини эшитсак, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ уларга «Ар-рахмон» сурасини ўқиб бердилар. Бу сурада ўттиз жойда **«Фабиайи алаи раббикума туказзибан»** келур. Бу оятнинг маъноси: *«Аллоҳ сизларга берган неъматларининг қайси бирини ёлғон деб айта оласиз?»* Бу эрса инсу жинга қарата Аллоҳнинг айтган сўзидур. Расулуллоҳ шу оятни ҳар ўқиганларида жинлар:

— Ҳеч бирини ёлғон дея олмаймиз, ё Рабб, — дейишиб, жавоб бериб турдилар.

Бу сўзлари Расулуллоҳга кўп хуш келди. Тиловат тамом бўлгач, элчи жинлар Расулуллоҳдан совға сўрадилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Меним умматларимнинг қиёматгача еган гўштларининг суяклари илгаригидек гўштлик бўлиб сизларга таом бўлсин ва аларнинг минган отларининг тезаклари эрса сизларнинг отингларга ем бўлсин. Мана шу нарсани сизларга туҳфа қилдим, — дедилар.

Гўштини еб қолдирган бизнинг суякларимиз ва отларимизнинг тезаклари жин биродарларимизга туҳфа бўлди. Шунинг учун шариатда бу нарсалар билан киши ўзини тозалаб, истинжо қилиши дуруст эмасдур. Расулуллоҳ бундан қайтардилар. Сўнгра Расулуллоҳ қайтиб келганларида бу воқеани саҳобаларга гапирдилар.

Анда саҳобалар:

— Бизга ҳам ўқиб беринг шу сурани, ё Расулаллоҳ, — дейишди.

Буларга ҳам тиловат қилиб Ар-рахмон сурасини тамом ўқидилар. Сура тамом бўлгунча саҳобалар сукутда бўлишиб ўлтирдилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Сўз маромини сизлардан жин биродарларингиз яхшироқ билур экан. Улар ҳар бир **«Фабиайи алаи раббикума туказзибан»**ни ўқиганимда жавоб қайтариб туришди, — деб марҳамат қилдилар.

Шунинг учун бу сура ўқилса, ҳар бир **«Фабиайи алаи раббикума туказзибан»** деганда жинлардек жавоб айтиб турмоқ эшитувчиларга суннат бўлди.

## ҚИРҚ УЧИНЧИ МҮЪЖИЗА

Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Бир жойга борурмиз, юргил, — деб қўлимдан тутдилар.

Шу юрганимизча шаҳар ташқарисига чиқдик. Сўнгра мени бир ерга ўлтурғизиб атрофимга хат чиздилар ва:

— Бу хат ичидан зинҳор ташқари чиқмагин, сенинг олдинга турли суратда кишилар келгайлар. Аларга сен гапирмагин ва келгунимча шу даражадан чиқмай ўлтиргил, — дедилар.

Расулуллоҳ кетдилар эрса, айтганларидек, ҳар ёқдан турли хил кишилар келгани туришди. Ҳеч бири чиқиққа яқинлашмасдан Расулуллоҳ турган жойга боришур эди. Шундоғ бўлиб кечанинг охирида Расулуллоҳ у жойдан қайтиб келдилар эрса, тиззамга бош қўйиб, кўзлари уйқуга кетди. Қарасам, оқ либос кийган бир қанча одамлар осмондан тушгали турдилар. Буларнинг ҳусни-жамолларидан, кийган либосларидан кўз қамашур, ақллар лол бўлур эди. Буларнинг қайсилари Расулуллоҳнинг бош-оёқларига, қайси бирлари эрса оёқ томонларига келишиб ўлтирар эдилар. Сўнгра, ўзаро сўзлаб туриб:

— Бу кишига Худо тарафидан берилган неъмат, ҳеч бир одамга берилмагандур. Мундоғ улуг даражалик инсон ҳеч қачон кўрилмаган. Уни қаранглар-чи, кўзи ухлоқ кўнгли уйғоқдир. Бунинг мисоли шулдур-ким, бир подшо энг чиройли бир сарой солмишдир. Унинг ичини ясаб, ҳар турлик неъматлар билан тўлдирмишдур. Сўнгра у подшо элчилар, жарчилар юбориб ёрлик қилмишким, ҳеч ким қолмай менинг саройимга кириб улар учун тайёрланган чексиз неъматларимдан хоҳлаганларича есинлар, мен улардан рози бўлурман. Агар жарчилар сўзларига қулоқ солмай меним саройимга келмасалар, уларга қаҳр қилурман, демишдур. Мана бу подшо Аллоҳдур. Ясалмиш нозу-неъматга тўлмиш сарой эрса Аллоҳнинг жаннатидур, халқни чақирмоқ учун юборган элчиси Муҳаммаддур. Ким Муҳаммаднинг сўзига кириб, унинг чақирғини қабул қилмас экан. Тангрининг қаҳрига қолиб абадий азобга йўлиққай, — дедилар.

Сўнгра улар яна кўкка кўтарилиб кўздан ғойиб бўлдилар. Шу орада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқудан уйғониб:

— Эй Ибн Масъуд, булар сўзларини англадингми? Уларнинг кимлар эканини билдингми? Булар эрса Аллоҳдан келган фаришталардурлар, — дедилар».

### ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зотур Риқоъ ғазотидан қайтиб келаётганларида Субайҳ деган киши Пайғамбаримиз билан кўришгали келди. Бу эрса Бани Муҳориб қабиласининг раиси эди. Бир отга миниб, бир туяни етаклаган ҳолда Расулуллоҳ қошига келиб:

— Эй Муҳаммад, сен Худодан келган пайғамбар эмишсан. Агар шу сўзинг чин бўлса, бу миниб турган биямнинг қорнидаги қулуни эркакми, урғочими, айтиб бер, — деди.

— Ғайбни Аллоҳ билур, — дедилар.

— Муни билмас эрсанг, ёмғир қачон ёғар, мен эртага нима иш қилурман, қайси ерда ўлурман — шулардан менга хабар бергил, — деди.

Шу чоғда Аллоҳдан бу оят келди:

— **«Инналлоҳа индаҳу илмус-соъати ва юназзилул ғойса ва яъламу ма фил арҳоми ва ма тадрий нафсун маза таксибу ғодан ва ма тадрий нафсун биаййи арзин тамут».**

Яъни, *«Қиёмат қачон бўлишини Аллоҳ билади. Ўзи хоҳлаган чоғда ёмғир ёғдирур, ҳайвон ётқусига (бачадонда) нима бор, ўзи билур, эртага нима иш бўлишини, қайси жойда ўлишини ҳеч ким била олмас»,* демакдур.

Бунга англагач, ул адабсиз:

— Эй Муҳаммад, сенинг Худойингдан менга бу туям яхшироқдур.

Анда Расулуллоҳ:

— Меним Парвардигорим ўзимдан, жонимдан, болачақаларимдан менга севиклироқдур, — деб дарҳол бошларини саждага қўйдилар.

Сўнгра бошларини саждадан кўтариб унга:

— Эй Муҳориб, Аллоҳ таоло менга шуңдоғ хабар бердиким, сенинг юзингга бир ёмон яра чиқиб, пўст гўшларингни оқизиб туширғай. Кўп азоб тортиб шуңдан ўлурсан, сўнгра дўзахга кетурсан, — дедилар.

Орадан кўп вақт ўтмай, Расулуллоҳ айтганларидек, унинг юзига бир ёмон яра чиқиб, юз-кўзлари оқиб тукилди. Унинг сассигидан кишилар қочиб, ёнига яқинлашмайдиган бўдилар. Муҳаммад бир сўз демиш эди, унинг айтганидек бўлди, деган бўлса ҳам, тавба қилиб иймон келтирмади ва дунёдан шундай ўтди.

### ҚИРҚ БЕШИНЧИ МЎЪЖИЗА

Абу Ҳурайра ривоят қилур:

«Садақа, закотга келган бир қанча хурмо йиғилмиш эди. Расулуллоҳ мени унга қоровул қилиб қўйдилар. Қараб ўлтирсам, кечаси бир киши келиб, хурмодан ўғирлагани турди. Уни ушлаб олиб, Расулуллоҳга келтироқчи бўлдим.

— Муҳтожлигимдан бу ишни қилдим, энди иккинчи қилмайман, — деб кўп ёлворди.

Раҳмим келиб, қўйиб юбордим. Эрталаб Расулуллоҳ қошларига келдим эрса, саломдин сўнгра:

— Эй Абу Ҳурайра, бу кеча тутмиш асиринг қани, уни нима қилдинг? — дедилар.

Худо ҳаққи, ўзимдан бошқа бу ишни ҳеч ким билмаган эди.

— Отам-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ, у кўп ёлворди, иккинчи қилмасга аҳд қилгач, раҳмим келиб қўйвордим, — дедим.

Анда Расулуллоҳ:

— Ул ёлгон айтадур, бу кеча яна келгусидур, — дедилар.

Муни англаб ўлтирдим. Расулуллоҳ айтқонларидек у яна келди. Уни тутиб олиб келдим, кўп ялинди, иккинчи қилмасга аҳд бериб қўлимдан яна бўшанди.

Эрталаб Расулуллоҳ олдиларига келдим. Мени кўргач:

— Эй Абу Ҳурайра, у ёлгончи сени алдаб, бу гал ҳам қутилиб кетибдур. Қараб тургил, бу кеча яна келур, — дедилар.

Ани пойлаб ўлтириб, яна ушлаб олдим.

— Энди сени Расулуллоҳ олдига олиб боргайман, бошқа ҳеч иложи йўқдур, — деб қаттиқ турдим эрса, ул айтди:

— Мен бўшатур эрсанг, сенга бир нарса ўрган-тайким, ундан кўп фойда кўргайсан.

— Қани айтгил-чи, кўраин, — дедим.

— Ҳар кечаси ётар чоғингда «Оятал курси»ни бир йўла ўқир бўлсанг, тонг отгунча бир фаришта сени сақлар. Шайтонни сенга яқинлаштирмагай, — деди.

Уни бўшатиб юбориб, Расулуллоҳ ҳузурига келдим эрса, уни сўрадилар.

Анинг айтган сўзини айтиб эдим:

— У ёлгончидур, лекин «Оятал курси» тўғрисида тўғри сўзламишдур, у шайтон эрди, — дедилар.

### ҚИРҚ ОЛТИНЧИ МУЪЖИЗА

Бир куни Расулуллоҳнинг ходимлари ҳазрати Анаснинг онаси Пайғамбаримиз ҳузурларига келиб:

— Ё Расулаллоҳ, хизматчингиз ўғлим Анаснинг ҳаққига дуо қилинг, — деди.

Расулуллоҳ дуо қилиб:

— Эй бор Худоё, Анаснинг мол-дунёси кўпайсин, бола-чақаси ўсиб-унсин, унга берган неъматларинг эрса баракотлик бўлсин, — дедилар.

Ҳазрат Анас:

— Расулуллоҳнинг дуолари қабул бўлди, шу замоннинг бойларидан бўлдим. Тириклигимда мендин тарқалган болаларим эрса юздан ортиқ бўлдилар. Ўлганлари ҳам бундин оз эмас эди. Кўрган неъматларим барчаси баракотлик бўлди. Кўриб турасиз шу кунларда мендан роҳатлик бой киши йўқдур, — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Анас ҳақида қилган дуолари ичида унга берган неъматларинг баракотлик бўлсин, деб эдилар. Энди шуни билмоқ керакким, одамнинг мол-дунёси кўпайиб, бошқалар кўзига бой кўрингани билан, агар баракаси бўлмаса, ундоғ бойликнинг дунё-охиратда ҳеч кимга фойдаси йўқдур. Балки икки дунёда ҳам ундин зиён кўргайлар. Шунга ўхшаш агар бир киши юз йил умр кўрса ёки етмиш турли илм-ҳунар ўрганса, агар унга барака берилмаса, умрининг узунлигидан охири хорликка қолиб, безор бўлғай. Илм-ҳунарнинг кўплигидан бошқалар бу ёқда, ўзи қонғудек ҳам фойда ололмагай.

Энди барака деган нарса нимадур? Ҳар ишнинг игилилиги, ҳар ишдан чиққан яхшилик натижасидур. Бу эрса Худо томонидан бўлур. Иймонлик кишиларгина мунга ишонурлар. «Умрингдан барака топгур», деб дуо қилиш энг улуғ олқишдур.

Барака Худо томонидан бўлур дедик. Мунинг маъноси шулдурким, ҳар қандай инсон бир ишга киришмоқчи бўлса, энг аввал шариат буюрганча ўз ниятини тўғрилаши фарздур.

Агар дин илмини ўқимоқчи экан, билганига биринчи ўзи амал қилсин, билмаганини сўрасин, билганларини ўргатишга ният қилсин. Ўқиши ва ўргатиши Худо учун бўлсин. Бу тўғрида ҳеч кимдан таъма қилмасин. Бировнинг елкасига юк бўлиш эмас, балки бировнинг юкени энгиллатиш кўйини тутсин, қисқаси шулким, қайси фанни билса, қандай ҳунарни ўрганса, бошқаларга ёрдам етказиш, инсон оламига бир улуш фойда киргизишни ўйласин. Ёлғиз ўзи кўриб, ўз фойдасинигина кузатиш эса, исломиятга очик хиёнат, инсониятга улуғ жиноятдур.

Агар киши Расулуллоҳ айтганларидек, иш бошида ниятини тўғрилаб, халқ фойдасини кутмас экан, етмиш турлик илм-фан билгани билан ўла-ўлгунча ишдан кўли бўшамайди, кўнгли ғам-қайғудан чиқмайди. Агар баракалик бўлур экан, иши оз бўлса ҳам унумлик бўлиб, анинг яхшилиги ўзидан ошиб бошқаларга ҳам етади.

Инсон олами яратилгандан бошлаб шундай баракалик кишилардан бутун халқ фойдаланиб келмоқдадур.

### ҚИРҚ ЕТТИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кимнинг ҳақида нима деган бўлсалар, қандай дуо қилсалар, худди шундай бўлур эди. Муҳожир саҳобаларнинг катталаридан Абдураҳмон ибн Авф бир хизмат бажариб келганида, Расулуллоҳ унинг ҳақида «Ишларинг баракалик бўлсин», деб дуо қилдилар. Сўнгра нима иш қилди эрса, ундан барака чиқаверди. Бу киши айтди:

— Шундай бўлдиким, агар ердин бир тош олур бўлсам, остидан олтин чиққай.

Абдураҳмон ибн Авф вафот бўлгач, мерос қолган олтинларини оиласи кураклаб бўлиб олдилар. Никохда тўрт хотини бор эди. Мерос молнинг саккиздан бирини шариат бўйинча булар бўлиб олғайлар. Ҳар бирига юз минг тилладан мерос тегди. Бошқаларга қанча текканлиги эрса шундан маълумдир. Ўлиш олдида, элик минг тилла фақир-мискин ва етимларга



васият қилди. Тириклигида қилган хайр-эҳсонлари эрса ҳисобсиз эди. Бир кун ичида ўттизлаб-қирқлаб қул озад қилган чоғлари ҳам бор эди. Етти минг туялик бир карвонни бутушлай устига ортилган озиқ-овқати, турли моллари билан садақа қилиб фақир-мискинларга тарқатганлиги машҳур ҳадисларда ёзилмишдур.

Ислом янғидан бошланишида ҳар томондан етиш-масликлари кўп эди. Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бой кишиларни садақа қилмоққа қаттиқ ташвиқ қилдилар эрса, саҳобалардан Абдурахмон ибн Авф тўрт юз танга садақа келтириб:

— Ё Расулаллоҳ, саккиз юз танга сармоям бор эди, тўрт юзини оилам учун қолдирдим, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Келтирганингга ва қолдирганингга Аллоҳ баракот берсин, — дедилар.

Мана шу кундан бошлаб у кишини барака босиб, мол-дунёси кўпайгани турди.

Яна саҳобалардан Абу Қатода деган киши бир хизматни бажариб келганида ундан рози бўлиб:

— Юзингни Аллоҳ баракотлик қилсун, — деб дуо қилдилар.

Бу киши эрса етмиш ёшга кирганида ҳам, соқоқларидан бир тола туки оқармади. Юз-кўзлари ўн беш яшар боладек кўринур эди.

Яна Набиға деган шоир келиб, араблар одатларича Расулуллоҳни мақтаб, Ислом динини сифатлаб, узун шеър ўқиди. Унинг кўнглини кўтариб:

— Овозинг ўзгармасин, тишларинг тушмасин, — дедилар.

Бу шоирнинг ёши юзга етди эрса ҳам бир дона тиши тушмаган эди.

Абдуллоҳ ибни Жаъфар, бу киши эрса Ҳазрати Алининг акаси Жаъфар ибн Абу Толибнинг ўғлидур. Бунинг ҳаққига ҳам савдо ишларинг баракали бўлғай, деб дуо қилдилар. Шундан кейин бу киши қайси бозорга борса, ўттиз-қирқ минг танга фойда топмасдин чиқмас эрди.

Яна саҳобалардан Фарқад деган кишининг туяси қочиб, ҳеч бир ҳийла билан уни ушлаёлмадилар. Расулуллоҳга келиб айтди эрса, дуо қилдилар. Хиёл ўтмай қаттиқ шамол туяни ҳайдаб келтирди. Ани ушлаб эгасига топширдилар.

Яна бир куни Ҳазрати Алини ғазот учун сафар қилишга буюрдилар. Кун совуқ бўлиб, кийгудек чопонлари йўқ эди.

— Иссиқ-совуқ сенга ўтмасин, — деб дуо қилдилар.

Шу дуодан сўнг Ҳазрати Алига қиш ва ёзнинг фарқи йўқ эди.

Расулуллоҳнинг қизлари Фотима ҳузурларига очликдан шикоят қилиб келди.

Анда Расулуллоҳ:

— Аллоҳ сени оч қўямасин, — дедилар.

Шундан бери есин-емасин очликни билмади.

Туфайл ибн Амр улўф бир қабила раиси эди. Иймон келтириб қайтар чоғида қавмига ҳужжат бўлгудек Расулуллоҳдан бир нишона беришларини сўради. Дуо қилдилар эрса, манглайига бир нур пайдо бўлди.

Анда:

— Ё Расулаллоҳ, душманларим Муҳаммад олдига бориб юзи ўзгариб келмишдур демасинлар, — дейиши билан у нур қамчиси учига тушди. Қоронғу кечани ёритур эди.

Ҳижратнинг саккизинчи йили атрофдаги подшоларни Ислом динига даъват қилиб нома ёздилар. Эрон подшоси Хисрав Парвиз Расулуллоҳ номаларини ўқиб кўрмасдан, йиртиб ташлади. Расулуллоҳнинг муборак номлари номада илгари ёзилгани учун ғазаби келиб, шу адабсизликни қилди.

Расулуллоҳ уни англаб, унинг ҳам давлати йиртилсин, деб дуо қилдилар. Ҳазрати Умар халифалик даврларида бутун Эрон фатҳ қилиниб, Расулуллоҳ айтганларидек бўлди. Аммо Рум подшоси Қайсар Ҳирак ўзи иймон келтирмаган бўлса ҳам, Расулуллоҳнинг номаларини ҳурматлаб олтин қутичага солиб хазинада сақлади. Расулуллоҳга кўп ҳадялар бериб номаларига жавоб ёзиб, элчиларни яхши кутиб қайтарди.

Расулуллоҳ айтганларидек, шу кунгача Ғарбий Рум, яъни Италияда уларнинг ҳукумати сақланиб қолди.

Яна Қурайш раисларидан Ҳакам ибн Абу ал-Ос иймон келтирмасидан илгари, Расулуллоҳ сўзласалар оғиз-бурнини қинғир-қийшиқ қилиб бошқаларга кўрсатиб, Пайғамбаримизни масхара қилиб ўлтирар эди. Бир куни унинг шу адабсизлик ишига кўзлари тушиб қолиб:

— Шундоғ бўлиб қолсин, — дейишлари биланок, юз-кўзлари қинғир-қийшиқ бўлиб тортишгани турди.

Кейинги кунларда иймон келтирган бўлса ҳам ўлгунича бу иллатдан қутила олмади. Чунки бошқаларга ибрат бўлиши учун шундай бўлиши лозим эди. Яна ибн Раъий деган кишининг чап қўли билан таом еб турганини кўриб:

— Ҳой киши, ўнг қўлинг билан егил, — дедилар.

— Бу қўлим билан еёлмайман, — деб Расулуллоҳ сўзларини оғир олди.

— Ёлғон бўлса, шундай бўлғай! — дедилар.

Ул эрса бу сўзни ёлғон айтмиш эди, сўнгра умри бўйи қўли озига етмади.

Яна Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам бир бўлук аскарни ғазот учун бир қабила устига юбордилар. Омир ибн Азбат деган кишини аскар бошлиғи қилмиш эдилар. Булар ичида Муҳлим ибн Жусома деган бир киши эскидан қолган душманлиги учун Расулуллоҳ қўйган аскар бошлиғини кечаси уйқуда ётганида ўлдириб қочди.

Расулуллоҳ бунга англаб қаттиқ қайғуриб, ўлдиргувчинини қарғадилар эрса, етти кунга етмай у ҳам ўлди. Қабрга қўйсалар, гўр қабул қилмади. Неча қайта қўйдилар, ташқари чиқариб ташлайверди. Бунга Расулуллоҳ англаб:

— Ундан ёмонларни ҳам гўр қабул қилур эрди. Сизларга ибрат учун Аллоҳ бунга кўрсатди, — дедилар-да, сўнгра уни бир чуқурга ташлаб, устига тош уйиб қўйдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир одам отини сотиб эди, сўнгра сотганим йўқ, деб сўзидан тонди.

— Расулуллоҳ бу отни сотиб олдилар, — деб саҳобалардан ҳазрати Ҳузайма гувоҳлик берди. Лекин ўзи кўрмаган эди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Ҳузайма, кўрмаган ишга қандоқ гувоҳлик берурсан? — дедилар.

— Арш устидан келтирган ҳар бир сўзингизга ишонурмиз. Энди ер устида айтган сўзингизга нечун ишонмаймиз? — деди Ҳузайма.

Бу сўзи эрса Аллоҳга хуш келиб унинг гувоҳлигини икки гувоҳ ўрнига олдилар. Шундай бўлса ҳам, ул отни олмай, эгасига қайтариб бердилар:

— Сўзи ёлғон бўлса, ундан баракот топмас, — дедилар.

Эрталаб қарасалар, от оёғини ерга қўёлмай чўлоқ бўлиб қолмиш эди. Расулуллоҳ айтганларидек, ёлғоннинг шумлигидан ўзига ҳам от асқотмади.

Пайғамбарик даври йигирма уч йил ичида шунга ўхшаш ишлар ҳисобсиз кўндир. Булар ҳам Расулуллоҳнинг мўъжизаларидан саналғусидир. Саллаллоҳу алайҳи васаллам.

### ҚИРҚ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳ муборак оғизларидан нима сўз чиқди эрса, ўшандоқ бўлур ёки қутлуғ қўллари билан ҳар қандай касал одамни силасалар, дарҳол касалдан тузалар эди.

Бир куни Мадина атрофидаги иймонга кирмаган қабилалардан бир қанча кишилар закотга йиғилган чорва молларини таламоқчи бўлиб, босмачиликка келдилар. Бунинг хабари Мадинага етиши билан ҳаммадан илгари Абу Талҳанинг отини миниб ёвга қараб чоптирдилар.

Бу от эрса қашанглиғи устига мудровчи ҳам эди. Расулуллоҳ минганларидан кейин бу жониворга чопқирлик пайдо бўлди, бошқа отлар унга етолмай орқада қолдилар. Ёвни қочириб қайтгандан кейин Расулуллоҳ Абу Талҳани кўриб;

— Сенинг бу отинг мавж урган дарёдек чопар экан, — дедилар.

Бу сўздан сўнгра чопқирликда унинг олдига ҳеч бир от тушмади.

Яна бир сафарда ҳазрати Жобирнинг минган туяси чарчаб юролмай қолиб эди. Расулуллоҳ буни кўриб қўлларидаги таёқчалари билан туянинг биқинига: «Тургил!» деб нуқиб қўйдилар эрса, унга шундоқ куч пайдо бўлдиким, ҳазрати Жобир унинг бошига эга бўлолмай қолди.

Шунга ўхшаш яна бир ғазотда ҳазрати Жуайлнинг минган оти чарчаганликдан юролмай қолди. Расулуллоҳ келиб: «Тур, баракаллоҳ», деб қамчилари билан секингина уриб қўйдилар эрса, от ирғиб туриб, юриб кетди. Шундан сўнг унинг тезлигидан эгаси тизгинини тортолмас эди. Бу отга барака кўниб, мунинг

болаларидан сотиб эгаси ўн икки минг тилла фойда топди.

Мана бу ишларнинг бариси Расулуллоҳнинг мўъжизалари эрди.

### ҚИРҚ ТҲҚҚИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Расулуллоҳнинг ғайбдан хабар беришларидур. Ғайб ишларини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким била олмағай. Агар пайғамбарлар, авлиёлар ғайбдан сўз айтган бўлсалар, албатта уларга Худо тарафидан билдирилган бўлур. Шунинг учун буларнинг ғайбдан айтган сўзлари ҳеч хато чиқмағай. Бу эрса уларнинг Худо юборган пайғамбар эканликларига очиқ далилдур.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан кейин келадиган, бўладиган яхши-ёмон ишлардан хабар берганлар.

Ҳазрати Ҳузайфа шундай ривоят қилур:

«Бир куни Расулуллоҳ хутба ўқиб, ваъз айтдилар. Қиёматгача бўлиб ўтадиган ишлардан гапирдилар. У сўзларни тутганлар, тутиб қолди, кўплари унутиб қўйди. Умнатлари устига келган фитналар эса Расулуллоҳ айтганларидек бўлди. Қолганлари ҳам келаси кунларда албатта шундай бўлгусидур. Расулуллоҳ айтган ғайб хабарларини ҳадис олимлари ўз китобларида баён қилибдурлар.

Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, ҳазрати Али уювлари шаҳодат топишларини хабар берган эдилар. Расулуллоҳ айтганларидек, уювлари ҳам шаҳид бўлдилар.

— Мендан кейин кўп замон ўтмай умнатларим Эрон, Рум хазиначаларини тақсим қилғай, — дедилар.

Ҳазрати Умар халифалик даврида Ислом аскарари бу иккала мамлакатларни фатҳ қилиб, хазиначаларини Расулуллоҳ айтганларидек тақсим қилдилар. У замонда Форс (Эрон) подшоҳи Кисро, Рум подшоси Қайсар эди.

— Иккинчи Кисро чиқмағай, Рум қолдиғи бўлғай, — дедилар.

Ул зот айтганларидек, Эрон подшолиғи йўқолди. Рум подшолиғи шу кунгача сақланади.

— Усмон ўлдирилса, фитна қиличи суғурилғай, унинг қони Қуръон ояти «Фасаякфийкаҳумуллоҳу» устига тўкилғай, — дедилар.

Расулуллоҳ айтганларидек фитначилар Ҳазрат Усмон уйларига босиб кириб, қилич урганларида, ўқиб ўлтирган Қуръонлари олдларида эди. Қонлари оят устига тўкилди. Ҳазрати Усмон ўлдириди эрса, фитна қиличи суғуриди. Жамал уруши, Сиффин урушлари чиқди. Саҳобалар ўртасида кўп қонлар тўкилди. Охирида ҳазрати Али халифа бўлиб Кўфада қолди. Муовия Шомда подшо бўлиб ўлтурди.

Яна Расулуллоҳ айтган эдилар:

— Мендан кейин ўттиз йил халифалик бўлғай.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ икки йилу уч ой, ҳазрати Умар ўн йилу олти ой, ҳазрати Усмон ўн икки йил, ҳазрати Али тўрт йилу тўққиз ой, имом Ҳасан олти ой халифа бўлдилар. Бу бешовларининг халифалик даврлари ўттиз йил бўлиб, Расулуллоҳ айтганларидек бўлди.

Расулуллоҳ: Мундин кейин тишлагич подшолар андин сўнгра золим подшолар бўлғай, қонхўрлар чиққай: деб ўзларидан кейин қиёматгача чиқадиған фитналардан хабар бердилар. Фитна бошлиқларининг отларигача, уларнинг уруф-аймоқларигача айтдилар.

Яна ул зот:

— Меним умматларим роҳатга берилиб, ўлимдан кўрқиб жиҳодни ташласалар, Ислому бирлигини бузиб ўзаро иттифоқ бўлмасалар, бошқаларга ем бўлиб, оч кишилар олдига қўйилган бир товоқ ошдек бўлғайлар. Ҳар қайсилари ундан тўйгунча ейишурлар. Қуръон кўрсатган йўлларга қайтмагунча, меним изимга келиб тушмагунча бу талон-тарождан қутулолмай, бу хорликдан бошлари чиқмағай, — дедилар.

Яна бир ривоятда:

— Кофирлар умматларимни ўртага олишиб талашгайлар. Оч бўрилар олдига қўйилмиш қўйдек бўлғайлар, — демишлар.

Анда бир саҳоба туриб:

— Ё Расулуллоҳ, у замондаги умматларингиз озликларидан бу хорликка қолгайларму? — деди.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Андаги умматларимнинг сон-саноклари кўпдир, лекин иттифоқлари, умматлик сифатлари йўқдур. Алар дунёни севгувчи, роҳатпараст бўлғайлар, ўлимдан кўрқиб, жиҳодни ташлагайлар. Шунинг учун улар хорликка қолгайлар.

Мана Расулуллоҳ айтмиш оч бўрилар эрса, илму ҳунар қуролига эга бўлмиш овруполилардир. Осиё,

Африқо мусулмонлари 500 йилдан бери булар тирноғи остида эзилиб келмоқдаурлар. Саксон-тўқсон милёнлик Индонезия мусулмонларини олти милёнлик Голландия 300 йилдан бери мустамлака қилиб келмоқда. Бутун Ҳиндистон халқи яқиндаги иккинчи жаҳон урушидан сўнг мустамлакаликдан қутилди. Яна ҳалигача бу оч бўрилардан қутула олманган шарқий, ғарбий мусулмонлар кўпдир. Лекин озодлик эшиги очилди. Бутун дунё халқига уйғониш даври келиб, қутилиш кунлари яқинлашди. (Асар 50-йилларда ёзилганлигини эслатамиз — Муҳарририят).

Яна Расулulloҳ:

— Мендан кейин ўттизга яқин ёлғончи пайғамбарлар чиққай. Булар ичида тўрттаси хотинлардур. Энг сўнгиси Дажджол Лаиндур, — дедилар.

Расулulloҳ айтганларидек, ўзларидан сўнгра араблардан ўттизга яқин киши пайғамбарлик даъвосини қилди. Улардан тўрттаси хотинлар эди.

Яна бир куни саҳобалардан бир қанчалари масжидда ўлтиришган эди, аларга қараб Расулulloҳ айтдилар:

— Сизлардан энг кейин ўлган киши ўтда қолур.

Саҳобаларга бу сўздан қаттиқ қўрқинч тушди. Пайғамбаримиз айтган ўт тамуғ ўти бўлса керак, деб қўрқинч тушган эди. Саҳобалардан бир нечалари вафот топиб охири Абу Ҳурайра, Самура ибн Жундуб, Ҳузайфа учовлари ёлғиз қолдилар. Сўнгра Ҳузайфа ҳам вафот қилиб, Абу Ҳурайра билан Самура қолди. Бу икковлари эрса қайси биримиз кейин ўлар эканмиз, деб бек қўрқишар эдилар. Шу орада Абу Ҳурайра ўлиб, Самура ёлғиз қолди. У қўрқинч билан бир қанча умр кечирди. Бир куни ўчоқ олдида ўлтириб оловда исинмоқда эди. Нима бўлдию оловга йиқилиб кетди. Бошқа киши бўлмагач, туришга дармони қолмай шу жойда вафот этди. Шунда билдиларким, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг айтган ўтлари, дунё ўти экандур. Энг кейин ўлган киши ўтда қолур деганлари тўғри келди.

Абу Ҳурайра ривоят қилади:

— Саҳобалардан бир жамоа одам тўпланишиб ўлтириб эдик, устимизга Расулulloҳ келдилар. Сўнгра бизга қараб айтдиларким, шу ўлтирган кишилардан бирисининг тиши дўзахда Уҳуд тоғидан улуғроқ бўлур.

Буни англаб тўпланганларнинг барига қўрқинч туш-

ди. Расулуллоҳнинг вафотларидан кейин араблардан кўп қабилалар диндан қайтиб муртад бўлдилар. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ халифа бўлгандан сўнгра уларга қарши аскар юбордилар. Шу чоғда ўшал жамоатдан икки киши бор эдик. Қолганлари эрса вафот топмиш эдилар. Шу аскарга қўшилиб икковлари ҳам бордилар. Расулуллоҳ айтган сўзларидан кўнгилларида қаттиқ кўрқинч бор эди. Ямома деган жойга келганимизда икки тараф кўшин бир-бирига йўлиқиб, саф тортишиб, уруш бошланди. Шу куни менинг йўлдошим муртад бўлиб, душман сафига қўшилиб кетди ва у шу урушда ўлдирилди. Бундан бир неча йил илгари Расулуллоҳнинг берган хабарлари шу кишига тўғри келиб, алҳамдулиллоҳ, мен қутулиб қолдим.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

— Ислом ҳукумати Қурайш қўлида бўлмай. Агар Қуръонга амал қилиб, динларини тутта олсалар, бу давлатдан ҳеч ажрамагайлар.

Расулуллоҳ айтганларидек, Қурайш халқи дунё роҳатига берилиб, динларини яхши тутолмагач, давлатлари бошқа мусулмонларга ўтди. Айниқса, турклар Ислом халифалигига эга бўлдилар. Исломнинг исми, Қуръоннинг хатигагина қаноат қилинганч, ер устидаги мусулмонлар Ислом ҳокимиятидан бутунлай ажрадилар.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

— Сақиф қабиласидан икки киши чиққай: бири ёлғончи, иккинчиси қонхўр.

Тарих олимларининг айтишича, Сақиф қабиласидан чиққан бу икки киши Мухтор ибн Убайд, яна бири Ҳажжож золим эди. Расулуллоҳнинг айтган сўзларига бу икковининг қилган ишлари тўппа-тўғридур.

Ансор саҳобалардан ҳазрати Ҳанзала Уҳуд урушида шаҳодат топди. Шариат ҳукмида жунуб бўлмаса, шаҳид бўлган киши ювилмас эди.

Расулуллоҳ:

— Фаришталар Ҳанзалани булут устига қўйиб юваётганларини кўрдим. Нима ишдур, унинг ҳолини хотинидан сўранглар-чи, у билса керак, — дедилар.

Анда анинг хотинидан сабабини сўрагани келишди эрса, хотини:

— Унга гусл лозим бўлиб, бажармак учун ўрнидан



янги турганида Расулуллоҳнинг чорлоқчиси келди. Фусл қилгунимча кечикиб қолурман, деб шошилганича қиличини олиб кетган эди, — деди.

Қарасалар, янги ювгандек Ҳанзаланинг сочларидан сув оқиб турибдур. Расулуллоҳ Соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек уни фаришталар ювгани маълум бўлди, қайтадан ювишга буюрмадилар.

Расулуллоҳ:

— Охир замонда менинг олим умматларим ўлиб-ўлиб тугагайлар. Дин илми ердан кўтарилмай, олимлар ўринларида илмсиз жоҳиллар ўлтиргайлар. Авомлар эрса дин йўлини шулардан сўрагайлар. Аларда илм бўлмагач, хато жавоб бериб, ўзи йўлдан озиб, бошқаларни ҳам йўлдан оздиргайлар. Шу билан охири иймон Мадинага қараб қочар, — дедилар.

Мана кўп йиллардан бери бу иш давом этиб келмоқда. Ҳозирги кунларда эса нақ шунинг устида турамиз.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати имом Ҳасанни ёшлигида эрқалатиб:

— Бу менинг ўғлим улуғ даражалик саййиддур. Мусулмонлар орасида мендан кейин чиққан фитнани шу ўғлим босгай. Бунинг ҳиммати билан икки мусулмон қўшинни қонлари ноҳақ тўкилишидан сақлагай, — дедилар.

Расулуллоҳ айтганларидек, ҳазрати Али шаҳодат топгандан кейин, оталари ўрнида олти ой халифа бўлиб турдилар. У кунлар ҳазрати Муовия Шом вилоятига амир эди. Имом Ҳасандан халифаликни олиш учун устига Шомдан қўшин тортиб келди. Эрон аскарини олиб имом Ҳасан қарши чиқдилар. Ҳар иккала тарафдан бир юз эллик мингдан аскар бор эди. Мана шу чоғда имом Ҳасан қон тўкишдан сақланиб, халифаликни ўз ихтиёри билан Муовияга топширди.

## ЭЛИГИНЧИ МЎЪЖИЗА

Ҳабашистон подшоши Нажоший вафот топди. Бу одам Расулуллоҳни кўрмай туриб ўз ерида иймон келтирган эди. Мадинага ҳижрат қилмасдан илгари саксон неча саҳоба Расулуллоҳ амрлари билан шу ёққа ҳижрат қилган эдилар. У ёққа борган мусулмонларни ўз ҳимоясига олиб, уларга кўп яхшилиқ қилди. Нажошийнинг вафоти Расулуллоҳга ваҳий орқали маълум

бўлмиш эди. Саҳобалар билан унга ғойибона жаноза намозини ўқидилар. Шунинг учун имом Шофиъий ғойибдан жаноза ўқимоқни суннат дедилар. Аммо имом Аъзам мазҳабида ғойибга жаноза ўқимоқ дуруст эмасдур. Бу эрса Расулуллоҳга хосдур, дедилар. Чунки бошқаларга майит ғойиб бўлса ҳам, Расулуллоҳга ҳозирдур. Олдиларига жаноза келтирилган эди, майитни кўриб туриб жаноза ўқидилар. Бу эса Расулуллоҳнинг мўъжизаларидан эди.

### **ЭЛЛИК БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотига кетаётганларида улуғ саҳобалардан Абу Зар Ғифорийнинг минган туялари чарчаб, юролмай аскардан ажраб кейин қолмиш эди. Бу тўғрида Расулуллоҳга хабар қилдилар эрса:

— Агар унинг яхшилиқдан насибаси бўлар экан, оптимиздан етиб келгай, — дедилар.

Туяси юролмагач, Абу Зар юкини елкасига қўйиб аскар ортидан йўлга тушди. Кун иссиқ, йўл юриш қийин эди. Расулуллоҳ бир манзилга тушиб эдилар, йироқдин бир киши қораси кўринди:

— Абу Зар бўлгай, — дедилар.

Ҳақиқатан қарасалар Абу Зар экан.

— Абу Зарни Аллоҳ ёрлақасин, ёлғиз юриб, ёлғизликда ўлар. Қиёматда ёлғиз тирилгай, — дедилар.

Ҳазрат Усмон халифалик замонларида Абу Зар ул киши билан келиша олмаганликдан Макка билан Мадина оралиғидаги Рабза деган жойга сургун қилинди. У ерда қўшни бўлгудек ҳеч бир киши йўқ эди.

Расулуллоҳ айтганларидек Абу Зар Ғифорий шу ерда ёлғизликда яшаб вафот этди, разияллоҳу анҳу.

### **ЭЛЛИК ИККИНЧИ МЎЪЖИЗА**

Яна Расулуллоҳ:

— Қуддуси шарифни кофирлар босиб олгайлар, у жойга олий иморатлар солгайлар, бу ернинг обод бўлиши Мадинанинг хароблигидур. Мадина хароб бўлди эрса дунё уруши бошланиб, қирғин бўлур. Бунинг бўлиши эрса, Қунстантания фатҳининг аломатидур, — дедилар.

Маълумдурки, иккинчи жаҳон урушидан кейин Қуд-

дус шаҳри яхудларга ўтди. Бу шаҳар ҳазрати Умар даврида олингандан бери кофирлар қўлига бундай тушмаган эди. Энди Расулуллоҳнинг хабар беришларича, бу шаҳарнинг обод бўлиши Мадинанинг вайронлигидир.

Бошқалари ҳам албатта Расулуллоҳ айтганларидек бўлғусидур. Чунки кўз олдимиздаги бўлаётган аломатлар эса бунинг белгисидур. Булардан бошқа Расулуллоҳнинг шу тўғрида айтган сўзлари бек кўпдир. Агар уларни қолдирмай ёзмоқчи бўлар эканмиз, ул жуда катта китоб бўлур. Ёзгонларимиз эрса бошқа тафсир, ҳадис китобларига қараганда хирмондан бир ҳовуч, денгиздан бир чўмич олгандек кўринур. Оз бўлса ҳам кўнглида заррачалик иймон нури бор кишилар учун бу сўзларимиз етарлидур.

### ҲАЖЖАТУЛ ВАДОЪ

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам қирқ ёшга тўлганларида ер устидаги барча инсонларга ва ҳам жинларга пайғамбар бўлдилар. Ун уч йил Маккада тургандан сўнгра бу ердан Мадинага ҳижрат қилиб кетмакка Аллоҳдан амр бўлди. Маккада турган муддат ичида кофирлар билан жиҳод қилишга Худодан буйруқ бўлмаган эди, балки улардан ҳар қанча кулфат кўрсалар ҳам сабр қилмоққа буюрилмиш эдилар. Расулуллоҳнинг ўзларига ва саҳобаларига кофирлар томонидан ҳар қанча жабр-жафо етса ҳам унга сабр қилмоқдан бошқа чоралари йўқ эди. Чунки у чоғда жиҳоднинг вақти келмаган, шароити тўлмаган эди. Уларнинг қийноқлари остида ўлган кишилар ҳам бор эди. Иш шу ҳолга етганда ҳам кофирларга қарши қурол қўлланиб, улар билан урушмоққа руҳсат йўқ эди.

Расулуллоҳ Мадинага ҳижрат қилиб келишлари билан ишлар бутунлай ўзгарди. Аввалда эрса кофирлардан ким урушса, шунгагина қарши жиҳод қилмоққа буюрилган эди. Кейинроқ жиҳод шароити тўлиқлашгандан кейин бутун кофирларга қарши жиҳод қилмоқ мусулмонларга фарз бўлди.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари бош бўлиб, йигирма етти марта жиҳод сафарига чиқдилар. Қолганларига эса аскар юбордилар. Ҳижратнинг еттинчи йилида Арабистонга чегарадош бўлган барча подшоҳларга Исломга даъват қилиб нома ёздилар. Сакки-

зинчи йили Макка фатҳ бўлгач, Қурайш мушриклари Ислом динини қабул қилдилар ва шу йили барча араб қабилаларидан Расулуллоҳга элчилар келди. Булар орқали Ислом дини бутун Арабистонга тарқалди.

Ҳижратдан ўн йил ўтгандан кейин Аллоҳ амри билан ўша йили ҳаж қилмоқчи бўлдилар. Мадина атрофидаги мусулмонларни хабарлагач, юз мингдан ортиқ киши йиғилди. Ҳижратнинг ўнинчи йили зулқайда ойидан олти кун қолганда, пайшанба куни эрталаб йўлга чиқдилар.

Ислом динида ҳаж фарз бўлгандан кейин Расулуллоҳнинг биринчи қилган ҳажлари шул эди. Шунинг учун мунга «Ҳажжатул Ислом» деб ном қўйдилар. Расулуллоҳ шу ҳажда умматлари билан хайрлашганлари, видолашганлари учун буни «Ҳажжатул видоъ» деб ҳам атадилар. Шундан сўнг ҳаж қилмоққа умрлари етмади. Энг охири қилган ҳажлари шул бўлди. Ҳамма оналаримиз бу сафарда бирга эдилар. Онамиз ҳазрати Оишанинг минган туялари юрадиган, ўзи енгил, юки камроқ бўлиб, Сафиянинг минган туяси юки кўпроқ бўлиб, аскарга етишиб юра олмас эди. Шунинг учун Расулуллоҳ ҳазрати Оишага келиб юмшоқлик билан:

— Эй Оиша, сен минган туянинг енгил ҳам ўзи юрамолдир. Сафиянинг мингани эса юки юки оғир, ўзи қашанг экан. Аскарга етиб юра олмай қолди, унга қараб қўшин юриши ҳам секинлашди. Шунинг учун юкингларни алмаштирмоқчи бўлдик, — дедилар.

Оишанинг аччиғи келиб:

— Сиз ўзингизни Аллоҳнинг пайғамбари биласиз, на учун адолат қилмайсиз? — деди.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ шу ерда бор эди. Бу сўзга ғазаби келиб, қизлари Оишанинг юзига бир тарсаки урдилар. Буни Расулуллоҳ оғир олиб, уни ёмонладилар.

Анда Абу Бакр Сиддиқ:

— Ё Расулаллоҳ, буни айтган сўзини эшитмадингизми? — дедилар.

— Эшитдим, лекин кундошлик устида гапирган хотинлар эса, сўзнинг ўй-чуқурига қарамайдилар, — дедилар Расулуллоҳ.

Бу сафарда Расулуллоҳ билан Абу Бакр Сиддиқ икковлари қўшдош (бирга) эдилар. Макка йўлида Арж деган жойга карвон келиб етди. Эрталаб турганда қара-

салар, озиқ-овқат юкланган туялари йўқ. Бу туя эса хизматчи қулнинг қўлида эди.

— Туянг қани? — деб сўрасалар:

— Кечадан бери излаб тополмадим, — деди.

— Бир туяни кутолмай, йўқотиб ўлтирган қандай кишисан? — деб Абу Бакр Сиддиқ қулни қамчи билан урдилар эрса, Расулуллоҳ:

— Манови эҳромлик кишининг қилаётган ишини кўринглар? — деб, бошқа гапирмай кулимсираб қўйиб, ҳаж сафаридоги кишиларга бу хилдаги иш дуруст эмаслигини билдирдилар. Саҳобалардан баъзи бирлари эшитиб дарров таом тайёрлаб, Расулуллоҳ олдиларига келтиришди. Абу Бакр Сиддиқ эрсалар, туялари йўқолгани аламига аччиғланиб ўлтирган эдилар:

— Эй Абу Бакр, ўзингни кўп койитма. Ҳар иш сен билан биз айтгандек бўлавермайди, мунга сендан кўпроқ бу ўғил хафадур. У йўқолган таом ўрнига Худо ундан яхшироғини еткизди, келгил, — дедилар Расулуллоҳ.

Шу орада Сафвон ибн Муъаттал йўқолган туяни юклари билан топган экан, етаклаб келиб, чодир олдига чўқтирди. Бу одам аскар ортида юрадиган чиндовул бўлиб, эсдан чиққан, қолган, йўқолган нарсаларни йиғиб юриш унинг вазифаси эди.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Абу Бакр, юкларингни қараб кўргилчи, йўқолган ҳеч нарса борми? — дедилар.

— Ё Расулаллоҳ, бари нарсамиз тугал экан, ёлғиз сув ичиб юрган бир идишимиз йўқ, — деганида хизматчи ўғил:

— У нарса менда, мана. — деб кўрсатди.

Бу ердан чиққач, юриб ўлтириб бир неча кун ичида Маккага етиб, тушга яқин шаҳар ичига кирдилар. Расулуллоҳнинг дастлабки қилган ишлари Байгуллоҳни тавоф қилиш бўлди. Каъбани етти марта айланиб, тавофни тугатгандан кейин Мақоми Иброҳимда икки ракат тавоф намозини ўқиб, сўнгра зам-зам қудуғидан сув ичдилар. Қудуқдаги сувга оғизларини чайқаб, яна уни қайтариб зам-зам қудуғига тўқдилар. Қудуқдан сув тортиб берган киши амакилари ҳазрати Аббос эди.

Анда Расулуллоҳ:

— Зам-зам сувини қудуқдан ўзим тортиб олмоқчи эдим. Мендан кейин умматларим қудуқдан сув тортиб

ичишни суннат дейишиб талашиб юрмасинлар, деб ўзим тортмадим, — дедилар.

Сўнгра Сафо, Марва тоғлари орасида юриб, у куннинг ибодатини қилиб тугатдилар.

Қурбон ойининг саккизинчи куни «Явму тарвия» дейилади. Шу куни Маккадан чиқиб Мино тоғига бориб ётмоқ суннатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улуғ жамоат билан Минога келиб шунда ётдилар. Бомдод намозини ўқиб жума куни Арафотга қараб юрдилар. Ана шу йили «ҳажжи акбар» бўлди. Ҳожилар жума куни Арафотда бўлсалар, «ҳажжи акбар»ни топадилар. Арафотда бир азон икки такбир билан пешинга аср намозини қўшиб ўқидилар. Бу икки намозни қўшиб ўқиш шундан бери умматларига суннат бўлиб қолди. Расулуллоҳ Қасво деган туяларига миниб олти юз минг чамалик ҳожи йиғилган Арафот тоғида туриб хутба ўқиб, узун бир ваъз айтдилар.

Бу жойда айтган энг сўнги ваъзалари шу эди. Бу ердан қайтиб уч ой ўтгандан кейин оламдан ўтдилар. Демак, шу ҳажларида ҳозир бўлган ва ғойиб бутун умматлари билан хўшлашган эдилар.

Энди биз бу ўринда Расулуллоҳнинг ўқиган хутбалари ва айтган ваъзларининг қисқача мазмунини баён қиламиз.

*«Ҳамду-сано Аллоҳга бўлсин. Уни улуғлаймиз, унга ҳамд айтамыз, ундан ёрдам сўраймиз ва мағфират тилаймиз, унга тавба қиламиз, ёмон амалларимиздан, ўз нафсимизнинг шарридан Аллоҳ паноҳига қочамиз. Аллоҳ йўлга солганни адаштиргувчи йўқдир. Оламни яратган у ёлғиз ўзидур. Унинг шериги йўқдур. Гувоҳлик бераманким, Муҳаммад унинг қули ҳам пайғамбаридир. Эй Худонинг бандалари! Сизларнинг тақволик бўлиб, Худодан кўрқишларингни тилайман.*

*Ҳаммангизни Аллоҳнинг тоат-ибодатига ундайман. Сизларга нима нарса фойдалиқ бўлса, шуни айтурман. Эй одамлар! Мендан шу сўзларни аниқлаб олинглар. Шу йилдан сўнгра яна бу ерда сизлар билан кўришмоғимиз менга маълум эмасдур. Шунинг учун бу куни сизларга кўп нарсаларни айтиб, топширгайман.*

*Эй одамлар! Сизларнинг қонинглар ва молинглар бир-бирингларга ҳаромдир. Шу кундан бошлаб қиёматгача бу ҳукм ўзгармасдур. Шу ойда шу шаҳарда бу арафа кунининг ҳурматини сақлагандек, уларнинг ҳам ҳурматини сақланглар. Ҳар кимга бир кимса омонат*

қўйса, унга ҳеч хиёнат қилмай эгасига топширсин. Бу кундан кейин ҳеч ким судхўрлик қилмасин. Ислом динида бу иш ҳаромдур. Исломдан илгари берилган ижара пулларини йўқ қилдим. Амаким Аббоснинг ижарага берган пулларини йўқотиш билан бу ишни бошлайман. Жоҳилият замонига бўлган қон даъволарини йўққа чиқардим. Ислом даврида ундай даъволар сўралмайдур. Дастлаб ўз амаким ўғли Рабиъанинг қон даъвосини қолдирдим.

Қурол тутиб, қасд қилиб киши ўлдирганни қасос қилиб ўлдирурлар. Қасд қилганлиги аниқланмаган, таёқтош билан уриб ўлдирганларга хун баҳо тўлатиб, улардан юз тую олинглар.

Эй одамлар! Хотинларнинг сизларга бир қанча ҳақлари бордур. Алардин бири шулки, тўшагинларни бошқага бостирмасинлар. Эрларидан рухсатсиз уларнинг уйларига бегонани киргизмасинлар. Никоҳ хиёнатидан ўзларини йироқ тутсинлар. Агар шулардан бирортасини қилар эканлар, уларни қийнашга Аллоҳ рухсат беради. Шундоққим, аввал улар сўз билан ўқта (насиҳат) қилинглари, агар бу билан тузалмасалар, ўрин ва тўшакни бошқа солинглар. Мунда ҳам бўлмаса, ёрмай, кўкартмай уринглари. Агар тузалиб тўғри бўлсалар, уларни едириб-ичириб, бутун нафақасини бериб туриш сизларга вожибдур.

Эй одамлар! Шунинг биланларким, хотинларнингиз сизларнинг ёрдамчиларингиздир. Уларнинг бошларига эга бўлолмагайсиз. Аллоҳ омонати билан аларни олдингиз. Аллоҳ амри билан сизларга ҳалол бўлдилар. Шундай бўлгач, хотинларга зулм қилишдан сақланинглари!

Эй одамлар! Мўъмин мўъминнинг қариндоши, оғасидур. Мўъминлар бир-бирларига ўзлари суюб бермасалар, ризосизлик билан олган моллари ҳамромдур. Менинг бу сўзларимни англадингларими? Эй бор Худоё, сенинг буйруқларингни бангаларингга етказдим, бунга ўзинг гувоҳдурсан.

Эй одамлар! Яратган Худойинглари бирдур. Барчанглари бир Аллоҳнинг бангаларидурсиз. Отанглари бирдур. Баринглари Одамдан тарқалдинглари. Одам тупроқдан яратилди. Ким тақволик бўлса, Худо олдида қағри шудир. Арабнинг Ажамдан ортиқлиги йўқдур. Ким тақволи эрса, шу ортиқдур. Эй бор Худоё, ўзинг гувоҳ бўл, сенинг амрингни бангаларингга етказдим. Меним шу

сўзларимни ҳозирлар ғойибларга, уққанлар уқмаганларга етказсинлар.

*Эй одамлар! Ҳар бир ворисга меросдан тегадиган ҳиссасини Худо Қуръонда ўзи тақсим қилиб қўймишдир. Меросдан ворисга васият қилиш дуруст эмасдур. Худо бўлган нарсани яна бандаси қандай бўла олади? Мерос молининг учдан бирига васият юради. Ҳар ким ўз отасини ташлаб, бошқага бола аталса, ёки ўзини озод қилган хўжасидан тониб бошқага боғланса, ундай одамга Аллоҳнинг, фаришталарнинг, барча инсонларнинг лаънати бўлсин! Ундай одамнинг тоат-ибодатлари қабул бўлмайди.*

Баъзиларнинг сўзларича, шул арафа куни ушбу оят Худодан келди: **«Ал-явма акмалту лакум динаку ва атмамту алайкум неъматий ва розийту лакумул ислома динан»**. Яъни: *«Шу кунда динларингни камолига етказдим, диний неъматларимни тамом бердим, сизлар учун Ислом динини хоҳлаб, уни ато қилдим»*, демақдур.

Жума куни аср намозидан сўнгра Арафот тоғида Қасво номли туяларини миниб турганларида юқориги оят нозил бўлди. Ваҳий оғирлигини кўтаролмай оёғи синаёзганликдан туя дарҳол чўқди.

Ибн Аббос ривоят қилади: *«Шу Арафотда тўрт тоифа дин аҳлларининг байрамлари бир кунда бўлди. Жума куни Арафот бўлиши мусулмонлар учун улуғ байрам эди»*.

Яҳудийлар, насоролар, мажусийларнинг байрамлари ҳам шу кунга тўғри келиб қолди. Илгари бундай иш кўрилмаган экан. Бу оят тушгандан сўнгра буни ўқиб, Ҳазрати Умар йиғлади.

— Нега шундай йиғлайсан? — деб Расулуллоҳ Ҳазрати Умардан сўрадилар.

— Ё Расулуллоҳ, ҳар куни ўсмоқда эдик. Энди ўсиш камолига етди эрса, анинг сўнгида эксилиш бошланғусидур, — деди Ҳазрати Умар.

— Тўғри айтадурсан, — дедилар Расулуллоҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Арафотда қуёш ботгунча тўхтаб, сўнгра Муздалифага қараб қайтдилар. Усома ибн Зайд Расулуллоҳнинг орқаларига мингашган эди. Муздалифа эса Арафот билан Мино орасидаги бир машҳур жойдур. Қуръонда уни Машғарул ҳаром деб айтилув. Арафотдан қайтганда ҳожилар



лар шу жойда Худони ёд қилиб, бир кеча ётишлари вожибдур.

Минога келганда шайтонга отадирган тошларни шу жойдан олиш суннатдур. Арафотда пешин намозига аср намозини қўшиб ўқилгандек, Муздалифага келганда шом намозини хуфтон намозига қўшиб ўқилади. Расулуллоҳ Арафотда турганларида шу ерда ҳозир бўлган умматларининг гуноҳларини Худодан сўрадилар.

— Киши ҳаққидан бошқасини кечдим, — даб ваҳий келди.

Арафотдан Муздалифага келганларида қолган гуноҳларини ҳам кечишликка яна талаб қилдилар эрса, шу Арафотда ўзлари билан бирга ҳаж қилган умматларидан киши ҳаққи ҳам кечирилди. Иблис малъун бунга чидаёлмай бошига тупроқ сочиб йиғлагани турди. Буни кўриб Расулуллоҳ Тангрига шукр қилиб кулдилар.

Сўнгра у жойдан Минога келиб, шайтонга тош отдилар. Расулуллоҳнинг туяларини ҳазрати Билол етаклаб, ҳазрати Усома бошларига соябон кўтарган эди. Расулуллоҳ Минога келганларидан кейин биринчи ва иккинчи кунларида туя устида туриб халққа ваъз айтдилар. Бу ваъзларида зинонинг зиёнларию, унинг энг қаттиқ ҳаромлигини баён қилгандан сўнгра:

— Инсоннинг қонини тўкиш қандай ҳаром бўлса, анинг молига зўрлик қилиш, обрўйини тушириш ҳам ушандай ҳаромдур — дедилар.

Сўнгра бошларини юқори кўтариб:

— Эи бор Худоё, буйруғингни бандаларингга етказдим, — деб уч марта айтдилар. Сўнгра уларга қараб:

— Ҳаж қилишнинг одобларини мендан ўрганиб қолинглар. Бу йилдан кейин ҳаж қилиш-қилмаслигимни Худо биладур. Яна мендан кейин ҳақ йўлдан адашиб ўзаро уруш қилиб, бир-бирингларни ўлдирманглар. Бу сўзларимни ҳозирлар ғойибларга, уққанлар уқмаганларга етказсин, — дедилар.

Сўнгра қурбонлик қиладиган жойга келдилар. Мадинадан чиқишларида юз туя қурбонликка атаб ҳайдаган эдилар. Шулардан олтмиштасини ўз қўллари билан бўғизладилар. Қолганларига Ҳазрати Алини ўз томонларидан вакил қилиб сўйишга буюрдилар. Минода икки кун туриб, учинчи кун тушдан кейин Маккага

қайтдилар. Расулуллоҳнинг чодирлари эрса Мино тоғида Муҳассаб деган жойга тикланган эди. Хуфтон намози ўқилгунча шу ерда туриб, бир озгина ухлагандан кейин кечалаб Маккага кирдилар. Саҳар вақтида видоъ тавофини қилгандан сўнг Мадинага қараб йўлга тушдилар.

Энди ҳар бир мусулмон кишига шуни билмак керакким, ҳаж қилишнинг уч фарзи бордур.

Биринчиси, эҳром боғлаган чоғда «Лаббайка»ни охиригача айтиб туриб, «Ҳажни адо қилурман» деб кўнглида ният қилиш керақдур.

Иккинчиси, Арафотда энг ози бирор соат бўлса ҳам туриш фарздур.

Учинчиси, Арафотдан қайтгандан кейин Байтуллоҳни тавоф қилишдур.

Агар шу учовидан бирортаси бўлмай қолса, қилган ҳажи ҳисобга ўтмайди. Булардан бошқа ҳаж ибодатлари бўлса, ё вожиб, ё суннат бўлур.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча кун йўл юриб денгиз қирғоғидаги Рубуғ қишлоғи яқинидаги Ғадирхом деган жойга етдилар. Шу ерда саҳобаларга қарата ушбу ваъзни айтдилар:

— Эй одамлар! Мен ҳам инсондан туғилган, сизларга ўхшаш бир инсондурман. Мундан кейин кўп узоқламай Аллоҳдан элчи келиб, мени чақириб қолурму, деб ўйлайман. Агар чақирилсам, бормасга чора йўқдур, албатта, шундай бўлгач, бир куни Худо олдига борамиз. Мен ҳам сўралурман, сизлардан ҳам бу ишни сўрайдилар. Анда нима жавоб бергайсиз? — дедилар.

Саҳобалар:

— Ё Расулуллоҳ, биз гувоҳлик берурмиким, сиз Аллоҳнинг амрини бизларга еткуздингиз, бу тўғрида кўп меҳнатлар кўриб, (бу ерда меҳнат — араб тилидан қийинчилик машаққат маъносидадир) машаққатлар чеқдингиз. Ҳар (қаңдай) ҳолда бизга яхшилиқ қилдингиз, Аллоҳ ажрини берсин. Бу улуг хизматингиз шукрини адо қилишдан ожиздурмиз, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Барча оламни яратган бир Аллоҳдур, Муҳаммад унинг ҳақ пайғамбаридур. Қиёмат бўлиши ҳақдур, жаннат ҳақ, дўзах ҳақдур. Ўлим ҳақ, яна тирилиш ҳақдур. Энди шу нарсаларга иймонингиз бордур! — дедилар.

Саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, бу нарсаларга иймонимиз комил, — деб гувоҳлик бердилар.

Мен сизларга икки улуғ нарсани қолдирдим. Биринчиси, Худонинг китоби Қуръондур. Иккинчиси, менинг авлодларимдур. Қуръон билан авлодларим қиёматгача бир-биридан ажрашмайди, — деб марҳамат қилдилар.

Яна шу йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳазрати Алини Яман вилоятига юбориб, у ердаги араб қабилаларини Исломга даъват қилишга буюрган эдилар. Бутун халққа қарата ёзган номалари ҳам бор эди. Расулуллоҳнинг номаларини кўришиб, бир қанча қабилалар урушсиз динга кирмиш эдилар. Шундоғ бўлса ҳам, инсончилик, Ҳазрати Алининг адолат билан қилган ишлари баъзи бир кишиларга ёқмасдан Расулуллоҳга шикоят тушган эди. Иш текширилиб кўрилгандан сўнг шикоят ноҳақ бўлиб чиқди. Ҳақиқатда эса, Ҳазрати Али карамаллоҳу ваҳҳа Расулуллоҳ нимани буюрган бўлсалар, шуни бажарган эдилар.

Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шикоят қилувчиларнинг сўзини халқ ичида рад қилиб, Ҳазрати Алининг фазлларини баён қилдилар. Сўнг ҳазрат Алининг қўлини ушлаб туриб:

— Ҳар ким мени яхши кўрса, Алини ҳам яхши кўрсин. Эй бор Худоё, ким муни дўст тутса, сен ҳам уни дўст тутгил. Уни душман кўрганларни сен ҳам душман кўргил. Мунга ёрдам берганларга ёрдам бер, уни ёрдамсиз ташлаганларни ёрдамсиз қолдир, ундан ҳақликни ажратма, — дедилар.

Бу сўзларни эшитгандан сўнгра Расулуллоҳ олдида Ҳазрати Алининг қанчалик улуғ мартабага эга экани ҳаммага маълум бўлди. Шунинг билан бир неча кунлаб йўл юриб, Мадинага ярим кунлик йўл қолганда, Зулхулайфа деган манзилга келиб тушдилар. Кечаси шу ерда ётиб, эртаси Мадинага қараб юрдилар. Расулуллоҳ сафардан қайтсалар шаҳарга кундузи кириш одатлари эди. Тоғ ичидан чиқиб келиб, йироқдан Мадина кўринганда уч марта такбир айтдилар. Сўнгра Аллоҳга ҳамду сано айтиб, Мадинага кирдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўнги сафарлари шул эди. Шу билан уч ойдин сўнгра умрлари ҳам охирига етди.

## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ ЎГИЛЛАРИ ИБРОҲИМНИНГ ВАФОТИ

Шу ўнинчи йили рўза ҳайитининг йигирма тўққинчисида Пайғамбаримиз ўғиллари Иброҳим вафот топди. Ёши бир ривоятда ўн олти ой саккиз кунлик, иккинчи ривоятда ўн саккиз ойлик эди. Бу ўғиллари туғилганида Расулуллоҳ бек суянган эдилар. Вафот бўлганида қаттиқ қайғуриб:

— Эй Иброҳим, сенинг фироқингдан кўнглимиз фамга тўлди, — деб муборак кўзларидан ёш тўқдилар. Буни кўриб Ҳазрати Умар:

— Ё Расулаллоҳ, ўлганга йиғлашдан бизни қайтарган эдингиз, нега энди ўзингиз йиғлайсиз? — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Қачон сизларни кўз ёшидан қайтардим? Мусибат янгидур, кўнглимиз юмшайди, кўзимиз йиғлайди. Худо рози бўлмаган сўзларни айтмагаймиз. Ёқа йиртиб, соч юлиб йиғлашдан, дод-вой қилиб, ноҳақ сўзлар айтишдан қайтардим, — дедилар.

Бу ўғиллари Мория исмлиқ чўриларидан туғилган эди. У Миср подшоҳи Муқовқисдан Расулуллоҳга ҳада бўлиб келмиш эди. Мундан бошқа Расулуллоҳнинг барча болалари онамиз ҳазрати Хадичадан туғилмиш эдилар.

Ўғиллари ёшлигида вафот бўлишиб, Фотимадан бошқа қизлари ҳам ўзларидан илгари вафот топган эди. Фотима эрса Расулуллоҳдан олти ой кейин вафот топди. Бошқа оналаримиздан бола бўлмаган эди. Шу учун Иброҳим туғилганда барчаларнинг рашклари кўзғалмиш эди. Иброҳимнинг жанозасини Расулуллоҳ ўзлари ўқидилар. Яна шу куни қуёш тугилиб, оламни қоронғулик босди. Халқ бу воқеани Расулуллоҳ ўғли Иброҳимнинг мотами учун бўлди, деб ўйладилар. Муни англаб Расулуллоҳ минбарга чиқиб:

— Эй одамлар! Бу ой-кун эрса Аллоҳнинг улуф қудратини билдиришга икки аломатдур. Бировнинг ўлиши ёки туғилиш учун кун куйиб, ой тугилиш деган иш йўқдур, — деб муңдоқ ўринсиз эътиқод қилишдан сақланиш кераклигини уларга билдирдилар.

Яна шу йили, яъни ҳижратнинг ўн биринчи йили, сафар ойининг авваларида Расулуллоҳнинг буйруқлари билан тўрт минг кишилиқ аскар қўшини тузилди. Мунинг устига Усома ибн Зайдни бош қўмондон

қилиб қўйдилар. Ундан икки йил илгари Усоманинг отаси — Пайғамбаримизнинг асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳорисани тўрт минг аскарга бош қилиб Шом ерида Мўта ғазотига юборган эдилар. Бунинг баёни эрса юқорида ўтди. Бу аскарни ҳам яна шу жойга бориб ғазот қилишга буюрдилар.

Саҳобаларнинг катталаридан бу аскар ичида Абу Бакр Сиддиқ, Умар, Абу Убайда, Саъд каби бир қанча кишилар ҳам бор эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Усомага туғ топширган чоғда:

— Эй Усома, Аллоҳ ёрдами билан анинг йўлида ғазот қилгайсан. Худо ризолиги учун сўзидан тонган кофирларга қарши савашурсан, — дедилар.

Ёши ўн саккиздан ўтмаган ўспирин йигитни бундай улуғ ғазот қўшини устига, айниқса, Ҳазрат Али, Ҳазрат Абу Бакр, Ҳазрати Умар каби катта саҳобалар олдида амир қилиб қўйганларини ёқтирмасдан ўзаро сўз қилишганлар ҳам бор эди.

Бу сўз тарқалиб Расулуллоҳга етди эрса, қаттиқ ғазаблари келиб:

— Эй одамлар! Усоманинг амирлигига рози эмас кишилар бор деб англадим. Бу қандоқ ишдур? Мунга рози бўлмаган кишилар эрса, бундан илгари отаси Зайд бин Ҳорисани Мўта аскарига қўмондон қилганимда, унга ҳам рози бўлмаганг эдилар. Аллоҳ ҳаққи, Зайд, Усома — ота-ўғил ҳар иккови ҳам амирликка лойиқ кишилардур. Айниқса, Усома менга ҳаммадан яқин, ҳаммадан суюклик кишидур. Ҳар яхшилик булардан келгусидур. Бу тўғрида қилган топшириқларимни қабул қилинлар, — дедилар.

Шу билан бошқа сўзлар босилиб, бу тайёрланган қўшин юриш устида турганда Расулуллоҳнинг бетобликлари бошланиб қолди.

## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ БЕТОБ БЎЛИШЛАРИ

Энди бутун оламга, айниқса, мусулмонлар бошига тушган бу улуғ қайғулик, мунглиғ мусибатни кўз ёшимиз, кўнгил дардимиз билан чор-ночор баён қилиб ўтаимиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам озод қилган қулларидан Мувайҳа деган киши бор эди. Бир уни ярим кечада уни чақириб:

— Мен билан юргил, Бақиъ гўристонига бориб, ўлганларга дуо қилиб келайлик. Аллоҳ мени шунга буюрди, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ у билан Бақиъ қабристонига чиқиб, анинг ичига киргач:

— Ассалому алайкум, эй қабрда ётганлар! Бу ётиш сизларга муборак бўлсин. Аллоҳ сизларни қандай ёмон фитналардан қутқарди. Кошки муни билган бўлсанглар эди, тун қоронғуси қоплагандек бутун халқни қоплагувчи, узилмасдан кетма-кет келгувчи фитна-балолар келишга юзланди. Бу фитналарнинг кейинчилари олдингиларидан ёмонроқдур.

Эй Мувайҳа! Дунёда абадий яшаб бутун ер усти хазиналарига эга бўлиш, ё жаннатга кириб Худо дийдорини кўриш — бу икковидан қайси бирини хоҳлашлик ихтиёрини Худо менга берди. Мен жаннатга кириб Худо дийдорини кўришни ихтиёр қилдим, дунёда мангу қолиб, унинг хазиналарига эга бўлишни хоҳламадим, — дедилар.

Яна бир ривоятда Уҳуд тоғида ўлдирилган шаҳидларга ҳам бориб уларга яна дуо қилдилар. Шу ердин қайтишларида муборак бағриларига оғриқ пайдо бўлди. Бетобликнинг бошланиши шул эди. Сўнгра уйга келдилар эрса, онамиз Оишанинг ҳам боши оғриб ётиб экандур.

— Эй Оиша, агар мен тириклигимда сенга ажал келса, сен учун улуғ неъматдур. Чунки ўзим жанозангни ўқийман, ўзим гўрга қўяман, — дедилар.

Бу сўзни онамиз Оиша оғир олиб:

— Менинг ўлишимни яхши кўрар экансиз. Агар мен ўлсам хотинларингиз уйларида кеча-кунлаб ётиб қувё бўлмоқчига ўхшайсиз, — дедилар.

Расулуллоҳ бу сўзга жавоб айтмай, кулимсираб қўйдилар. Расулуллоҳнинг бетобликлари эрса ҳижратнинг ўн биринчи йили сафар ойи бошларида бошланмиш эди. Касалликлари ўн уч кун давом этиб кундан-кунга кучайгали турди. Шундай бўлса ҳам, оналаримиздан қайси бирларининг навбати келган бўлса шунинг уйида бўлдилар.

Онамиз Маймунанинг навбати келган кунда Расулуллоҳнинг бетобликлари оғирлашди. Шу куни оналаримизни чақиртириб, қолмиш кунлари онамиз Оишанинг уйида бўлиш учун улардан рухсат олдилар. Бетоб бўлмасдан бир-икки кун илгари минбарга чиқиб шу

ваъзни айтган эдилар: «Аллоҳ бир бандасини дунёда абадий яшаб, унинг нозу неъматларини кўриш билан Аллоҳ олдига бориш орасида ихтиёрлик қилиб эрди, ул бандаси дунёда қолиб унинг нозу неъматларини кўришини ихтиёр қилмай, Аллоҳ олдига боришни хоҳлади». Ҳазрати Абу Бакр бу сўзни англагач:

— Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ, — деб йиғладилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Эй Абу Бакр! Йиғламагин, ёлғиз тириклигимда эмас, ўлганимда ҳам сизларга яхшилигим етади. Чунки ҳар вақт умматларимни қилган ишларини кўрсатиб турадилар менга. Агар яхшилик бўлса, Аллоҳга шукр қилурман, агар ёмон иш қилган бўлсалар, Аллоҳдан гуноҳларини сўрайман.

Эй одамлар! Ҳамма кишилардан кўра Абу Бакрнинг менга қилган хизмати кўздур. У мендан ҳеч нарсани аямади, Худо йўлида бутун мол-дунёсини сарф қилди. Абу Бакр Сиддиқдан бошқа кимнинг эшиги масжид ичидан очилган бўлса, ҳаммасини беркитинглар, — дедилар.

Шу билан масжид тарафидан қўйилган ҳамманинг эшиги беркитилди. Муни кўриб баъзи саҳобалар «Расулуллоҳ бизларнинг эшигимизни беркитдиргач, нега Абу Бакр Сиддиқ эшигини очиқ қўядилар», деб сўз қилдилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Мен Абу Бакр эшигида нур чиқиб турганини кўрурман. Бу нурни сизларнинг эшигингизда кўрмадим. Яна мен дастлаб чиқиб халқни динга даъват қилганимда одамлар мени ёлғончи қилдилар. Абу Бакр мени рост айтадур, деб дарҳол иймон келтирди. Бошқалар мендан мол-дунёларини аядилар, у эрса мендан ҳеч нарсасини аямади» — дедилар.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ансор саҳобалари ҳақида васият қилиб, уларни муҳожир саҳобаларга топшириб шундай марҳамат қилдилар:

— Эй муҳожир саҳобалар! Ансорлар ҳақида сизларга қилган васиятларимни ўрнига қўйинглар. Қаттиқчилик кунларда улар менга бошпана бўлганлар. Мен учун мол-жонларини қурбон қилганлар. Буларнинг яхшиликларини ҳурмат қилинглар, ёмонликларини авф қилинглар.

Бу сўзларни айтгач, Расулуллоҳ онамиз Оиша ҳуж-

расига кириб ётдилар. Иситмалари энг юқори даражага кўтарилган эди. Шу орада ҳазрати Билол хуфтон намозига азон айтдилар. Азон эшитилгач, устларидан совуқ сув кўйишга буюрдилар. Оналаримиз Расулуллоҳни дос идишга ўтказиб чўмилтирдилар. Бироз сергигандек бўлиб, намозга бориш учун туриб эдилар, яна кўнгиллари кетиб ўзларини билмай қолдилар. Бир оздан сўнгра ўзларига келгач:

— Намоз ўқилдими? — деб сўрадилар.

— Йўқ, ҳали ўқилмади, ё Расулуллоҳ, сизга қараб турамыз, — дедилар саҳобалар.

Намозга чиқмоқчи бўлиб фусл қилиб эдилар, яна хушлари кетди. Шундоқ бўлиб, уч қайта фусл қилиб, уч қайта хушсиз бўлдилар.

Жамоат намозига чиқолмагач, ҳазрати Билолга:

— Абу Бакр Сиддиққа айтгил, намозга имом бўлиб, ўқиб берсун, — дедилар.

Анда онамиз Оиша:

— Ё Расулуллоҳ, отам Абу Бакр Сиддиқ кўнгли юмшоқ, кўзи ёшлик кишидур. Сизнинг ўрнингизда туриб имом бўлмоққа тоқат қила олмағай, у кишини йиғи босиб ўқиган қироатини орқада турган жамоат эшита олмағайлар, — деди.

Шу хилда сўзни онамиз Оиша икки-уч қайтариб айтган бўлсалар ҳам сўзларини рад қилиб, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқни имом бўлишга буюрдилар.

Ҳазрати Билол Расулуллоҳнинг ҳоллари оғирлашиб намозга чиқа олмай қолганларини кўргач, йиғлаганларича масжидга чиқдилар. Саҳобалар Расулуллоҳга мунтазир булиб ўлтирган эдилар. Ҳазрати Билолнинг сўзини англаб, масжид йиғига тўлди.

Сўнгра ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ночор хуфтон намозига имом бўлиб ўтди. Расулуллоҳнинг бундай оғир ҳолда ётганлари ҳаммага маълум бўлиб, саҳобаларга ташвиш тушди.

Айниқса, Ансор саҳобалари бошқалардан кўпроқ кўрқишиб, уйларига қайтмасдан, масжиддан чиқмасдан ўлтиришдилар. Ҳазрати Али бошлиқ уч-тўрт киши кетма-кет кириши бу ишдан Расулуллоҳга хабар бердилар эрса, буларга тасалли бериш учун бошларини боғлаб, ҳазрати Али билан Аббос ўғли Фазлнинг ўртасида оёқлари судралиб, ер чизган ҳолда масжидга чиқдилар.

Масжиднинг ичи ва ташқариси одамга лиқ тўла



эди. Секинлик билан келиб, минбарнинг пастки поясида ўлтирдилар. Ҳамманинг юзларидан ғам-қайғу сезилмоқда эди. Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан кейин:

— Эй одамлар! Менинг ўлишимдан нега мунча кўрқдинглар! Мендан илгариги ўтган пайгамбарлардан ўлмай қолган бирор киши борму? Агар улардан бирортаси ўз уммати ичида ўлмасдан қолган бўлса, мен ҳам сизларнинг орангларда ўлмасдан туришим мумкин бўлур эди. Мундай бўлиши мумкин эмасдур. Сергак бўлингларким, мен Аллоҳ олдига борурман. Сизлар ҳам бир куни ул даргоҳга боришинглар аниқдур. Дастлабда мен билан бирга Худо учун ҳижрат қилиб Мадинага келган муҳожир саҳобаларимни сизларга топширдим. Уларни ҳурмат қилиб, ҳақларини сақланглар, улар ҳам ўзаро бир-бирларига яхши тилақдош бўлсинлар. Аллоҳ шунга буюрмишдур, — деб бу сўзга далил келтириб Вал-аср сурасини охиригача ўқидилар. Сўнгра ваъзларида давом этиб:

— Ҳар иш дунёда Аллоҳ изни билан бўлур. Агар бир ишнинг бўлиши кечикиб кетса, нимага олдинроқ бўлмади, деб унга шошилманглар. Негаким, киши шошилганига караб, Худо шошилмайди. Худо билан айтишган енгилмай қолмайди. Худони алдайман деганлар ўзлари алданади.

Яна ансор саҳобалар ҳақида яхшилик қилишни сизларга буюраман. Сизлар учун улар жой тайёрладилар. Келмасинглардан илгари иймон келтириб, дин қариндоши бўддилар. Бу тўғрилиқ ўз дўстларига юкланган оғир вазифаларни адо қилдилар. Энди сизлар учун буларга яхшилик қилишнинг вақти келди. Янгидан Мадинага келганинглардан мол-дунёларига сизларни шерик қилдилар. Боғ ҳосилоти меваларини бўлиб бердилар. Ўзлари муҳтожликда турсалар ҳам, сизларни ортиқ кўрдилар. Энди сизлардан булар устига ким волий бўлса, яхшиликларининг сўзларини қабул қилсин, ёмонларнинг гуноҳларини кечирсин, бошқаларни улардан ортиқ кўрмасин.

Огоҳ бўлингларким, мен олдинроқ бориб сизлар учун жой ростлаб турурман. Менинг ортимдан кетмакет сизлар ҳам етишиб боргайсиз. Ҳушёр бўлингларким, ҳаммамиз Кавсар ҳовузи устида топишурмиз. Ҳар ким мен билан Кавсар ҳовузи устида кўришмоқни

истар экан, ўзига зарур бўлмагунча гапирмасин, қўлидан, тилидан ҳеч кимга озор бермасин.

Эй одамлар! Неъматнинг офати кўпдир. Баъданинг ёзуқлари кўпайса, неъматлардан ажрайди. Одамлар яхши бўлсалар, подшоҳлар ҳам яхши бўлур, инсофлик бўлур. Агар одамлар ёмонлик йўлига кирсалар, раҳмсиз, золим подшоҳларга йўлиқадилар, — дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбар устида айтган ваъзларининг энг охиргиси шул эди. Мундан сўнгра бетобликлари кундан-кунга оғирлашгани турди. Шу бетоб ётганларида бир куни Расулуллоҳ қизлари Фотимани олдиларига чақириб олиб, қулоғига шивирлаб эдилар, ҳазрати Фотима йиғлай бошлади. Муни кўргач, яқинроқ кел, деб ишора қилиб, яна қулоғига гапириб эдилар, кулимсираб суюнгандек бўлди.

Аввалги йиғлаганида Расулуллоҳ шу бетобликда вафот бўлишларини айтган эдилар. Кейинги гапирганларида: — «Кўп хафа бўлма, узоқ ўтмай ҳаммадан илгари сен менга эришурсан», демиш эдилар. Муни англаб, суюнганларидан кулган эдилар. Расулуллоҳ деганларидек, ўзларидан кейин олти ойгина умр кўриб вафот топдилар.

Расулуллоҳнинг бетобликларида Абу Бакр Сиддиқ имом бўлиб ўн етти вақт намоз ўқидилар. Бу зотни имомликка ўтказишлари эрса, ўзларидан кейин шу кишининг халифа бўлишига ишорат бўлди. Шунинг учун саҳобалар:

— Расулуллоҳ динимизга ишониб имом қилган кишини нечук биз у дунёимиз учун ишониб халифа қилмайлик, — дедилар.

Имом Воҳидий Расулуллоҳнинг ходимлари Абдуллоҳ ибн Маъсуддан ривоят қилур:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан бир ой бурун бизга хабар бердилар. Жудолик яқинлашганда ҳаммамиз ҳазрати Оиша уйларида Расулуллоҳнинг устларида йиғилдик.

Анда Расулуллоҳ:

— Сизларни Аллоҳ офатлардан омон сақласин. Аллоҳ нусрат бериб, дин душманлари устига ғалаба қилсин. Сизлардан Аллоҳ рози бўлиб, ўзининг олди-дан ўрин берсин. Энди сизларга васиятим шулдурким, тақво йўлини тутиб, гуноҳ ишлардан сақланинглар. Мен сизларга Худо томонидан келган хабарчи эрур-

ман. Ер устида юриб ҳеч кимга такаббурлик, бузуқчилик қилманглар, бу ишни қилувчиларни жойи жаҳаннамдур. Муңдай кишиларга жаннат юзи ҳаромдур, охират давлатига, жаннатнинг нозу неъматларига тақволик кишилар эга бўлгайлар. Жудолик кунлари яқинлашди. Худо даргоҳига боришнинг вақти етди. Ўз оилаларимиздан кимлар менга яқинроқ бўлсалар, мени шулар ювсинлар. Ўз либосларим ёки миср, Яман бўзлари билан уч қават кафан қилсинлар, — дедилар.

Саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, сизга ким жаноза ўқийди? — деб сўрадилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Ҳар қачон мени ювиб кафанга олсалар, шу ётган саришимга солиб қабр устига элиб қўйсинлар. Сўнгра мени бирор соат ёлғиз қолдириб, бошқалар устимда турмай чиқиб кетсинлар. Энг аввал тўрт фаришта — Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил ҳар қайсилари ўз тўплари билан келишиб жанозамни ўқийдилар. Булардан кейин сизлар ўқийсизлар. Шундоқки, тўп-тўп бўлишиб, жанозам устига киришсин. Такбир айтиб дуо қилиб, салом бериб чиқиша берсин. Булардан энг аввал ўз хонадонимнинг эр кишилари, сўнгра хотинлари, сўнгра бошқалар кирсинлар. Мени кўролма қолган саҳобаларимга салом айтинглар. Қиёматгача меним динимга кирган умматларимга салом, — дедилар».

Онамиз ҳазрати Оиша ривоят қиладилар:

«Бир куни Расулуллоҳ бетобликларидан бир оз енгиллашгандек бўлдилар. Шу чоғда отам Абу Бакр имом бўлиб пешин намозини ўқимоқда эди. Ҳазрати Аббос ва ҳазрати Али икковларининг елкаларига осилиб жамоат намозига чиқдилар. Расулуллоҳнинг чиққанларини билгач, отам Абу Бакр меҳробдан қайтмоқчи бўлганларида «Жойингда тур», деб ишорат қилдилар. Сўнгра Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам чап томонда ўлтириб иқтидо қилдилар. Шу бетоб кунлари вафот бўлгунларича ҳазрати Абу Бакр Сиддиққа иқтидо қилиб, уч йўл намоз ўқидилар. Энг охирги ўқиганларида душанба куни эди».

Душанба оқшоми иситмалари тўхтаб, эрталаб бир оз енгиллик пайдо бўлди. Фазл билан Савбонга суяниб эрталабки жамоат намозига чиқдилар. Намозда бир ракат ўқилган эди. Расулуллоҳнинг келганларини билиб, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ орқага чекиндилар.

Анда Абу Бакр Сиддиқни Расулуллоҳ меҳробга суриб қўйдилар. Саломдан сўнгра қолган бир ракат намозни ўқиб, масжид устунига суяниб ўлтирдилар. Буни кўриб саҳобалар салом беришиб атрофларига йиғилишди. Бир оз ўлтиргандан сўнгра ўз ҳужраларига кирдилар. Орқаларидан ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ:

— Алҳамдулиллоҳ, бу кун Расулуллоҳнинг чеҳралари очик, дардлари енгиллашди. Бу бетобликдан шифо топгайлар, — деб ҳаммага тасалли берди.

Ўзи эрса Санах деган маҳалладаги жойига кетди. Бугун яхшилик, деб Расулуллоҳ ўзлари ҳам рухсат берган эдилар. Оналаримиз ҳам ҳар қайсилари ўз уйларига қайтдилар.

Расулуллоҳ масжиддан киргандан кейин бир оз вақт ўтибоқ қоллари ўзгариб, иситмалари қайтадан кучая бошлади. Лекин бу ўзгариш ўтган кунларидагидан қаттиқроқ эди. Уйларига қайтишган оналаримиз хабар топишиб қайтадин йиғилдилар. Ҳушлари гоҳи кетиб, гоҳи келиб турар эди.

Қарасалар, жон ҳаракати бошланиб қолди. Кўзларини осмонга тикканча қараб туриб:

— «Юқори оламдаги йўлдошларимга еткур,» дер эдилар. Жон аччиғи қаттиқлашганда оддиларига қўйилган косадаги сувга қўлларини солиб юзларини силаб:

— Ё раббий, жон аччиғини осон қил, ўлим машаққатларига ёрдам бер, — дер эдилар.

Шунинг учунким, Расулуллоҳнинг жон таслим қилишлари бек қаттиқ бўлган эди. Мунинг ҳикматлари кўпдур. Улардан бири шулки, агар умматларидан бирор одам жон беришда кўп қийналса, уни кўрган киши ёмон хаёлга кетмасинлар. Чунки бу иш Расулуллоҳга ҳам бўлмишдур. Агар сакаротнинг оғирлиги зиёнлик бўлса эди, муни Худо Расулуллоҳга бермас эди. Шунга ўхшаш унинг зиёни мўминларга йўқдур. Балки фойдаси кўп бўлиб, кечирилмай қолган гуноҳларга каффорат бўлур. Шунинг учун ҳазрати Оиша онамиз: «Расулуллоҳнинг жон беришларидаги қийинликни кўрганимдан кейин буни бошқаларда кўрсам, ёмон кўрмайдиган бўлдим», дедилар.

Яна мунга энг асосий сабаб шулки, оламдаги ҳаётнинг асли Расулуллоҳдурлар. Агар Расулуллоҳ бўлмаса эрди, Худо ҳеч нарсани яратмасди. Бошқалар эрса илдиздан чиққан дарахтга ўхшайдилар. Расулуллоҳ илдизлари оламга тарқалган улуғ дарахтдурлар. Ил-

диздан ўсган майда дарахтларни ердан ажратишдан оламга иддиз отган, барининг асли бўлган она дарахтни ердан чиқариш албатта қийинроқдир. Иккинчи сабаб эрса, Расулуллоҳнинг тан тузилишлари тўлуқлашдирилган, муборак мижозлари мўътадил эди. Мундоғ жасадга кирган руҳнинг ўрнашиши бошқаларга нисбатан албатта кучлик бўлади. Шунга кўра мундоғ тандан жон ҳам куч билан чиқарилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қийналганларини кўриб ҳазрати Фотима:

— Вой, отамнинг қийналгани, — деб йиғлади.

Анда Расулуллоҳ кўзларини очиб:

— Бу кундан кейин отанг ҳеч бир қийинчиликни кўрмайди, — дедилар.

Онамиз ҳазрати Оиша ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган эдилар, ҳар бир пайғамбарга ўлмоқдан илгари жаннатдаги жойи ўзига кўрсатилади, сўнгра дунёда қолиш-қолмаслик ихтиёри берилади. Бу сўзлари меним ёдимда бор эди. Сакарот вақтида Расулуллоҳни кучоғимга олиб, кўксимга суяб турдим. Кўзларини кўкка тикиб: «Юқори оламдаги йўлдошларим» деганларида,

— Мундоғ бўлса бизни хоҳламас экансиз, — дедим.

Анда Расулуллоҳ:

Юқори оламдаги йўлдошларим, пайғамбарлар, шаҳидлар, авлиёлар, яхши бандалар билан жаннатда бўлишни хоҳладим, — дедилар».

Имом Байҳақий Жаъфар Содикдан ривоят қилур:

«Шундоққи Расулуллоҳ умрларидан уч кун қолганда Жаброил алайҳиссалом келиб:

— Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло сенинг ҳурматинг учун мени юборди, ўзи билиб туриб яна:

«Ҳоли қандай?» деб сўради. Ҳолингиз қандайдур? — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Қийинликда, ғам-қайғудаман, — дедилар.

Иккинчи куни, учинчи куни келиб яна ҳол сўради эрса, олдинги жавобни бердилар. Бу келиши душанба куни эрди.

Сўнгра Жаброил алайҳиссалом:

— Ё Аҳмад, мана Азроил келди, киришга рухсат сўрайди, илгари ҳеч кимдан рухсат сўраган эмас, бундан кейин ҳам ҳеч кимдан рухсат сўрамайди.

Расулуллоҳ киришга рухсат бергач, Азроил:

— Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло мени сизга юборди, нимани буюрар экансиз, мен шуни қилурман. Агар жон олишга рухсат қилсангиз, олурман, йўқ эса, қайтурман, — деди.

Расулуллоҳ Жаброилга қарадилар.

Анда Жаброил алайҳиссалом:

— Эй Муҳаммад, Аллоҳ таоло сизга муштоқдир, — дедилар.

Расулуллоҳ буни англагач:

— Эй Азроил, ўз ишингизга машғул бўлингиз, — дедилар.

Анда Жаброил алайҳиссалом:

— Ё Расулуллоҳ, дунёдан меним ҳожатим сиз эрдингиз. Ер устига ваҳий келиши сиздан кейин тўхта-лур, энг кейинги келтирган ваҳийим шулдур, — деди.

Шу билан иш қаттиқлашгани турди, аҳвол ўзгарди. Ҳазрати Оиша оталари Абу Бакр Сиддиққа, Ҳафса онамиз оталари ҳазрат Умарга, ҳазрати Фотима ҳазрати Алига одам юборишди. Ҳар учовлари ҳам Расулуллоҳни эрталабки енгиллашганларини кўришиб, ўз ҳожатларига кетишган эди. Улар етиб келгунларича Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот топдилар. **«Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун»** (Ҳаммамиз Аллоҳникидурмиз ва, албатта, ҳаммамиз Аллоҳга қайтажакмиз).

Рабиъул аввал ойининг ўн иккиси душанба куни эди. Туғилишлари, ҳижратлари, вафотлари шу ой, шул кунда бўлди. Онамиз ҳазрати Оишанинг кучоғида ўлтириб, бошлари кўксида туриб жон бердилар. Соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Шу чоғда ғойибдан бир овоз келди: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух, Эй уй эгалари! Ҳар бир жонлик нарса ўлим шарбатини ичмасдан қолмайди. Дунёда қилган яхши амалнинг ажри охиратда берилади. Мусибат кўрувчиларнинг Худо олдида ажрлари улуғдир. Ўлганнинг ўрнини ўзи тўлдиргай. Аллоҳнинг ёрдамига ишонинглар, ўлим-мусибатга сабр қилингларким, улуғ савобга эга бўлурсиз. Сабрсизлар ажр-савобдан қуруқ қолганликдан ҳақиқий мусибат шуларга бўлгай».

Ҳазрати Али:

— Бу овоз эгаси ҳазрати Хизр алайҳиссаломдур,

Расулуллоҳнинг хонадонларига таъзият қилиб келмиш-дурлар, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳни сарирдан олиб ерга ётқиздилар. Устларига парда ёпдилар. Оламни қоронғулик босиб, Мадина ичи йиғига тўлди. Кўп кишилар ақддан тойиб, ҳоллари ўзгарди. Ҳазрати Умар ҳушсиз, ҳазрати Усмон тилсиз бўлдилар. Абдуллоҳ ибн Унайс қаттиқ қайғуриб вафот бўлди. Мунофиқлар қувонишиб, бош кўтаришди. Ҳаммадан бардошлик бўлиб турган ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ эдилар. Кўнгли ғам, кўзига ёш тўлган, йиғи товуши гоҳи кўтарилган, гоҳи кўксига бўғилган ҳолда келиб, Расулуллоҳ устларига кирди. Юзларини очиб:

— Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулуллоҳ, — деб юз-кўзларини ўқди. — Тириклигингизда қандай пок эдингиз, ўлганингизда ҳам шундай покдурсиз. Яхшилик сифатларингизни санаб қандай тутата олғайман, қайси кўз ёшим билан сизга йиғлагайман? Ўтган пайғамбарлар ўлганларида тўхталмаган осмон алоқаси, сизнинг вафотингиз билан ердан энди узилди, агар ўлим иши ихтиёрлик бўлса эди, сиз учун бизлар жонларимизни фидо қилар эдик.

Ё Муҳаммад, Парвардигоринг олдида бизларни ҳам эслагин, сенинг кўнглингда бўлайлик, — деб яна юзларидан ўпиб, вой дўстим, вой меҳрибоним, деб йиғладилар.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг шижоати шу куни ҳаммага маълум бўлди. Шижоатнинг маъниси эса, даҳшатлик кунларда, ўлим мусибати тушганда бардошлик бўлиб, ўзини йўқотмай туришдир.

Инсон мусибати ичида Расулуллоҳнинг вафотларидан улуғ мусибат йўқдур. Муниг зарбаси бутун мусулмонларга, балки ҳамма оламга етди. Ҳазрати Алидек шери худо бўлган зот ҳам қўл-оёқлари жонсиз бўлиб, ўлтириб қолдилар. Ҳазрати Умардек соясидан шайтон қочган зот ҳушсизланиб, қўли қиличининг сопини тутган ҳолда масжид ичида у ёқдан бу ёққа югуриб:

— Расулуллоҳни ким ўлди деса у мунофиқдур. Расулуллоҳ ўлгани йўқ, лекин Парвардигорнинг олдига кетди. Мусо пайғамбар ҳам Худо олдига бориб қирқ кундан кейин келган эди, у зотни ҳам қавми ўлди, деган эдилар. Худо ҳаққи, Расулуллоҳ қайтиб келади.

Мунофиқларни ўлдириб жазоларини бермасдан туриб, дунёдан кетмайди, — дер эди.

Бутун Мадина халқи масжид атрофига йиғилган эдилар. Расулуллоҳнинг ўлими уларга қаттиқ таъсир қилган эди. Расулуллоҳ ҳаётларида фоний дунё билан боқий дунёнинг алоқаси бовланмиш эди. Худодан ваҳдий келиб туриши улуғ қудрат нишони бўлиб халқ кўзи олдига мўъжизаларнинг кўриниши эрса боқий оламнинг аломатлари эди. Буларни келтирган зот Расулуллоҳ бўлганлари учун бу ишларни кўзлари билан кўриб турган халқ у зотга ўлимни раво кўришмай ўлишларини узоқсиниб, ўлсалар ҳам дунёда узоқ яшаб умматларининг бутун Ер устида ғалаба қилганларини кўриб, исломият ҳукмини оламга юргизиб, бутун ишлар бажарилгандан кейин ўлсалар керак деб ўйланган эдилар. Тўсатдан бундай даҳшатлик мусибатнинг бирданига бўлиб қолиши мусулмонларни қаттиқ кўрқитмиш эди.

Шундоқ бўлса ҳам ҳазрати Абу Бакр Сиддиқнинг тадбири остида бу даҳшатлик мусибатни тинчлик билан ўткази олдилар.

Ҳаммадан илгари Расулуллоҳни ўринларига халифа тайинлаш зарур эканини эслатдилар. Чунки Мадина мунофиқлари орқали ички ва ташқи душманлар бу даҳшатлик воқеадан фойдаланиб қолишлари мумкин эди. Шунинг учун ҳаммадан бурун бу ишга киришдилар. Дарҳол Абу Бакр Сиддиқ даҳшат босиб турган халқ ичидан туриб минбарга чиқдилар. Расулуллоҳдан кейинги энг кучли нотиқлардан эдилар. Мақомга, аҳволга лойиқлаб ҳамд-санодан кейин шундай дедилар:

— Эй одамлар! Ҳар ким Муҳаммадга ибодат қилиб, унинг бандаси бўлса, билсинким, Муҳаммад ўлди. Агар Аллоҳга ибодат қилиб, Аллоҳнинг бандаси бўлса, Аллоҳ ўлгани йўқ, у доим тириқдур. Аллоҳ Қуръонда айтган: **«Вама Муҳаммадун илла расулун қод халат мин қоблиҳир русулу афайн мата ав қутилан қалабтум ала аъқобикум ва ман янқолиб ала ақибайҳи фалан яззурралоҳа шайъан васаяжзиллоҳуш-шокирин».**

Яъни *«Муҳаммад бир инсондан чиққан пайғамбардур. Мундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтганлар. Шунга ўхшаб бу ҳам ўтади. Агар Муҳаммад ўлса ёки ўлдирилса, яна орқанларга қайтиб кофир бўласизларми? Ким динидан қайтар экан, унинг зиёни ўзига бўлади.*



Аллоҳга зарар етказа олмайди. Ким динини сақлаб, унинг қадрини билар экан, Аллоҳ ажрини беради».

Худо Қуръонда хабар бермишдур: **«Иннака маййитун ва иннаҳум маййитуна».**

Яъни *«(Эй Муҳаммад,) сен ҳам ўлурсан, сендан илгариги пайғамбарлар ҳам ўлганлар».* Яна Қуръонда айтган: **«Кулли шайъин ҳоликун илла важҳаҳу лаҳул ҳукму ва илайҳи туржаъуна».**

Яъни: *«Аллоҳдан ўзга ҳамма нарса ҳалок бўладур. Ҳукми анингдур, Аллоҳга қайтасизлар».* Яна айтган: **«Куллу ман алайҳа фанин ва ябқо важҳу роббика зулжалали вал икромии».**

Яъни: *«Ер устидаги барча нарса фоний бўлур, иззат-ҳурмат эгаси бўлган ёлғиз Аллоҳ қолур».* Яна Қуръонда келган: **«Куллу нафсин зоикатул мавти ва иннама туваффавна ужурукум явмал қиёмати».** Яъни: *«Ҳар бир жонлик нарса ўлим шарбатини татийди, ажр-савоблари тамоми ила қиёмат кун берилади».*

Тўрт ёрнинг бошлиғи, Расулуллоҳнинг энг яқин кўрган дўсти ва қайноталари Абу Бакр Сиддиқдан бу таъсирлик сўзларни эшитгандан сўнгра, даҳшат босиб, ҳайронликда турган кишиларнинг ҳушлари ўзларига келиб, кўзлари очилди.

Ҳазрати Умар:

— Шу юқоридаги оятларни Қуръондан ўқиб юрган бўлсам ҳам, мусибат даҳшати босганликдан бунини ҳеч кўрмаган, ўқимагандек бўлиб қолган эканман. Қачон Абу Бакр Сиддиқ мунини минбар устида ўқидилар эрса, шунда ҳушим ўзимга келиб: **«Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун»**ни ўқиб ўзимга тасалли бердим.

Имом Бухорий ривоят қилибдур:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот топганларида, қизлари ҳазрати Фотима араб хотинлари одатларича шу сўзларни айтиб йиғладилар: «Худо чақириб кетган вой отам, жаннатдан ўрин олган вой отам, Жаброилга хабари етган вой отам, Худодан яхшилик топгай вой отам».

Расулуллоҳдан кейин олти ойгина умр кўриб, сўнгра вафот топмиш эди. Шу муддат ичида, олти ой ўтгунча, ҳеч бир кулмаган экан. Разияллоҳу анҳу.

Ҳазрат Али айтадурлар:

— Расулуллоҳнинг руҳларини қабз қилғондан сўнгра ҳазрати Азроил йиғлаганича осмонга чиқди. Худо ҳаққи осмондан «Во Муҳаммадоҳ» деб йиғла-

ган овоз садосини эшитдим. Бу эрса ҳазрати Алининг кароматидур.

Ҳақиқатда эса мўминларга Расулуллоҳнинг вафотлари энг улуғ мусибатдур. Мунинг олдида дунёнинг барча мусибатлари йўқ ҳисобида эди.

Ибн Можа ривоят қилур: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот топган шу бетобликларида айтган эканлар:

— Умматларимдан қайси бирига ўлим мусибати етса, мендан ажраган мусибатни ўйлаб ўзини юпантирсин.

Мадина аҳли шу сўзни Расулуллоҳдан эшитгандан сўнгра, агар улардан бирортасига ўлим мусибати етар экан, унинг дўстларидан бирови келиб қўлини тутиб:

— Расулуллоҳдан ажраганимизни эслайлик, шундан ибрат олайлик, — деб унга кўнгил айтур эди.

Эй дўстим, ибрат кўзи билан боқайлик. Мана дунёнинг сўнги ҳоли, бўлар иши шудир. Киши ҳар қанча узун умр кўрса ҳам охири бир куни ўлиши бордур. Дунё ва дунёда яшайдиган барча нарсалар бир куни йўқолғусидур. Йўқолмаслик, ўлмаслик ёлғиз Аллоҳнинг ўзигагина хосдир. Дунё саройига ҳар куни келиб, қўниб ўтгувчилар кўпдур. Лекин у ёқдан қайтиб келган ҳеч одам йўқдур. Кўриб турамиз, дунё ҳеч кимга вафо қилмайду, билиб турамиз, дунё давлати ҳеч ким қўлида қолмайди. Одам онасидан туғилиб келди, кичик эди, катта бўлди, ёш эди, қариди, охири ўлди. Ўлганлар эса туғилмагандек бўлди. Бир неча йил ўтгач, уни эса олувчилар тугайди. Ёлғизгина халққа яхшилик қилганларнинг яхши оти қолади. У дунёга борганда унинг роҳатини кўради. Агар ёмонлик қилувчилар бўлса, бу дунёда халқнинг нафратига қолиб, у дунёда эрса Худонинг ғазабига йўлиқади. Энди ақлик, хушёр кишиларга шу сўз етарлиқдур. Шулардан ибрат олиб, ўз ишини билиб қилиши керақдур.

Яна ўз сўзимизга келайлик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн иккинчи раббӣъал аввал душанба куни ўн биринчи ҳижрийда вафот топдилар. Бу сана милодий 632 йил 11 июнга тўғри келади. Сешанба ўтиб чоршанба оқшомиди қабрга қўйилдилар. Демак дафн қилиш икки кун кечиктириди. Мунинг сабаби эрса Расулуллоҳнинг ўринларига бир кишини халифа сайлаб қўйишлик эди. Расулуллоҳ ҳаётликларида «Мендан кейин ўрнимга Фалоний бўлсин», деб очик айтиб, бирорта кишини

кўрсатмаган эдилар. Агарда бирортани тайин қилган бўлсалар эди, «**Атиуллоҳ ва атиур-расула**», яъни: «Аллоҳга ва ҳам унинг пайғамбарига итоат қилин-лар» деган Қуръон ҳукмига қараб шаксиз қабул қилур эдилар. Лекин Расулуллоҳ ҳеч кимни халифаликка кўрсатмадилар. Чунки Ислому ҳукумати эрса «**Ва ам-руҳум шуро байнаҳум**», деган оят мазмунича подшо-лик давлати эмас эди. Шунинг учун халқ хоҳлаганини ўзи сайласин, деб халифаликка бировни васият қил-мадилар. Шу сабаблик ансор ва муҳожирин саҳобал-лар ўрталарида бир оз бўлса ҳам халифа сайлашда тортишувлар бўлди. Мадиналик ансор саҳобалар му-ҳожирларга қараб:

— Биздан бир киши, сиздан бир киши, икки амир бўлсин, — дедилар.

Оғизда бўлса ҳам дастлаб Ислому кирган ихтилоф шу эди. Бу сўзга қарши Ҳазрати Абу Бакр:

— Амир биздан, вазир сиздан бўлсин, чунки араб халқи Қурайш қабиласига тобе бўлишни оғир олмай-дилар. Бир жойда икки амирнинг бўлиши мумкин эмас-дур, — деб уларни қайтардилар.

Ансор саҳобаларнинг катталаридан Зайд ва Собит туриб:

— Бизни Расулуллоҳ «ансор» (ёрдамчи) деб атаган-лар. Чунки Худога ва унинг пайғамбарига ёрдамда булганмиз. Энди Расулуллоҳнинг халифалари шулар-дан бўлсин, унга ҳам биз ёрдамчи бўлайлик. Халифа-лик шу кишига лойиқдур, — деб Абу Бакр Сиддиқ-нинг қўлини тутди.

Ансор раисларидан Башир ибн Саъд, Усайд ибн Ҳузайр бу сўзни қутладилар. Сўнгра Ҳазрати Абу Бакр сўзга чиқиб, сўзнинг охирида:

— Мен халифаликка шу икки одамдан бирини хоҳ-ладим. Бири — Умар ибн Хаттоб, иккинчиси — Абу Убайда ибн Жарроҳдур.

Эй Ансор жамоати! Қуръондаги Худо айтган дин қариндошимиз эрурсиз. Аллоҳ ҳукмига ҳаммадан ил-гари сизлар рози бўлишинглар лозимдур. Мен шу ик-ковига рози бўлдим, — деб уларнинг қўларини тутиб кўпчилик халққа кўрсатди. Ҳар иккови ҳам эй Абу Бакр сен турганда бу ўринга ҳеч ким лойиқ эмасдур. Баримиз сенга розидурмиз, — дедилар.

Яна Ҳазрати Умар халққа қараб:

— Абу Бакр олдида халифа бўлганимдан бошим

кесилгани яхши. Эй Абу Бакр, сен бизнинг сайидимиз, баримиздан яхшироқ, баримиздан Расулуллоҳга яқинроқдурсан. Расулуллоҳ тирикликларида намозга сени имом қилиб, динимизга, охиратимизга бошлиқ қилиб, сенга ишондилар. Нечун биз дунёмиз учун ишониб сени халифа қилмаймиз? Сенинг олдинга тушиб халифа бўлишга кимнинг кўнгли унайди? — деди.

Бутун халқ бу сўздан қаттиқ таъсирландилар. Муни билгач, Ҳазрати Умар:

— Қани бер кўлингни, — деб биринчилардан бўлиб байъатга қўл узатди.

Шу билан байъат бошланиб аввал муҳожирин, сўнгра ансор саҳобалар ҳазрати Абу Бакрга байъат қилдилар. Ҳажарул асвадни талашгандек барчалари, розилик билан Расулуллоҳ ўринларига ҳазрати Абу Бакр Сиддиқни халифаликка сайладилар. Лекин муҳожирлардан Ҳазрати Аббос, Ҳазрати Али, Зубайр ибн Аввом, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Миқдод ибн Асвад, яна Баний Ҳошимдан бир неча кишилар бу байъатга ҳозир бўлиша олмади. Чунки бу иш тўсатдан бошланиб, уларни чақиритишга вақт етмади. Мунофиқларнинг ифвоси билан халифалик бизда бўлсин, деб, ансорлардан талаб қилувчилар бўлди. Шунинг учун саҳобалар, айниса, Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрати Умар, бу ишни тезроқ битиришга шошилдилар. Бирор фитна чиқиб қолишидан кўрқиб катта-кичик ҳаммани йиғиб, сайлов ўтказишга улгуролмадилар.

Агар шу йиғинда Ҳазрати Абу Бакр Сиддиққа байъат берилмай тарқашганларида, ансорлардан Саъд ибн Убодага ўз қавларининг байъат қилишлари эҳтимолга яқин эди. Бундай бўлганда муҳожирлар унга рози бўлмасалар, у чоғда мунофиқлар томонидан бирор фитна кўзғалиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун байъатни кечиктиришга Ҳазрати Умар йўл қўймадилар.

Ҳақиқатда эса бу иш Аллоҳнинг улуғ инояти бўлди. Расулуллоҳ вафот бўлган кун — душанба куни Ҳазрати Абу Бакр халифа бўлиб сайландилар. Шу куни эрталабки намоздан сўнг Ҳазрати Абу Бакр минбарга чиқди эрса, Ҳазрати Умар минбар олдида Аллоҳга ҳамд-сано айтгандан сўнгра халққа қараб:

— Эй мўминлар! Аллоҳ, бу ишни ичимиздаги ишонган энг яхши кишига топширди. Расулуллоҳнинг сирдоши, фор ичида бирга бўлган йўлдоши Расулуллоҳ

ўринларида халифа бўлди. Кечаги байъатда ҳозир бўлмаганлар, энди байъат қилинлар, — деди.

Ҳаммалари туриб байъат қилдилар. Байъат тугагач, Ҳазрат Абу Бақр Худога ҳамду сано айтгандан сўнгра халққа қараб:

— Эй одамлар! Мени Расулуллоҳ ўрнида халифа сайлаб бу ишга эга қилдинглар. Лекин мен ичинлардаги энг яхшинлар эмас эдим. Шундоқ бўлса ҳам бу лауғ ўринга ўтирдим. Агар яхшилик қилсам, менга ёрдам беринлар. Агар ёмонлик қилсам, мени тўғриланлар. Чин сўз омонатдур, ёлғон хиёнатдур. Ҳаққига еткизганимча кучсизлар меним олдимда кучлиқдур. Ҳақсизлик қилган кучликлар менинг олдимда кучсиздур. Иншааллоҳ, сўзим шудур. Қайси қавм Худо йўлида ғазот қилишдан қочар экан, Аллоҳ уларни хорликка қодиргай. Қайси халқ ичида гуноҳ ишлар кўпайса, уларни бало қоплагай. Агар мен Худога, унинг пайғамбарига итоат қилмас эрсам, менга итоат қилиш сизларга лозим эмасдур, — деб минбардан тушди.

Ҳазрати Абу Бақр халифа сайланиб, байъат иши битгандан сўнгра чоршанба кечаси Расулуллоҳни қабрга қўймоқчи бўлдилар. Ювиш тўғрисида бошқа майитлардек яланғоч қилишми ёки қўйлак-иштонлари устидан ювиш лозимми, дейишиб маслаҳат қилишганларида, уй бурчагидан: «Расулуллоҳ покдур, ювманлар» деган товуш эшитилди эрса, оналаримиз: «Бу сўз тўғридур, Расулуллоҳ пок бўлгач ювдирмаймиз», — деган сўзга келдилар.

Ҳазрати Аббос: «Нима эканлиги бизга маълум бўлмаган овозга ишониб, Ислому одатини қандай ташлаймиз?», деб турганларида, ғойибдан яна бир товуш келиб: «Либос устидан ювинлар, мен Хизрдурман», деди.

Қандоқ бўлса ҳам қўйлак-иштон устидан сувга олдилар. Бу муборак хизматга кирганларнинг ҳаммалари қариндошларидан: амакилари ҳазрати Аббос, Ҳазрати Али, ҳазрати Аббоснинг ўғиллари Фазл ва Қусам, яна Расулуллоҳнинг икки озода қилган қулларидан бири Усома ибн Зайд ва Шақрон эди. Мана шу номлари ёзилган олти одам муборак хизматга киришдилар. Лекин Расулуллоҳнинг қутлуғ жасадларига қўл урган киши Ҳазрати Али эди.

Расулуллоҳ васият қилиб:

— Мени Али ювсин. ўзга одам ювмасинким, ундан

бошқа кишининг кўзи авратимга тушиб қолса кўр бўлиб қолгай, — деган эдилар.

Усома билан Фазл кўзлари боғлиқ парда орқасидан туриб ҳазрати Алига сув узатиб турдилар. Ҳазрати Аббос ва Қусам сув қуйишиб, ўннга-сўлга ағдаришиб Алига ёрдамлашдилар.

Ҳужра ичига Расулуллоҳни ювиш учун бир чодир тикилган эди. Шу чодир ичида ювдилар. Биринчи ҳижратларида келиб тушган Қубо қишлоғидаги Фарас қудуғидан сув олиб келдилар. Расулуллоҳ ҳаётларида кўпроқ шу қудуқ сувидан ичардилар. Бу қудуқ яхши, бунинг суви жаннат булоғидан келади, деган ривоят ҳам бордур.

Шундоқ қилиб, Расулуллоҳни уч марта ювдилар. Биринчи, қуруқ сув билан, иккинчиси сийр қўшилган сувда, учинчиси кофур қўшилган ҳиддик сув билан ювдилар. Сажда қилганда ерга тегадирган жойларига кофур суртдилар. Сўнгра уч қават оқ бўздан тикилган кафан қилдилар. Ювишда, кафан қилишда Расулуллоҳга қандай қилинган бўлса, умматларига ҳам шундай қилиш суннат бўлди.

Расулуллоҳни қайси жойда дафн қилиш маслаҳати бўлиб, баъзилари масжид минбари олдига, баъзилари Бакиъ гўристонига дейишди.

Анда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ:

— Пайғамбарлар қайси жойда вафот топсалар, шул жойда дафн бўладилар, деган сўзни Расулуллоҳдан эшитган эдим, — деб онамиз Оишанинг уйида ўзлари ётган тўшаклари тагидан қабр қазишдилар. Ювиб бўлгандан сўнгра сарирга солиб, устиларини ўраб қабр оғзига келтириб қўйдилар. Ҳозир бизнинг жаноза ўқишимиздек, Расулуллоҳга жаноза ўқилмади. Балки тўрт тўп бўлишиб, кириб ҳар қайсилари имомсиз ўзлари такбир айтиб, саловот ўқиб чиқар эдилар. Энг аввал Расулуллоҳнинг яқинларидан амакилари Аббос, Ҳазрати Али бошлиқ Бани Ҳошимнинг эркаклари жаноза устига кириб такбир айтиб, дуо қилиб чиқдилар. Сўнгра хотинлар, қуллар, чўрилар, болалар, ҳар қайсилари ўз тўплари билан киришиб дуо қилиб, такбир айтишиб, йиғлашиб чиқар эдилар. Ҳар ким ўз билганича сўз айтиб, дуо қилар эди. Баъзи бирлари:

— Расулуллоҳ, сиз Худо амрини бизга етказдингиз, ҳақ йўлни кўрсатиб, ҳақ динни бизга ўргатдингиз, Худо олдида гувоҳлик берамиз, — дер эдилар.

Шу тартиб ила жаноза ўқилгач, қабрга ўз уруғларидан ҳазрати Аббос ва ўғиллари Фазл ва Қусамлар тушдилар. Ўринларига қўйиб чиқишларида Қусам ибн Аббос ҳаммаларидан кейин чиқди. Тўққиз дона хом ёишт билан қабр оғзини беркитдилар. Тупроқ солиш вақтида ҳазрати Фотима Расулуллоҳ устларига келиб: «Тупроқ ташлашга қандай кўнглинлар чидайди?» деб ўзи йиғлаб, ҳаммани йиғлатди. Сўнгра қабр тупроғидан бир сиқим олиб кўзига қўйиб, ушбу шеърни ўқиб йиғлади:

*«Суббат алайя масойбу лав аннаҳо,  
Суббат алал айёми сирна лаёлиё».*

Маъноси:

*Тушди бошимга мусибатдан қора кунлар, бу кун,  
Бу ёруғ олам кўзимга қоп-қаро тунлар бу кун.*

Сўнгра ҳазрати Билал бир меш сув келтириб қабрга сепиб, оқ, қизил майда тошлардан устига териб қўйдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак жасаdlари ётган жой ер-кўкдаги барча табаррук жойлардан, балки Арши Аъзамдан ҳам ортиқдур. Бу масалада ҳамма уламолар бир иттифоқдадилар, ҳеч хилоф йўқдур.

Расулуллоҳнинг ходимлари ҳазрати Анас айтадилар: «Расулуллоҳни қабрга қўйиб, қўл тупроғини қоқмасдан туриб, диллар ўзгарди, кўнгиллар ғамга тўлиб, кўзга олам қоронғу бўлди. Шу жойдаги кишилар бир-бирларимизни кўролмай қолдик». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар Аллоҳ таоло бир умматга яхшилиқ хоҳлар экан, у умматнинг пайғамбари улардан илгари ўлади», деб ўз умматларига тасалли берган эдилар.

Оҳ, юз оҳ, минг оҳким, Расулуллоҳнинг вафотлари умматларига энг улуг мусибатдур, айниқса, муборак дийдорларини кўрмаган умматлари учун тугамас армондур. Ёлғиз умматлари эмас, Раҳматанлилоламин бўлганликларидан бутун олам аҳлини бу мусибат қайғуси қопламиш эди. Расулуллоҳнинг фироқларига чидаёлмай миниб юрган Яъфур деган эшаклари ўзини қудуққа ташлаб ўлди. У зотдан ажраганига мотам тутиб туялари ҳеч нарса емасдан, охири очликдан ҳалок бўлди.

Расулуллоҳ дунёдан ўтдилар эрса, умматларига уч нарсани қолдириб кетдилар:

Биринчиси, Аллоҳнинг сўзи — Қуръони карим; иккинчиси, ўзларининг сўзлари — Ҳадиси шарифдур.

Агар уммат бу икковидаги сўзларга амал қилиб, булардаги кўрсатилган йўлдан чиқмасалар, қиёматгача ҳақ йўлидан адашмайдилар, ҳеч нарса уларга зарар келтира олмайди.

Учинчиси, саҳобаларни умматларига қолдирдилар. Расулуллоҳнинг сўзлари — ҳадиси шарифлар шу зотлар орқалик бизларга етиб, шуларнинг ҳимматлари билан Исломи дини ер юзига тарқалди. Инсон оламида кўп жонфидаликлар кўрсатиб, мўминлар дилидаги ўчмас иймон чирогини шулар ёндириб кетдилар, разияллоҳу анҳум.

### **РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ТАН ТУЗИЛИШЛАРИ**

Аллоҳ таоло Аршдан тортиб Фаршгача барча яратган нарсаларни инсон учун яратмишдур. Инсон ичидаги энг улуғлари улардан чиққан пайғамбарлардур.

Қайси замон, қайси даврда бир пайғамбар юбормоқчи бўлса, уни энг яхши одамдан юбориш Аллоҳнинг одатидур. Ҳар замонда пайғамбар бўлган киши ўшал замоннинг энг олими, энг ақлли, доноси бўлиши устига ҳар бир яхшилик сифатга, энг олий ахлоққа эга бўлиши шартдур. Лекин бу фазилатлар уларнинг ҳаммаларида баробар эмасдур.

Ҳар бир яхши ахлоқ сифатларда барча пайғамбарларнинг ортиқроғи бизнинг Пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдурлар. Ахлоқ ва фазилат осмонида Расулуллоҳ гўёки қуёш бўлсалар, қолган пайғамбарлар қуёш атрофидаги юлдузлар кабудур. Пайғамбаримизнинг сифатларини Худодан ўзга ҳеч ким ҳамма томонларини айтиб тутата олмайди. Ой нурни Қуёшдан олгандек, барча пайғамбарлар ҳам ўз нурларини Расулуллоҳдан олгандурлар. Қисқаси шулки, барча яратилмиш нарсаларнинг сараси инсондур. Инсоннинг энг ортиғи пайғамбарлардур. Пайғамбарлар ортиғи бизнинг Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдурлар.

Пайғамбарларнинг ҳаммалари зоҳирий кўринишларида ҳусн-жамолга, ботиний яратилишларида олий ахлоққа эга эдилар. Пайғамбаримизнинг жисмоний ту-



зилишлари эрса ҳаммадан келишимроқ ва ҳам соғлом эди.

Аллоҳ юборган барча пайғамбарларнинг юзлари чиройлик, қадди-бастлари кўркем, товушлари ёқимлик эди. Айниқса, бизнинг Пайғамбаримиз ҳаммаларидан ҳам чиройлик, яхши унлик эдилар. Бўйлари эрса ўртачадан озгина узунроқ эди. Лекин ҳар қандай новча одамлар билан бирга юрганларида, бошқалар кўзига улардан эгизроқ кўринар эдилар. Ёлғиз юрганларида ўрта бўйлик эканликлари билинур эди. Бошлари катта, икки елка оралари ва кўкрак-кўксилари кенгроқ бўлиб, сочлари ўсганда елкаларига, ўсмаганда қулоқ юмшоқларига тушар эди. Умрлари ичида тўрт марта соч олдириб, сочларини саҳобалар табаррук қилиб, ўргаларида бўлишиб олганлар. Муборак юзлари оқ бўлиб, қизил билан суғорилган эди. Манглайлари (пешоналари) кенг, қошлари эгилган, ингичка, ораси кўшилмаган, бурун устилари эгизроқ, ҳам озгина қангшарлик эди. Муборак юзлари текис, юз суякларига дўмбоқлик йўқ эди. Тишлари инжудек тизилган, ялтироқ, соқоллари сийрак эмас, қалинроқ, кўзлари қора, ҳам каттароқ эди. Юзлари кулча юзлик, тегаракроқ эди. Кўкрак олдилари текис, қурсоқлик (қоринлик) эмас, бўйинлари унча узун эмас, ўрта бўйинлик эди.

Абу Ҳурайра айтди:

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўркем, чиройлик кишини мен ҳеч кўрмадим. Юзлари тўлин ойдек ё қуёшдек, агар кулсалар, тишларидан чиққан нур шуъласи деворга тушар эди. Расулуллоҳни биринчи кўришда ҳар қандай одамни ҳайбатлари босар эди. Улфат олиб ўрганишгандан сўнгра Расулуллоҳга жонфидо бўлиб, муҳаббат билан кўнгли боғланур эди. Қисқаси шулки, у зотни кўриб сифатларини билган кишилар ҳусн-жамолларининг кўркемлигида, феъли-хуylарининг яхшилигида бу зотга ўхшаган кишини ҳеч кўрмаганмиз. — дер эдилар.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳнинг руҳларини қандай пок яратган бўлса, танларини ҳам шундай яратмиш эди. Пайғамбаримизнинг ўзларига хослаган, бошқаларда бўлмаган бир неча хислатлар бор эди. Шулардан бири, муборак танларига кир юқмас, энгил-бошлари кирламас, бурга-битта ўхшаш жониворлар яқинларига келмас эди. Ўзлари доим тозалик, покизаликни севар эдилар. Бу табиий тозаликни шариат поклиги билан қув-

ватлаб, «Ислом дини поклик узра қурилмишдур», деб мусулмонларни тозаликка ундар эдилар.

Хуш ислик нарсалардан суртилсин-суртилмасин, доим ўзларидан яхши ҳид чиқиб турарди. Расулуллоҳнинг хос ходимлари ҳазрати Анаснинг айтишлари-ча, мушку анбар, атир-ийпорнинг исидан Расулуллоҳнинг ислари яхшироқ эди.

Ҳазрати Жобир ибн Абдуллоҳ:

— Расулуллоҳ менга муҳаббат қилиб, юзимни силаб қўйиб эдилар, ийпор солган халтадан қўлларини янги чиқаргандек бўлиб, шундоққина ҳамма ёғим ийпор ҳидидан ҳидланиб кетди.

Агар Расулуллоҳ бирор киши билан қўл ушлашиб қўришган бўлсалар, шу кишининг қўлидан бир кун атир иси кетмас эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёш болаларни бек севар эдилар. Айниқса, етим болани кўриб қолсалар, уни эркалатиб:

— Мен ҳам етим эдим, етимни кўрсанглар, мени етимлигимни эсга олиб бошини силанглар, кўнгилларинг юмшайди, — деб бошини силар эдилар. Анда ул боланинг неча кунгача бошидан атир ҳиди кетмас эди. Кўп болалар ичида турса ҳам «Муниг бошига Расулуллоҳнинг қўллари теккан экан», деб ҳаммалари билар эдилар.

Агар Расулуллоҳ бир кўчадан ўтиб кетган бўлсалар, у кўча атир ҳидларига бурканиб, Расулуллоҳнинг ўтганликлари маълум бўлур эди. Бу китобда бизнинг ёзганларимиз бошқаларга қараганда юздан бири ҳам келмайди. Худони сифат қилишдан бандалари ожиз қолгандек, Расулуллоҳни сифат қилувчилар ҳам ожиздурлар.

Кўзларининг нурини Худо шундоқ қувватлик қилмиш эдиким, Меърож кечасида Худо жамолини кўришга тоқат қилдилар. Ҳолбуки, Мусо алайҳиссалом Тур тоғига тушган бир жилвага тоғ сингари тоқат келтиролмай, беҳуш бўлиб йиқилдилар.

Аллоҳ таоло Қуръонда «Ма зағол басару ва ма тағо» деган ояти билан Расулуллоҳни сифатлади. Яъни, Меърож кечасида кўрган нарсасидан Муҳаммад кўзи қамашмади. Қамашган кўз эрса, кўрган нарсасини аниқлай олмайди. Муҳаммад кўзи Меърож кечасида нима нарсани кўрди эрса, аниқлаб кўрди, демақдур.

Расулуллоҳ нимага қарасалар, ўшал нарсани ҳақиқати билан кўрар эдилар. Кеча-кундуз баробар бўлиб,

тун қоронғуси кўз нурларига тўсқинлик қилолмас эди. Олдидаги нарсани қандай кўрсалар, орқадаги нарсани ҳам шундай кўрар эдилар. Кўришда олди-орқалари баробар эди. Имом Бухорий, имом Муслим ҳар икковларидан бу тўғрида ривоят бордур. Бу ишлар эрса Расулуллоҳнинг мўъжизаларидандур. Ҳар қандай кўзи ўткир одам Ҳулқарга қараса, беш-олти юлдуздан ошиқ кўролмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан ўн юлдуз санар эдилар.

Расулуллоҳ йигирма уч йиллик пайғамбарлик даврларида Жаброил алайҳиссалом билан йигирма тўрт минг марта кўришдилар. Аммо ўз суратида икки қайта кўрдилар. Ўтган пайғамбарларнинг ҳеч бировлари Жаброил алайҳиссаломни ўз суратида кўролмадилар ва улар олдига уч мингдан ортиқ келмаган эканлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари узоқни кўргандек, қулоқлари ҳам йироқдан эшитар эди. Товушлари эрса узоққа етар эди. Соялари ерга тушмади. Қуёшда, ойдин кечаларда ҳеч кўланкалари кўринмас эди. Ҳожатга ўлтирсалар олди ва орқаларидан чиққан нарсаларини ер ютиб, ҳеч кимарса уни кўролмас эди.

Расулуллоҳнинг оталари Абдуллоҳдан мерос қолган додаклари Умму Айман шундоқ ривоят қилур:

— Бир кеча уйқудан уйғониб, кўп чанқаб кетган эканман, қарасам, уй бурчагида бир кўзада сув турган экан. Унинг хушбўй, хушмазалигидан чанқоғим қонганча ичдим. Эрталаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўзани тўкиб қўйгил, деб менга буюрдилар.

— Ё Расулаллоҳ, у нима эди? Мен уни ичиб қўйганман, — дедим.

Расулуллоҳ кулиб:

— Эй Умму Айман, энди умринг ичида қорин оғриғи кўрмайдурсан. Бу кеча туриб у кўзачага мен кичик ҳожат чиқарган эдим, — дедилар.

Расулуллоҳ айтганларидек Умму Айман қорин оғриғи ва бошқа касаллардан умрида касал бўлмади.

Ҳазрат Оиша онамиз:

— Ё Расулаллоҳ, сиз ҳожатга борасиз, аммо ўлтирган жойингизда ҳеч нарса кўрмаймиз, — деди.

Анда Расулуллоҳ:

— Ё Оиша, пайғамбарлардан чиққан нарса ер устида қолмайди, уни ер ютиб юборади, — дедилар.

Банка қўйиш, қон олиш илгариги арабларда ҳам

бор эди. Расулуллоҳнинг қонлари кўпайганликдан бошлари оғриб эди. Абу Тийба деган киши келиб қон олди. Олиб бўлгандан кейин Пайғамбаримизнинг аммалари Сафия уғли Зубайр ибн Аввомнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Зубайр ҳозир эди.

— Қонни киши кўрмаган жойга тўкиб кел, — деб унга буюрдилар эрса, Расулуллоҳ қонларини ерга тўкишга кўзи қиймай ўзи ичди.

Расулуллоҳ ундан:

— Қонни нима қилдинг? — деб сўрадилар.

— Кўмиб ташлашга кўнглим бўлмай уни ичдим, ё Расулаллоҳ, — деди.

— Эй Абдуллоҳ, ўзингга ҳам қийин бўлди, кишиларга ҳам қийин бўлди, — деб унга кўп ачиндилар.

Расулуллоҳ айтганларидек, шу қонни ичгандан сўнгра ҳиммати кўтарилиб, шижоат-баҳодирлиги кўпайди. Ҳазрати Муовия ўлгандан кейин Язидга ва бошқаларга итоат қилишга ҳимматлари қўймай ўзлари халифа бўлдилар: Ҳижоз, яман, Ироқ, Хуросон мамлакатлари бу кишига байъат беришиб, саккиз йил халифаликда турдилар. Ул чоғда Абдулмалик ибн Марвон Шомда подшо эди. Ҳажжож қўмондасида бу кишига қарши аскар юбориб, ҳар икки халифа ўртасида уруш бошланди. Шом аскари Маккага келиб, шаҳарни камал қилдилар. Уруш узоққа чўзилиб, Макка халқи олти ой камал остида қолди. Ҳар ёқлама қийинчиликлар бўлиб, охири бу кишининг тарафдорлари тарқалиб кетдилар. Ўзи ёлғиз қолгунча душманга қарши урушиб, энг сўнги кунгача чидамлик билан туриб шаҳодат топди. Разияллоҳу анҳу. Онаси Асмо Абу Бакр Сиддиқ қизи, ҳазрат Оишанинг опаси эди.

Шаҳид бўлганида ёши етмиш иккида эди. Етмиш учинчи ҳижрий тарихида бу воқеа бўлди.

## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ АХЛОҚЛАРИ

Пайғамбаримизнинг ахлоқлари ҳақида онамиз Оишадан саҳобалар сўрадилар.

Анда ул мухтарама:

— Хулқлари Қуръондир (яъни, Қуръон кўрсатган яхши ахлоқларнинг ҳаммаси Расулуллоҳда бор эди), — дедилар.

Аллоҳ таоло Расулуллоҳни ахлоқларини ўзи мақтаб Қуръонда шу оятни келтирди: «**ва иннака лаала ху-**

**луқин азимин»,** яъни: «*Сенинг худқинг кўп яхши, ниҳоят улуғдир*». Қисқаси шулки, Худо яратган инсонлардаги яхши сифатларни камоли билан Расулуллоҳга ато қилмиш эди. Илмда, сабрда, саҳоват, шижоат, адолатда камолига етган эдилар. Шу сифатлардан бирортасига киши эга бўлар экан, унинг номи чиқиб оламга машҳур бўлишдур. Шундоқки, саҳоватда Хотамнинг, адолатда Нуширавоннинг номлари кўтарилди. Булардан бириси адолатга, иккинчиси саҳоватга эга бўлмиш эдилар. Аммо Расулуллоҳ Худо яратган олий сифатларнинг барчасига эга эдилар. Чунки, Аллоҳ таоло бу зотни бутун оламга пайғамбар қилди. Шундоқ улуғ хизматни бажариш учун бу зотни комил қилиб яратди. **«Ва алламака ма лам такун таълам. Ва кана фазлуллоҳи алайка азима»,** яъни: «*Билмаган нарсаларни Аллоҳ сенга билдирди. Худонинг фазл карами сенга ниҳоят улуғдир*».

Бу оятнинг мазмунига қаралса, Қуръонга иймон келтирган ҳар бир одам Пайғамбаримизнинг даража ва мартабалари Худо олдида қандоқ улуғ эканига яхши тушунади. Аллоҳнинг бандаларига берган неъматлари ичида энг улуғи ақддур. Бу улуғ неъматни Худо яратганича Расулуллоҳга бериб, шу ақл неъматни орқалик бутун фазли камолга эга бўлиб, икки дунё давлатига умматларини эриштирмакка йўл кўрсатдилар. Хоҳи диний, хоҳи дунёвий ҳар бир ишда кишиларнинг ўзларига қараб, ақлига яраша муомала қилар эдилар. Аллоҳ таоло халқни ички ва ташқи сифатларини қолдирмай Расулуллоҳга билдирган эди. Шунга кўра уларга тарбият берар эдилар, чунки бандаларнинг Худо даргоҳига лойиқ бўлишлари учун шайтоний сифатлардан уларни пок қилиб, ҳайвоний сифатларини ислоҳ қилиш лозимдур. Бу иллатларнинг табиби, биринчи, пайғамбардур. Худо тарафидан келтирган руҳоний дорилари билан инсонларнинг ички-ташқи куфр, нифоқ дардларига даво қила оладилар. Пайғамбарлардан сўнгра авлиёлар, ҳақиқий олимлар бу хизматни бажарадилар.

Бутун инсонларнинг ҳаёт кечиришларида ҳам зоҳирий, ҳам ботиний, ахлоқларини тузатиш учун Худо тарафидан Расулуллоҳ юборилмиш эдилар. Шу учун Аллоҳ таоло халқнинг ички-ташқи ёмон сифатларидан Расулуллоҳни хабардор қилмиш эди. Шунга кўра ҳар кимнинг дардига қараб даволадилар. Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло зоҳирий илмини берган эди. Ум-

матларининг қилган ишлари шариат зоҳирига келса, шунга қаноат қилар эдилар. Аллоҳ таоло Хизр алай-ҳиссаломга ботин илмини ато қилиб, шунга амал қилишга буюрган эди. Бизнинг Пайғамбаримизга Аллоҳ таоло ҳар икковини ҳам берди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам халқнинг зоҳирига ва ботинига қараб, муомала қилар эдилар. Расулуллоҳ муомаласи кўпол бўлган аъробийлар билан суҳбатлашсалар, уларга кўрсатган яхши ахлоқ, яхши сўзлар таъсиридан алар шу мажлис ўтмай туриб, кўнгиллари иймонга мойил бўлар эди.

Таврот олимларидан Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтди:

— Ўтган пайғамбарларга Худо тарафидан берилган китоблардан етмиш биттасини ўқиб туширдим. Расулуллоҳнинг сифатларини шуларнинг ҳаммасида кўрдим. Худо томонидан Расулуллоҳга берилмиш ақл олдида бошқаларнинг ақллари дарёдан бир томчи сув мисоли, деб ёзилганини ўқидим.

Аллоҳнинг одати шудурки, қайси бандасига ақлни кўпроқ берар экан, шунга яраша қолган яхши феъл-хуйларни ҳам унга кўпроқ беради. Киши хулқининг кенглиги ҳам, унинг ақлининг кенглигига яраша бўлади. Шунинг учун Расулуллоҳнинг олдида бирор кишини мақтасалар, унинг ақли қандоқ экан, деб сўрар эдилар. Энди Расулуллоҳнинг ақллари қандоқ камолига етган бўлса, у зотда бўлган бошқа сифатлари ҳам шундоқ камолга етган эди.

— Кишининг иймони сабр билан камолга етади. Жасадга бош қандай зарур бўлса, иймонга сабр шундай зарурдир, — дедилар.

Расулуллоҳга пайғамбарлик келгандан сўнгра ўн уч йил Маккада турдилар. Бу муддат ичида Макка мушриклари, Қурайш кофирлари Расулуллоҳга кўрсатмаган кулфатлари, қилмаган жабр-жафолари қолмади. Шуларнинг барига сабр қилдилар. Ҳақиқатда ҳам ўтган пайғамбарлардан ҳеч қайсилари ўз қавмларидан Расулуллоҳдек қаттиқ азиятлар кўрмаган эдилар. Айниқса, ҳимоятчи амакилари Абу Толиб, ғамгузор ёри меҳрибонлари онамиз Ҳадича икковларининг вафотларидан кейин еру кўк титрагудек, юраклар эзилгудек, кўзлар қон йиғлагудек азиятлар кўриб, сабр-сабот билан барини ўтказдилар.

Буларнинг ҳар бирини ўрни билан юқорида баён қилиб ўтдик. Ўқувчиларга маълумдирким, Уҳуд тоғида

бўлган урушда эрса кофирлар муборак бошларини ёриб, тишларини синдирдилар. Бутун танларида тиг тегмаган, жароҳат бўлмаган жойлари қолмаган эди. Ҳазрати Али ва Ҳазрати Фотима йиғлаб туриб бош кўзларидан қонларини ювдилар. Оққан қонларини ерга туширмай, ўзлари артиб турдилар:

— Агар бир қатра қоним ерга тушса, осмондан азоб тушиб, ҳаммани ҳалок қилур, — дедилар.

Бу ишга саҳобалар чидаёлмай:

— Ё Расулаллоҳ, дуо қилинг ер устида кофирлар қолмай қурсинлар, — дедилар эрса, Расулаллоҳ:

— Мен халққа Худодан лаънат ёғдиришга келмадим, — деб, алар ҳақларига шундай дуо қилдилар:

— Эй бор Худоё, буларни тўғри йўлга ҳидоят қилиб, гуноҳларини кечиргил. Булар билмайдилар, бу ишни билмасликдан қиладилар.

Расулаллоҳ ўзларига тегишлик нарсаларда, яъни ўз ҳақлари бўлиб, ўзларини ранжитиб, азият берган кишиларнинг хатоларини афв этиб, гуноҳларини кечар эдилар, аммо Худо амрини бузиб, шариат ҳукминини хор тутган кишиларга қаттиқ ғазаблари келур эди.

Ҳандақ урушида мушриклар ҳужум қилиб, намоз ўташга фурсат бермадилар. Расулаллоҳнинг намозлари шу куни қазо бўлди. Шунда ғазаблари келиб: «Булар бизни намоздан қолдирди. Аллоҳ уларнинг қоринларини, қабрларини ўтга тўлғазсин», деб қарғадилар. Бу ғазаблари эрса ўзлари учун эмас, балки Худо учун эди. Аммо бошлари ёрилиб, тишларининг синиши ўз ҳақлари бўлгани учун уни афв қилдилар.

Шуни ҳам билмоқ керакким, ҳар бир инсоннинг етмиш учта яхши қилиғи бўлиб, буларга қарши яна шунча ёмон қилиғи ҳам бордур. Фаришта, ақл, дин — бу уч нарса инсонни доим яхшилиқ томонига тортадилар. Нафс, шайтон, куфр — булар эса доим уни ёмонликка бошлайди. Мўмин одам доим шу икки тортишув орасида турганликдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бунини «улуғ жиҳод» деб атадилар. Қачонки мўмин банда бу жиҳод майдонида ғалаба қозониб, етмиш уч ёмон феълларини ўзидан чиқариб ташлаб, улардан кўнглини холи қилса, улар ўрнига етмиш уч яхши хислатларни ўрната олса, у одамнинг иймони комил бўла олади. Инсон шул мақомга етди эрса, авлиёликнинг биринчи даражасига қадам қўйган бўлади.

Расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалимлик-

лари шу сифатнинг энг олий даражасига етган эди. Шундоқки, Расулуллоҳ Зайд ибн Сабънаҳ деган мадиналик яҳудийга хурмо бермоқчи бўлиб ундан пул олдилар. Бир неча кунга муҳлат берган эди. Ваъдаси тўлмайд туриб яҳудий хурмо сўраб келди. Расулуллоҳнинг ёқаларидан ушлаб:

— Эй Муҳаммад, ҳақимни шу чоққача нега бермайсан? Ҳошимийлар муомаласи яхши эмас деб эшитган эдим, тўғри экандур, — деди:

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ бошлиқ барча улуғ саҳобалар шу ерда эдилар. Ҳазрати Умарнинг ғазаблари келиб:

— Эй Худо душмани, сизлар билан ўртамаздаги аҳдноманинг бузилишидан қўрқмасам эди, бошингни ҳозир кесиб ташлар эдим, — деб қиличига қўл сунди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулимсираб:

— Эй Умар, бу икковимизга айтиш учун мундин яхшироқ сўз бор эди. Мени яхши муомала қилиб беришига ва уни яхши гапириб олишга буюргил. Ваъданингга уч-тўрт кун бор эди. Энди, эй Умар, мунинг ҳаққини сен бериб тутатгил. Уни қўрқитганинг учун йигирма соъ ошиқча хурмо қўшиб бер, — деб буюрдилар.

Бу сўзни эшитгач, яҳудий ҳайрон бўлиб:

— Эй Муҳаммад, Таврот, Инжилда охирзамон пайғамбари сифатларини ўқиб эдим, уларнинг ҳаммаси сенга тўғри келган эди. Синалмаган ёлғиз шу иш қолмиш эдиким, китобда дейилмишдур: «Ўзи учун ғазаби келмагай». Энди буни ҳам синаб кўрдим. Сенинг охирзамон пайғамбари эканлигингда ҳеч қандай шубҳа қолмади, — деб шу вақтда дарҳол иймон келтирди.

Яна Анас ибн Молик ривоят қилиб айтди:

Бир куни Расулуллоҳ билан бирга бораётиб эдик. Бир аъробий кетимиздан келиб, Расулуллоҳнинг ёқаларидан тутиб қаттиқ тортди. Унинг силкиб тортганидан буйинларидаги ридо четлари ботиб, излари тушди. Сўнгра ул аъробий:

— Эй Муҳаммад! Икки туя юки менга дон бергил, уни ўз молингдан ёки отангдан қолган молдан сўрамайман. Закот, садақага йиғилган худонинг молидан сўрайман, — деди.

Расулуллоҳ унга кулиб:

— Тўғри айтурсан, мендаги моллар ҳаммаси Худо-



нинг молидур. Мен Худонинг қули эрурман, бироқ сен қилгандек мен ҳам сенинг ёқангдан тутиб, силкиб қасосимни олурман, — дедилар эрса,

Аъробий айтди:

— Мен билурман, сен бундай иш қилмагайсан, ёмонлик қилган кишиларга яхшилик қилгайсан.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга бир туя хурмо, яна бир туя арпа беришга буюрдилар.

Онамиз Ҳазрати Оиша разияллоҳу анҳо айтадилар:

Расулуллоҳ ўзларига етган зулм учун ҳеч кимдан қасос олмадилар. Балки ҳаммани афв қилиб, гуноҳларидан кечар эдилар. Ўз оилаларига, бошқа ҳеч бир одамга тил, қўллари тегмай дунёдан ўтдилар. Кишилар билан қилган муомалалари, уларга қилган яхши одаглари ҳаммага ёқимлик эди. Расулуллоҳ билан суҳбатлашган кишилар:

«Расулуллоҳ ҳеч кимни биздан ортиқ яхши кўрмасалар керак», деб ўйлашар эди».

Саҳийликлари тўғрисида ҳазрати Жобир шундай айтадур:

«Расулуллоҳдан ким бир нарса сўраса «йўқ» деганини эшитмас эдик. Айниқса, Рамазон кунларида бошқа кунлардан кўпроқ Жаброил алайҳиссалом билан кўришар эдилар. Ана шу чоғда Расулуллоҳнинг саховатлари, шамол эсганда барчага баробар текканидек, ҳаммага бир текис етиб турар эди.

Бир аъробий келиб:

— Ё Расулаллоҳ, бир туяга муҳтож бўлиб қолдим. Шуни сиздан сўраб келдим, — деди.

Шу куни унга бергудек ҳеч нарсалари йўқ эди. Шундай бўлса ҳам, йўқ демасдан:

— Меним устимдан ўзинга ярагудек бир туя сотиб ол. Баҳосини мен тўлайман, — дедилар.

Анда Ҳазрати Умар:

— Ё Расулаллоҳ, қўлда йўқ нарса бўлса, қарз қилиб бировга беришга Худо буюрмагандур, — деди.

Расулуллоҳга бу сўз ёқмади.

Анда ансорлардан бири:

— Ё Расулаллоҳ, Худо йўлида аямай сарф қилаберинг, Арш эгаси улуғ Аллоҳ ҳеч қачон сизни унутмайди, — деди.

Мунинг сўзини англаб, суюнганларидан кулиб:

— Аллоҳ, мени шундай қилишга буюргандур, — дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Тоиф, Ҳунайн ғазотларида тушган ҳисобсиз ўлжа молларни тақсим қилишлари, қонларига ташна бўлган душман аскарларига кўрсатган меҳрибончиликлари саховат ва мурувват бобида қандоғ улуғ даражада эканликларига очиқ далилдур. Буларнинг ҳар бирини ўз ўрнида ёзиб ўтганмиз.

Аmmo Расулуллоҳнинг шижоат-баҳодирликлари бўлса, ҳаммага маълум эди. Бу улуғ сифатни ҳам Аллоҳ таоло камоли билан Пайғамбаримизга бермиш эди. Худо йўлида бўлган урушларда ўзларидан уч-тўрт баробар ортиқ душман қаршисида тоғдек тебранмай турар эдилар. Ўзлари бош бўлиб чиққан урушларнинг ҳеч қайсисида бир қадам ҳам орқага чекинмадилар. Ҳар қандай катта баҳодир бўлса ҳам уруш майдонида олға интилиш, орқага чекиниш бўлмасга чора йўқдур, ёлғиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч бир урушда орқага қайтмадилар. Ё уруш ўрнини сақлаб турдилар, ёки олдинга қараб қадам қўйдилар.

Ҳазрати Али айтур:

— Уруш майдони қизишиб, баҳодирлар ҳайқиришиб, қўрқоқлар юраги бўғзига тикилиб келган кўрқинчлик чоғларда ҳаммамиз Расулуллоҳга қараб қолур эдик. Олдимизга тушиб, душманга энг яқин турар эдилар. Биз Расулуллоҳни пана қилиб урушар эдик.

Яна Расулуллоҳ бек ҳаёли эдилар. Ҳаё иймоннинг йўлдоши, иймон дарахтининг энг улуғ шохи эрур. Абу Саъид Ҳудрий ривоят қилур: «Пардасидан чиқмаган қизнинг ҳаёсидан ҳам Расулуллоҳнинг ҳаёси кучли эди. Кўп сўзларни кишилар юзига айтмасдан уялиб гапирмасдилар. Агар бирорта киши нотўғри иш қилган бўлса, дарҳол уни юзига солиб, отини айтмас эдилар. Балки фалон қавм, ё баъзи кишилар нега шундай қиладилар, деган сўз билан ул ишнинг тўғри эмаслигини билдирардилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ниҳоят хушқилиқ, истаралари иссиқ, қарасанг кулимсираб турган, сўзлари силлиқ, кишига ёқимлик, очиқ юзлик, кенг кўнгиллик, чин сўзлик эдилар. Барчага бирдай очиқ

юз, ширин сўз эдилар. Лекин синалмаган кишилар билан ўлтириш-туришда зийраклик йўлини тутар эдилар.

Саҳобалар ва суҳбатдошлари ҳолидан доим хабардор бўлиб, бетобларини сўраб, кўринмаганларини йўқлаб, муҳтожларига ёрдам берар эдилар. Агар киши Расулуллоҳ билан кўришмоқчи бўлиб қўлларини ушласа, ундан илгари қўл тортмас эдилар. Ҳожат учун келган одам ўзи кетмагунча уни ташлаб кетиб қолмас эдилар. Чақирган жойга борардилар. Озми-кўпми ҳадя берса олардилар. Сўнгра уларга ҳам қайтарардилар. Бировни айблаш ёки бировни мақташ Расулуллоҳга одат эмас эди. Саҳобалар билан аралашиб, улфатлашиб, уларга тегишиб, ёш болаларни суйиб, кучоқларига олиб ўлтирардилар. Қул, чўри, бой, камбағал, — ким бўлсин чақирса, уйига борардилар. Шаҳар четларида, узоқ маҳаллаларда бетоб ётган кишилардан бориб, ҳол сўрар эдилар. Мажлисларда оёқ узатиб ўлтирганларини ҳеч ким кўрмаган эди. Йўлиққан одамларга илгари салом бериб, қўл олиб кўришар эдилар. Ўзлари келганда бошқа кишиларнинг ўрнидан туриб таъзим қилишларини ёқтирмас эдилар. Лекин саҳобалар бир-бирларини ҳурматлашиб ўринларидан туришганларини яхши кўрар эдилар. Устларига кирган кишини ҳурматлаб, унинг тагига бирор нарса солиб, қистаб ўлтиргизардилар.

Кўнгиллари юмшоқ, раҳмдил, ҳамманинг иймон келтиришига муштоқ, катта-кичик барчага шафқатли, мўминларга меҳрибон эдилар.

Бир куни Расулуллоҳ оддиларига бир аъробий келиб садақа сўради. Унинг сўраганидан ортиқроқ бериб:

— Энди рози бўлдингми? — дедилар.

— Йўқ, мен дегандек яхшилик қилолмадинг, — деди.

Муни эшитиб, саҳобаларнинг аччиғи чиқиб, уни урмоқчи бўлдилар. Расулуллоҳ уларни босиб, аъробийга яна бир қанча нарса қўшиб бериб:

— Энди қандай? — дедилар.

Анда аъробий:

— Сизга, хонадонларингизга раҳмат айтиб, кўп ташаккур қилурман, — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сўзлардин қувониб:

— Шу сўзларингни саҳобаларим олдида айтгил. Кечаги айтган сўзинг хафалиги улар кўнглидан кўтарилсин, — дедилар.

Ул ҳам қабул қилиб, эрталаб Расулуллоҳ олдилагарига келди, ҳамма саҳобалар у ерга йиғилган эдилар. Булар олдиларида ҳам ўзининг рози бўлганини билдириб, ташаккур қилди.

Сўнгра Расулуллоҳ марҳамат қилдилар:

— Агар бу аъробий шу норозилигича кетиб, шу аҳвол билан ўлса ёки ўлдирилса, дўзахга кетар эди. Уни аяганимдан бу ишни қилдим.

Шунинг учун Аллоҳ таоло Қуръонда «**Вама арсалнака илла Раҳматаллиламин**», яъни, «*Ҳаммага раҳмат етказиш учун сени юбордик*», деб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни сифатлади.

### РАСУЛУЛЛОҲНИНГ БОЛАЛАРИ

Пайғамбаримиздан онамиз Ҳазрати Ҳадича уч ўғил ва тўрт қиз туғдилар. Дастлаб Маккада энг аввал туғилган ўғилларининг оти Қосим эди. Шунга кўра Пайғамбаримизни араблар Абул Қосим, яъни Қосимни отаси деб ҳам атадилар.

Мундан сўнгра тўрт қиз — Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум, Фотима ваҳдий келмасдан илгари туғилган эдилар. Сўнгра пайғамбарлик даврида бир ўғил туғилиб, оти Абдуллоҳ бўлди. Шу ўғилни Таййиб Тохир деб ҳам атар эдилар. Бирок, булар Абдуллоҳ эмас, балки ундан кейин туғилган эгизак ўғиллари эди, деганлар ҳам бордур. Буларнинг ҳаммалари ҳижратдан илгари Маккада туғилган эдилар. Бош ўғиллари Қосим икки ёшга тўлмасдан Маккада вафот топди. Сўнгра Абдуллоҳ ҳам бир неча ойлигидаёқ вафот бўлди. Бу бола вафот бўлгач, ўғил фарзандлари қолмади. Араблар эрса қизни бола қаторида кўрмас эдилар. Шунинг учун Қурайш мушрикларининг раисларидан Ос ибн Воил:

— Муҳаммаднинг тухуми тугади, дунёдан боласиз ўтади, насли узилди, оти ўчди, — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маъюс бўлмасин деб Аллоҳ таоло Кавсар сурасини тушириб, «**Инна шаниака ҳувал абтар**», деди. Яъни: «*(Эй Муҳаммад,) сенга кўп яхшиликлар бердик, қиёматгача сенинг отинг ўчмайди. Сени «абтар» деган кишининг ўзи «абтар»дур. У ўлди эрса оти ўчиб, ҳеч ким уни*

оғзига олмайди. Сенинг номинг миноралар бошида, минбарлар устида, муслмонлар оғзида қиёматгача ай-тилиб туради», деди.

Расулуллоҳнинг учинчи ўғиллари Иброҳимдур. Ҳижратнинг саккизинчи йили қурбон ойида туғилди. Еттинчи куни қўчқор сўйиб «ақийқа» қилдилар. Ва шу куни отини қўйиб, сочини олдирдилар. Сўнгра унинг оғирлигича кумуш садақа қилишга буюрдилар. Йигирма ойлик бўлганда Иброҳим ҳам вафот бўлиб, Бақеъ гуристонига кўмдилар.

Ул кунда Расулуллоҳ:

— Эй Иброҳим, сендан ажраётганимиз учун ҳаммамиз қайғуликдурмиз, — деб йиғладилар, муборак кўзларидан ёш тўкилди.

Чақалоққа еттинчи куни қудрати етар экан икки қўй, йўқ эса, бир қўй сўйиб ақийқа ўтказиш ва шу куни исм қўйиб, сочини оддириш, оғирлигича кумуш садақа қилиш умматларига суннат бўлиб шундан қолди.

Расулуллоҳнинг Қосимдан кейин туғилган қизлари Зайнаб эди. Бу қиз вояга етганида холасининг ўғли Абул Осга бердилар. Мундан туғилган икки бола: бир ўғил ва бир қиз бўлиб, исмлари Али ва Умома эрди. Абул Оснинг онаси Ҳадича онамизнинг сингилларидур.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани фатҳ қилганларида набиралари Алини туя орқасига мингаштириб олган эдилар. Умри қисқа экан, балофатга етар-етмас бу бола ҳам вафот топмиш эди. Қиз набиралари Умомани эрса Ҳазрати Фотима вафот топгандан кейин Ҳазрати Али никоҳларига олдилар. Чунки, холаси Ҳазрати Фотимадан шундоғ васият бўлмиш эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўттиз ёшга кирганларида Зайнаб туғилмиш эди, саккизинчи ҳижрийда вафот топди, разияллоҳу анҳо.

Иккинчи қизлари Руқаййани Ҳазрати Усмонга берган эдилар. Ҳижратнинг иккинчи йилида вафот топди. Расулуллоҳнинг асранди ўғиллари Зайд ибн Ҳориса Бадр урушининг хабарини суюнчилаб шу куни Мадинага келмиш эди. Қайтганида мусибат хабарини етказиб, Расулуллоҳга таъзият қилди эрса: «Қизларнинг ўлими шарафликдур, алҳамдулиллоҳ», дедилар. Учинчи қизлари Умму Кулсумдур. Уни Руқаййа вафот топгандан кейин Ҳазрати Усмонга бердилар. Шунинг учун бу кишининг лақаби «Зуннурайн» — «Икки нур эгаси»

бўлди. Ҳазрати Усмон у билан олти йил умр ўтказдилар, ўрталарида бола бўлмади. Ҳижратнинг тўққизинчи йили вафот бўлиб, Бақеъ ғуристонига қўйилди.

Расулуллоҳ айтдилар:

— Усмонни тезроқ уйлантириб қўйинг, агар меним учинчи қизим бўлса, уни ҳам берар эдим.

Расулуллоҳнинг тўртинчи қизлари Фотимаи Заҳро эди. Ҳижратнинг иккинчи йили Ҳазрати Алига никоҳ бўлди. Ҳазрати Фотима ўн беш ёшда, ҳазрати Али йигирма саккиз ёшда эдилар. Пайғамбаримизга ваҳий келишдан бир йил илгари туғилмиш эдилар. Ҳижратнинг ўн биринчи йили Расулуллоҳдан олти ой кейин вафот топди, разиялоҳу анҳо. Ёши йигирма саккизда эди.

Ҳазрати Али Фотимани сўраб келганида:

— Никоҳ маҳрига нима нарсанг бор? — деб сўрадилар эрса:

— Урушга киядиган ёлғиз совутиб бордур, — деди.

Ҳазрати Алининг бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди. Шуни сотиб пулини келтирмаққа буюрдилар. Тўрт юз саксон тангага сотиб пулини Расулуллоҳга келтирди. Тўй маҳрига шу пулни сарф қилиб, хурмо, майиз билан саҳобаларга никоҳ тўйи қилиб бердилар. Ичига хурмо қипиғи тўлғизилган бир ёстиқ, жундан тўқилган бир шолча, қурбонликдан қолган бир қўчқор териси, бир дона чойишаб, бир дона сув ташийдиган идиш, 2 дона кўзача бердилар. Фотимани узатганда унга қилган ас-боблари шулар эди. Туширилган уйлари ичига кум тўшаб, шунинг устига қўчқор терисини солиб ётар эдилар. Никоҳ ўқилгандан сўнгра бир коса сув келтиринглар, деб буюрдилар. Унга «Бисмиллаҳ» айтиб дуо ўқигандан кейин шу сувдан олиб Ҳазрати Алининг юзларини, кўкраklarини силадилар. Ҳазрати Фотимага ҳам шундоқ қилганларидан сўнгра:

— Эй бор Худоё, буларга ва буларнинг насларига баракот бергил, — деб дуо қилдилар.

Ҳазрати Фотимадан олти бола туғилди. Ўғиллари эрса Ҳасан, Ҳусайн, Муҳсин, қизлари Зайнаб, Умму Кулсум, Руқайя эдилар. Муҳсин ёшлигидаёқ вафот топди. Имом Ҳасан, имом Ҳусайнлар бўлса, Пайғамбаримизнинг дуолари шуларга етиб, насларига Худо барака берди. Кўпинча азиз ва авлиёлар шулардан чиқдилар. Ислом тупроғида бу зотларнинг қадамлари етмаган жой йўқдур.

## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ АМАКИ ВА АММАЛАРИ

Расулуллоҳнинг ўн икки амаки ва олти аммалари бор эди. Булардан Абу Толиб, Зубайр, Абдул Каъба бу учовлари Пайғамбаримизнинг оталари Абдуллоҳ билан туғишган бўлиб, бошқалари ўтай эдилар. Булардан икки киши — Ҳамза билан Аббос иймонга мушарраф бўлдилар. Амир Ҳамза Қурайш ичида, балки бутун араблар ичида номи чиққан атоқли баҳодирлардан эди. Шунинг учун Расуллоҳ унга «Асадуллоҳ», яъни Аллоҳнинг арслони, деб лақаб қўйдилар. Бу киши Исломда ўттиз тўққизинчи, Ҳазрати Умар билан мусулмонларнинг сони қирққа тўлиб, бу икковларининг ҳиммати билан Ислом дини юзага келди. Бўлмаса, бундан илгари дин ишлари яширин эди. Ҳазрати Ҳамза Расулуллоҳдан уч-тўрт ойлик катта бўлиб, бир сийнани эмишган эмақдошлари эди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилиб Маккадан Мадинага келгандан сўнгра Ҳазрати Ҳамза ҳам Худо йўлида ҳижрат қилиб, оиласини Маккада қолдириб, ўзлари Мадинага келди. Ислом динининг биринчи ғалаба қозониши бўлган Бадр урушида бек баҳодирлик кўрсатган эди. Ундан кейин бўлган Уҳуд урушида Ваҳшийнинг тўсатдан отган найзаси билан шаҳид бўлмиш эди. Кофирлар томонидан жасадлари парчаланиб, кўзлари ўйилиб, қулоқ-бурунлари кесилмиш эди. Шунинг учун Расулуллоҳ бу зотни шаҳидлар аълоси, шаҳидлар сайиди деб, етмиш такбир айтиб жанозасини ўтадилар.

Ҳазрати Аббос қолган амакиларининг энг кичкинаси эдилар. Бадр урушида Макка мушриклари зўрлаб аскарликка олган эдилар. Шу урушда бошқалар қатори асир бўлиб қўлга тушдилар. Кофирлар асирлардан фидя пули олиб бўшатганларида амакилари Аббосга ҳам тўрт минг танга фидя тўлашга буюрдилар.

Анда ул киши:

— Мен мажбурилик билан келганман, — деб қутгилиш учун далил кўрсатсалар ҳам саҳобалар:

— Шариат зоҳирига қарайди, кўринишда шуларга қўшилиб келдинг, тўлайсан, — деб қўймасдан тўрт минг тангасини олдилар.

Анда Аббос:

— Мен Қурайшнинг олийларидан эдим. Энди энг камбағалларидан бўлиб қолдим, — деди.

Расулуллоҳ:

— Ҳой амаки, хотининг Умму Фазлга кўрсатган дунёни кўмган жойингдан олсак, яна бойлигинг кетмайди, — деган эдилар, амакилари Аббос ҳайрон қолиб:

— Энди аниқ билдим, сен Худонинг пайғамбари экансан, йўқ эрса, мен бу ишни хотинимдан бошқа ҳеч кимга айтмаган эдим. Сенга буни Худо билдирди, бўлмаса қайдан билар эдинг? Энди мусулмонлигимни билдириб сени олдингга қолай десам, Макка халқига берган омонат молларим куйиб кетармикан деб кўрқаман, — деди.

Макка фатҳ бўлгунча динини яширинча тутиб, у жойда туришга Расулуллоҳ рухсат қилдилар. Ҳазрати Аббос саксон саккиз ёшга кириб, Мадинада вафот топдилар, разияллоху анҳу.

Муовиядан бошланиб давлат саксон неча йил давом этган Умавия давлати энг охири Марвон Харга келганда Абу Муслим Хуросоний инқилоби орқалик йиқилиб тугади. Сўнгра Пайғамбаримизнинг амакилари Ҳазрати Аббос набираларидан Абдуллоҳ Саффоҳ деган киши салтанат тахтига ўлтириб, Аббосия давлати шундан бошланди.

Расулуллоҳнинг амакилари ичида очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатиб, душманлик қилган киши Абу Лаҳаб эди.

Аммо Ҳазрати Алининг отаси Абу Толибнинг Расулуллоҳга қилган фидокорликларига қаралса, Раҳматаллилоламиннинг шафоатидан бу киши ҳам қуруқ қолмаса керак. Бунинг ҳақида иймонга кирди-кирмади деб текшириб ўлтириш бизнинг ишимиз эмасдур. Яхшиси шулки, ул зотга Расулуллоҳ учун ҳурмат ва муҳаббатимизни билдириб, бошқа томонига ўтмай сукут қилишдур.

Расулуллоҳнинг олтига аммалари ичида Зубайр ибн Аввоннинг оналари Сафия бинти Абдумутталиб Исломга мушарраф бўлди. Отика, Арво икковларининг динга кирганлари гумонлиқдур. Қолганлари эрса ваҳийдан илгари ўлгандирлар.

Пайғамбарларнинг даъватлари етмаган кишилар кофир ё мусулмон бўлмайди. Икки пайғамбар орасида ўтган дин даъвати уларга етмаган одамларнинг ҳам ҳукмлари шудир. Қиёматда буларнинг жойлари жаннат билан дўзах ўртасидаги «Аъроф» деган ўринда бўлиши Қуръони каримда айтилмишдур.



Шуни албатта билмак керакким, бир ишни танқид қилган киши ул ишнинг қайси замонда бўлганлигини билиб, ўшал давр аҳлларининг расм-одатларича тушунуш лозимдур. Агар шу нарсаларга яхши тушунмас эрса, бу ҳақда айтган танқидий сўзларининг хато бўлиши шубҳасиздур. Оврупа ёзувчиларининг ўқтачилари (танқидчилари) Расулуллоҳни кўп хотин олган, хотин-параст киши эди, деб камситмоқчи бўладилар.

Ҳолбуки, Расулуллоҳнинг бу ишлари эрса шариатдан ёки ўшал замон расм-одатларидан ташқари эмас эди. Балки бунда ақлга тўғри кўп ҳикматлик ишлар бор эди. Расулуллоҳнинг Ҳазрати Оишадан бошқа қиз хотин олмаганлари ҳаммага маълумдир. Булар ичида тўрт-беш болалик Умму Салама каби тул хотинни ҳам олдилар. Қирқ ёшлик Ҳадичани олганларида Расулуллоҳ йигирма беш ёшда эдилар. Пайғамбарлик давридан ўн йил ўтиб, элик ёшга тўлганларида Ҳадича онамиз дунёдан ўтдилар. Демак, 25 йил бутун йигитлик даврида шу улуғ ёшлик хотин билан умр ўтказдилар. Амакилари Абу Толиб ҳам шу йилда вафот топмиш эди. Шундай икки жонфидо ёрдамчиларидан бир йилда ажраганлари Расулуллоҳга жуда қаттиқ таъсир қилган эди.

Бу икковларининг вафотларидан сўнгра кучли ҳимоячилари қолмаганликдан душманлари ҳам қаттиқ ҳужумга киришган эдилар. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу йилни «ғам-қайғу йили» деб атаган эди. Онамиз Ҳадичага ажал келган чоғда Расулуллоҳ унга аталган жаннатдаги жойни кўриб ўзига башорат бердилар. У эрса бир дона гавҳардан ясалмиш улуғ қаср эди.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам онамиз Оишанинг олдида Ҳазрати Ҳадичанинг сўзини қилиб, уни мақтадилар эрса, Оишанинг рашки кўзгалиб:

— Худо сизга ундан яхшироқ хотинларни берган бўлса ҳам, яна шу кампирни гапирасиз, — дедилар.

Анда Расулуллоҳнинг ғазаблари келиб:

— Аллоҳ менга ундан яхши жуфт бергани йўқ. Ҳамма кишилар мени ёлғончи деганида, у менга ишонди. Меним розилигим учун мол-дунёсини сарф қилди, бошқалар дунёсини мендан аядилар. Ундан топган бир

неча болаларим бордур. Сизлардин фарзанд кўрмадим. Худо уни раҳмат қилсин, — дедилар.

Иккинчи жуфтлари онамиз Савда бинти Замъадур. Эри ўлиб, тул ўлтирганида Расулуллоҳ уни никоҳларига олдилар. Ёши улғайиб кампир бўлиб қолганликдан, ётиш навбатини Оишага бериб, ўзи эрса Расулуллоҳ никоҳларида дунёдан ўтишга рози бўлди. Расулуллоҳ ҳам қабул қилдилар. Ҳазрати Умар халифалик даврида оламдан ўтдилар, разияллоҳу анҳо.

Учинчи жуфти поклари Абу Бакр Сиддиқ қизлари онамиз ҳазрати Оишадурлар. Бу зотнинг сифатлари ҳадис китобларида кўп ёзилмушдур. Бу онамизнинг қандай улуғ фазл-камолга эга эканлигига шу етарлик-дурким. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам энг охириги нафасларида шу онамиз кучоғида туриб дунёдан ўтдилар. Хотинларга зарур бўлган диний масалалар ҳақида келган ҳадисларни кўпроқ шу онамиз Пайғамбаримиздан ривоят қилдилар. Ҳусн-жамолга, ақлу камолга етганликдан Расулуллоҳнинг илтифотига эга бўлмиш эдилар. Ҳижратнинг 56-йилида Мадинада вафот бўлиб, Бақеъ гўристонига дафн қилиндилар. Жанозаларини Абу Ҳурайра ўқиди. Ёшлари олтмиш еттида эди, разияллоҳу анҳо.

Тўртинчилари Ҳазрати Умарнинг қизи Ҳафса эрур. Ваҳйидан беш йил бурун туғилмиш эди. Расулуллоҳ амрларига қаршилик қилиб қўйганлиги учун Пайғамбаримиз уни талоқ қилдилар. Отаси Ҳазрати Умар буни англаб:

— Бу кундан бошлаб Худо ва пайғамбар олдида меним қадрим йўқолди, — деб бошига тупроқ сочиб йиғлади.

Шу ҳолда экан Жаброил алайҳиссалом келиб Расулуллоҳни бундан қайтариб:

— Бу эрса кундузи рўза тутар, кечаси саҳар намозини ўқир, у сенинг жаннат жуфтларингдан бўлур, — дедилар.

Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг гуноҳини афв қилиб, яна никоҳларига олдилар. Олтмиш уч ёшда вафот қилдилар, разияллоҳу анҳо.

Олтинчи онамиз Хузайма қизи Зайнабдур. Хайр-саховатда номи чиққан хотинлардан эди. Шу учун араблар уни жоҳилият замонида ҳам «Умму Масокин», яъни, «Мискинлар онаси» деб атамиш эдилар. Иккинчи ойгина Расулуллоҳ хизматларида тургандан кейин

вафот топмиш эди. Унинг жанозасини Расулуллоҳ ўзлари ўқиб, Бақеъ гўристонига дафн қилдилар. Ёшлари ўттиздан ўтмаган эди. Расулуллоҳнинг тирикликларида вафот топган хотинлари Ҳазрати Ҳадича билан Зайнаб икковларидурлар, разияллоҳу анҳумо.

Саккизинчи онамиз Абу Умайя қизи Умму Салама. Дастлабки иймон келтирган мусулмонлардан бўлиб, эри Абу Салама билан биргаликда Ҳабашистонга ҳижрат қилмиш эдилар. Умму Салама Қурайшнинг насаблик хотинларидан бўлиб, ўз қавми ичида ҳурмат ва обрўга эга эди. Ҳабашистондан қайтиб Мадинага келганларида эрса эри ўлиб, беш-олти болалари билан тул қолмиш эди. Идда муддати ўтгач, Расулуллоҳ совчи юборибдилар.

Анда Умму Салама:

— Расулуллоҳга жоним фидо, лекин менда уч камчилик бор: биринчиси, етим болаларим бор; иккинчиси, меним кундошлигим қаттиқдур; учинчиси, менга эга бўлгудек бу ерда ўз қавму қариндошларимдан ҳеч киши йўқдур, — дедилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Болаларинг ризқини Аллоҳ етказур, бошқа ишларингни ҳам ўзи ўнглар. Мени ёқтирмаган қариндошларинг йўқдур, — деганларида, ул муҳтарама никоҳларига ризолик кўрсатди.

Расулуллоҳдан кейин узун умр яшаб, 60-ҳижратда вафот топди. Ёши саксон тўртда эди. Ҳазрати Абу Ҳурайра жанозасини ўтаб, Бақеъ қабристонига дафн қилиндилар, разияллоҳу анҳо.

Онамиз Зайнаб бинти Жаҳш. Илгариги эри Расулуллоҳнинг ходимлари Зайд ибн Ҳориса эди. Бу хотин Қурайш қабиласидан бўлиб, насаблик, ҳусн-жамоллик бўлганидан уни ўзига тенг кўрмай, оралари бузилмиш эди. Охири иккови келишолмасдан ажрашдилар. Расулуллоҳнинг кўнгиллари унга мойил бўлгач, Жаброил алайҳиссалом бу ҳақда ваҳий келтириб, илоҳий никоҳ билан Расулуллоҳ уни хотинликка олдилар. Шунинг учун Расулуллоҳнинг никоҳларига киргач, кундошларига:

— Сизларни отанглар никоҳ қилган бўлса, менинг никоҳим Арш устида бўлган, — деб фахрланар эди.

Бир куни оналаримиз:

— Ё Расулаллоҳ, сиз вафот бўлсангиз, сизга қайси биримиз илгари эришамиз? — деб сўрадилар.

— Кимнинг қўли узун бўлса шу илгарироқ эришади, — дедилар.

Бу сўзнинг зоҳирига қарашиб, қайиш олиб ҳаммалари қўлларини ўлчашиб кўрдилар. Ҳаммаларидан онамиз Савданинг қўли узун чиқди. Кейин кўрдиларким, барчаларидан илгари Зайнаб онамиз вафот топдилар. Араблар қўли очик, саховатли кишини ҳам қўли узун дер эдилар. Бу онамиз эрса кўп саховатлик, хайр-эҳсонлик эдилар. Булар ўлгандан сўнгра маълум бўлдики, Расулуллоҳнинг қўли узун деганлари саховатлик деганлари экан.

Зайнаб бинти Жаҳш 21-ҳижрийда эллик уч ёшга етганда вафот топиб, Бақъъ гўристонина қўйилди, разияллоҳу анҳо.

Ўнинчи онамиз Жувайрия бинти Ҳорис. Мадина атрофидаги Бани Мусталиқ деган қабила раисининг кизи бўлиб, урушда асир олинмиш эди. Мундан бошқа шу қабиладан икки юз оила асир олинди, аскарга тақсим қилинмиш эдилар. Бу қабила эрса араблар олдида обрў ва ҳурматга эга бўлганликдан бу иш уларга қаттиқ таъсир қилди. Расулуллоҳ буларнинг оилаларини озод қилишни истасалар ҳам, лекин бу тўғрида ҳукм чиқармиш Қуръон қонунига тўғри келмас эди. Шунинг учун Жувайрияни никоҳларига олдилар. Бунни кўрган саҳобалар:

— Энди Расулуллоҳ бу қабилага куёв бўлиб қолдилар. Расулуллоҳнинг қайнота ва қайноғаларининг қиз-хотинларини асир олиб ўлтиришимиз бизга ярашмайди, — дейишди ва бу қабиладан олинган бутун асирларини Пайғамбаримиз ҳурматлари учун озод қилдилар. Бу эса шу қабиланинг иймон келтиришларига сабаб бўлди. Шунинг учун онамиз Оиша: «Жувайрия қандай бахтли хотин. Расулуллоҳнинг никоҳига кирди ва бутун қавмини қуликдан қутқарди» дедилар.

Жувайрия бинти Ҳорис 56-ҳижрийда етмиш ёшда Мадинада вафот қилди, разияллоҳу анҳо.

Ўн биринчи онамиз Райҳонадур. Бу онамиз Бани Назир яҳудларининг раиси Язиднинг кизи бўлиб, Бани Қурайза асирлари билан бирга тушган эди. Ўлжа асирлари аскар ўртасида тақсим топганда, уни ўзлари учун олиб қолдилар. Ўзи суйган динда туришга ихтиёр берган бўсалар ҳам Исломи динини хоҳлагач, озод қилиб никоҳларига олдилар. Никоҳ тўйи бериб, маҳр боғладилар. Аммо бу хотин кундошларига кўп рашкли бўлга-

ни учун талоқ қилдилар. Сўнгра бу хотин Расулуллоҳ суҳбатларидан маҳрум қолдим, деб кўп йиғлаб эди, раҳмлари келиб яна никоҳларига олдилар. Расулуллоҳ вафот бўлишларининг олди ёки ортидан бу онамиз ҳам вафот бўлиб, Бақеъ гўристонига қўйилди, разияллоҳу анҳо.

Ўн иккинчи онамиз Умму Ҳабиба Абу Суфён қизи, Муовиянинг опаси эди. Бурунги эри Убайдуллоҳ билан иккинчи ҳижратда Ҳабашистонга кетган эди. Эри муртад бўлиб, у жойда насоро динига кирди. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам мунинглаб Умар ибн Умайяни Нажошийга юбориб:

— Агар Умму Ҳабиба ихтиёр қилар экан, Нажошийни вакил қилдим, менга уни никоҳ қилади, — дедилар.

У чоғда Нажоший ғойибона Ҳазрати Жаъфар қўлида иймон келтирган эди.

Нажоший бу сўзни англагач, вакиллик билан Расулуллоҳга уни никоҳ қилди ва юз тилло маҳр боғламиш эди. Сўнгра ҳижратнинг 7-йили хизматга қулчўрилар қўшиб Мадинага йўллади. Ҳижратнинг 44-йили Мадинада вафот топди, разияллоҳу анҳо.

Ўн учинчи онамиз Сафия бинти Ҳуяй. Унинг отаси Бани Назир яҳудларининг раиси эди. Хайбар қалъалари фатҳ қилинганда қўлга тушган кўп асирлар ичида у ҳам бор эди. Аларнинг насаби Ҳорун алайҳиссаломга етганликдан Расулуллоҳ бек ҳурмат қилиб, никоҳларига олдилар. Зиёда ақлик, фазлик хотин эди. Бир куни Расулуллоҳ уйга кирсалар бу хотин йиғлаб ўлтирибдур.

Анда Расулуллоҳ:

— Нега йиғладинг? — деб сўрасалар, ул онамиз шундоқ дедилар:

— Оиша, Ҳафса биз сендин ҳар тўғрида яхшидурмиз, биз Расулуллоҳ амакиларининг қизидурмиз. Сен бўлсанг яҳудий қизидурсан, дедилар.

Бу сўзларни англагач, Расулуллоҳ:

— Сендан улар қандай яхши бўла олуларким, сенинг отанг Ҳорун алайҳиссалом, амакинг Мусо пайгамбар, эринг Муҳаммад алайҳиссаломдур. Яна гапирсалар шундай дегил, — деб аларни юпантирдилар.

Сафия бинти Ҳуяй ҳижратнинг 52-йили Мадинада вафот топиб, Бақеъ гўристонига қўйилдилар, разияллоҳу анҳо.

Ўн тўртинчи онамиз Маймуна эрди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 7-ҳижрийда Умранинг қазосини қилиш учун Маккага борганларида бу хотинни никоҳларига олдилар. 51-ҳижрийда Макка яқинидаги Сариф деган жойда саксон ёшда вафот топди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ривоят қилурлар:

«Пайғамбарлик даврида қайси хотинни олган бўлсам, ё қизларимни кимга берган бўлсам, бариси ваҳий орқалик бўлди».

Бу ёзилган оналаримизнинг, разияллоҳу анҳумо, сонлари ўн тўрттага етган бўлса ҳам, Расулуллоҳнинг вафотларида булардан тўққизтаси никоҳларида эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча чўрилари ҳам бор эди. Алардан бири Мория ўғиллари Иброҳимнинг онаси, мисрлик қибтийлардан бўлиб, Миср подшоси Муқовқис Расулуллоҳга ҳадя қилиб юборган эди.

Расулуллоҳ саҳобаларга васият қилиб:

— Мендан кейин Мисрни фатҳ қилмоқ учун кирганингизда уларга юшоқлик қилинглар. Чунки уларнинг қариндошлиги бор, ҳам қайинликлари бор, — дедилар.

Қибтийларнинг қариндошлиги эрса, Исмоил алайҳиссаломнинг оналари Ҳожар қибтий қизи эди. Қайин деганлари эрса, Расулуллоҳнинг чўрилари Мория. Мисрдан келган қибт қизидур. Расулуллоҳ уларга кувё бўлиб қолдилар. Мориядан Иброҳим туғилгач, Миср халқи Иброҳимга тоға бўлиб қолишди.

Яна бир жорийларининг номи маълум эмасдур. Онамиз Зайнаб уни Расулуллоҳга ҳадя қилиб бермиш эдилар.

Учинчиси эрса оти Зулайҳо. Бани Қурайза яҳудларидан олинган асирлардан эди, разияллоҳу анҳо.

## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ҚУРНОҚЛАРИ

*(ҳодимлари)*

Булар ичида энг машҳури ҳазрати Анас ибн Моликдир. Мадинага ҳижрат қилиб келган йилдан бошлаб Расулуллоҳ вафот бўлгунларича хизматларида бўлди. Унинг ҳаққида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй бор Худоё, Анаснинг мол-жонига бу дунёда барака бергил, охиратда унга жаннат ато қил, — деб дуо қилдилар.

Дуолари қабул бўлиб, мол-жонига барака кириб дунёси кўпайди, ўлганида ёлғиз ўзидан туғилган болалари эрса бир юз олтита бўлган эди. Ўзи бир юз йигирма йил умр кўрди, разияллоҳу анху.

Иккинчиси, Абдуллоҳ ибн Масъуд эрур. Маккада турганларидан бошлаб Расулуллоҳ билан бирга бўлиб, ҳеч ажрамас эди. Билмаган кишилар шу оиладан деб ўйлар эдилар. Расулуллоҳнинг мисвоқларига, ковушларига эга эди. Таҳорат олишда мисвоқларини, турганларида ковушларини тайёрлаб, юрганларида асо кўтариб, олдларида йўл бошлар эдилар, разияллоҳу анху.

Учинчи хизматчилари Муайқиб Давсий эрди. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам муҳр шарифларини сақламоқ учун бу кишига топширмиш эдилар.

Тўртинчилари, Уқба ибн Омирдур. Бу киши эрса Расулуллоҳнинг хачирлари Дулдулни боқиш, кутиш вазифасида эди. Сафарда, ҳазарда уни етаклаб Расулуллоҳни миндириш, тушириш хизматини бажарур эди.

Бешинчилари, Расулуллоҳнинг муаззинлари ҳазрати Билол Ҳабаший эрур. Бу эрса Расулуллоҳнинг оилалари устидаги сарф, нафақа ишларига ёрдамлашур эди. Ҳижратнинг 8-йили Макка фатҳ бўлганида Расулуллоҳ амрлари билан Каъбатуллоҳ ўғизасига (устига) чиқиб, Макка шаҳрида биринчи азони Муҳаммадийни айтган одам шул кишидур. Ҳижратнинг 20-йили олти миш олти ёшда Шом шаҳрида вафот топди, разияллоҳу анху. «Арабнинг афзали меңдурман, Ҳабашнинг афзали Билолдур», деган ҳадис шул киши ҳақида келмишдур.

Яна бир ходимлари Абу Зар Фифорий эрур. Бу киши эрса, Расулуллоҳга ваҳий келгандан кейин тўртинчи бўлиб Исломога кирган, сўфийлик, қаттиқ тарки дунё қилган улуғ саҳобалардан эди. Дунё тўплаган кишиларнинг ҳеч биридан рози бўлмай: «Уч кунлигидан ортиғини муҳтожларга бўлиб бериш керак», дер эди.

Пайғамбаримиздан илгари бутта топинмаган, ҳақ дин излаган киши эрди. Мунинг мазҳабида ҳар бир мусулмон одамга кундалик овқатига қаноат қилиб, ортиғини муҳтожларга бериш фарздур. Хазина қилиб

сақлаб қўйиш ҳаромдур. Шунинг учун Ҳазрати Усмон халифа вақтида Шом волийси Муовия билан бир масала устида хилоф чиқиб тортишувлар бўлди. Ҳазрати Усмоннинг ювошлигидан, қариндошчанлигидан фойдаланиб, Муовия бошлиқ Бани Умайя раисларига бу сўз оғир келганликдан Ҳазрати Усмонга шикоят қилдилар. Ҳазрати Усмон тарафидан чақирилиб Мадинага келгач, яна шу ҳақда ўз сўзини қувватлаб бу фикрдан қайтмади. Сўнгра Абу Зарнинг халққа кўп аралашмаслигини маслаҳат қилиб, Ҳазрати Усмон Мадинадан уч манзил узоқликда бўлган Рабаза деган киши йўқ ерга сургун қилди. Саҳобалар орасида фитна кўзғалди. Ҳазрати Усмонни шаҳодатларига сабаб бўлган ишларнинг бириси шул эди.

Ҳижратнинг 9-йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Шом тупроғига яқин Табук ғазотига чиқмиш эдилар. Шунда Абу Зарнинг минган туяси чарчаб аскар ортида қолди. Юришга ярамаганликдан қуроллари осиниб, юкини елкасига қўйиб йўлга тушди. Унинг келаётганини Расулуллоҳ йироқдан кўриб:

— Бечора Абу Зар, ёлғиз юради, ёлғиз ўлади, — дедилар.

Шунинг устига Кўфадан келаётган Ибн Масъуд бошлиқ бир жамоа киши келиб қолишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй Абу Зар, сенинг жанозангни мўминлардан бир жамоа киши ўқийди, — деган эдилар.

Расулуллоҳ айтганларидек, Рабазага сургун бўлиб, шу жойда ёлғизликда вафот топади. Яна ул зот айтганларидек, Ибн Масъуд имом бўлиб, шул жамоа жанозасини ўқиди.

Расулуллоҳ йигирма неча йил илгари Абу Зар ҳақида ғайбдан хабар айтган мўъжиза сўзлари деганларидек тўғри чиқди.

## РАСУЛУЛЛОҲНИНГ УРУШ ҚУРОЛЛАРИ

Пайғамбаримиз вафотларида тўққиз дона қиличлари бор эди. Булар ичида оталари Абдуллоҳдан мерос қолган бир қилич бўлиб, оти Маъсур эди. Мадинага ҳижрат қилганларида шу қилични тақиниб келдилар. Иккинчиси, Зулфиқор қиличидур. Бу эрса Бадр сўқишида душмандан ўлжа олинмиш эди Ҳазрати Али



қўлига ўтгандан сўнгра тилларда дoston бўлиб, дунёга оти чиққан шу қиличдур.

Самсома деган яна бир қиличлари бор эдиким, араблар олдида унинг ҳам номи кўтарилмиш эди. Сулаймон пайғамбардан қолган яна бир қиличлари бўлиб, отини Расуб дер эдилар. Бу қиличнинг қиссаси Қуръонда ҳам бордур. Яман подшоси Билқис хотин Сулаймон пайғамбарга тортиқ қилиб юбормиш эди. Отлиқ-атоклик қиличлари шулардир.

Етти кишилик уруш кийими, совутлари бўлиб, булар ичида биттаси Довуд алайҳиссаломдан қолган, уни яҳудлардан ўлжа олмиш эдилар. Вафотларидан озгина илгари шу совутлардан бировини ўттиз соъа арпага гаров қилганлари ҳадис китобларида ёзилмишдур.

Уч дона қалқон, олти дона найза, икки дона дубулғалари бор эди. Минарлик уовлардан етти от, олти хачирлари бўлиб, булар ичида бир оқ хачир Миср подшоси Муқовқис юборган ҳадылар билан келмиш эди. Расулуллоҳ сафарда шуни кўпроқ минар эдилар. Бул хочир узун умр кўриб, тишлари тушиб, кўзлари хиралашиб яшаммиш эди. Ҳазрати Али хаворижлар билан урушганида шу хачирни минган эдилар. Ҳазрати Алидан кейин имом Ҳасан, имом Ҳусан, имом Муҳаммад Ҳанафийа минган эдилар.

Яна икки эшаклари бор эди. Бирининг оти Яъфур, яна бириси Уфайр эди. Расулуллоҳ вафотларидан сўнгра Яъфур ўзини қудуққа отиб ҳалок қилди. Яна миниш учун боқилган учта туялари бўлиб, улар Қасво, Жадъо, Азбоа деб аталмиш эдилар. Булар ичида Азбоа бек чопоғон — югурук бўлиб, пойга чопишганида туялар ҳеч олдига ўтмаган эди. Саҳобалар мун пойгага қўшар эдилар.

Расулуллоҳнинг вафотларида шу туялари мотам тутиб, емай-ичмай, охири очликдан ҳалок бўлди.

Расулуллоҳ ичимликлар ичида сутни яхши кўрар эдилар. Соғишга аталган бир неча қўй-эчкилари ҳам бор эди. Бу ҳақда еттидан юзгача ривоят қилинмишдир. Тун саҳарларида, намоз вақтларида қичқирганини яхши кўриб, бир дона оқ хўроз ҳам асраган эдилар.

— Хўроз қичқирганини эшитсанглар, Аллоҳдан яхшилиқ сўраб дуо қилинлар, чунки у фаришталарни кўриб қичқиради. Агар фаришталар «омин» десалар, дуо қабул бўлади.

Агар эшак ханграса, унда Худодан паноҳ сўранглар, у эрса шайтонни кўриб ханграйди, — дедилар.

Мана, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умрларининг охирида кўлларига бор моллари шу эди. Булар ҳам ҳижратдан кейин йиғилган моллардур. Ҳижратдан илгари Маккада турган чоғларида ва Мадинага янги келганларида энг фақир, энг мискин оилалар қаторида умр ўтказур эдилар. Кўпчилик халққа кўрсатган, ўргатган йўллари эрса, Қуръоннинг зоҳирий шариат йўллари эрди. Лекин ўзлари оилалари билан тариқат йўлини тутдилар Абу Зар Гифорий, Салмон Форсий, Абу Дардоъ каби хос саҳобаларига ҳам ихтиёрий равишда шу йўлни ўргатдилар. Чунки шариат камоли тариқат билан бўлур.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Менинг уламо умматларим Бани Исроил пайгамбарлари кабидур, — дедилар.

Шу мақомга етган бу умматнинг ҳақиқий чин уламолари ҳам шу йўлни ихтиёр қилдилар, чунки Қуръонда: **«Иннама амвалукум ва авладукум фитна»**, яъни: *«Сизларнинг молинглар, бола-чақанглар Худодан қолдирадиган нарсалардур»*, деб марҳамат қилинган. Энди шундай бўлгач, бу фитнадан қугулиш учун Расулуллоҳ йўлига кириб, айтган сўзларига амал қилишдан бошқа чора йўқдур. Чунки Аллоҳ таоло Пайгамбаримиз ҳақида *«Бутун олам халқига раҳмат етказиш учун сени юбордик»*, деди. Расулуллоҳнинг кўрсатган йўлидан бошқа ҳамма жойда раҳмат эшиги ёпиқдур. Олам ҳалқи Аллоҳнинг раҳматига Расулуллоҳнинг келтирган Ислом йўли билан ета олгайлар.

Ислом дини янги бошланишида хотинлар ҳам ўрганиш учун жамоат намозига чиқишар эди. Бомдод намозида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам узун суралардан қироат қилар эдилар. Болалик хотинлар ҳам эмизик болаларини йўргаб қўйиб намозга туришур эди. Бир куни бомдод намозида бир боланинг йиғлаган товушини эшитганларида, болани аяб шу кунги қироатни икки «Қул аъзузу» сураси билан тутатдилар.

Ваҳий келишдан илгари ёшликларида Абдуллоҳ деган кишидан туя сотиб олган эдилар. Ўрталарида бир иш бўлиб:

— Эй Муҳаммад, шу жойда тўхтаб тургил, мен ҳозир келаман, — деб кетганича, эсидан чиқиб кетиб,

уч кунгача келмай қолди. Сўнгра эсига тушиб келиб қараса, Расулуллоҳ ваъдаларини сақлаб, уч кундан бери шу жойда кутиб турган эканлар.

Яна Расулуллоҳнинг одатларидан бири узоқ-яқиндан келган элчиларга ўзлари ҳам хизмат қилар эдилар. Агар саҳобалар:

— Ё Расулаллоҳ, хизматга биз етарликмиз, — десалар, Расулуллоҳ:

— Булар биздан борган кишиларни кўп ҳурмат қилган эканлар. Шу қилган яхшиликларини қайтармоқчи бўлиб, буларга ўзим хизмат қилгим келди, — дер эдилар.

Ҳазот сафарларининг бирида бир саҳоба туриб:

— Ё Расулаллоҳ, мол сўйиш меним устимга бўлсин, яна бири ош пишириш менга бўлсин, — деди.

Анда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Ўтин териш менга бўлсин, — дедилар.

Яна Расулуллоҳ такаббурчиликдан бек қаттиқ сақлалиб, ҳеч бир ишда халқдан бошқача кўринишни, ўлтириш-туришда алоҳида бўлишни ёқтирмас эдилар. Тавозелари ниҳоятига етган эди. Қурбонлик қилган қўй терисидан бир пўстак қилиб, уйларига солган эдилар. Зиёратга келган одамнинг тагига уни тўшаб, ўзлари қоқ ерда ўлтирар эдилар.

Бир куни Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтириб:

— Эй Муҳаммад, агар хоҳдар экансиз, Худо сизни ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ қилур, — деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам подшоҳликни хоҳламай, пайғамбар бўлиб, Худога қулчилик қилишни ихтиёр қилдилар. Расулуллоҳнинг ёнбошлаб ётиб ёки оёқ чўзиб ўлтириб таом еганларини ҳеч ким кўрмаган эди.

— Мен ҳам Худонинг қулидурман. Қул хўжаси олдида қандоқ ўлтирса, қандай таом еса, мен ҳам шундоқ таом ейдурман, — дер эдилар.

Расулуллоҳ дунё молини йиғмадилар, унга ҳеч кўнгиш қўймадилар, кунда ўтган овқатга қаноат қилдилар. Макка шаҳри олингандан сўнгра Қурайш қабиласи итоатга келди. Бутун Арабистонга Исломи дини тарқалди. Муҳожирлар ҳар тарафдан ғанимат мол олиб Мадинага келтирдилар. Бу молларни қандоқ қилсалар, ихтиёр ўзларида эди. Шундай бўлса ҳам юз минглаб келган тилло тангалардан бирортасини олиб сақламдилар. Уларнинг ҳаммасини муҳтожларга тарқатиб,

ўзлари эса фақир оилалар қаторида кун кечирар эдилар. Энг охирги «Ҳажжатул вадо»га борганларида бутун Арабистондан келган халқ Арафотга йиғилган эди. Шундаги минган туяларининг тўқими жабдуғи билан тўрт тангача ҳам турмас эди. Расулуллоҳ бойликдан фақирликни ортиқ кўриб: «Фақирлигимга қувониб мақтанурман» дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

— Насоролар Исо алайҳиссаломни ҳаддан оша мақташиб, охири у зотни банда дейишмай, Худо эди, Худонинг ўғли эди, дейишиб ҳақ йўлдан адашдилар. Балки мени Аллоҳнинг қули, унинг пайғамбари денглар, — деб умматларига ўргатдилар.

Абу Ҳурайра айтди: «Бир куни Расулуллоҳ билан Мадина бозорига чиқиб, кўйнаклик бўз олмоқчи бўлди.

Анда Расулуллоҳ тарозибонга қараб:

— Тўғри тортигил, — дедилар эрса, у ирғиб туриб қўларини ўпмоқчи бўлган эди, тортиб олиб:

— Ажам халқи подшоларига шундоқ қиладилар. Мен подшо эмас, сизлардан чиққан бир одамман, — дедилар.

Сўнгра бозордан олган нарсаларини мен кўтармоқчи бўлган эдим Расулуллоҳ:

— Ҳар ким молини ўзи кўтаргани яхшидур. Узр-сиз ҳеч ким бировга юк бўлмасин, — деб олган нарсаларини ўзлари кўтардилар.

Бундан умматларига ибрат қолдирдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёни суймадилар, унинг ноз-неъматига адданмадилар. Дунёнинг ҳеч бир нарсасига қизиқиб қарамадилар, озга қаноат қилдилар. Тоғ-тошлардаги олтин-кумуш конлари, балки улуғ тоғлар, қип-қизил тилло бўлиб Расулуллоҳга кўринди. Ундаги ҳар турлик гавҳар тошлар:

— Ё Расулаллоҳ, мендан олинг, — деб ўзига қизиқтирмоқчи бўлди, ҳеч бирига назар солмадилар. Дунёдан ўтганларича шу ҳолда турдилар. Вафот бўлганларида оила ҳожатлари учун совутлари бир яхудийга гаровга қўйилган эди.

Оиша онамиз:

— Расулуллоҳ вафот бўлгунларича уч кун бирдек сурункасига буғдой нонга тўйганимизни билмаймиз. Тилло танга, жонлик-жонсиз ҳеч бир нарса бизга меҳрос бўлиб қолгани йўқ. Расулуллоҳ меним уйимда ўз

қучоғимда туриб жонлари узилди. Шу куни бир озгина арпадан бошқа ейдиган ҳеч нарса йўқ эди, — дедилар.

Расулуллоҳ:

— Макканинг қумтошларини олтин қилиб менга тенгладилар. Ё раббим, бир куни тўқ, бир куни оч бўлганим яхшидур. Оч бўлган кунларим сенга ёлворурман. Тўқ бўлдим эрса, сенга ташаккур қилурман.

Онамиз Оиша айтади:

— Бирор оилаб уйимизда ўт ёқиб, қозон қайнамаган кунларимиз кўп бўлур эди. У вақтда нон ҳам йўқ, қуруқ хурмо бўлиб, ундан еб устидан сув ичар эдик. Расулуллоҳнинг тўшак ёстиқлари эрса меш теридан ясалиб, ичига хурмо қипиғи тўлдирилмиш эди. Эланган оқ буғдой нонни, ўтлаган семиз қўй этини умр ичида кўрмадилар. Қорин тўйдириб таом емадилар, кечаси оч ётиб, яна кундузи рўза тутар эдилар. Қайси бир кунлари Расулуллоҳга раҳмим келиб йиғлар эдим. Орқаларига ёпишган қоринларини силаб:

— Ота-онам сизга фидо, ё Расулаллоҳ, дунё нознеъматларидан бироз фойдалансангиз нима бўлур? — дедим.

Анда ул зот:

— Эй Оиша, ўтган пайғамбар биродарларим мундан ҳам қаттиқчиликларга чидаб юриб, Парвардигор олдига бордилар. Уларга Аллоҳ кўп ҳурматлар кўрсатиб, улуғ неъматлар ато қилди. Энди мен шуларнинг аҳволини билатуриб дунёдан лаззатланишга ҳаё қилурман, — дедилар.

Бир куни Ҳазрати Али карамаллоҳу ваҳҳа:

— Ё Расулаллоҳ, сизнинг суннатингиз қайсидур? — деб сўрадилар.

Анда Расулуллоҳ:

— Маърифат меним сармоямдур, динимнинг асли ақдур. Ишимнинг асоси муҳаббатдур. Муҳаббатсиз ҳеч иш вужудга келмас. Қуролим илмдур, илмсиз амални Худо қабул қилмас. Сабр меним либосимдур. Сабрсиз иймон камолга етмас. Касбим жиҳоддур, мундан қочганлар хорликка қолгайлар. Ҳамроҳим Худо ёдидур. Ҳунарим дунёни тарк қилишдур. Бойлигим Худо хазинасига ишонишдур. Кўзим нури, кўнглим чироғи намоздур. Кўнглим меваси Худо зикридур. Фақирлигимга фаҳрим бордур. Фамим умматим учундир. Шавқим Худо дийдорини кўришдур, — дедилар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади:

— Эй мўминлар! Хабибим Муҳаммадни сизларга пайғамбар қилиб юбордим. Унинг айтган сўзларини, қилган ишларини яхшилик ўлчови қилдим. Ҳар нима-ни қилмоқчи бўлсанглар, шунга қараб, шундан ибрат олиб қилинглар.

Демак, Расулуллоҳнинг айтган сўзлари, қилган ишлари умматлари учун саодат ўлчови экандур. Агар умматлари шунга қараб иш олиб борсалар, ҳақ йўлдан ҳеч адашмайдилар. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

— Худо тарафидан бир йўл келтирдим. У эрса Исломи динидур. Инсонлар учун мослашган бир илоҳий қонундир. Тўғри, кенг, юмшоқ ва ёруғ йўлдур. Бу йўлнинг боши — шу дунёда, оёғи у дунёда — жаннатдадур. Бундан ташқари чиққанлар охиратда абадий азобга қолгайлар, бу дунёда эрса, қўллари ишдан бўшамагай. Кўнгиллари ғам-қайғудан чиқмагай. Агар умматларим шу йўлдан четга чиқмай тўғри турсалар, қайси ёққа қўл узатсалар, ризқини олиб ейди, — дедилар.

Расулуллоҳнинг бу сўзлари ҳақдур, чунки шунга ўхшаш сўзларни Аллоҳ амри билан айтурлар.

## ТУГАНЧИ

*(хотима)*

Энди Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг умматлари учун шунча қилгон оғир хизматлари, ислом дини йўлида тортган чексиз азоблари, машаққатларининг ажр-савобларини у зотга Аллоҳ таоло Ўзи ато қилсин.

Бу китобда ёзилган Расулуллоҳнинг сифатларини ўқиганлар, ҳар бир ўринда айтган сўзларини англаб, қилгон ишларидан мусулмонлар улғу олиб, амал қилсалар, Аллоҳнинг улғу раҳматига лойиқ бўлиб, унинг дийдорига мушарраф бўлгайлар, иншааллоҳ. Ушбу сўзларини тўплаб, китоб ёзгувчи бу гуноҳкор бандани ҳам эскариб дуода ёд қилгувчилар бўлса, уларни ҳам Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қиёмат куни шафоат вақтида ёд қилгайлар.

Эй Раббим, мундоқ улғу неъматни — ҳабибинг Расулуллоҳ, Ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоху

алайҳи васалламнинг тарих ва тавсифларини ёзишни мендек ғариб қулингга насиб қилдинг. Мен энди бу улуғ давлат шукрини қандоқ адо қила олгайман? Унинг даргоҳида шу тилим бирла нима деб шукр айтишимни била олмайман.

Байт:

*Бу улуғ неъматни шукрин мен каби ожиз қули,  
Қанча айтса бўлдиролмасгур анинг мингдин бири.*

Имом Бухорий ривоят қилур, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтурлар: «Илон одамни кўрганида ўз инига қараб қочганидек, иймон ҳам Мадинага қочади». Расулуллоҳ охирзамон аломатлари баёнида бу сўзни демишлардур. Аларнинг айтганлари шу кунларда бошимизга келиб, кўзимиз билан уни кўриб турибмиз.

Улуғ авлиёлардан имом Шаъроний айтадур: «Тарих ҳижрат бир мингдан ўтди эрса, ажойиб замонлар бўлғай. Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, кўнгилга келмаган ишларни кўргайлар. Илм ошиб, ҳунар кўпайиб, табиат сирлари юзага чиққай. Лекин дин ташланганликдан иймон, инсоф, адолат ер устидан кўтарилғай.

Расулуллоҳ айтганларидек, шу кунларда бутун Ер усти кофирларга тўлди. Ярим миллиарддан кўп мусулмон аталган кишилар ичида Ислому ҳомийи бўлғудек бирор подшо ёки бирор ҳукумат ҳеч ерда йўқдур. Динсизлик офати бутун оламни қопламишдур. Дин илми ҳалқ кўнгилидан бурунданоқ кўтарилмиш эди. Яқин минг уч юз йил исломиятда ўтган Бухоро, Самарқанд, Фарғона, буткул Туркистон болалари шу кунларда мусулмончиликдан «Бисмиллаҳ»ни ҳам билмай қолдилар. Оғизда бўлса ҳам иймон калимасини ўқишдан ажрадилар. Ер устига тарқалмоқда бўлган динсиз коммунистик ҳокимиятига биринчи қадамдаёқ ватанлари, динлари, ўзлари қурбон бўлди. Шарқий Туркистонни Хитой босқинчилари босиб олиб, ерлик мусулмонларни инсонлик ҳуқуқларидан бутунлай ажратдилар. Шу кунларда эса шу ялмоғизларга босқин бўлиб, аларни еб-ютиб, сингдириш даражасига олиб келиб қўйдилар. Қуръоннинг хаши, Исломининг номигина қолади, деган Расулуллоҳнинг сўзларича шу кунгача узилмаётган Исломининг қуруқ номи ҳам энди унутилишга яқин-

лашди. Мана шундай оғир бир даврда мен бу қутлуғ китобни ёзишга киришдим.

Тарих ҳижратнинг 1380 йили 26 рамазон ойида «Кохота» маҳалласида бу китобни оққа кўчирдим. Мунинг устида жон ҳовучлаб юриб, қўрқинчилик билан кўп йиллар ўтказдим. Аллоҳнинг ёрдами, Расулуллоҳнинг шарофатлари бўлиб, охири шу тилагимга етдим.

Кишилар:

— Энди замона ишлари шундай бўлса, сенинг бу китобингни кимлар ўқиб, ким бунга қизиқади? Бунинг бозори қачонлардан бери касод бўлиб, дўконлари бузилмиш эди. Бу сўз гавҳарига энди ким ҳаридорчилик қилади? — десалар, аларга жавоб ушбу ҳадиси шарифдур:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Исломи дини дастлабда ғариблик билан бошланди, энг кейин яна ғарибликка қайтади. Шу ғарибликка тушган динларини ташламай кутган ўша замондаги ғариб мўминлар меним қандай яхши умматларимдур! Дин ғариб бўлиб, шариати ташланган кунларда ким менинг суннатимга қаттиқ ёпишиб, олов чангаллагандек қийналса ҳам ундан ажрамай дунёдан ўтса, Аллоҳ таоло ундай мўминга юз шаҳиднинг савобини ато қилади, — деб марҳамат қилдилар».

Яна Расулуллоҳ айтдилар:

— Меним бир тоифа умматим бордурким, қиёмат бўлгунча ҳам ҳақ йўлдан адашмайдилар.

Мана бу ҳадислар «Саҳиҳ Бухорий»да ва бошқа ҳадис китобларида ҳам бордур. Шу мазмунда келган яна бошқа ҳадислар ҳам кўпдур. Ҳадисларнинг мазмунларича, Ҳазрати Исо алайҳиссалом осмондан тушиб, Дажжолни ўлдирганларидан сўнгра яна қирқ йил умр кўргайлар. Ўша замонда бутун дунё халқи Исломи динига киргай. Исо алайҳиссалом Қуръон ҳукмини бутун Ер юзига юргизгайлар. Бу зот вафот топгандан сўнгра яна оламни куфр қоронғилиғи босгай. Ана шу чоғда ҳам Байтуллоҳни мусулмонлар тавоф қилишар экан.

Ҳадислардан маълум бўлурким, дин ҳар қанча заифлашиб ер устида Исломи ҳукумати қолмаса ҳам, лекин ҳақиқатдан адашмайдиган бир тоифа умматлари қиёматгача Ер устидан узилмас эканлар. Энди мен ҳам ўзимни ҳақ йўлдан адашмайдиган шу мўминлар қаторига қўшдим. Шунинг учун мен бу китобимни Расулуллоҳнинг шу тоифа умматларига атаб ёздим.



Менинг бу китобимни, иншааллоҳ, шулар ўқиб, фойдаланиб, баҳра оладилар, деб Аллоҳдан умид қилдим.

Эй меҳрибон Раббим! Сен рози бўлгудек, Пайғамбаринг яхши кўргудек ҳақ йўлда жонбозлик қилмоқчи эдим. Тақдирга тўғри келмагач, у тилагим қўлга келмади. Бу ҳақда қилган бандачилик гуноҳларим учун ўзингдан афв ўтинадурман.

Эй улуғ тангрим! Энди эрса ёшим етмиш учдан ўтди, ёшлигим гафлат била қўлдан кетди, сенинг даргоҳинга борар чоғим яқинлашди. Ҳабибинг Мухаммаднинг шафоатидан, Ўзингнинг чексиз раҳматингдан бошқа менинг паноҳим йўқдур.

Эй Раббим, менинг фарзандларимни ва мендан тарқалган насларимни ҳақ йўлда адаштирмагил. Бу китобни ўқиб, бунга амал қилган мўминларни Ҳавзи Кавсар сувидан қондириб, Расулуллоҳ шафоатларини аларга насиб қилгил. Маълумдурким, шу кунги даврда динсизлик офати бутун дунёга тарқалди. Мунинг энг қаттиқ зарбаси биз ерлик халқ — Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон мусулмонлари устларига тушди. Бахти қочган бечора халқимиз ҳақиқий исломиятдан кўп йил илгарийёқ ажраган эдилар. Шунинг натижасидурки, охири ватанларидан, динларидан, бутун инсоний ҳуқуқларидан ҳам ажрадилар. Лекин юзаки исломият Ўзбекистон ва Шарқий Туркистон мусулмонлари ичидан шу кунларгача ҳам кўрилмоқда эди. Энди бундан ҳам ажралиш навбати етиб келди. Дунё бўйича турклик бешиги ҳисобланган икки Туркистон ватанимизни ютиб, сингдириш учун коммунистик ҳокимияти остида Шарқдан қора ялмоғизлар, Фарбдан сариқ ялмоғизлар ўз эрklarича ейишга киришдилар. Миллий, диний расм-одатларимизни, айниқса, диний ишларимизни туб илдизидан қуритдилар. Ватаним мени ҳайдаса ҳам, ўзимга суюкликдур. Миллатим мени хўрласа ҳам ўзимга қадрликдур. Булар учун ҳар яхшиликни қилмоқчи эдим, қилмадим. Оз бўлсаям қилмай қараб туролмадим ва келажақдаги қаҳрамон миллат болаларига, балки бутун Туркистон мусулмонларига ўзимдан ёдгорлик қолдирмоқчи бўлиб она тилда Чигатой туркийси билан бу китобни ёздим. Саводлик, саводсиз, турк тиллик ҳар қандай кишиларга ҳам тушунарлик бўлсун деб арабий, форсий сўзларни кўп аралаштирмадим. Бундин мақсад Ислом динини халққа тушунтириш, Пайғам-

баримиз Муҳаммад алайҳиссаломни умматларига та-  
нутиш эди.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло ҳар элнинг ўзидан  
пайғамбар чиқариб ўз тили билан китоб туширган  
эди.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳисса-  
ломни бутун дунё халқи, инсу жинга пайғамбар қилиб  
юборди. Анинг динини дунё халқига тарқатиш хизма-  
тини ҳар эл, ҳар ернинг ўзидан чиққан уламолариға  
топширди.

Шундай бўлгач, ҳар миллатнинг ўзидан етишган  
олимлари Аллоҳ амрини, Қуръон ҳукмини шуларнинг  
ўз тилларида очиқ-ойдин қилиб айтиб туришлари, ал-  
батта, лозимдур. Ўқиганда ёки ўқитиб эшитганда ки-  
шилар тушунгудек қилиб ўз тилларида китоблар ёзиб  
қолдиришлари зарурдир. Шу сабабдан мен бу китобни  
бошқа тил қўшмай сўзларини соддалаштириб ёздим.  
Ўқиган ва эшитганлар яхши тушуниб турсалар, мақ-  
садимиз шулдур.

Бу китобни ёзганимда ушбу асарлардан фойдалан-  
дим: «Зоду маъод», «Сийратул Ҳалабийя», «Сийратун  
набий», «Шифои Шариф», «Нурул яқин». Шуларни  
кўз олдимда тутдим, айниқса, «Сийратул Ҳалабийя»-  
нинг маълумоти кенгроқ бўлгач, унга кўпроқ қарадим.  
Меърож воқеасини «Саҳиҳ Бухорий»дан кўтардим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тарих-  
лари, ёзилмиш китобларнинг мўътабарлари шулардур.  
Ушбу асарларнинг муаллифларини Аллоҳ раҳмат қил-  
син. Расулуллоҳнинг сифатлари, таржимаи ҳоллари,  
балки кундалик қилган ишларини бизларга етказган  
зотлар саҳобалардур. Аллоҳ улардан рози бўлсин, улуғ  
ажрлар ато қилсин.

Меним яна васиятим шулдурким, ўз авлод-насла-  
римдан ҳар бир оилада бу китобдан бир нусха сақла-  
ниши, албатта, зарурдир. Агар келгуси замонларда им-  
коният топилар экан, беш-ўн минглаб бостириб, ҳар  
икки Туркистон халқига, асли ватан эгаларига тарқа-  
тишни уларга топширдим. Меним бу топширигимни  
вақти келганда бажариш ўз авлодим устига юкланган  
муқаддас бир улуғ вазифадур.

Агар мусулмонлар шу китобда ёзилмиш сўзларни  
амалга оширсалар, Расулуллоҳ сўзларича, дунё хорли-  
гидан, охират азобидан қутулишлари шубҳасиздур. Ҳеч  
бўлмаганда Пайғамбаримиз айтган қиёматгача ҳақ

йўлдан адашмайдиган, нажот топган бир тоифа умматларидан бўладилар ва ҳам ислом динининг асосига тушуниб, динсизлик балосидан ўзларини, авлод-наслларини қутқара оладилар. Чунки, бу балодан қутулиш учун дин тарихини билишдан ўзга чора йўқдур. Дин тарихини билишга, Расулуллоҳнинг таржимаи ҳолларидан хабардор бўлишга бизнинг китобимиз кафилдур.

Хоҳи авлодларим, хоҳи бошқа ватандош дин қариндошларимиз бўларлар, ибрат кўзини очиб, ақл кўзгусини қўлига олиб, ҳар йили бу китобни бир йўл бошдан-оёқ ўқиб туширишни ўзларига вазифа қилсинлар. Иншааллоҳ, китоб хатм бўлган чоғда қилган дуолари Худо даргоҳида мақбулдур. Анинг учунким, 360 жангчи — Бадр ғозийларининг муборак исм-шарифлари бу китобда ёзилмишдур. Шунинг учун ўқигувчиларнинг дуолари ижобат бўлиб, офат ва балолардан омонда бўлғайлар. Шу ҳақда айтилмиш аларнинг хосиятлари мўътабар, улуғ ҳадис китобларда ёзилмиш, ваъдалари тажриба қилинмишдур.

Эй фазли карамлик, раҳмон, раҳим сифатлик, меҳрибон Раббим! Бу китобда номлари ёзилган яхши бандаларнинг ҳаққи-ҳурмати, мен ғариб қулингни ёлғончи қилмагил, ўқигувчиларни офат ва балолардан асраб, иймонларини саломат сақлаб, охиратларини обод қилгил. Мендан кейин авлод-наслларим ҳақ йўлдан адашиб, Расулуллоҳ олдида хижолатга қўймагил. Буларнинг динларини, дунёларини, охиратларини ўзингга омонат топширдим.

Бу китобимни ёмон кўздан, ёмон қўллардан сақлаб, қиёматгача бундан фойдаланишни Муҳаммад умматига насиб қилгил.

Эй бор Худоё, Муҳаммад умматини раҳмат қил, уларни балодан қутқаргил. Абадий-азалий илминг сигдирганича Расулуллоҳга ва унинг аҳли байтларига, асҳобларига биздан салават ва саломларимизни еткур-гил. Омин.

Ҳижрий 1380-йил Рамазон ойининг 26-кунида Тошкент шаҳри, «Қоҳота» маҳалласида бу китобни оққа кўчирдим.

**Алихон СОҒУНИЙ**  
**Шокирхўжа ўғли Муҳаммадхўжа ўғли**  
**Мирниёзхўжа ўғли.**

## МУНДАРИЖА

Пайғамбаримизнинг насаблари ва туғилишлари . . . . .	14
Эмиздирилишлари . . . . .	16
Кўкси ёрилиш воқеаси . . . . .	17
Оналари билан Мадинага сафар ва ундан қайтишлари . . . . .	19
Амакилари Абу Толибнинг тарбиясига ўтишлари . . . . .	20
Ҳадича савдогарчилигига вакил бўлиб, Шом сафарига чиққанлари . . . . .	23
Ҳадичага никоҳланишлари . . . . .	26
Байтуллоҳнинг дастлабки биноси . . . . .	30
Ҳажарул асвад тарихи . . . . .	32
Пайғамбарлик, ваҳийнинг келиши . . . . .	36
Амир Ҳамзанинг Исломга кириши . . . . .	47
Ҳазрати Умарнинг иймон келтириши . . . . .	49
Ислом динига умумий даъват ва Ҳабашистонга биринчи ҳижрат . . . . .	53
Ҳабашистонга иккинчи ҳижрат . . . . .	63
Нажшийга қарши воқеа . . . . .	67
Саҳийфа воқеа . . . . .	72
Туфайл ибн Абу Амрнинг Исломга кириши . . . . .	76
Бани Қайс шоири Аъшонинг воқеаси . . . . .	79
Пайғамбаримизни масхара қилган Қурайш раисларининг воқеаси . . . . .	80
Ракона ибн Абду Язид воқеаси . . . . .	85
Ҳадича онамизнинг вафотлари . . . . .	86
Тойиф халқини динга даъват қилиш . . . . .	87
Меърож воқеаси . . . . .	92
Қурайшдин бошқа қабилаларни Исломга даъват қилиш . . . . .	99
«Дорун-Надва» маслаҳати . . . . .	118
Мадинага ҳижрат . . . . .	123
Пайғамбаримизнинг Мадинага киришлари . . . . .	132
Ислом оламида қурилган биринчи масжид . . . . .	142
Азоннинг жорий этилиши . . . . .	144
Мадина яҳудларининг тарихи . . . . .	146
Ғазотнинг бошланиши . . . . .	155
Бувот ғазоти . . . . .	156
Ал-Ушайра ғазоти . . . . .	156
Қибланинг йўтқалиши (ўзгариши) . . . . .	160
Рўзанинг фарз бўлиши . . . . .	162
Закотнинг фарз бўлиши . . . . .	163
Бадр ғазоти . . . . .	164
Асирлар ҳақида музокара . . . . .	181
Қайнуқоъ ғазоти . . . . .	193
Савиқ ғазоти . . . . .	195
Каъб ибн Ашрафнинг ўлдирилиши . . . . .	199
Ғатафон ғазоти . . . . .	201
Уҳуд ғазоти . . . . .	203

Ҳамроул Асад ғазоти . . . . .	247
Урана воқеаси . . . . .	256
Азал ва Қорра қабилаларининг хиёнатлари . . . . .	257
Маувна воқеаси . . . . .	259
Банин-Назир ғазоти . . . . .	261
Зотир-Риқоъ ғазоти . . . . .	264
Иккинчи Бадр ғазоти . . . . .	266
Давматул Жаңдал ғазоти . . . . .	269
Бадр жанги розийларининг исмлари . . . . .	272
Бани Мусталиқ ғазоти . . . . .	277
Яна бир воқеа . . . . .	282
Ҳандақ ғазоти . . . . .	285
Бани Қурайза ғазоти . . . . .	300
Қуруто чопули . . . . .	303
Бани Лихён ғазоти . . . . .	313
Ғоба ғазоти . . . . .	314
Зайд ибн Ҳорисанинг чопули . . . . .	316
Ҳудайбия қиссаси . . . . .	318
Хайбар ғазоти . . . . .	344
Ғатафон қабиласининг воқеаси . . . . .	359
Пайғамбаримизнинг подшоларга ёзган номалари . . . . .	364
Рум подшоси Қайсарга юборилган нома . . . . .	366
Эрон шоҳи Хисравга юборилган нома . . . . .	373
Ҳабашистон подшоси Наҷошийга юборилган нома . . . . .	376
Миср подшоси Муқовқисга юборилган нома . . . . .	378
Баҳрайн подшоси Мунзар ибн Савийга юборилган нома . . . . .	380
Уммон подшоларига юборилган номалари . . . . .	382
Яммон ўлкасининг амири Ҳавза ибн Алига юборган но- малари . . . . .	383
Ҳорис ибн Абу Шумурга юборган номалари . . . . .	385
Водил Қуро воқеаси . . . . .	387
Қурайш баҳодирларидан уч кишининг иймон келти- ришлари . . . . .	388
Ҳавозин воқеаси . . . . .	394
Бани Мурра воқеаси . . . . .	395
Майфаъа воқеаси . . . . .	395
Ғатафон воқеаси . . . . .	396
Умратул қазо воқеаси . . . . .	397
Ғолиб ибн Абдуллоҳ чопули . . . . .	402
Бани Мурра қабиласига чопул . . . . .	404
Муъта ғазоти . . . . .	405
Зотис-салосил ғазоти . . . . .	413
Алхабат ғазоти . . . . .	416
Макка шаҳрининг фатҳи . . . . .	416
Ҳунайн ғазоти . . . . .	442
Табук ғазоти . . . . .	463
Нажрон элчилари . . . . .	491

Дориюлар воқеаси . . . . .	494
Бани Омир элчилари . . . . .	496
Зимом ибн Саълаба воқеаси . . . . .	501
Абдулқайс элчилари . . . . .	502
Бани Ҳанифа қабиласининг элчилари . . . . .	506
Тай қабиласи элчилари . . . . .	507
Адий ибн Ҳотам қиссаси . . . . .	507
Қиңда қабиласининг элчилари . . . . .	512
Азди Шануъа қабиласининг элчилари . . . . .	513
Ҳимяр подшоси элчилари . . . . .	514
Фарва ибн Амрулжузомий элчиси . . . . .	515
Бани Ҳорис қабиласининг элчилари . . . . .	516
Ҳамдон қабиласи элчилари . . . . .	517
Тужиб қабиласидан келган элчилар . . . . .	519
Бани Саълаба қабиласининг элчилари . . . . .	521
Бани Саъд элчилари . . . . .	521
Бани Фазора қабиласининг элчилари . . . . .	522
Бани Асад қабиласининг элчилари . . . . .	525
Бани Узра қабиласининг элчилари . . . . .	526
Бани Балий қабиласининг элчилари . . . . .	528
Бани Мурра элчилари . . . . .	529
Ҳавлон қабиласининг элчилари . . . . .	530
Бани Муҳориб элчилари . . . . .	531
Судо қабиласининг элчилари . . . . .	533
Нахаъ қабиласининг элчилари . . . . .	534
Расулуллоҳ мўъжизалари . . . . .	535
Иккинчи мўъжиза . . . . .	547
Учинчи мўъжиза . . . . .	548
Тўртинчи мўъжиза . . . . .	549
Бешинчи мўъжиза . . . . .	550
Олтинчи мўъжиза . . . . .	550
Еттинчи мўъжиза . . . . .	551
Саккизинчи мўъжиза . . . . .	551
Тўққизинчи мўъжиза . . . . .	552
Ўнинчи мўъжиза . . . . .	554
Ўн биринчи мўъжиза . . . . .	554
Ўн иккинчи мўъжиза . . . . .	555
Ўн учинчи мўъжиза . . . . .	556
Ўн тўртинчи мўъжиза . . . . .	557
Ўн бешинчи мўъжиза . . . . .	559
Ўн олтинчи мўъжиза . . . . .	560
Ўн еттинчи мўъжиза . . . . .	561
Ўн саккизинчи мўъжиза . . . . .	561
Ўн тўққизинчи мўъжиза . . . . .	561
Йигирманчи мўъжиза . . . . .	563
Йигирма биринчи мўъжиза . . . . .	563
Йигирма иккинчи мўъжиза . . . . .	565
Йигирма учинчи мўъжиза . . . . .	566

Йигирма тўртинчи мўъжиза . . . . .	566
Йигирма бешинчи мўъжиза . . . . .	567
Йигирма олтинчи мўъжиза . . . . .	570
Йигирма еттинчи мўъжиза . . . . .	570
Йигирма саккизинчи мўъжиза . . . . .	571
Йигирма тўққизинчи мўъжиза . . . . .	574
Ўттизинчи мўъжиза . . . . .	574
Ўттиз биринчи мўъжиза . . . . .	575
Ўттиз иккинчи мўъжиза . . . . .	576
Ўттиз учинчи мўъжиза . . . . .	576
Ўттиз тўртинчи мўъжиза . . . . .	577
Ўттиз бешинчи мўъжиза . . . . .	577
Ўттиз олтинчи мўъжиза . . . . .	578
Ўттиз еттинчи мўъжиза . . . . .	578
Ўттиз саккизинчи мўъжиза . . . . .	580
Ўттиз тўққизинчи мўъжиза . . . . .	581
Қирқинчи мўъжиза . . . . .	583
Қирқ биринчи мўъжиза . . . . .	585
Қирқ иккинчи мўъжиза . . . . .	586
Қирқ учинчи мўъжиза . . . . .	588
Қирқ тўртинчи мўъжиза . . . . .	589
Қирқ бешинчи мўъжиза . . . . .	590
Қирқ олтинчи мўъжиза . . . . .	591
Қирқ еттинчи мўъжиза . . . . .	592
Қирқ саккизинчи мўъжиза . . . . .	596
Қирқ тўққизинчи мўъжиза . . . . .	597
Эллагинчи мўъжиза . . . . .	601
Элик биринчи мўъжиза . . . . .	602
Элик иккинчи мўъжиза . . . . .	602
Ҳажжатул вадоъ . . . . .	603
Пайғамбаримиз уйллари Иброҳимнинг вафоти . . . . .	612
Расулуллоҳнинг бетоб бўлишлари . . . . .	613
Расулуллоҳнинг тан тузилишлари . . . . .	632
Расулуллоҳнинг ахлоқлари . . . . .	636
Расулуллоҳнинг болалари . . . . .	644
Расулуллоҳнинг амаки ва аммалари . . . . .	647
Расулуллоҳнинг хотинлари . . . . .	649
Расулуллоҳнинг қурноқлари (ходимлари) . . . . .	654
Расулуллоҳнинг уруш қуроллари . . . . .	656
Туганчи (хотима) . . . . .	662

**Алихонтўра СОГУНИЙ**  
**ТАРИХИ МУҲАММАДИЙ**

Мазкур асар мулк эгалари вакилларининг ижозати  
ила чоп этилди

Масъул муҳаррир: Абдулазиз Мансур  
Муҳаррирлар: Доктор Қутлуғхонтўра Шокиров  
(Эдиқут), Абдуллоҳ Асилхонтўра ўғли  
Нашрга тайёрловчи ва муҳаррир: Баҳманёр Шокир  
Нашрга тайёрлашда ёрдам берувчилар:  
Профессор Аҳмадёрхонтўра Шокиров, Аҳад Фаффор  
Туркистоний, Исфандиёр Муҳаммадёр ўғли,  
Миршокир Пўлат ўғли Исроилов,  
Муҳаммад Али Баҳманёр ўғли,  
Муҳаммад Фотиҳ Баҳманёр ўғли

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2004

Муҳаррир *М. Мансуров*  
Бадий муҳаррир *А. Мусахўжаев*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Саҳифаловчи *М.Атхамова*  
Мусахҳиҳалар: *Ю.Бизоатова, Ж.Тоирова,*  
*Н.Охунжонова, Р. Холбекова*

Теришга берилди 26.02.2004. Босишга рухсат этилди 15.09.2004.  
Бичими 84X108<sup>1/32</sup>. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табоғи 35,3. Нашриёт-ҳисоб табоғи 37,2. Адади 10000 нусха.  
Бўлуртма № 245. Баҳоси келишилган асосда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик**  
**компанияси босмахонаси, 700083.**  
**Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**